www.ziyouz.com kutubxonasi

اوزبیکستان س. س. ر. فن لر اکادیمیاسی
ا. س. پوشکین نامیداکی تیل و ادبیات انستیتوتی

## یوسف خاص حاجب

# قوتادغو بلیک
(سعادت کا یوللاوچی بیلیم)

ترانسکریپسیه و حاضرکی اوزبک تیلیکا توصیف
نشرکا طیارلاوچی

فیلولوگیه فن‌لری کاندیداتی
قیوم کریموف

اوزبیکستان «فن» نشریاتی
تاشکند — ۱۹۷۱

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

**ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ**

# ҚУТАДҒУ БИЛИГ

## (САОДАТГА ЙЎЛЛОВЧИ БИЛИМ)

ТРАНСКРИПЦИЯ ВА ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ТИЛИГА ТАВСИФ

Нашрга тайёрловчи
филология фанлари кандидати
*Қаюм КАРИМОВ*

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ—1971

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ю 91

«Қутадғу билиг» Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон ва Қозоғистон туркий халқлари бадиий адабиётининг ўн биринчи асрга мансуб ва ҳозирча бизгача етиб келган илк намунаси бўлиб, том маъноси билан таълимий-тарбиявий руҳда ёзилган дидактик асардир.

Бу ёдгорлик туркий халқлар тарихини, ижтимоий-сиёсий тузумини ўрганиш учун ашёвий далилларга ниҳоятда бой бўлиб, унда ахлоқ-одоб, таълим-тарбия, илм-маърифат, турли ижтимоий табақалар ўртасидаги муносабат-муомала нормалари ҳақида баҳс этилади, давлатни идора қилиш усуллари, ўша давр ҳаёти нормаларининг системаси баён қилинади.

Асар тарихшунослик, этнография учун муҳим манба ҳисоблангани каби, адабиётшунослик ва тилшунослик учун ҳам алоҳида аҳамият касб этади. У Ўрта Осиё туркий тиллари ва адабиёти тарихини ўрганиш, адабиётшунослик, тарихий, қиёсий-тарихий грамматиклар ва лексикография бўйича олиб бориладиган илмий-текшириш ишлари учун бой ва қимматли материал беради.

Қўлингиздаги китоб ношир томонидан ёзилган кириш ва «Қутадғу билиг»нинг рус графикаси асосида транскрипция қилинган тексти ҳамда унинг ҳозирги ўзбек тилига мослаштирилган тавсифидан иборат бўлиб, ҳар жиҳатдан қимматли бу нодир асарни кенг ўқувчилар оммаси ва тадқиқотчи мутахассисларга тақдим қилиш мақсади билан тайёрланган.

Масъул муҳаррирлар:
филология фанлари доктори *С. Муталлибов*
ва филология фанлари кандидати *Ш. Шукуров*

Юсуф Хос Ҳожиб. «Қутадғу билиг»
(Саодатга йўлловчи билим). Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф. Нашрга тайёрловчи филол. фан. канд. Қ. Каримов. Масъул муҳаррирлар: С. Муталлибов ва Ш. Шукуров. Т., «Фан», 1971.
964 бет. (ЎзССР ФА А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт ин-ти). Тиражи 1000.

Юсуф Хас Хаджиб. «Кутадгу билиг» (Знание, дарующее счастье.

4Ўз + 8Ўз

7-2-2

www.ziyouz.com kutubxonasi

## СЎЗ БОШИ

XI асрда яратилган «Қутадғу билиг» поэмаси қардош туркий тилда гаплашувчи халқларнинг ҳозирча бизгача етиб келган биринчи бадиий асари, ўша давр адабий тилидан шаҳодат берувчи ягона намунадир. Шубҳасизки, бу асар тили ўша даврда кенг майдонга эга бўлган қорахонийлар салтанати таркибига кирган барча қабилалар учун тушунарли бўлган. Шунинг учун ҳам бу асарни ҳозирги туркий халқларнинг бирортасига нисбат бериш илмий нуқтаи назардан нотўғри бўлади. Уни ҳозирги қариндош туркий халқларнинг барчаси учун умумий бўлган муштарак хусусиятга молик ёдгорлик сифатида қарамоқ лозим.

Ҳар бир туркий халқ вакиллари бу асарни, унинг тил хусусиятларини чуқур ўрганишга ва ўзлари учун тегишли хулосалар чиқариб олишга ҳақлидирлар.

Мана шу нуқтаи назардан биз ҳар жиҳатдан беқиёс қимматга молик бўлган ушбу асарнинг текстини транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф қилишни ўзбек халқи олдидаги бурчимиз деб билдик ва шу бурчни имкон борича бажардик.

Поэманинг бизгача етиб келган ҳар учала (Вена, Қоҳира, Наманган) нусхаси ҳам тўлиқ эмас. Уларнинг ҳар биридан ҳам айрим байтлар, парчалар ва боблар тушиб қолган, айрим саҳифалар нурсизланиб, ҳатто ўчиб кетган. Лекин булардан мукаммалроғи Наманган нусхаси бўлиб, текст транскрипцияси ва тавсиф шу нусха асосида бажарилди.

Ҳар учала нусхадаги фарқларни қиёслаш орқали бу асарнинг критик текстини тайёрлаш каби шарафли вазифа олима А. А. Валитова томонидан бажарилмоқда. Шунинг учун бизнинг вазифамиз Наманган нусхасини (унинг нуқсонларини бошқа икки нусха асосида тўлдирган ҳолда) тавсиф билан нашрга тайёрлашдан иборат бўлди.

Асарни транскрипция ва тавсиф қилишда биздан олдин шу соҳада қўлга киритилган ютуқлардан фойдаландик, йўл қўйилган нуқсонларни ҳисобга олдик. Шундай бўлишига қарамасдан, бизнинг ишимиз ҳам



www.ziyouz.com kutubxonasi

нуқсонлардан ҳоли бўлмаслиги табиийдир. Шунинг учун мутахассис ва ўқувчиларнинг шу иш бўйича берадиган маслаҳатларини мамнуният билан қабул қиламиз.

Ушбу ишнинг юзага келиши учун барча шарт-шароитларни яратиб берган Тил ва адабиёт институтининг раҳбарларига, ишга кўмаклашган ўзбек тилини тарихий-қиёсий ўрганиш сектори ходимларига, айниқса қўлёзмамизни лутфан кўриб берган ва ўз қимматли маслаҳатлари билан яқиндан ёрдам кўрсатган филология фанлари докторлари, профессорлар А. П. Қаюмовга, Ҳ. С. Сулаймоновга, Ғ. Абдураҳмоновга, С. Муталлибовга, Э. Фозиловга, филология фанлари кандидатлари Ш. Шукуров, Қ. Маҳмудов ва И. Қўчқортоевларга чуқур миннатдорчилик изҳор қиламан.

*Қ. Каримов*

www.ziyouz.com kutubxonasi

## «ҚУТАДҒУ БИЛИГ» АСАРИ ҲАҚИДА

«Қутадғу билиг» асари ҳозирча бизгача етиб келган туркий бадиий адабиёт намуналарининг энг кўҳнаси ҳисобланади. Бу асар XI асрда яратилган бўлиб, унинг майдонга келишининг ўзига хос шарт-шароитлари мавжуд эди.

*Асар яратилган давр ва унинг ёзилиш сабаби.* XI аср қорахонийлар салтанатининг энг юксакка кўтарилган бир даври эди. Бу давлат Юқори Чиндан тортиб Каспийгача бўлган кенг майдонни ўз тасаррруфига олган эди. Кенг ва улуғ давлатнинг маркази Қошғар (Ўрдукент) бўлиб, унинг шимолда муҳим марказларидан Баласоғун (Қуз ўрда), ғарбда Самарқанд шаҳарлари, бу улуғ шаҳарлар ўртасида Ўзкент каби савдо ва сиёсий жиҳатдан марказ бўлган кўп аҳолили буюк шаҳарлари бор эди. Қорахонийлар даврида илм-маърифат, маданият ривожланади, қатор илмий, фалсафий асарлар яратилади. Бу асарлар асосан араб ва форс тилида эди. Зикр қилганимиздек, кенг майдонга ёйилган давлатни идора қилиш осон эмас эди. Марказлашган, ягона қўл остига бирлашган феодал давлати барпо этиш, мустаҳкамлаш, идора қилиш, турли хон ва беклар орасидаги низоларга барҳам бериш у давр ҳукмдорларининг эзгу орзуси эди. Ана шундай давлатни идора қилиш усули, сиёсати, қонун-қоидалари, шунингдек, халқнинг расму одатларини, ахлоқ принципларини ўзида мужассамлаштирган низомнома, қомус сифатида «Қутадғу билиг» майдонга келди.

Асардаги тўрт қаҳрамон идеал орзу тимсоли сифатида гавдаланади: Кунтуғди (чиққан кун) — адолат, Ойтўлди (тўлган ой) — бахт ва давлат, Ўгдулмиш (ақлга тўлган) — ақл, Ўзғурмиш (уйғонган) — қаноат тимсоли. Булар ўртасида бўлиб ўтадиган савол-жавоб, мунозаралар жараёнида авом халқдан тортиб қорахонийлар салтанатининг энг олий даража ҳокими — элиггача бўлган оралиғдаги барча табақа ва тоифаларнинг ахлоқ, одоб, хатти-ҳаракат, муносабат чегаралари ҳақида баҳс боради. Шунинг учун ҳам бу асар панд, насиҳат, таълим-тарбия руҳи



www.ziyouz.com kutubxonasi

билан суғорилган, дидактик жиҳатдан қиммати бебаҳодир. У ақл ва ҳикмат дарслигидир.

*Муаллиф, осарнинг ёзилган йили, муддати ва жойи ҳақида.* Муаллифнинг исми Юсуф. Бу ҳақда ҳеч бир манбада хабар йўқ. Муаллифнинг исми Юсуфлигини ва бошқа маълумотларни шу асарнинг ўзидангина оламиз: Қитаб изиси Юсуф улуғ Ҳажиб ўзинга панд берур, Юсуф Хас Ҳажиб теб ати жави йазилмиш. Асар мазмунидан маълум бўлишича, Юсуф Баласоғунда туғилган, кенг ва чуқур маълумотли бўлган, ўз даврининг бутун илмларидан бохабар бўлган.

Юсуф ўз асарини ёзган пайтида ёши элликдан ўтиб олтмиш томон бораётгани ҳам асардан англашилади:

Тегурди манга элги эллик яшим
(Эллик ёшим менга қўлини тегизди);
Ўқир алтмиш эмди манга кел тею
(Энди олтмиш менга, кел, дея чорлаётир).

Ҳажм жиҳатидан анча катта, бадиий жиҳатидан пухта бўлган «Қутадғу билиг» 6500 байт ёки 13000 мисрага яқин шеърдан иборат. Муаллиф асарни ёзган йили ва муддати ҳақида шундай дейди:

Йил алтмиш эки эрди тўрт юз била,
Бу сўз сўзладим ман тутуб жан сура.
Тугал ўн сакиз айда айдим бу сўз,
Ўдурдум, адирдим сўз эвдиб тера.

Кўринадики, муаллиф ўз асарини ҳижрийнинг 462 йилида (1069—1070 милод) ёзиб тугаллаган. Муаллифнинг шаҳодат беришича, агар у ўз асарини 18 ойда ёзиб тугатган бўлса, уни ҳижрий 461 йилнинг биринчи ярмида бошлаб, 462 йилнинг ўртасида ёки 461 йилнинг ўртасида бошлаб, 462 йилнинг охирида тугатган бўлиши мумкин. Бинобарин асарини тугатган даврда муаллифнинг 50 ёшлар чамасида бўлганлиги ва демак, унинг ҳижрий 410 (1019 милод) йиллар атрофида туғилганлиги маълум бўлади.

Муаллиф ўз асарига «Қутадғу билиг» деб ном берди. «Қутадғу билиг» бахт ва саодатга элтувчи билим, таълим демакдир. Бу ҳақда Юсуф шундай дейди:

Қитаб ати урдум «Қутадғу билиг»,
Қутадсу ўқуғлиқа тутсу элиг.
(Қитоб отини «Қутадғу билиг» қўйдим,
Ўқувчига бахт келтирсин, қўлидан тутсин).

Ҳақиқатан шундай, агар ҳар ким ушбу китобда тилга олинган хислатларга, фазилатларга эга бўлса, ундаги панд-насиҳат, йўл-йўриқларга амал қилиб иш кўрса, бахт-саодат унга ёр бўлади. Шу сабабдандир-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ки, бу китоб, «қаю падшаҳқа йа қаю иқлимқа тегди эрса ғаят эзгусиндин ул ҳукама тэкма бири бир турлуг лақаб ат урдилар». Чинликлар уни «Адабул мулук», мочинликлар — «Аминул мамлакат», Шарқ элининг катталари — «Зийнатул умаро», эронликлар — «Шоҳномаи турки», туронликлар — «Қутадғу билиг», баъзилар «Пандномаи мулук» деб ном бердилар.

Муаллиф китобни Кошғарда битиб тугаллагач, уни Тавғачхон даргоҳига келтиради. Китоб хонга манзур тушганлигидан Юсуфга хос ҳожиблик лавозимини беради. Китобда зикр этилган Тавғач Улуғ Буғра Қорахон (хоқон) Або Али Ҳасан бинни Арслон хон (хоқон) исмлари қорахонийлар сулоласи шажарасида йўқ. Аммо В. Бартольд ўзининг «Қутадғу билиг»да тилга олинган Буғрахон кимдир?» номли мақоласида Ёркентда топилган арабча маҳкама васиқаларида (1081—1135 йилларга оид) шу исмли шахслар ўша даврда яшаганлигини исботлайди.

*Асарнинг топилиши ва ўрганилиши.* «Қутадғу билиг» Юсуфдан ёдгорлик, унинг ўзини мангулаштириш учун қўйган ҳайкали. Не-не шаҳарлар, бинолар, дарёлар, кўллар, тоғ-тошлар, хуллас беҳисоб нарсалар пайдо ва йўқ бўлди. Замона зайли, давр парвози, адоват яғмоси, жаҳолат балоси, зулмат савдоси башарият зеҳни, заковати ва қўли билан яратилган не-не меросларнинг бошига сув қуймади, не-не авлодлар келиб кетмади. Юсуфнинг ёдгорлиги-чи, у сақланди, асрларни кечирди, кўп муддат дом-дараксиз юрди, яхшилар уни яхши асрадилар. «Қутадғу билиг» бизгача етиб келди. У ҳозирча бизга маълум бўлган ва туркий тилда ёзилган биринчи бадиий асар, туркий адабий тили намуналарининг энг кексаси, кўҳна давр боболари тилининг, ҳаётининг ягона шоҳидидир. Шунинг учун ҳам бу асар қимматини мавжуд мезонларнинг ҳеч бирида ўлчаб бўлмайди.

Мана шундай қимматли асар мавжудлиги ҳақидаги дастлабки хабар XIX асрнинг биринчи чорагида пайдо бўлди. Бу асарнинг ҳижрий 843 (1439) йилда Ҳиротда уйғур ёзуви билан Ҳасан Қара Сайил Шамс томонидан кўчирилган нусхаси Туркиянинг Тугот шаҳрига, бу ердан эса ҳижрий 879 (1474) йилда Абдураззоқ Шайхзода бахши учун Фанари ўғли Қади Али томонидан Истамбулга келтирилган. Уни машҳур тарихчи ва шарқшунос Хаммер Пургшталл Истамбулда сотиб олиб, Вена Сарой кутубхонасига келтиради[1]. Шундан сўнг бу асар ҳақидаги биринчи хабар ва унинг баъзи намуналари 1823 йилда француз шарқшуноси Жауберт Амедее томонидан «Journal Asiatique»да нашр этилди[2].

---

[1] Е. Э. Бертельс. قوتادغو بيليک و اونينک اهميتی، شرق حقيقتی (журнал) ،سان ۲—۱ (٤—۳)، 1944 февраль — март,

[2] توری يوژەف، تورک ديلی يادگارلری، ملی تتبعولر، جلد ۲، سان ٤



www.ziyouz.com kutubxonasi

1870 йилда эса венгер олими Вамбери «Қутадғу билиг»нинг энг муҳим қисмларини «Уйғур тили обидалари» ва «Қутадғу билиг» номи билан нашр қилди ва немис тилига таржимасини берди[3].

1890 йилдан бошлаб эса бу асарни машҳур рус шарқшунос олими Радлов текшира бошлади.

Худди шу вақтда, яъни 1896 йилда китобнинг араб ёзуви билан кўчирилган иккинчи нусхаси Қоҳирада топилди[4]. Ҳозирги вақтда бу нусханинг тўрт томдан иборат фотокопияси 6090, 6091, 6092, 6093 инвентарь номери билан Ўзбекистон ССР ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланади.

Бу фотонусха асл Қоҳира нусхасининг бевосита копияси бўлмасдан, балки у Радлов илтимосига кўра ва Мориц назорати остида бир араб филологи томонидан Қоҳира нусхасидан кўчирилган ва 1897 йилда Радловга юборилган кўчирма нусхадан олинган фотокопия бўлиб, бунда кўчирувчи томонидан киритилган айрим белгилар истисно қилинганда, қўлёзманинг аслига тўла риоя қилинган ҳолда зўр саводхонлик билан кўчирилган[5]. 1890 йилда Радлов уйғур ёзуви билан кўчирилган Вена нусхасининг факсимилесини, 1891 йилда шу факсимиленинг текстини манжур ёзуви билан нашр қилдирган эди. Қоҳира нусхасидан кўчирма олгач, у икки нусхани солиштириш имкониятига эга бўлди ва 1910 йилда «Қутадғу билиг»нинг транскрипцияси билан немис тилига қилинган мукаммал таржимасини нашр эттирди[6].

Ниҳоят, «Қутадғу билиг»нинг араб ёзуви билан кўчирилган учинчи нусхаси ҳақидаги дастлабки маълумот 1914 йилда эълон қилинди.

Шарқшунос олим Вализода 1913 йилнинг кузида ўз шахсий иши билан Қўқонга сафарга отланади ва мазкур сафарида Қозон университети қошидаги археология, тарих ва этнография жамияти томонидан Шарқ қўлёзмалари ҳақида маълумот тўплаш тўғрисида топшириқ олади. У 1914 йил 20 апрелда Фарғона экспедицияси ҳақида мазкур жамиятга қилган ҳисобот маърузасида наманганлик Муҳаммадҳожи Эшон Лолареш исмли кишининг шахсий кутубхонасида «Қутадғу билиг»нинг араб алифбеси билан ёзилган нусхаси мавжуд эканлиги ҳақидаги хабарни айтган[7].

---

3 H. Vambery, Uigurische Sprachmonumente und das Kudatku Bilik, Innsbruk, 1870.

4 Учала нусха ҳақида қаранг: (журнал) معارف و اوقيتغوچی ۲، تاشکند، ۱۹۲۵ 68—79-бетлар,

5 W. Radloff. Über eine in Kairo aufgefundene zweite Handschrift des Kudatku Bilik, Изв. АН, Т. 9, 1898, ноябрь, № 4, стр. 309—319.

6 W. Radloff, Das Kudatku Bilik des Jusuf—Chass—Hadschib aus Bälasagun, Theil I, St.-Petersburg, 1891, Theil II, 1910.

7 А. З. Валидов, Восточные рукописи в Ферганской области, «Записки восточного отделения», т. XXII, 1914, стр. 312—313.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу эса «Қутадғу билиг»нинг Наманган нусхаси ҳақидаги дастлабки маълумот эди. Бу хабар эълон қилингандан сўнг ўзбек олими Фитрат 1924 йилда Муҳаммадҳожи Эшон Лоларешдан мазкур нусхани олишга муяссар бўлади ва шу йилнинг ўзидаёқ бу нусхани Тошкент асосий кутубхонасига келтиради. Орадан бир йил ўтгач, «Маориф ва ўқитғувчи» журналида «Қутадғу билиг»нинг Наманган нухаси ҳақида Фитратнинг мақоласи босилиб чиқади. 1928 йилда эса у бу асарнинг айрим парчаларини зарур изоҳлар билан нашр қилади[8].

Мазкур нусха топилиши ва эълон қилиниши муносабати билан 1929 йилда атоқли шарқшунос С. Е. Малов шу нусханинг айрим парчаларини, унинг таржимасини, ўз изоҳларини беради ва эндиликда маълум бўлган ҳар учала нусханинг шу парчаларини солиштириб ўқиб, таржима ва изоҳлардаги фарқлар ҳақида фикр юритади[9].

Умуман, «Қутадғу билиг» туркшунос олимларининг диққатларини ўзига жалб қилган эди. Шунинг учун улар бу асарни бирор жиҳатдан тадқиқ қилиб, чуқур илмий қимматга эга бўлган ишларни майдонга келтирадилар. Жумладан, бу асарнинг тил хусусиятлари, вазн ва қофия усуллари, фонетик структураси, адабий традиция ва ҳамкорлик, тил ва қабила тарихи, «Қутадғу билиг»нинг критик тексти каби муҳим масалалар ҳақида илмий ишлар қилинди, асарнинг айрим парчалари ва тўла тексти таржимаси билан нашр қилинади.

Булардан 1891—1910 йилларда Радлов томонидан нашр қилинган тўла текст ва таржима, турклар томонидан Истамбулда ҳар учала нусха асосида нашр қилинган факсимиле ва таржима[10], 1951 йилда Малов томонидан нашр қилинган парча ва изоҳлар[11] шу соҳада қилинган капитал иш ҳисобланади.

«Қутадғу билиг»ни ўрганишда А. А. Валитованинг текширишларини алоҳида қайд қилиб ўтмоқ лозим[12]. Валитова ўз текшириш ишларида Шарқ маданиятини, қабила ва халқлар тарихини, хусусан қорахонийлар сулоласи тарихини ўрганишда «Қутадғу билиг»ни асосий манба сифатида танимаган тарихшунос олимларни танқид қилган ва биринчи бўлиб бу асарни бой бир тарихий манба сифатида ўрганиш ишини бошлаб берган, бу соҳада беқиёс ютуқларни қўлга киритган. Валитованинг текширишлари туркшуносликка қўшилган катта ҳиссадир.

---

8 «Ўзбек адабиёти намуналари», Тошкент—Самарқанд, 1928, 79—89, 149-бетлар (араб алифбесида).

9 С. Е. Малов, Из третьей рукописи, «Кутадгу-билиг», «Изв. АН СССР», отд. гум. наук, 1929, стр. 9, 734—754.

10 С. Е. Малов, Кутадгу—билиг, Факсимиле, «Советское востоковедение», V, М.—Л., 1948, стр. 327. («Қутадғу билиг» текстларининг туркча нашрига тақриз).

11 С. Е. Малов, Памятники древнетюркской письменности, М.—Л., 1951, стр. 224—304.

12 А. А. Валитова, К вопросу о классовой природе Караханидского государства, «Труды Киргизского филиала АН СССР», Фрунзе, т. I, вып. 1, 1943, стр. 127—136.



www.ziyouz.com kutubxonasi

«Ўзбек адабиёти тарихи»да «Қутадғу билиг»нинг айрим парчалари ва луғатларининг берилиши бугунги кунда бу асарни ўрганишда яна илгарига қараб қўйилган дадил қадам ҳисобланади[13].

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, «Қутадғу билиг» ҳақида қанчалик кўп илмий ишлар қилинган бўлишига қарамай, ҳали турли масалалар соҳасида кўпгина англашилмовчиликлар бор. Худди ана шундай баҳсли масалалардан бири «Қутадғу билиг» нинг туркий тилларнинг қайси бирига мансуб эканлиги ҳақидаги масала бўлиб, бу ҳақда туркшунос олимлар турли фикрдадирлар. Жумладан, Радлов бу асар тилини у ёки бу тил билан яқинлаштирган бўлса ҳам, қатъий бир фикр айтмайди, бу асар тили ҳақида гапирганда, асосан, «Қутадғу билиг» асарининг тили» деган жумлани қўллайди, асарнинг эса олтойлаштирилган транскрипциясини беради. В. Томсен «Қутадғу билиг»нинг фонетик структураси, унинг қофия усулини батафсил синчиклаб ўрганиб, фактик мисоллар асосида Радлов транскрипцияси бу асар тилига татбиқ қилиб бўлмас даражада асоссиз эканлигини исботлади[14]. Томсеннинг ана шу исботидан сўнг Радлов ўз хатосига иқрор бўлди ва Томсеннинг фикрига тўла қўшилганлигини баён қилди[15].

С. Е. Малов бу асарни бир ўринда чиғатой тилида ёзилган асарлар қаторига киритса[16], бошқа бир жойда уни уйғур мусулмон ёдгорлиги деб санайди[17] ва унинг арабча кўчирилган нусхалари XI аср уйғур тилини равшан акс эттиради[18], деб таъкидлайди.

Баъзилар эса бу асар тилини соф турк тили деб талқин қилдилар[19], айримлар қорахонийлар тилида ёзилган асар, деб чиқдилар[20].

«Қутадғу билиг»нинг кириш қисмида мана шундай жумлаларни ўқиймиз:

ماچین عالم لاری و حکیم لاری قموغ اتفاق بولدیلار کیم مشرق
ولایتندا ترکستان ایلاریندا بوغراخان تیلینجا بو کتابدین یخشی‌راق
هر کز کم ارسا تصنیف قیلمادی. بو کتاب قایو پادشاه‌قا یا قایو اقلیم‌قا
تکدی ارسا غایت اوزلوقیندین نهایت دین کجاکور کلوکلو کیندین...
تکما بیری بیر تورلوك لقب ات اوردیلار[21]

[13] «Ўзбек адабиёти», 1-том, Тошкент, 1959, 36—55-бетлар.

[14] С. Е. Малов, Памятники древнетюркской письменности, М.—Л., 1951, стр. 97.

[15] W. Radloff, Nachwort zum Kudatku Bilik («Қутадғу билиг»нинг Радлов томонидан қилинган нашрига ёзилган сўнг сўз).

[16] С. Е. Малов, Мазкур асар, 96-бет.

[17] С. Е. Малов, Мазкур асар, 244-бет.

[18] С. Е. Малов, Мазкур асар, 229-бет.

[19] З. Вализода, Турк ва татар тарихи, Қозон, 1912 (араб алифбесида), 64-бег.

[20] Бу ҳақда қаранг: А. А. Валитова, Мазкур мақола.

[21] «Қутадғу билиг», Наманган нусхаси, муқаддима, ЎзССР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, инв. № 1809.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бизнинг фикримизча, юқоридаги «Буғрахон тилинча» деб назарда тутилган тил Буғрахон қўл остида бирлашган турк давлати таркибига кирган ҳамма асосий қабилалар учун тушунарли бўлган, шунинг учун ҳам бу асар «қаю иқлим» ва «қаю подшоҳга» етса, улар томонидан қадрланиб ўқилган.

Демак, асар тили ўша давр турк қабилалари тиллари асосини ўзида акс эттирган. Бинобарин, «Қутадғу билиг»ни XI асрда яшаган бирор халқнинг ёки қабиланинг адабий ёдгорлиги деган қатъий бир фикрга келиш нотўғри бўлади.

«Қутадғу билиг» нинг асл нусхаси қайси алифбе билан ёзилганлиги ҳақидаги иккинчи баҳсли масала ҳам ҳалигача ҳал қилинмай келмоқда. Кўпгина олимлар, жумладан С. Е. Малов, даставвал муаллиф ўз асарини араб ёзуви билан ёзган деб тахмин қиладилар[22].

Қоҳира ва Наманган нусхаларида худди шу давр ёдгорлиги бўлмиш «Девону луғотит турк»дагидек фонетик ва морфологик хусусиятларнинг мавжудлиги, бу даврдаги кўпгина бошқа асарлар араб ёзувида ёзилганлиги, ўша даврда бошқаларга нисбатан араб ёзуви кенг тарқалганлиги, уйғур ёзуви билан кўчирилган Вена нусхаси эса XV асрнинг иши эканлиги каби далилларга қараб ҳукм қилганда, араб ёзуви билан кўчирилган нусхалар қадимийроқ, деган хулосага олиб келади. Бундан шу нарса келиб чиқадики, Юсуф ҳам ўз асарини араб алифбесида ёзган.

Наманган нусхасининг мундарижаси ва текстидаги боб ҳамда сарлавҳаларнинг хатти сулс билан ёзилганлиги, бу хат эса насхдан қадимийроқ эканлиги, кўп байт ёзувларининг нурсизланиб ўчиб кетиши ҳам[23] юқоридаги фикрни исботлайди.

«Қутадғу билиг»нинг бир байти араб алифбесига асосланган муаммодан иборат бўлиб, бу ҳол ҳам асарнинг араб ёзувида ёзилганлигидан далолат беради:

بك اتى بلك بيرلا باغلق ترور
بلك لام كينسا بك اتى قالور[24]،

яъни بك сўзи بلك билан ҳаммахраждир, بلك дан ل тушса, بك қолади. Ушбу байтнинг иккинчи мазмуни қуйидагича: Бег билимли бўлиши керак, агар унинг билими бўлмаса, бег бўла олмайди.

Ҳанузгача ҳал бўлмай келаётган масалалардан учинчиси асар муқаддимаси ва фиҳрасти (мундарижаси) ким томонидан ёзилганлигини аниқлаш ҳақидаги масаладир.

---

[22] С. Е. Малов, Памятники древнетюркской письменности, М.—Л., 1951, стр. 199.
[23] «Маориф ва ўқитғувчи» журнали, 2, 1925, 73-бет.
[24] «Қутадғу билиг»нинг мазкур нусхаси, 76-варақнинг б бети.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу масалада ҳам турли фикрлар мавжуд. Жумладан, Н. И. Ильминский муқаддимани муаллиф эмас, бошқа киши ёзган, деб маъқуллайди. Барча европалик олимлар ҳам муқаддима ва мундарижа ўзга киши томонидан ёзилганлигини таъкидлайдилар[25]. Фитрат ҳам ўз навбатида шундай фикр тарафдори бўлган[26]. Бу фикр тарафдорлари асосан асар тили билан муқаддима тили услубининг бошқачароқлигига, муқаддима эса муаллифни мақтовдан иборатлигига, матн лавҳалари билан мундарижа лавҳаларининг мувофиқ эмаслигига асосланадилар.

С. Е. Малов эса муқаддимани авторнинг ўзи ёзмаганлиги мумкин эмаслиги ҳақида гапириб, «Шажараи тарокима», «Қисасул анбиё», «Ҳибатул ҳақоиқ» каби асарларнинг муқаддимаси ҳам ўзини ва китобини мақтовдан иборат эканлигини далил қилиб келтиради[27]. Бу қарашларнинг қай бири қайси даражада тўғри эканлиги чуқур кузатишлар натижасида ҳал бўлиши керак, албатта.

Биз ўз навбатида муқаддима ва мундарижа ўзганинг иши, деган фикрни қувватлаймиз. Чунки, биринчидан, китоб тузиш традициясига кўра басмала (унвон) бир марта келади. «Қутадғу билиг»да эса муқаддимадан аввал[28] ва фиҳрастдан сўнг[29], назм қисмнинг бошланишида келади.

Иккинчидан, муқаддимада баётга (худога) ҳамд, ялавочга (пайғамбар) ва саҳобаларга сано ва мадҳ айтилиб, сўнг китоб ҳақида гапирилади. Назм қисмининг бошланғич бир неча саҳифаларида ҳам худди шу нарсалар алоҳида лавҳалар билан такрорланиб келади, қисқаси муқаддима наср ва назмдан иборат бир нарсанинг икки хил такрори бўлиб қолади. Бу, албатта, муаллифнинг иши эмас. Фикримизча, китоб хонга тақдим қилингач, хон маълум аниқликлар киритишни бирор шахсга топширган ва бу шахс муқаддима ва мундарижани Юсуфнинг асарига кейинроқ қўшган.

Учинчидан, мундарижада келтирилган сарлавҳалар билан текстдаги сарлавҳалар таркибидаги сўзларга кўра фарқ қилади, текстдаги айрим боб номлари мундарижада ва мундарижадаги боб номлари текстда учрамайди. Демак, текстдаги боблар номининг умумий мазмунини сақлаб, ўзга шахс мундарижани ўз сўзларини аралаштириб ёза берган.

Тўртинчидан, насрий муқаддимада муқаддима автори китоб муаллифи ҳақидаги баҳсда учинчи шахсни назарда тутиб гапиради. Масалан: بو كتاب تصنيف قيلغلى بلاساغون مولودلوغ پرهز

---

[25] С. Е. Малов, Памятники древнетюркской письменности, М.—Л., 1951, стр. 301—302.

[26] «Маориф ва ўқитғувчи» журнали, 71-бет.

[27] С. Е. Малов, Юқорида кўрсатилган асар, 302-бет.

[28] «Қутадғу билиг»нинг мазкур нусхаси, 1-варақнинг *б* бети.

[29] Яна шу нусха, 7-варақнинг *б* бети.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ایدیسی ارترور اما بو کتابنی کاشغردا توکال قیلیب مشرق ملیکی طفغاج خان اوسکینکا کیکورمیش ملك انی اغیرلاب اولوغلاب اوز خاص حاجب لیقی انکار بیرمیش ترور انینك اوچون یوسف اولوغ خاص حاجب تیب انی جاوی یزیلمیش ترور[30]

Юқоридагилардан маълум бўладики, Юсуф ўз асарини фақат назм билан ёзган, муқаддима ва мундарижа эса ўзга шахс томонидан бажарилган бўлиши эҳтимол.

*Асарнинг тузилиши, жанри ва вазни ҳақида.* Мавжуд уч нусхани қиёслаш орқали «Қутадғу билиг»нинг тузилиш тартиби қуйидагича эканлиги аниқланди:

Унвон (басмала)дан сўнг қисқа насрий муқаддима келиб, бунда тангрига ҳамд, ялавоч (пайғамбар) ва асҳоби наби (чаҳор ёрлари)га наът айтилади, сўнг китобнинг қиммати, унинг номи, хонга тортиқ қилиниши, муаллифга Хос Ҳожиб деган лақабнинг берилиши, асарда тўрт символик қаҳрамонга туркча ном қўйилиши, китобда шу тўрт қаҳрамон ўртасида савол-жавоб ва мунозаралар бўлиб ўтиши ҳақида қисқача баён берилади.

Насрий муқаддима тугагач, 77 байтдан иборат шеърий муқаддима келади, сўнг 73 фасл номининг мундарижаси (фиҳрасти) берилиб, ундан кейин яна унвон билан асл мавзуга ўтилади. Етмиш уч фаслнинг дастлабки ўн бири дебочадан иборат бўлиб, анъанавий ҳамд, сано, наът, Қорахонга мадҳ, етти қавокиб ва ўн икки бурж, тил осиғи, китоб эгасининг узри, эзгулик, билим ва уқув фойдаси, китоб отининг тузуги, яъни китоб қаҳрамонларига ном берилиши ва қариликка ўкинишдан иборат. Ўн иккинчи фаслдан бошлаб бевосита воқеалар баёнига ўтилади.

Фиҳрастда берилган фасл номларининг ҳар бири матнда (текстда) ҳам сарлавҳа сифатида келади ва шу сарлавҳа остида маълум бир масала ҳал қилинади. Шу масала ҳақидаги баён тамом бўлгач, якунловчи бир байт келтирилади. Мана шу якунловчи байтдан сўнг, «энди шоир сўзини эшит, доно сўзини тингла, билимли сўзини кўр», «бунга ўхшаш мана бу байтни ўқиб кўр» ва бошқа шу каби хитоблар билан бир тўртлик келтирилади ва фикр шу билан хулосаланади. Шундан сўнг бошқа бир фасл номи билан иккинчи бир масаланинг тасвирига ўтилади. Асар бошдан охир мана шу тартибда ёзилган.

Масалан, бегларнинг адолатли бўлиши ҳақидаги фасл сўнгида қуйидаги якунловчи ҳамда хитоб байтлари ва хулоса тўртлиги келади:

---

[30] «Қутадғу билиг»нинг мазкур нусхаси, 2-варақнинг *а* бети.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Байт:

Бу бэглик ули кўр кўнилик турур,
Қўни бўлса беглар тиригликк булур.

Мунгар менгзату сўзлар ўглуг киши,
Ким ўглуг сўзи тутса этлур иши.

Қўнилик уза бўлди бэглик ули,
Бу бэглик кўки ул кўнилик йўли,

Тўру қилса элга, кўни бўлса бэг,
Тилак арзу булғай бу қулса қали.

Асарда ҳар бир баҳс мана шу тақлидда баён қилинади.

Асарда «шоир ёки доно сўзи», «оқил нима дейди, эшит», «бошидан кечирган киши бундай дейди» ва ҳоказо кабилардан сўнг келтирилган тўртликлар Юсуфнинг ўзиникими ёки ҳақиқатда уни бошқалардан келтирганми, деган савол туғилади. Бундай саволга икки турли жавоб бериш мумкин.

Биринчидан, бу тўртликлар Юсуфнинг ўзиники дейиш мумкин, чунки у ўзининг айрим фикрларини афоризмлаштириш мақсадида шоир ёки доно сўзи ва шунга ўхшаш сўзлардан фойдаланганлиги, ёки бўлмаса, халқ ўртасида афоризмлар даражасига етиб қолган ибораларни шеърият рамкасига мослаб қайта ишлаганлиги эҳтимоли бор. Бу, албатта, бизнинг тахминимиз.

Иккинчидан, Юсуф бу тўртликларни ҳақиқатан ҳам ўзга шоирлар ижодидан олган. Буни шу нарса исботлайдики, асарда «шоир сўзи, доно сўзи», «бошдан кечирган киши, улуғ киши» кабилардан ташқари, кўп ўринларда қабила бегларининг фикрларига, туркча масалларга мурожаат қилинади ва ҳозиргача сақланиб келаётган мақоллар айнан келтирилади. Шарқ классик поэзиясида бу нарса санъат ҳисобланиб, адиблар тилида буни «Ирсолул масал», яъни масалларга рисолат деб юритилган. Масалан:

Мунгар менгзату айди туркча масал,
Эшитгил муни сан, уқуб ўзка ал.

«Ўрунг сут била кирса эзгу қилиқ,
Ўлум тутмағинча эвурмас йўриқ».

Демак, «Ирсолул масал»га асосланиб, масалларнинг айнан келтирилиши фактларига таяниб, Юсуф томонидан хулоса тарзида келтирилган тўртликлар ҳақиқатан ҳам ўзгалар ижодидан олинган, деган хулосага келиш ҳақиқатга яқинроқ бўлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

«Қутадғу билиг»да келтирилган тўртликлардан ташқари қолган қисми (71, 72, 73-фасллар бундан мустасно) эпик асарлар учун энг қулай жанр — маснавий (қофияланган иккилик) тарзида ёзилган. Сўнгги уч фасл (йигитликка ачиниш ва қарилик, замона бевафолиги ва дўстлар жафоси, Юсуфнинг ўз узрини айтиши ва ўзига панд бериши ҳақидаги боблар) эса қасидадан иборат.

Охирги — 73-фаслда китобнинг ёзилган йили ҳақида мана шу қуйидаги байтлар келтирилади:

Йил алтмиш эки эрди тўрт йуз била,
Бу сўз сўзладим ман тутуб жан сура.

Тугал ўн сакиз айда айдим бу сўз,
Ўзурдум, азирдим сўз эвдиб тера.

Наманган ва Қоҳира нусхаларининг охири тушган бўлиб, Вена нусхасининг В. Радлов томонидан тайёрланган нашрининг сўнгида шу нусханинг кўчирилган йилига оид мана шу жумлани ўқиймиз: Туганди «Қутадғу» китаби тарих сакиз (юз) қирқ уч йилда, қўй йил муҳаррам айнинг тўрти Аруда.

«Қутадғу билиг»нинг юқорида кўрганимиздек тартибда ва панд-насиҳат руҳида ёзилганлиги, худди шу даврда, лекин наср билан ёзилган форсий асарлардан салжуқийлар вазири ва отабеги Низомул Мулкнинг машҳур «Сиёсатнома»[31] номли китоби (бу асар «Сийарул Мулук» ҳам деб аталади) ҳижрий 469 (1077 милод) йилда ҳамда амир Кайковуснинг ўғли Гилоншоҳ учун ёзган машҳур асари «Қобуснома»нинг[32] ҳижрий 485 (1082 милод) йилда ёзилганлиги фактлари дидактик руҳда асар яратиш ўша даврда бир анъана бўлганлигидан дарак беради, шу руҳдаги асарлар эса ўша анъананинг ёдгорликлари ҳисобланади.

«Қутадғу билиг»нинг вазни ҳақидаги масалада туркшунос олимлар ўртасида икки турли фикр бўлиб, булардан айримлари бу асарни бармоқ — ҳижо вазнида ёзилган десалар, айримлари унинг аруз вазнида ёзилганлигини таъкидлайдилар. Қуйида биз мана шу ҳар иккала қараш тарафдорлари фикрларидан бир нечаларини кўриб ўтамиз.

«Миллий татаббулар» журналида бир маъруза бор. Шу маърузанинг «Қутадғу билиг»нинг вазнига оид баҳсида қуйидаги парчани ўқиймиз: «Насран ёзилмиш ўлан муқаддима ила фиҳрастдан — моадо қолган қисм жуфта қофияли ва 22 ҳижо сойиси узрина дизилмиш мисралардан мураккабдур»[33]. Демак, маъруза эгаси «Қутадғу билиг» бар-

---

[31] Б. Н. Заходер, Сиасат-намэ Низам-алмулка, М., 1949, стр. 307.
[32] Е. Э. Бертельс, Кабус-намэ, М., 1958, стр. 8.
[33] Мазкур «Миллий татаббулар», 99-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

моқнинг 11 ҳижоли ўлчови билан ёзилган, деган фикрни илгари суради.

Нажиб Осим бундай дейди: «Бу сўнграгиларнинг энг машҳури «Қутадғу билиг» дурки, мавзу эътиборила «Сиёсатнома»нинг айнидур. Гурк авзонининг машҳури ўлан ўн бирли вазнда ва тарзи маснавийда ёзилмиш ўлан бу асари нафис бешинчи асри ҳижрийдаги турк жамоатининг ҳаққоний бир тасвирини, афкори маънавий ва сиёсиясини кўстариюр»[34].

А. Саъдий «Чиғатой ва ўзбек адабиёти ва шоирлари» номли мақоласида: «Қутадғу билиг» туркларнинг миллий вазнида, яъни бармоқ — ҳижо ила ёзилган бўлиб, маснавий тарзида ва 11 ҳижолидир»[35],— деб ёзади.

Мазкур фикр тарафдорларининг нуқтаи назарларини ҳам асоссиз деб бўлмайди. Улар ҳам маълум сабаблар асосида «Қутадғу билиг» бармоқ — ҳижо вазнида ёзилган, деган фикрга келганлар, албатта. Жумладан, уларни мана шундай фикрга олиб келган сабаблардан бири Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида бизгача етиб келган қўшиқлар намунасининг бармоқ — ҳижо вазнида бўлишидир. «Қутадғу билиг»нинг «Девону луғотит турк» билан бир даврда яратилганлиги, бир томондан, ундаги мисраларнинг бўғинлари «Девону луғотит турк»да келтирилган 11 бўғинли шеърларга ўхшаш 11 бўғинли бўлиши, иккинчи томондан, айримларнинг мана шундай янглиш фикрларга келишларига сабаб бўлган. Лекин фактлар шуни кўрсатадики, «Девон»да келтирилган намуналар бармоқ — ҳижо вазни талабларига тўла жавоб беради. «Қутадғу билиг» эса аруз вазнига тўла риоя қилингани ҳолда ёзилган. Буни «Девону луғотит турк» ва «Қутадғу билиг»дан келтирилган мисоллар анализида яққол кўриш мумкин:

| | | |
|---|---|---|
| Эмгаксизин | турғу йўқ | мунда таму, |
| Эзгулугуг | кўрмазиб | ажун чиқар[36] |
| Нангин тутар | беклайу | ўзи йэмас |
| Саранлиқин | йиғлайу | алтун йиғар[37]. |

«Девон»дан келтирилган мазкур парчаларда бармоқ — ҳижо вазнининг туроқ системасига риоя қилинган бўлиб, уларнинг туроғи 4—3—4 ликдир.

---

[34] Н. Осим, Турк тарихи, 1316 (1898), 259-бет (араб алифбесида).
[35] «Инқилоб» журнали, 1923, 9—10-сонлар, 181-бет (араб алифбесида).
[36] «Девону луғотит турк», I жилд, 1333, 351-бет (араб алифбесида).
[37] Ўша асар, 416-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | |
|---|---|---|---|
| Йа-нут-бэр | ди-ўг-дул | ми-ши-лик | қу-ти, |
| Сэ-вук-нанг | бу-ал-тун | ку-муш-жан | ў-ти, |
| Не-ку-тер | э-шит-гил | бу-сарт-лар | ба-ши, |
| А-жун-таз | ки-ниб-нанг | ка-таг-миш | ки-ши. |

Мазкур тўрт мисра шеър «Қутадғу билиг»дан олинган бўлиб, бу мисралар аруз қонуниятига асосан ёзилган ва бармоқ — ҳижо вазнининг ҳеч бир усулдаги туроқ системасига тушмайди.

Айримларни «Қутадғу билиг» бармоқ — ҳижо вазнида ёзилган, деган янглиш фикрга олиб келган нарсанинг сабабини қидириб кўрган Куприлизода ҳам бу сабаб ҳақида янглиш фикрга келади ва нотўғри хулоса чиқаради. У бундай деб ёзади: «Вазн масаласина галанда бу манзума баъзи Оврупо мудаққиқларининг янглиш иддиоларина рағман ҳижоий бир вазнла дугул, дўғрудан дўғруя «Шоҳнома» вазнила ёзилмиш ва Эроннинг бутун бу қабил асарларинда ўлдуғи гиби, маснавий шакли ихтиёр эдилмишдур. У замонаки туркча кенди бунясина ёбонжи ўлан аруз вазнила табиий бирдан-бирга имтизож идмаяжаги учун назм чўқ сақт ва қусурлидур ва ишта бир чўқларнинг уни ҳижо вазнила ёзилмиш ад итмаларининг бошлича сабаблариндан бирида будур... фақат билхосса «вазнда» Эрон адабиётининг кутли таъсири кендини кўрсатмоқдадур»[38].

Унинг худди шу фикри ҳеч ўзгаришсиз яна бошқа бир манбада такрорланган[39].

Унинг фикрича, айрим кишиларни «Қутадғу билиг» бармоқ — ҳижо вазнида ёзилган, деган янглиш фикрга олиб келган нарса ўша давр туркчасининг ўз табиатига номувофиқ бўлган аруз вазнига мос келмаганлиги эмиш, шунинг учун ҳам шеърлар нуқсонли чиқиб қолган эмиш. Бундан шу нарса келиб чиқадики, Юсуф арузни ўз она тилида ёзган асарига татбиқ қилишда камчиликларга йўл қўйган.

Масаланинг бу тақлидда қўйилиши фактларга, албатта, зиддир. Чунки аруз тақтъини (фонетикасини) туркий тилларда яратилган асарларга татбиқ қилишда араб ва форс тилида яратилган асарларга татбиқ қилишга нисбатан ўзига хос фарқлари бўлиб, туркий адабий асарлар арузи ҳақида гапирганда, бу масалага туркий тиллар нуқтасидан ёндашиш керак.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, асарда назмнинг қусурли ва нуқсонли ўринлари йўқ, асар муаллифи арузни мукаммал билгани ҳолда уни ўз асарига моҳирона татбиқ қилган. Шундай бўлмаслиги ҳам мум-

---

38 «Турк адабиётида илк мутасаввуфлар», Истамбул, 1919, 26-бет (араб алифбесида).

39 «Туркия тарихи», Истамбул, 1923, 119—120-бетлар (араб алифбесида).



www.ziyouz.com kutubxonasi

кин эмас эди. Чунки классик адабиётимиз намояндалари учун арузни пухта ўзлаштирмаслик ва уни яхши татбиқ қила олмаслик жуда катта маломат ҳисобланган.

Агарда асарнинг айрим ерларидаги арузга мос келмайдиган ўринлари ҳақида гапириладиган бўлса, бунинг сабабчиси, албатта, уни кўчириб ёзувчилар деб қараш керак. Чунки асар XI асрда ёзилган бўлса, биз унинг XV асрда кўчирилган нусхасига эгамиз[40].

Шундай экан, XI асрда яратилган асарнинг XV асрда кўчирилган нусхаси нуқсон ва камчиликсиз деб бўлмайди. Нусха кўчирувчилар томонидан турли «таҳрир»лар бўлган бўлиши мумкинки, бу, айрим ўринларда бўлса ҳам, унинг вазнида акс этмасдан қолмайди.

«Қутадғу билиг»нинг аруз вазнида ёзилганлигини таъкидловчи яна айрим авторларнинг фикрларига ҳам тўхталиб ўтиш лозимдир. Жумладан, «Турк адабиёти намуналари» номли китоб авторлари бу асарнинг («Қутадғу билиг»нинг) вазни ҳақида қуйидагиларни ёзадилар: «Санъаткорона бир шеър мажмуаси бу асар... вазни «Шоҳнома» вазнидур, бармоқ ҳисоби зинн идилмамлидур, шакли ажамларнинг маснавий тарзидур»[41].

Мазкур фикр эгалари «Қутадғу билиг»нинг вазни аруз эканлигини таъкидлабгина қолмай, уни бармоқ вазнида ёзилган деб тахмин қилиб бўлмаслигини ҳам айтадилар.

Фитрат «Фирдавсий» номли мақоласида буюк шоирнинг бошқа халқлар адабиётига таъсири ҳақида гапирар экан, «Қутадғу билиг»га тўхталиб, қорахонийлар Эрон ва Арабистон билан яқин алоқада бўлганлиги сабабли Юсуф Хос Ҳожиб араб ва форс маданияти ва адабиёти билан яқиндан танишиб, «Шоҳномадан» таъсирланиб, шу услубда, ҳатто унинг вазнини сақлагани ҳолда «Қутадғу билиг»ни ёзганлигини айтади[42].

Яна бошқа бир манбада Фитрат «Қутадғу билиг»нинг вазни ҳақида қатъий бир фикрга келганлиги ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Ёзилиши» «назм»нинг (шеърнинг — *Қ. К.*) «иккилик» — маснавий шаклида бўлиб, вазни машҳур эрон шоири Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си вазнидур. Бу эски турк шоири турклар учун жуда қийин бўлган бу вазнда жуда муваффақ бўлиб ёзган. Кўп олимларнинг айтишларига ишониб, мен ҳам бу китобнинг вазнида анча камчиликлар, тўлмаган ерлар бор, деб ишонган эдим, бугун эса бу фикрда эмасман, вазн жуда тузук чиққан, баъзи жойларидан «Шоҳнома» оҳангининг иси келиб

---

40 Вена нусхасининг XV асрда кўчирилганлиги маълум. Лекин Қоҳира ва Наманган нусхаларининг кўчирилиши қайси даврнинг иши эканлиги ҳали аниқланган эмас. Айримларнинг фикрига кўра, бу нусхаларнинг кўчирилиши ҳам XV асрга тўғри келади.

41 Ҳ. Эхсон, М. Тавфиқ, Ҳ. Олий, Турк адабиёти намуналари, I том, Истамбул, 1926, 24-бет (араб алифбесида).

42 «Социалистическая наука и техника», 10—11, 1934, стр. 16.



www.ziyouz.com kutubxonasi

турадур. Бироқ вазнни тўлдирмоқ учун сўз орасида, ҳеч керак бўлмаган жойларда «кўр», «ул» каби сўзларни тез-тез айтиб турадиким, шоирни бунга, албатта, маъруз кўришимиз керакдур»[43].

Демак, Фитрат ҳам «Қутадғу билиг»нинг аруз вазнида ёзилганлигини қатъият билан айтганлигини кўрамиз. Лекин у айтганидек, «кўр», «ул» сўзлари беҳуда, фақат вазнни тўлдириш мақсадида ишлатилган эмас. Шундай катта ҳажмли асарнинг бошидан охиригача вазнни тўлдириш учун беҳуда сўзларни қўшавериш асар қимматини туширишини Юсуфнинг ўзи ҳам яхши тушунган. Байтларнинг мазмунига чуқурроқ диққат қилиб қаралса, ҳеч қандай орттирилган беҳуда элемент кўринмайди, аксинча «кўр», «ул», «бу» каби сўзлар ҳам, байт мисралари охирида тез-тез учраб турадиган алиф ҳам, гарчи юзаки қараганда беҳудага ўхшаб кўринса-да, аслида улар байтларга таъкид, хитоб, диққатни жалб қилиш, кучайтириш, боғлаш каби нозик оттенкалар бериб турганлигини кўриш мумкин, масалан:

Эки турлуг-ул, кўр, бу эсиз йама,
Экигуни бир теб эсизка сама.

Мазкур байтдаги «ул» — боғлама, «кўр» — хитоб, «бу» — таъкид, диққатни жалб қилиш каби функцияларда келган:

Бу Ойтўлди айди уқушсуз ул-ул,
Айитмади сўзлаб эрикса кўнгул.

Бу байтда ҳам «бу» — таъкид, биринчи «ул» — олмош, иккинчи «ул» эса боғлама вазифасида келиб, биринчисига конкретлик, аниқлик бериб турибди.

Мазкур мисоллардан байтларда беҳуда элемент йўқлиги, аксинча юқоридаги каби элементлар билан байтларга алоҳида тус берилганлиги кўриниб турибди, буни шоирнинг ўзига хос танлаган услуби дейишдан ўзга иложимиз йўқ. Бу ҳол ўша давр тил формасидир.

Ажабланарли ери шундаки, «Қутадғу билиг» аруз вазнида ёзилганлигини эътироф этувчиларнинг деярли барчаси ҳам бу асарнинг бевосита «Шоҳнома» таъсирида ёзилганлиги, унда «Шоҳнома» вазни айнан акс этганлиги ҳақида гапириб, унинг арузда ёзилишини ёлғиз «Шоҳнома» таъсиридан излайдилар. Уларнинг бундан бошқа далиллари йўқ. Жумладан, улар ўз фикрларининг исботи учун «Қутадғу билиг»дан лоақал бир-икки байтни олиб таҳлил қилиб бермайдилар. Биз бу ерда «Шоҳнома» ва Фирдавсийнинг «Қутадғу билиг» ва Юсуфга таъсирини инкор қилмоқчи эмасмиз, адабий ҳамкорлик ва ўзаро таъсир умумэътироф этилган бир нарса, у ўз йўлига, лекин «Шоҳнома» мавзуи билан «Қутадғу билиг»нинг мавзуи мутлақо бир-биридан фарқ

---

[43] Мазкур «Маориф ва ўқитғувчи» журнали, 69-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

қилади. У мустақил ва салмоқли бир турк адибининг ижоди эканлигини ҳам унутмаслик керак. Агар Юсуфнинг ўзида замин бўлмаганида эди, кўплаб «Шоҳнома»ларнинг таъсири ҳам «Қутадғу билиг»ни ярата олмаган бўлур эди. Бинобарин «Қутадғу билиг»нинг вазни ёлғиз «Шоҳнома» вазнида эмас, балки Шарқнинг йирик эпик асарлари учун қабул қилинган ва Шарқ назми арузининг энг оҳангдори ҳисобланиб, «жанговар ўлчов» деб ном олган мутақориб баҳрида ёзилган.

Аруз туркий халқлар адабиётида X—XI асрлардан бошлабоқ истеъмол қилина бошлаган эди[44].

Мутақориб вазни қисқа ва чўзиқ бўғинларнинг қуйидаги тартибда жойлашувидан ташкил топади:

Фа-у-лун | фа-у-лун | фа-у-лун | фа-у-лун.

Ҳар бир фаулун бир рукн (таянч) ҳисобланиб, биринчи бўғини қисқа, иккинчи ва учинчи бўғинлари чўзиқ ҳисобланади. Мутақорибнинг ҳар бир мисрасида тўрт рукн, икки мисрадан иборат бир байтида саккиз рукн бўлганлиги сабабли бу вазн «мутақорибн мусаммани солим» (саккизлик солим мутақориб) деб аталади. «Қутадғу билиг»нинг 71 ва 72-фасллари (икки қасида) ва ўртасидаги бир рубоий мана шу мутақорибн мусаммани солим вазнида ёзилган. Қуйида бир неча мисоллар келтириб, уларни бўғинларга бўлиш асосида анализ қилиб кўрайлик, масалан:

Йу-риғ-ли | бу-лут-тег | йи-гит-лик | ни-из-тим,
Ту-би-йэл | ка-чар-тег | ти-риг-лик | ту-гат-тим.

Э-си-зим | йи-гит-лик | э-си-зим | йи-гит-лик,
Ту-та-бил | ма-дим-ман | са-ни-тарк | қа-чит-тим.

Қа-ни-қўш | ни-аш-ни | се-винч-қаз | ғу-қа-эш,
Қа-му-ғум | бэ-ра-йи | ма-нэв-дин | чи-қа-йи.

А-зу-тел | ва-мун-ду | зи-бул-дум | йа-мун-дум,
Не-ку-сўз | ла-дим-ман | а-йу-бэр | у-қа-йи.

Бў-ғуз-қа | йэ-йим-ча | а-жун-да | йэ-зим-таб,

---

[44] А. К. Боровков, К вопросам фонетического анализа стихов Алишера Навои («Ученые записки ТГПИ»), XII, Ташкент, 1959, стр. 5.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Э-гин-ка | ки-зим-ча | э-гин-да | ки-зим-таб,

Ти-риг-лик | бӯ-лур-ча | йэ-гум-ни | бу-лур-ман,

Кэ-рак-бӯл | са-бэр-ғай | ма-нга-бир | и-зим-таб.

Юқорида келтирилган парчаларнинг рукнлар асосида бўғинларга ажралиши шу парчаларнинг мутақорибн мусаммани солим вазнида эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Лекин «Қутадғу билиг»нинг асосий қисми (71 ва 72-фасллар ва бир рубоийдан ташқари) мазкур мутақориби мусаммани солим вазнида эмас, ундан фаръий (ҳосила) бўлган мутақориби мусаммани маҳзуф ва мутақориби мусаммани мақсур вазнларида ёзилгандир.

Мутақориби мусаммани солимнинг сўнгги, 4-рукнининг охиридаги бир чўзиқ бўғин туширилиб, ундан мутақориби мусаммани маҳзуф (туширилган саккизлик мутақориб) вазни ҳосил қилинади, яъни

Фаулун | фаулун | фаулун | фаулун

даги сўнгги «фаулун»дан «лун» туширилиб, «фау» қолади, унинг ўрнига «фаул» ёзилади, яъни мутақориби мусаммани маҳзуфнинг рукнлари қуйидагича бўлади:

Фаулун | фаулун | фаулун | фаул.

Мисоллар:

Ю-зин-кэз | ла-ди-йэр | ка-ру-мий | қи-зи,

А-жун-қир | ти-ши-бӯл | ди-зан-ги | йу-зи.

Са-нинг-тап | ғи-нга-мунг | лу-ғэр-мас | ба-йат,

Ӯ-зунг-қул | лу-қи-қил | ти-ла-эз | гу-ат.

Та-гиб-ақ | ру-эл-гин | тӯ-қи-ди | қа-пуғ,

Ту-руб-чиқ | ти-ӯз-ғур | ми-шэт-ти | та-пуғ.

Бӯ-рич-ма | а-йа-бӯр | чи-бӯғ-зи | қу-ли,

Бӯ-рич-са | а-чил-ди | чи-ғай-лиқ | йӯ-ли.

Шунингдек, мутақориби мусаммани солим вазнининг сўнгги 4-рукни охиридаги икки чўзиқ (— —) бўғиннинг бир ярим бўғин билан



www.ziyouz.com kutubxonasi

алмашиниши натижасида мутақориби мусаммани мақсур (қисқартирилган саккизлик мутақориб) вазни ҳосил қилинади, яъни «фаулун, фаулун, фаулун, фаулун»даги сўнгги рукн — «фаулун»нинг охирги икки чўзиқ бўғини бир ярим бўғинга қисқартирилади ва «фаул» шаклига келтирилади, унинг рукнлари қуйидагича бўлади:

Фаулун | фаулун | фаулун | фаул.

Мисоллар:

Йэ-ма-йақ | ши-ай-миш | бў-гу-бил | ги-йарп,
Ки-ши-кўнг | ли-йуф-қа | кў-заз-ма | ги-сарп.
Қа-ли-таг | ди-эр-са | са-нга-куч | ба-синч,
Ба-ру-кэл | ма-нга-ай | бу-қаз-ғу | са-қинч.
Бу - эк - ки | қу-ту-бу ч | са-бэг-дин | сэ-винч.
Э-ли-қап | ғи-эт-лур | бу-лур-бэғ | а-винч.

Демак, юқорида келтирилган парчаларнинг анализидан яққол кўриниб турибдики, «Қутадғу билиг» аруз вазнининг мутақориб баҳрида ёзилган. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, мутақорибда ёзилган бир асарнинг ўзида (агар бу асар саккизлик фаръий вазнда бўлса), мутақориби мусаммани маҳзуф ва мутақориби мусаммани мақсур вазнлари бир-бири билан ўрин алмаштириб ишлатилаверади, «Қутадғу билиг»да ҳам бу икки фаръий вазн тез-тез бир-бири билан алмашиниб туради.

*«Қутадғу билиг» қандай асар?* Аввало у адабий асар, бадиий адабиётнинг типик намунаси. Лекин у эпопея ҳам эмас, тўлиғи билан лирик руҳда ҳам эмас, драма ҳам эмас. У ахлоқ ва одоб, таълим ва тарбия ҳамда маънавий камолотнинг йўл-йўриқларини, усулларини, чора-тадбирларини мужассамлаштирган, жам қилган қомусдир. Тўғри, унда лиризм намуналари бор (Буғрахон мадҳи, баҳор таърифи, ўз узрини айтиш, қариликка ачиниш ва бошқалар), унда драма элементлари бор (Ойтўлдининг элиг ҳузурига келиши, унинг ўлиши ва ўғли Ўгдулмиш билан видолашиш эпизоди, Ўгдулмишнинг Ўзғурмиш ҳузурига бориш ва қайтиш эпизодлари). Лекин у том маъноси билан дидактик асар, таълим-тарбия ва одоб-ахлоқ дарслигидир.

Юсуф барча баҳсни таълим атрофида олиб борар экан, у ўз давридан, тузумдан, ижтимоий ва сиёсий, моддий ва маънавий ҳаётдан, ўша даврнинг турли табақалари, тоифа ва гуруҳлари, уларнинг расм-



www.ziyouz.com kutubxonasi

қондалари, ҳунар ва касбу корлари, жамиятдаги мавқелари, тутган ўринлари, давлат аппаратининг қандай асосга қурилганлиги, тутган мавқеига қараб ҳар бир табақанинг дунёқараши, қабилалар, уруғлар, маъмурий бўлиниш, сарой ичи, ички ва ташқи сиёсат, хуллас кўҳна ўтмиш ҳаётининг ҳар соҳасидан маълумот беради, унинг ҳозирги давр файласуфларига ҳам, адибларига ҳам, табибларига ҳам, олим ва фозилларига ҳам, чорвадорларига ҳам, деҳқонларигаю ҳунармандларига ҳам, муаллиму мураббийларига ҳам, астроному математикларига ҳам, хуллас, барчага айтадиган гапи бор.

У ўз даврининг етук файласуфи, олими, фозили, давлат арбоби, фан ва маданият ҳомийси, ҳаётнинг энг майда икир-чикирларидан тортиб осмон жисмларининг сирларигача тушуниб етган баркамол киши. Албатта унинг дунёқараши, фаннинг турли соҳаларидаги тушунчаси, ҳаётни билиши ўша давр ва ижтимоий тузум шарт-шароитлари билан чегараланган. Юсуф ўз замонасидан шикоят қилади, адолат, инсоф йўқолганидан зорланади, у идеал инсонга, идеал жамиятга интилади, уни тарғиб қилади, аммо унинг идеали намунаси ўтмиш ҳаёт, кечмиш замонлардир. Юсуф ана шу ўтмишни идеаллаштиради:

Қали биз киши эрсамиз, эй бўгу,
Улариғ сэзигсиз фаришта тэгу.

Идеал шахс, жамият, давлат қандай шаклланиши керак, идеал шахс фазилатлари қандай бўлиши керак ва бу фазилатга қандай қилиб эришиш керак, мансаб соҳибларининг хусусий, шахсий ҳаёти ва жамият ҳамда давлат манфаатларига муносабати қай тартибда бўлиши шарт, ана шу муҳим масалаларнинг фалсафий системасини яратади.

Унинг ҳаёт ҳақидаги фалсафаси келишувчиликдир. У амалдорларни ўзидан бир табақа паст бўлганларга нисбатан инсофли ва адолатли бўлишга ҳамда бир табақа пастларни ўзидан бир табақа юқори турганларга муте, садоқатли бўлишга ва шу туфайли орзу қилинган ширин ҳаётга эришишга даъват қилади. Ижтимоий тенгсизликни бу йўл билан бартараф қилиб бўлмасликни тушунмаслик унинг ҳаёт фалсафасидаги камчилиги эди. Лекин яланғоч, бева-бечоралар ҳаётини кўриб, уларга ачиниб, амалдорларни уларга нисбатан инсофли ва адолатли бўлишга ундайди:

Ҳалал дуня қазған ўзунгни етур,
Тегур ач-ялингқа ҳам ўпрақ бутур.

М а з м у н и:

Ҳалол дунё топгин, ўзингни едир,
Яланг, очга бер, жулдурини битир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Будунқа тўсулғил, мунгинга яра,
Қадашқа бағир бер, яқинлиқ ула.

Етим, ўгсузуг кўр йа тул, тулсақиғ,
Йа кўзсуз, йа ўлдрум, йема ахсақиғ.

Ҳалал дунйа қазған, чиғайқа ула,
Киши элги тутғил, йанут қил йула.

Ўзунг бўлса ҳажиб урунч алмағу,
Чиғай, тул, етимлар сўзин тинглағу.

Мазмуни:

Одамга наф этгин, мунгига яра,
Қариндошга дил бер, яқинлик ула.

Етимга, есирга, бева, тулга боқ,
Кўру, шалу, оқсоқ, чўлоқ қўлга боқ.

Ҳалол дунё топ, камбағалга улаш,
Киши қўлидан тут, кўмак қил, қараш.

Ўзинг ҳожиб эрсанг, пора олмагин,
Етим, тул ва қашшоқ сўзин тинглагин.

Исломнинг Ўрта Осиёда мустаҳкамланган бир даврида ёзилган бу асарда теизм руҳи равшан кўриниб туради. Юсуф худони эътироф қилиш ва дин-шариат йўлини бир дам ҳам унутмасликни тарғиб қилади. Лекин дунёвий, ҳаётий масалаларда, ҳаёт учун кураш масалаларида динга муте бўлиб қолмасликка, дунёвий тадбирларни диний эътиқодга қурбон қилиб юбормасликка чақиради, диннинг ўзи ҳам дунёдан воз кечишни тақозо қилмайди, деган таълимни изчиллик билан илгари суради:

Ажун будни барча улуш, кенд қодуб,
Туруб тағқа кирса ағир юк юдуб,

Бузулғай ажун барча, қалғай қуруғ,
Аба оғланы ўзда кесгай уруғ.

Мазмуни:

Олам халқи қишлоқ, шаҳарни қўйиб,
Туриб тоққа чиқса, оғир юк чекиб,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бузулгай олам, барча қолгай қуруғ,
Одам боласидан кесилгай уруғ.

* *
*

Яфуз теса бўлмас бу дуня нангин,
Еса, берса халққа қизартиб энгин.

М а з м у н и:

Ёмон деса бўлмас бу дунё молин,
Еса, берса халққа, ёритса юзин.

* *
*

Баятиғ тапуғ бирла булмаз қули,

М а з м у н и:

Худони тоат бирла топмас қули.

* *
*

Бу кенг дуня ўзка кучун қилма тар.

М а з м у н и:

Ўзинг зўрла кенг дунёни қилма тор.

* *
*

Тапундум тею сан унутма уқуш.

М а з м у н и:

Дея тоат эдим, унутма уқув.

Юсуф дунё ишларининг барчасидан огоҳ бўлишга, бунинг учун билим ва заковат эгаси бўлишга чақиради. Билим ва заковат тенги йўқ улуғ ва қадрли нарса эканини, киши шулар туфайли ғафлатдан



www.ziyouz.com kutubxonasi

уйғонишини, барча орзу-тилакларига, улуғликка эришишини, рўшнолик топиб, дунё ишларидан хабардор бўлишини уқтиради, билимсиз киши мисоли бир хаста дейди ва уни ўз дардини даволашга, яъни билим ва заковат ўрганишга ундайди:

Ўқуш ул юлатег қарангқу туни,
Билиг ул яруқлуғ, ярутти сани.

Ўқушқа турур бу ағирлиқ, этик,
Ўқушсиз киши бир авучча йеник.

Билигни бедуг бил, уқушни улуғ,
Бу икки бедутур удурмиш кулуғ,

Ўқушлуғ уқар ул, билиглик билир,
Билигли, уқуғли тилакка тегир.

Билигсиз киши барча иглик болур,
Игиг эмламаса киши тарк ўлур.

Юри эй билигсиз, игингни ўта,
Билигсиз ўтун сан, э билга қута.

Ўқуш қайда бўлса улуғлуқ бўлур,
Билиг кимда бўлса бедуглук алур.

Билигсиз қарағу турур белгулуг,
Юри эй билигсиз, билиг ал улуг.

Қамуғ эзгулуклар билиг асғи ул,
Билиг бирла бўлди масал кўкка йўл.

М а з м у н и:

Уқувдир чироғдек қоронғи туни,
Билимдир ёруғлик, ёритгай сени.

Уқув қадру қиммат учундир кафил,
Уқувсиз киши бир ҳовучча енгил.

Билимни буюк бил, уқувни чуқур,
Бу иккиси бирла киши улғаюр.

Уқувли уқар ҳам билимли билар,
Билимли, уқувли тилакка етар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Билимсиз киши барча дардли бўлар,
Бу дардга даво қилмаса, у ўлар.

Кел эй нодон, изла бу дардга даво,
Билимсиз тубандир, қадрли — доно.

Уқув қайда бўлса, улуғлик бўлар,
Билим кимда бўлса, буюклик олар.

Билимсиз кишилар бўлар кўр мисол,
Билимсиз, билимдан келиб ҳисса ол.

Ҳамма хайрли ишлар билим нафидур,
Билим ҳатто осмон сари йўл очур.

Лекин билим ва заковат қадрини ҳамма ҳам билавермайди. Зар қадрини заргар билгани каби, билим ва заковат қадрини ҳам доно, заколаргина билади. Жоҳил, телбалар бу хислатлардан маҳрумдир:

Билиг қадрини ҳам билиглиг билир,
Гуҳар қадрини ҳам гуҳар — ўқ билир.

Билиглиг билир ул билигнинг ати,
Билигсиз на билга билиг қиймати.

Уқуш қадрини ҳам уқушлуғ билир,
Билиг сатса билга билиглиг алир,

Неку билга телва билиг қадрини,
Билиг қайда бўлса билиглиг билир.

Мазмуни:

Билим қадрини ҳам билимли билар,
Гуҳар қадрини ҳам гуҳаргар билар.

Билимли билади билимнинг отин,
Билимсиз не билгай билим қийматин.

Уқув қадрини ҳам уқувли билар,
Билим сотса доно, билимли олар,

Нечук телба билгай билим қадрини,
Билим қайда бўлса, билимли билар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Билим, заковат соҳиби бўлишнинг асосий калиди тилдир. Тил туфайли киши ўз илми, ақл-идроки, заковатига жило беради, фикрини равшан қилади. Тил, сўз кишининг қадр-қимматини оширади, улуғликка элтади. Аммо сўзни ўйлаб, билиб, кези келгандагина сўзлаш керак. Шундагина тил ва сўзнинг нафи жуда катта бўлади. Ўйланмай сўзланса, сўз киши қадрини туширади, уни эл эътиборидан қолдиради. Шунинг учун оз, лекин соз сўзлаш даркор:

Ўқушқа билигка бу тилмачи тил,
Яруттачи эрни йўриқ тилни бил.

Кишиг тил ағирлар, булур қут киши,
Кишиг тил ужузлар, ярир эр баши.

Киши сўз била қўбти, бўлди малик,
Ўгуш сўз башиғ ерка қилди кулик.

Билиглиг сўзин сан эшит узнама,
Айитмаста ашну сўзунг сўзлама.

Ўгуш сўзлама сўз бирар сўзла аз,
Ўгуш сўз тугунин бу бир сўзда яз.

Мазмуни:

Заковат, билимга калитдир бу тил,
Ёритгувчи эрни равон тилни бил.

Кишин тил улуғлар, топар қут киши,
Кишин тил тубанлар, ёрилар боши.

Киши сўзла улғайди, бўлди малик,
Талай бошни сўз қилди ерга эгик.

Билимли сўзин сен эшит, озлама,
Сўрамасдан олдин сўзинг сўзлама.

Талай сўзлама сўз, бир оз сўзла оз,
Талай сўз чигалин шу оз сўзда ёз.

Лекин билимли, заковатли бўлишнинг ўзигина кифоя қилмайди. Аввало киши эзгу бўлиши, барчага нисбатан яхши бўлиши керак. Шундагина уни халқ севади, қадрлайди. Эзгу хулқли киши халққа бош бўлса, барча халқ ҳам эзгу бўлади:



www.ziyouz.com kutubxonasi

Элиг айди эзгу талу нанг турур,
Талу нангни тутши талулар қулур.

Қали эзгу бўлса будун башчиси,
Қамуғ эзгу болди анинг ишчиси.

Эсиз қилмағил сан, э қилқи тузун,
Бу кун эзгу қилғил қилинчин сўзун.

Мазмуни:

Элиг айтди: эзгу етук нарсадур,
Етук ишни доим етуклар қилур.

Агар эзгу бўлса авом бошчиси,
Жами эзгу бўлгай унинг ишчиси.

Ёмонликни қилма, э хулқи сузук,
Бугун хайрли иш қил, феълинг қил тузук.

Юсуфнинг дунёқарашида, фалсафасида Форобий ва Ибн Синолар дунёқараши, фалсафаларининг таъсири яққол кўзга ташланиб туради. Дунёни тушуниш ва тушунтиришда Юсуф уларнинг таълимотларига эргашади. Моддий дунёнинг яралишини руҳий кучга боғлагани ҳолда, унинг объектив қонуниятларини эътироф қилади. Унинг бундай дунёқараши бутун асар давомида кўзга ташланади. У етти планета ва ўн икки бурж ҳақида гапирар экан, олам ва ундаги барча жонли-жонсиз мавжудот худо томонидан яратилганлигини қайд қилгани ҳолда, борлиқнинг доим ҳаракатда эканлигини, жумладан планета ва юлдузлар доим айланиб туришини, бир-бирларига рўбарў келишини (противостояние), бири юқори, бошқа бири пастроқ масофада ҳаракатланишини алоҳида таъкидлаб ўтади:

Яратти кўр авран тучи эврулур,
Анинг бирла тезгинч ема тезгинур.

Яшил кўк яратти уза юлдузи,
Қара тун тўрутти, яруқ кундузи.

Қаюси ўрурак, қаюси қуди,
Қаюси яруқрақ, қаю аксуди

Буларда энг устун секантир юрир,
Эки йил секиз ай бир эвда қалир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Анингда баса бўлди эккинч ўнгай,
Бир эвда қалир ўн адин экки ай.

Мазмуни:

Яратди фалакни доим айланар,
У бирла бу чарх ҳам доим тебранар.

Яратди яшил кўкни юлдуз билан,
Қора тун яратди у кундуз билан.

Баланд баъзилари ва паст баъзиси,
Ёруқ баъзилари ва суст баъзиси.

Булардан энг устда Секантир[45] юрар,
Бир уйда ики йил, сакиз ой қолар.

Бўлиб келди иккинчи сўнгра Ўнгой[46],
Бир уйда қолар ўн яна икки ой.

Олимларга жуда ҳурмат билан қараш, улар илмини қадрлаш, ўзларини тақдирлаш керак. Чунки уларнинг билимлари халқнинг йўлини ёритади, уларгина яроғли ва яроғсиз ишларни фарқлаб берадилар, улар қўй сурукига бошлиқ кабилар. Шунинг учун уларни қаттиқ ганириб хафа қилиб қўймаслик, улардан ийманмоқ, билимларини ўрганмоқ лозим:

Йўқ эрса ажунда бу алим бўгу,
Тикиб унмагай эрди ерда егу.

Уларни қатиғ сев, ағирла сўзин,
Билигларин ўгран ўгуш я азин.

Улар илми бўлди будунқа йула,
Яруса йула тунла азмас йўл-а.

Улардан кераки сенга илми ўл,
Кўниликка етса, аю берса йўл.

Мазмуни:

Йўқ эса жаҳонда гар олим, доно,
Экиб унмагай эрди ерда дона.

---

[45] *Секантир* — Сатурн.
[46] *Ўнгой* — Юпитер.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Уларни жуда сев, қадрла сўзин,
Билимларин ўрган кўпин ё озин.

Улар илми халққа бўлади чироқ,
Чироқ ёнса, тунда адашмас оёқ.

Улар илми келгай жуда сенга қўл,
Ҳақиқатга етсанг, этиб турса йўл.

Улардан бири табиблардир, улар ҳамма вақт керакли кишилардир. Чунки тирик жон касалсиз бўлмайди, касални тузатиш учун эса табиблар албатта зарур:

Улардан бириси ўтачи турур,
Қамуғ иг, туғақа бу эмчи эрур.

Мазмуни:

Улардан бири бу табиблар турур,
Ҳама дард, касалларга ҳозиқ эрур.

Яна шундайлардан бири юлдузчилар (астроном — астрологлар) дир, улар жуда ҳам зарур кишилардир, чунки ҳаёт йил — ой ҳисобисиз мумкин эмас, бунинг учун эса юлдузчилар жуда кераклидир:

Йил ай кун сақиши буларда бўлур,
Кеpакли турур бу сақиш эй унур.

Мазмуни:

Йил, ой, кун ҳисоби буларда бўлар,
Кераклидир ушбу ҳисоб, эй унар.

Юлдузчи бўлиш учун айрим соҳаларни билиш билангина чегараланиш кифоя қилмайди. Бунинг учун деярли барча фанларни чуқур ўрганиш ва пухта ўзлаштириш керак бўлади. Акс ҳолда кишининг юлдузчилик соҳасидаги камолоти ортмайди. Етук юлдузчи бўлиш учун ҳисобларга имкон берадиган барча соҳаларни тугал билиш шарт, муқаррар:

Билайин теса сан ўқи ҳандаса,
Ачилғай сақиш қапғи мунда баса.

Ўқи зарбу қисмат, тугал бил касур,
Тугалка тугал имтиҳан, ал етур.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Я тазъиф, я тансиф ўзўнг етру бил,
Қали билдинг эрса адад жадри қил.

Яна жамъу тафриқ масаҳатқа ўт,
Ети қат фалакни ятур ямча тут.

Тақи қулса жабру муқабил ўқи,
Ема Уқлидис қапғи етру тўқи.

Мазмуни:

Билайин десанг сен ўқи ҳандаса,
Очилгай ҳисобнинг эшиги роса.

Ўқи зарбу қисмат, тугал бил касир,
Тугалга тугал имтиҳон, ол қидир.

Ё тазъиф, ё тансифни ўрган ва бил,
Буни билгач, энди адад жадри қил.

Яна жамъу тафриқ, масоҳатга ўт.
Ети қат фалакни аниқ бил ва тут.

Чоғинг келса жабру муқобилга боқ,
Билиб Уқлидиснинг[47] эшигини қоқ.

Шоирлар жуда улуғ кишилар, улар кишиларни мадҳ қиладилар ҳам, фош қиладилар ҳам, уларнинг тили қиличдан кескир, хотира йўллари эса қилдан ҳам нозик. Чуқур, теран мазмунли сўзларни эшитиш учун уларга қулоқ бериш керак. Улар бамисоли денгизга шўнғиб инжу чиқарадилар, улар мадҳ қилсалар, кишининг номи бутун элга ёйилади, агар фош қилсалар, кишининг номи булғанади. Уларни жуда қадрлаш керак, улар тилига илашиб қолмаслик керак:

Баса келди шаир бу сўз тергучи,
Кишиг ўггучилар ема сўкгучи.

Қиличда етиграк буларнинг тили,
Яна қилда йинчка бу хатир йўли.

Улар ўгсалар, ўгди элка барир,
Қали сўксалар, ати артаб қалир.

---

[47] *Уқлидис* — Эвклид.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Мазмуни:

Яна келди шоир — бу сўз тергучи,
Кишин мадҳ этувчи ёки сўкгучи.

Қиличдан ҳам ўткир буларнинг тили,
Ва қилдан нозикроқ хотирлаш йўли.

Улар мақтаса, мадҳи элга борар,
Агар сўкса, инсон номи булғонар.

Юсуф ўзига хос зийраклик билан деҳқонлар, савдогарлар, чорвадорлар, ҳунарманд ва косиблар, камбағал-қашшоқлар ҳақида гапириб, уларнинг ҳаёти, шароити, мафкуралари, одатлари, ахлоқлари каби соҳаларда нозик фикрлар юритадики, бу ўринда буларнинг барчаси ҳақида муфассал тўхталиб ўтишга ҳеч имкон йўқ, чунки саналганларнинг ҳар бирини махсус бир боб қилиб берилганда ҳам ҳамма нарса борасидаги Юсуфнинг тафсилотларини айтиб тугатиб бўлмайди.

Хуллас, Юсуф Хос Ҳожиб ҳаётнинг оддий икир-чикирларидан тортиб юлдуз сирларигача, коҳинларча даволаш усулининг сохталигидан тортиб кўрким, ўкит, чурни, шалисо, тарёқ ва ҳатто Митридус[48] ҳапи каби дорилар, уларни қайси касалларга бериш нафли бўлишигача, қон босими ошишию қон олишгача, оддий бир киши билан гаплашишдан тортиб давлатни идора қилиш усулининг нозик сирларигача, туркий халқларнинг Алп Эртўнгаси ажамликларда Афросиёб номи билан аталишигача, Фирдавсийнинг Фаридун, Заҳҳоқ каби қаҳрамонларидан тортиб Чин ва Мочин олимларининг ашъору амсолларигача, Ҳинд ражларидан тортиб Рум қайсарларигачаю Асир зангиларигача, хуллас ҳамма-ҳамма соҳалардан хабардор, билим доираси кенг, асарида тилга олинган барча хислат, фазилат, заковат, равиш, атвор, йўриқ ва ҳоказо-ҳоказоларнинг барчаси ўзида мужассамлашган улуғ сиймодирки, у ёзиб қолдирган улкан асарнинг тўлиқ тексти билан яқиндан танишгандагина Юсуф қандай киши бўлганлигини эътироф қилиш мумкин бўлади.

## «ҚУТАДҒУ БИЛИГ»НИ ТРАНСКРИПЦИЯ ВА ТАВСИФ ҚИЛИШ ПРИНЦИПЛАРИГА ДОИР

Туркий тиллар тарихини пухта ўрганиш совет туркшунослиги олдида турган муҳим проблема бўлиб қолмоқда. Бу проблеманинг илмий ҳал қилиниши ёдномаларни тўғри ўқиш ва уларнинг тил хусусиятла-

---

48 *Митридус* — Митридат.



www.ziyouz.com kutubxonasi

рини тўғри изоҳлаш билан боғлиқдир. Бу эса ўз навбатида уларнинг текстини тўғри транскрипция қилишга эришишни тақозо қилади.

Ҳозирги вақтда бундай ишлар билан шуғулланувчи илмий марказларнинг сони ортиб бормоқда ва турли даврларга оид ёдномалар кўплаб нашр қилинмоқда. Буларнинг айримлари транслитерация йўли билан оммавий равишда, айримлари эса илмий-танқидий ўрганиш мақсадида транскрипция қилиш йўли билан нашр қилинмоқда.

Лекин мана шундай муҳим ишда ҳозирга қадар туркологик марказлар ишида бирлик кўринмайди; ёдномалар турли марказларда турли транскрипцион белгилар билан нашр қилинмоқда.

Бу масала олимлар диққатини кўпдан буён жалб қилиб келган. Рус, совет ва хорижий туркшунослар латин ва рус алфавитлари асосида ёдгорликларни транскрипция қилишга уриниб, анча муваффақиятларга эришганлар. Ўрхун-Енисей ёдгорликлари, турфон обидалари, уйғур ёзуви ёдномалари, «Девону луғотит турк», «Қутадғу билиг», «Ҳибатул ҳақойиқ», «Муҳаббатнома», «Ўғузнома», «Тафсир», «Қисасул анбиё» каби йирик обидаларни ўрганиш соҳасида ватандош олимларимизнинг хизмати айниқса каттадир. Улар ўзлари ўрганган ёдгорликларни ёки уларнинг қисмларини муваффақиятли равишда транскрипция қилганлар.

Бу жиҳатдан П. М. Мелиоранский, В. В. Радлов, С. Е. Малов, Н. А. Баскаков, И. А. Батманов, В. М. Насилов, А. К. Боровков, А. М. Шчербак, Э. Н. Нажиб, С. М. Муталлибов каби олимларнинг ишлари алоҳида диққатга сазовордир.

Сўнгги вақтларда айрим олимлар ишида туркий ёдгорликларни транскрипция қилиш соҳасида мумкин қадар бирликка интилиш ва барча туркий халқлар томонидан қабул қилинган рус графикасига асосланиш сезилмоқда[49]. Бу ҳол, шубҳасиз, шу соҳадаги илгари силжиш бўлиб, туркшунослик марказларида транскрипция белгиларини бирлаштиришга, кенг ўқувчилар оммасининг ўқишини осонлаштиришга ва ниҳоят, нашр ишларидаги қатор техник қийинчиликларни бартараф қилишга имкон беради.

Шуларни эътиборга олиб, биз ҳам XI асрнинг адабий ёдгорлиги «Қутадғу билиг»ни транскрипция қилишда рус графикаси асосидаги туркий халқлар ёзув системасида мавжуд бўлган белгиларга асосланиб иш бошлашни лозим топдик. Белгилар танлашда Н. А. Баскаков

---

[49] Н. А. Баскаков, Тюркские языки, М., 1960; В. М. Насилов, Язык орхоно-енисейских памятников, М., 1960; И. А. Батманов, З. Б. Арагачи, Г. Ф. Бабушкин, Современная и древняя енисеика, Фрунзе, 1962; Э. Н. Наджип, Мухаббат-наме, М., 1961; А. М. Щербак, Грамматический очерк языка памятников X—XIII веков из Восточного Туркестана, М.—Л., 1961 ва бошқалар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

томонидан тақдим қилинган фонетик транскрипция белгилари ҳақидаги лойиҳага таяндик[50].

«Қутадғу билиг»нинг Г. Вамбери, В. Радлов ва С. Е. Малов томонидан ўрганилиши бу олимларнинг ҳам шу асар текстини бериш учун белгилар танлаш устида кўп ишлар қилишларига сабаб бўлди[51]. Бу ўринда академик Радловнинг хизматларини алоҳида қайд қилмоқ лозим. У ўзининг рус графикасига асосланган академик транскрипцияси билан «Қутадғу билиг»нинг тўлиқ текстини немис тилига таржимаси билан нашр қилдирди. Бу билан ёдномаларни транскрипция қилиш масаласи бир даража ҳал бўлди.

Тил нормалари нотаниш бўлган ёдгорликлар текстини транскрипция қилиш мутлақ шарафли иш бўлиши билан бирга кўп жиҳатдан масъулиятлидир. Бундай ишларда айрим англашилмовчилик ва камчиликларга йўл қўйиш жиддий хатоларга олиб келиши мумкин.

Жумладан, В. Радловнинг «Қутадғу билиг»га берган дунёга машҳур академик транскрипциясида ҳам қатор камчиликларга йўл қўйилган. В. Радлов асар тилини сунъий равишда «олтойлаштирган» ва бу ҳол транскрипцияда ўз аксини топган. Радлов томонидан йўл қўйилган бу камчилик В. Томсен томонидан ўз вақтида танқид қилинган ва Радлов ўз хатосига иқрор бўлган[52]. «Олтойлаштириш»нинг хато оқибати туфайли транскрипцияда бош ва охирги позицияларда ундошлар жарангсизлаштирилган, аксинча, интервокал ҳолатда жаранглилаштирилган: *пајат, пағырсақ, қыс, пäк, болуп, кÿlміс, оды, ады, кіжі, іжі, йоғару, ағы, чäжäк, сағынч, ғÿбäнч* ва ҳоказо.

«Қутадғу билиг» текстининг туркча нашрида транскрипция учун Истамбул университетининг адабиёт факультети томонидан ишлаб чиқилган белгилар асосга олинган. Бу ҳол асар тилини сунъийлаштириб, ҳозирги турк тили билан яқинлаштириш каби интилиш билан боғлиқ бўлган. А. А. Валитова асарнинг туркча нашридан мисоллар келтириб, уни С. Е. Маловнинг халқаро илмий транскрипцияси билан чоғиштириш асосида туркларнинг транскрипцияси мақбул эмаслигини ва XI аср қорахонийлар даври адабий тилини акс эттира олмаслигини таъкидлайди[53].

---

[50] Н. А. Баскаков. О проекте единой фонетической транскрипции для тюркских языков, М., 1952.

[51] H. Vambery, Uigurische Sprachmonumente und das Kudatku Bilik, Innsbruk, Wagner, 1870; W. Radloff, Das Kudatku Bilik des Jusuf—Chass—Hadschib aus Bälasagun, Theil II, Text und Überzetzung... St.-Petersburg, 1900—1910.

[52] С. Е. Малов, Памятники древнетюркской письменности, М.—Л., 1951, стр. 97; А. А. Валитова, К изданию критического текста и перевода «Кутадгу билиг», Краткие сообщения Института народов Азии, XLIV (44), М., 1961, стр. 78.

[53] А. А. Валитова, Юқорида кўрсатилган асар, 79-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Машҳур текстолог Е. Э. Бертельснинг фойдали бўлган ҳар қандай филологик нашр оригинал шрифти билан берилиши лозим, чунки ҳеч қандай транскрипция оригинал ўрнини боса олмайди[54], деган қараши ҳам бир томонлама тўғри фикрдир.

Мана шу каби қийинчиликларни ҳисобга олиб бўлса керак, А. А. Валитова «Қутадғу билиг»нинг критик текстини тайёрлашда транскрипция бермоқчи эмаслигини, текст, таржима ва комментарий билан чегараланишини таъкидлайди[55].

Кўриниб турибдики, ёдномаларни транскрипция қилиш ниҳоятда масъулиятли бўлиб, жуда эҳтиёт билан иш кўришни талаб қилади.

Биз «Қутадғу билиг»нинг Наманган нусхасининг транскрипциясини тайёрлашда бевосита шу асарни ўрганиш билан шуғулланган В. Радлов, С. Е. Малов, Г. Вамбери, В. Томсен ва бошқа рус ва совет олимларининг бой тажрибаларига суяниб иш олиб бордик.

Асар тилини транскрипция қилишда совет туркий халқлари томонидан қабул қилинган рус графикаси асосидаги белгиларга асосландик. Биз берган транскрипция ҳам том маъноси билан «Қутадғу билиг» тилини тўла тиклаш деган сўз эмас. У XI аср адабий тилининг хусусиятларини тўлиқ акс эттирувчи тугал фонетик транскрипция бўла олмайди, балки шу соҳа сари қўйилган дастлабки қадамдир.

Бирор сўзнинг транскрипциясини беришда унинг луғавий маъноси, классик филологик луғатлардаги (агар шу сўз ўша луғатларда мавжуд бўлса) бош шакли, бошқа ёдгорликлардаги кўриниши биринчи планда туради. Уларнинг ҳозирги туркий тиллардаги талаффуз нормаларига имтиёз берилмайди. Бу ҳол асар тилидаги ҳар сўзни ҳозирги туркий тилларнинг бирортасига мослаш орқасида келиб чиқадиган хатонинг олдини олади. Асарнинг араб ёзуви асосида кўчирилган икки нусхасининг мавжудлиги ҳам сўзларнинг шакли ва талаффуз нормасини тиклаш ишини бир оз енгиллаштиради.

Асар текстини транскрипция қилишда мўътабар олимларимизнинг шу соҳадаги тажрибаларига суяндик ва қуйидаги белгилардан фойдаланишни лозим топдик:

---

[54] Е. Э. Бертельс, Вопросы методики подготовки критических изданий классических памятников литературы народов Ближнего и среднего Востока, «Первая Всесоюзная конференция востоковедов», Тезисы докладов и сообщений, Ташкент, 1957, стр. 241.

[55] Асарнинг критик тексти, таржима ва комментарийси устидаги иш Е. Э. Бертельс раҳбарлигида СССР ФА Осиё халқлари институтида бошланганлиги ва биринчи томи тайёрланиб нашрга берилганлиги маълум. Қаранг: А. А. Валитова, К изданию критического текста и перевода «Кутадгу билиг», Краткие сообщения института народов Азии, XLIV, М., 1961, стр. 77—88.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Унлилар бўйича:

тил олди { лаблашмаган и, э, *ә*; лаблашган *ү*, *ө*.

тил орқа { лаблашмаган ы, а; лаблашган у, о.

## Ундошлар бўйича:

*б, п, с, т, ж, ж̇, ч, х, ҳ, д, ḋ, р, з, ш, ъ, ғ, ф, қ, к, г, л, м, н, в, в̇, й, ң, нг.*

### ИЗОҲЛАР

1. [э] белгиси асар тили учун хос бўлган ва [*и*] билан [*ә*] оралиғида талаффуз қилинган унли учун ишлатилган. Бу товуш ўз талаффузига кўра ҳозирги [э] товушидан фарқ қилган: *бэг, тэтиг, бэлгүлүг, кэлдим, йэдим, йэмә* каби.

2. [*ж̇*] белгиси ژ учун: *аж̇ун, эрәж̇, тәж̇ик.*

3. [*ḋ*] белгиси ذ учун; *аḋақ, қаḋаш, өḋ, көḋәз.*

4. [*в̇*] белгиси ۋ учун; *күв̇әнч, ав̇ынч, тав̇ар, эв̇, сэв̇инч.*

5. [*нг*] белгиси сўнгги ундоши [*н*] дан иборат сўзларга [*г*] билан бошланувчи қўшимчалар қўшилиши натижасида ҳосил бўладиган позицион қоришиқ [*н—г*] товушини ифодалаш учун ишлатилади: *башынга, ишингә, өтингү, көнгәлир* каби.

6. Итбоқ ҳарфлардан ص, ض, ط, ظ, бўғиз ҳарфларидан ح, ع лар, шунингдек ث товуши асар тилида араб-форс-тожик сўзларидагина учрайди. Маҳмуд Қошғарийнинг таъкидлашича, бу товушлардан бирортаси ҳам туркий тилларда йўқ[56]. Улардан бирортасини ёзишга зарурат туғилганда турклар шу товушлар мос келадиган туркий ҳарфларга қўшимча белгилар орттирганлар. Лекин туркий талаффузда бу товушларнинг ўрни бўлмаган. Шунинг учун ث, ص, ض, ط, ظ, ح лар учун транскрипцияда махсус белги олмадик, уларни ҳам [с], [з], [т], [ҳ] лар билан бердик.

7. Маҳмуд Қошғарий ھ товуши хўтанликлар ва канжаклар тилида

---

[56] М. Кошғарий, Девону луғотит турк, I, Тошкент, 1960, 48-бет (таржимон ва ношир фил. фан. канд. *С. Муталлибов*).



www.ziyouz.com kutubxonasi

ишлатилишини айтади. Демак, бу товуш туркий талаффузда мавжуд бўлган. Шунга кўра бу товуш учун [ҳ̧] белгиси олинди.

8. ع товуши учун, гарчи у араб сўзлари таркибида учраса ҳам, [ъ] белгиси олинди. Чунки шу товуш билан келган сўзларнинг «Қутадғу билиг» вазнига мос ҳолда талаффузида унинг ўрни яққол сезилиб туради.

9. خطای, اطا, اطلندی, طفغاچ каби туркий сўзлар таркибида учрайдиган ط товуши учун махсус белги олинмади. Чунки асар автори бу товуш ت нинг қаттиқроқ бир варианти эканлигини кўрсатиш мақсадидагина ط ни ишлатган, аслида эса уларнинг талаффузида фарқ бўлмаган (асарда ات ва اط параллель ишлатилган).

10. ل ундошининг қаттиқ ва юмшоқ вариантлари учун алоҳида белги олинмади, ҳар икки ҳол учун [*л*] ишлатилди. Чунки унинг талаффузи ҳам ўзакнинг хусусиятига боғлиқлиги назарда тутилди: қыл, кэл, қул, күл каби.

Асар текстини транскрипция қилишда қуйидагиларга риоя қилинди:

1. *-тэг* қўшимчаси, *-оқ (-өк)*, *-му* юкламалари, *-а* (*-ә*) ундови сўзлардан дефис билан ажратиб ёзилади.

2. Барча мисралар бош ҳарф билан бошланади.

3. Атоқли отлар ва жой номлари барча ўринларда бош ҳарф билан ёзилади.

4. Мисра ва байтлар ўртасида ҳеч қандай белги ишлатилмайди.

5. Мисралардаги сўзлар, мустақил гаплар, уюшган бўлаклар, эргашган ва боғланган гаплар махсус белгилар ёрдамида ажратилмайди.

6. мэн, сэн, ул, биз (миз), сиз олмошлари предикатив вазифада келганда сўзлардан дефис билан ажратиб ёзилади. Бунда уларни қаттиқ ва юмшоқ вариантларга ажратиб ёзишга зарурат қолмайди.

7. Бир сўз икки хил ёзилишига қарамасдан бир турли транскрипция қилинади[57]: بتون, بوتون—*бүтүн*, قلق, قالق—*қалық*, ترور, تورور — *турур*, قت, قوت — *қут* каби.

8. Охири алифга тугаган ва *-ан (-ән)* талаффуз қилиниши аниқ кўриниб турган сўзларда шу танвинлик алиф-*а*ⁿ (-*ә*ⁿ) тарзида эмас, (ما — *мә*, سا — *сә*, اندا نارو — *анда нару*, یوزدا بیر—*йүздә бир* каби) тарзида берилади.

9. Асар текстини транскрипция қилиш соҳасида учрайдиган асосий қийинчиликлардан бири охири ک билан тугайдиган сўзларнинг та-

[57] «Қутадғу билиг»да ҳам «Девону луғотит турк»дагидек қатор сўзлар икки вариантда—юмшоқ ва қаттиқ вариантда учрайди (йудуғ—йүдүгли, йоруғлы — йөрүгли, тапла — тэпләмәк). Шундай сўзларни биз ҳам ўзича қолдиравердик.



www.ziyouz.com kutubxonasi

лаффузини аниқлаш масаласи билан боғлиқ. Ҳозирга қадар бу масалада қатъийлик йўқ. Шунинг учун турли ишларда бу белги турлича транскрипцион (*к*, *г*) белгилар билан (*билиг-билик, бэдүг-бэдүк, тэтиг-тэтик, түрлүг-түрлүк* каби) берилади.

Лекин бу масалага муайян аниқлик киритиш учун имконият берадиган айрим омиллар борки, уларни эътиборга олинса, бу масаланинг бир қадар ижобий ҳал қилинишига имконият беради.

Жумладан, М. Кошғарийнинг шу ҳақда айтган фикрлари жуда қимматлидир.

Бундан ташқари, «Қутадғу билиг» ва «Девону луғотит турк» асарларида сўз охиридаги ундошларнинг жаранглилашишга мойиллиги кучли.

Учинчидан, кузатишлар шуни кўрсатадики, «Қутадғу билиг» тилида каттиқ ўзакли сўзларнинг охирида асосан [ғ] жарангли ундоши учрайди, [қ] эса [ғ] га нисбатан кам ишлатилади. Бу ҳодисани қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Белги, сифат, ҳаракат маъносини ифодаловчи сўзларда, асосан, сўз охирида [ғ] учрайди: *охшағ, йулуғ, улуғ, қулсығ, қутлуғ, бышығ, йайығ, барығ, учуғ, йурығ* каби (бу ҳол яна [ғ] ва [г] ларнинг [в]га ўтиши билан ҳам характерлидир).

Шундай экан, худди шу маънодаги юмшоқ ўзакли сўзларда сўз охиридаги گ ундошини ҳам ([ғ]га аналогик тарзда) [г] тарзида бериш тўғри бўлади: *мэңзэг, сэзиг, билиг, битиг, бэдүг, эрсиг, тириг, көрклүг, эринчиг, түрлүг, кэлиг* каби.

Аксинча, предмет, ҳодиса, воқеа номи маъносидаги қаттиқ ўзакли сўзлар охирида асосан [қ] ишлатилади: *улуғлуқ, ағирлық, қылық, йазуқ, қуллуқ* каби. Демак, шу маънодаги юмшоқ ўзакли сўзлар охиридаги ك ундошини ҳам ([қ]га аналогик тарзда) [к] билан бериш тўғри бўлади: *бэдүглүк, эрклиглик, бирлик, тилэк, эмгэк, көрк, эшүк, бэглик* каби.

10. گلى - аффикси-*гли* тарзида берилади. Чунки қаттиқ ўзакли сўзларда бу аффикс сурункасига-*ғлы* тарзида учрайди, унинг-*қлы* варианти мавжуд эмас.

11. كيل - аффикси-*кил* эмас-*гил* тарзида берилади. Чунки қаттиқ ўзакларда унинг фақат -*ғыл* шаклида ишлатилишини кўрамиз, -*қыл* варианти деярли учрамайди.

12. گا - аффикси [н] ва [ң]дан сўнггина-*га* тарзида, қолган ҳамма ўринларда-*кэ* тарзида берилади. Чунки қаттиқ ўзакли сўзларда асосан унинг-*қа* шакли истеъмолда бўлиб, -*ға* варианти саноқли ўринлардагина ишлатилади.

13. گان - аффикси-*кэн* эмас -*гэн* билан берилади, чунки унинг-*қан* варианти деярли учрамайди, асосан -*ған* шакли ишлатилади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

14. اوك - юкламаси *-өг* эмас *-өк* билан берилади, чунки унинг фақат *-оқ* вариантигина мавжуд.

15. تكى - қўшимчаси *-тәк* эмас *-тәг* тарзида транскрипция қилинади. Бунда, биринчидан, унинг асосий маъноси *етмоқ* назарга олинади, иккинчидан, [*г*]нинг [*й*]га ўтиши ва, учинчидан, метатеза назарда тутилади: *тәгмәди*>*тәг*>*тәй*>*йәт*; *тәгүргил*>*тәйүргил*>*йәтүргил* каби (*аның-тәг*—*үндек*, яъни унга етиб маъносида).

16. دوك - аффикси *-дүг* эмас *-дүк* тарзида транскрипция қилинади. Чунки қаттиқ ўзакли сўзлар билан бу аффикснинг *-дуқ* шаклигина учрайди, унинг *-дуғ* варианти мавжуд эмас.

17. Тушум келишигининг ك - аффикси *-к* эмас *-г* тарзида берилади. Бунда қаттиқ ўзакларда унинг фақатгина *-ғ* варианти ишлатилиши, *-қ* шакли йўқлиги эътиборга олинади.

18. Нисбий сифат ясовчи كى - аффикси *-ги* эмас *-ки* тарзида берилади, чунки қаттиқ ўзакларда унинг фақат *-қы* шаклигина учрайди, *-ғы* мавжуд эмас.

19. ماك - аффикси ҳамма позицияларда ҳам *-мәк* тарзида транскрипция қилинади. Бунда унинг *-мақ* варианти учраши, *-мағ* эса мавжуд эмаслиги назарга олинади, ҳатто эгалик қўшилганда ҳам қўшимчанинг жарангсиз варианти сақланади: *урмақ—урмақы, көдәзмәк—көдгзмәки* каби.

20. Талаффузини аниқлаш қийин бўлган сўзлар оригиналда ёзилишича шартли транскрипция қилиниб, у сўзларнинг Қоҳира ва Вена нусхаларидаги шакли изоҳда берилади.

«Қутадғу билиг» байтларини тавсиф қилишда қуйидаги тартибга риоя қилинади:

1. Ҳар бир байтнинг тавсифи иккинчи бетда ёнма-ён берилади.
2. Ҳар бир мисра ва байт доирасидаги сўзлар, агар уларнинг маънолари ҳозирги тилимизда ҳам ўзгармаган бўлса, иккинчи бир сўз воситасида берилмайди, балки ўзича қолдирилади.
3. Зарур ўринлардагина сўз тартиби, унда ҳам тавсифда оригинал хусусиятини сақлангани ҳолда, бир оз ўзгартирилади[58].
4. Ҳар бир сўз учун ҳозирги тилда шу сўзнинг айнан маъносини акс эттирувчи эквивалент ишлатилади.
5. Тавсифда имкон борича оригиналдан четга чиқилмайди.
6. Изоҳ талаб ўринларда тавсифдан сўнг ўрта қавс ичида тушунтириш берилади.

---

[58] Тавсифда мисра ва байт доирасидаги сўзларнинг оригиналдаги тартибини, мисра ва байтлар чегарасини бузмасликка интилинганлиги сабабли айрим байтлар тавсифининг ҳозирги адабий тил нормасига тўла мос келмаслик ҳоллари ҳам учрайди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

7. Тавсифда тушунтиришни енгиллаштириш мақсадида автор томонидан орттирилган сўзлар қавс ичида берилади.

8. Ҳозирги ўзбек тилида эквиваленти бўлмаган ёки тўла мос келадиган эквивалентга эга бўлмаган айрим сўзлар ва терминлар ўзича қолдирилиб, сноскада изоҳ берилади.

9. Транскрипцияда саҳифа ҳошиясида қўлёзманинг варақлари рақамлар билан, саҳифалар эса *а*, *б* тарзида кўрсатилади.

10. Транскрипцияда ҳам, тавсифда ҳам байтларнинг тартиб рақами берилади.

11. Текст ва тавсифда учрайдиган сноскалар рақамлар сираси тартиби билан китоб охирида иловалар тарзида берилади.

12. *белгиси текст ва тавсифда қайси сноскадан кейин учраса, иловада ҳам шу тартибда келади.

*Қ. Каримов*

www.ziyouz.com kutubxonasi



«Қутадғу билиг»нинг Вена нусхасидан намуна



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ҚУТАДҒУ БИЛИГ

# قوتادغو بیلیک

www.ziyouz.com kutubxonasi



«Қутадғу билиг»нинг Қоҳира нусхасидан намуна



www.ziyouz.com kutubxonasi



«Қутадғу билиг»нинг Наманган нусхасидан намуна



www.ziyouz.com kutubxonasi

## БИСМИЛЛАҲИ-Р-РАҲМАНИ-Р-РАҲИМ

1 *б* Ҳамду сэпасу миннату өгди тэңри ъазза ва жаллақа, ким улуғлуғ идиси, тугэл қудратлығ падшаҳ, йэрли көкли йаратған, қамуғ тынлығларқа рози бэргэн, нэни ким тилэди қылды, йэмэ нэни тилэсэ қылған йафъалу ма йашау ва йаҳкаму ма йурид, йэмэ халқларда өдүрди тэңри йалавачы үзэ сансыз доруд болсун, эшлэри ъазиз ағырлығ саҳабалар үзэ ризван аллаҳи ъалайҳим ажмаъина. Бу китаб йавлақ ъазиз турур, Чин ҳакимларының амсаллары бирлэ йарамыш, Мачин ҳакимларының ашъарлары бирлэ араста қылмыш, бу китабны оқығлы, бу байтларны маълум қылығлы китабдын йахшы ъазизрақ турур. Мачин ъалимлары ва ҳакимлары қамуғ иттифақ болдылар, ким Машриқ вилайатында, Түркистэн эллэриндэ Буғрахан тилинчэ (2а) бу китабдын йахшырақ ҳаргэз ким эрсэ тасниф қылмады. Бу китаб қайу падшаҳқа[1] йа қайу иқлимқа тэгди эрсэ ғайат узлуқындын, ниҳайатыдын кэчэ көрклүглүкиндин ул эллэрниң ҳукамалары, ъалимлары қабул қылыб, тэкмэ бири бир түрлүг ат лақаб бэрдилэр; Чинлығлар «Адабул мулук» ат бэрдилэр, Мачын маликының надимлары «Айинул мамлакат» атадылар, Машриқлығлар «Зийнатул умара» тэб айдылар. Эранлығлар «Шаҳнамаи турки» тэдилэр, баъзилар ма «Панднамаи мулук» тэмишлэр, Туранлығлар «Қутадғу билиг» тэб аймышлар. Бу китабны тасниф қылығлы Баласағун мавлудлығ парҳиз идиси эр турур. Амма бу китабны Қашғарда түгэл қылыб, Машриқ малики Тавғачхан үскингэ кэкүрмиш, малик аны ағырлаб, улуғлаб өз Хас Ҳажиблықы аңа бэрмиш турур, аның үчүн Йусуф Улуғ Хас Ҳажиб тэб аты жавы йазылмыш* турур. Ағыр ул үзэ бина қылмыш турур: бир — ъадл, экинчи — давлат, үчүнчи — ъақл, төртүнчи — қанаъат, йана тэкмэ бирингэ түркчэ бир ат бэриб турур; ъадлқа Күнтуғды элиг ат бэриб, падшаҳ орныга тутмыш, давлатқа Айтолды ат бэриб, вазир орныга тутмыш, ъақлқа (2б) Өгдүлмиш ат бэриб, вазирның оғлы йэриндэ тутмыш турур, қанаътқа Од-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ғурмыш ат бэриб, қарындашы тэб аймыш турур. Тақы анлар ара мунazара савалы-жавабы кэчәр-тэг сөзләмиш турур. Оқығлы көңли ачылыб, мусаннифқа эдгү дуъа бирлә йад қылсун, иншаллаҳу таъала.

## МАРҲАМАТЛИ МЕҲРИБОН ТАНГРИНИНГ НОМИ БИЛАН

Ҳамду сано, шукрона ва мақтовлар (бўлсин) энг азиз ва энг улуғ тангригаки, (у) улуғлик соҳиби, тугал қудратли подшоҳ, ерни, кўкни яратган, ҳамма тин олувчиларга ризқ бергандир. (У) ниманики истаса қилгандир, шунингдек, нимани истаса қилгусидир, яфъалу мо яшау ва яҳкаму мо юрид [яъни нимага қасд қилса, қилгай ва нимага ихтиёр қилса ҳукм юритгай]. Шунингдек, одамлар орасида сараси (бўлмиш) тангрининг расулига сонсиз саломлар бўлсин, (расулнинг) сафдошлари (бўлмиш) азиз ва қимматли саҳобалар узра, ризвоноллоҳу алайҳум ажмаина [яъни уларнинг барчаси узра тангрининг розилиги ёғилгай]. Бу китоб жуда азиздир. Чин донишмандларининг масаллари билан яратилган, Мочин донишмандларининг ашъорлари билан тартиб берилган бу китобни ўқигувчи, бу байтларнинг маъносини чақувчи (киши) китобдан (ҳам) яхши азизроқ бўлади. Мочин олимлари, донишмандлари бир қарорга келдиларки, Машриқ вилоятида, Туркистон элларида Буғрахон тилида бирор кимса ҳаргиз бу китобдан яхшироқ (китоб) ёзган эмас. Бу китоб қайси подшоҳ(лик)га ёки қайси иқлимга етса, ғоят яхшилигидан, ниҳоятидан ортиқ даражада жозибалилигидан ўша элларнинг донишмандлари, олимлари қабул қилиб, ҳар бирлари бир турли от лақаб бердилар. Чинликлар «Одобул мулук» (деб) от бердилар, Мочин маликининг надимлари «Ойинул мамлакат» (деб) атадилар, машриқликлар «Зийнатул умаро» деб айтадилар, эронликлар «Шоҳномаи туркий» дедилар, шунингдек, баъзилар «Пандномаи мулук» дебдилар, туронликлар «Қутадғу билиг» деб айтибдилар. Бу китобни тартиб берувчи Баласоғунда туғилган, парҳиз соҳиби [яъни тийилган, сабр-қаноатли] кишидир. Аммо бу китобни Қошғарда тугал қилиб, Машриқ малики Тавғачхон даргоҳига келтирибдир. Малик уни ёрлақаб, улуғлаб ўз (саройида) Хос Ҳожиблик (лавозим)ини унга берибди. Шунинг учун Юсуф Улуғ Хос Ҳожиб деб машҳур номи тарқалибди. (Бу китоб) шулар билан қадрлидир; бири — адл, иккинчиси — давлат, учинчиси — ақл, тўртинчиси — қаноат. Яна (буларнинг) ҳар бирига туркча бир ном берибди. Адлга Кунтуғди элиг номини бериб, подшо лавозимида тутибди, давлатга Ойтўлди номини бериб, вазир лавозимига қўйибди, ақлга (эса) Ўгдулмиш номини бериб, вазирнинг ўғли ўрнида тутибди, қаноатга Ўзғурмиш номини бериб, (Ўгдулмишнинг) қариндоши деб айтибди. Шунингдек, улар орасида мунозара савол-жавоби бўлиб ўтгани тарзида ҳикоя қилибди. Ўқувчи кўнгли очилиб, мусаннифни эзгу дуолар билан ёд қилсин, иншоллоҳу таоло.

Қ-3* Уған бир байат-ул қамуғдан үзә
Өкүш ҳамду өгди аңар-оқ саза

Улуғлуғ идиси уған зулжалал
Йаратқан төрүткән ма қадыр камал

Э йэр көк идиси халайиқ билә
Розыны анутмыш йэгил сэн күлә

Сақышсыз бэригли қамуғқа рози
Йэтүрүр қамуғны ма йэмәс өзи

Ачын қодмас ҳаргэз қамуғ тынлығығ
Йэтүрүр ичүрүр түзү санлиғиғ

Нэ-тэг ким тиләди ма болди қамуғ
Кими ким тиләсә қылур ул улуғ

Доруд ул өдурмиш расулқа салам
Йэмә эшләрикә салам ҳам улам

Муҳаммад йалавач халайиқ башы
Қамуғ барчаларқа ул-ул көз қашы

Йэмә бу китаб-ул эди-өк ъазиз
Билиглигкә болғай билигдин тэңиз

Йаратмыш ағырлығ билигләр билә
Қалы ким шукр ул қанаъат тилә

Қамуғ барчасынга бөгүләр сөзи
Тизиб йинжүләйү қамуғ түбтүзи

Бу машриқ малики мачинлар бэги
Билиглиг уқушлуғ ажунда йэги

Қамуғ бу китабны алыб өзләмиш
Хазина ичинда уруб кэзләмиш

Бириндин бирингә мэраслар қалыб
Наданларқа бэрмәз өзингә алыб

Асығлығ турур бу йоқ-ул ҳэч йасы
Өкүш түркләр уқмас мунын маънасы



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қодир бир худо барчадан устундир,
Талай ҳамду санолар унгагина сазодир.

Улуғлик соҳиби, қодир, зулжалол,
Яратувчи, бино қилувчи ҳамда қодир камол.

Эй, халойиқ билан еру кўкнинг эгаси,
(У) ризқни ҳозирлади, сен кулиб егин.

Барчага ҳисобсиз ризқ берувчи
Барчани едиради, (лекин) ўзи емайди.

Барча нафас олувчи(лар)ни ҳаргиз оч қўймайди,
Жумла сонлиларни едиради, ичиради.

(У) қандай истаган бўлса, барчаси (шундай) бўлди,
Кимники истаса у улуғ қилади.

Сайланган расулга дуруд (ва) салом(лар),
Шунингдек, чаҳорёрларига ҳам чексиз салом(лар).

Муҳаммад паёмбар — халойиқ боши,
Ҳамма (ва) барчага у кўз-қошдир.

Шунингдек, бу китоб жуда ҳам азиздир,
Билимли(лар)га билимдан денгиз бўлади.

Қадру қиммат билимлар билан пайдо қилинган,
Агар ким шукру қаноат истар экан.

Ҳамма ва барчасига [яъни бошидан охиригача] донолар сўзи,
Мутлақо тўппа-тўғри инжу каби тизилгандир.

Бу Машриқ маликлари — Мочинларнинг беглари,
Билимли, заковатли, жаҳонда (кишиларнинг) яхшилари,

Мутлақ бу китобни олиб ўзлаштиргандирлар,
Хазина ичига жойлаб яширгандирлар.

Биридан бирига мерос қолиб,
Ўз(лар)ига олиб нодонларга бермайдилар.

Бу (китоб) фойдалидир, ҳеч зиёни йўқдир,
Талай турклар бунинг маъносини тушунмайдилар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Китабдин эшиткән билүр уш аны
Оқыған битигән оқумас муны

Әлиг көз тутар көр китаб сөзләри
Экигүн ажунда этәр ишләри

Мачинлар ҳакими бу Чин йумғусы
Түзү барча аймыш мунуң йахшысы

Бу Машриқ элинда қамуғ түрк ичин
Мэниң[2]-тэг кытаб йоқ ажунды ыдын[3]

Китаб қадрыны ма билиглиг билир
Уқушсуз кишидэн адын нэ кэлир

Э тэкмә кишикә китаб бэрмәгү
Апаң[4] достуң эрсә эмин болмағу

Нэ-тәг ким билигсиз билүмәз муны
Уқушлуғ уқубан кузәтүр таны

Бу Буғрахан вақты ичрә аны
Йәмә хан тилинчә бу этмиш муны

Мунын-тэг китабны ким аймыш оза
Кэдин ма ким айға мунын-тэг үз-ә

Ким-эрсә мунын-тэг этәр-мү қаны
Этигли бар эрса өгәр-мэн аны

Қайу кэнд улуш орду қаршы йэрә
Китабкә өңин ат атамышлар-а

Қ-5 Ул элниң бөгүси ҳакими туруб
Ат урмыш ул элниң төрүчә көрүб

Чинилар адабул мулук тэб айар
Мачинлар анисул мамалик ма айар

Бу Машриқ элинда улуғлар муны
Зийнатул умара тэйүрләр көни

Эранлығлар Шаҳнама тэр муңар
Туранлығлар Қутадғу билиг тэб уқар



www.ziyouz.com kutubxonasi

Уни китобдан эшитгангина билади,
Ўқиган, ёзган (эса) буни ўқимайди.

Китоб сўзлари қўл (ва) кўздан тутади [яъни йўлга солади],
Иккала дунёда (кишининг) ишларини созлайди.

Мочин ҳакимлари, чинликлар барчаси,
Тамоми барчаси бу (китоб)нинг яхшилигини айтгандирлар.

Машриқ элида, жамики турк (ватани) ичида,
Жаҳонда бунингдек бўлак китоб йўқдир.

Китоб қадрини ҳам билимли билади,
Заковатсиз кишидан (жаҳолатдан) бўлак нима келади.

Эй, ҳар хил кишига китоб бермаслик керак,
Агарчи дўстинг бўлса ҳам хотиржам бўлмаслик керак.

Чунки билимсиз буни била олмайди,
Заковатли (эса) ўқиб, танини авайлайди [яъни уни сақлайди].

Бу Буғрахон даврида уни (ёзилиб),
Шунингдек, хон тилида бунга тартиб берилгандир.

Бундайин китобни илгари ким айтган [яъни ёзган],
Кейин ҳам бундайин гўзал қилиб ким айтади.

Бирор кимса бундай тартиб бера оладими, қани,
Тартиб бера оладиган бор бўлса, уни мадҳ қиламан.

Ҳар бир кенд, қишлоқ, шаҳар, сарой ва ерда,
Китобга бошқача от қўйганлар.

Ўша элнинг доно(лар)и, ҳаким(лар)и ҳаракат қилишиб,
Ўша элнинг қонун-қоидасига мослаб атаганлар.

Чинликлар «Адабул мулук» деб айтадилар,
Мочинликлар эса «Анисул мамолик» деб айтадилар.

Бу Машриқ элида улуғлар буни,
Чиндан «Зийнатул умаро» дейдилар.

Эронликлар буни «Шоҳнома» дейдилар,
Туронликлар «Қутадғу билиг» деб англайдилар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Нэ түрлүг бу сөзләр өгин тилдәки
Кәкүрмиш муңар көр қамуғ элдәки

Йәмә бу китабкә ат урмыш улуғ
Байат йарлықасу ул эдгү қулуғ

Эй ул бу китабкә қабул болдуқы
Бу түркләр тилиндә ъажаб көрдүки

Йәмә бу китаб көр қамуғқа йарар
Маликларқа артуқ элиг кәнд тутар

Ким-ул мән бу мулкны тутуғлы қайу
Кәрәклиг аңар бу ҳакимлар айу

Маликлар қоруғы ма асбаб түзә
Бу тартыб ва шарты амарат үзә

Бу мүлкниң ҳарабы бақасы нәдин
Йа мулкат қалуры баруры адын

Йәмә бу чәрик сү эрәт ма қамуғ
Нәкү-тәг тәрилгү йырылғу йолуғ

Мунын тартыбы ма китабда ача
Адырмыш өдүрмиш қамуғны сәчә

Йана бәрк[5] бу мулкны тутуғлы киши
Йарағлығ эрәнкә буйурды иши

Кәрәклиг уқушлуғ бириси оңай
Йулақа нәкү-тәг ачығ қылды ай

Будунның ҳақы бар маликлар үзә
Маликниң ҳақыма будундын түз-ә

Йәмә бу раъиййат көдәзгу аны
Малик ма көдәтсә таны ма жаны

Қ-6 Қайу ул малик ким тоқыш қылғуны
Урушлар өдиндә чәрик түзгүни

Айур көр нәкү-тәг этингү ҳи(й)ла
Бу душман чәрикин сығу қатыла



www.ziyouz.com kutubxonasi

Тафаккур ва тилдаги не-не турли сўзларни,
Жами элдаги (сўзларни) бу (китоб)да келтиргандир, кўр.

Шунингдек, бу китобга от қўйган улуғ (киши)дир,
У эзгу қулни худо ёрлақасин.

Эҳе, бу китобга киритилган нарсалар,
Бу турклар тилида қизиқ кўринган [яъни ҳайратомуз] (нарса)лардир.

Шунингдек, бу китоб барчага ярайди, кўр,
Подшоларга эса ортиқ кендларни қўлга киритади.

Мен ким мену бу мулкни тутувчи қайси,
Унга керак (нарса)ларни ҳакимлар айтгандирлар.

Подшоларнинг қўрғони ҳамда барча керакли нарсалари,
Амират [яъни мулк] учун (барча) тартиб ва шартлари.

Бу мулкнинг хароб (бўлиши), боқий (бўлиши) нимадан,
Ёки мулкнинг (пойдор) қолиши, (қўлдан) кетиши (ва) бошқалар.

Шунингдек, лашкар, қўшин, баҳодир аскарлар барчаси
Қандай йиғилиши, йўл юриши.

Мана шуларнинг тартибини ҳам китобда очиб,
Сайланиб, сараланиб барчаси тушунтирилгандир.

Яна мулкни маҳкам тутувчи киши,
Ишини ярайдиган кишиларга буюради.

Керакли, заковатли бирови (жуда) раводир,
Чироққа ой ёғду бергани каби.

Подшоларда халқнинг ҳақи бордир,
Подшонинг ҳақи ҳам халқдан раводир.

Шунингдек, бу раият унга риоя қилиши керак,
Подшо ҳам (раиятнинг) тани ва жонини авайласин.

Ҳар бир подшо учун уруш қилишни,
Урушлар пайтида лашкар тузишни,

Қандай ҳийла-тадбир(лар) кўришни айтади, кўр,
Аралашиб душман лашкарини (қандай) енгиш кераклигини (сўзлайди).



www.ziyouz.com kutubxonasi

Маликка нэкү-тэг этингү кэрәк
Өзиниң будунлар көнүлгү кэрәк

Бу йаңлығ маликны будунлар сэвәр
Йүзини кэрәй тэб адынлар эвәр

Қуты бар йақын тэб тапуғ қылғуқа
Кимини йағутуб йырақ қовуқуқа

Бир анча нэкү тут йақын тутқуны
Бу қутсуз йавуз тэб йырақ салғуны

Йана бир сийасат башын кэсгүкә
Экинчи йарашыб көңүл бэргүкә

Уқушлуғ билиглиг тоңа алп йүрэк
Хазина толулаб ақытғу кэрәк

Раъиййатқа болса өкүш тақаты
Қамуғ иш ичинда булур раҳаты

Бу қач ҳарф қойар-мэн қумару сэңә
Қодундум унытма дуъа қыл мэңә

Бақа көр китабны бу тэргән киши
Ҳунарлығ эр эрмиш кишиләр башы

Бу түрлүг фазайил уқушлар била
Араста ул эрмиш йўрымыш күлә

Бүтүнлүк ма ҳурмат бу зуҳдлығ үзә
Сақынуқ билиглиг арығлығ үзә

Мунықы таруғлақ қут урды эли
Туб аслы насабдын йурымыш тили

Бу туғмыш элиндин чиқиб барғаны
Китабны қошубан түгәл қылғаны

Барусын битимиш йэтүрмиш низам
Бу Қашғар элиндә қошулмыш тамам

Маликның өңиндә оқымыш муны
Бу Тавғач Қара Буғра ханлар ханы



www.ziyouz.com kutubxonasi

Подшонинг қандай тадбир кўриши лозим,
Ўзининг халқларини йўлга солиши лозим.

Бу янглиғ подшони халқлар севади,
Юзини кўрай деб ўзга (халқлар) ошиқади.

Қути бор, хизмат қилишга яқин деб,
Баъзи(лар)ни йироқ, мамнуъ даргоҳга яқинлаштириб,

(Ўзини) яқин тутувчини бир қадар яхши тут,
Йироқ тутувчини қутсиз, ёвуз деб (бил).

Яна бири—сиёсат бошини кесувчи(лар)га [яъни сиёсатни бузувчиларга],
Иккинчиси — ярашиб кўнгил берувчиларга (нисбатан).

Заковатли, билимли, шижоатли, ботир юрак (бўлиш),
Хазинани тўлдириб тошириш керак.

Раиятга нисбатан тоқати тоғдек бўлса,
Барча иш ичида роҳат топади.

Бу бир қанча сўзларни сенга насиҳат (қилиб) қўймоқдаман,
(Панд) қолдирмоқдаман, унутма, мени дуо қил.

Назар солиб кўр, китобни жам қилган бу киши,
(Барча) кишилар сарвари бўлмиш ҳунарли эрдир.

Бу турли фазилатлар, заковатлар билан,
У орастадир, кулиб [яъни хуррам] юргандир.

Ростлик ҳам ҳурмат, зуҳдлик туфайли,
Андишалилик, билимлилик, покизалик туфайли.

Бунинг ери (ва) эли қут урди [яъни яшнади],
Туб-асли, насл-насабдан тили сўз очди.

Бу (ўз) туғилган элидан чиқиб кетгани,
Китобни жамлаб тугал қилгани (ҳақида гапирди).

Борини ёзди, тартиб берди,
Бу (китоб) Қошғар элида тамом қилинди.

Бу (китоб)ни подшонинг ҳузурида ўқиди,
Хонлар хони бу Тавғоч Қора Буғра.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қ-7 Ағырламыш артуқ өгуш хилъаты
Қаламның ҳақы тэб уқуш ҳурматы

Бу Хас Ҳажиб атын тэгүрмиш муңа
Муны бу өзингэ йағутмыш йана

Бу маъни үчүн көр ағырлар аны
Юсуф Хас Ҳажиб тэб айурлар көни

Йана бу китабның байаны айур
Бу төрт нэң шарифлар үзэлә қылур

Бириси ма ъадл-ул көнилик үзэ
Экинчи бу давлат қут иқбал түзэ

Үчүнчи хырад-ул улуғлуғ билә
Төртинчи қанаъат ва ъафийат билә

Бу тэкмә берингә ат урмыш өгин
Бу йаңлуқлықыны айамыш[6] кэдин

Ъадлқа Күн туғды элиг тэб атар
Аны көр маликлығ қурынга тутар

Бу Айтолды давлат атанур көни
Вазирлығ йэрингә тутар көр муны

Хирадқа атады бу ул Өгдүлмиш
Муны ма вазирның оглы тэб тэмиш

Қанаъатқа Одғурмыш аты бэрүр
Муңар ма вазирның йағуғы тэйүр

Мунын ҳикмати көр бу төрт нэң үзэ
Китабны тугэтмиш буларны түзэ

Ъарабча-тэжикчэ китаблар өкүш
Бизиң тилимизчэ бу йумғы уқуш

Билиглиг билүр-ул мунуң ҳурматы[7]
Уқушлуғ уқар-ул билиг қийматы

Бу түркчэ қошуқлар түзэттим сэңэ
Оқырда унытма дуъа қыл мэңэ

Барур-мэн ажундын эшит сэн өзүң
Өкүш алғыл ъибрат ма ачғыл көзүң

Илаҳа сэн-өк сэн түзү йарлықа
Розы қыл қамуғ барча моминларқа.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳаддан ташқари ҳурматлади, талай инъомлар [ҳадя қилди],
Қаламнинг ҳақи, заковатининг ҳурмати (сифатида).

Бунга Хос Ҳожиблик унвонини берди,
Буни янада ўзига яқинлаштирди.

Шу маънидан уни қадрлайди(лар), назар сол,
Чиндан Юсуф Хос Ҳожиб деб атайдилар.

Шунингдек, бу китобнинг баёнини айтади,
Бу тўрт табаррук нарса узра изоҳлайди.

Бири — тўғрилик асосидаги адолатдир,
Иккинчиси — давлат, бутунлай қут, иқболдир.

Учинчиси — улуғлик билан ақлдир,
Тўртинчиси — офият билан қаноатдир.

Бу ҳар бирига бошқача от қўйгандир,
Кейин (нега) бу янглиғлигини баён қилгандир.

Адлни Кунтуғди элиг деб атаган,
Уни подшоҳлик мансабига (тенг) тутган, кўр.

Чиндан бу давлат Ойтўлди деб аталган,
Уни вазирлик мавқеига (тенг) тутган, кўр.

Ақлни (эса) у Ўгдулмиш деб атаган,
Буни, шунингдек, вазирнинг ўғли деб айтган.

Қаноатга Ўзғурмиш отини берган,
Уни ҳам вазирнинг яқини деган.

Бу (китоб)нинг ҳикмати (мазкур) тўрт нарса узрадир,
(Мана) шуларни тузиб китобни тугатгандир.

Арабча, тожикча бундай китоблар талайдир,
Бизнинг тилимизда эса бу жамланган заковатдир.

Бунинг ҳурматини билимли билади,
Билим қийматини заковатли уқади.

Сенга бу туркча қўшиқларни тартиб бердим,
Ўқирда унутма, менинг ҳақимга дуо қил.

Мен дунёдан ўтаман, сен ўзинг эшит,
Кўп ибрат олгин ҳамда кўзингни очгин.

Илоҳо, сенгина барчани ёрлақа,
Жумла мўминларга ризқи рўз бер*.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**ФИҲРАСТИ АБВАБ:**


баб. Қитаб башы йэти кавакиб он эки буруж.
баб. Йаңлуқ ағырлықын айур.
баб. Тил эрдэмин асғын, йасын айур.
баб. Қитаб идиси өз ъузрын айур.
баб. Эдгү өт савны сөзләйүр.
3а баб. Билиг, уқуш эрдәмин асғын айур.
баб. Қитабның түзүгин, авучғалықын айур.
баб. Қылық, қылынч артақы йасын айур.
баб. Қитаб башы Күнтуғды ъадл сөзи.
баб. Айтолды Күнтуғдықа кәлмиши байаны.
баб. Айтолды Күнтуғды элигкә көрүнмиши байаны
баб. Айтолды элигкә давлат эрдүкин байанын айур.
3б баб. Йана давлат сифаты эрдәмин айур.
баб. Йана давлат йавалықы ирсәлликин айур.
баб. Күнтуғды элиг Айтолдықа өзин билгүтүр.
баб. Күнтуғды ъадл сифаты мәңү билигин уқтурур.
баб. Айтолды савалы элигкә.
баб. Элиг жавабы Айтолдықа.
баб. Сөзләмәк-му эдгү йа шүк турмақ-му байаны қылур.
4а баб. Қут қывылықын давлат йайиғлиқын айур.
баб. Айтолды оғлықа насиҳат қылурын айур.
баб. Айтолды элигкә қумару битиг қодмышын айур.
баб. Элиг Өгдүлмишни үндәмиши сөзи.
баб. Элиг савалы Өгдүлмишкә.
баб. Өгдүлмиш жавабы элигкә
баб. Уқуш орны суврати айлур.
4б баб. Бэглэр нэкү-тэг кэрәкин айур.
баб. Вазирлар нэкү-тэг кэрәкин айур.
баб. Исфаҳсалар нэкү-тэг кэрәкин айур.




www.ziyouz.com kutubxonasi

## БОБЛАР МУНДАРИЖАСИ:

боб. Китобнинг бошланиши, етти планета, ўн икки бурж.
боб. Одамнинг қадру қимматини айтади.
боб. Тилнинг хислатларини, фойда ва зарарларини айтади.
боб. Китоб эгаси ўз ўзрини айтади.
боб. Эзгу ўгит, насиҳатни сўзлайди.
боб. Билим, уқув фазилатларини, фойдасини айтади.
боб. Китобнинг тузилишини, (ўз) қарилигини [яъни ёшини] айтади.
боб. Феъл-атвор бузуқлиги зарарларини айтади.
боб. Китоб боши, Кунтуғди — адл (ҳақидаги) сўз.
боб. Ойтўлдининг Кунтуғди (ҳузури)га келиши баёни.
боб. Ойтўлдининг Кунтуғди элигга кўриниши баёни.
боб. Ойтўлди элигга давлат эканининг баёнини айтади.
боб. Яна давлат сифати, фазилатларини айтади.
боб. Яна давлат бевафолиги, бақосизлигини айтади.
боб. Кунтуғди элиг Ойтўлдига ўзини билдиради [яъни таништиради].
боб. Кунтуғди адл сифатини мангу билим билан уқтиради.
боб. Ойтўлдининг элигга саволи.
боб. Элигнинг Ойтўлдига жавоби.
боб. Сўзламоқми яхши ёки жим турмоқми, (шунинг) баёнини қилади.
боб. Қутнинг оғмалигини, давлатнинг бевафолигини айтади.
боб. Ойтўлди ўғлига насиҳат қилишини айтади.
боб. Ойтўлди элигга насиҳатнома қолдиришини айтади.
боб. Элигнинг Ўгдулмишни (ўз ҳузурига) чақириши (ҳақидаги) сўз.
боб. Элигнинг Ўгдулмишга саволи.
боб. Ўгдулмишнинг элигга жавоби.
боб. Уқув ўрни, (унинг) сурати айтилади.
боб. Беглар қандай (бўлиши) кераклигини айтади.
боб. Вазирлар қандай (бўлиши) кераклигини айтади.
боб. Лашкарбоши(лар) қандай (бўлиши) кераклигини айтади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

баб. Ҳажиб нэкү-тэг кэрәкин айур.
баб. Пардадар нэкү-тэг кэрәкин айур
баб. Йалавач нэкү-тэг кэрәкин айур.
баб. Битигчи ылымға нэкү-тэг кэрәкин айур.
5а баб. Хазинадар нэкү-тэг кэрәкин айур.
баб. Хансалар нэкү-тэг кэрәкин айур.
баб. Шарабдар нэкү-тэг кэрәкин айур.
баб. Тапуғчылар ҳақы бэгләр үзә нэкү эрдүкин (айур).

баб. Элиг савалы Өгдүлмишкә.
баб. Күнтуғды Өдғурмышқа битиг ыдмышы.
баб. Өгдулмиш Одғурмыш тапа бармышы
баб. Өгдүлмиш Одғурмыш бирләки муназарасы.
баб. Дунйа эрдәмин асғын йасын хабар бэрүр.
баб. Йана дунйа муны ъайбларыны айур.
баб. Фаны дунйа бирла бақы ъуқба қазғанмақны айур.
баб. Элиг битигиниң жавабын ыдур.
баб. Элиг Өгдүлмишни Одғурмышқа элчи ыдмышы.
баб. Экинч бар муназара байаны қылыйур.
6а баб. Бэгләр тапғы төрүсин тоқусын айур.
баб. Қапуғдақы эрәт суҳбатлары айлур.
баб. Эвлүк нэ-тэг алғусын оғул-қыз игтүләгү нэ-тэг кэрәкин айур.
баб. Раъиййатлар бирләки суҳбат сөзи.
баб. Ашқа барғу бармағу сөзи.
баб. Тэрги адаблар байаны қылынур.
баб. Йумқықа оқымақ байаны қылынур.
6б баб. Фаны ъаламдын ириб бақы тэпләмәк сөзи.

баб. Ғафиллықдын уданмақ байаны қылынур.
баб. Элиг Өгдүлмишни зийарат үчүн ыдмышы.
баб. Одғурмыш элигкә кэлмиши сөзи.
баб. Одғурмыш элигкә насиҳат қылмышы сөзи.
баб. Эл абаданлықы асғын айур.
7а баб. Өгдүлмиш өкүнүб тавбақа оғрамышы.
баб. Эдгүлүк қылмаққа йанутын айур.
баб. Одғурмыш иглиг болуб Өгдүлмишни оқымышыны айур валлалаъм.
баб. Одғурмыш түш көрмиши байаны айур.
баб. Өгдүлмиш қадашы тапа бармышыны айур.
баб. Фаны дунйака арылыб тириглик йава болмышы.

баб. Замана бывасыны достлар жафасын айур[8].



www.ziyouz.com kutubxonasi

боб. Ҳожиб(лар) қандай (бўлиши) кераклигини айтади.
боб. Пардадор(лар) қандай (бўлиши) кераклигини айтади.
боб. Элчи(лар) қандай (бўлиши) кераклигини айтади.
боб. Ёзувчи саркотиб қандай (бўлиши) кераклигини айтади.
боб. Хазинадор қандай (бўлиши) кераклигини айтади.
боб. Дастурхончилар қандай (бўлиши) кераклигини айтади.
боб. Шаробдор(лар) қандай (бўлиши) кераклигини айтади.
боб. Бег(лар)нинг хизматкорларга нисбатан бурчи қандай эканини (айтади).
боб. Элигнинг Ўгдулмишга саволи.
боб. Кунтуғдининг Ўзғурмишга мактуб юбориши.
боб. Ўгдулмишнинг Ўзғурмиш томон бориши.
боб. Ўгдулмишнинг Ўзғурмиш билан мунозараси.
боб. Дунёнинг фазилатлари, фойда-зарарлари ҳақида хабар беради.
боб. Яна дунёнинг камчиликлари, айбларини айтади.
боб. Фоний дунё билан (бирга) бақоликка эришмоқни айтади.
боб. Элиг мактубининг жавобини юборади.
боб. Элиг Ўгдулмишни Ўзғурмиш (ёнига) иккинчи бор юбориши.
боб. Иккинчи мунозараларнинг баёни қилинади.
боб. Беглар хизматининг қонун-қоидаларини айтади.
боб. Саройдаги дарбонлар билан муомала қилиш айтилади.
боб. Хотинни қандай олишни, ўғил-қиз тарбияси қандай (бўлиши) кераклигини айтади.
боб. Раиятлар билан муомала (ҳақида) сўз.
боб. Маъракага бориш, бормаслик (ҳақида) сўз.
боб. Дастурхон адабларининг баёни қилинади.
боб. Йиғинга таклиф қилишнинг баёни қилинади.
боб. Фоний оламдан юз ўгириб, боқий (дунё)га интилиш (ҳақидаги) сўз.
боб. Ғофилликдан уйғонмоқ баёни қилинади.
боб. Элиг Ўгдулмишни зиёрат учун юбориши.
боб. Ўзғурмишнинг элиг (ҳузури)га келиши (ҳақидаги) сўз.
боб. Ўзғурмишнинг элигга насиҳат қилиши (ҳақидаги) сўз.
боб. Эл ободонлигининг манфаатлари ҳақида айтади.
боб. Ўгдулмишнинг афсусланиб тавбага таяниши.
боб. Яхшилик қилганга (яхшилик қилиш) жавобини айтади.
боб. Ўзғурмиш касал бўлиб Ўгдулмишни чақиртирганини айтади, валлалам.
боб. Ўзғурмишнинг туш кўриши баёнини айтади.
боб. Ўгдулмишнинг қариндоши томон боришини айтади.
боб. Фоний дунёга берилиб (кетиб) тирикликнинг беҳуда кетганлиги (баёни).
боб. Даврнинг ўткинчилиги, дўстларнинг жафосини айтади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

7б

## Бисмиллаҳи-р-раҳмани-р-раҳим

1 Өкуш өгди бирлэ түмэн миң сана
Уған бир байатқа аңар йоқ фана

2 Йағыз йэр йашыл көк күн ай бирлэ түн
Төрүтти халайық өḋ өḋлэк бу күн

3 Тилэди төрүтти бу болмыш қамуғ
Бир-өк бол тэди болды қулмыш қамуғ

4 Қамуғ барча муңлуғ төрүтүлмиши
Муңы йоқ иди бир аңар йоқ эши

5 Эй эрклиг уған мэңү муңсуз байат
Йарамас сэниңдин аḋынқа бу ат

6 Улуғлуқ сэңэ-ул бэḋүглүк сэңэ
Сэниңдин аḋын йоқ сэңэ түш тэң-э

7 Айа бир бирикмэз сэңэ бир аḋын
Қамуғ ашнуда-сэн сэн өңдүн кэḋин

8 Сақышқа қатылмаз сэниң бирликиң
Түзү нэңгэ йэтти бу эрклигликиң

9 Сэзигсиз бир-өк-сэн э мэңү ачү
Қатылмаз қарылмаз сақышқа сэчү

10 Эй ич таш билигли э ҳаққул йақын
Көзүмдэ йырақ-сэн көңүлдэ йақын

11 Барың бэлгүлүг-сэн күн ай-тэг йаруқ
Нэтэгликкэ йэтгү көңүл өгдэ йоқ

12 Нэ эрсэдин эрмэс сэниң бирликиң
Нэ эрсэлэриг сэн төрүттүң сэниң

13 Қамуғ сэн төрүттүң нэ эрсэлэриг
Йоқаḋур нэ эрсэ сэн-өк сэн ириг

8а 14 Төрүтгэн барынга төрүтмыш тануқ
Төрүтмиш эки бир тануқы ануқ.

15 Анық охшағы йоқ азу мэңзэги
Нэтэгликкэ йэтмэз ҳамыййат өги



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Марҳаматли меҳрибон тангрининг номи билан

1 Талай мадҳлар билан туман минг санолар бўлсин,
Қодир ва воҳид илоҳга, фонийлик унинг учун ётдир.

2 Бўз ер, зангори осмон, кун, ой ва тунларни,
Халойиқ, давр, замон (ва) кунларни яратди.

3 У истади (ва) яратди, мавжудот (шундай) вужуд бўлди,
Воҳид (худо) «бўл» деди, истаган ҳамма нарсалари бўлди.

4 Ҳамма (ва) барча (мавжудот) яратилишидан мунглидир,
Мунги йўқ биргина эгам, унинг шериги, эши йўқ.

5 Эй, эркли, қодир, мангу мунгсиз худо,
Сендан ўзгага бу ном ярашмайди.

6 Улуғлик (ва) буюклик сенгагина муносибдир,
Сенга (сенинг) ўзингдан бўлак тенгу туш йўқдир.

7 Эй, ягона (худо), бўлак бирор (нарса) сенга бирика олмайди,
Сен ҳамма авваллларнинг аввали, азал ва охирдирсан.

8 Сенинг ягоналигингнинг ҳисобига етиб бўлмайди,
Эрклилигинг эса ҳамма нарсага етади.

9 Сен, шаксиз, ягонасан, эй мангу падар [яъни худо],
Тафтишга сиғмайсан, мансуб эмассан, (шундай) тушунарлисан.

10 Эй, ич (ва) таш (сирларни) билувчи, эй, ҳақиқатнинг энг яқини,
Кўзимдан узоқсан, (лекин) кўнглимга яқиндирсан.

11 Вужудинг аёндир, сен кун (ва) ойдек ёруғдирсан,
Қанақалигингни тушунгудай идрок дилларда йўқдир.

12 Сенинг бирлигинг нарсалар (йиғиндиси)дан эмасдир,
Нарсаларни сен яратгансан, улар сенга мансубдирлар.

13 Ҳамма нарсаларни сен яратгандирсан,
Нарсалар йитиб-йўқоладилар, сен эса мангу тирикдирсан.

14 Холиқ борлиги учун белги яратган,
Яратган ҳар икки нарсасида (воҳиднинг) белгиси аниқдир.

15 Унинг [яъни худонинг] ўхшаши ёки монанди йўқдир,
Қанақалигига табъларнинг фаҳми етмайди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

16 Йурымаз йа йатмаз удымаз удуғ
Йа мэнзэг йа йаңзағ көтүрмэз бодуғ

17 Қэдин өңдүн эрмэз йа солдын өңүн
Йа астын йа үстүн йа отру орун

18 Орун ул төрүтти орун йоқ аңар
Аныңсыз орун йоқ муқирр бол муңар

19 Э сырқа йақын эй көңүлкэ адыз
Тануқ-ул сэңэ барча суврат бэдиз

20 Төрүттүң түмэн мың бу сансыз тириг
Йазы тағ тэңиз күтки обры йэриг

21 Йашыл көк бэзэдиң түмэн йулдузун
Қара түн йаруттуң йаруқ күндүзүн

22 Учуғлы йурығлы тынығлы нэчэ

Тирилгү сэниңдин булуб йэр ич-э

23 Эдиз ъаршда алдын сарақа тэги
Турур барча муңлуғ сэңэ эй иди

24 Айа биркэ бутмыш билиг бирлэ өг
Көңүл бүтти шаксыз амул тутғыл өг

25 Нэтэгликкэ кирмэ кедэзгил көңүл
Барынга бүтүн болғыл эмрүл амул

26 Қалы қанчақа кирмэ тутғыл өзүң
Қалы қанчасыз бил узатма сөзүң

27 Э муңсуз идим сэн бу муңлуғ қулуғ
Суйурқаб кэчүргил йазуқын қамуғ

28 Сэңэр-оқ сығындым умунчум сэңэ
Муңадмыш йэримдэ элиг тут мэңэ.

8б 29 Сэвүг савчы бирлэ қопурғыл мэни
Элиг туттачы қыл көнилик күни



www.ziyouz.com kutubxonasi

16 (У) юрмайди ё ётмайди, ухламайди, (у) уйғоқдир,
Ё менгзайдиган, ё ўхшайдиган сурати йўқдир.

17 Кейин ҳам, аввал ҳам, сўлдан ҳам, ўнгдан ҳам эмасдир,
Остдан ҳам, устдан ҳам эмас, ўтириш ўрни ҳам йўқдир.

18 Ўринни у яратган, унинг ўрни йўқдир,
Усиз ўрин ҳам йўқдир, бунга иқрор бўлгин.

19 Эй, сирга яқин, эй, кўнгилга азиз,
Барча сурат ва шакллар сен учун белгидир.

20 Туман минг бу сонсиз тирикларни яратдинг,
Текислик(лар)ни, тоғ(лар)ни, денгиз(лар)ни, баландлик(лар)ни,
чуқурлик(лар)ни (ва) ерни (яратдинг).

21 Яшил осмонни туман (кўп) юлдуз билан безадинг,
Қора тунни ёруқ кундуз билан ёритдинг.

22 Қанчадан-қанча учадиган(лар), юрадиган(лар), нафас
оладиган(лар)
Сендан ризқ топиб ичиб-ейди(лар).

23 Арш-аълодан тортиб то рутубатли ерга қадар,
Барча сенга ҳожатманддир, эй эгам.

24 Эй, бир (худо)га ишонган, билим билан идрок қил,
Кўнгил шаксиз ишонди, имонни комил тут.

25 Қандайлигини суриштирма, кўнгилни тий,
Борига амин бўл, ўзингни тут, тинчи.

26 (Уни) қандай, қаерда деб суриштирма, ўзингни тутгин,
(Уни) қандай, қанақа, қаерда демасдан эътироф қил, сўзингни
чўзма.

27 Эй, мунгсиз эгам, сен бу мунгли қулингни
Ёрлақаб, барча гуноҳларини кечиргин.

28 Сенгагина сиғиндим, умидим сендан,
Мунгга тушган еримда менинг қўлимдан тут.

29 Мени севикли паёмбар билан кўтар,
Қиёмат куни қўлимдан тутувчи қил.



www.ziyouz.com kutubxonasi

30 Түзү төрт эшингә түмән мың салам
Тәгүргил кәсүгсүз туташы улам.

31 Улуғ күндә көргит уларның йүзин
Әлиг туттачы қылғыл эд̇гү сөзин

32 Сэни эрдүкүң-тэг өгүмәз өзүм
Сэни сэн-мәт өггил кэсилди сөзүм

## Фи фазайили-н-наби ъалайҳиссалам

33 Сэв̇уг сав̇чы ыд̇ты бағырсақ иди
Буд̇унда талусы кишидә кәд̇и

34 Йула эрди халққа қараңқу түни
Йаруқлуқы йад̇ты йарутты сэни

35 Оқытчы ул эрди байатдын сэңә
Сэн өтрү көни йолқа кирдиң тоңа

36 Атасын анасын йулуғ қылды ул
Тиләк уммат эрди айу бэрди йол

37 Күнүн йэмәди көр түнүн йатмады
Сэни қулды раббда ад̇ын қулмады

38 Сэни қулды түн күн бу эмгәк билә
Аны өг сэн эмди сэв̇үнчин тилә

39 Қамуғ қад̇ғусы эрди уммат учун
Қутулмақ тиләр эрди раҳат үчүн

40 Атада анада бағырсақ болуб
Тиләр эрди тутшы байатдын қулуб

41 Байат раҳматы эрди халқы үзә
Қылынчы силиг эрди қылқы түз-ә.

9а 42 Түзүн эрди алчақ қылынчы силиг
Ов̇утлуғ бағырсақ ақы кәң әлиг

43 Йағыз йэр йашыл көкдә эрди көшүш
Аңар бэрди тэнри ағырлық өгүш


www.ziyouz.com kutubxonasi

30 Чаҳорёрларининг барчасига туман минг саломлар
Етказгин ҳамиша, доим ва пайваста.

31 Улуғ кунда [яъни қиёматда] уларнинг юзини кўрсат,
Эзгу сўз(лар)ини раҳнамо қилгин.

32 Сенга вужудингга лойиқ ҳамд айтишга ожизман,
Сени сенинг ўзинггина ҳамд қил, сўзимни кесдим.

## Паёмбар алайҳиссалом фазилатлари борасида

33 Меҳрибон эгам севикли расул юборди,
(У) халқ орасида сараси (ва) кишилар орасида яхшиси эди.

34 Қоронғи тунлари (у) халққа машъал эди,
(У) ёруғлигини тарқатиб сени рўшноликка чиқарди.

35 У худодан сенга хабарчи эди,
Сен сўнг тўғри йўлга кирдинг, эй баҳодир.

36 У отасини, онасини фидо қилди,
Тилаги уммат эди, унга (тўғри) йўл кўрсатиб берди.

37 Кундузлари емади, кўргин, кечалари ётмади,
Раббдан (фақат) сени сўради, бўлакни сўрамади.

38 Туну кун бундай ташвишлар билан сени(гина) сўради,
Сен энди уни ҳамд эт, севинчини тила.

39 Ҳамма қайғуси уммат учун эди,
У (умматнинг уқубатдан) қутулишини (ва) роҳатини тилар эди.

40 Отадан ҳам, онадан ҳам меҳрибонроқ бўлиб,
Доим худодан (умматларни) ёлвориб сўрар эди.

41 У худонинг халқ узра юборган раҳмати эди,
Феъл-атвори мулойим, хулқи хуш эди.

42 Мулойим, юмшоқ табиатли, хушфеъл (эди),
Андишали, меҳрибон, саховатли, очиқ қўл (эди).

43 Бўз ерда, яшил осмонда азиз эди,
Тангри унга беҳисоб ҳурмат ато қилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

44 Башы эрди өңдүн қамуғ башчықа
Кэд̇ин болды тамға қамуғ сав̇чықа

45 Көңүл бад̇ым эмди анын йолынга
Сэв̇иб сөзи туттум бүтүб қавлынга.

46 Илаҳа көд̇әзгил мэниң көңлүми
Сэв̇үг сав̇чы бирлә қопур копғумы

47 Қийаматта көргит толун-тэг йүзин
Әлиг туттачы қыл илаҳа өзин

**Фи фазайили асҳаби-н-наби ризваналлаҳи ъалайҳим**

48 Аның төрт эши-ул ав̇ынғу көрүб
Кэңәшчи булар эрди бирлә туруб

49 Эки қад̇ын эрди күд̇әгү эки
Булар эрди өд̇рүм буд̇унда эги

50 Атиқ эрди ашну қамуғда үзә
Байатқа бүтүгли көңүл тил түз-ә

51 Йулуғ қылды малы таны жаныны
Йалав̇ач сэв̇үнчи тиләди көни

52 Баса Фаруқ эрди киши өд̇рүми
Тили көңли бир-тэг буд̇ун көд̇рүми

53 Бу эрди басутчы ҳады динқа көрк
Шариъат йүзинд̇ин кэтәрди әшүк

54 Баса эрди Усман ов̇утлуғ силиг
Кишидә өд̇үрмиш ақы кэң әлиг

9б 55 Фида қылды барын нәңи ҳам өзин
Йалав̇ач аңар бэрди экки қызын

56 Али эрди мунда басақы талу
Күр эрсиг йүрәклиг мәңәси толу

57 Ақы эрди әлги йүрәки бэд̇үг
Билиглиг сақынуқ көр аты бэд̇үг



www.ziyouz.com kutubxonasi

44 Аввалдан барча бошчиларга бош эди,
Сўнг барча паёмбар(лар)га тамға бўлди [яъни паёмбарларнинг
сўнггиси бўлди].

45 Энди мен кўнгилни унинг йўлига боғладим,
Қавлига ишониб, севиб, сўз(лари)га амал қилдим

46 Ё рабб, менинг кўнглимни ўзинг эҳтиёт тут,
(Қиёматда) мени севикли паёмбар билан турғиз.

47 Қиёматда тўлин ой каби юзини кўрсат,
Илоҳо, ўзини (қўл)дан тутувчи қил.

**Паёмбар саҳобаларининг, ризвоноллоҳи алайҳим, фазллари борасида**

48 Унинг тўрт эши (чаҳорёрлар) кўриб овунишга лойиқдирлар,
Булар (доим) бирга туриб кенгашчи (бўлар) эдилар.

49 Иккиси қайнатаси, иккиси куёви эди,
Булар сара (ва) кишилар орасида яхшиси эди(лар).

50 Аввали, ҳамма(си)дан олдингиси Отиқ эди,
Худога (тўла) содиқ, кўнгли ва кўзи тўғри эди.

51 Моли, тани-жонини қурбон қилди,
Фақат расулнинг севинчини(гина) тилади.

52 Сўнг, киши(лар)нинг сараси Форуқ эди,
Тили ва кўнгли бирдек, халқнинг асили эди.

53 Бу маслаҳатчи, ҳидоят қилувчи, дин учун кўрк эди,
(У) шариат юзидан парда кўтарди [яъни шариатни халққа
тушунтирди].

54 Кейингиси Усмон эди, андишали, мулойим (эди),
Кишилар орасида сараси, сахий, очиқ қўл эди.

55 Борини, нарсаларини (ва) ўзини фидо қилди,
Паёмбар унга икки қизини берди.

56 Бундан бошқа сараси Али эди,
Қўрқмас, ботир, юракли, ақли тўла эди.

57 Қўли очиқ, ҳиммати баланд эди,
Билимли, тадбирли, номи улуғ эди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

58 Булар эрди дин ҳам шариъат көки
Булар йүдты кафир мунафиқ йүки

59 Бу төрт эш мэңэ төрт тадуг[9]-тэг турур
Түзүлсэ тaду чын тириглик болур

60 Мэниңдин буларқа өкүш миң салам
Тэгүргил идим сэн кэсүгсүз улам

61 Уларны мэниңдин сэвүндүр тучы
Улуғ күндэ қылғыл элиг туттачы.

**Лихақан-ил-ажалл-ил-музаффар-ил-муаййад насир-ул-ҳаққ ва-д-дин Тавғач улуғ Буғра Қарахан аба Али Ҳасан бинни Арсланхан раҳматуллаҳи ъалайҳим**

62 Туғардын эсэ кэлди өңдүн йэли
Ажун этгүкэ ачты уштмаҳ йолы

63 Йағыз йэр йыпар толды кафур кэтиб

Бэзэнмэк тилэр дунйа көркин этиб

64 Эринчиг қышығ сүрди йазқы эсин
Йаруқ йаз йана қурды давлат йасын

65 Йашық йанды болғай йана орныка
Балық кудруқындын қозы бурныка

10a 66 Қурымыш йығачлар тонанды йашыл
Бэзэнди йапун ал сарығ көк қызыл

67 Йағыз йэр йашыл торқу йүзкэ бады
Хытай арқышы йадты тавғач иди

68 Йазы тағ йэр обры төшэнди йадыб
Этинди қолы қашы көк ал кэдиб

69 Түмэн тү чэчэклэр йазылды күлэ
Йыпар толды кафур ажун йыд билэ

70 Саба йэли қопты қаранфул йыдын
Ажун барча бүтрү йыпар бурды кин



www.ziyouz.com kutubxonasi

58 Булар дин (ва) шариат ўзаги эди (лар),
Булар кофир (ва) мунофиқ(лар) машаққатини тортдилар.

59 Бу тўрт эш (чаҳорёр) мен учун тўрт мизож кабидир.
(Бу тўрт) мизож соз бўлса, тириклик бўлади.

60 Мендан буларга кўп минг саломлар
Етказгин, сен эгам пайваста, узлуксиз.

61 Уларни мендан севинтир доим,
Қиёмат кунида қўл(им)дан тутувчи қилгин.

**Муҳтарам, музаффар, мададкор, ҳақиқат ва дин таянчи Тавғоч улуғ Буғро Қорахон або Али Ҳасан бинни Арслонхон раҳматуллоҳи алайҳим шаънига**

62 Шарқдан аввал (баҳор) насими эсиб келди,
Оламни безаш учун жаннат йўлини очди.

63 Қофур кетиб, бўз ерга ипор тўлди [яъни бўз ранг ўрнини арғувон-алвон ранг эгаллади],
Олам чиройли қилиб безанмоқ истайди.

64 Зерикарли қишни баҳор насими ҳайдади,
Мусаффо баҳор яна давлат ёйини қурди [яъни ўз ҳукмига кирди].

65 Қуёш қайтди, яна ўз ўрнига келади,
Балиқ қуйруғидан қўзи бурнига кўчади [яъни қуёш Ҳут буржидан Ҳамалга кўчади].

66 Япроғини тўккан дарахтлар (яна) яшил кийинди,
Ол, сариқ, кўк, қизил ранг билан безанди.

67 Бўз ер юзига яшил парда тортди,
(Гўё) Тавғоч ҳазрат олийлари Хитой карвонини (ҳар томонга) тарқатди.

68 Текисликлар, тоғлар, ер, чуқурликлар ёйилиб тўшанди,
Кўк (ва) ол кийиб, қўл (ва) қоши безанди.

69 Турли-туман чечаклар кулиб очилди,
Олам ипор ва кофур ҳиди билан тўлди.

70 Чиннигул ҳидини тарқатиб сабо ели кўтарилди,
Бутун оламга кин[1] ипор ҳидини таради.



www.ziyouz.com kutubxonasi

71 Қаз әрдәк қуғу қыл қалықығ туды
Қақылайу қайнар йуқару қуд̇ы

72 Көкис турна көкдә үнүн йаңқулар
Тизилмиш тэтир-тэг учар йэлгүрәр

73 Улар қуш үнин түзди үндәр эшин
Силиг қыз оқыр-тэг көңүл бэрмишин

74 Үнин үтти кәклик күләр қатғура
Қызыл ағзы қан-тэг қашы қап қара

75 Қара чумғуқ үтти сута тумшуқы
Үни оғлағу қыз үни-тэг тақы

76 Чэчакликдә санвач үтәр мың үнүн
Оқыр суры ъыбры түнүн ҳам күнүн

77 Илик күлмиз ойнар чэчәкләр үзә,
Сығун муйғақ ойнар йурыр таб кэзә

78 Қалық қашы түгди көзи йаш сачар
Чэчәк йазды йүз көр күләр қатғурар

79 Иләтү мэңә ачты дунйа сөзин
Айур көрмәдиң-му бу хақан йүзин

80 Уд̇ыр эрдиң эрсә тур ач эмди көз
Эшитмәдиң эрсә эшит мэндә сөз

10б 81 Түмән йилдә бару тул эрдим түләс
Бу тул тоны сучлуб өрүң кэд̇тим ас

82 Бэзәндим бэгим болды хақан улуғ
Өтүндүм муну қулса жаным йулуғ

83 Булыт көкрәди урды навбат туғы
Йашын йашнады тартты хəқан тығы

84 Бири қында чықты сунуб эл тутар
Бири күси жав̇ы аӂунқа йэтәр

85 Аӂун тутты Тав̇ғач улуғ Буғрахан
Қутадсу аты бэрсү экки жаҳан



www.ziyouz.com kutubxonasi

71 Ғоз, ўрдак, оққуш, қил қуйруқлар осмонни тўлдириб,
Қағиллашиб юқори ва қуйини тўлдириб учмоқда.

72 Мағрур турна кўкда овоз чиқариб сайрамоқда,
Тизилган туя карвонидек учмоқда, қанот қоқмоқда.

73 Уларқуш[2] овозини созлади, ўз эшини чақирмоқда,
Гўё гўзал қиз ўз кўнгил берганини чорлагани каби.

74 Қаклик ёқимли овоз билан сайради, қаҳ-қаҳлаб кулмоқда,
(Унинг) қизил оғзи қон каби, қоши эса қоп-қорадир.

75 Қора зоғ тумшуғини кўпиртириб қағиллади,
(Унинг) овози (дод солиб йиғлаётган) эрка қиз овози кабидир.

76 Гулзорда булбул минг овоз билан сайрамоқда,
Туну кун (тинмасдан) сури ибри[3] чалмоқда.

77 Илик-кулмиз[4] чечаклар устида ўйнамоқда,
Сиғун-муйғоқ[5] бот кезиб ўйнамоқда.

78 Осмон қовоғини солди, кўзидан ёш сочмоқда,
Гул(лар) юз очди, боқ, кулмоқда, қаҳ-қаҳламоқда.

79 Таъна қилиб дунё менга сўз очди,
Айтди: Бу ҳоқон юзини (ҳали) кўрмадингми?

80 Ухлаётган бўлсанг, тур, энди кўзингни оч,
(Агар) эшитмаган бўлсанг, сўзни мендан эшит.

81 Туман йилдан бери маъюс тул эдим,
(Энди) бу туллик кийимини ечиб оқ либос кийдим.

82 Безандим, бегим улуғ хоқон бўлди,
Бағишладим, мана, истаса жоним фидоси бўлсин.

83 Булут гумбурлади, (гўё) навбат довулини чалди,
Яшин яроқлади, (гўё) хоқон тиғини тортди.

84 Бири [яъни чақмоқ] қинидан чиқди, чўзилиб элларни тутаётир,
Бири [яъни гулдироқ] довулининг овозаси олам-оламга етмоқда.

85 Тавғоч улуғ Буғрохон оламни қўлга олди,
Оти қутли бўлсин, икки жаҳон унга ато бўлсин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

86 Э дин ъиззи давлатқа насир моъин
Э миллатқа таж эй шариъатқа дин

87 Байат бэрди барча тиләмиш тиләк
Байат-оқ болу бэрсү арқа йөләк

88 Э дунйа жамалы улуғлуққа көрк
Э мулкатқа нур эй йайығ қутқа өрк

89 Болу бэрди эврән әлиг берди тахт
Тута бэрсү тэңри бу тахт бирлә бахт

90 Ажун тынды орнаб бу хақан үзә
Анын ыдты дунйа таңуқлар түз-ә

91 Асырдын кэлигли қалық қушлары
Қайу райи ҳинди қайу қайсары

92 Өгәр атын үндәб үнин йортушуб
Күвәнч бирлә авнур сэвинчкә түшүб

93 Бу түрлүг чэчәк йэрдә мунча бэдиз
Йазы тағ йэр обры йашыл көк мэңиз

94 Қайусы йыды бирлә йайнур тапуғ
Қайу көрк мэңиз бирлә ачты қапуғ

95 Қайусы әлиг сунды түтшүк тутар
Қайу пүфкәрәр кин ажун йыд қопар

11*a* 96 Қайусы Туғардын тутар мың тануқ
Қайусы Батардын тапуғчы ануқ

97 Тапуғқа кэлиб қут қапуғда турур
Қапуғда туруғлы тапуғда турур

98 Бу йаңлығ тапуғқа этинди ажун
Йағы бойны эгди көтүрди өзүн

99 Ажунда жавы барды хақан күси
Көрүмәкли көзләрдә кэтти усы

100 Ажун инчкә тэгди түзүлди төрү
Төрү бирлә атын қопурды өрү



www.ziyouz.com kutubxonasi

86 Эй, дин шавкати, давлатга таянч (ва) суянчиқ,
Эй, миллат учун тож (ва) эй, шариат учун диёнат!

87 Худо барча тилаган тилакларни берди,
Худонинг ўзигина мададкор бўлаверсин.

88 Эй, дунё жамоли, улуғлик учун чирой,
Эй, подшоҳликка нур, эй, ўткинчи қут учун тизгин.

89 Фалак айланаверди, бахт сенга қўл берди,
Тангри бу тахт билан бахтни (барқарор) тутаверсин.

90 Олам бу хоқон узра ўрнаб, қарор топди,
Унинг учун дунё нафис ҳадялар юборди.

91 Асирдан[6] келган олам қушлари,
Баъзилари ҳинд ражлари, баъзилари (рум) қайсарлари (тоифасидан).

92 Овозасини тез ёйишиб, отини мадҳ қилиб, куйлайдилар,
Севинчга тўлиб-тошиб, қувонч билан овунадилар.

93 Бу турли чечак(лар) ерга шунча кўрк берган,
Текисликлар, тоғлар, ер, чуқурликлар яшил, кўк тусда.

94 Баъзилари ҳидини тараб хизматдадир,
Баъзилари чиройли юз билан эшик очгандир.

95 Баъзилари қўл чўзиб, чилим тутиб турмоқда,
Баъзилари кин (мушк) пуркамоқда, оламга ҳид таралмоқда.

96 Баъзилари Шарқдан минг-минг ҳадялар тутмоқда,
Баъзилари Ғарбдан (келиб) холис хизматида турмоқда.

97 Бахт хизматга келиб эшикда турмоқда,
Эшикда турганлар (эса) хизматда турмоқда.

98 Олам шу янглиғ хизматга тутинди,
Ёв бўйнини эгди, ўзини кўтарди.

99 Хоқон довулининг овозаси оламни тутди,
Кўролмайдиган кўзлардан уйқуси қочди.

100 Олам осойишталикка эришди, адолатли сиёсат қарор топди,
Хоқон адолатли сиёсат билан ўз номини юксалтирди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

101 Ақы сувратын ким көрәйин тэсә
Кэлиб көрсү хақан йүзини уса

102 Жафасыз вафалығ тиләсә қутун
Йүзи көр қылынчы вафа-ул қутун

103 Асығ қулса барча өзүң йассызын
Бару кэл тапуғ қыл көңүл бэр исин

104 Түзүн қылқы алчақ бағырсақ көңүл
Көрәйин тэсә кэл муны көр амул

105 Эй эдгү қылынч аслы эдгү уруғ
Аӂун қалмасуны сизиңсиз қуруғ

106 Байат бэрди давлат э түркән қуты
Аның шукры қылғу оқыб мың аты

107 Эди кэчки сөз-ул масалда кэлир
Ата орны аты оғулқа қалыр

108 Талу нәң таңуқ тутты миң миң әлиг
Муну қыл таңуқы Қутадғу билиг

109 Уларның таңуқы кэлир ҳам барыр
Мэниң бу таңуқ болды мәңү қалыр

110 Нэчә тэрсә дунйа түгәр алқынур
Битисә қалур сөз аӂун тэзгинүр

111 Китабка битинди бу хақан аты
Бу ат мәңү қалды э түркән қуты

11б 112 Йа рабб үстә давлат түгәл қыл тиләк
Қамуғ иштә болғыл сэн арқа йөләк

113 Сэв̇әрин эсән тут йағысын көтүр
Сэв̇үнчин болу тут сақынчын қопур

114 Йаға турсу йағмур йазылсу чэчәк
Қурумыш йығачдын салынсу көрәк

115 Болу бэрсү эв̇рән тучы эв̇рүлү
Қуты булсу душман башы қав̇рулу



www.ziyouz.com kutubxonasi

101 Сахийнинг суратини кимда-ким кўрайин деса,
Ташна бўлиб келиб хоқон юзини кўрсин.

102 Жафосиз, вафоли, қутли (киши) истасанг,
Юзига боқ, қилмиши вафо (ва) бахтдир.

103 Ўзинг зиёнсиз (бўлиб) фақат наф истасанг,
Бери кел, хизмат қил, кўнгил бер ва исин [яъни сев].

104 Хушфеъл, мулойим, меҳрибон кўнгил (кишини)
Кўрмоқ истасанг, кел, буни кўр, таскин топ.

105 Эй, хуш хулқли, асли эзгу уруғли,
Олам сизсиз қуруқ қолмасин [яъни узоқ умр кўринг].

106 Эй, туркларнинг бахти, худо (сенга) давлат берди,
Мингта номини ёд этиб, унинг шукрини қилиш керак.

107 Масалда келадиган жуда эски таъбир бор:
Отанинг ўрни (ва) оти ўғилга қолади.

108 Минг-минг қуллар талай нарсалар ҳадя қилди,
Мана, «Қутадғу билиг»ни менинг ҳадям (сифатида қабул) қил.

109 Уларнинг ҳадялари келади ҳам кетади [яъни ўткинчи],
Менинг бу ҳадям (эса) мангу қоладиган бўлди.

110 Мол-дунёни қанча термагин, у тугайди, олқинади,
Ёзилсачи, сўз абадий қолади, оламни кезади.

111 Бу хоқоннинг оти китобга ёзилди,
Бу от мангу (бўлиб) қолди, эй, турклар бахти.

112 Ё рабб, давлатни зиёда қил, тилакларни тугал эт,
Барча ишда сен мададкор бўл.

113 (Унинг) севгувчиларини эсон тут, ёвларини ўртадан кўтар,
Севинчини бор қилавер, қайғусини кўтар.

114 Ёмғир ёғаверсин, гуллар очилсин,
Қуриган [яъни яланғоч] дарахтлардан япроқ чиқсин.

115 Фалак тинимсиз айланиб, пойдор тураверсин [яъни омад келсин],
Душман боши эгилиб, (хоқон) бахтини топсин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

116 Йағыз йәр бақыр болмағынча қызыл
Йа от йа чәчәк үнмәгинчә йашыл

117 Тирилсүни түркән қуты мың қутун
Тәлинсүни көрмәз қарақы отун

118 Тақы ма нәкү эрсә арзу тиләк
Байат-оқ болу бәрсү арқа йөләк

119 Сәв̇инчин ав̇ынчын кув̇әнчин эли
Ашасу йашасуны Луқман йылы

### Йәти кавакиб он эки буруж

120 Байат аты бирлә сөзүг башладым
Төрүтгән игид̇гән кәчүргән ид̇им

121 Төрүтти тиләк-тәг түзү аламығ
Йарутты аӂунқа күнүг ҳам айығ

122 Йаратты көр әврән тучы әв̇рүлүр
Аның бирлә тәзгинч йәмә тәзгинүр

123 Йашыл көк йаратты үзә йулдузы
Қара түн төрүтти йаруқ күндүзи

12*a* 124 Бу көкдәки йулдуз бир анча бәзәк
Бир анча кулав̇уз бир анча йәзәк

125 Бир анча төрүтмиш халайиққа ул
Бир анча қулавуз болур йитсә йол

126 Қайусы өрүрәк қайусы қуд̇ы
Қайусы йаруқрақ қайу эксүди

127 Буларда эң үстүн Сәкәнтир йурыр
Эки йил сәкиз ай бир әв̇дә қалыр

128 Анында баса болды эккинч Оңай
Бир әв̇дә қалыр он ад̇ын экки ай

129 Үчүнчи Көруд кәлди көксүн йурыр
Қайуқа бу бақса йашармыш қурыр



www.ziyouz.com kutubxonasi

116 Бўз ер мисдайин қизил бўлмагунча,
Ёки яшил ўт ё гул(лар) унмагунча.

117 Турклар қути минг бахт(лар) билан яшасин,
Кўра олмайдиган(ларнинг) кўзи ўт билан тешилсин.

118 Тағин қандай тилак, орзу(ларинг) бўлса,
Худонинг ўзигина мададкор бўлаверсин.

119 Севинч, овинч, қувонч билан эли
Луқмон ёшини яшасин (ва) ошасин.

## Етти сайёра ва ўн икки бурж (ҳақида)

120 Худо номи билан сўзни бошладим,
Яратган, парваришлаган, кечирган эгамдир.

121 Бутун оламни (ўз) истагича яратди,
Оламда кун ҳам ойни ёритди.

122 Фалакни яратди, кўр, доим айланади,
У билан бирга чарх ҳам айланади.

123 Яшил осмонни устида юлдузи билан яратди,
Қора тунни, ёруқ кундузни яратди.

124 Бу кўкдаги юлдузларнинг бир қанчаси безакдир,
Бир қанчаси раҳнамо ва бир қанчаси йўлчидир.

125 Бир қанчасини халойиқ учун яратгандир,
Бир қанчаси йўл йўқолганда йўлчи бўлади.

126 Баъзилари юқорироқ, баъзилари қуйи(роқ)дир,
Қай бирлари ёруғроқ, қай бирлари хирароқдир.

127 Булардан энг устда Секантир[7] юради,
Бир буржда икки йил (ва) саккиз ой қолади.

128 Ундан сўнг иккинчиси Ўнгай[8] бўлади,
Бир буржда ўн (ва) икки ой қолади.

129 Учинчи бўлиб Кўруд[9] келади, у ғурур билан юради,
У қайси томонга боқса, яшнаб турган нарса қурийди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

130 Йашық болды төртинч йарутты ажүн
Йақышса йарутур бақышса өзүн

131 Сэв̇үг йүз урунды бэшинчи Сэв̇ит
Сэв̇ә бақты эрсә сэн өзни ав̇ит

132 Баса кэлди Арзу тиләк арзулар
Қайуқа йағушса аңар өз улар

133 Буларда эң алдын бу Йалчық йүрыр
Йашық бирлә отру бақышса толыр

134 Он экки өкәк-ул буларда ад̇ын
Қайу экки эв̇лүг қайу биркә ин

135 Қозы йазқы йулдуз баса Уд̇ кэлир
Эрәндиз қучық бирлә синчү йүрыр

136 Құр Арслан билә қошны Буғдай башы
Баса Үлгү болды Чад̇ан Йа эши

137 Йана кэлди Оғлақ Көнәк ҳам Балық
Булар туғды эрсә йаруды қалық

138 Үчи йазқы йулдуз үчи йайқы бил
Үчи күзки йулдуз үчи қышқы бил

12б 139 Үчи от үчи сув̇ үчи болды йэл
Үчи болды тупрақ аж̇ун болды эл

140 Буларда бириси бирингә йағы
Йағықа йағы ыд̇ты кэсти чоғы

141 Қарышмаз йағылар йарашты ичин
Көрүшмәз йағылар көтүрди өчин

142 Этигли байатым этә бэрди өз
Этә бэрди түзди йараштурды түз

143 Баса айдым эмди муну йаңлуқуғ
Ағырлықы болды билиг өг уқуғ



www.ziyouz.com kutubxonasi

130 Тўртинчиси Яшиқ[10] бўлди, оламни ёритди,
У узоқдан қарши келиб кулиб боқса ёритади.

131 Бешинчи Савит[11] севикли юзини кўрсатди,
У севиб боқса, сен ўзингни овутгин.

132 Сўнг Орзу[12], яъни тилак (ва) орзулар келади,
(У) нимага яқинлашса, унга ўзини пайванд этади.

133 Булардан энг олдинда [яъни пастда] Ялчиқ[13] юради,
Қуёш билан қарши келгач тўлишади.

134 Ўн икки Ўкак[14] булардан бошқадир,
Айримлари икки хонали [яъни жуфт], айримлари бир хонали (тоқ)дир.

135 Қўзи[15] — баҳорги юлдуз, сўнг Уд[16] келади,
Эрандиз[17] Қучиқ[18] билан яқин юради.

136 Қўрқмас Арслон[19] билан Буғдойбоши[20] қўшнидир,
Сўнг Улгу[21] Чазан[22] ва Ей[23] эши бўлди.

137 Яна Ўғлақ[24], Кўнак[25] ва Балиқ[26] келди,
Булар туққач, осмон ёришди.

138 Учтаси баҳорги, учтаси ёзги юлдуздир, билгин,
Учтаси кузги (ва) учтаси қишки юлдуздир, билгин.

139 Учтаси ўт, учтаси сув, учтаси ҳаво бўлди,
Учтаси эса тупроқ бўлди, олам (ва) эл (шулардан) пайдо бўлди.

140 Булардан бири бирига ёвдир,
Евга ёв юборди [яъни давосини қилди] (ва) улар адоватини кесди.

141 Қўшилиб-қоришмас ёвлар ўзаро ярашишди,
(Бир-бирини) кўролмайдиган ёвлар ўчларини кўтардилар.

142 Яшнатувчи худойим ўзи яшнатаверди,
Яшнатаверди, тузди, барчани ярашиқли қилди.

143 Ушбу янглиғ (нарсалар) ҳақида кўп гапирдим,
Бу билим, ақл ва идрок кароматн туфайли эди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Йаңлуқ ағырлықын танурлайур билиг бирлә

144 Төрүтти өдүрди сэчү йаңлуқуғ
Аңар бэрди эрдәм билиг өг уқуғ

145 Қөңүл бэрди ҳам ма йурытты тилиг
Овут бэрди қылқ ҳам қылынчы силиг

146 Билиг бэрди йаңлуқ бэдүди бу күн
Уқуш бэрди өтрү йазылды түгүн

147 Байат кимкә бэрсә уқуш өг билиг
Өкүш эдгүлүккә узатты әлиг

148 Билигни бэдүг бил уқушны улуғ
Бу экки бэдүтүр өдүрмиш қулуғ

149 Бу сөзкә тануқы муну кэлди сөз
Бу сөзни эшитгил сөзүң мэндә өз

150 Уқуш қайда болса улуғлуқ болур
Билиг кимдә болса бэдүглүк алур

151 Уқушлуғ уқар-ул билиглиг билир
Билигли уқуғлы тиләккә тэгир

13*а* 152 Билиг маънисы бил нэкү тэр билиг
Билиг билсә өтрү йырар эрдә иг

153 Билигсиз киши барча иглиг болур
Игиг эмләмәсә киши тэрк өлүр

154 Йуры эй билигсиз игиңни ота
Билигсиз отын-сэн э билгә қута

155 Уқуш-ул бурундуқ аны йэтсә эр
Тиләккә тэгир ул түмән арзу йэр

156 Уқуш болса эркә көр асғы өкуш
Билиг билсә өтрү болур эр көшүш

157 Уқуш бирлә ишләр қамуғ иш күдүг
Билиг бирлә бэгләр бу булмыш өдүг



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Инсоннинг қадри билим билан белгиланади

144 Сэчу [яъни ҳар ерда маълум худо] инсонни яратди, танлади,
Унга ҳунар, билим ва уқув берди.

145 Унга кўнгил [яъни ақл] берди, тилини йўриқ (равон) қилди,
Андиша, хулқ ҳамда гўзал феъл ато қилди.

146 Билим берди, (шу туфайли) инсон бу кун улуғликка эришди,
Уқув берди, сўнг (шу туфайли берк) тугунлар ёзилди.

147 Худо кимга уқув, ақл-идрок, билим берса,
Кўп эзгуликлар қилишга қўл узатади.

148 Билимни буюк, уқувни улуғ бил,
Бу иккиси танланган бандасини улуғлайди.

149 Бу сўзнинг исботи учун мана шундай сўз бор,
Бу сўзни эшитгин, (тегишли) сўзингни мендан ол:

150 Заковат қаерда бўлса, улуғлик бўлади,
Билим кимда бўлса, буюклик олади.

151 Заковатли уқади, билимли билади,
Билимли, заковатли тилакка етади.

152 Билим маънисини билгин, билим нима дейди:
Билим билса, сўнг кишидан бало-офатлар йироқлашади.

153 Билимсиз кишилар барчаси дардлик бўлади,
Дардни даволамаса, киши бот ўлади.

154 Кел, эй билимсиз, дардингга даво қил,
Билимсиз (бўлсанг) — тубансан, доно (бўлсанг) — бахтлисан.

155 Билим гўё бир бошбоғ кабидир, агар киши унга эриша олса,
Тилакка етиб, туман орзуларга эришади.

156 Кишида заковат бўлса, (унинг) нафи каттадир,
Билим ўрганса, сўнг киши азиз бўлади.

157 Ҳамма (ҳам) иш-амалларни заковат туфайли бажаради,
Беглар давр-давронга билим туфайли эришганлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

### Тил эрдәмин асғын мунларын сөзләйүр

158 Уқушқа билигкә бу тилмәчи тил
Йаруттачы эрни йорық тилни бил

159 Қишиг тил ағырлар булур қут киши
Қишиг тил ужузлар йарыр эр башы

160 Тил арслан турур көр эшикдә йатур
Айа эвлүг арсық башыңны йэйүр

161 Тилин эмгәмиш эр нэкү тэр эшит
Бу сөз ишкә тутғыл өзүңгә иш эт

162 Мэни эмгэтүр тил эди өг тәлим
Башым кэсмәсүни кэсәйин тилим

163 Сөзүңни көдәзгил башың бармасун
Тилиңни көдәзгил тышың сынмасун

164 Будун тили йавлақ сэни сөзләгәй
Қиши қылқы киртүч этиңни йэгәй

13б 165 Билиглиг билиг бэрди тилқа бышығ
Айа тил идиси көдәзгил башығ

166 Эсәнлик тилэсә сэнин бу өзүң
Тилиңдә чықарма йарағсыз сөзүң

167 Билиб сөзләсә сөз билигкә санур
Билигсиз сөзи өз башыны йэйүр

168 Өгүш сөздә артуқ асығ көрмәдим
Йана сөзләмишидә асығ булмадым

169 Өгүш сөзләмә сөз бирәр сөзлә аз
Түмән сөз түгүнин бу бир сөздә йаз

170 Киши сөз биләқопты болды малик
Өгүш сөз башығ йэркә қылды күлик

171 Өгүш сөзләсә йаңшады тэр тилиг
Йана сөзләмәсә ағын тэр тилиг



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Тилнинг фазилати, фойда-зарарлари ҳақида сўзлайди

158 Уқувга, билимга тилмоч — бу тил,
Кишини рўшноликка чиқарган равон тил деб билгин.

159 Кишини тил эъзозлайди, киши (у туфайли) бахтга эришади,
Кишини тил қадрсиз қилади, эр бошини ёради.

160 Тил ҳовлида [яъни қафасда] ётган арслон кабидир,
Эй, қафасдаги (маккор) ваҳший бошингни ейди.

161 Тили туфайли озор топган киши нима дейди, эшит,
Бу сўзга амал қилгин, ўз фойдангга ишлат:

162 Тил мени жуда кўп кулфатларга солади,
(У) бошимни кесмасин, (мен) тилимни кесайин.

163 Сўзингга эҳтиёт бўл, бошинг кетмасин,
Тилингга эҳтиёт бўл, тишинг синмасин.

164 Халқнинг тили ёмон, (доим) сени сўзлагани-сўзлаган,
Кишилар феъли ҳасадли, у сенинг этингни ейди.

165 Билимли [яъни худо] тилга пишиқ билим берган,
Эй, тил эгаси, бошингни асрагин.

166 Сенинг ўзинг эсонлик тиласанг,
Тилингдан яроғсиз сўзингни чиқарма.

167 Билиб сўзласа, сўз донолик саналади,
Нодоннинг сўзи ўз бошини ейди.

168 Кўп сўзда ортиқ фойда кўрмадим,
Яна (кўп) сўзлашдан наф топмадим.

169 Сўзни кўп сўзлама, бир оз озроқ сўзла,
Туман минг сўз тугунини [яъни жумбоғини] шу бир сўзда еч.

170 Киши сўз туфайли кўтарилади, малик бўлади,
Кўп сўз бошни ерга эгади.

171 Ортиқча сўзласа, тилни эзма(ланди) дейилади,
Сўзламасачи, (уни) яна гунг-лол дейилади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

172 Қалы мундағ эрсә йорық отру ур
Йорық отру урса кишиг йуқлатур

173 Тылығ кәд көдәзгил көдәзилди баш
Сөзүңни қысурғыл узатылды йаш

174 Тил асғы тәлим бар басынма өкүш
Ара өгдилүр тил ара мың сөкүш

175 Нәчә мундағ эрсә билиб сөзлә сөз
Сөзүң болсу көрсү қарағуқа көз

176 Билигсиз қарағу турур бэлгүлүг
Йуры эй билигсиз билиг ал үлүг

177 Туғуғлы өлүр көр қалыр бэлгүсүз
Сөзүң эдгү сөзлә өзүң өлгүсүз

178 Эки нәң билә эр қарымаз өзи
Бир эдгү қылынчы бир эдгү сөзи

179 Киши туғды өлди сөзи қалды көр
Өзи барды йаңлуқ аты қалды көр

14*а* 180 Тириглик тиләсә өзүң өлмәгү
Қылынчиң сөзүң эдгү тут эй бөгү

181 Тылығ өгдүм анча ара сөктүгүм
Тиләким сөз эрди сэңә йөрдүгүм

182 Қамуғ сөзни йығса уқуш тапламаз
Кәрәк сөзни сөзләр киши кэзләмәз

183 Сөзүм оғлума сөзләдим мэн тоңа
Оғул мэндә алтын мэңәни тыңа

184 Сэңә сөзләдим мэн сөзүм эй оғул
Сэңә бэрди бу панд өзүм эй оғул

185 Күмүш қалса алтун мэниңдин сэңә
Аны тутмағыл сэн бу сөзкә тэң-ә

186 Күмүш ишкә тутса түгәр алқынур
Сөзүм ишкә тутса күмүш қазғанур



www.ziyouz.com kutubxonasi

172 Гарчи шундай экан, ўртача йўриқ тут,
Йўриқ ўртача бўлса, кишини юқорилаштиради.

173 Тил(инг)ни ниҳоятда эҳтиёт қилгин, бош сақланади,
Сўз(инг)ни қисқа қилгин, ёш(инг) узайтирилади.

174 Тилнинг нафи талайдир, ортиқча ховлиқма,
Гоҳо тил мақталади, гоҳо сўкилади.

175 Гарчи шундай экан, сўзни билиб сўзла,
Сўзинг кўр учун кўз бўлсин, (у) кўра билсин.

176 Билимсиз шубҳасиз аниқ кўрдир,
Кел, эй нодон, билимдан ҳисса ол.

177 Туғилган ўлади, кўр, ном-нишонсиз қолади,
Сўзингни эзгу сўзла, ўзинг абад ўлмайсан.

178 Киши ўзи икки нарса туфайли қаримайди;
Бири — эзгу хулқи, бири — эзгу сўзи.

179 Инсон туғилади, ўлади, кўргин, унинг сўзи қолади,
Инсон ўзи ўлади, оти (мангу) қолади, назар сол.

180 Ўзинг ўлмас [яъни мангу] тириклик истасанг,
Феълингни ва сўзингни эзгу тут, эй доно.

181 Тилни анча мадҳ этдим ва сўкдим [яъни ёмонладим],
Тилагим сенга сўзлаган гаплар(ни) (айтиш) эди.

182 Ҳамма сўзни йиғса, ақл сиғдиролмайди,
Керак сўзни сўзлайди, киши (уни) яширмайди.

183 Сўзимни мен баҳодир ўғлимга сўзладим,
Ўғлим, мендан тубандаги мияни [яъни ақлни] тингла.

184 Мен сўзимни сенга сўзладим, эй ўғил,
Бу пандни ўзим сенга бердим, эй ўғил.

185 Мендан сенга кумуш, олтин қолса,
У(лар)ни сен бу сўзга тенг тутмагин.

186 Кумушни ишга солсанг тугайди, олқинади,
Сўзимни ишга тутсанг, (сен учун) кумуш қозонади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

187 Қишидин кишикә қумару сөз-ул
Қумару сөзи тутса асғы йүз-ул

188 Бу күн түгмә қашың э билгә бөгү
Өзүм ъузрын айсам йәмә иймәнү

## Китаб ид̣иси өзингә ъузр айур

189 Тиләким сөз эрди э билгә бөгү
Кәд̣ин кәлдәчикә өзүм сөзләгү

190 Уқуш кәлди өтрү айур бүтрү көр
Сөзүң болса йаңлуқ сәңә болға қор

191 Буд̣ун тили йав̇лақ сәни сөзләгәй
Қиши қылқы киртү этиңни йэгәй

192 Бақа көрдүм эрсә йэниг болды йүк
Өзүм айды сөзлә сөзүң бары төк

14б 193 Нэкүлүг тэсә сэн айайын сәңә
Сөзүмни айайын эй эрсиг тоңа

194 Бу йаңлуқ аты болды йаңлуқ үчүн
Бу йаңлуқ урулды бу йаңлуқ үчүн

195 Йаңылмаз киши ким айу бэр мәңә
Йаңылмыш түмән миң айайын сәңә

196 Билиглиг эд̣и аз билигсиз өкүш
Уқушсуз өкүш бил уқушлуғ көшүш

197 Билигсиз билиглигкә болды йағы
Билигсиз билиглигкә қылды чоғы

198 Қишидә киши ад̣руқы бар тәлим
Бу ад̣руқ билигдин айур бу тилим

199 Билиглигкә сөзләдим уш бу сөзүм
Билигсиз тилини билүмәз өзүм

200 Билигсиз билә ҳәч сөзүм йоқ мәниң
Э билгә өзүм уш топуғчы сәниң



www.ziyouz.com kutubxonasi

187 Кишидан-кишига (қоладиган) мерос сўздир,
Мерос сўзни [яъни оталар сўзини] тутсанг, нафи юз-юздир.

188 Бу кун қовоғингни солма, эй билағон доно,
Агар иймaниб ўз узримни айтсам.

## Китоб эгаси ўзига узр айтади

189 Тилагим сўз эди, эй билағон доно,
Кейин келувчи(лар) учун ўзим айтадиган (сўзлар эди).

190 Заковат пеш келди, ишонарли қилиб айтади, кўр,
Сўз(лар)инг янглиш-хато бўлса, сен учун зарар бўлади.

191 Халқнинг тили ёмон, (доим) сени сўзлагани-сўзлаган,
Кишилар феъли ҳасадли, у сенинг этингни ейди.

192 Боқиб кўрсам, юк [яъни ғам-ташвиш] енгил бўлди,
Менинг ўз(лиг)им бор сўзларингни сўзла, тўкиб сол, деди.

193 Қанақасига деб сўрасанг, сенга айтайин,
Сўзимни айтайин, эй жавонмард баҳодир.

194 Бу янглуқ [яъни инсон] номи янглуқ [яъни хато] учун бўлди,
Бу янглуқ [яъни хато] учун у янглуқ [яъни инсон] аталди.

195 Янглишмас киши ким, менга айтиб бер,
Янглишганлар туман мингта, сенга айта қолайин.

196 Билимли(лар) жуда оз, билимсиз(лар) кўп,
Безаковат(лар) талай, билгин, заковатли(лар) арзандадир.

197 Билимсиз билимлига ёв бўлди,
Билимсиз билимлига адоват қилди

198 Кишидан кишининг кўп фарқи бор,
Бу фарқ билимдан, деб айтади бу тилим.

199 Ушбу сўзимни билимлига сўзладим,
Билимсиз тилини ўзим тушуна олмайман.

200 Билимсиз билан менинг ҳеч сўзим йўқ,
Эй доно, ўзим сенинг хизматингдадирман.



www.ziyouz.com kutubxonasi

201 Сөзүм сөзләмишкә сэңә иймәнү
Өзүм ъуз̇ры қулды сэңә уш муну

202 Сөзүг сөзләдәчи азар ҳам йазар
Уқушлуғ эшитсә оңарур түзәр

203 Бурундуқлуғ-ул сөз тэв̇ә бурны-тэг
Барур қанча йатса тэтир бойны-тэг

204 Билиб сөзләдәчи киши бар өкүш
Аны булдәчи эр мэңә кәд̇ көшүш

205 Қамуғ эд̇гүлүкләр билиг асғы-ул
Билиг бирлә болды масал көккә йол

206 Билиг бирлә сөзлә қамуғ сөзни сэн
Билигин бэд̇үг бил қамуғ өзни сэн

207 Йашыл көкдин инди йағыз йэркә сөз
Сөзи бирлә йаңлуқ ағыр қылды өз

15a 208 Киши көңли түбсүз тэңиз-тэг турур
Билиг йүнжү саны түбиндә йатур

209 Тэңиздин чықармаса йүнжү киши
Кәрәк йүнжү болсун кэрәк сай ташы

210 Йағыз йэр қатындақы алтун таш-ул
Қалы чықса бэгләр башында түш-ул

211 Билиглиг чықармаса билгин тилин
Йарутмаз аның билги йатса йилин

212 Уқушлы билигли эд̇и эд̇гү нәң
Қалы булсаң ишләт учуб көккә тэң

213 Нэкү тэр эшитгил бу эл кэнт бэги
Уқушқа билигкә йэтурмиш өги

214 Аж̇ун тутғуқа эр уқушлуғ кэрәк
Буд̇ун басғуқа өг кэрәк ҳам йүрәк

215 Уқуш бирлә тутты аж̇ун тутғучы
Билиг бирлә басты буд̇ун басғучы



www.ziyouz.com kutubxonasi

201 Сенга ўз сўзларимни сўзлаганим учун ийманиб,
Сендан ўзим ушбу узрни сўрадим.

202 Сўзни сўзлагувчи адашади ҳамда гуноҳ қилади,
Заковатли эшитса, тўғрилайди (ва) тузатади.

203 Сўз туя бурнидек жиловланган бўлади,
Туя бўйнидек қаерга бурса, шу томонга боради.

204 Билиб сўзловчи кишилар талай бор,
Буни билувчилар менинг наздимда жуда қадрли.

205 Ҳамма эзгуликлар билим нафи туфайлидир,
Билим туфайли, гўё кўкка йўл топилади.

206 Барча сўзни сан билим билан сўзла,
Барча кишини сен билим туфайли улуғ деб бил.

207 Сўз бўз ерга яшил кўкдан тушди,
Сўзи туфайли инсон ўзини улуғ қилди.

208 Киши кўнгли тубсиз денгиз кабидир,
Билим инжу каби (унинг) тубида ётади.

209 Денгиздан киши инжуни чиқармаса,
У хоҳ инжу бўлсин, хоҳ сой тоши бўлсин (бефойдадир).

210 Бўз ер қатидаги олтин тош,
Агар қазиб чиқарилса, беглар бошида безак бўлади.

211 Билимли билимини тили орқали чиқармаса,
Унинг билими йиллаб ётса (ҳам) ёритмайди.

212 Заковат (ва) билим — жуда эзгу нарса,
Агар (уларга) эришсанг, ишлат, учиб кўкка кўтарил.

213 Бу эл ва кенд беги нима дейди, эшитгин,
Заковатга, билимга фаҳми етган (киши):

214 Жаҳон тутиш учун киши заковатли бўлиши керак,
Халқни босиш учун акл-фаросат (ва) юрак керак.

215 Жаҳонгир(лар) заковат билан олам тутди(лар),
Халқни босувчи(лар) билим билан босди(лар).



www.ziyouz.com kutubxonasi

216 Ажунқа апа инмишиндә бәрү
Уқушлуғ уру кәлди эдгү төрү

217 Қайу өдтә эрсә бу күндә бурун
Билиглигкә тәгди бәдүгрәк орун

218 Уқуш бирлә эслүр киши артақы
Билиг бирлә сүзлүр будун булғақы

219 Бу эккин этүмәсә қодғыл билиг
Қылыччқа тәгүргил сән өтрү әлиг

220 Бөгү билгә бәгләр будунқа башы
Қылыч бирлә этмиш билигсиз иши

221 Ажун тутғуқа эр уқуш билсә кәд
Будун басғуқа эр билиг билсә кәд

222 Бу экки бириксә болур эр түгәл
Түгәл эр ажунуғ тамам йәр түгәл

15б 223 Апаң экки ажун кулур эрсә сән
Оты эдгүлүк-үл қылур эрсә сән

224 Қалы эдгү булмақ тиләсә өзүң
Йуры эдгүлүк қыл кәсилди сөзүң

225 Киши мәңү болмаз бу мәңү аты
Анын мәңү қалды бу эдгү аты

226 Өзүң мәңү эрмәз атың мәңү-ул
Атың мәңү болса өзүң мәңү-ул

### Эдгүләркә қатылмақ эдгүсин айур

227 Қалы болса элгиң будунқа узун
Қамуғ эдгүлүк қыл қылынчын сөзүн

228 Йигитлик кәчәр-ул тириглик өчәр
Бу түш-тәг ажундын өзүң тәрк кәчәр

229 Тиригликни мун қыл асығ эдгүлүк
Йарын болға эдгү йәгү кәдгүлүк



www.ziyouz.com kutubxonasi

216 Оламга одам тушгандан [яъни одам яратилгандан] буён,
Заковатли(лар) эзгу сиёсат юритиб келди(лар).

217 Бугундан бурунги қайси бир даврда бўлмасин,
Билимли(лар)га буюкроқ ўрин насиб бўлиб келди.

218 Киши(лар) бузуқлиги заковат билан тозаланади,
Халқ булғоғини билим билан сузилади.

219 Бу иккиси билан иш битира олмасанг, билимни қўйгин,
Сўнг сен қиличга қўл тегизгин [яъни қилични ишга солгин].

220 Халққа бош доно (ва) билимдон беглар,
Билимсизлар ишини қилич ёрдамида ҳал қилганлар.

221 Олам тутиш учун киши ўта заковатли бўлса,
Халқни босиш учун киши ўта билимли бўлса.

222 Агар бу иккаласи бирикса, киши тугал бўлади,
Тугал киши оламни батамом (ва) тугал қўлга киритади.

223 Агар сен икки жаҳонни истайдиган бўлсанг,
(Унга етиштирадиган нарсанинг) чораси эзгуликдир,
гар қилмоқчи бўлсанг.

224 Агар сен ўзинг эзгулик топмоқ истасанг,
Кел, эзгулик қил, сўзинг тамом.

225 Киши мангу бўла олмайди, мангу унинг отидир,
Ундан мангу қоладиган нарса унинг бу эзгу отидир.

226 Ўзинг мангу эмас, отинг мангудир,
Отинг мангу бўлса, ўзинг мангудирсан.

**Эзгу (киши)ларга аралашиш эзгуликларини айтади**

227 Агар халқ устидан қўлинг узун бўлса [яъни амринг вожиб бўлса],
Амалда ҳам, сўзда ҳам мутлақ эзгулик қил.

228 Йигитлик ўтади, тириклик ўчади,
Бу тушдек оламдан ўзинг бот ўтасан.

229 Тирикликда азият торт, эзгулик фойдалидир,
Эзгулик кейин егулик (ва) кийгулик бўлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

230 Нэкү тэр эшитгил киши эдгүси
Йурыб тын тоқығлы ахир өлгүси

231 Ажунда нэ йанлығ эрэн туғды көр
Бир анча йурыды йана өлди көр

232 Кэрэк бэг кэрэк қул йа эдгү эсиз
Өзи өлди эрсэ аты қалды из

233 Сэңэ тэгди эмди кэзикчэ орун
Қамуғ эдгүлүк қыл сэн эдгү барун

234 Тириг өлгү ахир төшэнэр йэриг
Киши өлсэ эдгүн көр аты тириг

235 Эки түрлүг ат-ул бу тилдэ йурыр
Бир эдгү бир эсиз ажунда қалыр

16*а* 236 Эсизкэ сөкүш эдгү өгди булур
Өзүңгэ бақа көр қайусын қулур

237 Өзүң эдгү болса атың өгдилиг
Қалы болса эсиз сөкүш эй силиг

238 Сөкүшлүг нэлүг булды Заҳҳак өтүн
Нэлүг өгди булды Фаридун қутун

239 Бири эдгү эрди аны өгдилэр
Бири эсиз эрди аны сөкдилэр

240 Эсиз-му сэңэ йэг азу эдгү-му
Сөкүш-му қулур-сэн азу өгди-му

241 Қайусын тилэсэ өдүргил бирин
Эсиз эдгү болса өкүнмэ йарын

242 Муңар мэңзэтүр сөз сынамыш киши
Сынамыш киши билди эл күн иши

243 Киши эдгү атын көр алқыш булур
Атықмыш эсиз өлсэ қарғыш булур

244 Нэчэ ма сынадым эсиз қылғучы
Кэтэ бэрди күндэ үзүлди күчи



www.ziyouz.com kutubxonasi

230 Киши(лар)нинг эзгуси нима дейди, эшитгин:
Юриб нафас олувчи охири ўлади.

231 Жаҳонда не янглиғ эрлар туғилди, кўргин,
Бир оз (муддат) юрди, яна ўлди, кўргин.

232 Хоҳ бег, хоҳ қул, ё эзгу, ёмон (бўлсин),
Ўзи ўлган бўлса, отидан из қолади.

233 Энди ўрин навбат билан сенга насиб бўлди,
Фақат эзгулик қил, сен эзгу (бўлиб) кет.

234 Тирик охири ўлади, ерни тўшанади,
Киши яхшилик билан ўлса, кўргин, оти тирик қолади.

235 Бу тилда икки турли от такрорланиб юради,
Бир эзгу, бир ёмон (ном) дунёда қолади.

236 Ёмон сўкилади, эзгу мақтовга эришади,
Ўзингга қара, қайсинисини истайсан.

237 Ўзинг эзгу бўлсанг, отинг мақтовга лойиқдир,
Агар ёмон бўлсанг, таҳқирга маҳкумсан, эй латиф.

238 Тубан Заҳҳок не туфайли таҳқирга лойиқ бўлди,
Бахтли Фаридун қандай қилиб мадҳга сазовор бўлди.

239 Бири эзгу эди, уни мадҳ қилдилар,
Бири ёмон эди, уни сўкдилар.

240 Сен учун ёмон (ном) дурустми ёки яхши (ном),
Таҳқирни истайсанми ёки мадҳними?

241 Қайсинисини истасанг, (ўша) бирини танла,
(Танлаганинг) ёмон(лик) ёки эзгу(лик) бўлса, сўнг ўкинма.

242 Синаган киши бунга ўхшатиб сўз айтади,
Синаган киши эл-юрт ишини билади:

243 Киши эзгу ном билан олқиш олади, кўргин,
Ном чиқарган ёмон ўлса, қарғиш топади.

244 Кўп синадим, ёмон(лик) қилувчилар,
Кундан-кунга (орқага) кетаверди, кучи узилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

245 Нэчә көрдүм эрсә эсизләр иши
Азу болмады эй билиглик киши

246 Эсизлик от-ул от күйүргән болур
Йолында кэчик йоқ өтүлгән болур

247 Қөрү турса биздә уза барғучы
Қара тут йа бэглар аж̇ун тутғучы

248 Буларда қайу булды эрсә билиг
Улар урмыш өд̆ күн аж̇унқа әлиг

249 Билиг кимдә эрсә аж̇ун бэгләри
Төрү эд̆гү урмыш киши йэгләри

250 Бу күн ма ким эд̆гү атанса киши
Улар болды ашну ул эд̆гү башы

16б 251 Бөгү бэг ким эрсә билигкә йақын
Билиглиг кишиг қылмыш өзкә йақын

252 Элиг урмыш ишкә бақыб ишләмиш
Билиг ишкә тутмыш буд̇ун башламыш

253 Элин этмиш өтрү байумыш қара
Қара байлықы қылмыш өзкә төрә

254 Аты эд̆гү болмыш атан̇мыш ақы
Ақы өлсә аты тириг тэб уқы

255 Өлүрин билиб қылмыш өзкә этиг
Битиб қод̆мыш атын тиригкә битиг

256 Бу күн ким оқыса уларығ билир
Аңар өтгүнүр андын эд̆гү кэлир

257 Нэкү бар аж̇унда билигкә көшүш
Билигсиз тэсә эркә көрксүз сөкүш

258 Нэкү тэр эшитгил билиглиг киши
Аж̇унда сынайу йэтилмиш йашы



www.ziyouz.com kutubxonasi

245 Қанчаки кузатган бўлсам, ёмонлар иши,
Ёки мутлақо битмади, эй, билимли киши.

246 Ёмонлик мисли бир ўтдирки, у куйдирадиган бўлади,
Йўлида ҳеч ўтар ери йўққи, ундан ўтиб бўлсин.

247 Боқиб кўр, хоҳ биздан олдин ўтганлар,
Хоҳ авом, хоҳ жаҳонгир беглар (бўлсин).

248 Булардан қайси бири билим соҳиби бўлса,
Улар давр, юрт, дунё ишига қўл урдилар.

249 Жаҳон бегларининг кимида билим бўлса,
(Ўша) кишиларнинг афзаллари эзгу қонун(лар) кашф
қилди(лар).

250 Бу вақтда ҳам ким эзгу киши (деб) аталса,
Аввал ўша(лар) эзгу(лар)га бош бўлади(лар).

251 Кимда-ким билимга яқин доно бег бўлса,
Билимли киши(лар)ни ўзига яқин қилади.

252 Қўл урган ишига қараб ишлайди,
Билимни ишга солиб халқни бошлайди.

253 Элини мукаммал тузади, сўнг авом бойийди,
Авомнинг бойлигини ўзига қоида деб билади.

254 Оти эзгу бўлади, сахий деб аталади,
Сахий киши ўлса, унинг оти тирик деб бил.

255 Ўлишини билиб ўзи учун ҳозирлик кўрган киши,
Ўз номини тириклар учун нома тарзида ёзиб қолдиради.

256 Бу кунларда ким ўқиса, улар ҳақида билади,
(Ёзув) унга улар ҳақида айнан ҳикоя қилади, ундан эзгуликлар
келади.

257 Жаҳонда билимдан қадрлироқ нима бор,
Билимсиз деса — бу киши учун хунук ҳақорат.

258 Билимли киши нима дейди, эшитгин,
Жаҳонда (барча нарсаларни) синаган, ёши етилган (киши):



www.ziyouz.com kutubxonasi

*259 Билигсизкә төрдә орун болса көр*
*Бу төр илкә санды илиг болды төр*

260 Қалы билгәкә тэгсә илдә орун
Ул ил болды төрдә тақы кәд̆ төрүн

261 Билигкә турур бу ағырлық қамуғ
Аӂунқа кэрәк төр кэрәк ил қапуғ

262 Эки түрлүг-ул көр бу аслы киши
Бири бэг бири билгә йаңлуқ башы

263 Аныңда нару барча йылқы саны
Тиләсә муны тут тиләсә аны

264 Сэн эмди қайу-сэн мэңә ай ача
Экидә бири бол үчидә қач-а

265 Қылыч алды бэрди буд̆унуғ түзәр

Қалам алды бэрди йорық йол сүзәр

17*а* 266 Улардын қалу кэлди эд̆гү төрү
Қумару турур тэгсә қопрур өрү

267 Өлүгдин тиригкә қумару сөз-ул
Қумару сөзи тутса асғы йүз-ул

268 Билигсиз қарағу турур бэлгүлүг
Э көзсүз қарағу билиг ал үлүг

269 Киши көрки сөз-ул бу сөз-өк тэлим
Йуры эд̆гү сөзлүг кишиг өг тилим

270 Масал кэлди түркчә муңар мэңзәтүр
Аны сөзләдим мэн муну йаңзатур

271 Уқуш көрки сөз-ул бу тил көрки сөз
Киши көрки йүз-ул бу йүз көрки көз

272 Тили бирлә йаңлуқ сөзи сөзләйүр
Сөзи йахшы болса йүзи сув̆ланур



www.ziyouz.com kutubxonasi

259 Билимсизга тўрда ўрин бўлса, кўргин,
Бу тўр пойга саналади, пойга эса тўр ҳисобланади.

260 Агар донога пойгадан ўрин тегса,
Бу пойга тўрдан ҳам тўрроқ бўлади.

261 Бу ҳурмат фақат билим туфайлидир,
Дунёнинг эшиги хоҳ тўрда, хоҳ пойгада бўлсин.

262 Асл киши(лар) икки турлидир, кўргин,
Бири — бег, бири — доно, кишилар боши.

263 Бундан бошқа барчаси йилқи саналади,
Истасанг бунисини танла, истасанг унисини.

264 Сен энди қайси бирисан, менга очиб айт,
Иккидан бирини танла, учинчисидан қоч.

265 Қилич олди-бердиси [яъни қилич билан шуғулланиш] халқни тузади,
Қалам олди-бердиси [яъни қаламкашлик] эзгу йўл-йўриқлар тузади.

266 Эзгу қонун(лар) улардан қолиб келди,
(Улар) меросдир, етишса, кишини юқори кўтаради.

267 Ўлган(лар)дан тирик(ларга) мерос сўздир,
Мерос сўзи [яъни оталар сўзи]ни тутилса, нафи юз-юздир.

268 Билимсиз муайян кўрдир,
Эй нобийно, кўр, билимдан улуш ол.

269 Кишининг кўрки сўздир, сўз эса талайдир,
Кел, эй тилим, эзгу сўзли киши(лар)ни мадҳ қил.

270 Бунга ўхшатадиган туркча масал бор,
Бунга мослаб шу (масал)ни сўзладим:

271 Заковат кўрки сўздир, бу тилнинг кўрки сўздир,
Кишининг кўрки юздир, бу юзнинг кўрки кўздир.

272 Инсон ўз сўзини тили орқали сўзлайди,
Сўзи яхши бўлса, юзи сувланади [яъни обрў қозонади].



www.ziyouz.com kutubxonasi

273 Көрү бэрсэ эмди бу түрк бэглэри
Бу түрк бэглэриндэ тақы йэглэри

274 Бу түрк бэглэриндэ аты бэлгүлүг
Туға алп эр эрди құты бэлгүлүг

275 Бэдүг билги бирлэ өкүш эрдэми
Билиглиг уқушлуғ будун көдрүми

276 Тэжиклэр айур аны Афрасийаб
Бу Афрасийаб тутты эллэр талаб

277 Эди артуқ эрдэм кэрэк-ул билиг
Орун[10] тутғуқа өтрү сунса элиг

278 Тэжиклэр битигдэ битимиш муны
Битигдэ йоқ эрсэ ким уқғай аны

279 Эди йақшы аймыш азығлығ күр эр
Азығлығ эрэн бэрк түгүнлэр йазар

280 Миң эрдэм кэрэк бу жаҳан тутғуқа
Күр арслан кэрэк бу құлан басғуқа

17б 281 Ажунчықа эрдэм кэрэк миң түмэн
Анын түтса элдин кэтэрсэ туман

282 Қылыч урса йанчса йағы бойныны
Төрү бирлэ түзсэ эли будныны

**Билиг уқуш адрымын асғын айур**

283 Тилэким сөз эрди э билгэ бөгү
Уқушуғ билиглиг[11] өзүм сөзлэгү

284 Уқуш-ул йула-тэг қараңқу түни
Билиг-ул йаруқлуғ йарутты сэни

285 Уқушун ағар-ул билигин бэдүр
Бу экки билэ эр ағырлық көрүр

286 Муңар бүтмэсэ көр бүтүсин раван
Уқуш көзи бирлэ йарутты жаҳан



www.ziyouz.com kutubxonasi

273 Энди боқиб кўрсанг бу турк беглари,
Бу турк бегларининг янада яхшилари.

274 Турк беглари орасида оти белгилик,
Тўнга Алп Эр эди, қути белгилик.

275 Билими — буюк, ҳунар(лар)и — талай.
Билимли, заковатли, халқ орасида сараси.

276 Тожиклар уни Афросиёб деб атайдилар,
Бу Афросиёб элларни ўз тасарруфига олиб тутди.

277 Ўта ортиқ санъат (ва) билим лозим,
Сўнг жаҳон тутишга қўл сунса (бўлади).

278 Тожиклар уни китобда ёзиб қолдирганлар,
Китобда бўлмаса, уни ким биларди.

279 Озиғли, ботир киши жуда яхши айтибди,
Озиғли кишилар қаттиқ тугунларни ечади [яъни барча
мушкулларни ҳал қила олади]:

280 Жаҳонни қўлга киритиш учун минглаб ҳунар керак,
Қулон босиш учун ботир арслон (бўлиш) керак.

281 Жаҳонгирга минг туман санъат-шижоат керак,
Унга таянса ва элдан туманни (зулматни) кўтарса.

282 Қилич урса, ёв бўйнини янчса,
Адолатли сиёсат билан эли ва халқини тузса.

### Билим, уқув-идрок фарқини, нафини айтади

283 Тилагим сўз эди, эй билағон доно,
Уқув-идрок, билим ҳақида сўзлашим шарт бўлган.

248 Уқув-идрок зулмат тунидаги машъал кабидир,
Билим сенга нур сочган рўшноликдир.

285 Уқув-идрок билан киши юксалади, билим билан улғаяди,
Бу икки(си) туфайли эр қадр-қиммат қозонади.

286 Бунга ишонмасанг, далилини кўр, руҳ
Заковат кўзи билан жаҳонни ёритган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

287 Мэңәр тэгди мундағ билиглиг сөзи
Тамудын йырар тэб тамулуқ өзи

288 Төрү түз йурытты байуды буԫун
Атын эԫгү қылды ул эԫгү өԫүн

289 Кичиг оғланығ көр уқушқа улам
Йашы йэтмәгинчә йурымаз қалам

290 Уқушлуғ киши көр қарыса мунар
Уқуш кэтти тэб ҳам қалам ма тынар

291 Қалы тэлвә өлсә көр урса[12] киши
Өлүм йоқ аңар ҳам тирилмәз шиши

292 Нэкүлүг тэсә-сэн уқушсуз турур
Уқушсуз кишиләр үлүгсүз турур

293 Уқушқа турур бу ағырлық этиг
Уқушсуз киши бир авучча йэниг

18*a* 294 Көрү бэрсә барча эрүр бу кэԫ-өк
Уқушлуғ билиглиг көр аслы кэԫ-өк

295 Кимиңдә уқуш болса аслы болур
Қайуда билиг болса бэглик алур

296 Йағыз йэр үзә йаңлуқ оғлы әлиг
Көтүрди қамуғқа йэтүрди билиг

297 Уқуш бирлә аслы аталур киши
Билиг бирлә бэгләр этәр эл иши

298 Түмән миң тү эрдәм өкүш өгдиләр
Уқуш бирлә қылмыш үчүн өгдиләр

299 Уқуш азын азланма асғы өкүш
Билиг азын азланма эркә көшүш

300 Бу төрт нәң азын азқа бүтмә тэгү
Бөгү сөзләмиш сөз эшитгү өгү



www.ziyouz.com kutubxonasi

287 Менга билимлининг мана бундай сўзи маълум,
(Билим туфайли) дўзахи дўзахдан халос бўлади, деган.

288 Хоқон адолатли сиёсат юритди, халқ бойиди,
У эзгулик даврон билан ўз номини эзгу қилди.

289 Кичик ўғлонга қарагин, уқув-идрокка доим
Ёши етмагунча қалам юритмайди.

290 Уқув-идрокли кишиларга қарагин, улар қариса путурдан кетади,
Уқув-идрок кетти, деб қалам ҳам тинади.

291 Агар телба ўлса, назар сол, киши англаса,
Унга ўлим йўқ [яъни унинг ўлик, тириги бефарқ], марази тузалмайди [яъни дарди бедаво].

292 Уқув-идроксиз қандай бўлади, десанг
Уқув-идроксиз киши бебаҳра бўлади.

293 Қадр-қиммат, етуклик билим туфайлидир,
Уқув-идроксиз киши бир ҳовуч (нарса) каби енгилдир.

294 Боқиб кўрилса, бу барчаси дуруст,
Уқув-идрокли, билимлининг асли яхшидир, кўр.

295 Кимда уқув-идрок бўлса, у асил бўлади,
Қайси бир (киши)да билим бўлса, у беглик қозонади.

296 Қора ер юзида инсон зоти қўл
Кўтарди, барча нарсаларга билимни ишга солди.

297 Уқув-идрок туфайли киши асил аталади,
Беглар эл ишини билим билан битиради.

298 Туман минг турли санъатни, талай мақтов(га лойиқ ишлар)ни,
Уқув-идрок билан (иш кўрганлари учун) жам қилдилар (қўлга киритдилар).

299 Уқув-идрок озини оз дема, (унинг) нафи кўпдир,
Билим озини оз дема, (у) киши учун қимматлидир.

300 Бу (қуйидаги) тўрт нарсанинг озини оз деб тушунма,
Доно сўзлаган сўзни зеҳн билан тинглаш керак.



www.ziyouz.com kutubxonasi

301 Бу тøрттə бири от бириси йағы
Үчүнчи иг-ул кøр тириглик ағы

302 Басасы билиг-ул буларда бири
Бу тøрт нəң ужуз тутма бэгсиг йуры

303 Бу тэкмə бири асғы йасы тəлим
Қайусы бэрим-тэг қайусы алым

304 Билиг кимйə-тэг ул нəң ирклү турур
Уқуш ордусы ул нəң øглү турур

305 Йыпарлы билигли нəңи бир йаңы
Тутуб кэзлəсə болмаз øздə øңи

306 Йыпар кэзлəсə сэн йыды бэлгүрəр
Билиг кэзлəсə сэн тилиг[13] үлгүлəр

307 Билиг байлық-ул бир чығай болғусуз
Тэгиб оғры тэвлиг аны алғусуз

308 Кишəн-ул кишикə билиг ҳам уқуш
Кишəнлиг йарағсызқа бармас øкүш

18б 309 Сэвугрəк атын эр кишəнлиг тутар
Кэрəклиг атын эр кøдəзлиг тутар

310 Кишəнлиг кøрəмəз кэрəкчə йурыр
Тышағлығ йырамаз тилəкчə барыр

311 Уқуш-ул сэңəр эдгү андлығ адаш
Билиг-ул сэңə кэд бағырсақ қадаш

312 Билигсизкə билги қылынчы йағы
Адын болмаса таб бу экки чоғы

313 Муңар мэңзəтү кэлди түркчə масал
Оқығыл муны сэн кəңүл øгкə ал

314 Уқушлуғ кишикə эши таб уқуш
Билигсиз кишикə аты таб сøкүш



www.ziyouz.com kutubxonasi

301 Бу тўртдан бири — ўт, бири — ёв,
Учинчиси — хасталик, тириклик тузоғы [яъни заволи].

302 Булардан бир бошқаси билимдир,
Бу тўрт нарсанинг қимматини арзон тутма [яъни уларга лоқайд бўлма], бег сифат бўлиб юр.

303 Булардан ҳар бирининг фойда ва зарари талайдир,
Қай бири берим, қай бири олим кабидир [яъни қай бири фойдали, қай бири зарарлидир].

304 Билим — кимиё каби, у жам бўлиб туради,
У заковат ўрдасидир, доим уюлиб туради.

305 Ипор ва билим бир-бирига ўхшаш нарсалардир,
(Уни) ўзидан бўлаклардан беркитиб, яшириб сақласа бўлмайди.

306 Чунки сен ипор яширсанг, унинг ҳиди ошкора қилади,
Билим яширсангчи, тилинг уни (улашади) намойиш қилади.

307 Билим қашшоқ қилмовчи (битмас-туганмас) бир бойликдир,
Ўғри, айёр қўл уриб уни ҳеч ола олмайди.

308 Билим ҳам заковат киши учун гўё бир кишандир,
Кишанли эса ортиқ яроқсиз (ишлар)га бора олмайди.

309 Севимлироқ отини киши кишанда тутади,
Керакли отини эр авайлаб тутади.

310 Кишанланган (жонивор) кўздан қочмайди, лозим ерда юради,
Тушоқланган (жонивор) узоқлашмайди, эгаси истаган ерда бўлади.

311 Заковат сен учун эзгу онтли дўстдир,
Билим сен учун ўта меҳрибон қариндошдир.

312 Билимсизга билганлари, қилмишлари ёвдир,
Бошқа бўлмаса ҳам, шу икки ёвнинг ўзи кифоядир.

313 Туркчада бунга ўхшайдиган масал мавжуд,
Сен бу масални уққин, кўнгилга ва миянгга жойла:

314 Заковатли киши учун заковат етарли эшдир,
Билимсиз кишининг оти фақат таҳқирга лойиқдир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

315 Билиглигкә билги түгәл тон аш-ул
Билигсиз қылынчы йав̇уз қолдаш-ул

316 Уқушлуғ кәд̇ эр өв̇кә өздин йырат
Билиглиг йэг эр бушма эд̇гү қыл ат

317 Бу экки билә ишкә бақма эв̇ә
Қалы бақса қылдың тириглик йав̇а

318 Өкүнчлүг болур тутшы өв̇кә иши
Йазуқлуғ болур ишдә бушса киши

319 Амуллуқ кэрәк эркә қылқы оңай
Өрүглүк кэрәк эркә туғса күн ай

320 Түзүнлүг кэрәк ҳам силиглиг кэрәк
Уқушлуғ кэрәк ҳам билиглиг кэрәк

321 Уқушлуғ кэрәк кәд̇ өд̇үрсә билиг
Билиглиг кэрәк кәд̇ битүрсә ишиг

322 Йарағлығ йарағсызни йэтрү көрүб
Кәрәклиг кэрәксизни киртү сүрүб

323 Ад̇ырса өд̇үрсә сэчә билсә өз
Қамуғ иш ичиндә тута билсә өз

19a 324 Болур өтрү ишләр бүтүн ҳам бышығ
Билиглиг кишиләр бышығ йэр ашығ

325 Тиләккә тэгир-ул бу йаңлығ киши
Экәгү аж̇унда этиглиг иши

326 Бушақлық билә эркә өв̇кә йав̇уз
Бу экки билә тутчы эмгәр эт өз

327 Эшитгил нэкү тэр бөгү билгә бэг
Бу сөз ишкә тутғыл айа қырғу эң

328 Бушы болса йаңлуқ билигсиз болур
Қалы өв̇кә кэлсә уқушсуз қылур

329 Бушылық йав̇уз эркә алтур билиг
Отунлуқ қылур бушса қылқы силиг



www.ziyouz.com kutubxonasi

315 Билимлига унинг билими тугал кийим ва емишдир,
Билимсизнинг қилмиши унга ёвуз (ниятли) қўлдошдир.

316 (Эй) заковатли яхши киши, ғазабни ўзингдан йироқ тут,
Эй билимли яхши киши, қаҳр қилма, номингни эзгу қил.

317 Бу иккиси (ғазаб ва қаҳр) билан шошилиб иш кўрма,
Агар (шундай) қилсанг, тирикликни беҳуда қиласан.

318 Ғазабли киши доим ўкинчли бўлади,
Киши ишда қаҳр қилса, у адашади.

319 Эр кишига вазминлик даркор, унинг қилмишлари тўғри бўлиши керак,
Кун, ой чиққанидаги каби эр киши учун рўшнолик лозим.

320 Киши мулойим ҳам хушфеълли,
Заковатли ҳам билимли бўлиши керак.

321 Киши заковатли бўлиши керак, токи билимни яхши танлай билса,
У билимли бўлиши керак, токи ишларни яхши битира олса.

322 Яроқли, яроқсиз (нарсалар)ни тугал кўриб,
Керакли, кераксиз (нарсалар)ни ўз ўрнига қўйиб.

323 Айирса, фарқласа ва ажрата билса,
Барча ишда ўзини тута билса.

324 Сўнг барча ишлар тугал ҳам пишиқ бўлади,
Билимли кишилар овқатни пишиқ ейдилар.

325 Бу янглиғ киши тилакка етади,
Иккала жаҳонда ҳам иши чиройли бўлади.

326 Қаҳр билан ғазаб киши учун ёвуз душмандир,
Бу иккаласи билан жон доим азият чекади.

327 Билағон, доно бег нима дейди, эшитгин,
Бу сўзга амал қил, эй қизил юзли:

328 Қаҳрли бўлса, одам билимсиз бўлади,
Агар ғазаб келса, кишини заковатдан маҳрум қилади.

329 Жоҳил, ёвуз кишига билим олдир,
Агар хулқи гўзал киши ғазабга кирса, пасткашлик қилади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

330 Эшитгил нэку тэр билиглиг киши
Билиглиг сөзи чин сэвүг жан туши

331 Бу бир қач нәң-ул кәр кишикә йавуз
Муны билсә йанлуқ ылықар эт өз

332 Буларда бириси бу тил йалғаны
Буларда басасы сөзүң қыйғаны

333 Үчүнчи тақы бир бор ичсә сэвә
Сэзигсиз болур болды бэртәм йава

334 Тақы бири эркә бу артуқ қылынч
Бу артуқ қылынчығқа болмаз сэвинч

335 Йана бир арығсыз бу қылқы сүтүн
Кишиләр эвиндә бу қопрур түтүн

336 Йана бир тили йәл тушы евкәлиг
Өлитүр кишиг сөксә ачса тилиг

337 Бу қач нәң бириксә бирәгү үзә
Аныңдын йырар-ул ыдуқ қут тэз-ә

338 Болу бэрмәз эврән башы тэзгинүр
Аның бирлә қылқы йаңы тэзгинүр

19б 339 Йуры эдгүлүк қыл эй эдгү киши
Этиглик болур тутчы эдгү иши

340 Нэку тэр эшит эмди қылқы силиг
Сынайу тэгиб элкә сунмыш элиг

341 Қарымаз бу эдгү нэчә йылласа
Эсизлик әдикмәз нэчә өдләсә

342 Йашы қысқа эсиз өкүнчүн қарыр
Узун йашлығ эдгү өкүнчсүз йурыр

343 Тиләкин булур эдгү күндә йаңы
Эсизниң күнингә мың артар муңы



www.ziyouz.com kutubxonasi

330 Билимли киши нима дейди, эшитгин,
Билимли (киши) сўзи чиндан ҳам севик жон тенгидир:

331 Кўргин, бу бир қатор нарсалар кишига душмандир,
Одам буларни (билиб) олса, жони роҳатда бўлади:

332 Булардан бири — бу тил ёлғони,
Булардан бошқаси — сўзнинг устидан чиқмаслик.

333 Учинчи яна бири — севиб ичимлик ичса,
Шубҳасиз бўлар (иш) бўлади, (умр) бутунлай зое кетади.

334 Яна бири эр киши учун қилмишнинг (ҳаддидан) ортиқлигидир,
Бу (ҳаддидан) ортиқ қилмишли кишининг севинчи бўлмайди.

335 Яна бир ярамас нарса — бу тубан хулқлилик,
Одамлар уйида бу (пасткашлик) тутун қўпоради.

336 Яна бири — тил ёмонлик, доимий дарғазаблик,
Ундай киши сўкса, (дашномга) тил очса, одамни ўлдиради.

337 Бу бир қатор нарсалар бири иккинчиси билан бирикса,
Ундан [яъни ундай кишидан] муқаддас бахт йироқлашади.

338 Фалак унга боқмайди, боши айланади,
Шу билан бирга унинг феъл-атвори айнийди.

339 Кел, эй эзгу киши, эзгулик қил,
Эзгулар иши ҳар доим чиройли бўлади.

340 Энди хулқи хуш киши нима дейди, эшитгин,
Синаб, тушуниб элга қўл узатган (киши):

341 Неча яшамасин, бу эзгу(лик) қаримайди,
Ёмонлик, уни қанча эъзозлаган билан, азиз бўлмайди.

342 Ёмоннинг ёши қисқа, у ўкинч билан қарийди,
Эзгунинг ёши узун, у доим ўкинчсиз юради.

343 Эзгу кунда янги-янги тилакларини топади,
Ёмоннинг мунги кунда юз ҳисса ортади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Китаб аты түзүгин авучғалықыны айур

344 Китаб аты урдум Қутадғу билиг
Қутадсу оқығлықа тутсу элиг

345 Сөзүм сөзлэдим мэн битидим битиг
Сунуб экки ажунны тутғу элиг

346 Киши экки ажунны тутса қутун
Қутадмыш болур бу сөзүм чын бүтүн

347 Бу Кунтуғды элиг тэдим сөз башы
Түзүгин айайын э эдгу киши

348 Баса айдым эмды бу Айтолдыны
Аныңдын йарыйур ыдуқ қут күни

349 Бу Кунтуғды тэгли төрү-ул көни
Бу Айтолдү тэгли қут-ул көр аны

350 Баса айдым эмди көр Өгдүлмишиг
Уқуш аты-ул бу бэдүтүр кишиг

351 Аныңда басасы бу Өдғурмыш-ул
Муны ъафийат тэб өзүм йормыш-ул

20а 352 Бу төрт нэң үзэ сөзлэдим мэн сөзүг
Уқыса ачылғай йэтиг қыл көзүг

353 Сэвүнчин йүрүгли эй эдгү йигит
Сөзүмни йава қылма көңлүн эшит

354 Қатығлан йаңылма көнилик йолын
Йигитлик йава қылма асғын алын

355 Көшүш тут йигитлик кэчэр сэндэ тэрк
Қачар бу тириглик нэчэ тутса бэрк

356 Сэниңдэ бар эркэн йигитлик күчи
Йава қылма таъат тапуғ қыл тучы

357 Күсэр-мэн йигитликкэ өкнүр өзүм
Өкүнчүм асығ йоқ кэсэр-мэн сөзүм



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Китобга ном берилиши ва ўз қарилигини айтади

344 Китобга «Қутадғу билиг» деб ном бердим,
Ўқувчини бахтга элтсин, уни қўлласин.

345 Мен ўз сўзларимни сўзладим,
(Менинг бу китобим) қўл чўзиб иккала жаҳонни қамраб олади.

346 Киши икки жаҳон бахтини қозонса,
У бахтли бўлади, барча сўзларим чиндир.

347 Сўзимни Кунтуғди элиг номи билан бошладим,
Эй эзгу киши, бу (ном берилиши)нинг сабабини айтайин.

348 Сўнг Ойтўлди ҳақида гапирдим,
Муқаддас бахтли кунлар у туфайли ёрийди.

349 Бу Кунтуғди дегани(м) чин адолатдир,
Бу Ойтўлди дегани(м) бахтдир, унга бир боққин.

350 Кейин, кўргин, Ўгдулмиш ҳақида сўзладим,
Унинг оти заковат, у кишини юксалтиради.

351 Ундан сўнггиси — бу Ўзғурмишдир,
Буни мен ўзим офиятга йўрдим.

352 Сўзни шу тўрт нарса устида юритдим,
Уни ўқиб тушунилса, рўшнолик бўлади, кўзингни оч.

353 Севинч билан юрувчи, эй эзгу йигит,
Сўзларимни беҳуда тутма, кўнглинг билан эшит.

354 Дадил бўл, тўғрилик йўлидан озма,
Йигитликни беҳудага берма, ундан фойдалан.

355 (Йигитликнинг) қадрига ет, у сендан албатта, кетади,
Қанча берк (қаттиқ) тутмагин, тириклик (сендан) қочади.

356 Сенда йигитлик кучи бор экан,
Уни беҳуда қилма, доим тоат ва ибодат қил.

357 (Ўтган умримни) орзу қиламан, (ўтиб кетган) йигитлик умримга ўкинаман,
Ўкинишимдан фойда йўқ, сўзимни кесаман.



8—237

www.ziyouz.com kutubxonasi

358 Қимүң қырқда кэчсә тириглик йили
Эсәнләшти эркә йигитлик йили

359 Тэгүрди мэңә әлги эллик йашым
Қуғу қылды қузғун түси-тэг башым

360 Оқыр элик эмди мэңәр кэл тэйү
Пусуғ болмаса бардым эмди нару

361 Қимүң йашы алтмыш түгәтсә сақыш
Татығ барды андын йайы болды қыш

362 Отуз йығмышын йандру алды элиг
Нэкү қылғай алтмыш тэгүрсә әлиг

363 Нэкү қылдым эрди мэн элиг сэңә
Нэлүг турдуң эмди бу өчкә мэңә

364 Татығ эрди барча йигитлик ишим
Ағу қылды эмди мэңәр йэр ашым

365 Бод̇ум эрди оқ-тэг көңүл эрди йа
Көңүл қылғу оқ-тэг бод̇ум болды йа

366 Йигитлик нэкү йығды эрсә мэңә
Қарылық кэлиб алды кэлгәй сэңә

20б 367 Айа чэргүчи кэл мэни чэргүлә
Йыл ай тутғуны болдум эмгәк билә

368 Кишәнсиз көлүнди маңумаз ад̇ақ
Түнәрди йарумаз көрүгли қарақ

369 Татығ барды өчти қуруғсақ оты
Йырады мэниңдин йигитлик аты

370 Уд̇унғыл э көкчин өлүмкә анун
Бу кэчмиш күнүңгә сығыт қыл үнүн

371 Кэчиб барды өд̇ күн йав̇алық билә
Бу қалмыш күнүң бирлә ъуз̇руң тилә



www.ziyouz.com kutubxonasi

358 Қимнинг тириклик йили (ёши) қирқдан ўтса,
У киши билан йигитлик йили хайр-маъзур айтишади.

359 Эллик ёшим менга қўл тегизди,
Қора (қузғун) тусидек бошимни оқ (қуш) қилди [яъни сочим оқарди].

360 Эллик (ёш) энди мен томон кел, деб чорламоқда,
Пистирма [яъни ногаҳоний ўлим] бўлмаса, энди у томон бораман.

361 Кимнинг ёши олтмиш ҳисобини тугатса,
Ундан ҳаловат кетди, ёзи қишга бадал бўлади.

362 Ўттиз (ёш) йиғганларини эллик (ёш) қайтариб олди,
Агар олтмиш (ёш) қўл тегизса, нималар қилар экан.

363 Эй эллик (ёш), мен сенга нималар қилган эдим,
Нима учун сен менга бу (турли) ўчлар билан турдинг.

364 Йигитликдаги барча ишларим ширин эди,
Энди (қарилик) менинг ейдиган ошимни заҳар қилди.

365 Қаддим ўқдек (тўғри), кўнглим эса ёй (дек шай) эди,
Кўнгил орзулари ҳануз ўқдек, (лекин) қаддим ёй бўлди.

366 Йигитлик менга нималарни йиғиб берган бўлса,
(Уларни) қарилик келиб (қайта) олди, у сенга ҳам келади.

367 Эй олампаноҳ, кел мени паноҳингга ол,
Машаққатлар билан йил, ой тутқуни бўлдим.

368 Оёқларим кишансиз чалишди, кўтарилмайди,
Кўрар кўзлар(им) қоронғулашди, асло ёримайди.

369 Ҳаловат кетди, бағир ўти сўнди,
Мендан йигитлик оти йироқлашди.

370 Уйғонгин, эй кекса (ёшли), ўлимга ҳозирлан,
Бу ўтган кунларингга ўкириб йиғла.

371 Давр ва кунлар беҳудалик билан ўтиб борди,
Бу қолган кунларингда ўзинг учун узр тила.



www.ziyouz.com kutubxonasi

372 Э мунсуз идим мэнү тутчы тириг
Өлүмкә төрүттүң бу сансыз тириг

373 Тиләр-мэн сэниңдин дуъам бу сөзүн
Тириг тутғыл анча йашым қыл узун

374 Сэниңдин қулуб күч бу сөз башладым
Түгәл қылғуқа күч сэн-өк бэр идим

375 Тилим тынма өггил йаратығлыны
Йарағсызны мэндин йыратығлыны

376 Өдүрды төрүтти йарутты көңүл
Қони йол үзә тутты көңлүм амул

377 Қаранқуда эрдим йарутты түнүм
Түнәр-тэгдә эрдим туғурды күнүм

378 Азыб йүгрүр эрдим айу бэрди йол
Күйәр эрдим отқа көдәзмәсә ул

379 Өдүрди адырды көтүрди мэни
Азуқлар йолындын кэтәрди мэни

380 Көңүлүг бэзәди йаруқлуқ билә
Тилимни бэзәди тануқлуқ билә

381 Ҳабиб савчы йолы мэни йэттәчи
Ул-оқ савчы болсу әлиг туттачы

21*a* 382 Бу барча идим фазлы эрди қамуғ
Ағырлады мэн-тэг тапуғсуз қулуғ

383 Мунуң шукры эмди нэкү-тэг өтәй
Тириг болса өзүм йылын ҳам бу ай

384 Илаҳа былүр-сэн бу ъажизлықым
Сэңәр-оқ ачар-мэн мунум ҳам йығым

385 Қылумаз-мә шукруң сэңә мэн бир-ә
Мэниңдин шукр қыл сэңәр сэн сэрә


www.ziyouz.com kutubxonasi

372 Эй мунгсиз эгам, сен мангу ва доим тириксан,
Бу сонсиз тирикларни ўлим учун яратдинг.

373 Сендан бу сўзларим орқали ўзим учун дуо тилайман,
Яна бир муддат тирик тут, ёшимни узун қил.

374 Сендан қувват тилаб ушбу сўзни бошладим,
Тугатиш учун сен ўзинг мадад бер, эгам.

375 Тилим, яратувчини тинмай ҳамд этгин,
Яроқсиз(лар)ни мендан йиратувчини.

376 Танлади, яратди, кўнгил(лар)ни ёритди,
Кўнглимни омон ва тўғри йўл узра тутди.

377 Қоронғида эдим, тунимни ёритди,
Зулматга кираётгандай эдим, кунимни туғдирди [яъни рўшнолик берди].

378 Адашиб юрган эдим, йўл айтиб берди,
У асрамаса, мен ўтда куяр эдим.

379 Сайлади, танлади, мени юксалтирди,
Хатолар йўлидан мени чиқарди.

380 Кўнгил(лар)ни рўшнолик билан безади,
Тилимни шаҳодат билан безади.

381 Мени (камолга) элтувчи — севимли паёмбар йўли,
Ўша паёмбарнинг ўзигина менга (иноят) қўлини узатгувчи бўлсин

382 Буларнинг барчаси эгамнинг тугал фазли эди,
Мендайин тоат-ибодатсиз қулини азиз тутди

383 Бунинг шукрини энди қандай қилиб ўтайин,
Агар ўзим ой ва йиллар тирик бўлсам.

384 Илоҳо, менинг бундай ожизлигимни биласан,
Мунгим ва йиғиларимни сенгагина очаман.

385 Мен сенга сазо бўларли шукрингни қилишга қодир эмасман,
Сен собирлик билан ўзинг учун ўзинг мендан шукр қил.



www.ziyouz.com kutubxonasi

386 Көни йол үзә түз тута бэр мэни
Сучулма мэниңдин бу иман тоны

387 Танымдын чықарда мэниң бу жаным
Шаҳадат билә кэсгил ахир тыным

388 Өзүм қалса йаңлуз қара йэр қатын
Мэнәр ыдғыл анда өкүш раҳматын

389 Тапуғсуз қулуң-мә йазуқум өкүш
Өзүң фазлы бирлә кэчүр эй көшүш

390 Қамуғ моъминыға сэн түзү йарлықа
Йарынқы бақадын бу күн қыл лиқа

## Сөз башы Күнтуғды элиг үзә

391 Уқуш оңутур көр билиг билдүрүр
Йайығ дунйа қылқын сэңәр уқгурур

392 Бу ирсәл йайығ қылқы қуртқа ажун
/ Қылынчы қыз-ул көрсә йашы узун

393 Ара қылқы қыз-тэг қылынчы силиг
Сэвитүр сунуб тутса бэрмәз әлиг

21б 394 Сэвүглини сэвмәз кэдик-тэг қачар
Қачығлықа йапчур адақын қучар

395 Ара көрсә йүгрүр бэзәниб уду
Ара көрмәдүк-тэг қылур йэр қуду

396 Ара көрсә эврәр йана тэрк йүзин
Аваглар нэчә тутса бэрмәз өзин

397 Нэчә бэг қарытты қарымаз өзи
Тэлим бэг кэчүрди кэсилмәз сөзи

398 Бэг эрди ажунда бөгү билгә баш
Бу бэглик үзәлә ажун болды йаш



www.ziyouz.com kutubxonasi

386 Мени тўғри йўл узра тўғри тута бер,
Мендан бу имон тўнини ечиб олма.

387 Менинг жоним танимдан чиқишида,
Сўнгги нафасимни шаҳодат билан кесгин.

388 Қора ер қатида ўзим ёлғиз қолсам,
Унда менга талай раҳматларингни ёғдиргин.

389 Тоат-ибодатсиз қулингдирман, гуноҳларим кўп,
Уларни ўз фазлинг билан кечиргин, эй азиз.

390 Барча мўминлар жумласини сен ўзинг ёрлақагин,
У дунёлик боқи ҳаётдан бу кун нишона бер.

## Сўз боши Кунтуғди элиг тўғрисида

391 Заковат (киши ишини) ўнглайди, билим билдиради,
Бевафо дунё қилиқларини сенга уқтиради.

392 Бу жафокор, бевафо, қилиқлари қари кампир [яъни маккор,
ҳийлакор] дунё,
Боқиб кўрсанг, қилмишлари қиз (ёш), ёши (умри) эса узундир.

393 Гоҳо қилиқлари қизларникидек, қилмишлари чиройли,
(Кишини) ўзига мафтун қилади, қўл чўзсангчи, тутқазмайди.

394 Дунё севувчиларни севмайди, кийикдек қочади,
Ундан қочувчига ёпишиб олади, оёғини қучади.

395 Гоҳо кўрса(нг), безаниб кетма-кет югуриб юради,
Гоҳо кўрмагандек, ерга боқиб тағофил қилади.

396 Гоҳо кўрса(нг), яна юзини тескарига ўгиради,
Қанча тутмоқчи бўлма, ўзини авайлайди, тутқич бермайди.

397 Қанча-қанча бегларни қаритди, ўзи қаримайди,
Талай бегларни ўтказди, ўзининг сўзи ҳануз кесилмайди [яъни
ўзи ҳануз мавжуд].

398 Жаҳонга билағон, доно саркор бег бўлган эди,
Бу(нинг) беглиг(и) даврида олам яшариб кетди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

399 Бу Күнтуғды эрди аты бэлгүлүг
Ажунда жав̇ықмыш қуты бэлгүлүг

400 Қылынчы көни эрди қылқы оңай
Тили чын бүтүн ҳам көзи көңли бай

401 Билиглиг бэг эрди уқушлуғ уд̇уғ
Эсизкә от эрди йағықа йуд̇уғ

402 Йана күр кув̇аз эрди қылқы көни
Күнингә көтүрди бу қылқы аны

403 Сийасат қылур эрди ҳиммат билә
Бу ҳиммат йарашур сийасат билә

404 Муңар мэңзәтү кэлди шаъир сөзи
Оқыса ачылғай оқығлы көзи

405 Кэрәк эркә ҳиммат мурувват йаңы
Йав̇уз йынчығ андын йыраса өңи

406 Кишиликкә ҳиммат мурувват кэрәк
Киши қадры ҳиммат мурувват тэңи

407 Бу Күнтүғды элиг бу қылқы билә
Йаруды аж̇унқа күн ай-тэг йула

408 Уқушлуғ ким эрсә оқыды аны
Билиглиг ким эрсә бэд̇үтти аны

*22a* 409 Йумытты аңар бэг аж̇ун өд̇рүми
Уқушлуғ билиглиг буд̇ун көд̇рүми

410 Өзи этти түзди көр эл күн иши
Тақы ма тиләр эрди өд̇рүм киши

411 Өзингә басут қылса иш башласа
Өзи тынса анча ул иш ишләсә

412 Муңад̇ыб айур олдуруб күн өзи
Бэд̇үг иш бу бэглик иши ҳам сөзи

413 Баш ағрығ көп ул көрсә иши өкүш
Өкүш ишни сүргән уқушлуғ көшүш



www.ziyouz.com kutubxonasi

399 Бу (бег) Кунтуғди эди, оти таниқлик эди,
Оламда донг таратган ва бахту давлати барқарор эди.

400 Қилмишлари тўғри ва феълу рафтори рост,
Тили чин, етук ҳамда кўзи ва кўнгли бой (эди).

401 Билимли, заковатли ва ҳушёр бег эди,
Ёмонларга (мисли бир) олов, ёвга офат эди.

402 Яна баҳодир, ғурурли, қилмишлари рост эди,
Бу феъл-рафторлари уни кундан-кунга юксалтирди.

403 Сиёсатни ҳиммат билан юритар эди,
Чунки ҳиммат сиёсат билан жуда ярашиб тушади.

404 Шоирнинг сўзи бунга ўхшатиш учун мос келди,
Уни ўқиса, ўқувчининг кўзи очилади:

405 Эр киши учун (кифоятли даражада) ҳиммат, мурувват керак,
Ёвуз, ярамас (нарса)лар ундан узоқ бўлса яхши.

406 Одамгарчилик учун ҳиммат, мурувват керак,
Кишининг қадру қиммати унинг ҳиммат ва мурувватига лойиқдир.

407 Бу Кунтуғди элиг ўзининг феълу рафтор(лар)и билан
Жаҳонга кун ва ой каби жило бериб ёруғлик сочди.

408 Кимки заковатли бўлса, уни ўз атрофига чорлади,
Кимки билимли бўлса, уни юксалтирди.

409 Дунёнинг сара беглари унинг атрофига жам бўлди,
Заковатли, билимли кишиларнинг саралари (тўпланди).

410 Эл ва замона ишларини ўзи бажо келтирди ва тузди,
У яна сара кишиларни истар эди.

411 Токи (бу киши) унга кўмак қилса, иш бошласа,
Элигнинг жони тинса, у (киши) ишларни ижро этса.

412 Бир куни у ўзи ўтириб, қайғуриб (бундай) дейди:
Бу беглик ишлари ва муомалалари жуда улуғ ишдир.

413 Бунинг бош оғриқлари кўп, ишлари уюм-уюмдир,
Шу уюм-уюм ишларни бажара олган заковатли киши
қимматлидир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

414 Қылумаз өзүм бу қамуғ эл ишин
Мэңэр эр кэрэк бир билир иш башын

415 Кэрэк бир мэңэр эмди өдрүм киши
Уқушлуғ билиглиг кишилэр башы

416 Бағырсақ бүтүн чын қылынчы көни
Тили көңли түз болса билсэ муны

417 Қылу бэрсэ эрди мэниң ишлэрим
Көрү бэрсэ эрди ичим ташларым

418 Нэкү тэр эшит бу сынамыш киши
Башында кэчүрмиш йэтүрмиш йашы

419 Басутчы кэрэк эркэ йарычылар
Уқушлуғ билиглиг бөгү элчилэр

420 Басутчы кэрэк барча ишни билүр
Билиб ишлэсэ эр тилэккэ тэгүр

421 Басутчы тэлим болса бэг эмгэмэз
Иши барча этлүр төрү артамаз

422 Басутчы кэрэк барча иштэ билин
Бу бэглик ишингэ тақы көп қылын

423 Басутчы тилэб булмады көр элиг
Тэгүрди өзи барча ишкэ элиг

*22б*

424 Тэгир болды күндэ көр эмгэк өкүш
Эриж̌ болса эмгэк тэгир-ул үлүш

425 Көрү бэрсэ йахшы айур ушбу сөз
Сынаб сөзлэгүчи ыд̇уқ қутлуғ өз

426 Эриж̇ қулса эмгэк туташы барыр
Сэв̇инч қулса қад̇ғу туташы йурыр

427 Нэчэ эр бэд̇үсэ баш ағрығ бэд̇үр
Нэчэ баш бэд̇үсэ бэд̇үг бөрк кэд̇үр

428 Элиг көз қулақ тутты элдэ қамуғ
Ачылды аңар барча бэклиг қапуғ



www.ziyouz.com kutubxonasi

414 Менинг якка ўзим элнинг бу барча ишларини қила олмайман,
Менга барча ишнинг кўзини биладиган бир эр киши керак.

415 Энди менга сара бир киши лозим,
Заковатли, билимли, кишилар саркори.

416 Меҳрибон, ишончли, ҳаққоний, қилмишлари тўғри,
Тили ва кўнгли рост ва шуларни биладиган (киши) бўлса.

417 Менинг ишларимни қилаверса,
Ич ва таш (сир-асрорларим ва мақсадлар)имни кўра ва била олса эди.

418 Синаган (бу) киши нима дейди, эшитгин,
Ёши етишиб, бошидан кечирган (киши):

419 Эр кишига кўмакчи ва ёрдамчилар керак,
Заковатли, билимли, доно эл (бошлов)чилар (лозим).

420 Барча ишларни биладиган ёрдамчилар керак,
(Чунки) киши ишни билиб ишласа, тилакка етади.

421 Ёрдамчи кўп бўлса, бег машаққат чекмайди,
Барча ишлари муҳайё бўлади, қонун-сиёсат бузилмайди.

422 Барча ишда ёрдамчи керак, билгин,
Бу беглик ишига яна кўп тадбирларни амалга ошир.

423 Элиг ёрдамчи истаб топа олмади, кўргин,
Барча ишга ўзи қўл урди.

424 Ҳар куни унга кўп машаққатлар юз урди,
Фароғат бўлса, унга тенг машаққат ҳам бўлади.

425 Боқиб кўрса(нг), ушбу сўзда (бу ҳақда) жуда яхши айтибди,
Синаб сўзлагувчи муқаддас бахт эгаси:

426 Фароғат истасанг, машаққат унга туташиб боради,
Севинч истасанг, қайғу туташиб юради.

427 Киши қанча улғайса, (унинг) бош оғриғи (шунча) кўпаяди,
Бош қанча катталашса, шунчалик катта бўрк кияди.

428 Элиг бутун элда кўз, қулоқ тутди,
Унинг учун барча берк эшиклар очилди (барча маълум бўлди).



www.ziyouz.com kutubxonasi

429 Йарағсызны боғды элигдә уруб
Эсизиг йыратты элиндин сүрүб

430 Бу сақлық билә көр элин башлады
Қуты күндә артт̇ы өрү йуқлады

431 Муңар мэңзәйү кэлди шаъир тили
Бу шаъир тили болды сөзкә улы

432 Уд̇уғлуғ бу сақлықны өгди эрән
Осаллық билә өлди эр миң түмән

433 Осал болма сақлан қамуғ ишдә сэн
Осайуқ арутты экәгүдә сан

434 Киши эмини көр осаллық қылур
Йағы йэтсә өндүн осаллар өлүр

435 Нэкү тэр эшит бу аӝун тутмыш эр
Түгәл сақлаб өтрү йағығ урмыш эр

436 Элиг қулса сақлан ажунчы киши
Бу сақлық эрүр ҳам шариъат иши

437 Осал эртикәр көр осалын уд̇ыр
Осал болма сақлан э қылқы қадыр

438 Элиг сақлықы қылды элкә асығ
Бу асғы билә болды элдә татығ

23a 439 Элин этти түзди байуды буд̇ун
Бөри қой билә сув̇лады ул өд̇үн

440 Сэв̇үгли сэв̇үнчин аны өгдиләр
Йағылары эштиб бойун эгдиләр

441 Қайу сығну кэлди тиләди күшик
Қайу кэлди өпти элигкә эшик

442 Нэкү тэр эшит эмди көңли уд̇уғ
Сөзи көр чэчәк-тэг түмән тү бод̇уғ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

429 Ярамаслар(и)ни ўз қўли билан бўғиб урди,
Ёмонларни элидан суриб чиқарди.

430 Бу (янглиғ) соқлик (ҳушёрлик) билан элини бошлади, кўргин,
Давлати кундан-кунга ортди, (ўзи) юқори кўтарилди.

431 Бунга нисбат бериш учун шоир сўзи (жуда) мос келди,
Бу шоир (тили) сўзи сўзларга асос бўлди:

432 Эр кишилар ҳушёрлик ва соқликни мақтадилар,
Ғофиллик сабабли минг туманлаб кишилар ўлиб кетди.

433 Барча ишда сен ғофил бўлма, (ўзингни) сақла,
Ғофиллик (кишини) икки дунёда оздиради, деб билгин.

434 Киши(лар)нинг беғами (хотиржами) ғофиллик қилади(лар),
Ёв босса, аввало ғофиллар ўлади.

435 Жаҳонгир киши нима дейди, эшитгин,
Тугал ҳушёр бўлиб, сўнг ёвни урган киши:

436 Элни (яшнатишни) истасанг, соқ бўл, эй жаҳонгир киши,
Бу соқлик (ҳушёрлик), шариатнинг ҳам ишидир [яъни шариат
ҳам ҳушёрликни талаб қилади].

437 Ғофил ғафлатга ботиб вақти ўтади, боқ,
Эй феъли-рафтори қодир киши, ғофил бўлма, соқ бўл.

438 Элигнинг соқлиги (ҳушёрлиги) элга фойда келтирди,
Унинг бу фойдалари туфайли элда тотувлик қарор топди.

439 Элида тартиб ўрнатди, уни тузди, халқ бойиди,
У даврда бўри қўй билан бирга сув ичди.

440 Севувчилар муҳаббат билан уни мадҳ қилдилар,
Ёвлари (унинг овозасини) эшитиб бўйин эгдилар.

441 Баъзилари сиғиниб келиб (ундан) паноҳ истадилар,
Баъзилари келиб элигнинг эшигини ўпдилар (унга сиғиндилар).

442 Энди кўнгли уйғоқ [яъни ҳушёр] киши нима дейди, эшитгин,
(Бу кишининг) сўзларини кўр, у(лар) гул каби туман турли
рангдадир:



www.ziyouz.com kutubxonasi

443 Бу бэглик удуғлуқ эди эдгү нэң
Йорықы көни эрсэ э қызғу эң

444 Эди эдгү бэглик тақы эдгүрэк
Төрү-ул аны түз йүритгү кэрэк

445 Нэ қутлуғ болур өд будунқа киши
Бэги эдгү болсэ йурыса көни

446 Нэ қутлуғ қут-ул эркө эдгү аты
Бу эдгү аты бэрди мэңү қуты

447 Нэ эдгү булур бэг ул эдгү киши
Кишилик билэ этсэ эл күн иши

448 Түзү элкэ тэгди элиг эдгүси
Ажунқа йадылды бу жавы күси

449 Дуъа артты күндэ көр эдгү аты
Бэдүди күнингэ аты ҳам қуты

450 Ажун будны эштиб аны арзулаб
Ақа йығлу кэлди аңар өз улаб

### Айтолды Күнтуғды тапғынга оғрамышын айур

451 Бир Айтолды атлығ эр эрди йэтиг
Эшитти бу жавығ этинди этиг

23б 452 Йигит эрди оғлан қылынчы амул
Уқушлуғ билиглиг ҳам өглүг амул

453 Йүзи көрклүг эрди көрүб көз қамар
Сөзи йўмшақ эрди тили түз тамар

454 Қамуғ түрлүг эрдэм түгэл өгрэниб
Йурыр эрди эрдэм элигкэ алыб

455 Өзингэ бақыб айды мэн ма бу күн
Түмэн эрдэмүм бирлэ халқда бурун

456 Нэкү-тэг йурыр-мэн бу йэрдэ қуруғ
Элигкэ барайын қылайын тапуғ



www.ziyouz.com kutubxonasi

443 Беглик — бу ҳушёрлик, у жуда эзгу нарсадир,
Агар (унинг) йўл-йўриғи тўғри бўлса, эй чеҳраси очиқ.

444 Беглик — жуда эзгу, янада эзгуроғи
Сиёсатдир, уни тўғри юритиш шарт.

445 Замона халқ учун нечоғли бахтли бўлар эди, (агар) киши(лар)нинг
Беги эзгу бўлса, тўғри йўл тутса.

446 Эзгу ном — (эр) киши учун қандай муқаддас бахт,
Бу эзгу ном мангулик, саодат бахш этади.

447 Бег нечоғли эзгуликларга эришади, агар у эзгу киши [яъни бег
хизматидаги киши],
Эл — халқ ишини одамгарчилик юзасидан бажарса.

448 Элигнинг эзгулиги барча элга насиб бўлди,
Унинг шуҳрати, овозаси жаҳонга ёйилди.

449 Кундан-кунга дуо ортди, кўргин, оти эзгу бўлди,
Оти ва давлати кундан-кунга зиёда бўлди.

450 Жаҳон халқи эшитиб, уни орзу қилиб,
Унга ўзини улаб, оқиб, йиғилиб келаверди.

**Ойтўлди Кунтуғдининг хизматига киришини айтади**

451 Ойтўлди отли бир идрокли эр (киши) бор эди,
Бу овозани (элиг овозасини) эшитди, ҳозирлик кўрди.

452 Жавонмард йигит эди, фъли-рафтори мулойим,
Заковатли, билимли, ақлли, вазмин киши эди.

453 Юзи (шу даражада) кўркли эди(ки), кўриб кўз қамашарди,
Сўз(лар)и юмшоқ эди, тилидан ҳақиқат ёғарди.

454 Барча хил санъат-ҳунарни тугал ўрганиб,
Санъат-ҳунарларни қўлига олиб [яъни эгаллаб] юрар эди.

455 Ўз-ўзига (қараб) айтди: Мен-ку бу кунларда
Беҳисоб санъат-ҳунарларим билан халқдан ажралиб.

456 Нима учун юрибман бу ерда бекорга,
Элиг ҳузурига борайин, (унга) хизмат қилайин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

457 Элигкә тосулсун бу эрдәмләрим
Ачылсун мэниң кэтсү эмгәкләрим

458 Уқушлуғ билиглиг бэг эрмиш амул
Тиләр эрмиш эрдәм адабларын ул

459 Сөзин айды шаъир муңар мэңзәтү -
Тили лафзы бирлә аңар йаңзату

460 Уқуш қадрыны ҳам уқушлуғ билир
Билиг сатса билгә билиглиг алыр

461 Нэкү билгә тэлвә билиг қадрыны
Билиг қайда болса билиглиг билир

462 Билиглиг билир-ул билигниң аты
Билигсиз нэ билгә билиг қыйматы

463 Билиг қадрыны ҳам билиглиг билир
Гуҳар қадрыны ҳам гуҳар-оқ билир

464 Бу Айтолды айтты көр ат тон толум
Айур көндүрәйин тапуғқа йолум

465 Өзингә кэрәкини қылды этиг
Элигкә йүз урды бу билгә тэтиг

466 Йана айды мундын барыр-мэн туруб
Элиг тапғинга бу өзүм йүз уруб

24*a* 467 Ғарыблуқ йэриндә кэрәк болға нэң
Бу нэңим түгэнсә сарығ болға эң

468 Сэзигсиз кэрәк болға алтун күмүш
Өзүм ишлэтәйин тэсә мэн өкүш

469 Нэкү тэр эшит эмди билги тэңиз
Сөзин бэркитүр эмди қызғу мэңиз

470 Ким эрсә тапуғқа кирәйин тэсә
Экин нэң кэрәклиг сөз айдым кэсә

471 Тириглик кэрәк бир тушы игсизин
Тапунса қыйықсыз йарутса йүзин



www.ziyouz.com kutubxonasi

457 Элигга ярасин бу санъат-ҳунарларим,
(Элиг) хурсанд бўлсин, менинг ташвишларим кетсин.

458 Заковатли, билимли, юмшоқ феълли бег эмиш,
Санъат-ҳунарли ва одобли (киши)ларни орзу қилаётган эмиш.

459 Шоир сўзини бунга ўхшатиб айтди,
Тили ва лафзини унга мослаб (сўзлади):

460 Заковат қадрини ҳам заковатли (киши) билади,
Доно билим сотса, билимли олади.

461 Нечук билгай телба билим қадрини,
Билим қайда бўлса, билимли билади.

462 Билимнинг отини билимли билади,
Билимнинг қимматини билимсиз не билгай.

463 Билимнинг қадрини ҳам билимли билади,
Гавҳар қадрини ҳам гавҳар (шунос)гина билади.

464 Кўргин, бу Ойтўлди айтди: От, кийим ва жабдуқларни (ҳозирлаб),
Деди: Йўлимни (элиг) хизмат(и)га тўғрилайин.

465 Ўзига керакли (нарса)ларни ҳозирлади,
Бу доно, идрокли (киши) элиг томон жўнади.

466 Яна деди: Мен бундан туриб кетаётирман,
Элиг хизматига ўзим равона бўлиб бораётирман.

467 Ғариблик ерида (бегона жойда) нарса керак бўлади,
Бу нарсаларим тугаса, юз(им) сарғаяди.

468 Шубҳасиз олтин-кумуш керак бўлади,
Мен ўзим ишлатадиган бўлсам кўплаб (керак бўлади).

469 Билими денгиз (каби кенг) киши нима дейди, эшит,
Сўзини сир тутувчи ёруғ юзли киши:

470 Кимда-ким бўлмасин (сарой хизматига) кирайин деса,
(Бунинг учун) икки нарса лозим, сўзни кесиб айтдим:

471 Биринчидан, соғлом тириклик керак,
У (киши) оғишмай хизмат қилиб юзини ёруғ қилади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

472 Тақы бир сун алтун кэрэк эй тэтиг
Аны ишлэтиб этсэ өзкэ этиг

473 Аныңда басалар йарар бу тапуғ
Муны булса болмаз бу бэклиг қапуғ

474 Көтүрди сав̇ алтүн күмүш нэң тав̇ар
Айур өз муңадса мэңэ бу йарар

475 Эв̇индин туруб чықты кэлди бару
Бир анча йурыйу бир анча туру

476 Ахир тэгди элиг бару ордуқа
Өги көңли қулмыш тилэк арзуқа

477 Қириб кэнд ичинда тилэди түшүн
Түшүн булмады көр таруды аж̇ун

478 Муңад̇ты мүйэнликдэ түшти барыб
Қэчэ йатты анда түнэди сэриб

479 Нэкү тэр эшит эмди билгэ билиб
Сэңэ сөзлэди сөз билигдин алыб

480 Эд̇и тэрс болур көр билишмэз киши
Қалын йат ара кирсэ йаңлуз башы

481 Эд̇и сарп болур бу йаңы кэлгүчи
Билиши йоқ эрсэ муңад̇са тучы

24б 482 Билишмэз кишилэр қарағу саны
Қарағу йорық азса сөкмэ аны

483 Киши кирмэдүк элкэ кирсэ қалы
Кэлин-тэг болур эр ағын-тэг тили

484 Йатығ йарлықағыл ичүр бэр йэгү
Өмэк эд̇гү тутғыл э билгэ бөгү

485 Йатығ эд̇гү тутса йарур эр көзи
Өмэк эдгү тутса йад̇ылды сөзи

486 Кишкэ кэрэк тэгмэ йэрдэ билиш
Билиш бирлэ этлүр қамуғ түрлүг иш



www.ziyouz.com kutubxonasi

472 Яна бири, ёмбу (соф олтин) керак, эй идрокли киши,
(Токи) уни ишга солиб ўзи учун барча ҳозирликларни кўрсин.

473 Шулардан сўнггина хизмат шоиста бўлади,
Буларга эришса, (киши учун) бирор эшик ҳам берк бўлмайди.

474 (Ўзи билан бирга) ёмбу (соф олтин), кумуш, мол, товарлар олди,
Ўзим тангликка тушсам, булар менга яраб қолар, деди.

475 Уйидан туриб чиқди, бу томон (элиг томон)га келди,
Бир муддат (йўл) юрди, бир муддат тўхтаб (дам) олди.

476 Охири элиг томонга, ўрдага етди,
Ақли ва дили тақозо қилган тилак-орзусига (етди).

477 Шаҳар ичига кириб қўниш учун жой излади,
Тушарга жой топмади, кўргин, олам унга торайди.

478 Қайғурди, мусофирхонага бориб тушди,
Кечаси ўша ерда ётди, сабр қилиб тунади.

479 Энди билиб сўзлагувчи доно нима дейди, эшит,
У сенга сўзни билимдан олиб сўзлади:

480 Кўргин, таниш-билишсизлик киши учун жуда қийин бўлади,
У ёлғиз боши билан бутунлай ёт одамлар орасига
кириб қолса.

481 Жуда мушкул бўлади, агар бу янги келувчи (киши)нинг
Таниш-билиши йўқ бўлса, у доим мунгли юрса.

482 Таниш-билишсиз кишилар мисли бир нобийно кабидир,
Нобийно йўлдан адашса, уни сўкма.

483 Киши агар ҳеч бир кирмаган элга кириб қолса,
Эр (киши) келин каби (уятчанг), тили лол бўлади.

484 Ётни ёрлақагин, ичиргин ва емиш бер,
Мусофирни эзгу тутгин, эй, билағон доно.

485 Ётни эзгу тутса, эр кўзи ёришади,
Мусофирни эзгу тутса, овозаси ёйилади.

486 Кишига ҳар ерда таниш-билиш керак,
Турли хил иш таниш-билиш туфайли бажарилади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

487 Бу Айтолды анча йурыды бу йаң
Ғариблуқ сақынчы сарығ қылды эң

488 Билишти көрүшти кишиләр билә
Отағ тутты өзкә йаруды күлә

489 Йэмә тутты эш түш йақын тутты өз
Улуғқа кичигкә ачуқ тутты йүз

490 Адаш тутты Айтолды эдгү киши
Көсәмиш аты эрди эдгү иши

491 Аңар айды Айтолды көңли сөзи
На эрмиш тиләки ким эрмиш өзи

492 Йэриндин бу элкә нэ күн кэлмиши
Айу бэрди барча өзи билмиши

493 Элигкә йақын хас ҳажиб эрди бир
Аты Эрсиг элиг билә сөзкә бир

494 Көсәмиш аңар барды бир күн туруб
Сөзин сөзләди сөзкә ул йол қулуб

495 Айытты бу ҳажиб сөзин йэтрүрәк
Тиләки нэ эрмиш тақы бүтрүрәк

496 Көсәмиш айу бэрди барча сөзин
На эрмиш тиләки ким эрмиш өзин

25*a* 497 Ҳажиб айды ашну мэңә кэлсүни
Көрайин аны мэн мэни көрсүни

498 Йана уқтурайын элигкә бу сөз
Қайу күн көрүнгү қачан кэлгү өз

499 Көсәмиш туруб чықты андын йана
Кэлиб айды Айтолды туғды күн-ә

550 Йуры бир билиш эмди ҳажиб билә
Тиләкиң нэкү эрсә андын тилә

501 Сэни көрсү билсү эшитсү сөзүң
Тиләкиң нә эрсә тилин ай өзүң



www.ziyouz.com kutubxonasi

487 Бу Ойтўлди шу тарзда бир қанча муддат юрди,
Ғарибликнинг ғами юзини сарғайтирди.

488 Кишилар билан танишди, кўришди,
Ўзига ҳужра олди, кулиб чеҳраси очилди.

489 Яна ёр-дўст орттирди, ўзини уларга яқин тутди,
Улуғга ва кичикка чеҳрасини очиқ тутди.

490 Ойтўлди бир эзгу кишини ўзига дўст тутди,
(Унинг) оти Кўсамиш, ишлари эзгу эди.

491 Ойтўлди унга ўз кўнглидаги сўзларни айтди,
Тилаги нима эканию ўзининг кимлигини (сўзлади).

492 Ўз еридан бу элга қандай қилиб келганини,
Ўзи билган-кўрганларининг барчасини сўзлаб берди.

493 Элигга яқин бир Хос Ҳожиб бор эди,
Оти Эрсиг, ҳукм ва фармонда элиг билан баробар эди.

494 Кўсамиш бир кун туриб унинг ҳузурига борди,
Сўз учун ижозат сўраб, унга ўз сўзларини сўзлади.

495 Бу Ҳожиб унинг сўзларини яна тушунарлироқ қилиб,
Тилаги нима эканини янада равшанроқ қилиб (сўраб олди).

496 Кўсамиш барча мақсадларини сўзлаб берди,
Тилаги нима ва ўзи ким эканлигини (айтди).

497 Ҳожиб айтди: Олдин у (Ойтўлди) менинг ҳузуримга келсин,
Мен уни кўрайин, у мени кўрсин.

498 Яна бу сўзларни элигга тушунтирайин,
У қайси кун учрашишини ва қачон келишини аниқлайин.

499 Кўсамиш у ердан туриб қайтиб чиқди,
Келиб айтди: Ойтўлди, кун(инг) туғди.

500 Юргин, энди Ҳожиб билан бир танишгин,
Нимаики тилагинг бўлса, ундан тила.

501 Сени кўрсин, билсин, сўзларингни эшитсин,
Нимаики тилагинг бўлса, ўз тилинг билан сўзла.



www.ziyouz.com kutubxonasi

502 Аңар сөзләдим мән сөзүңни сәчә
Тақы мәндә йәгрәк сән айғыл бичә

503 Эд̇и йахшы аймыш тили көңли түз
Көрү бәрсә бүтрү көни-өк бу сөз

504 Киши сөзләр-өк көр кишиниң сөзи
Кишидә бағырсақ өз ишкә өзи

505 Нәчә кәд̇ киши болса өзкә йақын
Өзиндә бағырсақ болур-му сақын

506 Бағырсақ тиләсәң өзүңгә өзүң
Өзүңдә бағырсақ йоқ-ул кәс сөзүң

507 Тонын кәд̇ти Айтолды турды өрү
Көсәмиш билә чықты барды нару

508 Қапуғқа тәгиб түшти кирди йурыб
Көрү алды ҳажиб кишиси кәлиб

509 Көсәмиш кириб түшти йандру чықыб
Алыб кирди ҳажиб табару оқыб

510 Көрү алды ҳажиб орун бәрди төр
Исиг сөзләди сөз тилин йахшы көр

511 Айытты ҳажиб эмди көңлүң нә-тәг
Кәлиб қайда түштүң нә орнуң нә-тәг

25б 512 Билишиң нә бар-му ад̇аш йа қад̇аш
Көригли нә бар-му йәгү ичгү аш

513 Йана ма айытты тиләкиң нә-ул
Нәкү иш қылур-сән кәрәкиң нә-ул

514 Бу Айтолды айды э ҳажиб қуты
Эшиттим бу Күнтуғды элиг аты

515 Эшиттим йырақтын аның жав̇ыны
Билигин уқушун силиг сав̇ыны

516 Тапунғалы кәлдим аның тапғынга
Өзүм арзулады аның қапғынга



www.ziyouz.com kutubxonasi

502 Сенинг сўзларингни мен унга тушунтириб айтдим,
Яна мендан дурустроқ қилиб, келиштириб ўзинг сўзла.

503 Тили ва кўнгли тўғри (киши) жуда яхши айтибди,
Қараб кўрса(нг) бу сўз(лар) мутлақ тўғридир:

504 (Бошқа) кишининг сўзини ўзга такрор сўзлайди, холос,
Ҳар бир киши ўз ишига ўзгадан кўра яқинроқ бўлади.

505 Ўзингга яқин яхши кишилар қанчалик бўлмасин,
(Ўзингга) ўзингдан меҳрибонроқ бўла оладими? Ўйлаб кўр.

506 Агар ўзинг учун меҳрибон (киши) истасанг,
Ўзингдан меҳрибони йўқ, сўзингни кес.

507 Ойтўлди кийимларини кийди, ўрнидан турди,
Кўсамиш билан чиқди, у томонга борди.

508 (Элиг) эшигига етиб тушди, юриб (ичкарига) кирди,
Ҳожибнинг хизматкори келиб қарши олди.

509 Кўсамиш ичкари кириб қайтиб чиқди,
Чорлаб Ҳожиб томон олиб кирди.

510 Ҳожиб қарши олди, тўрдан ўрин берди,
Тилидан яхши сўзлар чиқарди, илиқ сўзлади, кўргин.

511 Энди Ҳожиб кўнглинг нечук, деб сўради,
Келиб қаерга тушдинг, жойинг қаерда, қандай?

512 Таниш-билишларинг кимлар, дўст ёки биродарларинг борми?
Кўрган-билганларинг қалай, ейдиган, ичадиган озуқанг борми?

513 (У) яна сўради, тилакларинг нималар?
Нима билан машғулсан, сенга нималар керак?

514 Бу Ойтўлди жавоб берди, эй, бахтиёр Ҳожиб.
Бу Кунтуғди элиг отини эшитдим.

515 Йироқдан унинг овозасини эшитдим,
Билимини, заковатини, мулойим сўзларини (эшитдим).

516 Хизмат этиш учун унинг хизматига келдим,
Ўзим унинг даргоҳини орзуладим.



www.ziyouz.com kutubxonasi

517 Тилэк бу элигкэ тапунса өзүм
ЙараҒ көрсэ ҳажиб өтүнсэ сөзүм

518 Көрүб сэв̇ди ҳажиб бу Айтолдыны
Тилиндэ йурытты қамуҒ өгдини

519 Йүзи көрки көрклүг қылынчы көни
ҚамуҒ анда көрди көнилик тоны

520 Нэкү тэр эшитгил сэв̇итмиш киши
Сэв̇итсэ киши көр мун эрдэм башы

521 Киши сэв̇сэ ъайбы көр эрдэм болур
Кими сэв̇мэсэ эрдэм өгтэм болур

522 Бу сөзкэ тануқы муну кэлди сөз
ОқыҒыл муны сэн ай-а эд̇гү өз

523 Көңүл кимни сэв̇сэ мун эрдэм болур

ҚамуҒ тэтрүси оң қуқузы толур

524 Көңүл кимни сэв̇сэ қамуҒы сэв̇үг

Көрүр көзкэ урса көрүнмэз болур

525 Йанут бэрди ҳажиб көр Айтолдықа
Айур эмди эв̇мэ мэңэ тур бақа

526 Эң ашну элигкэ айайын бу сөз
Қайу күн көрүнгү қачан кэлгү өз

26*а* 527 Сэни билсү өтрү йүзүң көрсүни
Ужуз тутмасуны аҒыр көрсүни

528 Сэңэ мэн кэрэкиң бақа турҒа-мэн
ҚамуҒ ишлэриңни сэв̇э қылҒа-мэн

529 Өкүш эд̇гу сөзлэр тилин сөзлэди
Ишиң этгэ-мэн тэб қатыҒ қур бады

530 Бу йаңлыҒ болур бу киши эд̇гүси
Киши эд̇гүси-ул буд̇ун йуд̇Ғусы



www.ziyouz.com kutubxonasi

517 Тилагим шуки, ўзим элигга хизмат қилсам,
Агар Ҳожиб (шуни) раво кўрса, сўзларимни изҳор этсам.

518 Ҳожиб бу Ойтўлдини кўриб севиб қолди,
Барча мақтовларни тўкиб солди.

519 (Ойтўлдининг) юзи кўркли, феъли-рафтори тўғри (эди),
(Ҳожиб) барча ростлик либосларини унда мужассам кўрди.

520 Ўзини севдиролган киши нима дейди, эшитгин:
Агар киши севилса, нуқсонлари фазилатнинг бошланиши, кўр

521 Киши севса, (севимлиниг) нуқсони фазилат бўлиб кўринади,
Агар ким севилмаса, одоб-ахлоқлари нуқсон кўринади.

522 Бу сўзнинг исботи учун мана бундай сўз мавжуд,
Эй эзгу киши, сен буни тушуниб олгин:

523 Кўнгил кимни севиб қолса, унинг нуқсонлари ҳам афзал кўринади,
Барча терсликлари ўнг (кўриниб), раҳналари [яъни камчиликлари] тўлади.

524 Кўнгил кимни севиб қолса, унинг бутун борлиғи севимли кўринади,
Кўриб турган кўз олдида урса, кўрмагандай бўлади [яъни унинг айблари кўринмайди].

525 Кўргин, Ҳожиб Ойтўлдига жавоб қайтарди,
Энди шошмай тур, менга қара, деди.

526 Энг олдин бу сўзларни элигга айтайин,
Қайси кун учрашишинг ва қачон келишингни (ундан сўрайин).

527 Сенинг тўғрингда билсин, сўнг ўзингни кўрсин,
Сенинг қадрингга етмай ўтирмасин, қадрли тутсин.

528 Мен сенга керагича қараб тураман,
Сен учун бўладиган барча тадбирларни муҳаббат билан кўраман.

529 Тилида кўп эзгу сўзларни юритди,
Сен учун барча чораларни кўраман, деб қаттиқ бел боғлади.

530 Кишиларнинг эзгуси мана бу янглиғ бўлади,
Кишиларнинг эзгуси бу халқнинг мушкулини осон қилувчидир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

531 Нэкү тэр эшитгил будун башлар эр
Қамуғ ишни йэтрү көрүб ишләр эр

532 Кимүң давлаты баш көтүрсә өрү
Қамуғ эдгү қылғу будунқа төрү

533 Кимүң әлги болса будунқа узун
Силиг болсу қылқы қылынчы түзүн

534 Йорық болса кимүң будунқа сыры
Сүчиг тутсу тил сөз нэ қусқы уры

535 Йайығ-ул бу давлат этәр ҳам бузар
Нэ ирсәл турур тәрк ириксә тозар

536 Бу қутқа ынанма оса эдгү қыл
Бу күн мунда эрса йарын анда бил

537 Бу қутқа күвәнмә э қут булғучы
Кэлигли турур қут йана барғучы

538 Э давлат идиси бу давлат билә
Турайын тэсә турсу эдгү билә

539 Мэңә[14] тэгсә бэглик улуғлуқ оқа
Кичиглик анук тут өзүң болғуқа

540 Йана айды ҳажыб сэн эмди йуры
Сэвинчин тирилгил бадың қут қуры

541 Сэн ар эвмә ишләр өдингә тапуғ
Өди кэлсә ачлур бу бэклиг қапуғ

26б 542 Йана йахшы аймыш билиглиг сөзи
Билиглиг сөзи көрсә барчын түзи

543 Қайу ишкә эвәр озар кэч қалур
Эва қылмыш ишләр өкүнчлүг болур

544 Өдингә көдәзгү ишиң эвмәгү
Қамуғ иш өдиндә болур эй бөгү



www.ziyouz.com kutubxonasi

531 Халқни бошловчи киши нима дейди, эшитгин,
Барча ишларни тугал кўриб бажарувчи киши:

532 Кимнинг давлати зиёда бўлса,
У халққа мутлақ эзгу сиёсат юритиши керак.

533 Кимнинг қўли халқ учун узун бўлса [яъни ким халқни идора қилса],
Унинг хулқи хуш ва феъли-рафтори тўғри бўлиши керак.

534 Кимнинг сир-асрори халққа аён бўлса,
Тил ва сўзи ширин, мулойим, хушмуомала бўлсин.

535 Бу дунё, давлат бевафо, у яшнатади ва (сўнг) бузади,
У шундай беқарорки, жам бўлгач яна тўзиб кетади.

536 Сен бу (ўткинчи) бахтга инонма, андишали бўл, яхшилик қил.
(Бахт) бугун бунда бўлса, эртага унда деб билгин.

537 Эй бахтга эришувчи (киши), бу бахтга қувонма,
Бахт келиб яна қайта кетувчи (бир нарса)дир.

538 Эй давлат соҳиби, бу давлат билан (доим)
Турайин десанг, яхшилик билан тургин.

539 Сенга беглик ва улуғлик мероси насиб бўлса,
Ўзингни кичик-камтар тутишни аниқ мақсад қилиб қўй.

540 Ҳожиб яна айтди, кел энди сен,
Шодликда яшагин, чунки бахт камарини боғладинг.

541 Сен қўнимли бўл, хизмат ишларини адо этар пайтида шошилма,
Пайти келса, барча берк эшиклар (ўзи) очилади.

542 Билимлининг бу ҳақда айтган сўзи янада яхшироқдир,
Билимлининг сўзини кўрсанг, барчаси шоҳи мато [яъни қимматли]дир.

543 Кимки ишда шошилса, илгариласа, у кеч қолади,
Шошилиб қилинган ишлар оқибати аянчли бўлади.

544 Ишни ўз вақтига мўлжаллаш лозим, шошмаслик керак,
Барча иш ўз фурсатида битади, эй доно.



www.ziyouz.com kutubxonasi

545 Эшитти бу Айтолды барча сөзүг
Айур сэрнәйин мэн тутайин өзүг

546 Мэни көрди ҳажиб сөзүм тыңлады
Йарағы көрү турсу вақты өд̇и

547 Қайу өд̇тә ҳажиб тиләсә мэни
Ул өд̇тә кэләй тэди бу сөз көни

548 Туруб чықты Айтолды андын йана
Эв̇ингә кэлиб барды қопты түн-ә

549 Ҳажиб көрди Айтолды қылқы йаңы
Эрәндә ад̇ынсығ кишидә өңи

550 Айур көрмишим йоқ бу йаңлығ киши
Билиглиг уқушлуғ буд̇ундә башы

551 Бу мундағ кишиләр элигкә кэрәк
Элигкә кэрәк нәң көр элкә кэрәк

552 Бу мундағ кишиләр болур эд̇и қыз
Бу қыз қызлықы қылды қыз аты қыз

553 Қайу нәң қыз эрсә ошул нәң көшүш
Көшүш нәң тиләб булмаз эмгәр өкүш

554 Қамуғқа тосулур бу эрдәмлүг эр
Бу эрдәм билә эр тиләк арзу йэр

555 Өд̇и болды ҳажиб элигкә сөзи
Ача айды Айтолды қылқы түзи

556 Айу бэрди қылқын қылынчы сөзин
Сайу бэрди билги уқушы йаңын

*27а* 557 Эшитти элиг айды кэлдүр қаны
Қайуда турур бир көрәйин аны

558 Тиләр эрдим эмди бу йаңлығ киши
Уд̇у барса қылса бу бэглик башы



www.ziyouz.com kutubxonasi

545 Ойтўлди барча сўзларни эшитди,
Деди: мен сабр этайин ва ўзимни тутайин.

546 Ҳожиб мени кўрди, сўзларимни тинглади,
Қулай келадиган фурсат ва вақтини ўзи ҳал қилсин.

547 Ҳожиб мени қайси вақтда истасалар,
Ўша вақтда келайин, деди, ушбу сўз тўғри.

548 Ойтўлди у ердан туриб қайтиб чиқди,
Уйига қараб кетди, кеч кирди.

549 Ҳожиб Ойтўлдининг хулқини ва рафторини кўрди,
У одамлардан бошқачароқ, кишилардан ўзгачароқ эди.

550 (Ҳожиб) деди: Бу сифат кишини кўрган эмасман,
Билимли, заковатли, одамлар ичида сара кишини.

551 Бундай кишилар элиг учун жуда кераклидир,
Кўргин, элигга керак нарса — бу элга керак нарса.

552 Бу сифат кишилар жуда қиз (ноёб) бўлади,
Бу ноёб нарса ноёблигини қилади, чунки қиз (ноёб) бўлганлиги
учун оти қиз (ноёб)дир.

553 Қайси нарса қиз (ноёб) бўлса, ўша нарса азиздир,
Азиз нарсани излаб топиш қийин, киши (уни излаб) кўп
машаққат чекади.

554 Бу санъат-ҳунарли киши (Ойтўлди) барча ишга ярайди,
Бундай санъат-ҳунарлар билан киши орзусига етади.

555 Пайти келгач Ҳожиб ўз сўзларини элигга
Очиб айтди, Ойтўлдининг (барча) гўзал хулқини сўзлади.

556 Унинг хулқини, феъли-рафторларини, (ақлли) сўзларини айтиб
берди.
Билими, заковати, сифатларини санаб берди.

557 Элиг эшитди, айтди: Келтир, қани,
Қаерда туради у, мен уни бир кўрайин.

558 Мен шундай кишиларни излар эдим,
Токи у менга эргашса ва бу беглик ишига бош бўлса.



www.ziyouz.com kutubxonasi

559 Тиләк барча булдум бу-ул тэр сөзүм
Бу йаңлығ кишикә муңадур өзүм

560 Йуры түз оқығыл аны сэн мэңа
Тапуғқа көрүндүр эй эрсиг тоңа

561 Туруб чықты ҳажиб қапуғқа кэлиб
Бир оғлан йүгүртти тилин сөз ыдыб

562 Бу оғлан йүгүрди тэгүрди сөзи
Тонын кэдти турды сэвинчин өзи

563 Атын мүнди кэлди қапуғқа түшүб
Йурыб өтрү ҳажиб өтүнди оқыб

564 Ағырлады ҳажиб орун бэрди төр
Адаб бирлә Айтолды о́лтурды көр

565 Элиг айды үндә мэнә кирсүни
Көрәйин аны мэн мэни көрсүни

566 Ҳажиб чықты айды Айтолды тур
Элигкә көрүнгил қутуң бады қур

**Айтолды элигкә көрүнмиши**

567 Бу Айтолды кирди көрүнди сөкүб
Ачилды элиг көңли ул көз йаруб

568 Йүкүнди элигкә көр ачты сөзи
Сүчитти сөзи ҳам сэвитти өзи

569 Элиг айды ким-сэн нэкү-ул атың
Қайудын кэлир-сэн нэкү-ул йатың

*27б* 570 Амуллуқ билә ачты Айтолды тил
Силиглик билә өз сөзин айды бил

571 Амуллуқ силиглик уқуш қылқы-ул
Уқушсуз кишиләр қамуғ йылқы-ул

572 Муңар мэңзәтү айды шаъир бу байт
Ишиң бүтсә эвмә сабр бирлә эт



www.ziyouz.com kutubxonasi

559 Бошқа барча тилагимни топганман, айтадиган сўзим шуки,
Ўзим шу сифатли киши учун муштоқман.

560 Тўғри бор ва уни (сен) менинг ҳузуримга чақир,
Менинг хизматимга ҳозир қил, эй мард баҳодир.

561 Ҳожиб туриб чиқди ва дарвозага келиб,
Сўз тайинлаб бир ўғлонни югуртирди.

562 Бу ўғлон югуриб борди ва унинг сўзларини етказди,
(Ойтўлди) кийимларини кийди ва севинч билан кўтарилди.

563 Отини минди, саройга юз уриб келди,
Юриб кирди, сўнг Ҳожиб уни чорлаб қарши олди.

564 Ҳожиб уни жуда иззат қилди, тўрдан жой берди,
Кўргин, Ойтўлди (ҳам), одоб билан ўлтирди.

565 Элиг айтди; Чорла, менинг ҳузуримга кирсин,
Мен уни кўрайин, у мени кўрсин.

566 Ҳожиб чиқди, деди: Ойтўлди, тур,
Элигга бир кўрингин, бахт камаринг боғланди.

## Ойтўлдининг элигга кўриниши

567 Ойтўлди кирди, чўкиб таъзим билан кўринди,
Элигнинг кўзи равшанлашиб, кўнгли ёзилди.

568 (Ойтўлди) элигга таъзим қилди, кўргин, сўз бошлади,
Ширин сўзлади ва ўзини элигга севдирди.

569 Элиг сўради: Ким сен, отинг нима?
Қаердан келаётирсан, ғариблигинг нима туфайли?

570 Ойтўлди осойишталик билан сўз бошлади,
Билгин, ўз сўзларини фасоҳат билан баён қилди.

571 Сокинлик ва ширин сўзлилик — заковатли кишининг сифати,
Заковатсиз кишилар тугал йилқидир.

572 Бунга ўхшатиб шоир ушбу байтни айтибди:
Ишинг бўлса шошилма, сабр билан қил.



www.ziyouz.com kutubxonasi

573 Эв̇ә кирмә ишкә сабр қыл сэрин
Эв̇ә қылмыш ишләр өкүнчи йарын

574 Қамуғ иштә эв̇мә сэрин өз тутун
Сэринсә булур қул бу бэглик қурын

575 Бу Айтолды айды эй элиг қуты
Тапуғ бирлә хуш болды қуллуқ аты

576 Атым қул тапуғчы көр орнум қапуғ
Қылынчым кишилик бу қылқым тапуғ

577 Сэңә кэлдим оғраб узун йол йуруб
Тиләккә бу күн тэгдим арзум қаныб

578 Тиләким бу-ул сэн мэни бармадын
Тапуғқа йақын тут мэңә ирмәдин

579 Эшитти бу сөз көр сэв̇инди элиг
Тиләк-тэг булулды сынады эриг

580 Элиг айды Айтолды көрдүм сэни
Сэв̇итти бу көркүң бу қылқың мэни

581 Тапын өз уғурлуғ бағырсақлықын
Қапуғда ашунғыл мэңә бол йақын

582 Мэниндин ачығ болсу сэндин тапуғ
Тапуғ болса өтрү ачар қут қапуғ

583 Бу кундә нару сэн қыйылма тапын
Тапунса өтәр бэг тапуғчы ҳақын

584 Йэр өпти көр Айтолды айды элиг
Йарутса көзин бэрди давлат әлиг

28*а* 585 Тапунмақ үчүн кэлдим эв̇дин туруб
Узун йол йурыдым сэңә йүз уруб

586 Байат бэрсү күч бу тапуғ қылғуқа
Көд̇әзсү сэңәр өз тапуғ барғуқа

587 Туруб чықты сэв̇нү қапуғқа күлә
Өги көңли ачлыб йаруды йула



www.ziyouz.com kutubxonasi

573 Ишга шошилиб киришма, сабр қил, эҳтиёт бўл,
Шошилиб қилинган ишнинг охири вой ва аттангли бўлади.

574 Барча ишда ҳам шошилма, эҳтиёт бўл, ўзингни тута бил,
Эҳтиёт бўлса қул беглик мартабасини топади.

575 Ойтўлди айтди: Эй бахтли элиг,
Қуллик оти бу хизмат билан ярашиқ бўлади.

576 Менинг отим қул, ўзим хизматкор, ўрним эса эшик (олди),
Феълу рафторим — одамгарчилик, қиладиган ишим — хизмат.

577 Узоқ йўл юриб сенинг даргоҳингга аҳд қилиб келдим,
Орзу-умидларим қониб, энди (бугун) тилакка етдим.

578 Тилагим шуки, сен мени қайтармасдан,
Мендан кўнглинг иримасдан, ўз хизматингга яқин тут.

579 Кўргин, бу сўзларни эшитгач, элиг севинди,
Тилагидагича саналган кишини топди.

580 Элиг айтди: Ойтўлди, мен сени кўрдим,
Чиройинг ва хулқинг мени мафтун этди.

581 Ўзинг ўз вақтида ва сидқи диллик билан хизмат қил,
Менинг эшигимда илғор бўл, менга яқин бўл.

582 Мендан мукофот, сендан хизмат бўлсин,
Хизмат жоиз бўлса, сўнг бахт эшиги очилади.

583 Бу кундан буён сен оғишма, хизмат қил,
Хизмат сингдирса, бег хизматчисининг ҳақини бажо қилади.

584 Кўргин, Ойтўлди ер ўпди ва айтди: Элиг
Кўзи билан нур сочса [яъни қиё боқса] давлат қўл беради.

585 Уйдан чиқиб сенга хизмат қилиш учун келдим,
Сенга юз уриб узун йўл юриб келдим.

586 Хизмат қилиш учун худо қувват берсин,
Сенга хизмат қилмоқ учун бу жонларни асрасин.

587 Ўрнидан туриб севиниб, кулиб эшикка чиқди,
Хотири шод бўлиб, кўнгли очилиб, машъалдек ёриди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

588 Нэкү тэр эшит бу қутун қуммыш эр
Қуты бирлә арзу тиләк булмыш эр

589 Қүлә бақса бэгләр кишикә көзин
Өги көңли тирлүр күвәнүр өзин

590 Йазуқ тутса бэгләр кишикә йүзи
Йарур эр көзи ҳам йарайур сөзи

591 Қими тутса бэгләр өзингә йақын
Қамуғ нәң йақынлық қылур көр бақын

592 Қут-ул бэг йақын болса қутқа киши
Тиләкин булур барча этлүр иши

593 Тапунды бу Айтолды анда нару
Қапуғда қыйылмады эртә туру

594 Күнүн турды турға түнүн йатғақын
Тапунды қыйықсыз бағирсақлықын

595 Элигкә кирә ҳам чықа төрчиди
Элиг эдгү көзүн бақа төрчиди

596 Тапуғ арттуру барды күндә йаңы
Ағырләди элиг күнингә өңи

597 Тапуғ бирлә бэгләр ағырлар қулуғ
Тапуғ синсә болды кичиг өз улуғ

598 Тапуғ қыл тапуғ бирлә қул бэг болур
Тапуғ сиңмәгинчә тиләк ким булур

599 Эшит эмди билгә сөзи на тэйүр
Сөзин йаңзатур сөзкә йинчкә айур

28б 600 Тэгимсиз тапуғ бирлә төркә тэгир
Йарағсыз йаранса көр илкә тэгир

601 Тапынғу қыйықсыз тапуғ қылғучы
Тапуғ синсә өтру тиләккә тэгир



www.ziyouz.com kutubxonasi

588 Бахти гуркираган шодон киши нима дейди, эшитгин,
Бахти туфайли орзу-тилакларига етишган (киши):

589 Беглар кишига (кўзи билан) кулиб боқса,
(Унинг) хотири ва кўнгли яшнайди, ўзи қувонади.

590 Беглар кишига рўйхуш бериб боқса,
У кишининг кўзи равшан, амри вожиб бўлади.

591 Беглар кимни ўзига яқин тутса,
Кўргин ва қарагин, барча нарса унга раво бўлади.

592 Бег—бу қут, агар киши бу қутга яқин бўлса,
Барча тилакларини топади, ишлари бажо келади.

593 Ойтўлди шу даврдан бошлаб хизмат қила бошлади,
Эрта туриб, элиг эшигида ҳозир бўлишини канда қилмади.

594 Кундузлари посбонликда, кечалари соқчиликда турди
Ҳеч оғишмай сидқи диллик билан хизмат ўтади.

595 Элиг ҳузурига кириб ва чиқиб кўриниб иш қилиб юрди,
Элиг ҳам унга яхши кўз билан қараб кузатди.

596 Кундан-кунга янги хил хизматлар бажаришни орттира борди,
Элиг ҳам уни кун сайин ортиқроқ қадрлай берди.

597 Беглар хизматкор қулини хизматлари туфайли қадрлайди,
Хизмати манзур бўлса, кичик кишилар улуғликка эришади.

598 Хизмат қил, (чунки) хизмат туфайли қул бегликка етади,
Хизмати сингмагунча, ким тилагини топади.

599 Энди доно сўзини эшит, нима дейди,
У сўзини (юқоридаги) сўз(лар)га мослаб, жуда нозик
қилиб айтади:

600 (Ҳеч нарсага) эришмаган киши хизмат туфайли тўрга (юқори
ўринга) эришади,
(Ҳеч нарсага) ярамайдиган киши, бирор нарсага яраб қолса,
(пойгада) ўзига муносиб ўринга чиқади,

601 Хизмат қилувчи киши оғишмай хизмат қилиши керак,
Хизматлари сингтач, киши сўнг тилакка етади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

602 Бу Айтолды күндә йэтүрди тапуғ
Элиг ма ачығ бирлә ачты қапуғ

603 Күнингә өрү барды инчрәк болу
Қуқуз болды қад̇ғу сэв̇инчи толу

604 Тапуғқа сүчинди бу Айтолды кәд̇
Элиг ма ачынды бары артты әд̇

605 Қамуғ түрлүг ишкә сынады элиг
Тиләк-тэг түгәл булды тапнур эриг

**Айтолды өзи давлат эрдүкин айур**

606 Элиг бир күн олдруб өзи йалңузун
Оқыб кирди Айтолды сэв̇нүр узун

607 Кириб турды Айтолды отру өрү
Элиг имләди кэлгил олдур бэрү

608 Чықарды тобық қод̇ты Айтолды көр
Аны йастаныб отру олдурды көр

609 Айытты элиг тэгмә түрлүг билиг
Йанут бэрди Айтолды ачты тилиг

610 Сэв̇инди элиг көр йарутты йүзин
Аны көрди Айтолды йумды көзин

611 Сөзин кэсти элиг ҳэч үндәмәди
Көзин йумди Айтолды ҳэч ачмады

612 Йана айту кирди элиг өз сөзин
Йанут бэрди Айтолды түгди йүзин

29a 613 Бақа көрди элиг қамуғ түрлүгүн
Түгәл билди билги уқушун өгүн

614 Сэв̇ә бақты элиг ав̇ытты өзин
Бу Айтолды тэркин эвүрди йүзин

615 Элиг бушты артуқ карартты мэңиз
Айур эй эв̇әклик кишикә эсиз



www.ziyouz.com kutubxonasi

602 Бу Ойтўлди хизмати кунда бажо келтириб юрди,
Элиг ҳам марҳамат билан эшигини очиқ тутди.

603 У саранжом бўлиб кундан-кунга улғая борди,
Қайғулар шодликка эваз бўлди, севинчи ортди.

604 Ойтўлди хизматга жуда киришиб, кўникиб борди,
Элиг ҳам марҳаматда орта борди, мол-дунё зиёда бўлди.

605 Элиг (Ойтўлдини) турли ишда синади,
Хизмат(ини) қилувчи кишини тилагидагидек топди.

## Ойтўлди ўзи давлат эканлигини айтади

606 Элиг бир куни ўзи ёлғизликда ўлтириб,
Ойтўлдини чақиртириб кирди, у ҳамиша севинарди.

607 Ойтўлди кириб қаршисида тик турди,
Элиг имлади, келгин, ўтиргин, деди.

608 Ойтўлди (ёнидан) тўп чиқарди, (остига) қўйди, кўргин,
Уни босиб рўпарага ўлтирди, кўргин.

609 Элиг турли-туман билимлар соҳасидан савол қилди,
Ойтўлди сўзга тил очди, жавоб берди.

610 Элиг севинди, кўргин, унинг чеҳраси очилди,
Уни кўрган Ойтўлди кўзларини юмиб олди.

611 Элиг сўздан тўхтади, ҳеч индамади,
Ойтўлди ҳам кўзини юмди, ҳеч очмади.

612 Элиг ўз сўзини давом қилдириб яна сўрай бошлади,
Ойтўлди жавоб берди, у юзини тумуриб олди.

613 Элиг турлича йўл билан кузатиб кўрди,
Билими, заковати, зеҳнини тугал билиб олди.

614 Элиг илтифот билан боқди, ўзини мамнун қилди,
Ойтўлди тезликда юзини ўгирди.

615 Элиг жуда қаҳрга келди, юзидан ғазаб ёғди,
Деди: Эй, шошқалоқлик киши учун ярамасдир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

616 Йаңылды бүтүшдә мэниң бу өзүм
Нэкү-тэг ачайын кишикә сөзүм

617 Нэкү тэр эшитгил билиглиг тилин
Эвә қылмыш ишләр экүнчи йылын

618 Эвә қылмыш ишләр нэчә йиг болур
Эвә бышмыш ашны йэсә иг болур

619 Эвәклик турур барча йаңлуқ иши
Амуллуқ турур барча эдгү иши

620 Эвәклик бу эрди сэни билмәдин
Йақын туттум өзкә тапунтурмадын

621 Қайу эрсә бэгләр тапуғчы қулын
Тапундурғу өтрү ачынса йолын

622 Бышырғу тапуғда сынағу көрү
Ағырласа өтрү көтүргү өрү

623 Бу Айтолды айды эй элиг қуты
Нэкүкә түшәр[15] эрки толды оты

624 Йазуқум нэ эрки билүмәз өзүм
Айу бэрсү эврә эшитсү сөзүм

625 Бар эрсә йазуқум қына эрк сэңә
Йоқ эрсә йүзүңни қарартма мэңә

626 Нэкү тэр эшитгил уқуш мэңзәтү
Қыйас маъни бирлә аңар йаңзату

627 Тапуғчы йаңылса оқығу кэрәк
Нэкүкә йаңылмышны сорғу кэрәк

29б 628 Йазуқы бар эрсә қынағу тутуб •
Йоқ эрсә миң эдгүн авытғу кэрәк

629 Йана-оқ бушуб айды элиг сөзи
Айур эй билигсиз киши мундузы



www.ziyouz.com kutubxonasi

616 Ишонч ҳосил қилишда мен ўзим янглишдим,
Ўзимнинг бу сўзимни (хатомни) кишиларга қандай қилиб
айтайин.

617 Билимли сўзини эшитгин, у нима дейди:
Шошилиб қилинган ишларнинг ўкинчи йилларга чўзилади.

618 Шошилиб қилинган ишлар нечоғлик ярамас бўлади,
Шошиб пиширилган ошни истеъмол қилса, (киши) хаста бўлади.

619 Шошқалоқлик — барча адашган кишилар иши,
Эҳтиёткорлик—барча эзгу кишилар иши.

620 Менинг шошқалоқлигим шу бўлдики, сени яхши билмасдан,
Аввал хизмат қилдириб кўрмасдан, ўзимга яқин тутдим.

621 Қайсики бег бўлмасин ўз хизматкор қулини
Хизмат қилдириб кўриши керак, сўнг унга йўл берса
бўлади.

622 Хизматда уни пишиқ билиб олиши, синаб кўриши керак,
Унинг қадрини билса, сўнг улуғласа бўлади.

623 Ойтўлди айтди: Эй бахтиёр элиг,
Нима учун ғазабланасан, қаҳрга тўласан.

624 Гуноҳим нима экан, ўзим билолмайман,
Айтиб берсанг, сўнг сўзларимни тингласанг.

625 Гуноҳим бор бўлса, қийна, эрк сенда,
Агар йўқ бўлса, менга юзингни буриштирма (ғазаб қилма).

626 Заковат бунга мослаб нима дейди, эшитгин,
Мажозий мазмун билан унга ўхшатиб (нима дейди):

627 Хизматкор янглишса, уни чорлаш керак,
Нима сабабдан янглишганини сўраб билиш лозим.

628 Гуноҳи бор бўлса, тутиб жазолаш керак,
Агар йўқ бўлса, минг хил эзгуликлар билан хурсанд қилиш керак.

629 Элиг яна ҳам ғазабга келиб сўз бошлади,
Деди: Эй нодон, кишиларнинг ақлдан озгани.



www.ziyouz.com kutubxonasi

680 Өзүңгә бақа көр ким эрдиң мәңә
Қайудын кәлир бу фузуллуқ сәңә

631 Тапуғлуғ тәсә-мән өзүң тапғы йоқ

Тосуғлуғ тәсә-мән йана асғы йоқ

632 Тапуғсуз ағырлаб ачындым сәни
Орун бәрдим эрсә басындың мәни

633 Тобық йастадың эмди олдурғуқа
На олдурғ йәри бу айу бәр мәңә

634 Сәңә сөзләдим мән сөзүн тыңладым
Көзүң йумдуң эрсә өзүм таңладым

635 Кәчүрдүм йана сөзләдим сөз сәңә
Нәлүг йүз эвүрдүң айу бәр мәңә

636 Эшитмәз-му эрдиң бөгүдин бу сөз
Йақын болса бәгкә көдәзгү кәд өз

637 Айу бәрмәди-му атаң йа анаң
Эй оғлум бәгиңгә өзүң қылма тэң

638 Йәтүрмәди-му көр сәңә хайл башың
Басынма бәгиңни көдәзгил башың

639 Бу бәгләр от-ул отқа барма йағуқ
Қалы бардың эрсә күйүрмәк ануқ

640 Осал болма бәгләр күйәр от турур
Күйәр отқа йақса аңар йут турур

641 Бақа көрсә бәгләр күйәр от саны
Басынса үзәр баш сорар өз қаны

642 Бақа турса артуқ аны қорқытур
Қалы қорқмаса сән күчүн қорқытур

### Айтолды элигкә давлат сифатыны көргитүр

643 Күлә айды Айтолды уқты өзүм
Айыттын муны сән эшитгил сөзүм



www.ziyouz.com kutubxonasi

630 Сен ўзингга бир қара, менга ким бўласан,
Бу фазилатларни сен қаердан олаётирсан?

631 Менга хизматлари бор дейдиган бўлсам, ҳали хизматинг сингмаган,
Менга фойданг теккан дейдиган бўлсам, ҳали нафинг тегмаган.

632 Ҳали сендан хизмат кўрмасдан илтифот қилдим,
Сенга (илтифот билан) жой берсам, мени оёқ ости қилдинг.

633 Сен тўп қўйиб дарҳол ўлтиришга ҳозирландинг,
Бу сен учун ўлтирадиган жойми, менга (шуни) айтиб бер?

634 Мен сенга сўзладим ва сенинг сўзларингни тингладим,
Сен кўзингни юмгач, ўзим ҳайратда қолдим.

635 Сени кечирдим ва яна сенга сўзладим,
Нима учун сен юз ўгирдинг? Менга айтиб бер.

636 Донодан ушбу сўзларни эшитмаган эдингмики,
Агар бегга яқин бўлсанг, ўзингга жуда эҳтиёт бўл, (деган).

637 Отанг ёки онанг сенга айтмаган эдимики,
Эй ўғлим, ўзингни бегингга тенг қилма, (деб).

638 Ҳайл бошинг (тоифа улуғи) сенга тушунтирмаган эдими,
Бегингни оёқ ости қилма, ўзингни эҳтиёт қил, деб.

639 Бу беглар мисли бир оловдир, сен бу оловга яқин борма,
Агар борсанг, унинг куйдириши аниқ.

640 Ғофил бўлма, беглар бамисоли ёниб турган бир ўтдир,
Ким куяр ўтга яқинлашса, унга бало ёпишади.

641 Боқиб кўрсанг беглар ёниб турган ўт кабидир,
Агар уни боссанг, бошни узади, киши қонини сўради.

642 Қараб турса беглар (кишини) жуда қўрқитади,
Агар қўрқмаса, улар куч билан даҳшат қилади.

### Ойтўлди элигга давлат сифатини кўрсатади

643 Ойтўлди кулиб айтди: Мен бу сўзларни тушундим,
Сен мендан буларни сўрадинг, энди сўзларимни эшит.



www.ziyouz.com kutubxonasi

644 Уқуб қойтум эмди бу ишләрни мэн
Кэрәк эрди сэн ма муны уқса сэн

645 Муну мэн ма эмди сэңә кэлдүгүм
Мениң қылқым эрди бу көргүттүгүм

646 Орун бэрдиң ашну мэн олдурмадым
Орун йоқ мэңә сэн муны уқ тэдим

647 Тобық йэрдә урдум бу сөз бэркитү
Өзүм йаңзағыны сэңә көргитү

648 Нэ-тэг ким орунсуз тобық йув̇лынур
Аның-тэг ма давлат өзүм тэзгинүр

649 Сэв̇ә бақтың эрсә көзүм йүмдүгүм
Сэңә көргитүр-мэн нэкү эрдүгүм

650 Бу кун мэн ма давлат қарағу саны
Мэңә ким илинсә тутар-мэн аны

651 Йана сөзләдиң сэн йэмә сөзләдим
Сэв̇ә бақтың эрсә йүзүм кэзләдим

652 Өзүм көргитүр өз қылынчын сэңә
Айур қылқым ирсәл ынанма мэңә

653 Нэкү тэр эшит эмди түркчә масал
Башында кэчүрмиш бу көкчин сақал

654 Күв̇әнмә қыв̇ы қутқа қутлуғ киши
Осанма өзүң қутқа атлығ киши

655 Ақар сув̇ йорық тил бу қут турмады
Аж̇ун тэзгинүрләр йурыб тынмады

30б 656 Ынанчсыз турур қут вафасыз йайығ
Йурырда учар тәрк адақы тайығ

657 Элиг айды уқтум ачылды сөзиң
Йазуқ ъузры қулдуң қутулды өзиң



www.ziyouz.com kutubxonasi

644 Мен бу ишларни энди тушуниб олдим,
Сен ҳам энди мана буларни тушуниб олишинг керак бўлади.

645 Мана, энди менинг сенинг ҳузурингга келишим(нинг сабаби),
Менинг сенга намойиш қилганларим менинг одатим эди.

646 Сен ўрин бердинг, аввалига мен ўлтирмадим,
Чунки менга ўрин йўқ, сен буни тушуниб ол, демоқчи бўлдим.

647 Ерга тўп (копток) қўйишимда шу мазмуннинг сири бор эдики,
Ўзимнинг нимага ўхшашлигимни сенга кўрсатмоқчи эдим.

648 Тўп (копток) (бир барқарор) ўринсиз думалаб юргани каби,
Мен [яъни давлат] ҳам унинг каби (ўринсиз) кезаман.

649 Илтифот билан боққанингда кўзимни юмганим (сабаби),
Сенга ўзимнинг қандайлигимни кўрсатмоқчи эдим.

650 Бу кунларда мен [яъни давлат] ҳам бир кўр киши кабиман,
Ким менга илашиб қолса, унга қаттиқ ёпишиб оламан.

651 Сен яна сўзладинг, мен ҳам сўзладим,
Сен илтифот билан боққач, мен юзимни яширдим.

652 (Бу билан) мен сенга ўз қилиқларимни кўрсатдим,
Менинг барча қилмишларим жафо, менга ишонма, дедим.

653 Энди (бу) туркча масални эшитгин, (унда) нима дейди,
Ўз бошидан кечирган оқсоқол (ёши улуғ киши):

654 (Эй) бахтли киши, бахт ва давлатга қувонма,
(Эй) номдор киши, бахт, давлат билан бўлиб ўзинг ғафлатда қолма.

655 Оқар сув, равон тил, бахт-давлат бу ерда турмайди,
Жаҳон кезувчилар юриб тинмайди.

656 Бахт-давлат ишончсиз, бевафо, қўнимсиздир,
Юриб кетаётиб тўсатдан учади, унинг оёғи тайғанчиқдир.

657 Элиг айтди: Тушундим, сўзларинг равшанлашди,
Гуноҳларингга узр сўрадинг, ўзинг халос бўлдинг.



www.ziyouz.com kutubxonasi

658 Мэңә айғыл эмди на-ул эрдәмиң
Бэдүг сөзләди сөз бу өгдәм тилиң

659 Бу Айтолды айды көр эрдәм өкүш
Мэниңдин тэгир тэгсә эркә үлүш

660 Қылынчым оңай көрсә йашым кичиг
Қамуғ бэг бэдүгкә мэниңдин кэчиг

661 Йүзүм көрки көрклүг йа қылқым силиг
Тиләмиш тиләккә йэтүрдүм элиг

662 Өзүм қайда болса түгәл арзулар
Мэниң бирлә йүгрүр мэңә өз улар

663 Эрәж мендә эмгәк мэниңдин тозар

Сэвинч мэндә сақынч мэңә йол азар

664 Мэңә үзнәсә ким үзәлиб өлүр
Мэңә ким бойун эгсә арзу булур

665 Урайын тэгүчи өзи урсықар
Басайын тэгүчи өзи бассықар

666 Муңар мэңзәтү кэлди эмди бу сөз
Муны эштиб уқсу билиглиг кэд өз

667 Бу қут қайда болса бойун бэр йараш
Қалы орнасаң қутқа қадғун күрәш

668 Бу қут кэлсә йаңлуқ қутадур күни
Түмән арзу бирлә толулаб йараш

669 Элиг айды уқтум бу эрдәмләриң
Мунуң бар-му айғыл биләйин сэниң

670 Бу Айтолды айды мэңә йас қилур
Мунум йоқ валэкан кишиләр айур

31a 671 Мунум бу мэни йалңуқ ирсәл тэйү
Айығлаб йурырлар кишикә айу

672 Мун эрмәс мэңә көр бу ирсәлликим
Йаңы нәң толулар-мә өзкә бэгим



www.ziyouz.com kutubxonasi

658 Менга энди айтиб бер, санъат-ҳунарларинг қай даражада,
Сенинг ўктам тилинг жуда қимматли сўзларни сўзлади.

659 Ойтўлди айтди, кўргин, менда ҳунар кўп,
Агар кишиларга наф (дан баҳра) тегса, мендан тегади.

660 Қилмишларим (барчаси) рост, кўрсанг ёшим (ҳам) кичикдир,
Барча бег ва улуғларга мендан узр.

661 Юзимнинг сурати чиройли, қилмишларим гўзал,
Барча тилаган тилакларимга қўлим етди.

662 Менинг ўзим қаерда бўлсам, тилак ва орзулар
Мен билан бирга (югуриб) юради, менга ўзини пайванд қилади.

663 Фароғат (ҳамиша) мен билан бирга, машаққат, ғам мендан тўзиб қочади,
Севинч (доим) мен билан бирга, қайғу-ҳасрат мендан бегона.

664 Ким менга қаршилик қилса, қийналиб ўлади,
Ким менга бўйин эгса, орзусига етади.

665 Мени урайин деганнинг ўзи урилади,
Мени янчайин деганнинг ўзи янчилади.

666 Энди мана бу сўз бунга ўхшатиш учун жуда мос келди,
Билимли, яхши кишилар буни эшитиб, уқиб олсин:

667 Бахт-давлат қаерда бўлса, унга бўйин бер, яраш,
Агар бахтга эришсанг, қайғу билан кураш.

668 Бахт келса, киши албатта бахтиёр бўлади,
Туман (хил) орзуларга тўлиб, бахт билан яраш.

669 Элиг айтди: Сенинг санъат-ҳунарларингни тушундим,
Сенинг нуқсон-камчиликларинг борми? Айтиб бер, билайин.

670 Ойтўлди айтди: Менда зиён етказувчи
Нуқсонларим йўқ, лекин кишилар бор, деб айтадилар.

671 Менинг нуқсоним шуки, кишилар мени бевафо-беқарор, деб,
Одамларга айтиб ёмонлаб юрадилар.

672 Бу беқарорлигим мен учун нуқсон эмас, кўргин,
(Эй) бегим, мен ўзим учун янги нарса (сифат) йиғмоқдаман.



www.ziyouz.com kutubxonasi

673 Қамуғ эски нэңлэр эринчиг болур
Эринчиг болур ҳам йэринчиг болур

674 Йаңы нэң булурда бу эски нэрэк
Талу нэң булурда йавуз нэ кэрэк

675 Йаңыда болур көрсэ барча татығ
Татығны тилэб эр көр эмгэр қатығ

676 Йайығ тэб сөкэрлэр бу қылқым үчүн
Мэңэ мун уруглар бу атым үчүн

677 Муңар мэңзэтү айды алп эр ачуқ
Аның маъниси көр бу сөзкэ тануқ

678 Төрүмиш нэң эрсэ йоқалғу турур
Төрүтүгли халиқ нэ қулса қылур

679 Тириглик тэдүкүң бу йэл-тэг кэчэр
Қачар йэтсэ болмас аны ким булур

680 Күвэнмэ бу қутқа кэлир ҳам барыр
Инанма бу давлат бэрүр ҳам алыр

681 Йайығ эрмэс эрсэ бу давлат өзи
На эдгү нэң эрди бу қут эй қозы

682 Кэлиб бармас эрсэ бу давлат йана
Түнэрмэгэй эрди йарумыш күн-э

683 Элиг айды уқтум бу ирсэлликиң
Ириб кэтгү йэрдэ болур-му бэкиң

684 Бу Айтолды айды мэниң бу өзүм
Кэйик-тэг турур қылқы кэстим сөзүм

685 Мэни тэрк булумас тилэгли сэвэ
Қалы булса тутмас қылур тэрк йава

686 Мэни булдачы эр тутуб бэклэсэ
Қачумас-мэ андын сөз айдым кэсэ

687 Элиг айды айғыл бу бэркиң қайу
Бу бир қач нэң-ул көр бэрэйин сайу



www.ziyouz.com kutubxonasi

673 Барча эски нарсалар номатлуб бўлади,
Номатлуб бўлади ҳамда манфур бўлади.

674 Янги нарсалар топилганда, бу эски (нарса) нега керак?
Етук (яроқли) нарса турганда, ярамас (нарса) нега керак?

675 Агар кўрсанг, барча лаззат-ҳаловат янги (нарса)да бўлади,
Лаззат-ҳаловат излаб киши кўп машаққат чекади, кўргин.

676 Бу қилмишларим учун мени бевафо (дунё), деб сўкадилар,
Шу номим учун менга айб тақадилар.

677 Ботир киши бунга ўхшатиб жуда очиқ қилиб сўз айтган,
Кўргин, унинг маъноси бу (юқорида айтилган) сўзга исботдир:

678 Яратилган нарса бўлса албатта йўқ бўлади,
Яратувчи холиқ нимани истаса қилади.

679 Тириклик деганинг бу елдек ўтиб кетади,
У қочади, унга етиб бўлмайди, уни ким топа олади?

680 Бу бахтга қувониб ғурурланма, у келади ва яна кетади,
Бу давлатга ишонма, уни беради ва яна олади.

681 Бу давлат ўзи бевафо-беқарор бўлмаса эди,
Бахт-давлат қандай яхши нарса бўлар эди, эй қўзи.

682 Бу давлат келиб яна кетмас бўлса эди,
Ёриган кунлар қоронғулашмас эди.

683 Элиг айтди: Тушундим сенинг бу ўткинчилигингни,
Сен нафратланиб (юз ўгириб) кетган ерингда қароринг бўладими.

684 Ойтўлди айтди: Менинг ўзим,
Қилиқларим кийик кабидир, сўзимни кесдим.

685 Истаган киши мени зинҳор топа олмайди,
Агар топсачи, мени ушлаб туролмайди, яна тез йўқотади.

686 Мени топган киши агар қўлга олиб қаттиқ тутса,
Сўзимни кесиб айтаманки, ундан қоча олмайман.

687 Элиг айтди: Сўзла, сени қаттиқ тутишнинг йўли қандай,
Бу бир қанча нарсалардан иборат, санаб берайин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

688 Элиг айды айғыл бу бэркиң қайу
Нэку-тэг нишан ул сэни бэрклэгу

689 Бу Айтолды айды мэңэ бэрк кишэн
Бу бир қач нэң-ул көр бэрэйин нишан

690 Мэни булғучы қылқы алчақ кэрэк
Көңул қусқы тил сөздэ йумшақ кэрэк

691 Өзини көдэзсэ айы артмаса
Йавуз йунчығ ишкэ йақын турмаса

692 Тэңи бирлэ тутса тэрилмиш нэңин
Йорық түзсэ қылқы қылынчы йаңын

693 Өзиндэ улуғқа тапуғ қылса өз
Өзиндэ кичигкэ сүчиг тутса сөз

694 Кишиг сатғамаса кувэзлик билэ
Басытмаса өздэ кичигкэ кулэ

695 Йавалық билэ борқа баш суқмаса
Йавалыққа бошлағ нэңин сачмаса

696 Өйунқа қатылмаса элгин тилин
Көнилик үзэ тутса қылқы йаңын

697 Йайығ қут нишаны бу нэңлэр турур
Бу йаңлығ баса қут нэ қачмас қалур

698 Бу сөзкэ тануқы бу шаъир сөзи
Бу шаъир сөзи сөзкэ қатты түзи

699 Кэйик саны давлат кишикэ тэзиг
Қалы кэлсэ бэклэ туша ҳам тизиг

700 Тута билсэ давлат тозумас турур
Қалы тозса тэгмэс йана тэрк кэзиг

32а 701 Элиг айды уқтум айа қут сэни
Қатығ сэвдүм эрди ирэр-сэ мэни



www.ziyouz.com kutubxonasi

688 Элиг айтди: Сўзла, сени қаттиқ тутишнинг йўли қандай,
Сени қаттиқ тутишнинг қандай белгилари бор?

689 Ойтўлди айтди: Мени қаттиқ тутувчи кишан,
Бу бир неча нарсалардан иборат, қара, мен (ундан) белгилар берайин.

690 Менга эришувчи киши зариф бўлиши керак,
Кўнгли мулойим, тили, сўзи юмшоқ бўлиши керак.

691 Ўзини эҳтиёт тутса, зинҳор мағрурланмаса,
Ёвуз ва ярамас ишларга яқин турмаса.

692 Йиғилган нарсаларини меъёрида тутса,
Ўз хулқи, феълу рафтори, сифатларига мос йўл-йўриқ тузса.

693 Ўзидан улуғларга таъзимда бўлса,
Ўзидан кичикларга ширин сўз бўлса.

694 Мағрурлик билан кишиларга қасд қилмаса,
Ўзидан кичикларга кулиб оёқ ости қилмаса.

695 Беҳудаликка, ичимликка муккасидан кетмаса,
Беҳудага, бекорга нарсаларини совурмаса.

696 Қўлда ва тилда ҳийла-найранг қилмаса,
Хулқи, атворини тўғри тутса.

697 Бу нарсалар барчаси бевафо қутнинг белгиларидир,
Бу сифат қут қандай қилиб қочмай қолади.

698 Бу айтилганларга шоирнинг бу сўзлари мисол бўла олади,
Шоирнинг бу сўзлари сўзга шаҳду шакар аралаштиради:

699 Давлат кийик каби, у кишидан қочади,
Агар у келиб қолса, маҳкам тут, тизгинлаб ол.

700 Тута билсанг, давлат тўзимайди, туриб қолади,
Агар тўзиб кетса, яна қайтиб келмайди, бот қочади.

701 Элиг айтди: Эй қут, сени (яхши) тушуниб олдим,
Мен сени қаттиқ севиб қолган эдим, сен мендан безиб, таъқиб қилаётирсан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

702 Йайығлық йоқ эрсә бу ирсәлликиң
Нэ эдгү иш эрди сэниң кэлмәкиң

703 Валэкан йайыг-сэн өзүң бэвафа
Вафа көргитүр-сэн қылыр-сэн жафа

704 Анада атада бағырсақ болуб
Айада тутар-сэн күләр йүз уруб

705 Ара көрмәдүк-тэг йүз эврәр өзүң
Адынсығ болур барча қылқың сөзүң

706 Тэрәр-сэн йумытса сачар-сэн қамуғ
Өқыса йүз урса йапар-сэн қапуғ

707 Бу Айтолды айды эй элиг қуты
Мунум эрдәмим барча айдым аты

708 Мэни ким булуб бэк тутайын тэсә
Айу бэрдим ул нәңни тутсун оса

709 Мэңә урмаса өрк мэни туттачы
Кэйик-тэг қачар-мэн ким-ул йэттәчи

710 Нэкү тэр эшитгил сынамыш қары
Сынамыш қарылар сөзи сөз қоры

711 Кэлир қут тута билмәсә-сэн барыр
Бэрүр нәң йэйү билмәсә-сэн алыр

712 Йайығ қутны булса эди эдгү тут
Қалы бэкләмәсә йана барды бүт

713 Элиг айды уқтум мунуң эрдәмиң
Бу Айтолды атың нэ-ул бу сэниң

714 Нэкү-ул мунуң маънисi ай мэңә
Биләйин уқайын бүтәйин сэңә

715 Бу Айтолды айды мэниң атымы
Бөгү мэңзәтүр айқа бу қылқымы

32б 716 Бу ай туғса ашну эди аз туғар
Күнингә бэдүйүр йуқару ағар



www.ziyouz.com kutubxonasi

702 Бевафолик ва беқарорлигинг бўлмаганда эди,
Сенинг юз тутиб келишинг нечоғлик эзгу иш бўлган бўлар эди.

703 Ва лекин сен беқарорсан, ўзинг бевафо,
Вафога ваъда айлаб, жафо қиласан.

704 Отадан ва онадан меҳрибонроқ бўлиб (кўриниб),
Илтифот билан кафтингда тутасан.

705 Гоҳо кўрмагандек (тағофил билан) юзингни ўгирасан,
Бутун қилиқларинг ва сўзларинг ўзгаради.

706 (Давлатни) терасан, жамланса яна қайтиб сочиб юборасан,
Сени чорласа, сенга юз урса, сен (у кишига) эшик ёпасан.

707 Ойтўлди айтди: Эй бахтиёр элиг,
Нуқсонларим ва санъат-ҳунарларимнинг барчасини ном-баном сўзладим,

708 Кимда-ким менга эришгач, қаттиқ тутайин деса,
Унинг тадбирларини айтиб бердим, уларни ўзинг танлаб амал қил.

709 Мени тутган киши менга бошбоғ солмаса,
Мен кийикдек қочаман, ким менга ета олади?

710 (Кўп нарсаларни) синаган қари (киши) нима дейди, эшитгин,
Синаган қариларнинг сўзлари сўзнинг қўр-қути (мояси):

711 Бахт бир келади, сен уни маҳкам тута билмасанг, у кетади,
Сенга насиба беради, сен уни ея билмасанг, қайтиб олади.

712 Мабодо беқарор қутга етишсанг, уни жуда эзгу тут,
Агар уни қаттиқ тутмасанг, яна қайтиб кетади, ишонгин.

713 Элиг айтди: Нуқсон ва фазилатларингни тушундим,
Ойтўлди деб аталишингнинг боиси нимада?

714 Бунинг маъниси нима, менга айтиб бер?
Мен билиб олайин, тушунайин ва сенга ишонч ҳосил қилайин.

715 Ойтўлди айтди: Менинг отимни,
Доно (киши) қилиқларимни ойга нисбат бериб атаган.

716 Ой туғ(ил)ганда, дастлаб, у жуда кичик туғ(ил)ади,
Сўнг кундан-кунга улғаяди, юқори кўтарилади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

717 Толун болса толса аж̇унда йарур
Ажун халқы андын йаруқлуқ булур

718 Түгәл болса көр ай бу аҕса әдиз
Йана эрлү төрчир кэтәр көрк мэңиз

719 Йаруқлуқы әксүр йана йоқ болур
Туҕар кэчә азын йана-оқ толур

720 Мэниң бу өзүм ма бу йаңлыҕ турур
Ара бар болур-мэн ара йоқ болур

721 Нэчә йунчыҕ өзкә йүз урса өзүм
Бару көрки артар кэсәр-мэн сөзүм

722 Байуса бэдүсэ йадылса жав̇ы
Кэтәр-мэн анындын кэтәр йүз сув̇ы

723 Йана сачлур андын тэрилмиш нэңи
Сөги[16]-тэг болур йандру қылқы йаңы

724 Муңар мэңзәтү кэлди шаъир сөзи
Бу шаъир сөзи-ул билигсиз көзи

725 Кэлир қут кишикә аты жав̇ланур
Йаңы ай-тэг артар йаруқы болур

726 Йайыҕ тэлв̇ә давлат көңүл бамаҕыл
Толун-тэг бу давлат йана эрилүр

727 Тақы бир бу маъни айайын сэңә
Эшитгил аны сэн муну бүт мэңә

728 Бу ай орны болды эв̇и мунқалиб
Орунсуз болур мунқалиб нэң қылыб

729 Бу ай буржи Сар(а)тан бу эв̇ эв̇рүлүр
Эв̇и эв̇рүлүр ҳам өзи чэв̇рүлүр

730 Қайу эв̇кә кирсә бу ай тәрк чықар
Чықары үчүн тәрк батарын йықар



www.ziyouz.com kutubxonasi

717 Ой тўлин бўлса, тўлишса оламни ёритади,
Жаҳон халқи ундан рўшнолик топади.

718 Ой тугал тўлишиб энг баландга кўтарилгач, кўргин,
Яна емирила, камая боради, юз чиройи кетади.

719 Ёруғлиги камаяди ва яна маҳв бўлади (йўқ бўлади),
Қайта туғ(ил)ган кечасидан бошлаб оз-оздан яна тўлишади.

720 Менинг ўзим ҳам шу (ой) сифатлидирман,
Гоҳо пайдо бўламан, гоҳо маҳв бўламан.

721 Нечоғлик заифу нотавон киши(лар)га юз урсам,
У(лар)нинг кўрки тобора ортади, сўзим қатъий.

722 У киши(лар) бойиса, улғайса, шуҳрати-овозаси ёйилса,
Сўнг ундан кетаман, (мен билан) унинг обрў-эътибори (ҳам) кетади.

723 Унинг йиғилган нарсалари яна сочилиб кетади,
Қилиқлари (ва) рафтори қайта бурунгидек бўлиб қолади.

724 Бунга қиёслаш учун шоир сўзи жуда мос келди,
Шоирнинг бу сўзи билимсизлар учун кўздир:

725 Кишига бахт келади, оти шуҳрат қозонади,
Янги ойдек ортади, ёруғлиги бўлади.

726 Давлат бевафо, гумроҳдир, унга кўнгил боғламагин,
Давлат — тўлин ой каби, у яна емирилади.

727 Яна бири — шу маънини сенга сўзлайин,
Уни сен эшитгин, мана, менга ишонгин.

728 Бу ойнинг ўрни ўзгарувчан уйдир,
У ўзгарувчан ҳаракатлар қилиб ўринсиз бўлиб қолади.

729 Ойнинг буржи Саратондир, бу уй доим айланади,
(Унинг) уйи айланади, (шунинг учун унинг) ўзи ҳам чарх уриб ўгирилади.

730 Қайси уйга (буржга) кирмасин, бу ой яна тез (қайтиб) чиқади,
Чиқиш (уйи бўлгани) учун тезда ботган (уй)ини йиқитади [яъни тарк этади].



www.ziyouz.com kutubxonasi

33a 731 Мэниң ма өзүм көр аңар охшады
Ара қылқым илди ара йуқлады

732 Қэлир-мә барыр-мә йурыр-мә бурун
Аж̇унуғ кэзәр-мә мэңә йоқ орун

733 Бу маъни үчүн атым Айтолды тэб
Атады билиглиг сөзин йинчкә йэб

734 Муну мэн ма давлат мунум эрдәмүм
Айу бэрдим эмди игим ҳам эмүм

735 Ача сөзләдим сөз мэңә эмди бүт
Ыд̆айын тэсә ыд̆ қалы тутса тут

736 Элиг айды барча эшиттим сөзүң
Йарутты сөзүң ҳам йарады өзүң

737 Тиләр эрдим эмди сэни-тэг киши
Байат бэрди эмди эй эрдә башы

738 Байат кимкә бэрсә тиләк арзусы
Аның шукры болды йанут қылғусы

739 Бу күндә нару бу өзүм тынмадын
Мунуң шукры қылғу кэрәк ирмәдин

740 Нэкү тэр эшит эмди билгә тэтиг
Өзи қод̆ты барды бизиңгә битиг

741 Шукр қыл э нэъмат ид̆иси үнүр
Шукр қылса нэъмат байат арттурур

742 Бу нэъмат ид̆иси унытур өзин
Мунуң шукры билсә эвүрмәс йүзин

743 Аз эд̆гүкә артуқ өкүш шукры қыл
Өкүш болса нэъмат аның қадры бил

744 Шукр қылса нэъмат бири он болур
Бири он болур көр эв̆и нәң толур

745 Элиг бэрди алқыш көр Айтолдықа
Айур түнлә күндүз мэңә тур йақа



www.ziyouz.com kutubxonasi

731 Кўргин, менинг ўзим ҳам унга (ойга) ўхшайман,
Гоҳо менинг тарзи рафторим қуйилашади, гоҳо юқорилашади.

732 Келаман, кетаман, илгарилаб юраман,
Жаҳонни кезаман, менинг ўрни-жойим йўқ.

733 Шу мазмундан менинг отимни Ойтўлди деб,
Донишманд сўзини жуда нозик қилиб шундай атади.

734 Мана, мен — давлат ўзимнинг барча нуқсон ва фазилатларимни,
Дардим ва (унинг) даволарини энди сенга сўзлаб бердим.

735 Сўзни очиб сўзладим, энди менга ишонгин,
Қайтариб юбормоқчи бўлсанг, юбор, олиб қолмоқни истасанг,
олиб қол.

736 Элиг айтди: Барча сўзларингни эшитдим,
Сўзинг дилларни ёритди, ўзинг ҳам маъқул бўлдинг.

737 Сендек кишини орзу қилиб юрган эдим,
Энди менга сени худо етказди, эй, йигитлар сардори.

738 Худо кимга тилак-орзусини берса,
Худога шукр қилиш бу ишга жавоб бўлди.

739 Бу кунлардан бошлаб мен тинмасдан,
Ҳеч койинмасдан бунинг шукрини қилишим керак.

740 Энди эшитгин, тетик, доно нима дейди,
У бизга китоб ёзиб қолдириб, ўзи дунёдан ўтган:

741 Эй, униб-ўсгур неъмат соҳиби, шукр қил,
Шукр қилсанг, худо неъматни зиёда қилади.

742 Неъмат соҳиби (дарҳол) ўзини унутиб қўяди,
Агар унга шукр қилса, билсанг, у (худо) юз ўгирмайди.

743 Озгина карами учун беҳисоб шукр қил,
Агар неъмат кўплаб насиб бўлса, унинг қадрига ет.

744 (Киши) шукр қилса, неъматнинг бири ўн бўлади,
Бири ўн бўлади ҳамда уйи нарсага тўлади, кўргин.

745 Элиг Ойтўлдига таҳсин ўқиди,
Деди: Кеча ва кундуз менга яқин тур.



www.ziyouz.com kutubxonasi

33б 746 Тэлим нэӊ тав̇ар бэрди өгди өгүш
Ағырлады бэрди көр алтун күмүш

747 Аӊар сөзләди сөзни барча элиг
Аныӊдын тиләди қамуғ өг билиг

748 Көр Айтолды ма бу ағырлық булуб
Тапунды бүтүн чын бағырсақ болуб

749 Бир анча йурыды сынады элиг
Қамуғдын түгәл булды булмыш эриг

**Баб. Күнтуғды элиг Айтолдықа ъадл сифатыны айтур**

750 Элиг бир күн олдруб өзи йалӊузун
Эв̇ин қылды хали ирикти узун

751 Оқыды көр Айтолдықа қылды йол
Бу Айтолды кирди қав̇уштурды қол

752 Элиг өтрү турды ад̇ақын өрү
Элиг сөзләмәди бир анча туру

753 Бақыб көрди элиг көзин имләди
Ишарат билә кэлгил олдур тэди

754 Бу Айтолды олдурды ақру амул
Көзин йэркә тикди тарутты көӊүл

755 Элигкә бақа көрди йашру көзүн
Қашы көзи түгмиш ачытмыш йүзин

756 Күмүш күрси урмыш үзә олтурур
Бу күрси ад̇ақы үч ад̇ры турур

757 Бэд̇үг бир бичәкиг элигдә тутар
Солыӊдын урағун оӊындын шакар

758 Аны көрди эрсә бу Айтолды чын
Қатығ қорқты өзкә қуд̇ы алды тын

759 Бир анча туруб баш көтүрди элиг
Бу Айтолдықа айды тэбрэт тилиг



www.ziyouz.com kutubxonasi

746 Талай нарса ва (буюм) мол берди, кўп мақтади,
Эъзоз кўрсатди, кўргин, олтин, кумуш бахш этди.

747 Элиг (иш борасидаги) барча сўзларни унга айтиб берди,
Бу ишлар учун барча ақл ва билимни ундан кутди.

748 Кўргин, Ойтўлди ҳам бундай эҳтиром ва қадр-қимматга эришиб,
Холис, рост ва сидқи дил бўлиб юмуш қилди.

749 Ойтўлди бир муддат шу тариқа юрди, элиг уни синади,
Ўзи етишган кишисини барчадан етук топди.

**Боб. Кунтуғди элиг Ойтўлдига адл сифатларини айтади**

450 Элиг бир куни ёлғиз ўзи ўлтириб,
Уйини (барчадан) ҳоли қилди, узоқ муддат (ёлғизликда) сиқилди.

451 Кўргин, у Ойтўлдини чақирди, унга (киришга) йўл берди,
Ойтўлди кирди, қўл қовуштириб турди.

452 У элиг қаршисига келиб тик турди,
Элиг бир муддат сўзламай турди.

453 Элиг унга қараб, кўзи билан имлади,
Ишорат билан келгин, ўлтиргин, деди.

454 Ойтўлди оҳиста, эҳтиёт билан ўлтирди,
Кўзини ерга тикди, юраги сиқилди.

755 Кўз қири билан элигга қараб кўрди,
(Элиг) қош-қовоғини солган, юзини буриштирган (эди).

756 Кумуш курси қўйиб устида ўлтирарди,
Бу курсининг оёғи уч айрилик эди.

757 Қўлида улкан бир пичоқ тутган,
Сўл томонида — уроғун (бир хил дори), ўнгида эса шакар (шарбат).

758 Уни кўргач Ойтўлди чиндан (ҳам)
Ўзидан қаттиқ қўрқди, чуқур нафас олди.

759 Бир оз тургач элиг бошини кўтарди,
Ойтўлдига айтди: Тилингни тебрат.



www.ziyouz.com kutubxonasi

760 Нэлуг сөзләмәс-сэн ағын-тэг болуб
Мэни мунда йалңуз бу йаңлығ булуб

761 Бу Айтолды айды эй элиг қуты
Мэниң сөзләгүкә өзүм йоқ шаты

762 Адынсығ көрүр-мэн бу күн қылқ этиг

Аңар иймәнүр-мэн э билгә тэтиг

763 Қарақа билиг бэрди билги ачуқ
Бушар өдтә бэгләркә барма йағуқ

764 Тақы йақшы аймыш билиглиг бөгү
Бушар өдтә бэгләр болур от ағу

765 Қалы болса бэгләр бушуб өвкәлиг
Йақын турма анда э қылқы силиг

766 Бушар болса бэгләр кэлиб өвкәси
Йырақ турғыл анда тэгүргәй йасы

767 Муңар мэңзәтү кэлди эмди бу сөз
Көңүлкә алынғыл көдәзгил кәд өз

768 Бушар өдтә бэгләркә барма йағуқ
Қалы бардың эрсә ужузлуқануқ

769 Күр арсланқа охшар бу бэгләр өзи
Бушурса кэсәр баш э билги йаруқ

770 Элиг айды кэлдур мэңә ай сөзүң
Нэкүни таңырқады эмди өзүң

771 Бу Айтолды айды таңым бу мэниң
Күмүш күрси уруң[17] на-ул бу сэниң

772 Ну олдурғ нэ күрси йэри-ул сэңә
Ну маъны уқайын айу бэр мэңә

773 Экинчи элигдә нэ-ул бу бичәк
Муны ма өзүм йэтрү билгү кэрәк

34б 774 Үчүнчи оңуңдын нэкү-ул шакар
Солундын урағун нэ-ул бу сэңәр



www.ziyouz.com kutubxonasi

760 Лолга ўхшаб нима учун сўзламайсан,
Мени бу ерда бу янглиғ ёлғиз кўриб.

761 Ойтўлди айтди: Эй бахтиёр элиг,
Сўзлаш учун менда журъат йўқ.

762 Бугун сенинг хулқинг ва хатти-ҳаракатларинг бошқача кўринаётир,
Шунинг учун ийманиб-тортиниб турибман, эй доно.

763 Билими равшан (киши) омийга (шундай) таълим берди:
Дарғазаб бўлганда бегларга яқин борма.

764 Билимли доно (бу ҳақда) янада яхшироқ айтибди:
Дарғазаб бўлган пайтида беглар олов (ва) оғу бўлади.

765 Агар беглар дарғазаб бўлиб қаҳрга кирса,
Унга яқин турма, эй хулқи хуш (киши).

766 Беглар қаҳрга келиб дарғазаб бўладиган бўлса,
У(лар)дан йироқ тургин, бўлмаса зиён етказадилар.

767 Мана бу сўз энди бунга ўхшатиш учун мос келди,
Уни дилингга жойлаб ол ва ўзингни сақлагин:

768 Дарғазаб бўлган пайтларида бегларга яқин борма,
Агар боргудек бўлсанг, қадрсизлик (насибанг бўлиши) турган гап.

769 Беглар — бу юракли арслонга ўхшайди,
Уларни ғазабга келтирсанг, бош кесади, эй равшан фикрли.

770 Элиг айтди: Қани, менга ўз сўзларингни айт,
Нима учун сен ажабланиб тонг қолдинг?

771 Ойтўлди айтди: Менинг ажабланишим шуки,
Сенинг кумуш курси қўйишингнинг сабаби нима.

772 Бу қандай ўтириш, бу қандай курси, сен учун ўтириш жойи бўлди?
Бунинг маъниси нима? Айтиб бер, мен уқайин!

773 Иккинчидан, қўлингдаги бу пичоқ нима учун?
Буни ҳам мен тугал тушунишим керак.

774 Учинчидан, ўнг томонингдаги бу шакар (шарбат) нима учун?
Сўл томонингдаги уроғун (бир хил дори) нима учун?



www.ziyouz.com kutubxonasi

775 Бақа көрдүм эрсә өзүм[18] өвкәлиг
Муны көрдүм эрсә йитүрдим билиг

776 Бу йаңлығ көрүб бу өзүм иймәниб
Өтүк өтнүмәс-мэн тилимни йазыб

**Баб. Күнтуғды элиг Айтолдықа ъадл сифаты нэ-тэг эрдүкин айур**

777 Элиг айды уқтум сөзүң бэлгүләб
Ачайын сөзүмни сэңә үлгүләб

778 Сэни мэн оқыдым эң ашнуқы күн
Ағырлық билә бэрдим ул күн орун

779 Бу таң таңсуқ ишләр мэңә көргүтүб
Бушурдуң мэни сэн ишиң бэркүтүб

780 Көрүб буштум эрсә иләнди өзүң
Сэрилдим сэңә мэн бүкүлди сөзүң

781 Сэн айдың мэңә қут-мә билгил мэни
Сэңә уқтур[19] қылдым уққыл муны

782 Нэкү қылмышыңни сэн ад̇ра сэчә
Йөрә бэрдиң уқтум қамуғны ача

783 Кэчүрдүм мэн анда сэниң ъузруңы
Ағырладым өтрү ул эрдәм тэңи

784 Бу күн ма мэниң бу өзүм қылқларын
Сэңә көргитүр барча эрдәмләрин

785 Муну мэн ма көргил көнилиг төрү
Турықлықлары бу бақа тур көрү

786 Бу күрси үзәлә өз олдурдуқы
Ад̇ақы үч-ул көр э көңлүм тоқы

35a 787 Қамуғ үч ад̇ақлығ эмитмәс болур
Үчәгү турур түз қамытмас болур

788 Қалы үч ад̇ақта эмитсә бири
Экиси қамытар учар ул ары



www.ziyouz.com kutubxonasi

775 Боқиб қарасам ўзинг дарғазабсан,
Бу ҳолатни кўргач, ақлимни йўқотдим.

776 Сени бу янглиғ кўргач, ўзим қўрқиб, андиша қилиб,
Тил очиб сенга арз қила олмай қолдим.

**Боб. Кунтуғди элиг Ойтўлдига адл сифати қандай эканини айтади**

777 Элиг айтди: Сўзларингни аниқлаб, тушуниб олдим,
(Энди мен сенга) ўз сўзларимни бир-бир баён қилайин.

778 Сени мен дастлабки кун чақирганимда,
Эҳтиром билан сенга ўрин бердим.

779 Сен тонг қоларли ажойиб ишларни менга кўз-кўз қилиб,
(Асл) ишларингни мендан яшириб, мени дарғазаб қилдинг.

780 Буни кўриб мен даргазаб бўлгач, ўзинг қўрқиб титрадинг,
Мен сенга қаҳр қилдим, (сенинг) сўзинг узилди.

781 Сен менга айтдинг: Мен қутман, мени билиб ол,
Сенга тушунтирдим, буларни уқиб ол.

782 Нимаики қилган бўлсанг сен шарҳлаб, изоҳлаб,
Йўриқ бердинг, мен барчасини очиқ уқиб олдим.

783 Ўшанда мен сенинг узрингни қабул этиб кечирдим,
Сўнг ўша фазилатларинг баробарида қадрладим.

784 Энди мен ҳам ўзимнинг қилиқларимни,
Барча санъат-ҳунарларимни сенга намойиш қилаётирман.

785 Мана, менга қарагин, мен ҳам одил сиёсатнинг
Макони (турар жойи) ман, кўриб, қараб тур.

786 Мен устига ўлтирган бу курсининг
Оёғи учтадир, кўргин, эй кўнгил тўқим.

787 Барча уч оёқли нарса силжимас бўлади,
Ҳар учаласи (поялари) баробар, қимирламайдиган бўлади.

788 Агар учала поядан бирортаси оғса, силжиса,
Қолган иккаласи ҳам силжийди, у курси йиқилади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

789 Қамуғ уч адақлығ көни түз турур
Қалы болса төрт көр бир эгри болур

790 Қайу нәң түз эрсә қамуғы уз-ул
Қамуғ уз көрү барса қылқы түз-ул

791 Қайу нәң эмитсә көр эгри болур
Қамуғ эгриләр эсиз урғы болур

792 Қайу түз эмитсә турумас түшәр
Қайу түз көни болса түшмәс сэрәр

793 Мэниң қылқым ул көр эмитмәс көни
Көни эгри болсә көнилик күни

794 Көнилик үзәлә кэсәр-мэн ишиг
Ад̇ырмас-мә бэгсиг йа қулсығ кишиг

795 Бу бөгдә бичәк ким әлигда тутар
Бычығлы кэсйгли турур эй үнәр

796 Бичәк-тэг кэсәр-мэн бычар-мэн ишиг
Узатмас-мә даъва қылығлы кишиг

797 Шакар ул киши йэр аңа күч тэгиб
Төрү булса мэндин қапуғқа кэлиб

798 Шакар-тэг сүчинү барыр ул киши
Сэв̆инчлиг болур анда йазлур қашы

799 Урағун йэмә ул кишиләр ичәр
Өзи күчкәй эрсә көнидин қачар

800 Мэңә кэлсә тутшу төрү бэрсә-мэн
Урағун ичәр-тэг ачыр көрсә-мэн

801 Бу қашым түгүги бу көрксүзлүкүм
Күчәмчи кэлиркә бу йүзсүзлүкүм

35б 802 Кэрәк оғлум эрсә йырақ йа йағуқ
Кэрәк барқын эрсә кэчигли қонуқ

803 Төрүдә экигү мэңә бир саны
Кэсәрдә ад̇ын булмағай ул мэни



www.ziyouz.com kutubxonasi

789 Барча уч пояли (оёқли) нарса тўғри ва рост туради,
Агар тўрт (пояли) бўлса, кўргин, бири эгри бўлади.

790 Қайсики нарса тўғри бўлса, унинг бутун борлиғи фузун бўлади,
Агар кўра билсанг, барча фузун (нарса)нинг қилмишлари рост бўлади.

791 Қайсики нарса оғадиган бўлса, у эгри бўлади, кўргин,
Барча эгриларнинг эса ёмон уруғи бўлади.

792 Қайси бир тўғри (нарса) оғса, у яшамайди, йиқилади,
Қайси бир тўғри (нарса) рост бўлса, йиқилмайди, барқарор туради.

793 Менинг қилиқларимни кўргин, у оғмас, тўғридир,
Хоҳ тўғри, хоҳ эгри бўлсин, ҳукм чиқариш пайтида.

794 Ишни адолат юзасидан ҳал қиламан,
Бег (сифат) ёки қул (сифат) кишиларни ажратиб, фарқлаб ўтирмайман.

795 Мен қўлимда тутиб турган ханжар (сифат) пичоқ эса
Қирқувчи ва кесувчи бир нарсадир, эй униб-ўсувчи.

796 Пичоқдек кесаман, ишларни бичиб ташлайман,
Даъво-туҳмат қилувчи кишининг (ишини) узатиб, чўзиб ўтирмайман.

797 Шакарни шу киши ейдики, унга мабодо зўрлик-зулм ўтган бўлса,
Ва даргоҳимга келиб мендан ҳақ-адолат топса.

798 У киши шакардек чучук бўлиб [яъни шод бўлиб] кетади,
Севинчга тўлади ва хурсанд бўлади.

799 Уроғун (бир хил дори)ни шундай киши(лар) ичадики,
Унинг ўзи зўравон-золим ва тўғриликдан қочадиган бўлса.

800 Жанжаллашиб менга келса, мен ҳукм қилсам,
Менинг назаримга тушса, уроғун ичгандек ачийди [яъни азият чекади].

801 Бу қовоғимнинг солиқлиги, бу кўрксизлигим,
Зўравонлик қилувчиларга менинг юз хотир қилмаслигимнинг рамзидир.

802 Хоҳ ўғлим бўлсин, хоҳ йироқ, хоҳ яқин кишим бўлсин,
Хоҳ чақмоқ каби ўткинчи меҳмон бўлсин.

803 Адолат борасида ҳар иккаласи мен учун бирдек,
Ҳукм буюришда улар мени ўзгача кўрмайди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

804 Бу бэглик улы көр көнилик турур
Көни болса бэглəр тириглик булур

805 Муңар мэңзəтү сөзлəр өглүг киши
Ким өглүг сөзи тутса этлүр иши

806 Көнилик узə болды бэглик улы
Бу бэглик көки-ул көнилик йолы

807 Төрү қылса элкə көни болса бэг
Тилəк арзу булғай бу қулса қалы

808 Йана айды Айтолды элиг қуты
Нэкү болды Күн туғды элиг аты

809 Элиг айды билгə мэниң қылқымы
Көрүб мэңзəтү урды бу атымы

810 Күнүг көр эрилмəс толу-оқ турур
Йаруқлуқы бир-тэг талу-оқ турур

811 Мэниң ма қылынчым аңар охшады
Көнилик билə толды эксүмəди

812 Экинчи туғар күн йарур бу аж̇ун
Түзү халққа тэгрүр йоқалмас өзүн

813 Мэниң ма төрүм бу йоқалмас өзүм
Қамуғ халққа бир-тэг нэ қылқым сөзүм

814 Үчүнчи бу күн туғса йэркə исиг
Чэчəк йазлур анда түмəн мың түсиг

815 Қайу элкə тэгсə мэниң бу төрүм
Ул эл барча этлүр таш эрсə қурум

816 Туғар күн арығ йа арығсыз тэмəс
Қамуғқа йаруқлуқ бэрүр эксүмəс

36*а* 817 Мэниң ма қылынчым бу-ул бэлгүлүг
Түзүкə тэгир барча мэндин үлүг

818 Йана ма бу күн буржы сабыт турур
Бу сабыт тэдүкүм түби бэрк болур



www.ziyouz.com kutubxonasi

804 Бегликнинг пойдевори, кўргин, тўғриликдир,
Беглар тўғри бўлса, яшаб-яшнайди.

805 Оқил киши бунга ўхшатиб сўзлайди,
Кимда-ким оқил сўзини тутса, унинг ишлари юришади:

806 Бегликнинг пойдевори, мояси тўғриликка асосланди,
Бегликнинг томири (асоси) тўғрилик йўлидир.

807 Элга адолатли сиёсат юритса, бег тўғри бўлса,
У истаган барча тилак-орзуларини топади.

808 Ойтўлди яна айтди: (Эй) бахтиёр элиг,
Нима сабабдан элигнинг оти Кунтуғди бўлди?

809 Элиг айтди: Доно менинг қилиқларимни
Кўриб, мажозий қилиб, менга ушбу отни қўйди.

810 Кунга боққин, ҳеч камаймайди, фақат тўлин бўлиб туради,
Ёруғлиги бирдек, етук ва сарадир.

811 Менинг қилиқларим ҳам унга (кунга) ўхшади,
Тўғрилик билан етилди, тўлди, камаймади.

812 Иккинчидан, кун туғади, олам ёруғ бўлади,
У ёруғлигини барча (халқ)га етказади, ўз-ўзи билан бўлиб йўқолмайди.

813 Менинг ҳам низом-қоидам (одатим) шундай, ўзим йўқолмайман,
Феълим ва муомалам барча халқ учун бирдекдир.

814 Учинчидан, агар кун чиқса ерга иссиқлик беради,
Ундан туман минг турли гул очилади.

815 Менинг адолатим қайси бир элга етса,
У эл барчаси яшнайди, гарчи тош, қоя бўлса ҳам.

816 Туққан кун (чиққан кун) яхши ёки ёмон демайди,
Барчага бирдек нур сочади, ўзи камаймайди.

817 Менинг ҳам қилиқларим аниқ шундайдир,
Мендан барчага баравар баҳра етади.

818 Яна шу борки, Кун буржи собитдир (барқарор, турғундир),
Собит деганимнинг маъниси шуки, унинг асоси маҳкамдир [яъни Кун буржи ўзгармасдир].



www.ziyouz.com kutubxonasi

819 Бу кун буржы Арслан бу бурж тэбрэмэс
Эви тэбрэмэсэ учун артамас

820 Мэниң қылқыми көр йэмэ бир йаңын
Өзүм тэкшүрүлмэс йаруқта өңин

### Айтолды савалы элигкэ

821 Бу Айтолды айды эй элиг қуты
Ашасу ажун эл йадылсу аты

822 Мэниң ма өзүм бу узун йол йурыб
Сэңэ кэлди эмгэб ҳам артуқ арыб

823 Бу қылқың бу эрдэмлэриң бар үчүн
Қөсэб кэлдим эмди тапуғқа күчүн

824 Айу бэр мэңэ сэн нэ-тэг тапнайын
Сэвинчиң қайу-ул аны тутнайын

825 Тапуғ бэг тапысы үзэ болмаса
Йарамас бу тапғы нэчэ эмгэсэ

826 Нэкү тэр эшитгил Ыла атлығы
Тапуғун бэдүмиш киши қутлуғы

827 Тапунса тапуғчы бэгингэ қалы
Қатығ тутғу бэглэр сэвинчи йолы

828 Бу бэглэр тапысы үзэ қыл тапуғ
Бэги тапласа тапғы ачты қапуғ

829 Тапуғчы тапуғ билсэ төркэ тэгир
Тапуғ билмэсэ төрдин илкэ кэлир

36б 830 Бэгин кэд сэвүндүрсэ тапнур қулы
Ачылды бу қулқа ағырлық йолы

### Элиг жавабы Айтолдықа

831 Элиг айды уқтум мэн эмди сөзүң
Сэвинчим тилэ кэд көдэзгил өзүң



www.ziyouz.com kutubxonasi

819 Кун буржи Арслондир, бу бурж тебранмайди,
Уйи (буржи) тебранмайди, (шу) сабабдан ўзи бузилиб камаймайди.

820 Менинг қилиқларимни кўр, сифатим бир, ўзгармасдир,
Ёруғликдан бошқа жиҳатим йўқ, ўзим ўзгармайман.

### Ойтўлдининг элигга саволи

821 Ойтўлди айтди: Эй бахтиёр элиг,
Жаҳон ва элларга молик бўл, номинг шуҳрат топсин.

822 Менинг ўзим ҳам бунчалик узун йўл юриб,
Кўп машаққатлар чекиб, ортиқ ҳориб-чарчаб сенинг даргоҳингга келдим.

823 Бу сифат қилиқларинг, фазилатларинг мавжуд бўлгани учун,
Сени орзу қилиб, қўмсаб бор кучимни сарфлаб хизматингга келдим.

824 Айтиб бер сен менга, мен қандай қилиб хизмат этайин,
Сен нима билан севинасан, мен ўшани қилайин.

825 Хизмат бегни рози қиларли даражада бўлмаса,
(Кишининг) хизмати, у қанчалик машаққат чекмасин, мақбул бўлмайди.

826 Ило донгдор (кишиси)и нима дейди, эшитгин,
Хизмат туфайли мартабаси ошган кишилар қутлуғи:

827 Агар хизматкор бегларга хизмат қилса,
Бегларни севинтириш йўлини қаттиқ тутиши керак.

828 Бегларнинг розилигига қараб манзур бўларли хизмат қил,
(Чунки) беги манзур кўрсагина, унинг хизмати эшик очади.

829 Хизматкор хизмат қилишни билса, тўрга чиқади,
Хизмат қилишни билмаса, тўрдан пойгага тушади.

830 Хизмат қилувчи қули бегини жуда хурсанд қилса,
Бу қул учун ҳурмат ва қадр-қиммат йўли очилади.

### Элигнинг Ойтўлдига жавоби

831 Элиг айтди: Энди мен сўзларингни тушундим,
Сен менинг севинчимни тила, ўзингни эҳтиёт қил.



www.ziyouz.com kutubxonasi

832 Сэңə ма айайын йарағсызларығ
Йарағсызқа йақма йурығыл фариғ

833 Өзүм тапламас нəң бири йалған-ул
Мунуңдын басасы бу күч қылған-ул

834 Суқ эрсə қылынчы бэк эрсə өзи
Эвəк эрсə қылқы овутсуз көзи

835 Бушы эрсə иштə йэмə өвкəлиг
Йава эрсə борчы йа қыйған əлиг

836 Бу йаңлығ кишилəр йарамас мэңə
Айу бэрдим эмди ачуқлуғ сэңə

837 Йарайын тэсə сэн мэңə бэлгүлүг
Бу қач нəң өзүңдин йырат эй күлүг

838 Йақын болға-сə күндə өтрү мэңə
Ағырлық ачығ артға мэндин сэңə

### Айтолды савалы элигкə

839 Бу Айтолды айды эшиттим муны
Тақы бир сөзүм бар айу бэр аны

840 Бу эдгү қайу-ул нэ-тэг-ул өзи
Нэкү-тэг болур эдгү қылқы түзи

### Элиг жавабы Айтолдықа

841 Элиг айды эдгү бу қылқы йаңы

Тосулур болур халққа асғы өңи

842 Түзү халққа барча қылар эдгүлүк
Йана миннат урмас кишикə күлүк

843 Өз асғын тилəмэс кишикə асығ
Бэрүр ул асығдын бу қулмас йанығ

### Айтолды савалы элигкə

844 Йана айды Айтолды уқтум бу сөз
Тақы бир тилəкимни айтур бу өз



www.ziyouz.com kutubxonasi

832 Мен сенга яроқсиз нарсалар ҳақида сўзлайин,
Яроқсиз нарсаларга яқинлашма, фориғ юргин.

833 Ўзим ёқтирмайдиган ишлардан бири ёлғон(чилик)дир,
Бундан бошқа бири зўр(авон)лик қилишдир.

834 Ишлари суқ(лик) бўлса, ўзи қаттиқ, қурумсоқ бўлса,
Қилиғи шошқалоқлик бўлса, кўзи (боқиши) уят-андишасиз бўлса.

835 Иш (бажаришда) ғазабли ва қаҳрли бўлса,
Нафи йўқ, ичувчи, эгри қўл бўлса.

836 Бу янглиғ кишилар менга ярамайди,
Буни сенга очиқ айтиб бердим.

837 Сен менга айни муносиб бўлайин десанг,
Бу бир қанча нарсаларни ўзингдан йират, эй шуҳратли.

838 Кундан-кун (ўтиб) менга яқинроқ бўласан,
Менинг сенга иззат-икромим ва илтифотим ортади.

## Ойтўлдининг элигга саволи

839 Ойтўлди айтди: Буларни эшитдим,
Яна бир сўзим бор, уни ҳам айтиб бер.

840 Эзгу (киши) ким, унинг ўзи қандай бўлади?
Эзгу кишининг гўзал қилиқлари қандай бўлади?

## Элигнинг Ойтўлдига жавоби

841 Элиг айтди: Эзгу шундай кишики, унинг қилиш-қилмишлари, рафтори,
Халққа нафи баробарида фойда берадиган бўлади.

842 Барча халққа фақат яхшилик қилади,
Унинг эвазига яна кишилардан мукофот кутмайди.

843 Ўз фойдасини кўзламайди, кишиларга фойда келтиради,
Бу фойдасидан ўзи учун эваз миннат қилмайди.

## Ойтўлдининг элигга саволи

844 Ойтўлди яна айтди: Бу сўзларни тушундим,
Яна бир тилагимни сендан сўрайман.



www.ziyouz.com kutubxonasi

845 Мэңә ай көнилик қайу-ул көни
Аның бирлә йалңуқ йарутса күни

846 Қайуны айурлар көнилик йолы
Нэкү-тэг болур бу көнилик улы

### Элиг жавабы Айтолдыққа

847 Элиг айды көргил көниләр өзи
Тили көңли бирлә бирикәр сэзи

848 Ташы-ул ичи-ул ичи-тэг ташы
Бу йаңлығ болур-ул көни чын киши

849 Көңүлни чықарса айада уруб
Йурыса уйадмаса йалңуқ көрүб

37б 850 Көнилик кэрәк эркә қопсун қутун
Көнилик аты-ул кишилик бүтүн

851 Қыз эрмәс бу йалңуқ кишилик қыз-ул
Аз эрмәс бу йалңуқ көнилик аз-ул

852 Муңар мэңзәтү айды шаъир бу сөз
Сэңәр сөзләди эмди көргил бу сөз

853 Йурығлы бу йалңуқ эди-өк өкүш
Көни чын бүтүн эр мэңә кэз көшүш

854 Қыз эрмәс киши көр кишилик қыз-ул
Көни чын кишиләрни өгди уқуш

### Айтолды савалы элигкә

855 Йана айды Айтолды элиг қуты
Мэңә ачсу эмди бу сөзнүң қаты

856 Бу эдгү кишиләр болур-мэ эсиз
Эсиз ма урур-му көр эдгүкә из

### Элиг жавабы Айтолдыққа

857 Элиг айды эдгү эки түрлүг-ул
Мунунда бири чын тутар эдгү йол



www.ziyouz.com kutubxonasi

845 Менга тўғрилик ҳақида сўзла, тўғрилик қандай бўлади?
Токи инсон у туфайли рўшноликка чиқса.

846 Тўғрилик йўли деб қандай (йўлни) айтадилар,
Тўғриликнинг пояси (асоси) қанақа бўлади?

### Элигнинг Ойтўлдига жавоби

847 Элиг айтди: Кўргин, тўғриларнинг
Тили, дили билан сўзи бир бўлади.

848 Ичи сиртидек, сирти эса ичидек,
Тўғри, рост киши мана шу янглиғ бўлади.

849 Дилини кафтига олиб сиртга чиқарса,
Юрса, токи одамларни кўрганда уятли бўлмаса.

850 Тўғрилик киши учун жуда лозим, у бахт билан улғайсин,
Тўғрилик — бу айнан инсонлик демакдир.

851 Одам қимматли эмас, одамгарчилик қимматли,
Одам оз (ноёб) эмас, тўғрилик оз (ноёб)

852 Бунга қиёс қилиб шоир ушбу сўзни айтибди,
Мен бу сўзни энди сенга сўзладим, кўргин:

853 Юрувчи инсон жуда-жуда кўпдир,
Тўғри, чин, етук киши мен учун жуда азиз.

854 Киши қиммат эмас, кўргин, кишилик қиммат,
Уқув-идрок тўғри, чин кишиларни мадҳ этди.

### Ойтўлдининг элигга саволи

855 Ойтўлди яна айтди: Бахтиёр элиг
Мен учун бу сўз(лар)нинг тахини очсин.

856 Бу (янглиғ) эзгу кишилар ёмон бўлиши ҳам мумкинми?
Ёмон (кишилар) ҳам (ўз навбатида) яхшиларга эргашиши мумкинми?

### Элигнинг Ойтўлдига жавоби

857 Элиг айтди: Эзгу (кишилар) икки турлидир,
Булардан бири чин ва яхши йўл тутувчилардир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

858 Бир эд̆гү болур кэр анадын туғуб
Йурыр ул көни чын көр эд̆гү болуб

859 Тақы бири эд̆гү көр өткүнч болур
Эсизкә қатылса ул эсиз қылур

860 Эки түрлүг-ул көр бу эсиз йәмә
Экигүни бир тэб эсизкә сама

38а 861 Туға эсиз-ул көр мунуңда бири
Бу эр өлмәгинчә арымас кири

862 Тақы бири өткүнч болур бу эсиз
Эши эд̆гү болса түзәр бу ма из

863 Туға эд̆гүдин тутчы эд̆гү кэлир
Аӂун буд̆ны андын асығлар алыр

864 Туға эсиз эрсә аңар йоқ оты
Аӂунқа бала-ул буд̆унқа йуты

865 Муңар мэңзәтү айды түркчә масал
Эшитгил муны сэн уқыб өзкә ал

866 Өрүң сүт билә кирсә эд̆гү қылық
Өлүм тутмағынча эв̇үрмәс йорық

867 Тад̆у бирлә қатлыб төрүмиш қылынч
Өлүм бузмағынча бузылмас эринч

868 Қарында төрүмиш қылынч өгрәтиг
Йағыз йэр қатында кэтәр эй тэтиг

869 Қалы эд̆гүкә болса эсиз эши
Эсиз болды қылқы ул эсиз түши

870 Эсизкә қатылса көр эд̆гү билә
Қамуғ эд̆гүлүгкә бу болды йол-а

871 Тақы бир сабаб көр бу эд̆гү эсиз
Йақынлық йолындын түзәр түзсә из

872 Бэги эд̆гү болса буд̆ун барча түз
Болур қылқы эд̆гү йорықлары уз



www.ziyouz.com kutubxonasi

858 Яна бир хил яхши бўладики, онадан туғилиб,
Тўғри ва рост (йўлда) юради, доим яхши бўлади.

859 Яхшиларнинг яна бири, кўргин, ўткинчи бўлади,
Ёмонга аралашса, у ҳам ёмон (ишлар) қилади.

860 Ёмон (кишилар) ҳам икки турли бўлади, кўргин,
Иккаласини бир ҳисоблаб ёмонга санама.

861 Булардан бири туға ёмондир, кўргин,
Бундай киши ўлмагунча унинг кири (нуқсони) аримайди.

862 Яна бир ёмон — бу ўткинчидир,
Унинг жўралари соз бўлса, у ҳам тўғри йўлга киради.

863 Туға яхши кишидан пайваста яхшилик келади,
Жаҳон халқи ундан манфаат топади.

864 Туға ёмон бўлса унга даво йўқ,
У жаҳонга бир бало ва халқ учун бир офат.

865 Бунга ўхшатиб туркча масал айтилган,
Сен буни эшитгин, уқиб уни ўзингга олгин:

866 Яхши қилиқ оқ сут билан кирса,
Ўлим келиб тутмагунча ўз тарзини ўзгартирмайди.

867 Мизожга аралашиб яратилган қилиқ,
Ўлим бузмагунча асло бузилмайди.

868 Қоринда вужуд бўлган қилиқ, одат,
Қора ер қатида кетади, эй тетик.

869 Агар яхшининг ёмондан жўраси бўлса,
Яхшининг қилиқлари ҳам ёмон жўра тенгида ёмон бўлади.

870 Яхши била туриб ёмон билан қўшилса,
Тамоми яхшиликлар учун бу бир йўл бўлади.

871 Яна бир сабаб шуки, кўргин, яхши билан ёмон
Яқинлик туфайлидан изини (йўлини) тўғрилайди.

872 Агар беги яхши бўлса, барча халқи соз бўлади,
Унинг қилиқлари яхши, феълу рафтори гўзал бўлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

873 Йақын тутса бэгләр көр эд̆гү кишиг
Эсиз барча эд̆гү қылур-ул ишиг

874 Эсизләр йақын болса бэгләр тапа
Узады эсиз әлги элкә түпә

875 Эсиз баш көтүрсә көр эд̆гү йитәр
Бу эд̆гү әлиг булса эсиз кэтәр

38б 876 Қалы эд̆гү болса бу бэгләр қутун
Қамуғ эд̆гү болды қарасы бүтүн

877 Бу бэгләр эсиз болмағынча эсиз
Ул элдә сэв̇үнчүн қызартмас мэңиз

878 Нэ эд̆гү төрү урды бэгләр бэги
Эсизкә бу қын бэркә зиндан бэки

879 Қалы эд̆гү болса буд̆ун башчысы
Қамуғ эд̆гү болды анын ишчиси

880 Апаң эд̆гү болса бу бэгләр өзүн
Байур буд̇ны барча көр этлүр ажун

## Айтолды савалы элигкә

881 Йана айды Айтолды уқтум муны
Элиг йарлықады бу сөзләр көни

882 Бу эд̆гүг билир-ул киши эд̆гү тэб
Асығлығ эрүрин муны қылғу тэб

883 Тав̇ар барча йалңуқ тиләр арзулар
Аны қулдачылар нэлүг булдылар

884 Элиг айды эд̆гү талу нэң турур
Талу нэңни тутши талулар қулур

885 Қайу нэң талу болса өд̆рүм болур
Анын қылмақы барча өзкә болур

886 Эсизлик ужуз-ул аны қылдачы
Йав̇уз иш ужуз-ул эсиз болдачы



www.ziyouz.com kutubxonasi

873 Кўргин, беглар эзгу кишиларни ўзига яқин тутса,
Барча ёмонлар ҳам ишни яхши қилади.

874 Бегларга ёмонлар яқин бўлса,
Ёмонларнинг қўли эл устидан баланд бўлади.

875 Агар ёмон(лар) бош кўтарса, кўргин, яхшилар маҳв бўлади,
Агар яхшиларнинг қўли баланд бўлса, ёмон(лар) кетади.

876 Агар бахтиёр беглар яхши бўлсалар,
Уларнинг барча табааси ҳам тугал яхши бўлади.

877 Токи бегларнинг ўзлари ёмон бўлмагунча, ёмонлар
Бу бегларнинг элида севинч билан чеҳраси очилмайди.

878 Қанчалик тўғри сиёсат юритди беглар беги,
Ёмон(лар) учун қийноқ, калтак ва зиндон хифзини қўллаб.

879 Агар халқнинг бошчиси яхши бўлса,
Унинг хизматчилари барчаси яхши бўлади.

880 Агар беглар ўзлари яхши бўлсалар,
Барча халқи бойийди, олам гулистон бўлади.

### Ойтўлдининг элигга саволи

881 Ойтўлди яна айтди: Буларни тушундим,
Элиг айтган бу сўзлар жуда тўғри.

882 Яхши(лик)ни биладиган киши яхши, деб,
Фойдали бўладиганини, бу ишни қилиш керак, деб (тўғри айтдинг).

883 Мол-дунёни барча халқ истайди, орзу қилади,
Уни истовчилар қандай қилиб (етишадилар) топадилар?

884 Элиг айтди: Яхши(лик) бу асл нарсадир,
Бу асл нарсани ҳамма вақт асл кишилар истайдилар.

885 Қайси нарса асл бўлса, ўша (нарса) сара бўлади,
Уни қилиш барча кишига ярашади.

886 Ёмонликчи, уни қилувчи киши тубандир,
Ярамас иш ёмонликка олиб келадиган тубан нарсадир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

887 Қайу нэң ужуз болса йэрдэ йатур
Ағы жуз ағыр болды төрдэ йатур

888 Бу эдгү̦ ағыш-тэг ағыр ағқуқа
Йав̆уз нэң иниш-ул ужуз болғуқа

39*а* 889 Муңар мэңзэтү сөзлэди көр уқуш
Уқушлуғ сөзи тутса асғы өкүш

890 Ағыш-тэг бу эдгү ағулмаз киши
Тэгиб тэкмэ йаңлуқ қылумаз иши

891 Ағыр-тэг қамуғы ағыр қылғуқа

Қылумаз бу ишни билигсиз киши

892 Бу Айтолды айды эй элиг қуты
Бу өгди билэ мунча эд̆гү аты

893 Муны бар-му йаңлуқ аны сөзлэгү
Уқушлуғ уқар-му билир-му нэкү

### Элиг жавабы Айтолдықа

894 Элиг айды эд̆гү тучы өгдилүр
Муны бу эсизлэр ара сав̆ланур

895 Йақынлық қылур эр кишикэ түши
Йав̆уз болмаса қылмаз эд̆гү иши

896 Бу сатғағ басынчақ үчүн эд̆гүни
Эсизлэр йурыб көр йарутмас күн̆и

897 Ким эд̆гү қылур болса эд̆гү булур
Басынчақ йа сатғағқа бақмаз болур

898 Ким эрсэ бу күнлүг тилэсэ сэв̆инч
Эсизлық[20] қылур-ул йарын йэр сақынч

899 Бу эд̆гү тилэгли нэкү тэр эшит
Қамуғ эд̆гүлүк қыл өзүңгэ иш эт

900 Ким эд̆гү бэрэр эрсэ эсиз булур[21]
Тилэр-мэн эй эд̆гү с̇эни мэн қулуб



www.ziyouz.com kutubxonasi

887 Қайси нарса беқадр бўлса, ерда ётади,
Ипак, шоҳи қимматли бўлганлиги учун тўрда ётади (қадрланади).

888 Яхши(лик) улуғлашиш учун юксалиш каби қимматлидир,
Ярамас иш беқадр бўлиш учун юз тубан кетишдир.

889 Заковат бунга мослаб сўзлади,
Заковатли киши сўзини тутилса, фойдаси кўпдир:

890 Яхши(лик) бу юксакликдир, лекин киши юксала олмайди,
Ҳар киши ҳам насиб бўлиб бу (иш)ни қила олавермайди.

891 Улуғлашиш учун (эзгунинг) борлиғи юқорига кўтарилиш кабидир.
Бу ишни эса билимсиз, нодон киши қила олмайди.

892 Ойтўлди айтди: Эй бахтиёр элиг,
Эзгу деган ном бунчалик мақтовлар билан экан.

893 Унинг инсон гапириши мумкин бўлган (ҳеч бир) нуқсони борми?
Уқув-идроклилар уни тушунадими, била оладими?

### Элигнинг. Ойтўлдига жавоби

894 Элиг айтди: Эзгу доим мақталади,
Яхши хислатлари ёмонлар орасида ҳикоя қилинади.

895 Яқинлик қилувчи мард кишига дўстлик учун
Эзгу(лар) ишини қилмайдиган ёвузлар (зинҳор) ярамайди.

896 Жабру ситамдида (бўлганлиги) сабабли яхшилар
Рўшноликка чиқмай, ёмонлар роҳатда яшамоқдалар, кўргин.

897 Ким яхши(лик) қилса, яхши(лик) топади,
У жабру ситамдийдаликка қарамайди.

898 Кимда-ким бу кунлик (ҳозирги) севинчини (ҳузурини) тиласа,
У ёмонлик қилади, сўнг пушаймон ейди.

899 Яхшилик тиловчи (киши) нима дейди, эшит:
Фақат яхшилик қил, (яхшиликни) ўзингга касб қилиб ол.

900 Кимда-ким ёмонлик кўриб яхшилик қиладиган бўлса,
Эй эзгу, мен сени орзу қилиб тилайман.



www.ziyouz.com kutubxonasi

901 Эй эдгү сэңэр ким тодар ай мэңэ
Бару кэл ачайын сэңэр мэн үлүб

39б 902 Йас эрмэз бу эдгү бу күнлүг сэңэ
Йарын болға асғың бу күн бүт муңа

903 Асығ көр йүз урса бу күнлүг сэңэ

Йарын йас қылур анда бүтгил аңа

904 Бу эдгү оң-ул көр эсизлик сол-ул
Солундын таму орны уштмаҳ оң-ул

905 Нэчэ ма эрэжлэнсэ эсиз бу күн
Өкүнч бирлэ эмгэр йарынқы күнүн

906 Нэчэ сатғағ эрсэ бу эдгү киши
Өкүнмэз йарын анда этлүр иши

907 Ҳақиқат муны бил эй Айтолды сэн
Өкүнчсүз ма эдгү атын өлсэ сэн

908 Айа эдгү аймыш көни эр тили
Көни эр тили урды сөзкэ улы

909 Ким эдгү қылур болса эсиз булуб
Тилэр-мэн эй эдгү аны мэн қулуб

910 Эй эдгү сэңэр ким тодар ай мэңэ
Бару кэлгил эмди мэн ич[22]-мэн сэңэ

911 Нэчэ сатғағ эрсэ бу эдгү киши
Тапы-мэн болайын бу эдгү эши

912 Эсизлик билэ болса бэглик мэңэ
Кэрэкмэс бу бэглик қодур-мэн сэңэ

913 Киши қылқы эсиз көрүр-мэн көзүн

Эрижи аз-ул көр өкүнчи узун

914 Муңар мэңзэтү айды шаъир бу сөз
Уқыса ачылғай йэти қыл бу көз



www.ziyouz.com kutubxonasi

901 Эй эзгу, сенга ким тўяди, менга айтиб бер,
Бери кел, мен сенга бирма-бир баён қилайин.

902 Эзгулик сенга бугунгилик (кунинг учун) зарар эмас,
У сенинг эрталик кунинг учун фойда бўлади, бугун менга ишонгин.

903 Сенга бугунлик [яъни ҳозирги-ҳузурги] манфаат насиб бўлса, кўргин,
Эрта бу манфаат сенга унда [яъни у дунёда] зиён қилади, унга иқрор бўлгин.

904 Эзгу(лик) ўнгдир, кўргин, ёмон(лик) эса сўлдир,
Сўлингда дўзах ўрни, жаннат ўнгингдадир.

905 Ёмон бу кунги ҳаётида қанчалик роҳатда бўлса,
Кейинги кунларида ўкинч билан машаққат чекади.

906 Эзгу киши қанчалик ситамдийда бўлса,
Кейин у ерда [яъни у дунёда] ўкинмайди, барча ишлари соз бўлади.

907 Эй Ойтўлди, сен ҳақиқат мояси деб шуни билгинки,
Сен ўкинчсиз ва яхши ном чиқариб ўлсанг.

908 Тўғри киши тили жуда яхши айтибди,
Тўғри киши тили эса сўзларга асос бўлади:

909 Кимда-ким ёмонлик кўриб яхшилик қилса,
Эй эзгу, мен уни орзу қилиб истайман.

910 Эй эзгу, сенга ким тўяди, айтиб бер менга,
Энди бери кел, мен сенга (жуда) очман!

911 Эзгу киши қанчалик ситамкаш бўлмасин,
Розиман, шу эзгу кишининг эши бўлайин.

912 Беглик менга ёмонлик билан бўладиган бўлса,
Бундай беглик менга керак эмас, уни сенга топширдим.

913 Кишиларнинг қилиғи ярамас, мен (буни) ўз кўзим билан кўриб турибман,
Уларнинг ҳаловати жуда оз, ўкинчи эса узундан-узоқ.

914 Бунга ўхшатиб шоир ушбу сўзларни айтди,
Уни уқсанг, маъниси очилади, кўзингни зийрак қил:



www.ziyouz.com kutubxonasi

915 Қайу эдгү өкнүр көр эдгү үчүн
Атықмыш эсиз ахир өк(ү)нүр кучүн

916 Эсиз қылса эсиз йануты өкүнч
Оса эдгүлүк қыл эсизкә өчүн

40а 917 Нэкү-тэг өгәйин бу эсиз кишиг
Нэкү-тэг тиләйин бу эсиз эшиг

918 Отунлуқ быв̇алық йав̇алық қамуғ
Эсизләр қылынчы болур эй йулуғ

919 Бала мэҳнат эмгәк өкүнчүн сығыт
Эсизләр йануты болур эй йигит

920 Қалы сэв̇мәйин көр бу эдгү кишиг
Қалы өгмәйин мэн бу эдгү эшиг

921 Ақылық кишилик асығ эдгүлүг
Бу эдгү кишидин кэлүр бэлгүлүг

922 Бу эдгү киши барча эш эдгүси
Бу эдгү эш-ул барча эш эдгүси

923 Эшиң эдгү болса нэкү қулса қыл
Эш эдгү кэрәк-ул өзүң булса бул

924 Эрәж арзу нэъмат күв̇әнчин ав̇ынч
Бу эдгү йануты болур бу сэв̇инч

925 Элиг айды Айтолды уққыл бу сөз
Айытмыш сөзүңгә йанут қылды өз

926 Йэр өпти көр Айтолды турды өрү
Айур эй ыдуқ бэг эй эдгү төрү

927 Ажун эрки булдуң узун болсу йаш
Эрәж эдгү бирлә эсән болсу баш

928 Бузулмасу бэгләр бэдүглүк билә
Ав̇ынчын тириглик сэв̇инчин күлә

929 Улуғлуқ билә бул өкүш элкә эрк
Бу эрк бирлә бэглик улы болсу бэрк



www.ziyouz.com kutubxonasi

915 (Қилган) эзгуликлари учун қайси эзгу ўкинади, кўр,
Ёмонлик билан ном чиқарган эса оқибат ноилож пушаймон қилади.

916 Ёмонлик қилинса, ёмонлик эвази — ўкинч,
Андишали бўл, атайлаб ёмонга яхшилик қил.

917 Қандай қилиб ёмон кишини мақтайин,
Қандай қилиб ёмон эшни истайин.

918 Тубанлик, пасткашлик, беҳудакорлик барчаси
Ёмонлар қилиғидир, эй фидойи.

919 Бало, меҳнат, машаққат, ўкинч билан йиғи,
Ёмонлар мукофоти бўлади, эй йигит.

920 Қандай қилиб севмайин бу эзгу кишини, кўр,
Қандай қилиб мақтамайин бундай эзгу эшни.

921 Саховат, одамгарчилик, наф ва эзгуликлар
Эзгу кишилардан келади, бу аниқ.

922 Эзгу киши барча эшлар эзгусидир,
Эзгу эш барча эшлар эзгусидир.

923 Эшинг эзгу бўлса, нима истаса қил,
Эзгу эш керакдир, ўзинг истасанг эзгу эш иста.

924 Ҳаловат, орзу, неъмат, қувонч ва овинч,
Севинч — булар эзгулар мукофоти бўлади.

925 Элиг айтди: Ойтўлди, бу сўзларни уққин,
Сўраган сўзларингга мен жавоб қилдим.

926 Ойтўлди ер ўпди, кўр, (ўрнидан) юқори турди,
Айтди: Эй табаррук бег, эй эзгу сиёсатли.

927 Жаҳонга ҳукмрон бўлдинг, ёшинг узун бўлсин,
Фароғат, эзгуликлар билан бошинг эсон бўлсин.

928 Беглар буюклигидан айрилмасин,
Севинч билан кулиб овунчда яшасин.

929 Улуғлик билан талай элларга эрк топ [яъни ҳукмрон бўл],
Бегликнинг пойдевори шу эрк билан мустаҳкамлансин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

930 Ақа кэлсү арзу қурымас болуб
Қапуғ тутсу давлат қарымас болуб

931 Сэв̇инч барча йумқы сэңә кэлсүни
Сақынч бирлә душман сызыб өлсүни

40б 932 Нэкү тэр эшитгил тапуғ қылмыш эр
Тапуғ бирлә арзу тиләк булмыш эр

933 Тапуғ қылма қылса сазақа тапын
Саза бэг билир-ул тапуғчы ҳақын

934 Тапунма тапунса ақы тапғы қыл
Ақы эв̇и алтун күмүш қапғы бил

935 Саранқа тапунма э тапнур киши
Тириглик йав̇а болға эсиз башы

936 Өзингә эсиргәр саран өз нәңин
Кишикә қачан бэргә айгыл нәңин

937 Сөзин кэсти Айтолды чықты туруб
Эв̇ингә йүз урды сэв̇инчлиг болуб

938 Қыйықсыз тапуғ қылды анда нару
Түни йатты йатғақта күндүз өрү

939 Ҳақиқат тапунды бағырсақлықын
Элиг тутты күндә өзингә йақын

940 Йэмә кэчти өд̇ләф бир анча бу йаң
Бу Айтолды тапғун қызыл қылды әң

**Баб. Сөзләмәк-му эд̇гүрәк азу йа шүк турмақ-му эд̇гүрәкини айтур**

941 Элиг бир күн Айтолдыны үндәди
Орун бэрди олтур тэйү имләди

942 Бу Айтолды олтурды ақру силиг
Көзин йэркә тикти бэкүтти тилиг

943 Элиг айды Айтолды сөзлә сөзүң
Нэлүг шүк турур-сә на болды өзүң



www.ziyouz.com kutubxonasi

930 Орзулар қуримас (сув) бўлиб оқиб келсин,
Қаримайдиган (безавол) бўлиб давлат эшик очсин.

931 Севинч барчаси йиғилиб сенга келсин,
Алам билан душман(ларинг) заифлашиб ўлсин.

932 Хизмат қилган киши нима дейди, эшитгин,
Хизмати туфайли орзу-тилакларига етган киши:

933 (Аввало) хизмат қилма, агар қилсанг, сазовор (киши)га қил,
Сазовор бег хизматчи ҳақини билади.

934 Аввало хизмат қилма, қилсанг саховатли (киши) хизматини қил,
Саховатли (киши)нинг уйи олтин ва кумуш кони, бил.

935 Эй хизмат қилувчи киши, хасисга хизмат қилма,
Тириклигинг беҳуда кетади, афсусга бош (сабаб) бўлади.

936 Хасис ўз нарсасини ўзидан ҳам аяйди,
Айтчи, у ўз нарсасини ўзгага қачон беради?

937 Ойтўлди сўзини тугатди, туриб (ташқари) чиқди,
Севинчли бўлиб, ўз уйига юз урди.

938 Шундан бошлаб оғишмай хизмат қилди,
Тунлари пойлоқчилик қилди, кундузлари хизматда юрди.

939 Ҳақиқатан садоқат билан хизмат қилди,
Кундан-кунга элиг уни ўзига яқинроқ тутди.

940 Шу тарзда яна бир қанча вақтлар ўтди,
Ойтўлди ўз хизмати билан юзини ёруғ қилди.

## Боб. Сўзламоқ яхшироқми ёки сўзламай жим турмоқ (яхшироқми) эканлигини айтади

941 Элиг бир куни Ойтўлдини чақирди,
Жой кўрсатди, ўлтир, деб имлади.

942 Ойтўлди тавозе билан аста ўлтирди,
Кўзини ерга тикди, тилини беркитди [яъни тилига эҳтиёт бўлди].

943 Элиг айтди: Ойтўлди, сўзларингни сўзла,
Нима учун жим турибсан, сенга нима бўлди?



www.ziyouz.com kutubxonasi

944 Бу Айтолды айды э бэглэр бэги
Қулы бэг йүзи көрсэ йитрүр өзи

41*a* 945 Элиг йарлықамас нэкү сөзлэйин
Айытмаста ашну нэкү өтнэйин

946 Билиглиг сөзи сэн эшит узнама
Айытмаста ашну сөзүң сөзлэмэ

947 Кишиг ким оқыса кэрэклэб тилэб
Ул-оқ сөзлэгү ашну сөзни улаб

948 Айытмаста ашну сөзүң сөзлэмэ[23]
Көни сөзлэди ким э йылқы тэсэ

949 Тақы тэлвэ мундуз киши бу билин
Айытмады бэглэркэ ачса тилин

950 Қызыл тил қылур қысға йашлығ сэни
Эсэнлик тилэсэ қатығ ба аны

951 Нэкү тэр эшитгил өзин қысған эр
Эсэн тирлүр инчин өзин басған эр

952 Қара баш йағысы қызыл тил турур
Нэчэ баш йэди бу тақы ма йэйүр

953 Башыңны тилэсэ тилиңни көдэз
Тилиң тэкмэ күндэ башыңны йэйүр

954 Элиг айды уқтум сөзүңни түгэл
Тириг сөзлэмэсэ эди-өк маҳал

955 Магар экки түрлүг киши-ул билин
Бириси билигсиз бириси ағын

956 Ағын кэндү бэрклиг тили сөзлэмэс
Билигсиз тили-ул сөзин кэзлэмэс

957 Билигсиз тили тутчы бэрклиг кэрэк
Билиглик киши тылқа[24] эрклиг кэрэк

958 Билиглиг сөзи йэркэ сув-тэг турур
Ақытса сувуғ йэрдэ нэъмат үнүр



www.ziyouz.com kutubxonasi

944 Ойтўлди айтди: Эй беглар беги,
Қули бег юзини кўрса, ўзини йўқотади.

945 Элиг буюрмасдан қандай қилиб сўзлайин,
Сўрамасдан аввал қандай қилиб арз қилайин.

946 Сен билимли сўзини эшит, бўйин товлама,
Сўрамас(лари)дан олдин сўз(лар)ингни сўзлама.

947 Кимда-ким (бирор) кишини лозим топиб, истаб чақирса,
У (чақирган)гина сўзни улаб аввал гапириши керак.

948 Сўрамас(лари)дан олдин сўз(лар)ингни сўзлама,
(Агар сўзласанг) ким, эй йилқи, деса, у тўғри гапирган бўлади.

949 Яна телба, тентак киши шуки, билгин,
(Сўз) сўрамаган бегларга сўзга тил очса.

950 Қизил тил сени қисқа ёшлик қилади,
Эсон бўлайин десанг, сен уни қаттиқ боғла.

951 Ўзини тутган эр нима дейди, эшитгин,
Ўзини босган киши фароғатда эсон-омон яшайди:

952 Қора бошнинг ёви қизил тилдир,
У қанчадан-қанча бошларни еди, яна ҳам ейди.

953 Бошим омон бўлсин десанг, тилингни эҳтиёт қил,
Тилинг истаган бир кунда бошингни ейди.

954 Элиг айтди: Сўзларингни тугал тушундим,
Тирик (киши) сўзламаслиги ҳам жуда маҳол.

955 Ахир киши икки турли бўлади, билгин,
Бири — нодон, яна бири — лол.

956 Лолнинг тили ўзи табиатан берк, у сўзлай олмайди,
Нодоннинг тили эса сўзини яшира олмайди.

957 Нодоннинг тили доим берк бўлиши керак,
Билимлининг тили сўзга эркин бўлиши керак.

958 Билимлининг сўзлари ер учун сув кабидир,
Сувни оқизилса, ерда анвойи неъматлар унади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

959 Билиглиг кишиниң сав̇ы эксүмәс
Ақығлы сүзүг йу̇л сув̇ы эксүмәс

41б 960 Өйүг чим осуғлуғ болур билгәләр
Чықар сув̇ қайуда ад̇ақ урсалар

961 Билигсиз киши көңли қум-тәг турур
Өкүз кирсә толмас ап от йэм үнүр

962 Йана айды Айтолды элиг уқар
Бу тил йасы тэгсә тириглиг түгәр

963 Тириг болсә йалңуқ қалы сөзләмәс
Кәрәклигни сөзләр киши кэзләмәс

964 Айытғу кәрәк сөз киши сөзләсә
Айытмаса сөзни қатығ кэзләсә

965 Айытмақлық эркәк турур эй элиг
Жавабы тиши-ул йэтүрсә билиг

966 Тишикә бир эркәк болур көр эри
Аныңдын туғар тугса экки уры

### Элиг савалы Айтолдықа

967 Элиг айды уқтум сөзүң барча чын
Айытқу сөзүм бар тақы бир ад̇ын

968 Бу тил йасы айдың эшиттим аны
Аның асғы бар-му айу бэр көни

969 Бу тил йасынга қорқса эмди өзүң
Йиту қалға барча асығлығ сөзүң

### Айтолды жавабы элигкә

970 Бу Айтолды айды сөз асғы тэлим
Қалы сөзләйү билсә ош бу тилим

42а 971 Йав̇а сөз билигсиз тилиндин чықар
Билигсиз кишиг билгә йылқы атар

972 Қара қылқы тэңсиз йав̇а сөзләгән
Йав̇а сөз турур бу қара баш йэгән



www.ziyouz.com kutubxonasi

959 Билимли кишининг овозаси камаймайди,
Оқувчи зилол булоқнинг суви камаймайди.

960 Донолар чим (кўк) ўсадиган сероб ер каби бўладилар,
Унинг қаерига оёқ урилса, сув чиқади.

961 Нодон киши кўнгли қум (чўл) каби бўлади,
Емиш, ўт ўсиши у ёқда турсин, унга дарё оқиб кирса ҳам тўлмайди.

962 Ойтўлди яна айтди: элиг (буни) яхши уқадики,
Агар тилнинг зиёни етса, тириклик тугайди.

963 Киши тирик экан, у қандай қилиб сўзламайди,
Киши керакли сўзни сўзлайди, яширмайди.

964 Агар киши сўзлаши керак бўлса, аввал ундан сўз сўралган бўлиши керак,
Агар сўралмаса, у киши сўзни ниҳоятда сир тутиши яхши.

965 Сўрамоқлик — бу эркак (каби)дир, эй элиг,
Жавоби эса заифа (каби)дир, агар билим етказсанг [яъни ўйлаб кўрсанг].

966 Заифага бир эркак эр бўлади,
Туғса, ундан икки ўғил туғилади [яъни сўроқдан жавоб кўпроқ].

### Элигнинг Ойтўлдига саволи

967 Элиг айтди: Тушундим, барча сўзларинг чин,
Яна бир сўрайдиган сўзим бор.

968 Тилнинг зарарларини гапирдинг, улар ҳақида эшитдим,
Унинг нафлари ҳам борми? (Буларни) ҳам тўғри айтиб бер.

969 Агар энди ўзинг тилнинг зарарларидан қўрқадиган бўлсанг,
Барча фойдали сўзларинг ҳам йўққа чиқади.

### Ойтўлдининг элигга жавоби

970 Ойтўлди айтди: Сўзнинг фойдаси (жуда) кўп,
Агар бу тилим уни таърифлаб бера олса.

971 Беҳуда сўз билимсиз тилидан чиқади,
Билимсиз кишини доно йилқи атайди.

972 Жоҳил одати тенги йўқ беҳуда сўзлашдан иборат,
Қора бошни еган нарса беҳуда сўздир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

973 Йава сөзләсә сөз нәчә йас қылур
Агар сөзләйү билсә асғы болур

974 Қара қарны тодса көр уд-тәг йатур
Йава сөзкә авнур өзин сәмритүр

975 Йэсә тодса йатса бу йылқы турур
Бу йылқы тәдүкүм бу қылқы турур

976 Билиглиг кишиләр этөз йаврытур
Билиг бирлә авнур жанын сәмритүр

977 Этөз үлги барча боғуздын кирүр
Бу жан үлги чын сөз қулақдин кирүр

978 Билиг бәлгүси көр эки нәң турур
Бу экки билә эр қызыл эң урур

979 Бири тил турур көр бириси боғуз
Бу экки баса тутса асғы өкүз

980 Билиглиг боғуз тылқа эрклиг кәрәк
Боғуз тил көдәзгән билиглиг кәрәк

### Элиг савалы Айтолдықа

981 Элиг айды уқтум бу сөз бәлгүлүг
Сөз аслы нәчә-ул нәкү-ул үлүг

982 Қайудын чықар сөз қайуқа барыр
Муны ма айу бәр мәңә эй билир

983 Нәчә сөзләмәгү нәчә сөзләгү
Нәкү тәр уқушлуғ билиглиг нәкү

42б

### Айтолды жавабы элигкә

984 Бу Айтолды айды сөз орны сыр-ул
Сөз үлги он-ул сөзләгүси бир-ул

985 Бири сөзләгү-ул тоқузы тыдығ
Тыдығ сөз түби аслы барча йыдығ



www.ziyouz.com kutubxonasi

973 Сўзни беҳуда сўзласанг, қанчадан-қанча зиён келтиради,
Агар сўзлай билсанг, унинг фойдаси бўлади.

974 Жоҳил қорни тўйса, ҳўкиздек ётади, кўр,
Беҳуда сўзга ғарқ бўлиб ўзини семиртиради.

975 Еса, тўйса ва ётса — бу демак йилқидир,
Бу йилқи деганим унинг қилиқлари (учун)дир.

976 Донишманд кишилар ўз жисмларини койитадилар,
Билим билан овуниб ўз жонларига ором берадилар.

977 Жисм (тана)нинг ҳиссаси бўғиздан киради,
Жон (руҳ)нинг ҳиссаси эса чин сўз бўлиб, у қулоқдан киради.

978 Билимнинг белгиси икки нарсадир, кўр,
Бу икки (нарса) билан кишининг юзи ёруғ бўлади:

979 Бири — тил, бири эса бўғиздир (нафсдир),
Шу иккаласини тия билсанг, фойдаси дарё кабидир.

980 Билимли, нафс (ва) тилга иродали бўлиши керак,
Нафс (ва) тилни тиядиган киши билимли бўлиши керак.

## Элигнинг Ойтўлдига жавоби

981 Элиг айтди: Бу сўзларни айнан тушундим,
Сўзнинг асли қанақа (ва) ундан бўладиган баҳра қандайлигини (уқдим).

982 Сўз қаердан чиқади ва қаерга боради?
Менга шуларни ҳам айтиб бер, эй билағон.

983 Қанча сўзламаслик, қанча сўзлашлик керак (андазаси қанақа)?
Уқув-идрокли (ва) доно бу ҳақда нима дейди?

## Ойтўлдининг элигга жавоби

984 Ойтўлди айтди: Сўзнинг ўрни сир [яъни киши учун номаълум]дир,
Сўз ўн ҳисса, сўзланадигани эса бир (ҳисса)дир.

985 Бири — сўзланадиган, тўққизи эса — тийиладиган,
Тийилган сўзнинг негизи, асли бутунлай саранжомликдир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

### Элиг савалы Айтолдықа

986 Йана айды Айтолды сөз асғы нэчә
Йасы ма нэчә-ул мэңә ай ача

### Айтолды жавабы элигкә

987 Бу Айтолды айды сөз асғы улуғ
Йэринчә түшүрсә бэдүтүр қулуғ

988 Сөз асғы билә көр йағыз йэрдәки
Йашыл көккә йуқлар болур төрдәки

989 Қалы сөзләйү билмәсә тил сөзүг
Йашыл көкдә эрсә көр индүр[25] өзүг

### Элиг савалы Айтолдықа

990 Йана айды сөзнүң өкүши нэчә
Азы ма нэчә-ул мэнә ай ача

43*а*

### Айтолды жавабы элигкә

991 Бу Айтолды айды өкүш сөз ул-ул
Айытмады сөзләб ириксә көңүл

992 Бу аз сөз ул-ул ким айытмышқа өз
Жаваб бэрсә сөзкә йанут қылса сөз

993 Муңар мэңзәтү айды шаъир сөзи
Тили сөз билә түзди ачты йүзи

994 Сөзүг йақшы сөзлә эди сақну өз
Айытуқта сөзлә йана тәркин уз

995 Өкүш сөз эшитгил тэлим сөзләмә
Уқуш бирлә сөзлә билиг бирлә түз

### Элиг савалы Айтолдықа

996 Элиг айды уқтум бу сөзни йэмә
Тақы бир сөзүм бар сэн ай кэзләмә

997 Киминдин эшитгү кэрәк сөз чыны
Сөзүг кимкә айғу мэңә ай көни



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Элигнинг Ойтўлдига саволи

986 Ойтўлди яна айтди: Сўзнинг фойдаси қай даражада,
Зарари қай даражада? Шуларни менга очиқ айт!

## Ойтўлдининг элигга жавоби

987 Ойтўлди айтди: Сўзнинг фойдаси (жуда) улуғ,
Агар уни жойига қўйса, қулини улуғлайди.

988 Сўз фойдаси туфайли, кўргин, қора ердаги
Яшил кўкка юксалади, тўрга чиқади.

989 Агар тил сўзни уддалаб сўзлай олмаса,
Яшил кўкда бўлса ҳам, у кишини пастга туширади, кўр.

## Элигнинг Ойтўлдига саволи

990 Яна айтди: Сўзнинг кўпи қанча,
Ва ози қанча? Менга очиқ айт!

## Ойтўлдининг элигга жавоби

991 Ойтўлди айтди: Сўзнинг кўпи шулдирки,
Сўрамаган (сўз)ни сўзлаб кўнгилга тегса.

992 Сўзнинг ози шулдирки, сўраганга киши
Жавоб берса, сўзга (тенг) сўз билан жавоб қилса.

993 Шоир сўзини бунга ўхшатиб айтди,
(У) тилини сўз билан безади, юзини очди [яъни хушрўй бўлди]:

994 Ўзинг жуда ўйлаб сўзни яхши сўзла,
Сўраганда сўзла, яна тезликда тамом қил.

995 Сўзни кўп эшитгин, лекин ортиқ сўзлама,
Идрок билан сўзла, билим билан андазала.

## Элигнинг Ойтўлдига саволи

996 Элиг айтди: Бу сўзларни ҳам тушундим,
Яна бир сўзим бор, айтиб бер, яширма:

997 Сўзнинг чинини кимдан эшитиш керак?
Сўзни кимга айтиш керак, менга тўғрисини айт!



www.ziyouz.com kutubxonasi

### Айтолды жавабы элигкә

998 Бу Айтолды айды сөзүг билгәдин
Эшитгу билигсизкә айса кәдин

999 Улуғдын эшитгү кәрәклиг сөзүг
Қичигкә айу бәргү тутса өзүг

43б 1000 Өкүш тыңлағу сөз бирәр сөзләгү
Мәңә мундағ айды билиглиг бөгү

1001 Өкүш сөзләйү билгә болмас киши
Өкүш эштү билгә болур түз башы

1002 Ағын болса йалңуқ билир ҳам билиг
Йаңу болса тәгмәс билигкә әлиг

### Элиг савалы Айтолдықа

1003 Йана айды элиг уқулды бу сөз
Тақы бир сөзүм бар аны айсун өз

1004 Тылығ шүк-му тутғу азу сөзләсә
Сөзүг ачса-му йәг азу кәзләсә

### Айтолды жавабы элигкә

1005 Бу Айтолды айды эшитгил элиг
Тилин сөзләмәсә қалыр бу билиг

1006 Тылығ сөксә болмас тәлим өггүси
Сөзүг өггүси бар йәмә сөкгүси

1007 Қамуғ тәбрәнигли бу сансыз қалын
Тануқлуқ бәрүр бир байатығ тилин

1008 Төрүтти түмән миң халайиқларығ
Тили бирлә таңрығ[26] өгәрләр арығ

1009 Этөзлүг кишикә кәрәки бу-ул
Бириси тилин сөз бириси көңүл

1010 Көңүл тил төрүтти көңүл сөз үчүн
Сөзи эгри болса күйәр ул күчүн



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Ойтўлдининг элигга жавоби

998 Ойтўлди айтди: Сўзни донодан
Эшитиш керак, сўнг нодонга айтса бўлади.

999 Лозим сўзни улуғ(лар)дан эшитиш керак,
Агар ўзини тута билса, сўнг кичикка айтиб бериш керак.

1000 Сўзни кўп тинглаш, бирин-бирин (оз-оз) сўзлаш керак,
Билимли доно менга шундай деган.

1001 Кўп сўзлаб киши доно бўлмайди,
Кўп эшитиб доно барчага бош бўлади.

1002 Инсон лол [яъни камгап] бўлса, билимли бўлади,
Эзма бўлса, билимга қўли тегмайди.

## Элигнинг Ойтўлдига саволи

1003 Элиг яна айтди: Бу сўзларни тушунилди,
Яна бир сўзим бор, уни ўзинг айтиб бер:

1004 Тилни тек тутиш керакми ёки сўзлаш?
Сўзни очиш яхшими ёки яшириш?

## Ойтўлдининг элигга жавоби

1005 Ойтўлди айтди: элиг, эшитгин,
Тилда сўзлаб баён қилмаса, билим (яширин) қолади.

1006 Тилни сўкса ярамайди, унинг мадҳи жуда кўп,
Сўзнинг мақтовлиси бор (ва) яна сўкишлиги ҳам.

1007 Тамоми тебранувчи, бу сон-саноқсиз зич (одамлар),
Яккаю ягона худонинг мавжудлигидан тили билан шаҳодат
берадн.

1008 У туман минг халойиқни яратгандир,
(Улар эса) тангрини тилларида холис мадҳ қиладилар.

1009 Танасида жони бор киши учун кераги ушбудир,
Бири тил (ва) сўз, бири эса кўнгил (дил)дир.

1010 Дил (ва) тилни яратди, дил (эса) сўз учундир,
Сўзи эгри бўлса, у киши ночор куяди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

44а 1011 Көни сөзләсә сөз көр асғы өкүш
Қалы сөзләсә эгри барча сөкүш

1012 Көни сөзләр эрсә тилиң тәбрәсү
Сөзүң эгри эрсә өзүң кәзләсү

1013 Тилин сөзләмәсә ағын тәр киши
Өкүш сөзләсә аты йаңшақ башы

1014 Кишида йав̇узы киши йаңшақы
Кишида ағыры киши-ул ақы

1015 Бу сөзләр эшитти сэв̇инди элиг
Көзин көккә тикти көтүрди әлиг

1016 Байатқа шукр қылды өгди өкүш
Айур эй ид̆им-сә бағырсақ көшүш

1017 Қамуғ эд̆гүлүк тәгди сэндин мәңә
Тапуғсуз қулуң-мә йазуқлуғ сәңә

1018 Тиләкимни бэрдиң қамуғ арзулар
Эрәӂ дунйа давлат өкүш эд̆гүләр

1019 Бу шукруғ нәкү-тэг өтәй өз өзүн

Мунуң шукры сэн қыл сәңә эй түзүн

1020 Сөзин кэсти ачты ағы қазнақы
Үләди өкүш нәң чығайлар ҳақы

1021 Ағырлади элиг бу Айтолдыны
Ачығ бэрди әлгин тилин өгдини

1022 Вазирлығ аңар бэрди тамға айағ
Туғы күв̇рүги бирлә бэрди қыйағ[27]

1023 Қамуғ элкә қылды көр әлги узун
Бойун эгди душман кэтәрди өзүн

1024 Бу Айтолды сүрди қамуғ иш күд̆үг
Күв̇әнч қылды өзкә бу булмыш өд̆үг

1025 Байуды буд̆ун ҳам этилди эли
Элигкә дуъа қылды буд̆ны тили



www.ziyouz.com kutubxonasi

1011 Сўзни тўғри сўзласа, кўр, фойдаси кўп,
Агар эгри сўзласачи, барчаси — сўкиш.

1012 Агар тўғри сўзласанг, тилинг тебрасин (гапиргин),
Сўзинг эгри бўлса, сен уни яширгин.

1013 Тилинг билан сўзламасанг, кишилар лол дейдилар,
Кўп сўзласа, унинг оти эзмалар бошидир.

1014 Кишиларнинг ёвузи — бу эзма кишидир,
Кишиларнинг қадрлиси — бу саховатли кишидир.

1015 Бу сўзларни эшитиб элиг севинди,
Кўзини кўкка тикди, (дуога) қўл кўтарди.

1016 Худога шукр қилди, беҳисоб ҳамд қилди,
Деди: Эй эгам, сен ўзинг меҳрибон ва азизсан.

1017 Менга барча эзгуликлар сендан етди,
Мен сенинг тоат-ибодатсиз гуноҳкор қулингман.

1018 Барча тилак-орзуларимни бердинг,
Роҳат, дунё, давлат (ва) талай эзгуликлар (ато қилдинг).

1019 Менинг ўзлик ўзим сенинг бу шукроналарингни қандай қилиб адо этай?'
Бунинг шукрини мен учун ўзинг қил, эй яхши.

1020 Сўзини тугатди, қимматбаҳо моллар хазинасини очди,
Муҳтожлар ҳақи учун талай нарсаларни улашиб берди.

1021 Элиг Ойтўлдини жуда қадрлади,
Қўли билан инъомлар, тили билан мадҳлар қилди.

1022 Унга вазирликни (ва унинг белгиси) тамға, идиш берди,
Туғи, ноғораси билан жиғасини берди.

1023 Барча элга унинг қўлини узун қилди, кўр,
Душман бўйин эгди, ўзини четга тортди.

1024 Ойтўлди барча юмуш ва ишларга бош бўлди,
Бу келган даврни ўзига қувонч деб билди.

1025 Халқ бойиди, эли яшнади,
Халқ тили элигни дуо қилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

44б 1026 Қутулды буд̆ун кэтти эмгәкләри
Қозы бирлә қатлыб йурыды бөри

1027 Этилди эли ҳам түзүлди төрү
Элиг давлаты болды күндә өрү

1028 Йурыды бир анча бу йаңлығ қутун
Түзүлди эли будны барча бүтүн

1029 Тәлим артты элдә йаңы кэнд улуш
Элиг қазнақы толды алтун күмүш

1030 Сэв̇инди элиг инчкә тэгди өзи
Аж̇унда йад̆ылды кү аты сөзи

**Баб. Қут қыв̇ылықын давлат ирсәлликин байан қылур**

1031 Түгәл булды Айтолды арзу тиләк
Қыв̇ы қут қарыб йықгы арқа йөләк

1032 Йэмә йақшы аймыш билиглиг бөгү
Түгәл болса нэъмат булунмас йэгү

1033 Тақы мунда йэгрәк билиг сөзләмиш
Түгәл болса нэъмат түгәр йаш тэмиш

1034 Эд̆и йақшы аймыш билиглиг сөзи
Бу билгә сөзи-ул билигсиз көзи

1035 Инигли ағар-ул ағығлы инәр
Йаруғлы түнәр-ул йурығлы тынар

1036 Нэ ким ишләр эрсә түгәли көд̆әр
Түгәгли түгәсә инишдә инәр

1037 Бу Айтолды булды тиләкин түгәл
Түгәтти тириглик туру қалды мал

1038 Йана эрлү кирди бу толмыш айы
Қадыр қышқа йанды йарумыш йайы

45а 1039 Йарашуқ тад̆улар қарышты ичин
Күчәнди бири тутты басты үчин



www.ziyouz.com kutubxonasi

1026 Халқ бахтиёр бўлди, мушкул-машаққатлари кетди,
Қўзи билан бўри аралашиб юрди.

1027 Эли яшнади, адолатли сиёсат тузилди,
Элигнинг давлати кундан-кунга зиёда бўлди.

1028 Бу сифат бахт билан бир қанча муддат юрди,
Эли, халқи барчаси тугал яшнади.

1029 Элда янги-янги вилоят ва қишлоқлар жуда кўпайди,
Элиг хазинаси олтин-кумушлар билан тўлди.

1030 Элиг севинди, ўзи ҳаловат топди,
Жаҳонга овозаси, номи, таърифи ёйилди.

## Боб. Бахтнинг бебақолиги ва давлатнинг бевафолигини баён қилади

1031 Ойтўлди орзу-тилакларини тугал топди,
Бебақо қут қаригач, орқа таянчни йиқитди.

1032 Бу ҳақда билимли доно янада яхши айтибди:
Неъмат тугал бўлса-да, ундан баҳрамандлик насиб бўлмайди.

1033 Заковат бундан ҳам яхшироқ таъриф берибди:
Неъмат тугал бўлгач, ёш тугайди, дебди.

1034 Билимли сўзи бу ҳақда жуда яхши айтилибди,
Бу билимли сўзи билимсиз учун кўздир:

1035 Йиқилган кўтарилади, кўтарилган йиқилади,
Ёришган қоронғулашади, юрган тинади.

1036 Нимаики иш қилинса, барчасини эҳтиёт қил,
Тугайдиган (нарса) тугаса, инқирозга юз урғач, йўқ бўлади
[яъни йўқ бўладиган нарса юз тубан кетади].

1037 Ойтўлди барча тилакларини тугал топди,
(Лекин) тириклигини тугатди, мол-дунё қолиб кетди.

1038 Тўлган ойи яна (қайта) емирилиб сўнди,
Ёриган ёзи яна қодир қишга эваз бўлди.

1039 Мос мизожлар ўзаро аралашиб кетди,
Бири кучайди, ғолиб келди, учтасини босди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1040 Тад̇у тэкшүрүлди ашы болды йиг
Ағыр болды көңли қатығ тутты иг

1041 Тад̇у артады көр күчи эксүди
Қағыл-тэг көни бод̇ эгилди қуд̇ы

1042 Тутуб чалды йэркә ағыр иг кэлиб
Төшәккә кириб йатты муңлуғ улыб

1043 Отачы тэрилди тамур көрдиләр
Ул иг ким нэ эрмиш айу бэрдиләр

1044 Қайу айды қан тутмыш эмди муны
Ача бэргү экчәк ақытғу қаны

1045 Қайу айды өтрүм ичиргү кэрәк
Өзи қатмыш эмди бошутғу кэрәк

1046 Қайусы соғық этти қатты жулаб
Қайу қылды бэрди кэрәклиг шараб

1047 От эм қалмады көр нэчә қылдылар

Йарашық нэ эрсә аны бэрдиләр

1048 Асығ қылмады күндә артты иги
Қуради күчи күндә йитти өги

1049 Нэку тэр эшитгил сақынуқ киши
Сақынуқ киши-ул кишиләр башы

1050 Қэрәк қат шалиса кэрәк тарйақ эт
Қэрәк Митридус қат йа чурны өгит

1051 Қэрәк тут отачы кэрәк эрсә қам
Өлүгликә ҳаргэз асығ қылмас эм

1052 Осал болмағыл эй тириг болдачы
Тириг болдуң эрсә өзүң өлдәчи

1053 Бу Айтолды ҳалын эшитти элиг
Өлүм тутғақы иг тэгүрмиш элиг

45б 1054 Элиг айту кэлди бу Айтолдыны
Кэлиб көрди элиг йатур ҳалыны



www.ziyouz.com kutubxonasi

1040 Мизож айниди, овқати (бир) бало бўлди,
Кўнгли (руҳи) оғирлашди, хасталик унга қаттиқ ёпишди.

1041 Мизожи бузилди, кўр, кучи камайди,
Ниҳолдек тўғри бўй қуйи эгилди.

1042 Оғир касаллик келиб тутди, ерга чалиб (йиқитди),
Мунг билан йиғлаб тўшакка кириб ётди.

1043 Табиблар йиғилишди, томир кўрдилар,
У касаллик нима эканлигини (ўзларича) айта бердилар.

1044 Баъзилари айтдилар: Уни қон тутибди [яъни босими ошибди],
Томирини очиб қртиқ қўйиш, қонини оқизиш [яъни олиш] керак

1045 Баъзилари айтдилар: Сурги ичириш лозим,
Ичи қотибди, энди ични юмшатиш керак.

1046 Баъзилари совуқликка солдилар, гулоб тайёрлаб бердилар,
Баъзилари керакли ширалар тайёрлаб бердилар.

1047 (Ҳеч) дори-дармон қолмади, назар сол, барчасини қилиб кўрдилар,
Нимаики лозим бўлса, ўшани бердилар.

1048 Бирортаси ҳам фойда бермади, касали кундан-кунга орта борди,
Кундан-кунга мадори қуриди, эси-ҳуши йўқола борди.

1049 Тадбирли киши нима дейди, эшитгин,
Тадбирли киши — барча кишиларнинг боши.

1050 Иста шалисо[27] ишлат, иста тарёқ[28] истеъмол қил,
Иста Митридус[29] ишлат ёки чурни[30], ўгит[31] истеъмол қил.

1051 Иста табиб сақла, иста дуохон коҳин сақла,
Бари бир ўладиган (жон)га даво ҳаргиз наф қилмайди.

1052 Эй тирик юрувчи, ғофил бўлмагин,
Тирик экансан бари бир (бир куни) ўзинг ўласан.

1053 Элиг Ойтўлдининг ҳолини эшитди,
Ўлим хабарчиси касаллик унга чангал урибди.

1054 Элиг Ойтўлдининг ҳолини сўраб келди,
Унинг қай ҳолда ётганини элиг келиб кўрди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1055 Айытты элиг эмди көңлүң нэ-тэг
Нэкү-ул игиң эмди уйқуң нэ-тэг

1056 Бу Айтолды айды эй элиг қуты
Мэни тутты ул иг анар йоқ оты

1057 Толу эрди ишим изилди толу
Талу эрди қылқым барыр йоқалу

1058 Сэв̇инчин туғар эрди туғмыш күнүм
Күнүм батғалыр-тэг йарумас түнүм

1059 Күв̇әнчлик тириглик көтүрди өзин
Йайығ дунйа мэндин эв̇үрди йүзин

1060 Сэв̇инч арзу нэъмат туру қалғалыр
Сақынч қад̇ғу мэҳнат мэңә кэлгәлир

1061 Муну ад̇рылур-мэн сэниндин бу күн
Өлийү барыр-мэн өкүнчүн муңун

1062 Нэкү тэр эшитгил бөгу эл бэги
Буд̇ун башлағучы кишидә йэги

1963 Нэ эд̇гү нэң эрди бу давлат кэлиб
Йана бармас эрсә тиләкчә йэлиб

1064 Нэ йақшы нэң эрди бу бэглик иши
Өлүм тутмас эрсә турыса киши

1065 Нэ көрклүг күн эрди йигитлик күни
Қарылық йоқ эрсә йурыса көни

## Элиг жавабы Айтолдықа

1066 Элиг айды Айтолды қод̇ғыл бу сөз
Бу сөз сөзләмәгил айа көңли түз

46а 1067 Киши барча игләр көр эд̇гү болур
Сэнә йалңуз эрмәс бу иг эй үнүр

1068 Нэлүг тилда көрксүз йурыр бу сөзүң
Нэлүг көңли[28] артатур-сэн өзүң



www.ziyouz.com kutubxonasi

1055 Элиг ундан сўради: Энди кўнглинг нечук,
Дардинг қандай, уйқуларинг қалай?

1056 Ойтўлди айтди: Эй бахтиёр элиг!
Мени шундай дард тутганки, унинг давоси йўқ.

1057 Ишларим тўла (тугал, етук) эди, бу тўлалик емирилди,
Қилиқларим тугал эди, энди у йўқолиб бораётир.

1058 Чиқадиган куним (отадиган тонгим) шодлик билан чиқар эди,
(Эндиликда) куним ботаётгандек зулмат туним ёримайди.

1059 Қувончли тириклик мендан ўзини олиб қочди,
Бевафо дунё мендан юзини ўгирди.

1060 Севинч, орзу, неъмат, қолиб бораётир,
Алам, қайғу, меҳнат менга юз уриб келаётир.

1061 Мана, бу кун мен сендан жудо бўлаётирман,
Ўкинч (ва) мунг билан ўлиб кетаётирман.

1062 Доно эл беги нима дейди, эшитгин,
Халқни бошловчи кишиларнинг энг яхшиси:

1063 Қандай яхши нарса бўлар эди, агар давлат келиб,
Яна қайтиб кетмаса, истаганингча юрса!

1064 Беглик иши қандай яхши нарса бўлар эди,
Агар ўлим келиб тутмаса, киши (доим саломат) юрса!

1065 Йигитлик даври қандай ажойиб давр бўлган бўлар эди,
Агар қарилик бўлмаса, киши доим (қаддини рост тутиб) юрса!

### Элигнинг Ойтўлдига жавоби

1066 Элиг айтди: Ойтўлди, бундай сўзларни қўйгин,
Бундай сўзларни сўзлама, эй кўнгли тўғри.

1067 Барча киши ҳам касалланади, кўр, яна яхши бўлиб кетади,
Бу касаллик ёлғиз сенгагина келган эмас, эй униб-ўсгур.

1068 Нега тилингда бунчалик хунук сўзлар юритасан,
Нега сен ўз кўнглингни (бўлмағур фикрлар билан) бузасан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1069 Сэңә эмди ав̇ныб йурыр эрди өз
Мэңә йэнтгү-тэг-сэн ад̇ын болды сөз

1070 Байат эдгү қылға бу сөз сөзләмә
Бу күн урма отун мэниң көңлүмә

### Айтолды жавабы элигкә

1071 Бу Айтолды айды эй элиг қуты
Бу игкә эми йоқ тиләмә оты

1072 Қайу ким туғар эрсә өлгү кэрәк
Қайу нәң ағар эрсә илгү кэрәк

1073 Ағышқа иниш-ул әдизкә батығ
Сэв̇инчкә сақынч-ул ачығқа ытығ[29]

1074 Йана ма сэңә айдым ошбу сөзүм
Қылынчым йайығ тэб нэ ирсәл сөзүм

1075 Мэниң қылқымы айдым эрди сэңә
Көңүл бамағу эрдиң эмди мэңә

1076 Барыр-мэн муңар сэн сэзиг тутмағыл
Туғуғлы ким өлмәс тэсә бүтмәгил

1077 Ынанчсыз тэмә эмди сөкмә мәни
Ынанч қылмаға дунйа қод̇ға сэни

1078 Жафа қылды тэб сэн илэнмә мэңә
Мениңдә жафачы бу дунйа сэңә

1079 Осанма өлүр-сэн мэниңдә баса
Ынанма бу дунйакә бүтмә оса

46б 1080 Ағырладың эрди тапуғсуз мэни
Тапуғ йэтрүмәдим эй элиг қаны

1081 Тиләк арзун эрмәс мэниң өлмәким
Бу күн булмыш эрмәс кэлиб бармақим

1082 Үзәлү өлүр-мэн өз эрксиз болуб
Қутулғу йэрим йоқ тириглик булуб



www.ziyouz.com kutubxonasi

1069 Мен сен билан овуниб роҳатланиб юрардим,
Менингча сен тузалиб кетасан, лекин сўзларинг бошқача бўлди.

1070 Худо шифо беради, бундай сўзларни сўзлама,
Менинг бағримга ўт билан урма (бағримни ёқма).

### Ойтўлдининг элигга жавоби

1071 Ойтўлди айтди: Эй бахтиёр элиг,
Бу дарднинг давоси йўқ, унга чора излама.

1072 Кимки туғилса, у, албатта, ўлиши керак,
Қайси бир нарса кўтарилса, у, албатта, пасайиши керак.

1073 Юксалишнинг пасайиши, баландликнинг пастлиги,
Севинчнинг алами, чучукликнинг аччиғи бўлади.

1074 Яна мен сенга ушбу сўзларимни айтган эдим:
Қилиқларим бевафо, сўзларим, бебақо, деб.

1075 Мен қилиқларимни сенга айтган эдим,
Сен менга кўнгил қўймаслигинг керак эди.

1076 Мен (албатта) ўламан, сен бунга ҳеч шубҳа қилмагин,
Ким туғилган ўлмайди, деса ишонмагин.

1077 Ишончсиз деб энди сен мени койимагин,
Дунё ишончли бўлмайди, у сендан (албатта) кетади.

1078 Жафо қилди деб сен мени айблама,
Бу дунё сен учун мендан ҳам жафокорроқдир.

1079 Ғофил бўлма, сен ҳам мендан сўнг ўласан,
Бу дунёга инонма, ғафлатга қолиб ишонма.

1080 Хизматсиз мени қадрлаган эдинг,
Қани, (мен қаноатланарли) хизмат қила олмадим, эй элиг.

1081 Менинг ўлишим тилак-орзудан эмас,
Менинг келиб-кетишимни бундан буён топиб бўлмайди.

1082 Мен эрксиз бўлиб қийналиб ўлаётирман,
Тириклик топиб, қочиб қутуладиган жойим йўқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1083 Йоқ эрдим төрүтти игид̇ти мэни
Кичиг оғлан эрдим бэд̇үтти мэни

1084 Йалың йүзлүг эрдим бүтүрди сақал
Қара қузғун эрдим қуғу қылды чал

1085 Бод̇ум эрди оқ-тэг эгилди бод̇ум
Тириглик түгэди йэтилди өд̇үм

1086 Йэмә йақшы аймыш бөгү билги кэң
Эшитгил муны сэн айа қызғу эң

1087 Қайу башқа кирсә қуғу қыртыши
Қуғу-тэг өрүң қылғу көңлин киши

1088 Қимиң эгри болса көни-тэг бод̇ы
Қуғу қылғу көңлин йэтилди өд̇и

1089 Өрүң болды эрсә қара сач сақал
Анунғу пусуғчы өлүмкә түгәл

1090 Муңар мэңзәтү айды шаъир бу сөз
Эшитгил муны сэн айа эд̇гү өз

1091 Қара сач өрүңи өлүмдин йумуш
Қылур ул тиригкә тириглик көшүш

1092 Бу нэъмат йэдүкүң тириглик йэдиң

Өлүм йэр сэни сэн осанма өкүш

1093 Элиг айды Айтолды эв̇мә сэрин
Иг ул бу йазуқларқа йулғы йарын

1094 Өлүр эрди эрсә қамуғ игләгән
Киши қалмағай эрди рози йэгән

47а 1095 Байат эд̇гү қылғай бу и̇гдин сэни
Көңүлүң чөкүрмә сэн инч йат көни

1096 Дуъа қылды элиг көр ачты тилиг
Шифа қулды раббдын көтүрди элиг

1097 Туруб чықты андын сақынчын түгүг
Кэлиб қаршықа кирди көңли түшүг



www.ziyouz.com kutubxonasi

1083 Мен йўқ эдим, мени яратди, парвариш қилди,
Кичкина бола эдим, мени улғайтирди.

1084 Яланғоч юзли эдим, соқол (битирди) пайдо қилди,
Қора қузғун эдим, оққуш [яъни чол] қилди.

1085 Бўйим (қоматим) ўқ каби эди, қоматим эгилди,
Тириклиг(им) тугади, менинг (ўлим) фурсатим етди.

1086 Билими кенг, доно жуда яхши айтибди,
Эй ёруғ юз (киши), сен буни эшитгин:

1087 Қайси бир бошга оққуш туси кирса (ўрнаса),
Киши кўнглини оққуш каби оқ тутиши керак.

1088 Кимнинг (ўқ каби) тўғри бўйи (қомати) эгри бўлса (эгилса),
Кўнглини оқ қилиши керак, (чунки) ўлим фурсати етилди.

1089 Қора соч, соқол оқаргудек бўлса,
Ногаҳоний ўлимга тугал тайёр бўлиш керак.

1090 Бунга ўхшатиб шоир ушбу сўзни айтибди,
Эй эзгу киши, сен буни эшитгин:

1091 Қора сочнинг оқариши ўлимдан даракдир,
У тириклар учун тирикликни арзанда (ширин) қилиб қўяди.

1092 (Насибанг бўлмиш) неъматларни ейишинг — бу тирикликни еганингдир,
Ўлим ҳам сени ейди, сен кўп ғофил бўлма.

1093 Элиг айтди: Ойтўлди, шошма, сабр қил,
Касаллик эртага гуноҳлар учун гаровдир.

1094 Барча касалланган ўлиб кетаверса эди,
Ризқи рўз ейдиган киши қолмаган бўлар эди.

1095 Бу дардингга худо шифо беради,
Кўнглингни чўктирмасдан сен тинч, тўғри (андишалар билан) ёт.

1096 Элиг дуо қилди, кўр, тил очди,
Раббдан шифо тилаб, фотиҳага қўл кўтарди.

1097 Хафачилик ва алам билан у ердан туриб чиқди,
Кўнгли маъюс бўлиб саройга келиб кирди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1098 Чығайқа үләди өкүш нәң тавар
Асығ қылға-му тэб сақынды аңар

1099 Асығ қылды эрсә өлүмкә күмүш
Күмүш қылғай эрди эр өзкә йулуш

1100 Өлүмкә йулуш қылды эрсә киши

Йулуб өлмәгәй эрди элчи башы

1101 Бу Айтолдының көр иги ағруды
Умунчсуз болуб жандын әлгин йуды

1102 Өкүнди айур эй тириглик эсиз
Йавалыққа ыдтым эсиз көрк бәдиз

1103 Тириглик кэчүрдүм осаллық билә
Йигитликни ыдтым йавалық билә

1104 Көрәмиш көрәк эрди ошбу өзүм
Ажал тутты элтүр нэ асғы сәзүм

1105 Ажүн малы тэрди өзүм суқлуқун
Қалыр нәң барыр-мә өзүм йоқлуқун

1106 Әлиг тил узун қылдым эрди өкүш
Өлүм кэлди тутты тыным қысты ош

1107 Бу йаңлығ өкүнди өкүш йығлады
Өкүнчи өлүмкә асығ қылмады

1108 Нэ муңлуғ турур бу апа оғланы
Тиләк-тэг булумас тириглик күни

1109 Тиләк булса болмас тириглик тэгү
Тириг болса булмас тиләк эй бөгү

47б 1110 Аз эдгүкә тэгсә үнитүр өзин
Йашыл көктә үстүн йурытур сөзин

1111 Ағырлыққа тэгсә күвәз күр болур
Өлүм тутсә удлур өкүнчүн өлүр

1112 Йэсә тодса қылқы болур боғрағу
Қалы қарны ачса билиб йэр ағу



www.ziyouz.com kutubxonasi

1098 Қамбағалларга кўп мол-товар улашди,
Шояд унга наф [қилгаймикан], деб умид қилди.

1099 Ўлимни даф қилишга кумуш яраганда эди,
Киши ўз жони учун кумуш фидо қилар эди.

1100 Агар киши ўлимга (бирор нарса) фидо қилиб ундан қутуладиган бўлганда,
Эл бошилар (бирор нарса) фидо қилиб ўзлари ўлмаган бўлар эдилар.

1101 Ойтўлдининг дарди оғирлашди, кўр,
Умидсиз бўлиб, жонидан қўлни ювиб қўлтиққа урди.

1102 Афсус қилди, айтди: Эй эсиз тириклик,
Уни беҳудага ўтказдим, эсиз гўзал юзим.

1103 Ғофиллик билан тириклик кечирдим,
Йигитликни беҳудага ўтқазиб юбордим.

1104 Мен яшнаган барг каби эдим,
Ажал тутди, олиб кетаётир, сўзларимдан на фойда.

1105 Ўзим суқлик билан жаҳон молини тердим,
Нарсалар қолаётир, ўзим йўқликка кетаётирман.

1106 Қўл ва тилимни ортиқча узун қилган эдим,
Ўлим келди, тутди, мана, нафасим қисди.

1107 Шу тариқа ўкинди, кўп йиғлади,
Ўкинчи ўлимга фойда қилмади.

1108 Одам боласи қанчалик мунглидир,
Ҳаёт кунлари тилаганидек бўлмайди.

1109 Тилак-орзу рўёбга чиқса, тириклик деган нарса,
Тирикликда эса тилак-орзу рўёбга чиқмайди, эй доно.

1110 Киши оз давлатга эришса ўзини унутади,
Сўзларини яшил кўкдан ҳам юқори юритади.

1111 Мартабага эришса, такаббур, мағрур бўлади,
Ўлим тутгач уйғонади, ўкинч билан ўлади.

1112 Феъли шундайки еса, тўйса, ёрилгудек бўлади.
Агар қорни очса, била туриб оғу ейди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1113 Сақынчқа сызар көр эрәж̌кә ирәр
Сэв̌әрин булур эрсә тәркин й̆ырар

1114 Өкүнди бу Айтолды тынды улуғ
Айур мэн йитүрдүм көнилиг йолуғ

1115 Нэлүг тэрдим эрди бу алтун күмүш
Нэлүг қылмадим мэн чығайқа үлүш

1116 Нэлүг қод̆тум эрки бу эд̆гү ишиг
Нэлүг сөктүм эрки йазуқсуз кишиг

1117 Бурун ыд̆ғум эрди қамуғ эд̆гүлүг
Асығ қылғай эрди йарын бэлгүлүг

1118 Нэкү асғы бар бу өкүнчүм бу күн
Өлүм тутты кэсти бу сөз бирлә үн

1119 Нэкү тэр эшитгил йэти көзлүг эр
Кишикә бағырсақ көни сөзлүг эр

1120 Түзү тын тоқырқа өлүм бир қапуғ
Кирүр бу қапуғқа йурығлы қамуғ

1121 Нэкү-ул тириглик нэкү-ул өлүм
Қайудын кэлир-мә қайуқа йолум

1122 Нэлүг туғдум эрки йана өлгәли
Нэлүг күлдүм эрки сығыт көргәли

1123 Ажунда өлүмдә қатығрақ қайу
Туғуғлы киши өлди мундағ айу

1124 Муңар мэңзәтү айды шаъир сөзи
Мунуң маъниси уқса ачлур көзи

48*а* 1125 Нэкү бар аж̌унда өлүмдин қатығ
Өлүмүг сақынса кэтәр миң татығ

1126 Өлүм бир тэңиз-ул үчи йоқ түби
Бақа көрсә йэтрү түби йоқ батығ

1127 Өлүмни билигли осанса узун
Өлүм тутса асғы болумас сөзүн



www.ziyouz.com kutubxonasi

1113 Кулфатдан азият чекади, фароғатдан зерикади,
Севганини тонгудек бўлса, тезда (ундан) узоқлашади.

1114 Ойтўлди ўкинди, чуқур хўрсинди,
Айтди: Мен ҳақиқат йўлини йўқотдим.

1115 Бу олтин, кумушларни мен нима учун тердим?
Нима учун уларни камбағалларга улашмадим?

1116 Нима учун бу хайрли ишни қўйган эканман?
Гуноҳсиз кишиларни нима учун сўккан эканман?

1117 Аввал фақат хайрли ишларни қилишим керак эди,
(Улар) кейин шубҳасиз фойдалар келтирган бўлар эди.

1118 Бугун бу ўкинчларимнинг қандай фойдаси бор?!
Ўлим келиб тутди, сўз ва унимни кесди.

1119 Кўзи пишган киши нима дейди, эшитгин,
Кишига меҳрибон, тўғри сўзли киши:

1120 Барча нафас олувчилар учун ўлим бир эшикдир,
Барча юрувчилар бу эшикка киради.

1121 Тириклик нима ва ўлим нима?
Мен қаердан келаётирман, йўлим қаерга йўналган?

1122 Яна қайта ўлиш учун нега туғилдим экан?
Йиғи кўргани нега келдим экан?

1123 Дунёда ўлимдан қаттиқроқ нима бор?
Туғилган киши шундай гапларни айтиб ўлди.

1124 Шоир ўз сўзини бунга ўхшатиб айтибди,
Бунинг маънисига етса, (кишининг) кўзи очилади:

1125 Дунёда ўлимдан қаттиқроқ нима бор?
Ўлимни ўйласа, минг-минг ҳаловат кетади.

1126 Ўлим бир денгизки, унинг юзаси ва туби йўқ,
Боқиб кўрилса, у туби йўқ чуқурдир.

1127 Ўлимни билувчи (киши) узоқ ғофиллик қилса,
Ўлим тутганда сўзларининг (тавбасининг) фойдаси бўлмайди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1128 Эрәж̇ләркә ав̇ныб осал болғучы
Өлүм тутса уд̇лур йәтимәс күчи

1129 Өкүш нәңкә тод̇мас көзи суқ киши
Аж̇ал тутса өкнүр этүмәс иши

1130 Йайығ қутқа ав̇ныб кув̇әнир кур эр
Йағыз йәр қатында йүрәкин йарар

1131 Сәв̇инчләркә ав̇ныб өкүш күлгүчи
Сығытқа анунғу айа өлгүчи

1132 Нәку тәр эшитгил уқушлуғ билир
Бу сөз ишкә тутса көр асғы алыр

1133 Йарынлық орун эд̇гү қулса узун
Эсиз қылмасуны бу экки аж̇ун

1134 Эсиз қылмағыл сән э қылқы түзүн
Бу күн эд̇гү қылғыл қылынчын сөзүн

1135 Бу Айтолды өкнүб өкүш йығлады
Өкүнчи бу йәрдә асығ қылмады

1136 Чығайқа үләд̇и көр алтун күмүш
Қад̇ашларқа қалды қумару өкүш

1137 Көзин көккә тикти айур эй ид̇им
Сәниңдин ад̇ын мән иди билмәдим

1138 Төрүттүң игид̇тиң бәд̇үттүң мәни
Сәниң фазлың эрди билир-мән аны

1139 Сәңә тапнур эрди мәниң бу өзүм
Мунуқы ажал тутты кәсти сөзүм

48б 1140 Қутулғу йәрим йоқ йәтүрдүм билиг
Сәниң раҳматың тутсу эмди әлиг

1141 Отунлуқ билә қылдым эсиз өкүш
Түзүнлүк билә сән кәчүр эй көшүш

1142 Йав̇алықта кәчти̇ тириглик эсиз
Сүрә ыд̇тым өд̇ күн бу бәглик эсиз



www.ziyouz.com kutubxonasi

1128 Ҳаловат-неъматларга маст бўлиб ғафлатга ботган киши,
Ўлим тутгач, кўзи очилади, лекин (ҳеч нарсага) кучи етмайди.

1129 Талай нарсаларга тўймайдиган кўзи суқ киши,
Ажал тутгач ўкинади, лекин ҳеч тадбир қила олмайди.

1130 Ўткинчи давлатга овуниб юрувчи кеккайган, мағрур киши,
Қора ер қатида юраги ёрилади [яъни дили азият чекади].

1131 Севинчларга овуниб кўп кулгувчи киши,
Ўкиниб йиғлашга ҳозир бўл, эй ўлгувчи.

1132 Заковатли, билимли киши нима дейди, эшитгин,
Бу сўзга ким амал қилса, у ундан манфаат олади:

1133 Кимда-ким ўзи учун пайваста эзгу ўрин истаса,
Икки дунёда ёмонлик қилмасин.

1134 Эй хулқи гўзал, сен ҳеч ёмон иш қилмагин,
Амалда ва сўзда бу кун фақат яхшилик қилгин.

1135 Ойтўлди ўкиниб кўп йиғлади,
Унинг ўкинчи бу ерда фойда қилмади.

1136 Қамбағалларга олтин-кумуш улашди, кўр,
Қариндошларига талай мерос эсдалик қолди.

1137 Кўзини кўкка тикди, айтди: Эй эгам,
Мен сендан ўзга эга (худо)ни билмайман.

1138 Сен мени яратдинг, парваришладинг, улғайтирдинг,
(Булар барчаси) сенинг фазлинг эди, мен уларни яхши билaман.

1139 Менинг ўзим сенга тоат-ибодат қилардим,
Мана, энди ажал келиб менинг сўзларимни кесди.

1140 (Ўлимдан) қутуладиган ерим йўқ, ақлимни етказдим,
(Энди) сенинг раҳматинг (менга) насиб бўлсин.

1141 Пасткашлик билан кўп ёмонликлар қилдим,
Марҳамат билан сен мени кечир, эй азиз.

1142 Эсиз, тириклигим беҳудага ўтиб кетди,
Эсиз, давру даврон ва бу бегликни беҳудага ўтказиб юбордим.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*1143 Сөзин кэсти анча сақынды туруб*
*Ақытты көзүн йаш көр оғлын көрүб*

**Баб. Айтолды оғлы Өгдүлмишкә панд бэрмишин айур**

1144 Бир-өк оғлы эрди бу Айтолдының
Кичиг эрди йашы ошул оғлының

1145 Аты эрди Өгдүлмиш аслы арығ
Йүзи көрклүг эрди нэ фэълы арығ

1146 Оқыды бу оғлын өзингә йақын
Тутуб қучты көздә ақытты ақын

1147 Айур эмди оғлум барыр-мэн муну
Сэңә қалды орнум бары нәң уну

1148 Сэн эрдиң мэңә көз йаруқы түгәл
Барыр-мэн сэниңдин эсән эдгү қал

1149 Йэмә йақшы аймыш бу түрк буйруқы
Көрүр көз йаруқы оғул-қыз уқы

1150 Оғул-қыз сақынчы бу түбсүз тэңиз
Оғул-қыз сарығ қылды қырғу мэңиз

1151 Кимүң болды эрсә оғул-қыз киси
Нэкү-тэг кэлир ул кишиниң усы

1152 Оғул-қызда отру ата йэр этин
Оғул-қыз атамас атасы атын

49*а* 1153 Бу Айтолды айды эшит эй оғул
Сөзүмни унутма мэңә тут көңүл

1154 Мэни көр ата эрдим эмди сэңә
Атым эрди Айтолды бақ көр мэңә

1155 Тириглики толды бу Айтолдының
Өкүнчүн өлир көр асығ йоқ аның

1156 Сүчүг бу тириглик ачығ бу өлүм
Анунды қаны эмди қачғу йолум



www.ziyouz.com kutubxonasi

1143 Сўзини кесди, анча ўйланиб турди,
Кўр, ўғлини кўриб кўзидан ёшини оқизди.

**Боб. Ойтўлди ўғли Ўгдулмишга панд беришини айтади**

1144 Ойтўлдининг биргина ўғли бор эди,
Ўша ўғлининг ёши кичик эди.

1145 Оти Ўгдулмиш, асли тоза эди,
Юзи кўркли ва феъли хуш эди.

1146 Бу ўғлини ўзига яқинроқ чақирди,
Ушлаб уни қучоғига олди, кўзидан ёш оқизди.

1147 Айтди: Мана, ўғлим, мен энди ўлаётирман,
Ана, барча нарса ва ўрним сенга қолди.

1148 Сен менинг ёлғиз нури дийдам эдинг,
(Энди) мен сендан кетаётирман, эсон, яхши қол.

1149 (Бу ҳақда) турк саркори янада яхши сўзлабди:
Кўрар кўзнинг нури ўғил-қиздир, билгин.

1150 Ўғил-қиз ғами — бу тубсиз денгиздир,
Қизил юзни ўғил-қиз (ғами) сарғайтиради.

1151 Кимнинг ўғил-қиз ва хотини бўлса,
Қандай қилиб у кишининг уйқуси келади?

1152 Ўғил-қиз туфайли ота тараддуд кўради,
Ўғил-қиз (эса) отасининг отини ҳам атамайди.

1153 Ойтўлди айтди: Эй ўғил, эшит,
Сўзларимни унутма, менга кўнглингни тут.

1154 Мени кўр, (энди) ахир мен сенга ота эдим,
Отим Ойтўлди эди, менга қара, назар сол.

1155 Бу Ойтўлдининг тириклиги (паймонаси) тўлди,
У ўкинч билан ўлаётир, кўр, унга ҳеч нарсадан манфаат йўқ.

1156 Тириклик ширин, ўлим аччиқдир,
(Ўлим менга) қасд қилди, қани энди қочадиган йўлим.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1157 Авындым бу дунйақа көңлүм бэриб
Вафа қылмады көр мэниңдин ириб

1158 Мэни арды дунйа оқыды сэвә
Көңүл бэрдим эрсә ирикти эва

1159 Жафа қылды дунйа қарыды бу қут
Сэни армасуны муну сөзкә бүт

1160 Кэрәклиг ишим барча йэрдә қодуб
Кэрәксизни қылдым ҳавақа удуб

1161 Түби йэл кэчәр-тэг тириглик кэчиб
Асығсыз өлүр-мә өзүмкә ачыб

1162 Урунчун йа малын этилмәс ишим
Әлиг туттачы йоқ бу күн бир кишим

1163 Нэкү тэр эшитгил удулмыш киши
Өлүмүг уқуб йэтрү билмиш киши

1164 Бөгү билги кэтти өлүмүг көрүб
Уқушлуғ өги йитти өгсүз болуб

1165 Нэ йавлақ нэң-ул бу өлүм тармақы
Нэ йавлақ эрүр бу кишиг урмақы

1166 Этиглиг сарайығ бузуғлы өлүм
Қамуғ йумқыларығ сачығлы өлүм

1167 Муңар мэңзэтү айды шэър айғучы
Оқығыл муны сэн айа билгүчи

49б 1168 Нэкү бар ажунда аңар ҳийласыз
Нэкү ҳийла бар ким аңар чарасыз

1169 Қамуғ нэңгэ ҳийла этиг чара бар
Магар бу өлүмкә өлүм ҳийласыз

1170 Эшитти оғул көр атасы сөзин
Тыл ачты атақа эвүрди йүзин

1171 Айур эй атам бир сөзүм бар сэңә
Аны айтайын мэн айу бэр мэңә



www.ziyouz.com kutubxonasi

1157 Бу дунёга кўнгил бериб у билан маҳлиё бўлдим,
У эса мендан қочиб вафо қилмади.

1158 Дунё мени алдади, севиб ўзига чорлади,
Мен кўнгил қўйгач, шошилиб мендан қочди.

1159 Дунё жафо қилди, қут эса қариди,
Энди у сени алдамасин, мана бу сўзларга ишонгин.

1160 Барча керакли ишларимни бир четга қўйиб,
Ҳавасга ғарқ бўлиб кераксиз (ишлар)ни қилдим.

1161 Тўзон, ел эсиб ўтиб кетгани каби,
Ўз-ўзимга ачиниб манфаат кўрмасдан ўлиб кетаётирман.

1162 Пора ёки мол (бериш) билан ишим битмайди,
Бугун қўлимдан тутувчи кишим йўқ.

1163 Ғафлатдан уйғонган киши нима дейди, эшитгин,
Ўлимни тўлиқ тушуниб билган киши:

1164 Ўлимни кўриб донoнинг билими кетди,
Заковатлининг ақл-идроки йўқолди, ақлдан қолди.

1165 Ўлимнинг чангали қандай ярамас (ашаддий) нарса,
Унинг кишини уриши қандай ярамас (ашаддий)дир.

1166 Обод саройларни бузувчи — ўлим,
Барча жамланган (нарса)ларни сочувчи — ўлим.

1167 Шеър айтувчи бунга ўхшатиб айтибди,
Эй билгувчи, сен буни ўқигин:

1168 Оламда нима борки, унинг ҳийласи бўлмасин,
Қандай ҳийла борки, у чорасиз бўлсин.

1169 Барча нарса учун ҳийла, тадбир, чора бор,
Фақат бу ўлимга (чора) йўқ, ўлим ҳийласиздир.

1170 Ўғил отасининг сўзини эшитди, кўр,
Сўзга тил очди, отаси томонга юз ўгирди.

1171 Айтди: Эй отам, сенга бир сўзим бор,
Уни сенга айтайин, сен менга айтиб бер.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1172 Бу дунйа ичиндэ тирилдиң өкүш
Билиг билдиң эрдэм уқыдың уқуш

1173 Айыттың эшиттиң йэмэ өгрэнү
Сынайу тирилдиң қамуғны көрү

1174 Нэкү эрсэ бар-му өлүмкэ этиг
Аны отру тутғыл э билгэ тэтиг

1175 Агар ҳийла чара йоқ эрсэ адын
Қамуғ нэң хазина улэгил барын

1176 Хазина бу нэң болса башқа йулуш
Эсэн бол йана болға алтун-күмүш

1177 Нэкү тэр эшитгил көзи тоқ киши
Туз этмэк идиси ақы эр башы

1178 Үлэ нэң кишикэ йэтур ҳам ичүр
Сэни нэң кэчүргэй сэн аны кэчүр

1179 Эсэнлик кэрэк эркэ нэң-эксүмэс

Тириглик кэрэк қушқа мэң эксүмэс

1180 Тириг болса йалнуқ тилэки ануқ
Эт өз баш эсэн болсэ арзу йағуқ

### Айтолды жавабы элигкэ

50*а* 1181 Йанут бэрди Айтолды айды оғул
Эшитгил сөзүмни бу ишдин тоңул

1182 Өлүмкэ асығ қылмас алтун күмүш
Өлүмүг тыдумас билиг йа уқуш

1183 Өлүмүг тыдар эрсэ дунйа нэңи
Болуб өлмэгэй эрди бэглэр бэги

1184 Ҳакимлэркэ ҳикмат асығ қылмады
Бөгүлэркэ билги элиг тутмады

1185 Өлүмкэ асығ қылды эрсэ от эм
Отачы туру қалғай эрди улам



www.ziyouz.com kutubxonasi

1172 Бу дунё (ичи)да кўп яшадинг,
Билим ўргандинг, ҳунар олдинг, заковатли бўлдинг.

1173 (Ўзинг) сўрадинг, эшитдинг ҳамда ўрганиб,
Синаб, барча нарсаларни кузатиб умр кечирдинг.

1174 Қанақа бўлмасин ўлимга (қарши) бирор тадбир борми?
Уни ўз ўлимингга тутгин, эй билимли, идрокли.

1175 Агар ўзга ҳийла ва чора йўқ бўлса,
Барча нарса ва хазинангда борини улашгин.

1176 Хазина ва бу нарсалар бошингнинг омон қолишига гаров бўлса,
Ўзинг эсон бўл, олтин-кумуш яна топилади.

1177 Ўзи тўқ киши нима дейди, эшитгин,
Туз ва нон [яъни неъмат] соҳиби, сахий кишилар сарвари:

1178 Кишиларга нарса улаш, едир ва ичир,
Чунки нарса сени (умрингни) ўтказади, шунинг учун сен уни ўтказ.

1179 Киши учун саломатлик керак, мол-дунё эса камаймайди (топилади),
Қушга ҳаёт керак, дон эса камаймайди (топилади).

1180 Инсон тирик бўлса, унинг тилаги равшандир,
Жон ва бош эсон бўлса, орзу яқиндир.

## Ойтўлдининг Ўгдулмишга жавоби

1181 Ойтўлди жавоб берди, айтди: Ўғлим,
Сўз(лар)имни эшитгин, бу ишлардан умидингни узгин.

1182 Олтин-кумушнинг ўлимга фойдаси бўлмайди,
Ўлимни билим ёки заковат ҳам тўхтата олмайди.

1183 Дунё нарсалари ўлимни тўхтата олса эди,
Беглар беги ҳаёт бўлиб, ўлмай қолган бўларди.

1184 Ҳакимларга ҳикмат манфаат келтирмади,
Доноларга билими қўл тутмади.

1185 Дори-дармон ўлимга қарши фойда қилганда эди,
Табиблар абадий ҳаёт бўлиб қолган бўларди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1186 Өлүм йүз қылур эрди эрсә көрүб
Ағыр савчылар қалғай эрди туруб

1187 Туғуғлы тиригләр өлүмкә саны
Өлүмкә туғуғлы тириг ким қаны

1188 Түшүн-ул бу дунйа кэлигли көчәр
Йаңан йэл бөкә-тэг йэр эркән ачар

### Өгдүлмиш жавабы Айтолдықа

1189 Эшитти көр Өгдүлмиш айды ата
Эди кәд уқулмыш өлүмүг йана

1190 Нэкүлүг осандың тириглик ыдыб
Нэкүкә иләнүр-сә эмди улыб

1191 Нэлүг тэрдиң эрди бу қалғу нәңиң
Нэкүкә үләмәдиң артғу нәңиң

1192 Тирилсә осал болса йалңуқ өзүн
Өкүнсү өзингә иләнсү сөзүн

1193 Бу күн өкнүб асғы нэкү эй ата
Башын йэркә чалса улыб миң қата

50б

### Айтолды жавабы Өгдүлмишкә

1194 Бу Айтолды айды эй оғлум эшит
Мэни көр унытма йарынлық иш эт

1195 Осаллық мэни алқты өкнүр өзүм
Удунғул осал болма көрклүг йүзүм

1196 Туғуғлы нэчә туғды өлгү үчүн
Нэчә бармаса ахыр элтүр күчүн

1197 Өлүгли киши барча өдкә тутуғ
Йэтилсә өди көр маңытмас бутуғ

1198 Муңар мэңзәтү айды шаъир тили
Түгәл сөз турур бу уқылса қалы



www.ziyouz.com kutubxonasi

1186 Ўлим кўриб юз-хотир қиладиган бўлганда эди,
Табаррук паёмбарлар (ўлмай) туриб (ҳаёт) қолган бўларди.

1187 Туғиладиган тирикларни ўлимга маҳкум деб ҳисобла,
Ўлим учун туғилган тирик ким, борми, қани?

1188 Бу дунё бир работдир, унга келиб тушган кўчади,
У (дунё) фил ва аждаҳо каби ер экан яна очиқади
[яъни еб тўймайди].

### Ўгдулмишнинг Ойтўлдига жавоби

1189 Ойтўлди эшитди, кўр, айтди: Ота,
Ўлимни жуда яхши тушунилган экан, яна.

1190 Нима учун тирикликни (беҳуда) ўтказиб ғафлатда бўлдинг,
Нима учун энди йиғлаб ўзингни айблаб койийсан?

1191 Бу қолиб кетадиган нарсаларни нега терган эдинг,
Ортиб қоладиган нарсаларни нега улашмадинг?

1192 Инсон яшаса ва ўзи ғафлатда қолган бўлса,
Ўзи учун қайғурсин, сўзда ўз-ўзини айблаб койисин.

1193 Бу кун (энди) қайғуришдан нима фойда бор, эй ота,
Минг бор йиғлаб бошини ерга урган билан.

### Ойтўлдининг Ўгдулмишга жавоби

1194 Ойтўлди айтди: Эй ўғлим, эшит,
Мени кўр (менинг аҳволимдан ибрат ол), (бу ҳолни) унутма,
(ўзинг учун) келгуси кунингга ҳозирлан.

1195 Ғофиллик мени хароб қилди, ўзим қайғураётирман,
Ҳушёрлан, ғофил бўлма, (эй), чиройли юзлигим.

1196 Қанча-қанча туғилганлар ўлиш учун туғилган,
(Киши) қанчалик ўлмаслик учун интилмасин, охири зўр билан
олиб кетади.

1197 Ўлувчи киши(лар) барчаси вақт-фурсат тутқунидир,
Вақти-соати етса, кўр, оёқни қимирлатмай қўяди.

1198 Шоир тили бунга ўхшатиб айтибди,
Агар (маъниси) уқилса, бу жуда етук сўздир:



www.ziyouz.com kutubxonasi

1199 Қамуғ нэңгэ вақт-ул күни бэлгүлүг
Нафас тын тоқырқа саны бэлгүлүг

1200 Йыл ай күн кэчэр-тэг тириглик кэчэр
Кэчэр күн кэчүргэй сэни бэлгүлүг

1201 Йана айды Айтолды көр эй оғул
Нэ ҳалын барыр-мэ мэни көр уд̇ул

1202 Сэн-өк-сэ сақынчым барыр-мэ муңун

Кичигликдэ мэнсиз қалыр-сэ бу күн

1203 Нэкү-тэг болур-сэ мэниңдин кэд̇ин
Мэниң йоқ сақынчым мунуңда ад̇ын

1204 Ата эмгэки болса оғлы үзэ
Ул оғлы билир өтрү қылқ йаң үзэ

1205 Қыса туса оғлын көр эд̇гү болур
Атасы анасы йарунғу болур

1206 Қалы қыстачы болмаса ул оғул
Йав̇а болды сэн ул оғулдын тоңул

51a 1207 Оғулуғ ата қылса билгэ т̇этиг
Қыса тутғу тутчы эми бу битиг

1208 Нэкү тэр эшитгил оғуллуғ киши
Башында кэчүрмиш йэтүрмиш йашы

1209 Кимүң оғлағу болса оғлы-қызы
Аңар йығлағу болды муңлуғ өзи

1210 Кичигдэ ата ыд̇са оғлын йав̇а
Оғулдын йазуқ йоқ атадын жафа

1211 Оғул-қыз эсиз болса қылқы йаңы
Ул эсиз ата қылды андын өңи

1212 Қыса тутса оғлан ата өгрэтү
Улуғ болса сэв̇нүр оғул қыз тэйү



www.ziyouz.com kutubxonasi

1199 Барча нарсанинг вақти-соати ва куни белгиликдир,
Нафас ва тин олишнинг сони белгиликдир.

1200 Йил, ой, кун ўтганидек тириклик ҳам ўтади,
Ўтаётган кунлар сени ҳам албатта ўтказади.

1201 Ойтўлди яна айтди: Эй ўғил, кўр,
Мен қандай аҳволда (ўлиб) кетаётирман, мени кўриб
ибрат ол, ҳушёрлан.

1202 Менинг бирдан-бир қайғум сенсан, (сени ўйлаб) ғам билан
ўлаётирман,
Чунки бу кун кичиклигингдан менсиз қолмоқдасан.

1203 Мендан кейин қандай бўлар экансан,
Бундан бошқа менинг қайғу-ташвишим йўқ.

1204 Болага отанинг меҳнати сингган бўлса,
Сўнг у боланинг хулқ-атворида билинади.

1205 (Ота) болани назоратда тутса, у яхши, эзгу бўлади,
Отаси ва онасининг юзи ёруғ бўлади.

1206 Агар бола назоратсиз бўлса,
У ярамас, беҳудакор бўлади, ундай боладан умидингни уз.

1207 Ота болани доно ва идрокли қилиб тарбияламоқчи бўлса,
Уни доим назоратда тутиши керак, бунинг тадбири шу
(ёзилган нарса).

1208 Болали киши нима дейди, эшитгин,
Ёши етилган ва бошидан ўтказган киши:

1209 Кимнинг ўғил-қизи эрка бўлса,
Унга шу кишининг ўзи мунгли бўлиб йиғлайди.

1210 Ота болани кичиклигидан бебош қилиб қўйса,
Болада гуноҳ йўқ, барча жафо отанинг ўзида.

1211 Ўғил-қизнинг хулқ-атвори ярамас бўлса,
Бу ярамас ишни ота қилган бўлади, ундан бошқа эмас.

1212 Ота болани назорат қилиб, (турли ҳунарларга) ўргатиб ўстирса,
(Улар) улғайгач ўғил-қизим (бор), деб севинади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1213 Оғулуғ қыса тут ата болғучы
Сэңә кўлмәсүни кэдин кўлгүчи

1214 Оғул-қызқа өгрәтгү эрдәм билиг
Бу эрдәм билә болсу қылқы силиг

### Өгдүлмиш жавабы Айтолдықа

1215 Йанут бэрди Өгдүлмиш айды ата
Сэниң қадғуңы йэб кўйәр-мә түтә

1216 Сэниңдә кэдин мэн тириг турмайын
Сэниң қадғуларың көзин көрмәйин

1217 Сэниң жайыңы бир бағырсақ иди
Мэңә бэрсү қадғун мэни қодмады

1218 Қалы бэрмәс эрсә йэтилсә ажал
Битилмиш болур бу ажалкә азал

1219 Байат ҳукмықа бу бэзәк-ул сығыт
Иди ҳукмы кэлди сығытны ағыт

1220 Тэлим дунйа йэгли сэниңдә үзә
51б Қодуб барды барча бу ынжықк үзә

1221 Билир эрдиң эмди жафачы ажун
Жафа қылғусын сэн осандың узун

1222 Қамуғ дунйа болса бирәгүкә түз
Тэгир дунйа үлги сэңә экки бөз

1223 Тириглик үчүн өкнүр эрсә өзүң
Өкүн тутшы йығла қурытма көзүң

1224 Йана йанғу эрмәс кэчүрмиш күнүң
Нэкү қылдың эрсә анунды түнүң

1225 Мэңәр эрсә эмди бу қадғу сақынч
Сақынч қылма эмди нэ эдгү сақынч

1226 Төрүтүлмиш эрдиң төрүгли өлүр
Төрүгли өлүр-ул төрүтгән қалур



www.ziyouz.com kutubxonasi

1213 Болани назоратда сақла, (эй) ота бўлгувчи,
Токи кейин сенга кулувчилар кулмасин.

1214 Ўғил-қизга ҳунар ва билим ўргатиш керак,
Токи бу ҳунарлар билан феълу атвори гўзал бўлсин.

### Ўгдулмишнинг Ойтўлдига жавоби

1215 Ўгдулмиш жавоб берди, айтди: Ота,
Мен сенинг қайғунгни еб тутаб куяётирман.

1216 Сендан кейин мен тирик турмайин,
Сенинг қайғуларингни кўз билан кўрмайин.

1217 Сенинг жойингни бир меҳрибон эгам
Менга берсин, мени қайғуда қўймасин.

1218 Агар бермаса, бордию ажал етишса (не чора),
Бу ажал азалдан (пешанага) ёзилган бўлади.

1219 Худонинг буйруғига йиғи бир безакдир,
(Эндиликда) худонинг ҳукми келди, йиғини чиқар.

1220 Сендан аввал дунёга эришган талай кишилар,
Барчаси мана шундай йиғи билан (мол-дунёсини)
қолдириб, ўзи ўлиб кетди.

1221 Дунёнинг жафочи эканлигини билар эдинг,
Лекин унинг жафо қилишига узоқ муддат ғофил бўлиб юрдинг.

1222 Барча дунё бир ерга жам бўлганда ҳам,
Сенга бу дунёдан икки энлик бўз насиб бўлади.

1223 Ўзинг тириклик учун қайғураётган бўлсанг,
Қайғур, доим йиғла, кўз (ёш)ингни қуритма.

1224 Ўтказиб юборган кунларинг яна қайтиб келмайди,
Нимаики қилган бўлсанг, у ўтди, энди тунинг (яқинлашди).

1225 Сенинг бу қайғу-ташвишларинг мен учун бўлса,
Ташвиш тортма, ташвишдан қандай яхшилик (фойда) бор?

1226 Сен яратилган эдинг, яратилган эса ўлади,
Яратилган ўлади, яратган эса қолади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1227 Атам эрдиң артуқ бағырсақ тақы
Сэниндэ бағырсақ төрүткэн бақы

1228 Сэни ул төрүтти сэңэр бэрди қут
Мэңэ бэрмэгэй-му муну сөзкэ бүт

1229 Ужузқа ағырлық аныңдын тэгир
Кичигкэ улуғқа ул ыд̇са алыр

1230 Муңар мэңзэтү көрсэ өглүг сөзи
Бу өглүг сөзи көрсэ көзсүз көзи

1231 Бу өглүг сөзини өгүң бирлэ уқ
Аның бирлэ сүзгил қамуғ булғануқ

1232 Ъазиз-ул ъазиз-ул ъазизларқа ъиз
Аныңдын тэгир ъиз ъазиз эмди қыз

1233 Ужузқа ағырлық кичигкэ улуғ
Йав̇узқа йөлэки бэд̇үгкэ эд̇из

1234 Эшитти көр Айтолды оғлы сөзин
Көтүрди элиг көккэ тикти көзин

*2a* 1235 Байатқа шукр қылды артуқ өкүш
Байат бэрмиш үчүн оғулқа уқуш

1236 Айур оғлума болды көңлүм бүтүн
Байат фазлы бирлэ тирилгил қутун

1237 Чын аймыш уқушлуғ көр[30] бэр бу сөз
Аның маънисы бил йэти қылға көз

1238 Байат кимкэ бэрсэ уқуш өг билиг
Қамуғ арзуларқа узатты элиг

1239 Кимүң қылқы эд̇гү қылынчы оңай
Тилэкини булды йарутты күн ай

1240 Қамуғ эд̇гүкэ мун бу эд̇гү қылынч
Қылынч эд̇гү болса болур миң сэв̇инч

1241 Бу Айтолды элгин көтүрди йана
Байатығ өкүш өгди қылды йана



www.ziyouz.com kutubxonasi

1227 Менинг ортиқ меҳрибон отам эдинг,
Сендан ҳам меҳрибонроқ яратган (эгам) боқийдир.

1228 Сени у яратди, сенга бахт-давлат берди,
У (бахт-давлатни) менга бермайдими, бу сўзга ишон.

1229 Қадрсизга қадр ундан насиб бўлади,
Кичикка, улуғга у насиба ато қилса, уни олади.

1230 Кўрсанг, донюнинг сўзи бунга ўхшайди,
Кўрсанг, донюнинг сўзи кўзсиз учун кўздир.

1231 Донюнинг бу сўзини ақлинг билан тушун,
Тамоми касофатларни у билан сузгин:

1232 У азиздир, азизлар учун иззатдир,
Иззат ундан насиб бўлади, шунинг учун азиз энди ноёб.

1233 (У) қадрсизга қадр, кичикка улуғликдир,
Ёмонга ҳоди, буюкка юксакликдир.

1234 Кўр, Ойтўлди ўғли сўзини эшитди,
(Дуога) қўл очди, кўзини кўкка тикди.

1235 Худога кўп ва ортиқ шукр қилди,
Худо ўғлига уқув-идроқ бергани учун.

1236 Айтди: Ўғлимдан кўнглим тинчиди,
Худонинг фазли билан бахтли бўлиб яшагин.

1237 Кўргин, заковатли (киши) бу сўзни жуда тўғри айтибди,
Унинг маънисини билиб ол, кўзингни пиширади:

1238 Худо кимга заковат, ақл, билим берса,
У барча орзуларга қўл узатади.

1239 Кимнинг хулқи яхши, феълу атвори тўғри бўлса,
У тилагини топади, кун ва ой унга боқади.

1240 Яхши феъл-атвор барча эзгуликларга моядир,
Хулқ-атвор яхши бўлса, минг-минг севинч бўлади.

1241 Ойтўлди яна (дуога) қўлини кўтарди,
Худони яна кўп ҳамд қилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1242 Айур эй ид̇им сэн төрүттүң түзүг
Йэми бирлә игдүр-сә сансыз өзүг

1243 Төрүттүң мэни сэн көтүрдүң қутун
Йазуқлуғ қулуң-мэн тапуғсуз отун

1244 Эд̇и эд̇гү туттуң бу өд̇кә тэги
Қамуғ арзу бэрдиң бу дунйа нэңи

1245 Түзү арзү нэъмат түгәл мэн йэдим
Сэв̇үнчлүг-мә сэндин эй эд̇гү ид̇им

1246 Мэңәр тэгди ҳукмуң барур-мэн муну

Бир-өк оғлум эрди қод̇ур-мэн уну

1247 Ата эрдим эрди өлүр бу ата
Ид̇им сэн тириглик аңар бэр қут-а

1248 Эрәж̇кә йақын тут йырақ тут бала
Экәгү аж̇унда муны сэн йөлә

1249 Эсиздин көд̇әзгил ула эд̇гүкә
Муңад̇турмағыл сэн йэгү кэд̇гүкә

52б 1250 Көңүлдә бэрү қылды эд̇гү дуъа
Эй эд̇гү дуъа таб баладын йыға

1251 Нэкү тэр эшитгил киши эд̇гүси
Бу эд̇гү кишидин болур бэлгүси

1252 Байат кимкә бэрсә инайат басут
Экәгү аж̇унда бу эр булды қут

1253 Қайу қулқа болса байаттын йөләк
Бу булды экәгүн аж̇унда тиләк

1254 Байат фазли болса ким эрсә үзә
Қамуғ арзу нэъматқа тэгди түз-ә

1255 Муңар мэңзәтү айды өглүг киши
Ким өглүг сөзи тутса этлүр иши

1256 Көд̇әзилди кимни көд̇әзсә ид̇и
Тиләк булды нэъмат талусы йэди



www.ziyouz.com kutubxonasi

1242 Айтди: Эй, худойим, сен тамоми мавжудотни яратдинг,
Сон-саноқсиз жонларни ризқи билан парвариш қиласан.

1243 Сен мени яратдинг, бахт-давлат билан улуғладинг,
Мен сенинг гуноҳкор, тоат-ибодатсиз тубан қулингман.

1244 Шу вақтга қадар мени жуда эзгу тутдинг,
Бу дунё нарсаларидан ҳамма орзуларимни бердинг.

1245 Барча орзу-неъматларга тугал муяссар бўлдим,
Эй эзгу эгам, мен сендан жуда мамнунман.

1246 Менга (сенинг) ҳукминг келиб етди, мана мен бораётирман (ўлаётирман),
Биргина ўғлим бор эди, ана, уни қолдираётирман.

1247 Мен ота эдим, энди бу ота ўлаётир,
Эгам, сен унга ҳаёт ато эт, бахтиёр қил.

1248 Ҳаловат ва офиятга яқин тут, бало-офатдан узоқ тут,
Икки дунёда буни сен ўз паноҳингга ол.

1249 Ёмондан асрагин, эзгуликка ула,
Сен уни егу ва кийгуга муҳтож қилмагин.

1250 Сидқи диллик билан эзгу дуолар қилди,
Эй, эзгу дуолар, зинҳор, балолардан эмин тут.

1251 Кишиларнинг яхшиси нима дейди, эшитгин,
Бу (сўзлар) эзгу кишидан белги-нишона бўлади:

1252 Худо кимга иноят, ёрдам берса,
Бу киши иккала дунёда бахтга эришади.

1253 Қайси бир қулга худодан ҳидоят насиб бўлса,
У иккала дунёда ўз тилакларини топади.

1254 Кимга ким бўлмасин худонинг фазли насиб бўлса,
У ҳамма орзу-неъматларга тугал етади.

1255 Оқил киши бунга ўхшатиб айтибди,
Кимки оқил сўзига амал қилса, ишлари саранжом бўлади:

1256 Эга(м) кимни асраса, у асралади [яъни эсон бўлади],
Тилагини топади, неъматни тугал ва тўла ейди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1257 Қайу қул ынанса байатқа туруб
Бала қадғу қапғын өзингә туды

1258 Йана айды Айтолды уқ эй оғул
Өлүмүг унытма анун тур удул

1259 Ынанма тиригликкә йэл-тэг кэчәр
Осанма бу дунйа йэмә тәрк көчәр

1260 Байатқа тутуздум сэни мэн қатығ
Тиләсә көдәзгәй йэтүргәй татығ

1261 Муну адрылур-мэн сениңдин бу күн
Өкүнчүн сығыт бирлә йығлаб өтүн

1262 Мэниңдә кэдин сэн нэкү қылғуңы
Айайы эшитгил уқулмыш нәңи

## Айтолды Өгдүлмишкә өтәләмишин айур

53a 1263 Көңүл тил көни тут байатқа тапын
Ынанма йарынлық ишиңни этин

1264 Қамуғ эдгү эсиз байат ҳукмы бил
Аңар-оқ ынанғыл аның тапғы қыл

1265 Нэкү ким кэрәкликни андын тилә
Аныңдын адын йоқ сэңә күч бил-ә

1266 Ағыр тут нэкү эрсә йарлығларын
Ағыр қылға тэңри бу күн ҳам йарын

1267 Йорықың көни тут унытма өзүң
Көңүл тил кичиг тут бэдүтмә сөзүң

1268 Өзүң отқа атма бу дунйа үчүн
Киши нәңи алма күчәмә күчүн

1269 Тирилдим бир анча барыр-мэн сақын
Нэкү қылды дунйа мэңә көр бақын

1270 Тэрә билди бу өз йэйү билмәди
Күнүм кэчти өкнүб асығ қылмады



www.ziyouz.com kutubxonasi

1257 Қайси бир қули худога ишонса,
Ўзи учун бало, қайғу эшигини ёпади.

1258 Ойтўлди яна айтди: Эй ўғил, уқ,
Ўлимни унутма, ҳозир тур, ҳушёр бўл.

1259 Ҳаётга инонма, у ел каби ўтиб кетади,
Ғофил бўлма, бу дунё-давлат ҳам тез кўчади.

1260 Мен сени худога топширдим,
Хоҳласа асрагай, ҳаловат бергай.

1261 Мана, бу кун сендан айрилаётирман,
Қайғули кўз ёши билан йиғлаб ўтин.

1262 Мендан кейин сенинг нималар қилишинг (ҳақида)
Тушунган нарсаларимни айтайин, эшитгин.

### Ойтўлди Ўгдулмишга насиҳат қилишини айтади

1263 Кўнгил ва тилингни тўғри тут, худога тоат-ибодат қил,
(Бу дунёга) инонма, кейинги ишларингга ҳозирлик кўр.

1264 Барча яхши-ёмон ишлар худонинг ҳукми деб бил,
Унгагина инонгин, унинг буйруғини бажо келтир.

1265 Нимаики керакли нарса бўлса, ундан сўра,
Сен учун ундан бўлак куч йўқ, билиб қўй.

1266 Буйруқлари қанақа бўлса уларни қадрли тут,
Тангри сени бугун ва эрта [яъни икки дунёда] қадрли тутади.

1267 Феъл-атворингни тўғри тут, ўзингдан кетма,
Кўнгил, тилингни кичик тут, сўзингда ҳаво қилма.

1268 Бу дунё-давлат учун ўзингни ўтга отма,
Киши нарсаларини (тортиб) олма, зўравонлик қилма.

1269 Бир муддат яшадим, энди ўлаётирман, андиша қилиб кўр,
Дунё менга нималар қилди, кўр, хулоса чиқариб ол.

1270 Жон (нарса) тера билди, (лекин) ея билмади,
Кунларим афсус чекиб ўтди, фойда қилмади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1271 Сэңә қалды малым мәңә болды йүк
Эрәж̌ бирлә йәб йат сэв̇инч бирлә шүк

1272 Тута билсә тут бу тәрилмиш нәңиң
Экәгү аж̌унда қызартға эңиң

1273 Тута билмәсә-сэн ад̇ын мунча нәң
Сэңәр йәтмәгәй көр сарығ қылға әң

1274 Көни бол бүтүнлүк билә тут қылынч
Көнилик ичиндә турур бу сэв̇инч

1275 Нәкү тәр эшит бу көни қылқлығ эр
Бу экки аж̌унуғ көни қылқлығ йәр

1276 Эриж̌лиг тиләсә киши өз күнин
Көнилик ичиндә тиләсүн эмин

1277 Өзүң бәг болайын тэсә бәлгүлүг
Көнилик ичиндә бу болды үлүг

53б 1278 Бәд̇үглүк тиләсә буд̇унқа улуғ
Өзүнгә ачуқ тут көнилик йолуғ

1279 Оңай болса йалңуқ нә қылқы көни
Экәгү аж̇унда төрүтүр күни

1280 Йана айды Айтолды оғлум эшит
Өзүң эд̇гү бирлә тамудын күшит

1281 Қамуғ эд̇гүлүк қыл эсиздин йыра
Қамуғ эд̇гу кэлгәй сэн олдур йәрә

1282 Эсиз ишкә йақма сэңә қылға қор
Эсизлик йылан-ул сэни тэгкә көр

1283 Бор ичмә отунқа қатылма йуры
Өзүң эд̇гү болға эсәнин йуры

1284 Бу экки қылықтын ыд̇уқ қут қачар
Ул эркә чығайлық йолыны ачар

1285 Эки түрлүг эркә сөзүг сөзләмә
Йад̇ылғай сөзүң ҳам ачылғай йэмә



www.ziyouz.com kutubxonasi

1271 Молларим сенга қолди, менга эса юк бўлди,
(Уларни) роҳатда еб ёт, севинч билан осойишта бўл.

1272 Тута билсанг, бу йиғилган нарсаларингни тутгин,
У икки дунёда юзингни ёруғ қилади.

1273 Сен бунча нарсани тутишни билмасанг,
У сенга етмайди, оқибатда юзингни сарғайтиради.

1274 Тўғри бўл, феъл-атворингни тугал тут,
Севинч деган нарса тўғриликка боғлиқдир.

1275 Феъл-атвори тўғри киши нима дейди, эшитгин,
Тўғри феъл-атворли кишига икки дунё насиб бўлади:

1276 Киши ўз кунининг фароғатли бўлишини истаса,
Фароғат ва эминликни тўғриликдан қидирсин.

1277 Ўзинг албатта бег бўлайин десанг,
Бу сенга тўғрилик туфайли насиб бўлади.

1278 Улуғ халқ устидан буюк бўлайин десанг,
Ўзинг учун тўғрилик йўлини очиқ тут (танлаб ол).

1279 Одам рост ва унинг феъл-атвори тўғри бўлса,
Икки дунёда ҳам куни туғади.

1280 Ойтўлди яна айтди: Ўғлим, эшит,
Яхшиликлар билан сен ўзингни дўзахдан муҳофаза қил.

1281 Фақат яхшилик қил, ёмон (иш)дан узоқ бўл,
Сен ўлтирган ерингга фақат яхшилик келади.

1282 Ёмон ишга яқинлашма, сенга зиён қилади,
Ёмонлик илондир, у сени чақади, кўргин.

1283 Ичимлик ичма, тубанларга аралашмай юр,
Эмин юр, ўзинг эзгу бўласан.

1284 Бу икки хулқдан муқаддас қут қочади,
У киши учун қашшоқлик эшигини очади.

1285 Икки турли кишига сўз сўзлама,
Сўзинг (ҳамма ерга) ёйилади ҳамда (сиринг) очилади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1286 Өзүңгә йағутма ушақчы кишиг
Бүтүн элкә йад̆ғай көрүб билмишиг

1287 Сынамыш танулмыш кишиг тут қатығ
Сэңә тэгкәй андын түмән миң асығ

1288 Сөзүг барча тыңла йэма бүтмә тәрк
Көңүл сирры ачма қатығ кэзлә бэрк

1289 Кишиг тэпсәмәгил силиг қыл өзүң
Бу экки қылынчығ булур тутшы муң

1290 Тишиг бошлағ ыд̆ма йапа тут қапуғ
Тишидин тэгир эркә шаксиз тамуғ

1291 Йатығ эв̇кә ыд̆ма чықарма тишиг
Қатылмазда ашну сынағыл кишиг

1292 Қылынч эд̆гү тут нәңгә қад̆ғурмағыл
Қылынч эд̆гү болса кэлир нәң тэгил

54a 1293 Муңар мэңзәр эмди бу сөзни эшит
Бу сөз ишкә тутғыл өзүңгә иш эт

1294 Тириг бэг кишикә кэрәк эд̆гү йаң
Кэрәк болса булғай қамуғ эд̆гү нәң

1295 Эсизкә нэкүлүг кэрәкмас тав̇ар
Нэчә кирсә болғай чығай бирлә тэң

1296 Ув̇утсуз кишидин йырақ тур тэз-ә
Мэниңдин миң алқыш ув̇утлуғ үзә

1297 Қамуғ иштә эв̇мә сэрин өз бақа
Сэримлүг кишиләр тэгир арзуқа

1298 Қайу йэрдә эрсә йорық отру тут
Йорық отру тутса сэңә өргә қут

1299 Тилиңни көд̆әзгил көзүңниköд̆әз
Боғузны көд̆әзгил ҳалал йэгил аз

1300 Буд̆ун муңқа болса йырақ тур қача
Қара булғақынга қатылма сэчә



www.ziyouz.com kutubxonasi

1286 Сўз ташувчи кишини ўзингга яқинлаштирма,
Кўрган-билганини бутун элга ёяди.

1287 Синалган, танилган кишини маҳкам тут,
Ундан сенга туман минг манфаат тегади.

1288 Ҳар қанақа сўзни ҳам тингла, лекин тезда ишонма,
Кўнглингдаги сирингни очма, қаттиқ ва маҳкам тут.

1289 Кишига ҳасад қилма, ўзингни яхши тут,
Бу икки қилиқдан доим ғам-ташвиш келади.

1290 Аёлларни бўш қўйма, эшикни беркитиб тут,
Аёллардан эр кишига, шубҳасиз, кулфатлар етади.

1291 Ётни уйга қўйма, аёлни эса (ташқари) чиқарма,
Аралашмасдан олдин кишиларни синагин.

1292 Хулқингни хуш тут, нарса учун қайғурмагин,
Хулқинг хуш бўлса, нарсанинг ўзи келаверади, деб билгин.

1293 Энди бунга ўхшаш мана бу сўзни эшит,
Бу сўзга амал қил, уни ўзингга амал қилиб ол:

1294 Тирик бег киши учун яхши хислатлар керак,
У керак бўлса, барча яхши нарсаларни топади.

1295 Ёмон учун мол-товарнинг нима кераги бор?
(Мол-дунё) унга қанчалик келмасин, у бари бир қошиқ билан тенг бўлади.

1296 Уятсиз кишидан зинҳор йироқ тур,
Уятлиларга мендан минг-минг олқишлар бўлсин.

1297 Барча ишда ҳам шошилма, сабрли бўл, ўйлаб кўр,
Сабрли кишилар орзуга етади.

1298 Қаерда бўлмасин феъл-рафторни мўътадил тут,
Феъл-рафторни мўътадил тутсанг, қут сенга ўрмалаб келаверади

1299 Тилингга эҳтиёт бўл, кўзингни асра,
Нафсингни сақла, ҳалол ва оз егин.

1300 Халқ хиёнатга ҳозир турган бўлса, улардан йироқ тур, қоч,
Авомнинг исёнига била туриб аралашма.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1301 Тилиндә йурымасу бэгләр сөзи
Магар эд̆гүлүкдә өңин эй қозы

1302 Киши йасы қулма өзүң қылма йас
Нэчә эд̆гүлүк қыл ҳава арзу бас

1303 Қайу йэркә кирсәң чықышыңны көр
Чықыш билмәсә иш болур эркә қор

1304 Қачан кэлсә өв̇кәң қатығлан сэрин
Сэримлүг кишиниң сэв̇инчи йарын

1305 Нэкү тэр эшитгил сэрингән киши
Сэринсә этәр эр бузулмыш иши

1306 Сэринсә киши өз тиләкин тапар
Сэриб турдачы эр өрүң қуш тутар

1307 Апаң тэгсә эмгәк йа қад̆ғу сақынч
Сэринсә кэлир отруқыра сэв̇инч

54б 1308 Қалы арса давлат билишсә қутуғ

Сэриб ирмәсә барча этлүр қамуғ

1309 Сэрингил сэринмәк эрән қылқы-ул
Сэринсә булур эр масал көккә йол

1310 Өлүмүг унытма ануқ тур сақын
Өзүңни унытма түбүңгә бақын

1311 Тилиндә чықарма бу йалған сөзүң
Бу йалған сөз-өк тәрк ужузлар өзүң

1312 Қад̆ашқа йақынқа йағуқлуқ ула
Улуғқа кичигкә сэв̇үг бол күлә

1313 Туз-этмәкни кэң тут кишикә йэтүр
Киши ъайбы көрсәң сэн ачма йитүр

1314 Тапуғқа ириг бол байатқа тапын
Йазуқдын йырақ тур өзүңни сақын

1315 Болу бэрсә давлат күв̇әзләнмәгил
Оса эд̆гүлүк қыл эсиз қылмағыл



www.ziyouz.com kutubxonasi

1301 Тилингда беглар сўзи такрорланиб юрмасин,
Фақат яхшилик сўзидан бошқа сўз, эй қўзи.

1302 Бошқаларга зиён соғинма, ўзинг ҳам зиён кўрма,
Фақат яхшилик қил, ҳавас ва орзуни босгин.

1303 Қандай ерга кирсанг, чиқишингни кўра бил,
Агар чиқишни билмасанг, ишинг кони зиён бўлади.

1304 Қачон қаҳринг келса, ўзингни тут, сабрли бўл,
Сабрли кишининг севинчи олдида.

1305 Сабр қилган киши нима дейди, эшитгин,
Киши сабр қилса, бузилган ишини тўғрилайди:

1306 Киши сабр қилса, ўз тилагини топади,
Сабр қилиб тургувчи киши оққуш тутади.

1307 Агар меҳнат-машаққат ёки қайғу-алам юз урса,
(Уларга) сабр қилсанг, ўнгингдан шодлик келади.

1308 Давлат ҳовлиқтиргудек бўлса қут ҳаддини билса,
Ўзини йўқатиб қўймаса, борчаси тугал соз бўлади.

1309 Сабр қилгин, сабр қилмоқ кишиларнинг одати,
Сабр қилса киши бамисоли кўкка ҳам йўл топади.

1310 Ўлимни унутма, ҳозир бўлиб тур, ёдда тут,
Ўзингдан кетма, аслингга назар ташла (кимсан?).

1311 Тилингдан ёлғон сўзингни чиқарма,
Шу ёлғон сўзгина дарҳол қадрингни тўкади.

1312 Қариндошларга, яқинларга яқинлик қил,
Улуғга ва кичикка кулиб боқувчи очиқ чеҳрали бўл.

1313 Туз ва нонга (феълингни кенг) тут, одамларга едир,
Кишининг айбини кўрсанг, очма, яшир.

1314 Тоат-ибодатга рағбатли бўл, худога тоат-ибодат қил,
Гуноҳлардан узоқ тур, ўзинг ҳақингда ўйла.

1315 Давлатинг зиёда бўла берса, сен унга мағрурланиб кетмагин,
Андишали бўл, яхшилик қил, ёмонлик қилмагин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1316 Аѣынма бу дунйака артар барыр

Ынанма бу давлатқа тәркин қарыр

1317 Ынанма тиригликкә түш-тэг кэчәр
Күвәнмә қовы қутқа қуш-тэг учар

1318 Тириглик йава қылма эдгү қылын
Кәчәр күн ичиндә кэрәкиң алын

1319 Бор ичмә фасадқа қатылма йыра
Зина қылма фасиқ атанма тур-а

1320 Бу экки қылықдын ыдуқ қут қачар
Ул эркә чығайлық йолыны ачар

1321 Нэкү тэр эшитгил сынамыш киши
Сынамыш кишиләр билир иш башы

1322 Бор ичмә зинакә йағума ҳазар
Бу экки чығайлық тоныны кэдәр

55*а* 1323 Бу бордын қопар миң йазуққа йүрәк

Зинадын қачар кут йүзүңгә сүдәр

1324 Сөзин кэсти Айтолды айды оғул
Унутма сэңә сөз кэрәки бу-ул

1325 Түгәл сөзләдим мэн муңа бүтсә сэн
Сэвинч эксүмәгәй сөзүм тутса сэн

1326 Сэңәр сөзләдим мэн құмару аты
Унытма бу сөзләр көңулдә бити

**Айтолды элигкә құмару битиг қодмышын айур**

1327 Битигүнлә алды бу кағаз битиг
Байат аты бирлә битиди битиг

1328 Байат аты бирлә сөзин башлады

Төрүтгән игидгән кэчүргән иди



www.ziyouz.com kutubxonasi

1316 Бу мол-дунёга маҳлиё бўлма, у кўпаяди ва яна емирилади (камаяди),
Бу бахт-давлатга инонма, у тезда қарийди, эскиради.

1317 Тирикликка инонма, (у) тушдек ўтиб кетади.
Омонат бахтга махсизу маҳлиё бўлма, у қушдек учиб кетади.

1318 Тирикликни беҳуда кетказма, яхшилик қил,
Ўтаётган кунларда ўзингга кераклигини қилиб ол.

1319 Ичимлик ичма, ярамасларга қўшилма, узоқлаш,
Зино қилма, фосиқ номини олма, зинҳор эҳтиёт тур.

1320 Бу икки қилиқдан табаррук қут қочади,
У (нарса) кишига гадолик йўлини очади.

1321 Синаган киши нима дейди, эшитгин,
Синаган кишилар ишнинг бошини (кўзини) билади:

1322 Ичимлик ичма, зинҳор зинога яқинлашма, ҳазар қил,
Бу икки нарса гадолик тўнини кийгазади.

1323 Ичимликдан юрак (ботирлашиб) минг-минг гуноҳларга қўзғолади,
Зинодан қут қочади, юзингга тупуради.

1324 Ойтўлди сўзини кесди, айтди: Ўғлим,
Унутмагин, сенга керакли сўзлар шулардир.

1325 Мен етарли сўзладим, агар сен буларга ишонсанг,
Сўзларимни тутсанг, сенинг севинчнинг камаймайди.

1326 Мен сенга сўзлаганларим оти насиҳатдир,
Сен бу сўзларни унутма, дилингга ёзиб ол.

## Ойтўлди элигга насиҳатнома ёзиб қолдиришини айтади

1327 Сиёҳдон билан ёзув қоғози олди,
Худо номи билан [яъни бисмилло деб] хат ёзишга киришди.

1328 Сўзини худо номи билан [яъни бисмиллони ёзиш билан] бошлади,
Яратган, парваришлаган, афв этган эга(м)дир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1329 Төрүтти халайиқ түмән миң тириг
Тирилгү бәрүр қод̆маз ачын бириг

1330 Тиләсә төрүтүр қылур қулмышы
Тиләб болды барча анын қылмышы

1331 Йурытур қамуғқа тиләмиш тиләк
Кәрәк болмаз анда бирәр бу йөләк

1332 Өлумкә төрүтти бу сансыз қонум
Тириг барча өлгү аңар йоқ өлүм

1333 Ҳабыб сав̇чықа миң мәниндин салам
Тәгүрсүн байатым кәсүгсүз улам

1334 Түзү эшләрингә йәмә-өк ад̆ын
Саламум тәгүрсү ид̆им кәсмәд̆ин

1335 Узун кәч йашағыл эй элиг қуты
Өкүш эл ашағыл бу бәглик аты

55б 1336 Атым эрди Айтолды қылқым толу
Эрилди толулуқ түгәр өз өлү

1337 Өлүм тутғақы кәлди тутты қатығ
Қутулғу йэрим йоқ кәтәрди татығ

1338 Мәни эд̆гү туттуң ачындың өкүш
Сәңә тапнумады барыр бу өз ош

1339 Ул ачығ йануты қумару битиг
Битиб қод̆тум эмди сәңәр эй тәтиг

1340 Бу дунйа ишингә эш эрдим биlә
Ишиңни йэтүрдүм көнилик билә

1341 Муну эмди артуқ бағырсақлықын
Битиб қод̆тум өт сав̇ қумару оқын

1342 Нәкү тәр эшит бу бағырсақ киши
Бағырсақлық-ул көр кишилик башы

1343 Бағырсақ кишиниң сөзи тут сав̇ы
Бу өт сав̇ сәңә болға давлат ав̇ы



www.ziyouz.com kutubxonasi

1329 У халойиқ ва туман минг тирикларни яратди,
(У барчага) ризқ беради, биттасини ҳам оч қўймайди.

1330 Хоҳласа яратади, истаганини қилади,
Барча унинг қилганлари унинг истаги билан вужуд бўлди.

1331 Ўзи истаган истагини барчага жорий этади,
Бу ишда унга ҳеч бир кўмак керак бўлмайди.

1332 Бу сон-саноқсиз омонатларни ўлим учун яратди,
Барча тириклар ўлади, лекин унга ўлим йўқ (у абаддир).

1333 Севимли паёмбарга мендан минг-минг саломлар
Етказсин худойим пайваста ва каму кўстсиз.

1334 Барча саҳобаларига яна бошқа (такрор)
Саломларимни етказсин худойим камайтмасдан.

1335 Узун ва узоқ яшагин, эй бахтиёр элиг,
Кўп элларга муяссар ва беглик отига пайваста бўл.

1336 Отим Ойтўлди, феъл-атворим тўкис, тўла эди,
Эндиликда тўкислик емирилди, ўзлигим ўлиб тугаётир.

1337 Ўлим жарчиси келди, қаттиқ тутди,
Қутулар жойим йўқ, ҳаловатимни олди.

1338 Мени жуда яхши тутдинг, кўп иноятлар кўрсатдинг,
Мен эса сенга сазовор бўларли хизмат қила олмадим, мана энди ўлаётирман.

1339 Ўша иноятларингга жавобан ушбу пандномани
Энди сен учун ёзиб қолдирдим, эй тетик.

1340 Бу дунёнинг ишларига дўст эдим, билгин,
(Барча) ишларингни тўғрилик билан бажардим.

1341 Мана, энди ўта меҳрибонлик билан
Панд-насиҳат ёзиб қолдирдим, ўзинг учун ўқигин.

1342 Меҳрибон киши нима дейди, эшит,
Меҳрибонлик — бу инсонликнинг бош (белгиси)дир:

1343 Меҳрибон кишининг сўзини ва нақлларини тутгин,
Бу панд ва насиҳат (сўз)лар сенга давлат ови бўлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1344 Бағырсақ киши-ул кишидә чыны
Бағырсақ сөзи тут бэд̇үтгә сэни

1345 Эй элиг муну мэн бағырсақ сэңә
Сөзүм ишкә тутғыл эй эрсиг тоңа

1346 Өлүм отру кэлди өкүнди өзүм
Асығ қылмады бу өкүнчүм сөзүм

1347 Кэрәк болды эмди бу қылмыш тапуғ
Өкүнч болды қылмыш эсизлик қамуғ

1348 Туру қалды тэрмиш бу алтун-күмүш
Мэңә тэгди сақыш анындын үлүш

1349 Өлүр-мэн өкүнчүн нэ асғы өкүнч
Өзүмдин тоңулдум көтүрдүм умунч

1350 Бу күн мэн барур-мэн муну эрксизин
Йарын сэн кэлир-сэн уд̇у шаксизин

56а 1351 Өлүм тутмаз эркән уд̇ул эй элиг
Ишиңни этингил йэтүргил силиг

1352 Эсәнлик өд̇индә сэн эд̇гү титүр
Тав̇ар нэң барында үлә ҳам йэтүр

1353 Бала күч йэриндә сэн эд̇гү қылын
Буд̇унуғ сэв̇үндүргил әлгин тилин

1354 Нэкү тэр эшитгил көни сөзлүг эр
Кичигдә уд̇унмыш йэти көзлүг эр

1355 Ажал кэлмәз эркән өлүмкә этин
Тириглик өд̇индә тапуғ қыл тапын

1356 Өлүм кэлсә тутса өкүнч асғы йоқ
Нэчә ма улыса қара йэр қатын

1357 Эй элиг қатығлан мэниндә кэд̇ин
Йав̇а қылма өд̇ күн өзүң тәңликин

1358 Сэни армасун дунйа давлат билә
Қамуғ иш ичиндә көнилик тилә



www.ziyouz.com kutubxonasi

1344 Кишиларнинг энг чини меҳрибон кишидир,
Меҳрибон (киши) сўзига амал қил, (у) сени буюкликка элтади.

1345 Эй элиг, мана, мен ҳам сенга меҳрибонман,
Сўзларимга амал қил, эй мардона баҳодир.

1346 Ўлим (менга) юз уриб келди, ўзим ўкиндим,
Бу ўкинч ва сўзларим фойда бермади.

1347 Кунимга қилган тоат-ибодатларим яради,
Қилган барча ёмон (ишларим) менга ўкинч бўлди.

1348 Йиққан олтин-кумушларим қолиб кетди,
Ундан менга (улар борасида) ҳисоб беришгина насиб бўлди.

1349 Ўкинч билан ўлмоқдаман, ўкинчнинг фойдаси йўқ,
Ўзимдан (жонимдан) умидимни уздим, ишончни йўқотдим.

1350 Мана, бу кун (энди) мен беихтиёр ўлаётирман,
Сўнг, ҳеч шаксиз, орқама-орқа сен ҳам (бизнинг ёнимизга) келасан

1351 Ҳануз ўлим ёпишмаган экан, ҳушёр бўл, эй элиг,
Тадбирларингни кўр ва муҳайё қил.

1352 Соғ-саломатлик пайтингда сен яхшилик уруғини соч,
Мол-дунёнг борида (кишиларга) улаш ва едир.

1353 Бало, зўрлик ўрнига сен яхшилик қил,
Қўл ва тилингда халқни севинтиргин.

1354 Тўғри сўзли киши нима дейди, эшитгин,
Кичиклигидан ҳушёр бўлган, кўзи пишган киши:

1355 Ҳали ажал келмаган экан, ўлимга ҳозирлик кўр,
Ҳаёт пайтингда тоат-ибодат қил, топин.

1356 Ўлим келса, тутса, ўкинчдан фойда йўқ,
Қора ер қаърида қанча улиб йиғлама (бефойда).

1357 Эй элиг, мендан кейин пишиқ бўл,
Ўзинг кези келган фурсат ва кунларни беҳуда кетказма.

1358 Дунё давлат билан сени аврамасин,
Ҳамма ишларда ҳам ростлик иста.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1359 Төрү түз йурытғыл будунқа көни
Күнүң эд̇гү болғай тириглик күни

1360 Өзүң отқа атма бу дунйа үчүн
Ҳава бойны йэнчгил эт-өзкэ өчүн

1361 Бу дунйа нэңи сэн аңар болма қул
Сэни қод̇маз эркэн аны қод̇мағыл

1362 Кув̇эзлэнмэ артуқ көтүрмэ көңүл
Ынанч қылғу эрмэз бу дунйа тоңул

1363 Йақын тут өзүңгэ киши эд̇гүси
Эсиздин йырақ тур тоқығай йасы

1364 Киши суқынга бэрмэгил сэн ишиң
Вафасыз кишикэ йэтурмэ ашың

1365 Өзүң тапну тынма йазуқдын тыд̇ын
Сэңэр тэггү эрмэс тапуғда ад̇ын

56б 1366 Өлүмүг унытма оса эт толум
Пусуғдын чықар-тэг чықар бу өлүм

1367 Нэчэ қачса ахир өлүм тутғусы
Нэчэ қалса ахир өлүм йэтгүси

1368 Өлүмкэ осанма көңүл тут тириг
Нэчэ кэч тирилсэ төшэнгү йэриг

1369 Қаны ким қутулды өлүмдин қачыб
Қаны ким ашунды өд̇индин кэчиб

1370 Эд̇и йақшы сэзлэр элиг[31] йэңзэтү
Бу өд̇ күн тиригликлэриң мэңзэтү

1371 Апа оғланы көрсэ арқыш саны
Өрүк турғу болмаз өрүклэр қаны

1372 Ата арқасында туғулса оғул
Ана қарны манзил қач айлық амул

1373 Анасында туғса атанса аты
Мусафир болуб мүнди өд̇лэк аты



www.ziyouz.com kutubxonasi

1359 Халққа тўғри ва адолатли сиёсат юритгин,
Ўзингнинг ҳаёт кунларинг ҳам эзгу бўлади.

1360 Мол-дунё учун ўзингни ўтга-чўққа урмагин,
Тану жонга қасдма-қасд ҳавас бўйнини янч.

1361 Сен бу дунё буюмисан, унга қул бўлма,
Сени(ки) қўймас эканми, сен уни қўйма.

1362 Ортиқ мағрурланмагин, кўнглингни кўтарма [яъни гердайма],
Бу дунё ишонадиган нарса эмас, ундан умидингни уз.

1363 Кишиларнинг эзгусини ўзингга яқин тут,
Ярамаслардан узоқ тур, сенга зиёни тегади.

1364 Кишиларнинг суқига ишингни бермагин,
Вафосиз кишиларга ошингни едирма.

1365 Ўзинг тоат-ибодат қилиб тинма, гуноҳдан сақлан,
Тоат-ибодатдан бошқа (ҳеч бир нарсадан) сенга баҳра бўлмайди.

1366 Ўлимни унутма, ўйла, жабдуқни ҳозирла.
Бу ўлим пистирмадан чиққандай ногаҳон чиқиб қолади.

1367 (Киши) қанча қочмасин, ўлим охир тутади,
(У) қанчалик (ўлмай) қолмасин, ўлим охир етади.

1368 Ўлимга ғофил бўлма, кўнглингни ҳушёр тут,
Қанчалик узоқ яшама, албатта ерга ястанасан.

1369 Қани, ўлимдан ким қочиб қутулди?
Қани фурсатидан ўтиб ким ошиқча яшади?

1370 Таълимда бунга мослаб жуда яхши сўзланган,
Давр, кун ва тирикликларни қиёслаб:

1371 Одам боласи, агар кўрсанг, карвон кабидир,
Улар узоқ турмайди, узоқ турганлари қани (борми)?

1372 Ўғил [яъни фарзанд] отанинг белидан пайдо бўлса,
Она қорни (раҳми) унинг учун бир неча ойлик сокин бир манзилдир.

1373 Онасидан туғилиб унга от қўйилгач,
У мусофир бўлиб даврон (фалак) отини минади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1374 Қуни бир мэңим-ул түни бир мэңим
Илэтүр өлүмкэр қурытур эңим[32]

1375 Аж̌ун бир түшүн-ул көрүң бир түшүн
Бу түшкүн қопар-сэн түшүн-ул аж̌ун

1376 Қөрэр[33] ул аж̌унда сэңэ экки йол
Бу экки йолунда қайу эрки йол

1377 Йолуң оңча кэлсэ этилди ишиң
Қалы солча кэлсэ улыб чал башың

1378 Тарығлағ эрүр дунйа элиг қуты
Тарыса орар эр тирилгү оты

1379 Нэкү эксэ йэркэ йана ул үнүр
Нэкү бэрсэ эв̌рэ аны-оқ алур

1380 Киши нэңи алма йэмэ төкмэ қан
Бу экки йазуққа улыр чықса жан

1381 Бу туш-тэг тириглик кэчэр бэлгүсүз
57a Кэрэк қул кэрэк бэг барыр кэлгүсүз

1382 Қаны түш саны болды кэчмиш күнүң
Өкүнчдэ ад̌ын йоқ бу қалмыш күнүң

1383 Нэкү тэр эшитгил уд̌унмыш киши
Уд̌үнмышда кэд̌ин өкүнмиш киши

1384 Эд̌и йақшы сөзлэр бу шаъир аны
Бу шэър маънисини уқығыл қаны

1385 Түшүң-тэг кэчүрдүң тириглик уд̌уғ
Қаны асғы көргит мэңэ бир бод̌уғ

1386 Күнүңни кэчүрдүң тилэк арзуқа
Тириглик түгэди өкүнч ул қамуғ

1387 Осанма тиригликкэ артуқ сақын
Тириглик өлүмкэ эд̌и кэд̌ йақын

1388 Саран болма сақлан эй элиг ақы
Қалыр мэңү өлмэз ақылық аты



www.ziyouz.com kutubxonasi

1374 Кундузги ҳар бир хўрагим (ва) тунги ҳар бир хўрагим,
Мени ўлимга яқинлаштиради, чеҳрамни сўндиради.

1375 Дунё бир работдир, кўринг, бир работдир,
Бу работдан қўзғаласан, бу дунё работдир.

1376 Бу дунёда сенга икки йўл дуч келади,
Бу икки йўлдан сенинг йўлинг қайси бири бўлар экан?

1377 Йўлинг ўнг(идан) келса, (барча) иш(лар)инг битади,
Агар сўл(идан) келса, йиғлаб бошингга ур.

1378 Бахтиёр элиг, бу дунё бир экинзордир,
Экин унса, киши ўз ейдиган ўтини ўради.

1379 Ерга нима экса, ўша нарса унади,
Сенга (табиат) нимани берса, ўшани яна қайта олади.

1380 Ўзгаларнинг нарсасини (тортиб) олма ва қон тўкма,
Бу икки гуноҳ учун жон чиқарда киши қаттиқ йиғлайди.

1381 Бу тушга ўхшаш ҳаёт билинмай ўтиб кетади,
Хоҳ қул бўлсин, хоҳ бег бўлсин қайта келмайдиган бўлиб кетади.

1382 Ўтган кунларинг тушдек бўлиб қолди, қани у?
Қолган кунларинг афсусдан бошқа нарса эмас.

1383 Ҳушёр бўлган киши нима дейди, эшитгин,
Ҳушёр тортгандан сўнг ўкинган киши.

1384 Ушбу шоир бу ҳақда жуда яхши сўзлабди,
Қани, энди бу шеър маъносини уққин:

1385 Уйғоқ ҳолда умрингни тушинг каби ўтказдинг,
Қани унинг фойдаси? Менга ундан нишона кўрсат!

1386 Кунларингни тилак-орзулар билан ўтказдинг,
Тириклигинг тугади, унинг барчаси ўкинчдан иборат.

1387 Тириклигингда ғофил бўлма, кўп ўйлаб андиша қил,
Тириклигинг ўлимга жуда-жуда яқиндир.

1388 Бахил бўлма, сақлан, эй, саховатли элиг,
Саҳоватли деган ном мангу қолади, ўлмайди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1389 Эрэт сү бу нэңгэ ынанма өкүш
Асығ қылмағай сү бу алтун-күмүш

1390 Йулуғ қылма өзни адынлар үчүн
Суйурқа өзүңни күйэрмэ күчүн

1391 Сэниндэ узақы ажун бэглэри
Ажун қодты барды йэтүр көз көри

1392 Сэңэ ма анунмыш турур бу өлүм
Өдингэ көдэзэй йүрумыш күнүм

1393 Нэкү тэр эшит дунйа ъайбын йэтиб
Сэңэр сөзлэгүчи уқушдын алыб

1394 Ачығ сув-тэг-ул көр бу дунйа малы
Нэчэ ичсэ қанмаз өлимэз тили

1395 Көликэң-тэг-ул көр бу дунйа тоңа
Ударса қачар қачса йапчур сэңэ

57б 1396 Сақығ-ул көрү бэрсэ дунйа иши
Тутайын тэйү сүнсэ йитрүр киши

1397 Эй элиг қатығлан өзүң эдгү бол
Бэги эдгү болса будун эдгү-ул

1398 Қапуғда тэрилди қамуғ ач бөри
Эй элиг қапуғ кэд көдэзиб йуры

1399 Будун қой саны-ул бэги қойчысы
Бағырсақ кэрэк қойқа қой тутгүчи

1400 Бушы болма ишдэ сэн өвкэтэ тын
Бушы болса бэглэр бузар бэгликин

1401 Ириг сөзлэмэгил кишикэ тилин
Ириглик от-ул от күйүрмэ йалын

1402 Өрүг бол амул бол түзүн бол силиг
Қамуғ эдгүлүгкэ тэгүргил элиг

1403 Йүз отру турур бу узун йол сафар
Уқушлуғ бу йолқа азуқ көп этэр



www.ziyouz.com kutubxonasi

1389 Суворийларга, лашкар ва нарсаларга ортиқ инонма,
Лашкар ва бу олтин, кумушлар фойда бермайди.

1390 Ўзгалар учун ўзингни фидо қилма,
Ўзингни тақдирла, зўр-базўр куйиб ёнма.

1391 Сендан илгариги дунё беглари
Дунёни қўйди, (ўлиб) кетди, кўзингни югуртир, кўриб қўй.

1392 Бу ўлим сенга ҳам келишга отлангандир,
(Яшаб) юрган кунларимни фурсатида эҳтиёт тутай.

1393 Нима дейди, эшитгин, дунё айбларини тушуниб,
Заковатдан (андаза) олиб, сенга сўзлагувчи киши:

1394 Бу дунё моли шўр сув кабидир, кўр,
Уни (киши) қанча ичса ҳам қонмайди, тили намланмайди.

1395 Эй баҳодир, кўргин, бу дунё кўланканг кабидир,
Кетидан борсанг, қочади, қочсанг, сенга ёпишади [яъни эргашади].

1396 Кўрсанг, дунёнинг ишлари бир соқиғ[32] кабидир.
Тутайин деб қўл сунса, киши уни йўқотади.

1397 Эй элиг, дадиллан, ўзинг эзгу бўл,
Беги эзгу бўлса, халқи эзгу бўлади.

1398 Саройда талай оч бўрилар йиғилгандир,
Эй элиг, саройни жуда авайлаб сақлаб юр.

1399 Халқ бир қўй каби, бег эса қўйчивонидир,
Қўй учун қўй тутувчиси меҳрибон (жонкуяр) бўлиши керак.

1400 Барча ишда ҳам ғазабли бўлма, қаҳрдан ўзингни тий,
Беглар ғазабли бўлса, ўз беглигини бузади.

1401 Кишиларга тилингда дағал сўзламагин,
Дағаллик оловдир, у куйдирадиган ёлиндир.

1402 Сокин, оғир, афзал ва мулойим бўл,
Ҳар турли эзгуликларга қўл ургин.

1403 Қаршингда бу узун йўл, сафар туради,
Тадбиркор киши бу йўл учун озуқни кўп ҳозирлайди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1404 Сарай қаршы этмә эй элиг қуты
Анунды сэңә эв̇ қара йэр қаты

1405 Нэрәк ганч урур-сэн бу алтун-кумуш
Сэңәр тэггуси-ул эки бөз улуш

1406 Муңар мэңзәту айды шаъир тили
Бу шаъир сөзи урды сөзкә улы

1407 Осал йаңлуқ оғлы өкуш нэң тэрәр
Нэкукә тэгәр-му сақынмаз бирәр

1408 Байуса тиләкини булса тугәл
Тугәтур тириглик ажал жан бэрәр

1409 Ав̇ынма эрәжкә кув̇әнмә э бэг
Ав̇ынчын кув̇әнчиң одыға от-тэг

1410 Тириглик йав̇а қылма дунйа учун
Кэчигли турур өш бу эмгәк учун

58a 1411 Ағы жуз төшәнгу өзуң оғлағу
Қара йэр төшәнгу турур эй бөгу

1412 Ав̇ынчу сэв̇угләр билә ав̇нур өз
Қара йэр қатында кириб йатғу өз

1413 Йайылмаз йорыға кэв̇алдин тушуб
Эд̇әрсиз йығач мингу муңлуғ болуб

1414 Буларны сақынғыл өлумкә этин
Өкунмә йарын сэн қара йэр қатын

1415 Қамуғ ишкә тавфиқ байатдын тилә
Байат бэргә шаксиз сэңә куч бил-ә

1416 Нэку кэлсә тапла көд̇әзгу эсиз

Бойун бэр қазақа көни тут ағыз

1417 Өзуң булса экки ажун бэглиги
Бу бэш ишкә йақма бу-ул йэглиги

1418 Ҳарамқа қатилма йэма қылма куч
Киши қаны төкмә хасм қылма өч



www.ziyouz.com kutubxonasi

1404 Сарой, қаср бино қилма, эй бахтиёр элиг,
Қора ер қаъри сен учун уй қилиб ҳозирланган.

1405 Бу олтин, кумушларни нима учун хазинага йиғасан?
Ахир сенга икки (газ) бўз насиб бўладику!

1406 Шоир (ўз) сўзини бунга ўхшатиб айтибди,
Шоирнинг бу сўзи сўзларга асос бўлади:

1407 Ғофил одам боласи кўп нарса йиғади,
Нима учун? Бу унга насиб қиладими, бирор марта ўйламайди.

1408 У бойигач, тилакларига тугал етгач,
Ажал (унинг) тириклигини тугатади, у жон беради.

1409 Фароғатга овунма, мағрурланма, эй бег,
Овунчларинг ва ғурурларинг ўт каби ўчади.

1410 Дунё учун ҳаётингни беҳуда ўтказма,
Бу ўтиб кетадиган нарсадир, машаққат учунгинадир.

1411 Шоҳи, ипакка ўралган тўқликда ўсган ўзинг,
Қора ерни тўшанади, эй доно.

1412 Кўнгил хуши маҳбубалар билан овуниб юрган ўзинг,
Қора ер қаърига кириб ётади.

1413 Чарчамайдиган йўрға отдан тушиб,
Мунгли бўлиб, эгарсиз ёғоч от (тобут) минади.

1414 Буларни ўйлагин, ўлимга ҳозирлик кўр,
Сўнг қора ер қаърида ўкинмагин.

1415 Барча ишларга худодан тавфиқ тила,
Шубҳасиз, худо сенга куч-қувват беради, билгин.

1416 (Бошингга) нимаики иш келса, рози бўл, афсус айтишдан сақланиш керак,
Қазога бўйин бер, оғзингни (сўзингни) тўғри тут.

1417 Ўзинг икки олам беглигига эришсанг,
Мана бу беш ишга яқинлашма, яхшиси шу.

1418 Ҳаромга аралашма ва зўравонлик қилма,
Ўзгалар қонини тўкма, хусумат ва ўч қилма.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1419 Бор ичмә фасаддын йырақ тур тэз-ә
Бу қач нәң йурыр тутчы бэглик буз?

1420 Өзүң мәңү бэглик тиләсә тучы
Төрү қыл буд̇унқа кэтүргил күчи

1421 Буд̇унқа башы-сэн эй элиг бу күн
Буд̇унуғ көд̇әзгил уд̇уғ тур өгүн

1422 Улуғ йүк йүд̇үрдүң бойунқа элиг
Осал болма сақлан э қылқы силиг

1423 Этөз арзу сүргән ҳавақа болун
Болун болма болса өзүңни йулун

1424 Кэчүрмиш тириглик туби болды йэл
Йоқалмыш тириглик нэчә бэргә эл

1425 Йав̇а қылма эмди бу қалмыш күнүң
Өзүңни унытғыл йорықын йолуң

58б 1426 Вафа қылғу эрмәс бу дунйа сэңә
Вафа қылды-му эмди бақғыл мэңә

1427 Нэкү тэр эшит бу сақынуқ киши
Сақынуқ билиглиг кишиләр башы

1428 Бу аж̇ун түшүн-ул сан арқыш саны
Түшүндә нэчә болғай арқыш саны

1429 Сарай бил аж̇унны бу казғанч йэри
Нэкү булса мында нару ыд̇ йуры

1430 Өзүң көчгү мындын көчүң ыд̇ бурун

Кэрәкликни алғыл кэрәксиз қод̇ун

1431 Муну мэн барур — мэн мэни көр уд̇ун
Қатығлан өзүңгә ат эд̇гү қод̇ун

1432 Эй элиг бу бэглик узун қулса-сэн
Қач иш қыл қач иш қөд̇ қылур эрсә-сэн.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1419 Ичимлик ичма, фисқу фасоддан зинҳор узоқ тур,
Бу бир қатор нарсалар доимо бегликни бузиб юради.

1420 Ўзинг мангу беглик тиласанг, доим
Халққа адолат қил, зулмни бартараф эт.

1421 Эй элиг, бу кун сен халққа бошсан,
Халққа паноҳ бўл, оқиллик билан ҳушёр тур.

1422 Ўз бўйнингга оғир юк олдинг, (эй) элиг,
Ғофил бўлма, ҳушёрлан, эй феълу атвори гўзал.

1423 Тан ва жон орзу кетидан чопади, у ҳаваснинг қулидир,
(Унга зинҳор) қул бўлма, бўлсанг, (дарҳол) ўзингни қутқар.

1424 Кечирган ҳаёт бўрон (ва) ел каби ўтиб кетди,
Зое кетган тириклик қандай қилиб қўл тутади.

1425 Энди қолган кунларингни беҳуда қилма,
Ўзингни унутгин, йўриғинг, йўлинг шу.

1426 Бу дунё сенга вафо қилмайди,
У менга вафо қилдими, менга қарагин (менга вафо қилмаганидан ибрат ол).

1427 Тадбирли киши нима дейди, эшитгин,
Тадбирли киши — билимли кишилар боши:

1428 Бу дунё бир работ, сен эса карвон кабидир,
Работда карвон қанча туради? Ҳисоб қил.

1429 Дунёни бир сарой бил, у (мол-мулк) қозониш еридир,
Бундан нимаики топсанг нарига [яъни у дунёга] суриб юргин.

1430 Ўзинг бундан [яъни бу ердан] кўчасан, (шунинг учун) кўчларингни бурунроқ юбор,
Керакли (нарса)ларни олгин, кераксизларни қўй.

1431 Мана, мен кетаётирман, мени кўриб (ғафлатдан) уйғонгин,
Қаттиқлан (тириш), ўзингдан яхши ном қолдиришга интил.

1432 Эй элиг, беглигим абадий бўлсин десанг,
Иш қиладиган бўлсанг, бир қатор ишларни қил, бир қатор ишларни эса қилма.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1433 Төрү қыл қатығлан булыб қылма күч
Тапуғ қыл байатқа анық қапғы қуч

1434 Экинчи осал болма сақ тур уд̇уғ
Сэңә тэгмәсүн бир муфача йуд̇уғ

1435 Эки өд̇тә қылма қайу болса иш
Ҳава өв̇кә кэлсә сэриб қылғу иш

1436 Бу қач нәң көд̇әзгил көд̇әзилди эл
Аж̇ун турға бэглик сэңә бэргә эл

1437 Қамуғ эд̇гүләриң ағыр тут көтүр
Эсизләрни тутма элиңдин қопур

1438 Эсиз өңди урма төрү эд̇гү ур
Күнүң эд̇гү болға қутуң баға қур

1439 Нэкү тэр эшитгил э билгә күлүг
Бу сөздин көтүргил өзүңгә үлүг

1440 Төрү эд̇гү урғыл эй элчи бәгү
Эсиз болса булмаз аж̇унуғ йэгү

59а 1441 Ким эрсә уруб қод̇са эд̇гү төрү
Анын тикти атын ад̇ақын өрү

1442 Өзүңни йаңылма э билгә йақын
Түбүңни унытма айу тур сақын

1443 Эсиз қылқы тутма эй элги узун
Эсиз қылқ улытур экәгүн аж̇ун

144 Кэчигли турур дунйа кэчти сақын
Кэлигли өлүм отру кэлди сақын

1445 Мэни көр мэниңдин көтүр өт ириг
Өкүнмә йарын сэн бу күн сэн тириг

1446 Киши өлсә андын қумару қалыр
Мунуқы қумарум сэңә эй билир

1447 Сэв̇әрим сэн эрдиң эй элиг мэңә
Асығлығ қумарумны қод̇тум сэңә



www.ziyouz.com kutubxonasi

1433 Адолат қил, мустаҳкам бўл, зулмни ортиқ қилма,
Худога тоат-ибодат қил, унинг эшигини қуч.

1434 Иккинчидан, ғофил бўлма, соғ ва ҳушёр бўл,
Токи сенга бирорта ҳам ногаҳоний меҳнат-машаққат юз урмасин.

1435 Қандай иш бўлмасин икки фусратда қилма,
Ҳавас уйғонса, ғазаб келса, сабр билан иш қилиш керак.

1436 Бу бир қатор нарсаларга риоя қилсанг, элинг омон бўлади,
Дунё барқарор туради, беглик сенга қўл келади.

1437 Барча яхшиларнинг қадрига ет, улуғла,
Ёмонларни сақлама, элингдан уларни кўтар (чиқар).

1438 Ёмон низом юритма, адолатли сиёсат юрит,
Кунларинг яхши бўлади, бахтинг камар боғлайди.

1439 Доно ва машҳур киши нима дейди, эшитгин,
Бу сўздан ўзингга тегишли ҳисса ол:

1440 Эй эл бошловчи доно, тўғри сиёсат юрит,
(Сиёсат) ёмон бўлса, жаҳонни қўлга киритиб бўлмайди.

1441 Кимда-ким эзгу сиёсат юритиб қўйса,
У билан ўз номини оёққа қўйди [яъни ўз номини ёдгор қилиб қолдирди].

1442 Эй энг яхши билувчи, ўзингнинг кимлигингдан янглишма,
Аслингни унутма, (ўз-ўзингга) сўроқ бериб тур, мулоҳаза қил.

1443 Ёмонлар одатини касб этма, эй қўли узун,
Ёмон одат икки дунёда ҳам улитади (йиғлатади).

1444 Дунё ўткинчидир, уни ўтиб кетди, деб ҳисобла,
Келадиган ўлим қарши (юзма-юз) келди, деб ҳисобла.

1445 Менга қара ва мендан панд-насиҳат кўтар [яъни ибрат ол],
Бу кун (ҳозир) тирик экансан, ҳозирлик кўр, кейин ўкиниб юрма.

1446 Киши ўлса, ундан эсдалик мерос қолади,
Менинг сенга эсдалигим мана шулар, эй доно.

1447 Мен учун сен севикли киши эдинг, эй элиг,
Фойдали эсдалик сенга қолдирдим.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1448 Асығлығ қумару кишикә сөз-ул
Қумару сөзи тутса асғы йүз-ул

1449 Муну сөз битиб қод̇тум эмди чыны
Унытма бу сөзни унытма мэни

1450 Нэчә ким йашаб өз тириг йурса-мэн
Өлум болды ахир йаныш көрсә-мэн

1451 Сэзигсиз өлүм бир күн ахир кэлир
Тирилмиш бу жанлығ жанын алғалыр

1452 Оқығчы кэлүркә анунғу кэрәк
Узун йол йурыркә этингү кэрәк

1453 Өлүмдин қутулғу йэри йоқ билин
Өлүмкә этингил кэрәкиң алын

1454 Нэкү тэр эшит бу улы йатмыш эр
Өлүмүн өлүрдә үзә аймыш эр

1455 Кэзикчә кэлир бу өлүмнүң қуры
• Өлүмкә өзүң чын ануқлан йуры

59б 1456 Қур алтун бағучы муну мэн тэйү
Өлүм тутты эрсә үзүлди қуры

1457 Эй элиг муну мэн өтәдим ҳақың
Түгәл қылдым эмди бағырсақлықың

1458 Байат бэрсү тавфиқ қамуғ эд̇гүкә
Қутад̇су бу эд̇гү йэгү кэд̇гүкә

1459 Эсәнин тириглик[34] өкүш миң йаша
Күв̇әнчин ав̇ынчын өкүш эл аша

1460 Бағырсақлық эрди түгәл бу сөзүм
Эсән қал саламат э көрклүг йүзүм

1461 Муну мэн барыр-мэн эй элиг қуты
Туру қалды оғлум бу бағрым оты

1462 Байатқа тапуздум муны йалв̇ара
Тиләсә көд̇әзгәй күйәр от ара



www.ziyouz.com kutubxonasi

1448 Қиши учун фойдали эсдалик сўздир,
Эсдаликка амал қилинса, фойдаси юз-юздир.

1449 Мана, мен чин сўзларни ёзиб қолдирдим,
Бу сўзларни ва мени унутма.

1450 Мен қанча яшаб тирик юрган бўлсам ҳам,
Оқибат қайтиш, мен қараб кўрсам, ўлим бўлди.

1451 Шубҳасиз охири бир кун ўлим келади,
Яшаб турган бу жонли(лар)нинг жонини олади.

1452 Ундовчи (Азроил) келишига ҳозир туриш керак,
Узоқ йўл юришга (у дунёга кетишга) тайёрланиш керак.

1453 Ўлимдан қутуладиган ҳеч жой йўқ, билиб қўй,
Ўлимга тайёрлангин, ўзингга кераклиларингни олгин.

1454 Чириб ётган бу киши нима деган, эшит,
Ўлимини ўлишидан олдин айтган киши:

1455 Ўлим навбати сенга пайти билан келади,
Ўлимга ҳақиқий ҳозирлик кўриб юр.

1456 Мана ман, деб олтин камар боғлаб юрувчилар,
Ўлим тутгач, камарлари узилади.

1547 Эй элиг, мана, мен сенинг ҳақингни ўтадим,
Сенга бўлган меҳрибонлигимни тугал бажо келтирдим.

1458 Барча яхшиликлар учун худо сенга тавфиқ берсин,
Бу эзгуликлар егу-кийгуда бахтингни очсин.

1459 Саломат ҳаёт кечир, кўп минг (йиллар) яша,
Шод ва хуррамлик билан кўп элларга эга бўл.

1460 Бу сўзларим барчаси меҳрибонликдан иборат,
Эсон ва саломат қол, эй юзи кўрклигим.

1461 Мана, мен ўлиб кетаётирман, эй бахтиёр элиг,
Менинг ўғлим — бағримнинг ўти қолиб кетаётир.

1462 Уни ёлвориб худога топширдим,
Хоҳласа уни ёнар ўт орасида ҳам асрайди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1463 Сэңәр ҳажатым бу көрү бэр муны
Сүрә ыдма болғай йавалар саны

1464 Қамуғ нэңгә тэңри қылур-ул сабаб
Қамуғ эдгү эсиз аңар өз улаб

1465 Оғул-қыз сабабы ата-ул ана
Қылынч артаса йа этилсә йана

1466 Муну мэн атасы өлүр-мэн бүкүн
Кичиг қалды оғлум йэтим өгсүзүн

1467 Бар эрсә қалы бу тапуғчы ҳақы
Сабаб бол муны эдгү йолқа оқы

1468 Көрү ыдма өгрәтгил эрдәм билиг
Билиг эрдәмүн булсу элкә әлиг

1469 Этилсү қылынчы түзүлсү йорық
Тосулсу тапуғқа алынсу алық

1470 Йава ыдма бошлағ йыға тут қыса
Қыса тутса оғлан булур қут баса

60а 1471 Кичигликда билсә оғул-қыз нэни
Қарыб өлмәгинчә унытмаз аны

1472 Нэкү тэр эшитгил қары көкләмиш
Сынамыш уқуб ҳам билиб сөзләмиш

1473 Кичиг эркән өгрәт оғулқа билиг
Кичигдә билиг билсә көтрүр әлиг

1474 Айама оғул-қызқа бэркә йэтүр
Оғул-қызқа бэркә билиг өгрәтүр

1475 Түгәтти битиг түрди бады тутуб
Алыб оғлынга бэрди әлгин сунуб

1476 Айур бу битиг тут йитүрмә оғул
Элигкә тэгүргил қумару бу-ул

1477 Битигим оқысун сөзүм тутсуны
Өлүмкә анутсун ишиг тутсуны



www.ziyouz.com kutubxonasi

1463 Сендан ҳожатим шуки, уни кузатиб тур,
Ташлаб қўйма, ярамаслар қаторига киради.

1464 Тангри барча нарсага сабаб яратади,
Барча яхши-ёмон (ишлар) унга [яъни у сабабга] боғлиқдир.

1465 Ўғил ва қизнинг сабаби ота ва онадир,
(Уларнинг) хулқи бузилса ёки яна қайтадан яхшиланса (улар унга сабаб).

1466 Мана, мен — унинг отаси энди ўлаётирман,
Ўғлим кичик, етим ва онасиз қолди.

1467 Агар сенда хизматимнинг ҳақи бор бўлса,
Сен сабаб бўл ва уни (ўғлимни) яхши йўлга унда.

1468 Кузатиб қараб турма, унга ҳунар-илм ўргатгин,
Билим, ҳунар туфайли элга қўл топсин [яъни бош бўлсин].

1469 Хулқи ёқимли бўлсин, йўл-йўриқлари тузилсин,
Хизматга ярасин, ўз оладиганларини олсин.

1470 Беҳуда ва бўш қўйма, йиғиб, тергаб тут,
Тергаб тутилса, сўнг бола бахт топади.

1471 Ўғил-қиз кичиклигида нимани ўрганса,
То қариб ўлмагунча уни унутмайди.

1472 Улғайган қари (киши) нима дейди, эшитгин,
Синаган, уққан ҳамда билиб сўзлаган киши:

1473 Кичик экан ўғилга билим ўргат,
Кичикликда билим ўрганса, қўли баланд бўлади.

1474 Аяма, ўғил-қизга калтак едириб тур,
Калтак ўғил-қизга билим (адаб) ўргатади.

1475 Номани тугатди, ўради, тутиб боғлади,
Олиб, қўлини узатиб ўғлига берди.

1476 Айтди: Ўғлим, бу номани сақла, йўқотма,
Уни элигга етказ, бу васиятномадир.

1477 Номамни ўқисин, сўзларимга амал қилсин,
Ўлимга ҳозирлик кўрсин, ишларни (яхши) тутсин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1478 Йана алды оғлин қойынга[35] қуча
Өпүб йығлады бар бу йашын сача

1479 Айур эй оғул көрдүң эмди мэни
Нэ ҳалын барур-мэн унытма муны

1480 Сэңәр ма сэзигсиз бу күн кэлгү-ул
Осал болма ахир өзүң өлгу-ул

1481 Кәрәклиг сөзүм мэн йэтүрдүм сэңә
Уқыб сэн сөзүмни дуъа қыл мэңә

1482 Қалы элиг үд̇ләб тиләсә сэни
Йорық түз тапуғ қыл сынама аны

1483 Йав̇а болма бошлағ йүгүрмә узун
Көни бол силиг бол қылынчын түзүн

1484 Кәчә йатса кэч йат йана эртә тур
Йатыб эрта қопған қутын эр турур

1485 Байат йарлығын сэн ағыр тут ағыр
Элигкә тапуғ қыл исингил бағыр

60 1486 Эсизкә йағума йырақ тур тэз-ә
Йуры эд̇гүлүк қыл йорық йол түз-ә

1487 Сөзүңни көд̇әзгил саламат йуры
Өзүңни көд̇әзгил эсәнин қоры

1488 Сөзин кэсти оғлын қучуб йығлады
Улынды йана ул өкүнчләр йэди

1489 Айур эй ынанчсыз аж̇ун бэвафа
Нэлүг қылдың эмди мэңәр сэн жафа

1490 Бу нэъмат билә бу игид̇миш өзүм
Кирүр бу қара йэркә көрклүг йүзүм

1491 Анадын нэ-тэг туғдум эрсә букүн
Аның-тэг барыр-мэн йалыңын муңун

1492 Нэкү тэр эшитгил өлүги оң эр
Өлүмкә өкүнүб улығлы бэг эр



www.ziyouz.com kutubxonasi

1478 Яна қайта ўғлини қучиб бағрига олди,
Уни ўпиб кўзидан бор ёшини тўкиб йиғлади.

1479 Айтди: Эй ўғил, энди сен менинг (аҳволимни) кўрдинг,
Мен қандай аҳволда ўлиб кетаётирман, буни унутма.

1480 Бу кун шак-шубҳасиз сенга ҳам келади,
Ғофил бўлма, охири сен ҳам ўласан.

1481 Лозим сўзларимни мен сенга тушунтирдим,
Сен сўзларимни уқиб, менинг ҳақимга дуо қил.

1482 Агар элиг сени истаб йўқласа,
Йўл-йўриғингни тузат, хизмат қил, уни синаб ўлтирма.

1483 Беҳуда бўлма ва бекорга кўп югурма,
Тўғри бўл, мулойим бўл, хулқингни гўзал қил.

1484 (Элиг) кечаси кеч ётса, сен ҳам кеч ёт, яна эрта тур,
(Кеч) ётиб эрта турувчи — бахтли кишидир.

1485 Худонинг буйруқларини сен қадрли тут, қадрли,
Элигга хизмат қил, кўнглингни унга нисбатан иситгин.

1486 Ярамасларга яқинлашма, зинҳор йироқ тур,
Кел, яхшилик қил, йўл-йўриқларингни яхшила.

1487 Сўзингга эҳтиёт бўл, саломат юргин,
Ўзингга эҳтиёт бўл, эсон-омонлик билан қўриқлан.

1488 Сўзини кесди, ўғлини қучиб йиғлади,
Яна уввос тортди, афсуслар чекди.

1489 Деди: Эй ишончсиз, бевафо дунё,
Нима учун энди сен менга жафо қилдинг.

1490 Бунчалик неъматлар билан парвариш топган жоним
Қора ерга кириб бораётир, (эй) юзи кўрклигим.

1491 Онадан қандай туғилган бўлсам, эндиликда
Ўшандай яланғоч ва мунг билан ўлаётирман.

1492 Ўлиши муқаррар бўлган киши нима дейди, эшитгин,
Ўлимдан ўкиниб улиб йиғловчи бег киши:



www.ziyouz.com kutubxonasi

1493 Қарындын чықардың қарынқа кирүр
Шакардин игиḋтим йыланқа бэрүр

1494 Эсизим тириглик эсизим тириглик
Өкүнчүн сығыт бирлә гөркә кирүр

1495 Кэчиг қулды барча қаḋашларқа ул

Йэләр болды жаны йашыл көккә йол

1496 Сығыт қоḋты Айтолды йэтрүб өгин
Қумару үләди кишикә нәңин

1497 Көзин көккә тикти айур эй элиг
Шаҳадат билә кэсти тэбрәр тилиг

1498 Йаруқ жан үзүлди түнәрди күни
Байат аты бирлә кэсилди тыны

1499 Әḋизлик тиләди сүзүг жан туруғ
Учуб барды жан қалды кэлбат қуруғ

1500 Болуб туғмадуқ-тэг йитиб барды жан
Ажунда аты қалды бэлгү нишан

61а 1501 Нэкү тэр эшит эмди көңли көни
Осаллық усындын уḋунмыш күни

1502 Этөзнүң эти[36]-ул тэриглик эшик
Сүзүг жан эви-ул әḋизлик йитик

1503 Қуруғ қалды кэлбат учуб барды жан
Байат билди қанча барыр эрсә жан

1504 Әḋиз болды орны э қутлуғ қут-а
Түңисә қуḋы инсә болды йут-а

1505 Экидә бири болды шаксиз үлүг
Тирилди өлүмсүз узун мәңүлүг

1506 Нэ йаңлығ турур көрсә йаңлуқ өзи
Йурырда этәр аты кэслүр сөзи

1507 Қайудын кэлир эрки қанча барыр
Қайуда турур эрки қайда йурыр



www.ziyouz.com kutubxonasi

1493 Қориндан чиқардинг, қоринга кираман,
Лаззатлар билан парвариш топдим, илонларга ем бўламан.

1494 Эсиз тириклигим, эсиз тириклигим,
Ўкинч ва йиғилар билан гўрга кираман.

1495 Барча қариндошларидан у узр сўради (яхши-ёмон гап ва ишлари учун кечирим сўради),
Жони яшил кўкка йўл олиб еладиган бўлди.

1496 Ойтўлди ақлини югуртириб йиғини қўйди,
Ўз давлатини одамларга улашишни васият қилди.

1497 Кўзини кўкка тикди, айтди: Эй элиг,
Тебровчи тилни (худо) шаҳодат билан кесди (сўздан қолдирди).

1498 Равшан жон узилди, куни тунади [яъни тунга бадал бўлди],
Худо номини ёд этиш билан нафас олиши тўхтади.

1499 Покиза руҳ юқорига, аъло маконга интилди,
Жон (руҳ)и учиб кетди, қуруқ келбати қолди.

1500 Бўлмаган ва туғилмагандек жон (руҳ) йўқолиб кетди,
Жаҳонда унинг номидангина белги ва нишона қолди.

1501 Энди кўнгли тўғри (киши) нима дейди, эшит,
Ҳақиқатан ғафлат уйқусидан уйғонган киши:

1502 Жасаднинг макони териладиган эшикдир [яъни қабристондир],
Покиза руҳнинг макони арши аълодир.

1503 Келбат қуруқ қолди, жон учиб кетди,
Руҳ қаерга борадиган бўлса, уни худо билади.

1504 Ўрни арши аълода бўлса, эҳ, қандай муқаддас бахтдир.
(Агар) эгилса, тубан кетса, бир бало бўлади.

1505 Унинг қисмати шубҳасиз, шу иккидан бири бўлади,
(Ҳар икки ҳолда ҳам) у ўлимсиз, абад ва мангу яшайди.

1506 Боқиб қаралса, инсон ўзи нимага ўхшайди,
Ҳаётида ном чиқаради, сўнг сўзи кесилади.

1507 У қаердан келади, қаерга боради?
Қаерда туради, қаерда юради?



www.ziyouz.com kutubxonasi

1508 Билигли билир-му нэкү тэр нэкү
Уқуғлы уқар-му нэку тэр нэкү

1509 Билигли йана йоқ билир бу ишиг
Уқуғлы уған-ул уқар бу ишиг

1510 Ара бир[37] ичэр көр йурыр бэлгүсүз
Ара көз көрэрдэ болур бэлгүсүз

1511 Эди қысға өзлүг бу йаңлуқ өзи
Сақынчы бэдүг ҳам узун тил сөзи

1512 Қөрү бэрсэ йалңуқ бу эрксизликин
Нэлүг мунча йавлақ көтүрди эгин

1513 Иги көңли артар ажунуғ булуб
Нэлуг кэрди көксин қайа-тэг болуб

1514 Нэкү тэр эшит бу удунмыш киши
Өлүмүг уқуб йолқа көнмиш киши

1515 Нэ тэңсиз өлүм-сэн эй йавлақ өлүм
Басунмаз сэңэ этсэ йүк миң толум

61б 1516 Түзүкэ тэгир-сэн қутулмаз бири
Эсиз эдгү нэңгэ сэн-өк-сэн бөри

1517 Кэрэк эрди билгэ тирилсэ қутун
Қамуғ өлсүн эрди билигсиз отун

1518 Эсиз эдгү қалмаз нэчэ йүз өлүр
Улуғ йа кичиг бүт қара йэр толур

1519 Өлүмкэ кэчиг йоқ тириг болдачы
Нэчэ ма тирилсэ өлүм кэлдэчи

1520 Нэ йақшы айур бу будун башлар эр
Билигин уқушун ишин ишлэр эр

1521 Нэ эдгү иш эрди өлүм болмаса
Нэ көрклүг иш эрди киши өлмэсэ

1522 Эрижкэ тэгүрди мэни бу өлүм
Өлүм-ул бузуғлы түбүм ҳам улум



www.ziyouz.com kutubxonasi

1508 Доно биладими? (Бу ҳақда) у нима дея олади?!
Заковатли уқадими? (Бу ҳақда) у нима дея олади?!

1509 Бу ишни биладиган донониг (ўзи) йўқ,
Бу ишни тушунадиган якка қодирнинг ўзидир.

1510 Гоҳо ейди, ичади, белгисиз юради,
Гоҳо кўзга кўринганда яна нишонаси ўчади.

1511 Бу инсон ўзи жуда қисқа умрлидир,
Ташвиши кўп ҳамда тили узун, сўзи баландпарвоздир.

1512 Боқиб кўрилса, инсон бунчалик эрксиз бўла туриб,
Нега бунчалик ярамаслик билан гердаяди!

1513 Жаҳонни қўлга киритгач, кўнгил ҳасратлари ортадию (гуноҳи ортадию),
Яна нима учун у қоя каби кўксини керади (керилади)?!

1514 Ҳушёр киши нима дейди, эшит,
Ўлимнинг моҳиятини тушуниб, йўлга тўғриланган (ҳозирланган) киши:

1515 Эй шафқатсиз ўлим, сен қандай ярамас ўлимсан,
Сенга минг-минг жабдуқ-қурол юкланса ҳам босилмайсан.

1516 Сен барчага (бориб) етасан, бирортаси ҳам қутула олмайди,
Ёмон ва яхши нарсаларга сен бир бўрисан.

1517 Донолар бахтиёр яшасалар яхши бўлар эди,
Барча тубан нодонлар ўлсалар яхши бўлар эди.

1518 Ёмон ва яхши қолмайди, неча юзлаб ўлади,
Катта ёки кичик бўлмасин, ишон, қора ер (улар билан) тўлади.

1519 Ўлимдан халос бўлиш чораси йўқ, (эй) тирик юргувчи,
Қанча яшамагин, (оқибат) ўлим келади.

1520 Халқ бошловчи киши қандай яхши гапиради,
Билим, заковат билан ишларини бажарувчи киши:

1521 Ўлим бўлмаса қандай эзгу иш бўлар эди,
Киши ўлмаса қандай чиройли иш бўлар эди.

1522 Бу ўлим мени тинчликка етказди,
Таг-томиримни қўпорувчи ўлимдир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1523 Киши эсиз эрмәс кишилик эсиз
Эрән эсиз эрмәс көр эрдәм эсиз

1524 Өлүмкә таң эрмәз туғуғлы өлүр
Туғуғлы өлүр көр қара йәр толур

1525 Нә қуртға қылынчы бу-ул игдүси

Кәрәк өңдү тутғыл кәрәк төңдүси

**Элиг ҳақан Өгдүлмишкә панд бәрмишин айур**

1526 Бу Айтолды йасын кәчүрди элиг
Оқыб оғлынга бәрди өт сав әлиг

1527 Айур эй оғул қылма артуқ сақынч
Сақынч кәчсә ахир түбиндә сэвинч

1528 Сәңә тэгмәди бу сақынч йаңлузун
Мәңәр тэгди эмгәк бу сақынч узун

62*а* 1529 Көңүлдә кэчүрмә өзүңни авыт
Бақа тур мәңә өз тапуғқа эвит

1530 Атаң өлди эрсә атаң-мән сәңә
Аталық қылайын оғул бол мәңә

1531 Йәр өпти көр Өгрүлмиш айды элиг
Узун кэч йашағыл ашайу элиг

1532 Мән игдиш қулуң-мен тапуғчы мәниң[38]
Йулуғ болсу жаным элигкә мәниң

1533 Атам жаны болды элигкә йулуғ
Йулуғ қылсу тәнри сәңә бу қулуғ

1534 Чықарды атасы битигин оғул
Элигкә өтүнди көр ақру амул

1535 Элиг алды ачты оқыды битиг
Сөзин уқты айды эсиз эй тэтиг

1536 Айур эй бағырсақ кишидә бурун
Қапуғум қурыттың қураттың орун



www.ziyouz.com kutubxonasi

1523 Инсон эсиз эмас, инсонгарчилик эсиздир,
Одам эсиз эмас, хислат-фазилат эсиздир.

1524 Ўлимга ажаб йўқ, туғилган ўлади,
Туғилган ўлади, кўр, қора ер (қаъри) тўлади.

1525 Унинг қилиқлари жуда кўҳна [яъни ўлим эскидан бор], бу унинг ҳунари,
Хоҳ унинг қоидаларига амал қил, хоҳ унинг аксини қил, бефарқ.

**Элиг хоқон Ўгдулмишга панд беришини айтади:**

1526 Элиг Ойтўлдининг мотамини ўтказди,
(Ҳузурига) чақириб унинг ўғлига панд-насиҳат берди ва иноят қўлини чўзди.

1527 Деди: Эй ўғил, ортиқ алам чекма,
Ғам-алам кечирилса, кетидан севинч келади.

1528 Бу алам ёлғиз сенгагина етмади,
Мусибат ва оғир алам менга ҳам етди.

1529 (Бу ҳақда) ўйлама, ўзингни овут,
Менга яқин тур, хизматга ҳозирлан.

1530 Отанг ўлган бўлса, мен сенга отаман,
(Мен) оталик қилайин, (сен) менга ўғил бўл.

1531 Ўгдулмиш ер ўпди, айтди: Элиг,
Элга эга бўлиб узун ва узоқ яшагин.

1532 Мен сенинг содиқ тарбиялаган хизматкор қулингман,
Элигга менинг жоним фидо бўлсин.

1533 Отамнинг жони элигга фидо бўлди,
Энди тангри бу қулни ҳам сенга фидо қилсин.

1534 Ўғил отасининг номасини чиқарди,
Уни аста-секинлик билан элигга берди.

1535 Элиг олди, номани очди, ўқиди,
Сўзларини уқди, деди: Эсиз, эй ўткир зеҳнли (киши).

1536 Айтди: Эй меҳрибон, кишилар сарвари,
(Менинг) эшигимни ҳувиллатдинг, ўрнини қуруқ қолдирдинг.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1537 Тириглә тапундуң өтадиң ҳақым
Өлүрдә муңад̇ыб йәдиң ҳам ғамым

1538 Ҳақыңны өтәйумәдим мән сәниң
Йана йоқ[39] өтәсүн сәниң ҳақларың

1539 Нә-тәг ким сәв̇үнчлүг-мә сәндин бу күн
Байат бәрсүни миң сәв̇үнчүн қутун

1540 Сөзин кәсти элиг көзи йаш сача
Туруб чықты көргил сақынчығ қуча

1541 Эв̇ингә кәлиб кирди көңли түшүг
Қапуғ йапты бир күн сақынчын түгүг

1542 Йәмә қылды оғлы атасы йуғы
Чығайқа үләди күмүш ҳам ағы

1543 Кәчүрди йәмә бу ата қад̇ғусы
Йақын қылды өзкә киши эд̇гүси

62б 1544 Ата панди тутты йурыды көни
Қуты артты күндә йаруды күни

1545 Нәкү тәр эшит эмди өглүг киши
Башында кәчүрмиш билир эл иши

1546 Атаң пандини сән қатығ тут қатығ
Қутадға күнүң болға күндин татығ

1547 Атаңны анаң̇ны сәв̇индүр тушы
Йанут бәргә тапғың түмән миң асығ

1548 Элиг ма қатығланды анда нару
Күникә уру барды эд̇гү төрү

1549 Байуды буд̇ун ҳам этилди эли
Элигкә дуъа қылды буд̇ны тили

1550 Элиг бир күн олдурды йаңлуз өзүн
Кәмишти китаб отру бақты көзүн

1551 Таңулды өги көңли тыд̇улмады
Тиләди айытғу киши булмады



www.ziyouz.com kutubxonasi

1537 Тириклигингда хизмат қилдинг, ҳақимни ўтадинг,
Ўларингда ҳам ташвиш билан ғамимни единг.

1538 Мен сенинг ҳақингни ўтай олмадим,
Сенинг ҳақларингни худогина ўтасин (берсин).

1539 Бу кун мен сендан нечоғлик хурсанд бўлсам,
Худо сенга минг карра севинч ва қут билан қайтарсин.

1540 Элиг кўзидан ёш тўкиб сўзини кесди,
Қайғу, аламга тушиб туриб чиқди, кўргин.

1541 Кўнгли чўкиб келиб уйига кирди,
Эшик беркитди, бир кун ғам ва хафаликда бўлди [яъни аза тутди].

1542 Ўғли эса отасига аза очди,
Йўқсилларга кумуш ва қимматбаҳо нарсалар улашди.

1543 Ота учун қайғу, ғамни ҳам ўтказди (унутди),
Кишиларнинг яхшиларини ўзига яқин қилди.

1544 Отасининг панд-насиҳатларини тутди, тўғри юрди,
Қути кундан-кунга ортди, кунлари ёриди (рўшноликка чиқди).

1545 Энди ақлли киши нима дейди, эшит,
Бошидан кечирган эл ишини билгувчи (киши):

1546 Отангнинг пандини сен қаттиқ тут, қаттиқ,
Сени бахтга элтади, кунинг кундан-кунга ширин бўлади.

1547 Отангни, онангни доим хурсанд қил,
Хизматларинг эвазига туман минг ҳисса фойда оласан.

1548 Элиг ҳам бундан буён қаттиқ киришди,
Бир кун ҳам оғишмай эзгу сиёсат юрита берди.

1549 Халқ бойиди ҳамда эл яшнади,
Халқ тили элигни дуо қилди.

1550 Элиг бир кун ёлғиз ўзи ўлтирди,
Китобни қўйди, кўзини узоққа тикди.

1551 Ақли ҳайратда қолди, кўнгли тинчимади,
Истаб сўрайдиган киши тополмади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1552 Сақынды көр Айтолды эрдәмләри
Айур эй дарыға эрәндә эри

1553 Қапуғ көрки эрди мэңә эдгү эш
Будун асғы эрди аңар тэгсә иш

1554 Қуруғ қалды орны изилди ишим
Эрүкләр бүтүргү қаны бир кишим

1555 Йана сақыну алды көр Өгдулмишиг
Айур мэн унытмас-мә ошбу эшиг

1556 Өлүрдә ул Айтолды оғлын мэңә
Тапузды аны мэн уныттым таң-а

1557 Ата өлди эрсә оғул бар тириг
Бирисин йитүрдүм тутайы бириг

1558 Киши ыдты тэркин көр Өгдүлмишиг
Авынды өзингә бэкитти эшиг

63а 1559 Йурыб кирди Өгдүлмиш отру туруб
Элигкә көрүнди сэвүнчлүг болуб

1560 Элиг көрди эрсә оқыды аны
Айытты нэкү қылды өдләк сэни

1561 Нэкү-тэг кэчәр бу кэчигли күнүң
Көни-му йурыр-сэн йа эгри йолуң

1562 Нэкү қылды өдләк атаңда кэдин
Сэвинч-му йурыр-сэн сақынч қадғудын

1563 Өтүнди бу Өгдүлмиш элиг қуты
Узун кэч тирилсү йадылсү аты

1564 Йырақ болдум элиг тапуғында таш
Иригләди өдләк мэңәр түгди қаш

1565 Бүтә кэчти элиг йүзин көрмәдим
Сақынч қадғу бирлә йурыб күлмәдим

1566 Бу күн үдләб элиг мэни үндәди
Умынчлығқа давлат мэңәр қур бады



www.ziyouz.com kutubxonasi

1552 Кўр, Ойтўлдининг фазилатларини эслади,
Деди: Эй дариғ, кишиларнинг кишиси.

1553 У менинг эшигимнинг кўрки, энг яхши дўстим эди,
Унинг қўлидан чиққан иш халқ учун манфаатли эди.

1554 Унинг ўрни қуруқ қолди, ишларим барбод бўлди,
Бузуқликларни бартараф қилувчи одамим (борми), қани?

1555 Ўгдулмиш ҳақида яна ўйлаб олди, кўр,
Деди: Мен ушбу эшимни унутмайман.

1556 Улар чоғида Ойтўлди ўғлини менга
Топширган эди, мен уни унута ёздим.

1557 Ота ўлган бўлса, ўғил ҳаёт-ку,
Бирини йўқотдим, бас бирини тутайин.

1558 Тезликда киши юборди ва Ўгдулмишни
Ўзига улфат қилди, эшик беркитди.

1559 Ўгдулмиш юриб кирди ва рўбарў туриб,
Хурсанд бўлиб элигга кўринди.

1560 Элиг кўргач, уни чақирди,
Сўради: Фалак сени қандай ҳолга солди?

1561 Ўтаётган кунларинг қандай кечмоқда?
Тўғри юрибсанми ёки йўлинг эгрими?

1562 Отангдан сўнг фалак нималар қилди?
Хурсанд юрибсанми ёки ҳасрат, қайғу биланми?

1563 Ўгдулмиш сўз очди: Бахтиёр элиг
Узун ва узоқ яшасин, номи ёйилсин.

1564 Мен элиг хизматидан ташқарига чиқдим, узоқлашдим,
Фалак мендан юз ўгирди, қовоғини уйди.

1565 Кўп вақт ўтди, элиг юзини кўрмадим,
Алам, қайғуда юриб, (зинҳор) кулмадим.

1566 Бу кун элиг мени истаб чорлади,
Яхши ниятлар учун давлат менга бел боғлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1567 Элиг йарлығыны эшитти өзүм
Күнүм эд̆гү болды йаруды көзүм

1568 Элиг тэкмә түрлүг айытты билиг
Өтүнди бу Өгдүлмиш ачты тилиг

**Өгдүлмиш элигкә тапуғқа кирмишин айур**

1569 Элиг айды мунда нару эй оғул
Мэңә тапну турғыл чөкүрмә көңүл

1570 Атаң тапғы бар эрди артуқ тэлим
Өтәйүмәдим барды қалды бэрим

1571 Өтәгү кэрәк мэн бу хақлар сэңә
Кишиләр тили болмаса тэр мэңә

63б 1572 Нэкү тэр эшитгил Үч орду бэги
Билиб сөзләмиш сөзкә йэтрүб өги

1573 Киши эмгәк ыд̆са сэңә бэлгүлүг
Унытма ул эмгәкни болма өлүг

1574 Кишиликни қод̆ма эй асли киши
Кишилик қылу тур кишикә тушы

1575 Кимүң эмгәки кирсә кимкә бирәр
Йанутын өкүш қыл сэн отру аңар

1576 Кишиликни көр ат урунды киши
Кишилик билә ат көтүрди киши

1577 Йуры уд̆ атанма кишилик қыл-а
Кишикә киши бол кишилик бил-ә

1578 Йэр өпти көр Өгдүлмиш айди илиг
Элиг көз йарутса мэңәр болды эг

1579 Тапуғчы қулуң-мә бэгим-сә улуғ
Улуғ бэг ағырлар тапуғчы қулуғ

1580 Тиләсә ағыр тут тиләсә ужуз
Йулуғ қылдым эмди сэңә мэн бу өз



www.ziyouz.com kutubxonasi

1567 Мен элигнинг ёрлиғини эшитгач,
Куним эзгу бўлди, кўзларим ёруғлашди.

1568 Элиг ҳар турли билимлардан сўраб кўрди,
Ўгдулмиш жавоб берди, сўзга тил очди.

### Ўгдулмишнинг элиг хизматига киришини айтади

1569 Элиг айтди: Бундан буён, эй ўғил,
Менга хизмат қилиб юр, кўнглингни чўктирма.

1570 Отангнинг хизматлари ортиқ ва кўп сингган эди,
Мен унинг ҳақларини ўтай олмадим, у ўлиб кетди, ҳақи эса (менда) қолди.

1571 Энди бу ҳақларни мен сенга ўташим керак,
Токи мен кишилар оғзида гап бўлиб юрмайин.

1572 Учўрду беги нима дейди, эшитгин,
Сўзга фаросатини етказиб билиб сўзлаган (киши):

1573 Биров сенга муайян бир меҳнат сингдирса,
У меҳнатни унутма, мисли ўлик бўлма.

1574 Эй асл киши, одамгарчиликни қўйма,
Кишиларга доим одамгарчилик қилиб тур.

1575 Кимнинг кимга бирор меҳнати кирган бўлса,
Сен эвази учун унга кўпроқ меҳнат сингдир.

1576 Одамгарчиликни қара, киши у туфайли ном чиқаради,
Одам одамгарчилик билан танилади,

1577 Кел, мол деган ном олма, одамгарчилик қил,
Одамга одам бўл, одамгарчиликни бил!

1578 Ўгдулмиш ер ўпти, кўр, деди: Аввал [яъни биринчи бўлиб]
Элиг менга эътибор кўзи билан қараса, (бу) мен учун яхшилик (нишонаси) бўлади.

1579 Хизматкор қулингман, сен улуғ бегимсан,
Улуғ бег хизматкор қулини қадрлайди.

1580 Истасанг қадрла, истасанг таҳқирла,
Энди мен бу жонимни сенга бағишладим.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1581 Туруб чықты ақру қапуғқа кэлиб
Бир анча йурыб барды эв̇кэ тэгиб

1582 Қурын бады Өгдүлмиш анда нару
Қыйықсыс тапуғ қылды эртэ бару

1583 Тапунды кэчэ таңда тэбр̇эмэди
Түнин йатты йатғақ аш анда йэди

1584 Элиг көңлингэ сығды эрсэ тапуғ
Элиг бэрди давлат ачылды қапуғ

1585 Нэкү тэр эшит бу тапуғ қылғучы
Тапуғ бирлэ давлат атын мүнгүчи

1586 Э бэглэр сэв̇инчи тилэгли киши
Қамуғ бэг тилэги үзэ қыл иши

64a 1587 Бэги тапламас ишни қылса қулы
Ыланч өзкэ қылсун сэрилсэ қалы

1588 Қалы қылмаса бэг тилэмиш тапуғ
Йав̇а болды йэтмиш тириглик қамуғ

1589 Йақын тутты элиг көр Өгдулмиши
Төрүчэ айу бэрди тэкмэ иши

1590 Йана бир күн отруб муңад̇ты элиг
Айур эй дариға йитүрдим эриг

1591 Қапуғда қулын бод̇ тэрилди толу
Қаны бир ишимкэ йарағлы талу

1592 Ишим барча сэндин йоқ-ул билдэчи
Қаны бир бағырсақ ишим қылдачы

1593 Нэкү тэр эшит бу сынамыш киши
Сынаб эд̇гү эсизни билмиш киши

1594 Тилэсэ булур барча арзу киши
Тилэк-тэг киши билмэз эд̇гү башы

1595 Бу бодсын йурығлы қара баш қалын
Қиши тэб ынанғу киши йоқ билин



www.ziyouz.com kutubxonasi

1581 Аста туриб ташқарига чиқди, дарвозага келиб,
Бир оз юриб уйига етиб борди.

1582 Шундан бошлаб Ўгдулмиш (хизмат) камарини боғлади,
Барвақт бориб оғишмай хизмат қила бошлади.

1583 Кечаю кундуз хизмат қилди, оғишмади,
Тунлари соқчилик қилиб ётди, овқатни ўша ерда еди.

1584 Хизмат элигга манзур бўлса,
Давлат юз уради, (берк) эшиклар очилади.

1585 Хизмат қилувчи киши нима дейди, эшит,
Хизмат туфайли давлат отини мингувчи (киши):

1586 Эй беглар хурсандчилигини истовчи киши,
Барча ишни беглар хоҳишига мос қил.

1587 Қули беги ёқтирмайдиган иш қилгач,
Қайғу билан жони койиса, ўзини айбласин.

1588 Агар у беги хоҳлаган хизматни қилмаса,
Етишган тириклигининг ҳаммаси беҳуда бўлади.

1589 Кўр, элиг Ўгдулмишни яқин тутди,
У турли ишларни қоидаси билан айтиб берди.

1590 Элиг бир куни ўлтириб яна кайғурди,
Деди: Эй дариғо, (асл) киши (Ойтўлди)ни йўқотдим.

1591 Даргоҳимда қул ва хизматкорлар талай йиғилди,
Лекин менинг ишларимга яровчи етук бир киши қани?!

1592 Барча ишларимни сен (Ойтўлди)дан яхши биладиган киши йўқ,
Менинг юмушларимни қиладиган бир меҳрибон киши қани?!

1593 Синаган киши нима дейди, эшитгин,
Синаб ёмон ва яхшини билган (фарқлаган) киши:

1594 Одам истаса барча орзусига етади,
Лекин тилагандек эзгулар сардари бўлган киши топилмайди.

1595 Бош кўтариб юрган инсон жуда кўп,
Лекин (ҳақиқий) инсон деб аташ мумкин бўлган киши йўқ,
билгин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1596 Қишидэ кэрэки йарағлысы йоқ
Йараб ҳам тосулуб йурығлысы йоқ

1597 Нэкү тэр эшитгил бу шэър айғучы
Сөзүг маъны бирлэ түзүб қоḋғучы

1598 Йурығлы көрүр-мэн йарағлысы йоқ
Йарағлы булунса йурығлысы йоқ

1599 Қалын боḋ қарабаш йумытты өкүш
Тэлимдэ тилэсэ тосулғусы йоқ

1600 Йана айды элиг масалда кэлир
Уруғлуғ киши өлсэ урғы қалыр

1601 Бу Айтолды оғлы атайур нэ-ул
Ата барды эрсэ оғул орны-ул

64б 1602 Ата барды орны қуруғ ҳам қуқуз
Қуқуз толғуқа көрдүм оғлын кэḋ уз

1603 Муны эḋлэйин мэн бу болсун киши
Киши болмыш асғын билусин иши

1604 Болуғлуғ кэрүр-мэн йарағу муны
Кичигликдэ таштын аḋын йоқ муны

1605 Эḋи йақшы аймыш буḋун атлығы
Буḋунда талусы киши қутлуғы

1606 Элиг урса бэглэр кими эḋлэсэ
Йа қур баш болур бу бэгиндэ баса

1607 Қими тутса бэглэр өзингэ йақын
Йағуды тилэки кэрэки бақын

1608 Өтэмиш болайы атасы ҳақын
Қылайын кишилик бағырсақлықын

1609 Бу Айтолды тапғы тэлим эрди көр
Кишилик қылайы анын йанғы көр

1610 Киши эḋгү асли унытмас болур
Киши урғы көнлин айытмас болур



www.ziyouz.com kutubxonasi

1596 Одамлар орасида кераклиси, яроқлиси йўқ,
Кишининг кунига яраб, фойда келтириб юрувчиси йўқ.

1597 Ушбу шеър айтувчи нима дейди, эшитгин,
Сўзни маъни билан тузиб қўювчи киши:

1598 Юрувчиларни (кўплаб) кўраман, ярайдигани йўқ,
Яроқлиси топилса-чи, у юрмайди (умри қисқа бўлади).

1599 Талай хизматкор ва қуллар кўплаб йиғилди,
Шу кўпчилик ичидан ахтарсанг, фойдалиси йўқ.

1600 Элиг яна деди: Масалда шундай келади:
Уруғли киши ўлса, унинг уруғи қолади.

1601 Ойтўлдининг ўғли деб аталувчи ўзи нима (ким ахир)?
Ота ўлса, ўғил унинг ўрни-ку, ахир.

1602 Ота ўлди, унинг ўрни қуруқ ва бўш қолди,
Бу бўшни тўлдириш учун ўғлини жуда муносиб кўрдим.

1603 Мен уни тарбиялайин, у одам бўлсин,
Одам бўлганлигининг нафини ўз ишларида била олсин.

1604 Унинг (менга) яраб қолишини тугал кўриб турибман,
Ёшлигидан ташқари бўлак нуқсонлари йўқ.

1605 Халқ ичида ном чиқарган киши жуда яхши сўзлабди,
Халқнинг сараси, кишиларнинг бахтлиси:

1606 Беглар қўл чўзиб кимни қўллаб-қувватласа,
Бегидан бир даража қуйи аъён боши бўлади.

1607 Беглар кимни ўзларига яқин тутсалар,
У кишининг тилаги ва лозималари яқинлашди, кўргин.

1608 Мен отасининг (Ойтўлдининг) ҳақини ўтайин,
(Ўғлига) меҳрибон бўлиб инсонийлик қилайин.

1609 Ойтўлдининг (менга сингган) хизмати талай эди,
(Энди) унинг эвазига одамгарчилик қилайин, кўр.

1610 Эзгу кишининг аслини унутиб бўлмайди,
Одамзоднинг кўнглини олиб бўлмайди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1611 Нэкү тэр эшит бу ав̇ычға сөзи
Ав̇ычға сөзин тут унытма қози

1612 Бу эд̆гү қылу тур эй эд̆гү киши
Қарымаз болур эд̆гү мәңү йашы

1613 Бу эд̆гү қарымаз йэмә опрамаз
Йашы кәд̆ узун-ул аты артамаз

1614 Ағырлады элиг көр Өгдулмишиг
Сынады аңар бэрди барча ишиг

1615 Ачынды элиг көр көтүрди өрү
Болу бэрди эв̇рән йумытты төрү

1616 Оңарды төрү ҳам тоқу ич тапуғ
Ачылды тутуғдын тиләмиш қутуғ[40]

65a 1617 Муны болды эрдәм сөзи болды сөз
Элиг турды эрсә аңар ачты көз

1618 Элиг айды эмди тиләмиш ишим
Түзү йэтлү барғай ичим ҳам ташым.

1619 Йөләки бар эрди мунуң бэлгүлүг
Аны эд̆ләдим қылдым ачығ үлүг

1620 Муну булдум эмди тиләк-тэг киши
Тақы толғусы бар йэтилсә йашы

1621 Улуғ болғу оғлан йэ эрсиг йаған
Кичигдә болур барча эд̆гү нишан

1622 Муңар мәңзәтү эмди байтығ оқы
Уқа бэрсә маъни ачылғай тақы

1623 Тапунды бу Өгдулмиш отру туруб
Қылумады таңда кэчә өд̆ булуб

1624 Кэтэрди өзиндин йарағсыз маҳал
Тосулды қамуғ түрлүг ишкә түгәл



www.ziyouz.com kutubxonasi

1611 Ушбу қария сўзини эшит, нима дейди,
Қария сўзига амал қил, унутма, қўзичоқ:

1612 Эй эзгу киши, (доим) эзгу (лик) қилавер,
Эзгу(лик) қаримайдиган бўлади, унинг умри боқий.

1613 Эзгу (лик) қаримайди ҳам, емирилмайди ҳам,
Унинг умри жуда узун, номи эса бузилмасдир.

1614 Кўр, элиг Ўгдулмишни жуда қадрлади,
Синади, барча юмушларни унга топширди.

1615 Элиг уни сийлади, кўр, уни улуғлади,
Фалак унга кулиб боқди, низом-қоидалар тартиблашди, марказлашди.

1616 Сиёсат ва низомларни ва (мамлакатдаги) ички хизматларни йўлга қўйди,
У истаган эшикнинг тилсими очилди.

1617 Унинг нуқсон-камчиликлари ҳам санъатга (ютуққа) бадал, айтгани айтган бўлди,
Элиг мушкул аҳволда қолганда, унга йўл-йўриқлар кўрсатди.

1618 Элиг деди: Энди (барча) истаган ишларим
(Мамлакат) ичида ёки ташқарисида бўлмасин, барчаси тугал бажарилаверади.

1619 Бу (иш)нинг муайян бир тадбир-чоралари бор эди,
Мен унинг кетига тушдим, ўзимга оғирликни олдим.

1620 Мана, оқибатда кўнгилдагидек кишини топдим,
Ёши етишгач, у яна ҳам етилиши, камол топиши аниқ.

1621 Бўладиган бола ёинки забардаст фил
Кичиклигида барча белги-нишонлари бўлади.

1622 Энди бунга мос келадиган ушбу байтни ўқи,
Уқа борсанг, унинг маъниси яна ҳам очилаверади[33].

1623 Ўгдулмиш ўтириб ҳам, туриб ҳам хизмат қилди,
Кундузи қила олмаган (иш)ларни кечаси фурсат топиб бажарди.

1624 Барча яроқсиз ва маҳол нарсаларни ўзидан кўтарди (кетказди),
Турли хил ишларга тугал фойдаси тегди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1625 Қутулды элиг кэтти эмгэклэри
Будун асғы артты йэниб йүклэри

### Элиг савалы Өгдулмишкэ

1626 Элиг үндэди бир күн Өгдулмишиг
Аңар сорды барча нэ сөз билмишиг

1627 Элиг айды эмди эшит эй оғул
Сөз айтур өзүм сэн мэңэ тут көңүл

1628 Айу бэр мэңер сэн тосулмаз қайу
Қайу-ул тосусы мэңэ ай сайу

1629 Йанут бэрди Өгдулмиш йады э бэг
Билиг ордусы эй кишилэрдэ йэг

65б 1630 Кишикэ тосулғу экэгү ажун
Қылынч эдгүси-ул йа қылқы түзүн

1630 Экинчи овут-ул үчүнчи көни
Бу үчи билэ эр булур қут күни

1632 Қылынч эдгү болса қамуғ халқ сэвэр
Қылынчы көни болса төркэ ағар

1633 Овут-ул тыдығлы қамуғ тэңсизиг
Овутсузлуқ эркэ эди тэңсиз иг

1634 Көнилик овут ҳам бу эдгү қылынч
Үчэгүн бириксэ бу болды сэвинч

1635 Тақы бир силиглик қылынчы көни
Экэгүн ажунда қутадур күни

1636 Йана айды элиг эшиттим бу сөз
Тосулмаз қайу-ул кишикэ йавуз

### Өгүлмиш жавабы элигкэ

1637 Йанут берди Өгдулмиш айды бу сөз
Йаңулаб эшитсү элиг билгэ өз



www.ziyouz.com kutubxonasi

1625 Элиг халос бўлди, машаққатлари кетди,
Юклари енгиллашиб (ташвишлари камайиб) халқнинг манфаати ортди.

## Элигнинг Ўгдулмишга саволи

1626 Бир куни элиг Ўгдулмишни чорлади,
Нимаики (сўз) билса, барчасини ундан сўради.

1627 Элиг айтди: Эй ўғил, энди эшит,
Мен сендан сўз сўрайман, менга кўнгил тут.

1628 Сен менга айтиб бер: Бефойда қайси,
Фойдалиси қайси? Менга санаб айтиб бер.

1629 Ўгдулмиш жавоб берди, айтди: Эй бег,
Билимнинг ўрдаси, эй одамларнинг яхшиси.

1630 Икки оламда кишига керакли нарса:
Эзгу қилиқ ва гўзал хулқдир.

1631 Иккинчиси — шарм-ҳаё, учинчиси — ростлик,
Бу учи туфайли киши чиндан бахтга эришади.

1632 Хулқ гўзал бўлса, барча халқ севади,
Хулқи тўғри бўлса, (у киши) тўрга чиқади.

1633 Шарм-ҳаё ҳамма ярамас (ишлар)дан тияди,
Уятсизлик киши учун жуда ярамас иллатдир.

1634 Ростлик, шарму ҳаё ҳамда гўзал хулқ —
Учаласи бирикса, бу севинч демакдир.

1635 Яна бири — софлик ва рост феъллик, булар
Икки оламда кишини бахтиёр қилади.

1636 Элиг яна айтди: Бу сўзларни эшитдим,
Кишига фойдасиз, ярамас нарса нима?

## Ўгдулмишнинг элигга жавоби

1637 Ўгдулмиш жавоб берди, айтди: Бу сўз(лар)ни
Элиг қулоқ бериб эшитсин, билиб олади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1638 Кишикә тосулмаз тугәл үч нәң-ул
Үчини айу бэрдим эд̇гү оғул

1639 Бири арқ̇уқ эрсә бу қылқы йав̇уз
Тақы бири йалған түзәр эрсә сөз

1640 Тақы бир саран-ул кишидә йэли
Бу үч нәң учәгү билигсиз тили

1641 Кимүң болса артуқ қылынчы отун
Иши барча татру болур туғса күн

1642 Ким эрсә жав̇ықса бу йалған тилин
Сав̇ы барды йаңлуқ ара сэн билин

66а 1643 Нэкү тэр эшитгил саранығ билиг
Э чырғу э муңлуғ э тэгмиш әлиг

1644 Саранлықда ынға нэкү бар ад̇ын
Т̇әрәр нәң йэйүмәз қалур нәң кэд̇ин

1645 Тэрә билдиң алтун йэйә билмәдиң
Бу алтун йағың бир нәлүг бэрмәдиң

1646 Э дунйа тэриб сэн йэйүмәз киши
Йэгүчи ануқ ош анут сэн ашы

## Элиг савалы Өгдүлмишкә

1647 Йана айды элиг эшиттим муны
Тақы бир сөзүм бар айу бэр аны

1648 Анадан-му билга туғар бу киши
Азу өгрәнүр-му йэтилсә йашы

1649 Йанут бэрди Өгдулмиш элиг қуғы
Билиг ҳам уқуш-ул бу эрдәм аты

1650 Билигсиз туғар-ул төрү өгрәнүр
Билиг билсә өтрү қамуғқа үнүр

1651 Анадын туғуғлы билигсиз туғар
Билү өгрәнү өтрү төркә ағар



www.ziyouz.com kutubxonasi

1638 Киши учун бефойда аниқ уч нарсадир,
Бу учаласи борасида сўзлаб бердим, яхши ўғил[34].

1639 Биринчидан, ўжар, феъли ёмон бўлса,
Иккинчидан, ёлғон сўз тўқийдиган бўлса.

1640 Кишиларнинг ярамасларидан яна бири бахил, очкўз кишидир,
Бу уч хусусият уч тоифа нодонлар учун хосдир.

1641 Кимнинг феъл-атвори ортиқча тубан бўлса,
Унга кун туққач [яъни омад келиши билан] барча иши чаппасига кетади.

1642 Кимда-ким ёлғончилик билан донг чиқарса,
Халқ ўртасида унинг обрўси кетади, сен буни билиб ол.

1643 Маърифатда очкўз ҳақида нима дейилган, эшитгин,
Эй, кўзи ёшли, эй, мунгли, эй, азоб чеккан:

1644 Очкўзликдан ҳам ўтадиган бошқа нима бор,
Нарсани теради, ея олмайди, нарсалар қолиб кетади.

1645 Олтинни тера билдинг, лекин ея билмадинг,
Бу олтинлар сенга ёвдир, нима учун сен уни улашмадинг.

1646 Эй сен, мол-дунёни териб ея олмайдиган киши,
У (мол-дунё)ни егувчи аниқ, сен ошини ҳазирла.

## Элигнинг Ўгдулмишга саволи

1647 Элиг яна айтди: Буларни эшитдим,
Яна бир сўзим бор, уни (ҳам) айтиб бер.

1648 Инсон она(си)дан доно бўлиб туғиладими,
Ёки ёши етилгач ўрганадими?

1649 Ўгдулмиш жавоб берди: Бахтиёр элиг,
Билим, уқув ва бу санъатлар (ҳақида гапирсам),

1650 (Киши) билимсиз туғилади, низомларни ўрганади,
У билим билгач, сўнг барча (ишлар)га ярайди.

1651 Онадан туғилувчилар билимсиз туғилади,
Билиб, ўрганиб, сўнг тўрга чиқади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1652 Уқуш-ул аны йаңлуқ өгрәнмәди
Төрү бирлә қатлыб төрү билмәди[41]

1653 Уқушда ад̇ын барча эрдәмләриг
Қиши өгрәнүр өтрү йэтлүр элиг

1654 Сэв̇үнди элиг көр эшитти бу сөз
Айур өз тиләкини булды бу өз

1655 Атасын йитүрдим мунуқы оғул
Ата орны тутты билиб эд̇гү йол

66б 1656 Байатқа шукр қылды айды өкүш
Буд̇унқа төрү қылғу эд̇гү үлүш

1657 Бағырсақ кәрүр-мэн бу Өгдулмишиг
Бүтүнлүк билә қылды барча ишиг

1658 Аңар ма бу күн қылғу эд̇гү йанут
Ул эд̇гу йанутын бу болсу йанут

1659 Нэкү тэр эшит бу киши өд̇рүми
Қиши өдрүми ҳам буд̇ун көд̇рүми

1660 Қишилик қылурқа кишилик анут
Қишилик тэңинчә төрә қыл йанут

1661 Вафақа вафа-ул кишилик ҳақы
Вафа қыл көни бол атыңны бэд̇үт

1662 Күнингә ағырлады элиг аны
Бүтүн элкә йад̇ты көр аты үни

1663 Буд̇унда бэд̇үг болды бэлгү нишан
Аж̇унда жав̇ы барды эд̇гү дуъан

1664 Улуғ болды эш түш ара бэлгүлүг
Бэд̇уг болды бэгләр ара бу күлүг

1665 Көңүл тил кичиг тутты қылқы оңай
Йарашты төрү бирлә кэчти күн ай

1666 Көңүл қусқы тутты тилин сөз сүчиг
Буд̇унуғ иситти ташығ ҳам ичиг



www.ziyouz.com kutubxonasi

1652 Уқув шуки, инсон уни ўрганмайди,
(Уни) эгам мизожга қўшиб яратади.

1653 Уқувдан ўзга барча фазилатларни
Киши ўрганади ва сўнг қўли ишга қовушади.

1654 Элиг бу сўзларни эшитиб севинди,
Мен ўз тилагимни топдим, деди.

1655 Отасини йўқотган эдим, мана бу ўғил
Эзгу йўлни билиб, ота ўрнини босди.

1656 Худога шукр қилди, деди: Кўплаб (беҳисоб)
Халққа адолат (ва) эзгулик инъом қилиш [лозим].

1657 Ўгдулмишни меҳрибон киши сифатида кўрдим,
Барча ишларни етуклик билан ижро этди.

1658 Энди унга эзгулик билан жавоб қилиш [лозим],
У эзгуликка бу эзгулик жавоб бўлсин.

1659 Кишиларнинг сараси нима дейди, эшит,
Кишиларнинг сараси ҳамда халқнинг етуги:

1660 Одамгарчилик қилувчига одамгарчилик қилишга ҳозирлан,
Одамгарчиликка лойиқ вафо билан жавоб қайтар.

1661 Одамгарчиликнинг ҳақи вафога вафо қилишдир,
Вафо қил, тўғри бўл, номингни улуғла.

1662 Элиг уни кундан-кунга қадрлай борди,
Унинг оти ва овозасини оламга ёйди.

1663 Унинг белги ва нишони халқ ўртасида буюк бўлди,
Эзгу дуолар билан оламга шуҳрати таралди.

1664 Эш-тушлари орасида ҳақиқатан улуғ бўлди,
Беглар орасида бу баҳодир буюк бўлди.

1665 Кўнгил ва тилини камтар тутди, тўғри хулқ унга ярашди,
Кун ва ойлар адолатда ўта берди.

1666 Кўнглини очиқ, тил ва сўзини ширин тутди,
(Мулк) ичидаги ва ташидаги халқларда ўзига муҳаббат уйғотди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1667 Адаш қолдаш эрдәш тутунды тэлим
Адаш қолдаш эркә көр асғы тэлим

1668 Кимүң арқасы болса күчлүг болур
Бу күчлүг киши қутқа түблүг болур

1669 Нэ эдгү болур қутқа қусқы көңүл
Нэ көрклүг болур билгә болса амул

1670 Йэмэ йақшы аймыш бу өглүг киши
Ким өглүг сөзин тутса этлүр иши

67а 1671 Кимүң бирлә давлат йарашса кэлиб

Көңүл қусқы қылғу кичиглик қылыб

1672 Кэлир эрсә давлат кишикә күлә
Тутуб бэкләгүси кичиглик билә

1673 Көчүт-тэг болур қут болур ҳам төзи
Көңүл қусқысы ҳам анын йылдызы

1674 Нэ эдгү болүр қылқы алчақ киши
Нэ күрклүг болур күндә этлүр иши

1675 Улуғсығ күвәз күр киши-ул туры
Күнингә қуды-ул күвәзлик қуры

1676 Қамуғқа йарашур бу қут урса йүз
Уқушлуғқа артуқ йарашур кәд уз

1677 Муңар мэңзәтү эмди байтығ оқы
Оқығыл уқа бу эй әлги ақы

1678 Билигсизкә давлат йарашса кэлиб
Билигликкә артуқ йарашур тэгиб

1679 Билигсиз билә турса давлат қалы
Билиглиг билә турға тэң түш көриб

1680 Билигсиз бэдуг болса давлат билә
Билиглигкә артуқ йарашур күлә



www.ziyouz.com kutubxonasi

1667 Талай ёру биродарлар, қўлдошлар, тенгқурлар орттирди,
Кишига ёру биродарлар ва қўлдошларнинг нафи талайдир.

1668 Кимнинг таянчи бўлса, у кучли бўлади,
Бу кучли кишининг бахти-давлати барқарор бўлади.

1669 Очиқ кўнгил бахт-давлатга нечоғлик ярашади,
Доно камтарин бўлса, нечоғлик чирой бўлади.

1670 Мана бу оқил киши янада яхшироқ айтибди,
Кимда-ким оқил сўзига амал қилса, иши ривож топади:

1671 Ким билан давлат келиб ярашса [яъни кимга давлат кулиб боқса],
Очиқ кўнгил (камтар) бўлиб ўзини кичик тутиши керак.

1672 Агар давлат кишига кулиб келадиган (боқадиган) бўлса,
Камтаринлик билан уни маҳкам тутиб сақлаши керак.

1673 Қут кўчат кабидир, (унинг) асоси ҳам бўлади,
Кўнгилнинг ювошлиги (эса) унинг илдизидир.

1674 Феъли мулойим киши нечоғлик яхши бўлади,
Нечоғлик хушрўй бўлади, иши кунига ривож топади.

1675 Кибрли, гердайган, мағрур киши ярамасдир,
Мағрурлик мартабаси кундан-кунга юз тубан кетади.

1676 Давлат барчага юз урса ҳам ярашади,
Лекин уқувли кишига юз урса, ортиқ мос тушади.

1677 Бунга мос келувчи (бу) байтни ўқи,
Буни уқиб ўқигин, эй қўли очиқ:

1678 Агар нодонга келган давлат унга ярашса,
Донога келган давлат унга ниҳоятда ярашади.

1679 Агар (давлат) нодонга келиб қарор топса,
У (давлат) доно учун мос ва мувофиқ бўлиб қарор топади.

1680 Нодон давлат билан улуғ бўлса,
Доно учун бу давлат кулиб боқади ва жуда ярашиқли бўлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1681 Билигсизкә давлат кәлир эрсә қут
Турумаз бу давлат аның бирлә бүт

1682 Мунуқы бу сөзкө тануқ кәлди сөз
Оқығыл аны сэн ай-а көңли түз

1683 Қәлир қут кишикә ағырлар аны
Синәр ул ағырлық ағырлар күни

1684 Болумсузқа давлат кҳлү бәрсә қут
Тутар давлатын ул кәчүрмәз күни

1685 Сынады бу элиг көр Өгдүлмишиг
Көнилик узә булды барча ишиг

67б 1686 Ағырлады анча көтүрди өрү
Ужузлады азрақ бир анча киру

1687 Ағырлық өд̇индә киши сәрмәди
Ужузлуқ өд̇индә тапуғ кәсмәди

1688 Элигкә йышығ болды көңли бүтүб
Ағы қазнақы бәрди көңли бүтүб

1689 Аманат йүд̇үрди бойнуқа улуғ
Аманат йүд̇әр эркә жаным йулуғ

1690 Ишин сүрди Өгдүлмиш артуқ көни
Күнингә йақын тутты элиг аны

1691 Ача ад̇ра тутты қамуғ ишләрығ[42]
Сақышлығ битиб қод̇ты йумқыларығ

1692 Көд̇әзди бәгин кәд̇ өзин сақлады
Тапунды бу қылча қыйық қылмады

1693 Нәкү тәр эшитгил йәтилмиш йашы
Тиригликдә қорқуқ бүтүн чын киши

1694 Ағыр нәң кишикә бу алтун-күмүш
Өзин тутғучы эр күмүшдә көшүш

1695 Билиглик билиг бәрди билгә көр-ә
Көни чын киши болса көзкә сүр-ә



www.ziyouz.com kutubxonasi

1681 Агар нодонга давлат ва саодат юз урса (келса),
Бу давлат унда қарор топиб туролмайди, ишон.

1682 Мана, ушбу сўзга қуйидаги сўзлар далил бўлади,
Сен уни тушунгин, эй соф кўнгил (киши):

1683 Юз урган (келган) давлат кишини улуғлайди,
Бу улуғлик унга сингиб кунларини табаррук қилади.

1684 Нокасга давлат ва бахт юз урса (келса),
У бир кунини ҳам ҳаловатда ўтказмай давлатни маҳкам тутади.

1685 Элиг Ўгдулмишни синади, кўр,
Барча ишларининг тўғри эканлигини кузатди.

1686 Уни жуда қадрлади, кўкларга кўтарди,
Кейин бир оз қадрсиз ҳам тутиб кўрди.

1687 У қадрлилик пайтларида хизматсиз қараб турмади,
Қадрсиз тутилган пайтларида ҳам хизматни қўймади.

1688 Кўнглида ишонч ҳосил қилгач элигга ҳижоб бўлиб қолди,
Элиг тўла ишонч ҳосил қилиб унга хазина жавоҳирларининг ихтиёрини топширди.

1689 Унинг зиммасига улуғ омонат иш юклади,
Зиммасига омонат иш олган кишига жоним фидо бўлсин.

1690 Ўгдулмиш ишларини ортиқ ростлик билан юритди,
Элиг уни кундан-кунга ўзига яқин тутди.

1691 Барча ишларни фарқлаб, ажратиб ижро қилди,
Барча жамғармаларни ҳисобдан ўтказиб қўйди.

1692 Бегини жуда авайлади, ўзини эҳтиёт тутди,
У хизмат қилди, қилча ҳам оғишмади.

1693 Ёши етилган (киши) нима дейди, эшитгин,
Ҳаётида жуда эҳтиёткор, етук, чин киши:

1694 Киши учун олтин ва кумуш қимматли нарсадир,
Ўзини тута билувчи киши эса кумушдан ҳам азиз.

1695 Донишманд (бундай) таълим берди, доно, кўргин:
Соф, рост киши учраса, уни кўзга сургин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1696 Тақы мунда йэгрэк айур көр уқуш
Бағырсаққа жан бэрсэ эрмэз өкүш

1697 Көни тэб айурлар қайу-ул көни
Көнилик қылығлы аманат күни

1698 Эрэтдэ қайу-ул түгэл эр тэгү
Көни эрсэ қылқы аны эр тэгү

1699 Кишидэ қайу-ул киши өггүси
Ақы өггуси-ул саран сөкгүси

1700 Апа оғланын көрсэ муңлуғ тэгү
Бү түн күн тэрэр нэң булумаз йэгү

68a 1701 Қайу йүгрү тынмаз ажун тэзгинүр
Қайу жан йулуғлар тэңизкэ кирүр

1702 Киши эмгэк ыдса сэңэ бэлгүлүг
Унытма ул эмгэкни болма өлүг

1703 Қайу тағ қазар көрсэ қутлуғ қайағ

Қайу йэр қолачлар бу йүгрүр йадағ

1704 Қайу арт ашар көр өкүзлэр кэчэр
Қайу йэр қазар сув қудуғлар ичэр

1705 Қайүсы чэрикдэ қылыч балду йэр

Қайу жан йулуғлар йатыб жан бэрир

1706 Қайу оғры тэвлиг қарақчы қонуқ
Қайусы басымчы өлүтчи қыруқ

1707 Бу эмгэк нэчэ боғзы эгни үчүн
Нэрэк нэң-тэг эмгэр йэтүрмэз күчүн

1708 Бу барча билигсиз киши қылқы-ул
Билигсиз кишилэр түгэл йылқы-ул

1709 Байатқа бутүгли билиглиг киши
Түгэмиш өдиндэ түгэл йэр ашы



www.ziyouz.com kutubxonasi

1696 (Бу ҳақда) дид бундан ҳам дурустроқ айтади,
Меҳрибон кишига жон фидо қилсанг ҳам кўп эмас(кам).

1697 Тўғри, деб айтадилар, у тўғри ўзи қанақа бўлади?
(Бу) омонат (топширилган) кунлари тўғрилик қилувчидир.

1698 Лашкар орасида етук эр деб аталадигани қайси бири?
Хулқ-атвори тўғри бўлса, уни мард киши, деб атаса бўлади.

1699 Кишилар орасида мақтовга лойиқ қайси?
Сахий мақтовга, бахил таҳқирга лойиқдир.

1700 Одам боласини кўрсанг, мунгли дейишга лойиқ.
(Чунки) бутун кун нарса теради, лекин тутиб еярли ризқ
топа олмайди.

1701 Айримлари югуриб тинмайди, оламни кезади,
Айримлари жон фидо қилади, денгизга киради.

1702 Биров сенга муайян меҳнатини сингдирса,
У меҳнатни унутма, мисли ўлик бўлма.

1703 Кўрса(нг) айримлари (улкан) тоғ ва забардаст қояларни
қазийди, қўпоради.
Баъзилари ер қулочлайди, яёв кезади.

1704 Айримлари довон(лар) ошади, кўргин, дарёлар кечади,
Баъзилари ер қазийди, сув кавлаб чиқарди, ичади.

1705 Айримлари лашкарда қилич ва болти (жанг қуроли)дан
зарба ейди,
Баъзилари жон фидо қилади, ётиб жон беради.

1706 Айримлари ўғри, фирибгар, қароқчи, йўлтўсардир,
Баъзилари босмачи, қотил, қирғинчидир.

1707 Бу ҳаракатлар барчаси фақат томоқ (ва) эгин учун экан,
Нима учун молдек қийналади, эркини қўлига олмайди.

1708 Буларнинг барчаси нодон кишининг ишидир,
Нодон кишилар эса барчаси йилқидир.

1709 Худоға ишонувчи билимли киши,
(Ҳаёти) тугаган пайтида ризқини тугал ейди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1710 Нэкү тэр эшитгил уқушлуғ амул
Йурығлы тынығлы көдәзчи көңүл

1711 Кәрәк йат керәк дунйа тэзгин йүгүр
Нэкү эрсә қисмат сэңә ул тэгүр

1712 Көңүл тил көни тут э билгә бөгү
Сэңәр эксүмәди өд̇индә йэгү

1713 Бу байлық тиләсә аж̇ун өгдиси
Қишилик билә-ул аның эд̇гүси

1714 Тақы бир аж̇унуғ булайын тэсә
Көнилик билә-ул муны қыл оса

1715 Йэмә йақшы аймыш өги йэтмиш эр
Көнилик билә бу аж̇ун булмыш эр

68б 1716 Бу дунйада байлық тиләсә өзүң
Көни бол көнилик үзә тут сөзүң

1717 Тақы бир аж̇унуғ тутайын тэсә
Көнилик билә тут көңүл тил өзүң

1718 Эй элиг көрү бэр кишиләр күни
Нэ көрклүг кэчәр-ул кэчүрсә көни

1719 Көнилик бүтүнлүк билә қыл бу иш
Қишилик билә қыл қамуғ түрлүг иш

1720 Қопурды қуты күндә Өгдүлмишиг
Сав̇ айды буд̇унқа эшитти кишиг

1721 Бүтүн булды элиг көр Өгдулмиши
Сэсигсиз көни тэб нэкү қылмышы

1722 Элиг ма сақынды қамуғ түрлүгүн
Бүтүнлүк билә булды бақты өгүн

1723 Нэкү тэр эшит эмди билгә өгә
Билигсиз уқуб эмди бойнуң эг-ә

1724 Көрү турғу бэгләр тапуғчы қулын
Тапундурғу қулны сынайу улын



www.ziyouz.com kutubxonasi

1710 Уқувли вазмин киши нима дейди, эшитгин,
Юрган, тинган ва кўнглини эҳтиёт қилган киши:

1711 Иста ёт, иста дунёни кез, югур,
Қисматинг нима бўлса, сенга ўша тегади.

1712 Кўнгил ва тилни тўғри тут, эй билағон доно,
Ўз вақтида сенинг ризқинг камаймайди.

1713 Бойлик ва дунёнинг мақтовини истаса(нг),
Бу нарсанинг афзаллиги инсонийлик билан боғлиқдир.

1714 Бундан ташқари, оламни қўлга киритмоқ истасанг,
Бу нарса адолат билан боғлиқ, адолат қил, андишали бўл.

1715 Фаросати етган киши бундан ҳам афзалроқ айтибди,
Оламни адолат туфайли қўлга киритган киши:

1716 Ўзинг бу дунёда бойлик истасанг,
Тўғри бўл, сўзларингни тўғри тут.

1717 Бундан ташқари, оламни қўлга киритмоқ истасанг,
Кўнгил, тил ва ўзингни тўғрилик билан тут.

1718 Эй элиг, кўргин, кишиларнинг куни (тириклиги),
Агар уни тўғри ўтказа олса, қандай чиройли ўтади.

1719 Бу ишларни тўғрилик ва ростлик билан қил,
Барча турли ишларни инсонийлик билан қил.

1720 Саодат(и) Ўгдулмишни кундан-кунга юқорилатди,
Одамларга маслаҳатлар қилди, одамларнинг сўзларини ҳам тинглади.

1721 Элиг Ўгдулмишнинг етуклигига ишонч ҳосил қилди,
Барча хатти-ҳаракатлари шак-шубҳасиз тўғри деб билди.

1722 Элиг, шунингдек, ҳар жиҳатдан синаб кўрди,
Унга тугал ишонди, яхши назар билан қаради.

1723 Билимдон доно нима дейди, эшит,
Нодон, энди сен уни тушуниб, бўйин эг:

1724 Беглар хизматкор қулини кузатиб туриши керак,
Қулнинг аслини синаб (сўнг) хизмат қилдириши керак.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1725 Бэгингә йарағлығ көрүнса қулы
Аңар өтрү ачғу ағырлық йолы

1726 Тиләкчә болур иш тапуғчы бэдүр
Тапуғчы бэдүсә бэг аты бэдүр

1727 Эди йақшы аймыш бу Йағма бэги
Қамуғ ишкә билги йэтилмиш өги

1728 Айа бэг ишиң иш билигликә бэр
Йарағлы көни йол йурығлықа бэр

1729 Қайу бэг йарағсызқа бэрсә иши
Йарағсыз өзи қылды қылмаз киши

1730 Байат кимни эрсә көтүрсә қутун
Аңар бэрүр ишчи йарағлығ бүтүн

69*a* 1731 Көтүрмишни инмәк тиләсә йана
Аңар ишчи бэрүр йарутмаз күн-ә

1732 Йана бу билигсиз барыр бу отун
Иши барча бузлур қопар миң түтүн

1733 Ағырлады элиг көр Өгдүлмишиг
Вазырлық аңар бэрди йумқы ишиг

1734 Қамуғ элкә қылды көр әлгин узун
Узун болды әлги йорық тил сөзүн

1735 Айағ бэрди тамға ат устам кэдүт
Ағырлады өтрү аңар болды қут

1736 Өкүш эдгү йарлығ тилин эдгү сөз
Элиг йарлықады йақын болды өз

1737 Қапуғдақы эрәт кичиг йа улуғ
Таңуқ тутты барча қылыб жан йулуғ

1738 Қамуғ ишчи барча көрүнди кэлиб

Тапуғ тузғу бирлә нәң артут қылыб

1739 Уру барды Өгдулмиш эдгү төрү
Ағырлады барча кишисин көрү



www.ziyouz.com kutubxonasi

1725 Бегига қули манзур бўлиб кўринса,
Сўнг унга каромат йўлини очиши керак.

1726 (Шундагина) иш кутганча бўлади, хизматкор эътибор топади,
Хизматкор эътибор топса, бегнинг номи шуҳрат қозонади.

1727 (Бу ҳақда) Яғмо(лар) беги жуда яхши гапирибди,
(Унинг) фаҳм ва фаросати барча ишга ҳам етган:

1728 Эй бег, ишингни иш кўзини биладиганга бер,
Дуруст ва тўғри йўл(дан) юрувчига бер.

1729 Қайси бег (ўз) ишини ярамас (киши)га берса,
Бу ярамас (иш)ни (унинг) ўзи қилади, бошқа киши қилмайди.

1730 Худо кимда-кимни бахт-давлат билан улуғласа,
Унга яроқли, ишончли хизматкор ато қилади.

1731 Улуғлаганини яна тубанлаштиришни истаса,
Унга рўшноликка чиқармайдиган ишчи ато қилади.

1732 Бу жоҳил яна шундай ўт туташтириб кетадики,
(Унинг) ишлари барчаси барбод бўлади, минг тутун кўтарилади.

1733 Кўр, элиг Ўгдулмишни қадрлади,
Вазирликни, барча ишларни унга топширди.

1734 Барча элларга унинг қўлини узун қилди,
Қўли узун, сўзда тили равон бўлди.

1735 Аёғ (махсус идиш), тамға, от, зийнат (асбоблари), либос берди,
Ҳурматлади, сўнг унга бахт келтирди.

1736 Талай табаррук ёрлиқлар, тилда эса эзгу сўзлар билан
Элиг унга марҳаматлар кўрсатди, ўзи яқин бўлди.

1737 Саройдаги мулозимлар, хоҳ кичик, хоҳ улуғ бўлсин,
Жон фидо қилиб ҳадялар тутдилар.

1738 Жумла хизматкорлар барчаси келиб кўриниш бердилар [яъни ҳузурида ҳозир бўлдилар],
Таъзимлар бажо келтириш билан моллар тортиқ қилдилар.

1739 Ўгдулмиш эзгу сиёсат юрита берди,
Барча одамларини кўздан кечириб, қадрига етди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1740 Буд̇ундын кѳтүрди қамуғ күч басынч
Ѳзиндин кэтәрди йарағсыз қылынч

1741 Түзүлди тѳрү ҳам этилди эли
Йигит инчкѳ тэгди бэкиб эл улы

1742 Сэв̇үгли тэлим болды сэв̇мәз йағы
Элин қод̇ты қачты сүрүлди туғы

1743 Қутулды элиг қылды инчин сэв̇инч
Татынды тиригликдә болды ав̇ынч

1744 Бу йаңлығ асығлар билигдин кэлир
Уқушлуғ билиглиг силигдин кэлир

1745 Қалы ѳгмәгү бу уқушлуғ кишиг
Нэ-тэг йэрмәгү бу уқушсуз эшиг

69б 1746 Уқушлуғ киши барча үлгүлүг-ул
Билигсиз иши барча тэлгүлүг-ул

1747 Йэмә уз йарашур уқушлуғқа қут
Нэ эд̇гү қылынч-ул билиг эркә бүт

1748 Нэкү тэр эшит бу ЫІла бэг сѳзи
Сѳзи маъниси-ул билигсиз кѳзи

1749 Эд̇и йақшы сѳзләр бу шаъир тили
Уқулса татығы йыпар-тэг йыд̇ы

1750 Билигсизкә давлат йаранса кэлиб
Билиглигкә артуқ йарашур кэлиб

1751 Билигсиз билә турса давлат қалы
Билиглиг билә турға тэң түш кѳриб

1752 Билиглиг сэв̇үнчүн кѳтүрсә башы
Билигсиз кѳр от-тэг ѳчәр-тэг қалыб

1753 Элиг инчкә тэгди йаруды күни
Байатқа шукр қылды ѳгди аны

1754 Кѳзин кѳккә тикти айур эй элиг
Айур эй ид̇им сэн бэригли билиг



www.ziyouz.com kutubxonasi

1740 Халқ устига тушган барча зулм ва жабрни бартараф қилди,
Ўзини эса барча ярамас хулқлардан фориғ қилди.

1741 Адолатли сиёсат ривож топди, эли гуллаб-яшнади,
Йигит (Ўгдулмиш) эса давлат асоси мустаҳкамлангач, фароғатга етди.

1742 Севувчилари кўпайди, севмовчи ёвлари эса
Элини қўйиб қочди, уларнинг туғи мажақланди.

1743 Элиг (ташвишлардан) қутулди, фароғатдан севинди,
Тирикликдан лаззатланди, шод-хуррам бўлди.

1744 Бу янглиғ манфаатлар билим туфайли келади,
Заковатли, билимли, фазилатли кишидан келади.

1745 Бу(ндай) заковатли кишини қандай қилиб мадҳ этмай бўлади,
Бу(ндай) жоҳил улфатга қандай қилиб дашном бермай бўлади.

1746 Заковатли кишилар барчаси баҳралидирлар,
Нодонларнинг барча иши раҳналидир.

1747 Заковатли кишига қут жуда яхши ярашади,
Билим киши учун нечоғлик ярашиқли хислатдир.

1748 Ило беги сўзини эшит, у нималар дейди,
(Унинг) сўзларининг мазмуни нодонлар учун кўздир:

1749 Шоир тили бу ҳақда жуда яхши сўзлайди,
Маънисига етилса, татимлилиги ипор ҳиди кабидир:

1750 Юз уриб келган давлат нодонга ярашса,
Донога юз уриб келган давлат жуда муносиб бўлади.

1751 Агар давлат нодон билан турса,
Доно билан жуда мос ва мувофиқ бўлиб туради.

1752 Доно севинчлар билан бош кўтариб юрса,
Нодон ўчиб қолаётган ўт каби (бўлади), кўр.

1753 Элиг фароғатга етишди, рўшноликка чиқди,
Худога шукр қилди, унга ҳамд ўқиди.

1754 Кўзини кўкка югуртирди, эй подшо [яъни худо], деди,
Айтди: Эй эгам, сен билим берувчидирсан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1755 Билиг бэрдиң илик әлиг бэрдиң эрк
Көнилик үзә тут көңүл болсу бэрк

1756 Сэн-өк бир мәңә күч нэчә эд̇гүкә
Әлиг асрақылар йүкин йүд̇гүкә

1757 Чыгайқа үләди өкүш мал тав̇ар
Көңүл бүрди раббқа қамуғдын сыңар

1758 Тирилди бу йаңлығ сэв̇үнчүн күн ай
Түзү эл қарасы түгәл болды бай

1759 Киши өд̇руми ким бу йаңлығ болур
Эсизим бу йаңлығ кишиләр өлүр

1760 Мэңилиг буд̇ун ким бу йаңлығ бэги

Мэңилиг бэ-ул болса буд̇ны көни

70*а* 1761 Эсиз эд̇гүләр өлсә тупрақ болур
Нэчә болса тупрақ көр аты қалур

**Элиг савалы Өгдүлмишкә**

1762 Элиг бир күн олдурды йаңлуз өзи
Оқыды кэрәкләб көр Өгдүлмиши

1763 Айур ким эй Өгдүлмиш эмди мэңә
Атаң эмгәки кирмәди тэр[43] сэңә

1764 Атаң өлди қалдың сэн оғлан кичиг
Кичигкә бэд̇үгтин болур йол кэчиг

1765 Атаң өгрәтүмәди эрдәм билиг
Тэгүмәди андын сэңә өг билиг

1766 Нэ-тэг-мәт йумытты бу эрдөм сэңә
Айу бэргил эмди муны сэн мэңә

**Өгдүлмиш жавабы элигкә**

1767 Йанут бэрди Өгдулмиш айды элиг
Узун кэч йашасу тиләкчә элиг



www.ziyouz.com kutubxonasi

1755 Аввал билим бердинг, қўл (қудрат) ва эрк бердинг,
(Энди) мени тўғриликда тут, кўнгил маҳкам бўлсин.

1756 Барча эзгуликлар учун менга бирдан-бир куч сенсан,
Қўл остимдагиларнинг ғамини ейиш учун.

1757 Фақирларга талай мол ва товар улашди,
Ҳар жиҳатдан раббга кўнгил боғлади.

1758 Шундай севинчлар билан кун ва ойлар (ўтаверди) яшайверди,
Бутун эл табааси тугал бой бўлди.

1759 Кишиларнинг сарасигина бу сифат бўлади,
Афсуски, бу янглиғ (сифат) кишилар ўлади.

1760 Қайси халқнинг беги шу сифатли бўлса, у (халқ) саодатли бўлади,
Қайси бегнинг халқи тўғри бўлса, у (бег) саодатли бўлади.

1761 Ёмонлар ва яхшилар ўлгач, тупроқ (билан тенг) бўладилар,
Қанчалик тупроқ (билан тенг) бўлмасин, номлари қолади.

### Элигнинг Ўгдулмишга саволи

1762 Элиг бир кун ёлғиз ўзи ўлтириб,
Ўгдулмишни истаб, чорлади.

1763 Деди: Эй Ўгдулмиш, энди менга қара,
Отанг сенга о[illegible]улса ҳам меҳнат сингдира олмади.

1764 Отанг ўлиб кетди, сен (эса) гўдак қолдинг,
Кичикларга улуғлардан йўл-йўриқ бўлади.

1765 Отанг сенга ҳунар ва илм ўргата олмади,
Сенга ундан ақл ва илм ўрганиш насиб бўлмади.

1766 (Шундай экан) сенда бу санъат-ҳунарлар қаердан жам бўлди,
Булар ҳақида сен менга гапириб бер.

### Ўгдулмишнинг элигга жавоби

1767 Ўгдулмиш жавоб берди ва деди: Элиг
Элда қанча узоқ яшашни истаса шунча узоқ яшасин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1768 Байат кимкә бэрсә ъинайат үлүг
Тиләккә тэгир болды атлығ күлүг

1769 Муңар мәңзәтү айды түркчә масал
Башында кэчүрмиш бу көкчин сақал

1770 Байат фазлы бирлә бэд̇үр-ул киши
Тиләкин булур күндә этлүр иши

1771 Байат бэрмишин халқ тыд̇урмаз күчүн
Йағыз йэр йашыл көк тэрилсә өчүн

70б 1772 Байатдын кэрәк барча арқа йөләк
Анын булса өтрү киши өз тиләк

1773 Йана ма эй элиг ата алқышы
Оғулқа тэгир-ул сэв̇үнчи тушы

1774 Әлиг урды элиг мэни өд̇ләди
Болу бэрди эв̇рән өзүм йуқлады

1775 Күлә бақса бэгләр кими өд̇ләсә
Эв̇ә йығлур арзу кэрәк ул йэсә

1776 Киши көңли бағ-тэг йашарғу сув̇ы
Бу бэгләр сөзи-ул көд̇әзгү сав̇ы

1777 Қайу бағқа тэгсә сув̇ эксүмәдин
Чэчәк йазлур анда түмән тү йыд̇ын

1778 Бэги йарлығы болса эд̇гү сөз-ә
Қулы көңли йүксәр йазар қаш көз-ә

1779 Қалы болмаса йарлығ эд̇гү тилин
Йашармыш чэчәкләр курыр тэрк билин

1780 Байат фазлы қулғу көд̇әзгү қамуғ
Байат фазлы болса ачылды қапуғ

1781 Байат фазлы бирлә ағырлар қулуғ
Билиг қапғы ачлур оңарур йолуғ

1782 Билиг билсә күндә қутадур күни
Нэчә ма кичиг эрсә болды улуғ



www.ziyouz.com kutubxonasi

1768 Худо кимга иноят насиб қилса,
У тилагига етади ва маълуму машҳур бўлади.

1769 (Ушбу) туркча масални шунга ўхшатиб айтган,
Бошидан кечирган бу оқсоқол:

1770 Киши худонинг фазли билан улғаяди,
Тилагини топади ва кунда ишлари яшнайди.

1771 Худо берганини одам куч билан тия олмайди,
(Агарчи) қора ер ва яшил осмон ўчга турса ҳам.

1772 Худодан барча кишига иноят лозим,
Шу билан киши тилагига етса бўлади.

1773 Бундан ташқари, ота олқишининг, эй элиг,
Савоби ва севинчи ўғилга доимо тегиб туради.

1774 Элиг қўл берди, мени йўқлади,
Давр менга кулиб боқди, ўзим улғайдим.

1775 Агар беглар кулиб боқса (ва) кимни йўқласа,
Орзулари тўпланиб йиғилади, киройи ундан баҳра олса (арзийди).

1776 Киши кўнгли боғ кабидир, уни яшнатувчи суви (эса),
Беглар сўзидир, бу сўзни жуда эҳтиётлаш, қадрлаш керак.

1777 Қайси боққа сув тегса, у кам бўлмайди,
Унда туман-турли ҳидлар билан гуллар очилади.

1778 Бегининг ёрлиқ-буйруқлари эзгу сўзлардан иборат бўлса,
Қулининг кўнгли кўтарилади, чеҳраси очилади.

1779 Агар ёрлиқ эзгу сўзли бўлмаса,
Яшнаб очилган гуллар тез қуриб қолади, билгин.

1780 Худо фазлининг барчасига интилиш ва эҳтиёт тутиш керак,
Худо фазли насиб бўлса, (берк) эшик очилади.

1781 Худо қулини ўз фазли билан улуғлайди,
Унга маърифат эшиги очилади, йўли тўғри бўлади.

1782 (Агар киши) билим билса, кунлари бахтли ўтади,
Қанчалик кичик бўлмасин, у улуғ бўлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1783 Йана айды элиг эй Өгдүлмиш-ә
Билиг билгүчиләр нә-тәг билмиш-ә

1784 Киши өгрәниб-му болур эр бөгү
Азу табъы бирлә туғар-му тәгү

1785 Йанут бәрди Өгдүлмиш ачты тилин
Айур мән урайын бу сөзкә улын

1786 Төрүтүрдә бәрсә байат өг көңүл
Түгәл майа болды билигкә оғул

71а 1787 Күнингә тәгәдүр бару өгрәнүр
Нәкүни тиләсә билур өгрәнүр

1788 Билигкә тәгир өтрү билгә болур
Бу билги биләэлкә асғы болур

1789 Төрүтүр өдиндә көңүл бәрмәсә
Тиләккә тәгүрмәз бу анда баса

1790 Тақы бир сабаб қылса оғлан билиг
Кичигдә тәгүргү билигкә элиг

1791 Кичиг оғлан эркән билиг өгрәнүр
Магар бу уқушлуғ төрүдин айур

1792 Билиг эрдәм эдгү қылынч йа қылық
Киши өгрәнүр өтрү түзлүр йорық

1793 Билиг тут йа эрдәм киши өгрәнүр
Улуғ болса өтрү билигкә тәгүр

1794 Муңар мәңзәтү кәлди түркчә масал
Оқығыл муны сән асығ өзкә ал

1795 Киши өгрәнүр билги артар өкүш
Нәчә өгрәниб уқса булмас уқуш

1796 Байатдын эрүр бу уқуш билгүси
Таду бирлә кирсә болур бәлгүси

1797 Байатдын ъата-ул уқуш бәлгүлүг
Уқушдын болур болса эркә үлүг



www.ziyouz.com kutubxonasi

1783 Элиг яна деди: Эй Ўгдулмиш,
Билим билувчилар қандай қилиб ўрганганлар?

1784 Киши ўрганиб доно бўладими?
Ёинки табиатан (донишманд) туғиладими?

1785 Ўгдулмиш жавоб берди, (сўзга) тил очди,
Деди: Мен бу сўзга асос қўяйин [яъни тегишли жавоб берай].

1786 Агар (худо) яратишда ақл ва кўнгил бахш этса,
Болада билимга тугал моя (асос) бўлади.

1787 Кунига илгари босади ва ўрганади,
Нимани истаса, уни билиб олади.

1788 Билимга эришади ва сўнг доно бўлади,
Шу билимлари туфайли элга нафи тегади.

1789 Яратар пайтида кўнгил бермаса,
Сўнг (ҳеч маҳал) мақсадларга етказмайди.

1790 Яна бир сабаб шуки, болани билимли қилинмоқчи бўлинса,
У билим олишга ёшлигидан киришиши керак.

1791 Бола кичик экан, у (аста-секин) билим ўрганади,
Фақат идроклиликкина туғма бўлади.

1792 Билим, ҳунар, эзгу қилиқ ва ё хулқни
Киши ўрганади, сўнг йўриқ тузилади.

1793 Билим-ми ёки санъат-ҳунар-ми — (буларни) киши ўрганади,
Улғайгач, сўнг билимга муяссар бўлади.

1794 Туркча масал бунга ўхшатиш учун мос келди,
Уни сен ўқигин ва (ундан) ўзингга манфаат ол:

1795 Киши ўрганади ва билими кўп ортади,
(Лекин) қанча ўрганиб уқмоқчи бўлмасин, уқувга муяссар бўла олмайди.

1796 Уқув ўрганиш бу худодандир,
У табиатига қўшиб яратилса, белгиси зоҳир бўлади.

1797 Уқув, ҳеч шубҳасиз, худодан атодир,
Агар бўладиган бўлса, кишининг улуши идрок-уқувдан тегади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1798 Қишидә улуғрақ уқушлуғ киши
Уқуш болды эркә миң эрдәм башы

1799 Уқушсуз кишини киши тэмәгү
Нэчә сөзләсә сөз йэмә бүтмәгү

### Элиг савалы Өгдүлмишкә

71б 1800 Йана айды элиг эшиттим бу сөз
Тақы бир сөзүм бар айытғу бү өз

1801 Уқушнуң адурқы билигдә өңи
Нэкү-тэг болур ай сөзүңнүң оңы

1802 Нэкү-ул уқуш орны қайда турур
Қайудын қопар қопса қайда барур

1803 Йанут бэрди Өгдүлмиш айды элиг
Ағыр нәң турур көр кишикә билиг

1804 Уқуш орны үстүн мэңәдә турур
Ағыр нәң үчүн орны башда эрүр

1805 Кишән-ул кишикә уқуш бэлгүлүг
Қылынчы көни-ул иши үлгүлүг

1806 Бағырсақ байат-ул өдүрмиш қулын
Кишәди билиг бирлә қылқын тилин

1807 Уқушлуғ тириг-ул уқушсуз өлүг
Йуры эй уқушсуз уқуш ал үлүг

1808 Қараңқу эв-ул бу киши түн саны
Уқуш бир йула-тэг йарутур аны

1809 Уқушдын кэлүр көр қамуғ эдгүлүг
Билигин бэдүр эр болур бэлгүлүг

1810 Бу экки биләболды йаңлуқ улуғ
Бу экки оңарур көнилик йолуғ

1811 Муңар мэңзәтү сөзләди көр уқуш
Уқуш ишкә тутса көр асғы өкүш



www.ziyouz.com kutubxonasi

1798 Уқув-идрокли киши (бошқа) кишилардан улуғроқдир,
Уқув-идрок кишилар учун минг санъат-ҳунарга сабабчи бўлади.

1799 Уқув-идроксиз кишини киши деб бўлмайди,
У қанча сўзламасин, унга зинҳор ишониш керак эмас.

**Элигнинг Ўгдулмишга саволи**

1800 Элиг яна айтди: Бу сўзларни эшитдим,
Сўрайдиган яна бир сўзим бор.

1801 Билимдан уқув-идрокнинг фарқи,
Қандай бўлади, айт сўзингнинг тўғрисини.

1802 Уқув-идрок ўзи нима ва унинг ўрни қаерда,
У қаердан қўпади ва қўзғалгач қаерга боради?

1803 Ўгдулмиш жавоб берди, айтди: Элиг,
Билим киши учун жуда қимматли нарсадир.

1804 Уқув ўрни бош миядадир,
Асл нарса учун ўрни бошдадир.

1805 Уқув-идрок кишига мисли бир кишандирки,
У кишининг хулқ-атвори тўғри, иши эса баҳралидир.

1806 Меҳрибон худо (ўз) қулларини саралаб-сийлаб,
Хулқ ва тилларини билим билан кишанлади.

1807 Уқув-идрокли тирикдир, уқув-идроксиз ўликдир,
Кел, эй уқувсиз-идроксиз, ўзингга тегишли (мос) уқув-идрок ол.

1808 Киши зулмат босган қоронғи бир уй кабидир,
Уқув-идрок эса бир машъалдирки, уни ёритади.

1809 Кўргин, турли яхшиликлар уқув-идрокдан келади,
Киши билим туфайли улгаяди, машҳур бўлади.

1810 Бу иккаласи туфайли инсон улуғ бўлади,
Адолат ва тўғрилик йўлини шу иккаласи тузади.

1811 Уқув-идрок бунга ўхшатиб сўзлади, кўр,
Уқув-идрокка амал қилсанг, нафи талай, кўр.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1812 Қиши йылқы бирлә ад̇ырты билиг
Билиг бирлә йаңлуқ көтүрди әлиг

1813 Йуры йылқы болма билиг бил уқуш
Билиг бирлә сөзлә йорық тут тилиг

1814 Йана айды элиг тақы бир сөзүм
Эрур бу айур-мэн э көрклүг йүзүм

72a 1815 Мэңә айдың эмди уқуш сувраты
Нэкү-тэг болур-ул түзүги ақы

1816 Йүзи көрки қылқы қылынчы нэ-ул
Йашы қуры бод̇ сын ав̇ынчы нэ-ул

## Өгдүлмиш жавабы элигкә

1817 Йанут бэрди Өгдүлмиш айды уқуш
Қылынчы көни көр күв̇әнчи өкүш

1818 Йүзи көрки көрклүг нэ йашы кичиг
Қамуғ эд̇гүләркә анынд̇ын кэчиг

1819 Өрүг ҳам силиг-ул нэ қылқы амул
Қамуғ тэбрәнүркә бағырсақ көңүл

1820 Қайуқа әлиг урса этлүр барыр
Қайуқа сөзи тэгсә этлүр барыр

1821 Исиг йүзлүг-ул көр қамуғқа сэв̇үг
Қишиләркә андын асығлар үлүг

1822 Йэтиг көзлүг-ул көр бақышы йырақ
Қайу ишкә тэгсә бэкитүр ад̇ақ

1823 Нэчә булғануқ ишкә тэгсә сүзәр
Нэчә бэрк түгүн болса бақса йазар

1824 Бақар солдун оңдын ҳам өңдин кэд̇ин
Ҳам ишләр йарағы билир ҳам өд̇ин

1825 Қачығлығ эйтәр-ул учуғлуғ тутар
Сынуқуғ йасар-ул бузуқуғ этәр



www.ziyouz.com kutubxonasi

1812 Кишини йилқидан билим фарқлади,
Билим билан инсон қўл кўтарди.

1813 Кел, йилқи бўлма, билим ва уқув-идрок ол,
Билим билан сўзла, тилингни равон қил.

1814 Элиг яна айтди: Тағин бир сўзим
Бу эрур, мен айтаман, эй чиройли юзлим:

1815 Сен менга уқув-идрок суратини [яъни таърифини] айтдинг,
Унинг тузилиши, қандай бўлишини, эй сахий.

1816 Юз кўрки, хулқ-атвори қандай?
Ёши, мояси, вужуди, овунчи қандай?

## Ўгдулмишнинг элигга жавоби

1817 Жавоб берди Ўгдулмиш, айтди: Уқув-идрокнинг
Хулқ-атвори тўғри, қувончи талайдир, кўр.

1818 Юз кўрки чиройли ва ёши ҳам навқирон,
Ҳамма яхши (иш)ларга йўл ўшандан бўлади.

1819 Муқим ҳам гўзал ва хулқи хуш, вазмин,
Жами жонлиларга меҳрибон кўнгил.

1820 Қаерга қўл урса, яшнай беради,
Қаерга сўзи етса, яшнай беради.

1821 Иссиқ юзлидир у ва барчага севимли,
Кишиларга ундан манфаатлар насиб (бўлади).

1822 У ўткир кўзлидир, кўргич, узоқларни кўради,
Қандай иш бўлмасин, у пухта қилади.

1823 Қанча булғониқли ишларга қўл урса, уларни сузиб тозалайди,
Қанча маҳкам тугун (жумбоқ)ларга боқса, ечади.

1824 Ўнгдан ҳам сўлдан, олддан ҳам кетдан кузатади,
Ҳамда ишларнинг маврудини ва пайтини билади.

1825 Қочганга етади ва учганни тутади,
Синиқни бутайди у ва бузуқни тузатади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1826 Уқушсуз өкүнди айур эй уқуш,
Сэниңсиз муңадур-мә артуқ өкүш

1827 Мэңәр тэгмәди бир сэниңдин үлүг,
Сэниңсиз киши көңли болды өлүг

72б 1828 Йула-ул уқуш көр қарағуқа көз,
Өлүг тангә жан-ул ағын тылқа сөз

1829 Уқушлуғ уқушқа айур эй эшим
Нэ эдгү эшим-сэн этигли ишим

1830 Қылынч оң тутар ҳэч солы йоқ уқуш
Бүтүн чын турур ҳэч иги йоқ уқуш

1831 Уқуш кимдә болса бу-ул бэлгүси
Бу бэлгү билә-ул уқуш билгүси

1832 Уқушлуғ силиг ҳам көни тил сөзи
Бүтүнлүк билә болды қылқы түзи

1833 Уқушнуң эң ашну қылықы оңай,
Көнилик билә-ул йорықы күн ай

1834 Өрүг-ул амул-ул сэримлүг манур
Көрүб ишни йэтрү ул ақру тэгүр

1835 Қылынчы қары көрсә йашы йигит

Аңар арзулуғ муңлуғ өзләр тэгит

1836 Муңар мэнзәтү эмди сөзни уқы
Уқа турса маъни ачылғай тақы

1837 Қылынчы қары оғлан өзлүг уқуш
Уқуш қайда болса аңар бар йапуш

1838 Кичиги сэвүглүг қарысы амул
Өзи түзүн алчақ көр асғы өкүш

1839 Бу сөзләр эшитти сэвүнди элиг
Айур эй удунмыш сөзи өг билиг

1840 Байат бэрди барча түгәл эдгүлүг
Байатдын ъата-сэн мэңә бэлгүлүг



www.ziyouz.com kutubxonasi

1826 Уқув-идроксиз(лар) ўкинди, улар, эй уқув-идрок,
(Мен) сенсиз ҳаддан ортиқ ғам чекарман, дейдилар.

1827 Менга сендан заррача насиб бўлмади,
Сенсиз киши(лар)нинг кўнгли (мисли)) ўлик бўлади.

1828 Уқув-идрок бир машъал, кўр, нобийнога кўздир,
Ўлик тан(лар)га жон ва лол тил(лар)га сўздир.

1829 Уқув-идрокли уқув-идрокка айтади: Эй эшим,
Ишларимни гуркиратувчи қандай эзгу эшимсан.

1830 Уқув-идрок (фақат) рост хулқ тутади, унинг чапи йўқ,
Уқув-идрок (фақат) рўй-рост ва чин, нуқсони йўқ.

1831 Уқув-идрок кимда бўлса, унинг белгиси бўлади,
Бу белги билан уқув-идрокни билса бўлади.

1832 Заковатли (киши) гўзал ва тил-сўзи тўғри,
Ва тамоми қилиқлари тугал-тўкис бўлади.

1833 Заковатнинг, ҳаммадан аввал, хулқи хуш,
Унинг йўл-йўриғи доим тўғридир.

1834 Нурафшон, вазмин, сабрли, босиқ,
Ишни тугал тушуниб, сўнг оҳиста унга киришади.

1835 (Агар) кўрсанг, (унинг) қилмишлари қари, ёши (эса) навқирон,
Унга орзули ва армонли кишиларни етказ.

1836 Энди (мана) шунга ўхшайдиган (бу) сўзларни уқ,
Уни тушуна борсанг, маъниси яна ҳам очилади:

1837 Заковат қарилардек иш тутувчи навқирон йигит кабидир,
Заковат қаерда бўлса, (сен) унга бориб ёпиш.

1838 (Унинг) навқиронлиги — муҳаббат, қарилиги — салобат,
Ўзи афзал, саховатли, кўргин, нафи талайдир.

1839 Бу сўзларни эшитгач элиг севинди,
Айтди: Эй ҳушёр, сўзлари доно ва билимдан иборат.

1840 Худо барча эзгуликларни тугал ато қилди,
Сен ҳам менга худонинг атосидирсан, албатта.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1841 Бу эмгәк йүк-ул бир ағыр йүдгүкә
Аны йүдгән өтрү тэгир арзуқа

1842 Йүкүмни йүдәр-сэн тиләк эш барыр

Мэни тындурур-сэн сэңә йүк тэгир

73*а* 1843 Байат бэрсү тавфиқ мэңә эмди күч
Ҳақыңны бэрәйин йанут биркә үч

1844 Билир-мә бу йаңлығ тапуғ қылдуқуң
Бағырсақлық-ул бу мэни қулдуқуң

1845 Бағырсақ тапуғчы түгәл ул болур
Өз асғын тиләмәз бэг асғын қулур

1846 Нэкү тэр эшит бу тапуғчы тили
Бэгин инчкә тэгрүр тапуғсақ қулы

1847 Мэңилиг болур бэг түгәл қут башы
Бағырсақ қулы болса қылса иши

1848 Тапуғчы билә бэг көтүрди эгин
Тиләк-тэг тапуғ қылса тындур бэгин

1849 Баш ағрығ йүк эмгәк көтүрсә қулы
Бэгингә ача бэрсә арзу йолы

1850 Қайу бэг булур эрсә мундағ қулуғ
Байатдын ъата-ул аңар ул улуғ

1851 Ажун бэгләри өлди биздә оза
Өкүшрәки барды бу арзу үзә

1852 Ажун будны тынды авынчын қутун
Элигкә дуъа қылды будны бүтүн

1853 Адын эл кишиси эшитти муны
Йүзин көргүкә арзулады аны

1845 Кэчүрди йыл ай күн бу арзу билә
Элин этти түзди төрүси билә



www.ziyouz.com kutubxonasi

1841 Бу машаққатлар кўтариш учун оғир бир юкдир,
Буларни ўз устига олган(лар) сўнг орзусига етади.

1842 Менинг юкларимни сен ўзингга олдинг, тилагинг (эса) сенга жўр юрибди,
Мени тиндирасан, (лекин) сенга оғирлик тушади.

1843 Худо берсин менга энди тавфиқ ва куч,
Бирга уч (ҳисса) қилиб ҳақингни ўтайин.

1844 Сенинг бу сифат хизмат қилганингни биламан,
Мени орзулаганинг — бу меҳрибонлигингдир.

1845 Тугал меҳрибон хизматчи шу киши бўладики,
У ўз манфаатини эмас, бег манфаатини кўзлайди.

1846 Хизматкор тили нима дейди, эшитгин:
Ўз хизматига содиқ қул бегини роҳатга етказади.

1847 Бег ҳаловатли (ва) боши бутунлай бахтда бўлади,
Агар унинг меҳрибон қули бўлса (ва) ишларини қилса.

1848 Хизматкор билан бег(лар) қад(лар)ини ростлади(лар),
(Қул) айни муддаодагидек хизмат қилса, бегини тиндиради.

1849 Ташвишларни, меҳнат ва машаққатларни қул ўз устига олса,
Бегига орзу йўлларини очаверса (яхши бўлар эди).

1850 Қайси бир бег шундай қулни топса,
Бу унга худодан жуда улуғ бир инъомдир.

1851 Биздан илгари (жуда кўп) олам беглари ўлиб кетди,
(Уларнинг) кўпчилиги мана шундай орзу билан ўтди.

1852 Олам халқи шодлик ва бахт билан тинди,
Бутун халқ элиг ҳаққига дуо(лар) қилди.

1853 Бошқа эл кишилари буни эшитди(лар),
Унинг юзини кўришни орзулади(лар).

1854 (Бег) йил, ой ва кунларни шу орзулар билан кечирди,
Элини гуллатиб-яшнатди, сиёсатлари ривож топди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Элиг савалы Өгдүлмишкә

1855 Элиг бир күн үндәди Өгдүлмишиг
Айур сөзләйин мэн сэн ай билмишиг

73б 1856 Этөз йэтти андамақа бақса көрәр
Татығ болды барча өз үлгин сүрәр

1857 Көңүл татғы нэ-ул бу көз татгы нэ
Бу экки татығдын өзүм үлги нэ

1858 Йанут бэрди Өгдүлмиш айды татығ
Көңүл арзу қулса бөкүртсә қатығ

1859 Сэв̇имиш йүзин көрсә көзкә татығ
Көңүл арзусын булса өзкә татығ

1860 Йана айды элиг эй Өгдүлмиш ай
Сэв̇үглүг нишаны нэкү эрмиш ай

1861 Сэв̇әр-мэн тэйү барча даъва қылур
Бу даъвақа маъны нэкү-тэг болур

## Өгдүлмиш жавабы элигкә

1862 Йанут бэрди Өгдүлмиш айды болур
Сэв̇үг йүзкә бақса сэв̇әрин билүр

1863 Қамуғ нэңгә өртүк болур бақса көз
Көңүлкә йоқ өртүк муны билгү өз

1864 Сэв̇әр сэв̇мәзин өз биләйин тэсә
Көңүлкә бақа көргү билгә оса

1865 Сэв̇үгләр йүзиндә болур бэлгү нәң
Көзи көзкә тэгсә аны билгү тэң

1866 Муңар мэңзәтү айды шаъир сөзи
Уқыб тыңлайу ал киши эрбүзи

1867 Сэвигли кишиниң йүзи бэлгүлүг
Тили ачса маъни сөзи бэлгүлүг



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Элигнинг Ўгдулмишга саволи

1855 Элиг бир кун Ўгдулмишни чақирди,
Деди: Мен сўзлайин ва сен билганларингни айт.

1856 Жисму жон етти андомга (вужудга) қараса кўради,
Унинг барчаси ширин (ва ҳар бири) ўз ҳиссасини талаб қилади.

1857 Кўнгилнинг хушлиги (муддаоси) нима ва бу кўзнинг хушлиги (муддаоси) нима?
Бу икки муддаодан (ширин) жоннинг муддаоси нима (қайси)?

1858 Ўгдулмиш жавоб берди ва айтди: Хушлик (муддао)
Шулдирки, агар кўнгил орзу қилса ва оҳ чектирса.

1859 (Киши) севгилининг юзини кўрса — бу кўзга хушдир,
(Агар) кўнгил орзусини топса — бу жонга хушдир.

1860 Элиг яна айтди: Эй Ўгдулмиш, айт(чи),
Севгининг нишонаси нимадан иборат.

1861 Севаман, деб барча даъво қилади,
Бу даъвонинг маъниси қандай бўлади?

## Ўгдулмишнинг элигга жавоби

1862 Ўгдулмиш, жавоб берди, айтди: Маъқул,
Севимли юзига қараса, севишини (киши) билади.

1863 Кўз барча нарсага қараса, унга тўсиқ топилади,
Лекин кўнгилга тўсиқ йўқ, буни (киши) билиши лозим.

1864 Агар киши севиши ёки севмасини билайин деса,
Кўнгилга қўл солиб кўриш керак, албатта, билинади.

1865 Ошиқлар юзида белгили нарсалар бўлади,
Кўзи кўзга тушганда уни лозим даражада билиб олиш мумкин.

1866 Шоир (ўз) сўзини бунга ўхшатиб айтган,
Уқиб, қулоғингга жойлаб ол, (эй) кишилар марди:

1867 Севикли кишининг юзи белги беради,
Агар тил очса, гапининг маъниси ва сўзи белги беради.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1868 Сәв̇әр сәв̇мәзин өз биләйин тәсә
Сәңә тәтрү бақса көзи бәлгүлүг

### Элиг савалы Өгдүлмишкә

74а 1869 Элиг айды уқтум эшиттим бу сөз
Тақы бир сөзүм бар аны айсун өз

1870 Кәрәклиг сөз айтур-мән эмди сәңә
Эд̆и кәд̆ бақыб сөзләйү бәр мәңә

### Өгдүлмиш жавабы элигкә

1871 Йанут бәрди Өгдүлмиш элиг қуты
Билиг бирлә бәгләр бәд̆үтти аты

1872 Билиг ордусы-ул бу бәгләр өзи
Билигсиз болур қул нәрәк қул сөзи

1873 Айытмақ оңай болды тәрси жаваб
Жавабқа элиг билги болғай саваб

1874 Оңайын элиг тутты тәрси мәңә
Кәмишмәгил эмди эй эрсиг тоңа

### Элиг жавабы Өгдүлмишкә

1875 Элиг айды айтығлы муңлуғ болур
Өзи билмәдүкин аныңдын қулур

1876 Қалы муңдағ эрсә сәв̇ингү кәрәк
Айытмыш сөзүмни сән айғу кәрәк

### Өгдүлмиш жавабы элигкә

74б 1877 Йанут бәрди айды эй эд̆гү төрү
Эшитмәк кәд̆-ул сөзләмәктә көрү

1878 Сөзүг сөзләгүчи бу жан йав̇рытур
Эшитгүчи ав̇нур эт өз сәмритүр

1879 Нәкү тәр эшитгил сынамыш бөгү
Сөзүг сөзләмәгү эшитгү өгү



www.ziyouz.com kutubxonasi

1868 Агар ўзинг севиш ёки севмаслигини билайин десанг,
Сенга тик (қараб) боққанда, кўзи белги беради.

### Элигнинг Ўгдулмишга саволи

1869 Элиг айтди: Бу сўзларни эшитдим, уқдим,
Яна бир сўзим бор, уни ҳам айтиб бер.

1870 Мен сендан керакли сўзни сўрайман,
Сен жуда диққат қилиб менга сўзлаб бер.

### Ўгдулмишнинг элигга жавоби

1871 Ўгдулмиш жавоб берди: (Эй) бахтиёр элиг,
Беглар ўз номини билим билан улуғлади.

1872 Бегларнинг борлиқ вужуди билимнинг ўрдасидир,
Қул(лар) эса билимсиз, қул сўзига не ҳожат бор.

1873 Сўрамоқ осон (иш), жавоб бермоқ мушкул,
(Бунинг) жавобига элигнинг билими(гина) қодирдир.

1874 Осонини (сен) элиг тутди, менга қийини қолди,
Энди сен бунинг фарқига борма [яъни бунинг учун мени
маъзур кўргин], эй шижоатли баҳодир.

### Элигнинг Ўгдулмишга жавоби

1875 Элиг айтди: Сўровчи ҳожатманд бўлади,
Ўзи билмаганини ундан (бошқадан) сўрайди.

1876 Гар шундай экан, бунга севиниш керак,
Сўраган сўз(лар)имни сен айтишинг керак.

### Ўгдулмишнинг элигга жавоби

1877 Жавоб берди, айтди: Эй эзгу сиёсатли,
Сўзлашдан кўра эшитиш афзалдир.

1878 Сўзни сўзловчи жонини койитади,
Тингловчи бўлса роҳат қилади, тани яйрайди.

1879 Синаган доно (бу ҳақда) нималар дейди, эшитгин,
Сўзни сўзламагин, диққат билан эшитгин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1880 Эшитмәк билә болды билгә киши
Бу сэзләмәкидин барыр эр башы

1881 Эшитсә болур-ул қулаққа татығ
Тэлим сөзләмиш сөздә болмас асығ

1882 Сөзүг сөзләмәсә сав̇ алтун саны
Бақыр болды тилдин чықарса аны

1883 Элиг айды эмди көни сөзләдиң
Сэн эмди өзүнгә қутун қур бадың

### Өгдүлмиш жавабы элигкә

1884 Йанут бэрди Өгдүлмиш элиг қуты
Өзүм йэгләдүки бу қуллуқ аты

1885 Қулы жан сызурғу ав̇ынса бэги
Қалы йэтлүр эрсә бу қулнуң өги

1886 Эшитсү айайын өзүм билмишин
Элиг ма кэчүрсү хата болмышын

### Б а б. Бэгликкә саза болғу-тэг бэг нэкү-тэг кэрәкини айтур

1887 Элиг айды эмди айытғу сөзүм
Бу эрди муны эмди айтур өзүм

75*а* 1888 Төрүтти апа оғланын бир байат
Улуғ бар кичиг бар эсиз эд̆гү ат

1889 Билиглиг билигсиз чығай бар йа бай
Уқушлуғ уқушсуз отун бар гадай

1890 Нэкү-тэг кэрәк бэг муны башласа
Жав̇ы барса аты ишин ишләсә

1891 Этилсә эли ҳам байуса буд̆ун
Аты эд̆гү болса ул артар буд̆ун

1892 Хазина урунса күмүш ҳам ағы
Йағы бойны йанчса кэтәрсә чоғы



www.ziyouz.com kutubxonasi

1880 Киши эшитиш туфайли доно бўлади,
Сўз сўзлашдан кишининг боши кетади.

1881 Эшитишдан қулоққа роҳат етади,
Кўп сўзланган сўздан манфаат бўлмайди.

1882 Сўзни сўзламаса, у соф олтинга тенг,
У тилдан чиқарилса, сариқ чақага тенг.

1883 Элиг айтди: Албатта тўғри сўзладинг,
(Бу билан) энди ўзингга давлат камарини боғладинг.

### Ўгдулмишнинг элигга жавоби

1884 Ўгдулмиш жавоб берди: (Эй) бахтиёр элиг,
Менга манзур нарса — бу қуллик отимдир.

1885 Беги (шу билан) хурсанд бўлса, қули жон фидо қилади,
Агарда қул шундай ишнинг уддасидан чиқа олса.

1886 Эшитсинлар, мен ўз билганларимни айтайин,
Агар хато бўлгидай бўлса, бег (мени) кечирсин.

### Боб. Бегликка лойиқ бег қандай бўлишини айтади

1887 Элиг айтди: Менинг сўрайдиган сўзларим
Ушбулар эди, энди шуларни сўрайман.

1888 Одам боласини ёлғиз худо яратди,
(Улар орасида) улуғи бор, кичиги бор, ёмон ва яхши номлар бор.

1889 Билимли, билимсиз, қашшоқ ва бой бор,
Уқувли, уқувсиз, ночор ва гадой бор.

1890 Буларга бош бўлиш учун бег қандай бўлиши керак?
Токи унинг овозаси ёйилса, ишларига ривож берса?

1891 Эли яшнаса ҳамда халқ бойиса,
Эзгу ном чиқарса, халқи кўпайса.

1892 Кумуш ҳам жавоҳирлар билан хазинани тўлдирса,
Ёв бўйнини янчса, адоватга барҳам берса.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1893 Йумытса эрэт болса күчлүг элиг
Йурытса төрү түз йэтүрсэ билиг

1894 Жав̇ықса аж̇унда йад̇ылса аты
Бэд̇үсэ күнингэ көтүрсэ қуты

1895 Эрэжин ав̇ынса йэсэ эл узун
Бүтүн жан узулса йэсэ ул ажун

**Өгдүлмиш жавабы элигкэ**

1896 Йанут бэрди Өгдулмиш айды элиг
Эди тэрс айтытты мэңэ бу билиг

1897 Бу бэглик ишин барча бэглэр билир
Төрү өнди қылқ йаң улардын кэлир

1898 Анасында туғса туғар бэгликин
Көрү өгрэнүр иш билир йэгликин

1899 Байат кимкэ бэрсэ бу бэглик иши
Бэрүр өг көңүл көр ул ишкэ түши

1900 Қими бэг төрүтмэк тилэсэ байат
Бэрүр ашну қылқ йаң уқуш йүг қанат

75б 1901 Бу бэглик иши болды бэглэр иши
Бу бэглэр ишин билди бэглиг киши

1902 Бу ишни элиг мэндэ йэгрэк билүр
Атасы бэг эрди өзи бэг турур

**Элиг жавабы Өгдүлмишкэ**

1903 Элиг айды уқтум бу сөз барча чын
Көни сөзлэдиң сөз йыпар бурды кин

1904 Бу иш қылғучы эр қылур өз иши
Мун эрдэм билигли көрүгли киши

1905 Мэн иш қылғучы-мэн сэн иш көргүчи
Ишиг көргүчидин билүр қылғучы

1906 Байат бэрди эмди сэңэ өг көңүл
Уқуш ҳам билиг бирлэ болдуң амул



www.ziyouz.com kutubxonasi

1893 Лашкар тўпласа, қўли кучли бўлса,
Тўғри сиёсат юритса, (ҳар нарсада) билимга амал қилса.

1894 Жаҳонга овозаси, номи ёйилса, таралса,
Кундан-кунга юксалса, давлати зиёда бўлса.

1895 Роҳатда яшаса, элга узоқ бош бўлса,
Бутун жон завол топса, у дунёлигини топса.

### Ўгдулмишнинг элигга жавоби

1896 Ўгдулмиш жавоб берди, айтди: Элиг
Мендан жуда қийин сўзларни сўрадилар.

1897 Бегликнинг ишини барча беглар билади,
Сиёсат, низом, ахлоқ ва расм-қоидалар улардан чиқади.

1898 Онадан туғилганда беглик учун туғилади,
Иш кўриб ўрганади ва (унинг) яхши томонларини билиб олади..

1899 Худо кимга беглик ишини ато қилса,
Унга доимо бу иш учун идрок, фаросат ва кўнгил беради.

1900 Худо кимни бег қилиб яратишни истаса,
Аввал унга қобилият, йўриқ ва уқувдан пар ва қаноат беради.

1901 Беглик иши — бу бегларнинг ишидир,
Беглар ишини бегликка эга бўлган киши билади.

1902 Бу иш(лар)ни элиг мендан яхшироқ билади,
(Унинг) отаси бег эди, ўзи ҳам бегдир.

### Элигнинг Ўгдулмишга жавоби

1903 Элиг айтди: Уқдим, бу сўзлар барчаси чин,
Сўзни тўғри сўзладинг, гўё киндан[35] ипор ҳиди таралди.

1904 Иш қилувчи киши ўз ишларини қилаверади,
(Унинг) яхши ёки ёмонлигини кузатувчи киши билади.

1905 Мен иш қилувчиман, сен (шу) ишларни кузатувчисан,
Иш қилувчи иш камчиликларини кузатувчидан ўрганади.

1906 Худо сенга энди ақл-идрок бахш этди,
Заковат ва билим билан етилдинг.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1907 Мэңә-оқ тапундуң кичигдә бару
Көрү өгрәнү билдиң эдгү төрү

1908 Қамуғ ишни уқтуң ма билдиң өзүн
Мэңә ма бағырсақ-сә қылқын сөзүн

1909 Бағырсаққа айтур киши өз сөзин
Бағырсақ йулуғлар кишикә өзин

1910 Бағырсақ үчүн сэн бүтәр-мэн сэңә
Бағырсақлықын ай бу сөзләр мэңә

1911 Нэкү тэр эшитгил бағырсақ киши
Бағқрсақлық-ул көр кишилик башы

1912 Бағқрсақны өгди уқушлуғ өкүш
Бағырсақ кишиләр кишикә көшүш

1913 Бағырсақны булса бағырқа урун
Мэңә мундағ айды билиг ҳам уқуш

76а 1914 Йанут бэрди Өгдүлмиш айды элиг
Эсән инч тирилгил эй үстәг әлиг

1915 Бу бэгликкә ашну түб аслы кэрәк
Атым алп қатығ қурч йана тоң йүрәк

1916 Атасы бэг эрсә оғул туғды бэг
Оғул туғса бэг ҳам аталары-тэг

1917 Уқушлуғ кэрәк ҳам билиглиг кэрәк
Ақылық кэрәк ҳам силиглиг кэрәк

1918 Билиг бирлә бэгләр будун башлады
Уқуш бирлә эл күн ишин ишләди

1919 Бэг аты билиг бирлә бағлығ турур
Билиг лам(и) кэтсә бэг аты қалур

1920 Қәд өглуг кэрәк ҳам билигли уқуш
Билиглиг кишининг йағысы өкүш

1921 Нэкү тэр эшитгил билиг билмиш эр
Башында кэчүрмиш өкүш уқмыш эр



www.ziyouz.com kutubxonasi

1907 Кичиклигингдан бошлаб менга хизмат қилдинг,
Кўриб, кузатиб адолатни ўргандинг.

1908 Барча ишларни ўргандинг, моҳиятига етдинг,
Амалларинг ва сўзларинг билан ҳам менга содиқсан.

1909 Киши ўз сўзларини садоқатлига айтади,
Садоқатлилар одамга жонини фидо қилади.

1910 Садоқатли бўлганлигинг учун сенга умид боғлайман,
Садоқат билан бу сўзларнинг (маънисини) менга айтиб бер.

1911 Содиқ киши нималар дейди, эшитгин,
Одамгарчиликнинг боши садоқатдир, кўр:

1912 Заковатли (киши)лар содиқ (киши)ларни кўп мақтаганлар,
Содиқ кишилар кишига (жуда) азиздир.

1913 Содиқ (киши)ни топсанг, бағрингга ол [яъни қўлдан чиқарма],
Билим ва заковат менга шундай деб таълим берган.

1914 Ўгдулмиш жавоб берди, айтди; Элиг,
Эсон ва тинч яшагин, эй қўли баланд.

1915 Беглик (иши) учун ҳаммадан аввал теги асл (киши) керак,
Мерган, ботир, қаттиқ, чиниққан ҳамда қўрқмас юракли
(бўлиши керак).

1916 Отаси бег бўлса, ўғил ҳам бег (бўлиб) туғилади,
Бег бўлиб туғилган ўғил ҳам оталаридек (бўлади).

1917 Заковатли (бўлиши) керак ҳамда билимли (бўлиши) керак,
Саховатли (бўлиши) керак ҳамда улуғ сифат (бўлиши) керак.

1918 Билим билан беглар халққа бошчилик қилади,
Заковат билан эл-юрт ишларини юритади.

1919 Бег оти билиг билан боғлиқдир,
Билиг ломи кетса бег оти қолади[36].

1920 Жуда ақлли, билимли, ҳунарвар бўлиши керак,
Билимли кишининг ёви кўп бўлади.

1921 Билимли киши нима(лар) дейди, эшитгин,
Бошидан кечирган, кўп тушунган киши:



www.ziyouz.com kutubxonasi

1922 Билиглиг кэрәк бэг уқушлуғ уд̆уғ
Анар тэгмәсә бир мофажа йуд̆уғ

1923 Қылынч эд̆гү эрдәм кэрәк миң түмән

Аты эд̆гү болса тутунса бод̆уғ

1924 Апа оғланы барча аслы бэд̆үг
Билиг бирлә болды көр өд̆рүм кәд̆ өг

1925 Уруғ эд̆гү болса эр эд̆гү болур
Эр эд̆гү болуб өтрү төркә барур

1926 Ыд̆уқ ул[44] бэглик арығлық тиләр
Арығлық билә элдә сақлық тиләр

1927 Буд̆унқа талусы кэрәк алп атым
Бэд̆үг ишкә өтрү бу болса тэтим

1928 Нэкү тэр эшитгил Өтүкән бэги
Сынаб сәзләмиш сөзни йэтрүб өги

76б 1929 Буд̆унқа бэги артуқ өд̆рүм кэрәк
Көңүл тил көни қылқы көд̆рүм кэрәк

1930 Билиглиг уқушлуғ буд̆унқа талу
Ақы ҳам көзи тоқ нэ көңли толу

1931 Қамуғ эд̆гүкә болса әлги узун
Ўвутлуғ силиг ҳам қылынчы түзүн

1932 Саза бэг болур бу буд̆унқа улуғ
Мунуңдын кэлир өтрү эд̆гү уруғ

1933 Билиг бирлә башлар киши иш башы
Уқуш бирлә уқса оңарур иши

1934 Буд̆унуғ билиг бирлә басты бэги
Билиг болмаса ишкә йақмас өги

1935 Йаңылса бу бэгләр эй элиг қуты
Аның бэглики игләр этгү оты

1936 Бу бэглик игингә оты өг билиг
Уқуш бирлә эмлә э қылқы силиг



www.ziyouz.com kutubxonasi

1922 Бег билимли, заковатли, зийрак (бўлиши) керак,
Токи унга ногаҳоний бало ва меҳнат етмасин.

1923 Феъл-атвори эзгу (бўлиши), минг турли ҳунар (эгаси бўлиши) керак,
Эзгу ном чиқариши, ўзини тутиши керак.

1924 Барча асли улуғ одам боласи
Билим туфайлигина сарвар бўлди, кўр, англа.

1925 Уруғи яхши бўлса, киши яхши бўлади,
Киши яхши бўлса, сўнг тўрга чиқади.

1926 Бу беглик муқаддас, у софликни тақозо қилади,
Софлик билан (бирга) эл ичида зийракликни тақозо қилади.

1927 Халқ сарвари баҳодир ва абжир бўлиши керак,
Сўнг буюк ишга у (қўл урса) арзийди.

1928 Ўтукан беги нима(лар) дейди, эшитгин,
(У) сўзни синаб мулоҳаза билан сўзлабди:

1929 Халқнинг беги жуда сара бўлиши керак,
Кўнгли ва тили тўғри, феъл-атвори, хулқи хуш бўлиши керак.

1930 Билимли, заковатли, халқ орасида етук,
Саховатли, кўзи тўқ ҳамда кўнгли тўла (бўлиши керак).

1931 Турли яхшиликлар (қилиш)га қўли узун бўлса,
Андишали, хушрўй ва феъл-атвори яхши (бўлса).

1932 (Бундай киши) халққа киройи улуғ бег бўлади,
Сўнг ундан эзгу уруғ-авлод таралади.

1933 Киши иш кушойишини билим билан бошлайди,
Уқув-идрок юритса (ўз) ишларини ўнглайди.

1934 Беги халқни билим билан тутиб туради,
Билим билмаса ишга ақли етмайди.

1935 Бу беглар янглишса, эй бахтиёр элиг,
Унинг беглиги заифлашади, уни даволаш лозим бўлади.

1936 Бу беглик дардининг давоси ақл ва билимдир,
(Уни) заковат билан давола, эй хулқи хуш.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1937 Билиглиг уқушлуғ кэрэк бэг тэтиг
Анын қылса өтрү игингэ этиг

1938 Билиглиг уқушлуғ бөгү элчи бэг
Экигүн аж̇унда болур орны йэг

1939 Экигүн аж̇унуғ булуғлы киши
Эд̇и қутлуғ-ул бу түгэл қут башы

1940 Муңар мэңзэтү айды шаъир бу сөз
Көрү барса маъни билигсизкэ көз

1941 Мэңилиг қайу-ул мэңэ ай йөрэ
Киши қутлуғы ким кишилэр ара

1942 Йэсэ бэрсэ дунйа тирилсэ қутун
Тақы бир ажунда бу булды төр-э

1943 Қылынчы оңай болса қылқы көни
Сэв̇инчин кэчэр-ул ошул бэг күни

77а 1944 Байат кимкэ бэрсэ бу эд̇гү қылық
Бу эд̇гү қылық бирлэ эд̇гү йорық

1945 Аның болды дунйа бу нэъмат билэ
Тилэсэ өзүң йэ тилэсэ үлэ

1946 Байат бэрсэ фазлы қулынга қутун
Болур қылқы эд̇гү қылынчы бүтүн

1947 Қылынч эд̇гү эрдэм кэрэк миң түмэн
Анын тутса эл кэнд көтүрсэ туман

1948 Нэ эд̇гү турур бу қылынч эд̇гүси
Қылынч эд̇гү эркэ йэгү кэд̇гүси

1949 Байат кимкэ бэрсэ қылынч арқуқы
Аны эмгэтүр бу замана оқы

1950 Қайу бэгдэ болса бу арқуқ қылынч
Иши барча тэтрү сэв̇инчи сақынч

1951 Сақынуқ кэрэк бэг нэ қылқы арығ
Арығлық тилэр тутчы урғы арығ



www.ziyouz.com kutubxonasi

1937 Бег билимли, заковатли, эпчил (бўлиши) керак,
Сўнг шу(лар) билан дардига даво қилса (бўлади).

1938 Билимли, заковатли, доно элдор бег
Иккала дунёда (ҳам) ўрни улуғ бўлади.

1939 Иккала дунёга муяссар бўлган киши
Жуда бахтиёрдир, (унинг) боши бутунлай бахт (ичида)дир.

1940 Бунга ўхшатиб шоир ушбу сўз(лар)ни айтибди,
Кўрсанг (унинг) маъниси билимсиз учун кўздир:

1941 Фароғатли қайси, менга очиқ айт,
Кишилар орасида бахтли киши ким?

1942 Дунёдан баҳра олса, ўзгаларга берса, бахтиёр яшаса,
У дунёда (ҳам) у тўрдан жой олади.

1943 Феъл-атвори равон, ахлоқи тўғри бўлса,
Ўша бегнинг кунлари (тўла) севинч билан кечади.

1944 Худо кимга эзгу ахлоқ бахш этса,
Эзгу ахлоқ билан бирга эзгу йўл-йўриқ (бахш этса).

1945 Дунё тўла неъматлари билан уники бўлади,
Истаса (буларни) ўзи есин, истаса улашсин.

1946 Худо қулига қутли фазилатларини бахш этса,
(Унинг) хулқи эзгу ва тутган ишлари етук бўлади.

1947 Эзгу хулқ ва минг туман хил ҳунар лозим,
(Токи) шулар билан эл ва шаҳарларни бошқарса, зулматни кўтарса.

1948 Феъл-атворнинг эзгуси қандай яхши нарса!
Феъл-атвор эзгуси кишига ҳам емиш, ҳам кийимдир.

1949 Худо кимга ножўя феъл-атвор бахш этса,
Уни бу замона ўқи қаттиқ кулфатга солади.

1950 Қайси бег ножўя феъл-атворли бўлса,
Унинг барча иши чаппа, севинчлари қайғу бўлади.

1951 Бег андишали ва ахлоқи соф бўлиши керак,
Асли тоза (киши)лар доим софликка интиладилар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1952 Сақынуқ киши көңли қорқлық болур
Көңүл қорқса бэглэр ишиг түз қылур

1953 Қалы болмаса бэг сақынуқ сүзүг
Арығсыз болур барча қылқы үзүг

1954 Өрүглүк амуллуқ болур бэгкэ көрк
Бу бэглик ишингэ бу-ул бағу өрк

1955 Кэд̇ өглүг кэрэк бэг оңарса ишин

Билиб башласа өтрү ишлэр ишин

1956 Бу өглүг кишилэр оңарур ишиг
Йырақ тутғу ыштэ бу өгсуз кишиг

1957 Көңүл болмаса эр көзи асғы йоқ
Өги болмаса эр өги осғы йоқ

1958 Нэкү тэр эшитгил эй элчи башы
Өрүг кэд̇ көңүллүг сынамыш киши

77б 1959 Қайу эрдэ болса уқуш бирлэ өг
Аны эр атағыл нэчэ өгсэ өг

1960 Уқуш өг билиг кимдэ болса түгэл
Йав̇уз эрсэ кэд̇ тэ кичиг эрсэ өг

1961 Нэ эд̇гү турур бу кишикэ өгэ
Өги болса өтрү атағу өгэ

1962 Эв̇эклик билиң-ул қамуғқа йав̇уз
Қалы болса бэгкэ йүзи болды боз

1963 Эв̇эк қурғу қылқы қылынчы бушы
Билигсизкэ бэлгү болур бу иши

1964 Эв̇э қылмыш ишлар бичэ йиг болур
Эв̇э йэсэ аш сув̇ бичэ иг болур

1965 Қамуғ иш ичинда амуллуқ өд̇үр
Магар таъат эрсэ эв̇ингил йүгүр

1966 Көзи тоқ кэрэк ҳам ов̇утлуғ түзүн
Ачуқ ҳам йазуқ болса қылқын сөзүн



www.ziyouz.com kutubxonasi

1952 Андишали кишининг кўнгли қўрқувли бўлади,
Кўнгил қўрқса, беглар ишни тўғри юритади.

1953 Агар бег андишали, софдил бўлмаса,
Барча қилмишлари нопок, нуқсонли бўлади.

1954 Қарор ва сабр бег учун ярашиқ (нарсалар)дир,
Булар беглик юмушларини боғловчи бошбоғидир.

1955 Бег (ўз) ишларини юритмоқчи бўлса, ниҳоятда ақл-идрокли бўлиши керак,
(Чунки) у билиб бошласа (гина) (ўз) ишларини юрита олади.

1956 Ақлли кишиларгина (ўз) ишларини юрита оладилар,
Жоҳилни ишдан (зинҳор) йироқ тутиш лозим.

1957 Кишининг дили бўлмаса, унинг кўзининг фойдаси йўқ,
Кишининг ақли бўлмаса, унинг ақлида ривож йўқ.

1958 Эй, эшитгин, элга бош (бўлган) киши нималар дейди,
Равшан, ҳақиқий дил эгаси, синаган киши:

1959 Қайси (бир) кишида заковат ва ақл бўлса,
Уни киши деб атагин, қанча мақтасанг мақта.

1960 Заковат, ақл, билим кимда етук бўлса,
Ёмон бўлса (ҳам) яхши де, кичик бўлса (ҳам) мақта.

1961 Ақл киши учун қандай яхши нарса!
Ақли бўлса(гина) сўнг уни доно (деб) атагин.

1962 Шошқалоқлик [яъни енгилтаклик] барча нарсага ёвдир, билинг,
Агар (шошқалоқлик) бегда бўлса, унинг юзи ёқимсиз (қора) бўлади.

1963 Шошқалоқлик, енгил табиат, феъли тез кишининг
Бу ишлари нодон кишиларга хос белгилардир.

1964 Шошиб қилинган ишлар бир қадар кўнгилсиз бўлади,
Овқат ва сувни шошиб еб-ичилса, (киши) бир қадар касал бўлади.

1965 Барча ишлар учун сабрлиликни танла,
Лекин тоат-ибодатга бўлса, шошил, югур.

1966 Кўзи тўқ бўлиши, уят-андишали, тузук бўлиши керак,
Амалда ҳам, сўзда ҳам очиқ (чеҳра) ва мулойим бўлса.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1967 Тод̇умсуз болур-ул көзи суқ киши
Көзи суққа йэтмэз бу дунйа ашы

1968 Бу суқлуқ иг-ул бир оты йоқ эми
Аны эмлэйүмэс бу дунйа қамы

1969 Қамуғ ач йэсэ ичсэ ахир тод̇ур
Көзи ач киши өлсэ ачлық қод̇ур

1970 Көзи суқ киши нэңгэ болмас бу бай
Қамуғ дунйа булса ахир суқ чығай

1971 Уқушлуғ кэрэк бэг кишидэ талу
Уқушлуғ қылынчы изилмэз толу

1972 Киминдэ ов̇ут болса қылқы силиг
Қамуғ тэңсиз ишкэ тэгүрмэс элиг

1973 Байат кимкэ бэрсэ ов̇ут көз сув̇ы
Аңар бэрди давлат түгэл йүз сув̇ы

78a 1974 Қамуғ тэңсиз ишдин йығығлы ов̇ут
Қамуғ эд̇гү ишкэ улағлы ов̇ут

1975 Бу эд̇гү нэң-ул бу ов̇ут эркэ көрк
Қамуғ эд̇гү ишкэ ов̇ут болды өрк

1976 Тили чын кэрэк болса көңли көни
Буд̇унқа асығ қылса туғса күни

1977 Қалы болса бэглэр хийанат көңүл
Буд̇унқа асығ болмас андын тоңул

1978 Көңул тил оңай болмаса көр қылық
Ул элдин қачар қутқа болмас йорық

1979 Сөзин қыйғучы бэгкэ тутма умунч
Тириглик йав̇а болға қылға өкүнч

1980 Эд̇и сақ кэрэк бэг йана кэд̇ уд̇уғ
Осал болса бэглэр тоқынур йуд̇уғ

1981 Эки нэң турур элкэ бағы бэки
Бири сақлық-ул бир төрү эл көки



www.ziyouz.com kutubxonasi

1967 Кўзи суқ киши тўймас бўлади,
Бу дунё неъматлари кўзи суқ учун етмайди.

1968 Бу суқлик бир касалликдир, унинг дори ва дармони йўқ,
Бу (дард)ни бу дунё коҳинлари даволай олмайди.

1969 Барча оч еса, охири тўяди,
Кўзи оч киши эса ўлгандагина очлигини қўяди.

1970 Кўзи суқ киши мол-дунё билан бой бўлмайди,
Бутун дунё (мол-дунёси)ни қўлга киритса ҳам, у табиатан
суқ ва гадой(лигича қолади).

1971 Бег кишилар орасида етук, заковатли бўлиши керак,
Заковатли (киши)нинг иши заволсиз, баркамолдир.

1972 Ким андишали, хулқи хуш бўлса,
Ҳар хил ножўя ишларга қўл уравермайди.

1973 Худо кимга андиша-уят ва фазилат бахш этса,
Унга давлат ва тугал иззат-обрў беради.

1974 Барча нолойиқ ишлардан тиювчи (нарса) андишадир,
Барча хайрли ишларга йўлловчи (нарса) андишадир.

1975 Андиша жуда гўзал нарса, у киши учун чиройдир,
Барча эзгу ишлар учун андиша бошбоғ (бўлиб келган)дир.

1976 Тили рост, кўнгли тўғри бўлиши керак,
(Токи) халққа манфаат келтирса, (ўзининг ҳам) куни туғса.

1977 Агар беглар хиёнат кўнгилли бўлсалар,
Ундан халққа манфаат бўлмайди, умид(ингни) узгин.

1978 Кўнгил, тил ва феъл-рафтор рост, тўғри бўлмаса, кўргин,
У элдан қочаётган қутнинг чораси бўлмайди.

1979 Сўзидан қайтувчи бегга умид боғлама,
Тириклигинг зое кетади, афсус келтиради.

1980 Бег ниҳоятда ҳушёр ва жуда зийрак бўлиши керак,
Беглар ғофил бўлсалар, меҳнат ва машаққат юз тутади.

1981 Икки нарса эл учун мустаҳкам боғ(ич)дир,
Бири — ҳушёрлик, бири — сиёсат, (булар) элнинг асосидир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1982 Қайу бэг сақ эрсэ элин бэклэди
Йағы бойны йанчты үзэ иглэди

1983 Қайу бэг төрү бэрсэ элдэ көни
Элин этти қодты йарутты күни

1984 Бу бэглик бағы көр бу экки болур
Бу экки түгэл болса бэглик турур

1985 Нэкү тэр эшитгил йағычы күр эр
Бу сақлық билэ өз йағысын урар

1986 Айа элчи бэглэр элиг қулса сақ
Бу сақлық билэ сэн түзү элкэ бақ

1987 Бу сақлық билэ артты бэглэр эли
Осаллық көрү бузды бэглик улы

1988 Бу сақлық билэ сэн йағы бойны йанч
Будунқа төрү қыл тирил кэңрү инч

1989 Эки нэң билэ элчи бэглик бузар
Кирүр эгри йолқа көнидин азар

78б 1990 Бири күч бириси осаллық қылур
Бу экки билэ бэг элин артатур

1991 Йағы бойны йэнчмэк тилэр эрсэ сэн
Қулақ кэд кэрэк сақ қылыб турсэ сэн

1992 Бу сақлық билэ сэнчти бэглэр йағы
Осаллық билэ бузды бэглик бағы

1993 Осал болса бэглэр ишин бүтрүмэз
Осал бэг бүтүн билгү бэглик йэмэз

1994 Сақ эр тутчы этниб осалығ бушар[45]
Осал болмағынча йағығ ким басар

1995 Сақ эрсэ бэги элкэ тэгмэс элиг
Қалы тэгсэ йэтрүр уқуш өг билиг

1996 Бу күчкэй киши кэнд ва бэглик йэмэс
Бу күчкэй күчини будун көтрүмэс



www.ziyouz.com kutubxonasi

1982 Қайси (бир) бег ҳушёр бўлса, (ўз) элини мустаҳкамлайди,
Ёви бўйнини янчади, (унинг) устига балолар ёғдиради.

1983 Қайси (бир) бег элда тўғри сиёсат юритса,
У элини яшнатиб қўяди, ёруғликка чиқади.

1984 Бегликнинг (боғловчи) боғи шу икки нарсадир, кўр,
Шу икки нарса тугал бўлса, беглик (барқарор) туради.

1985 Ботир жангчи киши нима дейди, эшитгин,
Ҳушёрлик билан ўз душманига зарба берувчи киши:

1986 Эй элга бош беглар, агар ҳушёр элиг истасангиз,
Ўзинг(из) бутун элга ҳушёрлик билан қара(нгиз).

1987 Бегларнинг эли ҳушёрлик туфайли ортди,
Ғофиллик туфайли бегликнинг пойдевори бузилди.

1988 Сен ҳушёрлик билан ёв бўйнини янч,
Халққа адолат қил, тугал роҳатда яша.

1989 Эл бошлиғи икки нарса билан бегликни бузади,
Эгри йўлга киради, тўғри (йўл)дан озади

1990 Биринчидан, зўравонлик, иккинчидан, ғофиллик қилса,
Бег бу икки нарса билан элини бузади.

1991 (Агар) сен ёв бўйнини янчмоқ истасанг,
Сен қулоқни ғоят ҳушёр тутиб туришинг керак.

1992 Беглар ёвни ҳушёрлик туфайли енгдилар,
Ғофиллик билан бегликнинг боғи(чи)ни буздилар.

1993 Беглар ғофил бўлса(лар), иш(лар)ини битира олмайди(лар),
Ғофил бег, чиндан билиш керакки, бегликни сура олмайди.

1994 Ҳушёр киши доим ҳозир туриб ғофилни уради,
Токи ғофил бўлмас экан, ёвга ким қўққисдан ҳужум қилади.

1995 Беги ҳушёр бўлса, элига (ҳеч бир) қўл кўтарилмайди,
Агарда (қўл) кўтарилса, (беги) зеҳн, ақл ва билимни ишга солади.

1996 Золим киши кенд ва бегликни идора қила олмайди,
(Чунки) золимнинг зулмини халқ кўтара олмайди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1997 Нэкү тэр эшитгил билиглиг сөзүн
Йэйүмәди залим элин кэч узун

1998 Күйәр от турур күч йаґуса күйәр
Төрү сув турур ақса нэъмат үнәр

1999 Узун эл йэйи тэб тэсә эй бөгү
Төрү түз йурытғу будунуғ көгү

2000 Эл артар төрү бирлә этлүр ажун
Эл эксүр бу күч бирлә бузлур ажун

2001 Тэлим ордулар бузды күчкәй күчин
Туру өлди ахир бу күчкәй ачын

2002 Көңүл түзсә бэгләр йурытса төрү
Бу бэглик бузулмас турур кэч өрү

2003 Қамугда йарағсыз эй элиг қуты
Бу бэгләр үзә қопса йалған аты

79а 2004 Сөзи чын кэрәк бэг нэ қылқы қутун[46]
Ынанса аңар халқ тирилсә қутун

2005 Бу йалған кишиләр вафасыз болур
Вафасыз киши халққа тэңсиз қылур

2006 Нэкү тэр эшитгил вафалығ киши
Вафа-ул кишикә кишилик башы

2007 Тили йалған эрниң жафа қылқы-ул
Жафа кимдә эрсә ошул йылқы-ул

2008 Киши йалғанында тиләмә вафа
Бу бир сөз сынамыш өкүш йылқы-ул

2009 Йүрәклиг кэрәк эр йэмә алп атым
Йүрәк бирә болды йағықа татым

2010 Сү башлар эрән көр йүрәклиг кэрәк
Йүрәксиз эрәт алса андын йүрәк

2011 Йүрәклиг йүрәксизкә болса башы
Йүрәклиг болур өтрү тэгмә киши



www.ziyouz.com kutubxonasi

1997 Доно нима(лар) дейди, сўз(лар)ини эшитгин:
Золим элини узоқ идора қилиб тура олмади.

1998 Зулм ёниб турган ўт (каби)дир, яқинлашса куйдиради,
Адолат (эса) сув (каби)дир, у оқса, неъмат унади.

1999 Элни узоқ идора қилайин десанг, эй доно,
Сиёсатни тўғри юритиш, халқни шарафлаш керак.

2000 Адолат билан эл ривожланади, олам гулистон бўлади,
Зулм туфайли эл инқироз топади, олам бузилади.

2001 Золим зулми билан талай шаҳарларни бузди,
Оқибатда (бундай) золим очликдан тик туриб ўлди.

2002 Беглар кўнгилни тўғри қилиб, адолатли сиёсат юритсалар,
Беглик (зинҳор) бузилмайди, узоқ муддат барқарор туради.

2003 Барча (нарса)дан яроқсизи, эй бахтиёр элиг,
Беглар борасида ёлғончи деган ном тарқалишдир.

2004 Бег сўзи чин ва қиладиган ишлари тўғри бўлиши керак,
(Токи) халқ унга ишонсин ва бахтиёр яшасин.

2005 Ёлғончи кишилар вафосиз бўлади(лар),
Вафосиз киши халққа ножўя ишларни қилади.

2006 Вафоли киши нима(лар) дейди, эшитгин,
Одам учун одамгарчиликнинг боши вафодир:

2007 Тили ёлғон кишининг қиладиган иши жафодир,
Жафо кимда бўлса, ўша йилқидир.

2008 Кишининг ёлғончисидан вафо кутма,
Бу сўз кўп йиллардан бери синалгандир.

2009 Киши юракли, жасоратли ва мерган бўлиши керак,
Юрак (жасорат) билан (киши) ёвга (урушга) лаёқатли бўлади.

2010 Лашкар бошловчи кишилар ботир ва жасоратли бўлиши керак,
(Токи) юраксиз лашкар ундан юрак олса [яъни жасоратидан ибрат олса].

2011 Юракли юраксиз(лар)га бош бўлса,
Сўнг барча киши юракли бўлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2012 Бу сөзкә тануқы бу байтығ оқы
Бу сөзкә ануқ тут көңүл өг тақы

2013 Күр арслан болу бэрсә ытқа башы
Бу ыт барча арслан болур өз түши

2014 Қалы болса арсланқа ыт башчысы
Бу арслан болур барча ыт сақышы

2015 Ақылық кэрәк бэгкә қусқы көңүл
Бу қусқы көңүл бирлә қылқы амул

2016 Ақы болса бэгләр аты жаўланур
Аты жаўы бирлә ажун бэкләнүр

2017 Ақа йығлу тэрлүр эрәт сү болур

Эрәт сү билә эр тиләкин булур

2018 Нэкү тэр эшитгил уруб йэгли эр
Уруб ал эй алп эр йана эркә бэр

79б 2019 Ақы бол бағышла ичүр ҳам йэтүр
Қалы эксүсә ур йана ал йэтүр

2020 Азығлығ күр эркә бу нэң эксүмәс
Туғуғлы өрүң қушқа мэң эксүмәс

2021 Қылыч балду оқ йа қавы күч йүрәк
Бар эркән кәд эр нэңгә қорқмас кэрәк

2022 Ажунчы бөгү бэг нэлүг ганч урур
Эрәт қайда болса ануқ ганч урур

2023 Бу эл тутғуқа көп эрәт сү кэрәк
Эрәт тутғуқа нэң тавар тү кэрәк

2024 Бу нэң алғуқа бир кэрәк бай будун
Будун байлыкынга төрү түз қодун

2025 Буларда бири қалса төрти қалур
Бу төрти йэмә қалса бэглик өлүр

2026 Адын ма бу бэш нэң йырақ тутғу бэг
Аты эдгү болса кү жаў булғу бэг



www.ziyouz.com kutubxonasi

2012 Бу сўзнинг исботи учун ушбу байтни ўқи,
Яна бу сўзга кўнгил ва ақл кўзи билан боқ:

2013 Кўргин, агар арслон ит(лар)га бош бўлса,
Бу итлар барчаси унинг тенгида арслон бўлади.

2014 Агар арслон(лар)га ит бошчи бўлса,
Бу арслон (лар) барчаси итга тенг бўлади.

2015 Бег учун саховат ва хушфеъллилик лозим,
Хушфеъллилик билан бирга ювош (феъл)лик лозим.

2016 Беглар сахий бўлсалар, номлари шуҳрат топади,
(Улар) номининг шуҳрати туфайли олам қарор топади.

2017 Ҳар томондан мардлар оқиб, йиғилиб келиб лашкар тўпланади, қўшин ташкил бўлади.
Лашкар, қўшин билан киши тилагини топади.

2018 Йиғиб олиб ёювчи киши нима дейди, эшитгин:
Йиғиб ол, эй баҳодир киши, яна мардларга бер,

2019 Сахий бўл, инъом қил, ичир ҳамда едир,
Агар камайса, йиғ, яна ол, едир.

2020 Ризқли, мард киши учун мол-дунё (ҳеч) камаймайди,
Туғилган [яъни бунёд бўлган] оққуш учун дон (ҳеч) камаймайди.

2021 Қилич, балду[37], ўқ, ёй, қувват, куч, шижоат
Бор экан, зинҳор эр киши мол-дунё учун (қайғуриб) қўрқмаслиги керак.

2022 Жаҳонгир, доно бег қандай қилиб ганж йиғади,
Лашкар қайда бўлса албатта ганж йиғади.

2023 Элларни олиш учун кўп лашкар, қўшин керак,
Лашкарни сақлаш учун эса беҳисоб нарса — мол-дунё керак.

2024 Мол-дунё олиш учун эса бой халқ керак,
Халқ бой бўлиши учун эса тўғри, адолатли сиёсат юритгин.

2025 Булардан бирортаси бўлмаса, тўрттаси ҳам бўлмайди,
Бу тўртталаси бўлмасачи, беглик барбод бўлади.

2026 Бундан бошқа беш нарсани бег ўзидан узоқ тутиши керак,
Токи донг ва шуҳрат таратиш даражасида эзгу номга эга бўлсин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2027 Бириси эв̇әклик бириси саран
Үчүнчи бушылық сэрин өз йыран

2028 Бу төртинч йав̇уз бэгкә арқуқ қылынч
Бэшинчи йарағсыз бу йалған эринч

2029 Бу қач нэңдә бэгләр йырақ тутғу өз
Аты артамаса йорық болса сөз

2030 Буларда эң ынға бу арқуқ қылынч
Бу арқуқ қылынчлығ нэ муңлуғ эринч

2031 Муңар мэңзәтү сөзни шаъир айур
Бу шаъир сөзи тутса сөзкә байур

2032 Ағыр йүк кишикә қылынч арқуқы
Қылынч арқуқ эрсә болун ыт оқы

2033 Йағы қылмағусын қылынчы қылур
Йағы бу йағыдын нэ бар ад̇руқы

80a 2034 Өкүш эл тутайын тэсә эй элиг
Үч иш қылғу өтрү йэтилсә әлиг

2035 Оң әлгин қылыч тутса урса салыб
Сол әлги билә нэң үләсә алыб

2036 Тилин сөзләсә сөз шакардә сүчиг
Бойун бэрди бэг қул улуғ йа кичиг

2037 Эй элиг бу қач нэң кэрәк бэгкә көр
Буд̇унқа сэв̇үлсә орун булса төр

2038 Күләр йүз сүчиг сөз силиг өз кэрәк
Қылынчы буларқа түгәл түз кэрәк

2039 Көңүл тутса қусқы ҳам әлги ақы
Буларқа йарашы бағырсақлықы

2040 Қамуғ түрлүг эрдәм бу билсә түгәл
Йырақ эрсә андын йарағсыз маҳал

2041 Киши өд̇рүми бу буд̇унда талу
Талу өд̇рүм-ул бу ирүксүз толу



www.ziyouz.com kutubxonasi

2027 Бири — шошқалоқлик, бири — очкўзлик,
Учинчиси — жаҳолат, ундан эҳтиёт бўл, узоқ тур.

2028 Тўртинчиси — бег учун бузуқ феъллилик ярамайди,
Бешинчиси — ёлғончилик номаъқул ишдир.

2029 Бу бир қатор нарсалардан беглар ўзини йироқ тутишлари керак,
(Токи) номи булғанмаса, сўзи равон бўлса [яъни амри вожиб бўлса]

2030 Булардан энг пасти — бузуқ феъллилик,
Бузуқ феълли (киши) қандай бебахт бўлади.

2031 Бунга мос келадиган сўз(лар)ни шоир айтади,
Шоир сўзини тутсанг, сўзга бойийсан.

2032 Киши учун феълнинг бузуқлиги оғир юкдир,
Феъли бузуқ бўлса, уни тутқун ит деб билгин.

2033 Ёви қилмас ишни феъли қилади,
Бу — ёв, (унинг) ёвдан нима фарқи бор.

2034 Кўп элларни олайин десанг, эй элиг,
Агар қудрат етса, аввал уч ишни амалга ошириш керак.

2035 Ўнг қўли билан қилич ушласа ва ялтиратиб тортиб урса,
Сўл қўли билан мол-дунё олиб улашса.

2036 Тилида эса шакардан ширин сўз сўзласа,
Унга бег, қул ёки улуғ, кичик бўйин беради.

2037 Эй элиг, кўргин бег учун бу бир қатор нарсалар керак,
Токи у халқ (ораси)да севилсин ва тўрдан ўрин олсин.

2038 Кулар юз, чучук сўз ва ўзи латиф,
Феъл-атвори эса шуларга тўла мос бўлиши керак.

2039 Юмшоқ кўнгил ҳамда очиқ қўл бўлса,
Шуларга яраша меҳрибон, раҳмдил бўлса.

2040 У турли санъат-ҳунарларни тугал билса,
Яроқсиз-маҳол нарсалар ундан йироқ бўлса.

2041 У(илай киши) — кишилар сарвари, халқ орасида етуги,
У етук ва сара, ҳеч камчиликсиз, комилдир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2042 Ажун будны өгрү аңар қул болур
Ажун йэр бу бэглэр тилэкин булур

2043 Түгүг йүз ириг сөз күвэз күр қылық
Кишиг тэзкүрүр көндрү билмэс йорық

2044 Отунлуқ эвэклик йэниг қурғулуқ
Қара қылқы-ул бу йырақ турғулуқ

2045 Қара қылқы бэгкэ кэрэксиз йағуқ

Йағуқ болса бэгкэ ужузлуқ ануқ

2046 Қара қул қарасы болур бэг өрүң
Қаралы өрүңли адыртты көрүң

2047 Талу бэг болайын тэсэ бэлгүлүг
Талу тутғу эрдэм эй атлығ күлүг

2048 Қалы бэг болур болса қылқы қара
Қарада бу ынға болур халқ ара

80б 2049 Йүзи көрки көрклүг кэрэк бэг йүлүг
Боды орту болса нэ жавлуғ күлүг

2050 Көрүгли йүзин көрсэ сэвсэ көрүб
Эли будны бақса күвэнсэ туруб

2051 Йағықа қатығ болса эрсиглики
Көрүр көзкэ сув бэрсэ көрклүглики

2052 Эйи бод узун болса өгмэс билиг
Эйи ма чөкүт болса болмас силиг

2053 Қалы мундағ эрсэ бод орту кэрэк
Боды орту болса болур эдгүрэк

2054 Нэкү тэр эшитгил сынамыш киши
Башында кэчүрмиш йашамыш киши

2055 Боды қысға йүнчығ қылынчы бушы
Бушы қайда болса түтүшкэ башы

2056 Бод орту кэрэк ҳам тэңинчэ йарағ
Ишиң орту тут[47] эй билиглиг киши



www.ziyouz.com kutubxonasi

2042 Олам халқи, сўнг, ўта қул бўлади,
Бундай беглар жаҳонга эга бўлади, тилагини топади.

2043 Бадрўйлик, дағал сўзлилик, ғурур кўзли ва ғурур феъллилик
Кишини саргардон қилиб қўяди, у ўз йўлини тўғрилай олмайди.

2044 Тубанлик, шошқалоқлик, енгил табиатлилик,
Бу — тубанларнинг иши, ундан (зинҳор) йироқ туриш керак.

2045 Қора авом қилмиши бег учун бефойда яқин киши [яъни жоҳил дўст] кабидир,
Жоҳил дўст (бегга яқин) бўлса, тубанлик(нинг содир) бўлиши аниқдир.

2046 Қора — бу қуллар қорасидир, бег эса оқдир,
(Яратувчи) қора билан оқни фарқлади, кўринг.

2047 Етук бег бўлайин десанг, албатта,
Хислатларингни тугал тутгин, эй номдор, шуҳратли.

2048 Агар бег тутган ишлари қора бўлса,
Бу бег халқ орасида қорадан ҳам тубан бўлади.

2049 Бег юз кўрки чиройли, силлиқ бўлиши керак,
Бўйи ўртача бўлса ва машҳур, овозаси кетган бўлса (янада яхши).

2050 (Унга) боққанлар юзини кўриб севиб қолса,
Эли, халқи унга боқса, туриб қувонса.

2051 Шижоатда ёвига нисбатан беаёв бўлса,
Чиройи кўрувчи кўзларга сув бахш этса.

2052 Албатта, бўй жуда узун бўлса, билим уни мақтамайди,
Ҳа, шунингдек, жуда калта бўлса ҳам яхши эмас.

2053 Агар шундай экан, бўй ўртача (бўлиши) керак,
Бўйи ўрта (бег) бўлса яхшироқ бўлади.

2054 Синаган киши нима дейди, эшитган,
Бошидан кечирган, (кўп) яшаган киши;

2055 Бўйи қисқа (киши) нотавон, қилмиши ғазаб, жаҳолат бўлади,
Жаҳолат қаерда бўлса, урушларга бош (сабаб) бўлади.

2056 Бўй ўрта бўлиши ва унга муносиб яроқлари бўлиши керак,
Ишларингни ўртача тут, эй билимли киши.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2057 Бор ичмәс кэрәк бэг фасад қылмаса
Бу экки қылықдын қачар қут баса

2058 Сүчигкә сүчинсә аж̇ун бэгләри
Ачығ болды эл күн будун игләри

2059 Ойнуқа ав̇ынса ажун тутғучы
Элин бузды болды өзи қултғучы

2060 Ӧдиндә кэчүрсә бу бэглик ишин
Аны йэтсә болмас эзәрсә қушын

2061 Нэкү тэр эшитгил билиг бэргүчи
Билигсизни бордын сөкүб тыдғучы

2062 Бор ичмә айа борчы боғзы қулы
Бор ичсә ачылды чығайлық йолы

2063 Қара борчы болды нәқи болды йэл
Бэги борчы болса қачан турға эл

81а 2064 Йағы-ул бу бор ичми алтун күмүш
Қылынчы тутуш болды қылқы уруш

2065 Эсүрсә киши тэлв̇ә мундуз болур
Бу тэлв̇ә иши көр қачан түз болур

2066 Нэкү тэр эшитгил сақынуқ киши
Бу сөз ишкә тутғыл э боғзы қулы

2067 Нэчә қылғу ишләр бор ичсә қалур
Нэчә қылмағу иш эсүрсә кэлүр

2068 Бор ичсә ойунқа ав̇ынса бэги
Қачан йэтгәй эл күн ишингә өги

2069 Нэчә йаңсыз[48] ишләр боз[49] ичсә болур
Нэчә эдгү ишләр эсурсә қалур

2070 Фасад қайда болса қачар қут тэз-ә
Фасадчын йурыр тутчы бэглик буза[50]

2071 Арығ-ул бу қут қыв̇ арығлық тиләр
Сүзүг-ул бу давлат сүзүгни йулар



www.ziyouz.com kutubxonasi

2057 Бег ичимлик ичмайдиган, фасод қилмайдиган бўлиши керак,
Бу икки қилмишдан зинҳор қут қочади.

2058 (Агар) дунё беглари ичимликка (маишатга) берилса,
Эл ва халқнинг дардлари (қисмати) аччиқ бўлади.

2059 Жаҳонгир киши айш-ишратга маҳлиё бўлса,
Элини бузади (хароб қилади), ўзи (эса) тиламчи бўлиб қолади.

2060 Беглик ишларини ўз вақтидан ўтказиб юборилса,
Қуш каби учиб (унинг кетидан) изланса ҳам етиб бўлмайди.

2061 Таълим бергувчи нима(лар) дейди, эшитгин,
Нодонни ичимликдан сўкиб тийгувчи (киши):

2062 Ичимлик ичма, эй майпараст, бўғзининг қули,
Май ичсанг, сенга гадолик йўли очилади.

2063 Қора авом майхўр бўлса, мол-дунёси барбод бўлади,
Беги майхўр бўлса, эли қачон барқарор туради.

2064 Ичимлик — бу ёв, (унинг) ичими эса олтин, кумуш (ширин),
Унинг (келтириб чиқарадиган) ишлари ёқалашиш, юмушлари эса урушдир.

2065 Маст бўлгач, киши телба, тентак бўлади,
Телбанинг иши, кўргин, қачон тўғри бўлади.

2066 Андишали киши нима дейди, эшитгин,
Бу сўзга амал қилгин, эй бўғзининг (нафсининг) қули:

2067 Қанчадан-қанча қилиниши лозим ишлар май ичгач, қолиб кетади,
Қанчадан-қанча ножўя ишлар кайф қилгач, содир бўлади.

2068 Беги май ичса, айш-ишратга маҳлиё бўлса,
Қандай қилиб эл-халқ ишига унинг ақли етади.

2069 Қанчадан-қанча нолойиқ ишлар май ичгач, содир бўлади,
Қанчадан-қанча хайрли ишлар кайф қилгач, қолиб кетади.

2070 Фасод қаерда бўлса, у ердан давлат тезда қочади,
Фасодчи доимо бегликни бузиб юради.

2071 Бахт ва қут пок нарса, у покизаликни талаб қилади,
Давлат — мусаффо, ҳалол, у софлик, ҳалолликни талаб қилади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2072 Бэги ичгүчи болса муфсид отун
Қамуғ ичгүчи болды будны бүтүн

2073 Қара тэңсизин барча бэглэр этэр
Бэги қылса тэңсиз аны ким йэтэр

2074 Арығсызны йалңуқ сув̇ун йуб арыр
Қалы артаса сув̇ нэкүн йуб арыр

2075 Киши иглэсэ от отачы бэрүр
Отачы игингэ эмин ким қылур

2076 Арығ тутғу бэглэр көни қылқ қылық

Бӯдун бэг йолындын түзэр йол йорық

2077 Нэ-тэг тутса бэглэр кэр өңди төрү
Бӯдун болды андағ ул өңди көрү

2078 Бу сөзкэ тануқы муну бу сөз-ул
Сөзингэ бақа көрсэ маъни түз-ул

81б 2079 Бу бэглэр нэ йолча йурыса қалы
Ошул бэг йорықы бу қулнуң йолы

2080 Бэги эд̆гү болса йорықы көни
Тақы артуқ эд̆гү йурығай қулы

2081 Қүв̇эз-ул кэрэксиз нэ көңли улуғ
Қүв̇эзлик азытур көнилик йолуғ

2082 Улуғ болды бэглэр қутун бэлгүлүг
Кичиг тутса көңлин көтүрсэ үлүг

2083 Нэкү тэр эшитгил уқушлуғ йэг эр
Бӯдунда талусы билиглиг бэг эр

2084 Улуғсығ бэд̆үг тутса бэглэр көңүл
Сэзигсиз ужузлуқ көрүр эй оғул

2085 Қүв̇эзлик билэ көккэ ағмас киши
Қалы қусқы[51] болса бузулмас иши

2086 Қүв̇эзлик асығсыз көңүл тумлытур
Көңүл қусқы тутса кишиг йуқлатур



www.ziyouz.com kutubxonasi

2072 Беги ичағон, фасодчи, пасткаш бўлса,
Борлиқ халқининг барчаси ичағон бўлади.

2073 Қора авомнинг номаъқулчиликларини беглар тузатади,
Беги номаъқул иш қилса, унинг иложини ким қилади.

2074 Нопок нарсани халқ сув билан ювиб поклайди,
Агар сув ифлосланса, у нима билан ювиб покланади?

2075 Одам дардга гирифтор бўлса, табиб дори-дармон қилади,
Табибнинг дардига ким дори-дармон қилади?!

2076 Бегларнинг тутган ишлари, феълу рафторлари тўғри ва покиза бўлиши керак,
Халқ бег йўлидан ибрат олиб йўл-йўриқ тузади.

2077 Бегларнинг низом ва сиёсати қандай йўсинда бўлса,
Халқ ўша низом-сиёсатни кўриб, унга мос бўлади.

2078 Мана, ушбу сўзлар бу сўзнинг исботи учундир,
Бу сўзга қулоқ бериб диққат қилсанг, маънога тўла:

2079 Беглар қандай йўлда юрсалар агар,
Ўша бегларнинг йўли унинг қулларининг (табааларининг) йўлидир.

2080 Беги эзгу бўлса, тутган ишлари тўғри бўлса,
Унинг қуллари (табаалари) янада яхшироқ юради.

2081 Кибр ҳамда кўкрак кериш (гердайиш) кераксиздир,
Кибр тўғри йўлдан адаштиради.

2082 Беглар давлати зиёда бўлиб улуғликка эришадилар,
Агар улар кўнгилларини кичик тутиб ўз баҳраларини орттирсалар.

2083 Фозил, яхши киши нима дейди, эшитгин,
Халқ орасида етук, доно бег киши:

2084 Беглар кўнгилни улуғ, катта тутсалар,
Шубҳасиз уларга қадрсизлик насиб бўлади, эй ўғил.

2085 Кибр билан киши кўкка кўтарила олмайди,
Агар у камтар бўлса, ишлари бузилмайди.

2086 Кибрлилик бефойда, у кўнгилни совутади,
Кўнгилни камтар тутилса, кишини улуғлайди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2087 Бэг алчақ кэрэк болса қутқы көңүл
Муны-тэг йоқ эрсэ сэн андын тоңул

2088 Бэг алчақ кэрэк болса көңли ачуқ
Йазуқлуғ кишидин кэчүрсэ йазуқ

2089 Исинүр эт эр тэрк бағырсақ болур

Бағырсақ кишилар тапуғсақ болур

2090 Буḋун башчы бэгкэ бу ҳиммат кэрэк
Бу ҳиммат билэ ҳам муруввaт кэрэк

2091 Бу ҳиммат муруввaт билэ барса жав̇
Булур бэг тилэки йурыр өтрү ав̇

2092 Кимиң ҳимматы болмаса ул өлүг
Экэгүн ажунда бу булмас үлүг

2093 Бу ҳиммат билэ ҳам сийасат кэрэк
Сийасатқа бэклиг райасат кэрэк

82*a* 2094 Сийасат билэ бэг түзэр эл төрү
Қара қылқы этлүр сийасат көрү

2095 Бу сөзкэ йануты бу байт-ул тануқ
Тануқ қайда болса бу ҳужжат ануқ

2096 Бу бэглэр қапуғын сийасат бэзэр
Сийасат билэ бэг элини түзэр

2097 Эсизкэ сийасат йурытғу кэрэк
Буḋун булғануқын сийасат сүзэр

2098 Бу эл тутруқы ҳам түби бэклики
Эки нэң турур аслы йылдыз кэки

2099 Бириси буḋунқа төрү-ул үлүш
Бириси эрэтқа үлэсэ күмүш

2100 Төрү бирлэ буḋны сэв̇инсэ туруб
Күмүш булса эрэт йарунса көрүб

2101 Бу экки қуту булса бэгдин сэв̇инч
Эли қапғы этлүр булур бэг ав̇ынч



www.ziyouz.com kutubxonasi

2087 Бег мулойим ва юмшоқ кўнгилли бўлса,
Бундай бўлмаса, сен ундан умидингни уз.

2088 Бег мулойим ва очиқ кўнгилли бўлса,
У гуноҳкор кишиларнинг гуноҳини кечирса.

2089 Унга баданнинг (кишиларнинг) муҳаббати ортади,
сўнг эса кишилар унга садоқатли бўлади,
Садоқатли кишилар эса хизматга шай бўлади.

2090 Халққа раҳбар, бегга ҳиммат лозимдир,
Ҳиммат билан бирга мурувват лозимдир.

2091 Бундай ҳиммат ва мурувват билан овозаси тарқалса,
Бег тилагини топади, ови унинг (олдида) домида юради.

2092 Кимнинг ҳиммати бўлмаса, у ўликдир,
Иккала дунёда ҳам у бебаҳра бўлади.

2093 Ҳиммат билан бирга (адолатли) сиёсат ҳам керак,
Сиёсат (юритиш) учун эса пишиқ-пухта раҳбарлик керак.

2094 Сиёсат билан бег эл тузади ва низом ўрнатади,
Сиёсат туфайли авомнинг ишлари изга тушади.

2095 Бу сўзнинг исботи учун ушбу байт гувоҳлик беради,
Қаерда гувоҳлик бўлса, бу аниқ ҳужжатдир:

2096 Бегларнинг даргоҳини сиёсат безайди,
Сиёсат билан беглар элини тузади.

2097 Ёмонларга сиёсат юритиш керак,
Халқ орасидаги ярамасликларни сиёсат тозалайди.

2098 Элни идора қилиш ҳамда унинг мустаҳкам мояси,
Унинг асли, туб илдизи икки нарсадан иборатдир.

2099 Бири — халққа адолат бахш этиш,
Иккинчиси — лашкарга кумуш инъом қилиш.

2100 (Токи) адолати туфайли халқи севинса,
Лашкари кумушга эришиб, уни кўриб қувонса.

2101 Бу икки тоифа бегдан миннатдор бўлса,
Унинг эли ва даргоҳи яшнайди, бег фароғат топади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2102 Қайу бэг будунқа төрү бэрмэсэ
Көдэзмэсэ буднын йэгүчи йэсэ

2103 От ыдты будунқа бузулды эли
Йықылды сэзигсиз бу бэглик улы

2104 Қайу бэг эрэтни сэвүндүрмэсэ
Қылыч қында чықмас анында баса

2105 Қылыч бирлэ бэглэр узатур элиг
Қылычсыз осал бэг басумас элиг

2106 Қылыч балду болды бу эл сақчысы
Қылычын алыр бэг будун башчысы

2107 Нэкү тэр эшитгил ажун тутғучы
Қылыч балду бирлэ йағығ утғучы

2108 Айа эл тутуғлы элиг сақлағу
Осаллық билэ йэр йэгүчи ағу

82б 2109 Қылыч балду сақчы тутун эй үнүр
Қылыч сақчы болса бэг инчлиг болур

2110 Қылыч тэбрэр эркэн йағы тэбрэмэз
Қылыч қынқа кирсэ бэг инчлик йэмэз

2111 Сэвүнчлүг тут эй бэг қылыч урғучығ
Сэвинчин тирил тутчы көрмэ ачығ

2112 Йана айды Өгдүлмиш элиг қуты
Бу эл ишлэри тэрс улуғ көр аты

2113 Бэдүг иш будун башламақы ағыр
Баш ағрығ билэ тутчы эмгэк тэгир

2114 Сэвинчи аз-ул көрсэ қадғу өкүш
Аз-ул өггүчиси тэлимрэк сөкүш

2115 Қайуқа бақа көрсэ қорқынч турур
Сэвинчин сора көрсэ азрақ эрүр

2116 Өкүш сэвмэгүчи сэвэри аз-ул
Кэриши тэлимрэк эрэжи аз-ул



www.ziyouz.com kutubxonasi

2102 Қайси бег элига адолат қилмаса,
Халқини ҳимоя қилмаса, (унинг молини) талаган талайверса.

2103 Халқи ўртасига раҳна солади, эли бузилади,
Шубҳасиз, бегликнинг пойдевори йиқилади.

2104 Қайси бег лашкарни хурсанд қилмаса,
У (лашкар)нинг қиличи зинҳор қинидан чиқмайди.

2105 Қилич билан бегларнинг қўли баланд бўлади,
Қиличсиз бег — ночор, у элларни боса олмайди.

2106 Қилич ва ойболта — бу элнинг посбонидир,
Бег қилич билан элга бошлиқ бўлади.

2107 Жаҳонгир нима дейди, эшитгин,
Қилич ва ойболта билан ёвни енгувчи:

2108 Эй элларни олувчи ва элни сақловчи,
Киши ғафлат туфайли заҳар ичиб қўяди.

2109 Эй униб-ўсгур, қилич ва ойболтани посбон сифатида тутгин,
Қилич посбон бўлса, бег хотиржам бўлади.

2110 Қилич тебраб турар экан ёв бош кўтармайди,
Қилич қинга кирсачи, бег хотиржам бўлмайди.

2111 Қилич соҳибларини хурсанд тут, эй бег,
Ўзинг ҳамиша хурсандликда яша, ҳеч аччиқлик (ғам) кўрма.

2112 Ўгдулмиш яна айтди: (Эй) бахтиёр элиг,
Бу эл ишлари (жуда) қийин, (унинг) номи жуда улуғ.

2113 Халқ — бу буюк нарса, унга раҳбарлик қилиш оғир,
Ундан доим ташвиш ва машаққат келади.

2114 Кўрсанг унинг хурсандчилиги оз, қайғу-ташвиши талайдир,
Унинг раҳмат келтирувчиси оз, кўпроғи лаънатлидир.

2115 Қайси томонига қарасанг, даҳшатдан иборат,
Шодлик томонини қидирсанг, у озроқдир.

2116 Севмайдигани кўпроқ, севгувчиси оздир,
Ғавғоси кўпроқ, фароғати оздир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2117 Бүтүнсүз болур тэгмә йэрдә көңүл
Көңүл бүтмәсә эркә артуқ муң-ул

2118 Көрү бэрсә тэгмә ишиндә хатар
Хатарлығ ишиг көрсә татығ кэтәр

2119 Нэкү тэр эшитгил уқушлуғ сөзи
Уқушлуғ сөзи көрсә йүнжү түзи

2120 Элиг бойны қылча өкэкчә башы
Аңар кэд̇ ынанмаз уқүшлуғ киши

2121 Қылынч баш узала масал бэглик-ул
Күнингә аңар миң хатарлығ иши

2122 Бу йаңлығ турур барча бэглик иши
Қайусы эрәж йэр қайу өз башы

2123 Өзүң дунйа ъуқба булайын тэсә
Бу қач ишни қод̇ма қатығлан оса

83а 2124 Көни тут көңүл тил байатқа сығын
Ид̇и йарлығын сэн ағыр тут тапын

2125 Нэкү кэлсә раббдын тапы бол тапы
Өзүң қуллуқы-ул тапылық тапы

3126 Түзү халққа көңлүн бағырсақ болун
Тучы эд̇гүлүк қыл сэн эд̇гү булун

2127 Буд̇унқа асығ қыл болуб қылма йас
Қылынч эд̇гү тутғыл эсиз йасы бас

2128 Сэниң болды дунйа тириглик билә
Тириглик булунса йатыб йэ күлә

2129 Бүтүн жан узулса умунч тут улуғ
Байат бэргә эд̇гүкә эд̇гү йулуғ

2130 Мунуқы мэн айдым эшитти элиг
Бу йаңлығ кэрәк бэгкә эрдәм билиг

2131 Қайу эрдә болса бу эрдәм төрү
Аны бэг атаб элкә тэггү өрү



www.ziyouz.com kutubxonasi

2117 Ҳар бир ерда кўнгил ишончсиз бўлади,
Кўнгил ишонмадими, бу кишига ортиқча ташвишдир.

2118 Қўраверсанг ҳар бир ишида хатар бор,
Хатарли ишни кўриб, кишининг роҳати кетади.

2119 Фозил киши нима дейди, (унинг) сўзини эшитгин,
(Кўрсанг) фозил киши сўзининг барчаси инжуга тенг:

2120 Элигнинг бўйни қилча (нозик), боши эса бурждай (катта),
Фозил киши эса (бўйин ва бошга) жуда ҳам ишонмайди.

2121 Қилмиш ишлар эса бош узра мисли бир подшолик кабидирки,
Унинг кундалик иши минг хатардан иборат.

2122 Барча бегликнинг ишлари бу янглиғдир,
(Бегларнинг) баъзилари фароғат топади, баъзилари ўз бошини ейди.

2123 Ўзинг дунёнинг тагига етайин десанг,
Ушбу бир қанча ишларни (қилишни) қўйма, тириш, жўръатли бўл.

2124 Кўнгил ва тилни тўғри тут, худога сиғин,
Эгамнинг буйругини ҳурмат қил, топин.

2125 Раббдан нимаики келса, рози бўл, рози,
Розилик ва ризолик бу сенинг қуллиғингдир.

2126 Барча халққа кўнгилдан меҳрибон бўл,
Доим хайрли иш қил, ўзинг эзгулик топ.

2127 Халққа манфаат келтир, зарарли бўлма,
Феълингни яхши тут, ёмонларнинг касофатини бос.

2128 Ҳаёт билан мол-дунё сеники бўлади,
(Шундай) ҳаёт насиб бўлса, ётиб, ўйнаб-кулиб давр сур.

2129 Нақд жон узилса, (у дунёга) катта умид тут,
Худо эзгуга эзгу мукофот беради.

2130 Мана, мен айтдим, элиг эшитди,
Бегга бу янглиғ сифат-фазилат, билим керак.

2131 Қайси кишида шундай фазилат, одат (мужассам) бўлса,
Уни бег (деб) атаб, эл устидан (бош қилиб) қўйса бўлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2132 Түгәл бэг болур бу будунқа башы
Анындын булур эдгү тэкмә киши

2133 Нэкү тэр эшитгил билиглиг тэтиг
Билиглиг тэтиг билги элкә этиг

2134 Билиглиг кэрәк бэг уқушлуғ көни
Йүрәклиг ҳам өглүг бэдүсә үни

2135 Ақы ҳам түзүн ҳам уқушлуғ силиг
Бағырсақ болуб кэд көдәзсә элиг

2136 Көзи тоқ сэримлиг йа қусқы көңүл
Суйурқаб кэчүргән нэ қылқы амул

2137 Қамуғ эрдәми болса эрдә өрү
Будунқа бэрүр болса эдгү төрү

2138 Қайу элкә болса бу йаңлығ бэги
Қутулды ул эл будны кэтти иги

83б 2139 Туғар қут күни элкә инчлиг болур
Дарыға бу йаңлығ кишиләр өлүр

2140 Бу эрди эй элиг мэниң билмишим
Мунуқы өтүндүм сэңә уқмышым

## Элиг савалы Өгдүлмишкә

2141 Элиг айды уқтум көни сөзләдиң
Кэрәки бу эрди билиг йазмадың

2142 Тақы бир айытғу сөзүм бар сэңә
Аны ма ачуқлуғ айу бэр мэңә

2143 Бу йаңлығ бэги болса эрдәм толу
Вазири нэкү-тэг кэрәк эй талу

2144 Қалын қазнақ урса көр алтун күмүш
Этилсә эли артса эл кэнд улуш

2145 Элин этсә басса түз өңдүн болуб
Исинсә эрәт көңли эдгү булуб



www.ziyouz.com kutubxonasi

2132 Бундай киши халққа муносиб бошлиқ бўлади,
Ҳар бир киши ундан хайру эҳсонлар топади.

2133 Билимли, зийрак (киши) нима дейди, эшитгин,
Билимли, зийрак (киши)нинг билими эл учун безакдир:

2134 Бег билимли, заковатли, тўғри бўлиши керак,
Фаросатли ҳам ақлли бўлиб овозаси тарқалса.

2135 Саховатли, саришта ҳамда заковатли, зеҳнли,
Садоқатли бўлиб элини жуда ҳам ҳимоя қилса.

2136 Кўзи тўқ, андишали ва юмшоқ кўнгилли (бўлса),
Ёрлиқаб кечирувчи ва феъл-одати мўътадил (бўлса).

2137 Барча фазилатлари бошқаларникидан устун бўлса,
Халққа адолатли сиёсат юритса.

2138 Қайси бир элнинг беги бу янглиғ бўлса,
Ўша элнинг халқи (барча нарсадан) халос бўлади, дарди арийди.

2139 Элнинг бахт куни туғади, роҳат-фароғатли бўлади,
Афсус, бу янглиғ кишилар ўлади.

2140 Менинг билганларим шу(лар) эди, эй элиг,
Мана, билганларимни сенга ўтиндим.

## Элигнинг Ўгдулмишга саволи

2141 Элиг айтди: Уқдим, тўғри сўзладинг,
(Менга) кераги бу эди, билимдан адашмадинг.

2142 Яна бир сўрайдиган сўзим бор сендан,
Уни ҳам аниқ қилиб айтиб бер менга.

2143 Бу янглиғ беги фазилатларга тўла бўлса,
Вазири қандай бўлиши керак, ва етук (киши).

2144 Олтин, кумушдан кўп хазина тўпласа, кўр,
Эли яшнаса, эл, кенд ва улушлар кўпайса.

2145 Адолатли қонунларга амал қилиб элини яшнатса, бошқарса,
Ундан эзгулик кўриб лашкарнинг муҳаббати ортса.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2146 Будун инчкә тэгсә әлиг тэгмәсә
Бэги аты эдгүн йадылса баса

**Баб. Бэгләркә вазир болғу нэкү-тэг эр кэрәкини айтур**

2147 Йанут бэрди Өгдүлмиш айды элиг
Вазир болды бэгләркә сунғу әлиг

2148 Сэзигсиз кэрәк болды бэгкә вазир
Вазир эдгү болса бэг инчин удыр

2149 Вазир-ул йүдүгли бу бэгләр йүкин
Вазир-ул бэкүтүгли бэглик көкин

84a 2150 Эди артуқ өдрүм талу эр кэрәк
Өги көңли йэтсә урунса йүрәк

2151 Уқушы өкүш болса билги тэңиз
Қамуғ иш бүтүрсә қызартса мэңиз

2152 Удуғлуқ кэрәк ҳам сақынуқ көни
Көнилик үзә кэчсә өтрү күни

2153 Улуғ иш бу ишкә эр өдрүм кэрәк
Бүтүнлүк билә қылқы көдрүм кэрәк

2154 Уқушлуғ кэрәк ҳам билиглиг кэрәк
Тэтиглиг кэрәк ҳам силиглиг кэрәк

2155 Уқушлуғ киши урғы эдгү уруғ
Қопар қайда болса бу қалмас қуруғ

2156 Сақынуқ кэрәк дин идиси арығ
Эмин болса эл будны андын арығ

2157 Сақынуқ киши-ул киши өдрүми
Муңадмышқа барча бу-ул от эми

2158 Сақынуқ киши иштә сақлық қылур
Йарағсызқа йақмас иш оғрын билүр

2159 Бэгиндә баса элкә әлги узун
Вазир-ул элигкә қылынчын сөзүн



www.ziyouz.com kutubxonasi

2146 Халқ фароғат топса, унга зўрлик қўли узатилмаса,
Бегининг номи яхшилик билан (ҳар томонга) ёйилса.

## Боб. Бегларга вазир бўлгувчи қандай киши бўлиши кераклигини айтади

2147 Жавоб берди Ўгдулмиш, айтди: (Эй) элиг,
Бегларга ёрдам қўлини узатувчи вазирдир.

2148 Шубҳасиз бегларга вазир лозим бўлади,
Вазир яхши бўлса бег осойишта ухлайди.

2149 Беглар юкини кўтарувчи вазирдир,
Бегликнинг бебошликларини йўлга солиб мустаҳкамловчи вазирдир.

2150 (Вазирликка) жуда ҳам сара, етук киши керак,
(Токи) ақл-идроки, фаҳми (ҳар ишга) етса, ишга юраги урса [яъни серғайрат бўлса].

2151 Зеҳни чуқур, билими денгиз бўлса,
Турли ишларни бажо қилса, юзини ёруғ қилса.

2152 Зийраклик лозим, тадбиркор ва тўғри бўлиши керак,
Токи кунлари тўғрилик билан (бехавотир) кечсин.

2153 Бу (вазирлик) жуда улуғ иш, бунга сара киши керак,
У тугал ишончли (етук), феъл-атвори аъло бўлиши керак.

2154 Заковатли ҳамда билимли бўлиши керак,
Зеҳни ўткир ҳамда илтифотли бўлиши керак.

2155 Заковатли киши уруғи — эзгу уруғ,
У қаерда турмасин, қуруқ (бенасиб) қолмайди.

2156 Андишали, имон соҳиби, соф бўлиши керак,
Эл-халқининг ундан кўнгли тўқ бўлса [яъни унга ишонч ҳосил қилса].

2157 Мулоҳазали киши — кишиларнинг сараси,
Барча бечоралар (дарди) учун, у дори-дармон, малҳамдир.

2158 Мулоҳазали киши ишларда ҳушёрлик қилади,
Яроқсиз (ишлар)га яқинлашмайди, ишнинг маврудини билади.

2159 Бегидан сўнг элга қўли узун [яъни ҳукм юритувчи киши]
Бег учун ўз ишлари ва сўзлари билан вазирдир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2160 Уруғсуз кишиләр арығсыз болур
Арыгсыз вазирқа йарағсыз болур

2161 Вафалығ болур бу уруғлуғ киши
Жафачы болур-ул арығсыз иши

2162 Нэкү тэр эшитгил төрүлүг киши
Төрүлүг киши болды эл түз башы

2163 Уруғлуғ кишиләр қылынчы силиг
Вафа бирлә халққа йадығлы әлиг

2164 Арығсыз қылынчы вафасыз жафа
Нэчә ма йэтүрсә шакар ҳам йилиг

84б 2165 Ов̇утлуғ кэрәк ҳам көзи тоқ кэрәк[52]
Ов̇утсуз киши ул кишидә нэрәк

2166 Көзи тоқ кэрәк нәңгэ суқланмаса
Көзи ач тодумас бу дунйа йэсә

2167 Кишидә талусы ов̇утлуғ киши
Ов̇утлуғ киши-ул кишидә башы

2168 Ов̇ут кимдә эрсә қамуғ ишни ур
Ов̇ут бирлә йалнуқ отун қапғы түр

2169 Ов̇утсуз киши-ул кишидә или
Көни сөзләмәс сөз ов̇утсуз тили

2170 Нэкү тэр эшитгил овуглуғ түзүн
Сэңә өтләр эмди бағырсақ өзүн

2171 Ов̇утсуз кишидә йырақ тур йырақ
Ов̇утсуз болур үстәригли қарақ

2172 Ов̇утсуз йүзи көрсә этсиз сөңүк
Ов̇утсуз өзи көрсә бүтмәс ирүк

2173 Ов̇ут бирлә йалнуқ йүзи сувланур
Ов̇ут болса өтрү көзи сув̇ланур

2174 Йүзи көрки көрклүг кэрәк ҳам йүлүг
Қылынчы көни тэгсә халққа үлүг



www.ziyouz.com kutubxonasi

2160 Уруғсиз (таг-тубсиз) кишилар нопок,
Нопок (таги паст) кишилар вазирликка ярамайди.

2161 Таглик киши вафоли бўлади,
Таги паст кишининг ишлари жафоли бўлади.

2162 Ботадбир киши нима дейди, эшитгин,
Ботадбир киши эл ва мамлакатга бош бўлади:

2163 Таглик кишиларнинг хулқи аъло бўлади,
Вафо билан халққа қўл узатадилар.

2164 Нопокнинг хулқи — бевафолик, жафо,
Агарчи у шакар ва илик едирса ҳам.

2165 Уятли, кўзи тўқ, чин (киши) керак,
Уятсиз кишининг кишига нима кераги бор.

2166 Кўзи тўқ бўлиши керак, токи молга суқланмасин,
Кўзи оч бу дунёни еса ҳам тўймайди.

2167 Кишилар орасида етуги уятли кишидир,
Уятли киши кишиларнинг боши (сараси)дир.

2168 Кимда уят бўлса, барча ишни (унга) бер,
Уят (номус) билан адашган, пасткаш эшигини ёп.

2169 Уятсиз киши — кишиларнинг тубани,
Уятсиз тили тўғри сўз сўзламайди.

2170 Номусли, бамаъни киши нима дейди, эшитгин,
Сидқи дил билан у сенга насиҳат қилаётир:

2171 Уятсиз кишидан йироқ тур, йироқ,
Уятсизнинг кўзи қаттиқ бўлади.

2172 Ор-номуссиз кишининг юзи, кўрсанг, гўштсиз сўнгакдир,
Ор-номуссиз кишининг ўзи эса битмас мараздир.

2173 Ор-номус билан кишининг юзи ёруғ бўлади [яъни обрўси ортади],
Ор-номус бўлса, сўнг киши шарафга эришади.

2174 Юз кўрки чиройли ҳамда хушчеҳра бўлиш керак,
Тутган ишлари тўғри бўлиши керак, токи халққа ундан баҳра тегсин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2175 Қылынчы көни болса қылқы оңай
Мунундын тэгир халққа эдгү йыл ай

2176 Көни болмаса иштэ ишчи башы
Қамуғ эгри болды бу бэглэр иши

2177 Көнилик бүтүнлүк кэрэк ишчикэ
Анын бүтсэ бэглэр ишин бэргүкэ

2178 Бу көрклүг киши қылқы көрклүг болур
Қылынч болса көрклүг эл асғы толур

2179 Кимиң болса көрклүг йүзи таш өзи
Ташы-тэг йэмэ көрклүг-ул ич йүзи

85*a* 2180 Нэкү тэр эшитгил сынамыш киши
Сынаб эдгү эсизни билмиш киши

2181 Киши көркингэ ич қылықы эш-ул
Йүзи көрки бирлэ қылынчы түш-ул

2182 Ташы көрсэтиб тут ичингэ тануқ
Ташы-тэг ичи-ул ичи-тэг таш-ул

2183 Йүлүг болса қашығ болур ул вазир
Вазир болса қашығ иши кэд йурыр

2184 Сақышчы кэрэк болса билгэ тэтиг
Билиг бирлэ билсэ бу түрлүг битиг

2185 Вазир иши барча сақышлар болур
Сақыш билмэсэ ишчи иши қалур

2186 Сақыш бирлэ сақлар киши иш күдүг
Сақышын сэчэр эр йыл ай күн өдүг

2187 Сақыш сақлықын болды аты сақыш
Көрү бэрсэ сақыш эди-өк сақ иш

2188 Тэтиг болмаса иш оңармас киши
Тэтиглик билэ қылды йалңуқ иши



www.ziyouz.com kutubxonasi

2175 Тутган ишлари тўғри, феъл-атвори ўзига муносиб бўлса,
Ундан халққа ой ва йиллаб хайрлар тегади.

2176 Ишда ишчи боши тўғри бўлмаса,
Бегларнинг барча ишлари эгри бўлади.

2177 Ишчи (хизматкорлар) учун тўғрилик, чинлик керак,
Токи беглар унга ишини топширишга ишонсин.

2178 Кўркли кишининг феъл-атвори ҳам чиройли бўлади,
Феъл-атвори чиройли бўлса, элнинг манфаати тўлиб тошади.

2179 Кимнинг юзи ва ташқи қиёфаси кўркли бўлса,
Унинг ич юзи (ички дунёси) ҳам ташқи қиёфасидек кўркли
бўлади.

2180 Синаган киши нима дейди, эшитгин,
Синаб яхши-ёмонни билган киши:

2181 Киши чиройига ички дунёси эшдир,
Юз кўрки билан унинг феъл-атвори тенгдир,

2182 Унинг ташини кўриб ички дунёсидан андаза ол,
Унинг ичи ташидек, таши эса ичидекдир.

2183 Хушрўй, салобатли бўлса, (у) вазир(ликка мос) бўлади,
Вазир салобатли бўлса, ишлари жуда юришиб кетади.

2184 Ҳисоб-китобга уста, доно тетик бўлса,
Илм билан турли ёзувлардан хабардор бўлса.

2185 Вазирнинг иши бутун ҳисоб-китобдан иборат,
Хизматкор ҳисоб-китобни билмаса, иши юришмайди.

2186 Ҳисоб-китоб туфайли киши ўз иш-амалларини (узоқ эсда)
сақлайди,
Ҳисоб-китоб туфайли одам йил, ой, кун, вақтни аниқлайди.

2187 Ҳисоб-китоб ҳисоблилик, тўғрилик бўлганлиги учун номи ҳисоб
бўлди,
Кўра билсанг ҳисоб-китоб жуда ҳам соқ ишдир.

2188 Тетик бўлмаса киши ишни ўнглай олмайди,
Одам ишни тетиклик билан қилади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2189 Битиг бирлә йалңуқ битир билмишин
Битисә билүр эр нэкү қылмышын

2190 Тэтиглик нишаны турур бу битиг
Битиг билгүчи эр болур кәд̇ тэтиг

2191 Битиг билмәс эрсә апа оғланы
Нэкү билгәй эрди йыл ай күн саны

2192 Битиб қод̇маса эрди билгә битиг
Сақышқа нэкү эрди ал йаң этиг

2193 Төрүтмәстә ашну байат бу ъалам
Төрүтти йурытты бу лавҳта қалам

2194 Фариштa битир қул нэкү қылмышын
Ид̇и өтрү айтур йарын ул ишин

85б 2195 Қөңүл қусқы болса сэв̇итүр кишиг
Сэв̇итмиш кишиләр ав̇ытур эшиг

2196 Нэкү тэр эшитгил көр алчақ амул
Нэ эд̇гү болур эркә қусқы көңүл

2197 Буд̇унда сэв̇үг болды қусқы киши
Сэв̇үгсүз болур көңли қатқы* киши

2198 Улуғлуқ узун йэр киши қусқысы
Бэд̇үглүккә тэгмәс буд̇ун қатқысы

2199 Вазирлыққа артуқ бүтүн эр кэрәк
Оқығлы битигли кәд̇ өглүг кэрәк

2200 Тили көңли бир ҳам қылынчы көни
Ов̇утлуғ бағырсақ кишидә чыны

2201 Көзи тоқ уд̇уғсақ билигли ишиг
Ад̇ырған йараглығ йарағсыз кишиг

2202 Тапуғсақ нэ өзгәй йэмә иймәнүг
Аманат билә болса көңли сүзүг

2203 Түгәл кимдә болса бу эрдәм билиг
Вазирлық аңар бэрсә болға элиг



www.ziyouz.com kutubxonasi

2189 Ёзув билан одам билган нарсаларини ёзади,
Ёзиб қўйса, киши нималар қилганини билади.

2190 Тетиклик белгиси ёзувдир,
Ёзувни билувчи киши жуда ҳам тетик бўлади.

2191 Одам фарзанди ёзувни билмаганда,
Йил, ой, кунларнинг ҳисобини қандай қилиб биларди.

2192 Донолар ёзув (китоб) ёзиб қолдирмасалар эди,
Ҳисоб учун қандай чора, илож, тадбир бўлар эди.

2193 Худо бу оламни яратмасдан аввал,
Лавҳ яратди ва у узра қалам юритди[37].

2194 Қуллари нима қилганини фаришталар ёзиб юради,
Сўнг эгам у дунёда унинг бу ишларини сўрайди.

2195 Кўнгил юмшоқ бўлса, кишини хурсанд қилади,
Хурсанд кишилар эса ишни ўрнига қўяди.

2196 Юмшоқ табиатли, мулойим киши нима дейди, эшитгин,
Юмшоқ кўнгиллилик киши учун қандай эзгу бўлади:

2197 Юмшоқ кўнгилли киши халқ орасида севимли бўлади,
Тошбағир киши номатлуб бўлади.

2198 Кишининг мулойими доим улуғликда яшайди,
Одамнинг дағали буюкликка ета олмайди.

2199 Вазирликка жуда ҳам етук киши керак.
Ўқимишли, ёзувни билувчи жуда ақлли (киши) керак.

2200 Тили ва дили бир ҳамда ишлари тўғри,
Номусли, меҳрибон, одамларнинг энг чини (бўлиши керак).

2201 Кўзи тўқ, ҳушёр, ишбилармон,
Яроқли ва яроқсиз кишини ажрата оладиган (бўлиши керак).

2202 (Шаръий) хизматга содиқ, берилган ҳамда ўзини тутган,
Имони комил, кўнгли соф бўлса.

2203 Бундай фазилат ва билим кимда тугал бўлса,
Элиг унга вазирликни берса бўлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2204 Бу йаңлығ киши болса бэгкә вазир
Бэги бирлә будны көр инчкә тэгир

2205 Тиләкчә түгәл болға элиг иши
Этилгәй эли ҳам байуғай киши

2206 Вазир болса элкә йарағсыз йавуз
Ул эл будны бузлур чығай байы түз

2207 Вазир эдгү болса будунқа асығ
Будун асғы бирлә элигкә татығ

2208 Нэкү тэр эшитгил э билги өкүз
Билиг бирлә көңли йарунмыш көкүз

2209 Бэги эдгү болса нэ көңли тили
Тутар ишчиләри көнилик йолы

86a 2210 Қалы болса бэгләр бу кучкәй эсиз
Аның ишчиләри бузар эдгү из

2211 Бэги эдгү болса аның ишчиси
Болур қылқы эдгү тэгүрмәс йасы

2212 Эсиз болмағынча бу бэгләр бақын
Эсизиг йақурмас өзингә йақын

2213 Эсиз қайда болса эсизләр билә
Эй эдгү йуры сэн эш эдгү тилә

2214 Эсиз эдгү бирлә йарашмас болур
Көни эгри бирлә көрәшмәс болур

2215 Қара түн йаруқ күнгә йақмас йағуқ
Йашыл сув қызыл отқа болмас қонуқ

2216 Билишмәс кишиг сэн биләйин тэсә
Билишин айытғыл уқулғай бас-а

2217 Қамуғ нәң қатылды өз өгри билә
Көни тур қатылма сэн эгри билә

2218 Бу сөзкә тануқы бу байт-ул оқы
Бу байтығ оқыса көңүлкә тоқы



www.ziyouz.com kutubxonasi

2204 Бу янглиғ киши бегга вазир бўлса,
Беги ҳамда халқи роҳатга етади.

2205 Элигнинг ишлари тилакдагидек тугал бўлади,
Эли яшнайди ҳамда одамлар бойийди.

2206 Ярамас, ёвуз (киши) элга вазир бўлса,
Ўша элнинг халқи бузилади, гадой ва бойи баббаравар бўлиб қолади

2207 Вазир яхши бўлса — бу халқнинг фойдаси,
Бу — халқ фойдаси ҳамда элигнинг ҳаловати.

2208 Эй, эшитгин, билими дарё (киши) нима дейди,
Билим билан кўнгли ва кўкси ёриган киши:

2209 Беги эзгу, кўнгли ва тили (тўғри) бўлса,
(Унинг) хизматкорлари тўғрилик йўлидан боради.

2210 Агар беглар ашаддий золим бўлса(лар),
Унинг хизматкорлари хайрли йўлни бузади.

2211 Беги эзгу бўлса, унинг хизматкорлари
Хулқи эзгу бўлади, (ҳеч) зарар етказмайди.

2212 Беглар (ўзи) ёмон бўлмагунча, боққин,
Ёмонларни ўзига яқин келтирмайди.

2213 Ёмон қаерда бўлса, ёмонлар билан дир,
Эй яхши, кел, сен яхши жўралар излагин.

2214 Ёмон яхши билан (ҳеч) кўришмайди,
Тўғри эгри билан (ҳеч) курашмайди.

2215 Қора тун ёруғ кунга яқин келмайди,
Яшил сув қизил оловга қўноқ бўлмайди.

2216 Билмайдиган кишини сен билайин десанг,
(Уни) биладигандан сўрагин, сўнг тушунилади.

2217 Ҳамма нарса ўз тўдаси билан аралашади,
Тўғри тур, аралашма сен эгри билан.

2218 Бу сўзнинг исботи ушбу байтдир, (уни) ўқи,
Бу байтни ўқисанг, у кўнгилга озуқ бўлади:



www.ziyouz.com kutubxonasi

2219 Йурығлы учуғлы қамуғ нэңни көр
Тутар өзкә эш түш өзи тэңни көр

2220 Эсиз эд̆гү бирлә қатылмас қачар
Қамуғ нэңгә йаңзағ бу бир йаңны көр

2221 Вазир бэгкә тутчы кэңәшчи болур
Кэңәшчи кишилэр тэңәшчи болур

2222 Эсизкә қатылма қара эд̆гүси
Эсиз болды қылқы ағыр йүд̆гүси

2223 Бу бэглэр йақын тутса эсиз киши
Эсиз қылды аты ҳам эл күн иши

2224 Бу йаңлығ булунса эй элиг вазир
Бэгин инчкә тэгрүр қарасы уд̆ыр

86б 2225 Булур бэг тилэки анындын түгэл
Иши барча этлүр қайу эрсә ҳал

2226 Байур өтрү буд̆ны ҳам этлүр эли
Хазина көпэд̆үр қутад̆үр йылы

2227 Болур аты мэңү қарымас болуб
Болур орны эд̆гү қарыса улуб

2228 Йэди бу аӂунуғ йэгей ул ажун
Тирилгэй қутун тутчы мэңү узун

2229 Элиг айды уқтум бу сөзлэр өгүн
Эд̆и эд̆гү сөзлэр йурыды бу күн

2230 Мэңә айғыл эмди сү башлар киши
Нэкү-тэг кэрэк қылса бэглэр иши

2231 Сүсин башласа ҳам ишин ишлэсә
Ишин башқа элтсә хата түшмэсә

2232 Айу бэр мэңә сэн қайусы йарар
Чэрикин сөкүб ул йағысын тарар



www.ziyouz.com kutubxonasi

2219 Юрувчи, учувчи ҳамма нарсани (жониворларни) кўргин,
Ўзига ўз тенгини эш-туш тутади.

2220 Ёмон яхши билан қоришмайди, қочади,
Барча нарсага хос бу бир (умумий) тарзни кўр.

2221 Вазир бегга доим кенгашчи бўлади,
Кенгашчи кишилар (эса) тенг (мос) келувчи киши бўлади.

2222 Ёмонга зинҳор аралашма, (ундан) фуқаронинг яхшиси (ҳам)
Хулқи ёмон бўлади, унинг ташвиши оғир.

2223 Беглар ёмон кишини яқин тутса(лар),
Ўз ном(лар)ини ҳамда эл, мамлакат ишини бад қилади(лар).

2224 Эй элиг, шу сифатли вазир топилса,
Бегини роҳатга етказади, фуқароси (осойишта) ухлайди.

2225 Бег ундан тилакларини тугал топади,
Қандай аҳволда бўлмасин ишининг барчаси бажарилади.

2226 Бинобарин халқи бойийди, эли яшнайди,
Хазинаси кўпаяди, йиллари қутли бўлади.

2227 Оти (бир умр) қаримас бўлиб мангулашади,
Қариб чириганда (эса) ўрни яхши бўлади.

2228 Бу дунёнинг роҳатини кўрган, у дунёнинг ҳам роҳатини кўради,
Доим, мангу, узоқ бахтиёр бўлиб яшайди.

2229 Элиг айтди: Бу сўзларни ақл (қулоғи) билан уқиб олдим,
Жуда эзгу сўзлар айтилди бугун.

2230 Менга айтгин энди, лашкар бошловчи киши,
Қандай бўлиши керак, агар у беглар хизматига кирса.

2231 Лашкарини бошласа ҳамда хизматларини қилса,
Ишларини охирига етказса, (ҳеч бир) хатолик содир бўлмаса.

2232 Айтиб бер менга сен, (лашкарбошиликка) қанақаси ярайди?
Лашкарини тор-мор келтириб, ёвини тарқатувчи
(лашкарбошиликка).



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Б а б. Өгдүлмиш элигкэ сү башлар исфах̣салар нэкү-тэг кэрэкин айур

2233 Йанут бэрди Өгдүлмиш айды элиг
Йағықа тучы болса үстэң элиг

2234 Сэзигсиз кэрэк бэгкэ сү башчысы
Йарашмас йағыдын кэтэрсэ усы

2235 Бу ишкэ эд̇и қурч қатығ эр кэрэк
Башында кэчүрмиш түгэл тоң йүрэк

2236 Эд̇и-өк улуғ иш бу сү башламақ
Чэрик түзмэки ҳам йағыны сымақ

2237 Талу эр кэрэк сақ бу ишкэ уд̇уғ
Аңар тэгмэсэ бир осалын йуд̇уғ

87*a* 2238 Ақы алп атым болса алчақ көңүл
Тузы этмэки кэң нэ қылқы амул

2239 Ақы болғу артуқ сү башлар киши
Тэрилсэ аңар өтрү өд̇рүм башы

2240 Үлэсэ эрэтқа қамуғ бар малын
Ад̇аш қолдаш эрдэш тутунса қалын

2241 Өзингэ бир ат тон толум қод̇са таб
Жав̇ықса ажунда атын йад̇са таб

2242 Оғул-қыз кишим тэб нэңин иркмэсэ
Йа йэр сув̇ бағым тэб күмүш тэрмэсэ

2243 Қылынчын тилэсэ қамуғ арзусын
Уруб алса бэрсэ бэд̇үтсэ күсин

2244 Йэтүрсэ ичүрсэ кэд̇үрсэ кэд̇им
Ат устам қыз оғлан бу бэрсэ тэлим

2245 Аңар тэрлүр өтрү көр эрсиг эрэн
Сэв̇үг жан йулуғлаб йатур тағ қайан

2246 Йүрэклиг кэрэк артуқ өглүг кэрэк
Көкүзлүг кэрэк ҳам көңүллүг кэрэк



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Боб. Ўгдулмиш элигга лашкарбоши, сипоҳсолор қандай (бўлиши) кераклигини айтади

2233 Жавоб берди Ўгдулмиш, айтди: Элиг,
Ёв устидан қўли доим баланд бўлсин.

2234 Шубҳасиз бегга лашкарбоши керак бўлади,
(Токи) дўст бўлмайдиган ёвнинг уйқусини қочирса.

2235 Бу ишга жуда пишиқ, чидамли киши керак,
Бошидан (кўп иш) кечирган мутлақ ботир юракли (киши керак).

2236 Жуда ҳам улуғ ишдир лашкар бошламоқ,
Лашкарга тартиб бермоқ ҳамда ёвни синдирмоқ.

2237 Бу ишга етук, зийрак, ҳушёр киши керак,
(Токи) унга ғофилликдан заррача ташвиш етмасин.

2238 Очиқ қўл, ботир, мерган, мулойим кўнгил бўлса,
Тузи, нони (дастурхони) кенг ва хулқи барқарор (бўлса).

2239 Лашкарбоши киши ниҳоятда очиқ қўл, сахий бўлиши керак,
(Токи) унинг атрофига сараларнинг сарвари жам бўлса.

2240 (У) лашкарга барча бор молларини улашса,
Дўст, қўлдош, ёр-биродар орттирса.

2241 Ўзига лойиқ от, кийим, қурол-аслаҳа қолдирса,
Жаҳонга шуҳрати, кетса, муносиб номини таратса.

2242 Ўғил, қиз, хотиним деб дунё-мол тўпламаса,
Ё сув, боғим демаса, кумуш (бойлик) йиғмаса.

2243 Барча орзуларини ўз фазилатларидан кутса,
Йиғиб олса, яна улашса, шуҳратини кўтарса.

2244 Едирса, ичирса, кийим(лар) кийгазса,
Кўплаб от, қурол-аслаҳа, чўри ва ғуломлар берса.

2245 Сўнг баҳодир мардлар унинг атрофига йиғилишади,
Ширин жонларини фидо қилиб тоғ ва қояларда ётишади.

2246 Ўта юракли ва ўта ақлли бўлиши керак,
Довюрак ҳамда жасур бўлиши керак.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2247 Йағыда кэрэксиз йүрэксиз киши
Йүрэксиз киши-ул ишэрлэр эши

2248 Йүрэксиз кишилэр чэрик артатур
Чэрик артаса ар эриг артатур

2249 Йағыда йүрэклиг сэрингү кэрэк
Йағы ат кэмишсэ тирэңү кэрэк

2250 Айықлық турур бу өлүм бэлгүлүг
Өд̇и кэлмэгинчэ эр өлмэс күлүғ

2251 Нэкү-тэр эшитгил азығлығ күр эр
Өлүмүг унытса йағысын урар

87б 2252 Киши өд̇сүз өлмэс анадын туғуб
Нэлүг қорқар өзүң йағыны көрүб

2253 Йағықа йалың-тэг эрэн-тэг уруш
Ажалсыз өлүм болмас өзкэ болуб

2254 Ов̇утлуғ кэрэк эр ов̇уты үчүн
Йағы бирлэ қаршур қад̇ытмас өчүн

2255 Ов̇ут бирлэ йалңуқ йағысын сачар
Йағыда эң аншу ов̇утсуз қачар

2256 Ов̇утқа болуб қорқлық алплық қылур
Өкүнчкэ болур эр өзин өлдүрүр

2257 Йүрэклиг тэгүчи ов̇утлуғ болур
Ов̇утлуғ киши өлсэ уршу өлүр

2258 Қылынчы оңай болса қусқы көңүл
Буд̇унқа сэв̇итүр өзин бу йаң-ул

2259 Иситүр киши көңлин алчақ киши
Йыратур эрэниг тили иг бушы

2260 Бэд̇үг тутса көңлин бу сү башлар эр
Сэзигсиз йағыдын бу эр бэркэ йэр

2261 Бу көңли бэд̇үг эр осаллық қылур
Осал эр йа бузлур йа өд̇сүз өлүр



www.ziyouz.com kutubxonasi

2247 Урушда юраксиз киши кераксиздир,
Юраксиз киши заифларнинг эшидир.

2248 Юраксиз кишилар лашкарни бузади,
Лашкар бузилса, жасур мардларни бузади.

2249 Урушда жасурлар сабр-матонатли бўлиши керак,
Ёв от солиб келганда, (маҳкам туриб) даф қилиш керак.

2250 Шубҳасиз бу ўлим муҳаққақдир,
(Лекин) вақт-соати етмагунча, мард, баҳодирлар ўлмайди.

2251 Озиқли, довюрак киши нима дейди, эшитгин,
Ўлимни эсламаган ёвини енгади:

2252 Киши онадан туғилиб бемаҳал ўлмайди,
Нега (сен) ўзинг ёвни кўриб (беҳуда) қўрқасан.

2253 Ёвингга ўтдек (ваҳшатли) бўл, мардларча уруш,
Ажалсиз бошқачароқ бирор ўлим бўлмайди.

2254 Ор-номусли бўлиш керак, киши ор-номуси учун,
Ёви билан қаршилашади, талашади, ўчидан қайтмайди.

2255 Ор-номус билан одам ёвини тарқатади (қувади),
Ёвдан энг аввал ор-номуссиз қочади.

2256 Ор-номусни ўйлаб қўрқоқ ботирлик қилади,
Аянчли бўлган киши ўзини ўлдиради.

2257 Юракли деган ор-номусли бўлади,
Ор-номусли киши ўлса (ҳам) урушиб ўлади.

2258 Хулқи манзур бўлса, кўнгли очиқ бўлса,
Бу сифатлар билан ўзини халққа севимли қилади.

2259 Хушмуомала киши одамлар кўнглини иситади,
Тили ўткир, жаҳолатли кишиларни ўзидан қочиради.

2260 Лашкар бошловчи киши кўнглини катта тутса,
Шубҳасиз, ёвидан (бундай) киши калтак ейди.

2261 Кўнгли катта (ғурурли) киши ғафлатда қолади,
Ғофил киши эса барбод бўлади ё бевақт ўлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2262 Кұр эрсиг кэрәк болса қашығ йүлүг
Йаḋылса аты болса жаҫлуғ күлүг

2263 Эсизләркә қашығ кэрәк қорқсалар
Йэвәшләркә эḋгү кэрәк сэвсәләр

2264 Сийасат йурытғу кэрәк сү башы
Сийасатқа ашлығ болур сү иши

2265 Сийасат йурытса сү башлығ болур
Сүси башлығ эрсә ар ашлығ болур

2266 Қайу сү болур болса башсыз түшәк
Ошул сү бузулды элиг кэч йэшәк

88а 2267 Эсизләркә ҳашмат сийасат кэрәк
Йана эḋгүкә тутчы ҳурмат кэрәк

2268 Тэгүр эḋгүләркә түгәл эḋгүлүк
Сэвинчин тиләгү йүḋүрмәгү йүк

2269 Бу эḋгүг тиләр барча йалңуқ туруб
Киши қул болур эркә эḋгү булуб

2270 Нэкү тэр эшитгил э қылқы түзүн
Бу байтығ оқығыл аванғыл узун

2271 Бош азад киши барча эḋгү қулы
Сэн эḋгү қылу ач көнилик йолы

2272 Кишилик қылурқа киши бол тушы
Киши мундағ урды кишилик улы

2273 Кэрәк сү башынга бу бир қач қылық
Йағықа йүз урса бу түзсә йорық

2274 Йағыда кұр арслан йүрәки кэрәк
Қарыштуқта асры биләки[53] йорық[54]

2275 Тоңуз-тэг тэтимлиг бөри-тэг күчи
Аḋығлайу ырғар қотуз-тэг өчи

2276 Йэмә алчы болса қызыл тилкү-тэг
Тэтир буғрасы-тэг көр өч сүрсә кэг



www.ziyouz.com kutubxonasi

2262 Ботир, мард, салобатли, хушруй бўлиш керак,
Токи унинг номи тарқалса, донғи кетган машҳур бўлса.

2263 Ёмонларга салобатли (одам бўлиш) керак, токи улар қўрқсинлар,
Яхшиларга эзгу (одам бўлиш) керак, токи улар севсинлар.

2264 Лашкарбоши сиёсат юритиши керак,
Сиёсат учун лашкар юмушлари озуқадир.

2265 Сиёсат юритса лашкар итоаткор бўлади,
Лашкар итоаткор бўлса, у одам озуқаси бўлади.

2266 Қайси бир лашкар бебош, (ўз холига) ташланган бўлса,
Ўша лашкар бузилади, (эй) элиг, узоқ умр кўринг.

2267 Ёмонларга (нисбатан) ғазаб, сиёсат лозим,
Яхшиларга (нисбатан) доим ҳурмат лозим.

2268 Эзгуларга фақат эзгулик қил,
Уларнинг хурсандчилигини исташ, (ҳеч) ташвиш торттирмаслик лозим.

2269 Барча халқ туриб эзгуликни истайди,
Эзгулик кўриб кишилар одамга (ҳатто) қул бўлади.

2270 (Бу ҳақда) нима дейилган, эшитгин, эй хулқи хуш,
Бу байтни ўқигин, доим шод бўлгин:

2271 Эркин, озод киши(лар) барчаси эзгунинг қулидир,
Сен эзгу(лик) қилиб тўғрилик йўлини оч.

2272 Одамгарчилик қилувчига доим одам бўл,
Киши одамгарчиликнинг асосини шундай таърифлаган.

2273 Лашкарбошига бу бир қанча ишлар лозимдир,
Токи ёвга дуч келганда режа туза билсин.

2274 Урушда ботир, арслон юрак(ли) бўлиш керак,
Жангга кирганда қоплон билак(ли) бўлиш керак.

2275 Тўнғиздек човут қилувчи, бўридек кучли,
Айиқдек ҳийлакор, қўтосдек қасоскор бўлиш керак.

2276 Яна қизил тулки каби ҳийлачи бўлса,
Туя эркагидек узоқ ўч сақласа, кўр.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2277 Сақызғанда сақрәк[55] кэрәк тутса өз
Қайа қузғуны-тэг йырақ тутса көз

2278 Улуғ тутса ҳамйат көр арсланлайу
Өги-тэг усуз болса түнлә сайу

2279 Бу йаңлар билә эр йағычы болур
Йағычы болур ҳам йарағчы болур

2280 Йағычы йарағчы киши-ул тучы
Йағы санчғучы ҳам йэтүргән өчи

2281 Тузы этмәки ҳам ашы кэң кэрәк
Аты тон толумы аңар тэң кэрәк

88б 2282 Аш ичгү туз этмәк йадар эр аты
Аш ичгү турур бу тириглик оты

2283 Нэкү тэр эшитгил Ыла атлығы
Туз этмәк кэңүт эй киши қутлуғы

2284 Кү жав̇ ат тиләсә туз этмәк йэтүр
Тириглик тиләсә аны-оқ йэтүр

2285 Кишилик қылығлы ынанчлығ ақы
Туз этмәк ҳақы тэб өтәр эр ҳақы

2286 Улуғлуқ тиләсә аш ичгү үлә
Узун йаш тиләсә булур аш билә

2287 Кэрәк хайл башықа бу бир қач қылық
Этилсә иш(и)[56] өтрү түзсә йорық

2288 Сөзи чын кэрәк болса қавлы бүтүн
Агар болса йалған ынанмас будун

2289 Экинчи ақылық кэрәк бэрсә нэң
Саранқа йумытмас киши алғу йаң

2290 Үчинчи йүрәклиг кэрәк көкси күр
Йүрәксиз йағы көрсә игләб йатур

2291 Бу төртинч кэрәк алчы ҳийла билир
Бу ҳийла билир эркә арслан өлир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2277 Ўзини зағизғондан ҳушёррок тутиши керак,
Қоя қузғуни каби узоқ-узоқларга кўз югуртириши керак.

2278 Ботир арслон каби ҳимматини улуғ тутса,
Тунлари хаёлчан бедор она каби бўлса.

2279 Бу(ндай) сифатлар билан(гина) киши ҳарбий (жангчи) бўлади,
Ҳарбий (жангчи) бўлади ҳам ярорғдор бўлади.

2280 Ҳарбий (жангчи), ярорғдор киши доим ўшадирки,
(У) ёвини тор-мор қилувчи ҳамда ўчини олувчи бўлса.

2281 Тузи, нони ҳамда оши мўл-кенг бўлиши керак,
Оти, кийимлари, аслаҳаси унга мос-тенг бўлиши керак.

2282 Ош, ичимлик, туз, нон киши номини ёзади,
Ош, ичимлик — ҳаётнинг дори-дармони, давоси.

2283 Ила номдори нима дейди, эшитгин:
Туз, нонни мўл тут, эй киши қутлуғи.

2284 Донг, овоза, ном (чиқармоқ) истасанг, туз, нон едир.
Тириклик истасанг, шу(лар)нигина амалга ошир.

2285 Одамгарчилик қилувчи инончли сахий
Тузу нон ҳақи, деб киши ҳақини ўтайди.

2286 Улуғлик истасанг, ош ва ичимлик улаш,
(Ким) узун ёш истаса, ош туфайли топади.

2287 Хайл (тўда) бошига бу бир қанча хислатлар зарур,
Токи унинг ишлари юришса, сўнг режалар тузса.

2288 Сўзи чин, қавли рост бўлиши керак,
Агар ёлғон бўлса, халқ инонмайди.

2289 Иккинчи(дан), сахийлик керак, токи мол-дунё берса,
Бахил (атрофи)га одам йиғилмайди, (бу сўздан) ибрат олиш
керак.

2290 Учинчи(дан), шижоатли, юраги ботир (бўлиши) керак,
Юраксиз(лар), ёвни кўрса, талвасага тушиб ётади.

2291 Тўртинчи(дан), макр ва ҳийла билувчи бўлиш керак,
Ҳийла билувчи кишидан арслон ҳам ўлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2292 Тэтимлиг кэрэк ҳам түбүлсэ чэрик
Йэтилиг кэрэк кэд̇ қумытса эрик

2293 Бу эрдэм билэ болса сү башчысы
Йағы санчға йуд̇ға йағының күси

2294 Бу йаңлығ сү башчы бу сү башласа
Элиг булға душман үзэ ишлэсэ

2295 Йүз урса йағықа бу сү башчысы
Уд̇уғ турғу түн күн кэтэрсэ усы

2296 Өкүш эр кэрэксиз эр өд̇рүм кэрэк
Эр өд̇рүм булунса толум түм кэрэк

89а 2297 Өкүш сү чэрик эрсэ башсыз болур
Бу башсыз чэрик сү йүрэксиз болур

2298 Сынамыш йағычы кишиг таңламас
Он экки миң эр сү өкүш сү тэмэс

2299 Чэрик санчмыш алп эр тутузмыш айу
Мэңэ төрт миң эр сү түгэл сү тэйү

2300 Қалын сү йайылса ичин булғашур
Аны этсэ болмас йарағсыз түшүр

2301 Жав̇ықмыш күр алп эр йэмэ сөзлэмиш
Эр өд̇рүм кэрэк сү толумлуғ тэмиш

2302 Нэкү тэр атықмыш йағычы эшит
Бу сөз эштиб өтрү өзиңгэ иш эт

2303 Өкүш сү тилэмэ эр өд̇рүм тилэ
Эр өд̇рүм тилэ ҳам толум түм тилэ

2304 Этиглиг аз эд̇гү өкүштэ көрү
Тэлим түшти артақ өкүш сү билэ

2305 Йағықа қалы йортса сү башлар эр
Йақын тутғу өзкэ йағығ ишлэр эр



www.ziyouz.com kutubxonasi

2292 Татимли [яъни арзирли бўлиш] керак, токи лашкарни ҳаракатлантирса,
Шаҳдамлик керак, токи илҳомни қўзғатса.

2293 Лашкарбошиси шундай хислатларга эга бўлса,
Ёвни яксон қилади, ёвнинг шуҳратини сўндиради.

2294 Бу янглиғ лашкарбоши лашкар бошласа,
Душманга ҳужум қилса, қўли баланд келади.

2295 Бундай лашкарбоши ёвга қарши (урушга) борганда,
Уйқуни қўйиб, тун-кун бедор (ҳушёр) туриши керак.

2296 Кўп киши кераксиз, сара кишилар керак,
Сара кишилар топилгач, тўлиқ қурол-аслаҳа керак.

2297 Кўп лашкар, қўшин бўлса бебош бўлади,
Бундай бебош лашкар, қўшин юраксиз бўлади.

2298 Синаган жангчи киши (сони)га ҳайрон қолмайди,
Ўн икки минг кишилик лашкарни кўп лашкар демайди.

2299 Қўшин(лар)ни тор-мор қилган ботир киши ўқтириб айтибди:
Мен учун тўрт минг кишилик лашкар етарли лашкар, деб.

2300 Кўп лашкар ёйилса, ичидан бузилади,
Уни эвга келтириб бўлмайди, ярамас бўлади.

2301 Донги кетган қўрқмас ботир ҳам айтган:
Сара кишилар қурол-аслаҳали лашкар керак, деган.

2302 Шуҳрати кетган жангчи нима дейди, эшит,
Бу сўзларни эшитиб, сўнг ўзинг амал қил:

2303 Кўп лашкар истама, сара киши(лар)ни иста,
Сара киши(ларни) иста ҳамда тўлиқ қурол-аслаҳа иста.

2304 Тартибли оз яхши кўпдан кўра,
Кўп лашкар билан кўп бузуқликлар содир бўлган.

2305 Лашкар бошлар киши агар ёви устига (жангга) отланса,
Ёвни урувчи киши(лар)ни ўзига яқин тутиши керак.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2306 Ад̇ырғу өдүргү йэзэк тутғақы
Йырақ тутғу сақлаб көзи қулғақы

2307 Йэзэк ҳам тэлим йэтсэ тутғақ кэтиб
Йағығ сығу болса уру сақыныб

2308 Сүсин этсэ йапса нэ йортуғ гүзүб
Кэд̇ин қалмаса эр йа өндүн озуб

2309 Түшүн билсэ йортуғ түзэ билсэ кэд̇
Эрэт тутса сақчы уд̇уғ турса кэд̇

2310 Йорықын көд̇эзсэ алам башлар эр
Өңи турмаса бир йағығ ишлэр эр

2311 Түшүрсэ тутуғ кэд̇ кэрүб бэрк йэри
Йырақ ыд̇маса тыд̇са йығса эри

89б 2312 Осал болмаса болса артуқ уд̇уғ
Осал болса тэгрүр басымчы йуд̇уғ

2313 Йағықа йағуса йэзэкин алу
Түшүрсэ тутуғ көрсэ от сув̇ талу

2314 Сүсин кэд̇ көд̇эзсэ тил ычғынмаса
Сүси аз өкүшин йағы билмэсэ

2315 Қатығлангу ашну тил алғу кэрэк
Бу тилдин йағы қылқы билгү кэрэк

2316 Агар тыңласа өтрү этсэ ишин

Йағы бойны йанчса кэтэрсэ башын

2317 Бу сақлық болур ҳам уд̇уғлуқ болур
Йағыда қайусы сақ эрсэ үнүр

2318 Уд̇уғ бэг сөзи көр бөгэ йолчылығ
Құр арслан мүңүгли қылыч қамчылығ

2319 Йағы санчғуқа тутғу экки толум
Бу экки толумдын йағығ йэр өлүм



www.ziyouz.com kutubxonasi

2306 Илғор саф (авангард) ва айғоқчи саф (разведкачилар)ни
танлаш, саралаш керак,
Кўз ва қулоғини соқ қилиб узоқ-узоқларга тутиши керак.

2307 Айғоқчи саф олдинга кетиб, илғор саф ҳам анча етиб қолганда,
Зарба бериб ёвни синдириш имкони туғилиб қолса.

2308 (У) лашкарни ҳозирлаб ташласа ва (атрофига) соқчи саф
тузиб,
Мардлар кейинда қалмаса ё илгарилаб кетмаса.

2309 Қароргоҳ (танлай) билса, соқчи саф тузишга моҳир бўлса,
Мардлардан соқчи тутса, ниҳоятда ҳушёр турса.

2310 Байроқдор (йўлбошловчи) киши ўз режаларини сир тутса,
Ёвга зарба берувчи бирорта киши (ҳам) четда ажралиб қолмаса.

2311 Мустаҳкам ерни кўриб кўплаб қисм (бўлинмалар)ни туширса,
(Бирорта) кишини (ҳам) узоқлаштирмаса, тийса, йиғса.

2312 Ғофил бўлмаса, ниҳоятда ҳушёр бўлса,
Ғофил бўлса, босқинчи (унга) машаққат етказади.

2313 Илғорини (олдинги сафни) олиб ёвга (жангга) яқинлашса,
Кўплаб бўлинмалар туширса, (атрофида) етарли ўт, сув кўра
билса.

2314 Лашкарини жуда эҳтиёт қилса, тил олдириб қўймаса,
Лашкари оз-кўплигини ёв билмаса.

2315 Мустаҳкамланиб, сўнг тил олиш керак,
Бу тилдан ёв қилиғини билиш керак.

2316 Агар (тилни) тингласа [яъни ундан маълумот олса], сўнг ишга
киришса,
Ёв бўйнини янчса, бошини мажақлаб йўқ қилса.

2317 Бу соқлик ва ҳушёрлик бўлади,
Жангда қайси бири соқ бўлса, (ўшаниси) унади.

2318 Ҳушёр бег сўзи(ни) кўр, (у) оқилона йўлланма (каби)дир:
Қўрқмас арслон минувчи қилич ва қамчили бўлиши керак.

2319 Ёвни енгишга икки (турли) қурол-аслаҳа ишлатиш керак,
Бу икки қурол-аслаҳадан ёвни ўлим ейди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2320 Эң ашну йағықа кэрәк ҳийла ал
Бу ҳийла билә қыл йағы мэңзи ал

2321 Экинчи бу сақлық удуғлуғ турур
Қайусы сақ эрсә ул үстәң болур

2322 Қайусы сақ эрсә йағыда удуғ
Сэзигсиз йағықа бу тэгрүр йудуғ

2323 Йағың сү тэлим тутса азрақ сэниң
Тоқышқа эвимақ йарағ көр аның

2324 Йарашғу йарағы бар эрсә йараш
Йоқ эрсә йарықлан бэл алшыб күрәш

2325 Қатығлан осандур уса бас кэчә
Кэчә аз өкүшүг нэ билгәй ача

2326 Қалы басғуқа булмаса сэн йоры
Йалавач ыдыб сэн бар эллэш йуры

90a 2327 Тилин арсық эл бол көдэзгил өзүң
Тоқушқа эвинмәгү кэсгил сөзүң

2328 Тақы болмас эрсә йағы оғраса
Тоқышмақ тиләсә көңүл бэрмәсә

2329 Узатма ишиң сэн чэрик тэр тоқыш
Үлә нәң эриг өг тоқыш ат уқыш

2330 Тоқышығ узатса йағы өгләнүр
Өкүш көрсә эрниң көзи өгрәнүр

2331 Нэкү тэр эшитгил йағы санчмыш эр
Башында кэчүрмиш көзүн көрмиш эр

2332 Көрүшмәс йағының күси кэд йырақ
Көрүшсә басынур көрүгли карақ

2333 Йағықа йалың тэг йаңың алмасу
Узатса басыттың йэти қыл адақ

2334 Чэрикдә бир анча пусуғқа кэкүр
Йадағ оқчы түшрүб сэн өңдүн йүгүр



www.ziyouz.com kutubxonasi

2320 Энг аввал ёвга (нисбатан) ҳийла-найранг (ишлатиш) керак,
Бу ҳийла билан ёв бўйнини қизил (қон) қил.

2321 Иккинчи (қурол-аслаҳа) соқлик ва ҳушёрликдир,
Ким соқ бўлса, у ғолиб бўлади.

2322 Қайси бири жангда соқ ва ҳушёр бўлса,
Шубҳасиз, у ёвга кулфатлар келтиради.

2323 Ёвинг кўп лашкар тутса, сеники оз (бўлса),
Унинг жангга ташланишини мувофиқ кўр.

2324 Ярашиш иложи бор бўлса, яраш,
Йўқ бўлса, совут кий, бел олишиб кураш.

2325 Тириш, ғафлатда қолдир, ухлатиб кечаси бос,
Кечаси (лашкар) оз-кўплигини аниқ қандай билади.

2326 Агар босишга сен илож тополмасанг,
Элчи юбориб сен бор, эл бўлиб юр.

2327 Тилда юзаки эл бўл, ўзингни эҳтиёт қил,
Урушга шошилмаслик керак, сўзни тугат.

2328 Шунда ҳам бўлмайдиган бўлса, ёв қасд қилса,
Урушишни истаса, (ҳеч) кўнгил бермаса.

2329 Ишингни чўзма сен, лашкар торт, уруш,
Нарса улаш, кишиларни мақта, уруш, от, тутиш.

2330 Жангни чўзсанг, ёв (сирларни) тушуниб олади,
Кўп кўрса, кишининг кўзи ўрганади.

2331 Нима дейди, эшитгин ёвни тор-мор қилган киши,
Бошидан кечирган, (ўз) кўзи билан кўрган киши:

2332 Синалмаган ёвнинг хабари жуда йироқ (мавҳум),
Синалса, кўрган кўз дадиллашади [яъни тушунча пайдо қилади].

2333 Ёвга алангадек ёпирил, у режангни (билиб) олмасин,
(Жангни) чўзсанг, (ёв сени) босади, оёғингни илдам қил.

2334 Қўшиндан бир қисмини пистирмага кирит,
Пиёда ўқчилар тушириб сен олдинда югуриб (бор).



www.ziyouz.com kutubxonasi

2335 Йағычы өрүң қырғыл эрсигләриг
Йағықа алын қыл көтүрсү чәриг

2336 Өрүң қырғыл артуқ йағычы болур
Йағычы болур ҳам йарағчы болур

2337 Кичиг қур йигитләр болур кэд̇ йэти
Қалы йүз эв̇үрсә од̇ытур оты

2338 Ынанур эриг қылғыл өңдүн кэд̇ин
Эгиңдин солуңдын бир анча ад̇ын

2339 Йағуса чәригкә илишсә эри
Түшинчә тэгишгү кэмишсә уры

2340 Эң ашну йырақдын тэгишгү оқун
Йағуса сүңүн тэггү бэрсә бойун

2341 Қатылса қылыч балду бирлә тэгиш
Тышын тырңақын тэг йақа тут илиш

90б 2342 Тирән арқа бэрмә йағықа болуб
Йағығ санч йоқ эрсә уруш йат өлүб

2343 Нэкү тэр эшитгил қарышған күр эр
Сэрингил сэрингән йағысын урар

2344 Кәлин қыз сэв̇инчи көд̇ән түнләри
Күр алп эр кү̇вәнчи чәриг күнләри

2345 Күр алп эр сэкиртиб чәриг бойны сыр
Йағыны болунлар алур ҳам асир

2346 Йағы көрсә алп эр көпиртүр эриг
Бу қаршур ад̇ынларқа тэгмәз кэзиг

2347 Чәриг көрсә алп эр күр арслан болур
Сэкиртүр йа өлдрүр йа уршу өлүр

2348 Йағы көрсә алп эр қызартур мәңиз
Қарышса бод̇улур қызыл ҳам йағыз



www.ziyouz.com kutubxonasi

2335 Жанговар, синчи, ёши катта (тажрибали) баҳодирларни
Ёвга қарши олдинги қаторга қўй, токи лашкарга далда берсин.

2336 Синчи, ёши катта (тажрибали)лар жуда жанговар бўлади,
Жуда жанговар бўлади ҳамда тадбиркор бўлади.

2337 Кичик ёшли йигитлар (аскарлар) жуда тез бўлади(лар),
(Лекин) агар улар (ёвга) юзлансалар, ўт(лар)ини сўндирадилар.
[яъни ўзларини йўқотиб қўядилар].

2338 Инонадиган кишиларни олдиндан ва кейиндан қўйгин,
Ўнгингдан ва сўлингдан бир оз бошқачароқларини (қўйгин).

2939 (Ёв) лашкарга яқинлашгач, ботирлари ҳамла қилса,
Муносиб ҳолда кураша олувчи ўғлонлари (жангга) ташланса.

2340 Энг аввал узоқдан ўқ билан уришиш керак,
Яқинлашса найза билан уришиш керак, (ёв) агар бўйин берса.

2341 (Ёв) аралашиб кетса, қилич ва ойболта билан уриш,
Тиш ва тирноғинг билан ёпиш, ёқа тут, олиш.

2342 Тиран, ёвга бўш келиб орқа берма,
Ёвни санч ёки бўлмаса ўлиб уриш [яъни ўлгунча уриш].

2343 Нима дейди эшитгин, жангларда чиниққан ботир киши:
Сабрли бўлгин, сабрли (киши) ёвини уради.

2344 Келин ва қиз севинчи (кўнгли)ни никоҳ кечалари (овлагин),
Қўрқмас, ботир мардлар қувончи (кўнгли)ни жанг кунлари
(овалагин).

2345 Қўрқмас, ботир мардлар (от) ўйнатиб (ёв)лашкари бўйнини
қайиради,

Ёвни қул қилади ҳамда асир олади.

2346 Ботир мард ёвни кўрса ғайрати жўшади,
(Фақат) у уришади, бошқаларга навбат етмайди.

2347 Ботир мард лашкар кўрса, қўрқмас арслон бўлиб кетади,
От ўйнатиб ё (ёвни) ўлдиради, ё уришиб ўлади.

2348 Ботир мард ёв кўрса, юзини қизартиради,
У жангга кирса, қизил ва бўз (ранглар) бўялади
[яъни ер қонга бўялади].



www.ziyouz.com kutubxonasi

2349 Ат үстәм йарықлар болур қыб қызыл
Қызыл қызғу эңләр болур йаб йашыл

2350 Йағы ат кэмишсә сэңә оғраса
Сэрин арқа бэрмә сачылса баса

2351 Йағы тэбрәсә сэн уд̇у тэбрәгил
Этә уд̇ ад̇ақын йуры турмағыл

2352 Қалы қачса сэндин йағы турмаса
Эриг йэтгү тутғу болун тутмаса

2353 Йағы санчмыш эрсиг эрән йултуқуб
Йана эв̇рә санчты йағысын утуб

2354 Йағы қачса таб қыл эд̇әрмә йырақ
Қалы йандру йанса қачумас ад̇ақ

2355 Муңуқса йағы йүз өлүмкә урур
Өлүмкә йүз урса ким өтрү турур

2356 Осал болса эр көр йурырда өлүр
Осал болмаса эр тиләкин булур

91*а* 2357 Бу йэрда өзүңни көд̇әзгил оғул
Көд̇әзгил йоқ эрсә өлүмдин тоңул

2358 Мэңә мундағ айды сынамыш киши
Сынамыш кишиләр сөзи сөз башы

2359 Йағы қачса таб қыл әд̇әрмә уд̇у
Эд̇әртчи йэди көрсә бэркә тод̇у

2360 Йағығ бир сачытса йана тэрлүмәс
Отуғ сув̇ од̇ытса йана тирлүмәс

2361 Муңуқмыш кишиләр өлүмүг қулур
Өлүмүг қулуғлы эр өлдрүр өлүр

2362 Ким иш қылса тэркин аңар бэргү нәң
Ошул нәң билә эр қызыл қылса эң



www.ziyouz.com kutubxonasi

2349 От, жабдуқ, совут ва қалқонлар қип-қизил бўлади,
Қизил, қизғин юзлар ям-яшил бўлади.

2350 Ёв от солдирса, сенга қасд қилса,
Бардошли бўл, орқа берма, (у ҳар тарафга) тарқалганда (уни) босгин.

2351 Ёв (жойидан) силжиса, сен ҳам кетидан силжигин,
Таъқиб этиб изидан бор, (қараб) турмагин.

2352 Агар ёв сендан қочса, (бир ерда) турмаса,
Тез (қувиб) етиш, қўлга тушириш керак, лекин (у сендан) асир олмасин.

2353 Ёвни мажақлаган ботир мардлар шошилмасдан [яъни нафасни ростлаб олиб],
Яна қайта ёвини енгиб мажақлаганлар.

2354 Агар (ёв) қочса, бас қил, узоқ изидан борма,
(Чунки) орқага қайтсанг, оёқ қоча олмайди [яъни оёқ чарчайди].

2355 Танг аҳволда қолса, ёв ўлимга юз уради,
Ўлимга юз урса [яъни тик қараса], ким (унга) рўбарў келади

2356 Киши ғофил бўлса, кўргин, юриб турганда (ҳам) ўлади,
Киши ғофил бўлмаса, тилагини топади.

2357 Бундай ерда ўзингга эҳтиёт бўл, ўғил,
Эҳтиёт бўл, бўлмаса ўлим муқаррар.

2358 Синаган киши менга шундай (деб) айтди,
Синаган кишилар сўзи (барча) сўзларнинг бошидир:

2359 Ёв қочса, бас қил, кетидан таъқиб қилма,
Таъқиб қилувчи, кўрсанг, тўйиб калтак еган.

2360 Ёвни бир тарқатилса, яна (қайта) терила (йиғила) олмайди,
Ўтни сув ўчирса, яна (қайта) жонлана олмайди.

2361 Танг аҳволда қолган кишилар ўлимни тилайдилар,
Ўлимни тиловчи киши эса ўлдиради ва ўзи ҳам ўлади.

2362 Ким иш кўрсатса, дарҳол унга нарса [инъом] бериш керак,
Токи ўша нарса билан киши юзини қизартсин [яъни миннатдор бўлсин].



www.ziyouz.com kutubxonasi

2363 Ким эр тутса өггү ачынғу кэрәк
Ул ачығ билә эр урунса йүрәк

2364 Йав̇уз өгди булса эд̇и кэд̇ болур
Кәд̇иг өгсә кэндү қачан кэн қалур

2365 Эриг өгсә әлгин күр арслан тутар
Атығ өгсә йүгрүр учарығ йэтәр

2366 Балықмыш бар эрсә сэн эмләт көрү
Болун болмыш эрсә йулуб ал кирү

2367 Қалы өлмиш эрсә ағырлаб көтүр
Оғул-қыз бар эрсә аңар ҳақ йэтүр

2368 Эрәт көрсә өтрү сэв̇инчлиг болур
Йағы оғры болса сэв̇үг жан бэрүр

2369 Исиг сөз күләр йүз билә бэргү нәң
Бу уч нәң кишкә болур эд̇гү йаң

2370 Бош азад кишиләр муңар қул болур
Бу қул жан йулуғлар сэв̇инчин қулур

2371 Муңар мэңзәр эмди бу сөз эй бөгү
Көрү барса йэтрү чын аймыш тэйү

91б 2372 Күләр йүз исиг сөз үлә нәң тав̇ар
Бош азад кишиләр бу үчкә ав̇ар

2373 Сэн алтун күмүш бирлә алма қулуғ
Бу үч нәң йулуғ қыл қамуғ қул йығар

2374 Сү башлар киши болса мундағ кэрәк
Анын башласа сү болур эд̇гүрәк

2375 Сэн алтун күмүшни үләгил нәңиң
Йулуғ қылға жанын сав̇ алтун тэңиң

2376 Бу үч нәңгә болур тапуғчы қулы
Муны тутса бэгләр қамуғ нәң улы

2377 Бу йаңлығ сү башчы булур эрсә бэг
Иши башқа барғай күв̇әнч болғу-тэг



www.ziyouz.com kutubxonasi

2363 Ким мард сақласа, мақташи ва инъом бериши керак,
Токи шу инъом билан кишининг юраги урсин.

2364 Ёмон мақталса, жуда яхши бўлади,
Яхшини мақталса, у қачон кейинда қолади.

2365 Мард мақталса, қўли билан қўрқмас арслонни тутади,
Отни мақталса (эркаланса), югуради, учар (қуш)га етади.

2366 Жароҳатланган(лар) бўлса, сен уларни кўриб давола,
Асир тушган(лар) бўлса, (эваз бериб) қутқариб, қайтиб ол.

2367 Агар ўлган(лар) бўлса, ҳурматини келтириб кўтар (дафн қил),
Ўғил-қиз(лар)и бўлса, у(лар)нинг ҳақини бер.

2368 (Буни) сарбоз(лар) кўрса, сўнг севинчли бўлади,
Жанг пайти бўлса, севимли (ширин) жонини беради.

2369 Илиқ сўз, очиқ юз билан нарса (инъом) бериш керак,
Бу уч нарса киши учун (жуда) эзгу сифатдир.

2370 Эркин, озод кишилар бунга қул бўладилар,
Бу қуллар жонини фидо қилади, севинчини истайди.

2371 Бу сўз энди бунга (жуда) мос келади, эй доно,
Яхшилаб қарасанг, тўғри айтилган, дегудек:

2372 Илиқ сўз, очиқ юз (бўл), мол ва товар улаш,
Эркин, озод кишилар бу уч (нарса атрофи)га тўпланади.

2373 Сен олтин ва кумуш билан қул(лар)ни олма,
Шу уч нарсани инъом қил, (улар) жами қул йиғади.

2374 Лашкар бошлар киши шундай бўлиши керак,
Шу (сифатлар) билан лашкар бошласа, яхшироқ бўлади.

2375 Сен олтин, кумуш ва молларингни улашгин,
Соф олтиннинг баробарида сенга жон(лар)ини фидо қилади(лар).

2376 Қул(лар)и шу уч нарса(си) учун хизматчи бўлади(лар),
Беглар шунга амал қилсалар, у ҳамма нарсанинг асосидир.

2377 Бег бу янглиғ лашкарбоши топса,
Қувонса арзигудек, иши ривож топиб боради.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2378 Бу йаңлығ болур эрсә сү башлар эр
Иши йахшы этлиб күвәнчкә тэгәр

2379 Йарағлығ вазир қулса андағ кэрәк
Сү башчы тиләр эрсә мундағ кэрәк

2380 Аңар өтрү бэгләр ынанса болур
Тиләмиш тиләкин бэг андын булур

2381 Йана айды Өгдүлмиш элиг қуты
Эки иш бэдүг иш улуғлуқ аты

2382 Вазир-ул экинчи сү башлар ъалам
Бириси қылыч тутты бири қалам

2383 Бу эл бағы өрки бу экки түзәр
Бу экки бириксә аны ким узар

2384 Эди артуқ өдрүм кэрәк бу киши
Қалы узнаса бэгкә алтур башы

2385 Тосулса эди-ул тосусы өкүш
Қалы узнаса йасы эл кэнд улуш

2386 Бэги болса эдгү киши өдрүми
Бу экки тапуғчы будун көдрүми

92a 2387 Булардын болур өтрү элкә асығ
Бу асғы билә өтрү бэгкә татығ

2388 Нэкү тэр эшитгил көр элчи бөгү
Бөгү сөзләри булса аш-тэг йэгү

2389 Қылыч бирлә алды көр эл алғучы
Қалам бирлә басты ул эл басғучы

2390 Қылыч бирлә алса болур тэрк элиг
Қалам болмағынча басумас элиг

2391 Қылыч бирлә алса қайу эл күчүн
Аны сүрсә болмас өкүш йыл өчүн

2392 Қалам бирлә тутса қайу кэнд улуш
Тиләк тэгрүр анда түзүкә үлүш



www.ziyouz.com kutubxonasi

2378 Лашкар бошловчи киши бу янглиғ бўлса,
Иш(лар)и яхши юришиб, қувончга молик бўлади.

2379 Яроқли (лаёқатли) вазир истасанг, (ана) ўшандай (киши) керак.
Лашкарбоши истасанг, (мана) шундай (киши) керак.

2380 Сўнггина бег унга ишонса бўлади,
Тилаган тилакларини бег ундан олади (топади).

2381 Ўгдулмиш яна айтди: Бахтиёр элиг,
Икки иш (жуда) буюк иш, оти улуғ(лик)дир:

2382 (Бири) вазир, иккинчиси — яловбардор лашкарбоши(лик),
Бири (қўлида) қилич тутади, бири — қалам.

2383 Бу элнинг боғичини, жиловини шу иккиси ташкил қилади,
Бу иккиси бирикса, уни ким уза олади.

2384 Бу(ндай) киши жуда ортиқ сара бўлиши керак,
Агар бегга бўйсунмаса, бошини олдир.

2385 Наф келтирса, унинг нафи жуда кўпдир,
Агар бўйсунмаса, зарари эл, кенд ва қишлоқлар баробаридадир.

2386 Беги эзгу кишиларнинг сараси бўлса,
Бу икки хизматчи халқнинг сарасидир.

2387 Сўнг булардан халққа манфаат етади,
Бу манфаат туфайли, сўнг бегга ҳаловат етади.

2388 Кўр, элчи (эл бошлаган) доно нима дейди, эшитгин,
Доно сўзларини топсанг, ошдек есанг бўлади:

2389 Кўр, эл (босиб) олувчи қилич билан олади,
Элни идора қилувчи қалам билан идора қилади.

2390 Қилич билан элни тез босиб олса бўлади,
(Лекин) қалам бўлмаса, қўл (куч) билан идора қилиб бўлмайди.

2391 Қайси элни куч ишлатиб қилич билан олинса,
Уни узоқ муддат адоват билан бошқариб бўлмайди.

2392 Қайси эл ва қишлоқни қалам билан тутилса,
Унда тилакдаги нарсалардан баҳраманд бўлинади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2393 Бу эрди эй элиг өзүм билмиши
Мунуқы өтүндүм айытмыш түши

2394 Элиг айды уқтум муны бэлгүлүг
Тақы бир сөзүм бар аны ай күлүг

2395 Мэңә сөзлә эмди көрүб эдгүрәк
Улуғ ҳажибығ ай нэ-тэг эр кэрәк

2396 Ҳажиблар үзәлә бу болса улуғ
Бағырсақлықын қылса жанын йулуғ

2397 Элиг айды сөзлә йэмә бу сөзүг
Муны ма айу бэр йарут бу көзүг

### Баб. Өгдүлмиш элигкә улуғ ҳажиблуққа нэкү-тэг эр кэрәкин айур

2398 Йанут бэрди Өгдүлмиш ачты тилин
Айур инч тирилсү элиг миң йылын

2399 Улуғ ҳажиб артуқ бүтүн чын кэрәк
Бу чынлық билә кэд бүтүн дин кэрәк

92б 2400 Түб аслы кэрәк эдгү қылқы оңай
Тосулса будунқа туғурса күн ай

2401 Түби эдгү болса көр эдгү болур
Бу эдгү киши халққа эдгү булур

2402 Киши эдгүсиндин кэлир эдгүлүк
Йэгү ичгү мингү тақы кэдгүлүк

2403 Қылынчы онай болса тыңлар сөзүг
Сөзүг тыңлар эрниң иши кэд сүзүг

2404 Көзи тоқ кэрәк ҳам овутлуғ силиг
Тэтиглик кэрәк ҳам түмән тү билиг

2405 Көзи тоқ киши иштә алмас урунч
Урунч алса ҳажиб болур бэг күлүнч



www.ziyouz.com kutubxonasi

2393 Мана шулар эди, эй элиг, менинг билганларим,
Мана, сўроғинг баробарида баён қилдим.

2394 Элиг айтди: Бу(лар)ни аниқ уқдим,
Яна бир (сўрайдиган) сўзим бор, уни (ҳам) айтиб бер,
(эй) донгдор.

2395 Яхшироқ боқиб [яъни диққат қилиб] энди менга сўзлаб бер,
Улуғ Ҳожиб (ҳақида) гапир, (у) қандай киши (бўлиши) керак.

2396 Токи Ҳожиблар устидан у бош бўлса,
Садоқат билан жонини фидо қилса.

2397 Элиг айтди: Яна мана шу сўз ҳақида сўзла,
Буни айтиб бер, бу сўз(лар)ни ёрит (оч).

## Боб. Ўгдулмиш элигга улуғ ҳожибликка қандай киши (бўлиши) кераклигини айтади

2398 Жавоб берди Ўгдулмиш, тилини (сўзга) очди,
Деди: Элиг минг йилларча осойишта яшасин.

2399 Улуғ Ҳожиб ниҳоятда рост ва чин (бўлиши керак),
Бундай чинлик билан (бирга) жуда соф, диёнатли (бўлиши)
керак.

2400 Теги, асли эзгу, феъли тўғри (бўлиши) керак,
Токи у халққа наф келтирсин, кун ва ойини туғдирсин [яъни
рўшноликка чиқарсин].

2401 Теги эзгу бўлса, кўр, (ўзи) ҳам эзгу бўлади,
Бу эзгу киши халққа эзгу(ликлар) кашф қилади.

2402 Киши эзгусидан эзгулик келади,
Егулик, ичгулик, мингулик ва кийгуликлар (келади).

2403 Феъли тўғри бўлса, сўзни тинглайди,
Сўзни тинглаган кишининг иши жуда сузилган (соф) бўлади.

2404 Кўзи тўқ ҳамда уят-андишали, зариф (бўлиши) керак,
Тетиклик ҳамда турли-туман билим(дан хабардор бўлиши) керак.

2405 Кўзи тўқ киши иш(лар)да пора олмайди,
Ҳожиб пора олса, бег кулгили бўлади [яъни уятга қолади].



www.ziyouz.com kutubxonasi

2406 Урунч-ул бузуғлы оңулмыш ишиг
Урунч йиг қылур-ул бүтүрмиш ишиг

2407 Ов̇утлуғ силиг болса қылқы түзүн
Кэлир андын эд̇гү қылынчын сөзүн

2408 Ов̇утлуғ киши қылмас эсиз ишиг
Йарағсызқа йақмас бу сэрмэс кишиг

2409 Силиг эркэ давлат сиңимлиг болур
Силиг болса қутқа тэгимлиг болур

2410 Тэтиг болса малқа муңад̇мас болур
Билиг болса иштэ йаңылмас болур

2411 Йэмэ йақшы йамыш билиглиг бэд̇үг
Билиглигкэ тэгди өз үлги кэд̇ өг

2412 Билиглиг кэрэк қылса бэглэр иши
Қамуғқа йарамас билигсиз киши

2413 Билиг тэгмэсэ кимкэ эрсэ үлүг
Тириг тэсэ болмас аны тут өлүг

2414 Билиг бирлэ йалңуқ бэд̇үб жав̇ланур
Кишилэрдэ үстэр қамуғ иш үнүр

93a 2415 Билигсиз киши-ул қуруғ сыр бэд̇из
Билиглиг киши орны көкдэ ад̇ыз

2416 Уқушлуғ кэрэк иштэ артуқ уд̇уғ
Уд̇уғлуғ билэ иштэ тутнур йуд̇уғ

2417 Уқуш болса асғы эд̇и-өк өкүш
Қамуғ эд̇гүлүк үлги-ул бу уқуш

2418 Уқушсуз киши-ул йэмишсиз йығач
Йэмишсиз йығачығ нэкү қылсун ач

2419 Уқушлуғ йэсэ йэр экигүн аж̇ун
Уқушлуғ атанур атанса түзүн

2420 Уқушлуғ билиглиг киши ул киши
Кишидэ талусы буд̇унда башы



www.ziyouz.com kutubxonasi

2406 Юришиб кетган ишларни пора бузади,
Битаётган ишларни пора барбод қилади.

2407 Уят-андишали, феъли яхши бўлса,
Унинг ишларидан ҳам сўзларидан (фақат) эзгулик келади.

2408 Уят-андишали киши ножўя ишни қилмайди,
Ярамасга яқинлашмайди, у кишига қаҳр-ғазаб қилмайди.

2409 Зариф кишига давлат сингимли бўлади,
Зариф бўлса, (киши) бахтга эришувчан бўлади.

2410 Тетик бўлса, (киши) мол учун қайғурмайди,
Билим бўлса, (киши) ишда янглишмайди.

2411 Буюк билимли (киши бу ҳақда) жуда яхши сўзлаган,
Билимлига фақат яхшиликкина насиб бўлади, тушун:

2412 Беглар ишини қилишга билимли (киши бўлиши) керак,
Билимсиз киши ҳамма (иш)га нолойиқ бўлади.

2413 Кимгаки билимдан ҳисса тегмаган экан,
(Уни) тирик деса бўлмайди, уни ўлик ҳисобла.

2414 Билим туфайли одам буюклашиб, шуҳрат топади,
Кишилар орасидан юқорилашади (ўсади), барча иши унади.

2415 Билимсиз киши қуруқ бўёқ (савлат) ва суратдир,
Билимли кишининг ўрни кўкдан ҳам баланд.

2416 Ишларда ўта зеҳнли ва зийрак (бўлиш) керак,
Зийраклик туфайли ишларда гуноҳларга тойилишнинг олди олинади.

2417 Зеҳн бўлса, нафи жуда ҳам талайдир,
Ҳамма эзгуликлар мояси шу зеҳндир.

2418 Зеҳнсиз киши мевасиз дарахтдир,
Мевасиз дарахтни оч нима қилади.

2419 Зеҳнли икки дунёдан ҳам баҳраманд бўлади,
Яхши (деб) ном олса, зеҳнли олади.

2420 Зеҳнли, билимли киши (ҳақиқий) кишидир
Кишиларнинг етуги, халқнинг сарваридир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2421 Йүзи көрки көрклүг кэрәк ҳам йүлүг
Туған эрсиг үнлүг сөзи бэлгүлүг

2422 Сэв̇итүр йүзи көрки көрклүглүки
Йарашур кириб чықса эрсиглики

2423 Йүлүг эрсиг эрниң болур ҳашматы
Бу ҳашмат билә-ул киши ҳурматы

2424 Сақынуқ кэрәк дин ид̇иси арығ
Арығ болса қылқы қылынчы арығ

2425 Сақынуқ киши йэр киши қад̇ғусы
Сақынуқ киши-ул киши эд̇гүси

2426 Йүз отру болур тутчы ҳажиб өзи
Көрүр көзкә көрклүг кэрәк ул йүзи

2427 Бу көрклүг йүзүг көрсә көз сув̇ланур
Көңүл ачлур анда бу жан йэмләнүр

2428 Муңар мэңзәтүр эмди билгә билиг
Билиглиг сөзи тут э қылқы силиг

93б 2429 Эд̇и эд̇гү нәң бу киши көрки йүз
Бу йүз көркингә сув̇ ичәр экки көз

2430 Қута көрклүгүг көр қылын өзкә фал
Ишиң эд̇гү болға қамуғ сөзни уз

2431 Көңүллүг кэрәк ҳам кэд̇ өглүг кэрәк
Амул болса қылқы тақы эд̇гүрәк

2432 Көңүллүг киши сөз унутмас болур
Көңүлсүз сөзүг кэд̇ тутумас болур

2433 Көңүл болмаса эр көрүмәс ишиг
Өги болмаса эр этүмәз ишиг

2434 Көңүлсүз кишиләр қуруғ кэп болур
Көңүл бирлә йалңуқ қамуғ иш қылур

2435 Өги кэд̇ кэрәк көңли алчақ амул
Чығай тул йэтимкә бағырсақ көңүл



www.ziyouz.com kutubxonasi

2421 Юз кўрки чиройли ҳамда салобатли (бўлиши) керак,
Лочин, мард, овозали, сўзлари маълум (бўлиши) керак.

2422 Юз кўркининг чиройи севимли қилади,
Кирганда ҳам чиққанда мардлиги ярашади.

2423 Салобатли, мард кишининг ҳашамати бўлади,
Кишининг ҳурмати эса ҳашамат туфайлидир.

2424 Андишали (мулоҳазали), диёнатли, пок (бўлиши) керак,
Феъли пок (яхши) бўлса, қилмишлари пок (яхши) бўлади.

2425 Андишали (мулоҳазали) киши кишилар ғамини ейди,
Андишали (мулоҳазали) киши кишилар эзгусидир.

2426 Ҳожиб(лар ўзи) доим (ҳаммага) рўбарў бўлади(лар),
(Шунинг учун) юз(лар)и барча кўрувчи кўз(лар)га кўркли
бўлиши керак.

2427 Бу кўркли юзни кўргач, кўзлар равшанлашади,
Ундан кўнгил очилади, жон(лар) озуқланади.

2428 Билим билувчи (сўзни) энди бунга ўхшатади,
Билимли сўзига амал қил, эй феъли гўзал:

2429 Кишининг кўрки (бўлган) юз жуда яхши нарса,
Бу юз кўркидан икки кўз сув ичади.

2430 Не бахт, кўрклини кўриб ўз ҳақингда ҳукм қил,
Иш(лар)инг хайрли бўлади, ҳар қандай сўзни кес.

2431 Кўнгилли (ҳушли) ҳамда жуда ақлли (бўлиши) керак,
Феъли босиқ бўлса, тағин (ҳам) яхшироқ (бўлади).

2432 Кўнгилли (эс-ҳушли) киши сўзни унутмайдиган бўлади,
Кўнгилсиз (эс-ҳушсиз) киши сўзни жуда ҳам эслаб қололмайдиган
бўлади.

2433 Кўнгли (эс-ҳуши) бўлмаса, одам ишни кўра олмайди,
Ақли бўлмаса, одам ишни қила олмайди.

2434 Кўнгилсиз (эс-ҳушсиз) кишилар қуруқ сурат бўлади(лар),
Кўнгил (эс-ҳуш) билан инсон турли ишларни қилади.

2435 Жуда ақлли, тавозе кўнгилли, босиқ (бўлиши) керак,
Қашшоқ, тул, етим(лар)га меҳрибон кўнгил (бўлиши керак),



www.ziyouz.com kutubxonasi

2436 Тэтиглик кэрәк ҳам төрү кэд̇ билир
Ажун көрки барча тэтигидн кэлир

2437 Көңүл қусқы болса қамуғқа кичиг
Тили болса йумшақ шакарда сүчиг

2438 Йаруқ тутса йүз көз кишикә күлә
Қылынч эд̇гү тутса кишилик билә

2439 Нэкү тэр эшитгил киши алчақы
Көңүл тил кичиг тут эй эр қыв̇чақы

2440 Көңүл қусқы болса булур қут эриг
Күләр йүз исиг сөзкә тэрлүр тириг

2441 Күләр йүз исиг сөзкә йалңуқ исир
Исинсә бу йалңуқ болур қул асир

2442 Сэримлик кэрәк ҳам тута билсә өз
Көзин кэд̇ көдәзсә тилин тыд̇са сөз

2443 Қулақы сақ эрсә өги билги кэң
Йорықы түз эрсә тили көңли тэң

94*а* 2444 Түгәл билсә эрдәм битисә битиг
Қамуғ ишкә билгин бу қылса этиг

2445 Бу эрдәм билиг көр кэрәк барча түз

Улуғ ҳажиб өтрү қызыл қылса йүз[57]

2446 Тапуғларда артуқ бу йинчкә тапуғ
Ҳажиблығ турур бақса йэтрү қамуғ

2447 Бу қач нэң кэрәк ким атанса ҳажиб
Киши башласа йолқа өңдүн кэчиб

2448 Муңар мэңзәр эмди бу шаъир сөзи
Бу шаъир сөзи-ул билигсиз көзи

2449 Ҳажиблыққа ашну бу он нэң кэрәк
Йэти көз қулақ сақ көңүл кэң кэрәк

2450 Йүзи көрки бод̇ тил уқуш өг[58] билиг
Қылынчы буларқа түгәл тэң кэрәк



www.ziyouz.com kutubxonasi

2436 Зийраклик лозим ҳамда қонунни яхши биладиган (бўлиши) керак,
Жаҳон гўзалликларининг барчаси зийракдан келади.

2437 Кўнгли тавозели, барчага (ҳам) кичик бўлса,
Тили юмшоқ, шакардан (ҳам) ширин бўлса.

2438 Кишига кулиб юз-кўзини ёруғ (очиқ) тутса,
Одам(гарчи)ликни билиб феълини эзгу тутса.

2439 Кишининг хушмуомаласи нима дейди, эшитгин:
Кўнгил ва тилни кичик тут, эй қифчоқ(лардан бўлган) киши.

2440 Кўнгил тавозели бўлса, бахт кишига насиб бўлади,
Кулар юз, илиқ сўзга тирик(лар) йиғилиб келади.

2441 Кулар юз, илиқ сўзга халқ меҳр қўяди,
Меҳр қўйса, бу халқ қул ва асир бўлади.

2442 Сабрли (бўлиши) ҳам ўзини тута билиши керак,
Кўзини жуда эҳтиёт қилса, тилида сўзини тийса.

2443 Қулоғи соқ, ақли, билими кенг бўлса,
Қилар ишлари тўғри, тили ва дили тенг бўлса.

2444 Санъат-ҳунарларни тугал билса, китоб(лар) ёзса,
Барча юмушларда у билимини ишга солса.

2445 Кўр, бу санъат-ҳунар ва билим(ларнинг) барчаси бут бўлиши керак,
(Токи) Улуғ Ҳожиб (шулар баробарида) юзини қизил қилса [яъни юзи ёруғ бўлса].

2446 Хизматлар ичида энг нозик хизмат
Ҳожиблик (хизмати)дир, агар ниҳоятда тушуниб боқсанг.

2447 Ким Ҳожиб атанса, (унга), бу бир қанча хислатлар даркор,
(Токи) олдинда бориб кишиларни йўлга бошласа.

248 Шоирнинг ушбу сўзи энди бунга жуда мос келади,
Шоирнинг бу сўзи билимсиз(ларнинг) кўзидир:

2449 Ҳожибликка (энг) аввал ушбу ўн нарса лозим,
Ўткир кўз, соқ қулоқ, кенг кўнгил керак.

2450 Юз чиройи, қомати, тили, зеҳни, ақли ва билими (тугал бўлиши),
Қилмишлари буларга тўла тенг бўлиши керак.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2451 Узун кэч йашасуны элиг өзи
Улуғ ҳажиб-ул бэгкә көргү көзи

2452 Төрү ҳам тоқу өнди йинчкә тапуғ

Улуғ ҳажиб этсә ачар йол қапуғ

2453 Муңар мэңзәтү кэлди билгә сөзи
Эшитсә көңүл бэрсү алсу өзи

2454 Улуғлуқ турур бу ҳажиблық иши
Муны башқа элтмәс магар кәд киши

2455 Ҳажиблар иши тут йа бэгләр иши
Улуғ йа кичиг тут өтүгчи киши

2456 Ағычы битигчи йа иш тутғучы
Йа тончы этүкчи ъамил болғучы

2457 Йа йат баз йалавач кэлиш ҳам барыш
Бушуғ бэргү ачығ уларқа тэгиш

2458 Қонуқлары көргү йа боғзы йэми
Ачығлығ ачығсызқа қылса эми

94б 2459 Йол ағзында эрсә киши башлағу
Төрүсин тоқусын йарым қылмағу

2460 Чығай тул йэтим қысса бэрсә өтүг
Аны барча тыңлаб өтүнсә өтүг

2461 Мазалим өдиндә өтүгчиләриг
Көрү алса йол қылса болса ириг

2462 Йана көрсә ич таш йарағсызларығ
Айу бэрсә тыдса көтүрсә арығ

2463 Бу йаңлығ тү ишләр бичә үлгүлүг
Улуғ ҳажиб элги тэгир бэлгүлүг

2464 Бу ишкә басут барча андын кэлир
Қалы артаса қалса андын қалыр



www.ziyouz.com kutubxonasi

2451 Элиг ўзи узун ва узоқ (йиллар) яшасин,
Улуғ Ҳожиб бегнинг кўрар кўзидир.

2452 Қонун (сиёсат) ҳамда расм-қоида ва низом (ишлари) нозик хизмат,
(Уларни) Улуғ Ҳожиб бажарса, (мушкул) йўл ва эшик(лар) очилади.

2453 Доно сўзи бунга ўхшатиш учун мос келди,
(Ким) эшитса, кўнгил берсин ва ўзига олсин:

2454 Ҳожиблик иши улуғликдир,
Буни фақат яхши кишидан ўзга ҳеч ким қила олмайди.

2455 Хоҳ Ҳожиблар ишини, хоҳ беглар ишини қилгин (бари бир),
Улуғ бўлсин, кичик бўлсин, воситачи киши(лар) тутгин.

2456 (Ё) хазиначи, (ё) котиб, ё (бошқа) иш юритувчи (аёнлар),
Ё тўнчи, (ё) этикчи, (ё ер-мулк ишларини бошқарувчи) саркорлар.

2457 Ё ёт, мусофир элчи(лар бўлсин), борди-келди (қил),
Уларга тортиқ ва инъомлар бериш лозимдир.

2458 (Уларнинг) қароргоҳларини, озиқ-овқатларини кўздан кечириш керак,
Тақдирланган, тақдирланмаганларнинг тадбирини кўриш керак.

2459 Йўлнинг бошида кишиларни бошловчи бўлса,
Қонун, тартиб-қоида низомларини чала-ярим қилмаслик керак.

2460 Қашшоқ, тул, етим(лар) арз-ҳол айтса,
Улар(нинг) барчасини тинглаб (бегга) сўзлаб берса (етказса).

2461 Шикоятларни кўриш пайтида арз қилувчиларни
Кўра олса, йўл қилса [яъни тадбир кўрса], (бу ишда) ғайратли бўлса.

2462 Яна ички ва ташқи ножўя ишларни кўргач,
Тергаса, тийса (олдини олса), савобли ишларни кўпайтирса.

2463 Бу янглиғ турли ишларга бир оз ҳиссада (бўлса ҳам),
Улуғ Ҳожибнинг қўли албатта тегади.

2464 Бу иш(лар)га ҳар қандай ёрдам ундан келади,
Агар (қайси иш) бузилиб юз тубан кетса, ундан кетади [яъни у сабаб бўлади].



www.ziyouz.com kutubxonasi

2465 Эй элиг ҳажибларқа сақланғу-ул
Бу қач йэрдә артуқ ма қатланғу-ул

2466 Бири бэг сөзини қатығ тутса бэрк
Экинчи ҳавақа уқуш қылса эрк

2467 Үчүнчи көрүрдә көдәзсә өзин
Тилиндә чықармаса тэкмә сөзин

2468 Урунч алмаса қылса барча ишиг
Йағутса бэгингә йырамыш кишиг

2469 Эки нәң кишидә булунса элиг
Аңар бэрмәгил иш узатма әлиг

2470 Бири тилдә йалған чықарса сөзин
Бири эгрилик-ул сэкиртсә өзин

2471 Бу экки қылынч кимдә болса көни
Өзүңгә йақурма эй элиг аны

2472 Адын үч иш-ул көр тапуғчы иши
Көдәзмәсә андын өзи йэр башы

2473 Бири сөз эшитсә қатығ тутса бэрк
Бири көрсә тэңсиз көзин йумса бэрк

95а 2474 Нэкү тэр эшитгил бөгү билгә бэг
Бу сөз ишкә тутса сэңә болға йэг

2475 Башың қулса бэгләр сөзин сөзләмә
Йана элкә йазма башыңны йэмә

2476 Қара элкә йазса қурытур башын
Тили сөздә йазса үшәтүр тышын

2477 Тэлим көрмишим бар тэгимсиз киши
Туруб элкә йазды кэсилди башы

2478 Өкүш ма эшиттим бу тил сөзләмиш
Көңүл сирры ачлыб эрин башламыш

2479 Йана айды билгә бөгү сөзләди
Өзин тутнумас эр башын йэр тэди



www.ziyouz.com kutubxonasi

2465 Эй элиг, Ҳожибларнинг (жуда) ҳушёр бўлиши зарур,
Бир қатор ўринларда жуда (ўзини) тийиши зарур.

2466 Биринчидан, бег сўз(лар) ини жуда қаттиқ (сир) тутса,
Иккинчидан, ҳавасни босишга зеҳни ғолиб бўлса [яъни иродаси кучли бўлса].

2467 Учинчидан, (ҳамма билан) дуч келганда ўзини тутса,
Ҳар хил сўз(лар)ни тилидан чиқаравермаса.

2468 Барча ишларни қилганда пора олмаса,
Узоқлашган киши(лар)ни бегига яқинлаштирса.

2469 (Қайси) кошида икки (салбий) хислат пайдо қилсанг, эй элиг,
Унга иш топширмагин, қўл узатмагин.

2470 Бири, тилидан ёлғон сўз(лар)ни чиқарса,
Бири, эгрилик (қилиб) ўзини ҳар куйга (эгриликка) солса.

2471 Бу икки қилмиш кимда аниқ мавжуд бўлса,
Эй элиг, уни (зинҳор) ўзингга яқинлаштирма.

2472 Хизмат қилувчининг яна бошқа уч иши бор,
Эҳтиёт бўлмаса, ундан ўз бошини ейди.

2473 Бири, сўз эшитса, уни қаттиқ сир тутса,
(Яна) бири, ножўяликларни кўрса, унга маҳкам кўз юмса (қарамаса).

2474 Доно, билимдон бег нима дейди, эшитгин,
Бу сўзга амал қилсанг, сенга яхши бўлади:

2475 Бошинг (саломатлиги)ни истасанг, беглар сўзини сўзлама,
Яна эл орасида ёйма, (ўз) бошингни ема.

2476 Қора авом олдида ким (беглар сўзини) ёйса, бошини қуритади,
Тили сўзда хато қилиб қўйса, тишини ушатади (синдиради).

2477 Талай кўрганим бор, паст даражали киши(лар)
Эл орасида (беглар сўзини) ёйиб, бош(лар)и кесилган.

2478 Шунингдек, кўп эшитганман, бу тил сўзлаб,
Юрак сири очилиб, лаб яраланган (оғиз қонаган).

2479 Яна айтди: Билимдон, доно сўзлаган,
Ўзини тутолмайдиган киши бошини ейди, деган.


www.ziyouz.com kutubxonasi

2480 Ҳажибларқа артуқ кѳдэзгү ѳзүг
Кѳрүрдэ кѳзүг ҳам ѳтүгдэ сѳзүг

2481 Ѳди болмағынча ѳзи кирмэсэ
Айытмаста ашну ѳтүг бэрмэсэ

2482 Нэкү тэр эшитгил уқушлуғ тили
Уқушлуғ тили ачты маъни йолы

2483 Ѳди болса кѳргит маликлэркэ йүз
Айытуқта сѳзлэ тилин сѳзкэ сүз

2484 Қамуғ нэңгэ вақт-ул ѳди бэлгүлүг
Ѳди болды эрсэ кѳрүр экки кѳз

2485 Бу йаңлығ кэрэк барча эрдэм билиг
Улуғ ҳажиб ѳтрү узатса элиг

2486 Бу эрди эй элиг ѳзүм билмиши
Мунуқы ѳтүндүм айытмыш түши

2487 Элиг айды уқтум эшиттим бу сѳз
Тақы бир сѳз айтур сэниңдин бу ѳз

2488 Мэңэ айғыл эмди қапуғ башлар эр
Нэкү-тэг кэрэк ай бу иш ишлэр эр

95б

**Б а б. Ѳгдүлмиш элигкэ қапуғ башлар эр нэкү-тэг кэракин айур**

2489 Йанут бэрди Ѳгдүлмиш айды элиг
Эсэн инч тирилгил э қылқы силиг

2490 Қапуғ башлар эр кэд бағырсақ кэрэк
Таны жаны бирлэ тапуғсақ кэрэк

2491 Қапуғда йарутса қараңқу түнүг
Қапуғда батурса йарумыш күнүг

2492 Тѳрү ҳам тоқу билсэ қылса тапуғ
Оңай болса қылқы қылынчы қамуғ

2493 Тузы этмэки кэң ақы болса кэд
Күмүш бэрсэ алтун эрэт тэрсэ кэд



www.ziyouz.com kutubxonasi

2480 Ҳожиблар ўзига жуда эҳтиёт бўлиши керак,
Кўрганда кўзга, арз қилганда сўзга (эҳтиёт бўлиши керак).

2481 Пайти бўлмагунча ўзи (бег ҳузурига) кирмаса,
Сўрамасдан олдин (ишлар) ҳақида) арз баён қилмаса.

2482 Зеҳнли(нинг) тилини (сўзларини) эшитгин, (у) нима дейди,
Зеҳнлининг тили маъни йўлини очади:

2483 Фурсати келгандагина маликларга юз кўрсат,
Сўраганда сўзла, тилингла сўз юрит.

2484 Ҳар нарсанинг вақти ва фурсати аниқ (бор),
Фурсати келса, икки кўз кўради.

2485 Барча санъат-ҳунар ва билимлар шу янглиғ (бўлиши) керак,
Сўнг Улуғ Ҳожиб қўлини узун қилса (бўлади).

2486 Менинг билганларим шу(лар) эди, эй элиг,
Мана, сўраганинг баробарида баён қилдим.

2487 Элиг айтди: Уқдим, бу сўз(ларни) эшитдим,
Мен ўзим сендан яна бир сўз сўрайман.

2488 Энди менга айтгин, дарвозабон боши киши
Қандай бўлиши керак, айт, бу ишни бажарувчи киши.

## Боб. Ўгдулмиш элигга дарвозабонлар боши киши қандай бўлиши керагини айтади

2489 Жавоб берди Ўгдулмиш, айтди: (эй) элиг,
Эсон ва тинч яшагин, эй феъли яхши.

2490 Дарвозабонлар боши киши жуда меҳрли (бўлиши) керак,
Тани ва жони билан хизматга берилган (бўлиши) керак.

2491 Дарвозада қоронғи тунни ёритса [яъни тунни кунга уласа],
Дарвозада ёриган (чиққан) кунни ботирса [яъни кунни тунга уласа].

2492 Қонун ҳамда одатларни билса, хизмат қилса,
Феъли ва амаллари барчаси тўғри бўлса.

2493 Тузи, нони (дастурхони) кенг, жуда саховатли бўлса,
Кумуш ва олтинлар бериб, мардонаворларни кўплаб йиғса.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2494 Қэчә болса йатғақ бу йатса бурун
Айу бэрсә тэкмә кишикә орун

2495 Узақ йат баз эрсә айытғу кэрәк
Уд̆уғрақ ким эрсә йағутғу кэрәк

2496 Қөрү бэклэтиб чықса қаршы қапуғ
Түгәл болды ул күнки барча тапуғ

2497 Йана эртә турса қапуғ башласа
Қэчә танда турғақны тэбрәтмәсә

2498 Қалы йол өд̆и болса башлаб кириб

Көрүнсә хылын барча йумқы тэриб

2499 Өзи чықса көрнүб өкүш турмаса
Қапуғда киши қод̆са өздә баса

2500 Эрәт кирсә хилча көрүнсә түзү
Бу көрсә йараглыг йарағсыз азу

2501 Қалы йол кэсилсә қапуғ башчысы
Йана киргү болса эрәт сөзчиси

96*a* 2502 Өтүнсә эрәт өтки қулса тиләк
Муңад̆мыш кишикә бу болса йөләк

2503 Алу бэрсә ачығ көр алтун күмүш
Қайуқа ат алса қайуқа йүмүш

2504 Эриг тапнуры ким бағырсақ сэвә
Тапунмас қайусы йурығлы йава

2505 Йарағлығ қайу-ул асығлығ қайу
Болуғлуғ қайу-ул тосуғлуғ қайу

2506 Өтүнсә бэгингә бу тэкмә бириг
Ача ад̆ра бэрсә көтүрсә эриг

2507 Чықыб эд̆гү йарлығ тэгүрсә тилин
Эрәт қөңли мундағ истисә алын

2508 Қапуғда этә турса өлтруғ туруғ
Түзүлсә орун қалмаса бир қуруғ



www.ziyouz.com kutubxonasi

2494 Кечаси соқчилар бўлса, у ётса, (ётмасидан) бурун
Ҳар бир кишига (ўз) ўрнини айтиб (тайин қилиб) берса.

2495 Адашган, ёт, мусофирлар бўлса, (уларни) суриштириш керак,
Ким ҳушёррок бўлса, (уларни ўзига) яқинлаштириш керак.

2496 Сарой дарвозаларини кузатиб ёптириб чиқса,
Шу кунги ишларнинг барчаси тугал (бажарилган) бўлади.

2497 Яна эрта турса, дарвоза (ишлари)ни бошқарса,
Кеча ва тонгда (кундуз) посбонларни узмаса.

2498 Агар йўл фурсати [яъни элиг ҳузурига қабулга кириш пайти]
бўлса, бошлаб кириб,
Барча хилларини (қаторидагиларини) йиғиб, жам қилиб
кўриниш берса.

2499 Ўзи кўриниш бериб (дарҳол) чиқса, кўп турмаса,
Эшикдан ўзидан бошқа киши(лар)ни киритса.

2500 Сарбозлари (ўз) хили билан кирса, барчаси кўриниш берса,
Хоҳ яроқли, хоҳ яроқсиз (барчаси)ни у (кўриб) кузатса.

2501 Агарда қабул тугаса, дарвоза (бонлар) бошлиғи
Сарбозлари вакили сифатида қабулга кирса.

2502 (Вакил) сарбозлар арзини баён қилса, тилак тиласа,
Тангликда қолган кишиларга у таянч бўлса.

2503 Олтин, кумушлардан инъомлар олиб берса, кўр,
Баъзисига унвон, баъзисига лавозим (олиб берса).

2504 Содиқ, севиб астойдил хизмат қилувчиси ким?
Беҳуда юриб хизмат қилмайдигани қайси бири?

2505 Маъқули қайси, манфаатлиси қайси?
Бўладигани қайси, фойдалиси қайси?

2506 Мана шу(лар)нинг ҳар бирини бегига баён қилса,
Аниқлаб, айириб берса, кишиларни (улуғласа).

2507 Чиққач тилидан эзгу фармонлар берса,
Сарбозларининг кўнглини тадбирлар билан шундай иситса.

2508 Дарвозада ўлтирар ва турар жойларни қила берса,
(Ҳамма ер) тартибга тушса, бирорта ҳам ўрин бўш қолмаса.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2509 Көрү алса йат баз кэлигли кишиг
Ағыр тутса қолдаш қылынмыш ишиг

2510 Лэв̇эш тэрги кирсэ көрү ыд̇са көз
Йарағсызны көрсэ аны тыд̇са өз

2511 Ширани чықарда көрүб сақласа
Аңар тоғру йолда элиг тэгмэсэ

2512 Қапуғда чықарса лэв̇эш тэргини
Көрү түз улатса бэги көркини

2513 Нэчэқа тэгүргү кэрэк бу ашығ
Қуруғ қод̇маса бир ичиг ҳам ташығ

2514 Эки нэң бэд̇үтүр бу бэглэр жавы
Илиндэ туғы көр төриндэ лэв̇и

2515 Ад̇ын ма эки нэң қапуғ көрки-ул
Бэд̇үтүр бэг атын ачар қутқа йол

2516 Улуғ ҳажиби болса азад киши
Тақы бир йарағлығ қапуғ эл башы

96б 2517 Бу экки киши бирлэ этлүр қапуғ
Улуғлуқ билэ аты йад̇лур қамуғ

2518 Ыд̇ышчы тэшэкчи йана ашчықа
Түзү көз кэмишсэ йэмэ туғчықа

2519 Йэмэ қушчы кэшчи йэмэ оқ йачы
Ануқ тутса күндэ қапуғда тучы

2520 Туруб барса эв̇кэ хылын қолдашын
Өзи бирлэ элтсэ йэтүрсэ ашын

2521 Йэтүрсэ ичүрсэ тод̇урса қарын
Қуруғ ыд̇маса бэрсэ өздэ барын

2522 Өзингэ бир ат тон толум қылса таб
Адынын улэсэ бирэр қод̇са таб

2523 Тапуғқа кэлир эрсэ йат баз киши
Көрү алса айтса отағы иши



www.ziyouz.com kutubxonasi

2509 Ёт-бегона, мусофир киши(лар)ни кўра олса,
Яқинлари қилган ишларни қадрли тутса.

2510 Лаган-дастурхон келтирилганда кузатиб кўз югуртирса,
Ярамайдиганини кўрса, уни тўхтатса (қайтарса).

2511 Шарбатни чиқарилаётганда кузатиб эҳтиёт қилса,
Унга тўғри йўлда қўл урилмаса [яъни хиёнат қўли урилмаса].

2512 Неъматлар (ва) лаган-дастурхонни эшикдан чиқаргач,
Назорат қилиб бегининг кўркини (неъматларини) тўғри
улаштирса.

2513 У ошни (неъматларни) қанча-қанча (одам)ларга етказиши керак,
(Токи) бирорта ичкари ва ташқари(даги киши)ни қуруқ
қўймасин.

2514 Бегларнинг шуҳратини икки нарса кўтаради:
Пойгагида (бўсағасида) — туғи, кўргин,
тўрида — неъмат (тўла) дастурхони.

2515 Бошқа яна икки нарса дарбоза (даргоҳ) ярашиғидир,
(У) бег номини улуғлайди, саодатга йўл очади.

2516 (Бири), Улуғ Ҳожиби озод киши бўлса,
Яна бири, лаёқатли элбоши, дарвозабон боши (сарой боши)
бўлса.

2517 Бу икки киши туфайли даргоҳ яшнайди,
Улуғлик билан (бег) номи ҳар ёққа таралади.

2518 Идишчи (соқий), тўшакчи (ётоқ бошлиғи) яна ошчи(ларга)
Ҳамда туғчиларга доим кўз ташлаб турса.

2519 Яна лочиндор, сувсар тутувчи ҳамда ўқ-ёйчиларни
Ҳар куни узлуксиз саройда тайин тутса.

2520 Туриб уйига борса, хиллари ва қўлдошларини
Ўзи билан элтса, ошини едирса.

2521 Едирса, ичирса, қоринларини тўйдирса,
Қуруқ (қайтариб) юбормаса, ўзида борини берса.

2522 Ўзига лойиқ бир от, кийим, қурол-аслаҳа қолдирса,
Бошқасини улашса, бир оз қолдирса етарли.

2523 Ёт, бегона киши хизматга келадиган бўлса,
Синаб олса, турар жойи (ва) машғулотини суриштирса.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2524 Тапуғқа көрүнгинчә көрсә аны
Ашы боғзы орны аты ҳам тоны

2525 Йэмә айту турса эрәт ҳалыдын
Ачы ҳам тоқы йа тонын опрақын

2526 Муңад̇ығлы бар-му әлиг тарлықын
Муңынга йараса өтаса ҳақын

2527 Ким эрсә қапуғқа бирәр кәлмәсә
Эшитсә тиләсә нэ болмыш тэсә

2528 Қалы иглиг эрсә айытғу кэрәк
Йав̇алық қылур эрсә тыд̇ғу кэрәк

2529 Бу барча бэгингә бағырсақлық-ул
Сэв̇инчин тиләб бу тапуғсақлық-ул

2530 Нэкү тэр эшитгил тапуғ қылмыш әр
Тапуғ бирлә бэгдә ағыр булмыш эр

2531 Тапуғчы бэгингә бағырсақ кэрәк
Бағырсақ тэгүчи тапуғсақ кэрәк

97*а* 2532 Тапуғсақ бир өзкәй бағырсақ қулы
Бэкүтүр бары күндә бэглик улы

2533 Өз асғы тиләмәс бағырсақ болуб
Бэг асғы тиләр күндә эдгү қулуб

2534 Бағырсыз тосулмас оғулда көрү
Бағырсақ тапуғчы тосусы өрү

2535 Асығ қылса азған анын-мэн қулы
Чэчәк йаслығ эрсә бичәр-мэн улы

2536 Асығсыз тосулмас қадаш эрсә қод̇
Тосулур ад̇аш тут асығ бирлә тод̇

2537 Тили бирлә йумшақ сүчиг тутғу сөз
Көңүл тутса алчақ йаруқ тутсә йүз

2538 Түгүг йүз ачығ тил кишиг тумлытур
Тиригликдә кэтмәс көңүлдә йатур



www.ziyouz.com kutubxonasi

2524 Хизматга (келиб) кўрингунча уни кўрса,
Овқати, озуқи, жойи, оти, кийимларини (суриштириб билса).

2525 Яна (ўз) одамлари ҳолини сўраб турса,
Очи-тўқини ё кийимини, эски-тускиларини (суриштирса).

2526 Қўл қисқалигидан тангликда қолганлар бор бўлса,
Мунг(лар)ига яраса, ҳақларини ўтаса.

2527 Кимда-ким саройга бирор марта келмаса,
(Буни) эшитгач, сўраса, нима бўлди, деса.

2528 Агар бетоб бўлса, (ҳолини) сўраш керак,
Беҳуда ишлар қилиб юрган бўлса, тийиш керак.

2529 Булар(нинг) барчаси бегига садоқатдир,
(Унинг) шодлигини тилаб (қилинадиган) хизматга содиқликдир.

2530 Хизмат қилган киши нима дейди, эшитгин,
Хизмат туфайли бег наздида қадр топган киши:

2531 Хизматкор бегига садоқатли бўлиши керак,
Садоқатли деган (киши) хизматга содиқ бўлиши керак.

2532 Хизматга содиқ, яқин меҳрибон қул
Ҳар куни беглик моясини мустаҳкамлайди.

2533 Содиқ бўлиб (у) ўз манфаатини кўзламайди,
Эзгулик тилаб кунда беги манфаатини истайди.

2534 Меҳрсиз бефойда ўғилдан кўра,
Содиқ хизматчи(нинг) нафи юқори.

2535 Озғон[39] фойда келтирса, мен унинг қулиман,
Гул зарарли бўлса, томирини кесаман.

2536 Фойдасиз, манфаати тегмайдиган қариндош бўлса, тарк эт,
Манфаат келтирадиган дўст тут, фойда билан тўй.

2537 Тилини юмшоқ, сўзини ширин тутиши керак,
Кўнглини тавозели, юзини очиқ тутса.

2538 Туруш юз, аччиқ тил кишини совутади,
Тирикликда кетмайди (эсдан чиқмайди), кўнгилда сақланади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2539 Муңар мэңзэр эмди бу байтығ оқы
Сөзи маъни бирлэ уқылғай тақы

2540 Сөзүн сөксэ йалңуқ ачытса тилин
Сөңүккэ сызығ-ул көңүлкэ йалын

2541 Уруб бэрка башы бүтэр тэрк сөнар
Тилин сөксэ бүтмэс ачығы йылын

2542 Қалы атланур болса бэглэр сүкэ
Йа қушқа чөгэнгэ йа эл көргүкэ

2543 Эди сақ көдэзгү бу йэрдэ бэгин
Йудуғ тэгмэсэ анда теңсизликин

2544 Қалы түшсэ бэглэркэ йалңуқ хата
Түшэр ат үзэ қушта авда сүдэ

2545 Бүтүнсүз бар эрсэ йыратғу аны
Сэзиглиг бар эрсэ сақынғу аны

2546 Бүтүн чын сэвүгли бағырсақ киши
Йақын йортса бегкэ көдэзсэ башы

97б 2547 Сү башчы түзэ турсэ йортуғ қурын
Иригләрни йығсэ йэтүрсэ сөңин

2548 Кичиг қор улуғлар ара кирмэсэ
Йырақ таш йурығлы йақын йортмаса

2549 Қапуғда нэ-тэг эрсэ олтруғ туруғ
Бу йортуғда андағ кэрэк эй улуғ

2550 Қапуғ башлар эрниң бағырсақлықы
Бу йаңлығ кэрэк эй ажунчы ақы

2551 Бу йаңлығ кэрэк бу қапуғ башлэр эр

Бэги этмэки йэб ишин ишлэр эр

2552 Мунуқы мэн айдым эшитти элиг
Талу эр тилэсэ өдүрсү билиг

2553 Элиг айды уқтум муны бэлгүлүг
Тақы бир сөзүг ай мэңэ үлгүлүг



www.ziyouz.com kutubxonasi

2539 Энди бу байтни ўқи, (у) бунга жуда мос келади,
(Унинг) сўзлари маъноси(ни чақиш) билан янада уқилади:

2540 Одам сўзида сўкса, тилида заҳар сочса,
Суякка (урилган) тиғ, дилга (ёқилган) ёлиндир.

2541 Қалтак яраси битади, тез эсдан чиқади,
Тил билан сўкса, битмайди, заҳри абадий қолади.

2542 Агар беглар лашкарга (жангга) отланса,
Ё қуш (ови)га, чавгон (ўйнаш)га ёки эл кўришга.

2543 Бу ер(лар)да бегини жуда эҳтиёт қилиши керак,
(Токи) у ерда (унга) ўринсиз малол етмасин.

2544 Агар бегларга (нисбатан) янглишлик ва хато содир бўлса,
Қуш (ови)да ва жангда от устида ҳам юз беради.

2545 Ишончсиз (киши)лар бор бўлса, у(лар)ни узоқлаштириш керак,
Шубҳали (киши)лар бор бўлса, у(лар)ни ҳисобга олиш керак.

2546 Ишончли, чиндан севувчи, содиқ киши(лар)
Бегга яқин юрса, (унинг) бошини муҳофаза қилса.

2547 Лашкар боши соқчи сафларини тузиб тартиб берса,
Абжирларни йиғса, (соқчи саф) сўнгидан етказса.

2548 Кичик саф(лар) катталар орасига кирмаса,
Узоқда, четда юрувчилар (бег соқчи сафига) яқин юрмаса.

2549 Саройда ўлтириш, туриш қандай бўлса,
Сафарда ҳам шундай (бўлиши) керак, эй улуғ.

2550 Дарвозабонлар боши (сарой боши) кишининг садоқати
Шу тарзда бўлиши керак, эй жаҳонгир сахий.

2551 Дарвозабонлар боши (сарой боши) киши мана шундай бўлиши керак,
Бегининг нонини еб, хизматини қилувчи киши.

2552 Мана, мен айтдим, элиг эшитти,
Етук киши истасанг, билим танласин (билимни ишга сол).

2553 Элиг айтди: Буни аниқ уқдим,
Менга тегишли яна бир сўзни айт.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2554 Билир-сә сэзигсиз ажун бэгләри
Йалав̇ач ыд̇ур элдин элкә эри

2555 Айу бэр мэңә бир билиг сөз өзи
Йалав̇ач ыд̇ур элдин элкә өзи

2556 Нэкү-тэг кэрәк бу йалав̇ачлық эр
Аңар бүтсә бэгләр қарылатса йэр

**Б а б. Өгдүлмиш элигкә йалавач ыд̇ғуқа нэ-тэг эр кэрәкин айур**

2557 Йанут бэрди Өгдүлмиш айды элиг
Бу ишкә эд̇и кэд̇ йэтүрсә билиг

2558 Қамуғ эрдә өд̇рүм йалав̇ач кэрәк
Билиглиг уқушлуғ талу кэд̇ кэрәк

2559 Байат қулларында эң өд̇рүндүси
Йалав̇ачлар эрди киши эд̇гүси

98*а* 2560 Йалав̇ачдын этлүр тэлим түрлүг иш
Йалав̇ачдын өтрү кэлүр көрклүг иш

2561 Уқушлуғ кэрәк кэд̇ йалав̇ач өрүг
Билиглиг кэрәк сөзкә билгә йөрүг

2562 Йана билсә сөзнүң ичи ҳам ташы
Этилсә аның өтрү бузмыш иши

2563 Нэкү тэр эшитгил ажунчы эг эр
Буд̇ун башлағучы билиглиг бэг эр

2564 Өкүштә талу эр уқушлуғны бил
Буд̇унда бэд̇үги билиглигни қыл

2565 Қайу иштә ашну ашунса уқуш
Ул иш бақса барды сынадым өкүш

2566 Қайу ишкә билгә йэтүрди билиг
Аны йэтти тутты тэгүрди элиг

2567 Уқуш ишкә тутса билиг башласа
Өкүш ишләр этлүр киши ишләсә



www.ziyouz.com kutubxonasi

2554 Биласан, шубҳасиз, дунё беглари
Элдан нари элларга элчи юборади(лар).

2555 Менга бир билим, сўз мағизини айтиб (чақиб) бер,
Элдан элга элчи юборувчи киши (ҳақида).

2556 Элчи(ликка борадиган) киши қандай бўлиши керак?
(Токи) беглар унга ишонса, ер ўлчатса [яъни узоқ ерларга юборса].

**Боб. Ўгдулмиш элигга элчи қилиб юборишга қандай киши керагини айтади**

2557 Жавоб берди Ўгдулмиш, айтди: (Эй) элиг,
Бу ишга билим ишлатса жуда яхши.

2558 Тамоми кишилардан сараси элчи (бўлиши) керак,
Билимли, заковатли, жуда етук (бўлиши) керак.

2559 Худонинг қуллари орасида энг сайланганлари,
Кишиларнинг яхшиси элчилар бўлганлар.

2560 Турли хил ишлар элчи туфайлигина битади,
Хайрли ишлар элчилар туфайли содир бўлади.

2561 Элчи жуда заковатли, хотиржам (бўлиши) керак,
Билимли, сўзга доно, тадбирли (бўлиши) керак.

2562 Яна сўзнинг ичи ҳам ташини билса,
(Токи) унинг туфайли бузилган ишлар тузалса.

2563 Жаҳонгир, яхши киши нима дейди, эшитгин,
Халқни бошловчи, билимли бег киши:

2564 Кўпчиликдан етук киши деб заковатлини бил,
Халқ орасида буюги (бошлиғи) қилиб билимлини тайинла.

2565 Қайси ишда аввал заковат ғолиб бўлса,
Ўша иш, назар солинса, кетаверади, кўп синадим.

2566 Қайси ишга доно билим ишлатса,
Унга етади, тутади, қўл уради.

2567 Идрокни ишга солса, билим раҳнамо бўлса,
Киши ишласа, кўп ишлар бажарилади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2568 Бағырсақ кэрәк ҳам көзи көнли тоқ
Бүтүн чын қылықы көни болса-оқ

2569 Бағырсақ тапуғчы бэг асғын тиләр
Бэг асғын тиләгли бэгин чын сэв̇әр

2570 Бэгингә асығчы бағырсақны бил
Бағырсақны булса өзүң бағры қыл

2571 Бағырсақ тапуғчы бағыр саны-тэг
Бағырда йақынрақ йүрәк қаны-тэг

2572 Көзи суқ киши өзкә эрксиз болур
Бу суқлар йалав̇ачқа тэңсиз болур

2573 Көзи тоқ чығай эрсә байқа санур
Сэринсә киши тэкмә иштә үнүр

2574 Суқ эр умдучы-ул йав̇уз умдучы
Киши умдучысы аты қулғучы

98б 2575 Нэкү тэр эшитгил көзи тоқ киши
Көзи тоқ киши болды байлар башы

2576 Чығай қылса кимни көзи суқлуқы
Байутмас аны бу ажун тоқлуқы

2577 Кими эрсә умду қылур эрсә қул
Аның бошлуқы көр өлүм бирлә-ул

2578 Тақы йақшы аймыш билиг бэргүчи
Көзи суққа өт сав̇ ириг бэргүчи

2579 Түгәл бай болайын тэсә бэлгүлүг
Көңүл байлықы қыл эй эрсиг күлүг

2580 Нэчә ма қул эрсә көзи тоқ бэг-ул
Суқ өз бэгликиндин бу қуллуқ йэг-ул

2581 Қайу бэг суқ эрсә чығай-ул чығай
Қайу қул көзи тоқ бэг-ул көнли бай

2582 Ов̇утлуғ кэрәк кәḋ амул ҳам силиг
Силиглик билә билсә түрлүг билиг



www.ziyouz.com kutubxonasi

2568 Садоқатли ҳамда кўзи тўқ (бўлиши) керак,
Ишончли, чин, қиладиган ишлари фақат тўғри (бўлиши) керак.

2569 Садоқатли хизматкор бег манфаатини истайди,
Бег манфаатини истовчи бегини чиндан севади.

2570 Бегига манфаатли деб садоқатлини бил,
Садоқатлини топсанг ўз дилинг қил(иб ол).

2571 Садоқатли хизматкор бағир (дил) кабидир,
Бағирдан ҳам яқинроқ, юрак қонидекдир.

2572 Кўзи суқ киши ўзига (нисбатан) иродасиз бўлади,
Бу суқлар элчи(лик)га нолойиқ бўлади.

2573 Кўзи тўқ гадой бўлса ҳам бойга саналади,
Сабр этса, киши ҳар бир ишда барака топади.

2574 Суқ киши тамагир бўлади, тамагир(лик) (эса) ёвуздир,
Тамагир кишининг оти гадойдир.

2575 Кўзи тўқ киши нима дейди, эшитгин,
Кўзи тўқ киши бойларнинг боши бўлади:

2576 Кимни кўзи суқлиги қашшоқ қилса,
Уни бу дунё тўқликлари бойитмайди.

2577 Ким бўлсин, тама қиладиган бўлса, қулдир,
Унинг халос бўлиши, кўр, ўлим билан (боғлиқ)дир.

2578 Билим берувчи яна ҳам яхши айтган,
Кўзи суққа насиҳат, ўгит берувчи:

2579 Ҳақиқатан тугал бой бўлайин десанг,
Кўнгил бойлигини қил, эй жавонмард.

2580 Қанчалик қул бўлса ҳам, кўзи тўқ бегдир,
Суқ киши беглигидан қуллик афзалдир.

2581 Қайси бег суқ бўлса, у қашшоқдир, қашшоқ,
Қайси қул кўзи тўқ (бўлса), у — бег, кўнгли бойдир.

2582 Уят-андишали (бўлиш) керак, босиқ ҳам зариф (бўлиш керак),
Билсанг, турли билимлар зарифлик туфайлидир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2583 Ов̇ут болмаса эр отун ил болур
Ов̇ут бирлә йалңуқ бүтүнлүк қылур

2584 Амул болса өтрү атанур түзүн
Силиг болса қылқы сэвитүр өзүн

2585 Тэтиглик билә болса эркә билиг
Түзү ишкә тэгрүр бу билги әлиг

2586 Бу байтығ оқығыл нэкү тэр эшит
Билиг бирлә башлаб өзүңгә иш эт

2587 Уқуш бирлә уқ иш билиг бирлә бил
Күнүң болсу қутлуғ қутад̆суны йыл

2588 Тэтиглик билә эр тиләккә тэгир
Билиг бил уқуш уқ ишиң өтрү қыл

2589 Тэтиглик билә билсә түрлүг битиг
Битиг билсә өтрү болур эр тэтиг

*99а* 2590 Битисә оқыса эшитсә сөзүг
Анын өтрү билгә қылур өз өзүг

2591 Қамуғ түрлүг эрд̆әм бу билсә түгәл
Бу эрдәм билә эр мэңиз қылса ал

2592 Китаблар оқыр ҳам билир эрсә сөз
Уқар эрсә шэър ҳам қошар эрсә өз

2593 Нужум билсә тибб ҳам йөрә билсә түш
Анық йөрмиши-тэг сөзи кэлсә түш

2594 Билир эрсә сақыш йэмә ҳандаса
Ъадад жад̆ры қылса масаҳат баса

2595 Йана нарду шатранж билир эрсә кәд̆
Ҳарифлары андын өлир эрсә кәд̆

2596 Чөгәнгә кәд̆ эрсә атар эрсә оқ
Йэмә қушчы авчы ажүнда озуқ

2597 Қамуғ тил билир эрсә ачса тилиг
Қамуғ хатны билсә битисә әлиг



www.ziyouz.com kutubxonasi

2583 Уят-андиша бўлмаса, киши тубан, паст бўлади,
Уят-андиша билан одам ҳаққоният қилади.

2584 (Киши) қарорли бўлса, сўнг яхши аталади,
Феъли яхши бўлса, ўзини манзур қилади.

2585 Кишида тетиклик билан билим бўлса,
Бу билими турли ишга қўл уришга имкон беради.

2586 Бу байтни ўқигин, нима дейилган, эшит,
Билим билан бошлаб, ўзингга татбиқ қил:

2587 Ишни уқув-идрок билан уқ, билим билан бил,
Кун(лар)инг қутли бўлсин, йиллар саодатга етказсин.

2588 Тетиклик билан киши тилакка етади,
Билим бил (ол), идрокли бўл, сўнг ишларингни қил.

2589 Тетиклик билан турли ёзувларни (китобларни) билса (ўрганса),
Ёзув (китоб) ўрганса, сўнг киши тетик бўлади.

2590 Ёзса, ўқиса, сўз(лар)ни эшитса,
Шулар туфайли ўз-ўзини доно қилади.

2591 Турли хил санъат-ҳунарларни тугал билса,

Шу санъат-ҳунар(лар) билан киши юзини ёруғ қилса.

2592 Китоблар ўқиса ҳамда сўз(ларни) биладиган бўлса,
Шеър(лар)ни уқадиган бўлса ҳам ўзи қўшадиган (ёзадиган) бўлса.

2593 Нужум ва тибни билса ҳамда туш йўра билса,
Унинг таъбир қилганидек сўзлари тўғри келса.

2594 Сақиш ҳамда ҳандасани билса[40],
Сондан илдиз чиқарса, яна чегараларни аниқлашни билса.

2595 Яна нард ва шатранжни яхши биладиган бўлса,
Рақиблари ундан жуда букилса (мот қолса).

2596 Чавгонга моҳир бўлса, ўқ отадиган (мерган) бўлса,
Яна дунёда илғор лочиндор, овчи бўлса.

2597 Барча тилларни биладиган бўлса, тилини (сўзга) очса,
Турли хатларни билса, қўли (билан) ёзса [яъни қўли хатга равон юрса].



www.ziyouz.com kutubxonasi

2598 Бу йаңлығ кэрәк барча эрдәм билир
Бу йаңлығ йалавач тиләккә тэгир

2599 Йалавач тэтиг болса билгә удуғ
Бэг асғы булур анда тутнур йудуғ

2600 Йалавач йавуз болса қывчақ қулы
Сэзигсиз түгәр анда бэгләр сувы

2601 Йалавач барыр эр эди кэд кэрәк
Қамуғ түрлүг ишкә бу тутса йүрәк

2602 Қайу түрлүг эрдәм аңар сатсалар
Аны өтсә өтрү ағыр тутсалар

2603 Қайу түрлүг эр ма сөзин сөзләсә
Аны уқса билса йана кэзләсә

2604 Йалавач билир болса эрдәм қамуғ
Бэдүйүр бэги аты элдә улуғ

99б 2605 Нэкү тэр эшитгил билир көк айуқ
Бу сөз уқмаса эр анын өги йоқ

2606 Қимиң эрдәми болса аты йурыр
Қалы болмаса эрдәм атсыз қарыр

2607 Қиши эрдәми бирлә эрдин кэчәр
Өкүш болса эрдәм ул өрләб учар

2608 Әлиг сунса эрдәм билә эр тэгиб
Улуғ тағ башын йэркә илдрүр эгиб

2609 Сөз уққан кэрәк болса ҳазир жаваб
Жаваб қылса бэрмиш сөзингә саваб

2610 Бор ичмәс кэрәк кэд өзин тутғучы
Өзин тутғучы эр болур қут күчи

2611 Билиглиг бор ичсә билигсиз болур
Билигсиз эсүрсә адын нэ қылур

2612 Бор-ул бу билигкә уқушқа йағы
Бор аты[59] ҳақықат тутуш-ул чоғы



www.ziyouz.com kutubxonasi

2598 Бу янглиғ барча санъат-ҳунарларни биладиган (бўлиши) керак,
Бу янглиғ элчи тилакка етади.

2599 Элчи зеҳнли, доно, зийрак бўлса,
Бег ундан манфаат топади, балоларнинг олди олинади.

2600 Элчи ярамас, қипчоқлар қули бўлса,
Шубҳасиз у туфайли бег(лар)нинг обрўси тўкилади.

2601 Элчи (бўлиб) борадиган киши жуда яхши (бўлиши) керак,
(Токи)у турли хил ишларга журъат қила олсин.

2602 Қайси хил санъат-ҳунарни унга сотсалар,
У уларни ўзлаштирса, сўнг уни қадрласалар (арзийди).

2603 Ҳар қандай киши яна (ўз) сўз(лар)ини сўзлаганда,
У (сўзлар)ни уқса, билса ҳамда сир тутса.

2604 Элчи ҳамма санъат-ҳунарларни биладиган бўлса,
Бегининг номи элда жуда улуғланади.

2605 Билимли оқсоқол нима дейди, эшитгин,
Киши бу сўз(лар)ни уқмаса, унинг ақли йўқ:

2606 Кимнинг санъат-ҳунари бўлса, номи (тарaлиб) юради,
Агар санъат-ҳунари бўлмаса, номсиз қарийди.

2607 Киши санъат-ҳунарлари билан кишидан ошади,
Санъат-ҳунари кўп бўлса, юқорилаб учади.

2608 Киши тушуниб, санъат-ҳунар билан қўл узатса,
Улуғ тоғ бошини эгиб ерга энгаштиради.

2609 Сўзни уққан, ҳозиржавоб бўлиши керак,
Берилган сўзга (саволга) тўғри жавоб қилса.

2610 Ичимлик ичмайдиган, ўзини тутган (бўлиши) керак,
Ўзини тутувчи киши қутга қувват бўлади.

Билимли ичимлик ичса, билимсиз бўлади.
Билимсиз маст бўлса, бошқа нима қилади.

2612 Ичимлик билимга, зеҳнга ёвдир,
Ичимлик оти ҳақиқатан уруш ва адоватдир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2613 Нэчә ма билиглиг уқушлуғ киши
Башын борқа суқса бузар өз иши

2614 Нэчә ма ов̇утлуғ силиг қылқы уз
Бор ичсә отунлуқ қылур барча өз

2615 Эсизим ов̇ут йа уқуш өг билиг
Арығсыз бу борқа бэрүр эй силиг

2616 Бор ичмә бор ичсә барур эр қуты
Бор ичсә болур тэлв̇ә мундуз аты

2617 Қарынқа сүчиг кирсә чықрур сөзүг
Бу чықмыш сөзүг йандру өртәр өзүг

2618 Нэкү тэр эшитгил бу байт айғучы
Оқығыл ачылғай ташы ҳам ичи

2619 Қалы ичтиң эрсә эсүргү сүчиг
Көңүл сирры ачты чықарды ичиг

100*a* 2620 Билиглиг бор ичсә билигсиз болур
Билигсиз бор ичсә болур кич кичиг

2621 Тили уз кэрәк ҳам көңүллүг кэрәк
Сөзи уз кэрәк ҳам кэд̇ өглүг кэрәк

2622 Сиңимлиг болур-ул тили уз киши
Сөзи уз йурыса йарар эр иши

2623 Көңүллүг кэрәк кэд̇ унытмаса сөз
Нэкү сөз эшитсә қатығ тутса өз

2624 Йүзи көрки көрклүг кэрәк ҳам бод̇ы
Йүлүг болса бод̇сын кишидә кэд̇и

2625 Өзи эрсиг эрсә бэд̇үг ҳимматы
Бу экки билә-ул киши қимматы

2626 Сөзи болса йумшақ шакар-тэг сүчиг
Сүчиг сөзкә йумшар улуғ ҳам кичиг

2627 Йалавач иши көр нэчә сөз болур

Сөзи йақшы болса тиләкин булур



www.ziyouz.com kutubxonasi

2613 Қанча (юқори) билимли, зеҳнли киши (бўлсин),
Бошини ичимликка суқса ўз ишини бузади.

2614 Қанча уят-андишали, зариф, хулқи хуш (киши бўлсин),
Ичимлик ичса, барча (тирик) жон тубанлик қилади.

2615 Афсуски уят-андишани ё зеҳнни, ақлни, билимни,
Нопок(лар) бу ичимликка алмашади(лар), эй гўзал.

2616 Ичимлик ичма, ичимлик ичса, кишининг бахти кетади,
Ичимлик ичса, (кишининг) оти телба, тентак бўлади.

2617 Қорингa май киргач, сўз(лар)ни чиқаради,
Бу чиққан сўз(лар) жонни ёндириб ўртайди.

2618 Ушбу байтни айтувчи нима дейди, эшитгин,
Ўқигин, таши ва ичи (сирлари) очилади:

2619 Агар ичгудек бўлсанг, май маст қилади,
Кўнгил сирингни очади, ичинг(дагиларни сиртга) чиқаради.

2620 Билимли ичимлик ичса, билимсиз бўлади,
Билимсиз ичимлик ичса, жуда бўлмағур бўлади.

2621 Тили ширин ҳам(да) кўнгли очиқ (бўлиш) керак,
Сўзи ёқимли ҳам(да) жуда ақлли (бўлиш) керак.

2622 Тили ширин киши ёқимли бўлади,
Сўзи ёқимли бўлса, кишининг иш(лар)и манзур бўлади.

2623 Хотираси яхши бўлиши керак, (токи) сўзни унутмаса,
Қандай сўз эшитса, (кўнгилда) қаттиқ сақласа.

2624 Юз кўрки чиройли бўлиши керак ҳамда бўйи [яъни қадди-қомати]
Келишган бўлса, қадди-қомати келишган (киши) одамлар
орасида яхши бўлади.

2625 Ўзи мард, ҳиммати буюк бўлса,
Кишининг қиммати шу икки (хислат) биландир.

2626 Сўзи юмшоқ, шакардек ширин бўлса,
Ширин сўзга улуғ ҳам, кичик ҳам юмшайди.

2627 Элчининг иши мутлақ сўз(лар)дан иборат [яъни сўзлар
орқали битади],
Сўзи яхши бўлса, (у) тилагини топади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2628 Бу йаҥлығ киши булса элиг қуты
Аҥар бэрсә болғай йалав̇ач аты

2629 Аны ыд̇са болғай йалав̇ачлықын
Йырақ эрсә йат баз өз эрсә йақын

2630 Элиг айды уқтум эшиттим муны
Тақы бир сөзүм бар айу бэр аны

2631 Сэниҥдин өтәлсүн мэҥә сөз тақы
Мэниҥдин өтәлсүн сэҥә сөз ҳақы

2632 Битигчи нэкү-тэг кэрәк эй тэтиг
Аҥар бэг ынаныб битисә битиг

### Б а б. Өгдүлмиш элигкә битигчи ылымға нэкү-тэг кэрәкин айтур

100б 2633 Йанут бэрди Өгдүлмиш айды элиг
Бу ишкә эд̇и кэд̇ йэтүрсү әлиг

2634 Нэчә ма билиг билсә бэгләр өзи
Битигчи кэрәк-өк битисә сөзи

2635 Битигчикә айғу кэрәк ич сөзин
Көд̇әзсә битигчи өкүш йа азын

2636 Бу ич сөз тутуғлы бүтүн чын кэрәк
Бүтүнлүккә артуқ бүтүн дин кэрәк

2637 Қалы тутмаса бу битигчи сөзүг
Бэги сирры ачлур бу өртәр өзүг

2638 Нэчә ма бу бэгләр сөзин кэзләсә
Бу экки кишикә кэрәк сөзләсә

2639 Бириси битигчи бириси вазир
Бу экки кишикә сөз ачмақ тэгир

2640 Бу экки кишикә сөз ачғу кэрәк
Сөз ачса ав̇ағлары йүд̇гү кэрәк

2641 Бу экки кишидә болур барча сөз
Бу сөз тутмаса өз ишин бузды өз



www.ziyouz.com kutubxonasi

2628 Бу янглиғ киши топилса, эй бахтиёр элиг,
Унга элчи оти (мансаби)ни берса бўлади.

2629 Уни элчиликка юборса бўлади,
Йироққа бўлса ёт-бегонани, яқинга бўлса — ўзга якин (кишини).

2630 Элиг айтди: Уқдим, эшиттим бу (сўзлар)ни,
Яна бир сўзим бор, уни ҳам айтиб бер.

2631 Сендан менга яна сўз бурчи ўталсин,
Мендан сенга сўз ҳақи ўталсин.

2632 Котиб қандай (бўлиши) керак, эй зеҳнли,
(Токи) бег унга ишониб, (у) нома(лар) ёзса.

## Боб. Ўгдулмиш элигга хат ёзувчи котиб қандай (бўлиши) кераклигини айтади

2633 Ўгдулмиш жавоб берди, айтди: (Эй) элиг,
Бу ишга жуда ҳам муносиб (одам) қўл урсин.

2634 Беглар ўзлари билимни қанчалик билмасинлар,
Хабар ёзгудек бўлса, албатта котиб лозимдир.

2635 Ич сўз(лари)ни [яъни сирларини] котибга айтиш керак,
Озми, кўпми котиб ҳам уларни эҳтиёт қилсин.

2636 Ич сўзларни сақловчи ишончли, чин (бўлиши) керак,
Ишончлиликка (эса) ниҳоятда комил имонли (бўлиш) керак.

2637 Агар бу котиб сўз (сир)ни тутмаса,
Бегининг сири очилади, бу эса жонни ўртайди.

2638 Беглар сўз(лар)ини қанчалик сир тутсалар ҳам,
(Қуйидаги) икки кишига сўзлаш(лари) шарт бўлади.

2639 Бири — котиб, (яна) бири — вазир,
Ушбу икки кишига сўз (сир) очишга тўғри келади.

2640 Шу икки кишига сўз (сир) очиш керак,
Сўз (сир) очгач, (уларнинг) инжиқликларини кўтариш керак.

2641 Барча сўз (сир)лар шу икки кишида бўлади,
У(лар) сўз сақламаса(лар), ўз иш(лар)ини ўзлари бузадилар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2642 Әди йақшы аймыш Өтүкән бәги
Тилин тутсу бәрмиш сәңә сөз бәки

2643 Э бәгләр ынанчы сөзүң кәзлә бәрк
Сөзүң кәзләмәсә башың барға тәрк

2644 Бу ағзың мисалы өңүр саны-тәг
Сөзуң чықса андын сачар тани-тәг

2645 Йазылды ажунқа аны тәргүсүз
Эшитти түзү халқ аны өртгүсүз

2646 Ағыздын ара от ара сув̇ чықар
Бириси йапуғлы бириси йықар

2647 Күйәр от-тәг-ул бу кәрәксиз сөзүң
Ағыздын чықармағу күйгәй өзүң

101а 2648 Ақар сув̇-тәг-ул бу тилин әдгү сөз
Қайуқа бу ақса чәчәк үнди түз

2649 Айа эр атанмыш билиглиг бөгү
Көңүл сирры артуқ қатығ кәзләгү

2650 Нәкү тәр эшитгил бу байтығ оқы
Көңүл сирры кәзлә э көңлүм тоқы

2651 Көңүл сирры бәрк тут сән айма тилин
Қалы ачтың эрсә өкүнчи йылын

2652 Қызыл тил қара башқа йав̇лақ йағы
Бу йав̇лақ йағығ бәклә инчин салын

2653 Битигчи билиглиг уқушлуғ кәрәк
Хаты уз балағат тақы әдгүрәк

2654 Битигдә хат уз болса ачлур көңүл
Оқығу кәлир бақса ав̇нур көңүл

2655 Балағат билә хат тәңәшсә қалы
Әди әдгү тил бу битиг сөз тили

2656 Нәкү тәр эшитгил Ыла сир тәңи
Әди әдгү йаң бу битиг сөз йаңы



www.ziyouz.com kutubxonasi

2642 Ўтукан беги (бу борада) жуда яхши айтган:
Сенга сир сақлаш учун сўз берган (киши) тилини тийсин.

2643 Эй бегларнинг ишончи, сўзингни қаттиқ сир сақла,
Сўзингни сир сақламасанг, зинҳор бошинг кетади.

2644 Бу оғзинг мисоли ўра кабидир,
Ундан сўзинг чиқса, дона (уруғ)дек сочилади.

2645 Дунёга тарқалади, уни териб бўлмайди,
Уни барча халқ эшитади, пардалаб бўлмайди.

2646 Оғиздан гоҳо ўт, гоҳо сув чиқади,
Бири тузади, бири бузади.

2647 Кераксиз сўзинг ёнар ўт кабидир,
(Уни) оғиздан чиқариш керак, эмас, жонинг куяди.

2648 Тилдан чиқадиган эзгу сўз оқар сув кабидир,
Бу (сув) қаерга оқса, ҳамма ёқда чечак унади.

2649 Эй мард (деб) аталган билимли доно,
Кўнгил сирини жуда қаттиқ яширгин.

2650 Бу байтни ўқи, (унда) нима дейилган, эшитгин,
Эй кўнглим тўқи, кўнгил сирини яшир:

2651 Кўнгил сирини маҳкам тут, сен тил билан айтма,
Агар (сирни) очсанг, (унинг) аттанги йилин (бўлади).

2652 Қизил тил қора бошга ашаддий ёвдир,
Бу ашаддий ёвни маҳкам тут, тинч бўл.

2653 Котиб билимли, заковатли (бўлиши) керак,
Хати чиройли, сўзга уста, эзгу фол (бўлиши) керак.

2654 Мактубда хат чиройли бўлса, кўнгил очилади,
Боқса ўқигиси келади, кўнгил қувонади.

2655 Агар фасоҳат билан (хуш) хат тенглашса,
Бу ёзма нутқ тили жуда эзгу тил бўлади.

2656 Ила[41]нинг сирга яқини(?) нима дейди, эшитгин:
Ёзма нутқ усули жуда яхши усулдир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2657 Қамуғ эдгү сөзләр битигдә болур
Битинмиш үчүн сөз унытмас қалур

2658 Битимәди эрсә битигли битиг
Нэкү билгәй эрдиң бу ҳикмат билиг

2659 Битиб қодмаса эрди билгә бөгү
Бизиңгә узақығ ким эрди тэгү

2660 Йоқ эрсә битиг бу кишиләр ара
Тилин сөзкә ким бүтгәй эрди көрә

2661 Киши элдин элкә сөз ыдғу болур
Битиг болмаса тил нэчә сөзләйүр

2662 Эди кәд кэрәклиг турур бу битиг
Битиг бирлә бэгләр этәр эл этиг

101б 2663 Бу бэгләр ишингә тосулур киши
Бу үч түрлүг-ул көр эй элчи башы

2664 Бириси билиглиг уқушлуғ бөгү
Тақы бир битигчи турур сөзләгү

2665 Үчүнчи күр эрсиг эр-ул тоң йүрәк
Йағықа бөрикә бу эрсиг кэрәк

2666 Уқушлуғ билиглиг бу өглүг бөгү
Кэңәшкә тосулур аңар нэ тэгү

2667 Қамуғ эл ишин барча этгән битиг
Битигин тутар эл киришин тэтиг

2668 Қылыч алса эрсиг эрән ишләсә
Йағы байны йанчса үзә игләсә

2669 Йумытса қайуда бу үч түрлүг эр
Тиләкин булур эр тиләк арзу йэр

2670 Буларда наруқы қалын бу қуту
Бу үчкә уду бардачы-ул бүтү

2671 Қылыч бирлә тутлур қалы тутса эл
Қалам бирлә баслур қалы басса эл



www.ziyouz.com kutubxonasi

2657 Барча эзгу сӯзлар ёзувда бӯлади,
Ёзилган бӯлганлиги учун сӯз унутилмайди, (абадий) қолади.

2658 Ёзувчи(лар) китоб ёзмаганда эди,
Ҳикматни, билимни қандай қилиб билардинг.

2659 Билимдон, доно(лар) ёзиб қолдирмаганда эди,
Бизларга ӯтмишни ким айтиб берарди.

2660 Кишилар ӯртасида бу ёзув бӯлмаса,
Оғзаки сӯзга ким ишонган бӯларди, кӯргин.

2661 Киши(лар) элдан-элга хабар юбориш(лари)га тӯғри келади,
Ёзув бӯлмаса, тил (уни) қандай қилиб (тугал) сӯзлайди.

2662 Ёзув жуда ҳам кераклидир,
Ёзув билан беглар элни идора қилади(лар).

2663 Бегларнинг иш(лар)ига фойдаси тегадиган киши(лар),
Уч турлидир(лар), кӯргин, эй элчи боши.

2664 Бири — билимли, заковатли доно(лар),
Яна бири — сӯзларни баён қилувчи котиб(лар).

2665 Учинчиси — қӯрқмас, баҳодир, ботир юракли киши(лар),
Ёвга, бӯрига (қарши бориш учун) бу баҳодирлар керак.

2666 Заковатли, билимли, ақлли, доно(лар)
Нима дейиш [яъни жавоб айтиш] керак бӯлганда кенгашга қӯл келади(лар).

2667 Ҳамма эл ишининг барчасини хат изга солади,
Тетик(лар) эл даромадини ёзув туфайли қӯлга олади.

2668 Баҳодир мардлар (қӯлга) қилич олса(лар), (уни)ишга солсалар,
Ёв бӯйнини янчса(лар), улар устига бало келтирса(лар) бӯлади.

2669 Бу уч турли киши қаерда жам бӯлса,
Киши тилагини топади, тилак, орзуга етади.

2670 Булардан ташқари тоифалар талайдир,
(Улар) барчаси бу уч тоифанинг кетидан эргашадилар.

2671 Агар эл олинса, қилич воситасида олинади,
Агар эл бошқарилса, қалам билан бошқарилади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2672 Билигин уқушун тэгиб эл түзэр
Бу үч нэң билә эр ажунуғ сүзәр

2673 Билиг бирлә башлар бэги ул төрү
Уқуш бирлә ишләр қамуғ иш көрү

2674 Қылыч эл түзәр ҳам будун қазғанур
Қалам эл түзәр ҳам хазина урур

2675 Қылыч қан тамызса бэги эл алыр
Қаламда қара тамса алтун кэлир

2676 Бу экки турур бу ажун тутруқы

Оза кэтмиш иш ҳам кэлир отруқы

2677 Айа бэг бу экки улуғ эрдәм-ул
Бөгү элчи бэгләр муны тутғу-ул

102*a* 2678 Муңар мэңзәтү кэлди эмди бу сөз
Эшитгил муны сэн айа эдгү өз

2679 Эди эдгү эрдәм билиг билсә эр
Тақы артуқ эрдәм қылыч урса эр

2680 Қылыч бирлә тутлур талу эдгү эл
Қалам бирлә этлүр тиләк арзу йэр

2681 Көзи тоқ кэрәк ҳам өзи умдусуз
Бағырсақ кэрәк чын өзи қултғусуз

2682 Көзи тоқ киши нэңгә суқланмаз-ул
Киши нэң билә болса арсықмаз-ул

2683 Киши умдучы болса болды болун
Суйурқа аны сэн э көрки толун

2684 Нэчә ма бэг эрсә қул-ул умдучы
Кишидә или умдучы-ул тучы

2685 Суқ эрсә битигчи тилиг артатур
Битир умды бирлә битиг артатур

2686 Күмүш көрсә алтун аңар арсықар
Идиси башын йэр йа баш алсықар



www.ziyouz.com kutubxonasi

2672 Билим, заковат билан англаб (киши) эл тузади,
Бу уч нарса билан киши дунёни тозалайди.

2673 Бег сиёсатни билим билан бошқаради,
Барча ишларни заковат билан кузатиб бажаради.

2674 Қилич эл тузади ҳамда халқларни қўлга киритади,
Қалам эл тузади ҳамда хазина йиғади.

2675 Қилич қон томизса, беги эл олади,
Қаламдан қора (сиёҳ) томса, олтин келади.

2676 Бу оламнинг тутуруғи [яъни ушлаб турувчи мояси] шу иккисидир,
Ўтиб кетган ишлар (учун ҳам) қаршидан келувчи [яъни келаси] ишлар (учун ҳам).

2677 Эй бег, бу икки (нарса) катта фазилатдир,
Доно эл бошловчи беглар бунга амал қилиш(лари) керак.

2678 Бу сўз энди бунга ўхшатишга (мос) келди,
Сен буни эшитгин, эй эзгу киши:

2679 Киши билим билса, бу жуда яхши фазилатдир,
Киши қилич урса, яна ҳам ортиқ санъатдир.

2680 Сара, эзгу эл(лар) қилич билан тутилади,
(Эл) қалам билан яшнайди, тилак-орзу рўёбга чиқади.

2681 Ўзи кўзи тўқ ҳам тамасиз (бўлиши) керак,
Ўзи садоқатли, самимий, тиламайдиган (бўлиши) керак.

2682 Кўзи тўқ киши нарсага суқланмайди,
(Бирор) киши нарсали бўлса, (унга) ҳарислик қилмайди.

2683 Киши тамагир бўлса, нарсага қул бўлади,
Сен унга эҳсон қил, эй чиройи тўлин ой.

2684 Агарчи тамагир бег бўлса ҳам, қулдир,
Кишилар орасида тубани доим тамагирдир.

2685 Котиб суқ бўлса, тилни бузади,
Тама билан ёзади, ёзувни бузади.

2686 Кумуш, олтин кўрса, унга махлиё бўлади,
Хўжасининг бошини ейди ёки бошини олгудай бўлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2687 Бағырсақ тапуғчы ишиг йастанур
Тиләдүктә тутчы қапуғда турур

2688 Бағырсақ тапуғчы бэг асғы тиләр
Таны жаны малын бэгингә үләр

2689 Бор ичмәс кэрәк болса қылқы арығ
Йарағсыз қылынчығ йыратса арығ

2690 Битигчи бор ичсә билигдин тэзәр
Билигдин тэзигли битигдин азар

2691 Битигчи кэчә таңда элдә кэрәк
Нэчәдә кэрәк болса анда кэрәк

2692 Қишидә талула бу экки кишиг
Аңар өтрү бэргил бу экки ишиг

102б 2693 Бириси битигчи хаты бэлгүлүг
Бириси йалава̇ч тили үлгүлүг

2694 Йақында йағуқда йа йат баз ара
Түшәр эрсә өв̇кә булардын көр-ә

2695 Бу экки кишидин түшәр түшсә иш
Бу экки кишиләр этәр этсә иш

2696 Бириси битигдә йаңылса сөзүг
Бириси тили бирлә этсә сүзүг

2697 Битигчи бу йаңлығ кэрәк эй элиг
Ынанса аңар бэрсә болға элиг

2698 Бу йаңлығ кишикә ынанса болур
Қишилик тиләсә анындын кэлүр

2699 Бу эрди эй элиг мэниң билмишим
Өтүндүм элигкә түгәнди ишим

2700 Элиг айды уқтум муны ма өгүн
Тақы бир сөзүм бар аны ай бу күн

2701 Ағычы нэкү-тэг кэрәк ай мэңә
Аңар бүтсә өзүм йэтүрсә нэң-ә



www.ziyouz.com kutubxonasi

2687 Садоқатли хизматкор ишга ётиб ёпишади,
Истаганингда доим даргоҳда туради.

2688 Садоқатли хизматкор бег манфаатини тилайди,
Тани, жони, молини бегига бағишлайди.

2689 Ичимли ичмайдиган, хулқи чиройли (бўлиши) керак,
(Токи) ярамас қилиқларни бартараф қилса.

2690 Котиб ичимлик ичса, билимдан янглишади,
Билимдан янглишган ёзувда хато қилади.

2691 Котиб кечаси ҳам кундузи элда (бўлиши) керак,
Қачон талаб қилинса, ўша пайтда (бўлиши) керак.

2692 Бу икки кишини одамлар орасидан танлаб ол,
Сўнг уларга бу икки ишни бергин.

2693 Бири — хати аниқ котиб,
Бири — тили мавзун элчи.

2694 Яқин-ёвуқда ёки ёт, бегона (эллар) орасида,
Адоват содир бўладиган бўлса, булардан кўргин.

2695 Иш орқага кетса, шу икки киши туфайли кетади,
Ишга ривож берса, шу икки киши беради.

2696 Бири — ёзувда сўздан янглишганда,
Бири — тили билан (шу) сўзни тузатса.

2697 Котиб бу янглиғ (бўлиши) керак, эй элиг,
Унга ишонса, қўл берса [яъни иш топширса] бўлади.

2698 Бу янглиғ кишига ишонса бўлади,
Одамгарчилик исталса, ундан келади.

2699 Эй элиг, менинг билганларим шулар эди,
Элигга баён қилдим, вазифам тугади.

2700 Элиг айтди: Буни ҳам диққат билан уқдим,
Тағин бир сўзим бор, бу кун (энди) уни ҳам айт.

2701 Менга айт, хазиначи қандай (бўлиши) керак,
Токи ўзим унга ишонсам, нарса(лар)ни (сақлашга) топширсам.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2702 Ағы қазнақы тутса алтун кумуш
Ул эр башқа элтсә бу аймыш йумуш

**Баб. Өгдулмиш элигкә ағычы нэку-тэг эр кэрәкин айтур**

2703 Йанут бэрди Өгдулмиш элиг қуты
Сэвуг нәң бу алтун кумуш жан оты

2704 Эди чын бутун кәд кэрәк эр көни
Көңул йаймаса өтру тутса муны

2705 Нэку тэр эшитгил бу сартлар башы
Ажун тэзгиниб нәңгә тэгмиш киши

103*а* 2706 Сэвуг нәң бу жан жанда йэгрәк сэвуг
Кумуш алтун-ул жанда кәдрәк сэвуг

2707 Этилмәс көңулуг этәр бу кумуш
Эгилмәс кишини эгәр бу кумуш

2708 Кумуш көрсә йаңлуқ көңул тутмаса
Йарағай аны чын фариштa тэсә

2709 Көр эр көрди алтун өзи йумшады
Иригсөзлуг эрниң сөзи йумшады

2710 Көзи тоқ кэрәк ҳам қылынчы бутун

Бары арта барса кунингә қутун

2711 Өкуш нәң көру тодмыш эрсә көзи
Йана қорқар эрсә байатқа өзи

2712 Ҳалал ҳам ҳарам адрар эрсә ача
Йарағлығ йарағсызны билсә сэчә

2713 Көзи тоқ кишиләр нәңиң эзләмәс
Бутун чын кишиләр өзин бэкләмәс

2714 Кичигдә көру қалса алтун кумуш
Аның суқлуқы болмас анча өкуш

2715 Өзи қорқар эрсә байатқа қалы
Бу эр тутқа шаксиз көнилик йолы



www.ziyouz.com kutubxonasi

2702 Жавоҳирлар хазинасини, олтин, кумушларни ўз қўлига олса,
Бу айтилган юмушни у киши адо этса.

## Боб. Ўгдулмиш элигга хазиначи қандай киши (бўлиши) кераклигини айтади

2703 Ўгдулмиш жавоб берди: (Эй) бахтли элиг,
Бу олтин, кумуш севимли нарса, жоннинг дармонидир.

2704 Жуда чин, ишончли, яхши, тўғри киши керак,
Кўнгил паришон бўлмаса, сўнг уни (хазиначи қилиб) тутса (бўлади).

2705 Савдогарлар боши нима дейди, эшитгин,
Олам кезиб мол-дунёга эришган киши:

2706 Бу жон (жуда) ширин нарса, жондан яхшироқ ширин (нарса),
Кумуш (ва) олтиндир, (улар) жондан афзалроқ шириндир.

2707 Юмшамас кўнгилни кумуш юмшатади,
Эгилмас кишини кумуш эгади.

2708 Одам кумуш кўрганда кўнгил бермаса,
Уни ҳақиқий фаришта деса арзийди.

2709 Кўр, киши олтин кўргач, ўзи мулойимлашади,
Дағал сўзли кишининг сўзи мулойимлашади.

2710 (Хазиначи) кўзи тўқ ҳамда тутган ишлари тўғри (бўлиши) керак,
(Токи) саодат билан кундан-кунга тобора улуғлаша берса.

2711 Кўп мол-дунё кўриб кўзи тўйган бўлса,
Яна ўзи худодан қўрқадиган бўлса.

2712 Ҳалол ҳамда ҳаромни аниқ фарқлайдиган бўлса,
Яроқли, яроқсизни ажрата билса.

2713 Кўзи тўқ кишилар молингни бекорга совурмайди,
Ишончли, соф кишилар ўз (мавқе)ини мустаҳкамламайди.

2714 Ёшликда олтин, кумуш кўриб қолган бўлса,
Унинг суқлиги унчалик ғолиб бўлмайди.

2715 Агар ўзи худодан қўрқадиган бўлса,
Бундай киши шаксиз ҳақиқат йўлини тутади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2716 Көнилик мун-ул барча эд̇гү асығ
Бу асғы билә болды мәңү татығ

2717 Көни болса йалңуқ күни эд̇гү-ул
Күни эд̇гү болса қуты мәңү-ул

2718 Нәкү тәр эшитгил бағырсақ сөзи
Бу сөз ишкә тутғыл эй аж̇ун түзи

2719 Көңул тил көни тут қылынчың бүтүн
Сәңә кәлгә дунйа бу давлат қутун

2720 Көни болдуң эрсә қутад̇ға күнүң
Саламат тирилгил сәв̇инчин қутун

103б 2721 Бағырсақ кәрәк ҳам уд̇уғ сақ тәтиг
Тәтиглик билә эр қылур миң этиг

2722 Уқушлуғ кәрәк көр йәмә өг көңүл
Ов̇утсуз кишидә йырақ тур тоңул

2723 Ов̇ут-ул тыд̇ығлы йарағсыз ишиг
Ов̇ут этәр-ул қылқы артақ кишиг[60]

2724 Бор ичмәс кәрәк ҳам өзин тутғучы
Өзин тутғучы эр қутуғ тапғучы

2725 Бор ичсә ақылық қылур-ул нәңин
Қишикә үләр нәң алумас тәңин

2726 Бу ишкә ағычы саран эд̇гүрәк
Саранлық билә нәң көд̇зү кәрәк

2727 Бағырсақ тапуғчы көр өзкәй болур
Бу өзкәй тапуғчы бәгин бай қылур

2728 Бағырсақ киши-ул киши өд̇рүми
Бағырсақны бәг тут эй эр көд̇рүми

2729 Ағычы уд̇уғ болса иш артамас
Сақышлығ тутар нәң өзин өртәмәс

2730 Өги болса йаңлуқ унытмас болур
Сану сақну ишләр йаңылмас болур



www.ziyouz.com kutubxonasi

2716 Тўғрилик қалби покликдир, турган-битгани хайр ва нафдир,
Бу нафи туфайли мангулик ҳаловат бўлади.

2717 Одам тўғри бўлса, унинг куни (ҳаёти) ҳаловатлидир,
Куни (ҳаёти) ҳаловатли бўлса, саодати мангудир.

2718 Меҳрибон сўзини эшитгин, нима дейди,
Бу сўзга амал қил, эй дунё яхшиси (ярашиғи):

2719 Кўнгилни, тилни тўғри, хатти-ҳаракатларингни рост тут,
Сенга дунё ва давлат саодат билан келади.

2720 Тўғри бўлсанг, кунинг (ҳаётинг) саодатли бўлади,
(Сўнг) севинч, саодат билан саломат яшагин.

2721 Марҳаматли ҳамда ҳушёр, соқ, тетик (бўлиш) керак,
Тетиклик билан киши минглаб тадбирларни амалга оширади.

2722 Заковатли ҳамда ақл-фаросатли (бўлиш) керак, кўр,
Андишасиз кишидан йироқ тур, юз ўгир.

2723 Ярамас ишнинг олдини олувчи андишадир,
Феъли бузуқ кишини тузатувчи андишадир.

2724 Ичимлик ичмайдиган ҳамда ўзини тутувчи (бўлиш) керак,
Ўзини тутувчи киши бахтга эришади.

2725 Ичимлик ичса, у (киши) мол-дунё билан сахийлик қилади,
Одамларга мол-дунёни совуради, (лекин) эвазини ола олмайди.

2726 Бу иш учун бахил хазиначи яхшироқ,
Бахиллик билан мол-дунёни эҳтиётлаш керак.

2727 Садоқатли хизматкор жонсарак бўлади,
Бу жонсарак хизматкор бегини бой қилади.

2728 Кишининг сараси садоқатли кишидир,
Садоқатлини бег (ўрнида) тут, эй кишилар афзали.

2729 Хазиначи ҳушёр бўлса, иш бузилмайди,
Мол-дунёни ҳисоб билан асрайди, (ўз) жонини койитмайди.

2730 Одам фаросатли бўлса, унутмайдиган бўлади,
Ҳисоблаб, ўйлаб иш юритади, янглишмайдиган бўлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2731 Унытған болур көрсә өгсүз киши
Бу өгсүз ағычы бузар өз иши

2732 Тэтиглик кэрәк қылса түрлүг сақыш
Тетиг болмағынча қалы ад̣рар иш

2733 Битигчи кэрәк уз қамуғ хат билир
Сақышы битигин көд̣әзсә қалыр

2734 Битигчи көд̣әзгү кириш ҳам чықыш
Битигин көд̣әзгү қамуғ түрлүг иш

2735 Йыл ай өд̣ битисә күни бэлгүлүг
Ачуқлуғ ад̣ыртлығ саны бэлгүлүг

104а 2736 Сақыш сақлықы чын битиг бирлә-ул
Битиб қод̣са сақыш қапуғ ачты йол

2737 Нэкү тэр эшитгил бағырсақ киши
Сақыш бирлә бэк тутғу ишчи иши

2738 Битигсиз ишиг бэк тутумас көңүл
Көңүлкә ышанма бити эй оғул

2739 Битисә қалур сөз осанса барыр
Осал болса ишчи сақышта өлир

2740 Билир болса тэкмә бу түрлүг битиг
Анын сақласа өтрү қылса этиг

2741 Сақышқа осанса қайу ишчиләр
Сақыш бэрдүкиндә өлир башчылар

2742 Элиг сақышын билсә артуқ йэтә
Бышурса өги көңли сақиш тута

2743 Элиг сақышында кэчәр эрсә-сэн
Кэрәк ҳандаса сақышы тутса-сэн

2744 Көрү барса йинчкә сақыш ҳандаса
Муны бирлә йэр көк болур-ул саса



www.ziyouz.com kutubxonasi

2731 Фаросатсиз киши кўрганини унутадиган бўлади,
Бундай фаросатсиз хазиначи ўз ишларини бузади.

2732 Турли ҳисоб-китоблар қилмоқчи бўлса, (кишига) тетиклик керак,
Тетик (ҳушёр) бўлмас экан, (киши) ишларни қандай қилиб фарқлайди.

2733 Котиб санъатли, турли ёзувларни биладиган (бўлиши) керак,
(Унинг) ҳисоблари ёзув билан собит қилинса, сақланади.

2734 Котиб кирим ҳам чиқим (қоидалари)га риоя қилиши керак.
Турли хил ишларни ёзувда собит қилиши керак.

2735 Йил, ой, вақт кунларини аниқ ёзса,
Ҳисобини очиқ, фарқли қилиб аниқ (ёзса).

2736 Ҳисоб ҳисоблиги ҳақиқатан ёзув биландир,
Ҳисобни ёзиб қўйса, йўл, эшик(лар)ни очади.

2737 Меҳрли киши нима дейди эшитгин:
Хизматкорлар ишини ҳисоб билан маҳкам тутиш керак.

2738 Ёзувсиз (ҳисобга олинмаган) ишни кўнгил (хотира) мустаҳкам тутмайди,
Кўнгилга (хотирага) ишонма, ёз(иб) қўй, эй ўғил.

2739 Ёзиб қўйса, сўз сақланади, ғофил бўлса, эсдан чиқади,
Хизматкор ғофил бўлса, ҳисоб (бериш пайти)да ўлади (қийналади).

2740 Ҳар турли ёзувларни биладиган бўлса,
Шу билан зийракланса, сўнг тадбирлар кўрса.

2741 Қайси бир хизматчилар ҳисобда адашсалар,
Ҳисоб бериш пайтида бошлиқлар ўлади (қийналади).

2742 Яхши тушунган ҳолда элигнинг ҳисоб-китобини билса,
Хотирада, кўнглида ҳисобни пухта тутса.

2743 Элигнинг ҳисоб-китобидан ўтсанг [яъни вақт орттирсанг],
Ҳандаса ҳисобига киришишинг керак.

2744 Кўра билсанг, ҳандаса ҳисоби нозикдир,
Бунинг билан ер-кўкни ҳисобласа бўлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2745 Нэкү тэр эшитгил э билгә бөгү
Билиглиг сөзи булса аш-тэг йэгү

2746 Эди ма батығ ҳандаса сақышы
Анын тэзгинүр көр ҳакимлар башы

2477 Ақын-тэг барыр бу йэти қат көкүг
Адырты сачым-тэг бирәр сақышы

2748 Билиглиг уқушлуғ кэрәк қылқы түз
Уқушлуғ кишиләр иши барча уз

2749 Билиглиг кишиләр болур чын көни
Көни қайда болса йаруйур күни

2750 Уқуш болмаса эр өзин тутнумас
Билиг болмаса эр ишин этнүмәс

104б 2751 Болур қаршы ичрә ағычы иши
Өзин кәд көдәзгү бу йаңлығ киши

2752 Көңүл тил көни тутса қылқы бүтүн
Аңар тэгмәсә от йалыны түтүн

2753 Көзин кәд көдәзсә тилин бэкләсә
Уқуш бирлә арзу ҳаваға өркләсә

2754 Көзүн көрсә өтрү көңүл арзулар
Көңүл арзу қулса аны ким йығар

2755 Көңүл бэг түрүр йэтти андам үзә
Бэги башласа қулны йүгрүр түз-ә

2756 Эди йақшы аймыш билиглиг сөзүг
Эй эрсиг көдәзгил көңүлүг көзүг

2757 Эт өз йэтти андам көңүлкә үдәр
Көңүл бирлә йалңуқ ағыр йүк йүдәр

2758 Түгәлсиз бадыз-ул көңүлсүз киши
Көңүлсүз киши билгә атын бодар

2759 Кэрәк әлги бэрк сақ кэрәксиз ақы

Сачылмаса өтрү ақы қазнақы



www.ziyouz.com kutubxonasi

2745 Донишли нима дейди, эшитгин, эй билимдон,
Билимли сўзини топсанг, ошдек ейиш керак:

2746 Ҳандаса ҳисоби жуда ҳам чуқурдир,
Ҳакимларнинг боши шу билан айланади (банд бўлади).

2747 Бу етти қават кўкни селдек босади,
(Унинг) ҳар бир амали жала томчиси каби фарқланади.

2748 Билимли, заковатли (бўлиши), феъли тўғри (бўлиши) керак,
Заковатли кишиларнинг ҳамма ишлари манзурдир.

2749 Билимли кишилар, чин, тўғри бўладилар,
Тўғри қаерда бўлса, куни равшан бўлади.

2750 Зеҳн бўлмаса, киши ўзини тутолмайди,
Билим бўлмаса, киши ишини қила олмайди.

2751 Хазиначининг иши сарой ичида бўлади,
Бу янглиғ киши ўзини жуда эҳтиётлаши керак.

2752 Кўнгил, тилини тўғри, феълини рост тутса,
(Токи) унга ўт ёлини, тутун тегмаса.

2753 Кўзини жуда сақласа, тилини маҳкамласа,
Заковат билан орзу-ҳавасни боғласа.

2754 Кўз билан кўргач, сўнг кўнгил орзулайди,
Кўнгил орзуни талаб қилса, уни ким тияди.

2755 Кўнгил етти андом (бутун вужуд) устидан бегдир,
Қул(лар)ни беги бошласа, барчаси югуради.

2756 Билимли сўзни жуда яхши айтибди,
Эй баҳодир, кўнгилни (ва) кўзни сақлагин (тийгин):

2757 Тан-жон, етти андом (бутун вужуд) кўнгилга эргашади,
Кўнгил туфайли одам оғир юк кўтаради (машаққат чекади).

2758 Кўнгилсиз киши тугалланмаган суратдир,
Кўнгилсиз киши доно отини булғайди.

2759 (Бу ишга) қўли қаттиқ (тежамли), соқ (киши) керак, сахий киши (керак) эмас,
Токи шу туфайли сахийнинг хазинаси сочилиб кетмасин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2760 Ақылық эди кәд̇ аны қод̇мағу
Киши малы бирлә ақы болмағу

2761 Сатығчы кәрәк билсә түрлүг сатығ
Сатығ билмәсә эр қылумас асығ

2762 Қамуғ нәң тав̇арығ билигли кәрәк
Ағырын ужузун уқуғлы кәрәк

2763 Билир болса қиймат ул арсықмаса
Сатыгда тав̇уғда нәң алсықмаса

2764 Алымқа бәримкә оңай болса өз
Улуғқа кичигкә сүчиг тутса сөз

2765 Нәкү өтнү алса йана бәрсә тәрк
Аңар бәргәләр нәң қачан қулса тәрк

105*a* 2766 Сатығқа оңай болса қылқы көни
Аңар эксүмәс нәң кәрәклиг күни

2767 Қалы бәрсә бәгләр эрәтқа ачығ
Тәгүрсә аны булмаса буздачығ

2768 Ачығ тыд̇са ишчи эрәт көңли сыр

Эрәт көңли сынса алыр бәгкә кир.

2769 Нәкү тәр эшитгил ақылар башы
Көңүлкә алынғыл э чырғуй киши

2770 Сәв̇әриг сәв̇үгсүз қылайын тәсә
Тилин айғу нәңни тыд̇ыб бәрмәсә

2771 Айыб бәрмәгү нәң тилин аймағу
Тилин айдың эрсә аны тыд̇мағу

2772 Сөзин қыйса бәгләр умунч көтрүлүр
Умунч кәтти эрсә нәңин қутрулур

2773 Уд̇уғ сақ кәрәк кәд̇ кәрәксиз азақ
Азақ болса ишчи болур иш узақ



www.ziyouz.com kutubxonasi

2760 Сахийлик жуда яхши, уни ташламаслик керак,
(Лекин) ўзга моли билан сахийлик қилиш керак эмас.

2761 Савдога уста бўлиши, турли савдоларни билиши керак,
Савдони билмаса, одам фойда қила олмайди.

2762 Турли мол ва товарларни биладиган (бўлиши) керак,
Қиммат-арзонини тушунадиган (бўлиши) керак.

2763 Баҳони биладиган бўлса, токи алданмаса,
Олди-соттида мол (орттириб) олишга интилмаса.

2764 Олди-бердига ўзи вафоли бўлса,
Катта-кичикка ширин сўз қилса.

2765 Нима сўраб олса, яна тез берса,
(Шундагина) қачон сўраса, унга дарҳол нарса берадилар.

2766 Савдо-сотиқда рост бўлса, феъли тўғри бўлса,
Керак пайтида унга нарса топилмай қолмайди.

2767 Агар беглар аскарларига инъом бергудай бўлса,
Уни тугал етказса, (инъомни берувчилардан бирорта ҳам)
ҳиёнат қилувчини топмаса.

2768 Хизматчи (хазиначи) инъомни тутиб қолса, аскарларнинг
кўнгли синади (оғрийди).
Аскарнинг кўнгли оғриса, бегга нисбатан (кўнглида) кир
сақлайди.

2769 Сахийлар боши нима дейди, эшитгин,
Кўнглингга жо қилиб ол, эй ночор киши:

2770 (Ким) севувчини севмайдиган қилайин деса,
Ваъда қилинган нарсани тийиб, бермайди.

2771 Айтиб қўйиб, бермайдиган нарсани ваъда қилиш керак эмас.
Ваъда қилдингми, у (нарса)ни тиймагин (аямагин).

2772 Беглар ваъдасини бузса, ишонч йўқолади,
Ишонч йўқолса, мол-дунёнг бўшайди (камаяди).

2773 Ҳушёр, соқ (киши) керак, суст (киши) кераксиз,
Хизматчи суст бўлса, иш узоққа чўзилади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2774 Бу бэгләркә тапнур тапуғчы қамуғ
Муңад̇ыб кәлиб тутты тапғун қапуғ

2775 Муңад̇са тапуғчы әлиг тарлықын
Бэги эштиб ыд̇са ачығ йарлығын

2776 Узатса ағычы бу нәң бэрмәсә
Муңад̇мыш тапуғчы тоңулгай баса

2777 Қәрәкиндә булса киши өз муңы
Йам эрсә йаңанча болур-ул тэңи

2778 Нэкү тэр эшитгил бу көкчин сэңә
Муңад̇мыш муңынга йара эй тоңа

2779 Тиләмиштә булса тиләгли нәңин
Йанут қылса болмас жаныда өңин

2780 Кәрәк өд̇тә бир йам йаңанча болур
Қамуғ нәңгә йаңзағ муну бу йаңын

105б 2781 Бу йаңлығ киши булса эмди элиг
Уқушлуғ билиглиг ов̇утлуғ силиг

2782 Аңа бэрсә болғай ағы қазнақы
Ынаса йарағай көд̇әзсә ҳақы

2783 Элиг айды уқтум йаруттуң мэни
Тақы бир сөзүм бар айу бэр аны

2784 Айақ тэрги башлар бу аш башчысы
Нэкү-тэг кәрәк айғыл аш ишчиси

2785 Сэзигсиз йэсә бэг анынд̇ын ашығ
Ынанса аңар бэг көд̇әзсә башығ

2786 Эд̇и тэрс турур бу аш ичгү йэгу
Сэзиглиг кишидин йэсә эй бөгү

2787 Муны ма айу бэргил эмди мэңә
Биләйин уқайын эй эрсиг тоңа



www.ziyouz.com kutubxonasi

2774 Бегларга хизмат қилувчи хизматкорлар барчаси,
Ҳожатманд бўлиб келиб хизмат эшигини тутади.

2775 Хизматкор қўли қисқалигидан ҳожатманд бўлса,
Беги (буни) эшитиб инъом ҳақида ёрлиғ юборса.

2776 Хазиначи (ёрлиғни) чўзиб мол бермаса,
Ҳожатманд хизматкор зинҳор умидини узади.

2777 Лозим бўлганда киши ўз ҳожатини топса,
Хас бўлса ҳам, у филга тенг бўлади,

2778 Бу мўйсафид сенга нима дейди, эшитгин,
Ҳожатманднинг ҳожатига яра, эй баҳодир:

2779 (Киши) керак нарсасини тилаганда топса,
Жонидан бошқа (нарса)ни эвазига берса бўлмайди.

2780 Керак пайтида бир хас филча бўлади,
Мана бу тарз ҳамма нарсага мос (хос)дир.

2781 Энди элиг бу янглиғ кишини топса,
Заковатли, билимли, уят-андишали, зариф (кишини).

2782 Қимматбаҳо хазинасини унга топширса бўлади,
(Унга) ишонса, унинг ҳақларини (ҳам) инобатга олса арзийди.

2783 Элиг айтди: Тушундим, мени хабардор қилдинг,
Яна бир сўзим бор, уни айтиб бер.

2784 Лаган-дастурхон мутасаддиси, ош (ноз-неъматлар) бошлиғи,
Ош (ноз-неъматлар) хизматчиси қандай бўлиши керак, айтгин.

2785 (Токи) бег ундан овқатларни шубҳаланмасдан еса,
Бег унга ишонса, ўз бошини сақласа.

2786 Овқат ичиш ва ейиш — бу жуда қийин (ҳавфли)дир,
Агар (овқатни) шубҳали киши (қўли)дан ейилса, эй доно.

2787 Энди менга буни ҳам айтиб бергин,
Билайин, тушунайин, эй мард баҳодир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Б а б. Өгдүлмиш элигкә аш башчы хан салар нәкү-тәг кәрәкин айур**

2788 Йанут бәрди Өгдүлмиш айды элиг
Бу ишкә бүтүн эр кәрәк кәд силиг

2789 Қишидә талусы көни чын киши
Өдүргү аңар бәргү аш сув иши

2790 Бу ишкә эди чын бүтүн эр тилә
Бағырсақ тапуғсақ овуты билә

2791 Бағырсақ тапуғчы бүтүн чын киши
Бәгингә йулуғлар эт өз жан башы

2792 Боғуздын болур барча бәгкә хатар
Ишин қылса ашчы аны ким йәтәр

2793 Қамуғ йәрдә бәгләр көдәзгү өзин
Йэгү ичгүдә ачғу сақлық көзин

106*а* 2794 Будун башлар эркә болур миң йағы
Йағы болса кимкә йадығлығ ағы

2795 Бүтүн чын бышығ болмаса бу киши
Хатарлығ болур ашта бәгләр иши

2796 Муңар кәчки эски тапуғчы кәрәк
Ачыйу сүчийү ашын бәрсә тәрк

2797 Тәлим тапғы эрсә өкүш эмгәки
Аңар бутсә болғай ачытмыш бәки

2798 Нәку тәр эшитгил киши эдгүси
Қалы таңламыш-тәг уқуш бәлгүси

2799 Қайу нәңгә эмгәк қатылса өкүш
Сәвүг болды ул нәң қамуғда көшүш

2800 Қайу нәңгә ыдса тириглик киши
Сәвүг болды ул нәң сәвүг жан түши



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Боб. Ўгдулмиш элигга ош бошчи — хон солор қандай бўлиши кераклигини айтади

2788 Ўгдулми жавоб берди, айтди: элиг,
Бу иш учун ишончли, жуда хушрўй киши керак.

2789 Одамлар орасидан сара, тўғри, чин кишини
Танлаб олиш ва ош-сув ишини унга топшириш керак.

2790 Бу иш учун жуда чин, ишончли одам иста,
Садоқатли, хизматга содиқ, уят-андишали бўлсин.

2791 Садоқатли хизматкор, ишончли, чин киши
Беги учун вужудини, жонини, бошини фидо қилади.

2792 Бег учун барча хатар бўғиздан (томоқдан) бўлади,
Ошчиси (қиладиган қора) ишларини қилиб қўйса, уни ким билади.

2793 Ҳар қандай ерда беглар ўзини эҳтиёт қилишлари керак,
Ейиш-ичишда соқлик (ҳушёрлик) кўзини очишлари керак.

2794 Халқни бошловчи кишининг минглаб душмани бўлади,
Кимнинг душмани бўлса, (унга) дом ёзилган бўлади.

2795 Бу киши (ош боши) ишончли, чин, пишиқ бўлмаса,
Овқат (ейиш)да бегларнинг иши хатарли бўлади.

2796 Бунга кечки [яъни тажрибали], эски (кўпни кўрган) хизматкор керак.
Аччиқ, чучугини тотиб кўриб тез овқатини берса.

2797 Хизматлари катта, меҳнати кўп (сингган) бўлса,
Унга ишонса бўлади, чунки (унинг) сирлари маълумдир.

2798 Кишиларнинг эзгуси нима дейди, эшитгин,
(Унинг) заковат белгиси қандай танг қоларли даражада:

2799 Қайси нарсага кўп меҳнат қўшилса,
Ўша нарса севимли, ҳамма (нарса)дан азиз бўлади.

2800 Қайси нарсага киши умрини сарф қилса,
Ўша нарса ширин жон баробарида севимли бўлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2801 Тириглик эсиз эрмәс эмгәк эсиз
Бу эмгәккә бэрмәс тириглик эсиз

2802 Тириглик барыр эр ачылмас тилин
Йав̇а болса эмгәк ачыр кэч йылын

2803 Қөзи тоқ кэрәк кәд̇ йэма көңли бай
Арығлық кэрәк ҳам йүзи көрки ай

2804 Сақынуқ кэрәк дин шариъат билир
Бу мундағ кишидин бүтүнлүк кэлир

2805 Арығ болды бэгләр тад̇усы өзи
Арығ болмаса аш қачан йэр қозы

2806 Арығ болса ашчы арығ аш йайур
Арығ болса аш сув̇ сэв̇ә кәд̇ йэлүр

2807 Қөзи суқ киши ашқа суқлуқ қылур
Әлиг тэгрүр ашқа ашығ артатур

2808 Қөзи суқ кишиниң қылынчы йиг-ул
Қылынч йиглики эркә тэңсиз иг-ул

106б 2809 Нэчә ма бүтүн чын эр эрсә көни
Аныңда бүтүн чын өзүң бил муны

2810 Бүтүн тутғу барча кишиг бол бышығ
Өзүң кәд̇ көд̇әзиб көд̇әзгү башығ

2811 Муңар мэңзәтү кэлди эмди бу сөз
Унытма бу сөзни айа эд̇гү өз

2812 Қамуғны бүтүн тут көд̇әзгил өзүң
Өзүңгә бағырсақ сэниң өз көзүң

2813 Қамуғда ъазизрәк бу жаның ъазиз
Ъазиз жанны бэк тут узатма сөзүң

2814 Йүзи көрки көрклүг кэрәк қылқы уз
Йүлүг болса бод̇луғ тили көңли түз

2815 Бу көрклүг киши көзкә көрнүр арығ
Арығ болмаса аш боғузқа қарығ



www.ziyouz.com kutubxonasi

2801 (Ўтган) умр эсиз эмас, (синган) меҳнат эсиз,
Бу (синган) меҳнатга (унинг баробарида) умр берилмайди, афсус.

2802 Умр ўтади, (лекин) киши оғиз (ҳам) очмайди,
Меҳнат беҳуда кетса (чи), узоқ йиллаб ачинади.

2803 Жуда кўзи тўқ, яна кўнгли бой (бўлиши) керак,
Софлик даркор ҳам юз чиройи ой (дек бўлиши) керак.

1804 (Чуқур) мулоҳазали, дин, шариатни биладиган (бўлиши) керак,
Бундай кишидан ишончлилик келади.

2805 Бегларнинг табиатлари нозик бўлади,
Овқат покиза бўлмаса, (улар) қачон ейди(лар), (эй) қўзи.

2806 Ошпаз покиза бўлса, покиза овқат ёяди,
Ош-сув покиза бўлса, жуда севилиб ейилади.

2807 Кўзи суқ киши овқатга суқлик қилади,
Овқатга қўл тегизади, овқатни бўлғайди.

2808 Кўзи суқ кишининг қилмиши (тутган ишлари) баддир,
Қилмиш бадлиги киши учун тенгсиз дарддир.

2809 Қанчалик ишончли, чин, тўғри киши бўлмасин,
Ундан (ҳам) ишончли, чин ўзингдирсан, буни билиб қўй.

2810 Барча кишиларни ишончли тут, (ўзинг) пишиқ бўл,
Ўзингни жуда авайла, бошингга эҳтиёт бўл.

2811 Бунга ўхшатишга энди бу сўз (ўринли) келди,
Бу сўзни унутма, эй эзгу жон (киши):

2812 Ҳаммани ишончли тут, ўзингга эҳтиёт бўл,
Жонингга жонкуяр сенинг ўз кўзингдир.

2813 Ҳамма (нарса)дан азизроқ бу жонинг азиздир,
Азиз жонни эҳтиёт қил, сўзингни чўзма.

2814 Юз кўрки чиройли, хулқи хуш (бўлиши) керак,
Хушрўй, келишган, тили ва дили тўғри (бўлиши) керак.

2815 Кўркли киши кўзга покиза кўринади,
Покиза бўлмаса, ош бўғизга тиқилади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2816 Арығлықны сэвмиш турур бир байат
Арығлық билә эр булур эдгү ат

2817 Арығлықны барча кишиләр тиләр
Арығ болса аш сув киши арзулар

2818 Йырақ тутғу ашта арығсыз киши
Арығсыз кишиниң арығсыз ашы

2819 Көнилик кэрәк ҳам бүтүн чын қылық

Көни болмаса эр түзүлмәс йорық

2820 Қалы эгри болса бу аш башчысы
Қамуғ эгри болды анық ишчиси

2821 Йумытса қалын йиг бу аш оғрысы
Қачан көрки кэлгәй бэги тэргиси

2822 Көнилик кэрәк эркә эдгү қылынч
Анын булса өтрү тиләмиш сэвинч

2823 Нэкү тэр эшитгил көни қылқлығ эр
Көни қылқы болса ажун бүтрү йэр

107а 2824 Көни қайда болса қутадур күни
Түнәрмәс күни эр йурыса көни

2825 Хийанат қайу йэрдә урса адақ
Асығ бэргү барча қачар кэд йырақ

2826 Хийанат киши қайда урса әлиг
Тэңиз эрсә соғлур қурытур йэриг

2827 Бағырсақ кэрәк кэд бэгини сэвәр
Овутлуғ кэрәк кэд өзини йығар

2828 Бағырсақ киши бэгкә өзкәй болур
Бу өзкәй киши тапғы асғы булур

2829 Уқушлуғ кэрәк ҳам билиглиг кэрәк
Өди болса ашқа эриклиг кэрәк

2830 Төричә йурыса тапуғ қылса өз
Кирүрдә чықарда көни тутса көз



www.ziyouz.com kutubxonasi

2816 Покизаликни яккаю ягона худо манзур кўради,
Покизалик туфайли киши яхши (деган) ном олади.

2817 Покизаликни барча кишилар истайди,
Ош-сув покиза бўлса, (уларни) орзулайди.

2818 Нопок кишини овқатдан йироқ тутиш керак,
Нопок кишининг овқати нопок (бўлади).

2819 Тўғрилик лозим ҳамда тутган ишлари ишончли, чин (бўлиши) керак,
Киши тўғри бўлмаса, йўл-йўриқ тузилмайди.

2820 Агар ош мутасаддиси эгри бўлса,
(Унинг қўл остидаги) хизматчиларининг барчаси эгри бўлади.

2821 Кўп ярамаслар — бу овқат ўғрилари жамулжам бўлса,
Бегининг дастурхони қачон чирой касб этади (қанақасига тўкин бўлади).

2822 Киши учун тўғрилик, манзур ахлоқ лозим,
(Токи) шу туфайли тилаган севинчига эришса.

2823 Тўғри феълу хуйлик киши нима дейди, эшитгин,
Феъли тўғри бўлса, (киши) оламдан тугал манфаат олади.

2824 Тўғри (киши) қаерда бўлса (ҳам) кунлари бахтиёр бўлади,
Киши тўғри юрса, (ёруғ) туни қоронғулашмайди.

2825 Қаерда хиёнат оёққа турса,
Барча манфаат келтирувчи жуда узоққа қочади.

2826 Хиёнатли киши қаерга қўл урса,
Денгиз бўлса шимиради, ерни қуритади.

2827 Жонкуяр, бегини жуда севадиган киши даркор,
Уят-андишали, ниҳоятда ўзини тутадиган (киши) керак.

2828 Меҳрибон киши бег учун жонкуяр бўлади,
Бу жонкуяр кишининг хизмати фойда келтиради.

2829 Заковатли ҳамда билимли (бўлиши) керак,
Фурсати келганда овқат (тайёрлаш)га чаққон (бўлиши) керак

2830 Қоида бўйича юрса, ўзи хизмат қилса,
Кириш-чиқишда кўзини тўғри тутса.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2831 Уқуш ишкә тутса көḋәзсә өзин
Билиг ишкә тутса тыḋуса көзин

2832 Вафа қылса бэгкә тиләб эḋгү ат
Ул ат бирлә эḋгү қалыр мәңү ат

2833 Уқушлуғ кишиләр ат эḋгү қулур
Билиглиг кишиләр ынанчлығ болур

2834 Уқушлуғ кишидин кишилик кәлүр
Билиглиг кишиләр кишиси болур

2835 Нэкү тэр эшитгил уқушлуғ киши
Уқушлуғ киши-ул кишиḋә башы

2836 Уқушлуғ вафалығ киши түзүни
**Йулуғлар** кишикә қамуғ өзини

2837 Арығсыз жафалығ қылынчы отун
Қалы айды эрсәр қыйар сөзини

2838 Муну айдым эмди эй элиг киши
Бу йаңлығ кәрәк болса ашчы башы

107*б* 2839 Қириб өтрү тэрги айақ башласа
Анындын бэги аш сэзигсиз йэсә

2840 Бу эрди эй элиг өзүм билмишин
Айу бэрдим эмди көңүл булмышын

2841 Элиг айды уқтум эшиттим муны
Тақы бир сөзүм бар айу бэр аны

2842 Мәңә айғыл эмди иḋишчи башы
Нэкү-тэг кәрәк қылса ичгү иши

2843 Ынанса аңар бэг нэ көңли бүтүб
Алыб ичсә ичгү аны чын тутуб

**Б а б. Өгдүлмиш элигкә иḋишчи башы нэкү-тэг кәрәкин айур**

**2844 Йанут бэрди Өгдүлмиш айды элиг**
Муңар ма эḋи кәḋ йэтүрсү билиг



www.ziyouz.com kutubxonasi

2831 Заковат билан иш қилса, ўзига эҳтиёт бўлса,
Билим билан иш қилса, кўзини тийса.

2832 (Ўзига) яхши ном тилаб, бегига вафо қилса,
Бу ном билан мангулик хайрли ном қолади.

2933 Заковатли кишилар эзгу ном тилайдилар,
Билимли кишилар ишончли бўладилар.

2834 Заковатли кишидан одамгарчилик келади,
Билимли — кишиларнинг кишиси бўлади.

2835 Заковатли киши нима дейди, эшитгин,
Заковатли киши — кишилар сарвари:

2836 Заковатли, вафоли, киши(лар)нинг яхшиси
Одамга бутун жонини фидо қилади.

2837 Нопок, жафокор, қилмишлари тубан (киши),
Агарчи ваъда берган бўлса ҳам, сўзидан қайтади.

2838 Мана, айтдим энди, эй элиг киши,
Ош мутасаддиси мана шу янглиғ бўлиши керак.

2839 Кириб ўтириб дастурхон-лаганга бош бўлса,
Беги унинг қўлидан шубҳаланмасдан овқат еса.

2840 (Мана) шулар эди, эй элиг, ўзим билганларимни,
Ақлим етганларни энди сенга айтиб бердим.

2841 Элиг айтди: Буни тушундим, эшитдим,
Яна бир сўзим бор, уни (ҳам) айтиб бер.

2842 Менга айтгин энди, шаробдор(лар) бошлиғи
Қандай бўлиши керак, токи у шарбат иши билан банд бўлса.

2843 Бег унга инонса ва кўнгли ишониб,
Уни чин деб билиб, (қўлидан) шарбат олиб ичса.

**Боб. Ўгдулмиш элигга шаробдор(лар) бошлиғи қандай бўлиши кераклигини айтади**

2844 Жавоб берди Ўгдулмиш, айтди: Элиг
Бунга ҳам билимни жуда яхши ишга солсин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2845 Уз игд̆иш кэрэк кэд̆ сынамыш йылын
Көңүл басмыш эрсэ көнитмиш йолын

2846 Бүтүн чын бағырсақ көзи көңли тоқ
Көни болса қылқы масал атғу оқ

2847 Анын өтрү болса ид̆иш тутғучы

Йарағай бу ишкэ йэтилгэй күчи

2848 Қамуғ түрлүг отлар ид̆ишчи тутар
Гувариш йа маъжун йа ч̣урны қатар

2849 Тэлим түрлүг отлар аныңда болур
Йэгү йалғағу от йа ичгү қулур

2850 Қуруғ өл йэмиш тут йа ичгү сүчиг
Аныңдын болур бу боғузқа кэчиг

2851 Боғуздын болур барча бэгкэ хатар
Боғуз татғы ашчы ид̆ишчи тутар

108а 2852 Бу ашчы ид̆ишчи бүтүн болмаса
Эд̆и сарп болур бэгкэ ичсэ йэсэ

2853 Нэкү тэр эшит эй билиглиг бөгү
Боғуз кэд̆ көд̆эзгү аш ақру йэгү

2854 Боғузуғ көд̆эзсэ башынга асығ
Ашығ аз йэсэ бу ағызқа татығ

2855 Өкүш көрдүм эрни йав̇а қылды йаш
Көд̆эзмэди боғуздын болур ҳам аңар от эми

2856 Боғуздын кирүр иг кишикэ кэми
Көд̆эзмэди боғзын қувы қылды йаш[61]

2857 Уқушлуғ кэрэк ҳам билиг кэд̆ билир

Уқушлуғ кишидин кишилик кэлир

2858 Эсизкэ қатылмас уқушлуғ киши
Бүтүн чын болур бу билиглиг иши



www.ziyouz.com kutubxonasi

2845 Моҳир Эгдиш[42] даркор, йиллар давомида синалган,
Кўнглини босиб олган, йўлини тўғрилаб олган.

2846 Ишончли, чин, жонкуяр, кўзи, кўнгли тўқ,
Феъли мисоли отиладиган ўқ каби тўғри бўлса.

2847 Ана шу (сифатлар) билан қадаҳ тутгувчи бўлса [яъни қадаҳ ишларини бошқарса]
Ярайди, бу ишнинг уддасидан чиқади.

2848 Ҳамма турли дориларни шаробдор сақлайди,
Гувориш[43] ё маъжун[44], ё чурни[45] аралаштиради (ҳозирлайди).

2849 Талай турли дори-дармонлар унда бўлади,
Ейдиган, ялайдиган ё ичадиган (дорилар) сўрасанг.

2850 Қуруқ, ҳўл мева дейсанми ё ичиладиган шарбат,
Бўғизга кирадиган (нарсалар) шуларда бўлади.

2851 Барча бегларга хатар томоқдан бўлади,
Бўғизнинг лаззатини ошпаз, шаробдор тутади.

2852 Бу ошпаз, шаробдор ишончли бўлмаса,
Бег ичиб-ейдиган бўлса, қийин бўлади.

2853 Эй, эшит, билимли доно нима дейди:
Томоққа жуда эҳтиёт бўлиш, овқатни оҳиста ейиш керак.

2854 Томоққа эҳтиёт бўлинса, бошинг учун фойдадир,
Овқатни оз ейилса, бу оғизга лаззатдир.

2855 Бошини увол қилган кишиларни кўп кўрганман,
(Улар) нафсини тиймасдан умрини бахтсиз қилганлар.

2856 Кишига бало кам-кам бўғиздан киради,
Унинг дору-дармони ҳам бўғиздан бўлади.

2857 Заковатли бўлиши ҳамда билимни яхши биладиган (бўлиши) керак,
Заковатли кишидан одамгарчилик келади.

2858 Заковатли киши ёмонга аралашмайди,
Билимлининг иши ишончли, чин бўлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2859 Қөни эрмэсэ күйгэй эрди отун
Қөни турмаса көр болур ар болун

2860 Қөни бол сэн иш қыл эй эрсиг бэгим
Қөниликтэ таштын йоқ эрмиш йэгим

2861 Ид̇ишчи башы кэд̇ қуйуғ эр кэрэк
Қөни тутса өтрү көңүл өг йүрэк

2862 Қөнилик үзэ ишлэсэ иш бүтүн
Йақурмаса өзкэ йарағсыз отун

2863 Өз элги билэ қатса ичгү көрүб
Өзи бэклэсэ қод̇са тамға уруб

2864 Йэгү ичгү қатмыш қамуғ отларығ
Өз элги билэ қатса тутса арығ

2865 Қуруғ өл йэмиш йа жулаңбин жулаб
Өзи қатғу тутғу бу барча шараб

2866 Ачыну сүчинү бағырсақлықын
Ид̇ишин көд̇эзсэ өтэсэ ҳақын

108б 2867 Кирүр өтрү эмгэк бэги тапғынга
Ул эмгэк тосулур қулы асғынга

2868 Қайу нэңгэ кирсэ киши эмгэки
Ошул нэндэ болды жанының көки

2869 Муңар мэңзэтү сөзлэди сөз силиг
Силиглэр сөзи кэрсэ барча билиг

2870 Қайу нэңгэ кирсэ киши эмгэки
Сэв̇үг болды ул нэң сэв̇үг жан көки

2871 Киши эмгэк ыд̇са тириглик ыд̇ыб
Аны сэв̇гү йүд̇гү йүд̇үрсэ йүки

2872 Бу йаңлығ булунса ид̇ишчи башы
Аңар бэрсэ болғай ид̇ишчи иши

2873 Мунунда басақы бу бушғутлары
Сақалсыз кэрэк барча көрки бары



www.ziyouz.com kutubxonasi

2859 Тўғри бўлмаганида ёғоч ўтда куярди,
Тўғри турмаса мард тутқун бўлади, кўр.

2860 Сен тўғри бўлиб иш тут, эй баҳодир бегим,
Тўғриликдан ташқари (ҳеч қандай) ғаразим йўқ.

2861 Шаробдор жуда самимий киши бўлиши керак,
Сўнг кўнгли, ақли ва юрагини соф тутса.

2862 Барча юмушларни софлик билан бажарса,
Яроқсиз, пасткашларни ўзига яқинлаштирмаса.

2863 Ичимликларни текшириб ўз қўли билан тайёрласа,
Ўзи беркитиб, тамға уриб қўйса.

2864 Ейиш, ичишга ҳозирланадиган барча дориворларни
Ўз қўли билан ҳозирласа, покиза тутса.

2865 Қуруқ, хўл мева ё шарбат (ва) гулобни
(Ва) ҳар хил шаробларни ўзи ҳозирлаши ва сақлаши керак.

2866 Очилиб, ёзилиб, самимият билан
Қадаҳларни сақласа, ўз вазифасини ўтаса.

2867 Сўнграгина меҳнати беги хизматига сингади,
Шу меҳнат қулининг манфаатига қўл келади.

2868 Қайси бир нарсага киши меҳнати сингса,
Жон риштаси ўша нарсада бўлади.

2869 Оқил сўзни бунга (жуда) мослаб сўзлагандир,
Оқиллар сўзи, агар кўра билсанг, мутлақо билимдир:

2870 Қайси бир нарсага киши меҳнати сингса,
Ўша нарса севимли жон риштасидек севимли бўлади.

2871 Киши тириклик сарфлаб меҳнат сарфласа,
Уни севиш, агар торттирса, ташвишини (ҳам бирга) тортиш керак.

2872 Бу сифат соқийлар боши топилгудек бўлса,
Соқийлар ишини унга топширса бўлади.

2873 Бундан ташқари унинг шогирдлари,
Барчаси соқолсиз, чиройли бўлиши керак.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2874 Бу ишкә мунуң-тэг силиг эр кэрәк
Мунуң тапғы көрки йарутса йүрәк

2875 Йалың йүзлүг оғлан толун-тэг йүзи
Боды тал қара сач бэдиз-тэг өзи

2876 Бэли болса йылмық йана йарны кэң
Өрүң болса қыртыш қызыл қырғу эң

2877 Йашыл көк сарығ ал ағы тон кэдиб
Ашағу көтүрсә йарашур йурыб

2878 Сақалсыз кэрәк бу идишчи арығ
Көдәзилсә ичгүдә қыл тү йамығ

2879 Идиштә тү болса йарағсыз болур
Тү аш сувқа түшсә татығсыз болур

2880 Мунын айды болға билиг бэргүчи
Сақалсыз кэрәк тэб идиш тутғучы

2881 Идишчи арығ болса көрклүг йүзи
Аныңдын сиңәр ичсә ичгү қозы

109а 2882 Нэкү тутса көрклүг киши қылқы уз
Йарашур алыр көр бу жан үлги өз

2883 Нэкү тэр эшитгил бу байт айғучы
Эшитгил муны сэн айа билгүчи

2884 Йүзи көрки көрклүг кэрәк қылқы уз
Нэкү тутса андын тамар барча туз

2885 Қарын ачмыш өзкә йүзи көрсә аш
Усуб сувсамышқа көрүб қанғусуз

2886 Идишчи башы көр ош андағ кэрәк
Идиш тутғучылар бу мундағ кэрәк

2887 Ынанса аңар өтрү бэгләр бүтүб
Йақын тутса болғай бүтүн чын тутуб

2888 Эй элиг қач ишкә эр өдрүм тилә
Бағырсақ көзи тоқ овуты билә



www.ziyouz.com kutubxonasi

2874 Бу ишга мана шундай сезгир киши керак,
Токи унинг хизматлари, чиройи дил(лар)ни очса.

2875 Чеҳраси очиқ, навқирон, юзи ойдек,
Қомати дол, қора соч, ўзи қуйиб қўйгандек (бўлса).

2876 Бели хипча, яна яғрини кенг бўлса,
Бадан ранги оқ, юзи қизил, арғувон (ранг) бўлса,

2877 Яшил, кўк, сариқ, арғувон ипакли кийим кийиб,
Таом кўтариб юрса ярашади.

2878 Соқий соқолсиз, покиза бўлиши керак,
Токи ичимликларга қил, тук, хас-чўп тушишига эҳтиёт бўлинса.

2879 Қадаҳда тук бўлса, хунук бўлади,
Тук ош-сувга тушса, лаззатсиз бўлади.

2880 Шунинг учун бўлса керак, таълим берувчи айтган:
Сoғар тутувчи соқолсиз (бўлиши) керак, деб (айтган).

2881 Соқий покиза, юзи чиройли бўлса,
Унинг қўлидан ичсанг, ичимлик татийди.

2882 Чиройли, хулқи хуш киши нимаики тутса,

Ярашади, киши жонига баҳра олади, кўр.

2883 Бу байтни айтувчи нима дейди, эшитгин,
Эй билмоқчи бўлган, буни сен тинглагин:

2884 Юз кўрки чиройли, хулқи хуш (бўлиши) керак,
Нимаики тутса, ундан тамоман шаҳду шакар томади.

2885 Қорни очган киши учун (чиройлининг) юзига боқса, ошдир,
Ташна бўлиб сувсаганлар учун (эса) боқиб қонмайдиган нарсадир.

2886 Соқийлар боши ана шундай (киши бўлиши) керак, кўр,
Сағар тутувчилар мана шундай (бўлиши) керак.

2887 Сўнг беглар унга ишонч ҳосил қилиб инонса,
Ишончли ва чин топиб яқин тутсалар бўлади.

2888 Эй элиг, қатор ишлар учун сара киши танла,
Садоқатли, кўзи тўқ, уят-андишали бўлсин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2889 Бириси йалав̇ач битигчи бири
Тақы бир ид̇ишчи көр ашчы бири

2890 Буларығ эд̇и кәд̇ талула бирин
Қалы түшсә тэңсиз өкүнмә йарын

2891 Йалав̇ач битигчи қалы болса йиг
Анық йасы элкә тоқыр эй тэтиг

2892 Ид̇ишчи йа ашчы йиг эрсә қалы
Анық йасы жан көр тиригл‍ик улы

2893 Қатығлан эй элиг бу бир қач кишиг
Талулайу өд̇рү буйурғу ишиг

2894 Йана айды Өгдүлмиш элиг қуты
Бэд̇үг болды бэгләр иши-тэг аты

2895 Бэд̇үг иштә тэңсиз баш ағрығ болур
Баш ағрығ көтүрмәсә бэглик қалур

2896 Нэкү тэр эшитгил кэңәшчи өгә
Кэңәштә төкәр бэгкә йүнжи өгә

109б 2897 Айа бэг эрәж қулма эмгәк көтүр
Эрәж бирлә эмгәк ад̇ақшу йатур

2898 Бэг эмгәб эл этсә буд̇ун шүк байур
Байуса буд̇ун бэг тиләки болур

2899 Сақынма кәд̇ артуқ эрәж̇лиг киши
Болур ахир эмгәк эраж̇кә түши

2900 Нэчә ма бу ашчы ид̇ишчи сэңә
Бүтүн эрсә артуқ эй эрсиг тоңа

2901 Уларда бағырсақ өзүңгә өзүң
Ад̇ын булмағай-сэн узатма сөзүң

2902 Нэкү тэр эшитгил өгә буйруқы
Унытма муны сэн битиб ҳам оқы

2903 Сэв̇үг жан үзәлә эминдә эмин
Қулуб булмадым мэн өзүмдә ад̇ын



www.ziyouz.com kutubxonasi

2889 Бири — элчи, бири — саркотиб,
Яна бири — соқий, бири — ошчи, кўр.

2890 Буларнинг ҳар бирини жуда ҳам танлагин,
Кейин номаъқул ишлар содир бўлса, ўкинмагин.

2891 Элчи, саркотиб агар ярамас бўлса,
Уларнинг касофати элга уради, эй тетик.

2892 Соқий ё ошпаз ярамас бўлса агар,
Унинг зиёни жон(га тегади), кўр тириклик асоси(га).

2893 Қаттиқ тут, эй элиг, бу бир қанча кишиларни,
Танлаб, айириб ишни буюргин.

2894 Яна айтди Ўгдулмиш: (Эй) бахтли элиг,
Беглар оти иши каби буюкдир.

2895 Буюк ишда тенгсиз бош оғриқ бўлади,
Бош оғриқ(ларни) кўтармаса беглик қолади.

2896 Нима дейди, эшитгин, кенгашчи доно,
(У) кенгашда бегга уйиб инжу тўкади:

2897 Аё бег, роҳат истама, машаққат чек,
Роҳат билан машаққат изма-из ётади.

2898 Бег машаққат чекиб эл тузса, халқ сўзсиз бойийди,
Халқ бойиса, бег тилаги(ни) топади.

2899 (Эй) роҳатли киши, жуда ортиқ амин бўлма,
Ахир роҳатга тенг машаққат бўлади.

2900 Бу ошпаз, соқий сенга қанчалик
Ортиқ ишончли бўлса (ҳам), эй мард баҳодир.

2901 Улардан меҳрибон ўзингга ўзинг,
Бўлак тополмайсан, сўзингни чўзма.

2902 Нима дейди, эшитгин доно хитоби(ни),
Унутма буни сен, ёзиб (ол) ҳам ўқи:

2903 Ширин жон учун вафодордан-вафодор,
Истаб топмадим мен ўзимдан бўлак.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2904 Қатығлан көдәзгил қатығ тут аны
Қалы барды эрсә тиләмә эмин

2905 Айытмышны айдым эй элиг қуты
Нэкү-тэг кэрәкин эми ҳам оты

2906 Бу йаңлығ киши бирлә бэгләр бэдүр
Йағы бойны йанчар кү жавын ыдур

2907 Муну сөзләдим-мэн сэңә бэлгүлүг
Тақы бир сөзүм бар адын үлгүлүг

2908 Элиг тыңлар эрсә аны сөзләйин
Йоқ эрсә бу сөзни өзүм кэзләйин

2909 Йанут бэрди элиг айур эй бөгү
Нэкү-ул мэңә ай сөзүң сөзләгү

2910 Сэниңдин эшитгү кэрәк барча сөз
Билигкә тэңиз-сэ уқушқа өкүз

2911 Йанут бэрди Өгдүлмиш айды илиг
Элигдин тэгир элкә түрлүг билиг

110*a* 2912 Элигкә өтүндүм тапуғчы йолы
Нэкү-тэг тапынғу бэгингә қулы

2913 Нэмә билгү бэгләр тапуғчы қулын
Нэкү-тэг ачынғу тапунса йылын

2914 Нэчә бэг ҳақы эрсә қуллар үзә
Йэмә қул ҳақы йоқ-му бэгләр үзә

2915 Қалы бэг ҳақы көрсә қуллар туруб
Кэрәк қул ҳақын көрсә тапғын көруб

2916 Тапуғчы тапуғ қылса дунйа үчүн
Қалы булмаса дунйа эмгәр күчүн

2917 Элиг айды кэлдүр мэңә ай ача
Нэкү-ул тапуғчы ҳақы ай сэчә



www.ziyouz.com kutubxonasi

2904 Эҳтиёт бўл, сақлагин, қаттиқ тут уни,
Агар (жон) кетгудек бўлса, давосини истама (й қўя қол).

2905 Айтадиганларни айтдим, эй бахтли элиг,
Қандай (бўлиши) кераклигини, илож ҳам давоси(ни).

2906 Бу янглиғ киши билан беглар буюклашади,
Ёв бўйнини янчади, овоза, шуҳратини тарқатади.

2907 Мана, мен сенга аниқ сўзладим,
Тағин бир бошқа баҳрали сўзим бор.

2908 Элиг тинглайдиган бўлса, уни сўзлайин,
Йўқ эса, бу сўзни ўзим яширин тутайин.

2909 Жавоб берди элиг, айтди: Эй доно,
Нима у, менга айт, сўзлайдиган сўзингни.

2910 Сендан эшитиш керак барча сўзни,
Билимга денгизсан, уқувга дарё.

2911 Жавоб берди Ўгдулмиш, айтди: Аввал,
Элигдан етади элга турли билим.

2912 Элигга хизматчининг йўл-йўриғини сўзладим,
Қули бегига қандай хизмат қилишини.

2913 Яна беглар хизматчи қулини билиши керак,
(Улар) йиллаб хизмат қилса (қандай қилиб тақдирлаши керак).

2914 Қулларда бег(нинг) ҳақи қанча бўлса,
Шунингдек, бегларда қул(нинг) ҳақи йўқми?

2915 Агар қуллар (хизматда) туриб бег ҳақини кўрсалар [яъни ўз зиммаларида бег ҳақи борлигини ҳис этсалар],
(Бег ҳам) хизматини кўриб қул ҳақини кўрса [яъни ўз зиммасида қуллар ҳақи борлигини ҳис этса].

2916 Хизматчи мол-дунё учун хизмат қилса(ю),
Агар мол-дунё топмаса, зўр изтироб чекади.

2917 Элиг айтди: (Сўзингни) келтир, менга айт очиб,
Хизматчи ҳақи нима(лардан иборат), тушунтириб айт.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Баб. Өгдүлмиш элигкә тапуғчылар ҳақы бэглэр үзэ нэкү-тэг кэрэкин айур**

2918 Бу Өгдүлмиш айды бу бэглэр үзэ
Тапуғчы ҳақы бар тапуғда оза

2919 Эң ашну йэгү ичгү бэргү кэрэк
Тапунғу этиглэри этгү кэрэк

2920 Тапуғ қылмақ эмгэк қатығ иш болур
Муны билсэ бэглэр тапуғ йыш қылур

2921 Эт-өз жан йулуғлар тапуғ қылғучы
Тилэр бэг сэвинчи бу қул болғучы

2922 Исиг тумлуғ ач тоқ йаḍағ ҳам йалың

Қылыч балду оқ йэр эй элиг билиң

2923 Кэḍин оңдүн өң соң болур бу туруб

Бэгин инчкэ тэгрүр бу эмгэк көрүб

2924 Йағықа бу өңдүн болур бэк толум
Тириглик тилэр бэгкэ өзкэ өлүм

110б 2925 Бу йаңлығ бэгиниң сэвинчин тилэб
Өзин эмгэтүр түнни күнгэ улаб

2926 Бу тапғы үчүн бэг өтэгү ҳақын
Аны эḍгү тутғу бағырсақлықын

2927 Нэкү тэр эшитгил Үч орду ханы
Буḍунда талусы кишидэ чыны

2928 Айа бэг болуғлы буḍунқа улуғ
Бэḍүт эḍгү тутғыл тапуғчы қулуғ

2929 Тапуғчы билэ бэглэр элги узар
Тапуғчы билэ эрклиг эл кэнт түзэр

2930 Нэчэ бэг бэḍүг болса аслы улуғ
Тапуғчы билэ болды эḍгү хулуғ



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Боб. Ўгдулмиш элигга хизматчиларнинг бег зиммаларидаги ҳақи қандай (бўлиши) кераклигини айтади

2918 Бу Ўгдулмиш айтди: Бу беглар зиммасида
Хизматчи(нинг) хизматига яраша ҳақи бор.

2919 Энг аввал ейдиган, ичадиган (овқат) бериш керак,
Хизмат қилиш ҳозирликларини муҳайё қилиш керак.

2920 Хизмат қилмоқ меҳнати оғир иш бўлади,
Буни билса, беглар хизмат(ни) улуғлайди.

2921 Тану жон(ни) фидо қилади хизмат қилувчи,
Қул бўлган (киши) бег хурсандчилигини тилайди.

2922 Иссиқ ва совуқ (демасдан), очин-тўқин, яёв ҳамда яланғоч (ҳолда),
Қилич, ойболта ва ўқ ейди, эй элиг, (буни) билгин.

2923 У тик туриб кетдан ҳам, олддан ҳам, олд ҳам, сўнг ҳам бўлиб,
У машаққат чекиб, бегини фароғатга етказади.

2924 (Ҳаммадан) аввал ёвга қарши у мустаҳкам қурол-қалқон бўлади,
Бегига ҳаёт, ўзига эса ўлимни раво кўради.

2925 Мана шу тарзда бегининг севинчини тилаб,
Тунни кунга улаб, ўзини машаққатларга солади.

2926 Бу хизмати учун бег ҳақини ўташи керак,
Меҳрибонлик билан уни эзгу тутиши керак.

2927 Учўрду хони нима дейди, эшитгин,
Халқ (ораси)да сараси, киши(лар ораси) да чини:

2928 Эй халққа улуғ бег бўлувчи,
Хизматчи қулни буюкла, улуғ тутгин.

2929 Беглар қўли хизматчи билан узаяди,
Хизматчи билан эркли [яъни ўз эркини юрита оладиган] бўлади ва эл, кендларни тузади.

2930 Бег қанчалик буюк, асли улуғ бўлса,
Хизматчи туфайли эзгу хулқли бўлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2931 Эй элиг кишилик мурувват болур
Мурувват кишикә тариқат болур

2932 Мурувват тариқат бу-ул бэлгүлүг
Киши эмгәки билсә қылса үлүг

2933 Тапуғчы қапуғда умынчқа турур
Умынч бэрмәсә бэг мурувват барур

2934 Көрү барғу бэгләр тапуғчы нэчә
Тосулур нэчә-ул тосулмас нэчә

2935 Тосулғу тэңинчә ачынғу кэрәк
Тапунмыш тэңи ҳақ тэгүргү кэрәк

2936 Киши йылқыда ынғай эрмәс э бэг
Муны тэңләсә иш болур үлгү-тэг

2937 Боғуз тод̆рур ашну киши йылқының
Баса асғы көтрүр бу йалңуқ аның

2938 Ачығ бэрсә бэгләр тилин эд̆гү сөз
Тапуғчы йулуғлар бэгингә эт-өз

2939 Исинүр тапуғчы бағырсақ болур
Өзин эмгәтүр бэг сэв̇инчин қулур

111a 2940 Муңар мэңзәтү сөзләмиш сөз тэтиг
Билиг бирлә йаңлуқ узатур элиг

2941 Киши эд̆гүлүккә сэв̇үг жан бэрүр
Бир эд̆гү йануты он эд̆гү қылур

2942 Асығ булса йалңуқ өзин қул қылур
Аңар қул болур өзкә эмгәк урур

2943 Тапуғқа көрү бэргү эд̆гү ачығ
Йалыңны бүтүргү тод̆урғу ачығ

2944 Нэкү-тэг болур ай эй элиг қуты
Кэтәрмәсә қулдын чығайлық аты

2945 Нэкү тэр эшитгил ав̇учқа сөзи
Ав̇учқа сөзи-ул йигитләр көзи



www.ziyouz.com kutubxonasi

2931 Эй элиг, кишилик мурувват демакдир,
Мурувват кишига тариқат демакдир.

2932 Мурувват, аниқки, тариқатдир.
(Кимки) киши хизматини билса, ҳиссасини берса.

2933 Хизматкор даргоҳда ҳожат учун туради,
Бег (унинг) ҳожатини чиқармаса, мурувват кетади.

2934 Хизматчи қанча (лигини), беглар кузатиб бориши керак,
Фойдалиси қанча, фойдасизи қанча (лигини).

2935 Фойда келтириши баробарида иноят қилиш керак,
Хизматига лойиқ ҳақини бериш керак.

2936 Инсон ҳайвондан жўн эмас [яъни фарқ қилмайди], эй бег,
Бу(лар)ни қиёсланса, иш мўлжалдагидек бўлади.

2937 Инсон аввал йилқининг қорнини тўйдиради,
Сўнг одам унинг фойдасини олади.

2938 Беглар инъом берса, тилда ширин сўз (сўзласа),
Хизматкор бегига тану жонини фидо қилади.

2939 Хизматкор муҳаббат қўяди, содиқ бўлади,
Ўзини койитади, бег(нинг) хурсандчилигини тилайди.

2940 Тетик бунга ўхшатиб сўз сўзлабди,
Одам билим билан қўл узайтиради.

2941 Киши эзгуликка ширин жон беради,
Бир эзгуга жавобан ўн (эзгулик) қилади.

2942 Наф кўрса, одам ўзини қул қилади,
Унга [яъни яхшилик қилганга] қул бўлади, ўзига меҳнат олади.

2943 Хизматга қараб яхши инъом бериш керак,
Яланг, юпунни буташ, очни тўйдириш керак.

2944 Қандай бег бўлади, айт, эй бахтли элиг,
(Агар у) қулидан қашшқолик отини йўқотмаса?!

2945 Қари сўзини эшитгин, (у) нима дейди,
Қари сўзи йигитлар кўзидир:



www.ziyouz.com kutubxonasi

2946 Қиши эмгәк ыдса киши йүзингә
Йануты кишилик қылур өзингә

2947 Қиши эмгәки билмәгүчи киши
Қиши тэб атамағу йылқы түши

2948 Эки түрлүг-ул бу тапуғ қылғучы
Бири бош бири қул умынч тутғучы

2949 Бу қул кэндү эрксиз тапуғчы болур
Тапуғ қылмаса бэгдә бэркә булур

2950 Бошуғ көр бу тапнур өзин қул қылыб

Мунуң эмгәкин йулғу тапғын билиб

2951 Бош азад киши барча эдгү қулы
Буларқа ача бэргү эдгү йолы

2952 Бошуғ қул билә тутса болмас бу түз
Бошуғ дин тэңи тут қулуғ қулча үз

2953 Бу бэгләр қапуғы эрәж қапғы-ул
Эрәж қапғы тутмақ өзүң асғы-ул

2954 Тапуғчы байуса бэг аты болур
Бу аты дуъа бирлә мәңү қалур

111б 2955 Эй элиг тапуғчы билә бэг масал
Сатығчы осуғлуғ болур чын түгәл

2956 Сатығчы бэрүр нәң аңар мун саны
Алығлы алыр элдә эврәр аны

2957 Йыл ай күн түгәсә асығ йумдадур
Йүз отру үләшүр өз асғы алур

2958 Муңар мэнзәр эмди тапуғчы киши
Бэги бирлә ортуқ сақышлығ иши

2959 Бэги нәң бэрүр қулқа эдгү сөзүн
Тапуғчы эт өз бирлә тапнур узун

2960 Урур жан йулуғлаб тапуғчы қылыч
Аның асғы эл кэнд улушлар эринч



www.ziyouz.com kutubxonasi

2946 Киши кишига хизмат сингдирса,
Жавобан ўзи учун кишилик қилган бўлади [яъни яхшилиги қайтади].

2947 Киши хизматини билмовчи киши,
Киши деб аталмайди, ҳайвонга тенг.

2948 Хизмат қилувчи икки турлидир,
Бири озод, бири ҳожатманд қулдир.

2949 Бу қул — ўзи эрксиз хизматкор бўлади,
Хизмат қилмаса, бегдан таёқ ейди.

2950 Озод (қул)ни кўр, у ўзини қул қилиб хизмат қилади, (қилган хизматлари эвазига),
Хизмат(лар)ини инобатга олиб, меҳнатдан озод қилиш керак.

2951 Эркин-озод киши барчаси—яхшилик қули,
Буларга эзгулик йўлини оча бериш керак:

2952 Озодни қул билан (бир) тутса — бу тўғри бўлмайди,
Озодни дин тенги тут, қулни қуллигича тут.

2953 Бу беглар даргоҳи осойиш даргоҳидир,
Осойиш даргоҳини тутиш ўзинг(нинг) нафингдир.

2954 Хизматкор бойиса, бег номи машҳур бўлади,
Бу оти дуо билан мангу қолади.

2955 Эй элиг, хизматкор билан бег бамисоли
Чиндан тугал иши юришган сотувчи каби бўлади.

2956 Сотувчи унга дастмоя тарзида нарса беради,
Уни олувчи олади (ва) элда айлантиради.

2957 Йил, ой, кун ўтиши билан фойда тўплайди,
Юзма-юз тақсимлайди, ўз фойдасини олади.

2958 Энди (демак) хизматкор киши бунга ўхшайди,
Беги билан иши ниҳоят ҳисоб-китобли.

2959 Беги қулга ширин сўз билан нарса беради,
Хизматкор жон-жаҳди билан узоқ хизмат қилади.

2960 Хизматкор жон фидо қилиб қилич уради,
**Унинг фойдаси эл, кенд, қишлоқлардир.**



www.ziyouz.com kutubxonasi

2961 Йағы бойны йанчар хазина урур
Тиләк арзу нэъмат улашу кэлүр

2962 Бу барча асығ саны болды бэгим
Асығ қылғучығ эдгу тутғу бэгим

2963 Нэкү тэр эшитгил бу сартлар башы
Өз асғын тиләр дунйа кэзгән киши

2964 Асығлығ қул эрсә оғулда йақын
Асығсыз оғулны йағы бил сақын

2965 Қамуғ тэбрәнигли асығқа йурыр
Асығ булмаса авчы эвдә қарыр

2966 Эрәт болды бэгләр қанаты йүги
Қанатсыз қуш учмас эй бэгләр бэги

2967 Эрәт бирлә бэгләр күчи бэлгүрәр
Эрәт бирлә бэгләр түгүнлар йөрәр

2968 Йумытса қайу бэгкә эрсиг эрән
Ажунқа бу бэг болды саҳиб қиран

2969 Қайу бэгдә эрдәм йумытса түгәл
Аңар йағлур арзу нэ қулса түгәл

112*а* 2970 Ажунчықа эрдәм кэрәк миң түмән
Бу эрдәм билә йэр ажунчы жаҳан

2971 Ужуз тутма эрдәмни өгрән оғул
Бу эрдәм йорығы өрүң қуш-тэг-ул

2972 Өрүң қуш қуты-тэг бу эрдәм қуты
Йуры қуш атағыл сэн эрдәм аты

2973 Нэкү тэр эшитгил өрүң башлығ эр
Ажунуғ қарытмыш узун йашлығ эр

2974 Билиг эрдәм өгрән ағыр тут аны
Ағыр тутғай ахыр ул эрдәм сэни

2975 Билиг бил уқуш уқ йурыма йава
Өди кэлсә эдгү йарур ул күни



www.ziyouz.com kutubxonasi

2961 Ёв бўйнини янчади, хазина уради,
Тилак, орзу, неъмат узлуксиз келади.

2962 Бу барчаси манфаат ҳисобида бўлади, (эй) бегим,
Манфаат қилувчини эзгу тутиш керак, (эй) бегим.

2963 Бу савдогарлар боши нима дейди, эшитгин,
Ўз фойдасини тиловчи дунё кезган киши:

2964 Фойдали қул бўлса ўғилдан яқин (бўлади),
Фойдасиз ўғилни ёв (деб) бил, сақлан.

2965 Ҳамма қимирлаган (жон) фойдага юради,
Фойда топмаса овчи уйда қарийди.

2966 Аскар бегларнинг қаноти, пати бўлади,
Қанотсиз қуш учмайди, эй беглар беги.

2967 Аскар билан бегларнинг кучи намоён бўлди,
Аскар билан беглар тугунлар ечади.

2968 Қайси бег (атрофи)га баҳодир мардлар тўпланса,
Бу бег жаҳонга соҳибқирон бўлади.

2969 Қайси бегда санъат-ҳунар тугал мужассам бўлса,
Нима истаса, унга орзу(лари) тугал ёғилади.

2970 Жаҳонгирга минг туман санъат-ҳунар керак,
Бу санъат-ҳунарлар билан жаҳондор жаҳонга эга бўлади.

2971 Қадрсиз тутма, санъат, ҳунарни ўрган, ўғил,
Бу санъат-ҳунарнинг равиши оққушдекдир.

2972 Санъат-ҳунарнинг истиқболи оққуш истиқболидек,
Кел, сен санъат-ҳунар отини қуш (деб) атагин.

2973 Оқ бошли (сочи оқарган) киши нима дейди, эшитгин,
Дунёни қаритган узун ёшли киши:

2974 Билим, санъат-ҳунар ўрган, қадрли тут уни,
Охири бу санъат-ҳунар сени қадрли тутгай.

2975 Билим бил, уқув ўрган, беҳуда юрма,
Хайрли пайти келса (бундай кишининг) куни ёрийди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2976 Бу сөзләр эшитти сэв̇инди элиг
Айур эй уқушлуғ уруғы силиг

2977 Эд̆и йақшы урдуң кишилик улы
Бу-ул чын вафалығ кишиләр йолы

2978 Буд̆ун эрки булды мэниң бу өзүм
Узун болды әлгим йорық тил сөзүм

2979 Күв̇әнмэс-мә эмди бу бэглик булуб
Өз инчлик тиләб ма тириглик булуб

2980 Тиләким бу-ул ким мэңә кэлгүчи
Байуса мэниңдин бэд̆үсэ күчи

2981 Бу бэглик сэв̇инчи йарынқы асығ
Дуъа таб мэңә эд̆г̆ү атын йанығ

2982 Бу бары хазина бу олтун күмүш
Эрәтқа үләгүкә тэрдим өкүш

2983 Кишикә бэрүр-мә тиләб эд̆гү ат
Дуъа артсу атым йурытсу байат

2984 Тиләким бу-ул ким мэңә тапғучы
Байуб қалса мэндә кэд̆ин қалғучы

112б 2985 Өзүм көчсә барса қалыр бу буд̆ун
Дуъа бирлә тапса мэңә ул өд̆үн

**Өгдүлмиш жавабы элигкә**

2986 Йанут бэрди Өгдүлмиш айды элиг
Йэтүрди бу ишкә түгәл өг билиг

2987 Өлүгли кишикә нэкү бар ад̆ын
Магар эд̆гү аты йурыса кэд̆ин

2988 Бу дунйа тиләсә үләгү күмүш
Қалы ъуқба қулса бу-ул ҳам йулуш

2989 Бу алтун күмүшүң үлә эй элиг
Қайу эл тиләсә йэтилгэй әлиг



www.ziyouz.com kutubxonasi

2976 Бу сўзларни эшитди, элиг севинди,
Деди: Эй заковатли, уруғи тоза.

2977 Кишилик мояси ҳақида жуда яхши гапирдинг,
Чин вафоли кишиларнинг йўли шудир.

2978 Мен ўзим халқ эркини олдим [яъни халқ устидан ҳукм юритиш эркига эга бўлдим],
Қўлим узун, тил (ва) сўзим равон бўлди.

2979 Энди мен бу бегликка эришиб шодланмайман,
Ўз фароғатимни тилаб ва (фаровон) ҳаётга эришиб.

2980 Тилагим шудирки, мен(инг) ҳузурим(га) келгувчи,
Мен туфайли бойиса, кучи ортса.

2981 Бу бегликнинг хурсандчилиги [яъни беглик даврида бошқаларни хурсанд қилиш] келгусининг фойдасидир,
Эзгу ном билан қайтиш, дуо менга кифоядир.

2982 Бу борлиқ хазина, бу олтин-кумуш(лар)ни
Аскарга улашишга кўплаб терганман.

2983 Эзгу от истаб киши(лар)га улашаман,
(Токи) дуо ортсин, худо номимни (эл оғзида) юритсин.

2984 Тилагим шудирки, менга хизмат қилувчи(лар),
Кейин қолувчи(лар) мен туфайли бойиб қолса.

2985 Ўзим ўлсам, (бу дунёдан) кетсам, қолган халқ
Ўша вақтда дуо билан менинг ҳақимга хизмат бажо қилса.

### Ўгдулмишнинг элигга жавоби

2986 Жавоб берди Ўгдулмиш, айтди: элиг
Бу ишга етарли ақл ва билим етказди.

2987 Ўладиган кишига бошқа нима бор,
(Ўзидан) кейин эзгу номи юришидан ўзга.

2988 Бу дунёни исталса кумуш улашиш керак,
Агар охиратни исталса ҳам ҳадяси—шу.

2989 Бу олтин-кумушингни улаш, эй элиг,
Қайси элни тиласанг қўл етади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2990 Нэкү тэр эшитгил бөгү бэг тили
Бу бэглик ишингә ул урмыш улы

2991 Үләгү нәң эр тутғу бэгләр қалын
Қачан қулса тутғай йағысы элин

2992 Хазына нәрәк көп эрәт чоқ кэрәк
Бэги бай кэрәксиз будун тоқ кэрәк

2993 Эрәт болса бэгләр эли эксүмәс
Эрәт болмаса бэг элин кэч йәмэс

2994 Эрәт болса бэгдин сэвинчлиг йаруқ
Қайу эл тиләсә булур бэг ануқ

2995 Ақы болса элги ажун бэгләри
Экигү ажуннуң бу алды төри

2996 Нэкү тэр эшитгил билиглиг тилин
Саранлық билә бэг йэйүмәс элин

2997 Эки нәң қарышты йақышмас қачар
Саранқа йағумас ақығ бэрк қучар

113*а* 2998 Сарандын қачар барча эрдәмлүг эр
Ақықа йумытур тиләк арзу йэр

2999 Саранлық билә болды бэглик йағы
Саранқа қопар тэкмә йэрдә чоғы

3000 Адын экки нәң-ул бу эл тутруқы
Бириси сав алтун қылыч бир тақы

3001 Ақылық билә бэкләгү-ул элиг
Ақылық билә бэг бэдүр эй элиг

3002 Күр алп эр көтүрсә йашын-тэг тэмүр
Азығлығ эрәнләрдә тэшлүр тамур

3003 Сав алтун билә тартса бэгләр элиг
Қылычсыз тили бирлә эврәр элиг

3004 Бу экки билә этгү ошбу элиг
Бу экки билә эр бэдүр эй элиг



www.ziyouz.com kutubxonasi

2990 Доно бег тили нима дейди, эшитгин,
Бу беглик ишига у пойдевор қургандир:

2991 Беглар нарса улашиши, кўп аскар тутиши керак,
(Шунда) қачон истаса ёви(нинг) элини тутади.

2992 Кўп хазина нега керак, кўп аскар керак,
Беги бой (бўлиши) кераксиз, халқ тўқ (бўлиши) керак.

2993 Аскар бўлса беглар эли камаймайди,
Аскар(и) бўлмаса бег элини узоқ тутолмайди.

2994 Аскар бегдан миннатдорчилик, рўшнолик кўрса,
Қайси элни истаса, бег қўлга киритади.

2995 Жаҳон беглари қўли саховатли (очиқ) бўлса,
Иккала жаҳоннинг тўрини у олади.

2996 Билимли тили (сўзи)ни эшитгин, нима дейди,
Бахиллик билан бег элини ея олмайди [яъни элига эга бўлолмайди].

2997 Икки қаршилашган нарса яқинлашмайди, қочади,
Бахилга яқинлашмайди, сахийни қаттиқ қучади.

2998 Барча санъат-ҳунарли киши бахилдан қочади,
Сахий (атрофи)га тўпланади, тилак-орзуга эришади.

2999 Бахиллик билан беглик (бир-бирига) ёвдир,
Бахилга барча ерда адоват қўзғалади.

3000 Бу элни тутувчи бошқа икки нарса бордир,
Бири — тоза олтин, яна бири—қилич.

3001 Элни сахийлик билан мустаҳкамлаш керак,
Сахийлик билан бег буюклашади, эй элиг.

3002 Қўрқмас ботир эр яшин каби темир кўтарса [яъни қилич солса],
Озиқлик баҳодирларнинг томири кесилади.

3003 Беглар тоза олтин билан қўл узатса,
Қиличсиз тили билан элни қайтаради.

3004 Шу икки (нарса) туфайли ушбу элни тузиш керак,
Шу икки (нарса) туфайли эр буюк бўлади, эй элиг.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3005 Сав алтун йазар-ул түгүлмиш кишиг
Сав̇ алтун этәр-ул бузулмиш ишиг

3006 Қылыч қайда урса күмүш анда-ул
Күмүш қайда эрсә қылыч тутты йол

3007 Айа бэг күмүш сач тэрилсү кәд̇ эр
Күмүш йығса сачлур қылычлығ қур эр[62]

3008 Қылычлығ қүр эр көр күмүшкә тутуғ
Йумытмыш сав̇ алтун қылычқа йулуғ

3009 Саран бэг тэрәр нәң хазина урур
Ақы бэг қылыч бирлә артлаб алур

3010 Бу йаңлығ турур бу ажун өңдүси
Саранқа сөкүши ақы өгдүси

3011 Сөзин кэсти Өгдүлмиш өпти йэриг
Элигкә дуъа қылды өгди бириг

3012 Бу сөзләр эшитти сэв̇инди элиг
Дуъа қылды раббқа көтүрди әлиг

113б 3013 Айур эй бағырсақ ынанғу ид̇им
Қатығлық йэриндә сығынғу ид̇им

3014 Сэңиндә ад̇ын йоқ йөләким мэңә
Күв̇әнчим сэн-өк-сә умунчым сэңә

3015 Қайу эд̇гү қалды мэңә қылмадың
Нэкү арзу қалды мэңә бэрмәдиң

3016 Нэ-тэг тапнуғай-мә дуъам бу сөзүм
Айа мәңү муңсуз бу муңлуғ өзүм

3017 Сэниңдин қулур-мэ басут күч билә
Көни йол үзә тут мэни сэн йөлә

3018 Қамуғ эд̇гүлүктә тақы артуқы
Бу Өгдүлмиш-ул эмди көңлүм тоқы

3019 Муны бэрдиң эмди мэңә сэн ъата
Қылур-мэн мунық шукры йүз миң қата



www.ziyouz.com kutubxonasi

3005 Тугулган (хафақон) кишини тоза олтин ёзади (чеҳрасини очади),
Бузилган ишни тоза олтин тузатади.

3006 Қаерда қилич урилса, кумуш ўша ердадир,
Қаерда кумуш бўлса, қилич йўл тутади.

3007 Эй бег, кумуш соч, (атрофингга) яхши кишилар йиғилсин,
Кумуш йиғсанг сочилиб кетади, қиличли (эса уни) тўплайди.

3008 Қиличли ботир киши, кўр, кумушга гаровдир,
Жамғарилган тоза олтин қиличга қурбондир.

3009 Бахил бег мол-дунё теради, хазина уради,
Сахий бег (унинг мол-дунёсини) қилич билан савалаб олади.

3010 Бу дунёнинг қонуни мана шу янглиғдир,
Бахил учун ҳақорат, сахий учун олқиш (дан иборат).

3011 Ўгдулмиш сўзини тугатди, ер ўпди [яъни таъзим қилди],
Элигни дуо қилди, бир (худо)ни ҳамд қилди.

3012 Бу сўз(лар)ни эшитди, элиг севинди,
Раббга дуо қилди, (фотиҳага) қўл кўтарди.

3013 Де(й)ди: Эй меҳрибон, ишон(ади)ган эгам,
Оғирлик пайтларида сиғинадиган эгам.

3014 Сендан бўлак мен учун таянчим йўқ,
Шодлигим сенгинадирсан, умидим сендан.

3015 Қандай эзгу(ликлар) қолди(ки), менга қилмадинг,
Қандай орзу(лар) қолди(ки), менга бермадинг.

3016 Дуом, сўзларим(дан бўлак,) сенга қандай қилиб сиғина оламан,
Эй мангу мунгсиз, менинг ўз(лиг)им эса мунглиман.

3017 Қўмак билан кучни сендан тилайман,
Тўғри йўл узра тут, мени сен қўлла.

3018 Ҳар қандай эзгуликдан янада ортиғи
Энди бу Ўгдулмишдир, кўнглим тўқи.

3019 Буни менга сен ато қилиб бердинг,
Бунинг шукрини юз-минг бор қиламан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3020 Эт-өз жан йулуғлар мэниң ишимә
Дуъа арттурур бу кэчәр йашыма

3021 Мэңә күч бэр эмди өтәйин ҳақын
Сэв̇инсүн мэңә болсу көңли йақын

3022 Йана айды элиг эй Өгдүлмиш-ә
Уқушлуғ билиглиг сэни өгмиш-ә

3023 Уқушлуғ тиләсә уқуш-сә түгәл
Қишилик тиләсә билигкә камал

3024 Ынанчлығ бағырсақ бүтүн-сә силиг
Қишилик билә сэн көтүрдүң элиг

3025 Тапундуң ачығда ашунды тапуғ
Тапуғ қалмады сэн йэтүрдүң қамуғ

3026 Мэниндин кэрәк эмди эд̇гу йанут
Сэңә ҳақ өтәйин тириглик анут

3027 Нэ-тэг ким сэв̇инди сэниңдин көңүл
Байат бэрсү андағ сэв̇инч эй оғул

114*а* 3028 Сөзүг кэсти элиг сэринди туру
Йэр өпти тапуғчысы қопты өрү

3029 Туруб чықты андын сэв̇инчлиг болуб
Атын минди кэлди эв̇ингә йуруб

3030 Қыйықсыз кэчә таңда қылды тапуғ
Йарады тапуғ ачты давлат қапуғ

3031 Тэрилди өги ҳам қуйулды билиг
Болу бэрди эв̇рән узады элиг

3032 Нэкү тэр эшитгил қуты бэлгүлүг
Қуты бирлә элдә жав̇ықмыш күлүг

3033 Кимиң бирлә давлат йарашса кэлиб
Башын көккә тэгрүр йуқару қылыб

3034 Кэлү бэрсә давлат йумытса бу нәң
Киши көңли тирлүр болур қызғу эң



www.ziyouz.com kutubxonasi

3020 Менинг ишимга тану жонини фидо қилади,
Ўтаётган умримга дуо орттиради.

3021 Энди менга куч бергин, ҳақини ўтайин,
Суюнсин, менга кўнгли яқин бўлсин.

3022 Яна айтди элиг: эй Ўгдулмиш,
Заковатли, билимлилар сени мақтабдилар.

3023 Заковатли исталса, сен тугал заковатлисан,
Кишилик исталса, билимга баркамолсан.

3024 Ишончли, садоқатли, рост ва зарифсан,
Сен кишилик билан қўл кўтаргансан.

3025 Хизмат қилдинг, инъом(лар)дан хизмат(ларинг) ошиб кетди,
Хизмат қолмади, сен ҳаммасини бажо келтирдинг.

3026 Энди мендан хайрли эваз лозим,
Сенинг ҳақингни ўтайин, ҳаётни шайла.

3027 Кўнглим сендан нечоғлик севинган бўлса,
Худо сенга шундай севинч берсин, эй ўғил.

3028 Элиг сўзни тўхтатди, туриб бир оз ўйлади,
Хизматчиси ер ўпди, юқори турди.

3029 Севинчли бўлиб у ердан туриб чиқди,
Отини минди, юриб (отда) уйига келди.

3030 Оғишмай кеча ва кундуз хизмат қилди,
Хизмат қўл келди, давлат [яъни саодат] эшик очди.

3031 Идроки терилди ҳамда билим қуюлди,
Фалак кулиб боқди, қўли узун бўлди.

3032 Давлати белгили (киши) нима дейди, эшитгин,
Давлати билан элда донг таратган машҳур киши:

3033 Ким билан давлат келиб ярашса,
Юқори қилиб бошини кўкка етказади.

3034 Давлат кела берса, мол-дунё йиғилса,
Киши кўнгли тирилади, ёруғ юз бўлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3035 Муңар мэңзэтү айды көкчин сэңә
Бу сөз йақшы тыңла эй эрсиг тоңа

3036 Қимиң болса давлат узады әлиг
Қамуғ тэтрүси оң сөзи өг билиг

3037 Аӂун фалйасуфы нәңи болмаса
Нэчә тилдәм эрсә кишәлди тилиг

3038 Бу йаңлығ турур бу аӂун өңдүси
Йайығ дунйа давлат жав̇ықар күси

3039 Йав̇узқа йүз урса йүзи сув̇ланур
Кичигкә көз ачса бэд̆углүк булур

3040 Тэгир эрсә кимкә бу давлат кэлиб
Түзәр ич ташыны бу барча этиб

3041 Қалы кэлсә кэлдрүр қамуғ арзулар
Аӂунқа жав̇ықар аты бэлгүрәр

3042 Қалы барса элтүр бу кэлдүрмишин
Йағыз йэркә илдрүр көтүрмиш башын

114б 3043 Айа өг көңүллүг уқушлуғ уд̆уғ
Айы сэв̇мә дунйа тоқығай йуд̆уғ

3044 Нэрәк бу қараңқу түнәрик орун

Сүзүг мәңү элкә ашунғыл бурун

3045 Түнәк-ул бу дунйа көтүргил көңүл
Әд̆из орду эл қул сэн эмрүл амул

3046 Нэкү тэр эшитгил э көңли сүзүг
Қамуғ иш ичиндә э көңли түзүг

3047 Э ҳиммат ид̆иси аӂун қул талу
Талу қулдачы эр қуты тоб толу

3048 Кэчәр дунйа қод̆ғыл тилә ъуқбаны
Қод̆у бэрмәсә дунйа қодғай сэни

3049 Жафачы бу дунйа жафа қыл аңар
Жафа қылса өтрү йарашур сэңәр



www.ziyouz.com kutubxonasi

3035 Ёшули бунга мослаб сўзлабди сенга,
Бу сўзни яхши тингла, эй мард баҳодир:

3036 Кимнинг давлати бўлса, қўли узун бўлади,
Ҳамма тескариси ўнг, сўзи ақл, билим (бўлади).

3037 Дунё файласуфи мол-дунёси бўлмаса,
Неча сўзамол бўлса (ҳам) тилини тияди.

3038 Бу дунё қонуни мана шу янглиғдир,
Бевафо дунё, давлат шуҳрат таратади.

3039 Ёвузга юз урса, юзи сувланади [яъни обрўли бўлади],
Кичик (киши)га юз ўрса, (у) буюкликка эришади.

3040 Бу давлат келиб кимга яқинлашадиган бўлса,
Ич-ташини тузиб, бутунлай безайди.

3041 Агар келса, ҳамма орзуларни келтиради,
Дунёга донг таратади, отини танитади:

3042 Агар кетса, у келтирганларини элтади,
Кўтарган бошини қора ерга қуйи қилади.

3043 Эй ақлли, дилли, заковатли, ҳушёр,
Зинҳор дунёни севма, балога дучор бўласан.

3044 Бу қоронғи, тунайдиган [яъни вақтинчалик, омонат дунё] нима учун керак,
Соф, мангу ўринга [яъни у дунёга] илгарилаб ошиққин.

3045 Бу дунё тунаш жойи, кўнгил узгин,
Баланд ўрда жойни [яъни арши аълони] иста, осойишта, сокин бўл.

3046 Нима дейилган, эшитгин, эй кўнгли покиза,
Ҳамма иш(лар) соҳасида (ҳам) эй кўнгли тўғри:

3047 Эй ҳиммат соҳиби, ҳақиқий дунёни иста,
Ҳақиқий дунёни истаган кишининг қути тўла-тўкисдир.

3048 Ўткинчи дунёни қўйгин, охиратни иста,
Дунёни тарк этмасанг, (у) сени тарк этади.

3049 Бу дунё жафочи, унга жафо қил,
Жафо қилсанг, сўнг сен билан ярашади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3050 Айа йолда азмыш башы тэзгинүг
Айы сэв̇мә дунйағ түби-ул өйүг

3051 Өйүгкә киригли өйүлди қуд̇ы
Өрү кэлмәд̇и ул сэвинч булмады

3052 Өрү тартғыл өзни өйүгдин қутул
Өзүң қуллуқын сэн тапуғ бирлә йул

3053 Йана йанғыл эмди тилэк бэргә уз

Тилин эв̇рә йандур̣ туру қалды сөз

3054 Көңүл түзди элиг көр анда нару
Буд̇унқа бэрү турды эдгү төрү

3055 Буд̇ун инчкә тэгди торуқ сэмриди
Сэвәри бэд̇үди йағы йав̇рыды

3056 Кэчүрди кув̇әнчин сэв̇үнчин күни
Ажунқа йад̇ылды жав̇ы ат үни

3057 Тирилди бир анча йурыды бу йаң
Бөри тоқлы бирлә қуры болды тэң

## Элиг савалы Өгдүлмишкә

115*a* 3058 Элиг бир күн олдруб көр Өгдүлмишиг
Оқыды айытты кэчәр күн ишиг

3059 Нэкү-тэг кэчәр кун эй Өгдүлмиш ай
Чығай-му тэлим болды элдә йа бай

3060 Эл ичрә нэкү бар йарағсыз йав̇уз
Буд̇ун ҳалы ачғыл мэңә өртмәсүз

3061 Буд̇ун тилләриндә нэкү сөз йурыр
Сөкүш-му тэлимрәк йа өгди кэлир

3062 Мунум-му өкүшрәк азу эрдәмим
Айу бэр мэңә сэн қылайын эмим



www.ziyouz.com kutubxonasi

3050 Эй йўлдан озган, боши айланган,
Зинҳор дунёни севма, туби чуқурдир.

3051 Чуқурга кирувчи қуйига чўкади,
У юқори чиқмайди, севинч топмайди.

3052 Юқори торт ўзингни, чуқурдан қутул,
Ўзингнинг қуллуғингни ибодат билан ўта.

3053 Энди яна (бу мудҳиш йўлдан) қайт, яхши тилаклар (ингни) беради,
Тилингни орқага қайтар [яъни тавба қилиб тий], сўз абад туриб қолади.

3054 Ўшандан бошлаб элиг кўнглини тўғрилади, кўр,
Халққа эзгу сиёсат юрита борди.

3055 Халқ осойишталикка эришди, ориқ семирди,
Севувчилари улғайди, ёви заифлашди.

3056 Кун(лари)ни шодлик, севинчда ўтказди,
Шуҳрати, оти, овозаси оламга ёйилди.

3057 Шу тарзда бир қанча вақт юрди, кун кечирди,
Бўри тўқли билан тенгқур бўлди.

## Элигнинг Ўгдулмишга саволи

3058 Элиг бир куни ўлтириб Ўгдулмишни
Чақирди, ўтаётган кунини, ишини сўради.

3059 Кунлар қандай ўтаётир, эй Ўгдулмиш, айт,
Қашшоқми кўп бўлди элда ёки бой?

3060 Эл ичида қанчалик ярамас, ёвуз бор?
Халқ ҳолини менга бепарда баён қилгин.

3061 Халқ тилида қандай гап-сўз юради,
Сўкишми кўпроқ ёки мақтовми келади?

3062 Нуқсонларимми кўпроқ ёки яхши хислатларимми?
Сен менга айтиб бер, чорамни кўрайин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Өгдүлмиш жавабы элигкэ

3063 Йанут бэрди Өгдүлмиш айды элиг
Тилэк кэлди тутты тэгүрди элиг

3064 Элиг давлатында этилди аж̇ун
Сақынч қысға болды сэв̇инчлэр узун

3065 Байуды буд̇ун инчкэ тэгди йатур
Улуш кэнд бэзэнди көңүл йэлгүтүр

3066 Эрэж̇ бирлэ артар буд̇ун күнлэри
Сэв̇инчин кэчэр көр бүтүн түнлэри

3067 Тилин сөзлэди барча эд̇гү сана
Дуъа бирлэ тынмас тынығлы тын-а

3068 Төрү сув̇-тэг-ул күч көр от-тэг йуд̇уғ
Сүзүг сув̇ ақыттың од̇ытты отуғ

115б 3069 Төрү түз йурыттың этилди аж̇ун
Қим эрсэ күчэк элдэ көрмэс көзүн

3070 Эй элиг үч ишдин тэгир күч басынч
Бири бэг осал болса тэгсэ эринч

3071 Экинчи басынчақ буд̇ун башлар эр
Үчүнчи суқ эрсэ буд̇ун бағры йэр

3072 Сэниңдэ йоқ эмди бу үчтэ бири
Қайудын тэгэр элкэ күчкэй ары

3073 Эй эд̇гү төрүлүг арығ бэг силиг
Байат бэрди эрдэм сэңэ өг билиг

3074 Өзүң болды тавфиқ қамуғ эд̇гүкэ
Буд̇ун бод̇ны бүтти йэгү кэд̇гүкэ

3075 Шукр қыл байатқа тапуғ қыл сақын
Эрэж̇ қыл бир анча сэн инчин ав̇ын

3076 Ташыртын нэкү түшсэ йаңлуқ йазуқ
Муну мэн бу көрдэчи қул-мэн ануқ



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Ўгдулмишнинг элигга жавоби

3063 Жавоб берди Ўгдулмиш, айтди, (эй) элиг,
Тилак келди, тутти, қўл узатти.

3064 Элиг давлатидан олам гуллади,
Аламлар қисқа бўлди, севинчлар узун.

3065 Бойиган халқ роҳатга эришиб ётибди,
Қишлоқ, шаҳарлар безанган, кўнгилни ўйнатади [яъни мафтун қилади].

3066 Халқнинг кунлари фароғат билан зиёда бўлди,
Бутун тунлари севинч билан кечди, кўр.

3067 Тилда барча эзгу мадҳлар сўзлайди,
Тин олувчилар дуо билан тинмайди.

3068 Адолат(ли сиёсат) сувдек, зулм эса ўтдек офатдир,
Зилол сув оқиздинг, (у) ўтни ўчирди.

3069 Сиёсатни тўғри юриттинг, олам яшнади,
Бирорта ҳам зўравон кўзга кўринмайди [яъни йўқолди].

3070 Эй элиг, уч иш туфайли зўрлик, зулм етади,
Бири — бег ғофил бўлса, ишратга берилса.

3071 Иккинчиси — халқни бошловчи заиф (бўлса),
Учинчиси — халқ бағрини кемирувчи суқ бўлса.

3072 Энди сенда бу учдан бири (ҳам) йўқ,
Элга зўравон бўри қаердан тегади.

3073 Эй эзгу сиёсатли соф (ва) зариф бег,
Худо сенга фазилат, ақл, билим берган.

3074 Ҳар қандай хавфли ишларга ўзинг тавфиқ бўлдинг,
Халқнинг (оғзи) ошга, эгни уст-бошга ёлчиди.

3075 Шукр қил худога, ибодат қил, сақлан,
Бир қадар роҳат қил, сен фароғатла машғул бўл.

3076 Четдан нимаики хатолик, айб содир бўлса,
Мана, мен уни кузатувчи ишончли қулман.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3077 Шукр қылды артуқ сэвинди элиг
Сана қылды раббқа көтүрди элиг

3078 Айур эй бағырсақ идим-сэн улуғ
Ағыр қылдың элдә бу йунчығ қулуғ

3079 Тэгүрдүң мэңә сэн қамуғ эдгүлүк
Мунуң шукры бойнум үзә болды йүк

3080 Бу шукруғ қачан қылға өзүм йэтә

Мунуң шукры мэндин сэңә сэн өтә

**Элиг савалы Өгдүлмишкә**

3081 Йана айды элиг эй Өгдулмишим
Байат фазлы эрди сэни булмышым

116*а* 3082 Сабаб сэн-сә эмди қамуғ эдгүкә
Күчүг тыдғуқа ҳам төрү бэргүкә

3083 Байат бэрди кэндү қамуғ эдгүлүг
Сэни бэрди артуқ адын он үлүг

3084 Нэчә бэг қатығланса йалңүз өзүн
Болу бэрмәсә қул этүмәс өзүн

3085 Бэг ичтин болур көргү таштын көзи
Бағырсақ қулы-ул көзи ҳам сөзи

3086 Көзүм-сә тилим-сә элим-сә мэңә
Анын эдгү болды атым эй тоңа

3087 Нэкү тэр эшит эмди хақан тили
Ажун башламыш бүтрү басмыш эли

3088 Бағырсақ қулуғ булса бэглэр тилэб
Аны тутғу алтун күмүшкә қалаб

3089 Көни чын киши булса бэглэр қутун
Өзи инчкә тэгди тирилди қутун

3090 Тапуғчы талусы бағырсақ болур
Бағырсақ тапуғчығ тилэб ким булур



www.ziyouz.com kutubxonasi

3077 Элиг шукр қилди, ниҳоятда севинди,
Раббга сано айтди, (фотиҳага) қўл кўтарди.

3078 Айтди: Эй меҳрибон, сен улуғ эгамсан,
Бу нотавон қул(инг)ни элда қадрли қилдинг,

3079 Менга сен ҳамма эзгулик(ларни) кўрсатдинг,
Бу(лар)нинг шукри(ни қилиш) бўйним узра қарз бўлди.

3080 Бу шукрни мен қачон тугал қиламан [яъни қандай қилиб уддалай оламан],
Бу(лар)нинг шукрини менинг номимдан ўзингга сен ўзинг ўта.

## Элигнинг Ўгдулмишга саволи

3081 Яна айтди элиг: Эй Ўгдулмишим,
Сени топишим худонинг фазли эди.

3082 Энди ҳамма эзгу(ликлар)га сабаб сендирсан,
Зулмни тийишга ҳам адолат юритишга.

3083 Ҳамма эзгуликларни худонинг ўзи берди,
Бошқа ўн ҳисса ортиқ (қилиб) сени берди.

3084 Бег ёлғиз ўзи қанчалик тиришмасин,
Қули кўмаклашмаса (у) ўзи (ишни) юрита олмайди.

3085 Бег ич(кари)дан кузатади, сиртдан (унинг) кўзи,
Садоқатли қулидир, (унинг) ўзи ҳам сўзидир.

3086 Кўзимсан, тилимсан, қўлимсан менинг,
Шу сабабдан отим эзгу бўлди, эй, баҳодир.

3087 Хоқон тили нима дейди, энди эшит,
Жаҳонни бошлаган, бутун элларни тутган (киши):

3088 Беглар садоқатли қулни истаб топса,
Уни олтин-кумушга кўмиб тутиши керак [яъни бошидан зар тўкиб сақлаши керак].

3089 Тўғри, чин киши топса беглар бахтли (бўлади),
Ўзи фароғатга эришади, бахтиёр яшайди.

3090 Хизматчининг сараси садоқатли бўлади,
Садоқатли хизматчини излаб ким топади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3091 Бағырсақ йоқ эрсә ажунда талу
Кишилик қачан турғай эрди толу

3092 Эсиркәр-мә эмди эй Өгдүлмиш-ә
Бир-өк-сә атаңдын мэңә қалмыш-а

3093 Тақы бир бар эрсә сэни-тэг адын
Уда бэргәй эрди кор өңдүн кэдин

3094 Бир-өк-сә мэңә сэн э қылқы көни
Сэни өз йитүрсә адын бир қаны

3095 Бу йалңузлуқуңқа өзүм ыйманур
Тақы бир эш эрсә сэңә эй үнүр

3096 Сэңә тэгмәгәй эрди эмгәк өкүш
Мэңә ма дуъа тэггәй эрди үлүш

116б 3097 Тилә бар-му көргил қадашлар ара
Сэңә удғу-тэг бир айытғыл көра

**Өгдүлмиш жабавы элигкә**

3098 Йанут бэрди Өгдүлмиш айды элиг
Эсән болсу ишкә йэтилгә әлиг

3099 Эрәжләнсү элиг тучы ынчруну
Тиләк арзу кэлсү өзи тынчруну

3100 Мэниң эмгәримкә элиг алтуны
Ағыр қылмасу көңли тутсу көни

3101 Мэңә тэгсә эмгәк эрәж ма тэгир
Эрәж бирлә эмгәк йанашу йурыр

3102 Қалы эл ишингә тосулғу киши
Тиләк эрсә элиг будун эл башы

3103 Нэкү тэр эшитгил эй элчи бөгү
Бөгүләб қылур элчи күндә өгү

3104 Өкүш болса элкә басутчы бил-ә
Эл этлүр бэдүр бэг йатыб йэр күлә



www.ziyouz.com kutubxonasi

3091 Дунёда ҳақиқий садоқатли бўлмаганда эди,
Одамгарчилик қачон тўла-тўкис турар эди.

3092 Энди афсусланаман, эй Ўгдулмиш,
Отангдан менга қолган биргина сендирсан.

3093 Сендек яна бошқа бирортаси бўлганда эди,
Олдинма-кейин эргашиб юра берар эди, кўр.

3094 Биргинадирсан менга сен, эй хулқи тўғри,
Сени мен йўқотсам, бошқа битта қани?

3095 Бу ёлғизлигинг учун мен ноқулай аҳволда қолаётирман,
Сенга тағин бир эш бўлса эди, эй униб-ўсгур.

3096 Сенга кўп меҳнат етмагай эди,
Менга ҳам дуо насиб бўлгай эди.

3097 Изла, борми, кўргин, қариндошлараро
Сенга эргашгудек бир (киши), кўриб суриштиргин.

## Ўгдулмишнинг элигга жавоби

3098 Жавоб берди Ўгдулмиш, айтди: Элиг
Эсон бўлсин, қўл ишга қовушади.

3099 Элиг тинчланиб доим роҳатда бўлсин,
Тилак-орзу ўзи аста-секин келаверсин.

3100 Менинг машаққат чекишимга элиг ҳазратлари
Безовта бўлмасин, кўнглини тўқ тутсин.

3101 Менга машаққат етса, роҳат ҳам етади,
Роҳат билан машаққат ёндашиб юради.

3102 Агар эл ишига фойда келтирадиган киши
Орзунг эрса, (эй) халқ, эл бошлиғи элиг.

3103 Доно нима дейди, эшитгин, эй эл бошловчи,
Донолик билан эл бошловчиларни кунун оқилликка даъват қилувчи:

3104 Эл(ни бошқариш)да ёрдамчи кўп бўлса, билгинки,
Эл юксалади, бег ётиб ейди [яъни ҳузур ва ҳаловатда бўлади].



www.ziyouz.com kutubxonasi

3105 Тэлим болса элда тосулур тэтиг
Билиг[63] инчкə тэгрүр ḍылүр бу этиг

3106 Йоқ эрмас қаḍашлар ара бар мэниң
Бу йаңлығ киши билги артуқ аның

3107 Қамуғ эрдəми бар сақынуқ уḍуғ
Қайу ишкə тэгсə боḍур тү боḍуғ

3108 Қылынчы көни аты Оḍғурмыш-ул
Қамуғ эдгүлүккə əлиг урмыш-ул

3109 Валикан эвүрди бу дунйада йүз
Туруб тағқа кирди көңүл қылды түз

117а 3110 Байат тапғы бирлə өзин эмгəтүр
Тапуғ бирлə йазуқ игин эмлатур

3111 Мэниңдə йүз үстəң аның эрдəми
Буḍундə талусы киши көḍрүми

3112 Мэни бирлə болса мениң ул қаḍаш
Қамуғ ишкə болғай аның билги баш

3113 Элиг алтуны тынға көңли бүтүо
Сэвинчин тирилгəй ажунуғ тутуб

3114 Элиг айды арзум тилəким бу-ул
Аны булса өтрү тайанғай көңүл

3115 Нэкү-тэг қылур-сə бу ишкə этиг
Мэңə йақрү бэрсəң аны эй тэтиг

3116 Нэкү-тэг оқылым аны ай бару
Қими ыḍса болғай оқытчы нару

3117 Битиг-му кэрəк йа сөз ыḍса тилин
Йарағы нэкү-ул сэн андағ қылын

**Өгдүлмиш жабавы элигкə**

3118 Йанут бэрди Өгдулмиш айды бу сөз
Айытмышқа элиг жаваб қылды өз



www.ziyouz.com kutubxonasi

3105 Эл орасида ёрдам берувчи, тетиклар кўп бўлса,
Бегни роҳатга етказади, юмушларни улар қилади.

3106 Йўқ эмас, менинг қариндошларим орасида бор
Бу янглиғ киши, унинг билими ортиқ.

3107 Ҳамма хислатларга молик, ўйловли, ҳушёр,
Қандай ишга киришса, турли бўёқлар бўяйди [яъни ҳар қандай ишни аъло бажаради].

3108 Феъли-рафтори тўғри, оти Ўгдулмишдир,
Ҳамма эзгуликларга қўл ургандир.

3109 Ва лекин (у) бу дунёдан юз ўгирди,
Туриб тоққа чиқиб кетди, кўнглини тўғри қилди [яъни беғубор ва пок кўнгил бўлиб, худо йўлига кирди].

3110 Худога тоат-ибодат билан ўзини қийнамоқда,
Тоат-ибодат билан гуноҳ касалини даволатмоқда.

3111 Мендан юз (ҳисса) ортиқ унинг фазилатлари,
Халқ орасида етуги, киши(лар) сараси.

3112 Менинг у қариндошим мен билан бўлса,
Ҳамма ишга унинг билими бош бўлади.

3113 Элиг ҳазратлари таскин топади, кўнгли хотиржам бўлади,
Оламни тутиб, шодликда яшайди.

3114 Элиг айтди: Орзум, тилагим будир (ким),
Уни топсам, сўнг кўнглим далдали бўлади.

3115 Бу ишга қандай ҳозирлик қиласан,
Менга уни яқин қилиб берсанг, эй тетик.

3116 Айт, уни бу ёққа қандай қилиб чақирамиз,
У ёққа чақирувчи сифатида кимни юборамиз.

3117 Мактуб керакми ёки оғзаки сўз юбориш (маъқулми),
Қайси бири маъқул бўлса, сен ўшандек қил.

**Ўгдулмишнинг элигга жавоби**

3118 Жавоб берди Ўгдулмиш, бу сўз(лар)ни айтди:
Сўраган (савол)ига элиг ўзи жавоб қилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3119 Қадашым барыны өтүнди бу өз
Кэлир-му йа кэлмэс ачылмас бу сөз

3120 Қалы кэлсэ эдгү ағырлады сөз
Апаң кэлмэсэ болға йарлығ ужуз

3121 Сарылға-му эрки элиг алтуны
Илэнгэй-му эрки мэңэ ул күни

3122 Элиг айды мэн сөз айыттым сэңэ
Сэн өз билмишиң сөзни айдың мэңэ

117б 3123 Оқы кэлсэ кэлгэй қалы кэлмэсэ
Нэкүкэ илэнгүм сөзүм тутмаса

3124 Сэн өгдүң аның түрлүг эрдэмлэрин
Ул эрдэм үчүн мэн тилэр-мэн эрин

3125 Билиглиг уқушлуғ тэдүкүң үчүн
Аны арзуладым ҳавақа өчүн

3126 Билиглиг уқушлуғ киши ул киши
Аныңда нару барча йылқы түши

3127 Билиглиг уқушлуғ билир билсэ иш
Билиглиг уқушлуғ қылур қылса иш

3128 Муңар мэңзэр эмди бу сөз бэлгүлүг
Эшитгил муны сэн эй эрсиг күлүг

3129 Билиг бирлэ йазлур қамуғ тэрс түгүн
Билиг бил уқуш уқ тирилгил өгүн

3130 Билиг ишкэ тутғыл тақы бил күни
Тақы өгрэнү тур осанма бу күн

3131 Мэңэ йалңуз эрмэс аныңдын асығ
Сэңэ ма қадашдын асығ ҳам татығ

3132 Қадашлығ болурса кэрэк бу қадаш
Қадаш болмаса тутғу эркэ адаш

3133 Эди йақшы аймыш көр элчи башы
Қамуғда күчи бэк қадашлығ киши



www.ziyouz.com kutubxonasi

3119 Мен қариндошим бор(лиғ)ини баён қилдим,
Келадими ёки келмайдими, бу сўз номаълум.

3120 Агар келса, сўз(инг)ни қадрлаган бўлади,
Агар келмаса, фармон(инг)нинг қиммати тушади.

3121 Элиг ҳазратлари азият чекиб қолармикан,
Бир кун келиб у мени айбга қўярмикан.

3122 Элиг айтди: Мен сендан сўз сўрадим,
Сен ўз билган сўзларингни менга айтдинг.

3123 Чақир, келса келгани, агар келмаса,
Нима учун айбга қўяман, (у) сўзимни олмаса:

3124 Унинг турли фазилатларини сен таъриф қилдинг,
Ўша фазилатлари учун мен соҳибини чақираётирман.

3125 Билимли, заковатли деганинг учун,
Ҳавас қасди билан уни орзуладим.

3126 Билимли, заковатли одам одамдир,
Ундан бошқа барча (киши) йилқи тенгидир.

3127 Ишни билса, билимли, заковатли билади,
Иш қилса, билимли, заковатли қилади.

3128 Муҳаққақ (уш)бу сўзлар энди бунга монанддир,
Сен бу (сўзлар)ни эшитгин, эй мард, машҳур:

3129 Ҳамма қаттиқ тугун билим туфайли ечилади,
Билим бил, заковат ўрган, оқилона яшагин.

3130 Билимни ишга солгин, тағин кунун ўрган,
Тағин ўргана бер, бугун ғофил бўлма.

3131 Унинг манфаати ёлғиз мен учунгина эмас,
Сенга ҳам қариндошингдан манфаат ва ҳаловат (бор).

3132 Қариндошли бўлиш (яхши), қариндош керакдир,
Қариндош бўлмаса, кишилардан дўст тутиш керак.

3133 Кўр, эл бошловчи(лар) боши жуда яхши айтибди:
Қариндошли киши ҳаммадан (ҳам) кучи ғолиб бўлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3134 Қад̇ашлығ киши кўси жав̇ы бэд̇үг
Ад̇ашлығ киши аты сав̇ы бэд̇уг

3135 Қад̇ашың йоқ эрсә йуры тут қад̇аш
Ад̇аш эд̇гү болса бу болды қад̇аш

**Өгдүлмиш жавабы элигкә**

118*а* 3136 Йанут бэрди Өгдулмиш элиг қуты
Аны чын тиләсә этәйин оты

3137 Элиг йарлықаса барайын өзүм
Оқыйын аны мэн ачайын сөзүм

3138 Тилин сөзләйин мэн түмән түрлүгүн
Билигдин уқушдын сөз өд̇рүб өгүн

3139 Элиг ма битисү өз әлгин битиг
Эшитсү элиг йарлығын ул тэтиг

3140 Мэңә бүтсү мэндин тэйү билмәсү
Йэмә йарлығ эштиб кэтә турмасу

3141 Нэчә ма өзүм сөзләсә сөз тилин
Элиг йарлығы бу битиг сөз ад̇ын

3142 Нэкү тэр эшитгил эй аслы ағы
Қара көңлин авлар бэги йарлығы

3143 Тақы йақшы аймыш билиглиг өзи
Түгүлмиш көңүлни йазар бэг сөзи

3144 Исиг сөзләсә қулқа бэгләр тилин
Унытмас аны қул тирилсә йылын

3145 Қайу бэг тили йумшақ эрсә сүчиг
Аны сэв̇ди буд̇ны улуғ тут кичиг

**Элиг жавабы Өгдүлмишкә**

3146 Элиг айды эмди бу эрсә йарағ
Битийин битигим аңар болсу ағ



www.ziyouz.com kutubxonasi

3135 Қариндошинг йўқ бўлса, кел, қариндош тут,
Ёр-дўст эзгу бўлса, у қариндош (дай) бўлади.

### Ўгдулмишнинг элигга жавоби

3136 Ўгдулмиш жавоб берди: Бахтиёр элиг
Уни чиндан истаса, чорасини этайин.

3137 Элиг буюрса, ўзим борайин,
Уни мен чиқарайин, сўзимни тушунтирайин.

3138 Тилим билан турли-туман (қилиб) сўзлайин,
Ақл билан билим ва заковатдан сўз танлаб.

3139 Элиг ҳам ўз қўли билан мактуб ёзсин,
У тетик элиг фармонини эшитсин.

3140 Менга ишонсин, (бу ишларни) мендан, деб билмасин,
Шунингдек, фармонни эшитиб кетавермасин.

3141 Мен тилда қанча сўз сўзлаганим билан,
Элиг фармони — ёзма сўз бошқадир.

3142 Эй асли покиза, (бу ҳақда) нима дейилган, эшитгин:
Бегининг фармони авом кўнглини овлайди.

3143 Билимли киши янада яхши айтибди:
Тугулган кўнгилни бег сўзи ёзади.

3144 Беглар тилда қулга илиқ сўзласа,
Йиллар яшаганда ҳам қул уни унутмайди.

3145 Қайси бег тили юмшоқ, чучук бўлса,
Улуғдир, кичикдир уни халқи севади.

### Элигнинг Ўгдулмишга жавоби

3146 Элиг айтди: Энди чораси шу бўлса,
Мактубимни ёзайин, унга дом бўлсин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3147 Сэңә барғу эрсә этингил этиг
Муну мэн өзүмдин битидим битиг

**Б а б. Күнтуғды элиг Одғурмышқа битиг битиб ыдмышыны айтур**

118б 3148 Дават қулды кағаз битиди битиг
Битиг бирлә этти ишингә этиг

3149 Байат аты бирлә сөзүг башлады
Төрүтгән игидгән кэчүргән тэди

3150 Айур мэн битидим байатым аты
Бу ат-ул қамуғ түрлүг игкә оты

3151 Өкүш өгди артуғ тэлим миң сана
Қылүр-мэн байатқа аңар йоқ фана

3152 Тиләди төрүтти қамуғ тэбрәриг
Тирилгү бэрүр йэм тутар ул тириг

3153 Уған-ул көни чын турур бэргүчи
Төрүмиш қамуғ халққа йэтрүр күчи

3154 Йашыл көк йаратты йарутты күн ай
Қара түн йаруқ күн сақышлығ йыл ай

3155 Төрүтти бу эврэн тучы эврүлүр
Байат ҳукмы тақдир билә тэзгинүр

3156 Төрүтмәстә ашну йурытты қаза
Қазақа тапы бол бойун эг уд-а

3157 Нэкү қулса қылды нэ қулса қылур
Нэкү айса болды нэ айса болур

3158 Иликдин салам көңли айту битиг
Битидим эсәнлик үзә эй тэтиг

3159 Эсән бар-му эрки эт өз инчликин
Нэкү-тэг йүдәр эрки өдләк йүкин

3160 Эшиттим сэниң эдгү қылқың йаңың
Бу өдтә йоқ-ул тэб сэңә түш тэңиң



www.ziyouz.com kutubxonasi

3147 Сен борадиган бўлсанг, ҳозирлик қилгин,
Мана, мен ўзимдан мактуб ёздим.

## Боб. Элиг Кунтуғди Ўгдулмишга мактуб ёзиб йўллашини айтади

3148 Давот ва қоғоз сўради, мактуб ёзди,
Мактуб билан ишига замин ҳозирлади.

3149 Худо оти билан сўзни бошлади,
Яратган, парвариш қилган, кечирган, деди.

3150 Айтди: Мен худойим отини ёздим,
Бу от ҳамма турли дардга дармондир.

3151 Кўп ҳамд, ниҳоят талай минг саналор
Қиламан худога, фанолик унга ётдир.

3152 Жамики тебранувчиларни (у) истади (ва) яратди,
У яшаш учун ризқ беради, тирик тутади.

3153 Қодир дарҳақиқат (ва) чин ато қилувчидир,
Яралган ҳамма халққа кучини етказади.

3154 Яшил кўкни яратди, Кун (ва) Ойни ёритди,
Қора тун, ёруғ кун (ва) саноқли йил, ойларни (яратди).

3155 Доимо айланувчи бу фалакни яратди,
(У) худо ҳукми — тақдир билан айланади.

3156 Яратмасдан аввал қазони юритди,
Қазога рози бўл, бўйин эг, эргаш.

3157 Нима истаса қилди, нима истаса қилади,
Нима айтса бўлди, нима айтса бўлади.

3158 Аввало салом, (мен) кўнгил сўровчи мактуб
Ёздим, эзсонликни сўраб, эй тетик.

3159 Тану жон эсон ва тинч борми?
Замона юкини қандай кўтараётир экан?

3160 Сенинг эзгу феълинг ва тарзларингни эшитдим,
Бу замонда сенинг тенгу тушинг йўқ, деб.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3161 Байат қылмыш эмди сэңә эд̇гүлүг
Билиг бэрмиш эрдәм уқуш өг үлүг

3162 Бу йаңлығ қылынчың эшитти өзүм
Сэни арзулади э көрклүг йүзүм

119*a* 3163 Қад̇ашыңны ыд̇тым бу Өгдүлмишиг
Сөзүмни тэгүргәй уқуб билмишиг

3164 Йақын қаб қад̇ашдын йитүрмишсә-өз
Улуш кәнд буд̇ундын эв̇үрмиш-сә йүз

3165 Туруб тағқа кирмиш өзүң йалңузун
Тапуғ қылғуқа бу тапуғ кәд̇ узун

3166 Нэкү қылды эрди қад̇ашлар сэңә
Нэлүг йүз эв̇үрдүң ача ай мэңә

3167 Қалы тэгди эрсә сэңә күч басынч
Бару кэл мэңә ай бу қад̇ғу сақынч

3168 Сэңә мэн бэрәйин төрү күч билә
Бу йэрдә тирилгил сэв̇инчин күлә

3169 Қад̇ашдын қад̇ашқа асығлар болур
Асығ бирлә йалңуқ татығлар булур

3170 Барышғу кэрәк қаб қад̇ашлар биләә
Қатылғу кэрәк эш ад̇ашлар билә

3171 Қайуда йарашықлық эрсә йақын
Ул ишдә болур асғы көңлүн бақын

3172 Нэкү тэр эшитгил бу шэър айғучы
Экигү йарашса асығ бир тучы

3173 Йағыз йэр йашыл сув̇ йарашты билә
Ара миң чечәкләр йазылды дүлә

3174 Йарашық йурыса қад̇аш йа ад̇аш
Улардын болур қаб қад̇аш қатыла

3175 Қалы бардың эрса талуғ қылғалы
Тапуғ кэндтә қылғыл бу-ул дын йолы



www.ziyouz.com kutubxonasi

3161 Энди худо сенга эзгулик (ато) қилибди,
Билим, фазилат, заковат, ақл бахш этибди.

3162 Бу янглиғ хислатларингни мен эшитдим,
Сени орзуладим, эй юзи кўрклигим.

3163 Қариндошингни — бу Ўгдулмишни юбордим,
Сўзимни, уқиб билганларини (сенга) етказади.

3164 Яқин қавм-қариндошдан воз кечибсан ўзинг,
Қишлоқ, шаҳар, халқдан юз ўгирибсан ўзинг.

3165 Туриб ёлғиз ўзинг тоққа чиқиб кетибсан,
Тоат-ибодат қилиш учун, бу тоат-ибодат ниҳоятда узундир:

3166 Қариндошлар сенга нима қилган эди,
Нимага юз ўгирдинг, очиб айт менга.

3167 Агар сенга зулм (ва) бедод етган бўлса,
Бу ерга кел, бу қайғу-алам (лар) ни менга айт.

3168 Мен сенга куч билан адолат берайин,
Севинч-ла кулиб бу ерда яшагин.

3169 Қариндошдан қариндошга манфаатлар бўлади,
Манфаат билан одам ҳаловатлар топади.

3170 Қавм-қариндошлар билан боришиш керак,
Эш-адашлар билан аралашиш керак.

3171 Қаерда ярашиқли яқин бўлса,
У ишда манфаат бўлади, кўнгил (кўзи) билан боққин.

3172 Бу шеърни айтувчи нима дейди, эшитгин,
Иккавлон ярашса, бу бир мангу фойдадир:

3173 Қора ер, яшил сув ярашгани туфайли,
Ўртада минг (турли) чечаклар кулиб очилди.

3174 Қариндош ёки ёру дўстлар ярашиб юрсалар,
Улардан қўшилиб қавм-қариндошлар пайдо бўлади.

3175 Агар тоат-ибодат қилгани борган бўлсанг,
Тоат-ибодатни шаҳарда қилгин, дин йўли шудир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3176 Улуш кэндтә таъат тэлим бар ыдуқ
Ошул йэрдә йәтрү көрү барса йоқ

3177 Билиг өгрән ашну тапуғқа өкүш
Билигсиз тапуғ асғы болмас үлүш

119б 3178 Қиши экки түрлуг киши атанур
Бири өгрәтигли бири өгрәнүр

3179 Экидә нару барча йылқы саны
Тиләсә муны тут тиләсә аны

## Элиг панди Одғурмышқа

3180 Сэн эмди қайу-сә мэңә ай ача
Экидә бири бол үчинчтә қач-а

3181 Билиг билдиң эрсә түгәл өгрәниб
Аны ишләт эмди көр эмгәк ыдыб

3182 Қалы билмәдиң эрсә өгрән билиг
Тапуғларқа өтрү тэгүргил әлиг

3183 Нэкү тэр эшитгил билиг бэргүчи
Билиг бирлә таъат тапуғ қылғучы

3184 Билиг бирлә өгрән[64] байат тапғынга
Билиг тамға болур қамуғ қапғынга

3185 Билиг бирлә таъат муйаны түмән
Билигсиз тапуғ қылса булмас муйан

3186 Билигсиз тапуғ қылмышында көрү
Билиглиг удымыш муйаны өрү

3187 Улуш кэнд ичиндә тапуғ бар тэлим
Ошул йэрдә қылса болумас йарым

3188 Сэниң анда тапғуң намаз-ул бири
Тақы бири роза тутар-сә уры

3189 Мунунда адын анда таъат қайу
Мэңә көргитү бэр тилин сөзләйү

www.ziyouz.com kutubxonasi

3176 Қишлоқ, шаҳарда муқаддас тоат-ибодат кўп бордир,
У ерда, яхшилаб кўра олсанг, (бу даражада) эмасдир.

3177 Аввал тоат-ибодат учун кўп билим ўрган,
Билимсиз тоат-ибодатнинг нафи насиб бўлмайди.

3178 Икки турли киши киши аталади:
Бири — ўргатувчи, бири — ўрганувчи.

3179 Иккисидан бошқа барчаси йилқи тенгидир,
Истасанг бунисини бўл, истасанг унисини.

### Элигнинг Ўгдулмишга панди

3180 Энди сен қайсинисисан, менга очиб айт,
Иккисидан бири бўл, учинчисидан зинҳор қоч.

3181 Тугал ўрганиб, билим(ларни) билиб олсанг,
Энди уни ишлат, меҳнат сингдириб кўр.

3182 Агар (шу вақтга қадар) билмаган бўлсанг, билим ўрган,
Сўнг тоат-ибодатларга қўл тегизгин.

3183 Билим берувчи нима дейди, эшитгин,
Билим билан тоат-ибодат, хизмат қилувчи:

3184 Худонинг тоат-ибодатига билим билан (яқинлашишга) ўрган,
Ҳамманинг эшигига билим тамға бўлади.

3185 Билим билан (қилинган) тоат-ибодатнинг нажоти тумандир.
Билимсиз тоат-ибодат қилса нажот топмайди.

3186 Билимсизнинг тоат-ибодат қилишидан кўра
Ухловчи билимлининг манфаати юқоридир.

3187 Қишлоқ, шаҳар ичида тоат-ибодат кўп бордир,
У ерда тоат-ибоат қисланг (бу ерда қилганингнинг)
ярмича ҳам бўлолмайди.

3188 Сенинг у ерда (қиладиган) ибодатингнинг бири намоздир,
Тағин бири — рўза тутасан, эй ўғил.

3189 Бундан бошқа у ерда қанақа тоат-ибодат (бор),
Тилинг билан сўзлаб менга кўрсатиб бер.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3190 Атанды өзүң эмди заҳид аты
Бу атың сэңә болды таъат йуты

120а 3191 Муңар арсықар эрсә эмди өзүң
Бу таъат йав̇а болды кэсгил сөзүң

3192 Тапуғ қылғу халқдын аны кэзләгү
Өкүш таъат эрсә аны азлағу

3193 Киши эд̓гүси қылса таъат тапуғ
Аны халққа кэзләр йапар бу қапуғ

3194 Нэкү тэр эшит эмди маъни бу сөз
Бу сөз ишкә тутғыл айа эд̓гү өз

3195 Эрән эр қатында өзин кэзләди
Тапуғ қылды йүз йыл аны азлады

3196 Тапуғ кэзләйү қыл киши көрмәсү
Бу сөз мубрам эрди өзүм сөзләди

3197 Бару кэл улуш кэндтә қылғыл тапуғ
Қамуғ эд̓гүлүккә ачылсу қапуғ

3198 Буд̆унқа тосулғыл муңынга йара
Қад̆ашқа бағыр бэр йақынлық ула

3199 Тэлим өгсүзүг көр йа тул тулсақығ
Йа көзсүз йа олдрум йэма ахсақығ

3200 Жамаъат билә қыл фариза намаз
Чығайлар ҳажы қыл адина намаз

3201 Ҳалал дунйа қазған чығайқа үлә
Киши әлги тутғыл йанут қыл йөлә

3202 Бу самыш тапуғ барча таъат турур
Бу таъат билә барча раҳат турур

3203 Муны барча йалңуз қод̓ты өзи йалңузун[65]
Намаз роза тутты э қылқы түзүн

3204 Намаз роза барча өз асғың турур
Өз асғын тиләгли бағырсыз болур



www.ziyouz.com kutubxonasi

3190 Энди ўзинг зоҳид, деб атандинг,
Бу отинг сенга тоат-ибодат учун бир бало [яъни гаров] бўлди.

3191 Энди ўзинг бунга мағрурланадиган бўлсанг,
Бу тоат-ибодатларинг беҳуда бўлади, сўзингни кесгин.

3192 Тоат-ибодат қилиш (керак), уни халқдан яшириш (керак),
Тоат-ибодат талай бўлса (ҳам), уни оз деб (ҳисоблаш керак).

3193 Киши эзгуси тоат-ибодат қилса,
Уни халқдан яширади, бу (ишнинг) эшигини ёпиқ тутади.

3194 Маънида нима дейилади, энди бу сўзни эшит,
Бу сўзга амал қилгин, эй эзгу киши:

3195 Мардлар одамлар орасида ўзини яширади [яъни камтар тутади],
Юз йил тоат-ибодат қилади, (бари бир) уни оз деб ҳисоблайди.

3196 Тоат-ибодатни ниҳоний қил, одамлар кўрмасин,
Бу сўз қатъийдир, мен (сенга) сўзладим.

3197 Бу ёққа кел, қишлоқ, шаҳарда тоат-ибодат қилгин,
Ҳамма эзгуликларга эшик очилсин.

3198 Халққа фойданг тегсин, мунгига яра,
Қариндош(лар)га кўнгил бер, яқинлик ула.

3199 Талай онасизларни кўр, ё тул, беваларни,
Ё кўзсиз, ё шол, ёки чўлоқларни [яъни ҳолларидан хабар ол].

3200 Жамоат билан фариза намозини қил,
Камбағаллар ҳажи (ҳисобланган) жума намозини қил.

3201 Ҳалол мол-дунё қўлга кирит, камбағал(лар)га улаш,
Одамлар қўлини тутгин, жавоб қил, йўл кўрсатгин.

3202 Бу саналган хизматлар барчаси тоат-ибодатдир,
Бу тоат-ибодат билан ҳамма (нарса) роҳатдир.

3203 Буларнинг барчасини қўйиб ўзинг ёлғизликда,
Намоз, рўза билан банд бўлдинг, эй қилиқлари гўзал.

3204 Намоз, рўза барчаси ўз манфаатинг учундир,
Ўз манфаатини истовчи (киши) меҳрсиз бўлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3205 Эди йақшы аймыш киши өдрүми
Кишикә бағырсақ киши көдрүми

120б 3206 Киши эдгүси бу өз асғын қодуб
Киши асғы қулса көр эмгәк йүдүб

3207 Бағырсақ кэрәк эр нэ бағры сүчиб
Төрү бэрсә эдгү эсизкә ачыб

3208 Тириг йалңуқ оғлы тосулған кэрәк
Тосулмас киши туғса өлгән кэрәк

3209 Кишикә тосулур киши эдгүси
Бу эдгү киши-ул будун тодғусы

3210 Тапуғқа ынаныб қайу эрсә қул

Булумады тэңри сэвинчингә йол

3211 Байатым сэвинчи тиләсә өзүң
Мусулман сэвинчи тиләгин[66] сөзүң

3212 Сэниң тапғынгә муңлуғ эрмәс байат
Өзүң қуллуқы қыл тилә эдгү ат

3213 Кимиң аты қул болса қылқы тапуғ
Тапуғсуз қул аты мажаз-ул қамуғ

3214 Тапуғ қыл тапуғ тынма қуллуқ бу-ул
Тапуғқа бақа көр ма бэклә бу йол

3215 Эди йақшы йамыш бөгү билги кэң
Муны ишкә тутғыл айа әлги кэң

3216 Тапуғ таъатым тэб кувәнмә өкүш
Тапуғ қыл байатқа тапуғлуғ көшүш

3217 Тапуғ қыл байатқа бу-ул қуллуқуң
Тапундум тэйү сэн унытма уқуш

3218 Эй Өдғурмыш эмди оқыр-мэн сэни
Өз асғын тиләр тэб сақынма мэни

3219 Қалы кэлсәң асғы тосусы сэңә
Йэмә кэлмәсә-сэн йасы йоқ мэңә



www.ziyouz.com kutubxonasi

3205 Киши(лар)нинг сараси жуда яхши айтибди,
Киши(лар)га меҳрибон, киши(лар)нинг афзали:

3206 Кишининг эзгуси будир, кимки ўз манфаатини қўйиб,
Машаққат чекиб ўзгаларнинг манфаатини истаса, кўр.

3207 Эр (киши) меҳрли бўлиши керак ва меҳри ийиб,
Иноят қилиб яхши-ёмонга карам кўрсатса.

3208 Тирик одам боласи фойдаси тегадиган бўлиши керак,
Фойдаси тегмайдиган киши туғилса, ўлган (бўлиши) керак
[яъни ўлгани яхши].

3209 Киши эзгуси кишига фойда келтиради,
Бу(ндай) эзгу киши халқнинг қорин тўқисидир.

3210 Қайси бир банда бўлмасин [яъни ҳеч бир банда] тоат-ибодатга
ишониб,
Худонинг севинчига йўл топа олмаган.

3211 Ўзинг худонинг севинчини истасанг,
Мусулмон(лар) севинчини (ҳам) иста, сўзингни кес.

3212 Худо сенинг тоат-ибодатингга муҳтож эмас,
Ўз бандалигингни қил, эзгу ном иста.

3213 Кимнинг оти банда бўлса, қилмиши тоат-ибодат (бўлади),
Тоат-ибодатсиз банда номи мутлақ мажоздир.

3214 Тоат-ибодат қил, тоат-ибодат, тинма, бу бандаликдир,
Тоат-ибодатга назар ташла ҳамда бу йўлни маҳкам тут.

3215 Доно, билими кенг (бу ҳақда) жуда яхши айтибди,
Бунга амал қилгин, эй қўли очиқ:

3216 Хизматим, тоат-ибодатим (кўп), деб ортиқ мағрурланма,
Худога тоат-ибодат қил, тоат-ибодатли эъзоздир.

3217 Худога тоат-ибодат қил; бу бандалигингдир,
Тоат-ибодат қилдим деб заковатни унутма.

3218 Эй Ўзғурмиш, энди сени чорлаётирман,
Ўз манфаатини истаётир, деб ҳисоблама мени.

3219 Агар келсанг, фойдаси, манфаати — сенга,
Шунингдек, сен келмасанг, менга зарари йўқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3220 Оқыр-мэн сэни халққа эд̆гү үчүн
Бу эд̆гү буд̆ун асғы бузма күчүн

121*a* 3221 Бақа көр мэн аймыш бу сөзлэр тапа
Чын эрсэ бару кэлгил андын қопа

3222 Мэни бирлә турғыл мэңә қыл басут
Чығайығ йөләгил нәңин эд̆гү тут

3223 Өзүңгә муйан ал мэңә эд̆гү ат
Экигүн ажун бэргә эрклиг байат

3224 Мэни эд̆гүкә йэт өзүң эд̆гү бол
Қиши эд̆гү эрдин түзәр эд̆гү йол

3225 Сабаб болғыл эмди мэңә эд̆гүкә
Байат бэргә эд̆гү сэңә эй тоңа

3226 Нэкү тэр эшитгил тәж̇ик билгәси
Тәж̇ик билгәләри жав̆ықар күси

3227 Бэги болса эд̆гү буд̆унқа бүтүн
Аның асғы барча буд̆ун йэр қутун

3228 Өзүң эд̆гү қулма бэгиң эд̆гү қул

Бэги эд̆гү болса буд̆ун асғы-ул

3229 Қара эд̆гү болса бир өзкә болур
Бэги эд̆гү болса буд̆ун күн көрүр

3230 Қиши тэб айурлар қайу-ул киши
Қишикә асығ қылса этсә иши

3231 Түзү йалңуқ оғлы сэв̆әр эд̆гүни
Бу эд̆гү қайу-ул өгәйин аны

3232 Бу эд̆гү ул-ул қылса халққа асығ
Бу асғы билә буд̆ны булса татығ

3233 Бағырсақ болур халққа эд̆гү киши
Бағырсақ болун болдуң эд̆гү башы

3234 Муну сөзләдим сөз битигин улам
Түгәттим сөзүмни қурыттым қалам



www.ziyouz.com kutubxonasi

3220 Мен сени халққа яхшилик учун чақираётирман,
Бу яхшилик халқ фойдасидир, (уни) зўрлик билан барбод берма.

3221 Мен айтган бу сўзларга боқиб кўр,
Чин бўлса, у ердан туриб бери келгин.

3222 Мен билан тургин, менга ёрдам қил,
Қамбағалларни мол-дунё билан қувватлагин, эзгу тут.

3223 Ўзингга манфаат ол, менга эзгу от (ол),
Қодир худо иккала дунёни ато қилади.

3224 Мени эзгу(лик)га етказ, ўзинг эзгу бўл,
Киши эзгу эрдан эзгу йўл ўрганади.

3225 Энди менга эзгу(лик)га сабаб бўлгин,
Худо сенга эзгу(лик) беради, эй баҳодир.

3226 Тожик донишманди нима дейди, эшитгин,
Тожик донишмандлари(нинг) овозаси таралади:

3227 Халқнинг беги ишончли, эзгу бўлса,
Унинг барча манфаатини халқ саодат билан кўради.

3228 Ўзингнинг эзгу бўлишингни истама, бегингнинг эзгу бўлишини иста.
Беги эзгу бўлса, бу халқ манфаатидир.

3229 Авом (киши) эзгу бўлса бир ўзи учун бўлади,
Беги эзгу бўлса, халқ кун кўради.

3230 Киши деб айтадилар, қани ўша(ндай) киши,
(Токи) кишиларга манфаат келтирса, ишини қилса.

3231 Барча одам боласи эзгуни севади,
Бу эзгу қайси, уни ардоқлайин.

3232 Бу эзгу шулдирки, у халққа фойдаси тегса,
Бу фойдаси билан халқи ҳаловат топса.

3233 Эзгу киши халққа меҳрибон бўлади,
Меҳрибон бўлгин, эзгуларнинг сарвари бўласан.

3234 Мана, узоқ мактуб билан (бу) сўзларни сўзладим,
Сўзимни тугатдим, қаламни соф қилдим.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3235 Тақы ма нэкү эрди эрсә сөзүм
Қадашың тэгүргәй тилин ай йүзүм

121б 3236 Битиг түрди бады үзә тамғалаб
Сунуб бэрди Өгдулмиш алды улаб

3237 Элиг айды барғыл тақы ма нэкү
Йарағлығ сөз эрсә тэгүр эй бөгү

3238 Қатығлан аны кэлдүр эмди мэңә
Қуруқ кэлмә ансыз мэңә эй тоңа

3239 Билиглиг нэкү тэр эшитгил өзүн
Йалавач тэтиг ыд тутузма сөзүн

3240 Нэкү тутсайын мэн сэңә эмди сөз
Қамуғ сөз сэниңдә айа көңли түз

3241 Нэкү сөзләгү эрсә сөзлә тилин
Йарағы нэ эрсә сэн андағ қылын

3242 Иләл тэб туруб чықты Өгдүлмиш-ә
Ул эдгү қылынч бирлә игдилмиш-ә

3243 Атын мүнди эвкә йүз урды туруб
Кэлиб түшти кирди йақа қур йөрүб

3244 Йашық йанды йэркә йақурды башын
Йаруқ дунйа мэңзи қарарды эшин

3245 Қуды этти кэсмә йаруқ йүз туды
Сэвүг зулфы толды йуқару қуды

3246 Туруб йунды қылды бу йатғу намаз
Төшәк қулды йатты удыб барды аз

3247 Бэлиңләб удунды көтүрди башын
Қара заңи қылмыш йүзини эшин

3248 Туруб йунды қылды йана таң намаз
Дуъа қылды тасбэҳ йэмә көдти аз



www.ziyouz.com kutubxonasi

3235 Яна қандай сўзларим бўладиган бўлса,
Қариндошинг (ўз) тили билан етказади, ой юз(лиг)им.

3236 Мактубни ўради, устидан муҳрлаб боғлади,
Узатиб берди, Ўгдулмиш (қўл) узатиб олди.

3237 Элиг айтди: Боргин, яна қанақанги
Ярокли сўз бўлса, етказгин, эй доно.

3238 Маҳкам бўл, энди уни менинг (ҳузуримга) келтир,
Усиз менга қуруқ келма, эй баҳодир.

3239 Донишманд нима дейди, (сен) ўзинг эшитгин;
Тетик элчи юбор, сўзингни уқтириб ўтирма.

3240 Энди мен сенга қандай қилиб сўз уқтирайин,
Ҳамма сўз сенинг ўзингда қолган, эй кўнгли пок.

3241 Нима сўзлаш лозим бўлса, тилинг-ла сўзла,
Чораси нима бўлса, сен ўшандай қилгин.

3242 Ҳа, албатта деб Ўгдулмиш туриб чиқди,
У (шундай) эзгу хулқ билан тарбияланган (эди).

3243 Отини минди, туриб уйига томон йўналди,
Келиб (уйига) тушди, кирди, ёқа, белбоғларини ечди.

3244 Қуёш қайтди, бошини ерга яқинлаштирди,
Ёруғ жаҳон юзи зулмат пардаси билан қарайди.

3245 (Осмон) зулфини туширди, ёруғ юзини ёпди,
Севимли зулфи юқори ва қуйини қоплади [яъни оламни
қоронғилик қоплади].

3246 Туриб таҳорат олди, хуфтан намозини ўқиди,
Ўрин (қилишларини) сўради, ётди (бир)оз ухлаб кетди.

3247 Чўчиб уйғонди, бошини кўтарди,
Қора ҳабаш юзини пардалабди [яъни зулмат кетиб тонг
ёриша бошлабди].

3248 Туриб таҳорат олди, яна бомдод намозини ўқиди,
Тасбеҳ ўгириб дуо қилди, яна бир оз кутди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3249 Тома турқу қалқан көтүрди ушун
Йаруқ йүз күләр-тэг йаруды ажун

3250 Эдәрләди тәркин атыны тутуб
Қадашы тапа барды эвдин туруб

122*a* 3251 Йақын тэгди эрсә қадашқа барыб
Атындын қуды түшти тэгди йурыб

3252 Тэгиб ақру әлгин тоқыды қапуғ
Туруб чықты Одғурмыш этти тапуғ

3253 Қапуғ ачты чықты қадашын көрүб
Қучушты эсәнләшти йүз көз өпүб

3254 Әлиг алды эвкә кэкүрди бат-а
Өрун бэрди олдурды әлгин тута

3255 Эди-өк сэвинди қадашын көрүб
Байатқа шукр қылды артуқ өгүб

3256 Нэ көрклүг сэвинч-ул киши адрылыб
Саламат қавушса тиләйү кэлиб

3257 Нэ эдгү болур-ул қадашдын йыраб
Барыб тэгсә тушса йағуқлуқ улаб

3258 Нэ көрклүг болур көр бағырсақлықын
Қадашқа қадаш көңли болса йақын

3259 Нэкү тэр эшитгил бағырсақ қадаш
Йақыңлық улағлы көңүлдәш адаш

3260 Қамуғ ғайыб өзләр көрүшсә өзүн
Сақынч болды қысға сэвинчи узун

3261 Нэ көрклүг болур көр киши адрылыб
Саламат қавушса эки өз өзүн

3262 Айытты қадашларын Одғурмыш-а
Эсән тэб хабар бэрди Өгдүлмиш-ә

3263 Йана айды Одғурмыш эмди мэңә
Қалы кэлдиң айғыл нэ болды сэңә



www.ziyouz.com kutubxonasi

3249 Гирдак заррин қалқон [яъни қуёш] қаддини кўтарди,
Кулувчи чиройли юз каби (бўлиб) олам ёришди.

3250 Туриб отини тезликда эгарлади,
Уйидан чиқиб қариндоши томон кетди.

3251 Қариндошига яқин етиб боргач,
Отидан пастга тушди, юриб етди.

3252 Етишиб, аста қўли билан эшик қоқди,
Ўзғурмиш тоат этиб [яъни худога шукрлар айтиб] туриб чиқди.

3253 Эшик очди, чиқди, қариндошини кўриб,
Юз-кўз ўпишиб, қучоқлашишди, эсонлашишди.

3254 Қўлидан олди, тезда уйга (бошлаб) келтирди,
Жой кўрсатди, қўлидан тутиб ўлтирди.

3255 Қариндошини кўриб ниҳоятда севинди,
(Жуда) ортиқ мадҳлар айтиб, худога шукр қилди.

3256 Қандай ажойиб севинчки, киши айрилиб,
Истаб келиб, саломатлик билан (яна топишса).

3257 Қандай эзгу(иш) бўладики, қариндошдан айрилиб,
Яқинлик боғлаб, бориб етишса [яъни қидириб топса], учрашса.

3258 Қандай ажойиб бўладики, меҳрибонлик билан,
Қариндошга қариндошнинг кўнгли яқин бўлса.

3259 Меҳрибон қариндош нима дейди, эшитгин,
Яқинлик боғлаган кўнгилдош, адаш:

3260 Ҳамма ғойиб [яъни айрилган] кишилар ўзаро кўришишса,
Алам қисқа, севинч узун бўлади.

3261 Қандай ажойиб бўлади, кўр, киши айрилиб,
Иккавлон ўзаро саломат топишса.

3262 Ўзғурмиш қариндошларини сўради,
Ўгдулмиш эсон-омон борлар, деб хабар берди.

3263 Яна айтди Ўзғурмиш: Энди менинг ҳузуримга
Қандай келдинг, айтгин, сенга нима бўлди?



www.ziyouz.com kutubxonasi

3264 Эшиттим сэни мэн элиг бирлә тэб
Буд̆унқа тосулур билиг бирлә тэб

122б 3265 Нэлүг кэлдиң эрки улары қод̆уб
Буд̆ун йүкләрин сэн бойунқа йүд̆үб

### Өгдүлмиш жавабы Од̆ғурмышқа

3266 Йанут бэрди Өгдүлмиш айды өзүм
Сэни арзулады э көрклүг йүзүм

3267 Туруб кэлдим эмди көрәйин тэйү
Сақынч қад̆ғу бағын йөрәйин тэйү

3268 Көсәр эрдим артуқ сэни көргүкә
Бу күн булдум инчлиг сэңә кэлгүкә

3269 Бүтә кэчти өд̆ләк сэни көрмәдим
Тиләр эрдим арзун өд̆и булмадым

3270 Өд̆и эмди эрмиш мунуқы өзүм
Сэңә түшти шукрын қылур тил сөзүм

3271 Эсән болса эрмиш бу йалңуқ өзи
Тиләккә тэгир эй бағырсақ қозы

3272 Нэкү тэр эшитгил көсәмиш киши
Кэчәр өд̆ләкиг кәд̆ сынамыш киши

3273 Тириг болса йалңуқ тиләб тапшур-оқ
Эсән болса бармыш йана қав̆шур-оқ

3274 Тириглик тиләгил тиләмә тиләк
Тиләк булғуқа бу тириглик йөләк

3275 Байат бэрды ахир тиләким мэңә
Эсәнлик билә мэн қав̆уштум сэңә

3276 Ад̆ын ма сөзүм бар бу сөздә баса
Аны ма айайын өзүң тыңласа

### Баб. Од̆ғурмыш Өгдүлмиш бирлә муназара қылмақыны айур

123а 3277 Йанут бэрди Од̆ғурмыш айды сөзүң
Эшиттим сөзүмни эшитгил өзүң



www.ziyouz.com kutubxonasi

3264 Мен сени элиг билан (бирга) деб эшитдим,
Билим билан халққа фойда келтираётир, деб (эшитдим).

3265 Уларни қолдириб қандай келдинг экан,
Халқ ташвишларини сен бўйнингга олиб.

### Ўгдулмишнинг Ўзғурмишга жавоби

3266 Жавоб берди Ўгдулмиш, айтди; Ўзим
Сени (кўришни) орзуладим, эй кўркли юзим.

3267 Туриб келдим энди, кўрайин деб,
Алам, қайғу чигалини ечайин деб.

3268 Сени кўришни жуда истар эдим,
Бу кун сенга келишга фурсат топдим.

3269 Узоқ давр ўтди, сени кўрмадим,
Орзу билан истар эдим, фурсат топмадим.

3270 Энди фурсат бўлди, мана, ўзим
Сенга (келиб) йўлиқдим, тил-сўзим бунга шукр қилади.

3271 Бу инсон жони эсон-омон бўлса,
Тилакка етади, эй меҳрибон қўзи.

3272 Кусаган (истаган) киши нима дейди, эшитгин,
Ўтаётган фурсат (қадрини) жуда синаган киши:

3273 Инсон тирик бўлса, албатта қидириб топишади,
Эсон бўлса жудо бўлганлар яна қовушади.

3274 Тириклик тилагин, тилак тилама,
Тилак топиш учун бу тириклик мадад бўлади.

3275 Худо менга охири тилагимни берди,
Эсонлик билан мен сенла висол кўришдим.

3276 Бу сўздан бошқа яна сўзим бор,
Сен тингласанг, уни ҳам айтайин.

### Ўзғурмиш Ўгдулмиш билан мунозара қилишини айтади

3277 Жавоб берди Ўзғурмиш, айтди; Сўзингни
Эшитдим, сен (менинг) сўзимни (ҳам) эшитгин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3278 Йақынлық уламыш үчүн бир байат
Муйан бэрсү миң миң түмэн эдгү ат

3279 Киши өз тилэкин йурыса йолуғ
Аңар тэгмэс эмгэк э билги улуғ

3280 Нэкү тэр эшитгил сынамыш сөзи
Аның маъниси уқ э көңли йазы

3281 Қайу ишкэ арзу йурыса тилэк
Адақ урса болды ул арзу йөлэк

3282 Тилэк бирлэ маңса йырақ йэр йақын
Қачан көрсэ йүзин болур жан илэк

3283 Йана айды Өгдүлмиш ошбу сөзүм
Сэңэ қадғура тилда кэсмэс сөзүм

3284 Улуш кэндни қодтуң йақын қаб қадаш
Кишидэ йырадың билиш йоқ адаш

3285 Ағыр йүк йүдүб бу өзүң йалңузун
Йалың ач йурыр-сэ нэ йунчығ узун

3286 Қадаш көңли барча сэңэ қадғурар
Көрү ыдса болмас көңүл йэлгүрэр

3287 Апа оғланы барча йалңуз умас
Өзүң мунда йалңуз қалы иглэмэс

3288 Бу қадғу мэни эвдэ йатғурмады
Сақынч қадғу бирлэ өзүм умады

3289 Сэңэ-оқ төрүтмэди тэңри тамуғ
Сэңэ аймады бу ъазабығ қамуғ

123б 3290 Нэкү-ул нэлүг мунча эмгэр өзүң
Мэңэ бэлгүлүг ай билэйин сөзүң

### Одғурмыш жавабы Өгдүлмишкэ

3291 Йанут бэрди Одғурмыш айды бу сөз
Эшиттим эшитгил жаваб бэрсү өз



www.ziyouz.com kutubxonasi

3278 Яқинлик улаганинг учун ягона худо
Минг-минг туман барака, эзгу ном ато қилсин.

3279 Киши йўлни ўз тилаги туфайли юрса,
Унга машаққат етмайди, эй билими улуғ.

3280 Синаган (киши) сўзини эшитгин, нима дейди,
Унинг маънисини уқ, эй кўнгли кенг:

3281 Қайси ишга орзу-тилак чопса,
Оёқ урилса, у орзу ёр бўлади.

3282 Тилак билан одимланса, узоқ ер яқиндир,
Қачон юзини кўрса, жон боғланади [яъни фидо бўлади].

3283 Яна айтди Ўгдулмиш: Сўзим шулардир:
Сенга қайғуриб тилдан сўзимни қўймайман.

3284 Шаҳар, қишлоқни, яқин қавм-қариндошларни тарк этдинг,
Одам(лар)дан узоқлашдинг, таниш ва жўралар йўқ.

3285 Ўзинг ёлғизликда оғир машаққатлар чекиб,
Яланг, оч юрибсан, қандай беқиёс нотавонсан.

3286 Барча қариндошларнинг кўнгли сенга қайғурмоқда,
Кўриб, (ташлаб) қўйиса бўлмайди, кўнгил тинчимайди.

3287 Одам боласи барчаси (ҳам) ёлғиз (ҳеч нарсага) қудрати етмайди,
Ўзинг бу ерда ёлғиз қанақасига дардга дучор бўлмайсан.

3288 Бу қайғу мени уйда ўтқазмади,
Алам-қайғу билан (курашга) қурбим келмади.

3289 Тангри дўзахни сенгагина яратмаган,
Бу барча азобларни сенга, деб айтмаган.

3290 Бу нима, нечук ўзинг бунча машаққат чекасан,
Менга очиқ айт, сўзларингни билайин.

### Ўзғурмишнинг Ўгдулмишга жавоби

3291 Жавоб берди Ўзғурмиш, айтди: Бу сўз(ларни)
Эшитдим, (энди) эшитгин, мен жавоб берайин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3292 Бу сөз ким айыдың бағырсақлық-ул
Қад̇аш бэлгүси ҳам йағуқ йақлық-ул

3293 Қад̇аш қад̇ғуларын қад̇аш йэмәсә
Ад̇ын йат қачан йэр қад̇аш болмаса

3294 Өзүм қаб қад̇ашдын нэчә ад̇рылыб
Нэлүг турғай эрдим бу йэркә кэлиб

3295 Бақа көрдүм эмди диним йиглики
Бу йэрдә көрүнди өзүм йэглики

3296 Анын кэлдим эмди бу йэркә туруб
Байат тапғы қылса-мә йалңуз болуб

3297 Бу дунйа ишингә қатылмыш киши
Қылумас тапуғ бирлә ъуқба иши

3298 Бу халққа түзү йапмағынча қапуғ
Төрүтүгли раббқа қылумас тапуғ

3299 Ҳава нафс бойны сығу кәд̇ қатығ
Өзүң өтрү булса тапуғда татығ

3300 Нэкү тэр эшитгил сақынуқ киши
Ҳава бирлә болмас бутун дин иши

3301 Ҳава нафс билә көр йағы-ул улуғ
Бу экки азытур тапуғчы қулуғ

3302 Ҳавақа болу бэрсә тутғун болур
Эт өз арзу булса мэни қул қылур

124a 3303 Ҳавақа басықма уқуш бирлә кэс
Эт өз баш көтүрсә билиг бирлә бас

3304 Бу йаңлығ үчүн мэн улуш кэнд қод̇уб
Бу йэркә сығындым ағыр йүк йүд̇үб

3305 Кишидә өңин болдум эрсә қалы
Қуруғ сөзләмәс-мэн нә ғийбат тили

3306 Бу йалңүз турур-сэн тэдиң эй қад̇аш
Байат йад̇ы эш таб мэңә эй ад̇аш



www.ziyouz.com kutubxonasi

3292 Бу сўзларки(м), сен айтдинг, меҳрибонликдир,
Қариндошлик белгиси ҳамда ёвиқлик-яқинликдир.

3293 Қариндош қайғуларини қариндош емаса,
Бошқа ёт қачон ейди, қариндош бўлмаса.

3294 Ўзим нима учун қавм-қариндошлардан айрилиб,
Нега бу ерга келиб турар эдим.

3295 Назар солиб энди динимнинг ноқислигини кўрдим,
Бу ерда мен учун афзаллик кўринди.

3296 Шу сабабдан энди туриб бу ерга келдим,
Токи танҳоликда худо тоат-ибодатини қилсам, деб.

3297 Бу дунё ишига аралашган киши
Хизмат билан (банд бўлиб) охират ишларини қила олмайди.

3298 Бу халқ (хизмати)га бутунлай эшик ёпмагунча,
Яратган раббга тоат-ибодат қилиб бўлмайди.

3299 Ҳавас, нафс бўйнини жуда қаттиқ синдириш керак,
Сўнг ўзинг тоат-ибодатдан ҳаловат топсанг (бўлади).

3300 Мулоҳазакор киши нима дейди, эшитгин:
Ҳавас билан дин иши ишончли бўлмайди.

3301 Ҳавас билан нафс улуғ ёвдир, кўр,
Хизматчи қулни бу иккиси (йўлдан) оздиради.

3302 Ҳавасга эрк берса, (киши) тутқун бўлади,
Тану жон орзуга етишса, мени қул қилади.

3303 Ҳавасга енгиш берма, уқув билан тўс,
Тану жон бош кўтарса, билим билан бос.

3304 (Мана) шу янглиғ учун мен шаҳар, қишлоқни қўйиб,
Оғир машаққат чекиб бу ерга сиғиндим.

3305 Кишилардан четлашган бўлсам агар,
Бекорга сўзлаётганим ва ғийбат қилаётганим йўқ.

3306 Ёлғиздирсан, дединг, эй қариндош,
Худонинг ёди менга мос эш, эй жўра.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3307 Йақын қаб қадашдын йырақ болдуқум
Уларқа йудурмәдим ачым тоқум

3308 Будун көңли йувқа көдәзмәки сарп
Көңүл сынса хасмы байат ъадлы тап

3309 Нәчә болмаса халққа мэндин асығ
Йэмә көрмәгәйләр мэниндин йасығ

3310 Асығ йас нэ эдгү нэ эсиз бары
Байатдын турур көр аның тақдыры

3311 Бу ъарштa қуды көр сарақа тэги
Түзү барча бир-тэг байатқа муңы

3312 Нэкү бар кишиләр ара эй күлүг
Асығ тут йа қор йас сэңә бэлгүлүг

3313 Нэкү асғы бар тэб айур-сә тапуғ
Тапуғ қуллуқ-ул қулқа ачты қапуғ

3314 Қул аты анын болды қулқа атағ
Тапуғ қылса түн күн ула болса тағ

3315 Йаратса йаратмаса эрклиг байат
Тапуғ аты тилдә атамағу ат

3316 Бу йалңузлуқумдын мэңә йасы йоқ
Эт өздин эсәни мунын булдум-оқ

3317 Нэкү тэр эшитгил бу байт айғучы
Ташы көрмә маъни бақа көр ичи

142б 3318 Кишикә қатылмақны өгдүң қадаш
Нэкү-тэг қатылғу йа болса адаш

3319 Мэңә кэлмишиндә бару мэн бу күн
Тапуғдын кэсилдим бақа көр өгүн

3320 Тэг эг бир сэңә өз қатылмыш үчүн
Йасы мунча тэгди күчәмә узун

3321 Өзүм кирсә эмди кишиләр ара
Қачан тэггә элгим тапуғқа көр-ә



www.ziyouz.com kutubxonasi

3307 Яқин қавм-қариндошдан йироқ бўлганлигим (сабаби),
Уларга очим-тўқим (ташвишини) торттирмадим.

3308 Халқ кўнгли нозик, (уни) олиш мушкулдир,
Кўнгил синса, муносиб хасми худонинг адлидир [яъни оғриган кўнгилни олиш эвази худо адлига тенгдир].

3309 Халққа мендан нечоғлик фойда бўлмаса,
Шунингдек, мендан зиён (ҳам) кўрмайдилар.

3310 Фойда, зарар ва яхши ва ёмон барчаси,
Худодан бўлади, кўр, унинг тақдири.

3311 Кўр, бу аршдан қуйи зах ерга қадар,
Жумла (ва) барча бирдек худога ҳожатманддир.

3312 Кишилар орасида нимаики бўлса, эй машҳур,
Фойда бўлсин ё зиён, зарар бўлсин, (булар) сенга маълум.

3313 Тоат-ибодатнинг қанақа фойдаси бор, деб айтасан,
Тоат-ибодат қулликдир, у қулга эшик очади.

3314 Қул оти шунинг учун қулга ном бўлди,
(Токи) тоғу тошда туну кун тоат-ибодат қилса.

3315 Қодир худо хуш кўрса ҳам, хуш кўрмаса ҳам,
Тоат-ибодат оти тилда атамайдиган отдир.

3316 Бу ёлғизлигимдан менга зиён йўқ,
Тану жон (ҳаваси) дан халосликни шундагина топдим.

3317 Бу байтни айтувчи нима дейди, эшитгин,
Сиртига қарама, маънисига назар солиб ичини кўр.

3318 Одам(лар)га аралашмоқни таъриф қилдинг, қариндош,
Қандай аралашиш мумкин, ё дўст тутиниш керак?

3319 Менга келганингдан бери мен бу кун
Тоат-ибодатдан ажралдим, ақлинг билан назар солиб кўр.

3320 Тушун, англа, бир сен билан ўзим аралашганим учун,
Шунчалик зарари тегди, узоқ зўрлама.

3321 Ўзим кишилар орасига кирсам,
Тоат-ибодатга қачон қўлим тегади, кўргин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Өгдүлмиш жавабы Одғурмышқа

3322 Йанут бэрди Өгдүлмиш айды сөзүң
Эшиттим эшит сэн эвүрмә йүзүң

3323 Сэн аймыш бу сөз барча андағ турур
Ҳақиқат көрү барса тылдағ турур

3324 Кишикә тосулғу кэрәк бу тириг
Тириг тутса атын қопурса эриг

3325 Тириглик нишаны нэ-ул бэлгүси
Киши көрмәсә бир аның эдгүси

3326 Киси алғу туғса оғул қыз өкүш
Оғулсуз тэсә эркә көрксүз сөкүш

3327 Нэкү тэр эшитгил киши өдрүми
Уруғ кэсмәгүкә киси-ул эми

3328 Оғулсуз өлүрдә өкүнди тилин
Айа кэн кэлигли оғул қыз қылын

3329 Кимиң оғлы қалса атада кэдин
Атама аны сэн тиригдә адын

3330 Оғулсуз киши өлсә кэсти уруғ[67]
Ажунда аты йитти орны қуруғ

## Одғурмыш жавабы Өгдүлмишкә

125а 3331 Йанут бэрди Одғурмыш айды бу чын
Мунуңда адынсығ йэмә бар адын

3332 Қалы эдгү болса оғул қыз силиг
Аны-тэг болур ким йурыттың тилиг

3333 Қалы болса эсиз улытға сэни
Өзүң өлсә тэркин унытға сэни

3334 Эсиз қылға атың үзә қарғышын
Сэни сөккә йат баз улуғлар башын

3335 Оғул қыз йағы-ул йағы нэ кэрәк
Йағысыз тириглик тақы эдгүрәк



www.ziyouz.com kutubxonasi

### Ўгдулмишнинг Ўзғурмишга жавоби

3322 Жавоб берди Ўгдулмиш, айтди: Сўзингни
Эшитдим, сен (ҳам) эшит, юзингни ўгирма.

3323 Сен айтган бу сўз барчаси ўшандайдир,
Ҳақиқат кўзи билан қараладиган бўлса, (бу) ёлғондир.

3324 Тирик (жон) одамларга фойда келтириши керак,
(Токи) отини тирик тутсинлар, кишини улуғласинлар.

3325 Тирикликнинг нишони, унинг белгиси нима?
Киши унинг бирор хайрли ишини кўрмаса:

3326 Хотин олиш керак, токи кўп ўғил-қиз туғилсин,
Ўғилсиз [яъни фарзандсиз)] десалар, эр (киши)га ноҳуш ҳақоратдир.

3327 Киши(лар) сараси нима дейди, эшитгин:
Уни сен тирикдан бошыа (ном билан) атама.

3328 Ўғилсиз [яъни фарзандсиз] ўлар чогида тилида ўкинади;
Эй, кейин келувчи [яъни орқангда қолувчи] ўгил-қиз қилгин [яъни орттиргин], деб.

3329 Отадан кейин кимнинг ўғли қолса,
Уни сен тирикдан бошқа (ном билан) атама.

3330 Ўғилсиз киши ўлса, зурёди тугайди,
Дунёда номи ўчади, ўрни бўш (қолади).

### Ўзғурмишнинг Ўгдулмишга жавоби

3331 Жавоб берди Ўзғурмиш, айтди: Бу ҳақиқат,
Бундан бошқачароқ яна бошқаси бор.

3332 Агар ўғил-қиз яхши, афзал бўлса,
Ўшандай бўладики, сен тилингда таърифладинг.

3333 Агар ярамас бўлса, сени ерга қаратади,
Ўзинг ўлсанг, сени тез унитади.

3334 Қарғишлар билан отингни ёмон қилади,
Ёт-бегоналар сени сўкади, бошини кўтаради.

3335 Ўғил-қиз ёвдир, ёв нега керак,
Ёвсиз ҳаёт янада яхшироқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3336 Йағыдын нэкү-тэг йаруқлуқ болур
Йағы аты йасқа тануқлуқ бэрүр

3337 Нэ эдгү билиг бэрди билги қойуғ
Оғул қыз оты кэтмэс эркэ уйуғ

3338 Муңар мэңзэр эмди билиглиг сөзи
Көни сөзлэмиш көрсэ көңли йазы

3339 Өзүң сызғурур-сэ оғул қыз тэйү
Бу эмгэк билигли оғул қыз қайу

3340 Тэрэр-сэ ҳарамығ барыр-сэ қалыр
Сэн ынчық йэйү бар ул арзу йэйү

3341 Кэмэ мүнди сақын киси алғучы
Тэңиз отра кирди кэмэ миңүчи

3342 Оғул қыз төрүсэ кэмэси сынур
Кэмэ сынса сувда тириг ким қалур

3343 Оғул қыз атасын суйурқағу-ул
Оғул қыз атасы йэми ағу-ул

125б 3344 Оғул қыз атасы эсиздэ кэдин[68]
Атамас анасы атасы атын

3345 Бу йаңлығ ъайалдын қачан бар вафа
Қылықы йавуз-ул қылынчы жафа

3346 Оғул қыз атасы бу эмгэк көрэр
Бала мэҳнат эрсэ йаған-тэг йүдэр

3347 Адаш қолдаш эрдэш тутунғу тэдиң
Бу эдгү эди тэрс йүки йүдмэкиң

3348 Йэмэ йақшы аймыш бөгү билги йарп
Киши көңли йувқа көдэзмэки сарп

3349 Сырынчға сақышы турур бу көңүл
Эди кэд көдэз сынмасу эй оғул

3350 Көңүл оғлағу-ул сынағы муңар
Исигкэ эрир тэрк соғуққа тоңар



www.ziyouz.com kutubxonasi

3336 Ёвдан қандай ёруғлик чиқади,
Ёв оти зарардан гувоҳлик беради.

3337 Қандай эзгу билим беради билими қуюқ:
Ўғил-қиз тадбири кишига (кўз ўнгидан) кетмас шарпадир.

3338 Билимли сўзи энди бунга мос келади,
Назар солсанг, кўнгли очиқ тўғри сўзлабди:

3339 Ўғил-қиз деб ўзингни куйдирасан,
Бу меҳнатни билувчи ўғил-қиз қани?

3340 Ҳаромни терасан, ўласан, (у) қолади,
Сен алам чекаверасан, у орзуга етади.

3341 Хотин олувчи кема минди, деб ҳисобла,
Кема мингувчи (эса) денгиз ўртасига киради.

3342 Ўғил-қиз туғилса, кемаси синади,
Кема синса, сувда ким тирик қолади.

3343 Ўғил-қиз отасини ёрлақаши керак,
Ўғил-қиз отасининг хўраги оғудир.

3344 Ўғил-қиз ёмони отадан кейин
Отаси, онаси номини атамайди.

3345 Бу янглиғ оиладан қачон вафо бўлади,
Қилиқлари ёвуздир, қилмишлари (эса) жафодир.

3346 Ўғил-қиз отаси бу машаққат(лар)ни кўради,
Бало-меҳнатларни эса фил каби кўтаради.

3347 Жўра, қўлдош, улфат тутиниш керак, дединг,
Бу яхши, (лекин) юкини кўтаришинг жуда [illegible]л.

3348 Билими пухта доно янада яхши айтибди:
Киши кўнгли нозик, (уни) эҳтиёт қилиш мушкул.

3349 Бу кўнгил шиша ҳисобида бўлади,
Жуда яхши эҳтиётла, синмасин, эй ўғил.

3350 Кўнгил нозиклиги бунинг учун исботдир,
Иссиққа тез эрийди, совуққа тўнғийди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3351 Адаш көңли сынса болур қыр йағы
Йағы қайда болса болур миң чоғы

3352 Йағыдын тириглик татығсыз болур
Йағы болды эрсә йарағсыз болур

3353 Нэчә ма кичиг эрсә душман сэңә
Аны сэн улуғ тут эй эрсиг тоңа

3354 Чибүн болды душман йағанқа бэд̇үг
Исирсә йағанны сочытур кәд̇ өг

3355 Нэкү тэр эшитгил йағылығ киши
Йағы бирлә уршу түгәмиш йашы

3356 Кичиг душманым тэб осанма узун
Нэлүг қорқайын тэб күв̇әнмә сөзүн

3357 Йағың болды эрсә осал болмағыл
Йағықа йағы бол түзүнгә түзүн

## Од̇ғурмыш жавабы Өгдүлмишкә[69]

126*а* 3358 Йанут бэрди Өгдүлмиш ачты тилин
Айур сөз эшитгил көңүлкә алын

3359 Төрүтти байат бу аж̇унуғ билиб
Йэгү ичгү ыд̇ты ҳалалдын қылыб

3360 Қатылса қарылса тутуб эд̇гу эш
Эши эд̇гү болса қылур эд̇гу иш

3361 Киши асғы болса кишикә қатыл
Кишикә тосулма̤қ киши асғы бил

3362 Бу йалңуз йурығлы киши қыв̇чақы
Кишикә тосулмас болур эй ақы

3363 Кишикә тосулмас киши-ул өлүг
Тосулғыл өлүг болма эрсиг күлүг

3364 Тэлим болды эркә адаш қолдашы
Йад̇ылды аты элкә этти иши



www.ziyouz.com kutubxonasi

3351 Жўра(лар) кўнгли оғриса, махфий ёв бўлади,
Ёв қайда бўлса, минг адовати бўлади.

3352 Ёвдан ҳаёт ҳаловатсиз бўлади,
Ёв бўладиган бўлса, номатлуб бўлади.

3353 Сенинг душманинг қанчалик кичик бўлса (ҳам),
Уни сен улуғ деб бил, эй мард баҳодир.

3354 Чивин филга катта душман бўлди,
Чақса филни жуда (ҳам) ҳуркитади [яъни қўрқитади], бил.

3355 Ёвли киши нима дейди, эшитгин,
Ёв билан уришиб ёши тугаган (киши):

3356 Душманим арзимас, деб узоқ ғофил бўлма,
Нега қўрқайин, деб сўз билан керилма.

3357 Ёвинг бўладиган бўлса, ғофил бўлмагин,
Ёвга ёв бўл, яхшига яхши (бўл).

## Ўгдулмишнинг Ўзғурмишга жавоби

3358 Жавоб берди Ўгдулмиш, тилини (сўзга) очди,
Айтди: Сўзни эшитгин, кўнглингга жойла.

3359 Худо бу оламни билиб яратди,
Ҳалолдан (бор) қилиб егулик ва ичгулик юборди.

3360 (Кимки) яхши жўра(лар) тутиб аралашса, қоришса,
Эш(лар)и эзгу бўлса, эзгу иш(лар) қилади.

3361 Кишининг фойдаси бўлса, кишига аралаш,
Кишига наф келтирмоқ киши фойдаси деб бил.

3362 Ёлғизликда юрувчи кишиларнинг қипчоқи
Кишига наф келтирмайдиган бўлади, эй сахий.

3363 Кишига наф келтирмайдиган киши ўликдир,
Наф келтир, ўлик бўлма, (эй) мард, шуҳратли.

3364 Жўра (ва) қўлдошлари кўпайган кишининг
Оти шуҳрат қозонади, ишлари бажарилади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3365 Бу дунйа ичинда булур бу тиләк
Қалы ъуқба қулса бу-ул ҳам йөләк

3366 Сақынч қад̇ғу болса йулуғлар өзүг
Сэв̇инч болса сэв̇нүр̣ йарутур көзүг

3367 Йад̇ар эрдәмин барча халққа айур
Мунын көрсә кэзләр тил ачмас туйур

3368 Йағы-ул эриг йатса од̇ғурғучы
Мунын эрдәмин элкә билдүргүчи

3369 Йағы болмағынча эр эрсиглики
Қачан бэлгүрәр элдә аты көки

3370 Өкүш болса эмди бу эрдәм кимиң
Өкүш болды тэңсиз йағысы аның

126б 3371 Кимиң эрдәми болса аслы ағы
Йэтиз эл кишиси ул эркә йағы

3372 Қәд̇ эркә болур көр йағы бэлгүлүг
Йав̇үзқа йағы йоқ йав̇үз эр өлүг

3373 Қайу эркә душман йумытса қалын
Ул эр эрдәми эрдә артуқ билин

3374 Йағы бирлә тэгшиб эр аты бэд̇үр
Йағысыз киши аты қопмас йатур

3375 Нэкү тэр эшитгил күр эрдәмлүг эр
Бу эрдәм биләэр тиләк арзу йэр

3376 Нэкү эр болур көр миң эр душманы
Миң эр сөзләмәсә күнингә аны

3377 Бөри-му болур көргил ытқа қайар
Уд̇ула эшитсә миң ытлар үни

3378 Кишиг сондамас-мэн тэд̇иң йалңузун
Қуруғ сөзләмәс-мэн тэдиң тил сөзүн

3379 Кими сөзләгәй-сэн киши болмаса
Кишиләр арала өзүң турмаса



www.ziyouz.com kutubxonasi

3365 Бу дунё ичида у тилакка етади,
Агар охиратни истаса ҳам шу мадад бўлади.

3366 Алам, қайғу(нг) бўлса, ўзини фидо қилади,
Севинч(ли) бўлса(нг), севинади, кўзини ёритади.

3367 Хислатларингни ёяди, барча халққа айтади,
Нуқсонингни кўрса кезлайди, тил очмайди, яширади.

3368 Мардни ётганида уйғотувчи [яъни оёққа турғизувчи] жангдир,
Нуқсон, фазилатларини элга билдирувчи.

3369 Жанг бўлмагунча эрнинг мардлиги,
Элдаги оти, насл-насаби қачон билинади.

3370 Кимнинг энди (бундай) хислатлари кўп бўлса,
Унинг ёви беҳисоб кўп бўлади.

3371 Кимнинг хислатлари бўлса, асли тоза (бўлса),
Бутун эл одамлари у кишига ёв бўлади.

3372 Яхши кишининг муайян ёви бўлади, кўр,
Ёвузга ёв йўқ, ёвуз киши ўликдир.

3373 Қайси эрга (қарши) кўп душман жамланса,
У эрнинг хислатлари бошқаларникидан ортиқ деб билгин.

3374 Ёв билан тўқнашиб эр оти кўтарилади,
Ёвсиз кишининг оти кўтарилмайди, ётади.

3375 Ботир, шижоатли эр нима дейди, эшитгин,
Шижоат билан эр тилак, орзусига етади:

3376 (Бир) мард киши минг кишига нечук душман бўлсин,
Минг киши кунига уни сўзламаса [яъни ҳасад қилмаса].

3377 Бўри итга қайрилиб қарармиди, кўргин,
Кетидан минг итнинг овозини эшитса (ҳам).

3378 Ёлғизликда киши(лар)нинг пайига тушмайман, дединг,
Тил (ва) сўзда бекорга сўзламайман, дединг.

3379 Киши(лар) бўлмаса ким ҳақида сўзлайсан,
Ўзинг кишилар орасида турмасанг.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3380 Эр ул эр турур көр кишиләр ара
Йурыб тил көдәзсә бу булса төр-ә

3381 Ириг сөзкә йумшақ йанут қылса өз
Ачығ сөзләсәләр сүчиг тутса сөз

3382 Қиши йүки йүдсә йүдүрмәсә йүк
Жафа қылсалар бу вафа қылса шүк

3383 Көңүлдә кэтәрсә көр өч кэгләрин
Тилидә йурытса көңүлдә барын

3384 Нэкү тэр эшитгил киши эдгүси
Бу эдгү билә йадмыш жавы күси

3385 Ириг сөзләмәгил кишикә тилин
Ириг сөзкә ағрыр көңүл кэч билин

127а 3386 Сэни ким сөкәр эрсә өггил аны
Отун ул болур сэн түзүнлар саны

3387 Жафа қылғучықа қылу тур вафа
Вафа эр қылур ул эсизләр жафа

3388 Кэсилсә сэниндин йақын қаб қадаш
Йақынлық ула сэн аңар эй адаш

3389 Сэңә күч қылур эрсә күчкәй қалы
Кэчүргил аны сэн бу-ул дин йолы

3390 Йазуқ қылса қул күн кэчүр ул йазуқ
Бу йазуқ кэчүрмиш муйан қыл азуқ

3391 Бу-ул эрлик атын эрэн йүк йүдүб
Йурыр сабры бирлә өлүмүг көдүб

3392 Бу күн сэн бир эвкә кириб йалңузун
Нэ эдгү булур-сә э қылқы түзүн

3393 Эрәж арзу нэъмат көзүн көрмәдиң
Күмүш гуҳар алтун бақыр булмадың

3394 Сарай қаршы йэр сув сэни бирлә йоқ
Ат үстәм қыз оғлан қыны бирлә йоқ



www.ziyouz.com kutubxonasi

3380 Шу киши эрдирки, кишилар орасида
Юриб, тилга эҳтиёт бўлса, тўрдан жой олса.

3381 Ўзи дағал сўзга юмшоқ жавоб қилса,
(Унга) аччиғ сўзласалар, (у) ширин сўз қилса,

3382 Кишиларнинг юкини кўтарса, (ўзи) юк кўтартмаса,
(Унга) жафо қилсалар, (у) оғиз очмай вафо қилса.

3383 Кўнглидан ўч (ва) кекларини чиқариб ташласа,
Кўнгилда борини тилида сўзласа.

3384 Киши(лар) эзгуси нима дейди, эшитгин,
Эзгулик туфайли у шуҳрат, донг таратгандир:

3385 Киши(лар)га тилингда дағал сўзламагин,
Дағал сўзга кўнгил узоқ оғрийди, билгин.

3386 Сени ким сўкадиган бўлса, уни мақтагин,
У тубан, сен яхшилар қаторида бўласан.

3387 Жафо қилувчига вафо қила бер,
Вафони мард қилади, ёмонлар жафо (қилади).

3388 Яқин қавм-қариндош сендан алоқа узсалар,
Сен у(лар) билан яқинлик ула, эй жўра.

3389 Агар золим сенга зулм қиладиган бўлса,
Сен уни кечиргин, дин йўли шудир.

3390 Қул (ва) жория гуноҳ қилиб қўйса, у гуноҳни кечир,
Бу гуноҳ кечириш моядир, уни қорин тўқи қил.

3391 Мард оти бўлганлиги сабабли мардлар машаққат чекиб,
Сабр билан ўлимни кутиб юрадилар.

3392 Бугун сен ёлғизликда бир уйга кириб,
Қанақа эзгулик топасан, эй хулқи гўзал.

3393 Роҳат, орзу, неъматни кўз билан кўрмадинг,
Кумуш, гавҳар, олтин, мис топмадинг.

3394 Сарой, қаср, ер, сув сенда йўқдир,
От, зийнат, қиз, ўғил (барча) ташвишлари билан йўқдир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3395 Кишиләр үзә йоқ сәңә эрк элиг
Өзүң йығса-сә болса атың силиг

3396 Қайу нәң булуб қодтың эмди аны
Қайу тәлвә заҳид атады сәни

3397 Өгүшүг қодыб эр азығ тапласа
Бу эр өтрү заҳид болур қур баса

3398 Тиләб булмаса барча заҳид болур
Сабрда адын ҳийла болмас турур

3399 Эр ул эр болур көр миң арзу булуб
Аңар йүз эвүрсә эрән-тәг болуб

3400 Йэтүрсә ичүрсә чығайқа үләб
Байатқа тапуғ қылса көңлин улаб

127б 3401 Кәлир эрсә дунйа көңүл бамаса
Барыр эрсә ағрыб қашын түгмәсә

3402 Қалы үстәсә элги арзу үзә
Өзини тутунса көңүл тил үзә

3403 Бу сөзкә йақар көрсә маъны бу сөз

Эшит ишкә тутғыл айа қылқы түз

3404 Эрәндә эри ул қайу нәңгә эрк
Булуб қылғу йэрдә өзин тутса бэрк

3405 Тақы эрдә йэгрәк эрән ул турур
Миң арзу булуб бу өзин тыдса бэрк

**Одғурмыш жавабы Өгдүлмишкә**

3406 Йанут бэрди Одғурмыш айды чын ай
Нэкү ул тиләкиң айа көрки ай

3407 Нэкү сөзләсә мэн сөзүмни йарыб
Жавабын қылур-сэн өзүмни сэриб

3408 Ачуқлуғ мэнә ай тиләкиң нэ-ул
Нэкү қулғу эрсә ача сөзлә қул



www.ziyouz.com kutubxonasi

3395 Кишиларга узатиш учун сенда эркли қўл йўқ,
(Токи) сен ўзингни йиғиб олсанг, отинг яхши бўлса.

3396 Қани энди сен топиб (йиғиб) қўйган нарсалар,
Баъзилар сени телба зоҳид деб атадилар.

3397 Эр кўпни тарк этиб озни ихтиёр қилса,
У эр сўнг зоҳид бўлади, (зоҳидлик) камарини боғласа (арзийди).

3398 Барча истаб топмаса, зоҳид бўлади,
(Бу ишнинг) сабрдан бўлак тадбири бўлмайди.

3399 Шундай киши эрдирки, минг (хил) орзу(лар) топиб,
Мардлар каби бўлиб ундан юз ўгирса.

3400 Қамбағал(лар)га улашиб, едирса, ичирса,
Кўнглини боғлаб худога тоат-ибодат қилса.

3401 Дунё келадиган бўлса, (у) кўнгил боғламаса,
(Дунё) кетадиган бўлса, оғриниб хафа бўлмаса.

3402 Агар орзуларга эришиб қўли баланд бўлса,
Дилда ҳам, тилда ҳам ўзини тутса.

3403 Назар солсанг бу сўзнинг маъниси юқорида (айтилган) сўзга яқин келади,
Эшит, амал, қил, эй хулқи яхши:

3404 Мардларнинг марди шуки, ҳар ишга эрк
Топиб, қилар ерида ўзини қаттиқ тутса.

3405 Тағин мардлардан яхшироқ мард шу эрурки,
Минг орзуга етиб бу ўзини мутлақ тийса.

**Ўзғурмишнинг Ўгдулмишга жавоби**

3406 Жавоб берди Ўзғурмиш, айтди: Чин айт,
Тилагинг нима, эй чиройи ой.

3407 Нима сўзласам мен, сўзимни кесиб,
Мени тўхтатиб жавобини қиласан.

3408 Очиғича менга айт, тилагинг нимадир,
Нима сўрамоқчи бўлсанг очиб сўзла, сўра.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Өгдүлмиш жавабы Одғурмышқа

3409 Йанут бэрди Өгдүлмиш айды сөзүм
Тилэк бирлэ кэлди ачайын сөзүм

3410 Бу Күнтуғды элиг эшитти сэни
Өзингэ кэрэклэб көр ыдты мэни

3411 Қатығ арзулады сэни көргүкэ
Мэни сөзчи ыдты оқыб элтгүкэ

128a 3412 Нэчэ ма ағыр кэлсэ барғу кэрэк
Элигкэ тэгиб бир көрүнгү кэрэк

3413 Элиг ма эди эдгү султан турур
Будунқа бағырсақ сэвүг жан турур

3414 Ким элиг йүзин көрсэ қутлуғ болур
Экэгүн ажунда түгэл қут булур

3415 Нэкү тэр эшитгил бу эл кэнд бэги
Ажун башлаб элкэ йэтилмиш өги

3416 Төрүлүг көни бэг қут-ул бэлгүлүг
Қуты бирлэ тэгрүр түзүкэ үлүг

3417 Қайуда жавықса көни бэг аты
Аңа барғу андын булур эр қуты

3418 Бу көк бир көки-ул көнилик төрү
Төрү артаса көк турумас өрү

3419 Төрүлүг бу бэглэр йоқ эрсэ тириг
Байат турғай[70] эрди йэти қат йэриг

3420 Көни бэг йүзи көрсэ қутлуғ болур
Муйанқа тэгир ҳам йазуқы йулур

3421 Билир-сэ бу күн мэн киши болдуқум
Сабаб элиг эрди йөлэким тоқум

3422 Байат бэрди эрди уқуш ҳам билиг
Түзү эдгүлүккэ тэгүрдүм элиг



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Ўгдулмишнинг Ўзғурмишга жавоби

3409 Жавоб берди Ўгдулмиш, айтди: Сўзим (шуки),
(Бир) тилак билан келдим, сўзимни очайин:

3410 Кунтуғди элиг сени(нг ҳақингда) эшитди,
Ўзига керак ҳисоблаб мени юборди, кўр.

3411 Сени кўришни қаттиқ орзулаб қолди,
Чақириб олиб бормоққа мени вакил қилиб юборди.

3412 Қанчалик оғир келса ҳам бориш керак,
Элигга етишиб бир кўриниш керак.

3413 Элиг ҳам жуда эзгу султондир,
Халққа меҳрибон, жонкуярдир.

3414 Ким элиг юзини кўрса, қутли бўлади,
Иккала дунёда тугал қут топади.

3415 Бу эл, кенд беги нима дейди, эшитгин,
Жаҳонни бошқариб эл(иши)га фаҳми етган (киши):

3416 Адолатли, тўғри бег муайян қутдир,
Қути билан барчага баҳра етказади.

3417 Тўғри бегнинг оти қаерда донг таратса,
Унга бориш керак, эр ундан бахтини топади.

3418 Бу бир негиз (пойдевор) дирки, унинг асоси тўғрилик, адолатдир,
Адолат бузилса, асос тик турмайди.

3419 Адолатли бу беглар тирик бўлмаганда эди,
Худо етти қават ерни бузган бўлар эди.

3420 Одил бег юзини (ким) кўрса, қутлуғ бўлади,
Мояга эришади ҳам гуноҳидан қутулади.

3421 Бу кун мен одам бўлганимни биласан,
Сабаб элиг эди, суянчиғим, қорин тўқим (эди).

3422 Худо заковат ҳам билим берган эди,
Барча эзгулик(ларга) қўл тегиздим.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3423 Байат бэрди тавфиқ қамуғ эд̇гүкә
Буд̇ун асғынгә ҳам йүки йүд̇гүкә

3424 Сэни ма тиләр эрди элиг бу күн
Әлиг бир қылыб йазғу бэклиг түгүн

3425 Оқытчы мэңи ыд̇ты эмди сэнә
Мэни йалғуз ыд̇ма эй эрсиг тоңа

3426 Битиг ыд̇ты элиг өз әлгин битиб
Нэкү сөзләди эрсә көргил оқыб

128б 3427 Чықарды битиг бэрди әлгин сунуб
Битиг алды Од̇ғурмыш ачты тутуб

3428 Оқыды битиг кэч сақынды узун
Айур кәд̇ билиг бэрмиш элиг сөзүн

3429 Оқымыш элиг эмди кэлгил тэйү
Қамуғ эд̇гүлүкни атамыш сайу

3430 Бэд̇үг иш турур көр бу ишләр мэңә
Нэ-тэг қылғу айғыл кэңәш бэр муңа

## Өгдүлмиш жавабы Од̇ғурмышқа

3431 Йанут бэрди Өгдүлмиш айды элиг
Сэни сөзләйү шүк қурытмас тилиг

3432 Тили тэбрәсә сөздә атың чықар
Сэни көргүкә ул көз ачты бақар

3433 Қими сэв̇сә эрмиш көңүл арзулаб
Тилин сөздә аты йурыр сөз улаб

3434 Сэв̇итмиш нэкү тэр бу байтығ оқы
Сэв̇үглүг йүзи-ул көңүл тоқлуқы

3435 Көңүл кимни сэв̇сә көрәр көздә-ул
Көзүн қанча бақса[71] учар йүздә ул

3436 Көңүлдә нэкү эрсә арзу тиләк
Ағыз ачса барча[72] тилин сөздә-ул



www.ziyouz.com kutubxonasi

3423 Барча эзгу(лик)га худо тавфиқ берди,
Халқ манфаатига ҳам юкини кўтаришга.

3424 Элиг бу кун сени ҳам тилар эди, (чунки)
Қўлни бирлаштириб чигал тугунни ёзиш керак.

3425 Мени сенга энди чорловчи қилиб юборди,
Мени ёлғиз жўнатма, эй мард баҳодир.

3426 Ўз қўли билан ёзиб мактуб юборди,
Нимаики сўзлаган бўлса ўқиб кўргин.

3427 Мактубни чиқарди, қўлини узатиб берди,
Ўзғурмиш мактубни олди, ушлаб очди.

3428 Мактубни узоқ ўқиди, чуқур ўйланди,
Айтди: Элиг сўзи билан яхши билим берибди.

3429 Элиг энди келгин, деб чақирибди,
Ҳамма эзгуликларни санаб атабди.

3430 Кўр, бу ишлар мен учун катта ишдир,
Қандай қилиш(им) керак, айтгин, менга кенгаш бер.

### Ўгдулмишнинг Ўзғурмишга жавоби

3431 Жавоб берди Ўгдулмиш, айтди: Элиг
Сени гапириб тилини (ҳеч) тинчитиб, қуритмайди.

3432 Тили тебранса, сўз(и)да отинг чиқади,
У сени кўришга кўз очган, назари сенда.

3433 Кўнгил кимни орзулаб севадиган бўлса,
Тилу сўзида оти сўз(лар)га уланиб юради.

3434 Севган (ошиқ) нима дейди, бу байтни ўқи,
Севиклининг юзи кўнгил озуқидир:

3435 Кўнгил кимни севса, у (доим) кўрар кўз(лар) дадир,
Кўз билан қанча боқса, рўпарада учади (яъни кўриб кўз қонмайди).

3436 Кўнгилда орзу-тилак нима бўлса,
Оғиз очса, барчаси тилу сўзга чиқади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3437 Йанут бэрди Одғурмыш айды мэңә
Кэңәш бэр йарағы нэ-ул эй тоңа

3438 Бағырсақ қадашым сэн-өк-сә йақын
Кэңәш бэр өтәгил қадашлық ҳақын

3439 Сэниңдин қулур-мә бу ишкә кэңәш
Билиг бирлә сэн бу кэңәшкә тэңәш

129*а* 3440 Қадаш-сә йэмә тут тиләсә адаш
Адашлы қадашлы экигүн түдәш

3441 Бағырсақ сэн-өк-сә бу күн чын мэңә
Нэкү қылғу айғыл бүтәр-мэн сэңә

**Өгдүлмиш жавабы Одғурмышқа**

3442 Йанут бэрди Өгдүлмиш айды бу сөз
Айытма мэңә сэн айа қутлуғ өз

3443 Мэни ыдты элиг оқутчы сэңә
Нэкү-тэг кэңәшүр-сә эмди мэңә

3444 Баралым тэмәктә адын йоқ сөзүм
Нэ-тэг айға барма тэйү бу өзүм

3445 Сэни бирлә болса көр асғы өкүш
Өз асғын тиләркә кэңәшмәс уқуш

3446 Нэкү тэр эшитгил билиглиг чигил
Билигсиз эшитгил бойун бэр эгил

3447 Өз асғы тиләркә кэңәшмәгү сөз
Сэңә асғы болмас айа қутлуғ өз

3448 Кэңәш ул кишикә кэңәш эй қадаш
Ул эр қулмаз эрсә өз асғын адаш

3449 Өз асғын тилэгли өз асғы үчүн
Өз асғын тиләгли қылур көр күчүн

3450 Нэчә иш кишикә кэңәшгү кэрәк
Көңүл тапласа ишни қылғу кэрәк



www.ziyouz.com kutubxonasi

3437 Жавоб берди Ўзғурмиш, айтди: Менга
Кенгаш бер, яроғи нимадир, эй ботир.

3438 Меҳрибон, яқин қариндошим сенгинасан,
Кенгаш бер, қариндошлик ҳақини ўтагин.

3439 Бу ишга сендан кенгаш сўрайман,
Билим(инг) билан сен бу кенгашга лойиқ бўл.

3440 Қариндошсан, яна истасанг жўра ҳам бўл,
Жўра ва қариндош(лар) иккаласи (бир-бирига) яқин.

3441 Бугун менга ҳақиқий меҳрибон сенгинасан,
Нима қилиш керак, айтгин, сенга ишонаман.

## Ўгдулмишнинг Ўзғурмишга жавоби

3442 Жавоб берди Ўгдулмиш, айтди: Бу сўзни
Сен мендан сўрама, эй қутли киши.

3443 Элиг мени сенга чорловчи қилиб юборди,
Қандай қилиб энди сен мен билан кенгашасан.

3444 Борайлик, демакдан бошқа сўзим йўқ,
Мен қандай қилиб борма, деб айтаман.

3445 Сен билан бўлса(м), кўр, фойдаси кўпдир,
Ўз фойдасини кўзлашга ақл маслаҳат бермайди.

3446 Билимли чигил нима дейди, эшитгин,
Биликсиз (сен) эшитгин, бўйин бер, эгил:

3447 Ўз фойдасини кўзловчига сўзни маслаҳат қилмаслик керак,
Сенга фойдаси бўлмайди, эй қутли киши.

3448 Кенгашни шундай киши билан кенгашки, эй қариндош,
(Токи) у киши ўз манфаатини сўрамасин, (эй) жўра.

3449 Ўз манфаатини кўзловчи ўз фойдаси учун (интилади),
Ўз манфаатини кўзловчи, зўрлик (ҳам) қилади, кўр.

3450 Ҳар қанақа ишни одамларга кенгашиш керак,
Кўнгил хоҳласа, (шу) ишни қилиш керак.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3451 Өзүңгә бағырсақ сэниң өз өзүң
Кишикә айытма кэсилди сөзүң

3452 Сэн-өк бил нэкү қылғу эрсә кэңәш
Тиләмә мэниңдин бу ишкә кэңәш

129б 3453 Сэни алғалы кэлдим андын йуруб
Қэңәш бу йуры барғыл эмди қопуб

3454 Кишиләр арақы муйан эдгүлүк
Бу йэрдә булунмаз муны билгүлүк

3455 Улуш кэнд ичиндәки эдгү нэчә
Сэңә сөзләдим эмди адра сэчә

3456 Билир-сэн бу сөзләр көни сөзләдим
Сэңәр эдгү қулдум билир бир идим

3457 Кишидин қачар-сэн нэ қылды киши
Кишикә қатыл эт кишиләр иши

3458 Мусулман ишин эт муңынга йара
Байат бэргә учмақ бу өзүң төр-ә

3459 Көңүл тил көни тут байатқа тапун
Қайуда тиләсәң тирилгил қутун

3460 Қишисиз тирилмә кишиләр ара
Киши ъайбы көрмә өзүңни көр-ә

3461 Муңар мэнзәр эмди бу байт эй бөгү
Оқығу муны өтрү ишкә бағу

3462 Қайуда тиләсә йуры эдгү бол
Түби аслы қулма озуң эдгү қул

3463 Киши эдгүси көр унытмаз өзин
Қайуда йурыса йуры эдгү йол

3464 Эр эдгү кэрәк болса эдгү қылынч
Қайуда тиләсә булур миң сэвинч

3465 Бу эдгү қамуғ йэрдә эдгү булур
Ул эдгү йануты ҳам эдгү болур



www.ziyouz.com kutubxonasi

3951 Ўзингга меҳрибон сенинг ўз-ўзингдир,
Бошқа(лар)дан сўрама, сўзинг кесилди [яъни гап тамом].

3952 Нима қилиш керак бўлса, кенгашни сенинг ўзинггина бил,
Бу ишга мендан кенгаш сўрама.

3953 У ердан сени олиб кетгани йўл босиб келдим,
Маслаҳат шуки, энди туриб юр, боргин.

3954 Одамлар орасидаги моя, эзгулик(лар)
Бу ерда топилмайди, буни билиш керак.

3455 Қишлоқ, шаҳар ичидаги қанчадан-қанча эзгу(ликлар)ни
Сенга бирма-бир, аниқ сўзладим.

3456 Биласан, бу сўзларни тўғри сўзладим,
Сенга эзгу истадим, бир эгам билади.

3457 Одам(лар)дан қочасан, одам(лар) нима қилди(лар),
Одамларга аралаш, одам ишини қил.

3458 Мусулмон(лар) ишини эт, мунгига яра,
Худо руҳингга жаннат тўридан жой беради.

3459 Кўнгил, тилни тўғри тут, худога тоат-ибодат қил,
Қаерда истасанг, (ўша ерда) қутла яшагин.

3460 Одам(лар)сиз яшама, одам(лар) орасида (яша),
Одам(лар) айбини кўрма, ўз (айб)ингни кўр.

3461 Бу байт энди бунга мос келади, эй доно,
Буни уқиш, сўнг ишга татбиқ қилиш керак:

3462 Қаерда истасанг юр, яхши бўл,
Теги аслни истама, ўзинг эзгуни иста.

3463 Киши эзгуси, кўр, ўзини унутмайди,
Қаерда юрсанг, тўғри йўл(дан) юр.

3464 Киши эзгу (бўлиши), эзгу хулқли бўлиши керак,
Қаерда истаса, минг севинч(лар) топади.

3465 Бу эзгу ҳамма ерда эзгу бўлади,
У эзгунинг эвази ҳам эзгу бўлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3466 Сэн эдгү қылынч тут эсиз болмағыл
Қайуда тиләсә йуры қорқмағыл

## Одғурмыш дунйа ъайбларын айур

130а 3467 Йанут бэрди Одғурмыш айды сөзүм[73]
Сөзүңни эшиттим эшит бу сөзүм

3468 Бу дунйа өзин кэд сэвитмиш сэңә
Қамуғ ъайбы эрдәм көрүнмиш сэнә

3469 Таң эрмә[74] сэниңдин масалда кэлир
Қамуғ нәң сэвүг болса ъайбы барыр

3470 Сэвитмиш үчүн дунйа ъайбы қамуғ
Сэңә болмыш эрдәм эй элдә улуғ

3471 Нэкү тэр эшитгил бу сэвмиш киши
Сэвүгкә сэвүг ъайбы эрдәм башы

3472 Сэвүглүг нишаны бу-ул бэлгүлүг
Сэвүг ъайбы эрдәм болур эй күлүг

3473 Өзүң дунйа сэвмиш нишаны бу-ул
Нэчә ъайбы эрдәмкә тутмыш көңүл

3474 Нэкү-тэг өгәр-сэн бу дунйа мэңә
Аның ъайбыны мэн айайын сэңә

3475 Апа йазды эрсә байат қыйнады
Бу дунйағ түнәк қылды эрклиг иди

3476 Түнәкни нэ арзу тиләк[75]-сэн тиләк
Тиләк учмақ ичрә болур қут йөләк

3477 Өдүрсә байат бу тиләмиш қулын
Аңар дунйа бэрмәз арытур йолын

3478 Анын эдгү эрмәз бу дунйа қуты
Байатдын йыратур бу-ул дин йуты

3479 Байуса болур көр будун күткиси
Чығайлық биlә-ул көңүл қутқысы



www.ziyouz.com kutubxonasi

3466 Сен эзгу хулқ касб эт, ярамас бўлмагин,
Қаерда истасанг, юргин, қўрқмагин.

### Ўзғурмиш дунё айбларини айтади

3467 Жавоб берди Ўзғурмиш, айтди: Мен
Сўзингни эшитдим, бу сўз (лар) имни эшит.

3468 Бу дунё сенга ўзини жуда севдириб қўйибди,
Ҳамма айблари сенга фазилат (бўлиб) кўринибди.

3469 Сендан бунинг учун ажабланмаса бўлади, (чунки) масалда бор,
Ҳамма нарса севимли бўлса, айби кўринмайди.

3470 Дунё севдириб қўйгани учун ҳамма айби
Сенга фазилат бўлиб кўринибди, эй элда улуғ.

3471 Бу севган киши нима дейди, эшитгин:
Севганга севиклининг айби фазилат бошидир.

3472 Севимлининг муайян нишони шудирки,
Севимлининг айби фазилат бўлиб кўринади, эй шуҳратли.

3473 Ўзинг дунёни севиб қолишинг нишони шудирки,
Кўнглинг ҳамма айбини фазилатга қабул қилибди.

3474 Бу дунёни менга қанақасига мақтайсан,
Мен сенга унинг айбларини айтайин.

3475 Одам гуноҳ қилса, худо қийнайди,
Эркли эгам бу дунёни тунаш жойи [яъни қўниб ўтадиган омонат жой] қилди.

3476 Тунаш жойини нега орзу қиласан, истайсан,
Тилак жаннатда бўлади, қут нажот (бўлади).

3477 Худо ёрлақаган бу қулини сийласа,
Унга дунё бермайди, йўлини пок қилади.

3478 Шу сабабдан бу дунё қути яхши эмаски,
(У) худодан узоқлаштиради, у дин офатидир.

3479 Халқ бойиса, ҳаво-кибри ортади, кўр,
Кўнгил тавозеси камбағаллик биландир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

130б 3480 Байат мэн тэгүчи киши тэлвэси
Ажун қулды барды ул ыт сақышы

3481 Йалың туғмыш эр көр йалың барғу-ул
Нэрәк дунйа тэрмәк йана қодғу-ул

3482 Нэлүг арсықар-сэн айа өлдәчи
Өзүң экки күнлүг қонуқ болдачы

3483 Билир-сә тириглик өлүмкә турур
Анунды өлүм ош өдингә көдәр

3484 Қапуғ ачты дунйа тақы бир қапуғ
Өлүм қапғы ачлур кирүр ҳалқ қамуғ

3485 Өзүң экки күнлүг оқығу үчүн
Көрүрдә күйәрмә өзүнни күчүн

3486 Йайығ дунйа ирсәл қуты эврүлүр
Нэкү бэрди эрсә йана тэрк алур

3487 Тириглик бэрүр көр тақы йэр нәңин
Оқыйу турур күндә тэкмә өңин

3488 Көрү барса дунйа көлинкә[76] саны
Эдәрсә қачар қачса эдрәр сэни

3489 Муңар мэңзәр эмди көрү бар бу сөз
Мунуң маъниси уқ айа көңли түз

3490 Бу дунйа қачар ким эдәрсә аны
Йана қачса андын эдәрүр сэни

3491 Йана динқа өчлүг бу дунйа нәңи
Оса дунйа дин йэр бақа-ул көр муны[77]

3492 Бэзәниб бу дунйа өзин көргитүр
Этинмиш кэлин-тэг өзин йэлгитүр

3493 Көңүл бэрдиң эрсә бу қуртға йүзи
Йақаңны тутар күндә кэтмәз сөзи

3494 Йана қылқы ирсәл қылқынчы йайығ
Бэги бирлә тутмаз түгәл үч айығ



www.ziyouz.com kutubxonasi

3480 Худо мен, дегувчи киши телбаси
Дунё талаб қилади, ит баробарида ўлади.

3481 Яланғоч туғилган инсон, яланғоч ўлади, кўр,
Дунё йиғиш не керак, яна уни қолдириш керак.

3482 Нимага мағрурланасан, эй ўлувчи,
Ўзинг икки кунлик меҳмон бўлувчи (сан).

3483 Биласан, тириклик ўлимга боради,
Бу ҳозирланиб турган ўлим фурсатини кутади.

3484 Дунё эшик очди, яна бир эшик (очилади),
Ўлим эшиги очилади, ҳамма халқ (унга) киради.

3485 Ўзинг икки кунлик қўноқлик учун,
Кўрганда ўзингни базўр куйдирма.

3486 Бевафо дунё ўткинчи, қути айланади,
Нима берган бўлса, яна (қайта) тез олади.

3487 Тириклик беради, кўр, яна ўз нарсаларини нобуд қилади,
Кунда турли бошқаларни даъват қилади.

3488 Назар солсанг, дунё кўланка кабидир,
Изидан борсанг, қочади, қочсанг изингдан боради.

3489 Назар сол, энди бу сўз бунга мос келади,
Бунинг маънисини тушун, эй кўнгли пок:

3490 Ким изидан борса, бу дунё қочади,
Гумон қил, дунё диёнатни тортади, бунга (бир) назар сол.

3491 Яна бу дунё моли динга ўчликдир;
Ўйла, дунё динни ейди, бунга назар сол.

3492 Безаниб бу дунё ўзини кўрсатади,
Ясанган келиндек ўзини селкиллатади.

3493 Кўнгил бериб қўйсанг, бу юзи кўҳна (қари)
Кунда ёқангни тутади, сўзи (ҳеч) тугамайди.

3494 Яна қилиғи жафо, қилмишлари бевафоликдир,
Беги билан тугал уч ой (ҳам) турмайди.


www.ziyouz.com kutubxonasi

131*a* 3495 Ким эрсә көңүл бады эрсә аңар
Йав̇а болды эсиз тириглик аңар

3496 Эд̇и қыз эрүр бу тириглик күни
Йав̇а ишкә ишләтсә болмаз аны

3497 Тириглик мун-ул көр қамуғ эдгүкә
Йав̇а қылмағыл сэн аны эй тоңа

3498 Бу үчдә ад̇ын йоқ бу дунйа нэңи
Ҳалал-ул йа шубҳа ҳарам-ул өңи

3499 Сэв̇итсә бу дунйа ахир көр сүрәр
Ав̇ытса эрәж̇ бирлә тэркин ирәр

3500 Ҳалалқа сақыш-ул ҳарамқа ма қын
Қалы шубҳа эрсә йэмә кәд̇ сақын

3501 Сэв̇инч бирлә игд̇иб түгәл сэмритүр
Сақынч қадғу бирлә йана йав̇рытур

3502 Сэв̇инчин көрү барса ахыр сақынч
Сэвинчин тирилсә бу көр кэн сақынч

3503 Учы нэъмат̇ эрсә түби мэҳнат-ул
Башы мэҳнат эрсә учы нэъмат-ул

3504 Нэкү тэр эшитгил сақынуқ уд̇уғ
Йырақ тур бу дунйа тэгүргәй йуд̇уғ

3505 Сэниң байлықың көр чығайлық турур
Сэңәр ким чығай эрсә байлық турур

3506 Сэңәр сөксә ким бушса ачығ этин
Өчүң бэргә йарын қара йэр қатын

3507 Тарылғу турур бу тэрилмишләриң
Сачылғу турур бу йумытмышларың

3508 Барығлы турур күндә сэндә бирәр
Кәлигли турур тэрк сэңә өз урар

3509 Барығлы турур күндә тэрк бу өд̇ун
Кәлиг̇ли турур ул аж̇ун тэрк бүтүн



www.ziyouz.com kutubxonasi

3495 Кимда-ким унга кўнгил бериб қўйса,
Эсиз, унинг тириклиги беҳуда бўлади.

3496 Тириклик кун(лари) жуда қимматлидир,
Уни беҳуда иш(лар)га сарфласа бўлмайди.

3497 Тириклик ҳамма эзгу(лик)ларга моядир,
Сен уни беҳуда кетказмагин, эй баҳодир.

3498 Бу дунёнинг (қуйидаги) учтадан бошқа нарсаси йўқ,
(Бири) — ҳалол, (иккинчиси) — шубҳа, бошқа бири ҳаромдир.

3499 Бу дунёни севсанг, у охири ҳайдайди, кўр,
Ҳаловат билан шод бўлсанг, тез юз ўгиради.

3500 Ҳалол учун ҳисоб, шунингдек, ҳаром учун азоб бор,
Агар шубҳа бўлса-чи, жуда ҳам эҳтиёт бўл.

3501 Севинч билан парваришлаб тугал семиртиради,
Алам-қайғу билан яна оздиради.

3502 Севинчига назар солсанг, охири аламдир,
Севинч-ла яшасанг, кўр, кети аламдир.

3503 Учи [яъни боши] неъмат бўлса, туби [яъни кети] меҳнат бўлади,
Боши меҳнат бўлса, учи [яъни сўнги] неъмат бўлади.

3504 Мулоҳазакор, ҳушёр (киши) нима дейди, эшитгин:
Йироқ тур, (бўлмаса) бу дунё кулфат етказади.

3505 Сенинг бойлигинг, кўр, камбағалликдир,
Сенга ким камбағал бўлса — бойликдир [яъни у бойдир].

3506 Сенга ким ҳақорат ёғдирса, қаҳр қилса, (сен) очиқлик қил,
Кейин қора ер қатида ўчингни тўлайди.

3507 Бу терилган (нарса]ларинг тарқалиб кетадигандир,
Бу жам этилганларинг сочилиб кетадигандир.

3508 Кетувчидир, сендан кунда бир-бир кетади,
Келувчидир, сенга ўзини тез уради.

3509 Бу даврон кунда тез кетувчидир,
У дунё тез, бутун келувчидир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

131б 3510 Барығлықа бэрмэз билиглиг көңүл
Кэлигликэ этнүр уқушлуғ амул

3511 Өлүмүг билигли сэв̇үтмэз өзүн
Өлүмүг көрүгли ав̇ытмаз өзүн

3512 Йурығлы киши йолда этмэз эв̇ин
Көчүгли киши эв̇дэ қод̇мас нэңин

3513 Қонуқ йа бу дунйа сэңэр бир түшүн

Түшүндэ сэв̇үнч тутма артуқ узун

3514 Анын эд̇гү эрмэз бу дунйа нэңи
Кимиң болса эв̇рэр қылынчы йаңы

3515 Бадал қылды абдал нэңин ҳам малын
Бақыб қод̇ты заҳид бу дунйа улын

3516 Көрүнмэз нэң-ул бу тузақчы сэңэ
Бу дунйа нэңи-ул сэчилмиш мэңэ

3517 Осайуқ бу дунйада йалңлуқ өзи
Қалы торқа кирсэ унытур өзи

3518 Нэкү тэр эшит эмди шаъир башы
Бу дунйа ишиндин сақынмыш киши

3519 Қамуғ дунйа биркэ йумытса бүтүн
Эрэж̌ бирлэ миң йыл тирилсэ қутун

3520 Нэкү асғы ахир қара йэр қуты
Анын түшнэки-ул йағыз йэр өти

3521 Кэчүрмиш тириглик сэңэ болға түш
Нэкү қылдың эрсэ йанут кэлгэ түш

3522 Ошул күн өкүнсэ өкүнч асғы йоқ
Нэкү қылдың эрсэ йыл ай күн тануқ

3523 Ажун татғы барча бу үч нэң турур
Үчэгү татығлары йүз нэң турур



www.ziyouz.com kutubxonasi

3510 Билимли кетувчига кўнгил бермайди,
Заковатли, собир келувчи (дунё)га ҳозирланади.

3511 Ўлимни билувчи ўзига бино қуймайди,
Ўлимни кўрувчи ўзини юпатмайди.

3512 Юрувчи киши йўлда уй қурмайди,
Кўчувчи киши нарсасини уйда қолдирмайди.

3513 Сен учун бу дунё бир меҳмонхона ёки работдир [яъни тушиб ўтадиган жойдир].
Работдан кўп, узоқ севинма.

3514 Бу дунё нарсаси шунинг учун (ҳам) эзгу эмас(ки),
Кимнинг бўлсин [яъни барчанинг] тарзу рафторини ўзгартиради.

3515 Авлиёлар (бу дунёнинг) нарса ҳам молини бадал қиладилар,
Зоҳид(лар) боқиб бу дунё асосини тарк этади(лар).

3516 Сен учун у кўринмас тузоқчи нарсадир,
Бу дунё нарсаси [яъни иши] менга англашилган (аён)дир.

3517 Бу дунёда одам ўзи ғофилдир,
Агар тўрга илинса [яъни дунёга боғланиб қолса], ўзини унутади.

3518 Шоирлар боши нима дейди, энди эшитгин,
Бу дунё ишидан эҳтиёт бўлган киши:

3519 Жамики дунё бирга бутунлай йиғилса,
Ҳаловатда бахт билан минг йил яшалса.

3520 Фойдаси нима, охири қора ер қаърида
Унинг, [яъни кишининг] тушар жойи бўз ернинг кавагидир.

3521 Кечирган тириклик сенга туш бўлади,
Нимаики қилган бўлсанг, тенг жавоб келади [яъни берадиган жавоб шунга тенг бўлади].

3522 Ўша кун ўкинсанг, ўкинч фойдаси йўқдир,
Нима қилган бўлсанг, йил, ой, кун гувоҳдир.

3523 Дунё ҳаловати барчаси бу уч-нарсадан иборатдир,
Учаласининг ҳаловатлари юз нарсадан иборатдир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3524 Бу үч нәң сэвүнчи татығы қамуғ
Адын үчкә тэгмә эй элдә улуғ

132*а* 3525 Эң ашну көр эркә өлүм тутғақы
Өлүмдә татығ йоқ апа артақы

3526 Анында баса бу оғул қыз турур
Оғул қыз йүкин йүдмәк эмгәк болур

3527 Нэкү тэр эшит бу уқуш айғучы
Тиши ҳам оғул қыз узар эр күчи

3528 Тиши бирлә суҳбат эди кәд татығ
Соғуқ сувқа йунмақ йануты қатығ

3529 Татығ қайда эрсә татығсыз билә
Сүчиг қайда эрсә сөңиндә ачығ

3530 Тиригликтатығы бу эрсә қалы
Татығсыз турур дунйа суҳбат йолы

3531 Сүчиг бу тиригликкә ачығ өлүм
Қарартур түнәр-тэг йарумыш күнүм

3532 Бу үч нәң турур дунйа татғы бүтүн
Йануты эшитгил эй қылқы түзүн

3533 Бу дунйа татығы ул эт өз йағы
Бу экки йағының йадығлығ ағы

3534 Үчүнчи йағы-ул бу дин оғрысы
Тэгүрмәси тэңри буларның йасы

3535 Буларда эди сарп бу йавлақ йағы
Эт өздин тэгир-ул өкүшрәк чоғы

3536 Байат аты айса қамуғ йэк барыр
Қоду барса дунйа сэниндин қалыр

3537 Эт өзни нэкү-тэг кэтәргү кэрәк*
Магарким өлүм тутса қалса қалыр

3538 Эди йақшы аймыш билиглиг бөгү
Билиглиг бөгүләр сөзин тыңлагү



www.ziyouz.com kutubxonasi

3524 Бу уч нарса севинчи, ҳаловати кифоядир,
Бошқа уч(нарса)га яқинлашма, эй элда улуғ.

3525 Энг аввали — одам учун ўлим талвасаси, кўр,
Ўлимда ҳаловат йўқ, (у) инсон офатидир.

3526 Ундан бошқаси — бу ўғил-қиздир,
Ўғил-қиз ташвишини тортмоқ машаққат бўлади.

3527 Заковат ўргатувчи нима дейди, эшит,
Хотин ҳам ўғил-қиз киши кучини узади.

3528 Хотин билан суҳбат жуда ҳам шириндир,
Совуқ сувга ювинмоқ эвази қийиндир.

3529 Ширин қаерда бўлса, бемаза билан дир,
Чучук қаерда бўлса, сўнгида аччиқ бўлади.

3530 Агар тириклик ҳаловати шу бўладиган бўлса,
Дунё бир беҳаловат суҳбат йўли (каби)дир.

3531 Ширин бу тирикликка аччиқ ўлим (эваз)дир,
(У) равшан кунимни тунаётгандек қорайтиради.

3532 Дунёнинг бутун ҳаловати шу уч нарсадан иборатдир,
Жавобини эшитгин, эй хулқи тўғри.

3533 Бу дунё ҳаловати (ва) тану жон [яъни нафс] ёвдир,
Бу икки ёвнинг тузоғи ёйилган бўлади.

3534 Учинчи ёв — бу дин ўғрисидир [яъни диёнатга хиёнатдир],
Тангри буларнинг зиёнини етказмасин.

3535 Булардан жуда ашаддий ёвуз ёв бўлмиш
Тану жондан кўпроқ адоват содир бўлади.

3536 Худо отини айтсанг, ҳар қандай балолар кетади,
Қолдириб кетсанг, дунё сендан қолади.

3537 Тану жонни қандай қилиб бартараф қилса бўлади,
Фақатгина ўлим тутса, қолса, (шундагина) қолади.

3538 Билимли доно жуда яхши айтибди,
Билимли донолар сўзини тинглаш керак:



www.ziyouz.com kutubxonasi

3539 Мэни муңқа тэгрүр эт өз эмгэтүр
Ара күлдүрүр көр ара йығлатур

132б 3540 Ажун тэзгинүр-мэн тиләки уду
Ара ач йатур-мэн арала тоду

3541 Бир арзум йитүрсәм тақы бир қалур
Тақы бирни булсам түгәл нәң болур

3542 Басумаз өзүм бу эт өзни топуб
Баса бэр идим сэн бағырсақ тутуб

3543 Бу йавлақ осулуғ турур бу эт өз
Сэмүз тутса артуқ болур бу йавуз

3544 Түгәл авчы ыт-тэг эт-өзкә бақын[78]
Сэмүз болса билмәз идиси ҳақын

3545 Қарын тодсә авқа йүгүрмәз йатур
Идиси тиләкини барча қодур

3546 Ушағ оғлан өзлүг эт-өзнүң саны
Боғуз тодса йүгрүр тиләгү аны

3547 Боғуз тодса эт өз болур кэчмәгү
Тиләкчә тиләсә тиләк бэрмәгү

3548 Тириглик түгәли түгәл үч күн-ул
Анында нарусы өңин түш түн-ул

3549 Бириси йарын-ул бири кэчти түн
Йарынқа тэгир-му тириглик бу күн

3550 Анында наруқы тириглик баса
Тиригликкә бүтмә сөз айдым кэсә

3551 Тиши суҳбаты ма бу эрлик оты
Өчүрмәк үчүн-ул бирәр саъаты

3552 Бу отуғ нәкү-тэг өчүрсә өчәр
Кэрәк эрсә көрклүг йа көрксүз қучар

3553 Боғуз татғы барча қарын тодмақ-ул
Қарын тодса артығ асығ қылмақ-ул



www.ziyouz.com kutubxonasi

3539 Тану жон мени мунгга дучор қилади, қийнайди,
Гоҳо кулдиради, кўр, гоҳо йиғлатади.

3540 Тилаги орқасидан олам кезаман,
Гоҳо оч ётаман, гоҳо тўйиб (ётаман).

3541 Бир орзумни бартараф қилсам, тағин бири қолади,
Тағин бирини топсам, (ҳамма) нарса тугал бўлади.

3542 Мен ўзим тану жонни бўйсундириб боса олмайман,
Меҳрибон эгам, сен (уни) меҳрибон тутиб боса бер.

3543 Бу тану жон ёмон ҳунарли бўлади,
Ортиқча семиз тутса(нг), у ёмон бўлиб кетади.

3544 Тану жонга назар сол, у айнан овчи ит кабидир,
Семиз бўлса, эгаси ҳақини (ҳам) билмайди.

3545 Қорин тўйса, овга турмайди, ётади,
Эгаси тилагининг барчасини қўяди.

3546 Тану жоннинг рафтори ёш ўғлон қилиғига ўхшашдир,
Бўғизи тўйса, югуради [яъни ўйнаб кетади], уни қидириш керак.

3547 Қорни тўйса, тану жон тебранмас бўлиб қолади,
(Унинг) истаган тилагини раво қилмаслик керак.

3548 Тирикликнинг тугали тугал уч кундир,
Ундан нариси бўлак, туш ва тундир.

3549 Бириси эрта(ги кун), бири ўтган тундир,
Тирик (бўлган) бу кун эртага (ча)етармикан.

3550 Ундан бўлак тирикликни асло
Тириклик (деб) ишонма, кесиб сўз айтдим.

3551 Хотин (билан) суҳбат қилиш ҳам эркаклик ўтини
Бирор соатли ўчириш учундир.

3552 Бу ўтни қанақасига ўчирса (ҳам) ўчади,
Хоҳ кўрклисини, хоҳ кўрксизни қучсин (бари бир).

3553 Бўғиз ҳаловати барчаси қорин тўймоқдир,
Қорин тўйгач, ортиқ фойда қилмоқдир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3554 Қарын тод̇са арпа йа ҳалва бир-ул
Қалур барча артыб толур киргү йол

133*а* 3555 Шакар ҳалва йэгли бар эрсә айур
Тод̇уб йатса таңда йана ач турур

3556 Нэкү тэр эшитгил сақынуқ чығай
Чығай эрсә шаксиз көзи көңли бай

3557 Шакарлиг йэдиң сэн узун нэъматы
Қав̇уқ йүр йэдим мэн өзүм тақаты

3558 Экигү тод̇уб тэң кэчә йаттымыз
Кэчиб барды кэлмиш күнүм саъаты

3559 Аж̇унуғ нэчә тэрсә өз өлгүлүг
Эки бөз тэгир-ул сэңә бэлгүлүг

3560 Чығай бай экигү өлүмдә кэд̇ин
Нэчә түз болур көр қара йэр қатын

3561 Эки күнги эртә аж̇унуғ булуб
Нэлүг арсықар-сә тириглик булуб

3562 Өзүң суқланур-сэн аж̇ун тэргәли
Өлүм суқланур көр сэни тутғалы

3563 Тириглик эрәж̇ күндә сэндин қачар
Йав̇уз бу өлүм көр улуңны бичәр

3564 Сэзигсиз өлүр көр тириг болдачы
Қайу күн өлүрүг йоқ-ул билдәчи

3565 Кичиг эрсә умнур сақал үнгүкә
Сақал үнсә умнур өрүң болғуқа

3566 Сақалың өрүң болды кэлди өлүм
Өлүмкә этиг йоқ ҳам үнмәс толум

3567 Өзүң отқа атма бу дунйа үчүн
Көрүрдә күйүрмә өзүңни күчүн

3568 Ачығ сув̇-тэг ул көр бу дунйа нәңи
Нэчә ичсә қанмаз өлимәз тили



www.ziyouz.com kutubxonasi

3554 Қорин тўйса, арпа ё ҳалво бирдир,
Барчаси ортиб қолади, кирадиган йўл тўлади.

3555 Шакар, ҳалво еган бор бўлса айтади,
Тўйиб ётса, тонгда яна оч туради.

3556 Мулоҳазакор камбағал нима дейди, эшитгин,
Камбағал бўлса (ҳам) кўзи, кўнгли шубҳасиз бой:

3557 Сен узоқ (муддат) шакарли неъмат единг,
Мен кепак, тариқ едим, ўзим тоқат қилдим.

3558 Иккимиз тенг тўйиб кечаси ётдик,
Келган кунимнинг соатлари ўтиб борди.

3559 Дунёни қанча терсанг (ҳам) ўз [яъни жон] ўлади,
Сенга муайян икки (газ) бўз тегади.

3560 Камбағал, бой иккаласи ўлимдан кейин,
Қора ер қатида шундай тенг бўлади, кўр.

3561 Икки кунлик эрта [яъни омонат] дунёни қозониб,
Нимага мағрурланасан, тириклик топиб.

3562 Дунёни теришга ўзинг суқланасан,
Сени тутиш учун ўлим суқланади, кўр.

3563 Тириклик, ҳаловат кунда сендан қочади,
Ёвуз бу ўлим томирингни кесади, кўр.

3564 Тирик бўлган шубҳасиз ўлади, кўр,
Қайси кун ўлишини билувчи йўқдир.

3565 Кичик бўлса, соқол ўсишига умид қилади,
Соқол ўсса, оқ бўлишига умид қилади.

3566 Соқолинг оқ бўлди — ўлим келди (демакдир),
Ўлимга тадбир йўқ ҳам (унга қарши) қурол бўлмайди.

3567 Бу дунё учун ўзингни ўтга отма,
Кўрганда ўзингни зўр билан куйдирма.

3568 Бу дунё нарсаси шўр сув кабидир, назар сол,
(Киши) қанча ичса (ҳам) қонмайди, тили ҳўлланмайди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3569 Қуруғ қумқа охшар бу йаңлуқ өзи
Өкүз кирсә толмаз бу суқлуқ көзи[79]

133б 3570 Сақығ-ул көрү турса дунйа иши
Тутайы тәйү тутса йитрүр киши

3571 Сақығ-ул көрү турса көздә учар
Нәчә өз эдәрсә ул анча қачар

3572 Эт өзкә алық бәрмә эгмә бойун
Ав̇ынчы сақынч-ул тиләки ойун

3573 Кәчүрмиш тириглик барыр кәлгүсүз
Бу қалмыш тириглик йәмә бәлгүсүз

3574 Бу булмуш күнүң бары қылма йав̇а
Өлүмкә анунғыл тапуғ қыл эв̇ә

3575 Нәкү тәр эшитгил уд̇анмыш күр эр
Қамуғ булғануқдын сүзүлмиш күр эр

3576 Кәчүрдүң кәчигли бу түнги түнүң
Кәчәр йатса-сән ҳам кәлигли күнүң

3577 Кәчүрмиш кәчүргү ара бир түшүн
Тириглик бу мунча бәд̇үтмә үнүң

3578 Йав̇а болды мунда тириглик тәдим
Кәчиб барды розгар өкүнчләр йәдим

3579 Бу күн кәнд улушқа оқыр-сән мәни
Болун қылса нафсум йулуғлы қаны

3580 Эт өз бир йағы-ул тақы бир йағы
Қамуғ йәрдә йад̇мыш тор аты ағы

3581 Тиләкчә йүд̇үрмә қатығлан тирән
Эт өз үлги бәрмә қатығлан эрән

3582 Нәкү тәр эшит бу өзин басмыш эр
Ҳава бойны йанчыб өзин тутмыш эр

3583 Эт өзкә болун болма билги улуғ
Болун болса эт өз қылур дин йулуғ



www.ziyouz.com kutubxonasi

3569 Бу одам (дегани) ўзи қуруқ қумга ўхшайди,
Бу суқлик кўзи дарё кирса (ҳам) тўлмайди.

3570 Назар солсанг, дунё иши сароб кабидир,
Киши тутайин деб қўл узатса, йўқотади.

3571 У саробдир, қараб турса(нг), кўздан учади,
Сен қанча кетидан борсанг, у шунча қочади.

3572 Тану жонга енгиш берма, бўйин эгма,
Шодлиги — алам, истаги — ўйиндир.

3573 Кечирган тириклик (қайтиб) келмас бўлиб кетади,
Шунингдек, бу қолган тириклик (ҳам) номаълумдир.

3574 Бу қўлга киритган кунингнинг бирини беҳуда кетказма,
Ўлимга ҳозир бўл, шошиб тоат-ибодат қил.

3575 Ҳушёр тортган ботир киши нима дейди, эшитгин,
Ҳар қандай касофат(лар)дан тозаланган ботир киши:

3576 Ўтаётган бу кечаги тунингни ўтказдинг,
Сен етишсанг, келаси кунинг ҳам ўтади.

3577 Ўтказилган (кун) ўтказувчи учун бир работдир,
Тириклик мана шунақа, овозингни баланд қилма.

3578 Бунда [яъни ўткинчи дунёда] тириклик беҳуда бўлди, дедим,
Рўзғор ўтиб борди, ўкунчлар қилдим.

3579 Бу кун мени қишлоқ, шаҳарга чорлаётирсан,
Нафсим (мени) қул қилса, қутқарувчи қани.

3580 Тану жон бир ёвдир, тағин бир ёв
Барча ерга тўр ёйгандир, (унинг) оти ғазнадир.

3581 Тилакка қараб юк олма, қаттиқ бўл, тийин,
Тану жон улушини бераверма, қаттиқ бўл, (эй) мард.

3582 Бу ўзини босган киши нима дейди, эшит,
Ҳавас бўйнини янчиб, ўзини тутган киши:

3583 Тану жонга тутқун бўлма, (эй) билими улуғ,
Тутқун бўлсанг, тану жон динни қурбон қилиб юборади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3584 Билиглиг тэсә болмағай ул кишиг
Ҳавасы уд̇у қылса барча ишиг

134 *а* 3585 Билигсиз киши-ул болур бэлгүлүг
Эт өзкә бэрүр болса тутшы үлүг

3586 Уқушсуз кишиләр өлүк эй қад̇аш
Ҳава арзуларға өзин қылса баш

3587 Мунуқы бу йаңлығ турур бу аж̇ун
Муны барча айдым сэн уқғыл өзүн

## Одғурмыш жавабы Өгдүлмишкә[80]

3588 Йанут бэрди Өгдүлмиш айды бу сөз
Эшиттим сэн айдың айа қутлуғ өз

3589 Нэчә андағ эрсә бу дунйа ҳалы
Ачығ қылма өзкә тириглик йолы

3590 Бу кэң дунйа өзкә күчин қылма тар
Йазуқлуғ қулынга байат фазлы бар

3591 Ъазабы тэлим эрсә раҳмат өкүш
Йазуқлуғ үчүн болды раҳмат көшүш

3592 Ъазабқа қатығ қорқ умын раҳматын
Тапуғ қыл йэтүргил бу қуллуқ атын

3593 Аж̇ун буд̇ны барча улуш кэнд қод̇уб
Туруб тағқа кирсә улуғ йүк йүд̇үб

3594 Бузулғай аж̇ун барча қалғай қуруғ
Апа оғланы барча кэсгэй уруғ

3595 Йана барча йаңлуқ бу дунйа тиләб
Йүгүрсә түни барча күнгә улаб

3596 Тапуғ қод̇са дунйа тиләсә тамуғ
Йэмә қалмағай эрди учмақ қуруғ

3597 Эки эв̇ йаратты бу халққа қамуғ
Бири аты учмақ бириниң тамуғ



www.ziyouz.com kutubxonasi

3584 Бу(ндай) кишини **билимли деса бўлмайди,**
(Агар) ҳаваси туфайли барча ишни қилса.

3585 У (киши) муайян билимсиз кишидирки,
Тану жонга доим улуш бераверадиган бўлса.

3586 Заковатсиз кишилар — ўлик, эй қариндош,
Ҳавас-орзуларга ўзини дардман қилса.

3587 Мана, бу дунё шу янглиғдир,
Нуқсон(лари)ни борича айтдим, сен чуқур уқиб ол.

## Ўзғурмишнинг Ўгдулмишга жавоби[46]

3588 Жавоб берди Ўгдулмиш, айтди: Бу сўз(лар)ни
Эшитдим, (қайсики) сен айтдинг, эй қутлуғ киши.

3589 Ҳолбуки бу дунёнинг ҳоли шундай экан,
Ўзингга тириклик йўлини аччиқ қилма.

3590 Бу кенг дунёни ўзингга зўр билан тор қилма,
Гуноҳкор қулига худонинг фазли бор.

3591 Азоби талай бўлса, раҳми (ҳам) кўп,
Гуноҳкор(лар) учун раҳмат эъзоз бўлди.

3592 Азобдан қаттиқ қўрқ, раҳматдан умид қил,
Тоат-ибодат қил, бандалик отини бажо келтир.

3593 Олам халқи барчаси шаҳар, қишлоқни ташлаб,
Улуғ юк кўтариб, туриб тоққа кирса.

3594 Олам бузилади, барча (ер) бўшаб қолади,
Одам боласи барчаси зурёдни барбод беради.

3595 Яна барча халқ бу дунёни тилаб,
Бутун тунини кунга улаб югурса.

3596 Тоат-ибодатни ташласа, мол-дунё истаса, дўзах,
Шунингдек, жаннат бўш қолмаган бўларди.

3597 Бу жамики халққа (худо) икки уй яратди,
Бири(нинг) оти жаннат, бириники — дўзах.


www.ziyouz.com kutubxonasi

134б 3598 Байат бэрди қулқа эки көз қулақ
Бири дунйа бақса бири ъуқба бақ

3599 Әлиг бэрди экки сунуб тутғуқа
Бири дунйака тут бири ъуқбақа

3600 Айақ бэрди экки йурытғу үчүн
Бири бару маңса бири бар үчүн

3601 Йэмә йахшы аймыш уқушлуғ уд̇уғ
Осал болма сақлан тоқығай йуд̇уғ

3602 Төрүтти байат бу экигүн аж̇ун
Муны булса тав̇рат аны қул узун

3603 Апа оғланы барча эрклиг байат
Ачығлы тод̇уғлы төрүтти бу ат

3604 Эгингә кэд̇им йа боғузқа йэми
Кэрәк эй қад̇аш бу тириглик эми

3605 Тиригкә бу нәңдин кэчиш йоқ адаш
Эгин бүтгү тон ҳам боғузқа ҳам аш

3606 Ҳалал дунйа булса йэсә қазғаныб
Чығайқа үләсә аныңдын алыб

3607 Киши ағруқы болмаса бу боғуз

Киши үнмәзи-ул бу ағруқ боғуз

3608 Байат ъадлынга тутшы қорқуб туры
Умын фазлынга тутчу тэгнү йуры

3609 Бу экки биләбулды қуллуқ йолын
Бу-ул йол йаңылма бу қуллуқ йолын

3610 Эд̇и йақшы аймыш билиг бэргүчи
Билигсизкә өт сав̇ ириг бэргүчи

3611 Рижа хавф бирлә қанат сэн қылын
Бу экки үзәки йолуғ сэн алын

3612 Байат йарлығын тут өзүң қуллуқы
Уча кир сарайқа эрәж̇ин салын



www.ziyouz.com kutubxonasi

3598 Худо бандасига икки кўз, қулоқ берди,
Бири билан дунёга боқсанг, бири билан охиратга боқ.

3599 Узатиб ушлаш учун икки қўл берди,
Бирини дунёга тут, бирини охиратга (тут).

3600 Юритиш учун икки оёқ берди,
Бири буён [яъни бу дунё]да одимласа, бири бор (у дунё) учун.

3601 Заковатли, ҳушёр (киши) янада яхши айтибди,
Ғофил бўлма, соғ бўл, (бировлар) гуноҳининг касифига қоласан.

3602 Худо бу икки дунёни яратди,
Буни (сини) топсанг, шошил, уни (сини) узоқ иста.

3603 Одам боласининг барчасини қодир худо
Очиқадиган ва тўядиган (қилиб) яратган — бу отни.

3604 Эгинга кийим ё бўғизга овқат
Керак, эй қариндош, бу — тирикликнинг дармони.

3605 Тирикка бу нарса(лар)дан кечиш мумкин эмас, (эй) жўра,
Эгинни бутагувчи кийим ҳам, бўғизга овқат ҳам (зарур).

3606 Ҳалол дунё топса, қўлга киритиб баҳраманд бўлса,
Ундан (бир улуш) олиб камбағалларга улашса.

3607 Кишининг мол ва томоқ ташвиши бўлмаса
(қандай яхши бўларди),
Мол ва томоқсиз киши ночордир.

3608 Худонинг ҳукмидан доим қўрқиб тургин,
Фазлига умид боғла, доим ёндашиб юргин.

3609 Бу икки(си) билан бандалик йўлини топасан,
Йўл шудир, бу бандалик йўлидан адашма.

3610 Билим берувчи жуда яхши айтибди,
Билимсизга ўгит, панд, насиҳат берувчи:

3611 Умид ва хавфдан сен қанот боғла,
Бу иккаласи узра бўлган йўлни сен танла.

3612 Худонинг буйруғини тут, ўз бандалигингни (ўта),
Саройга учиб кир, роҳатини сур.



www.ziyouz.com kutubxonasi

135а 3613 Рижа хавф бу экки қанат саны-ул
Бу эккин учуғлы булур көккә йол

3614 Йазуқум өкүш тэб умынч кэсмәгү
Тапуғқа ынаныб осал болмағу

3615 Тапуғ қыл тапуғ болды қуллуқ қамуғ
Қимиң аты қул болса қылғу тапуғ

3616 Ағыр тутғу йарлығ ужуз қылмаса

Ужузлуқдын өтрү эсиз булмаса

3617 Кишидә йавузы өзүң бил өзүң
Магар эдгү болса өзүң ҳам сөзүң

3618 Муну билмишимни өтүндүм мэн ош
Бу сөз ишкә тутғыл сэңә кэлгә түш

3619 Қалы тутмаса сэн бу аймышларым
Жаваб қыл тутайын эй эрсиг эрим

3620 Узун болды сөзләрники асғы йоқ
Тақы ма узатыб адын тосғы йоқ

**Одғурмыш жавабы Өгдүлмишкә**

3621 Әлиг башқа урды бу Өдғурмыш-а
Сақынды узун кэч көтүрди баш-а

3622 Айур эй қадаш тэгди эмгәк мэңә
Қадашлық қылыб сөзләдиң сэн мэңә

3623 Мэңә эдгү сақныб бу сөз сөзләдиң
Муйан бэрсү тэңри сақынчым йэдиң

3624 Бақа көрдүм эмди бу ишдә мэңә
Салаҳы көрүнмәз эй эрсиг тоңа

3625 Көңүл тапламады бу ишдин қачар
Көңүл тапламаз ишни қылса хатар

135б 3626 Нэ эдгү билиг бэрди билгә сөзүг
Сэвитмиш сэвүгләркә көңли сүзүг



www.ziyouz.com kutubxonasi

3613 Умид ва хавф — бу иккиси қанот ҳисобидадир,
Бу иккиси билан учувчи кўкка йўл топади.

3614 Гуноҳим кўп деб умид узмаслик керак,
Тоат-ибодатга инониб ғофил бўлмаслик керак.

3615 Тоат-ибодат қил, тоат-ибодат бутунлай бандалик бўлади,
Кимнинг оти банда бўлса, тоат-ибодат қилиши керак.

3616 Буйруқни [яъни худонинг буйруғини] муқаддас тутиш керак, яна зинҳор уни бецадр қилмаса,
(Токи) беқадр тутганлиги туфайли ёмонлик кўрмаса.

3617 Одамлардан ёвузи ўзингни (деб) бил, ўзингни,
Фақатгина ўзинг ҳамда сўзинг эзгу бўлса (ёвуз эмассан).

3618 Мана, мен бу билган(лар)имни айтдим,
Бу сўзга амал қилгин, сенга мос келади.

3619 Агар сен бу айтганларимни олмасанг,
Жавоб қил, (мен ўзим) олайин, эй мард кишим.

3620 Узун бўлган сўзларнинг тенг (келадиган) фойдаси йўқ,
Тағинда (сўзни) узатишдан ҳеч бир манфаат йўқ.

**Ўзгурмишнинг Ўгдулмишга жавоби**

3621 Бу Ўзғурмиш қўлини бошига урди,
Узоқ, чуқур хаёл сурди, (сўнг) бош кўтарди.

3622 Айтди: Эй қариндош, менга ташвиш ортди,
Сен менга қариндошлик қилиб сўзладинг.

3623 Менга яхшилик кўзлаб бу сўзларни сўзладинг,
Тангри (сенга) нажот берсин, менинг ғамимни единг.

3624 Бокиб кўрдим, энди бу ишда менинг учун
(Ҳеч қандай) салоҳият кўринмаётир, эй мард баҳодир.

3625 Кўнгил хоҳламади, (у) бу ишдан қочаётир,
Кўнгил хоҳламаган ишни қилса — бу хатар(ли).

3626 Доно сўз билан қандай эзгу билим беради,
Севган, севилганларга кўнгли очиқ (киши):



www.ziyouz.com kutubxonasi

3627 Қайу ишни қылмақ тиләсә өзүң
Көңүл бирлә ашну кэңәшгил сөзүң

3628 Кишикә кэңәшгил этиб барча сөз
Көңүл тапламаса йырақ тутғыл өз

3629 Қамуғда бағырсақ өзүңгә өзүң
Көңүл тапламаз ишни қод̇ кэс сөзүң

3630 Көңүл топламаса қайу эрсә иш
Асығ болмаз анда айа урғы киш

3631 Көңүл тапламады бу ишни сэв̇э
Өзүм йанды эмди бу сөздин эв̇э

3632 Сэниңдин қулур-мэн өзүм ъуд̇румы
Қод̇у бэр мэни эй киши көд̇рүми

3633 Элигкә тосулғу йоқ эрдәмләрим
Нэ қылқым қылынчым сав̇ым сөзләрим

3634 Өзүм дунйадын қачты кэлди бару
Йана мэн нэкү-тэг йанайын нару

3635 Байат тапғынгару илинмиш өзүм
Киши тапғы қылмаз кэсилди сөзүм

3636 Ыд̇у бэргил эмди мэни тэңриқа
Дуъачы болайы сэңәр эй тоңа

3637 Эки өз көрүшмәк тиләсә көсәб
Мэңәр кэлмәгил мэн барайын тиләб

3638 Мэңәр тэгсүн эмгәк сэн ынчын тирил
Элиг тапғы бирлә буд̇ун асғы қыл

3639 Нэкү тэр эшит бу бағырсақ киши
Йақынлық улағлы тапуғсақ киши

3640 Йумытса көңүл көз йарутса киши
Йақын болды сақынч тиләкләр иши

163*a* 3641 Тиләккә барур көр бу йалңуқ йурыб
Булур өз тиләкин бу қалмаз арыб



www.ziyouz.com kutubxonasi

3627 Ўзинг қайси ишни қилмоқчи бўлсанг,
Аввал сўзингни кўнгил билан кенгашгин.

3628 Барча сўзларни айтиб кишиларга кенгашгин,
(Лекин) кўнгил хоҳламаса, ўзингни йироқ тутгин.

3629 Ҳаммадан (ҳам) меҳрибон ўзингга ўзингдирсан,
Кўнгил хоҳламаган ишни қўй, сўзингни кес.

3630 Қандай иш бўлсин, кўнгил хоҳламаса,
Ундан фойда бўлмайди, эй зоти диёнатли.

3631 Кўнгил бу ишни севиб хоҳламади,
Энди (шунинг учун) ўзим шошиб бу сўздан қайтдим.

3632 Сендан ўзим учун узр сўрайман,
Мени қўя бер, эй киши(лар) сарвари.

3633 Элигга яроқли фазилатларим йўқ,
На хулқим, (на) қилиғим, (на) шуҳратим, (на) овозам (йўқ).

3634 Ўзим дунёдан қочдим, бу ерга келдим,
Яна мен у ёққа қандай қилиб қайтаман.

3635 Ўзим худонинг тоат-ибодатига боғланганман,
Кишилар хизматини қилмайман, сўзим тамом.

3636 Энди мени тангрига қўя бергин,
Сенга дуочи бўлайин, эй баҳодир.

3637 Икки жоннинг кўришмагини қўмсаб истасанг,
Менга келмагин, мен истаб борайин.

3638 Машаққат менга тегсин, сен фароғатда яша,
Элигнинг хизмати билан халқ манфаатини қил.

3639 Бу меҳрибон киши нима дейди, эшит,
Яқинлик боғловчи меҳнатсевар киши:

3640 Киши кўнгилни йиғса (ва) кўзни ёруқ тутса,
Алам ва тилаклар тадбири осон бўлади.

3641 Халқ юриб тилакка (қараб) боради, кўр,
Ўз тилагини топади, у ҳориб қолмайди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3642 Эд̇и йақшы аймыш сэв̇итмиш киши
Вафақа жав̇ықмыш сэвүглəр башы

3643 Йақын болса көңлүн йырақ йэр йақын
Йақынлық вафасы көңүлкə бақын

3644 Туғардын Батарқа бир өрлəм йэр ул
Вафа бирлə булса йақынлық ҳақын

3645 Йанут бэрди Өгдүлмиш айды сөзүм
Эшитсү эшиттим сөзүңни өзүм

3646 Қэсилди сөзүм сэн эсəн эдгү қал
Элигкə битиг бэр йүзүм қылма ал

3647 Битиг ыд̇ты элиг өз əлгин сэңə
Жаваб ыд̇ғу йандру э билгə аңа

3648 Көнəйин мэн эмди мэңəр бэр жаваб
Сөзүң сөзлə йүк үз тилин үлгүлəб

3649 Тилин сөзлəгил ҳам битигил битиг
Элигкə йанайы э билгə тэтиг

### Алжаваб

3650 Йанут бэрди Өд̇ғурмыш айды тэтиг
Битийин кэрəк эрсə айғыл битиг

3651 Дават қулды кағаз көтүрди қалам
Элигкə битиг башлады сөз улам

3652 Байат аты бирлə сөзүг башлады
Төрүтгəн игид̇гəн кэчүргəн тэди

3653 Өкүш өгди сансыз сана бу тилин
Қылур-мэн байатқа тилин ҳам илин

3654 Төрүтти қалын бод̇ бу сансыз тириг
Тирилгү бэрүр қод̇мэз ачын бириг

136б 3655 Бир-ул бир ид̇и ким төрүтти эки
Сақышқа қатылмаз аның бирлики



www.ziyouz.com kutubxonasi

3642 Севган киши жуда яхши айтибди,
Вафо билан донг таратган севишганлар боши:

3643 Кўнгил яқин бўлса, йироқ ер яқиндир,
Яқинлик вафоси (нинг уйи) кўнгилга назар сол.

3644 Шарқдан Ғарбгача (бўлган масофа) бир ўрлам ердир,
(Агар) яқинлик ҳақини вафодан топадиган бўлса.

3645 Жавоб берди Ўгдулмиш, айтди: Сўзимни
Эшитгин, мен (сенинг) сўзингни эшитдим.

3646 Сўзим тугади, сен эсон (ва) яхши қол,
Элигга мактуб бер, юзимни қизил қилма [яъни уялтирма].

3647 Элиг ўз қўли билан (ёзиб) сенга мактуб юборди,
Унга қайтариб жавоб юбориш лозим, эй доно.

3648 Энди мен равона бўлайин, менга жавоб бер,
Ўз тилинг билан ўлчаб сўзлайдиган сўзларингни сўзла.

3649 Тилинг билан сўзлагин ҳам мактуб ёзгин,
Элиг (ҳузурига) қайтайин, эй доно, тетик.

## Алжавоб

3650 Жавоб берди Ўзғурмиш, айтди: (Эй) тетик,
Айтгин, керак бўлса мактуб ёзайин.

3651 Давот, қоғоз сўради, қаламни кўтарди,
Элигга мактуб бошлади, сўз кетма-кет (келаверди).

3652 Худо оти билан сўзни бошлади,
Яратган, парваришлаган, кечирган, деди.

3653 Бу тилда талай ҳамд, сонсиз санолар
Қиламан худога, тил(им)да ҳам туб(им)да [яъни дилимда].

3654 Кўп жисмларни [яъни одамларни], сонсиз жониворларни яратди,
Бирини ҳам оч қўймайди, ризқ беради.

3655 Эгам яккаю ягонадирки, икки оламни яратди,
Унинг яккаю ягоналиги(ни) ҳисоблаб бўлмайди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3656 Бир-ул бир сэзигсиз қалы қанчасыз
Көңүлдә йырақ тутғу охшағ мэңиз

3657 Улуғлуқ аңар ул бэд̇үглүк аңар
Оған эрклиг-ул бир қамуғдын сыңар

3658 Йаратты қалын барча сансыз қулуғ
Тиләмишкә бэрди ағырлық қамуғ

3659 Йашыл көк төрүтти көтүрди эд̇из
Күн ай бирлә йулдуз бэзэди бэд̇из

3660 Қуд̇ысы йағыз йэр йашыл сув̇ билә
Өрүси сүзүг йэл үзә от билә

3661 Төрүтти тиләкин тиләмиш тиләк
Кэрәк болмады анда арқа йөләк

3662 Тиләсә ағырлар тапуғсуз қулуғ
Тиләйүр ужузлар тосулмыш тапуғ

3663 Тиләмиш тиләки болур бол тэсә
Йурытур қаз̇асын нэ эрсә кэсә

3664 Өкүш миң саламум сэв̇үг сав̇чықа
Ул эд̇гү қулавуз көни йолчықа

3665 Элигкә дуъачы битιидим битиг
Саламын эсәнлик үзә ай тэтиг

3666 Элиг йарлықамыш битиг бирлә сөз
Оқыдым битигин йаруқ болды көз

3667 Өкүш эд̇гү йарлығ түмән өт ириг
Мэңә йарлықамыш қамуғ сөзләриг

3668 Йэмә ваъда қылмыш өкүш эд̇гүлүк
Ағырлық ачығлар йэгү кэд̇гүлүк

3669 Йурығлы бу йаңлуқ бу арзу үзә
Йурырлар тиләйү аж̇унуғ кэзә

137a 3670 Тапуғсуз өзүм булса эд̇гү ачығ
Қалы булмайын мэн бу давлат йасығ[81]



www.ziyouz.com kutubxonasi

3656 У қанақа, қанча дейишга мансуб эмас, шаксиз якка-ягонадир
(Унга) ўхшаш суратни кўнгилдан йироқ тутиш керак.

3657 Улуғлик унга (хос), буюклик унга (хос),
У бир (худо) ҳамма жиҳатдан қодир (ва) эрклидир.

3658 (У) кўп, барча сон-саноқсиз қулларни яратди,
Истаганига ҳамма иноятларни ато этди.

3659 Яшил осмонни яратди, юқори кўтарди,
Кун, ой, юлдуз билан сурат(ини) безади.

3660 Қуйиси кулранг ер билан яшил сувдан иборат,
Юқориси сузувчи ел билан ўтдан иборат.

3661 Тилаган тилагини тилагидагидек яратди,
Унга орқа (қилиш учун) ҳомий керак бўлмади.

3662 Истаса тоат-ибодатсиз қулини ёрлақайди,
Истаса яраган тоат-ибодатни қадрсизлайди (ҳам).

3663 Бўл деса, тилаган тилаги бўлади,
Нимаики бўлса, (ўз) қазосини қатъий юритади.

3664 Севимли паёмбарга талай минг саломим,
У эзгу йўл кўрсатувчи тўғри раҳнамога.

3665 Элигга дуогўй (бўлиб) мактуб ёздим,
Саломимни эсонлик билан айт, (эй) тетик.

3666 Элиг мактуб билан сўз орқали марҳамат қилибди,
Мактубини ўқидим, кўз(им) равшан бўлди.

3667 Кўп эзгу ёрлиғ(лар), туман ўгит, насиҳат(лар),
(Ҳамда) барча сўзлар билан менга марҳамат қилибди.

3668 Яна кўп эзгулик(лар) ваъда қилибди,
Иззат-икром, инъом, егулик, ичгуликлар.

3669 Бу орзулар учун юрувчи инсонлар
(Уни) излаб оламни кезиб юрадилар.

3670 Ўзим хизмат синдирмай (эзгулик) (ва) марҳаматга эришсам,
Башарти мен бу давлатнинг зиёнини кўрмасам (ҳам),



www.ziyouz.com kutubxonasi

3671 Ва лэкан бу бир қач муны бар аḍын
Өзүм барса йасы йа кэлгэ кэḍин

3672 Буларда бириси тапуғ болмаз-ул
Йана бири халққа вафа қылмаз-ул

3673 Төрү йоқ тоқу йоқ йэмэ қылқ қылынч

Төрүсүз тапуғчы йарамаз эринч

3674 Экинчи жафачы бу дунйа билиб
Жафа қылдым ашну жафа қылға тэб

3675 Байатқа сығындым өзүм тэңлэдим
Бу дин бирлэ иман кө̇дэзсү иḍим

3676 Боғузқа йэйим ҳам эгингэ кэḍим
Мэңэр тэкшүрүлмэз төрүтгэн иḍим

3677 Сэңэ бэрди дунйа эсиркэмэди
Мэңэ бэрмэгэй-мү айа эр кэḍи

3678 Төрүтти игиḍти бу өḍкэ тэги
Тақы ма игиḍгэй э дунйа бэги

3679 Қамуғ эḍгү эсиз чығай байлықым
Байатдын көрүр-мэн эй эрсиг ақым

3680 Байат қапғы туттум қылур-мэн тапуғ
Қамуғ халқ йумытғу бу-ул чын қапуғ

3681 Сэңэ ма сэниң қапғыңа мэн барыб
Нэкүни тилэйи тириглик ыḍыб

3682 Экэгү байат қуллары-мүз түз-өк
Бу қуллуқ ичиндэ турур-миз биз-өк

3683 Бу қуллуққа тапмақ йарағсыз болур

Тапуғчы тэсэ ул ужузлуқ болур

3684 Эḍи йақшы аймыш бу сөзни амул
Эшитгил аны сэн эй эḍгү көңүл



www.ziyouz.com kutubxonasi

3671 Ва лекин бир қанча бошқа зарарлари бор,
Ўзим ўлсам, зарарлари кейин келади.

3672 Булардан бири — хизматнинг йўқлиги,
Яна бири — халққа вафо қилмаганлик.

3673 Расм-русум ҳамда хулқ, атвор йўқ [яъни мен уларнинг қандай бўлишини билмайман],
Расм-русумни билмовчи хизматчи ярамайди.

3674 Иккинчидан, бу дунё жафочилигини билиб,
Жафо қилади, деб (мен) аввал жафо қилдим.

3675 Худога сиғиндим, ўзим(ни) унга бағишладим,
Бу дин билан имонимни эгам босаломат қилсин.

3676 Томоққа егулик ҳам эгинга кийгуликни
Яратган эгам мендан суриштирмайди [яъни мени егу, кийгудан қисмайди].

3677 Сенга дунё берди, дариғ тутмади,
Менга бермайдими, эй кишилар яхшиси.

3678 Яратди, бу даврғачайин парваришлади,
Яна ҳам парваришлайди, эй дунё беги.

3679 Ҳамма яхши(лик) -ёмон(лик), камбағал(лик), бойлигимни
Худодан кўраман, эй мард саховатлим.

3680 Худонинг эшигини тутдим, (унга) тоат-ибодат қиламан,
Ҳамма халқ йиғилувчи чин эшик шудир.

3681 Мен сенинг ҳузурингга ҳам эшигингга бориб,
Тирикликни зое кетказиб нимани тилайин.

3682 Иккимиз (ҳам) худонинг баравар қулларигинамиз,
Биз шу қуллик ичидагина турамиз.

3683 Бу қулликка тоат-ибодат қилиш ярамайди [яъни сен ҳам, мен ҳам қулмиз, мен сенга топинсам ярашмайди],
(Бунда ким ўзини) топинувчи деса, тубанлик бўлади.

3684 Ўзини тутган (киши) ушбу сўзни жуда яхши айтибди,
Сен уни эшитгин, эй эзгу кўнгилли:



www.ziyouz.com kutubxonasi

137б 3685 Ачығлы тод̇уғлықа қылма тапуғ
Нэкүкә қылур-сэн тапуғқа тапуғ

3686 Тапын бир байатқа тушы тынмадын
Бу түн күндүзүн бол ачуқлуғ қапуғ

3687 Эй элиг бу төрт ҳажатым қыл оза
Сэңә тапнайын мэн элиг йүз өвә

3688 Тириглик қылур[82]-мэн өзүм игсизин
Йигитлик қылур-мэн қарылықсызын

3689 Эсән тут мэни сэн тушы игсизин
Байутғыл чығай қылма ҳаргэз өңин

3690 Бу төрт нәң мэңә бэр сэңә тапнайын
Ъазиз жан йулуғлаб өзүм қуллайын

3691 Бу нәңләр мэңә бэрсә-сэн эй элиг
Өзүм қул қылайы бэрәйи элиг

3692 Муны бэргүкә бир күчүң йэтмәсә
Нэ артуқлуң[83] бар мэңә ай кэсә

3693 Йэгү ичгү бар таб мэниң бар кэд̇им
Тақы ма кэрәк болса бэргәй ид̇им

3694 Ағырлық ужузлуқ байатдын турур
Өлүм ма тириглик ҳам андын эрүр

3695 Муны чын билигли уқушлуғ болур
Ад̇ынсығ болур-му эй элчи үнүр

3696 Мэни бир байатым көд̇әзмиши-тэг
Көд̇әзүмәгәй-сэн айа аслы бэг

3697 Сэни мэн көд̇әзгү кэрәк мэн кэчә
Мэни ул көд̇әзүр сөз айдым ача

3698 Өзүң тод̇мағынча мэңә тэгмәс аш
Мэни тод̇рур өңдүн өзи йэмәс аш

3699 Өтүгчи кэрәксүз муңад̇са өзүм
Тилим тэбрәмәсдә булур-ул сөзүм



www.ziyouz.com kutubxonasi

3685 Очиқувчи, тўювчига — [яъни инсонга] тоат-ибодат қилма,
Хизматга (хизмат ерига) нима учун тоат-ибодат қиласан.

3686 Бир худога тинмай тоат-ибодат қил,
Кечаю кундуз эшикни очиқ тутувчи бўл.

3687 Эй элиг, аввал ушбу тўрт ҳожатимни раво қил,
Қўлни юзга тортиб мен сенга ибодат қилайин.

3688 Ўзим учун нуқсонсиз тириклик сўрайман,
Қариликсиз йигитлик истайман.

3689 Сен мени доим дарду касалсиз эсон тут,
Бойитгин, ҳаргиз бўлак камбағал қилма.

3690 Бу тўрт нарсани менга бажо қил, сенга тоат-ибодат қилайин,
Азиз жонни бағишлаб ўзимни қул қилайин.

3691 Менга сен бу нарсаларни берсанг, эй элиг,
Ўзимни (сенга) қул қилайин, қўл берайин.

3692 Бу(лар)ни беришга ҳеч кучинг етмаса,
Нима ортиқлигинг бор, менга (шартта) кесиб айт.

3693 Менинг етарли егулигим, ичгулигим (ва) энгил-бошим бор,
Янада керак бўлса, эгам беради.

3694 Қадру қиммат, беқадрлилик худодандир
Ўлим, шунингдек, тириклик ҳам ундандир.

3695 Буни ҳақ деб билувчилар заковатли бўлади,
Бошқача (ҳам) бўладими, эй униб-ўсувчи эл боши.

3696 Мени бир худойим асраётганидек,
Сен асрай олмайсан, эй асл бег.

3697 Мен қолиб, сени мен асрашим лозим бўлади,
Мени эса у (худо) асрайди, очиб сўз айтдим.

3698 Ўзинг тўймагунча менга овқат тегмайди,
(У) [яъни худо] олдин мени тўйдиради, ўзи овқат емайди.

3699 Ўзим мунгли бўлганимда (бу ҳақда) баён қилувчи керак эмас,
Тилим тебрамасдан(оқ) у [худо] сўзларимдан огоҳ бўлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

138*a* 3700 Тапуғчы тыд̇урмаз йа қул қылғучы
Тэгүрмэз мэңэ бир күв̇эз күр күчи

3701 Сэңэ йазса-мэн сэн кэчүрмэгэ-сэн
Кэчүргэй ид̇им миң йазуқ қылса-мэн

3702 Нэкү тэр эшитгил йазуқлуғ қулы
Көңүл сирры ачты көр айтур тили

3703 Айа чын бағырсақ вафалығ ид̇им
Сэниңдэ ад̇ын бир ид̇и булмадым

3704 Муңад̇мыш өзүмкэ бэрүр-сэн тилэк
Йав̇уз арқасызға сэн-өк-сэн йөлэк

3705 Игимкэ шифа-сэн сақынчқа сэв̇инч
Муңумқа тайанчым ириксэ ав̇ынч

3706 Күв̇энчим ав̇ынчым сэв̇үнчүм қамуғ
Сэв̇үнчүң ичиндэ турур эй улуғ

3707 Өкүш қылдым эмди сэңэ мэн йазуқ
Сэниңдин[84] раҳматыңдын бу йазуқ аз-оқ

3708 Кэчүргил йазуқум сэңэ йасы йоқ
Қынама мэни сэн қынаб асғы йоқ

3709 Эй элиг бу дунйа кэчимлүг турур
Тириглик күнингэ түгэр алқынур

3710 Нэкүкэ ынаныб сақынғу узун
Нэкүкэ сүчиниб ав̇ынғу узун

3711 Йав̇а қылдың эрсэ кэчүрмиш күнүң
Йав̇а қылма эмди кэлигли түнүң

3712 Кэчэр күн ичиндэ кэрэкиң алын
Көчэчи кэлиркэ этигин қылын

3713 Бу ҳалығ көрүдэ[85] мэниң бу өзүм
Нэкү-тэг йарағай элигкэ сөзүм

3714 Қод̇у бэрсү элиг мэни бир мэңэр
Бу йэрдэ дуъачы болайын аңар



www.ziyouz.com kutubxonasi

3700 Хизматкор ёки қул қилувчи (менга келган балоларни) тия олмайди,
Бир (худо) менга гердайган зўравонлар кучини тегиздирмайди.

3701 Мен сенга гуноҳ қилсам, сен кечирмайсан,
Минг гуноҳ қилсам (ҳам) эгам кечиради.

3702 Гуноҳли қули нима дейди, эшитгин,
Кўнгил сирини очибди, кўр, тили сўзлаётир;

3703 Эй чин меҳрибон, вафоли эгам,
Сендан бўлак бир эга топмадим.

3704 Ҳожатманд бўлган ўзимга тилак берасан,
Танг, нажотсизларга сенгина таянчдирсан.

3705 Дардимга шифосан, аламлар(им)га — севинч,
Мунгимга — таянчим, диққат бўлганда — эрмак.

3706 Қувончим, овинчим, севинчим — ҳаммаси,
(Сенинг) севинчинг ичидадир, эй улуғ.

3707 Энди мен сенга кўп гуноҳ қилдим,
Сенинг раҳматингдан бу гуноҳлар оздир [яъни раҳматинг чексиздир].

3708 Гуноҳ(лар)имни кечиргин, сенга зарари йўқ,
Қийнама мени сен, қийнаб фойдаси йўқ.

3709 Эй элиг, бу дунё ўткинчидир,
Тириклик кунига тугайди, емирилади.

3170 (Унга) инониб узоқ ўйлаш нега (керак),
(Унга) бино қўйиб маҳлиё бўлиш нега (керак).

3711 Ўтказган кун(лар)ингни беҳуда кетказган бўлсанг,
Энди келгуси кун(лар)ингни беҳуда кетказма.

3712 Ўтаётган кун(лар) орасида кераклигингни олиб қол,
Кўчирувчи келишига ҳозирлигингни қилиб қўй.

3713 Мен ўзим бу аҳволни кўриб турганимда,
Элигга менинг сўз(ларим) қанақасига ярасин [яъни элигга қандай қилиб фойдам тегади].

3714 Элиг мени бир ўзимга [яъни ўз ҳолимга] қўйиб берсин.
Бу ерда (мен) унга дуочи бўлайин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

138б 3715 Мэн эмди бу қалмыш тиригликь ыдыб
Байатым сэвинчи тилэр-мэн тапыб

3716 Бары таб кэрэксиз адын артуқум
Бу дунйа түби кэнду-ул бир суқум

3717 Эгин бүтти боғзум йэмэ болды тоқ
Түбүн барсу дунйа адын асғы йоқ

3718 Эди йақшы аймыш тапы болмыш эр
Тапылық ичиндэ қуты толмыш эр

3719 Боғузқа йэйимчэ ажунда йэдим таб
Эгингэ кэдимчэ эгиндэ кэдим таб

3720 Тириглик болурча йэгүмни булур-мэн
Кэрэк болса бэргэй мэнэ бир идим таб

3721 Тосулмақ үчүн индэр эрсэ элиг
Мэниндэ тосулғу турур өг тилиг[86]

3722 Қалы эл ишингэ тосулур тэсэ
Тосулғу йэри йоқ сөз айдым кэсэ

3723 Қалы иш күдүкдин бир эрсэ сэңэ
Миң эр иши қылғай қадашым сэңэ

3724 Апаң эдгү тутса эй элиг мэни
Өзүн эдгү болғу эй элиг көни

3725 Ажунда жавықмыш нэ түрлүг эрэн
Элигкэ йумытмыш турур миң түмэн

3726 Нэкү болға мэндин элигкэ асығ
Асығсыз иши қылса болмаз татығ

3727 Өзүм ъузры қулдум мэн эмди сэңэ
Қоду бэр мэни сэн сэрилмэ мэңэ

3728 Тақы ма нэкү сөз йурытмыш алын
Қадашым эшитти тэгүргэй тилин

3729 Түгэтти сөзин түрди бады битиг
Сунуб бэрди алды қадашы тэтиг



www.ziyouz.com kutubxonasi

3715 Мен энди бу қолган умрни сарфлаб,
Тоат-ибодат қилиб, худойимнинг севинчини тилайман.

3716 Бори (ўзи) етарли, бошқа ортиғи (менга) керакмас,
Бу дунё асли ўзи бир сиқимдир.

3717 Эгним бут бўлди, шунингдек, бўғзим тўқ бўлди,
Дунё теги билан йўқолсин, бўлак фойдаси йўқ.

3718 (Тақдирга) рози бўлган киши жуда яхши айтибди,
Розилик туфайли қути тўлган киши:

3719 Бўғизга ейиш учун керагича жаҳонда ризқ етарли,
Эгинга кийиш учун керагича эгинда кийим етарли.

3720 Ҳаёт борича ризқимни топаман,
Керак бўлса бир эгам менга етарли (қилиб) беради.

3721 Элиг фойда келтирмоқ учун (мени) ундаётган бўлса,
Мендан манфаатлироқ (нарса) заковат ва билимдир.

3722 Агар эл ишига яраб қолар деса,
Ярайдиган ерим йўқ, кесиб сўз айтдим.

3723 Агарчи иш-юмушларингда сенга битта бўлса (ҳам),
Қариндошим сенга минг кишининг ишини қилади.

3724 Агар (сен) мени эзгу тутсанг, эй элиг.
Ўзинг (ҳам) эзгу бўлгин, эй одил элиг.

3725 Жаҳонда донг таратган не-не турли кишилар,
Элиг атрофига минг туман йиғилган.

3726 Мендан элигга қандай фойда бўлади,
Бефойда бирор иш қилса, ҳаловат бўлмайди.

3727 Мен сендан энди ўз узримни сўрадим,
Сен мени қўя бер, менга аччиқланма.

3728 Яна қандай сўзлар бўлиб ўтганлиги тадбирларини
Қариндошим эшитди, тили билан етказади.

3729 Сўзини тугатди, мактубни ўради (ва) боғлади,
Узатиб берди, қариндоши мактубни чаққон олди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

139a 3730 Айур мэн битидим тиләким сөзүм
Тилин сөзләмишни эшиттиң көзүм

3731 Тилин ма өтүнгил эшитсү элиг
Қоду бэрсү мэни көтүрсү әлиг

3732 Йалавач сөз элтүр йануты қылур
Йанут сөз эшиттиң тэгүргәй үнүр[87]

3733 Нэкү тэр эшитгил Үч орду ханы
Түзү элкә тэгрүб сөз ыдмыш муны

3734 Йалавачқа мун йоқ сөзин қыймаса
Табузмыш сөзин чын көни сөзләсә

3735 Йана мунда йэгрәк элиг сөзләмиш
Қынама йалавач сөз айса тэмиш

3736 Йалавачқа болмас өлүм тут йақын
Эшитмиш сөзин чын тэгүрсә тилин

3737 Йалавач тэдүкүм бу тилчи турур
Бу тилчи сөзин айса өлмәз қалур

3738 Йалавач табузмыш сөзин сөзләсә
Ачығ бэр аны өг сөз айдым кэсә

**Өгдүлмиш жавабы Одғурмышқа**

3739 Йанут бэрди Өгдүлмиш айды сөзүң
Эшиттим нэкү сөзләди сөз өзүң

3740 Битидиң битигкә йануты битиг
Мэңә бэр бэрәйин эй билгә тэтиг

3741 Ва лэкан сэзигим бу-ул эй қадаш
Элиг қылмағай көр сэни өздә таш

3742 Йана-му мэни ыдғай эрки элиг
Оқығай сэни ул э қылқы силиг

139б 3743 Йанут бэрди Одғурмыш айды қадаш
Бу сөз сөзләмәгил көңүл болға баш



www.ziyouz.com kutubxonasi

3730 Айтди: Мен тилагим, сўз(лар)имни ёздим,
Тил билан сўзлаганларимни эшитдинг, (эй) кўзим (қораси).

3731 Тилда ҳам сўзлаб бергин, элиг эшитсин,
Мени қўя берсин, қўлини кўтарсин [яъни мени ўз ҳолимга қўйсин, зўрламасин]

3732 Элчи сўз (хабар) олиб боради (ва) жавоб келтиради,
Жавоб сўзни эшиттинг, (уни) етказгайсан, ўсиб-унгур.

3733 Учўрду хони нима дейди, эшитгин,
Буни бутун элга етказиб сўз (хабар) қилиб юборибди:

3734 Сўзидан адашмаса, элчига зиён йўқ,
(Унга) топширилган сўзларни чин, тўғри сўзласа.

3735 Элиг яна бундан яхшироқ сўзлабди:
Элчи сўз айтса қийнама, дебди.

3736 Элчига ўлим бўлмайди, муқаррар билгин,
Эшитган сўзларини тили билан чин етказса.

3737 Элчи деганим бу — воситачидир,
Бу воситачи сўзларини (тўғри) айтса, ўлмайди, қолади.

3738 Элчи топширилган сўзларини (айнан) сўзласа,
Инъом бер, уни мақта, кесиб сўз айтдим.

**Ўгдулмишнинг Ўзғурмишига жавоби**

3739 Жавоб берди Ўгдулмиш, айтди: Сўзингни
Эшитдим, сен нима сўз сўзлаган бўлсанг.

3740 Мактубга жавоб мактуби ёздинг,
Менга бер, (олиб бориб) берайин, эй доно, тетик.

3741 Ва лекин шубҳам шудирки, эй қариндош,
Элиг сени ўзидан бегона қилмайди, кўр.

3742 Элиг мени яна юборармикан,
(Умуман) у сени чақиради, эй хулқи гўзал.

3743 Жавоб берди Ўзғурмиш, айтди: (Эй) қариндош,
Бу(ндай) сўзни сўзламагин, кўнгил изтироб чекади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3744 Өзүм барғу эрмәз бу йэрдин нару
Өзүң эмгәтиб кэлмә йандру бару

3745 Тиләб булмағуны тиләсә йав̇уз
Йурытмағу сөзни айытса ужуз

3746 Нэкү тэр эшит эмди билги қойуғ
Сынаб билгүчи эдгү эсиз қамуғ

3747 Қулуб бэрмәгү нәңни қулма күчүн
Тиләб булмағуны тиләмә күчүн

3748 Йурыб тэкмә йэркә ма барма йад̇аг
Қалы бардың эрсә тэг эмгәк үчүн

3749 Тақы айды Од̇ғурмыш эмди йуры
Йана йандру кэлмә эй эрсиг уры

3750 Өрү турды Өгдүлмиш айды сөзүм
Кэсилди сэниндин барайын өзүм

3751 Қад̇ашы озақы көр Өгдүлмишиг
Йэтүрди тақы сөз уқыб билмишиг

3752 Атын мүнди Өгдүлмиш эв̇рә йаныб
Эвингә кэлиб түшти йэтти тэгиб

3753 Йашық йанды йэркә йүзин кэзләди
Қалық мэңзи киш-тэг болуб үзләди

3754 Аж̇ун түрти йүзкә көмүр-тэг бод̇уғ
Көрүр көз йумулды уд̇унды уд̇уғ

3755 Төшәк қулды йатты көр Өгдүлмиш-ә
Уд̇ыб барды анча көтүрди баш-а

3756 Туғардын тутуқланды от-тэг йалын
Йаруды йаңы йүз ачар-тэг кэлин

3757 Қопа кэлди өрләб сата қалқаны
Аж̇ун мэңзи болды өрүң эрд̇әни

140*а* 3758 Чықыб қаршықа барды эв̇дин туруб
Элигкә көрүнди өзи йол қулуб



www.ziyouz.com kutubxonasi

3744 Ўзим бу ердан у ёққа (зинҳор) бормайман,
Ўзингни қийнаб қайта бу ёққа келма.

3745 Истаб топилмайдиган (нарса)ни истаса — ёмон,
Айтилмайдиган сўзни сўраса — пастлик.

3746 Билими қуюқ нима дейди, энди (буни) эшитгин,
Яхши, ёмон — ҳаммасини синаб билувчи (киши);

3747 Сўраб бермайдиган нарсани зўр билан сўрама,
Истаб топилмайдиган (нарса)ни зўр билан истама.

3748 Шунингдек, ҳар ерга юриб яёв бораверма,
Агар боргудай бўлсанг, тушун, машаққат учундир.

3749 Ўзгурмиш яна айтди: Энди кел, (қўй),
Яна қайта келма, эй мард ўғил.

3750 Ўгдулмиш юқори турди, айтди: Сўзим
Кесилди, мен сенинг ҳузурингдан жўнайин.

3751 Ўгдулмишни кўр, (у) қариндошига
Билган (ва) тушунган сўзларини яна айтди.

3752 Ўгдулмиш отини минди, орқага қайтиб,
Уйига келиб тушди, келиб етди [яъни уйи яқинида отдан тушди ва уйига кирди].

3753 Қуёш ерга қайтди, юзини беркитди,
Осмон юзи сувсардак бўлиб қора босди.

3754 Жаҳон юзига кўмирдек (қора) бўёқ тортти,
Кўрар кўз(лар) юмилди, уйғоқ(лар) ухлади.

3755 Ўгдулмиш тўшак (беришларини) сўради, ётди, кўр,
Анча ухлаб кетди, (сўнг) бош кўтарди.

3756 Шарқдан ўтдек ёлин ёнди [яъни офтоб чиқди],
Келин юз очгани каби (олам) юзи ёриди.

3757 Маржон шодаси юқорилаб кўтарила келди,
Жаҳон юзи оқ марварид (каби) бўлди.

3758 Туриб, уйдан чиқиб саройга борди,
(Ҳузурига) йўл сўраб ўзи элигга кўриниш берди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3759 Айытты элиг ашну Одғурмышығ
Айур сөзлә кэлтүр сөзүңни бышығ

3760 Нэкү сөз йурыды нэ болды ишиң
Тилэкиң нэ болды кэлир-му эшиң

3761 Битиг бэрди Өгдүлмиш ашну туруб
Элиг алды ачты оқыды көрүб

3762 Йүзи қызды өңди йана күлгириб
Сақынды бир анча узун кэч арыб

3763 Айур ул қадашым[88] ириг сөзлэмиш
Муны йоқ бу сөзлэр көни сөзлэмиш

3764 Көни сөз ириг-ул ким аймыш тэмиш
Аңар турқу ыдтым тикэн чоғламыш

3765 Нэкү эрди айғыл тилин сөзлэри
Мэңэ сөзлэ эмди эшитмиш бары

3766 Элигкэ өтүнди эшитмиш сөзин
Нэ йаңлығ йурытмыш сөзи түб түзин

3767 Айур сөз йурыды нэчэ түрлүгүн
Ул айды мэн айдым уқушун өгүн

3768 Мэниң сөзгэ барча йанут қылды сөз
Тақы туттум эрсэ қатығ йумды көз

3769 Нэкү қылды өзүм бару кэлмэди
Кэсэ сөзлэдим сөз көңүл бэрмэди

3770 Эшитти аның сөзлэрини элиг
Сөзи эрди барча уқуш өг билиг

3771 Тақы арзулады қумыды көңүл
Көңүл қумыса көр кишикэ муң-ул

3772 Көрү барса йахшы айур эр башы
Көңүл булмаса болды эрксиз киши

140б 3773 Бэг-ул бу көңүл көр қамуғ өз қулы
Бэги қанча барса уду қул йолы



www.ziyouz.com kutubxonasi

3759 Элиг аввал Ўзғурмиш ҳақида сўради,
Айтди: Сўзла, сўзларингни баён қил, (эй) пишиқ.

3760 Қандай сўз(лар) бўлди, ишинг нима бўлди,
Тилагинг нима бўлди, эшинг келадими?

3761 Ўгдулмиш олдин туриб мактубни берди,
Элиг олди, очди, ўқиб кўрди.

3762 Юзи қизишди, ўзгарди (буришди), яна кулимсираб,
Узун (ва) узоқ тин олиб бирмунча ўйга толди.

3763 Айтди: У қариндошинг кескин сўзлабди,
Бу сўзлар нуқсони йўқ, тўғри сўзлабди.

3764 Ким айтса, деса (ҳам) тўғри сўз кескин бўлади,
Унга ипак газмол юбордим, (у эса) тикан тугиб юборибди
[яъни мен ширин сўзлар ёзиб юбордим, у эса аччиқ жавоб қайтарибди].

3765 Тилида айтган сўзлари қанақа эди, айтгин,
Эшитганларингнинг борини энди менга сўзла.

3766 Эшитган сўз(лар)ини элигга баён қилди,
Не янглиғ бўлиб ўтган сўз(лар)нинг тўппа-тўғрисини.

3767 Айтди: Турли борада сўз бўлиб ўтди,
Заковатдан, ақлдан олиб у айтди(сўзлади), мен айтдим (сўзладим).

3768 Менинг барча сўз(лар)имга жавоб сўз(лар) қилди,
Янада (сўзга) тутсам, қаттиқ кўз юмди.

3769 Мен қанчалик қилмайин буёққа келмади,
Сўзни кесиб сўзладим, (лекин) кўнгил бермади.

3770 Элиг унинг сўзларини эшитди,
Барча сўзи заковат, ақл, билим(дан олинган) эди.

3771 Тағин орзу қилди, кўнгил қумсади,
Кўнгил қумсаса, киши учун ташвишдир, кўр.

3772 Назар солинса, мард(лар) боши яхши айтади:
Кўнгил (истаганини) топмаса, киши эрксиз бўлади.

3773 Бу кўнгил бегдир, барча киши унинг қулидир, кўр,
Беги қаерга борса, кети(дан бориш) қулнинг йўлидир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3774 Көңүл йумыт арзу тиләсә тиләк
Тиләк булмағынча бу болмәс йөләк

3775 Йана айды элиг эй Өгдүлмиш-ә
Қад̆ашың тамам-ул киши эрмиш-ә

3776 Эшитмәгүм эрди аның сөзләрин
Нә қылқы қылынчы билиги барын

3777 Эшиттим көңүлкә сығурдум аны
Қатығлан тиләккә тәгүргил мәни

3778 Мәниң өз элимдә тиләким болуб
Йарағсыз болур булмаса-мән қулуб

### Өгдүлмиш жавабы элиг падшаҳқа

3779 Йанут бәрди Өгдүлмиш айды элиг
Буд̆унда талу бәг э қылқы силиг

3780 Йанарда қад̆ашымқа айдым бу сөз
Йана ыд̆ғай элиг сәңә кәлгәй өз

3781 Қод̆у бәрмәгәй ахыр элтгәй сәни
Бу күн бу тәдим мән ағырлаб аны

3782 Тоңултурды айды йана кәлмә тәб
Өзүм барғу эрмәз күчүн қулма тәб

3783 Элиг айды уқтум эшиттим сөзүң
Бу сөз ишкә кирмәз йана бар өзүң

3784 Нәкү-тәг болур-ул тиләкин тиләб
Аны булмаз эрсә көңүл арзулаб

3785 Нә эрлиг[89] болур-ул буд̆унқа улуғ
Йурытмаса элдә бу йарлығ қамуғ

141а 3786 Эд̆үклүк нишаны бу-ул бәлгүлүг
Тиләмиш тиләккә бу булса әлиг

3787 Йана ма бу арзу мәңә болды иг
Муны эмләмәсә өзүм барғу йиг



www.ziyouz.com kutubxonasi

3774 Орзу-тилакка мойил бўлиб қолса, кўнгилни йиғ,
Тилакни топмагунча, у нажот топмайди.

3775 Элиг яна айтди: Эй Ўгдулмиш,
Қариндошинг ҳақиқий одам эканда.

3776 Кошки унинг сўзларини эшитмасам эди,
Қандай хулқи, феъл-атвори, билим(лари) борлигини.

3777 Эшитдим(у), уни кўнгилга жойладим,
Қаттиқ бўл, мени тилакка етказгин.

3778 Менинг тилагим ўз элимда бўла туриб,
Мен (уни) истаб етиша олмасам, бу номаъқул бўлади.

## Ўгдулмишнинг элиг подшоҳга жавоби

3779 Жавоб берди Ўгдулмиш, айтди: (Эй) элиг,
Халқ орасида сара бег, эй хулқи гўзал,

3780 Қайтарда қариндошимга бу сўзни айтдим;
Элиг яна юборади, ўзим сенга келаман.

3781 Қуйиб қўймайди, охири сени олиб кетади,
Бугун мен уни ҳурматлаб шу (сўзларни) айтдим.

3782 Умидни уздирди, яна келма, деб айтди,
Мен бормоқчи эмасман, зўр билан сўрама, деб (айтди).

3783 Элиг айтди: Тушундим, сўзингни эшитдим,
Бу сўз кифоя қилмайди, ўзинг яна бор.

3784 Бу қандай бўладики, тилаганини истаб,
Кўнгил орзулаб, уни топа олмайдиган бўлса.

3785 Қандай эрклилик бўладики, халққа улуғ (бош бўлган киши),
Эл орасида ҳамма ёрлиқларини юрита олмаса.

3786 Яхшиликнинг муайян нишонаси шудирки,
Тилаган тилакка бу [яъни одам] қўл топса.

3787 Яна ҳам бу орзу менга (бир) дард бўлди,
Бу дардни даволанмаса, мен қийналиб ўламан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3788 Нэкү тэр эшитгил бу байтны оқы
Аның маъниси уқ э көңлүм тоқы

3789 Қамуғ игкә от-ул эми бэлгүлүг
Ул иг эмләгүчи қамы бэлгүлүг

3790 Көңүл арзу бирлә қалы игләсә
Тиләб булса өңлүр иги бэлгүлүг

3791 Йана айды Өгдүлмиш элиг қуты
Аж̇унда нэкү бар аңа йоқ оты

3792 Элиг ынч эсәнин тириг болсуны
Муну қул тапуғчы йулуғ болсуны

3793 Бу сөз мэн өтүндүм элигкә тилин
Асығ йоқ бу күн өз өкүнсә йылын

3794 Нэкү тэр эшитгил уқушлуғ сэңә
Сөзүң сөзләгил сэн эй эрсиг тоңа

3795 Тилин сөзләмәсә сөз асғы тэлим
Өкүндүрди сөзләб мэни бу тилим

3796 Сөзүң сөзләмәсәң сэңә қул болур
Қалы сөзләсә-сэн сэни қул қылур

3797 Сөзүг сақну сөзлә сэн эв̇мә сэрин
Эв̇ә сөзләмиш сөз өкүнчи йарын

3798 Сэринмәдим эрди көр Өгдүлмишығ[90]
Оқыб кэлмәгүсин эр эрди бышығ

3799 Элиг бир тиләсә өзүм миң тиләр
Тосулғай мэңә тэкмә күндә үнәр

3800 Тиләким бу-ул мэн билә болса мэн
Әлиг бир қылыб мэн тапуғ қылса-мэн

114б 3801 Нэчә туттум эрсә аны мэн қатығ
Ул анча тыранды иләтти татығ

3802 Йана барғу эрсә барайы өзүм
Нэкү айғу эрсә айайы сөзүм



www.ziyouz.com kutubxonasi

3788 Бу байтни ўқи, эшитгин, нима дейди,
Унинг маънисини уқ, эй кўнглим тўқи:

3789 Ҳамма дардга дори (ва) дармони маълум,
У дардни даволовчи коҳини маълум.

3790 Агар кўнгил орзу туфайли дардга гирифтор бўлса,
Истаб, топса, дарди аниқ тузалади.

3791 Яна айтди Ўгдулмиш: (Эй) бахтиёр элиг,
Оламда нима борки, унга чора бўлмасин,

3792 Элиг тинч, эсон, тирик бўлсин,
Бу қул хизматкори (унга) фидо бўлсин.

3793 Бу сўзни элигга тилим билан баён қилдим,
Бу кун узоқ йиғлаб пушаймон бўлсанг ҳам фойда йўқ.

3794 Заковатли сенга нима дейди, эшитгин,
Сен сўзингни сўзлагил, эй мард баҳодир.

3795 Тил билан сўзламаса, сўз фойдаси кўп,
Сўзлаб мени бу тилим пушаймон қилдирди.

3796 Сўзинг, (агар) сўзламасанг, сенга қул бўлади,
Агар сен сўзласанг, сени қул қилади.

3797 Сўзни ҳисоблаб сўзла, сен шошилма, ўйла,
Шошиб сўзланган сўзнинг пушаймони кетидадир.

3798 Кўр, ўйламаган эдим, Ўзғурмишнинг
Чақириб [яъни чиқарганимга] келмаслигини, (у) пишиқ киши эди.

3799 Элиг (унинг келишини) бир истаса, мен минг (бор) истайман.
(У) етукнинг менга ҳар кунда фойдаси тегади.

3800 Тилагим шудирки, (у) мен билан бўлса, мен
Қўлни бирлаштириб [яъни қўлни қўлга бериб] хизмат қилсам.

3801 Мен уни қанчалик қаттиқ тутган бўлсам,
У шунча тиранди, ҳаловатни кетказди [яъни умидни пучга чиқарди].

3802 Яна бориш шарт бўлса, мен борайин,
Нимаики айтиш шарт бўлса, сўзларимни айтайин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3803 Элиг ма йана бир битиг бэрсүни
Оқысун битигни мэңэ бүтсүни

3804 Элиг айды ыд̇тым битиг бир йолы
Битигкэ йанут қылды йаш-тэг толы

3805 Йана-өк нэкү-тэг битийин битиг
Битиг орнынга сэн битиг-сэн йэтиг

## Өгдүлмиш жавабы элигкэ

3806 Йанут бэрди Өгдүлмиш элиг қуты
Нэчэ андағ эрсэ битиг ма бити

3807 Йалав̇ач нэчэ чын кэд̇ эрсэ амул
Битиг болмаса сөзкэ бүтмэз көңүл

3808 Танығлы кишикэ тануқ-ул битиг
Тануқ болса ҳийла йурымаз этиг

3809 Элиг айды арзуң бу эрсэ қалы
Битиг ма битийин ачыб сөз улы

3810 Битигни битийин мунуқы битиг
Битигкэ ышанма э билгэ тэтиг

3811 Нэкү сөзлэгү эрсэ сөзлэ тилин
Аны индэгил сэн мэңэ бар алын

## Элиг битиг ыд̇мышы Од̇ғурмышқа

142*a* 3812 Дават қулды кағаз йана бу элиг
Қалам алды элгин битиди битиг

3813 Байат аты бирлэ сөзүг башлады
Төрүтгэн кэчүргэн игид̇гэн ид̇и

3814 Айур миң сана ул уған тэңрикэ
Өзүн ҳукмы тэгрүр көни эгрикэ

3815 Бир-ул бир қатықсыз қарықсыз арығ
Йоқуғ бар қылур-ул қылур йоқ барығ

3816 Бир-өк бил йэтүргил түгэл өг көңүл
Тапуғ қыл көңүл тил көни тут амул



www.ziyouz.com kutubxonasi

3803 Элиг ҳам яна бир мактуб берсин,
(У) мактубни ўқисин, менга ишонсин.

3804 Элиг айтди: Бир йўла мактуб юбордим,
Мактубга жавоб қилди ёши расоларга хос.

3805 Яна қандай қилиб мактуб ёзайин,
Мактуб ўрнига сен ўзинг етарли мактубсан.

## Ўгдулмишнинг элигга жавоби

3806 Жавоб берди Ўгдулмиш: (Эй) бахтли элиг,
Шундай бўлса ҳам яна мактуб ёз.

3807 Элчи қанчалик чин, ниҳоятда қарорли бўлса (ҳам),
Мактуб бўлмаса, кўнгил (қурғур) сўзга ишонмайди.

3808 Танувчи киши учун мактуб (бир) гувоҳликдир,
Гувоҳлик бўлса, (ҳеч қандай) ҳийла (ва) тадбир ўтмайди.

3809 Элиг айтди: Агар орзуинг шу бўлса,
Сўз замирини очиб, мактуб ҳам ёзайин.

3810 Мактубни ёзайин, мактуб шунақа (нарса)ки,
Мактубга инонма, эй доно тетик.

3811 Нимаики сўзлаш лозим бўлса, тилингла сўзла,
Бор тадбирлар билан сен уни менга (келишга) ундагин.

## Элигнинг Ўзғурмишга мактуб юбориши

3812 Элиг яна сиёҳ ва қоғоз (беришларини) буюрди:
Қалам олди, (ўз) қўли билан мактуб ёзди.

3813 Худо оти билан [яъни бисмилло билан] сўзни бошлади:
Яратган, кечирган, парваришлаган — эгам.

3814 Айтди: У қодир тангрига минг-минг санолар (бўлсин),
Тўғрига (ҳам), эгрига (ҳам) ўз ҳукмини юритади.

3815 Худо ягона, тоза, соф, покдир,
У йўқни бор қилади, борни йўқ қилади.

3816 У воҳид, билгин, тугал идрок ва кўнгил тут,
Тоат-ибодат қил, кўнгил (ва) тилни тўғри. барқарор тут.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3817 Нэкү қулса қулмыш тиләки булур
Нэкү бол тэсә ул тиләмиш болур

3818 Түзү тэбрәнүркә тирилгү бэрүр
Тириглик түши бу өлүмни ыдур

3819 Ағырлық ужузлуқ анын ҳукмы-ул
Улуғқа кичигкә йэмә ачса йол

3820 Тиләмиш тиләкин билиглиси йоқ
Йурытур қазасын тыдығлысы йоқ

3821 Түмән миң саламум сэвүг савычқа
Тэгүрсүн байатым көни йолчықа

3822 Түзү эшләрингә сана ог салам

Тэгүрсүн байатым кэсүгсүз улам

3823 Илигдин өкүш өгди йүз миң салам
Ыдур-мэн сэңә эй уқушы тамам

3824 Битидим көңүл айту ыдтым битиг
Нэкү-тэг турур-сэн э билгә тэтиг

3825 Сэңәр ыдтым эрди қадашыңны мэн
Тиләким бу эрди мэңә кэлсә-сэн

3826 Өзүң тапламадуқ бару кэлмәкиң
Мэңәр тушмақың ҳам йүзүм көрмәкиң

142б 3827 Битигкә йануты битимиш өзүң
Тилин ма тэгүрди қадашың сөзүң

3828 Оқыдым битигни уқылды бу сөз
Сөзүмни эшитгил қачурмағыл өз

3829 Шакардә сүчигрәк сөз айдым сэңә
Ағуда ачығрақ йануты мэңә

3830 Эшитгил йана бу мэниң сөзләрим
Көңүлкә алын эй бағырсақ эрим

3831 Өзүң булды эрсә бу заҳид атын
Анын болды заҳид өзүң тағ қатын



www.ziyouz.com kutubxonasi

3817 Нимани истаса, истаган тилагига эришади,
Нимани бўл деса, у истагани бўлади.

3818 Жами қимирлаганга ризқ беради,
Тириклик баробарида ўлимни юборади.

3819 Қадр (ва) қадрсизлик унинг ҳукмидир,
(Шунингдек) улуққа ёки кичикка йўл очса ҳам.

3820 Тилаган тилагини билувчиси йўқ,
Юритадиган қазосини тиювчиси йўқ.

3821 Севимли паёмбарга туман минг саломимни
Худойим етказсин, (ўша) тўғри раҳнамога.

3822 Ҳамма эшларига [яъни чаҳорёрларга] сано, мадҳ (ва) саломлар
Етказсин худойим узлуксиз ва доим.

3823 Аввал бор кўп мадҳ, юз-минг саломлар
Юбораётирман сенга, эй заковати баркамол.

3824 Кўнгил сўраб ёздим, мактуб юбордим,
Қандай (яшаб) турибсан, эй доно, тетик.

3825 Мен сенга қариндошингни юборган эдим,
Тилагим шу эдики, сен менга келсанг.

3826 Бу ерга келмоғингни ўзинг манзур кўрмадинг,
Менинг (ҳузуримга) тушмоғингни ҳам юзимни кўрмоғингни.

3827 Мактубга ўзинг жавоб ёзибсан,
Сўз(лар)ингни қариндошинг тили билан ҳам етказди.

3828 Мактубни ўқидим, сўз(лар) тушунилди,
Сўзимни эшитгин, ўзингни олиб қочма.

3829 Сенга шакардан ширинроқ сўз(лар) айтдим,
Менга (келган) жавоблар (эса) оғудан (ҳам) аччиқроқ.

3830 Яна менинг (уш) бу сўзларимни эшитгин,
Кўнглингга жо қил, эй меҳрли кишим;

3831 Ўзинг бу зоҳид отига эришган бўлсанг,
Шу сабабли тоғ орасида ўзинг зоҳид бўлдинг.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3832 Бу жав̇ бирлә атың йазылды көр-ә
Бәдүг бәлгү болды кишиләр ара

3833 Тапуғ қылмышың барча атың учун
Йав̇а қылмағыл сән өз үлгүң күчүн

3834 Буд̇ун көзи тәгсә тапуғта қалы
Бузулды бу тапғуң йықылды улы

3835 Байат тапғы барча кәрәк өртүкүн
Ачылмаса халққа бу өртүк бу күн[91]

3836 Байат кәзләди көр сәв̇үгрәк қулун
Бу қуллар ара халқ билүмәз тилин

3837 Бару кәл улуш халқ ичиндә тирил
Сәни билмәсүн халқ қатылғыл қарыл

3838 Ҳалал дунйа қазған өзүңни йәтүр
Тод̇ур ач йалыңны ҳам опрақ бүтүр

3839 Ҳалал дунйа булса әд̇гүси[92]
Булур экки аж̇ун йәгү кәд̇гүси

3840 Бу сөзни эшит эй мәңә кәлмәдүк
Нәкү тәр арығ билгә бағы бәд̇үк

143а 3841 Байат қулларынга тосул эй бөгү
Кишикә тосулур эриг әр тәгү

3842 Сәни мән мусулман тосусы үчүн
Оқыр-мән бу йәркә э заҳид күчүн

3843 Бару кәл тосулғыл муңынга йара
Тосулмаз өлүг-ул кишиләр ара

3844 Өз асғын тиләгли киши-му болур
Киши ул болур көр эл асғын қулур

3845 Ақылық ул әрмәз уләсә нәңин
Ақы ул йулуғ қылса жанын барын

3846 Бағырсақлық әрмәз өзин бәкләсә
Бағырсақ ул-ул көр кишиг әд̇ләсә



www.ziyouz.com kutubxonasi

3832 Бу овоза билан отинг ёйилди, кўр,
Кишилар орасида буюк белги бўлди.

3833 Тоат-ибодат қилишинг барчаси отинг учундир,
Сен ўз баҳрангни зўр билан беҳуда қилмагин.

3834 Тоат-ибодат (пайти)да агар халқнинг кўзи тушса,
Бу тоат-ибодатинг бузилади, асоси йиқилади.

3835 Худонинг тоат-ибодати пардали бўлиши керак,
(Токи) бу парда бу кунларда халққа очилмаса.

3836 Севиклироқ бандасини худо пинҳон тутади, кўр,
Бу бандалар орасида халқ (унинг) тилини била олмайди.

3837 Бу ёққа кел, қишлоқда халқ орасида яша,
Халқ сени(нг тоат-ибодат қилаётганингни) билмасин,
аралашгин, қоришгин.

3838 Ҳалол дунё топ, ўзингни таъминла,
Оч-яланғочни тўйдир ҳамда йиртиқ-ямоқни бута.

3839 Киши эзгуси ҳалол дунё топса,
Икки дунё егулик, кийгулигини қўлга киритади.

3840 Бу сўзни эшит, эй менга келмаган,
Пок, доно, асли улуғ (киши) нима дейди:

3841 Худонинг бандаларига фойда келтир, эй доно,
Кишига фойда келтирадиган эрни эр дейиш керак.

3842 Сени мен мусулмон(лар) манфаати учун
Бу ерга зўрлаб чорлайман, эй зоҳид.

3843 Бу ерга кел, фойда келтир, мунггига яра,
Кишилар орасида фойда келтирмовчи ўликдир.

3844 Ўз манфаатини кўзловчи одам ҳисобланадими,
Одам шу(ндай)бўладики, эл манфаатини кўзласа, кўр.

3845 Ўз нарсасини улашса, у сахийлик эмас,
Жонини (ва) борини фидо қилса, у сахийдир.

3846 Ўзини панага олса, меҳрибонлик эмас,
Кишини кетидан изласа, меҳрибон ўшадир, кўр.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3847 Қиши эдгү тэрләр бу эдгү қайу
Мэңә айту бэргил э билгә бөгү

3848 Қиши эдгү тэрләр бу эдгү ким-ул
Бу эдгү киши мунда эркә эм-ул

3849 Эй эдгү сүзүг эр э билги өкүш
Бақа көр бу сөзкә йэтүргил уқуш

3850 Бу аймыш сөзүм чын эрүр-му көр-ә
Чын эрсә бару кэл ҳава бас тур-а

3851 Узун сөзләмиш сөз эринчиг болур
Уқушлуғ кишиләр сөзүг аз қылур

3852 Бу сөз таб қыл эмди адын сөзләмә
Уқушқа билигкә болуб эртимә

3853 Тақы ма нэкү эрсә қалмыш сөзүм
Қадашың тэгүргәй тутузды өзүм

3854 Түгәтти битиг түрди бады қатығ
Қалам йудты қодты қурытты хатығ

3855 Көтүрди битиг көр үзә тамғалаб
Сунуб бэрди Өгдүлмиш алды улаб

143б 3856 Қатығлан йарағы нэ эрсә тақы
Аны кэнд улушқа кэкүргил оқы

3857 Тиләки нэ эрсә бу йэркә кэлиб
Аны мэн бэрәйин этигин қылыб

3858 Иләл тэб туруб чықты Өгдүлмиш-ә
Йурыб кэлди эвкә ул эдгү эш-ә

3859 Тэгиб түшти олдурды эвкә кириб
Йэди ичти йатты бир анча сэриб

3860 Йүзин кэзләди йэркә румы қызы
Ажун қыртышы болды заңи йүзи

3861 Қалық бүтрү тутты қара қуш өңи
Ажун барча толды қара қуш йуңы



www.ziyouz.com kutubxonasi

3847 Қиши эзгу дейдилар, бу эзгу қайси,
Менга айтиб бергин, эй билағон, доно.

3848 Қиши эзгу дейдилар, бу эзгу кимдир,
Бу эзгу киши қайғуда одамга эмдир.

3849 Эй эзгу, покиза киши, эй билими талай,
Бу сўзга назар сол, фаҳмингни етказ.

3850 Бу айтган сўз(лар)им чинми, кўргин-а,
Чин бўлса, туриб бу ерга кел, ҳавасни бос.

3851 Узоқ сўзланган сўз зерикарли бўлади,
Заковатга, билимга боғлаб (сўзни) арттирма (ҳадидан оширма).

3852 Бу сўз(лар) билан кифоялан, энди бошқа сўзлама,
Заковатга, билимга боғлаб (сўзни) орттирма.

3853 Қолган сўз(лар)им яна нима бўладиган бўлса,
Қариндошинг етказади, ўзим (унга) сўзладим.

3854 Мактубни тугатди, ўради, қаттиқ боғлади,
Қаламни ювди, қўйди, хатни қуритди[47].

3855 Мактубни кўтарди, кўр, устидан муҳрлаб,
Узатиб берди, Ўгдулмиш шу заҳотиёқ олди.

3856 Қаттиқ бўл, яна нимаики чораси бўлса (қилиб),
Уни шаҳарга, қишлоққа келтирган, даъват қил.

3857 Тилаги нимаики бўлса, бу ерга келгач,
Чорасини кўриб уни мен берайин.

3858 Ҳа, албатта, деб Ўгдулмиш туриб чиқди,
У эзгу эш уй(и)га юриб келди.

3859 Етиб келди, уйга кириб ўлтирди,
Еди, ичди, бир қанча вақт ўйлаб ётди.

3860 Румий қизи [яъни кун] юзини ерга яширди,
Олам гардиши занги юзи (каби) бўлди [яъни қорайди].

3861 Осмон бутунлай қора қуш [яъни бургут] рангини касб этди,
Олам бутунасига қора қуш парига тўлди [яъни оламни
қоронғулик босди].



www.ziyouz.com kutubxonasi

3862 Төшәк қулды йатты сақынды узун
Нәкү сөзләгүси қадашы көзүн

3863 Удыб барды азрақ удунды йана
Өчүкмиш көмүр-тәг қараңқу түн-ә

3864 Йашық қопты йэрдин көтүрди башын
Йаруқ йүз күләр-тәг йырышты тышын

3865 Усы өчти қопты адақын өрү
Қара түн көтүрмиш этәкин өрү

3866 Қопуб йунды қылды йана таң намаз
Намазын өтәди дуъа қылды аз

3867 Атын тутты тэркин бир оғлан билә
Туруб чықты барды сэвүнчүн күлә

3868 Туруб кэлди эрсә қадашқа йақын
Йырақ түшти андын көдәзди ҳақын

3869 Туруб барды ақру тоқыды қапуғ
Қадашы қапуғ ачты қодты тапуғ

144а 3870 Йана кирди Одғурмыш элгин тутуб
Орун қылды төрдә ағырлаб өпүб

3871 Айур эй қадашым нэлүг эмгәдиң
Йана-өк мэңәр ай нэдин оғрадын

3872 Кэсә сөзләдим сөз эшиттиң аны
Нэлүг эмгәтүр-сэн күчәйү мэни

3873 Нэкү тэр эшит бу билиг бэргүчи
Сынаб эдгү эсиз киши билгүчи

3874 Кишикә сынағы бир-өк көрсә таб
Сэвәр сэвмәзин бир тилин сорса таб

3875 Бақыр алтунуғ эр көрүб билмәсә
Алыб азқына сыр ташығ сурса таб

3876 Йанут бэрди Өгдүлмиш айды қадаш
Мэңәр бушмағыл сэн көңүл қылма баш



www.ziyouz.com kutubxonasi

3862 Тўшак (ҳозирлашларини) сўради, ётди, узоқ ўйга толди,
Қариндошининг кўзига (қараб туриб) қандай қилиб сўзлашини (ўйлади).

3863 Озроқ ухлаб кетди, яна уйғонди,
Тун ўчган кўмир каби қоронғи эди.

3864 Уйқуси ўчди, оёққа юқори турди,
Қора тун этагини юқори кўтарган эди.

3865 Қуёш ердан қўпди, бошини кўтарди,
Ёруғ юзи [яъни қуёш] кулаётгандек, тишини йирди [яъни жилмайди].

3866 Туриб тоҳарат олди ҳам бомдод намозини ўқиди,
Намозини тугатди, бир оз дуо қилди.

3867 Бир бола (ёрдами) билан тезда отини тутди,
Туриб чиқди, севинч билан кулиб жўнади.

3868 Туриб [яъни отда] қариндоши(нинг манзили)га яқин келгач,
Ундан узоқ (роқ)да (отдан) тушди, ҳақига дуо қилди.

3869 Туриб борди, оҳиста эшик қоқди,
Қариндоши тоат-ибодатни қўйди, эшик очди.

3870 Ўзғурмиш(нинг) қўлидан ушлаб қайтиб кирди,
Эъзозлаб, ўпиб тўрдан жой қилди.

3871 Айтди: Эй қариндошим, нега машаққат тортдинг,
Менга айт, нима сабабдан яна юз уриб келдинг.

3872 Сўзни кесиб сўзладим, уни эшитдинг,
Нима учун мени зўрлаб қийнайсан.

3873 Бу таълим берувчи нима дейди, эшит,
Синаб яхши-ёмон кишини билувчи:

3874 Киши учун синови биргина кўрса кифоя,
Севар-севмасини бир (марта) тили билан сўраса кифоя.

3875 Мис (ва) олтинни киши кўриб фарқлолмаса,
Озгина сир тошини олиб сурса кифоя.

3876 Жавоб берди Ўгдулмиш, айтди: (Эй) қариндош,
Сен менга аччиқланма, кўнгилни жароҳат қилма.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3877 Элигкә битигин тәгүрдүм сөзүң
Тилин ма нәкү сөз табузды өзүң

3878 Сөзүңгә йанут қылды ыд̇ты битиг
Чықарды битиг бәрди әлгин тәтиг

3879 Битиг алды Од̇ғурмыш ачты туруб
Оқыды битигин сақынды көрүб

3880 Айур бу қад̇ашым нә эрки экин
Мәни мунча йав̇лақ эд̇әрди нәкин

**Б а б. Өгдүлмиш Од̇ғурмышқа экинч муназара қылмақын айур**

3881 Йанут бәрди Өгдүлмиш айды тилин
Айур эй қад̇ашым эшит сөз билин

144б 3882 Элигниң тиләки сәңә эд̇гүлүк
Бу эд̇гү ичиндә тиләр эд̇гүлүк

3883 Билир-сә бу йәрдәки таъат қамуғ[93]
Қылуруң нәчә эд̇гү эсиз қамуғ

3884 Йана кәнд улушда мән аймышларым
Нәчә түрлүг эд̇гү турур эй эрим

3885 Йав̇уз эрмәс эмди бу дунйа қуты
Болуб тәрлү бәрсә қопурса аты

3886 Өзүң дунйаны қод̇са заҳид болур
Муйан эд̇гү мундын әләтсә болур

3887 Йав̇уз тәсә болмаз бу дунйа нәңин
Йэсә бәрсә халққа қызартсә эңин

3888 Йәмә йақшы аймыш ақылар башы
Оқығыл аны сән эй эд̇гү киши

3889 Нәңи болса йаңлуқ билир өг билиг
Қамуғ эд̇гүлүккә узатур әлиг

3890 Бу нәң бирлә йаңлуқ тиләсә тиләк
Йашыл көккә йүқлар нәңи кәд̇ йөләк



www.ziyouz.com kutubxonasi

3877 Элигга мактуб орқали (йўллаган) сўзингни етказдим,
(Шунингдек) тилингда ҳам ўзинг нимаики сўз айтган бўлсанг.

3878 Сўзингга жавоб қилди, мактуб юборди,
Мактубни чиқарди қўли билан узатди, (у) тетик.

3879 Ўзғурмиш мактубни олди, (тик) туриб (уни) очди,
Мактубини ўқиди, тикилиб ўйлаб қолди.

3880 (Ўзича) айтди: Қариндошим, бу нима (бўлди) экан,
Нима (сабаб)дан менинг бунчалик қаттиқ пайимга тушди.

**Боб Ўгдулмиш Ўзғурмиш билан иккинчи (бор) мунозара қилмоғини айтади**

3881 Жавоб берди Ўгдулмиш, тили билан айтди,
Айтди: Эй қариндошим, сўзни эшит, билиб ол.

3882 Элигнинг тилаги сенга эзгуликдир,
Бу эзгулик ичида (ўзига ҳам) эзгулик тилайди.

3883 Биласан, бу ердаги тоат-ибодат
Қилишларинг ҳаммаси қанчалик яхши ёки ёмон.

3884 Яна қишлоқда ва шаҳарда мен (санаб) айтганларим,
Неча турли эзгуликдан иборатдир, эй мардим.

3885 Бу дунё қути энди (сен айтганча) ёвуз эмас,
(Агар) бўлиб йиғилаверса, (кишининг) отини кўтарса.

3886 Ўзинг дунёни тарк этсанг зоҳид бўласан,
Бундан моя, эзгу (лик) олиб кетса бўлади.

3887 Бу дунё нарсасини ёвуз деса бўлмайди,
(Ўзи) еса, халққа берса, юзини ёруғ қилса.

3888 Сахийлар бошлиғи янада яхши айтибди,
Уни сен ўқигин, эй эзгу киши:

3889 Мол-дунёси бўлса, одам заковатни ва билимни билади,
Ҳамма эзгуликларга қўл узатади.

3890 Одам мол-дунё билан тилак тиласа,
Яшил-кўкка кўтарилади, мол-дунёси яхши нажот (бўлади).



www.ziyouz.com kutubxonasi

3891 Ҳаж эрсә тиләкиң кэрәк нәң таӑвар
Ъазизлық тиләсә йэмә бу бэрәр

3892 Нәңи болмаса эр алыб бэргүкә
Әлиг қысға қылды қамуғ эдгүкә

3893 Нэкү-тэг қодур-сэн бу эдгүләриг
Нэлүг тапламаз-сә бу өт саӑв ириг

3894 Тапуғқа нэкү-тэг ынанса болур
Тапундум тэйү билсә муфлис болур

3895 Байатығ[94] тапуғ бирлә булмаз қулы
Әди йинчкә йол бил тапуғчы йолы

3896 Нэчә миң тапуғчы тапунды йылын

Чықар жан өдиндә йитүрди йолын

145а 3897 Билир-мэ байатым сэӑвинчи қамуғ
Тапуғ таъат ичрә турур эй улуғ

3898 Билүмәсә эмди бу таъат чыны
Қайу таъат эрки уқулмаз муны

3899 Қалы мундағ эрсә қамуғ таъатығ
Түгәл қылғу болса бу аймыш татығ

3900 Бақа көр бу сөзләр ким айдым сэңә
Бу йаңлығ эрүр-му айу бэр мэңә

3901 Қалы мундағ эрсә ким айдым бу сөз
Билин көр сөзүм тут айа көңли түз

3902 Ҳавақа болун болма көндүр көңүл
Кишикә қатылғыл йурығыл амул

3903 Йанут бэрди Одғурмыш айды қадаш
Муңадтурдуң эмди ағу қылдың аш

3904 Тутайы сэн аймыш сөзүң тыңладым
Элигкә барыб мэн тапуғ башладым

3905 Тапуғқа эң ашну төрү билгү уз
Тапунмақ қылынчы сөзи сөзкә түз



www.ziyouz.com kutubxonasi

3891 Тилагинг ҳаж (қилиш) бўлса, мол-дунё, товар керак,
Азизлик истасанг ҳам шу (лар) беради.

3892 Олиб-бериш учун кишининг мол-дунёси бўлмаса,
Ҳар қандай эзгу(лик)га (ҳам) қўлини қисқа қилади.

3893 Сен бу эзгуларни қандай қилиб тарк қиласан,
Бу ўгит, панд, насиҳатни нега манзур кўрмайсан.

3894 Тоат-ибодатга қанақасига инонса бўлади,
Тоат-ибодат қилдим, деб ишонса, муфлис бўлади.

3895 Бандаси худони тоат-ибодат билан топмайди,
Бил, тоат-ибодат қилувчининг йўли ниҳоят нозик йўлдир.

3896 Неча минглаб тоат-ибодат қилувчилар йиллаб тоат-ибодат қилди(лар),
Жон чиқар пайтда (эса) йўл(лар)ини йўқотди(лар).

3897 Биламан, худойимнинг севинчи ҳаммаси
Ибодат-тоат ичрадир, эй улуғ.

3898 Энди бу тоатнинг чинини билиб бўлмагач,
Қайси тоат (мувофиқ) экан, бу тушунилмайди.

3899 Гарчи шундай экан, ҳамма тоатни
Тугал қилиш шарт бўлса, бу айтганларим манзур.

3900 Сенга айтганим сўзларга назар солиб кўр,
Шундайми, менга айтиб бер.

3901 Айтганим бу сўзлар агар шундай бўлса,
Билиб ол, назар сол, сўзимга амал қил, эй кўнгли тўғри.

3902 Ҳавасга қул бўлма, кўнгилни тўғрила,
Одамга аралашгин, асойишта юргин.

3903 Жавоб берди Ўзғурмиш, айтди: (Эй) қариндош,
Энди ғамга қўйдинг, овқатни заҳар қилдинг.

3904 Деяйлик, сен айтган сўзларингни тингладим,
Элиг (ҳузури)га бориб мен хизматни бошладим.

3905 Хизмат қилиш учун энг аввал расм-қоидаларни билмоқ керак,
Хизмат қилмоқ усули, сўзи сўзга тўғри (бўлиши керак).



www.ziyouz.com kutubxonasi

3906 Қиру ҳам чықа билсә олдруғ туруғ
Тапуғ билмәсә эр тэг эмгәр қуруғ

3907 Нэкү тәр эшитгил тапуғ билгүчи
Сынаб билмишин айды азрақ учы

3908 Бу бэгләркә тапмақ тиләсә өзүң
Көңүл тил көни тут кӧд̇әзгил сөзүң

3909 Төрү ҳам тоқу бирлә өгрән тапуғ
Тапуғ билдиң эрсә йарады өзүң

3910 Кишидә йырамыш турур бу өзүм
Төрү йоқ тоқу йоқ нә қылқым сөзүм

3911 Нэкү-тэг қылур-мэн бэгиңгә тапуғ
Йапулмыш турур көр мэңә көр[95] қапуғ

145б 3912 Нэкукә күчәр-сэн мэни сэн тутуб
Элигкә тапын тэб сөзүмни өтүб*

3913 Йанут бэрди Өгдүлмиш айды бу сөз
Аны тэрскә тутма айа көңли түз

3914 Сэниңдин көтүргәй элиг бу төрү
Кэрәк эрсә олдур кэрәк эрсә йуру[96]

## Од̇ғурмыш жавабы Өгдүлмишкә

3915 Йанут бэрди Од̇ғурмыш айды бу сөз
Йэмә эд̇гү эрмәз айа қылқы түз

3916 Нэкү-тэг йарашур сэңә йа мэңә
Төрү билмәсә өз йурыса эңә

3917 Бу эл этгү тутқу буд̇ун түзгүкә
Бу бэгләр тэгинди аж̇ун сүзгүкә

3918 Бу эл күн этиги бу бэгләр иши
Төрү ҳам тоқу бирлә этти киши

3919 Анын отру бэгләр узатты элиг
Уқуш отру ыд̇ты йурутты билиг



www.ziyouz.com kutubxonasi

3906 Кирганда ҳам чиққанда ўлтириш, туришни билса,
Киши хизматини билмаса шунчаики бекорга машаққат тортади.

3907 Хизматни билувчи нима дейди, эшитгин,
Синаб билганларининг озроқ учини (чиқариб) айтади:

3908 Ўзинг бегларга хизмат қилмоқни истасанг,
Кўнгил (ва) тилни тўғри тут, сўзингга эҳтиёт бўл.

3909 Хизматни қоидалари ҳамда одатлари билан ўрган,
Хизматни билсанггина ўзинг ярайсан.

3910 Мен ўзим одамлардан узоқлашганман,
Тартиб, одатлар (тасаввури) йўқ, шунингдек (муносиб) хулқим, сўзларим (йўқ).

3911 Мен бегингга қандай хизмат қиламан,
Назар сол, мен учун бу эшик ёпилгандир.

3912 Нима учун зўрлайсан, мени (бу ерда) маҳкам тутиб,
Элигга хизмат қил, деб сўзларимни қайтариб.

3913 Жавоб берди Ўгдулмиш, айтди: Сўз шу,
Уни тескари бурма, эй кўнгли тўғри.

3914 Расм-қоидаларни (билмасликни) элиг сен учун маъзур кўрган,
Истасанг ўлтир, истасанг юр (бари бир).

### Ўзғурмишнинг Ўгдулмишга жавоби

3915 Жавоб берди Ўзғурмиш, айтди: Бу сўз
Ҳам эзгу эмас, эй хулқи хуш.

3916 Сенга ёки менга қандай ярашади,
Ўзимиз расм-қоидаларни билмасак, гангиб юрсак.

3917 Элни яшнатиш, бошқариш, халқни тузишга,
Оламни сузишга [яъни обод қилишга] беглар етишди [яъни уддасидан чиқди].

3918 Эл-халқни (яшнатиш) тадбири бу беглар ишидир,
Киши уни расм-қоидалар билан амалга оширади.

3919 Бу (иш)нинг баробарида беглар қўл узатдилар,
Заковатни ишга солдилар, билимга амал қилдилар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3920 Эди йақшы аймыш будун башчысы
Билиглиг уқушлуғ ажун ишчиси

3921 Ажун тутғучы эр уқушлуғ кэрәк
Будун басғучыққа кэрәк өг йүрәк

3922 Анын өтрү бэгләр бэдүйүр күчүн
Йағы бойны йанчар алыр өз өчүн

3923 Биз эмди бу өнди төрү урсамыз
Нэкү-тэг йарашур төрү түзсәмиз

146*a*

### Өгдүлмиш жавабы Одғурмышқа

3924 Йанут бэрди Өгдүлмиш айды қадаш
Эди тэрс иш эрмәз йэтәр қылса иш

3925 Муну мэн билир-мэн бу өңди төрү
Айайын мэн эмди сэн өгрән көрү

3926 Киши билмәсә көр төрү өгрәнүр
Билиб өтрү йаңлуқ тиләкин булур

3927 Муңар мэңзәтү айды билги ачуқ
Бу сөз тутмаз эрниң билиги бучуқ

3928 Туға билгә туғмаз киши өгрәнүр
Бу сөз сөзләмәз тил төрү сөзләнүр

3929 Киши өгрәниб өтрү билгә болур
Билиг билсә өтрү қамуғ иш үнүр

3930 Йанут бэрди Одғурмыш айды сэниң
Тиләкиң бу эрсә тиләк йоқ мэниң

3931 Бу күн сэн оқыр-сэн элигкә мэни
Нэкү-тэг болур ай бу тапғуң қаны

3932 Көңүлкә кирүр-му сөзүң тыңлайын
Өзүм өгрәнүр-му аны аңлайын

3933 Мэңәр айғыл эмди төрүни нэчә
Тоқуларны сайу атайу бичә



www.ziyouz.com kutubxonasi

3920 Халқ бошлиғи жуда яхши айтибди,
Билимли, заковатли, жаҳон ишчиси:

3921 Жаҳонгир киши заковатли (бўлиши) керак,
Халқни босувчига заковат, шижоат керак.

3922 Шулар туфайли беглар шавкат жиҳатидан буюклашади,
Ёв бўйнини янчади, ўз ўчини олади.

3923 Энди биз низом-қоидалар яратсак,
Тартиб-қоидалар тузсак, қанақасига ярашади.

## Ўгдулмишнинг Ўзғурмишга жавоби

3924 Жавоб берди Ўгдулмиш, айтди: (Эй) қариндош,
(Бу) жуда қийин иш эмас, иш қилсанг билиб оласан.

3925 Мана, мен тартиб-қоидаларни биламан,
Энди мен айтайин, сен кўриб ўрган.

3926 Киши расм-қоидани билмаса ўрганади, кўр,
Билиб олгач, сўнг одам тилагини топади.

3927 Билими равшан бунга мослаб айтибди,
Бу сўзга амал қилмаган кишининг билими чаладир.

3928 Туғилишдан доно туғилмайди, киши (сўнг) ўрганади,
Сўз сўзламайдиган бу тил яратилиб, (вақти етгач) сўзлайди.

3929 Киши ўрганиб, сўнг доно бўлади,
Билим билса, сўнг ҳамма иш унади.

3930 Жавоб берди Ўзғурмиш, айтди: Сенинг
Тилагинг бу бўлса, менинг тилагим йўқ.

3931 Бу кун сен мени элиг (ҳузури)га чақираётирсан,
Бу (айтмоқчи бўлган) хизматларинг қанақа бўлади, қани айт.

3932 Кўнгилга кирармикан, сўзларингни тинглайин,
Ўзим ўрганармиканман, уни англайин.

3933 Энди айт бир қатор расм-қоидаларни,
Низом-тартибларни пича номма-ном санаб.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Одғурмыш сөзи Өгдүлмишкә[97]

3934 Йанут бэрди Өгдүлмиш айды түгәл
Көни сөзләдиң сөз айа эдгү фал

146б 3935 Уқушқа йырақ эрди маңмыш йолуң
Көниликкә урдуң сэн эмди улуң

3936 Мэн эмди айайы эшитсү өзүң
Сэн өгрән мэңә тут йарусу көзүң

3937 Қалы өгрәнүр эрсә эмди өзүң
Тилин тылдама эмди кэсгил сөзүң

## Бэгләркә тапунмақ бу турур

3938 Эки түрлүг-ул бу тапуғчы киши
Тапуғ қылса этлүр күнингә иши

3939 Бири оғлан эркән тапуғқа кирүр
Тақы бир бэдүг болса өтрү қылур

3940 Экидә талу эр көр экки бу-ул
Кичигдә тапуғ қылса сынса көңүл

3941 Нэчә ма бу күн сөз сэңә айса өз
Кичигләркә башлаб айайын бу сөз

3942 Сөзүг орта тутса сөңи эг болур
Бүтүнлүк билә тутшы эр бэкләнүр

3943 Тапуғқа ачайын тэсә эр қапуғ
Кичиг оғлан эркән қылынғу тапуғ

3944 Төр[98] ҳам тоқу билсә бэрсә йорық
Кирү ҳам чықу билсә қылса қылық

3945 Тапуғқа ириг болса эртә туруб
Көңүл тил тутса қылқын болуб[99]

3946 Тапуғқа ириг болса йүгрү туру
Қулақ көз көни тутса әсрү[100] көрү



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Ўгдулмишнинг Ўзғурмишга сўзи

3934 Жавоб берди Ўгдулмиш, айтди: Тугал
Сўзни тўғри сўзладинг, эй эзгу фол [яъни башорат қилувчи].

3935 Қадам қўйган йўлинг заковатдан йироқ эди [яъни бормасликка аҳд қилганинг ақлдан эмас эди].
Энди сен (ўз) асосингни ҳақиқат узра қўйдинг [яъни тўғри йўлга кирдинг].

3936 Энди мен айтайин, ўзинг эшитгин,
Сен ўрган, менга қарат, кўзинг ёрисин [яъни очилсин].

3937 Агар энди ўзинг ўрганмоқчи бўлсанг,
Тилда ёлғон сўзлама, энди сўзингни кесгин.

## Бегларга хизмат қилмоқ булардан иборатдир

3938 Хизматкор киши икки турлидир,
Хизмат қилса, кунига иш(лари) ривож топади.

3939 Бири ёшлигида хизматга киради,
Тағин бири улғайса, сўнг (хизмат) қилади.

3940 Иккисидан (ҳам) сара киши шу иккиси(нинг ўзи)дир, кўр,
Агар кичикликдан хизмат қилса, кўнгил синса [яъни одатланиб, майл пайдо қилса].

3941 Бу кун мен сенга қанчаики сўз айтсам,
Бу сўзларни кичиклардан бошлаб айтайин.

3942 Сўзни ўртача тутилса, охири бахайр бўлади,
Ишонч билан киши доим қарор топади.

3943 Одам хизматга эшик очайин деса,
Кичик бола экан(лигидан) хизмат қилиши керак.

3944 Расм-қоида ва низомларни билса, йўл-йўриқлар берса,
Кириш ҳам чиқишни билса, (яхши) хулқ(лар) кўрсатса.

3945 Эрта туриб хизматга чаққон бўлса,
(Яхши) хулқли бўлиб кўнгил-тилни кичик тутса.

3946 Югуриб, елиб хизматга чаққон бўлса,
Эшитишда, кўришда қулоқ-кўзни соқ тутса.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3947 Өзүндә улуғқа тапуғ қылса өз
Тилин бэкләсә кәд̇ қатығ тутса сөз

147*a* 3948 Тапуғуғ оңарса бу йаңлығ кичиг
Бэгингә оңарды кэрәклиг ишиг

3949 Киру ҳам чықар булға анда нару
Өтүнгәй өтүк сав̇ төрүчә көрү

3950 Кичиг қур бу йэрқә тэгә төрчисә
Булур бэг тиләкин мунуңда баса

3951 Атым эрсиг эрсә болур оқ йачы
Көни болса қылқы болур тамғачы

3952 Қылынчы арығ эрсә көрклүг йүзи
Ид̇ишчи қылур бэг э көңли түзи

3953 Битиг билсә сақыш ағычы болур
Уқуш өг кәд̇ эрсә битигчи болур

3954 Буларда қайуқа уланса бу өз
Эд̇и сэвнү кәд̇ ҳам йанут қылса уз

3955 Нэкү тэр эшитгил тапуғ қылғучы
Тапуғ йэтрүб өтрү тиләк булғучы

3956 Йүз отру турур болса бэгкә өзүң
Эд̇и қорқу турғыл көд̇әзгил өзүң

3957 Қылынч эт йорық түз өзүңни тутун
Көңүл тил көни тут бышурғыл сөзүң

3958 Қалы бэгкә отру турыр эрсә сэн
Көзүң йэрдә тутғыл қулақ түздә сэн

3959 Элиг қав̇шуру тур ад̇ақын түз-ә
Бу сол әлни урғыл оң элгиң үзә

3960 Қапуғда кирүрдә оңуң ашну маң
Тилин йарлықарда өгүң бирлә аң



www.ziyouz.com kutubxonasi

3947 Ўзидан улуғ(лар)га хизмат қилса ўзи,
Тилини жуда маҳкамласа, сўзини қаттиқ тутса [яъни тил ва сўзига эҳтиёт бўлса].

3948 Бу янглиғ кичик(лар) хизматни бажарса,
Бегига кераклик юмушларни бажаради.

3949 Ундан сўнг (бег ҳузурига) кириш ва чиқиш (шарафига) эришади.
Тартиб-қоидаларга риоя қилиб, арз, сўз баён қилади [яъни арз ва бошқа сўзларни бегга баён қилиш даражасига етади].

3950 Кичик мартаба(ли киши) бу ерга [яъни даражага] ета бошлагач,
Бег бундан афзал(роқ) тилагини топади.

3951 Мерган, довюрак бўлса, ўқ-ёйчи бўлади,
Хулқи тўғри бўлса, муҳрдор бўлади.

3952 Феъл-атвори пок бўлса, юзи чиройли (бўлса),
Бег соқий қилади, эй кўнгли тўғри.

3953 Ёзув (ва) ҳисоб билса, хазиначи бўлади,
Заковат, идроки яхши бўлса, (сар) котиб бўлади.

3954 (Киши) ўзи булардан қайси бирига сазовор бўлса,
Жуда бениҳоя севиниб ҳам муносиб жавоб қилса.

3955 Хизмат қилувчи нима дейди, эшитгин,
Хизматни бажариб сўнг тилак топувчи:

3956 Ўзинг бегга рўбарў турадиган бўлсанг,
Жуда қўрқиб тургин, ўзингни сақлагин.

3957 Хулқни тўғрила, йўриқни тузат, ўзингни тут,
Кўнгил, тилни тўғри тут, сўзингни пишиқ қил.

3958 Агар сен бегга рўбарў турадиган бўлсанг,
Кўзингни ерда тутгин, қулоқни — атрофда.

3959 Қўл қовуштириб оёқда тўғри тур,
Сўл қўлингни ўнг қўл устига қўйгин.

3960 Эшикдан киришда ўнг (оёғ)ингни олдин ташла,
Тили билан ёрлиқ бераётганда диққат билан англа.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3961 Өтүк өтнүр эркән көни тут әлиг
Эки тиз билә шүк түзүн бол силиг

3962 Қыйа бақма анда солун йа оңун
Өзүң ыйману тур эшит сөз өгүн

147б 3963 Сэңә сөз айытса ақуз сөз чыны
Жаваб бэрсә йарлығ тэгүргил көни

3964 Сүчиг ичмә бошлағ йурыма йав̇а
Йарағсыз йав̇уз эрсә қачғыл эв̇ә

3965 Эшитмиш сөзүңни эшитмәдүк эт
Көзүң көрмишин сэн көрүнмәдүк эт

3966 Бу йаңлығ тапунса йаранса киши
Қуты күндә артар көр этлүр иши

3967 Қайусы алур хайл болур хайл башы
Қайусы ат ад̆ғыр үзә эл иши

3968 Қайусы сү башы қайусы ҳажиб
Қайусы ылымға болур сөз ачыб

3969 Қайусы булур өг өгәлиг булур
Қайу күнгү йақлық үзә ат алур

3970 Қайусы ынанч бэг қайу чағры бэг
Қайу күр тэгин бэг қайу жав̆лы бэг

3971 Қайуқа тэгир-ул тапуғчы қулы
Муңунда наруқы ағырлық йолы

3972 Бу қурқа тапунса тэгиб эр бирәр
Улуғлуққа тэгнүр йатыб арзу йэр

3973 Бу қурқа тэгүрсә тапуғчы бу бэг
Өтәди тапуғчы ҳақын өггү-тэг

3974 Қалы бир урунса отун эр тили
Эди-өк улуғ иш қылур бу қулы

3975 Эди йақшы аймыш уқушлуғ бөгү
Тәгимсүз кишикә бу қур бэрмәгү



www.ziyouz.com kutubxonasi

3961 Арз айтаётган экан(ингда) қўлни тўғри тут,
Икки тиз билан чўккала, яхши ва ёқимли бўл.

3962 У ерда сўлга ёки ўнгга қайрилиб боқма,
Ўзинг ийманиб тур, сўзни диққат билан эшит.

3963 Сендан сўз сўраса, сўз(нинг) ростини оқиз,
Ижозат берса, ёрлиқ(ни) тўғри етказгин.

3964 Ичимлик ичма, бекор, беҳуда юрма,
Ярамас, ёвуз бўлса, шошилиб қочгин.

3965 Эшитган сўзингни эшитмагандек бўл,
Кўзинг кўрганини сен кўрмагандек бўл.

3966 Бу янглиғ хизмат қилса, (ишга) яраса киши,
Бахти кунига ортади, кўр, иши ривож топади.

3967 Баъзиси хайл олади, хайл боши бўлади,
Баъзиси от, айғир узра (миниб) эл иши(ни) олади.

3968 Баъзиси лашкар боши, баъзиси ҳожиб,
Баъзиси сўз (маънисини) очиб саркотиб (бўлади).

3969 Баъзиси дониш топади, донишмандлик олади,
Баъзиси кундалик яқинлиги баробарида унвон олади.

3970 Баъзиси инонч[48] бег, баъзиси чағри[49] бег,
Баъзиси ботир тегин[50] бег, баъзиси жавли[51] бег.

3971 Баъзисига хизматкор қуллари тегади,
Булардан бўлак тақдирлаш йўллари (кўп).

3972 Киши бу мартабалардан бирига эришиб хизмат қилса,
Улуғликка эришади, ётиб орзуларидан баҳраманд бўлади.

3973 Бег хизматчи(си)ни бун(дай) мартабага етказса,
Хизматчиси ҳақини мақтагудек қилиб ўтайди.

3974 Агар пасткаш кишининг тили бир қўзғолса,
Бу қули жуда ҳам катта ишларни содир қилади.

3975 Заковатли, доно (бу ҳақда) жуда яхши айтибди;
Нолойиқ кишига бу(ндай) мартабани бериш керак эмас.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3976 Тақы мунда йэгрэк айур бу билиг
Билигсизкэ бэрмэ айа бэг элиг

148а 3977 Улуғлуққа тэгсэ уқушсуз киши
Ид̇иси башын йэр эй элчи башы

3978 Кэрэк эмди бэглэр тапуғчы қулын
Билиги тэңинчэ бэд̇үтсэ улын

3979 Қулуғ кэд̇ сынағу қылынчы йаңы[101]
Уқушы тэңинчэ көтүргү йаңы

3980 Бағырсақ кэрэк қул бэгини ачыр
Анын өтрү бэглэр ачынса тэгир

3981 Нэкү тэр эшитгил төрү бэргүчи
Төрү бирлэ бэглик ишин этгүчи

3982 Нэчэ қул бэд̇үсэ қул аты қул-оқ
Бэд̇үтмиш бэгингэ тапуғчы ул-оқ

3983 Нэчэ бэг кичиг эрсэ аты бэг-өк
Тапуғчы кэд̇индэ бэг аты кэд̇-өк

3984 Э бэглэр ағырлаб бэд̇үг болмыш эр
Бэд̇үг бил бэгиңни бэд̇үг тут ағыр

3985 Өчэшмэ бу бэглэр билэ сэн болуб
Сөзин сөзлэмэгил магар кэд̇ көрүб

3986 Улар қут турурлар қут элги узун
Күйэр от турурлар күйүргэн көзүн

3987 Замана турурлар замана билэ
Йарашық кэрэк эр сэв̇үнсэ күлэ

3988 Эд̇и йақшы аймыш сынаб билмиш эр
Тапуғ бирлэ қопмыш тилэк булмыш эр

3989 Нэ эд̇гү нэң-ул билиглэр сөзи[102]
Билиглэр сөзи көрсэ барчын жузы

3990 Күлэ бақса бэглэр кишикэ көзүн
Сэв̇үнмэ аңар сэн ынанма узун



www.ziyouz.com kutubxonasi

3976 Таълим бундан ҳам яхшироқ айтади:
Эй бег, билимсизга (зинҳор) қўл берма.

3977 Заковатсиз киши улуғликка эришса,
Хўжасининг бошини ейди, эй эл бошилар боши.

3978 (Шундай экан) энди лозимки, беглар қулини(нг)
Билими тенгида ҳиссасини [яъни мартабасини] орттирса.

3979 Қулни, (унинг) феъл-atворини, одатларини жуда синаш керак,
Заковати баробарида (уни) улуғлаш керак.

3980 Қул садоқатли, бегига жонкуяр бўлиши керак,
Шу туфайлидан беглар марҳамат кўрсатса арзийди.

3981 Тартиб-қоида берувчи нима дейди, эшитгин,
Тартиб-қоида билан беглик ишини бошқарувчи:

3982 Қул қанчалик улуғликка етмасин қул, оти қулдир,
У улуғликка етказган бегига хизматкоргинадир.

3983 Бег қанчалик кичик бўлса (ҳам) оти бегдир,
Хизматкор афзалидан бег оти афзалдир.

3984 Эй, беглар қадрлаб улуғ бўлган киши,
Бегингни буюк (деб) бил, буюк (ва) қадрли тут.

3985 Сен беглар билан тенглашиб ўчакишма,
Сўзларини сўзламагин [яъни уларни гапириб юрма],
яхши кўрибгина (гапир)

3986 Улар қутдирлар, қут қўли (эса) узундир,
Қуяр ўтдирлар, кўзи билан куйдиради.

3987 (Улар) замонадирлар, замона билан
Созвор бўлиш керак, (агар) киши кулиб севин(моқчи) бўл)са.

3988 Синаб билган киши жуда яхши айтибди,
Хизмат билан кўтарилган, тилак топган (киши):

3989 Донолар сўзи қандай эзгу нарса,
Донолар сўзи, назар солсанг, шоҳи-ипакдир:

3990 Беглар кўзи билан кишига кулиб боқса,
Унга сен севинма, узоқ инонма.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3991 Тапуғқа ынанма көтүрмә көңүл
Сэңә түгкә бэгләр йаңылса түзүн

148б 3992 Қичиг йа улуғ тут йа жав̇луғ күлүг
Тапуғчы тапуғда турур бэлгүлүг

3993 Қатығланғу бэгләр тапын йазмаса
Тапунмыш йолында өңин азмаса

3994 Нэчә ма йақын тутса бэгләр̣ сэни
Өзүңни унытма йурығыл көни

3995 Нэчә эдгү тутса өзүң қорқа тур
Ишәнсинмәгил сэн қына бақну тур

3996 Ара от болур көр ара сув̇ болур
Ара күлдүрүр көр ара йығлатур

3997 Бу үч нәңгә болма йақын қошнысы
Күйәр от ақар сув̇ бу-ул бэлгүси

3998 Күр арсланқа охшар бу бэгләр өзи
Өгә тэгсә йумшар бу турқу жузы

3999 Қалы бушну тэгсә бушар баш кэсәр
Тамурын йүшәр̣ көр соруб қан ичәр

4000 Бушар өз̇дә[103] барма бэгиңгә йағуқ
Қалы бардың эрсә ужузлуқ ануқ

4001 Айытуқта сөзлө оқыдуқта кир
Саламат тирилгил тушы бол ағыр

4002 Нэкү тэр эшит бу өзин тутнур эр
Өд̇индә кириб көр өтүк өтнүр эр

4003 Кирү тур тэсәләр ағырлық өкүш
Чықа тур тэсә көр йүзүңгә сөкүш

4004 Қөзүңни көд̇әзгил өзүңни тутун
Өзин тутғучы эр эрәндә көшүш

4005 Үч ишдә йырақ тур қатығлан оса
Бири қылма бэклик сөз айдым кэсә



www.ziyouz.com kutubxonasi

3991 Хизматга инонма, кўнгилни кўтарма [яъни мағрурланма],
Беглар тўғриликдан янглишса, сенга ғазаб қилади.

3992 Хоҳ кичик, хоҳ улуғ, хоҳ шуҳратли баҳодир бўлсин,
Муайянки, хизматкор хизматда бўлади.

3993 Қаттиқ туриш керак, токи беглар хизматида хато қилмаслик учун,
Хизмат қилиш йўлидан четга оғмаслик учун.

3994 Беглар сени қанчалик яқин тутса (ҳам),
Ўзингни унутма, тўғри юргин.

3995 Қанча эзгу тутса (ҳам) ўзинг қўрқиб тур,
Сен ишонқирамагин, жазони (ҳам) кўз олдига келтириб тур.

3996 (Улар) гоҳо ўт бўлади, кўр, гоҳо сув бўлади,
Гоҳо кулдиради, кўр гоҳо йиғлатади.

3997 Бу уч нарсанинг яқин қўшниси бўлма,
Куяр ўт, оқар сув (уларнинг) белгиларидир.

3998 Бу беглар ўзи забардаст арслонга ўхшайди,
Эркалаб яқинлашилса, ипак (каби) юнги юмшайди.

3999 Агар дағаллашиб яқинлашилса, ғазабга келади, бош кесади,
Томирни (тешиб қон) оқизади, кўр, сўриб қон ичади.

4000 Ғазабланиш пайтида бегингга яқин борма,
Агар боргудек бўлсанг, таҳқирланиш муқаррардир.

4001 Сўраганда сўзла, чақирганда кир,
Саломат яшагин, доим қадрли бўл.

4002 Ўзини тутадиган киши нима дейди, эшит,
Пайтида кириб арз баён қилувчи киши, кўр:

4003 Кириб тур десалар, қадру қиммат талайдир,
Чиқиб тур деса(лар), юзингга (қараб) сўкишдир, кўр.

4004 Кўзингни сақлагин, ўзингни тутгин,
Ўзини тутувчи киши одамлар орасида азиздир.

4005 Уч ишдан узоқ тур, қаттиқ бўл, ўйла,
Бири — қаттиқлик қилма, кесиб сўз айтдим.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4006 Тақы бири йалған бири суқлуқ-ул
Бу уч иш үчәгү түби йоқлуқ-ул

149*a* 4007 Өзүңни арығ тут қамуғдын сыңар
Арығ-ул бу бәглик арығлық сәвәр

4008 Өзүң қаршықа кирсә қатну йуры
Сэни ким ағырлар ағырла аны

4009 Күвәзләнмә әлгиң сала кирмәгил

Әлиг алшу тутшу йэмә кирмэгил

4010 Өзүң олдрур эрсә бу өзүң[104] билин
Кишиг сатғамағыл кишилик қылын

4011 Қықырма қатығ-сэн үнүн қатғура
Отунлуқ болур бу кишиләр ара

4012 Йана бағдаш илмә йанын йатмағыл
Үнүн қатғура-сэн қатығ күлмәгил

4013 Унытма өзүңни сайу тур түбүң
Унутсаң өзүңни иләтүр қутуғ[105]

4014 Өзүңдә улуғнуң сөзин сөзләмә
Сөзүң йахшы таңлаб аны кэзләмә

4015 Көни сөзлә созни қызартға эңиң
Магар эдгүлүккә ачылсу тилиң

4016 Ичиб қаршықа кирмә өзни тутун
Йарағсыз болур-ул ичигли отун

4017 Бу үч нәң турур эр көдәзмәсә өз
Башын алсықар кәд көдәзсү бу өз

4018 Бириси бу бэгләр сөзин тутғу бэк
Көдәзгү аны өз таны жаны-тэг

4019 Экинч йазмаса эл түзүкә күни
Өзин кәд кодәзсә бу болға көни

4020 Үчүнч қаршы ичрә көни тутса өз
Йырақ тутса тәңсиз йарағсызда көз



www.ziyouz.com kutubxonasi

4006 Тағин бири — ёлғон, бири — суқликдир,
Бу уч иш(дан) учаласининг ҳам туби йўқликдир.

4007 Ҳамма жиҳатдан ўзингни пок тут,
Бу беглик покликни севади, у (ўзи) покликдир.

4008 Ўзинг саройга кирсанг, аралашиб юр,
Сени ким қадрласа, уни қадрла.

4009 Гердайма, кўлингни солинтириб кирмагин,

Қўл олишиб, тутишиб ҳам кирмагин.

4010 Ўзинг ўлтирадиган бўлсанг, ўрнингни билгин,
Одамни оёқ ости қилма, одамийлик қилгин.

4011 Сен овоз билан ҳо-ҳолаб қаттиқ қийқирма,
Бу кишилар орасида пасткашлик бўлади.

4012 Яна чордона қуриб ўлтирма, ён бош билан ётмагин,
Сен овоз билан қаҳ-қаҳ отиб қаттиқ кулмагин.

4013 Ўзингни унутма, аслингни эслаб тур,
Ўзингни унутсанг, қутинг юз тубан кетади.

4014 Ўзингдан улуғнинг сўзини сўзлама,
Сўзингни яхши андазалаб, уни яширма.

4015 Сўзни тўғри сўзла, юзингни ёруғ қилади,
Тилинг фақат эзгуликка очилсин.

4016 Ичиб саройга кирма, ўзингни тутгин,
Ичган пасткаш, ярамас бўлади.

4017 Бу уч нарсаки, киши (ундан) ўзини асрамаса,
Бошини олади, (киши) ниҳоятда ўзини эҳтиёт қилсин.

4018 Бири — беглар сўзини қаттиқ (сир) тутиши керак,
Уни ўз тани-жонидек сақлаши керак.

4019 Иккинчиси — кунда элу халққа уни ёймаса,
Ўзини жуда эҳтиёт қилса, бу тўғри бўлади.

4020 Учинчиси — сарой ичида ўзини тўғри тутса,
Номатлуб, ярамас (нарсалар)дан кўзни узоқ тутса.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4021 Бу учдә бириси қылығлы киши
Нэчә ма бэдүг болса кэслүр башы

149б 4022 Ад̂ақын турығлы эй қылқы түзүн
Өзи болмағынчә көрүнмәс көзүн

4023 Қалы отрур эрсә өзүң төр булуб
Киши оғраса кирсә турғыл көрүб

4024 Қачан сөз сорар эрсә бэгләр сэңә
Узатма сөзүңни эй эрсиг тоңа

4025 Эшитсә өтүнгил билириң сөзүң
Сөзүң кэссә қод̂ғыл узатма сөзүң

4026 Қалы ашқа бэгләр оқыса сэни
Адаб бирлә аш йэ кәд̂ өгрэн муны

4027 Оң әлгиң билә-өк көтүргил йэгү
Байат аты ашну айыт эй бөгү

4028 Киши отруқы ашқа сунма әлиг
Өзүң отруқы аш йэгил эй силиг

4029 Бичәк тартма анда сөңүк кәмдимә
Ашығ татмағыл сэн кишиг үндәмә

4030 Тиши-тэг йэмәгил йэмә тав̂рақын
Силиг болма артуқ тиши-тэг сақын

4031 Нэчә ма тоқ эрсә йэгүкә ашы
Бу бэгләр ашы бил ағырлық башы

4032 Нэ түрлүг бу ишкә тэгир эрсә сэн
Бағырсақлықын тэг йаруқ булға-сэн

4033 Әд̂и йақшы аймыш билиглиг киши
Бу сөз тутса асғы сун алтун түши

4034 Қалы тэгсә иш бол сэңә бэлгүлүг
Билиг бирлә ишләт ишиг эй күлүг

4035 Апаң тэгсә ошбу сөз эрки сэңә
Ақы бол удуғ тур эй эрсиг тоңа



www.ziyouz.com kutubxonasi

4021 Бу учаласидан бирини қилувчи киши,
Қанчалик буюк бўлса ҳам, боши кесилади.

4022 Рўй берадиган (иш), эй қилиғи яхши,
Ўзи рўй бермагунча кўзга кўринмайди.

4023 Агар тўрдан жой олиб ўтирган бўлсанг,
Киши йўлиқса, кирса, (уни) кўриб (ўрнингдан) тургин.

4024 Беглар сендан қачон сўз сўрайдиган бўлса,
Сўзингни чўзма, эй жавонмард баҳодир.

4025 Тинглайдиган бўлса, билганларингни, сўзингни баён қил,
Сўзингни кесса, тўхтагин, сўзингни чўзма.

4026 Агар беглар сени овқатга таклиф қилса(лар),
Одоб билан ош е, буни яхши ўрган.

4027 Овқатни ўнг қўлинг билангина олгин,
Аввал худо отини айт, эй доно.

4028 Киши олдидаги овқатга қўл чўзма,
Ўз олдингдаги овқатни егин, эй зариф.

4029 У ерда пичоқ тортма, сўнгак ғажима,
Ўзинг овқатни тотиб кўрма, бошқаларни ундама.

4030 Аёллар каби емагин, шунингдек шошилинч билан (ҳам емагин),
Аёллардек ортиқча сертакаллуф бўлма, ўйла.

4031 Овқатни емоқлик учун қанчалик тўқ бўлсанг ҳам,
Бу беглар овқатини қадру қимматнинг боши деб бил.

4032 Сен қай турли бир ишга ёндашадиган бўлсанг,
Сидқидиллик билан ёндаш, рўшнолик топасан.

4033 Билимли киши жуда яхши айтибди,
Бу сўзга амал қилинса, нафи соф олтинга тенг:

4034 Агар сенга иш ихтиёри тегса, режалик бўл,
Ишни билим билан амалга ошир, эй шижоатли.

4035 Агар сенга сўз [яъни буйруқ] ихтиёри тегса,
Саховатли бўл, ҳушёр тур, эй мард баҳодир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4036 Тэгир эрсэ хайл йа сэңэр өз отағ
Элиг йазғу малын қылынч тутғу ағ

150*а* 4037 Вазирлық тэгэр болса элгин узун
Төрү урма эсиз силиг бол түзүн

4038 Өгэлиг тэгир эрсэ өглэнгү-ул
Йаңылса бэги бу айу бэрсэ йол

4039 Қалы көк айуқлуқ тэгир эрсэ көр
Өзин кэд̆ көд̆эзгү қуты бады қур

4040 Сү башы йа эл башы болса өзүң
Көни бол йэти тут қулақың көзүң

4041 Өзүң болса ҳажиб үрунч алмағу
Чығай тул йэтимлэр сөзин тыңлағу

4042 Ағылыққа қылса ағычы сэни
Бүтүн чын болуб сэн йурығыл көни

4043 Битигчи ылымға болунса өзүң
Көңүл сирры бэк тут чықарма сөзүң

4044 Бу-ул атқа тэгмиш тапуғ қылғучы
Мунуңда нарусы өдэ бэргүчи

4045 Бир анча йэмэ бар тақы ишчилэр
Төшэкчи йа қушчы йэмэ ашчылар

4046 Бу йаңлығ тапуғда йырақ турсаң-а
Эрэжи бирэр-ул көр эмгэк миң-а

4047 Ағырлық тилэсэң өзүңгэ тучы
Ағырла кишиг сэн айа қоптачы

4048 Улуғуғ улуғла көд̆эз ҳурматы
Сэңэ кэлгэ давлат улуғлуқ қуты

4049 Нэкү тэр эшитгил авучқа сөзи
Авучқа сөзи тутса ачлур көзи



www.ziyouz.com kutubxonasi

4036 Сенга қабилалар, водийлар, турар жойлар (ихтиёри) тегса,
Мол билан қўлни ёзиш, қилиқни кишанлаб тутиш керак.

4037 Қўлни узун қиладиган вазирлик тегадиган бўлса,
Ярамас сиёсат юритма, яхши ва тузук бўл.

4038 Донишмандлилик [яъни маслаҳатгўйлик] тегадиган бўлса, фаросатли бўлиш керак,
(Токи) беги янглишса, бу йўл-йўриқлар айтиб берса.

4039 Агар кўк айуқлик[52] лавозими тегадиган бўлса, кўр,
Ўзини жуда эҳтиёт қилиши керак, қути камар боғлайди [яъни бахт кулиб боқади].

4040 Ўзинг лашкар боши ё элбоши бўлсанг,
Тўғри бўл, қулоғингни, кўзингни ўткир тут.

4041 Ўзинг ҳожиб бўлсанг, пора олмаслик лозим,
Камбағал, тул, етимлар сўзини тинглаш керак.

4042 Сени хазинахонага хазиначи қилса,
Сен ишончли, чин бўлиб тўғри юргин.

4043 Ўзинг мактуб ёзувчи, саркотиб бўлсанг,
Кўнгил сирини қаттиқ тут, сўзингни чиқарма.

4044 Ном чиқарган хизматчилар мана шулардир,
Булардан бошқалари бурч ўтовчилардир.

4045 Яна тағин бир қанча ишчилар бор,
Тўшакчи, ё лочиндор, ёки ошчилар (бор).

4046 Бу янглиғ хизмат(лар)дан йироқ турсанг,
Роҳати бир озгина, кўр, машаққати минг-мингдир.

4047 Доим ўзинг учун қадр-қиммат истасанг,
Сен кишиларни қадрла, эй қад кўтариб юрувчи.

4048 Улуғ(лар)ни, улуғла, ҳурматини келтир,
Сенга давлат, улуғлик саодати келади.

4049 Қария сўзини эшитгин, (у) нима дейди,
Ким қария сўзига амал қилса, кўзи очилади:



www.ziyouz.com kutubxonasi

4050 Улуғ ҳурматы бар ажунда төрү
Улуғ кэлсә қопғыл адақын өрү

4051 Йарашур улуғқа кичиг ҳурматы
Улуғ ма кичигкә қылур-оқ көрү

150б 4052 Сөзин кэсти Өгдүлмиш айды муну
Бу йаңлығ болур бэг тапуғы уну

4053 Мэн айдым эшиттиң сэн өгрэндиң-ул
Нэкү-тэг тапунғу түгәл билдиң-ул

4054 Бу йаңлығ турур қылғу бэгкә тапуғ
Тапуғ сиңсә өтрү ачар қут қапуғ

4055 Тосулғу тапуғ бу муны билгү таб
Қалы билдиң эрсә сэн өзүңгә саб

## Қапуғдақы эрәт бирлә суҳбат сөзи

4056 Йанут бэрди Одғурмыш айды бу сөз
Эшиттим мэн эмди айа эдгү өз

4057 Тақы бир сөзүм бар айытғу сэңә
Аны ма айу бэргил эмди мэңә

4058 Өзүм кэндкә кирсә элиг тапғынга
Бару турғу күндә аның қапғынга

4059 Нэкү-тэг йорықын билингү адаш
Тириглик улардын турур эй қадаш

4060 Эрәт бирлә шәксиз қатылғу кэрәк
Уларқа йарашы тирилгү кэрәк

4061 Муны ма айу бэр мэңә сэн бу күн
Нэкү-тэг қатылғу уқайын өгүн

## Алжаваб

4062 Йанут бэрди Өгдүлмиш айды бу ма
Кэрәклиг турур эй қадаш айса-ма

4063 Муны ма сэңә эмди өгрәтгү-ул
Нэкү-тэг йурығу аны билгү-ул



www.ziyouz.com kutubxonasi

4050 Жаҳонда улуғ ҳурматини қилиш одати бор,
Улуғ келса, оёққа тик тургин.

4051 Улуққа кичик ҳурмати (жуда) ярашади,
Улуғ ҳам (уни) кўриб кичкинага (ҳурмат) кўрсатади.

4052 Ўгдулмиш сўзини тугатди, айтди: Мана,
Бег хизматининг бажарилиши бу янглиғ бўлади.

4053 Мен айтдим, сен эшитдинг, ўргандинг,
Қандай хизмат қилиш кераклигини билдинг.

4054 Бегга шу йўсинда хизмат қилиш керак,
Хизмат сингса, сўнг бахт эшик очади.

4055 Фойда келтирадиган хизмат шу, буни етарли билиш керак,
Агар билиб олган бўлсанг, сен ўзингга ўзлаштир.

## Саройдаги сипоҳлар билан суҳбат сўзи

4056 Жавоб берди Ўзғурмиш, айтди: Бу сўз(лар)ни
Эшитдим мен энди, эй эзгу киши.

4057 Сендан сўрайдиган тағин бир сўзим бор,
Энди менга уни ҳам айтиб бер.

4058 Мен элиг хизмати учун кендга кирсам,
Кунига унинг даргоҳига бориб туриш керак.

4059 Йўл-йўриқлари қандайлигини билиш керак, эй биродар,
Тириклик шулардангинадир, эй қариндош.

4060 Сипоҳлар билан шаксиз аралашиш керак,
Уларга ярашиқли (бўлиб) яшаш керак.

4061 Бугун менга бу ҳақда ҳам айтиб бер,
Қандай аралашиш керак, зеҳн билан англайин.

## Алжавоб

4062 Жавоб берди Ўгдулмиш, айтди: Бу ҳам,
(Агар) мен айтсам, кераклидир, эй қариндош.

4063 Энди буни ҳам сенга ўргатиш керак,
Қандай юриш керак, буни билиш лозим.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4064 Тириглик уларның билә-ул қадаш
Қайусын қадаш тут қайусын адаш

4065 Қапуғдақы бирлә йарашғу кэрәк
Қатылғу кәлишгү барышғу кэрәк

4066 Қапуғдақы бирлә йарашмаса уз
Тириглик татымас айа эдгү өз

4067 Нэкү тэр эшитгил тапуғ қылғучы
Төрү бирлә башлаб қапуғ түзгүчи

4068 Йақынлық тиләсә өзүң бэг билә
Қапуғдақы бирлә йақынлық тилә

4069 Улуғлуқ тапай тэб тэсә сэн узун
Эрәт бирлә йақшы йуры эй түзүн

4070 Нэчә ма йақын тутса бэгләр сэни
Йарашғыл эрәт бирлә турғыл көни

4071 Түгәл үч қуту-ул қапуғда киши
Буларның билә-ул тириглик иши

4072 Буларда бири өздә улғуң турур
Улуғқа тапунса өзүң қут булур

4073 Улуғла уларны ағырла сөзин
Сэни эдгү тутға йарутға йүзин

4074 Эди йақшы аймыш билиглиг бөгү
Бөгүләр сөзини ужуз тутмағу

4075 Кичигкә улуғлуқ улуғдын тэгир
Улуғқа тапунса кичиг қут алыр

4076 Улуғлар сөзин тут йүмүш қыл йүгүр
Улуғ сөзи тутса тиләккә тэгир

4077 Улуғлар қут-ул көр тиләсә қутуғ
Тапунғыл тапуғқа турур қут қамуғ

51б 4078 Тақы бир сэңә тэң туш-ул эй қадаш
Йыратса йағы-ул йағутса қадаш



www.ziyouz.com kutubxonasi

4064 Тирикчилик улар биландир, (эй) қариндош,
Баъзисин қариндош тут, баъзисин жўра (тут).

4065 Саройдагилар билан ярашиқли бўлиш керак,
Аралашиш, келишиш, боришиш керак.

4066 Саройдагилар билан соз бўлиб ярашмасанг,
Тириклик татимайди, эй эзгу киши.

4067 Хизмат қилувчи нима дейди, эшитгин,
Адл билан бошқариб саройни гуллатувчи:

4068 Ўзинг бег билан яхшиликни истасанг,
Саройдагилар билан яхшилик тилагин.

4069 Сен ҳамиша(ли), етарли улуғлик топай десанг,
Сипоҳлар билан созвор бўлиб юр, эй хушфеъл.

4070 Беглар сени қанчалик яқин тутса ҳам,
Сипоҳлар билан ярашиқли юргин, тўғри тургин.

4071 Саройдаги кишилар тугал уч тоифадир,
Тириклик ишлари булар билангинадир.

4072 Булардан бири ўзингдан улуғлар(инг)дир,
Улуққа хизмат қилсанг, ўзинг бахт топасан.

4073 Уларни улуғла, сўзларини қадрла,
Сени эзгу тутадилар, очиқ юз билан боқадилар.

4074 Билимли, доно (бу ҳақда) жуда яхши айтган,
Донолар сўзини беқадр тутмаслик керак:

4075 Кичикка улуғлик улуғдан етади,
Улуққа хизмат қилса, кичик қут олади.

4076 Улуғвор сўзини тут, юмуш қил, югур,
(Ким) улуғ сўзини тутса, тилакка етади.

4077 Улуғлар қутдир(лар), кўр, қутни тиласанг,
Хизмат қилгин, ҳамма қут хизмат эвазига келади.

4078 Тағин бири сенга тенг-тушлардир, эй қариндош,
Узоқлаштирсанг — ёвдир, яқинлаштирсанг — қариндошдир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4079 Эшиң ҳам түшүң бу қатылғу киши
Йанутқа йанут қыл эшиңгэ түши

4080 Тақы бир сэңиндэ баса-ул кичиг
Буларның билэ-ул ачығ йа сүчиг

4081 Тапуғ қылса бэр нэң йазуқ қылса ур
Йава ыдма бошлағ ишин айту тур

4082 Басытма қатығлан кичигкэ өзүң
Тилин ойнамағыл тыда тут сөзүң

4083 Адаш қолдаш эрдэш қалын тут қатыл
Қалын болса қолдаш өгэр тэкмэ тил

4084 Йағы қылма өзкэ кишиг билмэди
Йағылығ кишилэр сэвинч булмады

4085 Нэчэ аз йағы эрсэ йасы тэлим
Йағида асығ бар тэб аймас тилим

4086 Нэкү тэр эшитгил э көңли удуғ
Йағы йасы тэгрүб тоқымыш йудуғ

4087 Бир-өк душман эрсэ миң-ул йаслықы
Миңин достуң эрсэ бир-ул азлықы

4088 Киши душманыдын асығ қылмады
Қалы қылды эрсэ өзи узлықы

4089 Нэкү-тэг қылынса сэңэ қолдашың
Сэн андағ қылынғыл сэвүнсү эшиң

4090 Өзүңгэ тэңэши тутунғыл адаш
Тэңэшлик тэңэши билэ-ул түдэш

4091 Эсиз эш тутунма йырақ тур тэз-э
Эсиз эш азытур сэни йол үзэ

4092 Өзүң эдгү атлығ болайын тэсэ
Эсизкэ қатылма қатығлан оса

152*а* 4093 Қамуғ нэңни көрдүм өз өгрүн йурыр
Киши йылқы қуш қурт өз өгрин билир



www.ziyouz.com kutubxonasi

4079 Бу аралашиш керак бўлган кишилар жўранг ҳам, тенгинг ҳамдир,
Жўраларингга тенг равишда жавобга жавоб қил.

4080 Тағин бошқа бири сендан кичиклардир,
Аччиқлик ёки чучуклик шулар биландир.

4081 Хизмат қилса, нарса бер, гуноҳ қилса, ур,
Беҳуда (ва) бўш қўйма, ишини суриштириб тур.

4082 Оёқ ости қилдирма, ўзинг кичикларга қаттиқ тур,
Тилинг билан ҳазил қилмагин, сўзингни тийиб тур.

4083 Кўп ёру биродар, оғайни тут, аралаш,
Биродарлар кўп бўлса, ҳар бир тил (ҳам) мақтайди.

4084 Нотаниш кишини ўзингга душман қилма,
Душманли кишилар шодлик топмаган.

4085 Душман қанча оз бўлса (ҳам) зиёни талайдир,
Тилим душмандан фойда бор, деб айтмайди.

4086 Эй, эшитгин, кўнгли ҳушёр нима дейди,
Душман зиён етказиб машаққатларга дуч келган (киши):

4087 Душман биргина бўлса ҳам, зарари минг-мингдир,
Минглаб дўстинг бўлса ҳам, озлиги бирга тенгдир.
[яъни бир каби оздир].

4088 Киши душманидан фойда қилмаган,
Агар қилган бўлса, (у) ўзининг абжирлиги туфайлидир.

4089 Сенга биродаринг қандай (муомала) қилса,
Сен (ҳам) ўшандай қилгин, токи жўранг севинсин.

4090 Ўзингга тенгдошларни оғайни тутгин,
Тенгдош тенгдоши билан муносибдир.

4091 Ёмондан ошна тутма, зинҳор йироқ тур,
Ёмон дўст сени йўлдан оздиради.

4092 Ўзинг эзгу отли бўлайин десанг,
Ёмонга қўшилма, қаттиқ бўл, ўйла.

4093 Ҳамма нарсани кўрдим, ўз уюри [яъни хили] билан юради,
Киши, ҳайвон, парранда, қурт ўз уюрини билади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4094 Нэкү тэр эшитгил эй элчи башы
Сынаб эд̇гү эсиз кэчүрмиш йашы

4095 Сығырчуқны көрдүм учар қақыра
Тэңин бақтым эрсэ экигүн қара

4096 Қуғуқа қатылмас көрү тур йуғақ
Қара қуш өрүң қуш билэ кэд̇ йырақ

4097 Учар қуш эшин билди тутты өгүр
Киши-сэн қатылғу кишиңни өд̇үр

4098 Эки түрлүг-ул бу йақынлық иши
Бу экки үчүн дост тутар-ул киши

4099 Бир эд̇гү тутар эш кишиг тэңрилиг
Бу эшлик ичиндэ йоқ-ул эгрилик

4100 Тақы бир тутар эш өз асғы үчүн
Бу эшлик түбүкмэс болур-ул күчүн

4101 Қалы тэңрилиг эш тутунса өзүң
Йүкин йүд̇ ачығ қылма түгмэ йүзүң

4102 Мунуң асғы мунда тилэмэ сэрин
Бу асғың байат бэргэ анда йарын

4103 Апаң дунйа асғы үчүн эрсэ эш
Бу эшкэ қатылма қатылса-сэ шэш

4104 Нэкү тэр эшитгил адаш тутмыш эр
Адаш асғы йасы сынаб билмиш эр

4105 Адашығ асығ йас ичиндэ сына
Бу йэрдэ адақ тэгсэ бэк тут сэн-э

4106 Адаш көңли билмэк тилэсэ өзүң
Бушурғыл сөзүн сэн йэмэ түг йүзүң

4107 Сэв̇эр сэв̇мэсин сэн билэйин тэсэ
Сэв̇үгрэк нэңин қул уқулғай баса

152б 4108 Қашын түгмэсэ ул бу экки йэриг
Бу жан бирлэ түз тутғу ошбу эриг



www.ziyouz.com kutubxonasi

4094 Эй, эшитгин элчи боши нима дейди,
Яхши, ёмонни синаб ёшини яшаган (киши):

4095 Чуғурлаб учаётган чуғурчуқни кўрдим,
Жуфтига боқиб қарасам, иккаласи ҳам қорадир.

4096 Назар сол, юғоқ[53] оққушга аралашмайди,
Қорақуш оққуш билан жуда ҳам йироқдир.

4097 Учадиган қуш (ўз) эшини билади, уюр тузади,
Одамдирсан, аралашадиган кишингни танла.

4098 Яқинлик боғлашнинг амали икки турлидир,
Бу икки (амал) учун киши дўст тутади.

4099 Биров тангрини ўртага қўйиб кишини эзгу дўст тутади,
Бу дўстликда эгрилик бўлмайди.

4100 Тағин биров ўз манфаати учун дўст тутади,
Бу дўстлик барқарор бўлмайди, у зўраки бўлади.

4101 Агар сен тангрини ўртага қўйиб дўст тутунсанг,
Юкини кўтар, аччиқ қилма, қовоғингни солма.

4102 Бу (дўстлик)нинг манфаатини бу дунёда истама,
Бу манфаатларингни у дунёда кейин худо беради.

4103 Агар дўст дунё манфаатлари учун бўлса,
Бу дўстга аралашма, (у) аралашса, сен (масалани) ҳал қил.

4104 Дўст тутган киши нима дейди, эшитгин,
Дўстнинг фойда, зарарини синаб билган киши:

4105 Дўстни фойда, зарар борасида сина,
Оёқ бу ерга етса, сен мустаҳкам тут.

4106 Ўзинг бародар кўнглини билмоқ истасанг,
Сўз билан ғазабини келтир ҳам қовоғингни сол.

4107 Сен севиши, севмаслигини билайин десанг,
Севимлироқ нарсасини сўра, дарҳол тушунилади.

4108 У бу икки нарсага қовоғини солмаса,
Ушбу кишини бу жон билан тенг тутиш керак.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4109 Узунчы кишикә қатылма йыра
Узунчы тилиндә күйәр от көр-ә

4110 Узундын қопар ул ажун булғақы
Узунчы башын кэс эй эрсиг ақы

4111 Йана умдучы бирлә болма йағуқ
Сэзигсиз сэңә бу йағы болғай-оқ

4112 Қалы умдусы болса бу умдучы
Атағай сэни ул ини йа эчи

4113 Қалы болмаса ул эвүргэй йүзин
Туғуб көрмәдүк-тэг йыратғай өзин

4114 Адаш қолдаш эрдәш тутун умдусуз
Инанғыл аңар сэн тирил қадғусуз

4115 Адаш қолдаш эрдәш сэвинч қадғуда
Тосулур кишикә эсиз эдгүкә

4116 Сэвүгли өкүшрәк тиләсә өзүң
Туз этмәк йэтүргил ачуқ тут йүзүң

4117 Бу экки қылыққа исинүр киши
Эсиз эдгүдә бу қылур өз иши

4118 Муңар мэңзәтү сөзләмиш сөз билиг
Бу сөз ишкә тутғыл э қылқы силиг

4119 Туз этмәк йэтүргил кишикә күлә
Йүзүңни йаруқ тут сүчиг сөз билә

4120 Кишиг қул қылығлы бу экки қылынч
Адын булмадым мэн булунса тилә

4121 Эки түрлүг-ул көр йэмә-өк йағы
Йағы болса эркә йадылды ағы

4122 Бири тэңрилиг-ул йағы болдачы
Бу кафир йағылар йағы-ул тучы

15а 4123 Тақы бир йағылық асығ йас үчүн
Болур бу йағылық қылур эр өчүн



www.ziyouz.com kutubxonasi

4109 Ғийбатчи кишига аралашма, узоқлаш,
Ғийбатчи тилида ўт ёнади, кўр.

4110 Дунё фисқу фасодлари ғийбатдан чиқади,
Ғийбатчининг бошини кес, эй мардонавор сахий.

4111 Яна тамагир билан яқин бўлма,
Шубҳасиз у сенга душман бўлади.

4112 Агар (бирор) тамаси бўлса, бу тамагир
Сени ини ёки ака деб атайди.

4113 Агар (тамаси) бўлмаса, у юзини ўгиради,
Туғилиб кўрмагандек ўзини узоқлаштиради.

4114 Тамасиз ёру биродар ва дўст тутин,
Сен уларга инонгин (ва) қайғусиз яшагин.

4115 Ёру биродар, жўралар севинч ва қайғуда,
Яхшилик (ва) ёмонлик (кунлар)да киши(нинг куни)га ярайди.

4116 Ўзинг (сени) севувчилар(нинг) кўпроқ бўлишини истасанг,
Туз (ва) нон едир, чеҳрангни очиқ тут.

4117 Бу икки тадбирга киши(лар) муҳаббати ортади,
Ёмон (ва) яхши (кунлар)да бу ўз ишини қилади.

4118 Таълимда бунга мослаб сўз сўзланибди,
Бу сўзга амал қилгин, эй хулқи хуш:

4119 Одамларга кулиб боқиб тузу нон едиргин,
Ширин сўзлилик билан чеҳрангни очиқ тут.

4120 Одамни қул (яъни мафтун) қилувчи шу икки қилиқдир,
Мен (булардан) бўлагини топмадим, топилса, (сен уни) иста.

4121 Шунингдек, душман ҳам икки турлидир, кўр,
Душман бўлса, одамга (унинг) тузоғи ёйилган бўлади.

4122 Душман бўлувчиларнинг бири илоҳий [яъни кофир] душмандир,
Бу кофир душманлар ҳамишалик душмандир.

4123 Яна бир душманлик — бу фойда (ва) зарар учун
Бўлади, одам бу душманликни ўч билан қилади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4124 Йағылағу кафир йағысын қатығ
Йулуғлайу ишкә эт өз қыл сатығ

4125 Асығ йас үчүн болса эмди йағы
Аңар қод ул асғың йараш эй ағы

4126 Йағықа асығ қылса болды йағуқ
Йағы йасы қылғай көр асғы ануқ

4127 Қатығлан йағыңны йақын қыл йараш
Саламат тирилгил эсән болға баш

4128 Йағыда асығ йоқ йэтүргил билиг
Асығ болмас ишкә тэгүрмә әлиг

4129 Тапуғ уз қылын қылма өзкә йағы
Йағылығ кишикә қопар миң чоғы

4130 Адаш тут кишидә талусын кәḋин
Йаѳуз болса эш түш өкүнч йэр кэḋин

4131 Талу эр тиләсә йақын тутғуқа
Эки түрлүг-ул бу тиләк булғуқа

4132 Бири аслы эḋгү киши өḋрүми
Булулса адаш тут эй эр көḋрүми

4133 Тақы бир сақынуқ байатығ билир
Киши-ул кишилик мунуңдын кэлир

4134 Йақынлық бу экки киши бирлә тут
Булардын сэңә тэггәй эḋгү йанут

4135 Эсизкә жаѳықмыш кишидин йыра
Бу йаңлығ кишиләр қылынчы қара

4136 Қарақа йағума эй аслы өрүң
Өрүңгә қара тәрк йуқар-ул көрүң

4137 Нэ эḋгү билиг бэрди билгә өгә
Билиглиг уқыса сақынға өгә

153б 4138 Эсизкә қатылма эй эḋгү киши
Эсиз болға қылқың ул эсиз туши



www.ziyouz.com kutubxonasi

4124 Кофир душманга қарши қаттиқ жанг қилиш керак,
(Бу) ишга фидойи бўлиб, тану жонни сотувга қўй
[яъни жонингни фидо қил].

4125 (Агар) энди душман фойда (ва) зарар учун бўлса,
Ўша фойдаларингни унга қўйиб бер, яраш, эй сахий.

4126 (Ким) душманга фойда қилса, (душман) яқин бўлади,
Душман зарар қилади, (унинг) фойдаси (эса) муайян бўлади.

4127 Қаттиқ бўл, ёвингни яқин қил, яраш,
Саломат яшагин, бош эсон бўлади.

4128 Урушдан манфаат йўқ, билимингни етказган [яъни билгин],
Манфаат топмайдиган ишга қўл тегизма.

4129 Дўстлик хизматини яхши ўта, ўзингга душман орттирма,
Душманли кишига (нисбатан) минг адоватлар рўй беради.

4130 Одамлардан сарасини, яхшисини ошна тут,
(Кимнинг) дўсту оғайнилари ярамас бўлса, кейин ўкинади.

4131 Яқин тутиш учун сара киши истасанг,
Тилакни топиш учун, улар икки турлидир.

4132 Бири — асл, эзгу кишиларнинг сараси,
(Агар бундай одам) топилса, дўст тут, эй мардлар сарвари.

4133 Яна бири — андишали, худони биладиган,
У — (асл) одамдир, одамгарчилик ўшандан келади.

4134 Яқинликни шу икки киши билан тут,
Булардан сенга эзгу эваз етади.

4135 Ёмонлик билан машҳур бўлган кишидан йироқлаш,
Бу янглиғ кишиларнинг қилиғи қора (бўлади).

4136 Қорага яқинлашма, эй асли оқ,
Оққа қора тез юқади, кўринг.

4137 Билимли, доно қандай яхши таълим беради,
Билувчи тушунса, уни мақтаб фикр юритади:

4138 Ёмонга аралашма, эй эзгу киши,
Хулқинг у ёмон баробарида ёмон бўлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4139 Йав̇узқа йағума эй өд̇рүм талу
Йав̇уз болға атың изилгэй толу

4140 Йарағсыз кишикә йурыма йақа
Йарағсыз сэңә кэлгә тутға йақа

4141 Өкүш көрдүм эд̇гү атанмыш киши
Эсизкә қатылды бузулды иши

4142 Тэлим көрдүм эд̇гүг эсиз эш үчүн
Йуд̇уғқа илинди йоқадты күчүн

4143 Бу бэглэр эв̇и аты қаршы турур
Бу қаршы ичиндәки қаршы турур

4144 Тэбизлик болур бу қапуғда өкүш
Тэбиз қайда эрсә тоқуш ул уруш

4145 Сэниңдә улуғуң сэни тэбсәгэй
Сэни отқа итгэй өз итлүр тэгэй

4146 Йэмә тэбсәгэй көр сэңә тэң түшүң
Көрүмәгэй эд̇гүң түнәргә күнүң

4147 Бу йаңлығ үчүн қаршы қаршы болур

Экигүн қарышса бириси өлүр

4148 Қатығлан сэн эмди э көңлүм күни
Кишиг тэбсәмәгил йурығыл көни

4149 Тэбизлик иг-ул бир отатғу узун
Йэмиши аны бир сызар бу өзүн

4150 Байат ҳукмы-ул барча эд̇гү эсиз
Байат бэрсә тэбсәб тод̇умас тэбиз

4151 Нэкү асғы өтрү кишиг тэбсәмәк
Кишиг тэбсәгүчи сөңи игләмәк

4152 Уғынча қамуғқа өзүң эд̇гү қыл
Сэңә эд̇гу болғай сэзиг тутмағыл

154*a* 4153 Сэв̇инч болса кимкә өзүң сэв̇нү бэр
Сақынч қад̇ғу тэгсә йэмә сақну бэр



www.ziyouz.com kutubxonasi

4139 Ярамасга яқинлашма, эй сара, етук,
Отинг ярамас бўлади, тўлаликка доғ тушади.

4140 Ярокcиз кишига яқинлашма, (у билан) юрма,
Ярокcиз(лик) сенга келади, яқо(нгни) тутади.

4141 Талай кўрдим, эзгу атанган киши(лар)
Ёмонга аралашди(лару), иш(лар)и бузилди.

4142 Эзгуларни кўп кўрдим, ёмон дўст учун,
(Улар гуноҳининг) касрига қолди(лар), куч(лар)ини
йўқотди(лар).

4143 Бу беглар уйининг оти қарши (саройдир),
Бу қарши (сарой) ичидагилар қарама-қаршидирлар.

4144 Бу даргоҳда ҳасадликлар кўп бўлади,
Ҳасад қаерда бўлса, у жанжал (ва) урушдир.

4145 Сендан улуғинг сенга ҳасад қилади [яъни оёқ ости қилади],
Сени ўтга ташлайди, жони койийди, дейди.

4146 Яна сенга тенг-тўшларинг ҳасад қилади, кўр,
Муваффақиятларингни кўра олмайди, кунинг тунга айланади.

4147 (Мана) шу тарз учун ҳам сарой қарама-қарши(лик макони)
бўлади,
Иккала (қарши куч) қаршилашса, бири ўлади.

4148 Энди сен қаттиқ бўл [яъни тириш], эй кўнглим қуёши,
Кишиларга ҳасад қилма, тўғри юргин.

4149 Ҳасад бир касалликдирки, узоқ даволанади,
Унинг овқати биттадир, у жонни заифлаштиради.

4150 Бу барча яхши, ёмон(лар) худонинг ҳукмидир,
Худо (ҳасад) берса, ҳасадли ҳасад қилиб тўймайди.

4151 Кишига ҳасад қилишнинг оқибат манфаати нима,
Кишига ҳасад қилувчининг охири кори балога гирифтор бўлишдир.

4152 Имкон борича ҳаммага ўзинг эзгулик қил,
Сенга эзгу бўлади, шубҳа қилмагин.

4153 Кимга севинч келса, сен (ҳам) севингин,
Ғам, қайғу ошса, (сен) ҳам ғам чеккин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4154 Атың эдгү болғай сэни сэвгэлэр
Сэңә қатлайын тэб түзү эвгэлэр

4155 Йағы қылма өзкә қатығлан қадаш
Нэчә тутғыл эмди қадаш йа адаш

4156 Қалы болса эмди сэңә бир йағы
Осал болмағыл сэн этиб тут ағы

4157 Нэкү тэр эшитгил йағыламыш эр
Йағысы үзәлә элиг булмыш эр

4158 Осанма йағықа йақын турма кэт
Йағығ сэн осандур аны торқа йэт

4159 Сынама йағығ сэн бэдүг бил улуғ
Тайақлық йағықа тэмүр қалқан эт

4160 Бу эш түш йүкин йуд сыма көңлини
Сөзүмни унытма көдәзгил муны

4161 Йағы болса эшиң өңәр жанынга
Йа тэрмиш йумытмыш ануқ малынга

4162 Ичиңни ташыңны адашың билир
Бу ич таш билигли киши нэң алыр

4163 Тиләсә нэңиңгә тэгүргәй элиг
Тиләсә йэтүргәй жаныңқа йилиг

4164 Өзүңни нэку-тэг көдәзсә өзүң
Эшиңни аны-тэг көдәз кэс сөзүң

4165 Адаш тутмақ асан көдәзмәки сарп
Йағы болмақ асан йарашмақы сарп

4166 Йағың болды эрсә этөз жан көдәз
Йағылығ кишиләр қутулмақы аз

4167 Эки түрлүг эркә қатылма йыра
Қатылдың-му булғақ қопурғай көр-ә

154б 4168 Бириси узунчы йуңағ қылғучы
Бири экки йүзлүг киши умдучы



www.ziyouz.com kutubxonasi

4154 Отинг эзгу бўлади, сени севадилар,
Сенга аралашайин, деб барча шошиладилар.

4155 Ўзингга душман орттирма, тириш, (эй) қариндош,
Энди қанчадан-қанча қариндош ё оғайни орттиргин.

4156 Энди агар сенга бир душман бўлса,
Сен ғофил бўлмагин, тузоқни ҳозирлаб тутгин.

4157 Ёвга отланган эр нима дейди, эшитгин,
Ёви устидан қўли баланд келган эр:

4158 Ёвга (нисбатан) ғофил бўлма, яқин турма, кет,
Ёвни сен ғафлатда қолдир, уни тузоққа тушир.

4159 Ёвни сен синама, катта (ва) улуғ деб бил,
Қалтакли ёвга темирдан қалқон ҳозирла.

4160 Ёру дўстларнинг юкини кўтар, кўнглини синдирма,
Сўзимни унутма, уни эҳтиёт қилгин.

4161 Ошнанг душман бўлса, жонингга қасд қилади,
Ё терган, жам қилган нақд молингга (қасд қилади).

4162 Ичингни, ташингни дўстинг билади,
Бу ич-ташни билувчи киши нарса олади.

4163 Истаса молингга чанг солади,
Истаса жонингга раҳналик солади.

4164 Ўзинг ўзингни қанчалик кузатсанг,
Дўстингни (ҳам) ўшандай кузат, сўзингни кес.

4165 Дўст тутмоқ осон, риоя қилмоғи қийин,
Душман бўлмоқ осон, ярашмоғи қийин.

4166 Душман(инг) бўладиган бўлса, тану жонингни асра,
Душманли кишиларнинг қутулмоғи оздир.

4167 Икки турли кишига аралашма, узоқлаш,
Аралашдингми (бас), фитна кўтаради, кўр.

4168 Бири — ғийбатчи, чақимчилик қилувчи,
Бири — икки юзламачи киши, тамагир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4169 Йэмэ тутма борчы кишиг сэн адаш
Вафа қылмағай ул көңүл қылға баш

4170 Өз асғы тилэр достқа бэрмэ көңүл
Асығ булмаса болды душман тоңул

4171 Йақынлық қылу турсу тэсэ узун
Болуб қултғу қулма болу бэр сөзүн

4172 Сэв̇инчин тириглик булайын тэсэ
Қишиг тэбсэмэгил қатығлан оса

4173 Йатығ қул қылайын тэсэ сэн түгэл
Төкүб ыд̇ сав̇ алтун сунуб тут сақал

4174 Йақынны йыратмақ тилэсэ өзүң
Нэкү қулса бэрмэ ириг тут сөзүң

4175 Тириглик узунын тилэр эрсэ-сэн
Ақы бол туз этмэк йэтүр оса-сэн

4176 Қамуғқа сэв̇итмэк тилэсэ өзүң
Көңүл тил бириктүр сүчиг тут сөзүң

4177 Ағырлық булайын тэсэ сэн узун
Ағырла киши сэн э қылқы түзүн

4178 Түгэл бай болайын тэсэ бэлгүлүг
Барынга тапы бол көтүрдүң улуг

4179 Киши тутчы эмгэк[106] тилэсэ өзүң
Қылынч эд̇гү тутгыл йаруқ тут йүзүң

4180 Бу йаңлығ болур-ул киши аслысы
Кишикэ кишилик киши бэлгүси

4181 Киши аслы билмэк тилэсэ өзүң
Қылынчында көргил ачылға сөзүң

4182 Эл̆и йақшы аймыш бу байт айғучы
Сөзин маъни бирлэ тануқ қылғучы

155*a* 4183 Киши аслы билмэк тилэсэ ачуқ
Көңүл тил қылынчы бу ишкэ тануқ



www.ziyouz.com kutubxonasi

4169 Шунингдек, сен ичувчи кишини дўст тутма,
У вафо қилмайди, кўнглингни оғритиб қўяди.

4170 Ўз манфаатини истовчи дўстга кўнгил берма,
Манфаат кўрмаса, (у) душман бўлади, умидни уз.

4171 Доим яқинлик қилиб турсин(лар) десанг,
Сўратувчи бўлгину сўрама, сўз билан ҳожат чиқаравер.

4172 Севинчли тириклик топайин десанг,
Кишига ҳасад қилмагин, (бунга) тириш, андиша қил.

4173 Сен ётни тугал қул қилайин десанг,
Тоза олтинни тўкиб сарфла, (қўл) суниб соқоли(дан) тут.

4174 Ўзинг яқин (кишилар)ни узоқлаштиришни истасанг,
Нима сўраса (ҳам) берма, сўзингни дағал тут.

4175 Сен узоқ тириклик тилайдиган бўлсанг,
Сахий бўл, тузу нон едир, андиша қил.

4176 Ўзингни ҳаммага севдирмоқчи бўлсанг,
Кўнгил (ва) тилни бириктир, ширин сўзли бўл,

4177 Сен ҳамишалик қадру қиммат топайин десанг,
Сен кишиларни қадрла, эй хулқи гўзал.

4178 Ҳақиқатдан тугал бой бўлайин десанг,
Борига рози бўл, баҳра топасан.

4179 Кишилар (сени) доим мақташини истасанг,
Феъл-атворингни яхши тут, чеҳрангни очиқ тут.

4180 Кишиларнинг асили (мана) шу янглиғ бўлади,
Кишига кишилик (қилиш) киши(нинг) белгисидир.

4181 Ўзинг киши аслини билмоқни истасанг,
Феъл-атворига назар сол, сўзинг маълум бўлади [яъни дарҳол тушуниб оласан].

4182 Бу байтни айтувчи жуда яхши айтибди,
Сўзини маъни билан собит қилувчи:

4183 Киши аслини очиқ билмоқни истасанг,
Кўнгил, тил (ва) феъл-атвори бу ишга исботдир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4184 Қылынч эдгү болса көңүл тил көни
Түби аслынга бу тапуқ-улануқ

4185 Отунқа қатылма эй аслы арығ
Йүзүңнүң сувын элтгә сэндин арығ

4186 Нэкү тэр эшитгил гөрүлүг киши
Отундын йырамыш уқушлуғ башы

4187 Отунқа қатылма силиг бол амул
Тутуш аслы барча отундын оғул

4188 Бушы бирлә болма йэмә кәд йақын
Қалы бушса бузғай йақынлық ҳақын

4189 Көңүл сирры ачма сөзүң тэкмәгә
Қалы ачтың эрсә өзүң эмгәгә

4190 Йақынлық тиләсәң тучы үстигү
Көтүргил тамаъны тирилгил бөгү

4191 Қалы қулса-сэн сөз йорық болғусын
Айытуқта сөзлә көни болсу чын

4192 Қалы қулса-сэн тутчы мэңзиң қызыл
Көни бол қутулдуң сэн инчин тирил

4193 Узунлуқ тиләсә өзүң ҳам сөзүң
Әлиг қысға тутғыл қутулды өзүң

4194 Йүзүң тутчы сувлуғ тутайын тэсә

Тилин сөзләмә сөзни йалған оса

4195 Қайу йэрдә давлат көтүрсә башы
Болу бэр аңар сэн эй эдгү киши

4196 Өчәшмә бу давлат билә сэн йараш
Йарашмаса давлат ағу қылға аш

4197 Қуруғ сөзләмә сэн кишиг сондама
Ушақ сөз эдәрмә йэмә кэгнәмә



www.ziyouz.com kutubxonasi

4184 Феъл-атвори яхши, кўнгил (ва) тили тўғри бўлса,
Теги (ва) аслига бу аниқ гувоҳдир.

4185 Тубанга аралашма, эй асли тоза,
Сендан юзингнинг сувини пок-покиза олиб кетади [яъни тубан сенинг обрўйингни тўкади].

4186 Саранжом-саришта киши нима дейди, эшитгин,
Тубандан узоқлашган, фаросатли (киши)лар сарвари:

4187 Тубанга қўшилма, яхши, мулойим бўл,
Аслан жанжалнинг барчаси тубандан (чиқади), эй ўғил.

4188 Яна жоҳил билан (ҳам) жуда яқин бўлма,
Агар жаҳолат қўзғолса, яқинлик ҳақини бузади.

4189 Кўнгил сирини, сўзингни ҳар кимга оча берма,
Агар очадиган бўлсанг, ўзинг эмгак чекасан.

4190 Доим ортиб борадиган яқинлик истасанг,
Тамани йўқотиб яшагин, (эй) доно.

4191 Агар сен сўзинг раво бўлишини истасанг,
Сўралганда(гина) сўзла, (сўзинг) тўғри, чин бўлсин.

4192 Агар сен доим юзинг ёруғ бўлишини истасанг,
Тўғри бўл, бебок бўласан, сен тинч яша(йсан).

4193 Ўзингнинг ҳамда сўзингнинг узоқ қолишини истасанг,
Қўлни қисқа тутгин, ўзинг бехатар бўласан.

4194 Доим юзингни сувли тутайин десанг [яъни бообрў бўлайин десанг],
Тилда сўзни ёлғон сўзлама, андиша қил.

4195 Қаерда давлат бошини кўтарса,
Сен унга мослаша бер, эй эзгу киши.

4196 Сен бу давлат билан ўчакишма, яраш,
Ярашмасанг, давлат овқатни заҳар қилади.

4197 Сен асоссиз гапирма, кишининг орқасидан ёзғирма,
Туҳмат сўзни излама ҳамда кек-гина қилма.



www.ziyouz.com kutubxonasi

155б 4198 Туби йэл турур сөз көңүл ағрытур
Көңүл ағрыса эр сэни йаврытур

4199 Өзүндә улуғқа тилин узнама
Жаваб қылғу йэрдә ириг сөзләмә

4200 Улуғуғ ағырла көдәз ҳурматы
Улуғлуқ сэңә кэлгә йуққа қуты

4201 Сэңә тэң түшүң бирлә элтиш барыш
Қатылғыл қарығыл[107] алыш ҳам бэриш

4202 Ағырла сэни ул ағырласа чын
Ужузла ужузласа барғыл йақын

4203 Нэкү-тэг қылынса сэн андағ қылын
Сүчиг сөзләсә сөз сүчиг бол тилин

4204 Қамуғ эдгүкә бол сэн эдгү киши
Эсизкә эсиз бол ул эсиз түши

4205 Эди йақшы аймыш төрү билмиш эр
Төрү өңдү бирлә будун түзмиш эр

4206 Бу йацлығ болур көр эрәт суҳбаты
Қатылмас[108] тиләсә эми-ул оты

4207 Айу бэрдим эмди эшитти өзүң
Көңүлкә алынғыл узатма сөзүң

4208 Сэни сиз тэсәләр аны сиз тэгил
Тақы анда йэгрәк йанут сөзләгил

4209 Қайа йаңқусында қуды болмағыл
Сэни сэн тэгәй ул аны сэн тэгил

## Қара ъам бирлә суҳбат сөзи

4210 Йанут бэрди Одғурмыш айды бу сөз
Эшиттим мэн эмди айа көңли түз

156а 4211 Мунунда адын ма тақы бар сөзүм
Аны ма айу бэр э көрклүг йүзүм



www.ziyouz.com kutubxonasi

4198 Сўз бўрон, шамолдир, кўнгилни оғритади,
Кўнгил оғриса, киши сени танг аҳволга солади.

4199 Ўзингдан улуққа тилинг билан қайсарлик қилма,
Жавоб қиладиган ерда дағал сўзлама.

4200 Улуғни қадрла, ҳурматини сақла,
Сенга (ҳам) улуғлик келади, қут юқади

4201 Сен тенг-тушларинг билан келиш, бориш (қил),
Аралашгин, қўшилгин, олиш ҳам бериш (қил).

4202 Чиндан у сени қадрласа, (сен ҳам) қадрла,
Қадрсизласа, (сен ҳам) қадрсизла, яқин боргин.

4203 Қандай қилса(лар), сен (ҳам) ўшандай қилгин,
Сўзни ширин сўзласа(лар), сен (ҳам) тилда ширин бўл.

4204 Ҳамма эзгу(лар)га сен ҳам эзгу киши бўл,
Ёмонга ўша ёмон тенгида ёмон бўл.

4205 Қоида, одатни билган киши жуда яхши айтибди,
Қоида (ва) тартиб билан халқни яшнатган киши:

4206 Сипоҳлар билан муомала бу янглиғ бўлади, кўр,
Аралашмоқни истасанг, эми — иложи шудир.

4207 Энди (мен) сўзлаб бердим, ўзинг эшитдинг,
Кўнглингга (жойлаб) олгин, сўзингни чўзма:

4208 Сени сиз десалар, у(лар)ни сиз дегин,
Ундан янада яхшироқ жавоб сўзлагин.

4209 Қоянинг акс садосидан қуйи бўлмагин [яъни қолишмагин],
У сени сен дейди, уни сен дегин(чи).

### Қора авом билан суҳбат сўзи

4210 Жавоб берди Ўзғурмиш, айтди: Бу сўз(лар)ни
Энди мен эшитдим, эй кўнгли соз.

4211 Бундан бошқа яна (бир) сўзим бор,
Уни ҳам айтиб бер, эй юзи чиройли.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4212 Бу кун бу өзүм кэнд улушқа кириб
Қатылғу қарылғу будунқа йурыб

4213 Нэкү-тэг йурығу уларның билә
Муны ма айу бэр мэңә сөз үлә

### Өгдулмиш жавабы Одғурмышқа

4214 Йанут бэрди Өгдүлмиш айды бу сөз
Кэрәклиг турур чын айа қылқы түз

4215 Кэрәк болғу сөзни айыттың мэңә
Айайын эшитгил муны мэн сэңә

### Б а б. Өгдүлмиш Одғурмышқа қара ъам будунлар бирлә қатылмақны өгрәтүр

4216 Қара ъам будун барча қылқы йаңы
Билиги уқуши қылынчы тэңи

4217 Қылықсиз болурлар қара ъам будун
Төрү йоқ тоқу йоқ қатылмақ өдүн

4218 Ва лэкан уларсыз йэмә болмас иш
Тилин эдгү сөзлә аңар болма эш

4219 Қара қылқы барча болур қаб қара
Қара қылма өзни көдәзү тур-а

4220 Қара қылқы башсыз қылынчи шашы
Иши күчи барча қылынчи түши

4221 Йэмәкни билирләр қарын тодғусы
Боғузда адын йоқ улар қадғусы

156б 4222 Нэкү тэр эшитгил қара қылқыны
Сынаб сөзләгүчи киши фарқыны

4223 Қара қадғусы барча қарны үчүн
Будун тэвшики барча боғзы үчүн

4224 Тэлим халқлар өлди бу боғзы үчүн
Қара йэр қатында йэйүр[109] от үчун



www.ziyouz.com kutubxonasi

4212 Бугун мен шаҳар, қишлоққа кириб,
Юриб, халққа аралашишим, қўшилишим керак (бўлади).

4213 Улар билан қандай юриш-туриш керак,
Буни ҳам айтиб бер, менга сўз бахш эт.

### Ўгдулмишнинг Ўзғурмишга жавоби

4214 Жавоб берди Ўгдулмиш, айтди: Бу сўз
Чиндан (ҳам) кераклидир, эй хулқи гўзал.

4215 Мендан керак бўладиган сўзни сўрадинг,
Буни мен сенга айтайин, эшитгин.

## Боб. Ўгдулмиш Ўзғурмишга қора авом халқ билан аралашмоқликни ўргатади

4216 Қора авом халқнинг барча хулқи, рафтори,
Билими, уқуви феъл-атворига ярашадир.

4217 Қора авом халқ ахлоқдан узоқ [яъни содда ва тўғри] бўлади,
Аралашиш пайтида тартиб, қоидани билмайди.

4218 Ва лекин уларсиз ҳам иш бўлмайди,
Тилинг билан яхши сўзла, уларга тенг бўлма.

4219 Қора (авом) хулқи мутлоқа қора бўлади,
Ўзингни қора қилма, сақланиб тургин.

4220 Қора (авом) хулқи бебош, қилиғи қинғир бўлади,
Иши, кучи барчаси қилиғига тенг бўлади.

4221 Емокни(гина) биладилар, қорни тўяди(ми бас),
Томоқдан бўлак уларнинг қайғуси йўқ.

4222 Қора (авом) хулқини эшитгин, (бу ҳақда) нима дейди,
Киши фарқини синаб сўзлагувчи:

4223 Қора (авом) қайғусининг барчаси қорни учундир,
Халқнинг жон койитишининг барчаси томоғи учундир.

4224 Бу томоғи учун талай халқлар ўлиб кетганлар,
Қора ер қаърида ўт дамида ётибдилар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4225 Қара қарны тодса тили башсырар

Баса тутмаса бэк өзи эрк сүрэр

4226 Уларқа йэмә-өк қатыл эй қадаш
Бэрү тур уларқа йэгү ичгү аш

4227 Тилин сөзлә йумшақ нэкү қулса бэр
Бэригли алыр көр аның асғы йэр

4228 Өкүш сөзләмә сөз сэрин тил көдэз
Өкүш сөзләмиш сөз суві қалды аз

4229 Нэкү тэр эшитгил өзин тутмыш эр
Тилин бэк тутуғлы билиг билмиш эр

4230 Сөзүг барча сөз тэб чықарма тилин
Көрү сақну сөзлә кэрәкин билин

4231 Уқушлуғны көрдүм көр аз сөзләди
Өкүш сөзләдим тэб өкүнди йылын

### Ъалавилар бирлә қатылмақны өгрэтүр

4232 Эрэттә өцин бэг кишисиндә таш
Қатылғу кишилэр бу-ул эй қадаш

4233 Уларда бири савчы урғу турур
Буларны ағыр тутса қут қыв булур

4234 Уларны қатығ сэв көңүлдин нару
Нәңин эдгүлүк қыл бақа тур көрү

157*a* 4235 Булар аҳлы байт-ул ҳабибқа қадаш

Ҳабиб савчы ҳаққы үчүн сэв адаш

4236 Ичин иртәмәгил йа қылқы түзин
Магар тилдә йаңсыз йурытса сөзин

### Билгэ ъалимлар бирла қатылмақны өгрэтүр

4237 Тақы бир қуту билгә ъалимлар-ул
Улар ъилмы халққа йаруттачы йол



www.ziyouz.com kutubxonasi

4225 Қора (авом) қорни тўйса, тили бошсирайди [яъни озодликка интилади],
Сиқиб, қаттиқ тутилмаса, ўзи эрк талаб қилади.

4226 Уларга ҳам аралашгин, эй қариндош,
Уларга ейиладиган, ичиладиган овқат бериб тур.

4227 Тилингда юмшоқ сўзла, нима сўраса бер,
Берувчи олади, кўр, унинг манфаатини кўради.

4228 Сўзни кўп сўзлама, ўйла, тилни сақла,
Кўп сўзлаган сўзнинг суви [яъни таъсири] оз қолади.

4229 Ўзини тутган киши нима дейди, эшитгин,
Тилини маҳкам тутган, билим билган киши:

4230 Барча сўзни сўз деб тилдан чиқарма,
Қараб, ўйлаб сўзла, керагини билгин.

4231 Заковатли(лар)ни кўрганим бор, кўр, (улар) оз сўзлади(лар),
(Лекин) кўп сўзладим (деб) йиллаб афсусландилар.

## Алавийлар билан муомала қилишни ўргатади

4232 Сипоҳлардан бўлак, бег кишиларидан ташқари,
Аралашиш керак бўлган кишилар булардир, эй қариндош.

4233 Улардан бири паёмбар авлодларидирлар,
(Кимки) буларни қадрли тутса, бахт-саодат топади.

4234 Уларни кўнгилдан ортиқ қаттиқ сев,
Нарса (бериш) билан яхшилик қил, қараб кўриб тур [яъни хабар олиб тур].

4235 Улар аҳли байт [яъни Али хонадонига мансуб]дирлар, севимли паёмбарга қариндошлар,
(Уларни) севимли паёмбар ҳаққи учун сев, (эй) жўра.

4236 Тамоми мақсадлари ё хатти-ҳаракатларини суриштирмагин,
Тилда ножўя сўзларини юритсаларгина (суриштиргин).

## Доно олимлар билан аралашишни ўргатади

4237 Тағин бир тоифаси доно олимлардир,
Уларнинг илми халққа йўл ёритувчи (нарса)дир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4238 Уларны қатығ сэв̇ ағырла сөзин
Билиглэрин өгрэн өкүш йа азын

4239 Улар-ул йарар йа йарамасларығ
Сэчиб ад̇ра тутған көни йол арығ

4240 Оса ъилмы өгрэн билиглэри бил
Нэңин эд̇гүлүк қыл көд̇эз тэгрү тил

4241 Булар-ул ҳақиқат бод̇ын тиргүки
Улар билги-ул чын шариъат көки

4242 Йоқ эрсэ ажунда бу ъалим бөгү
Тикиб үнмэгэй эрди йэрдэ йэгү

4243 Улар ъилмы болды буд̇унқа йула
Йаруса йула түнлэ азмас йол-а

4244 Тэңиндэ үлүш қыл сүчиг сөз билэ
Аш ичгү йэтүргил тапуғ қыл күлэ

4245 Тилин сэрмэ ирмэ болун иймэнүг
Ағу-ул уларның оты бир тэмүг

4246 Тилин ирмэ сэрмэ туз этмэк йэтүр
Ағыр тут уларығ ағырла көтүр

4247 Эшит ъилмы ишлэт тилин соңдама
Йа қылқын қылынчын йав̇уз тэб тэмэ

157б 4248 Улардын кэрэки сэңэ ъилмы-ул
Көниликкө йэтсэ айу бэрсэ йол

4249 Булар-ул сүрүг қойқа эркэч саны
Қойуғ башласа сүрсэ йолча көни

4250 Қатылғыл буларның билэ эд̇гүлэш
Қутадғай сэңэ экки ажун улаш

4251 Буларда баса қач қуту бар ад̇ын
Бақа көрсэ билги билигдэ ад̇ын

## Отачылар бирлэ қатылмақны айур

4252 Уларда бириси отачы турур
Қамуғ иг туғақа бу эмчи эрүр



www.ziyouz.com kutubxonasi

4238 Уларни қаттиқ сев, сўзларини қадрла,
Кўпми ёки озми (уларнинг) билимларини ўрган.

4239 Улардир ярайдиган ё ярамайдиган (нарсаларни)
Тушуниб, айириб, тўғри, пок йўл тутадиган (кишилар).

4240 Ўйла, илмини ўрган, билимларини бил (иб ол),
Нарса (бериш) билан яхшилик қил, ширин сўз бўлиб эҳтиёт тут.

4241 Булар ҳақиқат бўйининг тирговичидирлар,
Уларнинг билими чиндан шариат негизидир.

4242 Оламда бу олим, донолар бўлмаганида,
Ерда емиш экилиб унмаган бўлар эди.

4243 Уларнинг илми халққа машъал бўлди,
Машъал ёриса, тунда йўлдан адашилмайди.

4244 Ҳузурингда ширин сўз билан баҳра кўрсат,
Овқат, хўрак едиргин, кулиб таъзим қил.

4245 Тилинг билан койима, аччиқ гапирма, андишали бўлгин,
Уларнинг дориси бир томчи оғудир.

4246 Тилинг билан койима, туз-нон едир,
Уларни қадрли тут, қадрла, кўтар.

4247 Илм(лар)ини эшит, ишлат, ишларини таъқиб қилма,
Ё хулқини, феъл-атворини ёмон дема.

4248 Улардан сенга кераги илм(лар)идир,
(Токи) ҳақиқатга етмоқчи бўлсанг, (улар) йўл айтиб берсалар.

4249 Булар қўй суруки орасидаги така кабидирлар,
(Токи) қўйни бошласа, тўғри йўл бўйлаб олиб борса.

4250 Булар билан аралашгин, яхши (муносабатда) бўл,
Икки олам сенга доим бахт (эшигини) очади.

4251 Булардан ташқари бошқа қанча табақалар бордир,
Назар солинса, билим(лар)и (бир-бирининг) билимидан ўзгача.

## Табиблар билан аралашишни айтади

4252 Улардан бири табиб(лар)дир,
Ҳамма касаллик, руҳ оғирлигига улар эмчидирлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4253 Йэмə-өк кэрəклиг сэңə бу киши
Анынсыз оңулмас тириглик иши

4254 Тириг болса йалнуқ йэмə иглəр-өк
Игин эмчи көрсə отын эмлəр-өк

4255 Иг-ул көр кишикə өлүм қолдашы
Өлүм-ул кишикə тириглик түши.

4256 Буларны йэмə эдгү тутғыл йақын
Кэрəклиг киши бу көдəзгил ҳақын

**Муъаззимлар бирлə қатылмақны айур**

4257 Буларда баса кэлди афсунчылар
Бу йэл йэклиг игкə бу-ул эмчилəр

4258 Буларқа йэмə-өк қатылғу кэрəк
Бу йэл йэклиг игкə оқығу кэрəк

158а 4259 Қалы асғы тэгсүн тэсə-сэн сэңə
Йэмə эдгү тутғыл эй эрсиг тоңа

4260 Отачы унамас муъаззим сөзин

Муъаззим отачықа эврүр йүзин

4261 Ул аймыш отуғ йэсə игкə йарар
Бу аймыш битиг тутса йэклəр йырар

**Түш йорғучылар бирлə қатылмақны айур**

4262 Тақы бир билиг көр бу түш ъилмы-ул
Түшəсə йоруғлы ачар эдгү йол

4263 Удыса бу йалнуқ түшəр-өк бу түш
Йора билсə тэркин кэлир ағзы түш

4264 Түшүг эдгү йорса бу түш йорғучы
Ул эдгү кэлир көр бу сэвнүр тучы

4265 Қалы тэңсиз эрсə түши кэд йавуз
Чығайқа бэриб нəң көдəзгү эт-өз



www.ziyouz.com kutubxonasi

4253 Бу кишилар ҳам сен учун кераклидирлар,
Тириклик иши у(лар)сиз ўнгланмайди.

4254 Тирик бўлса одам албатта касалланади,
Қасалини эмчи кўрса, дори билан даволайди.

4255 Қасаллик киши учун ўлимнинг ҳамроҳидир, кўр.
Ўлим киши учун тирикликнинг аксидир.

4256 Буларни ҳам эзгу (ва) яқин тутгин,
Бу(лар) керакли киши(лар)дир, ҳақларига риоя қил.

## Азайимхонлар билан аралашишни айтади

4257 Булардан сўнг афсунчилар [яъни азайимхонлар] келади,
Елдан, жиндан бўладиган касалликларга булар эмчидирлар.

4258 Буларга ҳам аралашиш керак,
Елдан, жиндан бўладиган касалликларга чақириш керак.

4259 Агар сенга (уларнинг) фойдаси тегсин десанг,
(Улар)ни ҳам яхши тутгин, эй мардона баҳодир.

4260 Табиб(лар) афсунчи(лар)нинг сўзига унамайди [яъни ишонмайди],
Афсунчилар (эса) табиблардан юз ўгиради.

4261 У [яъни табиб] айтган дори ейилса, дардга даво бўлади,
Бу [яъни афсунчи] айтган ёзувни тутилса, жинлар арийди.

## Туш таъбир қилувчилар билан аралашишни айтади

4262 Тағин бир билим — бу туш илмидир, кўр,
Туш кўрилса, таъбир қилувчи яхши йўл очади [яъни яхши йўяди].

4263 Бу инсон ухласа, туш кўради, бу тушни
Таъбир қила билса, албатта гапи тўғри келади.

4264 Тушни таъбир қилувчи тушни яхши таъбир қилса,
У яхшиликка келади, бу [яъни туш кўрувчи] доим севинади.

4265 Агар туши ярамас, жуда ёмон бўлса,
Йўқсилларга нарса бериб, тану жонини сақлаши керак.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4266 Бу түш ъилмы көргил бағырсақ байат
Қулы эдгүсин қулды бэрди айат

4267 Түши эдгү болса сэв̇үнсә көрүб
Эсиз көрсә раббқа сығынса туруб

4268 Чығайқа уләсә күмүш нәң тав̇ар
Байат қулса андын баланы йығар

4269 Йоругка барыр түш түшүг йақшы йор
Айа түш көрүгли түшүң йинчкә көр

4270 Бу йаңлығ түшүг уз йоруғлы булар
Билиглиг бағырсақ болуб эд̇гүләр

4271 Буларығ йэмә эдгү тутғыл қад̇аш
Тиләсә қад̇аш тут тиләсә адаш

**Йылдузчылар билә қатылмақны айур**

158б 4272 Мунуңда баса эмди йылдузчы-ул
Бақа көрсә йэтрү эди йинчкә йол

4273 Йыл ай күн сақышы буларда болур
Кэрәклиг турур бу сақыш эй үнүр

4274 Биләйин гэсә-сэн оқы ҳандаса
Ачылғай сақыш қапғы мунда баса

4275 Оқы зарбу қимсат түгәл бил касүр
Түгәлкә түгәл имтиҳан ал йэтүр

4276 Йа тазъиф йа тансиф өзүң йэтрү бил
Қалы билдиң эрсә ъадад жад̇ри қыл

4277 Йана жамъу тафриқ масаҳатқа от
Йэти қат фалакны йатур йамча тут

4278 Тақы қулса жабру муқабил оқы
Йэмә Уқлидис қапғы йэтрү тоқы

4279 Кэрәк дунйа иши кэрәк ъуқба тут
Сақыш бирлә ад̇ра тутар билгә бүт



www.ziyouz.com kutubxonasi

4266 Кўргин, бу туш илми бобида меҳрибон худо,
Бандалари учун яхшилик кўзлади, оятлар ато қилди.

4267 (Кишининг) туши яхши бўлса, кўриб севинса,
Ёмон (туш) кўрса, туриб худога сиғинса.

4268 Йўқсил(лар)га кумуш, нарса, товар улашса,
Худо хоҳласа, ундан бало(лар)ни даф қилади.

4269 Туш таъбирга мос келади, тушни яхшиликка йўй,
Эй туш кўрувчи, тушингни нозик кўр [яъни яхшиликка кўр].

4270 Бу янглиғ тушни яхши таъбир қилувчи булардир,
Билимли, меҳрибон бўлиб (таъбир қилувчи) яхшилардир.

4271 Буларни ҳам яхши тутгин, (эй) қариндош,
Истасанг қариндош тут, истасанг оғайни (тут).

### Юлдузчилар билан аралашишни айтади

4272 Энди бундан бошқаси юлдузчилардир,
Яхшироқ назар солиб кўрилса, бу жуда нозик йўлдир.

4273 Йил, ой, кун ҳисоби буларда бўлади,
Бу ҳисоб кераклидир, эй униб-ўсувчи.

4274 Сен (уни) билайин десанг, ҳандасани[54] ўқи,
Бу туфайли ҳисоб эшиги очилади.

4275 Зарбу қисматни[55] ўқи, кусурни [56] тугал бил,
Тугалга тугал имтиҳон, тадбир қўлла.

4276 Ё тазъиф[57] бўлсин, ё тансиф[58] бўлсин, ўзинг етарли бил,
Агар (буни) билиб олсанг, адад жазри[59] қил.

4277 Яна жамъу тафриқ[60], масоҳатга[61] ўт,
Етти қават фалакни(нг сирларини) (ерда) ётган хас каби
(енгил) билиб ол.

4278 Тағин истасанг, жабру муқобил[62] ўқи,
Ҳамда Уқлидис[63] эшигини тушуниб қоқ [яъни Уқлидиснинг
математик назариясини чуқур ўрган].

4279 Хоҳ дунё иш(лари), хоҳ охират (ишлари) бўлсин,
Доно(лар) ҳисоб билан фарқлаб қилади, ишонгин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4280 Сақыш артаса дунйа ъуқба иши
Нэчә бирлә артар эй эдгү киши

4281 Қылайын тэсә сэн өзүң иш кҮдүг
Айытғу кэрәк эдгү эсиз өдүг

4282 Күн ай қутлуғы бар йэмә қутсузы
Айыт қутлуғын тут э йалңуқ түзи

4283 Эди йақшы аймыш билиглиг қары
Билиглигкә айтиб ишиң қыл йуры

4284 Билиг бирлә йалңуқ ишин башласа
Тиләк булды сақын нэкү ишләсә

159а 4285 Түгәл иштә ашну тосулур билиг
Кэнилсә билиг ишкә йэтмәс элиг

4286 Айыт сөз уларқа йэмә бүтмә тэрк
Билигли байат-ул муны тутғу бэрк

4287 Буларығ йэмә эдгү тутғыл йараш
Тилин сэрмә ирмә көңүл қылма баш

**Шаъирлар бирлә қатылмақны айур**

4288 Баса кэлди шаъир бу сөз тэргүчи
Кишиг өггүчиләр йэмә йэргүчи

4289 Қылычда йэтигрәк буларның тили
Йана қылда йинчкә бу хатир йолы

4290 Татығ йинчкә сөзләр уқайын тэсә
Булардын эшит сөз уқулғай баса

4291 Тэңизкә кирүр көрсә көңлүн түгәл
Гуҳар йүнжнү йақут чықарур масал

4292 Улар өгсәләр өгди элкә барыр
Қалы сөксәләр аты артаб қалыр

4293 Оса эдгү тутғыл буларны қадаш
Буларның тилингә илинмә адаш



www.ziyouz.com kutubxonasi

4280 Ҳисоб бузилса, дунё, охират ишлари (ҳам)
Сал нарса билан бузилади, эй яхши киши.

4281 Сен ўзинг иш қилайин десанг,
Қулай, ноқулай вақтини сўраш керак.

4282 Кун, ой(лар)нинг қутлиси ва қутсиз(лар)и бор,
Сўра, қутлисини танлаб ол, эй одамлар яхшиси.

4283 Билимли, ёшули жуда яхши айтибди,
Кел, ишингни билимлидан сўраб қил.

4284 Инсон ишини билим билан бошласа,
Нимаики иш қилса, тилакка етади (деб) ҳисобла.

4285 Ҳамма ишда энг аввал билим фойда келтиради,
Билим кейинга қўйилса, қўл ишга етмайди.

4286 Улардан сўз сўра, шунингдек, дарҳол ишона қолма,
(Тугал) билувчи (биргина) худодир, буни қаттиқ тутиш керак.

4287 Буларни ҳам яхши тутгин (ва) мослаш,
Тилинг билан дашном берма, кўнглини яра қилма.

## Шоирлар билан аралашишни ўргатади

4288 Яна шоирлар келдилар, булар сўз тергувчилардир,
Кишини мақтовчи ҳамда сўкувчилардир.

4289 Уларнинг тиллари қиличдан ҳам ўткирроқдир,
Хотир йўллари эса қилдан ҳам нозикдир.

4290 Ҳар хил нозик сўзларни фаҳмлайин десанг,
Сўзни булардан эшит, жуда тушунилади.

4291 Боқиб кўрсанг, улар бутун кўнгли билан денгизга кирадилар,
Мисли гавҳар, инжу, ёқут чиқарадилар.

4292 Улар мақтасалар, мақтовлари эл ўртасида ёйилади,
Агар сўксалар, кишининг номи ёмон бўлиб қолади.

4293 Эй қариндош, андиша қил, уларни яхши тутгин,
Эй дўстим, буларнинг тилларига тушиб қолма.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4294 Қалы эдгү өгди тиләсә өзүң
Буларны сәвиндүр кәсилди сөзүң

4295 Нәкү қулса бәргил буларқа түгәл
Буларның тилиндин өзүң сатғын ал

## Тарығчылар бирлә қатылмақны өгрәтүр

159б 4296 Тарығчы турур көр тақы бир қуту
Кәрәклиг кишиләр турур бу бүтү

4297 Буларның билә сән қатыл ҳам қарыл
Боғуздын сыңар сән сақынч сән сәрил[110]

4298 Қамуғ тәбрәнүркә булардын асығ
Түзүкә тәгир йәм ичимдин татығ

4299 Түзү тын тоқығлы ачыб тодғучы
Муңар болды муңлуғ тириг болғучы

4300 Сәңә ма сәзигсиз кәрәк бу киши
Этилсә анын өтрү боғзуң иши

4301 Буларның билә ма қатыл эй қадаш
Арығ болға боғзуң ҳалал болға аш

4302 Нәкү тәр эшитгил сақынуқ башы
Қамуғ турлуг ишдин сақынмыш киши

4303 Көни йол тутайын тәсә йинчкәлиг
Боғузуғ арытғу э қылқы силиг

4304 Сақынуқ болайын тәсә бәлгүлүг
Боғузқа эгингә ҳалал бәр үлүг

4305 Чығай болмайын бай болайын тәсә
Зина қылма ҳаргэз қатығлан оса

4306 Ағырлық булайын тәсә-сән узун
Фасадқа қатылма э қылқы түзүн

4307 Фасад-ул бузуғлы түбүг йылдызығ
Фасад-ул бузуғлы бу эдгү ызығ



www.ziyouz.com kutubxonasi

4294 Агар сен яхши мақтовлар истасанг,
Буларни севинтир, сўзинг тамом.

4295 Нимаики сўрасалар, буларга тугал бергин,
Буларнинг тилидан ўзингни сотиб [яъни қутқариб ол].

### Деҳқонлар билан аралашишни ўргатади

4296 Тағин бир тоифаси деҳқонлардир,
Булар мутлақо кераклн кишилардир.

4297 Булар билан сен аралаш ҳамда қовуш,
Томоқ жиҳатидан сен ташвишсиз яша.

4298 Ҳамма қимирлаган (жон)га булардан манфаат (бўлади),
Ҳаммасига ейим (ва) ичимдан ҳаловат етади.

4299 Ҳамма нафас олувчи [яъни жонли] очиқиб-тўювчи(лар),
(Жамики) тириклар буларга ҳожатманд бўлади.

4300 Бу киши(лар) сенга ҳам шубҳасиз керак(дир)лар,
(Токи) улар туфайлигина томоғингнинг масаласи ҳал бўлсин.

4301 Булар билан ҳам аралашгин, эй қариндош,
Ҳалқуминг пок, овқатинг ҳалол бўлади.

4302 Режалилар бошлиғи нима дейди, эшитгин
Ҳамма турли иш(лар)дан эҳтиёт бўлган киши:

4303 Нозик, тўғри йўл тутайин десанг,
Ҳалқумни поклаш керак, эй хулқи гўзал,

4304 Муқаррар эҳтиёткор бўлайин десанг,
Ҳалқумга, танга ҳалол улуш бер.

4305 Гадой бўлмайин, бой бўлайин десанг,
Зино қилма ҳаргиз, маҳкам бўл, ўйла.

4306 Сен ҳамишали қадру қиммат топайин десанг,
Фисқу фужурга қўшилма, эй хулқи хуш.

4307 Мояни, асосни бузувчи фисқу фужурдир,
Эзгу изни бузувчи фисқу фужурдир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4308 Фасаддын көзәр ул булунмыш қутуғ
Фасад тамдурур ул удымыш отуғ

4309 Эди йақшы аймыш қылынчы силиг
Билиг бирлә ишкә йэтүрмиш элиг

160*a* 4310 Фасад тэгрә турма йурыма йағуқ
Фасад қайда болса ужузлуқ ануқ

4311 Фасад бирлә давлат турумас қачар
Қалы турса таң йоқ түнәрчә қонуқ

4312 Тарығчы кишиләр болур элги кэң
Байат бэрмишиндин тутар көңли кэң

4313 Қамуғ тэбрәнигли түзү йэр өңи
Йурығлы ашы-ул учуғлы мэңи

4314 Буларқа қатылғыл қарылғыл өзуң
Тилин йақшы сөзлә ачуқ тут йүзүң

**Сатығчылар бирлә қатылмақны айур**

4315 Мунунда басасы сатығчы турур
Сатығ бирлә тынмас асығчы турур

4316 Ажун тэзгинүрләр тирилгү тиләб
Өги көңли бүтрү байатқа улаб

4317 Уларқа қатылғыл кэлиш ҳам барыш
Нэкү қулса бэргил алыш ҳам бэриш

4318 Уларда болур бу ажун арзусы
Будун көрки өдрүм талу эдгүси

4319 Туғардын батарқа йурыб тэзгинүр
Тиләмиш тиләкиң сэңә кэлдүрүр

4320 Түмән тү ағылар ажун таңсуқы
Уларда болур эй билиглиг ақы

4321 Сатығчы йоқ эрсә ажун кэзгүчи
Қачан кэдгәй эрди қара кэш ичи



www.ziyouz.com kutubxonasi

4308 Эришилган саодатни фисқу фужурдан сақла,
Ўчган оловни фисқу фужур ёндиради.

4309 Феълу атвори чиройли (киши) жуда яхши айтибди,
Ишга билим билан қўл урган (киши):

4310 Фисқу фужур атрофида турма, яқин юрма,
Фисқу фужур қайда бўлса, қадрсизлик аниқдир.

4311 Фисқу фужур билан давлат туролмайди, қочади,
Агар турса, (ҳеч) ажабланадиган ери йўқ, (у) тунаб ўтадиган меҳмон (каби)дир.

4312 Деҳқон кишилар қўли очиқ бўлади,
Кўнглини худо берганидан ҳам зиёд кенг тутади.

4313 Бутун ер юзидаги ҳамма қимирлаган жоннинг,
Юрадиганларнинг овқати-ю, учадиганларнинг дони (улар)дир.

4314 Ўзинг булар билан аралашгин, қўшилгин,
Тилда яхши сўзла, юзингни очиқ тут.

## Савдогарлар билан аралашмоқликни айтади

4315 Бундан бошқаси савдогар(лар)дир,
Савдо билан тинмайдиган фойдачи(лар)дир.

4316 Яшаш лозимотларини истаб олам кезадилар,
Ақлу ҳушларини бутунлай худога топшириб.

4317 Уларга аралашгин, келиш ҳам бориш,
Нима сўраса бергин, олди-берди қилгин.

4318 Бу дунё орзуси уларда бўлади,
Халқ гўзалликлари, сара, етук, яхши (нарсалар).

4319 Шарқдан Ғарбга (қадар) юриб кезади(лар),
Тилаган тилакларингни сенга келтиради(лар).

4320 Турли-туман қимматбаҳо нарсалар, дунёнинг тансиқ (нарсалар)и,
Уларда бўлади, эй билимли, сахий.

4321 Оламни кезувчи савдогар(лар) бўлмаганда эди,
Қора сувсар терисини қачон кийган бўлар эдинг.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4322 Хытай арқышы кэссэ арқыш туғы

Қайун кэлгэй эрди түмэн тү ағы

160б 4323 Сатығчы йурымады эрсэ кэзиб
Көзүн ким көрэр эрди йүнжү тэриб

4324 Сақа бэрсэ мундағ бу йаңлығ тэлим
Узун болға сөз тэб тыралды тилим

4325 Бу йаңлығ болур бу сатығчы қамуғ
Қатылғыл уларқа ачуқ тут қапуғ

4326 Қатығлан уларығ эди эдгү тут
Сэниң атың эдгүн йырақ барға бүт

4327 Булар ул ажунда көр ат элтгүчи
Эсиз эдгү эрсэ аны йадғучы

4328 Сэңэ аз өкүш нэң түрү қылсалар
Йанут қылғу отру сэвинч булсалар

4329 Асыг йаста йинчкэ болур қылқлары
Қатылса муны кэд көдэзиб йуры

4330 Нэкү тэр эшитгил ажун кэзмиш эр
Башында кэчүрмыш тэлим көрмиш э

4331 Ажунда атыңны йадайын тэсэ
Өмэк эдгү тутғыл қатығлан ос

4332 Жавықмақ тилэсэ өзүң бэлгүлү
Сатығчықа эдгү йанут қыл үлүг

4333 Ат эдгү тилэсэ өзүн эй уры
Өмэк арқышығ эдгү тутғыл йуры

4334 Бу йаңлығ қатылғыл сатығчы билэ
Тирил эдгү атын сэвинчин күлэ

### Игдишчилэр бирлэ қатылмақны айур

4335 Мунуңда баса-ул бу игдишчилэр
Қамуғ йылқыларқа булар башчылар



www.ziyouz.com kutubxonasi

4322 Хитой карвон(лар)и карвон чангини бас қилганда эди, [яъни юриб кезмаганда эди],
Турли-туман қимматбаҳо нарсалар қаердан келган бўларди.

4323 Савдогар(лар) кезиб юрмаганда эди,
Инжуни тизиб ким кўзи билан кўрган бўларди.

4324 Бундай санай берса, бу янглиғ (гаплар) кўпдир,
Сўз чўзилиб кетади, деб тилим тийинди.

4325 Бу савдогар(лар) барчаси шу янглиғ бўлади,
Уларга аралашгин, эшигингни очиқ тут.

4326 Тиришгин, уларни жуда эзгу тут,
Сенинг отинг эзгулик билан узоқ (ерларга) боради, ишон.

4227 Оламда номни элтувчи булардир, кўр,
Ёмон (ёки) яхши бўлса, уни ёювчи.

4328 Сенга озми-кўпми буюм тугун [яъни тортиқ] қилсалар,
Қарши эваз қайтариш керак, токи севинч топсинлар.

4329 Фойда-зарарда (уларнинг) табиатлари нозик бўлади,
Аралашганда бунга жуда риоя қилиб юргин.

4330 Дунё кезган киши нима дейди, эшитгин,
Бошидан кечирган, кўп кўрган киши:

4331 Оламда номингни ёйийн десанг,
Мусофирни эзгу тутгин, тиришгин, андиша қил.

4332 Ўзинг ҳақиқатан донг таратишни истасанг,
Савдогар(лар)ни эзгу жавоб бериш билан баҳраманд қил.

4333 Ўзинг эзгу ном (олмоқ) истасанг, эй ўғил,
Кел, мусофир карвонни эзгу тутгин.

4334 Савдогар(лар) билан (мана) шу тарзда аралашгин,
Шод бўлиб, кулиб, эзгу от билан яша.

### Чорвадорлар билан аралашмоқликни айтади

4335 Бу чорвадорлар бу(лар)дан бошқалардир,
Ҳамма ҳайвонларга булар бошчидирлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

161*a* 4336 Бүтүн чын болурлар қуты йоқ бүки
Кишиләркә тэгмәс буларның йүки

4337 Йэгү кэдгү мингү ат айғыр сүлүг
Булардын чықар ҳам йүдүргү күлүг

4338 Қымыз сүт йа йуң йағ йа йуғрут қурут
Йадым йа кидиз ҳам эзәр эвкә тут

4339 Асығлығ кишилар болур бу қуту
Буларығ йэмә эдгү тут эй бүтү

4340 Қатылғыл қарылғыл йэтүр ҳам ичүр
Көнилик үзәлә тириглик кэчүр

4341 Нэкү қулса бэргил кэрәк болса ал
Көни көрдүм ошбу қуту билмас ал

4342 Буларда тиләмә төрү йа билиг
Йорықлары кэңрү болур эй силиг

4343 Буларқа қатылса өзүңни тутун
Төрүсүз қүтүсуз[111] болурлар отун

4344 Тилин эдгү сөзлә эшимсинмәгил
Басынған болурлар билигсиз Чигил

4345 Эди йақшы аймыш төрү бэргүчи
Будун бирлә қатлыб сынаб билгүчи

4346 Билигсизни артуқ йақын тутмағу
Йақын тутса шаксиз қылур қылмағу

4347 Тақы мунда йақшы айур көр билиг
Билиг бирлә ишкә тэгүргү әлиг

4348 Билигсизкә йақма өзүңни тутун
Өзин тутғучы эр тирилди қутун

4349 Билигсиз кишидин йырақ тур тэз-э
Билигсиз сөзи қылқы барча отун

4350 Бу йаңлығ болур эмди игдишчиләр
Қатылмақ тиләсә сөзүм йолчылар



www.ziyouz.com kutubxonasi

4336 Ишончли, чин бўладилар, мол-мулклари, ер-боғлари йўқ,
Одамларга уларнинг малоли тегмайди.

4337 Ейишли, кийишли, минишли ахта от(лар), айғирлар, байталлар
Ҳамда юк ортиладиган ҳайвон (туя, от) улардан чиқади.

4338 Қимиз, сут ё юнг, ёғ ё сузма, қурут,
Намат ё кигиз ҳамда уйга тутиладиган пардалар (уларда бўлади).

4339 Бу одамлар фойдали кишилардир,
Буларни ҳам эзгу тут, эй униб — ўсувчи.

4340 Аралашгин, қўшилгин, едир ҳам ичир,
Тўғрилик узра тириклик кечир.

4341 Нима сўраса бергин, керак бўлса ол,
Чиндан кўрдим, ушбу одамлар ҳийла-найрангни билмайди(лар).

4342 Булардан тартиб-қоида (ва) билим истама,
(Уларнинг) тарзу рафторлари кенг бўлади, эй нозик (феълли).

4343 Уларга аралашсанг, ўзингни тут,
Тартибсиз-қоидасиз, (мулоҳазаси) паст бўладилар,

4344 Тилда эзгу сўзла, дўст (бўлади) деб ҳисоблама,
Билимсиз чигил(лар) жаҳолатли бўлади(лар).

4345 Низом ўргатувчи жуда яхши айтибди,
Халқ билан аралашиб, синаб билувчи (киши);

4346 Билимсизни ортиқча яқин тутмаслик керак,
Яқин тутсанг, шубҳасиз қилмайдиган (ишлар)ни қилади.

4347 Таълимда бундан ҳам яхшироқ айтилади,
Ишга билим билан қўл уриш керак:

4348 Билимсизга яқинлашма, ўзингни тутгин,
Ўзини тутган киши бахтиёр яшайди.

4349 Билимсиз кишидан зинҳор узоқ тур,
Билимсизнинг хулқи мутлақо тубандир.

4350 Энди [яъни хуллас] чорвадорлар шу янглиғ бўлади(лар),
(Уларга) аралашмоқни истасанг, сўз(лар)им (сенга) раҳнамо бўлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

161б 4351 Айу бэрдим эмди сэңә бэлгүлүг
Нэкү-тэг тирилгү алынғу үлүг

## Узлар бирлә қатылмақны айур

4352 Тақы бир қутусы бу узлар турур
Тирилгү тиләб өзкә узлуқ қылур

4353 Кәрәклиг кишиләр йэмә бу сэңә
Йақын тут буларығ тосулғай тоңа

4354 Тэмүрчи этүкчи йэнә қырмачы

Йа сырчы бэдизчи йа оқчы йачы

4355 Бу дунйа этиги булардын турур
Ажунда таң ишләр булардын төрүр

4356 Тэлим бар бу йаңлығ саса сөз узар
Өзүң сэн уқа бэр өзүм сөз үзәр

4357 Буларның биләма қатыл ҳам қарыл
Сэвиндүр уларығ сэвинчин тирил

4358 Ишиң қылсалар тәрк тэрин тэгрү бэр
Йэтүргил ичүргил ашын кэңрү бэр

4359 Айыңламасунлар сэни халқ ара
Атың артамасун муны кәд көр-ә

4360 Йэмә йақшы аймыш билиглиг сөзүг
Будунқа бағырсақ нэ көңли түзүг

4361 Тириглик тиләмә ат эдгү тилә
Ат эдгү кэрәк бу тириглик билә

4362 Өзүң өлгү ахир бу атың қалыр
Атың эдгү болса тириглик татыр

4363 Кимиң аты эсиз болуб артаса
Аңар йэгрәки-ул тириг турмаса

162а 4364 Мун-ул бу тириглик тилә эдгү ат
Эсиз қылма эдгү қылын мәңү ат



www.ziyouz.com kutubxonasi

4351 Энди сенга (бу ҳақда) аниқ айтиб бердим,
Қандай яшаш керак (ва) ҳисса олиш кераклигини.

## Ҳунармандлар билан аралашмоқликни айтади

4352 Тағин бир тоифа одамлар ҳунармандлардир,
Ўзларига яшаш учун зарур нарсаларни истаб ҳунармандчилик қиладилар.

4353 Булар ҳам сенга керакли кишилардир,
Буларни яқин тут, фойдаси тегади, (эй) баҳодир.

4354 Темирчи(лар), этикчилар [яъни косиблар] ҳамда ўймакор-дурадгор(лар),
Ё бўёқчи(лар), рассомлар, ё ўқсоз-ёйсозлар.

4355 Бу дунёнинг гўзалликлари булардан чиқади,
Оламдаги ҳайратомуз ишлар булардан чиқади.

4356 Бу(лар)га ўхшашлар талай бор, саналса сўз чўзилади,
Сен ўзинг тушуна бер, мен сўзни тамомлайман.

4357 Булар билан ҳам аралашгин ва қўшил,
Уларни севинтир, (ўзинг ҳам) севинч билан ҳаёт кечир.

4358 Ишингни қилсалар, иш ҳақларини тез етказиб бер,
Едиргин, ичиргин, овқатларини мўл-кўл (қилиб) бер.

4359 Халқ орасида сени нокаста қилмасинлар,
Номинг булғанмасин, буни яхши кўра ол.

4360 Билимли сўзни янада яхши айтибди,
Халққа меҳрибон ва кўнгли пок (киши):

4361 Тириклик истама, эзгу ном иста,
Эзгу ном лозим, бу тириклик демакдир, билиб қўй.

4362 Охири ўзинг ўласан, (уш)бу номинг қолади,
Номинг эзгу бўлса, тириклик татийди.

4363 Кимнинг номи ёмон бўлиб булғанса,
Унинг учун тирик турмагани яхшироқдир.

4364 Бу тириклик бир моядир, эзгу ном иста,
Мангу номингни ёмон қилма, яхши қил.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Чығайлар бирлә қатылмақны айур

4365 Буларда басасы чығайлар турур
Нәңин эд̇гүлүк қыл ичүр ҳам йэтүр

4366 Дуъачы турурлар сэңә эй қад̇аш
Эд̇и эдгү нәң бу дуъа эй қад̇аш

4367 Улардын тиләмә тав̇арын йанут
Йануты байат бэргә эд̇гү қонут

4368 Бу ул элдә түрлүг қатылғу киши

Сэңә түшсә иш йа уларқа иши

4369 Төрү бэр ишиндә бағырсақлықын
Сэңә болға барча кишиләр йақын

4370 Өзүң булға экки ажун эд̇гүси
Атың эд̇гү болға йад̇ылға күси

## Эв̇лик нәкү-тэг алмақны айур

4371 Қалы эв̇лик алмақ тиләсә өзүң
Талусын тилә кәд̇ йэти қыл көзүң

4372 Көки эд̇гү болсун уруғ ҳам тарығ
Ов̇утлуғ сақынуқ тиләгил арығ

4373 Оса эв̇ қызы ал элиг тэгмәдүк
Сэниңдә ад̇ын эр йүзин көрмәдүк

4374 Сэни сэв̇гә сэндин ад̇ын билмәгә
Йарағсыз йа тэңсиз қылық кэлмәгә

162б 4375 Өзүңдә қуд̇ы ал киси алса-сэн
Бэд̇үг түбкә бақма болун болға-сэн

3376 Нәкү тэр эшитгил сынамыш киши
Сынамыш кишиниң бышығ-ул иши

4377 Киси алса өздә қуд̇ы ал көни
Сэв̇инчин кэчүргәй-сэн өд̇ләк күни



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Қамбағаллар билан аралашмоқликни айтади

4365 Булардан бўлаги камбағаллардир,
Нарса (бериш) билан яхшилик қил, ичир ҳам едир.

4366 (Улар) сенга дуочидирлар, эй қариндош,
Бу дуо жуда яхши нарса, эй қариндош.

4367 Улардан эваз мол-товар истама,
Эвазини яхши ўриндан [яъни жаннатдан] худо беради.

4368 Элда аралашиш тўғри келадиган турли кишилар шу (юқорида) саналган)лардир,
Сенга (уларнинг) иши ёки уларга (сенинг) ишинг тушса.

4369 Ишлари тушганда меҳрибонлик билан додига ет,
Сенга барча кишилар яқин бўлади(лар).

4370 Ўзинг икки дунё эзгулигини топасан,
Номинг эзгу бўлади, (отинг) овозаси ёйилади.

## Хотиннинг қанақасини олмоқликни айтади

4771 Агар ўзинг хотин олмоқликни истасанг,
Сарасини иста, кўзингни жуда ўткир қил.

4772 Асли, уруғи ҳамда тариғи [яъни зоти] яхши бўлсин,
Уятли, андишали, покизасини истагин.

4773 (Ўбдан) ўйла, қўл тегмаган уй қизини ол,
Сендан бўлак эр юзини кўрмаган (бўлсин).

4374 (Фақат) сени севади, сендан бўлакни билмайди,
Ярамас ёки ножўя қилиқ содир бўлмайди.

4375 Сен хотин олсанг, ўзингдан қуйисини ол,
Зоти олийсига боқма, сен қул бўлиб қоласан.

4376 Синаган киши нима дейди, эшитгин,
Синаган кишининг иши пишиқ бўлади:

4377 Хотин олсанг, ўзингдан қуйи (ва) тўғрисини ол,
Сен даврон кун(лар)ини севинчда ўтказасан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4378 Йүзи көрки қулма қылынч эдгү қул
Қылынч эдгү болса йарутға сэни

4379 Киси алма алса өзүңгә қуры
Сэн алғыл сақынуқ эрәнләр эри

4380 Йүзи көрки қулма қылынч эдгү қул
Қылынч эдгү болса түгәл болға ул

4381 Э көрклүг қулуғлы муны қулмағыл
Қызыл мэңзиңи сэн сарығ қылмағыл

4382 Ким эвлик алайын тэсә төрттә таш
Адын алмас эвлик айа эрдә баш

4383 Бир эдгү бай эвлик тиләр үстикиб

Тақы бир(и) [112] көрклүг тиләр көз тикиб

4384 Тақы бир уруғлуғ түб аслы қулур

Улуғлуқ атынга күвәнүр болур

4385 Тақы бири йинчкә сақынуқ тиләр

Аны булса тэркин аңар өз улар

4386 Буларда талусын айайын сэңә
Киси алғу эрсәң қулақ тут мэңә

4387 Айа бай тиләгли сэн эвлик талу
Болун болмағыл сэн э билги толу

4388 Бэдүтгә тили көнли нэңгә болуб
Көтүргү кэрәк нэң тиләсә қулуб

4389 Айа көрк тиләгли киши эдгүси
Киси көрку қулма будун күлгүси

163*а* 4390 Түзү халқ сэвәр-ул киси көркини
Магар тэңри фазлы кәдәзсә аны

4391 Айа түб тиләгли бэдүглүк билә
Ужуз қылмағу өз бэдүг түб билә



www.ziyouz.com kutubxonasi

4378 Юзи чиройини истама, хулқи яхшисини иста,
Феъл-атвори яхши бўлса, сенинг юзингни ёритади.

4379 (Аввало) хотин олма, олсанг, ўзингга муносибини
Олгин сен, (эй) режали мардларнинг марди.

4380 Юзи чиройини истама, феълу атвори яхшисини иста,
Феълу атвори яхши бўлса, у тўкис бўлади.

4381 Эй, чиройлини истовчи, буни истамагин,
Қизил юзингни сен сариқ қилмагин.

4382 Ким хотин олайин деса, тўрт (тоифа)дан ташқари,
Бошқа (тоифа) хотин олмайди, эй кишилар (ораси)да сарвари.

4383 (Баъзи) бир яхши(лар) зўр иштиёқ билан бой хотин истайди(лар),
Яна (баъзи) бир(лар)и кўз тикиб чиройлисини истайди(лар).

4384 Тағин (баъзи) бир(лар)и уруғли, теги асл(лар)ни сўроқлайди(лар),
(Улар) улуғлик номига учадиган бўладилар.

4385 Тағин (баъзи) бир(лар)и фаросатли, андишалисини истаиди(лар),
Уни топса(лар), дарҳол унга ўз(лар)ини улайди(лар).

4386 Булардан энг афзалини сенга айтайин,
Хотин оладиган бўлсанг, менга қулоқ сол.

4387 Эй сен, етук бой хотин истовчи,
Сен қул бўлиб қолмагин, эй билими тўла.

4388 Кўнгли мол билан бўлиб, тилини узун қилади,
(У) мол истаб, (уни) талаб қилса, ғамини ейиш керак бўлади.

4389 Эй, чирой истовчи, кишиларнинг яхшиси,
Хотиннинг чиройлисини қидирма, одамлар куладилар.

4390 Хотиннинг чиройлисини барча халқлар севадилар,
Уни тангрининг фазлигина асрасин.

4391 Эй, зоти олий (хотин) истовчи,
Олий зот билан ўзни қадрсиз қилмаслик керак.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4392 Уруғлуғ тарығлығ бэдүглэр тили
Бэдүгрэк болур болма эчи қулы

4393 Эй йинчкэ сақынуқ тилэгли ынал

Муны булса булдуң бу төрт нэң түгэл

4394 Қалы булса эдгү сақынуқ тиши
Йава қылма алғыл эй эдгү киши

4395 Тилэк байлық эрсэ тэрэ бэргэ нэң
Байутға сэни ул қызыл болға эң

4396 Қылынчы көни эрди[113] көрки кэлир
Тиши көрки қылқ-ул билигли билир

4397 Сақынуқ арығ болса аслы болур
Ул үч нэң бу йэрдэ болур эй үнүр

4398 Сақынуқ тилэ сэн киси эй бөгү
Сақынуқ булунса болур төртэгү

4399 Мунуң-тэг булур эрсэ-сэн бир тиши
Қатығлан сэрин ыдма эрсиг киши

## Б а б. Оғул қыз туғса анларны нэ-тэг игидгүсини айур

4400 Оғул қыз төрүсэ сэниң эй тэгин
Эвиндэ игидгил игидмэ өңин

4401 Авуртасы эдгү киши тут арығ
Оғул қыз арығ қопға турға фариғ

4402 Оғул қызқа өгрэт билиг ҳам адаб
Аңар экки ажун аның асғы таб

163б 4403 Оғулқа кисы ал қызығ эркэ бэр
Сақынчсыз тирилгил айа қутлуғ өз[114]

4404 Қамуғ эрдэм өгрэт оғулқа түгэл
Ул эрдэм билэ бу тэрэ бэргэ мал



www.ziyouz.com kutubxonasi

4392 Насл-насабли, уруғлиларнинг тили
Узунроқ бўлади, хотин қули бўлма.

4393 Эй, фаросатли, андишали (хотин) истовчи жўра,
Бу(ндай хотин)ни топсанг, (юқорида саналган) тўрт нарсага
тугал эришасан.

4394 Агар яхши, андишали аёл топишга муяссар бўлсанг,
Бой берма, (дарҳол) олгин, эй эзгу киши.

4395 Тилагинг бойлик бўлса, (у) мол-дунё йиға беради,
У сени бойитади, юзинг ёруғ бўлади.

4396 Феъл-атвори тўғри бўлса, (жуда) муносиб бўлади,
Хотин чиройи хулқдир, (буни) билган билади.

4397 Андишали, покиза бўлса, (ундай киши) асл бўлади,
У (юқоридаги уч нарса) бу ерда [яъни унда] жам бўлади,
эй униб-ўсувчи.

4398 Сен хотиннинг андишали-ақллисини иста, эй доно,
Андишали-ақлли (хотин) топилса, (юқорида айтилган)
тўрталаси жам бўлади.

4399 Сен шундай бир хотин топадиган бўлсанг,
Тириш, қарорли бўл, бой берма, (эй) мард киши.

**Боб. Ўғил-қиз туғилса, уларни қандай тарбиялашни айтади**

4400 Сенинг ўғил-қизинг бунёдга келса, эй олий насаб,
Уйингда тарбиялагин, бошқа ерда тарбиялама.

4401 Мураббийни яхши кишилардан олгин,
Ўғил-қиз пок ўсади, (номатлуб ишлардан) фориғ туради.

4402 Ўғил-қизга билим ҳам одоб ўргат,
Икки олам уники, унинг манфаати етарли (бўлади).

4403 Ўғилга хотин ол, қизни эрга бер,
Қайғу-аламсиз яшагин, эй бахтли киши.

4404 Ўғилга барча санъат-ҳунарларни тугал ўргат,
Бу санъат-ҳунарлар билан у мол-дунё йиға беради.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4405 Сора ыд̇ма бошлағ оғулуғ йав̇а
Йав̇а болға бошлағ йүгүргә эв̇ә

4406 Қызығ тутма эв̇дә узун бегсизин,
Өкүнч бирлә өлгә өзүң игсизин

4407 Айа қолдаш эрдаш сөз айдим кэсә
Бу қыз туғмаса йэг тириг турмаса

4408 Қалы туғса йэгрәк аңа йэр қойы
Эв̇и болса қошны өлүглэр тойы

4409 Тишиләрни эв̇дә көд̇әзгил тучы
Тишиниң ташы-тэг болумас ичи

4410 Йатығ эвкә ыд̇ма чықарма тишиг
Көрүб йолда алған көр ул бу кишиг

4411 Көзүн көрмәсә арзу қулмас көңүл
Көзүң көрсә көңлүң қулур эй оғул

4412 Көзүңни көд̇әзгил көңүл қулмағай
Көңүл қулмаса өз болун болмағай

4413 Тишиг қатма эркә йэгү ичгүдә
Қалы қаттың эрсә кэчәр кэчгүдә

4414 Тишиг ыд̇ма эв̇дә өңин чыққалы
Қалы чықса йитрүр көнилик йолы

4415 Тиши аслы эт ул-көд̇әзгү этиг
Йыд̇ыр эт көд̇әзмәсә болмас этиг

4416 Ағыр тут тишиг сэң нэкү қулса бэр
Эв̇иң қапғы бэклә йырақ тутғыл эр

4417 Вафа йоқ буларда озадын бару
Көзи қанча бақса бу көңли нару

164*a* 4418 Жафа бирлә үнмиш игид̇миш йығач
Йэмиши ағу-ул аңар болма ач

4419 Нэчә миң азығлығ эрән эркәки
Тишиләрдә өтрү үзүлди көки



www.ziyouz.com kutubxonasi

4405 Ўғилни тергаб тур, бебош (ва) беҳуда қўйма,
(У) бефойда (ва) бебош бўлади, шошиб (бекорга) югуради.

4406 Қизни уйда узоқ эрсизликда сақлама,
Ўзинг касалланмасдан аттанг билан ўласан.

4407 Эй ҳамроҳ, ошна, кесиб сўз айтдим,
Бу қиз (дегани) туғилмаса, (агар туғилса) тирик турмаса яхши.

4408 Агар туғилса, унга ер қаъри яхшироқдир,
Уйи ўликлар жойига қўшни бўлса.

4409 Хотинларни доим уйда сақлагин,
Хотиннинг ичи ташидек бўлмайди [яъни ботини зоҳиридек бўлмайди].

4410 Ётни уйга қўйма, хотинни (эса) чиқарма,
У бу кишини кўриб йўлдан уради, кўр.

4411 Кўзи билан кўрмаса кўнгли орзу қилмайди,
Кўзинг кўрса, кўнглинг истайди, эй ўғил.

4412 Кўзингни сақлагин, кўнгил истамайди,
Кўнгил орзу қилмаса, жон асир бўлмайди.

4413 Ейиш, ичиш пайтида хотинни эрга аралаштирма,
Агар аралаштиргудек бўлсанг бўлганича бўлади.

4414 Хотинни уйдан бошқа ерга чиққани қўйма,
Агар чиқса, тўғрилик йўлини йўқотади.

4415 Хотин аслан гўшт (каби)дир, гўштни сақлаш керак,
Сақланмаса гўшт ҳидланади, (унга) чора бўлмайди.

4416 Сен хотинни қадрли тут, нима сўраса муҳайё қил,
Унинг эшигини маҳкамла, эркакни йироқ тут.

4417 Буларда узоқдан бери [яъни азалдан] вафо йўқ,
Кўзи қаёққа боқса, кўнгли ўша ёққа (кетади).

4418 Жафо билан унган, парваришланган дарахт,
Меваси оғу бўлади, унга ҳарис бўлма.

4419 Неча минглаб озиқли эр, мардларнинг мардлари,
Хотинлар туфайлидан пайлари кесилган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4420 Нәчә қызғу эңлиг йүзи сув̇луғ эр
Тишиләрдә өтрү йүзи болды йәр

4421 Түмән миң күлүг жав̇лығ эрсигләриг
Тишиләр аны йәркә көмди тириг

4422 Нәкү-тәг көд̇әзгү уларығ тутуб
Көд̇әзигли тәңри көд̇әзсү өтүб

## Әлиг асрақы кимәрсәләрни әдгү тутмақны айур

4423 Йәмә әдгү тутғыл әлиг асрақығ
Йэгү ичгү бәргил бүтүр опрақығ

4424 Күчингә тәңәши йүд̇үргил йүкин

Айытға сәниңдин байат эркликин

4425 Айы артуқ эмгәк тәгүрмә аңар
Байат-ул сәңә хасмы андын сыңар

4426 Улар ма байат қуллары-ул қамуғ
Аңар күч қылыб өзкә алма тамуғ

4427 Улуғ-сә улар болды сәндә кичиг
Кичигкә улуғ болды ачығ сүчиг

4428 Улуғ болдуң эрсә кичиг тут көңүл
Улуғқа кичиглик йарашур оғул

4429 Нәкү тәр уқушлуғ эшитгил сәңә
Бу сөз ишкә тутғыл э билги кәң-ә

164б 4430 Қалы болса-сән бәг буд̇унқа улуғ
Көңүл тил кичиг тут өзүңгә йулуғ

4431 Өзүңни унытма йаңылма йорық
Кәлир қутқа йанма саламат йолуғ

4432 Эв̇үң барқыңы кәд̇ арығ тут силиг
Сәңә кәлгә давлат ақы кәң әлиг

4433 Аш ичгү туз этмәк йәмә кәнрү тут
Атың әд̇гү болға кәлү бәргә қут



www.ziyouz.com kutubxonasi

4420 Нечалаб юзи ёруғ, обрўли киши(лар),
Хотинлар туфайлидан юз(лар)и ерга қараган.

4421 Туман минглаб шарафли, донгдор мардоналарни,
Уларни хотинлар тирик(лайин) ерга кўмган(лар).

4422 Уларни тутиб, қандай қилиб сақлаш керак,
Сақлагувчи тангри ўтиб [яъни яхшироқ] сақласин.

**Қўл остидаги кимсаларни [яъни хизматкорларни] эзгу тутмоқликни айтади.**

4423 Қўл остидагиларни [яъни хизматкорларни] ҳам эзгу тутгин,
Ейдиган (ва) ичадиган (нарса)лар бергин, жулдурини бута.

4424 Юк(лар)ини куч(лар)ига яраша юклагин [яъни кучига қараб ишлатгин],
Худо иродаси билан (улар учун) сендан сўроқ олади.

4425 Албатта у(лар)га ортиқ заҳмат етказма,
У(лар) жиҳатидан худо сенга хасмдир.

4426 Улар ҳам ҳаммаси худонинг қулларидирлар,
У(лар)га зулм қилиб, ўзингга дўзахни олма.

4427 Сен улуғдирсан, улар сендан кичикдирлар,
Кичик(лар)га улуғ(лар) очиқ ва хушмуомала бўлади(лар).

4428 Улуғ бўлган бўлсанг кўнгилни кичик тут,
Улуғ(лар)га кичиклик [яъни камтарлик] ярашар, (эй) ўғил.

4429 Заковатли сенга нима дейди, эшитгин,
Бу сўзга амал қилгин, эй билими кенг:

4430 Агар сен халққа улуғ бег бўлсанг,
Кўнгил (ва) тил(ни) кичик тут, ўзингга фойдадир.

4431 Ўзингни унутма, йўлингдан янглишма,
Бахт ўзи келади, соғлом йўлдан қайтма.

4432 Уй-жойингни жуда покиза тут, (эй) назокатли,
Сенга давлат келади, (эй) сахий, очиқ қўл.

4433 Овқат, ичимли, туз-нонни ҳам кенг, мўл тут,
Отинг эзгу бўлади, қут — давлат кела беради.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4434 Қиришкә йарашы чықыш қыл йақын
Чықиш булса тэркин киришкә бақын

4435 Алымка бэримкә оңай эдгү бол
Қайу өдтә қылса ачуқ болға йол

4436 Әлиг тарлықы тэгсә эмди сэңә
Қишикә муңадма эй эрсиг тоңа

4437 Сэв̇әриң ишиңгә әлиг тутмаға
Сэни сэв̇мәгүчи күлә тынмаға

4438 Ужуз тутға қолдаш адаш йа қадаш

Анын ағрығында көңүл болға баш

4439 Киши эдгүсингә қатылғыл қарыл
Киши бол кишилэр арала тирил

4440 Улушларда турма йа тутма нэңиң
Өкүнчүн сарығ болға қырғу эңиң

4441 Улуғ йолқа тутма сэн эв̇ барқ йақын
Тоқыға йудуғ сэн муны кәд сақын

4442 Бэкиг қошны қылма йа йудғун өкүз
Ҳысарқа йақын турма э көңли түз

4443 Бу үч қошнылықдын сэңә асғы йоқ
Анын йасы тэгсә аңар осғы йоқ

4444 Эв̇ алмақ тиләсәң айыт қошнысын
Йэр алмақ тиләсәң айытғыл сув̇ын

165а 4445 Эсизкә қатылма саламат йуры
Қылынчын көни тут кэв̇әл-тэг көри

4446 Барығ таб қыл эмди бэг атын алын
Сақынч қысға қылғыл сэв̇инчин тилин

4447 Өлүмүг унытма удулға өзүң
Идиңни унытма ачылға көзүң

4448 Сөзүң сақну сөзлә сақынч кэлмәгәй
Йав̇а қылма өд күн өкүнч кэлмәгәй


www.ziyouz.com kutubxonasi

4434 Киримга яраша чиқимни ҳам монанд қил,
Чиқимни билиб олсанг, дарҳол киримга назар сол.

4435 Олимга, беримга эпчил, яхши бўл,
Қандай пайтда (олди-берди) қилсанг, йўл очиқ бўлади.

4436 (Мабодо) энди сенинг қўлинг қисқа бўлиб қолгудай бўлса,
Одамларга ҳожатманд бўлма, эй мард баҳодир.

4437 Севган(лар)инг ишингга қўл тутмайди(лар),
Сени севмагувчи(лар эса) кулиб тинмайди(лар).

4438 Ҳамроҳ(лар)инг, дўст(лар)инг ё қариндош(лар)инг беқадр тутади(лар),
Унинг оғриғидан кўнгил жароҳатланади.

4439 Киши(лар)нинг эзгусига аралашгин, қўшил,
Одам бўл, одамлар орасида яша.

4440 Қишлоқларда турма ё нарса(лар)ингни тургизма,
Қизил юзинг афсус(лар) билан сарғаяди.

4441 Сен уй-жой(инг)ни катта йўлга яқин тутма,
Балолар юз тутади, сен буни яхши ҳисобга ол.

4442 Қаттиқни (зиқнани) ё дарёни шимирувчи(очкўз)ни қўшни қилма,
Хасисга яқин турма, эй кўнгли тўғри.

4443 Бу уч қўшниликдан сенга (заррача) фойдаси йўқ,
(Мабодо) у(лар)нинг зиёни тегса, унга эваз бўладиган иш йўқ.

4444 Уй олмоқни истасанг, қўшни(лар)ини суриштир,
Ер олмоқ истасанг, сувини суриштир.

4445 Ёмонга аралашма, саломат юргин,
Феъл-атворингни тўғри тут, йўрға отдек зийраклан.

4446 Борига кифоялан энди, бег отини ол,
Севинч билан, тил [яъни сўз] билан қайғуни қисқа қил.

4447 Ўлимни унутма ўзинг ғафлатдан чиқасан,
Эгангни [яъни худойингни] унутма, кўзинг очилади.

4448 Сўзингни ўйлаб сўзла, қайғу келмайди,
Вақт-кун(лар)ингни беҳуда кетказма, аттанг келмайди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4449 Кувәзләнмә артуқ төри булға-сән
Саран болма артуқ сөкүш булға-сән

4450 Нәкү тәр эшит көңли алчақ киши
Кишилик қылығлы кишилик түши

4451 Өзүң эдгү атлығ болайын тәсә
Ақы болғыл артуқ қатығлан оса

4452 Бошуғ қул қылайын тәсә бәлгүлүг
Ақы бол үлә нәң көтүрдүң үлүг

4453 Башым көккә тәгсүн тәсә сән туруб
Билиг бирлә ишләр қамуғ иш көрүб

4454 Ажунқа йадылмақ тиләсә атың
Өмәк эдгү тутғыл йүгүрди атың

4455 Эрәжлиг болайын тәсә-сән узун
Осаллықны қодғыл э қылқы түзүн

4456 Қылайын тәсә-сән байатқа тапуғ
Эт өзкә умыш бәрмә йапғыл қапуғ

4457 Қамуғ эдгүлүккә тәгәйин тәсә
Эт өзни қыса тут ҳаваны баса

4458 Эди йақшы аймыш сақынуқ киши
Бу сөз ишкә тутғыл э қылқы сашы

**165б** 4459 Бу эт өзкә бәрмә тиләк арзусын
Тиләк булса баснур идиси башын

4460 Муңар эдгү қылса бу эсиз қылур
Эсиз қылса бойнын эгәр эрксизин

4461 Сөзин кәсти Өгдүлмиш айды қадаш
Бу йаңлығ турур ъам йорықы адаш

4462 Айу бәрдим эмди эшитти өзүң
Муны уқтуң эрсә кәсилди сөзүң

## Одғурмыш савалы Өгдүлмишкә

4463 Йанут бәрди Одғурмыш айды бу сөз
Эшиттим түгәл мән айа қылқы түз



www.ziyouz.com kutubxonasi

4449 Ортиқча гердайма, олқиш топасан,
Ортиқча бахил бўлма, (бахил бўлсанг) қарғиш топасан.

4450 Табиати нозик киши нима дейди, эшит,
Одамгарчилик баробарида одамгарчилик қилувчи (киши):

4451 Ўзинг эзгу номли бўлайин десанг,
Ортиқ сахий бўлгин, ҳаракат қил, ўйла.

4452 Озодни муайян қул қилайин десанг,
Сахий бўл, нарса улаш, ҳисса оласан.

4453 Сен юксалиб бошим кўкка етсин десанг,
Ҳамма ишни кўриб, билим билан ишла.

4454 Отинг оламга ёйилишини истасанг,
Мусофирни эзгу тутгин, отинг югуради.

4455 Сен доим фароғатли бўлайин десанг,
Ғофилликни ташлагин, эй хулқи хуш.

4456 Сен худога тоат-ибодат қилайин десанг,
Тану жонга [яъни нафсга] тама (эркини) берма, (тамага) эшик ёпгин.

4457 Мутлақ эзгуликка етайин десанг,
Тану жонингни [яъни нафсни] тийиб тут, ҳавасни бос.

4458 Мулоҳазали киши жуда яхши айтибди,
Бу сўзга амал қилгин, эй қилиғи ҳадикли.

4459 Бу тану жонга [яъни нафсга] тилак-орзуларини берма,
Тилакка эришса, эгасининг бошини оёқ ости қилади.

4460 Бунга яхшилик қилса, бу ёмонлик қилади,
Ёмонлик қилса, эрксизлик билан бўйнини эгади.

4461 Ўгдулмиш сўзини тугатди, айтди: (Эй) қариндош,
(Қора) авомнинг феъл-атвори бу янглиғ бўлади, эй жўра,

4462 Мен айтиб бердим, энди ўзинг эшитдинг,
Бу(лар)ни тушунган бўлсанг, сўз(лар)инг туганди.

## Ўзғурмишнинг Ўгдулмишга саволи

4463 Жавоб берди Ўзғурмиш, айтди: Бу сўзлар(ни)
Мен тугал эшитдим, эй хулқи хуш.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4464 Тақы бир сөзүм бар айытқу сэңә
Аны ма айу бэр ача сэн мэңә

4465 Қатылса өзүм бу кишилэр билә
Барышғу кэлишгү кэрэк мэн күлә

4466 Сэзигсиз мэни ашқа үндэгэлэр

Мэн үндэб улар ма мэңә кэлгэлэр

4467 Нэ-тэг барғу ашқа нэ-тэг йэгү аш
Оқыса нэкү-тэг оқығу адаш

4468 Муны ма айу бэр мэңә бэлгүлүг
Бу ишдин йэмә-өк алайын үлүг

**Б а б. Өгдүлмиш ашқа оқмақ ашқа бармақ төрэсин өгрэтүр**

4469 Йанут бэрди Өгдүлмиш айды бу ма
Кэрэклиг турур эй қадаш айса-мэ

166*а* 4470 Өкүш түрлүг-ул бу оқығу киши
Тэлим түрлүг-ул бу қонуқлуқ ашы

4471 Уларда бириси көдэнгэ аш-ул
Йа суннат ашы йа туғурса оғул

4472 Йа эш түш оқыға йа қолдаш адаш
Улуғ йа кичиг тут йақын йа қадаш

4473 Йуғ ашы болур йа өлүг атынга
Йа ул ат булур аш бэрүр йатыңа

4474 Буларда қайу эрсэ аш сув йэгү
Аны таңла барғу азу бармағу

4475 Адаш қолдаш эрдаш қадаш ашлары
Болур эрсэ көргү барыб ишлэри



www.ziyouz.com kutubxonasi

4464 Сендан сўрайдиган яна бир сўзим бор,
Уни ҳам сен менга очиқ қилиб айтиб бер.

4465 Мен бу одамлар билан аралашадиган бўлсам,
Мен кулиб боришишим, келишишим керак бўлади.

4466 Шубҳасиз мени овқатга [яъни меҳмондорчиликка] таклиф қиладилар,
Шунингдек, мен таклиф қилиб, улар ҳам меникига келадилар.

4467 Зиёфатга қандай бориш керак, овқатни қандай ейиш керак,
Чақирганда қандай қилиб чақириш керак, эй жўра.

4468 Бу(лар)ни ҳам менга аниқ айтиб бер,
Бу иш(лар)дан ҳам ҳисса олайин [яъни хабардор бўлайин].

## Боб. Ўгдулмиш овқатга [яъни меҳмондорчиликка] таклиф қилмоқлик, овқатга [яъни меҳмондорчиликка] бормоқлик қоида(лар)ини ўргатади

4469 Жавоб берди Ўгдулмиш, айтди: Бу ҳам,
Мен (сенга) айтсам, кераклн (иш)дир, эй қариндош.

4470 Таклиф қилинадиган киши кўп турлидир,
Бу меҳмондорчилик оши кўп хиллидир.

4471 Улардан биттаси зиёфат (никоҳ) ошидир,
Ё суннат оши ёки фарзанд туғилиши муносабати билан бериладиган ошдир.

4472 Ё тенг-туш, ё ёру биродар(лар) таклиф қиладилар,
Ё катта, ё кичик, яқин, ё қариндош(лар).

4473 Ёки ўлик отига (бағишланган) аза оши бўлади,
Ёки (улар) унвон олади(лар), ўзгаларга (нишонлаш учун) зиёфат берадилар.

4474 Бу еб-ичиладиган зиёфатлардан қайси бири бўлмасин;
Унга бориш ёки бормаслик кераклигини ўйлаб кўргин.

4475 Дўст, ҳамроҳ, ёру биродар, қариндош(лар) зиёфати
Бўладиган бўлса, бориб ишларини назорат қилиш керак.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*4476 Төрү бэргү ашта көрүб йат базығ*

Аш ичгү тэгири өкүш йа азығ

4477 Йақын қошны ашны аш этсэ сэңэ
Азу тэңрилиг эш оқынса тоңа

4478 Буларқа йэмэ бар кө̇дэзгил көңүл
Сэв̇индүр уларны сэв̇ин эй оғул

4479 Қалы этсэлэр аш сэңэ оғрайу
Ул ашқа йэмэ бар сэв̇индүр йэшу

4480 Апаң мунда таштын болур эрсэ аш
Аңар бармаса йэг көңүл болға баш

4481 Йарым йа йэтим болға олдруғ туруғ

Йав̇уз болға көңлүң эй эдгү уруғ

4482 Йа эсрүк тутуш қылға ахсумлаға
Ашың сиңмэгэ-тэг көңүл ағрыға

4483 Қамуғ бир тоду йэм аш ичгү үчүн
Өзүңни ужуз қылмағыл сэн күчүн

4484 Нэкү тэр эшитгил боғуз тыдғучы
Өзи боғзынга эрк булуб тутғучы

166б 4485 Боғузуң кө̇дэз болма эрниң или
Боғузуң үчүн болма боғзуң қулы

4486 Тэлим көрдүм эмди ағыр болмыш эр
Тыдумады боғзы үчүн болды йэр

4487 Өкүш көрдүм элдэ бэдүмиш эриг
Болун қылды боғзы төшэнди йэриг

4488 Тэлим байны көрдүм боғуз булнады
Өзи болды муфлис чығайлық йэди



www.ziyouz.com kutubxonasi

4476 Зиёфатда ёт, бегоналарни кўриб, (мезбонга) қоидани ўргатиш керак,
Овқат, ичимликларнинг етишини, кўп ё озлигини (айтиб туриш керак).

4477 Яқин(лар), қўшни(лар), ошна(лар) сен учун зиёфат қилса(лар),
Ёки тангрини ўртага қўйиган дўст(лар) (сени) таклиф қилса(лар), эй баҳодир,

4478 Буларникига ҳам бор, кўнгил(лар)ини олгин,
Уларни севинтир, (ўзинг ҳам) севин, эй ўғил.

4479 Агар атайин сенга атаб зиёфат қилсалар,
У зиёфатга ҳам бор, (у зиёфатни) еб, (уларни) севинтир.

4480 Агар бундан бошқа зиёфат бўладиган бўлса,
Унга бормаган яхши, кўнгил яра бўлади [яъни кўнгил оғриб қолиши мумкин].

4481 Ўтириш, туриш [яъни меҳмондорчилик] ярим ёки тўкис бўлиши мумкин.
Кўнглинг ёмон бўлади [яъни оғриб қолади], эй асл уруғли.

4482 Ё маст уруш қилади, тўполон чиқаради,
Овқатинг сингмагандай кўнгил беҳузур бўлади.

4483 Фақат бир тўйимли овқат, ичимлик учун,
Сен зўр билан ўзингни беқадр қилмагин.

4484 Нафсини тиювчи нима дейди, эшитгин,
Ўзининг нафсини (тийиши)га ирода топиб, (уни) тутувчи:

4485 Нафсингни сақла, кишиларнинг пасти бўлма,
Нафсинг учун нафсингнинг қули бўлма.

4486 Энди жуда кўп кўрганим бор, қадр топган кишилар,
Нафсини тия олмагани учун юз тубан кетдилар.

4487 (Жуда) кўп кўрганим бор, элда улуғлик олган кишиларни,
Нафси уларни қул қилиб, ерни тўшанган(лар).

4488 Кўп бойларни кўрдим, (уларни) нафс тутқун қилди,
Ўз(лар)и хонавайрон бўлди(лар), қашшоқликка юз тутдилар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4489 Боғузқа болун болма боғзы улуғ
Боғузқа болун болса болмас йулуғ

4490 Қайу түрлүг ашқа барыр эрсә-сэн
Адаб бирлә аш йэ билир эрсә-сэн

4491 Төрү билмәс өгсүз қылықсыз киши
Төрүлүг киши көрсә йаңлур башы

4492 Сениндә улуғ ашқа сунса әлиг
Сэн өтрү әлиг сун бу-ул көр билиг

4493 Оң әлгиң билә сун байат аты ай
Нэкү-тэг уд̇әргәй өзүң болға бай

4494 Киши отруқи түрмәк алма тэгү
Өз отру нэкү эрсә алғу йэгү

4495 Бычақ тутма анда көтүрмә сөңүк
Айы болма қов̇даш йа силким сэпүк

4496 Нэчә ма тоқ эрсә йэйү турғу аш
Киши аш кишикә көрү йэр қад̇аш

4497 Нэкү алса тышла ушақ танчула
Исиг ашны үрмә сэн ағзың билә

4498 Йэр эркән ашығ тартма тэрги үзә
Киши көрки бузма қылынчың түз-ә

4499 Төрүсүзлүк-ул бу төрүчә йу̇ры
Төрүсүз кишиләр кишикә қоры

167a 4500 Эд̇и йақшы аймыш төрүлүг киши
Төрү билсә йалңуқ болур түз ташы

4501 Қамуғ нәңгә өңди төрү бар сөзи
Төрү түз йурытса йарур эр йүзи

4502 Қылықсыз төрү өңди билмәс киши
Кишикә қатылса этилмәс иши

4503 Ашығ татғану йэ сэн элгиң сунуб

Сэни көрсә эв̇лүк сэв̇үнсү көрүб



www.ziyouz.com kutubxonasi

4489 (Эй) нафси ғолиб, нафсга тутқун бўлма,
Нафсга тутқун бўлинса, (ундан) қутулиш (чораси) бўлмайди.

4490 Сен қайси хил зиёфатга (бўлмасин) борадиган бўлсанг,
(Агар) сен билсанг, одоб билан овқат е.

4491 Тартиб-қоида билмайдиган, фаросатсиз, бадфеъл киши
Тартибли кишини кўрса, боши гангийди.

4492 Сендан катта овқатга қўл сунса,
Сен сўнг қўл сун, таълим шундайдир, кўр.

4493 Ўнг қўлингни сун, худо отини айт,
Қанчалик (бунинг) кетидан қувсанг, (шунчалик ўзинг) бой бўласан.

4494 (Ўзга) киши қаршисидаги турмакни[64] чўзилиб олма,
Ўз қаршингда нима бўлса олиш, ейиш керак.

4495 У ерда пичоқ ишлатма, сўнгак олма,
Зинҳор юҳо, бетоқат, енгилтак бўлма.

4496 Қанчалик тўқ бўлсанг ҳам овқатдан еб туриш керак,
Одам ошни одамга қараб ейди, (эй) қариндош.

4497 Нима олсанг тишла, майдалаб чайна,
Сен иссиқ ошни оғзинг билан пуфлама.

4498 Ер экансан дастурхон устидан овқатни (олдингга) тортма,
Киши(лик) ярашиғини бузма, феъл-атворингни яхшила.

4499 Бу тартибсизлик (одобсизликдир), тартиб (одоб) бўйича юр,
Тартибсиз (одобсиз) киши(лар) одам учун зарарлидир(лар).

4500 Тартибли (одобли) киши жуда яхши айтибди,
Тартибни (одобни) билса, одам сирти (кўриниши) яхши бўлади.

4501 Ҳамма нарсанинг қоидаси, тартиби, таълими бор,
Тартибни тўғри тутса, кишининг юзи ёруғ бўлади.

4502 Бадхулқ, тартиб-қоидани билмайдиган киши
Киши(лар)га аралашса, иши олға босмайди.

4503 Сен қўлингни суниб, овқатни тотли экан деб [яъни лаззатланиб] егин,
Уй бекаси сени кўрса, назар солиб севинсин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4504 Киши эмгәк ыд̆са сэңә этсә аш
Йав̇а қылма эмгәк аны қылма таш

4505 Көни сөзләмиш көрсә көңли уд̆уғ
Сөзи көрсә маъни бэрүр тү бод̆уғ

4506 Киши көңли йуфқа сырынчға саны
Эд̆и кәд̆ көд̆әз сынға сэрмә аны

4507 Сэрилсә киши көңли кэтти татығ
Йақынлық кэсилди йырады асығ

4508 Йақынлық тиләсә көд̆әзгил көңүл
Көңүл сынса кэтти йақынлық тоңул

4509 Ашығ тэңләйү йэ йэмә аш өкүш
Сэңә мундағ айды уқушлуғ көшүш

4510 Өкүш йэглиләрниң ашы йиг болур
Ашы йиг киши тутчы иглиг болур

4511 Боғуздын кирүр иг боғузуғ **көд̆әз**
Ашығ тэңләйү йэ йэгү ичгү аз

4512 Бу иг тутса шаксыз кишиг йав̇рытур
Аны эмләмәсә өлүм тав̇ратур

4513 Йэмә йақшы аймыш отачы ҳаким
Ҳакимлар сөзини йав̇уз тэгли ким

167б 4514 Өлүмдин йүмүшчи иг-ул ашнусы
Киши игләди-му өлүм қошнысы

4515 Бала мэҳнат-ул иг өлүм тутғақы
Өлүмдә татығ йоқ азу йақшысы

4516 Киши мэн тэгүчи апа оғланы
Исиг тумлығығ билгү ад̆ра аны

4517 Тад̆у билгү ашну йарашық йэсә

Тад̆уқа йарашмасны қод̆ғу оса

4518 Исиг артса тэркин соғық ич оза
Соғық артар эрсә исигин түз-э



www.ziyouz.com kutubxonasi

4504 Биров меҳнат сингдирса, сенга овқат ҳозирласа,
Меҳнат(и)ни беҳуда қилма, унинг (сендан) юз ўгиришига сабаб бўлма,

4505 Назар солсанг, кўнгли ҳушёр тўғри сўзлабди,
(Унинг) сўзлари, назар солсанг, турли рангли [яъни хил] маъно беради:

4506 Кишининг кўнгли юпқа шиша мисолидир,
Жуда яхши эҳтиёт қил, уни қўзғатма, синади.

4507 Кишининг кўнгли қолса, ҳаловат кетади,
Яқинлик узилади, фойда узоқлашади.

4508 Яқинлик истасанг, кўнгил олгин,
Кўнгил синса, яқинлик кетади, умидни уз.

4509 Овқатни меъёри билан е, кўп овқат ема,
Заковатли азиз сенга шундай (деб) таълим беради:

4510 Кўп еювчиларнинг овқати бало бўлади,
Овқати бало киши доим дардманд бўлади.

4511 Дард томоғдан киради, томоғни [яъни нафсни] эҳтиёт қил,
Овқатни меъёрида е, оз ич(иб), оз е(йиш керак).

4512 Бу дард ёпишса, шубҳасиз, одамни заифлаштиради,
Уни даволамаса, ўлим шоширади [яъни талвасага солади].

4513 Табиб, ҳаким жуда яхши айтади,
Ҳакимлар сўзини ёмон деювчи ким:

4514 Ўлимдан аввал хабарчиси хасталикдир,
Киши хасталандими, ўлим (унинг) қўшнисидир.

4515 Хасталик бало (ва) офатдир, (у) ўлимнинг хабарчисидир,
Ўлимда ҳаловат ёки (унинг) яхшиси йўқдир.

4516 Одам мен деювчи одам боласи,
Иссиқлик, совуқликни билиши, уни ажратиши керак.

4517 Аввал мизожни билиш шарт, (сўнг) шунга яраша (овқат) еса (бўлади),
Мизожга тўғри келмайдиган (овқат)ни қўйиш керак, ўйла.

4518 Иссиқлик ошса, дарҳол ўзинг совуқлик ичиб енгиллаш,
Совуқлик ошадиган бўлса, иссиқлик билан тузат.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4519 Йигит эрсә йашың йаз эрсә йылың
Соғық ишкә тутғыл эсәтүр қаның

4520 Йашың қырқта кәчсә күн ай эрсә күз
Исиг нәң билә сән өзүң табъы түз

4521 Йашың эрсә алтмыш өд̇үң эрсә қыш

Исиг ишкә тутғыл соғық қылма иш

4522 Қуруғ тумлығ артса исиг өл анут
Бу экки аңар қылға эв̇рә йанут

4523 Бу өл тумлығ артса сәңә қылса йас
Исигин қуруғун аны йандру бас

4524 Тад̇уң тумлығ эрсә исигин күчә
Исиг эрсә тумлығ йәйү тур ичә

4525 Қалы билмәс эрсәң тад̇уң бәлгүлүг
Исигли соғықлы ара бир үлүг

4526 Бу йаңлығ көд̇әзгил тад̇уңны көни
Эсән болға инчин тириглик күни

4527 Нәкү тәр эшитгил отачы сөзи
Мунуң маънисы уқ тирилгил қозы

168*а* 4528 Өзүң табъыны мән айайын йора

Қызыллы сарығлы өрүңли қара

4529 Буларда бириси бирингә йағы
Йағуса йағықа йағы эд̇рәр-ә

4530 Уқушлуғ кәрәк өз тад̇уғ тәңләсә
Йарашық нә эрсә аны-оқ йәсә

4531 Киши йылқы бирлә ад̇ырты бу-ул
Тад̇уқа йарашық йәсә эй оғул

4532 Нәкү тәр эшит эмди көкчин сақал
Уқа бар муны сән туру қалма қал



www.ziyouz.com kutubxonasi

4519 Йигит ёшида бўлсанг, фасл(инг) баҳор бўлса,
Совуқлик (нарсаларни) истеъмол қилгин, қонингни равон қилади.

4520 Ёшинг қирқдан ошса, куз ой-кунлари бўлса,
Сен ўз табъингни иссиқлик нарса(лар) билан таъминла.

4521 Ёшинг олтмиш (ва ундан ортиқ) бўлса, мавсуминг қиш бўлса,
[яъни қиш мавсуми бўлса],
Иссиқлик истеъмол қил, совуқлик истеъмол қилма.

4522 Қуруқ совуқлик ошса ҳўл иссиқлик (нарсалар) ҳозирла,
Шу иккаласи унга қайта жавоб бўлади [яъни даво бўлади].

4523 Ҳўл совуқлик ошса, сенга зиён келтирса,
Уни иссиқлик, қуруқ (нарсалар) билан қайта бос [яъни даф қил].

4524 Мизожинг совуқ бўлса, иссиқликни кучайтир,
(Агар мизожинг) иссиқ бўлса, совуқлик (нарсаларни) еб,
ичиб тур.
4525 Агар мизожингни аниқ билмайдиган бўлсанг,
Иссиқлик, совуқлик ўртасидаги бир меъёрга (амал қил).

4526 Мизожингни (мана) шу янглиғ тўғри авайлагин,
Тириклик кун(лар)и эмин (ва) фароғатли бўлади.

4527 Табиб нима дейди, сўзини эшит,
Бунинг маъносини уқ, яшагин (эй) қўзи;

4528 Ўзингнинг [яъни нафс — жон, вужудингнинг] табъини мен
таърифлаб айтайин,
(У) қизил, сариқ, оқ (ва) қора(лардан иборат)дир.

4529 Булар бири бирига душмандир [яъни қарама-қаршидир],
Душман душманга яқинлашса, улар бир-бирини айиради(лар).

4530 Мизожни меъёрида тутиш учун киши заковатли бўлиши керак,
(Токи) муносиби нима бўлса, ўшанигина истеъмол қилса.

4531 Инсонни ҳайвондан шу (нарса) фарқлайдики,
(У) мизожига яраша еса, эй ўғил.

4532 Мўйсафид нима дейди, эшит,
Буни сен уқавер, бемаъни бўлиб қолма.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4533 Киши қырқ йашаб өз тад̆у билмәсә
Түгәл йылқы-ул бу нэчә сөзләсә

4534 Сынайу көрү билмәсә эр билиг
Кишикә самағу аны эй силиг

4535 Барында кэчиб эр йорық түзмәсә
Көни сөзләмиш болды йылқы тэсә

4536 Өд̆ өдләк кэчиб болмаса эр бөгү
Киши тэб атамағу йылқы тэгү

4537 Көрү барса йақшы айур эмчиләр
Ашығ аз йэсә эр эсәнин күләр

4538 Эсәнлик тиләсә көр игсизликин
Аз атлығ отуғ йэ[115] тирил эй тэгин

4539 Өз инчлик тиләсә эрәжи узун
Тил атлығ этиг йэ тирил эй түзүн

**Б а б. Өгдүлмиш Өд̆ғурмышқа ашқа оқмақ төрүсин өгрәтүр**

4540 Қалы сэн оқыйын тэсә-сэн кишиг
Оқығыл валэкан кэд̆ этгил ишиг

168б 4541 Айақ тэрги эв̇ барқ арығ тон төшәк
Төшәгил аш ичгу йэмә кэд̆ кэрәк

4542 Арығ эт аш ичгү татығлиг силиг
Йэсү арзу бирлә сунуғлы әлиг

4543 Оқымаса аш сув̇ муны бир болур
Оқыса көрүгли бириг йүз қылур

4544 Оса эд̆гу этгил сэн аш сув̇ арығ
Тод̆уб қопсу барсу кэлигли арығ

4545 Адаш̆ығ қад̆ашығ йырақ йа йақын
Түзүг ашқа үндә көд̆әзгил ҳақын



www.ziyouz.com kutubxonasi

4533 Киши қирқ (ёшни) яшаб ўз мизожини билмаса,
У қанча сўзласа ҳам (бари бир) тугал ҳайвондир.

4534 Синаб, кўриб (ҳам) киши билим билмаса,
Уни одамга санама, эй доно.

4535 Киши бошидан кечириб, йўл-йўриқни билиб олмаса,
(Уни) ҳайвон деса тўғри сўзлаган бўлади.

4536 Давр-давронлар ўтиб киши доно бўлмаса,
(Уни) киши деб атаб бўлмайди, ҳайвон деса бўлади.

4537 Назар солсанг, табиблар яхши айтибдилар,
Киши овқатни оз еса саломатликда кулади:

4538 Дарду касалликсиз сиҳат-саломатлик истасанг, кўр,
«Оз» деб [яъни озгина деб] аталган дорини истеъмол
қилиб яша, эй аслзода.

4539 Ўзинг фароғати узоқ осойишталик истасанг,
«Тил» деб аталган гўштни истеъмол қилиб яша, саришта.

**Боб. Ўгдулмиш Ўзғурмишга зиёфатга таклиф қилмоқлик қоидасини ўргатади**

4540 Агар сен одамларни таклиф қилайин десанг,
Таклиф қилгин ва лекин тараддудларни яхши кўриб қўй.

4541 Идиш-оёқ, дастурхон, уй-жой, либос покиза бўлсин, покиза
кўрпача
Ейгин, овқат (ва) ичимлик(лар) ҳам яхши бўлиши керак.

4542 Овқат, ичимлик(лар) покиза, тотли, яхши (бўлсин),
Қўл узатган ҳавас билан есин.

4543 Таклиф қилмасанг, ош-сувнинг [яъни еб-ичиладиганларнинг]
камчилик(лар)и битта бўлади,
Таклиф қилсанг, (уни) кўрган бирни минг қилади.

4544 Ўйла, сен еб-ичиладиган (нарсаларни) яхши, покиза қилгин,
Келган яхши(лар) тўйиб туриб кетсин(лар).

4545 Дўст(лар)ни, қариндош(лар)ни, улар хоҳ узоқ, хоҳ, яқин
бўлсин(лар),
Барчасини зиёфатга таклиф қил, ҳақларига риоя қилгин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4546 Кэлиглиси кэлгэй қалы кэлмэсэ
Көңүл қалмағай көр анында баса

4547 Боғуз өвкэси болса йавлақ болур
Өчэб кэк сүрэр өлсэ өтрү қалур

4548 Көрү бар түзүкэ аш ичгү тэгүр
Кэникмиш бар эрсэ йэмэ аш йэтүр

4549 Киши аш йэсэ-сэн үзэ ичгү тут
Аны ичсэ ичгү йэмэ-өк анут

4550 Қайуда йэгү болса ичгү кэрэк
Йэгү ичгү бирлэ тэңэшгү кэрэк

4551 Йэгү болса ичгү ануқ болмаса
Ағу болды сақын ул ашны йэсэ

4552 Тилэсэ фуқаъ бэр тилэсэ мизаб
Тилэсэ жулаңбин тилэсэ жулаб

4553 Мунунда наруқы нэкү бэргүни
Мэңэ сэн айытма айытғыл көни

4554 Улуғлар йэсэ аш түгэсэ йэйү
Кичиглэркэ бэргү аш ичгү йэгү

4555 Түзүкэ тэгүр аш көрү қодмағыл
Сөкэ бармасунлар ачын ыдмағыл

4556 Аш ичгү йэсэлэр нуқл ур йэмиш
Қуруғ өл йэмиш ур бир анча сэмиш

4557 Бычыш қыл күчүң йэтсэ бычғыл агы
Оса тиш тэри бэр кесилсү чоғы

4558 Түгэл болды эмди аш ичгү сөзи
Ача бэр қапуғ барса тыдма киши

4559 Бу ашқа оқуғлы болур төрт қуту
Барығлы йэмэ төрт болур эй бүтү

4560 Бирэгү барыр ашқа үндэсэлэр
Аш ичгү ичэр йэр нэкү бэрсэлэр



www.ziyouz.com kutubxonasi

4546 Келадигани келади, агар келмаса,
(Унинг) кўнгли шу сабабли [яъни таклиф қилинганлиги учун] қолмайди.

4547 Нафс [яъни томоқ]гинаси бўлса, ёмон бўлади,
Ўчакишиб кек сақлайди, бу кек ўлсагина, сўнг қолади.

4548 Назорат қил, барчага овқат ва ичимли тут,
Кечиккан(лар) бўлса, (уларга) ҳам овқат едир.

4549 Одам(лар) овқат еса(лар), сен ичимли тут,
Уни ичса(лар), яна ичимли ҳозирла.

4550 Қаерда ейиладиган (нарса) бўлса, ичиладиган(и) ҳам керак,
Ейиладиган ичиладиган билан тенглашиши керак.

4551 Ейиладиган бўлсаю ичиладиганнинг тайини бўлмаса,
У овқатни еса оғу бўлади, деб ҳисоблагин.

4552 Истаса фуқоъ бер, истаса мийзоб (бер),
Истаса гулангбин, истаса гулоб (бер).

4553 Бу(лар)дан бошқа яна нималар беришингни,
Сен мендан сўрама, бўладиганини сўрагин.

4554 Улуғлар овқат еса(лар) ва ейиш тугаса,
Кичикларга ейиладиган (ва) ичиладиган овқат бериш керак.

4555 Барчасига овқат етқаз, кўриб қуруқ қолдирма,
Сўкиб кетмасинлар, оч(ликда) жўнатмагин.

4556 Суюқ, қуюқни есалар, ширинлик(лар), мева(лар) қўй,
Қуруқ, ҳўл мевалар торт, бирмунча қандолатлар қўй

4557 Кучинг етса йиртиш қил, ипакликлар йиртгин,
Мулоҳаза юритиб, тиш ҳақларини бергин, шовқин(лари) ўчсин.

4558 Энди овқат (ва) ичимлик(лар) таърифи етарли бўлди,
Одам борса эшикни очавер, қайтарма,

4559 Зиёфатга таклиф қилинувчилар тўрт тоифа бўлади,
Борувчи(лар) тўрт (турли) бўлади, эй ўсгур.

4560 Бир хили таклиф қилсалар, зиёфатга боради,
Нима берсалар (ҳам), овқат (ва) ичимликни еб-ичади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4561 Йана өз эв̇ингә оқысас[116] киши
Башы бурну йэр эв̇дә йалңуз ашы

4562 Тақы бир киши көрсә ашқа барыр
Ашын йэр аны йандру ашқа оқыр

4563 Тақы бир киши ашқа бармас болуб
Кишиг ма эв̇ингә оқымас көрүб

4564 Өлүг-ул муны сэн тиригкә сама
Қатылма муңар сэн тириглик йэмә

4565 Тақы бир қуту ашқа бармас оқыб
Кишиг ашқа үндәр тоқымлар тоқыб

4566 Буларда эң эд̇гү йорық бу турур
Бөгү билгә өгмиш қылық бу турур

4567 Кәрәк ашқа барғыл кэрэк бармағыл
Боғуз тыд̇ аш аз йэ эсәнин тирил

4568 Өкүш йэгли йалңуқ көр ичгил[117] болур
Сарығ мэңзи ков̇дақ аты ил болур

4569 Муңар мэңзәтүр көр отачы сөзи
Тад̇у билгүчи көңли билги йазы

169б 4570 Боғуздын кирүр иг кишикә ашын
Кишиг иг қарытур түгәмәс йашын

4571 Боғузуғ көд̇әз тутчы игсиз йуры
Қылур иг кишиниң қызыл эң ишин

4572 Бу йаңлығ болур көр аш ичгү иши
Оқығлықа барса йа кэлсә киши

4573 Муну сөзләдим мэн эшитти өзүң
Муны таб қыл эмди узатма сөзүң

4574 Бу-ул дунйа ҳалы йорықы йолы
Кишикә қатылмақ тиләсәң қалы

4575 Э көңлүм йаруқы ҳақиқат йақын
Сөзүм маъниси уқ йэмә кәд̇ сақын



www.ziyouz.com kutubxonasi

4561 (Лекин) жавобан ўз уйига одам таклиф қилмайди,
Уйда ошини боши, бурни билан [яъни бошини буркаб] ейди.

4562 Тағин бир хил кишилар, назар солсанг, зиёфатга боради,
Зиёфатини ейди (ва) жавобан уни зиёфатга таклиф қилади.

4563 Тағин бир (тоифа кишилар) зиёфатга бормайдиган бўлади,
Қўриб (бошқа) одам(лар)ни ҳам уйига таклиф қилмайди.

4564 У(ндай киши) ўликдир, сен буни тирикка санама,
Сен бунга қўшилма, (у билан аралашиб) ҳаёт кечирма.

4565 Яна бир тоифа таклиф қилиниб зиёфатга бормайди,
Сўйиладиган (мол) сўйиб, бошқа(лар)ни зиёфатга таклиф қилади.

4566 Булардан энг яхши йўл-йўриқ шудир,
Доно, билимдон(лар) мақтаган феъл-одат шудир.

4567 Хоҳ зиёфатга боргин, хоҳ бормагин,
Нафсни тий, овқатни оз е, саломатликда яша,

4568 Кўп еювчи одам дардманд бўлади,
Юзи сариқ [яъни ранги заъфарон], (ўзи) рангпар, оти пасткаш бўлади.

4569 Табиб сўзини бунга ўхшатади, кўр,
Мизожни билувчи, кўнгли, билими кенг (киши):

4570 Дард кишига томоқдан овқат билан киради,
Кишини дард қаритади, ёшини тугал яшай олмайди.

4571 Доим томоқни [яъни нафсни] тий, дардсиз юр,
Дард кишининг қизил юзининг ишини (ҳароб) қилади.

4572 Овқат, ичимлик(лар) иши бу янглиғ бўлади кўр,
Таклиф қилганникига борсанг ёки (сеникига) одам(лар) келса.

4573 Мана, мен сўзладим, сен(эса) эшитдинг,
Энди буни етарли деб бил, сўзингни узайтирма.

4574 Дунё ҳоли, йўл-йўриқ(лар)и шудир,
Агар одам(лар)га аралашмоқликни истасанг.

4575 Эй кўнглимнинг ёруғи, ҳақиқатга яқин (кишим),
Сўз(лар)имнинг маъносини ўқ ҳамда яхши ўйла.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Б а б. Одғурмыш Өгдүлмиш[118] дунйадын йүз эвүрүб йарынга тапы болмақны айур

4576 Йанут бэрди Одғурмыш айды бу сөз
Эшиттим мэн эмди эшит эврә сөз

4577 Сэн аймыш бу сөзләр ким өгрәнсәләр
Ажун ичрә булғай тиләк арзулар

4578 Валэкан тириглик булур-мэн тэгү
Муны билгү ашну э билгә бөгү

4579 Киши мунчә эмгәк билә қазғаныб
Узун қалмас эрсә нэрәк нәң йығыб

4580 Бу дунйа тиләйү йүгүрсә киши
Йату қалды таъат тапуғлар иши

4581 Бу күн сэн мәңә кэлмишиңдә бару
Бақа бар тапуғ барча қалды ғуру

4582 Қамуғ бир кишикә қатылмыш үчүн
Йасы мунча эрсә күчәмә күчүн

170a 4583 Улуш кэндкә кирсә мэниң бу өзүм
Киши бирлә болғай ишим ҳам сөзүм

4584 Нэкү-тэг қылур-мэн бу таъат тапуғ
Йапулға мәңә бу сыңардын қапуғ

4585 Кичикликтә йандым қарыдым бу күн
Байат тапғы бирлә тирилдим өкүн

4586 Йана йандру йанмақ йавалық тапа
Йарар-му мәңә эй бағырсақ апа

4587 Нэ эдгү билиг бэрди билги өкүз
Эшитгил муны сэн айа қылқы түз

4588 Йигитликдә қылғыл қарылық иши
Қарыса барыр күч йэтилмәс йашы

4589 Йигитликдә таврат байат тапғы қыл
Қарылықта болмас муны йэтрү бил



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Ўзғурмиш Ўгдулмишга бу дунёдан юз ўгириб у дунёга мойил бўлмоқликни айтади

4576 Жавоб берди Ўзғурмиш, айтди: Бу сўз(лар)ни
Мен эшитдим, энди қайта сўзни эшит.

4577 Сен айтган бу сўзларни ким(лар) ўргансалар,
Дунё ичра тилак-орзуларини топадилар.

4578 Ва лекин тириклик топаман деган (киши)
Аввал бу (қуйидагилар)ни билиши керак, эй билимли, доно.

4579 Одам шунча машаққат билан (мол-дунё) қозониб
Узоқ қолмайдиган бўлса, мол-дунё йиғишнинг нима кераги бор.

4580 Одам бу дунёни истаб елиб-югурса,
Тоат-ибодатлар иши тўхтаб қолади.

4581 Бугун сен меникига келганингдан бери,
Барча тоат-ибодат тўхталиб қолди, назар сол.

4582 Фақатгина бир кишига аралашиш учун
Зарари бунча(лик) бўладиган бўлса, (мени) куч билан зўрлама.

4583 Менинг ўзим қишлоқ, шаҳарга кирсам,
Ишим ҳам сўзим кишилар билан бўлади.

4584 Бу тоат-ибодатни қанақасига қиламан,
Бу жиҳатдан менга эшик ёпилади [яъни бунинг иложи қолмайди].

4585 Кичиклигимдан қайтдим, бугун (энди) қаридим,
Худонинг тоати билан, тавба билан яшадим.

4586 Беҳудалик томон яна қайта қайтмоқ
Менга муносибми, эй меҳрибон одам.

4587 Билими дарё (каби кенг киши) қандай яхши таълим берган,
Сен буни эшитгин, эй хулқи гўзал:

4588 Қариликнинг ишларини йигитликда қилгин,
Қаригач куч кетади, ёш етишмайди.

4589 Йигитликда шошил, худонинг тоат-ибодатини қил,
Қариликда (унинг) зарари бўлмайди, яхши бил.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4590 Кичиг оғлан эркән қылқнч эд̇гү тут
Улуғлуққа тэгсэ од̇ытур бу от

4591 Нэ эд̇гү болур көр йигитлик өд̇үн
Үлүг алса өзкә қамуғ эд̇гүдүн

4592 Нэ тэңсиз болур көр қарымыш киши
Йаава болса қылса йигитлэр иши

4593 Тириглик үчүн болды дунйа нэңи
Тириглик түгәсә түгәр нэң муңы

4594 Тириглик учуқты тэриб бу нэңиң
Ануқ кимкә қод̇ғу кэсилсә тыныӊ

4595 Тутайы сэн аймыш элиг тапғыны
Түгәл билдим эш түш буд̇ун қылқыны

4596 Нэкү асғы ахир өлүр эрсә өз
Сэңә тэггүси йоқ магар экки бөз

4597 Бу мунча ысынмақ азу тумлымақ
Тиләк экки болды эй эрсиг чумақ

170б 4598 Бири дунйа малын бэд̇үсә өзүң
Тақы бир йорық болса элдә сөзүң

4599 Эд̇и эд̇гү эрди бу экки булуб
Өлүм тутмаса қалса мэңү болуб

4600 Өлүм алды мэндин бу экки татығ
Нэрәк эмди дунйа э билги батығ

4601 Киши қутлуғының болур бэлгүси
Күнингә тэгәдүр аның эд̇гүси

4602 Қалы қутсуз эрсә кишиг тумлытур
Қарылық өд̇индә қылынч артатур

4603 Эд̇и йақшы аймыш бөгү билги кэң
Эшитгил муны сэн айа қырғу эң



www.ziyouz.com kutubxonasi

4590 Кичик ўғлон [яъни ёш йигит] экансан, феъл-атворни яхши тут,
Улғайганингда бу ўт ўчади [яъни унинг иложи қолмайди].

4591 Кўр, қандай яхши бўлади, йигитлик пайтида
(Киши) ўзига барча эзгуликлардан улуш олса.

4592 Қандай ярашиқсиз бўлади, кўр, қариган киши
Бемаъни бўлса, йигитлар ишини қилса.

4593 Дунёнинг нарсалари тириклик учундир,
Тириклик тугаса, нарсанинг мунги [яъни нарса учун уриниб қийналишлар] тугайди.

4594 Бу нарсаларни йиғиш билан тириклик ўтиб кетади,
Нафасинг кесилса [яъни ўлсанг], бу нарсаларингни кимга тайин қилиб қолдирасан.

4595 Фараз қилайлик, сен айтган элиг хизматларини,
Ёру биродар(лар), халқ қилиқларини тугал билдим.

4596 Охири ўзинг ўладиган бўлгач, у(лар)нинг нима фойдаси бор,
Сенга икки (парча) бўздан бошқа тегадигани йўқ(ку).

4597 Бунчалик исимоқлик ва совумоқликнинг [яъни ўзни ўтга-сувга урмоқликнинг] (боиси),
Икки тилак бўлди, эй мард мусулмон.

4598 Бири — дунё моли билан ўзинг буюклашсанг,
Тағин бири — эл орасида сўзинг [яъни ҳукминг] раво бўлса.

4599 Жуда яхши бўларди, шу икки (нарсага) эришиб,
Ўлим тутмасаю (киши) мангу бўлиб қолса.

4600 Бу икки ҳаловатни ҳам ўлим мендан (юлиб) олди,
Энди дунё нимага керак, эй билими чуқур.

4601 Киши қутлуғининг белгиси бўлади,
Унинг эзгулиги кунига рўй бериб туради.

4602 Агар қутсиз бўлса, кишини совутади,
Қарилик пайтида феъл-атворини бузади.

4603 Доно, билими кенг жуда яхши айтибди,
Сен буни эшитгин, эй қизил юз:



www.ziyouz.com kutubxonasi

4604 Киши қутлуғы ул нэчә улғаду
Бару эдгү болса эсизлик қоду

4605 Түгәл бэлгүлүг бил киши қутсузы
Қарыб йүгрүр эрсә ҳавасы уду

4606 Қаныққы бу дунйа тилэб тутғучы
Өзингә тэмүр кэнд тура йапғучы

4607 Қаны ул отун ыт бу дунйа булуб
Йашыл көккә сунды қара қуш мүнүб

4608 Қаны ул байат мэн тэгүчи отун
Тэңиздә қуды ыдты тэңри түбүн

4609 Қаны ул бу дунйа нэңи тэргүчи
Нэңи бирлә йэрдә қуды барғучы

4610 Қаны ул Туғардын Батарқа тэги
Йурыб эл тутуғлы бу дунйа йэги

4611 Қаны ул тайақы йылан болғучы
Тэңиз йарлыб отра кириб кэчгүчи

171a 4612 Қаны йэк пари қуш бу йалңуқ үзә
Улуғлуқ қылығлы қылынчи түз-ә

4613 Қаны ул өлүг тиргүрүгли киши
Өлумкә тутуғ болды ахир иши

4614 Қаны ул кишидә өдүрмиш талү
Қоқуз қалды дунйа эзилди толу

4615 Өлүм тутты элтти бу самышларығ
Сэни-му қодүр көр э қылқы арығ

4616 Бу йаңлығ турур бу ажун өңдиси
Кэрәк өңдиси тут кэрәк төңдиси

4617 Бақа көргил эмди йағыз йэр қойы
Нэ йаңлығ киши кирди толмас ойы

4618 Ачыб көрсә эрдиң қара йэр қатын
Нэ өдрүм талу эр йатур ынжықын



www.ziyouz.com kutubxonasi

4604 Киши қутлуғи шудирки, (у) қанча улуғлашиб,
Ёмонликни қўйиб, бутунлай яхши бўлса.

4605 Киши қутсизи мутлақ белгиликдир, билгин,
(Агар у) қариб орзу-ҳавас кетидан югурадиган бўлса.

4606 Қани(у) бу дунёни талаб қилиб, тутган,
Ўзига темир шаҳар, қаср ҳозирлаган (киши) [яъни Шаддод].

4607 Қани(у) тубан ит, бу дунёни қўлга олиб,
Қора қуш миниб яшил кўкка (қўл) чўзган (киши) [яъни Намруд].

4608 Қани у, худо мен, деб даъво қилган қабиҳ,
Тангри уни денгиз тубига ғарқ қилган (киши) [яъни Фиръавн]

4609 Қани у бу дунё бойлигини йиққан,
Бойлиги билан ер қаърига кетган (киши) [яъни Қорун].

4610 Қани у (кун) чиқардан (кун) ботарга қадар
Кезиб, элларни олган бу дунё яхшиси [яъни Зулқарнайн].

4611 Қани у ҳассаси илон бўлувчи,
Денгиз (суви) ёрилиб, ўртасига кириб кечгувчи (яъни Мусо).

4612 Қани дев, пари, қуш (ва) халқлар узра,
Улуғлик қилган феъл-атвори гўзал (киши) [яъни Сулаймон].

4613 Қани у ўлик(лар)ни тирилтирувчи киши,
Охири иши ўлимга тутқун бўлган (киши) [яъни Исо Масиҳ]

4614 Қани у одамлар орасида сайланган, танланган [яъни Муҳаммад],
Дунё қуруқ [яъни ҳоли, бўш] қолди, тўлалик емирилди.

4615 Бу саналганларни ўлим тутди, олиб кетди,
Сени қўярмиди, кўр, эй хулқи покиза.

4616 Бу дунёнинг қоидалари шу янглиғдир,
Иста қоидаларини тут, иста аксини.

4617 Энди кулранг ер остига назар солгин,
(Унга) қанчадан-қанча кишилар кирди, (лекин ҳануз унинг)
ўпқони тўлмайди.

4618 Қора ер қатини очиб кўрганингда эди,
Не-не сара, асл кишилар қайғу-алам билан ётганини.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4619 Нэ бэгләр йатурлар қара йэр болуб
Нэ билгә бөгү сызды йэрдә улуб

4620 Бэгин қулда адра билүмәс өзүм
Чығайығ байында сэчүмәс көзүм

4621 Нэчә күр күвәзләр бир иг игләмәс

Қара йэркә кирди қаны тэбрәмәс

4622 Бу йаңлығ кишиләр төшәнди йэриг
Йа сэн-му қалыр-сә йа мэн-му тириг

4623 Йурыйу туруғлы бу барқын киши

Улуғ йолда этмәс бу эв йоқ[119] иши

4624 Өзүмдин көтүрдим бу арзу тиләк
Қоду бэр байатым мәңә таб йөләк

4625 Кишиг қул қылығлы бу суқлуқ турур
Кэтәрдим бу суқлуқ көзүм тоқ турур

4626 Нэкү тэр эшит дунйа қодмыш киши
Йайығ дунйага көңли тодмыш киши

117б 4627 Ажунда тиләкин булунды өзүм
Ҳарислық өзиндин кэтәрди көзүм

4628 Өзүм қодты дунйа тиләк арзусын
Тиләким түгәнди кэсилди сөзүм

4629 Бу дунйа ичи бир тарығлағ турур
Нэкү эксә мунда йарын ул үнүр

4630 Уруғ эдгү эксә үнәр эдгүлүк
Ул эдгү болур-ул йэгү кэдгүлүк

4631 Уруғ эсиз эскә эсиз-өк үнүр
Ул эсиз бойунқа йарын йүк болур

4632 Бу күн қодмағынча ҳава арзулар
Йарын булғу эрмәс өзүм эдгүләр



www.ziyouz.com kutubxonasi

4619 Не-не беглар қора ер бўлиб ётибдилар,
Не-не билағон, доно(лар) ер (ости)да чириди(лар).

4620 Ўзим бегини қулдан ажрата билмайман,
Кўзим камбағални бойидан (аниқ) фарқлай олмайди.

4621 Бирор бир дард билан оғримаган неча-неча шижоатли, мағрур (кишилар),
Қора ер (ости)га кирди(лар), (улар) қани, қимирламаётирлар.

4622 Шундай кишилар ерни тўшанганда [яъни ўлганда],
Ё сен, ё мен тирик қолармиэдик.

4623 Юриб турувчи [яъни тинмовчи] бу аҳди қаттиқ саёҳатчи киши [яъни у дунёга соф боришга қаттиқ аҳд қилган киши]
Улуғ йўлда уй-жой ишлари билан шуғулланмайди.

4624 Ўзимдан бу орзу-тилакларни узоқлаштирдим,
(Ўз ҳолимга) қўйиб қўй, худойим мен учун етарли суянчиқдир.

4625 Кишини қул қилувчи бу суқликдир,
Бу суқликни ташладим, кўзим тўқдир.

4626 Дунёни тарк этган киши нима дейди, эшит,
Бевафо дунёга кўнгли тўйган [яъни қайтган] киши.

4627 Ўзим оламда тилагимни топдим,
Кўзим ўзидан ҳарисликни ташлади.

4628 Ўзим дунёнинг тилак-орзу(лар)ини тарк этдим,
Тилак(лар)им тугади, сўзим тамом бўлди.

4629 Бу дунёнинг ичи бир экинзор (каби)дир,
Бунда нима эксанг, келасида ўша унади.

4630 Эзгу уруғ эксанг, эзгулик унади,
Бу эзгу егулик, кийгулик бўлади.

4631 Ёмон уруғ эксанг, ёмон (нарса) ўсади,
Бу ёмонлик келгусида [яъни у дунёда] бўйинга юк бўлади.

4632 Букун (токи) ҳавас-орзуларни тарк этмагунча,
Келгусида [яъни у дунёда] эзгулик(лар)га эриша олмайман.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4633 Сэни қод̇мас эркән бу дунйаны қод̇
Сәңә тод̇мәс эркән сэн ир ашну тод̇

4634 Аны қод̇маса сэн сэни қод̇ға-оқ
Аңар тод̇маса сэн сәңә тод̇ға-оқ

4635 Булуб қалғу эрсә нәрәк бу ажун
Сэни қод̇ғу эрсә аны қод̇ узун

4636 Муны қод̇ тилә ул ажунуғ туруб
Эрәжин тирил анда мәңү болуб

4637 Тақы мунда йэгрәк тиләйин тэсә
Экигүн ажунуғ тиләмә оса

4638 Йуры экки ажун ид̇исин тилә
Нәрәк дунйа ъуқба экигүн билә

4639 Төрүтгәнни булса төрүмиш[120] сэниң
Йаратғанны булса йаратмыш сэниң

4640 Төрүмишкә қорқма тиләмә тиләк
Төрүтгәнгә қорққыл аны тут йөләк

4641 Төрүтгән ид̇и тапғы эврә қод̇уб
Төрүмишкә тапмақ болур-му уд̇уб

172*a* 4642 Экид̇ә ад̇ын йоқ тапуғчы иши
Йа тапғы йарағай көтүргәй башы

4643 Йа тапғы йарамаға эмгәкләри
Йава болға өд̇ күн тиригликләри

4644 Йараса тапуғ бэг көтүрсә аны
Болур өзкә эрксиз бу булмыш күни

4645 Ара ач ара тоқ йүгүргү кэрәк
Бэги йатса эмгәк бу көргү кэрәк

4646 Қалы сиңмәсә көр бу қылмыш тапуғ
Йава болды эсиз тириглик қамуғ



www.ziyouz.com kutubxonasi

4633 Сени қуймас экан(ми), (сен) бу дунёни қуй,
Сенга туймас экан(ми), сен (ундан) қоч, олдинроқ туй.

4634 Сен уни қуймасанг, (у) сени албатта қуяди,
Сен унга туймасанг, (у) сенга албатта туяди.

4635 (Унга) эришиб, (яна) қоладиган булгач, бу дунё нега керак,
Сени қуядиган булгач, (сен) уни батамом қуй.

4636 Бу (дунё)ни қуй, туриб у дунёни тила,
У (дунё)да мангу булиб роҳатда яша.

4637 Бундан тағин ҳам яхшироғини истайин десанг,
Иккала дунёни ҳам истама, ўйла,

4638 Кел, икки олам эгасини иста,
Дунё нимага керак, охират иккала дунё биландир [яъни охиратда иккала дунё ҳам жамул-жамдир].

4639 Бунёд қилганга эриш, бунёд булганлар сеники,
Яратганга эриш, яратилганлар сеники.

4640 Бунёд булганлардан [яъни инсонлардан] қурқма, (улардан) тилак тилама.
Яратгандан қурққин, уни суянчиқ деб билгин.

4641 Яратган эгам тоат-ибодатини кейинга қуйиб,
Ғафлатга ботиб яратилганга [яъни инсонга] хизмат қилмоқлик буладими (ахир).

4642 Хизмат қилувчининг иши икки (нарса)дан бошқа булмайди.
Ё хизмати манзур булади, бошини кутаради.

4643 Ё хизмати, меҳнатлари манзур булмайди,
Вақти, кун(лари), тирикликлари беҳуда булади.

4644 Хизмати манзур булса, бег уни кутарса,
Бу эришган кунлари ўзи учун эрксиз(ликдан иборат) булади.

4645 Гоҳо оч, гоҳо туқ югуриш керак,
Беги ётса, у машаққат куриши керак.

4646 Агар у қилган хизмат(лар)и сингмаса [яъни манзур булмаса],
Эсиз, тириклиги бутунлай беҳуда булади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4647 Қайу-ул тапуғчыққа айғыл асығ
Бу тапғы ичиндэ нэкү-ул асығ

4648 Нэкү тэр эшитгил Ыла эркини
Тапуғчы төрүсин айур көр аны

4649 Бақа бэрсэ тэрс иш бу бэглэр иши
Тапунса тэлим тэрк йаранмас киши

4650 Йараса тапуғ өзкэ эрксиз болур
Йарамаса тапғы күнингэ илүр

4651 Тапуғқа ынанма э тапғы тэлим
Тапуғ қылға ахир башыңны қалым

4652 Сэв̇инди тэдүктэ сасытур сөкэр
Йазылды тэдүктэ бушуб қаш түгэр

4653 Түгэл билсэ болмас қылықларыны
Йэмэ алса болмас алықларыны

4654 Түби йэл турур бу аж̇ун эй оғул
Көликэ турур көр қарары йоқ-ул

4655 Сақым-ул көрү барса көрнү турур
Тутайын тэдүктэ йитэр йоқ болур

4656 Кэзигчэ кэлир көр бу давлат қуры
Тириг-ул йайығ ҳам болур тэрк қары

172б 4657 Кэрэк болмас эмди бу дунйа мэңэ
Йа давлат кэзиги кэзиг эй тоңа

4658 Ид̇им йады эш таб сэв̇ингү сэв̇инч
Аның йарлығы таб ав̇ынғу ав̇ынч

4659 Сэв̇үг болмаса таб ид̇им сэв̇миши
Йағым йэк турур өз йағыламышы

4660 Тилэким аныңдын умунчым аңар
Сығынғу ид̇им ул күв̇энгүм аңар

4661 Тонум қой йүңи таб йэгүм арпа аш
Түгэл болды дунйа мэңэ эй қад̇аш



www.ziyouz.com kutubxonasi

4647 Хизматчи учун манфаат қайси, айтгин,
Бу хизматларидан қандай манфаат бор.

4648 Ило эркини нима дейди, эшитгин,
Унга назар сол, (у) хизматчи йўл-йўриғи ҳақида айтади:

4649 Назар солсанг, бу беглар иши жуда қийин иш,
Талай хизмат қилса (ҳам) киши дарров (ўзини) манзур қилолмайди.

4650 Хизмат манзур бўлса, (у) ўзига эрксиз бўлади,
Хизмати манзур бўлмаса, (у) кундан-кунга пасаяди.

4651 Эй хизмати кўп (синган), хизматга инонма,
Охири хизмат бошингни бадал қилади.

4652 (Энди) севинди деганда, саситиб сўкади,
(Энди чеҳраси) очилди деганда, ғазабланиб қош тугади [яъни қовоқ солади].

4653 (Унинг) қилиқларини тугал билиб бўлмайди,
Шунингдек, (ундан) олинадиган (нарса)ларини (ҳам) олиб бўлмайди.

4654 Бу дунё бўрон, ел кабидир, эй ўғил,
Қарори йўқ кўланка кабидир, назар сол.

4655 (У) сароб кабидир, қараганда кўриниб туради,
Ушлайин деганда, йўқолади, йўқ бўлади.

4656 Бу давлатнинг мартабаси навбати билан келади, кўр,
У ҳам тирик, ҳам бевафо, ҳам тез қарийди.

4657 Энди бу дунё менга керак бўлмайди,
Ёки давлат навбати (бўлган) навбат ҳам (керакмас), эй баҳодир.

4658 Эгамнинг ёди (менга) эш, етарли севинадиган севинч,
Унинг ёрлиғи етарли овинадиган овинч.

4659 Севувчи бўлмаса, эгамнинг севиши кифоя,
Ўзим ёвлашган ёвим шайтондир.

4660 (Менинг) тилак(лар)им ундан, умидим унга,
Сиғинадиган эгам ўша, (мен) ундан қувонаман.

4661 Кийимим қўй юнги, (шу) бас, озуқим арпа ош,
(Шулар билан) дунё менга етарли бўлди, эй қариндош.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4662 Нэкү тэр эшитгил бағырсақ сөзи
Өңүрдә туруғлы сақынуқ өзи

4663 Ажунда алындым өзүмкә өңи
Қавуқ сөкти йэм таб тонум қой йүңи

4664 Шакардә татығлық қавуқ йор мэңә
Жуз-ул бу өрүм тон ағылар тэңи

4665 Қарын тодғуча йэ қамуғ йэм ичим
Кэрәк арпа йор тут тодузғу ачым

4666 Түзү улма гүжә йэгил эй қадаш

Йэмә удлайу сэн тадуң болга баш

4667 Татығ сүрмә татығ қыны кәд қатығ
Татығқа йанут орны тэңсиз батығ

4668 Ачығ сүчиг ашлар боғуз татқы-ул
Боғуз татғы сүргән киши йылқы-ул

4669 Ағы жуз кэдим тон киши кэдгүси
Эт-өз өрткү таб қыл эй эр эдгүси

4670 Боғуз бир тодуса экн күн барыр
Эгин кэдсә бир тон эки йыл қалыр

4671 Бу экки үчүн мэн өзүм қул қылыб
Киши тапғы қылмақ йарар-му билиб

173*а* **4672** Әдиз ъарштa мундын сарақа тэги
Түзү барча муңлуғ турур бир тэңи

4673 Магар бир байат-ул түгәл муңсузун
Муңуғ билдәчи ул бағырсақ түзүн

4674 Көңүл бир байатқа уладым көни
Тиләкчи болуб мэн тиләр-мэн аны

4675 Бары болды шаксиз мэңә бэлгүлүг
Көңүл бүтти йэрләр тэлим үлгүлүг



www.ziyouz.com kutubxonasi

4662 Меҳрибон сўзини эшитгин, нима дейди,
Ўзи ғорда турувчи, мулоҳазали кишидир:

4663 Дунёда ўзимга (керагини) олдим,
Қипиқ, кепак мен учун етарли овқат, кийимим қўй юнгидир

4664 Қипиқ бўтқа мен учун шакардан ҳам татимли,
Бу тўқилган (яъни бўз) кийим ипакли, шоҳиларга тенгдир.

4665 Ҳамма ейиладиган, ичиладиган (нарса)ни қорин тўйгунча е,
Хоҳ арпа бўтқа бўлсин, очликни тўйдириш керак.

4666 Барча (кулда) пиширилган нон(лар)ни, гўжа(лар)ни еявер, эй қариндош,
(Лекин) сен молдек ема: мизожинг бузилади.

4667 Лаззат кетидан қувма, лаззатнинг азоби жуда қаттиқдир,
Лаззатга жавоб ўрни мислсиз чуқурдир.

4668 Аччиқ, чучик овқатлар томоқнинг лаззатидир,
Томоқ лаззатининг кетидан қувган киши ҳайвондир.

4669 Ипакли, шоҳи кийим, либос(лар) одам киядиган нарсалардир,
(Сен) тану жон [яъни руҳ-нафс] пардасини соз қил, [яъни у дунёлигингга ҳозирлик кўр], эй одамлар яхшиси.

4670 Томоқ бир тўйса, икки кун ўтади,
Эгин бир кийим кийса, икки йилга етади.

4671 Шу иккала нарса учун мен ўзимни қул қилиб,
Била (кўра) туриб одам(лар) хизматини қилмоқлик ярайдими.

4672 Арши аълодан тортиб то рутубатли ерга қадар,
Бутун (ва) барча (одамлар) бир тенгда мунглидир.

4673 Тугал мунгсиз фақат бир худодир,
У (барча) мунглардан хабардор, меҳрибон, карамлидир.

4674 Тўғридан-тўғри кўнгилни бир худога боғладим,
Мен тилакчи бўлиб (доим) уни тилайман.

4675 (Унинг) борлиги (ҳеч) шубҳасиз менга маълум бўлди,
Кўнгил ишонган ерлари талай (ва) мувофиқдир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4676 Барынга муқарр-мэн тилэр-мэ усуз
Қайуда тилэсү өзүм бэлгүсүз

4677 Идимни тилэр-мэн өзүм усы йоқ
Нишанын булур-мэн көрүглиси йоқ

4678 Тилэгли удымас тилэ тынмағыл
Тилэб булмадым тэб йатыб йанмағил

4679 Тилэб тутчы тынма тилэб йэтгү йоқ
Тилэб булмадым тэб йанын йатғу йоқ

4680 Тилэгли йүгургү кэрэк тынмады
Йатыб тынғучылар тилэк булмады

4681 Тилэб тынмағучи нэ булмас болур
Тыныб йатсэ арзу тилэк ким булур

4682 Мэни ул тилэди эң ашну сэвиб
Аны мэн тилэр болдум эмди эвиб

4683 Мэни ашну ул қулды эрди азал

Анын мэн қулур болдум эмди түгэл

4684 Бу мундағ идимни қалы сэвмэйин
Тилэб булғуқа өз қалы эвмэйин

4685 Муңумқа тақымқа мэңэ ул йарар
Бала қадғу тэгсэ мэни ул йулар

4686 Мэни ул өдүрди эң ашну тилэб
Анын өз тилэр болды көңлин улаб

173б 4687 Мэни ул төрүтти бу-ул чын сөзүм
Мэни ул гидти бэдүди өзүм

4688 Тоңулдум бу халқдын сығындым аңар

Көдэзгэй мэни ул қамуғдын сыңар

4689 Өзүм қалса йалңуз идим йады таб
Өзүм сөзлэгүкэ идим аты таб



www.ziyouz.com kutubxonasi

4676 Борлигига иқрорман, уйқусиз (уни) тилайман,
Ўзим (уни) қаердан қидирайин, (бу) номаълум.

4677 Эгамни қидираман, ўзимнинг уйқум йўқ,
Нишон(лар)ини топаётирман, (лекин ўзини) кўриш йўқ.

4678 Қидирувчи ухламайди, тинмагин, қидиргин,
Қидириб топмадим, деб ётиб қайтмагин [яъни хотиржам бўлиб
бу йўлдан қайтмагин].

4679 Доим қидириб тинма, қидириб етмоқ йўқ,
Қидириб топмадим, деб ёнбошлаб ётмоқ йўқ.

4680 Қидирувчи тинмасдан югуриши керак,
Ётиб дам олувчилар тилак топмаганлар.

4681 Қидириб тинмовчи қанақасига (тилакни) тополмайдиган бўлади,
Дам олиб ётса, орзу-тилакни ким топади.

4682 Энг аввал севиб мени у [яъни худо] тилади,
Энди шошилиб уни мен тилайдиган бўлдим.

4683 Аввал у мени сўради [яъни яралишимни хоҳлади], (чунки у)
азал эди,
Шу сабабдан энди мен тугал (уни) сўрар бўлдим.

4684 Мана шундай эгамни қандай қилиб севмайин,
Қидириб етишишга ўзим қандай қилиб шошилмайин.

4685 Мунгимда, ёлғизлигимда менга у ярайди,
Бало, қайғу етса мени у халос қилади.

4686 Тилаб энг аввал мени у сайлади,
Шу сабабли ўзим кўнгилни (унга) боғлаб) (уни) тиловчи бўлдим.

4687 Мени у яратди, чин сўзим шудир,
Мени у парваришлади, ўзим улғайдим.

4688 Бу халқдан умидни уздим [яъни юз ўгирдим], (фақат) унга
сиғиндим,
У ҳамма жиҳатлардан мени асрайди.

4689 Ўзим ёлғиз қолганда, эгамнинг ёди кифоя,
Ўзимнинг сўзлашим учун эгамнинг оти кифоя.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4690 Авынғум сығынғум йөләким тоқум
Ул-ул бир иди тодғу ачым тоқум

4691 Нәкү тәр эшитгил сүзүлмиш киши
Идиси билә чын түзүлмиш киши

4692 Көңүлдәки сиррым ачар-мән сәңә
Тиләк арзу бирлә учар-мән сәңә

4693 Күвәнгү авынғу сығынғу идим
Қамуғдын үзүлдүм қачар-мән сәңә

4694 Ул ажунқа орнуң бу ажун турур
Муны қодмағынча аны ким булур

4695 Бу қач нәң түгәл қодмағынча киши
Адын төрт қылумас киши өз иши

4696 Йүз отру кәтәргү бу дунйа салыб
Анын болса ъуқба булунғай алыб

4697 Йайығ дунйа бәкдү элигдә тутуб
Нәкү-тәг болур мәңү ажун йәтүб

4698 Хатарлығ турур дунйа нушы ағу
Арығын тилә барча ичгү йәгү

4699 Қоду бәргү дунйа тиләк арзусын
Анын булса ъуқба орун эдгүсин

4700 Ҳақиқат муны бил эй Өгдүлмишим
Айайын сәңә мән өзүм билмишим

4701 Бу дунйа ишин қодмағынча түгәл
Қылумас бу ъуқба ишин эй ынал

174*a* 4702 Кишидә йырақ болмағынча қадаш
Байат тапғынгә тәгсә болмас адаш

4703 Ҳава арзу бойны сымағынча уз
Көнилик йолынгә кирүмәс эт-өз

4704 Көңүлдин чықарғу қамуғ дунйасын
Аңар өтрү кирсә байат сәвги чын



www.ziyouz.com kutubxonasi

4690 Овунадиганим, сиғинадиганим, орқа таянчим, ишончим,
Тўядиганим, очим, тўқим ўша биргина эгамдир.

4691 Покизаланган киши нима дейди, эшитгин,
Эгаси [яъни парвардигори] билан чиндан созлашиб кетган киши:

4692 Кўнгилдаги сиримни очарман сенга,
Тилак-орзу билан учарман сенга.

4693 Қувонадиган, овунадиган, сиғинадиган эгам,
Ҳамма (нарса)дан узилдим, қочарман сенга.

4694 У дунёдаги ўрнинг (учун бадал) бу дунёдир.
Бу (дунё)ни қўймагунча, у (дунё)ни ким топа олади.

4695 Одам бу бир қанча нарсаларнинг баҳридан бутунлай ўтмагунча,
Киши ўзининг бошқа тўрт ишини қила олмайди.

4696 Бу дунёни қўл билан кўрсатиб, (ундан) юз ўгириш керак,
Шу туфайли охиратни топса, (уни) эришиб олса (бўлади):

4697 Бевафо дунёни қўлда маҳкам тутиб,
Қандай қилиб мангу (ҳақиқий) дунёга етиб бўлади.

4698 Дунё хатарлидир, (унинг) нуши оғу(дир),
Барча ичгу(лик), егу(ликларнинг) тозасини иста.

4699 Дунё тилак-орзуларининг баҳридан ўтиш керак,
Шу туфайли охиратнинг яхши ўрнини топса (бўлади).

4700 Эй Ўгдулмишим, ҳақиқат деб буни билгин,
Мен сенга ўзим билганларимни айтайин.

4701 Бу дунё иш(лар)ини тугал тарк этмагунча,
Охират иш(лар)ини қила олмайсан, эй аслзода.

4702 Одамлардан узоқ бўлмагунча, (эй) қариндош,
Худонинг тоат-ибодатига етса бўлмайди [яъни худонинг тоат-ибодатини қилиб бўлмайди], (эй) ошна.

4703 Ҳавас, орзу бўйни яхши синдирилмагунча,
Тану жон тўғрилик йўлига кира олмайди.

4704 Кўнгилдан барча дунёсини чиқариб ташлаш керак,
(Токи) сўнг унга худонинг чин муҳаббати жо бўлсин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4705 Түнәк-ул бу дунйа мусулман үзә
Түнәктә эрәж қулма көңлүң түз-ә

4706 Эт-өз үлги бэрмә қатығлан оса

Өзүң йолқа көңәй анында баса

4707 Йава қылмағыл бу кэчәр өд күнүң
Йана булғуң эрмәс кэчигли түнүң

4708 Кэчәр күн йава болса өкнүр кэдин
Триглик йава қылса булмас адын

4709 Нэкү тэр эшит көр э билги тэңиз

Өзи қутқы алчақ нэ көңли эдиз

4710 Улушдын улушқа көчүгли киши
Көчин өндүн ыдса этәр ул иши

4711 Бу көчмәстә ашну көч ыдса оза
Көчүб барды асғы йарутур көз-ә

4712 Кэрәк ыд көчүңни кэрәк ыдмағыл
Өзүң көчгү ахир осал болмағыл

4713 Кэрәк эрсә бэг бол кэрәк болса қул
Өзүң қалғу эрмәс өлүм тутты йол

4714 Кэрәк миң йашағыл кэрәк он сэкиз
Өзүң өлгү эдгү атың қодғыл из

4715 Кэрәк эрсә бай бол кэрәк йоқ чығай
Тиригликни йэр бу кэчәр йыл күн ай

4716 Башың көккә тэгсә бэдүглүк атын
Кириб йатғу орнуң қара йэр қатын

174б 4717 Тириглик булуб эр йава қылса өз
Өзин отқа атты ошул йылқы уд

4718 Эсәнлик булуб эр йава қылса йаш
Бу көрксүз тириглик болур эй қадаш



www.ziyouz.com kutubxonasi

4705 Мусулмон(лар) учун бу дунё тунаб ўтиш жойидир,
Тунаш жойида фароғат истама, кўнглингни тузат.

4706 Тану жон баҳрасини берма [яъни нафсга эрк берма], қаттиқ бўл, ўйла,
Шу орқали (гина) ўзинг (тўғри) йўлга кирасан.

4707 Бу ўтаётган вақт, кунларингни беҳуда қилмагин,
Ўтган тунингни яна (қайта) топа олмайсан.

4708 Ўтаётган кунинг беҳуда бўлса, кейин афсус қиласан,
Тирикликни беҳуда қилсанг, бошқа тополмайсан.

4709 Билими денгиз (каби чуқур киши) нима дейди, эй (сен) эшит, назар сол,
Ўзи тавозели, мулойим ва олий ҳиммат (киши):

4710 Қишлоқдан қишлоққа кўчувчи киши,
Кўчини олдин юборса, у ишини саранжом қилади.

4711 Кўчмасдан аввал илгарироқ кўч юборса,
Кўчиб борганнинг фойдаси кўзни ёритади.

4712 Кўчингни хоҳ юбор, хоҳ юбормагин,
(Бари бир) ўзинг охири кўчасан, ғофил бўлмагин.

4713 Иста бег бўл, иста қул бўлгин,
Ўзинг (тирик) қолмайсан, чунки ўлим (деган нарса) йўлга отланган.

4714 Иста минг (йил) яшагин, иста ўн саккиз (йил яшагин),
Ўзинг (бари бир) ўласан, эзгу отингни нишона (қилиб) қолдиргин.

4715 Иста бой бўл, иста йўқ(сил), камбағал (бўл),
Ўтаётган бу йил, кун, ой(лар) тирикликни ейди.

4716 Улуғлик шуҳрати билан бошинг кўкка етса (ҳам),
Кириб ётадиган ўрнинг қора ернинг остидир.

4717 Киши тириклик топиб, уни ўзи беҳуда қилса,
(У) ўзини ўтга отади, у ҳайвон, мол(дир).

4718 Киши саломатликка эришса(ю), ёшини беҳуда ўтказса,
Бу тириклик ярашиқсиз бўлади, эй қариндош.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4719 Мэниң қад̇ғумы сэн йэмә эй қад̇ыш
Сэн өз қад̇ғуны йэ төкүб көзд̇ә йаш

4720 Бу дунйа иши бэк тузақчы турур
Тузаққа илинмә сэни бэркитүр

4721 Бу күн кэлди давлат тиләкчә барыр
Ынанма аңар сэн йана тәрк барыр

4722 Осанма өлумкә сақынма узун
Пусуғдын чықар-тэг чықар өд̇сүзүн[121]

4723 Өкүш миң осалығ өлүм басмыш-ул
Тэлим йумқыларығ өлүм сачмыш-ул

4724 Нэкү тэр эшит эмди көңли уд̇уғ
Өлүмкә осал болма тэггэй йуд̇уғ

4725 Өкүш тэрнәгиң көр тарады өлүм
Өлүмүг сақынса ақар көз йулум

4726 Мэнин көксәгүчи мэни қалмады

Асығ қылмады сү этиглиг толум

4727 Осанма тириглик барыр бэлгүсүз
Кэчәр ошбу өд̇ күн йана йанғусуз

4728 Эрәжкә ав̇ынма йав̇а болға күн
Бу қутқа ынанма йайығ ул отун

4729 Бэд̇үг мэн тэгүчини бузды өлүм
Улуғ мэн тэгүчини утты өлүм

4730 Өлүм бузды орду тэлим кэнд улуш

Өлүм бузды қаршы сарай эв̇ өкүш

4731 Нэчә миң тириг өлди толуб йатур

Бизиң кэлгүмизкә көд̇әзиб йатур

175*а* 4732 Бақа көр уларқа сэн ачғыл көзүң
Бэгиг қулда ад̇ра билур-му өзүн



www.ziyouz.com kutubxonasi

4719 Сен мен учун қайғу ема, эй қариндош,
Кўздан ёш тўкиб, сен ўз қайғунгни е.

4720 Бу дунё иши пишиқ тузоқчидир
Тузоққа илинма, сени маҳкам тутади.

4721 Бугун (сенга) келган давлат тилакка мос(дек) юради,
(Лекин) сен унга инонма, (у яна) тез кетади.

4722 Ўлимдан ғофил бўлма, узоқ ўйлайверма,
(Ўлим) пистирмадан чиққандек бемаҳал чиқади.

4723 Талай минг ғофил(лар)ни ўлим (қўққисдан) босгандир,
Талай жам қилинган (нарса)ларни ўлим сочгандир.

4724 Энди кўнгли ҳушёр нима дейди, эшит,
Ўлимдан ғофил бўлма, машаққат етади:

4725 Кўплаб одамлар, йиғинини ўлим тарқатиб юборган, кўр,
Ўлимни ўйласам, кўз чашмам [яъни ёшим] оқади.

4726 Мен-мен деб керилувчи мани [яъни бирорта ҳам киши]
(ўлимдан қутулиб) қолгани йўқ.
Лашкар, шай қурол-аслаҳа фойда қилмади [яъни жонга ора
кирмади].

4727 Ғофил бўлма, тириклик сезилмасдан ўтиб кетади,
Ўтаётган ушбу вақт (ва) кунлар яна қайтмайди.

4728 Фароғатга маҳлиё бўлма, кун(лар) беҳуда бўлади,
Бу қут-давлатга инонма, у бевафо ва тубан.

4729 Буюкман деювчи(лар)ни ўлим вайрон қилди,
Улуғман деювчи(лар)ни ўлим енгди.

4730 Ўрда (шоҳ турадиган шаҳар), талай шаҳар, қишлоқ(лар)ни ўлим
вайрон қилди,
Ўлим талай қаср, сарой (ва) уй(лар)ни вайрон қилди.

4731 Неча минг(лаб) тирик(лар) ўлди(лар), (улар) ер тагида
тўлиб ётибди(лар),
Бизнинг келишимизга кўз тутиб ётибди(лар).

4732 Сен кўзингни очгин, уларга назар сол,
Ўзинг бегни қулдан ажрата биласанми.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4733 Улуғлуқ өлүмкә асығ қылмады
Өлүмдин қачығлы кэчик булмады

4734 Ағыр сав̆чыларны элэтти өлүм
Адын ким этүгэй от эм йа толум

4735 Ынанчсыз турур бу жафачы ажун
Йайығ қылқы ирсэл қылынчы отун

4736 Нэкү-тэг кэчүрсэ кэчәр тэрк күни
Барыр эдгү эсиз нэ эгри көни

4737 Тоқун ма кэчәр ҳам ачын ма кэчәр
Нэ бэгкә қылур йүз нэ бай қул сэчәр

4738 Эрәжи узамас нэ эмгәкләри
Нэрәк өтрү мунча чоғы үн уры

4739 Эд̆и йақшы аймыш бөгү билги кэң
Қылықы йорықы билә көңли тэң

4740 Аз эдгүкә йалңуқ унытур өзин
Йашыл көктә үстүн йурытур сөзин

4741 Нэчә көр көкүзлүг кув̆әнүр эриг
Өлүм йанчты көксин сачытты көзин

4742 Бу эрди сэңә чын бағырсақлықым
Муну сөзләдим мэн сэңә эй ақым

4743 Ким эрсә бу ҳалығ билир эрсә чын
Аңар болғу эрмәс бу дунйа йақын

4744 Йитүрдүм йигитлик йэтилди йашым
Йыпар кэтти кафур әшүнди башым

4745 Сэзигсиз өлүмкә анунғу өд̆и
Бу күндә нару-ул э йалңуқ кэд̆и

175б 4746 Өлүм қад̆ғусы тутты кэтти сэв̆инч
Өлүмдә кэд̆ин иш нэкү-тэг эринч

4747 Бу қад̆ғу сақынч бирлә эркэн өзүм
Нэкү-тэг элигкә бэрүр-мэн өзүм



www.ziyouz.com kutubxonasi

4733 Улуғлик ўлимга фойда қилмаган,
Ўлимдан қочувчи кўприк [яъни чора-илож] топмаган.

4734 Табаррук пайғамбарларни (ҳам) ўлим олиб кетди,
Бўлак ким (ўлимга қарши) даво, эм ёки қурол-аслаҳа ҳозирлай олади.

4735 Бу жафочи дунё ишончсиздир,
Бевафо, хулқи жафо, қилиқлари тубандир.

4736 Қанақасига ўтказсанг (ҳам) кун(лар) тез ўтиб кетади,
Яхши, ёмон ҳамда эгри, тўғри (ҳам) кетади [яъни ўлади].

4737 Тўқликда ҳам ўтади, очликда ҳам ўтади,
На бегни юз хотир қилади, на бой (ва) қулни ажратади.

4738 (Унинг) роҳат(лар)и ҳамда машаққатлари узоққа бормайди
Бас, бунчалик шовқун-сурон нимага керак.

4739 Доно, билими кенг жуда яхши айтибди,
Қилиқ(лар)и, хатти-ҳаракатлари билан кўнгли монанд (киши):

4740 Одам оз(гинагина) эзгуликка (эришса) ўзини унутади,
Сўзини яшил осмондан ҳам баланд (парвоз қилиб) юритади.

4741 Қанчадан-қанча шуҳратли, мағрур, гердайган кишиларнинг
Кўксини ўлим янчди, кўзини чиқарди.

4742 Сенга чин меҳрибонлигим шу(лар)ни (айтиш) эди,
Мана, мен сенга сўзладим, эй саховатлим.

4743 Ким бўлсин, (уш)бу ҳолни чиндан биладиган бўлса,
Бу дунё унга яқин бўлмайди [яъни у бу дунёга меҳр қўймайди].

4744 Йигитликни йўқотдим, ёшим етилди,
Ипор [яъни қора] кетди, бошим кофур [яъни оқ] ёпинди.

4745 Шубҳасиз ўлимга ҳозирланадиган пайтдир,
Бу кундан буёғи, эй одамларнинг яхшиси.

4746 Ўлимнинг қайғуси тутди, севинч кетди,
Ўлимдан кейин иш қанақа бўлар экан.

4747 Ўзим бу қайғу-алам(лар) билан эканман,
Ўзимни элиг (хизмати)га қандай қилиб бағишлайман.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4748 Элигкә мэниндин асығ болмағай
Тосулсу тэсә ҳам тосу булмағай

4749 Қалы ул ажунлуғ тиләсә мэни
Мэни барды сақныб йурысу көни

4750 Апа оғлыны эмди эрклиг байат
Төрүтти эки иш үчүн бэрди ат

4751 Тамуғқа йа учмақ бэги болғуқа
Ағырлық үчүн йа ужуз қылғуқа

4752 Ағырлық тиләсә айу бэрди йол
Ужузлуқ йолын ма сэчә бэрди ул

4753 Кэрәк эмди қулқа өзи қуллуқын
Түгәл қылғу булса байат тавфықын

4754 Қалы булса тавфық байатдын қулы
Қамуғ эдгүлүккә ачилды йолы

4755 Қатығланғу өтрү йэтүргү тапуғ
Түмән эдгүлүккә ачылғай қапуғ

4756 Бу эрди мунықы мэниң билмишим
Сэңә сөзләдим мэн эй эдгү эшим

4757 Силәркә мэниндин асығ сөз кэрәк
Өзүмдә көрү бу сөзүм эдгүрәк

4758 Қалы ъуқба қулса йорықы бу ҳал

Қалы дунйа қулса билирсә түгәл

4759 Болу бэрди эврән кэлү бэрди қут
Нэкү қулса арзу кэлү бэргә бүт

4760 Мэниндә нэкү бар адын эдгү иш
Силәркә асығ қылса эй эдгү эш

176*a* 4761 Қоду бэрсу элиг мэни тэңриқа
Дуъачы болайын аңар эдгүкә

4762 Билиг айтур эрсә уну билмишим
Эшиттиң айу бэр нэкү аймышым



www.ziyouz.com kutubxonasi

4748 Элигга мендан фойда бўлмайди,
Манфаат келтирсин деса ҳам, манфаат топмайди.

4749 Агар у дунёлик неъмат(лар)дан умид қилса,
Мени (ўз ҳузурига) борган ҳисоблаб, тўғри юраверсин.

4750 Энди [яъни ахир] қодир худо одам боласини,
Икки иш учун яратган, от берган.

4751 Дўзах учун ё жаннат беги бўлиш учун,
Табаррук (бўлиш) учун ё тубан-паст қилиш учун.

4752 Табарруклик истаса, у [яъни худо] йўл айтиб беради,
У тубанлик йўлини ҳам аниқлаб беради.

4753 Энди лозимдирки, банда ўз бандалигини
Тугал бажо келтирса(ю), худо тавфиқига сазовор бўлса.

4754 Агар бандаси худонинг тавфиқига сазовор бўлса,
Ҳар қандай эзгулик(лар)га йўли очиқ бўлади.

4755 Қаттиқ киришиб сўнг тоат-ибодат қилиш керак,
Туман (турли) эзгулик(лар)га эшик очилади.

4756 Мана, менинг билган(лар)им шу(лар) эди,
Мен сенга сўзладим, эй яхши эшим.

4757 Сизлар учун мендан фойда сўз (бўлиши) керак,
Ўзимдан кўра бу сўз(лар)им яхшироқдир.

4758 Агар охиратни истасанг, йўл-йўриғи (мана) шу ҳол(лар)дан (иборатдир),
Агар (бу) дунёни истасанг, (ўзинг) тугал биласан.

4759 Фалак-даврон (бор) бўлаверган, қут келаверган,
Нима истасанг, орзу рўёбга чиқавергай, ишон.

4760 Менда (шу дуолардан) бошқа қанақа эзгу иш бор(ки),
Сизларга манфаат келтирсин, эй эзгу эш.

4761 Элиг мени тангрига (топшириб) қўяверсин,
Унга эзгу(лик) учун дуогўй бўлайин.

4762 Билим(имдан) сўрайдиган бўлса, ана билган(лар)имни,
Нима айтганларимни эшитдинг, (элигга) айтиб бер.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4763 Сөзүмни тутуңлар қалы тутмаса
Йарын кэлгә барча бу күн бүтмэсә

4764 Бу сөз йақшы аймыш э билги тэңиз
Муны ишкә тутса қызартур мэңиз

4765 Бу күн бу сөзүм көр сэңә түш болур
Йарын анда көргил сэңә түш болур

4766 Осанма қатығлан сөзүм ишкә тут
Қалы тутмаса сэн сэңә болға йут

4767 Элигдин қулу бэр мэниң ъуд́руму
Йарағы нэ эрсә оты қыл эми

4768 Сэңә тэгди эмгәк кэлү ҳам бару
Йануты байат бэрсү күн-тэг йару

4769 Ағыр қылма көңлүң мэңә эй қад́аш
Йақынлық ичиндә мэни тутма таш

## Өгдүлмиш жавабы Од́ғурмышқа

4770 Йанут бэрди Өгд́үлмиш айды тилин
Өзүм уқты эмди көнилик йолын

4771 Эшиттим сөзүңни өгүн тыңладым
Сөзүм кэстим эмди сөзүң йэглэдим

4772 Көниликчә айдың бүтүнлүк бу-ул
Мунуңда наруқы нэчә эгри йол

4773 Сэниңдә турур чын мэниңдә ойун
Ойун қалды чынқа бэрүр-мэн бойун

176б 4774 Барайын мэн эмди эсән эд́гү қал
Экигүн ажунлуқ айа эд́гү фал

4775 Байат бэрсү тавфиқ сэңә күч қад́аш
Дуъада унытма көңүл тутма баш

4776 Мэни ма байатдын қулу бэр туруб
Ача бэрсү көңлүм байат од́ғуруб



www.ziyouz.com kutubxonasi

4763 Сўз(лар)имга амал қилинглар, агар (амал) қилмасаларинг,
Бугун ишонмасаларинг, барчаси кейин (тўғри) келади.

4764 Билими денгиз (киши) бу сўз(лар)ни яхши айтибди, эй,
Бунга амал қилса, юзни қизартиради [яъни ёруғ қилади]:

4765 Бугун бу сўз(лар)им сенга туш (каби) бўлади, кўр,
Эртага у ерда [яъни у дунёда] сенга рост бўлади, кўргин.

4766 Ғофил бўлма, ҳаракат қил, сўзимга амал қил,
Агар сен амал қилмасанг, сенга бало бўлади.

4767 Элигдан менинг узримни сўрай бер,
Чораси нима бўлса, иложи (ва) эмини қил.

4768 Келавериб ҳамда бораверib сенга машаққат етди,
Қуёшдек ёришиб мукофотини худо берсин.

4769 Мендан кўнглингга малол олма, эй қариндош,
Мени яқинликдан четда тутма.

## Ўгдулмишнинг Ўзғурмишга жавоби

4770 Жавоб берди Ўгдулмиш, тили билан айтди [яъни сўзларини айтди]:
Ҳақ йўлини энди ўзим тушундим.

4771 Сўз(лар)ингни эшитдим, диққат билан тингладим,
Энди сўзимни тўхтатдим, (сенинг) сўз(лар)ингни яхши деб
ҳисоблайман.

4772 Тўғриликча айтдинг, ҳаққоният шудир,
Бундан бошқалари барчаси эгри йўлдир.

4773 Сеники чин, меники (эса) ҳазилдир,
Ҳазил қолди, чинга бўйин бераман.

4774 Энди мен борайин, эсон, яхши қол,
Эй, икки дунёли, эзгу фол.

4775 Худо сенга тавфиқ, куч берсин, эй қариндош,
Дуода унутма, кўнгилни озурда тутма.

4776 Мени ҳам туриб худодан сўрай бер,
Худо ҳушёр қилиб кўнглимни оча берсин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4777 Сөзин кэсти қопты адақын өрү
Эсәнлашти эвкә йүз урды бару

4778 Атын минди эврә эвингә кэлиб
Түшүб кирди тынды бир анча сэриб

4779 Йэди ичти анча сақынды узун
Эшитмиш сөзини бышурды өзүн

4780 Йашық бады йүзкә қара йүз бағы
Ажун болды бүтрү қара йэр туғы

4781 Гүжәк бүрди руми қызы отру йүз
Қара сач бодуғу ажун толды түз

4782 Түгәл заңи йүзи урунды қалық
Учар тынды қодты йурығлы йурық

4783 Йунуб қылды йатғу намазын туруб
Төшәк қулды йатты йарағын көрүб

4784 Удыб барды азрақ удунды йана
Төбүдин савылмыш бақыр соқуна

4785 Йана көрди үркәр савылмыш башы
Туғардын чадан қопмыш өрләб түши

4786 Йана йатты анча усы кэлмәди
Кэзиглиг киши-тэг көзин йуммады

4787 Усуз йатты сақну бир анча удуғ
Қалық қыртышы тутты кафур бодуғ

4788 Ъабыр бүркирәр-тэг түнәрди қалық

Сата қопты йэрдин йадылды бутық

177а 4789 Йашық өрләди йэрдә қопты туғы
Бақа кэлди ашну бу қур ал туғы

4790 Туруб қопты йунды көр Өгдүлмиш-ә
Намазын йэтүрди уқыб билмиш-ә



www.ziyouz.com kutubxonasi

4777 Сўзини тўхтатди, оёққа юқори турди,
Хайрлашди, уй томон юзланди.

4778 Отини минди, қайтиб уйига келиб,
Тушиб кирди, бир оз хаёлга чўмиб дам олди.

4779 Бир оз еди, ичди, узоқ ўйга ботди,
Эшитган сўз(лар)ини узоқ пухталаб пиширди.

4780 Қуёш юзига қора юз боғи боғлади,
Бутун олам қора ер ёпиғи [яъни қоронғилик] билан қопланди

4781 Румий қизи юзига кокилини туширди,
Бутун олам қора соч ранги билан тўлди.

4782 Осмон бутунлай занги юзи [яъни қора ранг]га ўранди,
Учар (қушлар) тинди, юрувчи(лар) юришни қўйди(лар).

4783 Таҳорат олиб, туриб хуфтан намозини ўқиди;
Ўрин (қилишларини) сўради, ҳозирлигини кўриб ётди.

4784 Озроқ ухлаб борди, яна уйғонди,
Миррих (Марс юлдузи) тепадан оғибди.

4785 Яна кўрди(ки) Ҳулкар боши (ҳам) оғибди,
Шарқ (томон)дан Ақраб (юлдузи) рўпарадан юқорилаб кўтарилибди.

4786 Яна анча ётди, уйқуси келмади,
Безгакли кишидек кўзини юммади.

4787 Бир қанча вақт уйқусиз, хаёл суриб уйғоқ етди,
Осмон ранги кофур [яъни оқ] бўёқ касб этди [яъни сутдек ойдин бўлди].

4788 Анбар тарқалаётгандек осмон (яна) қоронғилашди [яъни тонг қоронғиси босди],
Ердан маржон [яъни қуёш] кўпти, (нур) тарамлари ёйилди.

4789 Қуёш ердан юқорилади, туғи кўтарилди,
(Унинг) бу думалоқ ол (рангли) туғи шитоб билан қаршилаб келаверди.

4790 Ўгдулмиш уйғониб (ўрнидан) турди, ювинди, кўр,
Тушунганича (ва) билганича намозини ўқиди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4791 Қыза бақты йэрдин сата қалқаны
Туруб қаршықа барди кирди көни

4792 Эшитти аңар көр элиг қылды йол

Бу кирди элигкә қа(в)уштурди қол

4793 Элиг имләди бэрди олдруғ орун
Бу кэчти орунқа силиглик қорун

4794 Бир анча туруб сөз айытты элиг
Айур сөзлә кэлдүр эң қылқы силиг

4795 Нэкү тэр қадашың нэ болды ишиң
Нэ болды тиләкиң кэлир-му эшиң

### Өгдүлмиш жавабы элигкә

4796 Йанут бэрди Өгдүлмиш айды сөзи
Нэкү-тэг йурымыш сөзи түб түзи

4797 Экигүн арала йурымыш сөзүг
Өтүнди элигкә қамуғ түб түзүг

4798 Элиг турды анча сақынды узун
Көңүл бэртти йашы йуқулды көзүн

4799 Айур ул қадашың көни сөзләмиш
Сөз ул сөз турур ким ул аймыш тэмиш

4800 Бу күн биз қылур-миз өзүмүзкә күч
Аңар ма тақы күч қылур-миз ҳам өч

4801 Кэчигли турур бу ажун қалғусуз
Бу қалмыш тириглик йэмә бэлгүсүз

177б 4802 Сэзигсиз кэлир өтрү мэңү ажун
Эрәж̌ эрсә эмгәк узалмас узун

4803 Мэңилиг ул-ул анда булса эр аш

Болур эдгү орны болур эдгү эш



www.ziyouz.com kutubxonasi

4791 Маржон шодаси [яъни қуёш] ердан ёлқинланиб қаради,
(Ўгдулмиш) туриб саройга борди, тўғри кирди.

4792 Элиг (унинг келганини) эшитди, унга йўл қилди [яъни киришга ижозат берди],
Бу кирди, элигга қўл қовуштирди.

4793 Элиг имо қилди, ўлтиришга ўрин кўрсатди,
У назокат мояси билан ўринга ўтди.

4794 Бир оз туриб элиг сўз сўради,
Айтди: Сўзла, (сўзларингни) келтир, эй хулқи хуш.

4795 Қариндошинг нима дейди, ишинг нима бўлди,
Тилагинг нима бўлди, эшинг келадими.

### Ўгдулмишнинг элигга жавоби

4796 Жавоб берди Ўгдулмиш, сўзларини айтди,
Қандай сўзлар бўлиб ўтганлигининг тўппа-тўғрисини.

4797 Иккаласи ўртасида бўлиб ўтган сўзларни,
Тўппа-тўғри барчасини элигга баён қилди.

4798 Элиг анча (жим) турди, узоқ хаёл сурди,
Дили жароҳатланди, кўзидан ёши оқди.

4799 Айтди: У қариндошинг тўғри сўзлабди,
У айтган, деган сўз(лар) (ҳақиқий) сўз(лар)дир.

4800 Бугун биз ўзимизга зўр қилаётирмиз,
Яна унга ҳам куч, ҳам ўч қилаётирмиз.

4801 Бу дунё ўткинчидир, (у) қолмайди,
Шунингдек, қолган тириклик ҳам номаълум.

4802 Шубҳасиз, мангу дунё кейин келади,
Роҳат (ва) машаққат эса узоққа чўзилмайди.

4803 Бахтиёр шудирки, киши у ерда [яъни у дунёда] неъматларга эришса,
Ўрни эзгу бўлади [яъни жойи жаннат бўлади], эш(лар)и яхши бўлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4804 Уд̣ымыш турур ул қад̣ашың түгәл
Аны биз оқымақ эди кәд̣ маҳал

4805 Бизиң бу өзүмиз ҳавақа болун
Йав̇алыққа өд̣ләк кэчиб барды күн

4806 Нэкү тэр эшит эмди көңли тириг
Сэңә йақшы сөзләб бэрур өт ириг

4807 Ҳава нафс йағы ул қалы булса күч
Йэтүргәй сэниңдин сэңә экки өч

4808 Ҳава нафс тирилсә өлүр бу көңүл
Көңүл өлсә таъат қалур эй оғул

4809 Бизиң көңлүмиз өлди болға болун
Ҳава нафс ма қылды байун кәд̣ йоғун

4810 Улуғлуқ бэд̣үглүк бу давлат күни
Узун турғу эрмәс э көңли көни

4811 Эрәж̇и аз-ул көрсә эмгәк өкүш
Баш ағрығ тэлим бар ма қарғыш сөкүш

4812 Эд̣и йақшы аймыш билиглиг сөзи
Аж̇унуғ сынайу йэтилмиш түзи

4813 Улуғлуққа артуқ күв̇әнмә күлә
Улуғ болдың эрсә баш ағрығ бил-ә

4814 Сэв̇инч қайда эрсә сөңиндә бала
Эрәж̇ қайда эрсә миң эмгәк билә

### Элиг савалы Өгдүлмишкә

178*a* 4815 Йана айды элиг эй Өгдүлмишим
Тиләким бу эрди аны қулмышым

4816 Сабаб болса эрди мэңә эд̣гүкә
Тирилгәй-му эрди көңүл эй бөгә

4817 Тирәнди үнәмәс бару кэлгәли
Йа эш түш қад̣ашлар йүзин көргәли



www.ziyouz.com kutubxonasi

4804 У қариндошинг мутлақ (ғофилликдан) уйғонгандир,
Уни биз чақирмоғимиз жуда ҳам маҳолдир.

4805 Биз ўзимиз ҳавасга тутқунмиз,
Давр (ва) кун(лар) беҳудага ўтиб кетди.

4806 Кўнгли тирик нима дейди, энди эшит,
(У) сенга яхши сўзлаб панд, насиҳат беради:

4807 Ҳавас, нафс ёвдир, агар (у) куч олса,
Сенга сенинг ўзингдан икки хил ўч етказади.

4808 Ҳавас, нафс тирилса, бу кўнгил ўлади,
Кўнгил ўлса, тоат-ибодат қолиб кетади, эй ўғил.

4809 Бизнинг кўнглимиз ўлган, (у энди) тутқун бўлади,
Шунингдек ҳавас, нафс эндиликда бўйнини жуда йўғон қилди.

4810 Улуғлик, буюклик, бу давлат кунлари
Узоқ турмайди, эй кўнгли тўғри.

4811 Роҳати кам, назар солинса, машаққати кўпдир,
Бош оғриғи, қарғиш (ва) сўкишлари талайгина бор.

4812 Билимли сўзни (бу ҳақда) жуда яхши айтибди,
Оламни синаб ҳар жиҳатдан етилган (киши):

4813 Улуғликка ортиқча кулиб мағрурланма,
Улуғ бўлган бўлсанг бош оғриқ (деб) бил.

4814 Шодлик қаерда бўлса, сўнгида балоси (бор),
Роҳат қаерда бўлса минг машаққат биландир.

### Элигнинг Ўгдулмишга саволи

4815 Яна айтди элиг: Эй Ўгдулмишим,
Уни сўраганимдан тилагим шу эди(ки).

4816 (У) менга эзгуликлар учун сабаб бўлганда,
Кўнгил яшнагаймиди, эй доно.

4817 Қаттиқ туриб олди, буён келишга унамаётир,
Ё жўралар, тенгқурлар юзини кўришни (хоҳламаётир).



www.ziyouz.com kutubxonasi

4818 Ул аймыш сөзүг көрсә барча көни
Күчәсә йэмә болмас эмди аны

4819 Сэңә ма өкүш тэгди эмгәк йурыб
Тилин сөзләдиң ҳам йүгүрдүң арыб

4820 Қөḋәлим көрәлим йэмә эй ақы
Нэкү ул ахир ҳал өḋ өḋләк тақы

4821 Қара түн ичиндә турур кэлгән иш

Йарутур йаруқ күн айа эдгү эш

4822 Қуруғлуғ турур бу замана йасы
Ара асғы тэгрүр арала йасы

4823 Байат ҳуқмынгә қоḋ қамуғ ишләриг
Өḋи кэлсә этлүр ачар эй тириг

4824 Қайу иш қылыб булмаса ул татығ
Қоḋу бэргү анчан э билги батығ

4825 Бу дунйа йаңы бу эḋәрсә қачар
Қоḋу бэрсә эврә сэңә йол ачар

4826 Қөḋәлим бир анча сыналым аны
Нэкү-тэг ачар ҳал замана күни

4827 Йана болға бизни тиләгәй туруб
Өзи өз йаңын қылға йэтрү көрүб

4828 Муңар тэгди кэсти сөзини элиг
Туруб чықты Өгдүлмиш ақру силиг

4829 Йэмә кэчти қач күн бу сөзкә аḋын
Сақынды элиг чықты өңдүн кэḋин

### Б а б. Күнтуғды элиг Оḋғурмышны үчүнч қата үндэйү ыḋмышын[122]

178б 4830 Оқыды элиг бир күн Өгдүлмишиг
Айур қылғу болды сэңә бир ишиг

4831 Оқыдым қаḋашың мэңә кэлмәди
Ул арзу тиләкни өзүм булмады



www.ziyouz.com kutubxonasi

4818 У айтган сўзларга назар солинса, барчаси тўғри,
Энди уни яна зўрланса бўлмайди.

4819 Юриб сенга ҳам кўп машаққатлар етди,
Тилинг билан сўзладинг ҳам ҳориб югурдинг.

4820 Кутайлик, кўрайлик яна, эй сахий,
Охири ҳол, вақт, фурсат яна қанақа бўларкан.

4821 Келадиган ишлар қоронғи тун ичида каби [яъни ҳали ишлар номаълум],
(Уни) ёруғ кун (ҳали) ёритади, эй эзгу жўра.

4822 Бу замонанинг ёйи (отишга) ҳозирлангандир,
Гоҳо нафини етказади, гоҳо зарарини.

4823 Ҳамма ишларни худо ҳукмига ҳавола қил,
Фурсати келса битади, маълум бўлади, эй тирик.

4824 Қандай иш бўлмасин қилиниб, унинг роҳатига етилмаса,
Уни анчайин қўя бериш керак, эй билими чуқур.

4825 Бу дунёнинг тарзи шунақа, изидан борсанг қочади,
Ташлаб қўйсанг ўгирилиб, сенга йўл очади.

4826 Кутайлик, бир муддат уни синайлик,
Замона кунлари аҳволни қанақасига ҳал қиларкин.

4827 Ҳали (шундай) бўладики, туриб бизни истайди,
(Ўйлаб) кўриб ўзи ўз тарзини тузатади.

4828 Шунга келиб элиг сўзини тугатди,
Ўгдулмиш оҳиста, равон туриб чиқди.

4829 Бу сўздан сўнг яна бир қанча кунлар ўтди,
Элиг ўйга ботди, олдинга, кейинга юрди (ва) чиқди.

**Боб. Кунтуғди элиг Ўзғурмишни учинчи бор чақириб юборишини (айтади)**

4830 Бир куни элиг Ўгдулмишни чақирди,
Айтди: Сенга бир ишни қилиш лозим бўлди.

4831 Қариндошингни чақирдим, менинг ҳузуримга келмади,
Мен у орзу-тилакни топмадим.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4832 Кэтэрдим мэн ошбу тилэмиш тилэк
Адын болды эмди тилэккэ йөлэк

4833 Бу ул көр бу күнги тилэким мэниң
Өзүм бир йүзини көрэйин аның

4834 Аңар мэн барайын йа кэлсү мэңэ
Зийарат үчүн ул э қызғу эң-э

4835 Мэңэ тушсу бэрсү бир өт сав ириг
Йана йансу қылсу қылур ишлэриг

4836 Мэңэр асғы тэгсүн аңар йасы йоқ
Сүзүлсүн өзүмдин қамуғ булғануқ

### Өгдүлмиш жавабы элигкэ

4837 Йанут бэрди Өгдүлмиш айды бу сөз
Осуғлуғ турур чын айа қутлуғ өз

4838 Бу иш қылға элиг тилэсэ аны
Оқыйын йана йарлықаса мэни

4839 Барайын бу сөзни аңар сөзлэйин
Элиг бармасун мэн аны кэлдрэйин

4840 Йана бир битиг йарлықасун элиг
Оқыб бүтсү кэлсү сэңэ ул силиг

179a 4841 Элиг айды эмди нэрэк бу битиг
Битигдэ бүтүнрэк битиг-сэн тэтиг

4842 Битиг бүтмэгү-тэг кишикэ болур
Сэниңдэ бүтүнрэк адын ким болур

4843 Нэкү тэр эшит йақшы йағма бэги
Қамуғ иш ичиндэ йэтилмиш өги

4844 Йалавачқа бүтсэ битиг нэ кэрэк
Бүтүнлүк булунса этиг нэ кэрэк

4845 Сөзүңни тилин ай тилини эшит
Тақы бир битиг эй тэтиг нэ кэрэк



www.ziyouz.com kutubxonasi

4832 (Энди) мен ушбу истаган тилагимни ташладим,
Энди тилагимнинг нажоти бошқача бўлди.

4833 Кўр, бугунги менинг тилагим будирки,
Мен унинг юзини бир кўрайин.

4834 Мен унинг олдига борайин ё у менинг олдимга келсин,
Зиёрат учун, эй юзи ёруғим.

4835 Менинг ҳузуримга тушсин, бир ўгит, панд, насиҳат берсин,
Яна қайтсин, қиладиган ишларини қилаверсин.

4836 Менга фойдаси тегсин, унга зарари йўқ,
Мендан ҳамма нопокликлар тозалансин.

### Ўгдулмишнинг элигга жавоби

4837 Жавоб берди Ўгдулмиш, айтди: Бу сўз(лар)
Чиндан ҳам бўладиганга ўхшайди, эй қутлуқ киши.

4838 Элиг истаса, (у) бу ишни қилади,
(Элиг) буюрса, мен уни қайта чақирайин.

4839 Борайин, бу сўзни унга сўзлайин,
Элиг бормасин, мен уни келтирайин.

4840 Элиг яна бир мактуб ёрлақасин,
Ўқиб ишонсин, у яхши (киши) сенга келсин.

4841 Элиг айтди: Энди бу мактуб нега лозим,
Мактубдан ишончлироқ, арзирли мактуб — сенсан.

4842 Мактуб ишонилмайдиган киши учун бўлади,
Сендан ишончлироқ яна ким бўла олади.

4843 Яғмо беги нима дейди, яхшилаб эшит,
Ҳамма ишларга фаросати етган (киши):

4844 Элчига ишонилса, мактуб нега керак,
Ишонч топилгач, ҳозирлик нега керак.

4845 Сўзингни тилда айт, (унинг) тилини эшит,
Эй тетик, яна бир (ортиқча) мактуб нега керак.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4846 Бу анча иш эрмэс ағыр кэлгүлүг[123]
Бу ишдин бэлиңлаб йырақ тэзгү-тэг

4847 Нэрэк мунча сөзкэ битиг йа этиг
Бүтүн-сэ битиг-сэ мэңэ эй тэтиг

4848 Мэңэ кэлсү тушсу йана барсу тэрк
Күчүн тыдмағай мэн аңар бэрдим эрк

4849 Ыдур-мэн сэни көр бу ҳажат үчүн
Оқы эдгү бирлэ оқыма күчүн

4850 Бару кэлмэсэ мэн барайын нару
Йүзини көрэйин йанайын бару

### Өгдүлмиш жавабы элигкэ

4851 Йанут бэрди Өгдүлмиш айды тилэк
Түгэл болға болса байатдын йөлэк

4852 Өзүмдин йана-оқ қатығланға-мэн
Бу арзу тилэкиң түгэл қылға-мэн

4853 Элиг алтуны ынч эсэн болсуны
Байат бэргэ барча тилэк қулсуны

179б 4854 Туруб чықты атланды кэлди йана
Түшүб кирди эвкэ сучулды тон-а

4855 Қызыл йүз өңи өңди болды сарығ
Ажун болды алтун өңи-тэг арығ

4856 Йашық төрти йүзкэ сарығ заъфаран
Өзин қылды мэйнэ өңи-тэг жаҳан

4857 Қалық бүтрү тутты сэвүглэр қашы
Ажун болды заңи ҳабаш қыртышы

4858 Йэди ичти йунды йэтүрди намаз
Төшэк қулды йатты удыб барды аз

4859 Сарығ сандвач үтти үнүн сайрады
Бэлиңлэб удунды усы кэлмэди



www.ziyouz.com kutubxonasi

4846 Бу унчалик қийин келадиган иш эмас,
Бу ишдан чўчиб, йироқ қочгудек (эмас).

4847 Шунчалик сўзга мактуб ё ҳозирлик нега лозим,
Менга сен ишончлисан, мактубсан, эй тетик.

4848 Менга (келиб) учрашсин, яна тез қайтсин,
Куч билан ушламайман, унга эрк бердим.

4849 Кўр, сени бу ҳожат учун юбора ётирман,
Яхшилик билан чақир, зўрлаб чақирма.

4850 Бу ерга келмаса, мен у ёққа борайин,
Юзини кўрайин, бу ёққа қайтайин.

### Ўгдулмишнинг элигга жавоби

4851 Жавоб берди Ўгдулмиш, айтди: Тилак,
(Агар) худодан ёри бўлса, тугал бўлади.

4852 Мен ўзим ҳам янада ҳаракат қиламан,
Бу орзу-тилагингни тугал бажараман.

4853 (Аввало) элигнинг жони тинч (ва) эсон бўлсин,
(Элиг) сўрасин, барча тилакларини худо беради.

4854 (Ўгдулмиш) туриб чиқди, отга минди, қайтиб келди,
Тушиб уйга кирди, кийимларини ечди.

4855 Қизил юз [яъни қуёш] ранги ўзгарди, сариқ бўлди,
Жаҳон олтин рангидек мусаффо бўлди.

4856 Қуёш юзига сариқ заъфарон тортди,
Жаҳон ўзини(нг рангини) майна рангидек қилди.

4857 Осмон бутунлай севгилилар қоши (рангини) касб этди,
Жаҳон юзи қора ҳабаш (рангидек) бўлди.

4858 (Ўгдулмиш) еди, ичди, ювинди [яъни таҳорат олди], намоз ўқиди,
Ўрин (қилишларини) сўради, (бир) оз ухлаб борди.

4359 Сариқ булбул наво қилди, овоз билан сайради,
(Ўгдулмиш) чўчиб уйғонди, уйқуси келмади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4860 Усы йитти артуқ узады түни
Көшүш болды арзун йаруғу күни

4861 Қалық йыртты кэд̇миш қара көңләкин
Ачылды йаруқ йүз көтүрди эгин

4862 Күлә бақты өрләб талу қыз йүзи
Йаруды бу дунйа ири ҳам қузы

4863 Йана қопты йунды тонанды түгәл
Намаз қылды өзкә йоруб эд̇гү фал

4864 Атын тутты минди бир оғлан билә
Қад̇ашы тапа барды сэв̇нү күлә

4865 Йақын тэгди эрсә анын ускингә
Түшүб барды ақру йурыб қапғынга

4866 Тоқыды қапуғ эв̇рә элгин тутуб
Туруб чықты тэркин қад̇ашы уқуб

4867 Көзүн көрди эрсә көр Өгдүлмишиг
Айур эй қад̇ашым узаттың ишиг

4868 Нэлүг эмгәтүр-сэн өзүңни күчүн
Нэкүкә қарыштың мэңә бу өчүн

180a 4869 Йуры кэл кирәлиң мэңә ай сөзүң
Нэлүг эв̇рә кэлди йана бу өзүң

4870 Йуруб эв̇кә кирди бу экки қад̇аш
Қад̇ашынга заҳид алын түгди қаш

4871 Кэлигли қад̇ашы айур эй түзүм
Қашың түгма ашну эшитгил созүм

4872 Сэн аймыш сөзүң барча эксүксүзүн
Элигкә тэгүрдүм өтүндүм узун

4873 Эшитти элиг сөз түгәл тыңлады
Сөзүңни эшитти өкүш таңлады

4874 Қод̇у бэрди эмди сэни эй қад̇аш
Мунуңда ад̇ын бир тиләк қулды таш



www.ziyouz.com kutubxonasi

4860 Уйқуси қочди, туни жуда чўзилиб кетди,
Орзу билан ёрийдиган куни [яъни тонг отиши] азиз бўлди.

4861 Осмон кийган қора кўйлагини йиртди,
Ёруғ юз [яъни қуёш] очилди, қоматини кўтарди.

4862 Тўкис қиз [яъни қуёш] кўтарилиб юзи кулиб боқди,
Бу дунёнинг кунгай (ва) кун тушмас ерлари ёриди.

4863 Яна турди, ювинди, тугал кийинди,
Ўзи учун эзгу фол йўриб [яъни яхши ниятлар қилиб] намоз ўқиди.

4864 Бир ўғлон билан отини тутди, минди,
Севиниб, кулиб қариндоши томон йўл олди.

4865 Унинг олдига яқин боргач,
(Отдан) тушиб, унинг эшигига аста юриб борди.

4866 Сўнгра қўли билан тутиб эшикни тақиллатди,
Қариндоши эшитиб тез туриб чиқди.

4867 Ўгдулмишни кўзи билан кўргач,
Айтди: Эй қариндошим, ишни (жуда) чўзднинг.

4868 Нега зўр билан ўзингни қийнайсан,
Нега менга бундай қасд билан ёпишиб олдинг.

4869 Юр, кел, кирайлик, менга сўзларингни айт,
Ўзинг яна нега қайта келдинг.

4870 Бу икки қариндош юриб уйга кирди(лар),
Қариндошига зоҳид қош-қовоғини солди.

4871 Келган қариндоши айтди: Эй асилим,
Қош (қовоғ)ингни ўйма, олдин сўз(лар)имни эшитгин.

4872 Сен айтган сўз(лар)ингнинг барчасини (ҳеч) камчиликсиз
Элигга етказдим, узоқ баён қилдим.

4873 Элиг сўз(лар)ни эшитди, тугал тинглади,
Сўз(лар)ингни эшитиб, кўп танг қолди.

4874 Энди сени (ўз ихтиёрингга) қўйиб берди, эй қариндош,
Бундан ташқари бошқа бир тилак истади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4875 Мэни сөзчи ыдты бу ишкэ сэңэ
Овут қылмағыл сэн мэни эй тоңа

4876 Қамуғ нэңгэ ҳадд у(л) тэңи бэлгүлүг
Тэңиндэ кэчүрмэ ишиң эй күлүг

4877 Нэкү тэр эшитгил уқушлуғ тили
Қамуғ нэңгэ йаңзағ бу ул сөз улы

4878 Тэңиндэ кэчүрмэ қамуғ ишни сэн
Тэңиндэ кэчүрсэ йана қачға сэн

4879 Қамуғ нэңгэ йаңзағ тэңи-ул йаңы
Қамуғ нэң йаңы бирлэ болды эсэн

4880 Элиг қодты эмди озақы тилэк
Оқыр бир зийаратқа болғыл йөлэк

4881 Барыб туш аңар сэн йа кэлсү сэңэ
Йүзүң көрсүни бир э көңли кэң-э

4882 Мунунда йасы йоқ сэңэ эй қадаш
Болу бэр мэңэ сэн айа бағры баш

4883 Элиг ма эди эдгү султан турур
Чығай йоқ йавузқа сэвүг жан турур

### Одғурмыш жавабы Өгдүлмишкэ

180б 4884 Йанут бэрди Одғурмыш айды бу сөз
Уқушқа йақын-ул айа көңли түз

4885 Мусулман қадашқа мусулман қадаш
Зийарат қылур-оқ э көңли түдэш

4886 Бу сөзкэ эгилдим бэрүр-мэн бойун
Зийарат қылайын аңар мэн бу күн

4887 Мунунда оза бармадым мэн аңар
Өз асғы тилэр эрди мэндин сыңар

4888 Аны қоды [124] тутты көнилик йолин
Кирүр-мэн көниликкэ көндүм тилин



www.ziyouz.com kutubxonasi

4875 Бу иш учун мени сенга сўзчи [яъни воситачи] қилиб юборди,
Сен мени (бунинг учун) койима, эй баҳодир.

4876 Ҳар (бир) нарсанинг муайян ҳадду фурсати бўлади,
Ишингни фурсатидан ўтказма, эй шавкатли.

4877 Заковатлининг тилини эшитгин, нима дейди,
Бу сўзнинг негизи ҳамма нарсага муносибдир:

4878 Ҳамма ишни сен вақтидан ўтказма,
Вақтидан ўтказсанг, сен яна (у ишдан) узоқлашасан.

4879 Ҳамма нарсанинг муносиб тенги, ўхшаши бўлади,
Ҳамма нарса ўз муносиби билан эсон бўлади.

4880 Энди элиг олдинги тилагини қўйди,
(Сени) бир зиёрат қилишга чақираётир, (унга) далда бўлгин.

4881 Сен унинг ҳузурига бориб учраш ё у сенинг ҳузурингга келсин,
(Сенинг) юзингни бир кўрсин, эй кўнгли кенг.

4882 Бундан сенга (ҳеч) зарари йўқ, эй қариндош,
Сен менга ишонавер, эй бағри мажруҳ.

4883 Элиг ҳам жуда яхши султондир,
Камбағал, йўқсил (ва) ёмон(лар)га севик жон [яъни карамли]дир.

### Ўзғурмишнинг Ўгдулмишга жавоби

4884 Жавоб берди Ўзғурмиш, айтди: Бу сўз(лар)
Заковатга яқиндир, эй кўнгли тўғри.

4885 Мусулмон қариндошни мусулмон қариндош
Албатта зиёрат қилади, эй кўнгли муносиб.

4886 Бу сўзга эгилдим, бўйин бераман,
Бу кун мен уни зиёрат қилайин.

4887 Бундан олдин мен унинг ҳузурига бормадим,
(Чунки) у мендан ўз манфаатини кўзлар эди.

4888 У (ният)ни қўйди, тўғри йўлни тутди,
Мен тўғрилик (йўли)га рози бўламан, тилимда иқрор бўлдим.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4889 Барайын элигкә элиг кэлмәсү
Мэңәр тэгсүн эмгәк аңар тэгмәсү

4890 Элиг эл бэги-ул буд̇унқа улуғ
Аңар қылғу ҳурмат ағырлық қамуғ

4891 Йорық түзсә өтрү көнитсә сөзи
Арытса элиндә эсизләр изи

4892 Нэкү тэр эшитгил э билги тэңиз
Уқушлуғ амул көңли йүксәк эд̇из

4893 Раъиййатқа важиб бэги йарлығы
Ағыр тутса эштиб кичиг улуғы

4894 Ағырлағу бэгләр өзин ҳам сөзин
Кэрәк ҳинду болсун күмүш йулуғы

4895 Ағырлар-мэ эмди элиг йарлығын
Зийарат қылур-мэн болур-мэн йақын

4896 Йуры йанғыл эмди элигкә сөзүм
Тэгүргил кэлүр тэб муну бу өзүм

181a 4897 Йаруқ дунйа йүзкә эшүнсә эшүк
Мэн өтрү барайын ай эски түшүк

4898 Киши көрсә күндүз мэни соңраға [125]
Өзин отқа атға мэни сөзләгә

4899 Йуры барғыл эмди сэн эв̇дә кӧд̇әз
Сэңә кэлгә-мэн анда йатма сэн аз

4900 Эң ашну сэңә сэн[126] түшэйин барыб
Нэ-тэг қылғу андын тиләким йорыб

4901 Сэв̇инди көр Өгдүлмиш айды жаваб
Эд̇и көрклүг-ул бу йэмә кәд̇ саваб

4902 Барайын мэн эмди элигкә туруб
Айайын кэлир тэб сэв̇инсүн уқуб

4903 Мэниңдә баса сэн бүтүргил сөзүң
Умынч қылмыш өд̇тә йэтүргил өзүң



www.ziyouz.com kutubxonasi

4889 (Мен) элиг ҳузурига борайин, элиг келмасин,
Машаққат менга тегсин, унга тегмасин.

4890 Элиг халқ орасида улуғ эл бегидир,
Уни мутлақ ҳурмат қилиш, эъзозлаш лозим.

4891 (Тўғри) йўл-йўриқ(лар) тузса, сўнг сўз(лар)ни тўғриласа,
Элини ёмонлар изидан [яъни таъсиридан] тозаласа.

4892 Эй, эшитгин, билими денгиз (каби чуқур) нима дейди,
Заковатли, саботли, кўнгли [яъни ҳиммати] юксак, баланд (киши):

4893 Бегининг ёрлиғи(ни бажариш) раиятга вожибдир,
(Уларнинг) катта-кичиги (бу ёрлиқни) эшитиб муқаддас тутсин.

4894 Бегларнинг ўз(лар)ини ҳамда сўз(лар)ини ҳурматлаш керак,
(Бег) кумушга сотиб олинган ҳинду бўлса ҳам.

4895 Энди мен элиг ёрлиғини ҳурматлайман,
Зиёрат қиламан, яқин бўламан.

4896 Кел, энди қайтгин, элигга сўз(лар)имни
Етказгин, мени мана, келади, деб (айтгин).

4897 Еруғ дунё юзига парда тортса [яъни қоронғи тушса],
Мен сўнг борайин, эски (бир) жой тайин қил.

4898 Кундуз одам(лар) кўрса, мени ғийбат қилади,
Ўзини ўтга ташлайди, мени сўзлайди.

4899 Кел, сен энди бора қол, уйда кут,
Сеникига бораман, у ерда сен бир оз ётма(й тур).

4900 Энг аввал мен сеникига бориб тушайин,
Қандай қилиш керак, мақсадимни, ғаразимни ҳал қилиб
(оламан).

4901 Кўр, Ўгдулмиш севинди, жавоб айтди:
Бу жуда мувофиқ ҳамда жуда тўғри.

4902 Энди мен туриб элиг ҳузурига борайин,
Келади, деб айтайин, эшитиб севинсин.

4903 Мендан кейин сен сўзингнинг устидан чиққин,
Ишонтирган вақтда ўзинг етиб боргин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4904 Экигү сөзи тынды бир сөз үзэ
Сэв̇инчин туруб чықты қашын йаза

4905 Йана-оқ тутузды айур эй қад̆аш
Сөзүң қыйма кэлгил э көңли түд̆эш

4906 Йашық йэркэ йанса йүзин кэзлэсэ
Көмүр қыртышы дунйа йүзкэ баса

4907 Сэни көд̆гэ-мэ эв̇д̆э кэлгил мэңэ
Йарағлық көрүб иш қылайын сэңэ

4908 Атын минди кэлди элигкэ туруб
Түшүб кирди элиг тапа йол қулуб

4909 Тэгүрди элигкэ уқулмыш сөзин
Сэв̇инди элиг йазды қашын көзин

4910 Айур эд̆гү болды бу бир иш бары
Сөзүң-тэг чын эрсэ ул аймышлары

4911 Йана айды элиг нэ өд̆тэ кэлир
Қайуда тушар-мэ аңар эй билир

## Өгдүлмиш жавабы элигкэ

181б 4912 Йанут бэрди Өгдүлмиш айды кэчэ
Йарuқ дунйа мэңзи түнэрсэ жыча

4913 Мэниң эв̇кэ кэлмэк турур-ул мэңэ
Қачан кэл тэсэ-сэн кэлир ул сэңэ

4914 Элиг айды эмгэб йүгүрдүң өкүш
Саваб тэңри ул эмгэккэ түш[127]

4915 Бу эрди мэниң бу игимкэ эми
Сэв̇индүрди эмди мэниң көңлүми

4916 Сэн эв̇д̆э көд̆эз кэлсэ айғыл мэңэ
Киши барға мэндин оқытғы сэңэ

4917 Қад̆ашыңны алғыл мэңэ кэл туруб
Зийарат қылайын йүзини көрүб

www.ziyouz.com kutubxonasi

4904 Иккаласининг сўзи бир сўзда қарор топди,
Севинч билан қошини ёзиб [яъни чеҳрасини очиб] туриб чиқди.

4905 Яна қайта уқтирди, айтди: Эй қариндош,
Ваъдангни бузма, (албатта) келгин, эй кўнгли мувофиқ
[яъни бир].

4906 Қуёш ерга қайтса, юзини яширса,
Дунё юзига кўмир рангини боғласа.

4907 Уйда сени кутаман, меникига келгин,
Сен учун ҳозирлик кўриб тайёрланайин.

4908 Туриб отини минди, элигнинг ҳузурига келди,
Тушиб йўл [яъни ижозат] сўраб, элиг томон кирди.

4909 Эшитган сўз(лар)ини элигга етказди,
Элиг севинди, қошини, кўзини ёзди [яъни чеҳраси очилди].

4910 Айтди: бу бир(гина) иш ҳар жиҳатдан яхши бўлди.
(Агар) унинг айтганлари сўзингдек [яъни сен сўзлагандек] чин
бўлса.

4911 Элиг яна айтди: Қайси вақтда келади,
Мен у билан қаерда учрашаман, эй билағон.

## Ўгдулмишнинг элигга жавоби

4912 Жавоб берди Ўгдулмиш, айтди: Кечаси,
Ёруғ дунё юзи андак қоронғилашганда.

4913 У менга, менинг ҳузуримга келмоқчи,
Сен қачон кел(син) десанг, у сенга келади.

4914 Элиг айтди: Машаққат чекиб кўп югурдинг,
Бу машаққатларга лойиқ мукофотни тангри берсин.

4915 Менинг бу дардимнинг давоси шу эди,
Энди (у) менинг кўнглимни севинтирди.

4916 Сен уйда кут, келса менга айтгин,
Мендан сенга чақирувчи одам боради.

4917 Қариндошингни (бирга) олгин, туриб меникига кел,
Юзини кўриб зиёрат қилайин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4918 Муңар мэңзэтүр эмди билгэ сөзин
Нэкү тэр эшитгил бу түби түзин

4919 Қиши көңли тутчы тилэр эд̇гүни
Ав̇ытур тилэк булғуқа өзини

4920 Қалы булса арзу тилэкин түгэл
Көңүл көтрүр анда кэсэр сөзини

4921 Илэл тэб туруб чықты Өгдүлмиш-э
Эвингэ кэлиб кирди қылды түш-э

4922 Йашық йэркэ йанды йүзин кэзлэди
Қарарыб туман ту(р)ды дунйа туды

4923 Аж̇ун түл тоны кэд̇ти қашы түгүб

Қалық йэк йүзи-тэг карарды өңүб

182a 4924 Қамуғ тэбрэнур тынды йумды көзи
Чоғы үн кэсилди тиригләр сөзи

## Б а б. Од̇ғурмыш Өгдүлмиш тапа кэлмишин айтур валлалаъам

4925 Туруб ақру кэлди көр Од̇ғурмыш-а
Көд̇эзиб көрүб алды Өгдүлмиш-э

4926 Салам қылды өтрү алышты элиг
Туруб эв̇кэ кирди бу экки силиг

4927 Аш ичгү чықарды йэтүрди көрү
Киши ыд̇ты элиг таба оқтуру

4928 Эшитти элиг қылды йандру жаваб
Оқыды уларығ йақынлық улаб

## Б а б. Күнтуғды Од̇ғурмыш бирлэ көрүшмишини айур

4929 Экигү туруб барды элиг тапа
Көрү алды элиг йурыды қопа



www.ziyouz.com kutubxonasi

4918 Доно энди сўзини бунга ўхшатади,
(У) нима дейди, унинг таги-тугини, тўғрилигини эшитгин:

4919 Одамнинг кўнгли доим эзгуликни истайди,
(У) ўзини тилакка етиш умиди (билан) овутади.

4920 Агар орзу-тилагини тугал топса,
Ундан кўнглини кўтаради, сўзини тугатади [яъни ўша орзуни қўяди].

4921 Албатта, ҳа, деб Ўгдулмиш, туриб чиқди,
Уйига келиб кирди, жой ҳозирлади.

4922 Қуёш ерга қайтди, юзини яширди,
Қорайиб туман пайдо бўлди, дунёни қоплади, [яъни дунёни қоронғилик босди].

4923 Олам қовоғини солиб тул тўнини кийди [яъни оламни зулмат қоплади],
Осмон жин юзидек ранги айниб қорайди.

4924 Ҳамма қимирловчи тинди, кўзини юмди,
Шовқин-сурон, тириклар сўзи босилди.

**Боб. Ўзғурмишнинг Ўгдулмиш томон келишини айтади валлалаъам**

4925 Ўзғурмиш туриб аста келди, кўр,
Ўгдулмиш кутиб қаршилаб олди.

4926 Салом қилди, сўнг қўл олишди(лар),
Бу икки зариф туриб уйга кирди(лар).

4927 Овқат, ичимликлар чиқарди, (ўзи бевосита) кузатиб едирди,
Элиг томонга чақиртириб одам юборди.

4928 Элиг эшитди, қайта жавоб қилди,
Яқинлик изҳор этиб уларни таклиф қилди.

**Боб. Кунтуғди Ўзғурмиш билан кўришишини айтади**

4929 Иккаласи туриб элиг томонга борди(лар),
Элиг қаршилаб олди, ўрнидан туриб (улар томон) юрди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4930 Салам қылды элиг эң ашну көрүб
Ъалик бэрди заҳид саламқа туруб

4931 Әлигләшти элиг бу заҳид билә
Айытты элиг йазлу сэв̆нү күлә

4932 Орун қылды артуқ өзингә йақын
Ағырлады өтрү бағырсақлықын

4933 Айур эмгәдиң сэн эй Одғурмыш-а
Йадағын бу йэркә өзүң кэлмиш-ә

## Одғурмыш жавабы элигкә

182б 4934 Йанут бэрди Одғурмыш айды көзүм
Сэни көрди эмгәк унытты өзүм

4935 Өзүм арзулаб кэлди эмди сэңә
Нэлүг тэггәй эмгәк эй элиг мэңә

4936 Киши өз тиләкин йурыса барыб
Тэгир тәрк тиләккә бу қалмас арыб

4937 Нэкү тэр эшитгил бөгә йав̆ғусы
Уқуш бирлә йадмыш ажунқа күси

4938 Көңүл арзуласа йырақ йэр йағуқ
Болур тәрк тэгир ул тиләккә ануқ

4939 Көңүл бирлә маңса киши арзулаб
Тэгир арзуқа тәрк йағуқлуқ улаб

4940 Көңүлсүз қайу йэркә маңса адақ
Нэчә йэр йақын эрсә болды йырақ

4941 Адақын йурығлықа эмгәк тэгәр
Көңүл бирлә маңса ул эмгәк йырар

4942 Көңүл бирлә кэлдим сэңә эй элиг
Қачан тэггәй эмгәк йэтүргил билиг

4943 Көңүл кимни сэвсә тиләсә бақын
Нэчә йэр йырақ эрсә болды йақын



www.ziyouz.com kutubxonasi

4930 Кўриб энг аввал элиг салом қилди,
Зоҳид [яъни Ўзғурмиш] туриб саломга алик берди.

4931 Элиг бу зоҳид билан қўл олишди,
Элиг ёзилиб, севиниб, кулиб (ҳол-аҳвол) сўради.

4932 Ўзига жуда яқин ерга ўринлаштирди [яъни ўтқазди],
Сўнг меҳрибонлик(лар) билан иззат-икромлар қилди.

4933 Айтди: Эй Ўзғурмиш, сен машаққат чекдинг,
Бу ерга яёв ўзинг келибсан.

### Ўзғурмишнинг элигга жавоби

4934 Жавоб берди Ўзғурмиш, айтди: Кўзим
Сени кўргач, ўзим машаққат(лар)ни унутдим.

4935 Энди [яъни ахир] сенинг ҳузурингга ўзим орзулаб келдим,
Қанақасига менга машаққат етади, эй элиг.

4936 Киши ўз хоҳиши билан бориб юрса [яъни йўл босса],
Тезда тилакка етади, у ҳориб-чарчаб қолмайди.

4937 Олий насаблар яфғуси[65] нима дейди, эшитгин,
Заковат билан оламга овозасини ёйган (киши):

4938 Кўнгил орзуласа — йироқ ер яқин
Бўлади, у (киши) албатта тилакка тез етади.

4939 Киши астойдил орзулаб одим ташласа,
У орзусига яқинлашиб тез етади.

4940 Кўнгил истамасдан қаерга қадам ташласа,
(У) ер қанча яқин бўлса ҳам узоқ туюлади.

4941 Оёқ билан юрувчига машаққат етади,
Кўнгил истаб қадам ташласа, у машаққат узоқлашади.

4942 Мен сенинг ҳузурингга кўнгил билан келдим, эй элиг,
Қанақасига машаққат етсин, билимни етказгин.

4943 Кўнгил кимни севса, истаса назар солгин,
(У) ер қанча йироқ бўлса (ҳам) яқин бўлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Элиг савалы Одғурмышқа

4944 Элиг айды сөздә эң ашну сэңә
Айытғу сөзүм бар айу бэр мэңә

183*а* 4945 Билир-сә салам фазлы артуқ улуғ
Ким ашну ашунса ачар бу йолуғ

4946 Мэни көрдүң эрсә салам қылмадың
Бу фазлығ муйанығ қалы қулмадың

## Одғурмыш жавабы элигкә

4947 Йанут бэрди Одғурмыш айды салам
Билиб қылмадим мэн эң ашну улам

4948 Салам-ул кишикә саламат йолы
Салам қылды эрсә урулды улы

4949 Салам-ул кишикә эминлик аман
Салам қылса өтрү эмин болды жан

4950 Муңар мэңзәтү кэлди эмди бу сөз
Эшитгил муны сэн айа көңли түз

4951 Аман бэрди эркә салам қылғучы
Саламат булунды ъалик алғучы

4952 Салам-ул саламат киши шаррынга
Саламатлық алды йанут қылғучы

4953 Улуғлар кэрәк ким кичигкә салам
Ашундурса өтрү болур иш тамам

4954 Кичиг болса эмин улуғ шарр(ы)дын
Саламат болунса умуб хайрыдын

4955 Мэниңдин элигкә қачан тэггә шарр
Кичиг-сэн[128] кичигдин нэкү йасы бар

4956 Элиг әлги барча будунқа узун
Нэкү қулса қылғай түгүлсә йүзүн

4957 Көрү бар қара бэгкә қылмас салам
Бу маъни үчүн-ул э билги тамам



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Элигнинг Ўзғурмишга саволи

4944 Элиг айтди: Сўз(лар)дан энг аввал, сендан
Сўрайдиган сўзим бор, менга айтиб бер.

4945 Биласан, салом (беришнинг) фазилати жуда катта,
Ким олдин илдамласа [яъни олдин салом берса], бу йўлни очади.

4946 Мени кўрдингу (лекин) салом қилмадинг,
Бундай фазилатни, мояни нечук истамадинг.

## Ўзғурмишнинг элигга жавоби

4947 Жавоб берди Ўзғурмиш, айтди: Саломни,
Мен энг аввал давом этиб, била туриб қилмадим.

4948 Салом (бериш) одам учун саломат(лик) йўлидир,
Салом қилса, (саломатликнинг) пойдевори урилади.

4949 Салом (бериш) одам учун эминлик (ва) омонликдир,
Салом қилса, сўнг жон эмин бўлади.

4950 (Уш)бу сўз энди бунга жуда мос келди,
Буни сен эшитгин, эй кўнгли тўғри:

4951 (Биринчи) салом қилувчи (ўзга) кишига омон(лик) беради,
Алик олувчи (киши эса) саломат(лик) топади.

4952 Салом киши шарри учун саломатлик (гарови)дир,
Жавоб қилувчи [яъни саломга жавоб қайтарувчи] саломатлик олади.

4953 Лозимдирки, улуғлар кичик(лар)га саломни
Олдин айтсалар, сўнг (барча) иш ҳал бўлади.

4954 (Токи) кичик(лар) улуғлар шарридан эмин бўлса(лар),
(Уларнинг) хайридан умидвор бўлиб саломат(лик) топса(лар).

4955 Элигга мендан қачон [яъни қанақасига] шарр етарди,
Кичикмен, кичикдан қанақа зиён [яъни ёмонлик] бўлиши мумкин.

4956 Элигнинг қўли барча халқ учун узундир,
(Агар у) қовоқ солса [яъни қаҳр қилса], нима истаса, қилади.

4957 Назар сол, қора (халқ) бегга (биринчи) салом қилмайди,
(Бунинг боиси шу юқоридаги) маъни билан боғлиқдир, эй билими етук.



www.ziyouz.com kutubxonasi

183б 4958 Мэни сэн эң ашну тапуғқа улаб
Өзүңгә оқыдың мэни арзулаб

4959 Болу бэрмәдим мэн сөзүң тутмадым
Бу алчы ажунқа узун булмадым[129]

4960 Аны қоďтуң эмди зийарат үчүн
Оқыдың муну кэлдим эмди бүтүн

4961 Тақы ыйманур эрдим эмди сэңә
Саламат аман бэрдиң эмди мэңә

4962 Йана ашнуқы сөзкә йанғай тэйү
Тақы қорқур эрдим сэңә иймәнү

4963 Түгәл бүттүм эмди сэңә бэлгүлүг
Мэңә эďгү тэггэй сэниңдин үлүг

### Элиг жавабы Оďғурмышқа

4964 Элиг айды бэгкә эďи кәď йаваз
Тилин сөзләмишдин йана йанса өз

4965 Улуғлуқ йэмәсүн ул элги узун
Йанар эрсә тилдә йурытмыш сөзүн

4966 Ажунқа әлиг булмасун ул киши

Тили йалған эрсэ қылынчы бушы

4967 Нэ-тэг бэг болур-ул буďунқа улуғ
Тили йалған эрсә көр элги қуруғ

4968 Тақы мунда йэгрэк билиг сөзләмиш
Сөзүг қыйса қыйлур қачар қут тэмиш

4969 Кишидә йавузрақы йалған болур
Йавузда йавуз ваъда қыйған болур

4970 Эďи йақшы аймыш көни сөзлүг эр
Көни сөзлүг эркә байат бэрсү тэр

184а 4971 Сөзи чын кэрәк бэг қыйықсыз көни
Сөзиндә йанығлығ тэмә эр аны



www.ziyouz.com kutubxonasi

4958 Мени сен энг аввал хизматга жуфтлаб,
Мени орзулаб ўз ҳузурингга чақирдинг.

4959 Мен унамадим, сўзларингга кирмадим,
Бу фирибгар дунёга узоқ ишонмадим.

4960 Сен энди у (ниятлар)ни ташладинг, зиёрат учун
Таклиф қилдинг, мана энди ишонч билан келдим.

4961 Ҳалигача ҳам сендан йиманиб [яъни хавфсираб] турардим,
Энди менга салом (беришинг) билан омонлик бердинг [яъни хотиржам қилдинг].

4962 Яна аввалги сўз(лар)га қайтади деб,
Ҳануз сендан ийманиб [яъни хавфсираб] қўрқардим.

4963 Энди сенга муқаррар тугал ишондим,
Менга сендан эзгулик баҳраси етади [яъни сенинг хайрингдан баҳраманд бўламан].

**Элигнинг Ўзғурмишга жавоби**

4964 Элиг айтди: Бег учун жуда ярамас бўлади,
Тили билан сўзлаганидан яна ўзи қайтса.

4965 У қўли узун улуғликдан баҳраманд бўлмасин,
(Агар) тилида айтган сўзидан қайтадиган бўлса.

4966 У киши оламга қўл топмасин [яъни оламни идора қилиш қудратидан маҳрум бўлсин],
(Агар унинг) тили ёлғон, феъли ғазаб (нокли) бўлса.

4967 У (киши) халққа қандай қилиб улуғ бег бўлади,
(Агар) тили ёлғон, қўли қуруқ бўлса, назар сол.

4968 Таълимда бундан тағин яхшироқ сўзланган,
(Ким) сўздан қайтса, (ундан) қут қайтади, қочади, дейилган.

4969 Одамлар (ораси)да ярамасроғи ёлғон(чи) бўлади,
Ярамасдан ярамаси ваъдадан қайтган (киши) бўлади.

4970 Рост сўзли киши жуда яхши айтибди,
Рост сўзли кишига худо моя берсин:

4971 Бег сўзи чин, ваъдани бузмайдиган, тўғри бўлиши керак,
Сўзидан қайтувчини — уни мард дема.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4972 Тилин сөзләмиш сөздә йанмас эрән
Сөзиндә йанығлы ишәрләр саны

4973 Йанут бэрди Одғурмыш айды элиг
Бу эдгү қылықларқа булды әлиг

4974 Байат арттуру бэрсү элиг сэңә
Бу эдгү қылықлар бу эдгү йаң-а

4975 Будунда талу-ул бу бэгләр өзи
Өзи-тэг талу тутғу қылқы сөзи

4976 Билиглиг билиг бэрди мундағ айур
Бэг эдгү көни болса будны байур

4977 Нэкү тэр эшитгил өрүң башлығ эр
Ажунуғ кэчүрмиш узун йашлығ эр

4978 Қылынч эдгү тут эй ажун тутғучы
Кэлигли турур қут йана барғучы

4979 Қатығлан өзүңгә қодун эдгү ат
Вафа қылмаға қут сэни қылға йат

4980 Эсиз қылмағыл сэн эй элги узун
Қамуғ эдгүлүк қыл қылынчын сөзүн

4981 Улуғлуқ бу бэглик йүз эврәр сэңә
Магар эдгүлүк йүз эвүрмәс тоңа

4982 Бу күн эдгү қазған будун йүки йүд
Йарын эдгү кэлгәй кэчиб барса өд

4983 Түби йэл турур бу тириглик күни
Ынанчсыз турур қут кэчүргә сэни

184б

**Элиг жавабы Одғурмышқа**

4984 Элиг айды уққыл э билги улуғ
Тиләким бу-ул сэндә ачғыл қапуғ

4985 Сэни мунча тэгрү тутуб қулдуқум
Бу эрди тиләким мэниң эй тоқум



www.ziyouz.com kutubxonasi

4972 Мардлар тили билан сўзлаган сўздан қайтмайди(лар),
Сўзидан қайтувчи (киши) хотинлар қаторидидир.

4973 Жавоб берди Ўзғурмиш, айтди: Элиг
Бу эзгу феълларга қўл топди [яъни эга бўлди].

4974 Худо сенга эл(лар)ни орттира берсин,
Бу (сифат) эзгу феъллар, бу (сифат) эзгу хислат(ларинг)ни
(зиёда қила берсин).

4975 Беглар ўз(лар)и халқ орасида сара бўлади(лар),
(Шунинг учун) феъли (ва) сўзини ўз(лар)идек сара тутишлари
керак.

4976 Билимли таълим беради, (у) бундай дейди:
Бег эзгу, одил бўлса, халқи бойийди.

4977 Оқ бошли [яъни сочи оқарган] киши нима дейди, эшитгин,
Оламни(нг ишларини) кечирган узун ёшли киши:

4978 Эй оламни ушлаб турувчи, феъл(инг)ни эзгу тут,
Қут келувчи (ва) яна (қайнаб) кетувчи (нарса)дир.

4979 Ҳаракат қил, ўзинг учун эзгу ном қолдир,
Қут келувчи (ва) яна (қайтиб) кетувчи (нарса)дир.
қилади].

4980 Эй қўли узун, сен ёмон(лик) қилмагин,
Феълинг (ва) сўз(лар)инг билан бутунлай эзгулик қил.

4981 Улуғлик, бу беглик сендан юз ўгиради,
Фақат эзгулик юз ўгирмайди, (эй) жавонмард.

4982 Бу кун(ларда) эзгу(лик) қозон, халқ юкини кўтар,
Кейин, даврлар ўтиб боргач, эзгулик келади.

4983 Бу тириклик кун(лар)и бўрон, ел кабидир,
Қут инончсиздир, у сени(нг умрингни) ўтказади.

**Элигнинг Ўзғурмишга жавоби**

4984 Элиг айтди: Эй билими кенг, уққин,
Сендан тилагим шуки, эшик очгин [яъни йўл-йўриқ бергин].

4985 Сени бунчалик яқин тутиб истаганим,
Тилагим бу(лардан иборат) эди, эй (қорин) тўқим.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4986 Мэңә бэргил эмди бир өт сав̇ ириг
Магар эдгүлуккэ йэтилгэй элиг

4987 Қиши бар қалын бод̆ боғуз ағруқы

Көни чын бағырсақ йоқ-ул эй ақы

4988 Бу бэглэр булур барча арзу тилэк
Өзи көңлингэ сығқу булмас йөлэк

4989 Қапуғда қалын баш йумытты йурыр
Тосулур киши йоқ мэңә эй билир

4990 Муңар мэңзэр эмди бу байт эй ақы
Уқайын тэсэ сэн мунуқы оқы

4991 Қиши тэб йурығлы тэлим бар саны
Кишикэ тосулғу тилэсэ қаны

4992 Қылур бир киши миң кишиниң ишин
Өкүш миң йумытса қылумас аны

4993 Йана айды элиг эй Од̆ғурмыш-а
Байат фазлы барча өзүң булмыш-а

4994 Атыңқа йарашы қылынчың бүтүн
Тилэкиң түгэл бэрсү тэңри қутун

4995 Байат бэрмишиндин мэңә қыл үлүг
Тирилсү көңүл болсу нафсым өлүг

### Од̆ғурмыш жавабы элигкэ

4996 Йанут бэрди Од̆ғурмыш айды э бэг
Ташымны көрүр-сэ киши өггү-тэг

185*а* 4997 Қалы билдиң эрсэ ичим эй бөгэ
Бу күн сүргэй эрдиң мэни миң сөкэ

4998 Мэңә ат урулды бу заҳид аты
Бу атым мәңә болды таъат йуты

4999 Мэни алқтачы көр бу атым турур
Бу атым үчүн нафс мэңә бэк болур



www.ziyouz.com kutubxonasi

4986 Энди менга бир (қатор) панд, ўгит, насиҳат(лар) бергин,
(Токи) қўл фақат эзгулик(лар)га етишсин.

4987 Кўп одамлар бор, (улар) эгин, нафс, бисот оворасидир,

Тўғри, чин, садоқатли(си) йўқ, эй саховатли.

4988 Бу беглар барча орзу-тилак(лари)ни топади(лар),
(Лекин) ўзининг кўнглига манзур бўларли таянч
тополмайди(лар).

4989 Даргоҳда кўплаб калла(лар) йиғилган, (улар) юрибди(лар),
(Лекин) менга фойда келтирадиган одам йўқ, эй билағон.

4990 Бу байт бунга монанд келади, эй саховатли,
Сен тушунайин десанг, мана, ўқи:

4991 Киши(ман) деб юрувчи(лар) сони талай бор,
Одамга фойда келтирадиганини истасанг (йўқ), қани.

4992 Бир киши минг кишининг ишини қилади,
Талай минг (киши) йиғилса (ҳам) бу (иш)ни қила олмайди.

4993 Яна айтди элиг: Эй Ўзғурмиш,
Ўзинг худонинг барча эҳсон(лар)ига муяссар бўлибсан.

4994 Отингга яраша феъл(лар)инг (ҳам) етукдир,
Тангри қут билан тилак(лар)ингни тугал берсин.

4995 Худо (сенга) инъом қилган(лар)идан менга ҳисса (эҳсон) қил,
Кўнглим яшнасин, нафсим ўлик бўлсин.

**Ўзғурмишнинг элигга жавоби**

4996 Жавоб берди Ўзғурмиш, айтди: Эй бег,
Сиртимни кўриб турибсан, мақтагудек киши(дирман).

4997 Агар ичимни билганингда эди, эй олий насаб,
Бугун мени минг (хил ҳақоратлар билан) сўкиб ҳайдар эдинг.

4998 Менга бу зоҳид(лик) лақаби от бўлди,
Бу отим менга тоат-ибодат балоси бўлди.

4999 Мени шаҳддан қайтарувчи бу отимдир, кўр,
Бу отим туфайлидан нафс (эшиги) мен учун маҳкамдир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5000 Кэбит кэнди бэзэдим киши кѳргүси
Асығ йоқ кэбиттэ сатығ бэлгүси

5001 Ташын кѳрмэгил сэн эй элиг кишиг
Қишиниң ичин кѳр басутлуғ[130] ишиг

5002 Нэчэ кѳрклүг эрсэ қағун таш йүзи
Йыды йа бад̇ызы йа мэңзи түзи

5003 Ичиндэ татығ болмаса ул қағун
Аны таштын атғу болур эй сығун

5004 Нэкү тэр эшит эмди кѳңли уд̇уғ
Ичиңни бэзэ тутма таш сыр бод̇уғ

5005 Қамуғ нэң кѳтүргүси ичтин болур
Ичи болмаса таш йарамас қалур

## Элиг жавабы Од̇ғурмышқа

5006 Йанут бэрди элиг айур эй сүзүг
Ичиң ма ташың бирлэ барча сүзүг

5007 Ѳзүң йүк йэнүтти бу дунйа қод̇уб
Илиндим мэн эмди ағыр йүк йүд̇үб

5008 Бу дунйа иши қылды машғул мэни
Байат тапғынга ѳз тэгүмэс қаны

5009 Мэңэ ѳт ириг бэр тутунсу ѳзүм
Қутад̇су сѳзүң чын сүзүлсү ѳзүм

## Од̇ғурмыш жавабы элигкэ

185б 5010 Йанут бэрди Од̇ғурмыш айды бэг-э
Қамуғ эд̇гүлүккэ сэн эд̇гүн тэг-э

5011 Байат қулларында мэниндэ йав̇уз
Ад̇ын билмэгил сэн э билги ѳкүз

5012 Мэниндэ йав̇узрақ байатым қулы
Мэн-ѳк-мэн эй элиг тилэсэ қалы



www.ziyouz.com kutubxonasi

5000 Дўкон, манзил безаганим — бу одам(лар) кўришигагинадир,
Дўкондан манфаат йўқ, (у) савдо-сотиқ белгисидир.

5001 Сен кишининг сиртига [яъни зоҳирига] боқмагин, эй элиг,
Кишининг иш(лар)ини яширган ичига [яъни ботинига] боқ.

5002 Қовуннинг ташқи кўриниши қанчалик чиройли бўлса (ҳам),
Ҳиди, ёки сурати, ёки бутун шакли (манзур бўлса) ҳам.

5003 У қовуннинг ичида мазаси бўлмаса,
Уни четга итқитиш керак бўлади, эй буғу [яъни буғу каби зийрак].

5004 Энди кўнгли ҳушёр нима дейди, эшит:
Ичингни беза, сирт сирингни, бўёғингни (ялтироқ) тутма.

5005 Ҳамма нарсанинг улуғворлиги [яъни асл моҳияти] ичида бўлади,
Ичи (яхши) бўлмаса, сирти ярамасдан қолади.

## Элигнинг Ўзғурмишга жавоби

5006 Жавоб берди элиг, айтди: Эй сузилган [яъни покиза],
Ичинг ҳамда сиртинг биргаликда бутунлай тоза.

5007 Бу дунёни тарк этиб, ўзинг юкни енгиллатдинг,
Мен (эса) оғир юк кўтариб, тутилдим.

5008 Бу дунё иш(лар)и мени банд қилди,
Ўзим худонинг тоат-ибодатига етолмаётир, (етишиш) қаерда.

5009 Менга панд, насиҳат бер, ўзим амал қилайин,
Сўз(лар)инг саодат келтирсин, ўзим чиндан покланайин.

## Ўзғурмишнинг элигга жавоби

5010 Жавоб берди Ўзғурмиш, айтди: Эй бег,
Ҳамма эзгулик(лар)га сен яхшилик билан етиш.

5011 Худо бандалари орасида мендан ярамас (деб)
Бошқани билмагин сен, эй билими дарё (каби).

5012 Худойимнинг мендан ярамасроқ бандаси
Менинг ўзимдирман, агар истасанг, эй элиг.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5013 Нэкү асғы болғай мэниң сөзләрим
Тосулғай-му эрки сэңә өтләрим

5014 Йана ма ид̇имдим умынч кэсмәдим
Йазуқ йарлықағлы ул-ул бир ид̇им

5015 Нэкү тэр эшитгил йазуқлуғ қулы
Йазуқын билиб ъузры қулды тили

5016 Йазуқлуғ жафалығ қулуң-мә отун
Бақа көрсә барча йазуқ-мә бүтүн

5017 Сэниңдә ад̇ын йоқ сығынғу ид̇им
Йазуқум бағышла йөләгил қутун

5018 Йанут бэрди элиг айур эй уд̇уғ
Бу қылқың бэд̇үди бу эд̇гү бод̇уғ

5019 Өзүңни йав̇узрақ билириң үчүн
Буд̇унда сэн эд̇гү булур-сә күчүн

5020 Көңул тил арыттың арыды өзүң
Мэни өтләгил бир түзүлсү сөзүң

5021 Эй эд̇гү қылықлығ бүтүн иши чын
Мэңә өт ириг бэр бағырсақлықын

5022 Байат бэрди барча сэңә эд̇гүлүг
Бу эд̇гү йолын ач мэңә эй күлүг

186*а* 5023 Эй эд̇гү киши өтлә эмди мэңә
Йанут бэргә тэңри йарынлық сэңә

**Б а б. Од̇ғурмыш Күнтуғды элигкә пáнд бэрмишин айтур**

5024 Йанут бэрди Од̇ғурмыш айди элиг
Байат бэрсү барча тиләккә элиг

5025 Бу қыв̇чақ қов̇ы дунйа кэчки ажун
Нэчә бэг қарытты қарымас өзүн

5026 Сэниң-тэг тэлим бэг кэчүрди сэв̇иб

Сэңә ма анунды кэчгүрәй эв̇иб



www.ziyouz.com kutubxonasi

5013 Менинг сўз(лар)имнинг қандай фойдаси бўлади,
Ўгитларим сенга фойда келтирармикан.

5014 Бунинг устига мен эгамдан умид узмаганман,
Гуноҳни кечирувчи якка ўша эгамдир.

5015 Гуноҳли бандаси нима дейди, эшитгин,
Гуноҳини билиб, тили узрини сўраган (киши):

5016 Гуноҳли, жафоли, тубан қулингман,
Назар солсанг, бутун турган турмушим гуноҳман.

5017 Сендан бўлак сиғинадиган эгам йўқ,
Гуноҳимни кечир, қут билан суягин.

5018 Жавоб берди элиг, айтди: Эй ҳушёр,
Феълинг улуғлашди, бу яхши сифатдир.

5019 Ўзингни ярамасроқ (деб) ҳисоблаганинг учун,
Халқ орасида сен беихтиёр яхшилик топасан.

5020 Кўнгил (ва) тилни покладинг, ўзинг покландинг,
Менга бир ўгит бергин, сўз(лар)инг андазалансин.

5021 Эй эзгу феълли, ишончли, иш(лар)и чин,
Менга меҳрибонлик билан ўгит, насиҳат бер.

5022 Худо сенга барча эзгулик(лар)ни ато қилган,
Бу эзгулик(лар) йўлини менга (ҳам) оч, эй муҳтарам (зот).

5023 Эй эзгу киши, энди менга ўгит қил,
Тангри сенга у дунёлик мукофот бергай.

### Боб. Ўзғурмиш Кунтуғди элигга панд беришини айтади

5024 Жавоб берди Ўзғурмиш, айтди: (Эй) элиг,
Худо барча тилак(лар)га қўл берсин.

5025 Бу машъум, ғовак дунё, кўҳна олам
Қанча(дан қанча) бег(лар)ни қаритди, ўзи қаримайди.

5026 (У) сен каби талай бег(лар)ни ардоқлаб ўтказди [яъни уларни маҳлиё қилди ва ўлдириб юборди],
Сенга ҳам (шу мақсад билан) ҳозирланди, (сени ҳам) шошиғич кечиради [яъни ўлдиради].



www.ziyouz.com kutubxonasi

5027 Бамағыл муңар сэн ҳақиқат көңүл
Вафа қылғу эрмэс ҳақиқат тоңул

5028 Мэниңдин нэрэк эмди өт сав̇ ириг
Бу өд̇лэк өти таб сэңэ эй тириг

5029 Сэниңдэ озақы аж̇ун тутғучы
Қаны қанча барды қаны ул күчи

5030 Улар қанча барды көрү тур сақын
Сэңэ ма нару барғу өд̇ күн йақын

5031 Сэңэ тэгди эмди бу бэглик қуры
Узун қалғу эрмэс иш этиб йуры

5032 Уларқа нэкү қылды эрсэ асығ

Бу күн сэн аны қыл йарын бул татығ

5033 Нэкүкэ өкүнди өлүрдэ улар
Сэн андын йырақ тур тилэ эд̇гүлэр

5034 Эд̇и йақшы аймыш билиглиг бөгү
Билиглиг сөзи йүнжү йақут тэгү

5035 Өлүгни көрүгли ма қалмас тириг
Өлүмкэ анун тутма қылқың ириг

186б 5036 Өлүмүг билигли э қылқы осал
Кэчэр бу тириглик өзүң үлги ал

5037 Осаныб йурығлы эй арзу қулы
Өлүмкэ басықма кэлир алғалы

5038 Бақа көр кэчүрмиш күнүңни бу күн
Түгэл болды түш-тэг сақынғыл өгүн

5039 Қалы қылды эрсэ өзүң эд̇гүлүк
Асығ қылдың өзкэ ачу мэңүлүк

5040 Йав̇а қылдың эрсэ тириглик қалы
Өкүнч бирлэ түн күн уд̇ыма улы

5041 Тилэб булғу эрмэс тириглик тучы
Йана йанғу эрмэс йигитлик күчи



www.ziyouz.com kutubxonasi

5027 Сен бунга чин кўнгил боғламагин,
(У) чин вафо қиладиган (нарса) эмас, умидни уз.

5028 Мендан ўгит, панд, насиҳат нега керак,
Бу даврон ўгити сенга кифоя, эй тирик.

5029 Сендан олдинги оламни тутган(лар)
Қани, (улар) қаерга кетди(лар), (уларнинг (қудрат)лар)и қани.

5030 Улар қаерга кетди(лар), назар сол, ўйла,
Сенга ҳам у томон бориш [яъни ўлиш] вақти, куни яқиндир.

5031 Бу беглик навбати энди сенга тегди,
(Сен ҳам) узоқ қолмайсан, ҳозирлик кўриб юргин.

5032 Уларга нима манфаат қилган бўлса [яъни қандай иш фойда берган бўлса],
Бугун сен (ҳам) ўша (ишлар)ни қил, у дунёда халоват топ.

5033 Улар ўлар (пайти)да нимадан афсусланган бўлсалар,
Сен ўшандан узоқ тур, эзгу(лик)лар иста.

5034 Билимли, доно жуда яхши айтибди,
Билимли сўзини инжу, ёқут деса бўлади:

5035 Ўликни кўрувчи ҳам тирик қолмайди,
Ўлимга ҳозирлан, феълингни дағал тутма.

5036 Ўлимни билувчи эй феъли ғофил,
Бу тириклик ўтиб кетади, ўз улушингни олиб қол.

5037 Бепарво бўлиб юрувчи орзу қули,
Ўлимга босқин бўлма, (у) олгани келади.

5038 Ўтказган кун(лар)ингни бу кун (бир қараб қўй),
У (кунларинг) бутунлай туш каби бўлди, ақл билан ўйлагин.

5039 Агар ўзинг эзгулик қилган бўлсанг,
Ўзингга мангулик отани [яъни худони] фойда қиласан.

5040 Агар тирикликни беҳуда ўтказган бўлсанг,
Афсус билан туну кун ухлама, йиғла.

5041 Ҳар доим тирикликни истаб топиб бўлмайди,
Йигитлик кучи яна қайтиб келмайди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5042 Бу булмыш өд̇үң бары қылма йав̇а
Өлүмкә анунғыл тапуғқа эв̇ә

5043 Эй элиг бақа көр сэниндә үзә
Бэг эрди атаң элдә эрк түрк түзә

5044 Хазина ҳашам сү ид̇иси болуб
Тирилди бир анча тиләкин булуб

5045 Өлүм тутты ахир элэтти аны
Асығ қылмады ул бэд̇үмиш үни

5046 Атаң өлди барды сэңә бэрди панд
Атаң панды тутсаң шакар болға қанд

5047 Муңар мэңзэр эмди эшит ошбу сөз
Асығ қылға тутсаң айа өзгә көз

5048 Атаң өлди эрсә қалы нэ өд̇үн
Сэңә айдуқы[131] оғул көр уд̇ун

5049 Өлүм тутты бардым кэлир ош сэңә
Қатығлан кэд̇ин эд̇гү атың қод̇ун

5050 Атаның ананың өлүми түгәл
Оғул қызқа панд-ул уқуб өзкә ал

187а 5051 Атаңны анаңны өлүм қод̇мады
Сэни-му қад̇ур көр йэтилсә өд̇и

5052 Уларқа жафа қылды дунйа тытыб
Сэңә-му вафа қылға қылқын этиб

5053 Көшүш тут тириглик кэрәк ишкә ыд̇
Үлә нэң кишикә муйан өзкә тыд̇

5054 Кэчәр күн ичиндә кэрәкиң алын
Кэчүргәй сэни өз этигин қылын

5055 Қалын ач бөриләр йығылды сэңә
Қойуғ кэд̇ көд̇әзгил эй элчи тоңа

5056 Өзүң йүд̇ти мунча буд̇ун йүкләри
Уд̇уғ тур осал болма сақну йуры



www.ziyouz.com kutubxonasi

5042 Бу эришган даврингнинг борини беҳуда қилма,
Тоат-ибодатга шошиб, ўлимга ҳозирлангин.

5043 Эй элиг, назар солиб кўр, сендан илгари,
Отанг элда тўла ҳукм ўрнатган бег эди.

5044 Хазина, ҳашамат, лашкар(лар) соҳиби бўлиб,
Тилак(лари)га эришиб, бир қанча вақт яшади.

5045 Охири ўлим тутди, уни олиб кетди,
У кўтарилган [яъни овозаси таралган] шуҳрати фойда қилмади
[яъни жонига ора кирмади].

5046 Отанг ўлди, кетди, сенга панд берди,
Отанг пандини тутсанг, шакар (ва) қанд бўлади.

5047 Ушбу сўз энди бунга мос келади, эшит,
(Бу сўзни) тутсанг, фойда қилади, эй жон учун кўз:

4048 Агар отанг қайси вақтда ўлган бўлса (ҳам),
Сенга айтгани шудир: Ўғлим, кўр [яъни кўзингни оч], уйғон.

5049 Ўлим ёпишди, кетдим [яъни ўлдим], сенга ҳам келади,
Ҳаракат қил, (ўзингдан) кейин яхши отингни қолдир.

5050 Отанинг, онанинг ўлими бутунлай
Ўғил-қизга панддир, тушуниб, ўзингга ол.,

5051 Отангни, онангни ўлим қўймади,
Вақти келса сени қўядими, кўр.

5052 Қарши туриб дунё уларга жафо қилди,
Феълини тузатиб сенга вафо қилармиди.

5053 Тирикликни азиз тут, керак ишга сарфла,
Одамларга нарса улаш, ўзингга фойда сақла [яъни ол].

5054 Ўтаётган кун(лар) ичида кераклигингни ол,
(Давр) сени ўтказиб юборади, ҳозирлигингни қил.

5055 Сенинг ҳузурингга қалин [яъни кўп] оч бўрилар йиғилган,
Қўйни жуда эҳтиётлагин, эй эл бошловчи баҳодир.

5056 Ўзинг халқнинг шунча юкларини кўтардинг,
Ҳушёр тур, ғофил бўлма, ҳисоблаб юр.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5057 Элиндә бирәгү кэчә қалса ач
Аны сэндин айтур байат көзни ач

5058 Йула-тэг күйәр-сэ бу күн эй элиг
Йаруқлуқ ад̇ынқа турур эй силиг

5059 Тириглик учуқса йэтилсә йашың
Нэкүкә тосулғай сэңә бу кишиң

5060 Өзүң отқа атма кишиләр үчүн
Өзүңни күйүрмә көрүрдә күчүн

5061 Улуғлуқ бэд̇үглүк бу бэглик қамуғ
Қалур бу өлүм кэлсә ачса қапуғ

5062 Көни бол көнилик үзә қыл төрү
Узун турға бэглик ад̇ақын өрү

5063 Нэ эд̇гү билиг бэрди билги улуғ
Бу сөз ишкә тутнуб йуры бу йолуғ

5064 Бэкүтмәк тиләсәң бу бэглик улы
Төрү бэргү тутғу көнилик йолы

5065 Тақы бир аӝунуғ тутайын тэсә
Көниликни тутғу сөз айдым кэсә

187б 5066 Э бэг-мэн тэгүчи бэд̇үтмә көңүл
Вафасыз турур дунйа давлат тоңүл

5067 Бу дунйа қутынга ынанма айығ
Ынанчсыз турур көр қылынчы йайығ

5068 Эй элиг бу қаршы бу орду орун
Сэңә тэгмиши бир түшүн-ул көрүн

5069 Сэниндә озақы түшүб кэчтиләр
Тиригмәди түштә уд̇у көчтиләр

5070 Сэнә тэгди эмди бу орду орун
Көчүңни өзүндә үзә ыд̇ бурун

5071 Бу күн мунда этмә бу қаршы сарай
Сэни қод̇мағa бу кэчәр йыл күн ай



www.ziyouz.com kutubxonasi

5057 Элингда бирорта (киши) кечаси оч қолса,
Худо уни сендан сўрайди [яъни ҳисобини сендан олади], кўзни оч.

5058 Сен бугун қандилдек қуяётирсан, эй элиг,
(Лекин) ёруғлик бошқагадир, эй назокатли.

5059 Тириклик учуқса, ёшинг етилса,
Бу киши(лар)ингнинг сенга нимада фойдаси тегади.

5060 Одамлар учун ўзингни ўтга отма,
(Уларга) қарашда ўзингни зўрлаб куйдирма.

5061 Улуғлик, буюклик, бу беглик — ҳаммаси,
Бу ўлим келса, эшик очса, қолиб кетади.

5062 Одил бўл, адолат узра сиёсат қил [яъни юрит],
Беглик узоқ оёқда тик туради [яъни қарор топади].

5063 Билими улуғ қандай эзгу таълим берган,
Бу сўзни ишга татбиқ қилиб, бу йўлдан юр:

5064 Бу беглик асосини мустаҳкамламоқни истасанг,
Адолат қилиб, одиллик йўлини тутиш керак.

5065 Тағин бир оламга эришайин десанг,
Адолатни тутиш керак, кесиб сўз айтдим.

5066 Эй, бегман дегувчи, кўксингни керма,
Дунё, давлат вафосиздир, умидни уз.

5067 Бу дунё қутига инонма, (эй) ҳушёр,
(У) ишончсиздир, қилиғи бевафоликдир, кўр.

5068 Эй элиг, қаср-сарой, бу ўрда, ўрин,
Сенга теккан бир қўноқ жойдир, кўргин.

5069 Сендан олдингилар қўниб ўтдилар,
Тушдан тирилмади(лар) [яъни уйғонмадилар], ухлаб кўчдилар.

5070 Энди бу ўрда, ўрин сенга тегди,
Кўчингни ўзингдан олдин, бурун жўнат.

5071 Бу кун бу ерда қаср, сарой(лар) безатма,
Бу ўтувчи йил, кун, ойлар сени (абад) қўймайди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5072 Өзүң йатғу орны көр ул бэлгүлүг
Аны этгү эдгү билә эй күлүг

5073 Мэниң тэб билир-сә бу қаршы бу күн
Ҳақиқат бақа көрсә эрмәс өгүн

5074 Нэкү тэр эшитгил бу қаршы сэңә
Бақа көрсә чын-оқ айур эй тоңа

5075 Муны сэн айур-сэн мэниң тэб мэниң
Нэкүкә айур-сэн нэкү-тэг сэниң

5076 Сэниндә басақы сэңә чық тэйүр
Анунды көд̇әр ош мэниң тэр мэниң

5077 Түнәк-ул бу дунйа э дунйа бэги
Түнәк ичрә болмас сақынчта өңи

5078 Түнәкдә сэн артуқ тиләмә сэв̇инч
Сэв̇инч аслы учмақ турур ҳам ав̇ынч

5079 Бу артар эрәж̇иг эрәж̇ тутмағыл
Йа кэчгү сэв̇инчиг сэв̇инч тэмәгил

5080 Нэ йаңлығ бу давлат турумас қачар
Тэрилмиш нэңиңни түгәл ул сачар

188a 5081 Аны қыл туташы тирилгү орун
Бу аж̇ун нэңин қод̇ аңар йүз урун

5082 Эрәж̇ қут тиләк арзу мәңү тилә
Бу мәңү эрәж̇ қулса эмгәк билә

5083 Байат фазлынга бир бақа көр сақын
Нэчә эд̇гүлүк қылды йэтрү бақын

5084 Қалын халқ үзә қылды әлгин[132] узун
Тиләк арзу бэрди йорық тил сөзүн

5085 Сэниң-тэг эт-өзлүг байат қулларын
Сэңә қылды муңлуғ көрүр-сә барын

5086 Мунуң шукры қылғу бу күн эй элиг
Байат халқынга болғыл эдгү силиг



www.ziyouz.com kutubxonasi

5072 Ўзинг ётадиган ўрнинг аниқдир, кўр,
Эзгу(ликлар) билан ўша (ўрин)ни тахт қил.

5073 Бу кун қаср меники, деб биласан,
Ҳақиқатан назар солиб кўрсанг, (бу) ақлдан эмас.

5074 Бу сенга қарши нима дейди, эшитгин,
Назар солиб қарасанг фақат чин айтади, эй баҳодир:

5075 Буни сен меники, меники деб айтасан,
Нимага (шунақа деб) айтасан, қанақасига сеники,

5076 Сендан кейинги(лар) сенга чиқ, дейди(лар),
(Улар) ҳозирланган(лар), (сени) кутаётир(лар), бу меники,
меники, дейди(лар).

5077 Бу дунё зиндондир, эй дунё беги,
Зиндон ичра аламдан бошқа (нарса) бўлмайди,

5078 Зиндонда сен беҳуда севинч истама,
Севинч ҳамда овинч асли жаннатдир.

5079 Бу бузиладиган фароғатни фароғат деб билмагин,
Ё ўткинчи севинчни севинч демагин.

5080 Бу давлат қандайин туролмай қочса,
Терилган нарсаларингни у тугал (шундай) сочади.

5081 У (дунё)ни абадий яшайдиган ўрин қил [яъни деб бил],
Бу дунё нарса(лари)ни қўй, у (дунё)га юз ур.

5082 Фароғат, қут, тилак, орзу(лар)нинг мангулигини иста,
Бу мангу(лик) фароғатни истасанг, (у) машаққат билан
(келади).

5083 Худонинг фазлига бир қараб кўр, ўйла,
Қанча эзгулик(лар) қилди, яхшироқ назар сол.

5084 Қалин [яъни кўп] халқ узра қўлингни узун қилди,
Равон тил, сўз билан тилак-орзу(лар)ингни берди.

5085 Сенга ўхшаш тану жонли бандаларини худо
Сенга ҳожатманд қилди, барини кўриб турибсан.

5086 Бу кун бунинг шукрини қилиш керак, эй элиг,
Худонинг халқига (нисбатан) яхши (ва) шафқатли бўлгин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5087 Қөнилик үчүн тәңри тикти сэни
Қөни бол көнилик үзә тур қаны

5088 Уқуш бирлә ишлә қамуғ ишләриг
Ҳаваққа басықма көңүл тут тириг

5089 Бағырсақ болун барча буд̇нуң үзә
Төрү қыл улуғқа кичигкә түз-ә

5090 Нэкү тэр эшитгил э билги тэңиз
Билиг бирлә ишлә қызартғыл мэңиз

5091 Бу күн эд̇гү болсун тэсә-сэн қамуғ
Өзүң эд̇гү болғыл эй элда улуғ

5092 Қамуғ булғануқны сүзәйин тэсә
Өзүң сүзгү буд̇нуң сүзүлгә баса

5093 Бу бэгләр баш-ул қанча барса башы
Уд̇ула барыр барча уд̇мыш киши

5094 Буд̇ун артаса аны бэгләр түзәр
Қалы артаса бэг аны ким сүзәр

5095 Сэн өз қылқың этгил қылынчың көнит
Буд̇ун қылқы этлүр сэн өзни ав̇ыт

188б 5096 Йарағлығны этмәк тиләсә өзүң
Йарағсызқа бақма кэсилди сөзүң

5097 Отунқа қатылма фасаддын йыра
Бу экки қылықдын болур эр қара

5098 Йарағсыз йав̇уз нәң өзүң қулмаса
Йарағсызны қылма сөз айдым кэсә

5099 Эрәж̇кә ав̇ынма сэн ичмә сүчиг
Тэңиз-ул бу экки аңар йоқ кэчиг

5100 Қылықың көни тут қылынчың силиг
Уқуш болсу йолчың кэңәшчиң билиг

5101 Қөңүл тил көни тут көр эрдәм улуғ
Өзүңни унытма йаңылма йолуғ



www.ziyouz.com kutubxonasi

5087 Тангри сени адолат учун тикди [яъни ўтқазди, экди],
Қани (энди) одил бўл, адолат узра тур.

5088 Ҳамма (турли) иш(лар)ни заковат билан ишла,
Ҳавас-нафсга босқин бўлма, кўнгилни зийрак тут.

5089 Барча халқингга нисбатан раҳм-шафқатли бўл,
Улуққа ҳам, кичикка ҳам тенг адолат қил.

5090 (Бу ҳақда) нима дейилади, эшитгин, эй билими денгиз (каби),
Билим билан ишлаб юзингни ёруғ қилгин:

5091 Бу кун сен ҳамма эзгу бўлсин десанг,
Ўзинг эзгу бўлгин, эй эл орасида улуғ.

5092 Ҳамма ифлосликларни сузайин [яъни тозалайин] десанг,
Ўзингни сузишинг керак, сўнг (шундагина) халқинг сузилади.

5093 Бу беглар бош(лиқ)дир (ва) бош(лиқ) қаерга борса,
Барча эргашган кишилар (унинг) орқасидан боради.

5094 Халқ бузилса, уни беглар тузатади,
Агар бег бузилса, уни ким сузади [яъни поклайди].

5095 Сен ўз қилиғингни тузат, феълингни тўғрила,
(Шунда) халқнинг қилиғи тузалади, сен ўзингни тинчит.

5096 Ўзинг ярoқли (ишлар)га ривож бермоқни истасанг,
Яроқсиз (иш)га боқма, сўзинг тамом (бўлди).

5097 Тубан ишга аралашма, фасоддан узоқлаш,
Бу икки қилиқдан киши (юзи) қора бўлади.
5098 Ўзинг яроқсиз, ёмон нарсани истамасанг,
Яроқсиз (ишлар)ни қилма, кесиб сўз айтдим.

5099 Айшу ишратга, маҳлиё бўлма, сен шароб ичма,
Бу иккаласи (бир) денгиз (каби)дир, унинг кўприги йўқ
[яъни ўтишнинг иложи йўқ]

5100 Қилиғингни тўғри, феълингни манзур тут,
Заковат йўлчинг, билим кенгашчинг бўлсин.

5101 Кўнгил, тилни тўғри, хислатни улуғ тут,
Ўзингни унутма, йўлдан янглишма.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5102 Қөтүрмә көңүл сэн кӱвэзлэнмәгил
Эрәт сүм тэлим тэб көкүз кэрмәгил

5103 Нэчә күр көкүзлүг кӱв̇әнүр эриг
Өлүм йэркә көмди эшүди йэриг

5104 Нэмә йақшы аймыш билиглиг бэд̇үг
Билиглиг сөзи тутса тушлар кэд̇үг[133]

5105 Хазинам өкүш тэб кӱв̇әнмә нәңин
Ҳашам сү тэлим тэб көтүрмә эгин

5106 Қүчингә кӱв̇әниб көкүз кэргүчи
Йурытумады бир чыбунқа элин

5107 Бушы болма иштә сэн ишкә йығын
Қалы кэлсә өв̇кәң өзүң қыл ағын

5108 Эв̇ә ишләмә иш магар дин иши
Эв̇әк иштә асғын булумас киши

5109 Ачығ бэргү эрсә эв̇иб тэрк тэгүр
Қынын бэркә урма амуллуқ өд̇үр

5110 Эв̇әк қурғу болмә қылынчын сөзүн
Сэрингил сэрингән атанур түзүн

189a 5111 Ақы бол буд̇унқа үлә нәң йэтүр
Саран болса бэгләр атын артатур

5112 Ириг сөзләмәгү өзүг тутғу бэрк
Ириг сөзкә тумлыр киши көңли тэрк

5113 Сүчиг сөзлә барча кишикә тилин
Ачуқ тут йүзүңни йаруқ тут алын

5114 Буд̇унда талу-сэн талу қут[134] қылық
Көңүл тил көни тут көни тут йорық

5115 Қара эд̇гү болса аның эд̇гүси
Өзингә болур эй буд̇ун бэлгүси

5116 Қалы эд̇гү тутса бу бэгләр қылынч
Қамуғ эд̇гү элкә болур бу сэв̇инч



www.ziyouz.com kutubxonasi

5102 Сен кўнгилни катта тутма, гердаймагин,
Аскар, лашкарим талай деб кўксингни кермагин.

5103 Қанчадан-қанча ботир, шижоатли, мағрур киши(лар)ни
Ўлим ерга кўмди, ерни (улар устига) ёпди.

5104 Билимли, буюк (киши) жуда ҳам яхши айтибди,
Билимли сўзини тутсанг, жуда ҳам монанд тушади:

5105 Хазинам(да мол) кўп деб, мол билан мағрурланма,
Ҳашам, лашкар(им) кўп деб, бўйин кўтарма [яъни гердайма].

5106 Кучига маҳлиё бўлиб кўксини керувчи (киши)
Бир чивинга (ҳам) қўлини [яъни эркини] юрита олмаган.

5107 Иш(лар)да ғазабнок бўлма, ишга ўзингни йиғиб (кириш),
Агар ғазабинг келса, ўзингни гунг-лол қил.

5108 Ишни шошиб ишлама, фақат дин ишидан ташқари,
Шошиғич ишда одам (ўз) манфаатини тополмайди.

5109 Инъом бериш лозим бўлса, шошилиб тезда етказ,
Жазолаш учун (шошилиб) калтак урма, вазминликни сайла
[яъни касб эт].

5110 Феълинг (ва) сўзингда ҳовлиқма, енгилтак бўлма,
Сабр қилгин, сабр қилган афзал (деб) аталади.

5111 Сахий бўл, халққа нарса улаш, едир,
Беглар бахил бўлса(лар) ном(лар)ини бузади(лар).

5112 Дағал сўзламаслик, ўзни маҳкам тутиш керак,
Дағал сўзга одамнинг кўнгли тез совийди.

5113 Барча одамга тилда ширин сўзла,
Юзингни очиқ, манглайни ёруғ [яъни қовоғингни очиқ] тут.

5114 Халқ орасида сайлангансан, қилиқларингни етук тут,
Кўнгил, тилни, йўл-йўриқни тўғри тут.

5115 Қора (авом) эзгу бўлса, унинг эзгулиги
Ўзи учун бўлади, эй халқнинг таниқлиси.

5116 Агар бу беглар феъл(лар)ини эзгу тутса(лар),
Ҳамма эзгу(ликлар) халқ учун бўлади, бу (қандай) севинч.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5117 Апаң болса бэгләр қылынчы эсиз
Эсизләр күчәйүр йудар эд̆гү из

5118 Эсиз болма атың эсиз қылмағыл
Эсизләрни қысғыл болу бэрмәгил

5119 Эсизлик ағу-ул йэмә бу ағу
Ағу йэгли болмас тириглик йэгү

5120 Уқушлуғ ким эрсә аны тут йақын
Билиглиг сөзи тут көд̆әзгил ҳақын

5121 Бүтүн чын киши эд̆гү атлығ кишиг
Өзүңгә йақын тут аңар бэр ишиг

5122 Бу алчы аж̌ун қылқы ирсәл йайығ
Осал болма сақлан йолы кәд̆ батығ

5123 Бэзәниб көр этниб көңүлүг алыр
Көңүл бэрдиң эрсә йүз эврәр барыр

5124 Өлүмүг унытма сақынч қысға тут
Өлүмкә басықма айа элчи қут

5125 Уд̆ыма бу ғафлат билә эй элиг
Эсүрмә бу бэглик билә эй силиг

189б 5126 Бу күнки эрәж̌кә ав̇ынма сақын
Йарынқы эрәж̌иг тилә кәд̆ бақын

5127 Сэв̇инчи узун-ул эрәж̌и өкүш
Эрәж̌ болса мундағ кэрәк болса түш

5128 Эрәж̌ эд̆гү қулса йуры эд̆гү бол
Өкүш нэъмат ичрә йуры мәңү бол

5129 Нэкү тэр эшитгил билиг билмиш эр
Билиг бирлә элдә ағыр булмыш эр

5130 Байат бэрсә ъиззын йоқ-ул ғайаты
Өкүш раҳмат ичрә өзүң раҳаты

5131 Қалы өз күрәсә уж̌узлуқ ануқ
Уж̌узлуқ қынықа кимин тақаты



www.ziyouz.com kutubxonasi

5117 Агар беглар феъли ёмон бўлса,
Ёмонлар кучаяди, яхши из(лар)ни ўчиради [яъни йўқ қилади].

5118 Ёмон бўлма, огингни ёмон қилмагин,
Ёмонларни қисгин, ён бермагин.

5119 Ёмонлик оғудир, бу оғуни ема,
Оғу еган (киши) тирикликдан баҳраманд бўлмайди.

5120 Ким заковатли бўлса, уни яқин тут,
Билимли(лар)нинг сўзига амал қил, ҳақ(лар)ига риоя қил.

5121 Ишончли, чин киши(лар)ни, эзгу отли кишини
Ўзингга яқин тут, иш(лар)ни у(лар)га бер,

5122 Бу — ҳийлакор дунё, (унинг) қилиғи жафо, бевафоликдир,
Ғофил бўлма, соқ бўл, (унинг) йўли жуда чуқур.

5123 Ясаниб, (ўзига) оро бериб кўнгилни олади, кўр,
Кўнгил берадиган бўлсанг, юз ўгиради, кетади.

5124 Ўлимни унутма, қайғу-аламни қисқа қил,
Ўлимга босқин бўлма, эй эл бошловчи қут (соҳиби).

5125 Бу ғафлат (уйқуси) билан ухлама, эй элиг,
Бу беглик билан маст бўлма, эй зариф.

5126 Бу кунлик фароғатга маҳлиё бўлма, ўйла,
У дунёлик фароғатни тила, яхши назар сол.

5127 У (дунё)нинг севинчи узун, фароғати беҳисоб,
Фароғат бўлса шундай (бўлиши) керак, агар тўғри келса [яъни насиб қилса].

5128 Яхши фароғат истасанг, кел, эзгу бўл,
Беҳисоб неъмат(лар) ичида юр, мангу бўл.

5129 Билим билган киши нима дейди, эшитгин,
Билим билан элда ҳурмат топган киши:

5130 Худо ато қилса, (унинг) улуғлигининг чеки йўқ,
Ўзингнинг роҳатинг беҳисоб раҳмат(лар) ичра (бўлади).

5131 Агар ўзинг ғурурлансанг, хўрлик муқаррардир,
Хўрлик азобига кимнинг тоқати бор.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5132 Эй элиг отачы саны-сэн бу күн
Будун барча иглиг сэңə муңлуғун

5133 Қайусы көтүрмиш бу көр[135] күч эринч
Қайусы чығайлық билə йэр сақынч

5134 Қайу ач қайусы йалынмыш болур
Қайу қадғу бирлə улынмыш болур

5135 Сэниңдə турур көр буларның эми
Отағыл дару бирлə болғыл қамы

5136 Қалы қылмаса сэн оты йа əми
Будунқа болур-сэн тириглик йуты

5137 Сэниңдин айытға йарын бир байат
Жавабы анутғыл өзүңгə бэр ат

5138 Тириглик кэчəр тэрк бу бэглик қалур
Кэрəклиг сэңə эдгү атың турур

5139 Тарығлағ турур бу ажун эй элиг
Нэкү эксə анда алыр бу əлиг

5140 Йуры эдгүлүк қыл экин эдгүлүк
Сэңə эдгү болға ачу мэңүлүк

190*a* 5141 Нэкү тэр эшитгил бөгү элчи бэг
Бу бэглик ишини билир йолчы бэг

5142 Айа бэг болуғлы будунқа улуғ
Көңүл тил кичиг тут өзүңгə йулуғ

5143 Айа баш болуғлы эй үстэг əлиг
Қамуғ ишкə ашну сэн ишлəт билиг

5144 Билиг бирлə ишлə қамуғ түрлүг иш
Билигдин кэлир-ул қамуғ көрклүг иш

5145 Барығлы турур бу ажун қалғусуз
Өзүң эдгүлүк қыл йитиб барғусуз

5146 Қалыр дунйа ахир туғуғлы өлүр
Эсиз эдгү эрсə көр аты қалур



www.ziyouz.com kutubxonasi

5132 Эй элиг, бу кун сен табиб мисолидирсан,
Барча халқ сенга ҳожатманд бемор(лар каби)дир.

5133 Баъзиси куч-қувватини йўқотган бўлади,
Баъзиси камбағаллик билан алам чекади.

5134 Баъзиси оч, баъзиси яланғоч бўлади,
Баъзиси қайғу билан сиқилган бўлади.

5135 Буларнинг дору-дармони сенда бўлади, кўр,
Дору билан даволагин, табиб(лар)и бўлгин.

5136 Агар сен дору ёки даволарини қилмасанг,
Халқ учун тириклик офати бўласан.

5137 У дунёда яккаю ягона худо (буларнинг) ҳисобини сендан олади,
Жавобини ҳазирла [яъни бурчларингни бу дунёда қилиб қўй], ўзингга ном қолдир.

5138 Тириклик [яъни ҳаёт] тез кетади, бу беглик (эса) қолади,
Сенга кераклиги (эса) эзгу отингдир.

5139 Бу дунё экинзордир, эй элиг,
Унда нима эксанг, бу қўл (ўшани) олади.

5140 Кел, эзгулик қил, эзгулик (уруғини) эк,
Сенга абад (ва) мангулик эзгу (насиб) бўлади.

5141 Доно, эл бошловчи бег нима дейди, эшитгин,
Бу беглик иш(лар)ини билувчи йўлчи бег [яъни йўл-йўриқларни билувчи бег]:

5142 Эй, халққа улуғ бег бўладиган (киши),
Кўнгил, тилни кичик тут, ўзингга фойда.

5143 Эй бош(лиқ) бўладиган, эй қўли баланд,
Ҳамма ишга (ҳам) аввал сен билимни ишлат.

5144 Ҳамма турли иш(лар)ни билим билан ишла,
Ҳамма чиройли ишлар билимдан келади.

5145 Бу дунё кетувчидир, у (зинҳор) қолмайди,
Ўзинг йўқолиб кетмайдиган эзгулик қилиб (қол).

5146 Охири дунё қолади, туғилган (эса) ўлади,
Ёмон (ёки) яхши(ларнинг) бўлса, оти қолади, кўр.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5147 Эсизкә қатылма күйүркә эсиз
Атың эдгү болса қалыр эдгү из

5148 Эй элиг қатығлан уд̇уғ тур уд̇уғ
Осайуқ кишикә тоқынур йуд̇уғ

5149 Бу бэглик көки сақ уд̇уғлуқ турур
Тақы бир аж̇ун қулса мундын булур

5150 Осанма осанса бу бэглик барыр
Осайуқ экигүн аж̇унда улыр

5151 Хасм қылма өзкә йэмә төкмә қан
Бу экки йазуққа улыр чықса жан

5152 Ҳарамқа қатылма көд̇әз өз қатығ
Ҳарам йэгли орны тамуғ-ул батығ

5153 Бағырсақ болун барча йалңуқ үзә
Киши йасы қулма йурыма аза

5154 Бөр ичмә фасадқа қатылма йыра
Бу экки бузар қаршы орду тора

5155 Өлүмкә туғ̄ар бу туғуғлы киши
Атын из қод̇ур бу өлүгли киши

190б 5156 Тутамча тириглик түгәр алқынур
Эсиз эдгү эрсә көр аты қалур

5157 Ав̇ынч бирлә өгрир бу дунйа сэни
Осанма уд̇ытмасу ғафлат күни

5158 Бу ғафлат турур көр уд̇ытур кишиг
Уд̇ығлы киши қод̇ты йумқы ишиг

5159 Бу ғафлат йоқ эрсә кишикә қамуғ
Фаришта болуб қылғай эрди тапуғ

5160 Эд̇и йақшы аймыш билиглиг сөзи
Уқа барғыл эмди э көңли йазы

5161 Қамуғ ғафлат-ул бу сэв̇инчин тараб
Бу ғафлат билә өз йуқад̇ур ъажаб



www.ziyouz.com kutubxonasi

5147 Ёмонга аралашма, ёмон куйдиради,
Отинг эзгу бўлса, эзгу из қолади.

5148 Эй элиг, ҳаракат қил, ҳушёр тур, ҳушер,
Ғофил кишига машаққат(лар) бутун вужуди билан урилади.

5149 Бу бегликнинг негизи соқлик, ҳушёрликдир,
Яна бир оламни [яъни у дунёни] истасанг (ҳам) шундандир
[яъни соқлик ва ҳушёрлик туфайли эришасан].

5150 Ғофил бўлма, ғофил бўлсанг, бу беглик кетади,
Ғофил иккала оламда (алам билан) увлаб йиғлайди.

5151 Ўзингга душман қилма [яъни орттирма] ҳамда қон тўкма,
Бу икки гуноҳ учун жон чиққанда увлаб йиғлайсан.

5152 Ҳаромга аралашма, ўзингни маҳкам тут,
Ҳаром еювчининг ўрни дўзахдир, (у) чуқурдир.

5153 Барча одам(лар)га меҳрибон бўл,
Бошқаларнинг зиёнини истама, адашиб юрма.

5154 Май ичма, фасодга аралашма, узоқлаш,
Бу иккиси қаср, ўрда, қўрғонни бузади.

5155 Бу туғиладиган киши ўлим учун туғилади,
Бу ўлувчи киши оти билан из қолдиради.

5156 Бир тутам келадиган тириклик тугайди, олқинади,
Ёмон (ёки) яхши (бўладиган) бўлса ҳам оти қолади.

5157 Бу дунё сени овунч билан тербатади,
Ғофил бўлма, ғафлат куни (сени) ухлатмасин.

5158 Одамни ухлатувчи бу ғафлатдир,
Ухлаган [яъни ғафлат уйқусига ботган] киши жами иш(лар)ни
қолдиради.

5159 Одам(лар) учун бу ғафлат бўлмаганда эди, ҳамма
Фаришта бўлиб тоат-ибодат қилган бўларди.

5160 Билимли (киши бу ҳақда) сўзни жуда яхши айтибди,
(Энди бу сўзларни) уқиб боргин, эй кўнгли кенг:

5161 Севинч билан айшу тараб мутлақ ғафлатдир,
Бу ғафлат билан ўз [яъни одам] қониб ухлайди, ажаб.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5162 Осанма уд̇ытмасу ғафлат усы
Бу ғафлат усындын көд̇әзгил йа рабб

5163 Элиндә йэти тут көзүң қулғақың
Түзүкә тэгүргил бағырсақлықың

5164 Сэңә болға ахир байат айтығы
Байат айтығы-ул йазуқлуғ ағы

5165 Бақа тур нэкү тәр сақынуқ киши
Сақынуқ сөзи тутса этлүр иши

5166 Э бошлағ йурығлы буд̇ун өгтәми
Байат айтығы бар анутғыл эми

5167 Көңүлчә йурығлы э тэлтүк мун-а
Айытға сэниңдин байат бир күн-ә

5168 Э йэгли ичигли йав̇алық билә
Сақышқа анутғыл чықыш йол тилә

5169 Айытғу турур көр байат барчаны
Қутулғу йэриң бар-му қачғыл қаны

5170 Эй элиг қылыч бэркә сэндә турур
Бу бэркә қыйынлар эсизкә урур

191*а* 5171 Эсизләр эсизликләрин эсмәсә
Сэн эсмә қынын бэркә тутғыл баса

5172 Элиг болса эсиз аж̇унуғ бузар
Қысығлы[136] болмаса йолдын азар

5173 Ағырла сэн эд̇гүг тэгүр эд̇гүлүг
Буд̇ун эд̇гү болғай түзү эй күлүг

5174 Ойунқа ав̇ынма өзүңни көд̇әз
Эрәжкә сэв̇инмә күнүң қалды аз

5175 Көнилик үзә сэн төрү қыл төрү
Төрү бирлә бэглик турур-ул өрү

5176 Күчүң йэтмишинчә қатығлансу өз
Йав̇а қылса ъузры қулу турсу өз



www.ziyouz.com kutubxonasi

5162 Ғофил бўлма, ғафлат уйқуси ухлатмасин,
Бу ғафлат уйқусидан сақлагин, ёрабб.

5163 Элингда кўзинг, қулоғингни ўткир тут,
Меҳрибонлигингни барчага етказгин.

5164 Охири худонинг сўроғи сендан бўлади,
Худонинг сўроғи (ҳамма ерга) ёзилган тузоқдир.

5165 Назар солиб, тур, мулоҳазали киши нима дейди,
Мулоҳазакор киши сўзини тутилса, иш(лар) саранжом бўлади.

5166 Эй бебош юрувчи халқ ўктами [яъни гердайгани],
Худонинг сўроғи бор, тадбирини ҳозирлагин.

5167 Эй кўнгли(га келган)ча юрувчи нуқсонли ва қусурли (киши),
Худо бир куни сендан сўрайди [яъни сени сўроқ қилади].

5168 Эй беҳудалик билан еювчи, ичувчи,
Ҳисоб (бериш)га ҳозирлангин, чиқадиган [яъни қутуладиган] йўл иста.

5169 Худо барчани сўроқ қилади, кўр,
Қутуладиганеринг борми, қочгин(чи), қани.

5170 Эй элиг, қилич, қамчи сендадир,
Бу қамчи азобларни ёмон(лар)га уради [яъни беради].

5171 Ёмонлар ёмонликларини чўзмаса(лар),
Сен (ҳам) азоб (бериш)ини чўзма, қамчини босиб тутгин.

5172 Элиг ёмон бўлса, оламни бузади,
Тиювчиси бўлмаса йўлдан адашади.

5173 Сен яхшиларни ҳурматла, яхшилик етказ,
Халқ бутунлай яхши бўлади, эй шуҳратли.

5174 Ўйинга [яъни ишратга] маҳлиё бўлма, ўзингни тут,
Фароғатга севинма, кун(лар)инг оз қолди.

5175 Сен тўғрилик билан адолат қил, адолат,
Беглик адолат билан тик туради.

5176 Ўзинг кучинг етганича ҳаракат қил,
Беҳуда (ишлар) қилсанг, ўз узрингни сўраб тур.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5177 Нэкү тэр эшитгил буд̇ун башчысы
Төрү бирлэ элдэ йад̇ығлы күси

5178 Айа бэг қатығлан бу тақат тэңи
Төрү қыл буд̇унқа тэгүргил өңи

5179 Қалы тушса тақсыр йана ъузры қул
Тилин тэкмэдэ тавба қылғыл йаңы

5180 Өкүш қазнақ урма сэн алтун күмүш
Нэкү болса бэргил үлэгил өкүш

5181 Сэниңдэ кэд̇ин қалға тутса өлүм
Оғул қыз эсизликкэ булғай толум

5182 Қатығлан тиригликдэ мал ашну ыд̇
Сақышдын қутулғыл муйан өзкэ тыд̇

5183 Эд̇и йақшы аймыш буд̇унлар бэги
Буд̇унда бэд̇үги кишидэ өги

5184 Э қазнақ уруғлы аж̇ун бэглэри
Өзүндэ кэд̇ин қод̇ма қазнақ йуры

5185 Эрэж̇ ад̇нағу қылға сақыш сэңэ
Үлүг тэгмэсү эй уруғлуғ қары

191б 5186 Айа бай болуғлы буд̇унда талу
Қуқуз қыл бу байлық муйан ал толу

5187 Вафасыз аж̇унқа көңүл бамағыл
Ж̇афа қылға ахир болу бэрмэгил

5188 Айа бэг болуғлы буд̇унда бурун
Бурун ыд̇ бу бэглик сэн этгил орун

5189 Көзи суқ эй артуқ узун сақнур эр
Өлүм тутмэс эркэн барың барча бэр

5190 Өлүм тутса ахир бу нэң асғы йоқ
Туру қалға малың сэңэ татғы йоқ

5191 Аш аз йэ эй элиг өкүш қыл тапуғ
Сөз аз сөзлэ өгрэн сэн эрдэм қамуғ



www.ziyouz.com kutubxonasi

5177 Халқ бошлиғи нима дейди, эшитгин,
Адолат билан элда шуҳрат таратган (киши):

5178 Эй бег, бу тоқат баробарида ҳаракат қил,
Халққа адолат қил, олди(лар)ига етказ [яъни адлингни кўрсат].

5179 Агар нуқсон юз берса, яна узрингни сўра,
Тилинг билан ҳар бир (нарса)да янги-янги тавба(лар) қил.

5180 Сен олтин-кумушни хазинага кўп йиғма,
Нима бўлса (одамларга) бергин, кўп(лаб) улашгин.

5181 Ўлим тушса, (бойлик) сендан кейин қолиб кетади,
Ўғил-қиз (бу бойликдан) ярамас ишлар учун керак-яроғ топадилар [яъни суиистеъмол қиладилар].

5182 Ҳаракат қил, тириклигингда мол-дунёни илдам сарфла,
Ҳисоб беришдан қутулгин, ўзинг учун нажот эҳтиёт қил [яъни ҳозирла].

5183 Халқлар беги жуда яхши айтибди,
Халқ орасида улуғи, кишилар орасида оқили:

5184 Эй хазина йиғувчи олам беглари,
Кел, ўзингдан кейин хазина қолдирма.

5185 Фароғат ўзгаради, сен билан ҳисобини қилади,
(Ҳисоб бериш) насибанг бўлмасин, эй уруғли [яъни асл] қари.

5186 Эй бой бўлувчи халқ орасида сара (киши),
Бу бойликни қурит [яъни йўқ қил], тўла нажот ол [яъни у дунёга замин ҳозирла].

5187 Вафосиз оламга кўнгил боғламагин,
Охири жафо қилади, бино қўймагин.

5188 Эй бег бўлгувчи халқ орасида илғор (киши),
Бу бегликни бурун(роқ) сарфла, сен (у дунёлик) ўрин ҳозирлигини кўргин.

5189 Эй кўзи суқ, ортиқ (ва) узоқ ўйловчи киши,
Ўлим тутмаган экан, борингнинг барчасини (одамларга) бер.

5190 Охири ўлим тутса, бу нарса(лар)нинг фойдаси йўқ,
Молинг қолиб кетади, сенга ҳаловати йўқ.

5191 Овқатни оз е, эй элиг, тоат-ибодатни кўп қил,
Сўзни оз сўзла, сен ҳамма санъат-ҳунарларни ўрган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5192 Чығай түл йэтимиг бақа тур көрү
Булары кӧд̆әзсә болур чын төрү

5193 Ушақчы кишиг қылма өзкә йақын
Өзүндә кичигни йырақ тут сақын

5194 Бу йаңлығ киши-ул киши йаслығы
Киши йаслығын сэн йағы бил йағы

5195 Киши суқынга бэрмә элдә элиг
Сэзиг тутма бузға этилмиш элиг

5196 Қатығлан өзүңни тамуғдын йырат
Қамуғ эд̆гүлүк қыл кӧд̆әзгән байат

5197 Бу күнки күнүңдә йарынқы күнүң
Бары эд̆гү болсун йарынқы түнүң

5198 Эд̆и йақшы аймыш билиглиг түзүн
Битимиш бу қылғу ишиңни узун

5199 Бу дин далы дунйа д̆алы қаршы-ул
Йағышмас экигүн йолы йаршы-ул

5200 Бу дин дунйа бирлә бирикмәки сарб
Қав̆ушмас экигүн муны билсә таб

912a 5201 Бириси йағуса бириси тэзәр
Эки бирлә тутса киши йол азар

5202 Түби йэл турур дунйа йағмур саны
Кэлир чоғлайур тэрк өчәр тэрк үни

5203 Кэлир қут қапуғда қалын йумдарур
Көңүл баса йумқығ ад̆ынқа бэрүр

5204 Байудум тэсә-сэн чығай болғу тэр
Ағыр-мэн тэсә-сэн уж̇уз қылға йэр

5205 Аж̇ун тоқлуқы барча ачлық турур
Эрәж̇и сэв̆инчи көр эмгәк эрүр

5206 Эй элиг бу нафсың йағыла қатығ
Тиләкини бэрмә йэтүрмә татығ



www.ziyouz.com kutubxonasi

5192 Камбағал, тул, етимларга назар солиб қараб тур,
Буларни авайласанг, чин адолат бўлади.

5193 Ғийбатчи кишини ўзингга яқин қилма,
Ўзингдан кичикни [яъни пастни] узоқ тут, ўйла.

5194 Бу янглиғ киши кишиларнинг зиёнкоридир,
Кишининг зиёнкорини сен ёв деб бил, ёв.

5195 Одам суқига элда қўл [яъни эрк] берма,
Шубҳа қилма, (суқ одам) яшнаган элни бузади.

5196 Ҳаракат қил, ўзингни дўзахдан узоқлаштир,
Фақат эзгулик қил, асрайдиган худодир.

5197 Бу кунги кун(лар)ингдан кейинги [яъни у дунёдаги] кун(лар)инг,
Кейинги [яъни у дунёдаги] тун(лар)инг барчаси эзгу бўлсин.

5198 Билимли, тўғри (сўз киши) жуда яхши айтибди:
Бу қилган иш(лар)ингни доим (тангри) ёзиб боради.

5199 Бу дин йўналиши (ва) дунё йўналиши қарама-қаршидир,
Иккаласи яқинлашмайди, йўли айрилишлидир.

5200 Бу дин дунё билан қарор топиб бирикмайди,
Иккаласи қовушмайди, буни етарли билиш керак.

5201 Бири яқинлашса, бири узоқлашади,
Иккаласини бирга тутса, киши йўлдан озади.

5202 Дунё бўрон, елдир, у ёмғир кабидир,
Келади, тез шатирлайди (ва) тез овози сўнади.

5203 Қут келади, даргоҳда тиғиз (бўлиб) тўпланади.
Кўнгил боғласанг, жамини бошқага беради.

5204 Сен бойидим десанг, камбағал бўлиш керак дейди,
Сен иззатли мен десанг, хўр (ва) ер (билан баробар) қилади.

5205 Дунё тўқлиги барчаси очликдир,
Фароғати, севинчи машаққатдир, кўр.

5206 Эй элиг, бу нафсингга (қарши) шиддатли жанг қил,
Тилагини берма, ҳаловат едирма.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5207 Қамуғда эсизрәк йағы бу турур
Муңар эдгү қылса бу эсиз қылур

5208 Вафа қылса йандру йануты жафа
Жафа қылса өтрү қылур бу вафа

5209 Бу нафсың ужузла ағыр болға жан
Билиг бэг болуб көр уқуш болға хан

5210 Бу дунйа йағы-ул бу нафсың йағы
Бу экки йағының йаḋығлығ ағы

5211 Бу қутқа күвәниб көтүрмә көңүл
Ынанма тиригликкә артуқ тоңул

5112 Бэḋүглүк улуғлуқ бу кэчгү турур
Бу давлат оты барча өчгү турур

5213 Нэкү тэр эшитгил эй аслы бэḋүг
Бағырсақ сөзи тутса асғы кэḋ өг

5214 Бу бэглик билә сэн көтүрмә эгин
Көкүз кэрмә артуқ өзүңни сақын

5115 Йэринди ажунны сүрүндикә қоḋ
Байат бэргә анда тү нэъмат йэгин

192б 5216 Эй элиг кэḋ өḋрүм тилә үч кишиг
Анында баса бэр бу үчкә ишиг

5217 Булардын бири қазы йинчкә арығ
Сақынуқ кэрәк тэгсә халққа асығ

5218 Экинчи халифат кэрәк чын бүтүн
Буḋун болса инчлиг тирилса қутун

5219 Үчүнчи кэḋ өḋрүм кэрәк бу вазир
Буḋунқа нэкү тэгсә мундын тэгир

5220 Бу үч иштә болса кишиси көни
Буḋун инчкә тэгди йаруды күни

5221 Этилгэй элиг ҳам байуғай буḋун
Сэңә артға эдгү дуъа ул өḋүн



www.ziyouz.com kutubxonasi

5207 Ҳаммадан ёмонроқ душман бу (нафс)дир,
Бунга яхшилик қилсанг, бу ёмонлик қилади.

5208 Вафо қилсанг қайта жавоби жафодир,
Жафо қилсанг, сўнг бу вафо қилади.

5209 Бу нафсингни хўрла, жон қадр топади,
(Шунда) билим бег бўлиб, заковат хон бўлади, кўр.

5210 Бу дунё душмандир, бу нафсинг (ҳам) душмандир,
Бу икки душманнинг тузоғи ёйилган бўлади.

5211 Бу қутга талтайиб, кўнгилни кўтарма,
Тирикликка ортиқ ишонма, умидни уз.

5212 Буюклик, улуғлик — бу(лар) ўткинчидир,
Бу давлат ўти барчаси ўчадигандир.

5213 (Бу ҳақда) нима дейилган, эшитгин, эй асли буюк,
Меҳрибон (киши) сўзини эшитсанг, фойдаси (қандай) яхши, тушун:

5214 Сен бу беглик билан гердайма,
Ортиқча керилма, ўзингни сақла.

5215 Манфур дунёни чиқинди қаторига қўй,
У (дунё)да худо турли неъматларнинг яхшисини беради.

5216 Эй элиг, уч (турли) кишининг жуда сарасини иста,
Шундан сўнг бу уч (турли) кишига ишни топшир.

5217 Булардан бири — қози, (у) зийрак, йок,
Уйловли (бўлиши) керак, (токи) халққа манфаат етсин.

5218 Иккинчиси — халифа, (у) чин (ва) ишончли (бўлиши) керак,
(Токи) халқ осойишта бўлиб, бахтиёр яшаса.

5219 Учинчиси — вазир, (у) жуда сара (бўлиши) керак,
(Чунки) халққа нима етса, ундан етади.

5220 Бу уч ишда [яъни лавозимда]ги одами тўғри бўлса,
Халқ осойишталикка етади, кун(лар)и ёруғ бўлади.

5221 Элиг камол топади ҳамда халқ бойийди,
У вақтда сенинг ҳақингга эзгу дуо(лар) ортади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5222 Бу үч иштә болса йарағсыз киши
Йарағсыз болур барча эл күн иши

5223 Муңар мэңзәтү кэлди эмди сөзүм
Эшитгил муны сэн э көрклүг йүзүм

5224 Бу бэгкә вазир-ул тутуб йэтгүчи
Эли қапғы аты бу-ул этгүчи

5225 Қалы тэтрү йэтсә бурундуқ вазир
Қамуғ тэтрү болды өзүм айғучы

5226 Бу дунйа этиглиг бу тэрги саны
Йурығлы бу йалңуқ бичә йэр аны

5227 Бизиңдә озақы қуту барғучы
Йэди тод̇ты қанды өлүб йатғучы

5228 Улуғ той бақыб көр йатурлар көд̇ү
Оқыр бизни барғу сэзигсиз уд̇у

5229 Тақы бир қуту ул қарындақылар
Бизиңдә баса тэрги йэгли улар

5230 Бу күн бизкә тэгди бу тэрги йэми
Нэчә бэргэй эрки йэгү кэд̇гүми

193а 5231 Оқырлар өлүб йатғучылар нару
Сүрәрләр қарындақылар қоп тэйү

5232 Бириси сурәр көр бириси оқыр
Бу эккин ара ким эрә̇жкә тэгир

5233 Эй элиг осанма сақынма узун
Узун қалғу эрмәс э қылқы түзүн

5234 Ҳарамқа қатылма эй элиг сақын
Ҳарамқа қарарур көңүл бил йақын

5235 Сақынуқ болайын тэсә эй күлүг
Ҳалал йэ ҳалалдын көтүргил үлүг

5236 Нэкү тэр эшитгил ҳалал йэгли эр
Сақынуқ башы чын ҳалал тэгли эр



www.ziyouz.com kutubxonasi

5222 Бу уч ишдаги одами ярамас бўлса,
Бутун эл-халқ иши ярамас бўлади.

5223 Бунга ўхшатишга бу сўзлар энди мос келди,
Бу(лар)ни сен эшитгин, эй чиройли юзлигим:

5224 Бу бег(лар)ни тутиб етакловчи — вазирдир,
Эли, даргоҳи, отини гуллатиб-яшнатувчи — у (вазир)дир.

5225 Агар вазир жиловни тескари етакласа [яъни бурса],
Ҳамма тескари бўлади, (буни) айтувчи менман.

5226 Бу дунё ясатилган дастурхон кабидир,
Юрувчи инсон ундан пича ейди.

5227 Биздан олдинги ўтган авлодлар,
Ўлиб ётувчи(лар) еди(лар), тўйди(лар), қонди(лар).

5228 Улуғ манзилгоҳ(га) назар солиб кўр, (улар) кутиб ётибдилар,
Бизни чақираётир(лар), шубҳасиз кет(лар)идан борамиз.

5229 Яна бир авлод — булар қориндагилардир,
Улар биздан кейин дастурхон (неъматлари)дан еювчилардир.

5230 Бу кун бу дастурхон неъматлари бизга тегди,
(Тангри) егулик (ва) кийгулигимизни қачонгача берар экан.

5231 Ўлиб ётувчилар у томонга чақиради,
Қориндагилар эса (қани) тур, деб сўради.

5232 Бири ҳайдайди, бири (олдига) чақиради, кўр,
Бу иккаласи орасида ким осойиш топади.

5233 Эй элиг, ғофил бўлма, узоқ ўйлама,
Узоқ қолмайсан, эй қилиғи тўғри.

5234 Ҳаромга аралашма, эй элиг, сақлан,
Ҳаромдан кўнгил қораяди, яқиндан бил [яъни яхши бил].

5235 Бебок бўлайин десанг, эй шавкатли,
Ҳалол е, ҳалолдан ҳисса ол.

5236 Ҳалол еювчи киши нима дейди, эшитгин,
Бебок(лар)нинг боши чин (ва) ҳалол еювчи кишидир:



www.ziyouz.com kutubxonasi

5237 Ҳалал йэгли қылмас байатқа йазуқ
Ҳалал йэ ҳалал қыл йарынлық азуқ

5238 Қимиң боғзы эгни бар эрсә арығ
Арыды анын̇дын йазуқы арығ

5239 Арығлық тиләсә арытғыл боғуз
Арытса боғуз болды асғың өкүз

5240 Өзүң асғы қулма бўдун асғы қул
Бўдун асғы ичрә өзүң асғы-ул

5241 Нэкү тэр эшитгил улуғ кэнд бэги
Қамуғ иш ичиндә йэтүрмиш өги

5242 Қут ул бэг бўдунқа қутадғу кэрәк
Қутадсә бўдун қарны тоўғу кэрәк

5243 Бу бэгләр тэңиз ул түби йүнжүлүг
Тэңизкә йағуғлы байуғу кэрәк

5244 Бу бэгләр тағ-ул каны алтун күмүш
Күмүш кан қазығлы байур-ул өкүш

5245 Асығлығ кэрәк бэг көр әлги ақы
Ажун бўднынга тэгсә андын тоқы

193б 5246 Йашық-тэг йаруғыл эй элчи бөгү
Бўдун булсу сэндин көр ичгү йэгү

5247 Аманат йўдүрди байат бойнуңга
Көдәз бу аманат айытға сэңә

5248 Эй элиг бақа көр сэн өзкә көзүң
Бир өзкә нэчә нәң тэрәр-сә узун

5249 Тэңиздәки гуҳар түгәмәс сэңә
Түбиндәки йүнжү тойумас сэңә

5250 Йағыз йэр қатындақы алтун күмүш
Тэрәр-сә хазина урар-сә өкүш

5251 Бу тағлар қатында чықар гуҳарығ
Қазыб йэтрүмәсләр сэңә эй арығ



www.ziyouz.com kutubxonasi

5237 Ҳалол еювчи (киши) худога гуноҳ қилмайди,
Ҳалол е, эртанги [яъни у дунёга тегишли] озуқангни ҳалол қил.

5238 Кимнинг томоғи ва эгни покиза бўлса,
Ундан гуноҳи пок-покиза арийди.

5239 Поклик истасанг, томоқни поклагин,
Томоқни покласанг, манфаатинг дарё-дарё бўлади.

5240 Ўз фойдангни кўзлама, халқ манфаатини кўзла,
Ўзингнинг манфаатинг халқ манфаати ичрадир.

5241 Улуғ шаҳар беги нима дейди, эшитгин,
Барча ишга фаросатини етказган (киши):

5242 Бег қутдир, у халққа саодат келтириши керак,
Саодат келтирса, халқнинг қорни тўйиши керак.

5243 Бу беглар туби инжу(лик) денгиздир(лар),
Денгизга яқинлашувчи (эса) бойиши керак.

5244 Бу беглар тоғдир(лар), кони олтин-кумуш (билан тўла)дир,
Кумуш кон қазиган кўп бойийди.

5245 Бег манфаатли, қўли очиқ (бўлиши) керак, кўр,
(Токи) олам халқига ундан тўқлик насиб бўлсин.

5246 Кун каби ёригин, эй эл бошловчи доно,
Халқ сендан ичгулик, егулик топсин, кўр.

5247 Худо бўйнингга омонат юклаган,
Бу омонатни эҳтиёт қил, (уни) сендан сўрайди.

5248 Эй элиг, сен ўзингга кўз билан назар сол,
Бир ўзингга ҳамиша қанча(лаб) мол терасан.

5249 Денгиздаги гавҳар сен учун (ҳеч) етмайди,
Тубидаги инжу сен учун ҳеч тугамайди.

5250 Бўз ер остидаги олтин-кумуш(лар)ни
Терасан, кўплаб хазина йиғасан.

5251 Тоғлар орасидан чиқадиган гавҳар(лар)ни
Қазиб сенга етказа олмайдилар, эй покиза.


www.ziyouz.com kutubxonasi

5252 Йағыз йэр үзәлә үнүгли әв̇ин
Тэриб сэн толулар-сә қазнақ эв̇ин

5253 Учуғлы йурығлы сув̇ ичра балық
Қутулмас сэниңдин айа сарп қылық

5254 Ажун тэзгинүр элдә арқыш йурыб
Ағы жуз тиник кэш алыр-сә тэриб

5255 Қасаб түзи руми ажун таңсуқы
Сэңә кэлсә толмас ағы қазнақы

5256 Кәв̇әл тазы бөгтәл тағы арқуны
Ақур толды толмас бу суқлуқ қаны

5257 Тэрилди түмән миң талу көп тэтир
Йазыда қалын йунд ақурда қатыр

5258 Йазы тағ йэриг туб йурыр қой сүрүг
Йа қул күң тапуғчы э қылқы өрүг

5259 Йа қузда йурығлы қалын көп қотуз
Йа түздә йурығлы уд̇ эңәк өкүз

5260 Қайада йурығлы бу ымға тәкә
Қутулмас сэниңдин эй эрсиг бөгә

194*а* 5261 Сығун муйғақ эрсә соқақ йа ыв̇ық
Сэңә йэм түгәмәс эй эдгү қылық

5262 Қулан йа тағы бу[137] тут тақы көк тэкә
Тутуб кэлдүрүрләр сэңә эй бөкә

5263 Бөри тилкү арслан ад̇ығ йа тоңуз
Сэниңдин қутулмас өлүр ав̇да түз

5264 Қуғу қордай эрсә йа турна йуғақ
Йа туй тут йа йүгдик йа тудлич йа қақ

5265 Қалықда учуғлы қара қуш йоры
Сэниңдин кэчүмәс айа көк бөри

www.ziyouz.com kutubxonasi

5252 Бўз ер узра унувчи донларни
Йиғиб, сен хазина уйини тўлдирасан.

5253 Учадиган, юрадиган, сув ичидаги балиқ(лар)
Сендан (қочиб) қутулмайди, эй феъли қаттиқ.

5254 Карвон(ларинг) элда юриб олам кезади(лар),
Шойи, ипак(ликлар)ни, тўйин, сувсар (мўйналари)ни териб оласан.

5255 Румий нафис кимхоб(лар), дунёнинг тансиқ (нарсалар)и
Сенга келгани билан ипаклик(лар) хазинаси тўлмайди.

5256 Қавал този[66], бўгтал[67], тоғи[68], арқуни[69]
Оғилга тўлган, (лекин) суқлик ҳирси тўлмайди.

5257 Туман минг сара, кўп туя(лар) йиғилган,
Яйлов(ларинг)да беҳисоб от(лар), оғил(ларинг)да хачир(лар йиғилган).

5258 Водий, тоғ, ер(лар)ни қоплаб қўй, пода(ларинг) юради,
Ё қул(ларинг), жория(ларинг), хизматчи(ларинг), эй феъли равшан.

5259 Ё тоғнинг кун тушмас томонларида юрувчи беҳисоб кўп қутос(лар),
Ё текислик(лар)да юрувчи буқа, сигир, ҳўкиз(лар).

5260 Қоя(лар)да юрувчи бу серка, така(лар)
Сендан (қочиб) қутулмайди, эй мард баҳодир.

5261 Сиғун, муйғоқ[70], сўқоқ[71] ёки ивиқ[72] бўлса (ҳам),
Сенга емиш етмайди, эй эзгу феълли.

5262 Қулон ёки тоғи (от), ёинки ёввойи така бўлсин,
Сенга тутиб келтирадилар, эй баҳодир.

5263 Бўри, тулки, арслон, айиқ ёки тўнғиз
Сендан қутулолмайди, барчаси овда ўлади.

5264 Оққуш, соқақуш, ё турна, юғоқ[73] бўлсин,
Ё туй[74], ё югдик[75], ё тудлич[76], ёки қоқ[77] (бўлсин).

5265 Ҳавода учадиган қирғай, жўр (бари бирдек),
Сендан (қутулиб) ўтолмайди, эй кўк (ёл) бўри [яъни қари бўри, тажрибакор].



www.ziyouz.com kutubxonasi

5266 Учарығ учурмас сэниң қушларың
Йурырығ йурытмас күр асрың ытың

5267 Аталығ атасыз қалыр йалңузун
Аналығ анасыз болур өксүзүн

5268 Бу мунча ажун барча бүтрү сэңә
Түгәмәс түгәр-сә э күчлүг тоңа

5269 Қамуғ бир боғузқа эгингә болуб
Ажун барча тэрдиң қодур-сә өлүб

5270 Нэкү асғы ахир ажун тэрдүкүң
Ажал жан тэрәр көр үзәр бу көкүң

5271 Қөрү барса барча бу суқлуқ турур
Суқун ачмыш өзләр қачан тоқ болур

5272 Нэкү тэр эшитгил көзи тоқ киши
Бу көз тоқлуқы ул бу байлық башы

5273 Ажун бүтрү булса көзи суқ түгәл
Аны бай тэсә болмағай бу маҳал

5274 Чығай тэб айурлар қайу-ул чығай
Көзи суқ чығай-ул нэчә болса бай

5275 Көзи суқ кишикә байуб асғы йоқ
Суқуғ йарлықағыл айа көңли тоқ

194б 5276 Көзи суқ(қа) тутмас бу дунйа бүтүн
Бары таб тэгүчи тирилди қутун

5277 Көзи суқ киши нэңгә тодмэс көзи
Магар толмағынча қара йэр тозы

5278 Бу эрди эй элиг мэниң билмишим
Сэңә сөзләдим мэн нэкү уқмышым

5279 Муну сөзләдим сөз эшитти өзүң
Йэтә бақса көңлүн ачылға көзүң

5280 Сөзүм тутса асғы йарын тэггәй-өк
Қалы тутмаса сэн сэңә болға йүк



www.ziyouz.com kutubxonasi

5266 Сенинг қушларинг [яъни лочин кишиларинг] учадиганларни,
Ботир қоплон(лар)инг, ит(лар)инг юрадиганларни юритмайди.

5267 Отали(лар) ёлғизликда отасиз қолади(лар),
Онали(лар) етимлик билан онасиз бўлади(лар).

5268 Бунчалик дунё барчаси бутунасига сен учун
Етмайди, сен (ўзинг) тугайсан, эй қудратли ботир.

5269 Фақат бир томоққа, эгинга бино қўйиб,
Барча дунёни йиғдинг, ўлсанг (уни) қолдирасан.

5270 Олам (бойлиги)ни терганингнинг оқибат фойдаси нима,
Ажал жонни теради, у томирингни узади, кўр.

5271 Назар солсанг бу барчаси суқликдир,
Суқлик билан очиққан кишилар қачон тўқ бўлади.

5272 Кўзи тўқ киши нима дейди, эшитгин,
Кўз тўқлиги — бу бойликнинг бошидир:

5273 Кўзи суқ (киши) оламни бутунасига тугал қўлга киритса (ҳам),
Уни бой деса бўлмайди, бу маҳолдир.

5274 Камбағал, деб айтадилар, ким ўша камбағал,
Қанча бой бўлса (ҳам) кўзи суқ (киши) камбағалдир.

5275 Кўзи суқ киши учун бойиб фойдаси йўқ,
Суқ(лар)ни (ўзинг) ёрлакагин, эй кўнгли тўқ [яъни тангри].

5276 Кўзи суқ (учун) бутун бу дунё насиб бўлмайди,
Борига қаноат қилувчи (киши) бахтиёр яшайди.

5277 Кўзи суқ киши мол-дунёга кўзи тўймайди,
Фақат қора ер тупроғи (билан кўзи) тўлмагунча.

5278 Менинг билган(лар)им шу(лар) эди, эй элиг,
Нимаики тушунганларим (бўлса) сенга сўзладим.

5279 Мана, сўзларни сўзладим, ўзинг эшитдинг,
Тушуниб назар солсанг, кўнгил (ва) кўзинг очилади.

5280 Сўзимни тутсанг, фойдаси кейин албатта тегади,
Агар сен тутмасанг, сенга юк бўлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5281 Нэкү тэр эшитгил уқушлуғ тили
Сэңә өтләр эмди эшитсәң қалы

5282 Насиҳат кишикә қылур ул тосу
Насиҳат тэгүлә тиләсә тэсү

5283 Қалы бу тэгүни йэйү билмәсә
Қатылма қоду бэр күйәр от йэсү

5284 Бу сөзләр эшитти элиг йығлады
Айур эй удурмыш кишидә кәди

5285 Мэңилиг-сә эмди э көңли удуғ
Бу бэглик мэңә болды эмди йудуғ

5286 Мэн эмди билиндим ачылды көзүм
Мэни отқа атмыш мэниң бу өзүм

5287 Көниликтә азмыш өзүм эй улуғ
Айу бэрдиң эмди көнилик йолуғ

5288 Дуъа қыл эй Одғурмыш эмди мэңә
Байат бэрсү тавфиқ көр эдгү йаң-а

### Одғурмыш жавабы элигкә

195*a* 5289 Йанут бэрди Одғурмыш айды э бэг
Байат бэрсү тавфиқ тиләкиңгә тэг

5290 Қатығлан уқуш бирлә басғыл ҳава
Ҳавақа басықса болур эр йава

5291 Сэни алқтачы бу эт өз татғы-ул
Эт өз қылқы барча сэңә қатқы-ул

5292 Эди кэчки дунйа турур бу қары
Тэлим бэг кэчүрди бу қылқы түри

5293 Тэлим бэг қарытты сэниң-тэг эриг
Сэни ма узун тутмағай бу тириг

5294 Улар барды қалды сэңә бу орун
Йава қылма өд[138] күн кэрәкиң көрүн



www.ziyouz.com kutubxonasi

5281 Заковатли тили нима дейди, эшитгин,
Энди агар эшитсанг, (у) сенга ўгит қилади:

5282 Насиҳат одамга манфаат қилади,
Насиҳат айтишда (тингловчи) истаса айтгин.

5283 Агар (у) айтилган (насиҳат)ни ҳазм қила билмаса,
Аралашма, қўя бер, (у) ёниб турган ўтга куйсин.

5284 Бу сўзларни эшитгач, элиг йиғлади,
Айтди: Эй (ғофилликдан) уйғонган, кишилар орасида афзали.

5285 Сен энди (ноз-неъматлар ичида) ҳаловатдасан, эй кўнгли ҳушёр,
Энди бу беглик менга ташвиш бўлди.

5286 Мен энди билиб етдим, кўзим очилди,
Менинг ўзим ўзимни ўтга отибман.

5287 Ўзим тўғриликдан адашибман, эй улуғ,
Энди тўғрилик йўлини (менга) айтиб бердинг.

5288 Эй Ўзғурмиш, энди менинг ҳақимга дуо қил,
Худо эзгу сифатлар учун (менга) тавфиқ берсин.

**Ўзғурмишнинг элигга жавоби**

5289 Жавоб берди Ўзғурмиш, айтди: Эй бег,
Худо тавфиқ берсин, тилагингга ет.

5290 Ҳаракат қил, заковат (кучи) билан ҳавасни бос,
Ҳавасга босқин бўлса [яъни енгилса], одам беҳуда бўлади.

5291 Сени ҳалокатга бошловчи тану жон ҳаловатидир,
Тану жон қилиғи мутлақо сенга бўйсунмасликдир.

5292 Бу дунё жуда кўҳна, қаридир,
Бу қилиғи совуқ талай бег(лар)ни ўтказди.

5293 Талай бегларни, сен каби мард(лар)ни қаритган
Бу (дунё) сени ҳам узоқ тирик тутмайди.

5294 Улар кетди(лар), бу ўрин сенга қолди,
Вақт, кун(лар)ни беҳуда қилма, керагингни кўр [яъни ҳозирлигингни қил].



www.ziyouz.com kutubxonasi

5295 Өлүмүг унытма эй элиг уд̆ун
Сэзиг тутма кэлгә сэңә тәрк өд̆үн

5296 Өзүңни унытма эй элиг сақын

Қалы өз унытса түбүңгә бақын

5297 Бу экки нәңиң ким унытса қалы
Анындын йырады көнилик йолы

5298 Нэкү тәр эшитгил өзин билмиш әр
Ҳавасын уқушқа булун қылмыш әр

5299 Өлүмүг унытма көзүң бурнуң-ул
Өзүңни унытма сав̇ы йүзнүң-ул

5300 Маныдын төрүмиш өзүң мэн тэмә
Өзүң мэн тэсә ай уну орнуң-ул

5301 Пусуғда турур бу көрүнмәс өлүм
Чықа тушса ҳаргэз унытмас йолум

5302 Тиригкә ад̆ын ҳэч йоқ эрсә қыйын
Таб эрди бу ачығ өлүмкә бақын

5303 Анында баса көр нэчә ишләр-ул
Аны барча көргү өлүм ачса йол

195б 5304 Таб эрди йана бу өлүмдә баса
Қара йэр қатында улуб опраса

5305 Бу ҳалығ билирдә уқушлуғ киши
Нэкү-тэг уд̆ыр инч нэ-тэг йэр ашы

5306 Нэкү тэр эшитгил билиг бэргүчи
Билиг бирлә ҳиммат улуғ тутғучы

5307 Бэд̆уг тут бу ҳиммат эд̆из тут көңүл
Қод̆у бэр бу дунйа мунуңдын тоңул

5308 Түнәк-ул бу дунйа ичи-оқ йылан
Муны қод̆ йаруқ чын аӂунқа улан

5309 Сүзүг жан кәпи бу қара йэр туғы
Қара йэр кәп өртнүр э қылқы ағы



www.ziyouz.com kutubxonasi

5295 **Ўлимни унутма, эй элиг, уйғон,**
Шубҳа тутма, (ўлим) вақти билан сенга ҳам тез (етиб) келади.

5296 Ўзингни унутма, эй элиг, сақлан,
Агар ўзингни унутсанг, аслингга назар сол [яъни кимлигингни эсла].

5297 Бу икки нарсани агар ким унутса,
Ундан тўғрилик йўли узоқлашади.

5298 Ўзини билган киши нима дейди, эшитгин,
Ҳавасини заковатга тутқун қилган [яъни бўйсундирган] киши;

5299 Ўлимни унутма, у кўзинг (ва) бурнинг (каби яқин)дир,
Ўзингни унутма, у юзингнинг суви [яъни обрўйинг]дир.

5300 Манидан яралган ўзингни «ман» дема,
Ўзинг [яъни жон, руҳинг] «ман» деса, ана (сенинг) ўрнинг, деб айт.

5301 Бу ўлим пистирмада туради, кўринмайди,
Чиқа дуч келадиган бўлса, (у) ҳаргиз йўлимни унутмайди.

5302 Тирик учун бўлак ҳеч қийинчилик йўқ бўлса [яъни ҳеч қандай қийинчилик кўринмаса],
Бу аччиқ ўлимга (бир) назар ташласа, кифоя бўлар эди.

5303 Ундан ташқари қанча ишлар (бор), кўр,
Ўлим йўл очса, уларнинг барчасини кўришга тўғри келади.

5304 Етарли бўларди, яна бу ўлимдан кейин,
Қора ер остида чириб, тўзиб (йўқ бўлиб) кета қолса.

5305 Бу аҳволни била туриб тушунган киши,
Қандай тинч ухлайди, қандай қилиб (хотиржам) овқат ейди.

5306 Билим берувчи нима дейди, эшитгин,
Билим туфайли ҳимматни баланд тутувчи (киши):

5307 Ҳимматни баланд, кўнгилни юқори тут,
Қўя бер бу дунёни, бу (дунё)дан умидни уз.

5308 Бу дунё — зиндон, ичи ўқ илон (билан тўла)дир,
Бу (дунё)ни қўй, равшан, чин дунёга боғлан.

5309 Беғубор жоннинг (оқибат киядиган) либоси қора ер тупроғидир,
Қора ер либосига бурканувчи, эй хулқи мулойим.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5310 Бу дунйа түнәк-ул қараңқу қуд̇уғ
Бала мәҳнат-ул барча мунда йуд̇уғ

5311 Нә инчлик тиләр-сә түнәктә туруб
Нә арзу қулур-сә көңүл өг уруб

5312 Қод̇у бәр ув̇утча қара тупрақығ
Улуғ мәңү эл қул нәрәк бу сақығ

5313 Бу туғ тоз тумандын өрү тарт өзүң
Сүзүг мәңү эл қул сән ачғыл көзүң

5314 Нәчә миң йашаса сән ахыр өлүм
Йэтәр-өк тутар-оқ сәни эй күнүм

5315 Нәчә артса дунйа баш ағрығлары
Тақы артуқ артар эй эрсиг уры

5316 Нәчә миң йашаб эр тиләсә тиләк
Түг-өк болумас булунса тиләк[139]

5317 Нәкү тәр эшитгил э қылқы арығ
Бу өд̇ләк оқы бирлә көңли йалығ

196*a* 5318 Түгәл миң йашаса тиләкин тамам
Түгәл-өк булумас кәрәкин тамам

5319 Тиләкин тиләгли түгәлин тиләр
Тиләкин түгәтсә түгәр чын тамам

5320 Сөз асғы ул эрмәс өкүш сөзләсә
Йа сөзни таңырқаб өкүш тыңласа

5321 Сөз асғы ул-ул ким айытмыш сөзүг
Алыб ишкә тутса көнитсә өзүг

5322 Өкүш сөзләдим сөз эшиттиң түгәл
Сөзүм ишкә тутғыл анын асғы ал

5323 Тилим тыд̇нумады тәлим сөзләди
Сөзүм эксүмәди сув̇ы эксүди

5324 Байат бәрсү тавфиқ сәңә эй элиг
Қамуғ эд̇гүлүккә тәгүргил элиг



www.ziyouz.com kutubxonasi

5310 Бу дунё — зиндон, қоронғи қудуқ (каби)дир,
Бало, меҳнат, машаққат(лар) барчаси бунда (жам)дир.

5311 Сен зиндонда туриб қандай фароғат тилайсан,
Кўнгил (ва) ақлни бериб қандай орзу истайсан.

5312 Бир сиқимча [яъни майда] қора тупорқни қўя бер,
Улуғ, мангу макон иста, бу сароб [яъни насия нарса] нега керак.

5313 Бу чанг, тўзон, тумандан ўзингни юқорига торт,
Пок, мангу макон иста, сен кўзингни очгин.

5314 Сен неча минг (ёш) яшасанг (ҳам), охири ўлим
Сенга албатта етади, тутади, эй офтобим.

5315 Дунё қанча ортса, (унинг) бош оғриқлари
Тағин ҳам ортади, эй мард ўғли.

5316 Одам неча минг (ёш) яшаб, тилак тиласа,
Тилак(лар) топилса (ҳам), тугал топилмайди.

5317 Нима дейди, эшитгин, эй феъли пок,
Бу даврон ўқи билан кўнгли азият чеккан (киши):

5318 (Киши) бутун тилакларига етиб тугал минг (ёш) яшаса (ҳам),
Тамоми керакли(лар)ини тугал тополмайди.

5319 Тилагини тиловчи тугал бўлишини тилайди,
Тилагини тугатса, чиндан (ҳам) тамоман тугайди.

5320 Сўз манфаати бунда эмас, (агар) кўп сўзласа,
Ё сўзга ажабланиб, кўп тингласа.

5321 Сўз манфаати шундан иборатки, эшитган сўзни
(Ўзига) олиб, амал қилса, ўзини ўнгласа.

5322 Кўп сўз сўзладим, тугал эшитдинг,
Сўзимга амал қил, унинг манфаатини ол.

5323 Тилим тийина олмади, талай сўзлади,
Сўзим камаймади, суви камайди.

5324 Сенга худо тавфиқ берсин, эй элиг,
Ҳамма эзгуликларга қўл етказгин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5325 Тиләк бәрсү тәңри көд̇әзсү сәни
Дуъада унытма эй элиг мәни

5326 Сөзин кәсти қопты ад̇ақын өрү
Элиг тыд̇ты айды аз олдур тәйү

5327 Чықарды йәгү ичгү түрлүг ашы
Айур азқына тат эй әд̇гү киши

5328 Элиг сунды Од̇ғурмыш алды тәгү
Йәди ичти азрақ ул ичгү йәгү

5329 Элиг тартты ашдын йәмәди ад̇ын
Шукр қылды раббқа атады атын

5330 Өрү турды Од̇ғурмыш **айды салам**
Элиг ма йанут бәрди қылды қыйам

5331 Туруб чықты Од̇ғурмыш андын йурыб
Элиг чықты уд̇ла узату барыб

5332 Эсәнләшти элиг билә ул көрә
Элигләшти қалды элиг қад̇ғура

196б 5333 Туруб барды андын йана тағ тапа
Қад̇ашы уд̇у барды әлгин өпә

5334 Эв̇үрди қад̇ашын көр Од̇ғурмыш-а
Эсәнләшти йанды бу Өгдүлмиш-ә

5335 Эв̇ингә кәлиб кирди көңли қуқуз
Сақынч қад̇ғу бирлә уд̇ытмады көз

5336 Туғардын йашық баш көтүрди өрү
Қуғу қыртышы болды дунйа толу

5337 Йашық қопты көксин көтүрди өрү
Аж̇ун болды кафур сачар-тәг толу

5338 Фариштa йүзи-тәг йаруды аж̇ун
Қалық болды кафур сачар-тәг йүзүн

5339 Йана қопты тәркин төшәкин туруб
Нэ йунды йүкүнди көңүл түз[140] уруб



www.ziyouz.com kutubxonasi

5325 Тангри тилак(ларинг)ни берсин, сени асрасин,
Дуода мени унутма, эй элиг.

5326 Сўзини тугатди, оёққа тик турди,
Элиг тўхтатди, оз(роқ) ўлтир, деб айтди.

5327 Турли ейиладиган, ичиладиган таомлар чиқарди,
Айтди: Озгина тотгин, эй эзгу киши.

5328 Ўзғурмиш қўл сунди, тегиниб (таомлардан) олди,
У ичиладиган, ейиладиган(лар)дан озроқ еди, ичди.

5329 Таомдан қўл тортди, бошқа емади,
Раббга шукр қилди, отини атади.

5330 Ўзғурмиш юқори турди, салом [яъни хўшлашиш сўзларини] айтди,
Элиг ҳам жавоб берди, ўрнидан турди.

5331 Ўзғурмиш туриб у ердан юриб чиқди,
Элиг кетидан чиқди, узатиб борди.

5332 У элиг билан эсонлашди, кўр,
Элиг қўл олишди, қайғуриб қолди.

5333 Ундан туриб яна тоғ томонга борди,
Қариндоши қўлини ўпиб, кетидан борди.

5334 Ўзғурмиш қариндошини қайтарди, кўр,
Ўгдулмиш эсонлашди (ва) қайтди.

5335 Кўнгли бўш ҳолда уйига келиб кирди,
Алам-қайғу билан кўзга уйқу келмади.

5336 Шарқдан қуёш бошини юқори кўтарди,
Бутун дунё оққуш тусини касб этди.

5337 Қуёш турди, кўксини юқори кўтарди,
Бутун олам кофур [яъни оқ ранг] сочгандек бўлди.

5338 Олам фаришта юзидек ёришди,
Осмон юзидан кофур сочаётгандек бўлди.

5339 Яна турди, тезда тўшагини ўраб-йиғди
Ва ювинди, кўнглини тўғрилаб [яъни астойдил ният билан]
сажда қилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5340 Тонын кэд̇ти атланды эвдин көр-э
Йана қаршықа кирди андын көр-э

5341 Түшүб кирди қаршы ичингэ йурыб
Оқыды элиг бу көрүнди кириб

5342 Айытты элиг ашну Одғурмышығ
Нэчэ қалмышығ ҳам қачан бармышығ

5343 Йана айды элиг эй Өгдүлмишим
Ачығ болды эмди мэнэ йэр ашым

5344 Нэкү-тэг тирилгү бу күндэ нару
Чөкүб барды эгним қопумас өрү

5345 Нэрэк эмди бэглик бу йалңуқ йүки
Бу қад̇ғу сақынч үзди көңлүм көки

5346 Эрэтсыз болумас буд̇ун башласа
Йа бэглик ишин барча бэг ишлэсэ

5347 Эрэт тутса шаксиз кэрэк нэң тавар
Бу нэң болмаса эр йығылмас аңар

197*a* 5348 Нэкү тэр эшитгил бу сү башлар эр
Тириглик ыд̇ыб бэг ишин ишлэр эр

5349 Хазина эрэт болды бэглэр күчи
Бу экки билэ эр алыр өз өчи

5350 Бу экки билэ бэг бэд̇үглүк булур
Бу экки йумытса бэд̇ур бэг тажы

5351 Эрэт тэргүкэ көр тэлим нэң барыр
Нэң алмақ тилэсэ көрү күч тэгир

5352 Бир эгним мэниң ма бир-өк ма боғуз
Нэрэк мунча йалңуқ йүки йүд̇мэк өз

**Өгдүлмиш Кунтуғды элигкэ эл этгү төрү түзгүсин айур**

5353 Йанут бэрди Өгдүлмиш айды элиг
Қамуғ ишкэ өңдүн йурытсу элиг



www.ziyouz.com kutubxonasi

5340 Кийимини кийди, уйидан отланди, кўр,
У ердан яна саройга кирди, кўр.

5341 Тушиб сарой ичига юриб кирди,
Элиг чақирди, бу (эса) кириб кўриниш берди.

5342 Элиг аввал Ўзғурмишни сўради,
Қанча турганини ҳамда қачон кетганини.

5343 Элиг яна айтди: Эй Ўгдулмишим,
Энди менга ейдиган овқатим аччиқ бўлди.

5344 Бу кундан буён қандай яшаш мумкин,
Қаддим чўкиб [яъни эгилиб] кетди, юқори туролмайди.

5345 Энди беглик, бу халқ юки нега керак,
Бу қайғу-алам(лар) кўнглим томирини узди.

5346 Аскарсиз халққа бошчилик қилса бўлмайди,
Ёки беглик иш(лар)нинг барчасини бег бажарса.

5347 Аскар тутсанг, шубҳасиз, нарса, товар керак,
Бу нарса (дегани) бўлмаса, унинг [яъни бегнинг] атрофига
мард(лар) йиғилмайди

5348 Лашкар бошловчи киши нима дейди, эшитгин,
Тирикликни сарфлаб бег ишини ишловчи киши:

5349 Хазина, аскар бегларнинг кучи бўлади,
Бу иккиси туфайли одам ўз ўчини олади.

5350 Бу иккиси туфайли бег буюклик топади,
Бу икикси жам бўлса, бегнинг тожи буюклашади.

5351 Аскар теришга талай нарса сарф бўлади, кўр,
Нарса теришни истасанг муайян зўр келади.

5352 Менинг биргина эгним, биргина томоғим (бор),
Ўзим халқнинг бунчалик юкини кўтаришим [яъни ташвишини
тортишим] нега керак.

**Боб. Ўгдулмиш Кунтуғди элигга элни яшнатиш, адолат-сиёсат(лар) тузиши (қандай бўлиши)ни айтади**

5353 Жавоб берди, Ўгдулмиш, айтди: Элиг
Ҳамма ишга аввал қўл юритсин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5354 Йарағсыз йурытма тилиңдә йавуз
Байат тапламағай э билги өкүз

5355 Бу бэглик күчүн алмадың сэн тиләб
Байат бэрди фазлы билә бэлгүләб

5356 Ағырлады бэрди бу бэглик сэңә
Мунуң шукры қылғыл э билги кэң-ә

5357 Көңүл түз өзүң сүз байатқа тапын
Будунқа төрү қыл бағырсақлақын

5358 Ҳаваңны уқуш бирлә басғыл утуб
Бу нафсың билиг бирлә сэчгил тутуб

5359 Нэкү тэр эшитгил билиг бэргүчи
Билиг бирлә нафсиг ҳаваг басғучы

197б 5360 Эт өз түз тиләсә ҳава бойны сы
Ҳава өлсә көңлүр эт-өз эгриси

5361 Қатығлан ҳавақа булун болмағыл
Ҳава нафс экигү бу дин оғрысы

5362 Нэлүг болды ъажиз өзүң эй элиг
Қамуғ эдгү қылғу күчүң бар әлиг

5363 Нэкүкә муцадур-сә мунча қатығ
Нэкүкә қылур-сә тириглик ачығ

5364 Хазина тэлим бар эрәт сү өкүш
Қамуғ ишкә йолчы билиг бар уқуш

5365 Эрәтни сэвиндүр хазина үлә
Улардын өзүңгә миң арзу тилә

5366 Нэкү тэр эшитгил йағычы күр эр
Күмүш бэрсә алтун йағысын урар

5367 Қалы қулса сэн тутчы үстәг әлиг
Эрәтни сэвиндүр өгә бэр эриг

5368 Эрәтни сэвиндүр тиләгил[141] тиләк
Тиләк барча кэлгәй йағы байны эг



www.ziyouz.com kutubxonasi

5354 Тилингда яроқсиз (сўз) юритма, бу ёмондир,
(Буни) худо хушламайди, эй билими дарё.

5355 Бу бегликни сен зўрлаб сўраб олмагансан,
(Буни) худо (ўз) фазли билан белгилаб берган.

5356 (Сени) қадрлади, бу бегликни сенга ато қилди,
Бунинг шукрини қилгин, эй билими кенг.

5357 Кўнгилни тўғрила, ўзингни покла, худога тоат қил,
Меҳрибонлик билан халққа адолат қил.

5358 Ҳавасингни заковат билан енгиб босгин,
Нафсингни билим билан тутиб фарқлагин [яъни ҳал қилгин].

5359 Таълим берувчи нима дейди, эшитгин,
Билим билан нафсни, ҳавасни босувчи (киши):

5360 Тану жон тўғри бўлишини истасанг, ҳавас бўйнини синдир,
Ҳавас ўлса, тану жоннинг эгриси тўғриланади.

5361 Маҳкам бўл, ҳавасга тутқун бўлмагин,
Ҳавас, нафс — бу иккаласи диёнат ўғрисидир.

5362 Нега (энди) ўзинг ожиз бўлибсан, эй элиг,
Ҳамма эзгу(ликлар)ни қилишга кучинг (ва) қўлинг [яъни эркинг] бор.

5363 Нимага бунчалик қаттиқ қайғураётирсан,
Нимага тириклигингни аччиқ қилаётирсан.

5364 Хазина талай бор, аскар, лашкар(ларинг) кўпдир,
Ҳамма иш(лар)га йўлловчи билим, заковат(ларинг) бор.

5365 Аскар(лар)ни севинтир, хазина улаш,
Улардан ўзингга минг-минг орзу(лар) тила.

5366 Жанговар ботир киши нима дейди, эшитгин,
(Кимки) кумуш, олтин(лар) берса, душманини уради:

5367 Агар сен доим қўл баланд (бўлишини) истасанг,
Аскар(лар)ни севинтир, мардни мақтайвер.

5368 Аскар(лар)ни севинтир, (сўнг ўз) тилаг(инг)ни тилагин,
Барча тилак(лар) рўёбга чиқади, (шундан сўнг) душман бўйнини эг.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5369 Эрәт көп қалын тут сәвиндүр сән-ә
Сәвүг жанны бәргәй сәңә бир күн-ә

5370 Эрәт сү билә йанч бу кафир йағығ
Байатдын тилә күч сән арқаң арығ

5371 Бу кафир үчүн тут эрәт сү толум
Өлүб түшсә кафирда болмас өлүм

5372 Эвин барқын өртә сығыл бурханын
Аның орны масжид жамаъат қылын

5373 Болун қылғыл оғлын қызын қыл күңиң
Хазина ур анда сән алмыш нәңиң

5374 Мусулманлық ачғыл шариъатны йаḍ
Атың болға эḍгү өзүң болға кәḍ

198а 5375 Мусулманқа йақма тәгүрмә элиг
Аның хасмы тәңри турур эй элиг

5376 Мусулман мусулман билә ул қаḍаш
Қаḍашқа қатылма улам эḍгүләш

5377 Төрү бәр буḍунқа эрәж қылсүны
Сәңә эḍгү бирлә дуъа болсуны

5378 Байат бәргә өтрү сәвинчин сәңә
Сәниң болға экки ажун э тоңа

**Элиг жавабы Өгдүлмишкә**

5379 Элиг айды көрклүг айур сән бу сөз
Өзүм ма муны-оқ тиләр қылса өз

5380 Қаныққы муңар тәггү ишим эй эр
Муны қылгуқа сән мәңә йары бәр

5381 Эл этгү буḍун сүзгү ашну туруб

Бу ич таш йорығлы йарағын көрүб

5382 Сәвәриг сәвиндүр көр ачығ бәриб
Сәни сәвмәгүчини сүргил сәриб



www.ziyouz.com kutubxonasi

5369 Аскарни кўп, беҳисоб тут, сен (уларни) севинтир,
Бир кун (улар ҳам) сенга ширин жонини беради.

5370 Аскар, лашкар билан бу кофир душманни янч,
Сен худодан куч тила, (чунки) сенинг таянчинг покдир.

5371 Аскар, лашкар, қурол-аслаҳаларни кофирларга қарши тут,
Қирғин келса (ҳам) кофир(лар)да ўлим бўлмайди [яъни
кофирлигича қолади].

5372 Уй-жойини ёндир, бут(лар)ини синдиргин,
Унинг ўрнига масжид, жамоатларга ривож бер.

5373 Ўғлини қул, қизини (эса) жория қилгин.
Ундан олган нарсалар билан хазина йиққин.

4374 Мусулмонликни очгин [яъни тушунтиргин], шариатни ёй,
Отинг эзгу, ўзинг яхши бўласан.

5375 Мусулмонга яқинлашма, қўл тегизма,
Унинг [яъни мусулмоннинг] (сен учун) хасми тангридир, эй элиг.

5376 Мусулмон мусулмон билан қариндошдир,
Қариндошга тега кўрма, доим яхши муносабатда бўл.

5377 Халққа адолат қил, роҳат қилсин,
Сенга бу (ишинг) эзгу(лик) билан дуо бўлсин.

5378 Сўнг севинчини сенга худо беради,
Икки олам сеники бўлади, эй ботир.

**Элигнинг Ўгдулмишга жавоби**

5379 Элиг айтди: Бу сўз(лар)ни чиройли айтасан,
Ўзим ҳам қиладиган бўлсам, шу(лар)нигина истайман.

5380 Бунга етишиш ишлари қанақа, эй мард,
Буни қилишга сен менга ёрдам бер.

5381 Аввал туриб [яъни биринчи навбатда] элни яшнатиш, халқни
тозалаш керак,
Ички, ташқи муносабатлар тадбирини кўриб қўйиш керак.

5382 Хайрихоҳ(лар)ни севинтир, инъом(лар) бериб қараб тур,
Сени севмагувчиларни ғазаб қилиб таъқиб қилгин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5383 Мунунда эң ашну эл этгү кэрэк
Бу ич таш кэбитләр арытғу кэрэк

5384 Бу дуғ[142] төрү бирлә түзгил түгәл

Сүзүлсү көр элдә йарағсыз маҳал

5385 Қаны инч эл этгү тэгүмәс өзүм
Бу иш иш үзә болды йуммас көзүм

### Өгдүлмиш жавабы элигкә

198б

5386 Йанут қылды Өгдүлмиш айды э бэг
Узатма ишиң сэн қамуғ ишкә тэг

5387 Нэкүкә узатур-сә қылғу ишиң
Узатма ишиң қыл кэчәр бу йашың

5388 Бу күн қылмаса иш йарын иш болур
Ишиң иш үзә болса ирклиб қалур

5389 Этә тур сүзә тур бу эл ишләрин
Будун инчкә тэггәй өзүң ма йарын

5390 Эсиз болма эсиз эсизкә йурыт
Эсизләрни барча элиңдин арыт

5391 Көни бол көни қыл көни тут йорық
Эсиз эгри көнгәй эвүргәй қылық

5392 Нэкү тэр эшитгил көни көңли түз
Көңүл тил қылынчы нэчә қылқы уз

5393 Эсизкә қатылма йурығыл көни
Көни эгри бирлә күни бар көни

5394 Ким эсиз қылынса йолында йудуғ
Көникә көни бол[143] көнилиг күни

5395 Эй элиг эрәтдин сэңә чара йоқ
Эрәт бирлә бэгләр сүзәр булғануқ

5396 Эрәт тэргү йығғу ачынғу ачығ
Чығайығ байутғу тодурғу ачығ



www.ziyouz.com kutubxonasi

5383 Бу(лар)дан энг аввал элни яшнатиш керак,
Ичкари (ва) ташқари манзилларни тозалаш керак.

5384 Халқни тартиб-қоида билан тугал тузгин,
Элда яроқсиз, бемаъни(лар) тозалансин, кўр.

5385 Қани элни яшнатгудек қулай шароит, ўзим (уни) тополмаётирман,
Бу -- иш устига иш бўлди, кўзимни юмугудек фурсат йўқ.

**Ўгдулмишнинг элигга жавоби**

5386 Жавоб қилди Ўгдулмиш, айтди: Эй бег,
Сен иш(лар)ни чўзма, ҳамма ишга қўл ур.

5387 Нима учун қилиш керак бўлган ишингни чўзасан,
Чўзма, иш(лар)ни қил, бу умринг ўтиб кетаётир.

5388 Ишни бугун қилмасанг, эртага иш бўлади,
Ишинг иш устига бўлса, тўпланиб қолади.

5389 Бу эл ишларини яшнатиб, сузиб [яъни яхшилаб] тур,
Эртага [яъни келгуси кунларда] халқ ва (сен) ўзинг фароғатга етасан.

5390 Ёмон бўлма, ёмонликни ёмонга қил,
Барча ёмонликларни элингдан арит.

5391 Тўғри бўл, тўғри (иш) қил, рафторингни мўътадил тут,
Ёмон, эгри(лар) тўғри бўлади, феълини ўзгартиради.

5392 Тўғри, кўнгли рост (киши) нима дейди, эшитгин,
Кўнгли, тили, хулқи, бутун феъли чиройли (киши):

5393 Ёмонга аралашма, тўғри юргин,
Тўғри (ва) эгрига бирдек ҳақ(иқат)нинг куни бор.

5394 Ким ёмон(лик) қилса, йўлида машаққат (бор),
Ҳақиқат куни тўғрига тўғри йўл (бўлади).

5395 Эй элиг, аскар (йиғмас)дан сенга чора йўқ,
Аскар билан беглар ифлосликларни тозалайди.

5396 Аскар териш, йиғиш (ва) инъомлар бериш керак,
Камбағални бойитиш, очни тўйдириш керак.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5397 Тапуғда йурығлы умынчқа йурыр
Тапуғчы умынч кэссә турмас барыр

5398 Эй элиг тапуғчы бу қач түрлүг-ул
Сэчә ад̇ра тутғыл йаңылмасу йол

5399 Уларда бириси тилэр йүз сув̇ы
Аңар йүз сув̇ы қылғу қанса қыв̇ы

5400 Тақы бир қутусы тилэр нэң тав̇ар
Йулуғ қылсу жанын тав̇ар бэр аңар

199*а* 5401 Тақы бир тилэр нэң йэмэ йүз сув̇ы
Ҳам ат тон тилэр көр йурыса сав̇ы

5402 Қалы алп атым эрсэ бэргил күмүш
Қылыч урсу ачсу сэңэ кэнд улуш

5403 Билиглиг уқушлуғ эр эрсэ билиг
Ағырла тэгүр нэң узатғыл элиг

5404 Эсиз эрсэ күчкэй көтүрмэ аны
Әлиг бэрмэ элкэ улытға сэни

5405 Көтүрмэ байутма эсиз өгтэмиг
Ахыр қылға шаксиз сэңэ от эмиг

5406 Нэкү тэр эшитгил бөгэ йав̇ғусы
Байуса баш эгмэс буд̇ун йув̇ғасы

5407 Эсизиг байутма э қылқы үнүр
Эсизлэр байуса қылынч артатур

5408 Әлиг тарлықы болса эд̇гү йэмэ
Қылынч артатур ҳам муңад̇ыб бу ма

5409 Муңад̇са ма эд̇гү қылықлығ киши
Қылынч артатур ҳам ул эд̇гү түши

5410 Эсизиг ужузла күнингэ йорық
Ағырлағыл эд̇гүг ул этгэй қылық

5411 Бағырсақ кишиг тут өзүңгэ йақын
Ув̇утсузны өздин йырақ тут сақын



www.ziyouz.com kutubxonasi

5397 Хизматда юрувчи умид билан юради,
Хизматчи умид узса, турмайди, кетади.

5398 Эй элиг, хизматчи бир неча турли бўлади,
Фарқлаб, айириб тутгин, йўлдан адашмасин(лар).

5399 Улардан бири юз суви [яъни обрў] истайди,
Унга обрў кўрсатиш керак, (токи) унинг ўпқони қонса [яъни обрўга бўлган иштиёқи қонса].

5400 Яна бир тоифаси нарса, товар истайди,
Унга товар бер, (токи сенга) жонини фидо қилсин.

5401 Яна бири нарса ҳамда обрў истайди,
Донг таратиш учун от ҳамда либос истайди, кўр.

5402 Агар паҳлавон, мерган бўлса, кумуш бергин,
Қилич урсин, сенга шаҳар, қишлоқларнинг эшигини очсин.

5403 Билимли, заковатли, доно киши бўлса,
Қадрла, нарса бер, (унга) қўл узатгин (яхши қўллагин).

5404 Ёмон, зўравон бўлса, уни кўтарма,
Эл устидан (унга) эрк берма, сени букиб синдиради.

5405 Ёмон, саркаш (кишилар)ни кўтарма, бойитма,
(У) охири шаксиз сенга дори-дармон қилади [яъни бошингга етади],

5406 Баҳодир(лар) яфғуси[78] нима дейди, эшитгин,
Халқнинг омонати бойиса, бош эгмайди.

5407 Ёмонни бойитма, эй феъли унувчан [яъни афзал],
Ёмонлар бойиса, феълини бузади(лар).

5408 Шунингдек, қўли қисқа бўлса, яхши(лар)
Ҳам муҳтожликка тушиб, феъл-атвор(лар)ини бузадилар.

5409 Муҳтожликка тушса, яхши феълли киши ҳам
Шу яхшилигига баробар равишда феълини бузади.

5410 Ёмонни, (унинг) тарз-рафторини кунда таҳқирла,
Яхшини тақдирла, у феълини яхшилайди.

5411 Садоқатли кишини ўзингга яқин тут,
Андишасизни ўздан узоқ тут, сақлан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5412 Асығлығ қайу-ул асыгсыз қайу
Сэн ад̆ра сэчә тут э билгә бөгү

5413 Сэв̇әр сэв̇мәзиг ма сэчә тут өңин

Сэв̇әркә сэв̇үг бол йағықа йалын

5414 Йырақ тут сэв̇инчиң тиләмәс кишиг
Сэв̇итмә аңар бэрмә қылғу ишиг

199б 5415 Эминиг ҳийанат билә қатмағыл
Йарағлығ йарағсыз билә тутмағыл

5416 Бир ишни экигүкә айма тилин
Ишәнгү болур иш қалур қылмадын

5417 Ишиң иш қылығлы кишиләркә бэр
Қылу билмәсә иш сыныб қад̆ғу йэр

5418 Тапуғқа болуб бэрмә эркә ишиг
Өзүңгә тосулғу үчүн тут кишиг

5419 Эл асғын тилә ма өз асғың тилә
Киши асғынга бақма турма илә

5420 Киши көңли көрмә ул асғы үчүн
Эл асғы тилә өзни бузма күчүн

5421 Сэңә ким тосулур тосылғыл аңар
Тосулмас кишиг тут өзүндә сыңар

5422 Агырлайу тут сэн асығлығ кишиг
Аңар бэр эй элиг кэрәклиг ишиг

5423 Сэңәр қылғу ишләр бу-ул эй элиг
Муны қылдың эрсә сэн эттин элиг

5424 Атың эд̆гү болға қутулға өзүн
Сэниндә кэд̆ин қалға атың сөзүң

5425 Байуға буд̆ун эл этилгә орун
Нэчә қулса қазнақ хазина үрүн



www.ziyouz.com kutubxonasi

5412 Фойдали(си) қайси(ю), фойдасиз(и) қайси,
Сен айириб, фарқлаб тут, эй доно баҳодир.

5413 Севадиган (ва) севмайдиган(лар)ни ҳам осонлик билан фарқлаб тут,
Севадиганга (нисбатан) севувчи, душманга олов бўл.

5414 Севинчингни истамайдиган кишини узоқ тут,
(Уни) севма, қилинадиган иш(лар)ни унга берма.

5415 Омонатни хиёнат билан аралаштирмагин,
Яроқлини яроқсиз билан (бирга) тутмагин.

5416 Бир ишни тилинг билан икки кишига айтма [яъни буюрма],
Ишонгин, бўладиган иш қилинмасдан қолади.

5417 Ишингни иш қиладиган кишиларга бер,
(Ким) иш қила билмаса, синиб ғам ейди.

5418 Хизматга маҳлиё бўлиб одам(лар)га иш берма,
Одам(лар)ни ўзингга манфаат келтириши учун тут.

5419 Эл манфаатини ҳамда ўз манфаатингни иста,
Ўзга(лар) манфаатига қарама [яъни ундан умидвор бўлиб кўз тутма], пастлашиб турма.

5420 (Келтирган) манфаати учун (айрим) одам(лар) кўнглига қарама,
Эл манфаатини иста, ўзингни зўр билан бузма.

5421 Сенга ким манфаат келтирса, унга манфаат келтир,
Манфаат келтирмайдиган кишини ўзингдан четда тут.

5422 Фойдали кишини сен қадрлаб тут,
Кеpакли ишларни унга топшир, эй элиг.

5423 Сен қиладиган ишлар шу(лар)дир, эй элиг,
Бу(лар)ни қиладиган бўлсанг, сен элни яшнатасан,

5424 Отинг эзгу бўлади, ўзинг саодат топасан,
Сендан кейин отинг ва сўзинг [яъни хотиранг] қолади.

5425 Эл, халқ бойийди, ўрин [яъни тахт] яшнайди,
Қанча хоҳласанг, (шунча) бойлик, хазина тўплай бер(асан).



www.ziyouz.com kutubxonasi

5426 Нэкү тэр эшитгил бағырсақ киши
Бағырсақлықы көр сөзингә түши

5427 Қайу эл бэги болса эдгү көни
Байуды ул эл будны туғды күни

5428 Будун байлықы бэгкә байлық турур
Тиләсә муни тут тиләсә аны

5429 Улуш кэнди ичиндә сэн оғрығ арыт
Өмәк арқышығ йолда эмин йурыт

200а 5430 Ич элдә көтүргил будун күчләрин
Ташыртын арытғыл қарақчы барын

5431 Эсизниң қыны бирлә қылқын эвүр
Эсизкә эсизлик йарашур тэгүр

5432 Эсиз бэктә чоғда оруда кэрәк
Йорық болса эдгү айа сарп йүрәк

5433 Адын ма бу эл будны қач түрлүг-ул
Муны адра тутғу ачуқ болса йол

5434 Уларда бири билгә ъалим турур
Бу ъалим билә эркә қут қыв болур

5435 Ағырла буларығ нэкү айса қыл
Шариъат йолы тут бойун бэр эгил

5436 Буларның ҳақы тыдма ичгү йэгү

Бэрү тур муңадмасу элчи бөгү

5437 Көңүл инчлики бирлә өгрәтсүләр
Билигсизлар андын ма өгрәнсүләр

5438 Булардын баса муҳтасиблар турур
Буләр әлги күчлүг кэрәк эй үнүр

5439 Қыса тутса фасиқ йава бошлағығ
Толу тутса мазгад жамаъатларығ

5440 Басақы қуту-ул сэңә тапғучы
Тыда тутмаса сэн бу-ул қапғучы



www.ziyouz.com kutubxonasi

5426 Меҳрибон киши нима дейди, эшитгин,
Меҳрибонлиги сўзи билан баробардир, кўр:

5427 Қайси (бир) элнинг беги яхши бўлса,
Ўша эл халқи бойийди, куни туғади.

5428 Халқ бойлиги бег бойлигидир,
Истасанг буни қил, истасанг уни.

5429 Шаҳар, қишлоқ(лар) ичидан сен ўғри(лар)ни арит,
Мусофир, карвон(лар)ни йўл(лар)да осойишта юрит.

5430 Эл ичида халқнинг зўравон(лар)ини бартараф қилгин,
Ташқаридан барча қароқчиларни аритгин.

5431 Жазо (бериш) билан ёмоннинг феълини қайтар [яъни ўзгартир],
Ёмонга ёмонлик (кўрсатиш) ярашади, мос келади.

5432 Ёмон ҳибсда, бандиликда, зиндонда (бўлиши) керак,
Токи йўриғи яхши бўлса, эй дадил юрак(ли).

5433 Бундан ташқари яна бу элнинг халқи бир неча турлидир,
Бу(лар)ни ажратиб [яъни фарқига бориб] тутиш керак, (токи)
йўл очиқ бўлсин.

5434 Улардан бири доно, олимлардир,
Бу олимлар туфайли одамга бахт келади.

5435 Уларни ҳурматла, нима айтса(лар) қил,
Шариат йўлини тут, бўйин бер, эгил.

5436 Буларнинг ҳақ(лар)ини тийма, ичиладиган, ейиладиган
(нарсалар)
Бериб тур, (улар) мунгланмасин(лар), (эй) эл бошловчи доно.

5437 (Улар) кўнгил осойишталиги билан (бошқаларни) ўргатсинлар,
Шунингдек билимсизлар у(лар)дан ўргансинлар.

5438 Булардан бўлаги муҳтасиблардир,
Булар қўли кучли бўлиши керак, эй барака топкур.

5439 Токи фосиқ, беҳуда, бебошларни тергаб тутса(лар),
Масжид (ва) жамоатларни тўкис тутса(лар).

5440 Бўлак бир тоифа сен учун топинувчилардир,
Сен (уларни) тергаб тутмасанг, (улар) қопувчилардир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5441 Булар йүк көтүрмәс буларның йүки
Сэңә йүд̆гү тэгсә мунуң эмгәки

5442 Буларда баса қалды буд̆нуң қара
Буларны төрү бирлә эд̆гү көрә

5443 Бу ма үч қуту-ул муны ад̆ра тут
Күчәмә күчәсә болур элкә йут

5444 Буларда баса бири байлар турур
Буд̆ун күчлүги бу э қылқы үнүр

200б 5445 Буларда басасы көр орта киши
Бу орта қылумас бу байлар иши

5446 Чығайлар турур көр буларда баса
Буларығ көд̆әзгил қамуғдын оза

5447 Йүд̆үрмәгү байлар йүкин ортуқа
Бу орту бузулға түгәл артаға

5448 Чығайқа йүд̆үрмәгү орту йүки
Чығай өлгә ачын үзүлгә көки

5449 Чығайығ көд̆әзилсә орту болур
Бу орту бирәр тынса байлық булур

5450 Чығай орту болса бу орту байур
Байуса бу орту элиг бай болур

5451 Эл этлүр эрәжкә тэгир бу буд̆ун
Дуъа артар өтрү сэңә ул өд̆үн

5452 Нэкү тэр эшитгил Үч орду ханы
Ат эд̆гү тилә эй өлүгли қаны

5453 Қимиң эд̆гү аты билә чықса жан
Кэсилмәс аның аты эд̆гү дуъан

5454 Өлүб ким қалур болса эд̆гү дуъа
Йана бир тириглик булур бу тоға



www.ziyouz.com kutubxonasi

5441 Булар юк кўтармайдилар, буларнинг юкини
Сен кўтаришинг керак, уларнинг ташвиши (сенга) етганда.

5442 Булардан бошқа қора авом халқинг қолди,
Буларга адолат билан яхши қара.

5443 Бу (қуйидагилар) ҳам уч тоифадир, уларни фарқлаб тут,
Зулм қилма, зулм қилсанг, элга офат бўлади.

5444 Булардан бири бойлардир,
Бу(лар) халқнинг кучлисидир(лар), эй қилиғи равон.

5445 Булардан бошқаси ўрта кишилардир, кўр,
Бу ўрта(лар) бойлар ишини қила олмайди(лар).

5446 Булардан сўнг(гиси) камбағаллардир(лар),
Ҳаммадан ҳам буларни эҳтиёт қилгин.

5447 Бойлар юкини ўрта (халқлар)га кўтартирмаслик керак [яъни бойлар ишини ўрта ҳолларга қилдирма],
Бу ўрта (ҳоллар) бузилади(лар), бутунлай айнийди(лар).

5448 Қамбағалга ўрта (ҳоллар) юкини юкламаслик керак,
Қамбағал очдан ўлади, томири узилади [яъни танг аҳволда қолади].

5449 Қамбағални эҳтиёт қилинса, ўрта (ҳол) бўлади,
Ўрта (ҳол) бир оз тинса [яъни ўзини ростлаб олса], бойликка эришади.

5450 Қамбағал ўрта (ҳоллик)га эришса, ўрта (ҳол) бойийди,
Бу ўрта (ҳол) бойиса, элиг бой бўлади.

5451 Эл яшнайди, бу халқ фаровонликка эришади,
Сўнг бу даврда сенга дуо ортади.

5452 Уч ўрду хони нима дейди, эшитгин,
Эй ўлувчи, қани (энди) яхши от (қолдиришни) иста:

5453 Кимнинг жони эзгу(лик) номи билан чиқса,
Эзгу дуо билан унинг оти (оғиздан) тушмайди.

5454 Ким ўлиб (ундан) эзгу дуо [яъни яхши хотира] қоладиган бўлса,
Бу жавонмард яна бир тириклик [яъни абадий ҳаёт] топади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5455 Кәрәк йэр үзә тур кәрәк йэр қатын
Жав̇ықса өзүң көр бу эд̇гү атын

5456 Ат эд̇гү кәрәк көр өз өлгү турур
Өлүр өз аты қалса мәңү турур

5457 Раъиййат ҳақы бар сэниңдә көр үч
Бу ҳақни өтәгил узун қылма күч

5458 Бириси элиңдә арығ тут күмүш
Ъиййарны көд̇әзгил э билги өкүш

5459 Тақы бир буд̇унқа төри бэр көни
Көтүр бир экидин күчин көр аны

201а 5460 Үчүнчи эмин тут қамуғ йолларығ
Қарағчығ сэкәрчиг арытғыл арығ

5461 Өтәмиш болур-сэн раъиййат ҳақы
Сэн өтрү ҳақың қул эй элчи ақы

5462 Раъиййат үзә-ул сэниң үч ҳақың
Тиләгү улардын сэн ач қулғақың

5463 Бири йарлығыңны ағыр тутсалар
Нэкү эрсә тәркин аны қылсалар

5464 Экинч тыд̇масалар хазина ҳақы
Өд̇индә тэгүрсә эй әлги ақы

5465 Үчүнчи йағықа йағы болсалар
Сэв̇әриң ким эрсә аны сэв̇сәләр

5466 Өтәмиш болур сэн өзүң ҳақларын

Улар ма өтәмиш болур өз ҳақын

5467 Бу йаңлығ кәрәк бэг йурыса йолуғ
Раъиййат ош андағ кәрәк эй улуғ

5468 Буд̇ун билсә өтрү бэги эдгүсин
Бэги болса инчлиг йурытса күсин

5469 Эй элиг бу-ул бу қутуң бэлгүлүг
Сэңә экки ажун тэгүргү үлүг



www.ziyouz.com kutubxonasi

5455 Хоҳ ер устида тур, хоҳ ер қаърида (тур),
Ўзинг яхши ном билан шуҳрат таратсанг [яхши бўлади], кўр:

5456 Ўзинг ўласан, яхши от (олиш) даркор, кўр,
Ўз [яъни жон, руҳ] ўлади, оти қолса мангу яшайди.

5457 Сенда раиятнинг уч (турли) ҳақи бор, кўр,
Бу ҳақ(лар)ни ўтагин, доим зулм қилма.

5458 Биринчиси: элингда кумушни соф тут,
Иёр ишини (металл софлигини синашни) назорат қилгин,
эй билими кўп.

5459 Яна бири: халққа тўғри сиёсат юрит,
Бирининг иккинчисига зулмини бартараф эткин, уни назорат қил.

5460 Учинчиси: ҳамма йўлларни тинч тут,
Қароқчи(лар)ни, йўлтўсар(лар)ни тоза аритгин [яъни йўқотгин].

5461 (Шунда) сен раият ҳақини ўтаган бўласан,
Сен сўнг (ўз) ҳақингни талаб қил, эй эл бошловчи сахий.

5462 Раият узра сенинг уч(та) ҳақинг (бор),
(Бу ҳақларни) улардан талаб қилиш керак, қулоғингни оч.

5463 Бири: ёрлиқ(лар)ингни ҳурмат қилсинлар,
Нима(дан иборат) бўлса, уни дарҳол бажарсинлар.

5464 Иккинчиси: хазина ҳақини ушламасинлар,
Ўз вақтида етказсинлар, эй қўли очиқ.

5465 Учинчиси: душман(инг)га душман бўлсалар,
Севганинг ким бўлса, уни севсалар.

5466 (Шунда) сен ўзингнинг ҳақларингни [яъни бурчларингни]
ўтаган бўласан,
Улар ҳам ўз ҳақ(лар)ини [яъни бурчларини] ўтаган бўлади(лар).

5467 Бег йўл юрадиган бўлса [яъни иш юритадиган бўлса] шундай
бўлиши керак,
Раият ҳам ушбу каби бўлиши керак, эй улуғ.

5468 Сўнг [яъни шу йўсинда] халқ беги яхшилигини билса,
Беги фароғатли бўлиб, овозасини таратса.

5469 Эй элиг, муайян қутинг шудир,
Сенга икки дунёда баҳра етказувчи (қут).



www.ziyouz.com kutubxonasi

5470 Анында баса билгә ъалим туруб
Буд̆унқа билиг бэрсү йэтрү көрүб

5471 Йана әлги күчлүг болур муҳтасыб
Эсизләрни йығсу жамаъат кэзиб

5472 Сатығчы көд̆әзсү аманатларын
Қылу турсу узлар насиҳатларын

5473 Тарығчы тарығқа ириг болсуны
Йэмә йылқычы игд̆иш үклитсүни

5474 Эрәт қалды эмди сэңә тапғучы
Йағықа бөрикә бу-ул йортғучы

201б 5475 Сэв̆индүр буларығ ачын нәң билә
Көрү тур ад̆ын ишкә қатма йула

5476 Тосулур тэңинчә ағырла ачын
Байутғыл нәңин сэн бэд̆үтгил күчин

5477 Йағықа бөрикә этинсү толум
Қад̆ашқа болуб өз йағықа өлүм

5478 Ачылға сэчилгә қамуғ ишләриң

Сүзүлгә этилгә қамуғ иш сэниң

5479 Сэңә болға экки ажун бэлгүси
Байатым сэв̆инчи өзүң булғучы

5480 Көнилик бу-ул көр көни бол көни
Тиләккә тэгүргәй көнилик сэни

5481 Сэни тэңри сэв̆гәй көнилик үчүн
Көнид̆ә ад̆ын қылма халққа өчүн

5482 Нэкү тәр эшитгил э көңли йаруқ
Мунуң маънисы көр бу сөзкә тануқ

5483 Көнилик үчүн көк ад̆ақын турур

Йайылмас[144] үчүн йэрд̆ә от йэм үнүр



www.ziyouz.com kutubxonasi

5470 Бундан ташқари доно, олимлар туриб,
Тугал назорат қилиб, халққа билим берсин(лар).

5471 Яна, муҳтасиблар қўл(лар)и кучли бўлади,
Жамоат(лар)ни кезиб, (юриб) ярамасларни тийсин(лар).

5472 Савдогарлар омонатларини эҳтиёт қилсинлар,
Ҳунармандлар насиҳатларини қилиб турсинлар.

5473 Деҳқон деҳқончиликка абжир бўлсин,
Ҳамда чорвадор чорвани тўпласин [яъни кўпайтирсин].

5474 Энди сенга хизмат қилувчи аскар қолди,
У душманга, бўрига (қарши) йўртувчидир.

5475 Буларни севинтир, нарса билан эҳсон қил,
Назорат қилиб тур, ажратиб олиб бошқа ишга банд қилма.

5476 Манфаат келтириши баробарида ҳурматла, инъом бер,
Мол билан бойитгин, кучини оширгин.

5477 Душманга, бўрига қурол-аслаҳа ҳозирласин,
Қариндош(лар)га ўз [яъни яқин], душманга ўлим бўлиб.

5478 Ҳамма ишларинг очилади, ечилади [яъни қарор топади ва ҳал бўлади],
Сенинг ҳамма ишларинг софланади, ривож топади.

5479 Икки олам нишонаси сенда бўлади,
Ўзинг худойимнинг севинчини топувчи (бўласан).

5480 Тўғрилик шу(ндай)дир, тўғри бўл, тўғри,
Тўғрилик сени тилакка етказади.

5481 Тўғрилик учун сени тангри севади,
Халққа ўч билан тўғриликдан [яъни адолатдан] бўлак нарса қилма.

5482 (Бу ҳақда) нима дейилган, эшитгин, эй кўнгли ёруғ,
Бунинг маъниси (уш)бу сўзга гувоҳдир, кўр:

5483 Тўғрилиги учун кўк [яъни осмон] оёқда туради [яъни тик, ғоз туради],
Ястанмаслиги [яъни ўзгармаслиги] учун ерда ўсимлик (ва) емиш ўсади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5484 Йайылма көни тур көңүл тут көни
Көни экки ажун көнилик булур

5485 Эй элиг мунуқы өзүм билмишин
Өтүндүм сэңә мэн ичин ҳам ташын

5486 Экигүн ажунлуқ асығ қылғу сөз
Бу эрди мунуқы айу бэрди өз

5487 Бу ажун эрәжи билә эд̇гү ат
Сэңә болға дунйа йа ъуқба улат

5488 Бу дунйа нәңи барча қалғу турур
Атың эд̇гү қылғыл өз өлги турур

5489 Билиг йақшы сөзләр муңар йаңзату
Сөзи маъни бирлә аңар йаңзату

202a 5490 Атым эд̇гү болсун өзүм өлсүни
Тириг қалғу ахир атым қалсуны

5491 Оса эд̇гүлүк қыл ат эд̇гү тилә
Өзүң мәңү атын тириг болсуны

5492 Эшитти элиг сөз сэв̇инди қатығ
Көңүл көз йарутты булунды татығ

5493 Өкүш алқыту өгди Өгдүлмиш-ә
Айур сөзләдиң сэн өзүң билмиш-ә

5494 Байат бэрсү тавфиқ бу күндә нару
Сэн аймыш бу сөзләр тутайын көрү

5495 Сэниң-тэг басутчы мэңә бэрди рабб
Умар-мэн тиләсәм тиләк бэргә таб

5496 Бу күндә нару сэн бағырсақлықын
Басут қыл мэңә сэн э көңли йақын

5497 Бүтәр-мэн сэңә чын ынанур өзүм
Сөзүң өртмә мэндә э көрклүг йүзүм

5498 Мэңә күн нэкү-тэг йарумыш күнүм
Сэниңдә көрүр-мэн мэн эмди мунум



www.ziyouz.com kutubxonasi

5484 Ястанма [яъни ҳар қўйга тушма], тўғри тур, кўнгилни тўғри тут,
Туғри икки оламда ҳақиқат топади,

5485 Эй элиг, мана, ўзим билган(лар)имнинг
Мен сенга ичини ҳам ташини [яъни барчасини] баён қилдим.

5486 Икки оламли манфаат келтирувчи сўз
Бу(лар) эди, мана, ўзим айтиб бердим.

5487 Бу дунё фароғати билан яхши от,
(Бу) дунё ёки охират биргаликда сеники бўлади.

5488 Бу дунё нарсаси барчаси қоладигандир,
Отингни яхши қилгин, ўзинг ўладигандир(сан).

5489 Таълимда бунга ўхшатиб яхши сўзланган,
Сўзни маъниси билан унга ўхшатиб:

5490 Отим яхши бўлсин, ўзим (майли) ўлайин,
Охири тирик қоладиган (бўлса), отим қолсин.

5491 Ўйла, яхшилик, қил, яхши от иста,
Ўзинг мангу от билан тирик бўлгин.

5492 Элиг (бу) сўз(лар)ни эшитди, қаттиқ севинди,
Кўнгил (ва) кўзини ёритди, лаззат(лар) топди.

5493 Кўп олқишлаб Ўгдулмишни мақтади,
Айтди: Сен ўзинг билган(лар)ингни сўзладинг.

5494 Бу кундан буён худо тавфиқ берсин,
Сен айтган бу сўзларга назар солиб амал қилайин.

5495 Рабб сендек ёрдамчини менга ато қилди,
Истасам тилагимни беради, деб умид қиламан.

5496 Бу кундан буён сен меҳрибонлик билан,
Ёрдам қил сен менга, эй кўнгли яқин.

5497 Мен сенга ишонаман, ўзим чиндан инонаман,
Сўзингни мендан яширма, эй чиройли юзлигим.

5498 Менга кун қандай (ёруғ бўлса), куним (шундай) ёриди,
Энди мен манфаатимни сенда кўраётирман.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5499 Эд̇и йақшы сөзләр көңүл булмыш эр
Көңүл тил бирикиб йақын болмыш эр

5500 Көңүл кимкә бүтсә аны көзңү тут
Өзүң көргә сэн тэр аны отру тут

5501 Бағырсақ киши өзгә көзңү булур
Аңар бақса қылқ йаңны түзгү болур

5502 Кимиң көңли кимкә йақын болса чын
Аңар бүтгү өзкә йақын тутса чын

5503 Бүтүлмиш кишикә айытғу сөзүг
Бүтүлмиш киши айса тутғу сөзүг

5504 Эшитти көр Өгдүлмиш элиг сөзин
Сэв̇инди иләл тэб йарутты көзин

202б 5505 Сөзин кэсти элиг өзи эмрүлүб
Қопуб чықты Өгдүлмиш андын туруб

5506 Элиг анда нару көр инчлик қод̇уб
Элин этти түзди көп эмгәк йүд̇үб

5507 Эсизиг йыратты көр эд̇гүг қамуғ
Өзингә йақын қылды бэрди йулуғ

5508 Түзүлди буд̇ун ҳам сүзүлди эли
Тыныб инчкә тэгди йыл ай күн йылы[145]

5509 Татыды тириглик эл асғы билә
Эрәж̇ин ав̇ынды сэз̇инчин күлә

5510 Элиг ма ағырлады Өгдүлмишиг
Ынанды аңар бэрди барча ишиг

5511 Йурыды бир анча бу Өгдүлмиш-ә
Тирилди сақынч қад̇ғу бирлә быша

5512 Өзингә бақа көрди қылқын ишин
Тириглик йигитлик йав̇а қылмышын

5513 Ачылды йаруб көңли көкси көзи
Арытмақ тиләди бу көңли төзи



www.ziyouz.com kutubxonasi

5499 Кўнгил топган [яъни кўнгли яхши] киши жуда яхши сўзлайди,
Кўнгил, тил бирикиб яқин бўлган киши:

5500 Кўнгил кимга ишонса, уни кўзгу тут (яқин деб бил),
Уни рўбарў тут, ўзингни кўрасан, дейди.

5501 Меҳрибон киши жон учун (бир) кўзгу бўлади,
Унга боқса, феъл-атворни тузатса бўлади.

5502 Кимнинг кўнгли кимга чиндан яқин бўлса,
Унга ишониш керак, (уни) ўзига чиндан яқин тутса бўлади.

5503 Сўзни ишонган кишидан сўраш керак,
Ишонган киши айтса, сўзга амал қилиш керак.

5504 Ўгдулмиш элиг сўзини эшитди, кўр,
Севинди, ҳа, албатта деб, кўзини ёритди.

5505 Элиг сўзини тугатди, ўзи тинчиди,
Ўгдулмиш қўзғалиб туриб чиқди.

5506 Элиг шундан бошлаб тинчлигини тарк этиб, кўр,
Кўп машаққат(лар) чекиб, элини яшнатди, тузди.

5507 Ёмон(лар)ни узоқлаштирди, кўр, ҳамма яхши(лар)ни
Ўзига яқин қилди, инъом-эҳсон(лар) берди.

5508 Халқ тартибга келди ҳамда эли тозаланди,
Тиниб, кун, ой, йиллари фароғатга туташди.

5509 Эл манфаати билан тириклик тотли бўлди,
Севинч билан кулиб, фароғат билан овунди,

5510 Элиг ҳам Ўгдулмишни қадрлади,
Инонди, унга барча ишни топширди.

5511 (Шу тарзда) Ўгдулмиш бир қанча (муддат) юрди,
Алам, қайғу билан пишиб ҳаёт кечирди.

5512 Ўзига боқиб, феъли, иш(лар)ини кўздан кечирди,
Ҳаётни, йигитликни беҳуда қилганлигини (кўздан кечирди).

5513 Кўнгли, кўкси ёришиб, кўзи очилди,
Кўнглининг туб-тубини пок қилмоқни истади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5514 Айур мэн йурыдым осалын күлə
Тириглик йава болды ғафлат билə

5515 Тириглик күчи барды мэндин кэтиб
Тайақ тутты əлгим бу тэркин этиб

### Баб. Өгдүлмиш кэчмиш тиригликкə ачыб тавбақа оғрамышын айур

5516 Өкүнди айур барды эсиз күнүм
Тириглик түгəди қарарур түнүм

5517 Йэди арзү нэъмат өзүм уḋлайу
Тирилдим ҳам уḋ-тэг билү билмəйү

203a 5518 Айур мэн йурыдым осалын күлə
Күнүмни кэчүрдүм йавалық билə

5519 Йигитлик күчи барды мэндин кэтə
Ачыр-мэн йигитликкə күйүб тута

5520 Тириглик учуқты йағуды өлүм
Өлүмкə этиг йоқ йа өтгү йолум

5521 Сачым болды сыңқур түси-тэг шашут
Сақал болды йазқы калаф-тэг ор от

5522 Отуз экки тышым өрүң йүнжүлəр
Үзүлди йыпы көр сачылды бирəр

5523 Көрүр эрди көзлəр бу күнлүг йэриг
Түнəрди көрүмəс қатында эриг

5524 Йырақ эштүр эрди қулақ тутса-мə
Бу күн болды əлгин өзүм имлəмə

5525 Қара эрди қузғун түси-тэг башым
Қуғу қонды бошқа йэтилди йашым

5526 Өзүм йанғу болды байатқа туруб
Йазуқларқа ъузры тилəсə қулуб

5527 Өзүм қоḋса эмди йарағсызларығ
Көңүл булғануқдын сүзүлсə арығ



www.ziyouz.com kutubxonasi

5514 Айтди: Мен ғофилликда (ўйнаб) кулиб юравердим,
Ғафлат билан тириклик беҳуда бўлди.

5515 Тириклик кучи мендан кета борди,
Тез фурсат ичида қўлим ҳасса тутди.

## Боб. Ўгдулмиш ўтган тирикликка ачиниб, тавбага тутинганлигини айтади

5516 Ўкинди, айтди: Эсиз кун(лар)им ўтиб кетди,
Тириклик тугади, куним қораётир.

5517 Ўзим молдайин орзу-неъмат(лар)га берилдим,
Ҳамда билиб-билмасдан молдек ҳаёт кечирдим.

5518 Айтди: Мен ғофилликда (ўйнаб) кулиб юравердим,
Кун(лар)имни беҳуда ўтказиб юбордим.

5519 Йигитлик кучи мендан кетиб борди,
(Энди) куйиб, тутоқиб йигитликка ачинаман.

5520 Тириклик охирлади, ўлим яқинлашди,
Ўлимга чора йўқ ёки ўтадиган йўлим (ҳам йўқ).

5521 Сочим шунқор пати каби кулранг бўлди.
Соқол баҳорги майсадай (қовжираб) ҳашак бўлиб қолди.

5522 Ўттиз икки тишим — бу оқ инжулар
Ипи узилди, кўр, битталаб сочилди.

5523 Кўзлар бир кунлик (масофадаги) ерни кўрар эди,
(Энди эса) хиралашди, қаршисида(ги) одамни кўролмайди.

5524 Мен қулоқ тутсам, узоқларни эшитар эдим,
Бугун (эса) ўзим қўл билан имлама бўлдим [яъни карлик
сабабли имо-ишора билан гаплашадиган бўлдим].

5525 Бошим (сочлари) қузғун патидек қора эди,
Бошга оқ қуш қўнди, ёшим етилди.

5526 Ўзим қайтадиган [яъни ўладиган] бўлдим, (энди) туриб худодан
Гуноҳлар учун ёлвориб узр тилашим керак.

5527 Ўзим энди яроқсиз (ишлар)ни ташласам,
Кўнглим булғончлардан тоза софланса.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5528 Йана сақну алды өзүм эвмәйин
Эвәкликтә йас-ул аны қылмайын

5529 Эң ашну бу ишкә кэңәшгү кэрәк
Йарағсызны өздин кэмәшгү кэрәк

5530 Кэңәш бирлә қылғу кэрәк иш билиб
Өкүнди кэңәшмәгли иштә улыб

5531 Нэкү тэр эшитгил киши тылдамы
Қамуғ қылғу ишкә кэңәш-ул эми

5532 Кэңәшгү кэрәк өз йақынқа кэңиш
Кэңиш бирлә этлүр қамуғ түрлүг иш

203б 5533 Кэңәшсә оңарур киши өз иши
Өкүнчлүг болур ким кэңәшмәс киши

5534 Барайын мэн эмди қадашым тапа
Кэңәйин аңар мэн бу иш эй апа

5535 Йарағлығ тэб айса қылайын бу иш
Йарағсыз тэсә қалсуны бу кэңиш

5536 Киши өз ишиг өз билүмәс көрүб
Адынқа айытғу кэрәк эштүрүб

5537 Кэңәшсә кэңүр-ул кишикә билиг
Кэңәшкә билиг кирсә йэтлүр әлиг

5538 Нэкү тэр эшитгил кэңәшүр киши
Кэңәшин этәр-ул киши өз иши

5539 Нэкү иш қылуруң кишикә кэңәш
Кэңәшмәс кишини адаш тутма эш

5540 Қайу ишкә эрсә кэңәш өтрү қыл
Тиләмиш тиләккә кэңәшин тэңәш

5541 Кэчә йатты эртә туруб йунды көр
Атын мүнди элиг тапа барды көр

5542 Йуруб кирди элиг тапа йол қулуб
Орун бэрди элиг ағырлаб көрүб



www.ziyouz.com kutubxonasi

5528 Яна ўйлаб-мулоҳаза қилиб олди: Ўзим шошмайин,
Шошқалоқликдан зарар (келади), уни қилмайин.

5529 Энг аввал бу ишда кенгашиш керак,
Яроқсиз (ишлар)ни ўздан чиқариб ташлаш керак.

5530 Ишни кенгаш билан билиб қилиш керак,
Кенгашмовчи ишда ўкиниб йиғлайди.

5531 Одам(лар) сўзамоли нима дейди, эшитгин:
Ҳамма қилинадиган иш(лар) учун кенгаш дори-дармондир.

5532 Кенгшамоқ керак, ўз, яқин (кишилар) билан кенгаш,
Ҳамма турли иш (ҳам) кенгаш билан битади.

5533 Киши кенгашса, ўз ишини ўнглайди,
Ким кенгашмайдиган киши (бўлса), ўкинчли бўлади.

5534 Мен энди қариндошим томон борайин,
Бу ишни мен у билан кенгашайин, эй одам.

5535 Яроқли, деб айтса, бу ишни қилайин,
Яроқсиз, деб айтса, бу кенгаш (солинган иш) қола берсин.

5536 Одам ўз ишини кўриб ўзи била олмайди,
Хулоса қилдириб бошқадан сўраши керак.

5537 Кишининг билими кенгашиб кенгаяди,
Кенгашга билим аралашса, (сўнг ишга) қўл етади.

5538 Кенгашувчи киши нима дейди, эшитгин,
Киши ўз ишини кенгаш билан битиради:

5539 Нима иш қилишингни одам(лар) билан кенгаш,
Кенгашмайдиган кишини дўст, ошна тутма.

5540 Қанақа ишга бўлса (ҳам) кенгаш, сўнг қил,
Тилаган тила(гинг)га кенгаш билан яқинлаш.

5541 Кечаси ётди, эрталаб туриб ювинди, кўр,
Отини минди, элиг томон борди, кўр.

5542 Йўл сўраб [яъни ижозат олиб] элиг томон юриб кирди,
Элиг ҳурмат кўрсатиб кутиб, жой берди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5543 Элигкә өтүнди айур мэн бу күн
Қадашымқа барғум кэлир өртүкүн

5544 Қалы йарлықаса барайын нару
Зийарат қылыб тэрк йанайын бару

5545 Элиг айды барғыл мэниңдин салам
Тэгүргил аңар сэн э қылқы тамам

5546 Унытмасуны ул дуъада мэни
Байатқа уладуққа[146] сиррын көни

5547 Байатдын қулу бэрсә йазуқларым
Дуъа бирлә болғай кэчүргәй карим

204*a* 5548 Илә л тэб туруб чықты Өгдүлмиш-ә
Эвингә кэлиб түшти йазды қаш-а

5549 Ажун қыртышы болды алтун өңи
Йашық заъфаран қылды йақут өңи

5550 Қалық түгди қашын түнәртти йүзин
Тутуб бады барча кишиләр көзин

5551 Намаз қылды йатты төшәккә кириб
Бир анча удыды ул анча арыб

5552 Төшәк қулды йатты удыды узун
Бэлинләб удунды өзи йалңузун

5553 Йумулмады йандру экилә көзи
Удуғ йатты сақну ирикти өзи

5554 Бақа көрди Өңдүн Қара қуш туғуб
Қопа кэлди йэрдин йалын-тэг болуб

5555 Йаруды баса Йылдрық Адғыр билә
Тизилди Эрән тиз өзин бэлгүлә

5556 Сөкич қопты өрләб қалыққа ағыб
Үнүн сумлыды сури ъибри оқыб



www.ziyouz.com kutubxonasi

5543 Элигга баён қилди, айтди: Мен бу кун
Оташин равишда [яъни жуда-жуда] қариндошим ҳузурига
боргим келаётир.

5544 Агар лутф қилиб ёрлиқасалар, у томон борайин,
Зиёрат қилиб тезда бу ёққа қайтайин.

5545 Элиг айтди: Боргин, мендан салом
Етказгин унга сен, эй феъли баркамол.

5546 У дуода мени унутмасин,
(У) сир(лар)ини рўй-рост худога улаш [яъни очиш] пайтида.

5547 Гуноҳларимни худодан сўрай берсин,
(Фақат) дуо билан бўлади [яъни мумкин]ки, (худованди) карим
кечиргай.

5548 Ҳа, албатта, деб Ўгдулмиш туриб чиқди,
Уйига келиб тушди, қошни ёзди [яъни чеҳраси очилди].

5549 Олам ранги олтин рангини касб этди,
Қуёш ёқут (каби) рангини заъфарон қилди.

5550 Осмон қошини уйди, юзини қоронғилаштирди,
(Зулмат) барча кишилар кўзини қоплаб борди.

5551 Намоз ўқиди, тўшакка кириб ётди,
У анча ҳордиқ чиқариб бирмунча вақт ухлади.

5552 Тўшак (ҳозирлашларини) сўради, узоқ ухлади,
Ўзи ёлғизликда чўчиб уйғонди.

5553 Иккала кўзи қайта юмилмади,
Хаёл суриб уйғоқ ётди, ўзи зерикиб кетди.

5554 Назар солиб кўрди: Шарқдан Қора қуш[79] чиқиб,
Елиндек бўлиб ердан кўтарила келди.

5555 Сўнг Йилдриқ[80] билан Азғир[81] ёриди,
Ўзидан белги бериб Арантиз[82] (сафга) тизилди.

5556 Сўкич[83] турди, юқорилаб осмонга кўтарилиб,
Исрофил сурнайини чалиб [яъни ёқимли қилиб] оҳанг билан
сайради.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5557 Көтүрди йашық[147] бақты Машрық тапа
Көрүр ағды йэрдин йуқару қопа

5558 Бутықланды йэрдә йуқару сата
Қалық мэңзи болды йалын-тэг от-а

5559 Сэвүг күлчирәр-тэг йаруды ажун
Сақынч қысға болды сэвинчләр узун

5560 Йана турды йунды намазын қылыб
Атын минди тағқа йүз урды йэлиб

5561 Тэгиб түшти ақру тоқыды қапуғ
Қадашы қапуғ ачты қодты тапуғ

5562 Салам қылды өтрү көр Өгдүлмиш-ә
Йанут бэрди йандру көр Одғурмыш-а

*204б* 5563 Туруб кирдиләр эвкә алшыб әлиг
Қадашы айытты көр ачты тилиг

5564 Айур эй қадашым қалы кэлдиң ай
Сэңә тушғалы мэн тақы кэчмәс ай

5565 Түшүгрәк көрүр-мэн сэниң коңлүңи
Сарығрақ көрүр-мэн сэниң мэңзиңи

5566 Нэкү қадғу тэгди нэ эрки ҳалың
Мэңә сөзләгил сөз сэн ачғыл тилиң

## Өгдүлмиш жавабы Одғурмышқа

5567 Йанут бэрди Өгдүлмиш айды қадаш
Оқун урды өдләк оқы қылды баш

5568 Өд өдләк йарутса бэриб өт ириг
Көңүл өлмиш эрсә болур тиб тириг

5569 Удымыш бу көңлүм узун ғафлаты
Мэни удғуру бэрди өдләк өти

5570 Көңүл көзи бирлә туруб тыңладым
Өзүм йолда азмыш туруб таңладым



www.ziyouz.com kutubxonasi

5557 Бошини кўтарди, Шарқ томонга боқди,
Кўрдики, қуёш[84] юқори туриб ердан кўтарилибди.

5558 Маржон [яъни қуёш] ердан юқорига шуъла таради,
Осмон юзи ёлиндек ўт бўлди.

5559 Олам севимли (ёр) кулаётгандек ёришиб кетди,
Алам қисқа, севинчлар узун бўлди.

5560 Яна турди, ювинди, намозини ўқиб,
Отини минди, елиб тоғ томон йўл олди.

5561 Етиб (отдан) тушди, аста эшикни қоқди,
Қариндоши тоат-ибодатни тўхтатиб эшик очди.

5562 Сўнг Ўгдулмиш салом қилди, кўр,
Ўзғурмиш қайта жавоб берди, кўр.

5563 Қўл олишиб, туриб уйга кирдилар,
Қариндошидан (ҳол-аҳвол) сўради, кўр, (сўзга) тилини очди.

5564 Айтди: Эй қариндошим, нечук келдинг, айт,
Сен билан мен учрашганимга ҳали ой ўтганича йўқ.

5565 Сенинг кўнглингни тушганроқ кўраётирман,
Сенинг юзингни сариқроқ кўраётирман.

5566 Қандай қайғу етди, аҳволинг қалай.
Менга сўз сўзлагин, сен тилингни (сўзга) оч.

### Ўгдулмишнинг Ўзғурмишга жавоби

5567 Жавоб берди Ўгдулмиш, айтди: (Эй) қариндош,
Фалак ўқи билан урди, ўқи (кўксимни) яра қилди.

5568 Ўгит, насиҳат бериб давру фалак ёритса [яъни кўзни очса],
Кўнгил ўлган бўлса (ҳам), тирик бўлади [яъни тирилади].

5569 Бу кўнглим узоқ ғафлат уйқусига ғарқ эди,
Давр ўгити мени (бу ғафлат уйқусидан) уйғотди.

5570 Туриб кўнгил кўзи билан (назар солиб) тингладим,
Ўзим йўлдан озган эканман, туриб [яъни уйғониб] танг қолдим.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5571 Тириглик учуқты йукум ағруды
Йазуқдын өзүм болды йанғу өд̆и

5572 Киши тапғы қылдым тириглик ыд̆ыб
Байат тапғы қалды осандым уд̆ыб

5573 Кэлү бэрди дунйа тириглик барыр
Тириглик түгәсә бу дунйа қалыр

5574 Тириглик үчүн мэн тиләдим аӂун
Тириглик түгәди нэрәк бу отун

5575 Кэчәр ош мунуқы бу күнки күнүм
Булур-му өзүм бу кэлигли түнүм

205а 5576 Сачым болды йазқы калаф-тэг ор от
Сақал болды сынқур түси-тэг шашут

5577 Этингү кэрәк мэн йарынқы этиг
Этинсә йарынқы ишим э тэтиг

5578 Муңар мэңзәтү кэлди эмди бу сөз
Бу сөз ишкә тутғыл айа көңли түз

5579 Бу кэчмиш тирigликкә өкнүр өзүм
Нэчә эрки қалмыш күнүм ай йүзүм

5580 Йав̇а барды эсиз йигитлик күни
Йав̇а бармасу бу кэлигли түнүм

5581 Йэдим ичтим уд̆-тэг йурыдым йав̇а
Ачыб сув̇сатайын муны мэн эв̇ә

5582 Өкүш арзу нэъмат йэйү сэмриди
Бу күн арғурайын йэтилди өд̆и

5583 Тэлим йатты инчин тиләкчә туру
Бу күн турсу эмди ад̆ақын өрү

5584 Хасм қылды өзкә қалын көп кишиг
Сэв̇инчлиг қылайын этәйин ишиг

5585 Элиг тил узаттым кишикә тэлим
Анын ъузры қулсу бу күн бу тилим



www.ziyouz.com kutubxonasi

5571 Тириклик охирлади, юк(лар)им оғирлашди,
Ўзим гуноҳ(лар)дан қайтадиган пайт келди.

5572 Тириклик сарфлаб одамлар хизматини қилдим,
Уйғониб ўйладим, худонинг тоат-ибодати қолиб кетибди.

5573 Дунё кела берди, тириклик (эса) ўтиб кетаверди,
Тириклик тугаса, бу дунё қолиб кетади.

5574 Мен оламни тириклик учун тилаган эдим,
Тириклик (эса) тугади, (энди) бу паст (дунё) нега керак.

5575 Мана, шунингдек, бугунги куним (ҳам) ўтиб кетади,
Ўзим келаси тунимга эриша оламанми (бу гумон).

5576 Сочим баҳорги ўт каби (қовжираб) хашак бўлиб қолди,
Соқол (эса) шунқор патидек кумушранг бўлди.

5577 Мен эртанги ҳозирлик(ларим)ни кўришим керак,
(Шояд) эртанги [яъни у дунёлик] ишларим бажо бўлса, эй тетик.

5578 Энди бу сўз(лар) бунга ўхшатишга мос келди,
Бу сўз(лар)га амал қилгин, эй кўнгли тўғри:

5579 Бу ўтган тириклик учун ўзим ўкинаман,
Қолган кун(лар)им қанча экан, (эй) ой юзлигим.

5580 Эсиз, йигитлик кун(лар)и беҳуда (ўтиб) кетди,
Бу келар туним беҳуда (ўтиб) кетмасин.

5581 Молдек едим, ичдим, беҳуда юрдим,
(Энди) шошилиб мен буни [яъни ўзимни] очиқтириб, сувсатайин.

5582 Таним ва (жоним) талай орзу-неъматларни ея семирди,
Бу кун оздирайин, (энди) вақти етишди.

5583 Талай фароғатда ётди, тилагича турди,
Бу кун энди оёққа тик турсин.

5584 Беҳисоб, кўп одам(лар)ни ўзига хасм қилди,
(Уларни) хурсанд қилайин, тадбирини кўрайин.

5585 Одамларга нисбатан қўл (ва) тилни кўп узун қилдим,
Бу кун бу тилим унинг учун узр сўрасин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5586 Кишиг сатғайу мэн йурыдым өкүш
Өзүг сатғайын мэн эй эрдә көшүш

5587 Көрәг-мэ идимдин көрәмиш отун
Қамуғ өз йазуққа көмүлди бүтүн

5588 Бу күн тавба бирлә йанайын мэн-ә
Идимдин бу ъузруғ қулайын мэн-ә

5589 Нэкү тэр эшит тыңла билги батығ
Сәңә өтләр эмди э көңли қатығ

5590 Өлүмдә үзә йан өзүңни йыға
Өлүм тутса өкнүб асығ қылмаға

2056 5591 Өлүмүг унытма анун тавбақа
Осанма өлүм кэлгә тутға йақа

5592 Йигитлик өдиндә йэтүргил тапуғ
Қарылық йэтилсә барыр күч қамуғ

5593 Өлүм тутмас эркән удуғ бол сақын
Өлүм тутса асғы булумас бақын

5594 Мэн эмди сэңә кэлдим андын туруб
Бу ишкә кэңәш бэр эди кәд көрүб

5595 Бағырсақ қадашым-сә эмди мэңә
Йарағы нэкү-ул айу бэр тоңа

**Баб. Одғурмыш Өгдүлмиш сөзингә қайра жаваб қылмышын айур**

5596 Йанут бэрди Одғурмыш айды қадаш
Эшитгил сөзүмни э көңли түдәш

5597 Эди эдгү нийиатны қылмыш өзүң
Байат бэрсү тавфиқ йарутсу көзүн

5598 Бир-өк түрлүг эрмәс бу ишкә билиг
Бүтә түрлүг иш бар тэгүргү элиг

5599 Уларда бири бу айайын эшит
Йарағы көрүб бил сэн өтрү иш эт



www.ziyouz.com kutubxonasi

5586 Одамларни айблаб мен талай (муддат) юрдим,
(Энди) мен ўзимни айблайин, эй кишилар орасида азиз.

5587 (Мен) эгамдан қочган тубан қочоқман,
Ўзим мутлақ гуноҳ(лар)га бутунлай кўмилиб кетдим.

5588 Бу кун мен тавба-тазарру билан қайтайин,
Бу узр(лар)ни мен эгамдан сўрайин.

5589 Билими чуқур нима дейди, эшит, тингла,
Энди (у) сенга ўгит беради, эй кўнгли мустаҳкам:

5590 Ўлимдан олдин қайт, ўзингни йиғ,
Ўлим ёпишгач, афсус чекиш фойда қилмайди.

5591 Ўлимни унутма, тавбага ҳозирлан,
Ғофил бўлма, ўлим келади, ёқа тутади.

5592 Йигитлик пайти(нг)да тоат-ибодат қил,
Қарилик етишса, куч мутлақ кетади.

5593 (Ҳали) ўлим тутмаган экан, ҳушёр бўл, сақлан,
Ўлим тутса, (ҳушёрлигингнинг) фойдаси бўлмайди, назар сол.

5594 Мен энди у ердан туриб сенинг ҳузурингга келдим,
Бу ишга яхшилаб назар солиб кенгаш бер.

5595 (Ахир) энди сен мен учун меҳрибон қариндошимсан,
(Ишнинг) ярайдигани қайси, айтиб бер, (эй) ботир.

**Боб. Ўзғурмиш Ўгдулмиш сўзига қайтара жавоб беришини айтади**

5596 Жавоб берди Ўзғурмиш, айтди: (Эй) қариндош,
Сўзимни эшитгин, эй кўнгли ҳамоҳанг.

5597 Ўзинг жуда яхши ниятни қилибсан,
Худо тавфиқ берсин, кўзингни ёритсин.

5598 Бу иш учун билим биргина турли эмас,
Кўп турли иш(лар) бор, (уларга) қўл тегизиш керак.

5599 Улардан бири — бу, (бу ҳақда) айтайин, эшит,
Бўладиганини кўриб бил, сен сўнг амал қил.


www.ziyouz.com kutubxonasi

5600 Бу күн анда турмақ сэңә эдгүрәк
Йана мунда турмақ мэңә эдгүрәк

5601 Сэниңдин бу күн элкә асғы өкүш
Бузулға асығ болға қарғыш сөкүш

5602 Элиг қылды элкә көр әлгиң узун
Қылур-сә қамуғ эдгү атың түзүн

5603 Будун инчкә тэгди этилди эли
Дуъа бирлә тынмас раъиййат тили

206а 5604 Нэкү тэр эшитгил тосулур киши
Тосулур киши-ул кишидә башы

5605 Кишиләр ара көр киши ул болур
Аныңдын кишиләр асығлар булур

5606 Асығсыз кишиләр кишидә қоры
Асығлығ киши асғы элкә толур

5607 Нийат эдгү қылса көңүлдә киши
Ажунда тиләк-тэг этилди иши

5608 Нийат эдгү қылғанқа эдгү болур
Нэчә қылмаса ул муйаныи булур

5609 Эминлиг турур элкә инчлиг турур
Элиг будны сэндин сэвинчлиг турур

5610 Төрү өнди эдгү урулды түгәл
Эсиз йитти элдә қодуб ҳийла ал

5611 Буларығ қодуб сэн бару кэлсә-сэн
Ул ишләр бузулға өкүнч булға-сэн

5612 Йана тэкшүрүлгә бу өнди төрү
Бузулға элиң қопмағай бир өрү

5613 Сэниң орнуңа бир эсиз орнаға
Будунуғ улытға бир инч ыдмаға

5614 Эсиз йолқа тартғай элиңни эсиз
Эсизләр ишингә түзүб қодға из



www.ziyouz.com kutubxonasi

5600 Бу кун у ерда турмоқлик сен учун афзалроқ,
Яна бу ерда турмоқлик мен учун афзалроқ.

5601 Сендан бу кун эл учун манфаат кўпдир,
(Бу) манфаат бузилса, қарғиш, сўкиш бўлади.

5602 Элиг қўлингни элга узун қилди, кўр,
Мутлақ эзгу(ликлар) қилаётирсан, отинг (ҳам) яхшидир.

5603 Халқ фароғатга етишди, эли яшнади,
Раият тили дуо билан тинмаётир.

5604 Манфаат келтирадиган киши нима дейди, эшитгин,
Манфаат келтирувчи киши кишилар бошидир:

5605 Кўр, одамлар орасида одам шу бўлади(ки),
Ундан одамлар манфаатлар топади.

5606 Манфаатсиз одамлар одам(лар) орасида зарардир,
Манфаатли одам манфаати элга тўлади.

5607 Кўнгилда одам ниятни яхши қилса,
Оламда иши тилаганидек бажо бўлади.

5608 Ниятни яхши қилганга яхши(лик ёр) бўлади,
Амалда қила олмаса (ҳам) фойдасини топади.

5609 (Сенинг у ерда бўлишинг) эл учун осойиш (ва) фароғатдир,
Элнинг [яъни юртнинг] халқи сендан миннатдордир(лар).

5610 Сиёсат, низом(лар) тугал эзгу қилиб тузилди,
Элда ёмон(лар) ҳийла, найрангни ташлаб йўқ бўлди(лар).

5611 Буларни ташлаб сен бу ерга келсанг,
У ишлар бузилади, афсус чекиб қоласан.

5612 Бу низом, сиёсат(лар) яна тафтиш қилинади,
Элинг бузилади, бирорта ҳам тик (турган нарса) қолмайди.

5613 Сенинг ўрнингга бир ярамас ўрнашади,
Халқни йиғлатади, бирор тинчлик бермайди.

5614 Ярамас элингни ярамас йўлга тортади,
Ярамаслар ишига мослаб қадам қўяди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5615 Сэниңдин айытғa муны бир байат
Байат айтығы бар йэмә эд̇гү ат

5616 Эсиз қылмағу ҳам төрү урмағу
Эсиз қылғучыға болу бэрмәгү

5617 Нэкү тэр эшит қылқы көңли көни
Сэчә өтләди көр унытма муны

206б 5618 Эсизкә қатылма төрү урма сэн
Эсиз қылғучықа болу бэрмә сэн

5619 Өзүң эд̇гүлүк қыл төрү эд̇гү ур
Тирил экки аж̇ун эсиз көрмә сэн

5620 Байат бэрди тавфиқ сэңә эд̇гүкә
Қамуғ эд̇гүлүккә сунуб тэггүкә

5621 Нэкүкә бузар-сә бу эд̇гүләриг
Сэңә йасы тэггә э көңли тириг

5622 Эл асғын бузуб ҳам өз асғың қод̇уб
Нэ эд̇гү тиләр-сә бу йэркә уд̇уб

5623 Мэңә мунда йэгрәк тэдүки өзүм
Айайын сэңә мэн э көрклүг йүзүм

5624 Өзүм дунйа давлат булуб көрмәди
Тиләк арзуларқа көңүл бэрмәди

5625 Буд̇ун бирлә қатлыб йорық түзмәдим
Йа бэгләр билә мэн қылық билмәдим

5626 Өзүм көрмәди бу аж̇ун малыны
Йа эд̇гү эсиз бу буд̇ун ҳалыны

5627 Бу ҳалығ билирдә нару барса-мэн
Эд̇и артақ эрди тапуғ қод̇са-мэн

5628 Киши көрмәдүк болса алтун күмүш
Көрүб булса қылқы қылур миң сөкүш

5629 Нэкү тэр эшит эмди сартлар башы
Аж̇ун тэзгинигли ҳытай арқашы



www.ziyouz.com kutubxonasi

5615 Воҳид худо буни сендан сўрайди [яъни ҳисобини сендан олади],
Худонинг сўроғи бор ҳамда эзгу от(инг бор).

5616 Ёмон (иш) қилмаслик ҳамда (ёмон) сиёсат юритмаслик керак,
Ёмон иш қилувчига имкон бермаслик керак.

5617 Феъли, кўнгли тўғри нима дейди, эшит,
(У) очиқ-ойдин қилиб ўгит берган, буни унутма:

5618 Сен ёмонга аралашма, (ёмон) сиёсат юритма,
Ёмон (иш) қилувчига сен имконият берма.

5619 Ўзинг яхшилик қил, (яхши) сиёсат юрит,
Яша (ва) икки оламда сен ёмонлик кўрма.

5620 Сенга эзгуликларга худо тавфиқ берди,
Ҳамма эзгуликларга (қўл) суниб етишишга.

5621 Бу эзгу(лик)ларни нима учун бузасан,
Сенга зиёни етади, эй кўнгли тирик.

5622 Эл манфаатини бузиб ҳамда ўз манфаатингни ташлаб,
Бу ерга келиб нима орзу истайсан.

5623 Менга (менинг) ўзлигим бундан (ҳам) яхшироқ демишини,
Сенга мен айтайин, эй чиройли юзлигим.

5624 Ўзим дунё-давлатлар топиб кўрмадим,
Тилак, орзуларга кўнгил бермадим.

5625 Халқ билан аралашиб муносабат боғламадим.
Ё беглар билан мен (муомала) тарзини билмадим.

5626 Ўзим бу дунё молини кўрмадим,
Ё халқнинг яхши, ёмон аҳволини (кўрмадим).

5627 Бу аҳволни [яъни вазиятни] била туриб мен у ёққа борсам,
Жуда ёмон (иш) бўлар эди, (агар) мен тоат-ибодатни ташласам.

5628 Одам олтин-кумушни кўрмаган бўлса,
(Сўнг) кўриб, (унга) эришса, феъли минг-минг таҳқирли (ишлар)ни қилади.

5629 Энди савдогарлар боши нима дейди, эшит,
Оламни кезиб чиққан хитой карвони:



www.ziyouz.com kutubxonasi

5630 Чығайын тирилсә киши нәңсизин
Байуса қоðур бу қылынч эðгүсин

5631 Чығай бай болуб ул байуса қалы
Анындын кэтәр тэрк көнилик йолы

5632 Бу қут булмадуқ эр қалы булса қут
Бару қылқы артар қылур элкә йут

207а 5633 Әлиг булмадуқ элкә булса әлиг
Узатур буðунқа әлиг ҳам тилиг

5634 Сэн эмди түгәл дунйа давлат йэдиң
Көңүл бастың арзу ҳава бэкләдиң

5635 Көзүң йүðти көңлүң йэмә эмрүлүб
Йурыр-сә элиг бирлә эðгү болуб

5636 Бу барча байат фазлы эрди сэңә
Қамуғ эðгүлүк бэрди қызды эң-ә

**Баб. Көниликкә көнилик кишиликкә кишилик қылмақын айтур валлам**[148]

5637 Бу бир түрлүги-ул тақы бирсини
Айайын эшитгил ача сэн аны

5638 Унуттуң-му эрки азу өртүлүб
Бу иш отру туттуң нэ асғы көрүб

5639 Билир-сэн ажунда бу өгди өкүш
Вафалығ кишикә болур эй көшүш

5640 Ажун болды эрсә төрү өңдиси
Қишикә кишилик болур бэлгүси

5641 Қиши эðгүлүккә қилур эðгүлүг
Бирингә йануты қылур он үлүг

5642 Қимиң аслы болса атадын арығ
Аныңдын кэлир эðгү элкә асығ

5643 Ана оғрылық сув алынса йашут
Оғул туғса андын болур халққа йут



www.ziyouz.com kutubxonasi

5630 Қиши нарсасизлик билан қашшоқликда яшаса,
Бойиган бу(ндай киши) эзгу феълини ташлайди.

5631 Қашшоқ бой бўлиб, агар у бойиса,
Ундан тўғрилик йўли тезда кетади.

5632 Бу бахт-давлат топмаган одам агар бахт-давлатга эришса,
Барча феъли бузилади, (у) элга офат келтиради.

5633 Қўли узун бўлмаган одам элга қўли узунликка эришса,
Халққа қўл ҳам тилни узун қилади.

5634 Сен энди тугал дунё (ва) давлатга эришдинг,
Кўнгилни босиб олдинг, орзу-ҳавасни маҳкам тутдинг.

5635 Кўзинг бардош берди, шунингдек кўнглинг босилиб,
Элиг билан яхши (муносабатда) бўлиб юрибсан.

5636 Бу барчаси сен учун худонинг фазли эди,
(Сенга) барча эзгуликларни ато этди, юзингни ёруғ қилди.

**Боб. Тўғриликка — тўғрилик, одамгарчиликка — одамгарчилик қилмоқлигини айтади валлам**

5637 Бу — бир турлисидир, тағин бирини
Айтайин, сен уни тушуниб эшитгин.

5638 Унутдингмикан ёки пардаланиб [яъни англашилмовчилик бўлиб],
Қанақа фойдасини кўзда тутиб бу ишни ихтиёр қилдинг.

5639 Биласан, дунёда бу мақтов (деган нарса) кўпроқ
Вафоли киши(лар) учун бўлади, эй азиз.

5640 Оламнинг сиёсат, низом(лари) мавжуд бўлса,
Одам учун одамгарчилик унинг белгиси бўлади.

5641 Одам яхшиликка яхшилик қилади,
Бирига жавобан ўн ҳисса қилиб қайтаради.

5642 Кимнинг асли отадан (бошлаб) тоза бўлса,
Ундан элга яхшилик, манфаат(лар) келади.

5643 Она яширинча ўғрилик суви олса [яъни фаҳш қилса],
Ундан ўғил туғилса, (у) халққа офат бўлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5644 Бақа көр сэн эмди элиг эдгүсин
Өзүң булды нэъмат йэгү кэдгүсин

5645 Бу эрдэм билиг йа уқушқа қамуғ
Сабаб болды элиг ачылды қапуғ

207б 5646 Уныттың-му эрди бу эдгүлэриг
Йанут қылмағу-му э көңли тириг

5647 Ириг сөзлэдим мэн сөзүг эй қадаш
Эрилмэ сэрилмэ көңүл қылма баш

5648 Көни сөз ириг-ул көңүлкэ ачығ
Сиңүрсэ аның асғы бэргэй татығ

5649 Ириг сөзкэ бушма қалы тэгсэ сөз
Көни сөз ириг-ул ириглэтмэ өз

5650 Муңар мэңзэтү кэлди эмди сөзүм
Эшитгил муны сэн э көрклүг йүзүм

5651 Көни сөз ачығ-ул сиңүргил аны
Йарын асғы кэлгэй сүчитгэй сэни

5652 Көни сөз көңүлкэ көр ачығ ириг
Ириг сөз көни-ул көни сөз қаны

5653 Сэн оғлан кичиг эркэн өлди атаң
Билиг эрдэм үстэб қызартмадың эң

5654 Элиг алды көргил игидты сэни
Анын болдуң эмди кишилэр саны

5655 Бу қул күң ат адғыр бу йэр сув қамуғ
Элигдин тэгиб ачты давлат қапуғ

5656 Өзүң булды нэъмат қамуғ эдгүлүг
Йадылды атың элдэ болдуң күлүг

5657 Йарар-му сэңэ эмди йандру туруб
Өзүң йүз эвүрсэ йағы-тэг болуб

5658 Тосулғу өдиндэ сэн андын қачыб
Өңин турса-сэ қалға көңли ачыб



www.ziyouz.com kutubxonasi

5644 Сен энди элиг эзгу(ликлар)ига назар солиб кўр,
Ўзинг (унинг) неъмат(лар)ига, егулик, кийгулик(лар)ига
муяссар бўлдинг.

5645 Бу фазилатлар, билим ё заковат(лар)нинг барчасига
Элиг сабаб бўлди, (сен учун берк) эшик очилди.

5646 Бу яхши(лик)ларни унутганмидинг,
Жавоб қилиш [яъни қайтариш] лозиммасмикан, эй кўнгли тирик.

5647 Мен сўзни дағал [яъни аччиқ] сўзладим, эй қариндош,
Азият чекма, хафа бўлма, кўнглингни яралама.

5648 Тўғри сўз дағалдир [яъни аччиқдир], кўнгилга аччиқдир,
Ҳазм қила олсанг, унинг манфаати маза беради.

5649 Агар (сенга) сўз етгудек бўлса, дағал сўзга ғазабланма,
Тўғри сўз дағал бўлади, бунинг учун ўзинг қаҳрланма.

5650 (Менинг) сўзларим бунга ўхшатишга энди мос келади,
Сен буни эшитгин, эй чиройли юзлигим:

5651 Тўғри сўз дағалдир, уни сингдиргин,
Эртага манфаати тегади, сени суюнтиради.

5652 Тўғри сўз кўнгилга аччиқ, қаттиқ (ботади), кўр,
Дағал [яъни аччиқ] сўз тўғри (сўз)дир, тўғри сўз қани (ўзи).

5653 Сен кичик бола экансан, отанг ўлди,
Билим, санъат-ҳунар(лар) орттириб юзингни ёруғ қилмадинг.

5654 Элиг сени (ўз тарбиясига) олди, парваришлади, кўргин,
У туфайлидан энди сен одам сонига кирдинг.

5655 Бу қул, жория(лар), от, айғир, ер-сув ҳаммаси
Элигдан (сенга) тегиб, давлат эшик очди.

5656 Ўзинг неъмат(лар)га, ҳамма эзгу(ликлар)га эришдинг,
Элда отинг ёйилди, шуҳратли бўлдинг.

5657 Сенга ярашармикан, энди қайта туриб,
Душмандек бўлиб, ўзинг (элигдан) юз ўгирсанг.

5658 Фойданг тегадиган пайтида сен ундан қочиб,
Четда турсанг, (унинг) кўнгли оғриб қолади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5659 Сэңә қылды элиг қамуғ эдгүлүг
Йануты кэрәксиз-му йандру күлүг

5660 Киши көрсә өгсә сэни алқайу
Атың барса элдә вафалығ тэйү

208а 5661 Нэкү тэр эшитгил киши эдгүси
Кишилик болур чын киши бэлгүси

5662 Кишилик қыл эй эр киши бол улуғ
Киши мундағ урды кишилик йолуғ

5663 Киши бол кишикә кишилик қылын
Киши аты өгди өзүңгә алын

5664 Сэңә эдгү қылды элиг миң йанут
Ул эдгү йануты сэн эдгү анут

5665 Йанутлуғ киши-ул киши эдгүси
Будунда талусы киши бэлгүси

5666 Кичиг эрдиң оғлан билигсиз отун
Сэни ул йөләди қопурды қутун

5667 Йулуғ қыл аңар эмди жаның таның
Удыб йатма түн күн ишин қыл аның

5668 Ул эдгү йануты ҳам эдгү анут
Сэңә ма байат бэргә эдгү йанут

5669 Нэкү тэр эшитгил э көңли йақын
Кишилик қылығлы бағырсақлықын

5670 Кимиң сэн ашын йэсә қылғыл ишин
Бағырсақлық артур ҳалал йэ ашын

5671 Туз этмәк ҳақыны көдәзиб эрән
Йэтүрмиш кишикә йулуғлар башын

5672 Тиләк булдуң арзу тиләк эдгу бол
Бу күн эдгү бирлә аңар сэн тосул

5673 Ағи кэдти хазбаз өзүң өртти өз

Сэни йаңшағучы көрүб қумды көз



www.ziyouz.com kutubxonasi

5659 Элиг сенга ҳамма эзгулик(лар)ни қилди,
Қайта жавоби кераксизми, (эй) шуҳратли.

5660 (Токи) киши(лар) кўрса(лар), сени олқишлаб мақтаса(лар).
Эл орасида вафоли деган номинг тарқалса.

5661 Одам(лар)нинг яхшиси нима дейди, эшитгин,
Чин одамнинг белгиси одамийлик бўлади:

5662 Одамийлик қил, эй мард киши, улуғ (ҳиммат) бўл,
Одам одамийлик йўлини шундай асосга қурган.

5663 Одам бўл, одамга одамийлик қил,
Одам (деган) отни, мақтовини ўзингга ол.

5664 Элиг сенга минг баробар эзгу(лик) қилди,
Ўша эзгу(лик) баробарида сен (ҳам) эзгу(лик) ҳозирла.

5665 Жавобли [яъни ажримли] киши киши(ларнинг) яхшисидир,
Халқ орасида сараси, одам(лар орасида) таниқлисидир.

5666 Билимсиз, нодон кичик бола эдинг,
Сени у қўллади, бахт билан кўтарди.

5667 Энди унга жонинг (ва) танингни фидо қил,
Ухлаб ётма, туну кун унинг ишини қил.

5668 У яхши(ликлар)га жавобан (сен) ҳам яхшилик ҳозирла,
Сенга ҳам худо эзгу (билан) жавобини беради.

5669 Эй кўнгли яқин, эшитгин (бу ҳақда) нима дейди,
Меҳрибонлик билан одамийлик қилувчи (киши):

5670 Сен кимнинг овқатини есанг, ишини қилгин,
Меҳрибонлик ортади, (унинг) ошини ҳалол [яъни оқлаб] е.

5671 Туз-нон ҳақига риоя қилиб, мардлар
Едирган кишига бош(лари)ни фидо қилади(лар).

5672 Тилак-орзу(лар)ни топдинг, эзгу ниятли бўл,
Бу кун эзгу(ликлар) билан сен унга манфаат қил.

5673 Шоҳи(лар) кийдинг, ўзинг ипакли, ипли (либослар)га яхши ўрандинг,
Ҳасад қилувчи(лар) сени кўриб кўзи ўйнади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5674 Сэн эмди элигкә кэд̇үр эдгү ат
Көрүб сызсу душман бойун эгсү йат

5675 Түмән арзу нэъмат йэдиң инчләниб
Бойун йал бэд̇үттүң боқа-тэг қылыб

208б 5676 Бу күч тутғыл эмди элиг ишингә
Дуъа артсу эд̇гү узун йашыңга

5677 Аж̇ун малы тэрдиң өзүң болды бай
Кэв̇әл мүндүң арқун йэмә тази тай

5678 Элигкә йулуғ қылғыл ишләт бу нәң
Тиләкләри булсу қызыл қылсу эң

5679 Элиг тахтқа минсү бу күн инчрүнүб
Йағысы йэр өпсү йырақ йунчрунуб

5680 Узун қылды әлгиң йорық қылды сөз
Сэв̇әр сэв̇мәс эрсә сэңә ачты көз

5681 Сэн эмди дуъа арттур эд̇гү ад̇аш
Сэниң болсу давлат узун болсу йаш

5682 Киши аслы мундағ қылур эд̇гүлүк
Ул аты аж̇унда қалыр мәңүлүк

5683 Эд̇и йақшы аймыш бу тази тили
Киши аслы билгүкә ачмыш йолы

5684 Киши аслынга көр қылынчы тануқ
Қылынчы нэ эрсә көр аслы ул-оқ

5685 Кимиң аслы эд̇гү қылынчы оңай
Эсиз аслынга кэндү қылқы тануқ

5686 Элиг қылқ эв̇үрсә э қылқы силиг
Аны эв̇рә йандур айу бэр билиг

5687 Қамуғ эд̇гүлүккә элиг болды баш
Бу эд̇гүг қод̇уб сэн өзүң қылма таш

5688 Кэңәш қылдың эмди ынаныб мэңә
Өзүм билмишим барча айдым сэңә



www.ziyouz.com kutubxonasi

5674 Энди сен элигга эзгу от кийгаз [яъни келтир],
Душман кўриб куйсин, ёт(лар) бўйин эгсин(лар).

5675 (Сен) осойиш топиб, туман орзу-неъмат(лар)га эришдинг,
Буқадек қилиб бўйин (ва) гардон (ўмган) кўтардинг.

5676 Бу кучни энди элиг ишига сарфлагин,
Узун ёшинг учун эзгу дуо ортсин.

5677 Дунё молини тердинг, ўзинг бой бўлдинг,
Йўрға, арғумоқ ҳамда този той [яъни араби тулпор] миндинг.

5678 Бу нарса(лар)ни элигга фидо қилгин, ишга сол(гин),
Тилакларини топсин, юзини ёруғ қилсин.

5679 Бу кун элиг тинчланиб тахтга минсин,
Душмани узоқ азоб чекиб ер ўпсин.

5680 (Элиг) қўлингни узун, сўзингни равон қилди,
Севадиган(лар), севмайдиган(лар) бўлса, (уларга нисбатан)
сенинг кўзингни очди.

5681 Сен энди дуони орттир, (эй) эзгу жўра,
Давлат сеники бўлсин, ёш(инг) узун бўлсин.

5682 Кишининг асли шундай яхшилик қилади,
Унинг оти оламда мангулик бўлиб қолади.

5683 Този(лар) тили жуда яхши айтибди,
Киши(нинг) аслини билишга йўл очибди:

5684 Киши(нинг) аслига қилиқ(лар)и белгидир, кўр,
Қилиқ(лар) нима бўлса, асли (ҳам) шунинг ўзидир, кўр.

5685 Кимнинг асли яхши (бўлса), қилиқ(лари) жўн (бўлади),
Ёмоннинг аслига ўзи, феъли белгидир.

5686 Элиг феълини ўзгартирса, эй феъли чиройли,
Уни қайта қайтар, билим(дан) айтиб бер [яъни йўл-йўриқ кўрсат].

5687 Ҳамма эзгулик(лар)га элиг бош бўлди,
Бу эзгу(ликлар)ни ташлаб, сен ўзингни четлатма.

5688 Энди менга ишониб кенгаш қилдинг,
Ўзим билганимнинг барчасини сенга айтдим.


www.ziyouz.com kutubxonasi

5689 Мэн аймышларым ҳам өзүң билмишиң
Бақыб таңлайу көр ачылға ишиң

5690 Сэвинди көр Өгдүлмиш айды қадаш
Бу йаңлығ кэрэк эй кишиликкэ баш

209а 5691 Эди йақшы аймыш бу сөзлэр бу күн
Йазылди мэңэ бу түгүлмиш түгүн

5692 Мэңэ өртүк эрди бу сөзлэр бичэ
Көтүрдүң бу өртүк сэн айдың ача

5693 Өзүм қодты эмди бу арзу тилэк
Байат-оқ болу бэрсү арқа йөлэк

5694 Қодэзсү идим тутсу көңлүм түз-э
Йа қылқым қылынчым көнилик үзэ

5695 Дуъа бирлэ йары басут қыл мэңэ
Унытма муны сэн тутуздүм сэңэ

5696 Сөзин кэсти қопти адақын өрү
Эсэнлэшти атланды кэлди бару

5697 Эвингэ кэлиб түшти кирди йурыб
Аш ичгү йэди тынды анча сэриб

5698 Қуды ыдты кэсмэ йаруқ йүз туды
Қалық тул тоны кэдти бэлни бады

5699 Йашық йазды болғай өрүклүг сачы
Тэник кэш өңи тутты дунйа ичи

5700 Төшэк қулды йатты бир аз инчрүнүб
Удыды бир анча сүчиг эмрүлүб

5701 Удунды бақа көрди көтрүб башын
Қалық қыз күлэр-тэг йырышты тышын

5702 Йашық баш көтүрди йүз ачты йаңы
Ажун бүтри тутты өрүң қуш өңи

5703 Туру кэлди тэркин көр Өгдүлмиш-э
Йунуб таң намаз қылды татты аш-а



www.ziyouz.com kutubxonasi

5689 Мен айтган(лар)имни ҳамда ўзинг билган(лар)ингни,
Назар солиб ўйлаб кўр, иш(лар)инг ойдинлашади.

5690 Қўр, Ўгдулмиш севинди, айтди: (Эй) қариндош,
Бу янглиғ (иш тутиш) керак, эй кишиликка бош.

5691 Бу кун сўзларни жуда яхши айтдинг,
Менга бу тугулган тугун [яъни ечилмаган жумбоқ] ечилди.

5692 Мен учун бу сўзлар бир қадар парда [яъни қоронғи] эди,
Бу пардани кўтардинг, сен очиқ қилиб айтдинг.

5693 Ўзим энди бу орзу-тилакни ташладим,
Худогина (менга) таянч бўла берсин.

5694 Эгам сақласин, кўнглимни тўғри тутсин,
Шунингдек, феълим, қилиқ(лар)имни тўғрилик узра (тутсин)

5695 Менга дуо билан кўмак, ёрдам қил,
Буни сен унутма, сенга (риоя қилиш керак сўзни) уқтирдим.

5696 Сўзини тугатди, оёққа юқори турди,
Эсонлашди, отланди, бу томонга келди.

5697 Уйига келиб тушди, юриб (уйига) кирди,
Овқат, ичимли еди (ичди), анча сукутланиб дам олди.

5698 (Осмон) гажагини қуйи туширди, ёруғ юзини беркитди,
Ҳаво тул тўнини [яъни қора] кийди, белни боғлади.

5699 Қуёш ўрилган сочини ёзган(дай) бўлди,
Дунё ичини тийин [яъни олмахон], сувсар, ранги тутди.

5700 Ўрин (қилишларини) сўради, бир оз тинчланиб етди,
Бир муддат ширин ором олиб ухлади.

5701 Уйғонди, бошини кўтариб назар солиб кўрди,
Ҳаво қиз кулаётгандек тишини йирди [яъни жилмайди].

5702 Қуёш бошини кўтарди, янги юз очди,
Олам бутунлай оққуш рангини касб этди.

5703 Ўгдулмиш тез туриб келди, кўр,
Ювиниб тонг намозни ўқиди, овқат танаввул қилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5704 Атын минди барды йана қаршыға
Түшүб кирди элиг тапару оқ-а

5705 Айытты элиг андын Өдғурмышығ
Айур инч эсэн бар-му қылқы бышығ

209б 5706 Нэкү тэр мэни үшкүрүр-му дуаън
Дуъа-ул байатдын балақа аман

5707 Дуъа бирлә йалңуқ булур эдгүлүк
Дуъа бирлә учмақ булур мәңүлүк

5708 Ажунда йоқ эрсә бу эдгү дуъа
Эсиз йэр қуды барға эрди туға

**Өдгүлмиш жавабы элигкә**

5709 Йанут бэрди Өгдүлмиш айды бу сэз
Көни йарлықады билиг бирлә түз

5710 Қадашым бу күн анда йалңузлуқун
Дуъа бирлә бизни қулур муңлуғун

5711 Өзи қадғусы қодты бизни қулур
Анында бағырсақ адын ким болур

5712 Бизиндә осалрақ адын ким болур
Йазуқ биз қылур-миз дуъа ул қылур

5713 Бу күн ул элигкә бағырсақлықын
Дуъа тилдә кэсмәс нэ көңли йақын

5714 Анында бағырсақ тақы ким болур
Өзи қадғусы қодты бизни қулур

5715 Бизиндә осалрақ ким-ул эй элиг
Йава болды өд күн тэгүрмәс элиг

5716 Өзүг арзу нэъмат билә сэмритиб
Эрәж бирлә авнур өзүмиз йатыб

5717 Эт өз өлгү ахир йэгәй қурт йылан
Өкүнчдә адын йоқ чықыб барса жан



www.ziyouz.com kutubxonasi

5704 Отини минди, яна саройга борди,
Тушиб тўғри элиг томонга кирди.

5705 Элиг ундан Ўзғурмишни сўради,
Айтди: Тинч, эсон-омон борми феъли пишиқ.

5706 Нима дейди, дуода мени эслайдими,
Дуо худодан бало(лар) учун омонликдир.

5707 Дуо билан инсон эзгулик(лар) топади,
Дуо билан жаннат (ва) мангулик топади.

5708 Оламда бу эзгу дуо бўлмаганда эди,
Ёмон(лар) туғилиб ер қаърига кетган бўларди(лар).

## Ўгдулмишнинг элигга жавоби

5709 Жавоб берди Ўгдулмиш, айтди: Бу сўз(лар)ни,
Билим билан (боғлаб) тўғри, дуруст ярлақадинг [яъни гапирдинг].

5710 Қариндошим бу кун у ерда ёлғизликда,
Мунгли ҳолда дуо билан (худодан) бизни сўрайди.

5711 Ўз қайғусини ташлади, бизни сўрайди,
Ундан меҳрибон (яна) бошқа ким бўлади.

5712 Биздан ғофилроқ бошқа ким бўлади,
Гуноҳни биз қиламизу дуони у қилади.

5713 Бу кун у элиг ҳақига меҳрибонлик билан,
Тилдан дуони узмайди ва кўнгли (жуда) яқиндир.

5714 Ундан (ҳам) меҳрибон тағин ким бўлади,
Ўз қайғусини ташлади, бизни сўрайди.

5715 Биздан ғофилроқ ким (бор), эй элиг,
Вақт, кун(лар) беҳуда бўлди, (энди) қўл тегдирмайди.

5716 Ўзни орзу-неъмат(лар) билан семиртириб,
Ўзимиз ётиб фароғат билан маҳлиёдирмиз.

5717 Тану жон охири ўлади, (уни) қурт, илон(лар) ейди,
Жон чиқиб борадиган бўлса, ўкинчдан бошқа (ҳеч нарса) йўқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5718 Нэкү тэр эшитгил уқушлуғ сөзи
Бу сөз ишкә тутса таб-ул эй қозы

210а 5719 Эт өз сэмрир эрсэ йылан қурт ануқ
Өзүң сэвнүр эрсэ кэчигли қонуқ

5720 Түшүң-тэг кэчәр бу тириглик барыр
Тириглик кэчәркэ кэчәр күн тануқ

5721 Йанут бэрди элиг айур эй бөгү
Нэ-тэг тутғу өзни нэкү-тэг көгү

5722 Сэниңдә бағырсақ адын йоқ мэңә
Ынаныб ышанур-мэн эмди сэңә

5723 Мэн эмди эв ичрә йатур-мэн осал
Ишим барча таштын э билги түгәл

5724 Көзүм-сә қулақым-сә кәргил эшит
Нэ тэңсиз көрүнсә көрү ыдма эт

5725 Мениндин кэрәк болса йары басут
Мэңә ай қылайын ул ишкә мэн от

5726 Нү қылсун эрәт бир экинди биләә

Йава қылма мэни сэвинчим тиләә

5727 Будундын йырақ тутсу күчкэй элиг
Билигсиз эсиз өлсү қалсу билиг

5728 Байусу будун ҳам этилсү элим
Аның шукры қылсу мэниң бу гилим

## Өгдүлмиш жавабы элигкә

5729 Йанут бэрди Өгдүлмиш айды э бэг
Байат бэрсү тавфиқ айа эрдә йэг

5730 Тиләким бу-ул ҳам кэрәким бу-ул
Ача бэрсү тэңри мэңә ошбу йол

5731 Эрәжләнсү элиг тирилсү қутун
Мэңә тэгсү эмгәк баш ағрығ бүтүн



www.ziyouz.com kutubxonasi

5718 Заковатли сўзини эшитгин, нима дейди,
Бу сўзга амал қилсанг кифоя, эй қўзи:

5719 Тану жон семирадиган бўлса, илон, қурт(га ем бўлиши) аниқ,
Ўзинг севинадиган бўлсанг, ўткинчи меҳмонсан.

5720 Бу тириклик тушингдек ўтади, йўқ бўлади,
Тириклик ўтишига ўтаётган кун(лар) гувоҳдир.

5721 Жавоб берди элиг, айтди: Эй доно,
Ўзни қандай тутиш, қанақа қилиб кузатиш мумкин.

5722 Менга сендан бошқа меҳрибон йўқ,
Энди сенга инониб, ишонаман.

5723 Мен энди уй ичида ғофил ётаман,
Иш(лар)им барчаси ташқарида, эй билими тугал.

5724 Кўзимсан, қулоғимсан, кўргин, эшит(гин),
Нимаики нолойиқ кўринса, қараб турма, чора кўр.

5725 Мендан кўмак, ёрдам керак бўлса,
Менга айт, мен у ишга илож қилайин.

5726 Аскар(лар) бири иккинчиси билан нима қилиши лозим бўлса,
Мени беҳуда (овора) қилма, хурсандлигимни тила(б иш тутавер).

5727 Золим халқдан қўлини узоқ тутсин,
Билимсиз, ёмон ўлсин, доно(лар) қолсин.

5728 Халқ бойисин ҳам элим яшнасин,
Менинг бу тилим унинг шукрини қилсин.

Ўгдулмишнинг элигга жавоби

5729 Жавоб берди Ўгдулмиш, айтди: Эй бег,
Худо тавфиқ берсин, эй киши(лар) орасида яхши(си).

5730 Тилагим будир ҳамда керагим будир(ки),
Тангри менга ушбу йўлни оча берсин.

5731 Элиг фароғатга етсин, бахтиёр яшасин,
Бутун машаққат, бош оғриқ(лар) менга тегсин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

210б 5732 Сэңә қылдым эмди өзүмни йулуғ
Сэн инчин тирилгил эй элчи улуғ

5733 Бир-өк ҳажатым бар сэниңдин бу күн
Рава қыл аны сэн сэв̇инчин өгүн

5734 Билир-сә кими тутса бэгләр йақын
Киши барча соңдар аның бар йоқын

5735 Нэчә ма мэни эд̇гү тутса өзүң
Йуңағчы йуңаса түгүлгэй йүзүң

5736 Нэкү тэр эшитгил тоңа алп эриг
Билиб сөзләмиш көр бу өт сав̇ ириг

5737 Эт-ул бу киши көңли артар йыд̇ыр
Эти кэд̇ кэд̇әзгү э қылқы қадыр

5738 Нэчә кэд̇ эр эрсә йуңағ тыңламас
Узунчы ара кирсә сэрнү умас

5739 Нэчә кэд̇ бэг эрсә уқушлуғ уд̇уғ
Йуңағчы йақын болса тэгрүр йуд̇уғ

5740 Көңүл бэг турур бу эт өз қул асир
Ара сөзкә тумлыр арала исир

5741 Киши табъы төрт[149]-ул қарышма йағы
Бири күлдүрүр бир қылур үн чоғы

5742 Бири эв̇сә бири амуллуқ тиләр
Бири күлсә бири сығытқа улар

5743 Сэв̇инчлик тэд̇үктә сақынч кэлдүрүр
Сақынчлығ тэсә бу сэв̇инч күлдүрүр

5744 Муңар иймәнүр-мэн эй элиг қуты
Йуңағлы йуңаса бу йалңуқ ыты

5745 Ағыр болға көңлүң түңүлгә өзүң
Йав̇а болға тапғум эв̇үргэй йүзүң

5746 Тиләким бу-ул ҳам өтүгүм сэңә
Мэни ким йуңаса айытғыл мэңә



www.ziyouz.com kutubxonasi

5732 Энди сенга ўзимни фидо қилдим,
Сен тинчликда яшагин, эй улуғ эл бошловчи.

5733 Бу кун сендан биргина ҳожатим бор,
Уни сен хурсандлик, идрок билан раво қил.

5734 Биласан, беглар кимни яқин тутса
Барча одам(лар) унинг бор-йўғини пойлаб ғийбат қилади.

5735 Ўзинг мени қанчалик эзгу тутсанг (ҳам),
Чақимчи чақимчилик қилса, қовоғинг осилади.

5736 Ботир, баҳодир киши (сўзини) эшитгин, (у) нима дейди.
У ўгит, панд, насиҳатни билиб сўзлабди, кўр:

5737 Киши кўнгли гўштдир, (у) ҳид билан бузилади,
Гўштни жуда авайлаш керак, эй феъли қодир,

5738 Қанчалик яхши, чақувни тингламайдиган одам бўлса (ҳам),
Ғийбатчи орага кирса, (у) сабр қила олмайди [яъни чақувчига
қулоқ беради].

5739 Қанчалик яхши, заковатли, зийрак бег бўлса (ҳам),
Чақимчи яқин бўлса, (унга) малол келтиради.

5740 Кўнгил бегдир, бу тану жон (унга) қул, асирдир,
Гоҳо сўзга совуйди, гоҳо исийди.

5741 Кишининг таби тўрт (турли бир-бирига) аралашган душмандир
Бири кулдиради, бири шовқун, ғавғо қилади.

5742 Бири шошса, бири оҳисталикни истайди,
Бири кулса, бири йиғига уланади.

5743 Шодлик (топдим) деганда, алам келтиради,
Аламли (бўлдим) деганда, бу севинчи кулдиради.

5744 Мана шундан ҳижолат қиламан, эй бахтли элиг,
Чақимчи — бу одам(лар) ити чақадиган бўлса.

5745 Кўнглинг оғриб қолади, ўзинг тескари қарайсан,
Хизматларим беҳуда бўлади, мендан юзингни ўгирасан.

5746 Тилагим шудир ҳамда сендан илтимосим шудир(ки),
Мени ким (сенга) чақса, (бу ҳолни) мендан сўрагин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

211а 5747 Түбингэ тэгү иртэ артуқ айыт
Нэкү бэлгүрэр эрсэ қылғыл эв̇ит

5748 Сэңэ ким йуңаса эшитгил сөзин
Чынын йалғанын кэд̇ айыт түб түзин

5749 Эд̇и йақшы аймыш кишидэ бурун
Сөзүг тыңла қылма көңүлдэ орун

5750 Тақы мунда йэгрэк айур ошбу сөз
Муны ишкэ тутғыл айа эд̇гү өз

5751 Сөзүг барча тыңла кэрэкини ал
Кэрэксиз сөзүг сэн йана эв̇рэ сал

5752 Эшитгил сөзүг иртэ йалған чынығ
Чынығ өзкэ алғыл қына йалғанығ

5753 Бу йалған киши бирлэ артар аж̇ун
Көни чын киши тут эй элги узун

## Элиг жавабы Өгдүлмишкэ

5754 Йанут бэрди элиг айур эй киши
Рава болды ҳажат тилэкиң түши

5755 Кишилик сэңэ бэрди эрклиг байат
Көни тил қылық ҳам көни болды ат

5756 Сэниңдин қачан кэлгэ эсиз йорық
Өрүң сүт билэ кирди эд̇гү қылық

5757 Сэни сөзлэгүчи кишилэр мэңэ
Йағы-тэг йағы-ул э билги кэң-э

5758 Қачан тыңлағай-мэн уларның сөзин
Апаң сөзлэсэлэр өкүш йа азын

5759 Нэкү-тэг болур элдэ элчи улуғ
Ад̇ырмаса эд̇гү эсизиг қамуғ

211б 5760 Нэ-тэг бэг болур-ул буд̇ун эрклиги
Көни эгрини ад̇ра тутмас өги



www.ziyouz.com kutubxonasi

5747 Тагига етиб суриштир, (ҳаддидан) ортиқ сўроқла,
Нимаики аниқланадиган бўлса, шошиғич чора кўр.

5748 Сенга ким чақимчилик қилса, сўзини тингла,
Чинини, ёлғонини яхшилаб тўппа-тўғрисини суриштир.

5749 Одамлардан илғори жуда яхши айтибди;
Сўзни тингла, (лекин барчасини) кўнгилга жо қилма.

5750 Ушбу сўз (айтувчи) бундан тағин яхшироқ айтибди,
Бунга амал қилгин, эй эзгу киши:

5751 Барча сўзни тингла, керагини ол,
Кераксиз сўзни сен яна қайтариб ташла.

5752 Сўзни эшитгин, ёлғон, чин (киши)ни суриштир,
Чин (киши)ни ўзингга ол, ёлғон (киши)ни исканжага сол.

5753 Бу ёлғон(чи) киши(лар) билан олам бузилади,
Тўғри, чин киши(лар)ни тут, эй қўли узун.

## Элигнинг Ўгдулмишга жавоби

5754 Жавоб берди элиг, айтди: Эй киши,
Ҳожатинг тилагинг баробарида раво бўлди.

5755 Одамийликни сенга эркли [яъни қодир] худо ато қилди,
Тил, феълинг тўғри ҳамда отинг тўғри [яъни муносиб] бўлди.

5756 Сендан қачон ярамас хатти-ҳаракат содир бўлади,
(Сенга) эзгу феъл(лар) оқ сут билан кирган.

5757 Сени сўзловчи кишилар мен учун
Душмандек душмандир, эй билими кенг.

5758 Мен қачон уларнинг сўзини тинглар эканман,
Агар кўп ёки оз сўзласалар(да).

5759 Қандай бўладики, элда улуғ эл бошловчи,
Яхши (ва) ёмонни мутлақ фарқламаса.

5760 Халққа эрк юритадиган қандай бег бўлади(ки),
Фаҳми, фаросати тўғри (ва) эгрини ажратиб тутмаса.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5761 Қачан йэр элин ул түнэрмиш күн-э
Сынамыш кишиг ул сынаса йана

5762 Қалы арзу йэр ул төрү бэргүчи
Көни йалғанығ адра тутмас тучы

5763 Байатдын мэңэ чын ъата-сэн бу күн
Сэниңдин йазылды қамуғ бэрк түгүн

5764 Тапуғ қылдың артуқ бағырсақлықын
Өтэдиң мэңэ сэн туз этмэк ҳақын

5765 Мэниңдин кэрэк эмди эдгү йанут
Сэңэ тэгсэ сэн йэ тириглик анут

5766 Нэкү тэр эшитгил киши эдгүси
Көнилик билэ халққа йадмыш күси

5767 Киши эдгүси ким кишилэр башы
Кишилик қылығлы кишикэ тушы

5768 Кишикэ йанут қыл кишилик түши
Йанутлуғ үчүн ат урунды киши

5769 Йанут бэрди Өгдүлмиш айды элиг
Эрэжлэнсү элкэ йэтүрсү йилиг

5770 Байат бэрсү экки ажун эдгүси
Ақа кэлсү арзу тилэк умдусы

5771 Болу бэрсү эврэн оңай эврүлүб
Уду бэрсү өдлэк тилэкчэ болуб

5772 Э көңли көни қылқы алчақ бүтүн
Тириг тур эсэн бол тирилгил қутун

5773 Сэңэ[150] тэгди сэндин қамуғ эдгүлүк
Ағырлық йа байлық йэгү кэдгүлүк

5774 Муну қур бадым мэн тапуғқа қатығ
Байат бэрсү тавфиқ э билги батығ

212а 5775 Йана айды Өгдүлмиш элиг қуты
Ажунқа байат йадты эдгү аты



www.ziyouz.com kutubxonasi

5761 У тунга бадал бўлган кун [яъни жоҳил, бефаҳм киши] элнинг роҳатини қачон кўрар экан,
(Агар у) синалган кишини яна синайдиган бўлса.

5762 У қонун-қоида берувчи қанақасига орзуга эришади,
Агар) рост (ва) ёлғон (кишиларни) доим ажрата тутмаса.

5763 Сен бу кун менга худодан чин ато (қилинган)сан,
Ҳамма берк тугун [яъни жумбоқлар] сен туфайли ечилди.

5764 Ортиқ садоқат билан хизмат қилдинг,
Сен менга туз, нон ҳақини ўтадинг.

5765 Мендан энди эзгу жавоб лозим,
(Токи) сенга насиб бўлса, сен ундан баҳраманд бўл, тирикликни шайла.

5766 Одам(лар)нинг эзгуси нима дейди, эшитгин,
Тўғрилик билан халқ орасида овозаси ёйилган (киши):

5767 Одам яхшиси ким, одамлар боши,
Одамга доим одамийлик қилувчи.

5768 Одамга одамийлик баробарида жавоб қайтар,
Жавобли [яъни қарзини қайтарувчи] (бўлгани) учун одам деб от берилган.

5769 Жавоб берди Ўгдулмиш, айтди: Элиг
Фароғатга эришсин, элга илик едирсин.

5770 Худо икки олам яхшилигини берсин,
Орзу, тилак, умидлари (сув каби) оқиб келсин.

5771 Фалак осон айланиб кулиб боқсин,
Даврон тилакдагидек бўлиб ўтаверсин.

5772 Эй кўнгли тўғри, феъли мулойим, ишончли,
Тирик тур, эсон бўл, бахтиёр яшагин.

5773 Менга сендан ҳамма эзгулик(лар) насиб бўлди;
Ҳурмат ё бойлик, егулик, кийгулик (чарсалар).

5774 Мана, мен хизматга камарни қаттиқ боғладим,
Худо тавфиқ берсин, эй билими чуқур.

5775 Яна айтди Ўгдулмиш: (Эй) бахтли элиг,
Эзгу отни оламга худо ёйди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5776 Ат эдгү тилэгил байат бэрди қут
Қутуғ булдуң эрсэ көңүл эдгү тут

5777 Тучы бэг болайын тэсэ бэлгүлүг
Бу төрт нэң кэрэк өтрү тэгсэ үлүг

5778 Бири тил көни болса қавлы бүтүн
Экинчи төрү қылса элкә қутун

5779 Үчүнчи элиг йазса болса ақы
Тэгүрсэ будунқа бағырсақлықы

5780 Бу төртинч тэтимлиг кэрэк болса алп
Йағы бойнын эгсэ ишин қылса йарп

5781 Қайу бэг бу төрт иш түгэл қылмаса
Ирүклүк кирүр элкә анда баса

5782 Бу-ул эмди бэглик көки йылдызы
Бу-ул эдгү бэглэр йорықы изи

5783 Йорық бузмағыл сэн бу изчэ йуры
Бу эрди сэниңдэ озақы қуры

5784 Қайу бэг бу йол қодсэ тутса өңин
Бузар бэгликин ул алумас өңин

5785 Ағыр тут элиг сэн бу үч түрлүгүг
Айайын сэңә мэн мэңэ тут өгүг

5786 Бири алп атым қурч йүрэклиг эрэн
Қылыч бирлә элкә тосулур түмэн

5787 Экинчи бөгү билгэ элчи киши
Кэңәшкә тосулур этәр өз иши

5788 Үчүнчи тэтиг уз битигчи болур
Кириш ҳам чықыш билсэ қазнақ толур

5789 Сэчэ тут буларығ сэн адра өңи
Ағырла ачынғыл көр асғы тэңи

212б 5790 Қуру[151] этлү барғай қамуғ ишлэриң
Элиң арта барғай кэңэгэй йэриң



www.ziyouz.com kutubxonasi

5776 Эзгу от тилагин, худо бахт берди,
Бахтга эришдингми, кўнгилни эзгу тут.

5777 Доим бег бўлайин десанг муқаррар,
Бу тўрт нарса лозим, (токи) сўнг (ундан) баҳра олсанг:

5778 Бири — тили тўғри, сўзи ишончли бўлса,
Иккинчиси — элга бахтли қонун(лар) ижро қилса.

5779 Учинчиси — қўлини очиқ тутса, сахий бўлса,
Меҳру шафқатини халққа етказса.

5780 Тўртинчиси—ботир бўлса, жасоратли (бўлиши) керак,
(Токи) душман бўйнини эгса, (ўз) иш(лар)ини абжирлик билан қилса.

5781 Қайси бег бу тўрт ишни тугал қилмаса,
У(ндай бег туфайли)дан эл орасига раҳна тушади.

5782 Энди бегликнинг негизи, илдизи шу(лар)дир,
Эзгу бегларнинг йўл-йўриғи, изи шу(лар)дир.

5783 Сен йўл-йўриқни бузма, шу издан юргин,
Сендан бурунгиларнинг равиш(лар)и шу эди.

5784 Қайси бег бу йўлни ташласа, бошқасини тутса,
У беглигини бузади, қайта қўлга кирита олмайди.

5785 (Эй) элиг, сен бу уч турли (тоифа)ни қадрли тут,
Мен сенга айтайин, менга зеҳнингни тут:

5786 Бири — ботир, мерган, пухта юракли мардлардир,
Қилич билан элга кўплаб фойда келтиради(лар).

5787 Иккинчиси — доно, билимдон эл бошловчи киши(лар)дир,
Кенгашга фойда келтиради(лар), ўз иш(лар)ини гуллатади(лар).

5788 Учинчиси — тетик, моҳир саркотиб(лар) бўлади,
Кирим ҳамда чиқимни билса(лар), хазина тўлади.

5789 Сен буларни айрича, бошқалардан фарқлаб тут,
Ҳурматла, инъомлар бер, (келтирган) фойдаларига муносиб равишда қара.

5790 Ҳамма ишларинг тартибга тушиб, ривожлана боради,
Элинг ортиб боради, еринг кенгаяди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5791 Атың эдгү болғай жавықға өзүң
Ажун будны көрмәк тиләгәй йүзүң

5792 Нэ ма йақшы йамыш киши билгэси
Киши өлсә өлмәс көр ат эдгүси

5793 Нэ эдгү болур көр ат эдгү булуб
Өлүб барса бармас көр аты өлүб

5794 Тириг тэким эдгү көр өлсә атын
Нэчә йатса опраб қара йэр қатын

5795 Тириглик тиләмә ат эдгү тилә
Атың эдгү болса тириг сэн күлә

5796 Тириглик қайу-ул көр эдгү қайу
Айу бэр мэңә сэн э билгә бөгү

5797 Бу эдгү турур көр тириглик чыны
Тириглик турур көрсә эдгү аны

5798 Ким эдгү қылынч тутса болды тириг
Ким эсиз қылық тутса өлди тириг

5799 Кәчәр дунйа кэчмәс бу эдгү қылық
Бу эдгү қылық бирлә эдгү йорық

5800 Йайығ дунйа сэндин эвүрсә йүзи
Кэрәк болғу эдгү турур эй қозы .

5801 Авынма бу дунйа билә эй элиг
Вафа қылғу эрмәс йэтүргил билиг

5802 Ойун сақышы-ул бу дунйа иши
Адақын тиләсә бэрүр бу башы

5803 Ойунқа қатылма оса эй үнүр
Ойунқа қатылса бойун бағланур

5804 Көрү барса йақшы битимиш битиг
Унытма бу сөзни э көңли тэтиг

213а 5805 Бу дунйа иши көр ойун-ул ойун
Ойунқа қатылма нэрәк бу ойун



www.ziyouz.com kutubxonasi

5791 Отинг эзгу бўлади, ўзинг донг таратасан,
Олам халқи юзингни кўрмоқни истайди.

5792 Одам(лар) доноси не чоғлик яхши айтибди;
Киши ўлса (ҳам), эзгу оти ўлмайди, кўр.

5793 Қандай яхши бўлади(ки), кўр, эзгу от топиб,
(Киши) ўлиб кетса (ҳам), оти ўлиб кетмайди.

5794 Ким эзгу экан, назар сол, ўлса ҳам оти билан тирик де(б бил),
Қора ер қаърида қанчалик чириб ётса (ҳам).

5795 Тириклик истама, эзгу от иста,
Отинг эзгу бўлса, сен кулиб [яъни шодон] тириксан.

5796 Тириклик қайсию эзгу қайси, назар сол,
Сен менга айтиб бер, эй билимдон, доно.

5797 Тирикликнинг чини шу эзгу(лик)дир, кўр,
Эзгу(лик)га назар солсанг, у тирикликдир.

5798 Ким феъл-атворини эзгу тутса, (у) тирик бўлади,
Ким феъл-атворини ёмон тутса, (у) тириклайин ўлади.

5799 Дунё ўтиб кетади, бу эзгу феъл-хулқ ўтмайди-ўчмайди,
Бу эзгу феъл-хулқ билан эзгу тарз-рафтор (йўқолмайди).

5800 Бевафо дунё сендан юзини ўгирса,
Керак бўладиган (нарса) эзгу(лик)дир, эй қўзи.

5801 Бу дунё билан маҳлиё бўлма, эй элиг,
(У) вафо қилмайди, билим [яъни фаросат] етказгин.

5802 Бу дунё иш(лар)и найранг ҳисобидадир,
Оёғини сўрасанг, у бошини тутади.

5803 Найрангга аралашма, ўйла, эй униб-ўсгур,
Найрангга аралашсанг, бўйин боғланади.

5804 Назар солсанг, китобда яхши ёзилибди,
Бу сўз(лар)ни унутма, эй кўнгли тетик:

5805 Бу дунё ишини кўр, (у) найрангдир, найранг,
Найрангга аралашма, бу найранг нега керак.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5806 Идиң йарлықы қыл өзүң қуллуқы
Қалы тутмаса-сэн ануқ тут бойун

5807 Мунуқы эй элиг өзүм билмишин
Өтүндүм сэңә мэн ичин ҳам ташын

5808 Сөзүм тутса тутғыл қалы тутмаса
Өзүң көргә шаксиз мэңә бүтмәсә

### Элиг жавабы Өгдүлмишкә

5809 Элиг айды тавфиқ қулур-мэн туруб
Байатдын бу ишкә көңүл түз уруб

5810 Тиләсә байат бэргә йары басут
Мэңә өртлүр эрсә аны сэн йарут

5811 Қатығлан ташырты қамуғ ишкә бақ
Удуғ бол қулақ көз йэти тут йа сақ

5812 Күчүң йэтмишин қыл ынанма мэңә
Тақы қалса йары қылайын сэңә

5813 Сөзүг кэсти элиг тилин тынды-ул
Туруб чықты Өгдүлмиш ақру амул

5814 Атын минди кэлди эвингә йана
Түшүб кирди эвкә сучулды тон-а

5815 Кэчә йатты эртә йана атланыб
Туруб қаршықа кирди атдын иниб

5816 Қатығланды Өгдүлмиш анда нару
Қамуғ ишни қылды адақын өрү

5817 Будун инчкә тэгди этилди ажун
Эрәжләнди элиг авынды узун

213б 5818 Эли толды эдгү дуъа бирлә сөз
Аты қалды мәңү болуб йитгүсүз

5819 Нэ эдгү турур көр бу эдгү төрү
Төрү бирлә бэглик турур-ул өрү



www.ziyouz.com kutubxonasi

5806 Эгангнинг буйруғини, ўзингнинг бандалигингни қил,
Агар сен (бунга) амал қилмасанг, муқаррар (боғлашга)
бўйин тут.

5807 Мана, эй элиг, ўзим билганларимнинг
Ичини ҳам сиртини [яъни бору йўғини] сенга баён қилдим.

5808 Сўзимни тутсанг тутгин, агар тутмасанг,
Менга ишонмасанг, шаксиз ўзинг кўрасан.

### Элигнинг Ўгдулмишга жавоби

5809 Элиг айтди: Туриб тавфиқ сўрайман,
Кўнгилни тўғри қилиб бу иш учун худодан (тавфиқ сўрайман).

5810 Истаса худо кўмак, ёрдам беради,
Менга пардали [яъни тушунарсиз] бўлса, уни сен ойдинлаштир.

5811 Ҳаракат қил, сиртдан ҳамма ишга назар сол,
Ҳушёр бўл, қўл, кўзни ўткир ё соқ тут.

5812 Кучинг етганини қил, менга инонма,
Тағин (баъзи ишлар) қолса, сенга ёрдам қилайин.

5813 Элиг сўзини тугатди, у тилидан тинди,
Ўгдулмиш туриб оҳиста, сокин чиқди.

5814 Отини минди, уйига қайтиб келди,
Тушиб уйга кирди, кийим(лар)ини ечди.

5815 Кечаси ётди, эрталаб яна отланиб,
Отдан тушиб туриб саройга кирди.

5816 Ўгдулмиш ўшандан бошлаб қаттиқ киришди,
Оёқда тик туриб ҳамма ишларни қила берди.

5817 Халқ осойишталикка эришди, олам гуллаб-яшнади,
Элиг роҳатланди, узоқ шодон бўлди.

5818 Эзгу дуо билан сўзга эли тўлиб кетди.
Оти мангу ўчмас бўлиб қолди.

5819 Бу эзгу қонун-қоида қандай эзгудир, кўр,
Қонун-қоида билан беглик тик туради.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5820 Бу йаңлығ бэг эрсә будун башчысы
Мэңилиг болур будны эл барчасы

5821 Будун нэ мутиъ болса қылқы көни
Анын өтрү бэглэр йарутур күни

5822 Бу бэглэр байатдын мосаллэт турур
Бэги эдгү болса будун күн көрүр

5823 Эсиз қылса будны бэги[152] эсиз қылур
Эсизкә эсиз чықса[153] өтрү тылур

5824 Йорық түзсә будны бэги қылқ түзэр
Қылық түзсә бэглэр түзүн эл сүзэр

5825 Бир анча йэмә кэчти өдлэк күн ай
Ажун көрки кэлди будун болды бай

5826 Туман тоз арыды ачылды тоңуқ
Түзүлди сүзүлди қамуғ булғануқ

5827 Шукр қылды элиг байатқа йана
Тэлим өгди бирлә оқыды сана

**Б а б. Одғурмыш иглиг болуб Өгдүлмишни үндәмишин айур**

5828 Бу күнлэрдә бир түн бу Өгдүлмиш-ә
Туруб йатғалыр эрди йастаб баш-а

5829 Қапуғда үн этти бэдүг үндэди
Киши ыдты таврақ бақа көр тэди

5830 Йумушчы бақыб айды бир эр турур
Сөзүм бар тушайын тэйү йол қулур

214а 5831 Йана айды барғыл айытғыл сөзи
Нэ эрмиш нэкү тэр ким эрмиш өзи

5832 Йана чықты оғлан айытты сөзин
Қайун кэлмишин ҳам тилэкин өзин

5833 Бу эр айды Одғурмыш ыдты мэни
Сөзүм бар қадашын көрэйин қаны



www.ziyouz.com kutubxonasi

5820 Бу янглиғ бег халқ бошлиғи бўлса,
Халқи, эли барчаси фаровон (бахт-саодатли) бўлади.

5821 Халқ ҳам итоаткор, феъли тўғри бўлса,
Шу туфайлидан беглар куни равшан бўлади [яъни куни туғади].

5822 Бу беглар худодан (юборилган) амрфармодирлар,
Беги яхши бўлса, халқ кун кўради.

5823 Халқи ёмон(лик) қилса, бег ёмон(лик) қилади,
Ёмонга ёмон(лик) қилса, сўнг кесади [яъни ҳал қилади].

5824 Халқи атворини тузатса, беги феълини тузатади,
Беглар феълини тузатса, элни яхшилаб тозалайди.

5825 Шундай қилиб бир қанча давр, кун, ой(лар) ўтди,
Олам кўрки келди, [яъни яшнади], халқ бой бўлди.

5826 Туман, тўзон ариди, совуқлик кўтарилди,
Ҳамма ифлосликлар тузалди, тозаланди.

5827 Элиг худога яна шукр қилди,
Талай ҳамд билан сано(лар) ўқиди.

## Боб. Ўзғурмиш хаста бўлиб Ўгдулмишни чақиришини айтади

5828 Бу кунлардан бир туни бу Ўгдулмиш
Туриб, (эндигина) ёнбошга бош қўйиб [яъни ёнбошлаб] ётиш олдида эди.

5829 Дарвозада (биров) овоз чиқарди, қаттиқ чақирди,
(Ўгдулмиш) тезда одам юборди, қараб кўр, деди.

5830 Юмушчи қараб (келиб) айтди: (Қандайдир) бир кишидир,
Сўзим бор, учрашайин, деб йўл [яъни киришга ижозат] сўраётир.

5831 (Ўгдулмиш) яна айтди: Боргин, (айтадиган) сўзини сўрагин,
Нима экан, нима дейди, ўзи ким экан.

5832 Уғлон яна чиқди, сўзини сўради,
Қаердан келганини ҳамда мақсадини, ўзини.

5833 Бу одам айтди: Мени Ўзғурмиш юборди,
Сўзим бор, (унинг) қариндошини кўрайин, қани.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5834 Оқуб кирди айды нэкү аймышын
Қад̇ашы анындын йумуш ыд̇мышын

5835 Қопа кэлди тэркин аңар қылды йол
Бу эр кирди өтрү салам қылды ул

5836 Айытты қайудын кэлир-сэн тэйү
Тиләкиң нэ эрки сөзүң ай бөгү

5837 Бу айды мэни ыд̇ты Од̇ғурмыш-а
Сэңә айды кэлгил мэңә бир туш-а

5838 Ағыр болды көңли йатур ынчықын
Тэгиб туш аңар бир э көңли йақын

5839 Җаваб бэрди Өгдүлмиш айды күлә
Нэкү эрсә тэгил баралым билә

5840 Унамады айды қад̇ашың ҳалы
Йав̇узрақ э билгәм көнәр-тэг йолы

5841 Мэн ашну барайын сэниңдин оза
Сэн ақру уд̇у кэл э қылқы түз-ә

5842 Қапуғдын йана эв̇рә йанды эв̇ә
Эңиб қалды Өгдүлмиш әлгин ув̇а

5843 Туруб эв̇кә кирди эд̇и қад̇ғулуғ
Сэвинч кэтти болды сақынчы улуғ

5844 Йату көрди анча усы кэлмәди
Түни болды йылча йатыб болмады

5845 Көзин йумды эрсә уд̇ымақ тиләб
Усы өчти барды көзиндин йыраб

214б 5846 Йана турды анча бу олдурды-йа
Сарығ таң ата кэлди өңдүрди-йә

5847 Чэчәкликтә санвач үнин сумлыды
Үд̇иклиг эшитти көңүл йэлгүди



www.ziyouz.com kutubxonasi

5834 (Ўғлон) чақирди, (у) кирди, (унга Ўзғурмиш) нимаики
айтганларини айтди,
(Ўгдулмишнинг) қариндоши у орқали топшириқ юборганини
(айтди).

5935 (Ўгдулмиш) тез (ўрнидан) туриб (йўлакка) келди, унга
(ичкарига киришга) йўл берди,
Бу одам (йўлакка) кирди, сўнг у салом берди.

5836 Қаердан келаётирсан, деб сўради,
Тилагинг нима экан, сўзингни айт, (эй) доно, (деди).

5837 У айтди: Мени Ўзғурмиш юборди,
Сенга келгин, меникига бир киргин, деб айтиб юборди.

5838 Кўнгли оғир бўлди [яъни касал бўлиб қолди], ҳасрат чекиб
Бориб уникига бир кир, эй кўнгли яқин.

5839 Жавоб берди Ўгдулмиш, кулиб айтди:
Нима бўлса [яъни ростини] айтгин, бирга борайлик.

5840 (У) унамади, айтди: Қариндошингнинг аҳволи
Ёмонроқдир, эй доном, йўли (ўлимга) тўғриланаётгандек.

5841 Мен сендан илгари олдинроқ борайин,
Сен аста кейин келгин, эй феъли тўғри.

5842 Дарвозадан яна тезликда орқага қайтди,
Ўгдулмиш қўл(лар)ини ишқалаб ҳайрон бўлиб қолди.

5843 Жуда қайғули ҳолда туриб уйга кирди,
Севинчи кетди, алами ортди.

5844 Ётиб кўрди, анча (вақтгача) уйқуси келмади,
Туни йилча бўлиб кетди, (ҳеч) ётиб бўлмади.

5845 Ухламоқни истаб кўзини юмса,
Уйқуси ўчди, кўзидан узоқлашиб борди.

5846 Яна турди, у анча (вақт) ўлтирди,
Сариқ тонг ота бошлади, рангини ўзгартирди [яъни ёруғлашди].

5847 Чечакзорда булбул (хуш) овоз билан сайради,
Ишқ-шавқ аҳллари эшитди, кўнгил(лари) тўлқинлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5848 Атын минди барды қадашы тапа
Тэгиб кирди тушты элиг йүз өпэ

5849 Қадашыны көрди узату йатур
Чөгэсин төшэнмиш йэңин йастанур

5850 Айытты нэ болды өзүң эй қадаш
Сэни көрдүм эмди көңүл болды баш

### Одғурмыш жавабы Өгдүлмишкэ

5851 Айур эй қадашым йолум көнгэлир
Өлүм тутғақы тутты өз барғалыр

5852 Сэниң бир йүзүңни көрэйин тэйү
Сэңэ тэгди эмгэк оқыдым бару

### Өгдүлмиш жавабы Одғурмышқа

5853 Йанут бэрди Өгдүлмиш айды э жан
Тириг болса йалңуқ йурыр иг туған

5854 Йавуз қылма көңлүң тилиңни йығ-а
Йазуққа кафарат болур иг туға

5855 Нэкү тэр эшитгил билиглиг сөзи
Билиг-ул кэтэрдэчи көңлүм тозы

215*а* 5856 Йазуққа кафарат иг-ул көр сэңэ

Йазуқсуз киши ким айу бэр мэңэ

5857 Киши иглэсэ барча төклүр йазуқ
Йазуқ төксэ қутлур киши эй тоңа

5858 Киши барча йазуқ қылур аз өкүш
Йазуқсуз киши бу ажунда көшүш

5859 Игиң эдгү болға эсэн болға-сэн
Йазуқуң арығай муйан булға-сэн

5860 Нэлүг тилдэ көрксүз йурытур-сэ сөз
Өлүруң нэ билдиң айа көңли түз



www.ziyouz.com kutubxonasi

4848 Отини минди, қариндоши томон борди,
Етиб кирди, қўли билан юзини ўпиб кўришди.

5849 Қариндошини кўрди, (у) чўзилиб ётарди,
Чипта (чакмони)ни тегига тўшаб, енгини бошга қўйиб (ётарди).

5850 Сўради: Сенга нима бўлди, эй қариндош,
Сени кўрдим(у) энди кўнгил мажруҳ бўлди.

**Ўзғурмишнинг Ўгдулмишга жавоби**

5851 Айтди: Эй қариндошим, йўлим (ўлимга томон) тўғриланаётир,
Ўлимнинг айғоқчиси [яъни касаллик] ёпишди, ўзим бориш
[яъни ўлиш] олдидаман.

5852 Сенинг юзингни бир кўрайин, деб
Бу ёққа чақирдим, сенга машаққат етди.

**Ўгдулмишнинг Ўзғурмишга жавоби**

5853 Жавоб берди Ўгдулмиш, айтди; Эй жон(им),
Инсон тирик бўлса, дард (ва) касал у билан юради.

5854 Кўнгилни ёмон қилма, тилингни йиғ.
Дард (ва) касаллик гуноҳ(лар) учун кафорат бўлади [яъни
гуноҳларни ювиш учун тўланадиган эваздир].

5855 Билимли сўзини эшитгин, у нима дейди,
Кўнглим ғуборини кўтарувчи билимдир:

5856 Сенга касаллик гуноҳ(лар) учун кафоратдир [яъни гуноҳларни
ювиш учун бериладиган эваздир],
Гуноҳсиз киши ким, менга айтиб бер.

5857 Одам касалланса, барча гуноҳ(лар)и тўкилади,
Гуноҳ(лар)ни тўкса, одам халос бўлади, эй баҳодир.

5858 Барча киши (ҳам) озми, кўпми гуноҳ қилади,
Гуноҳсиз киши бу дунёда нодирдир [яъни йўқ ҳисобидадир].

5859 Касаллик тузалади, соғайиб кетасан,
Гуноҳ(лар)инг арийди, манфаат топасан.

5860 Тилда нечоғлик номатлуб сўз(лар)ни юритасан,
Ўлишингни қаердан билдинг, эй кўнгли тўғри.



www.ziyouz.com kutubxonasi

### Од̇ғурмыш жавабы Өгдүлмишкә

5861 Йанут бэрди Од̇ғурмыш айды сабаб
Өлүмүг түшүмдә йаруқ қылды рабб

5862 Түшәдим түшүмдин ачылды мэңә
Өлүрүм уқулды мэңә эй тоңа

5863 Байат эд̇гү эсиз йурытса қаз̇а
Йарутур аны йатса түнлә уд̇а

### Өгдүлмиш жавабы Од̇ғурмышқа

5864 Йанут бэрди Өгдүлди[154] айды бу сөз
Йэмә эд̇гү эрмәс айа қылқы түз

5865 Өлүр эрсә игләб киши тэкмә иг
Киши қалмағарды бу йэрдә тириг

5866 Тириг йалңуқ оғлы игин игләр-өк
Нэчә иг өлүм бирлә кэсмәс бу көк

215б 5867 Түшәр-өк киши түш уд̇ыса йатыб
Аны йөргүчиләр йөрәр уз этиб

### Б а б. Өгдүлмиш Од̇ғурмышқа түш йөрүгисин айтур

5868 Бу түш ъилми билгү кэрәк ашну кэд̇
Йөрә билсә өтрү эд̇и сақну кэд

5869 Тэлим түрлүг-ул эмди түшкә йөрүг
Аны билгү барча э қылқы өрүг

5870 Билигсизкә айма түшүңни ача
Билиркә айыт түш айытма кэчә

5871 Кэчәки түшүңгә йөрүги ад̇ын
Йана көрсә күнд̇үз көрүги ад̇ын

5872 Бу түш ъилминга бақса шарты өкүш
Муны билгү ашну йэтүрсә уқуш



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Ўзғурмишнинг Ўгдулмишга жавоби

5861 Жавоб берди Ўзғурмиш, айтди: Сабаб (шуки),
Ўлимни рабб тушимда аён қилди.

5862 Туш кўрдим, тушимдан менга маълум бўлди,
Менга ўлишим тушунарли бўлди, эй баҳодир.

5863 Худо яхши ёки ёмон қазо юритадиган бўлса,
Кечаси ухлаб ётганда уни аён қилади.

## Ўгдулмишнинг Ўзғурмишга жавоби

5864 Жавоб берди Ўгдулмиш, айтди: Бу сўз (ҳам)
Шунингдек яхши эмас, эй феъли тўғри.

5865 Одам ҳар хил дард билан касалланиб ўлаверса,
Бу ерда тирик одам қолмаган бўларди.

5866 Тирик одам боласи дард билан касалланади,
Ҳамиша касаллик ўлим билан томирни кесмайди
[яъни ҳамма касал ҳам ўлавермайди].

5867 Одам ётиб ухласа туш кўради,
Уни таъбир қилувчилар яхшиликка йўйиб таъбир қилади(лар).

## Боб. Ўгдулмиш Ўзғурмишга тушни таъбир қилишни айтади

5868 Аввал бу туш (таъбир қилиш) илмини яхши билиш керак,
(Токи) сўнг жуда ўйлаб яхши таъбир қила билса.

5869 Ахир тушга таъбир ҳам туман-турли бўлади,
У(лар)ни мутлақ билиш керак, эй феъли равшан.

5870 Тушингни билимсизга очиб айтма,
Тушни биладигандан сўра, кечаси сўрама.

5871 Кечасидаги тушингга таъбири бўлакдир,
Яна кундузи (туш) кўрсанг, кўриши (кечасидагидан) бўлакдир.

5872 Туш (таъбири) илмига назар солсанг, (унинг) шарти талайдир,
Фаҳминг етса, аввал шу(лар)ни билиш керак.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5873 Тушуг йөрмәгү өз көңулчә көруб
Йэмә аймағу тэкмәләркә туруб

5874 Тушуг барча туш тэб тилин йөрмәгү
Бу тушнуң йөругн тэлим эй бөгү

5875 Тушуң йөрмә йөрсә билиг бирлә йөр
Қыйас маъни бирлә эди йэтру көр

5876 Киши туш тушәсә йөругкә барыр

Йөрә билмәсә тушнуң асғы қалыр

5877 Нэку тэр эшитгил э билги тэңиз
Бу сөз ишкә тутғыл қызартғыл мэңиз

5878 Йөругкә барыр туш тушуң йақшы йөр
Туби аслы билгил уқуш бирлә көр

5879 Нэ-тэг йөрсә тушни аның-тэг болур
Йаўуз йөрмә тушни сэңә қылға қор

216*а* 5880 Тэлим туш болур йэм ичимкә барыр
Йарағсыз йэмиш болса тэңсиз кэлир

5881 Тақы бир туш-ул көр бу йыл фаслынга
Бу табъы кучәниб барыр аслынга

5882 Йыл улги йаз эрсә кичиг эрсә эр
Қызыл көрсә барча йағыз көрсә йэр

5883 Аны қан кучәмиш болур бэлгулуг
Айу бэр қан алсу аңар улгулуг

5884 Йыл улги куз[155] эрсә тушәгли йигит
Сарығ ал тушәсә йа көркум өкит

5885 Сарығы кучәнмиш болур эй бөгу
Өзини бошутғу тараңбин йэгу

5886 Йыл улги куз эрсә эр эрсә орут
Қара көрсә тағ йа қудуғ көрсә өт



www.ziyouz.com kutubxonasi

5873 Тушни ўзингча кўнгилга келганича таъбир қилмаслик керак,
Ёки туриб ҳар кимга айтмаслик керак.

5874 Барча тушни туш деб тилда таъбир қилавермаслик керак,
Бу тушнинг таъбири кўпдир, эй доно.

5875 Тушингни таъбир қилма, таъбир қилсанг билим билан таъбир қил,
Қиёслаш, маъни бериш билан жуда тушуниб қара.

5876 Одам туш кўрса, (туш) таъбирга боради [яъни қандай йўйса,
ўшандай бўлади],
Йўя билмаса, тушнинг фойдаси қолиб кетади.

5877 Эшитгин, билими денгиз (каби киши) нима дейди,
Бу сўзни ишга татбиқ этиб, юзингни ёруғ қилгин:

5878 Туш йўйишга боради, тушни яхши йўй,
Тегини, аслини билгин, фаросат билан қарагин.

5879 Тушни қандай йўйсанг, ўшандай бўлади,
Тушни ёмон(ликка) йўйма, сенга зиён қилади.

5880 Талай туш бўлади, егулик (ва) ичгуликка боғлиқ бўлади,
Ярамас егулик бўлса, (туш) ҳунук келади.

5881 Тағин бир хил туш(лар) йил фаслига боғлиқ бўлади, кўр,
(Одамнинг) таъби [яъни мижози] кучайиб, (туш) шу асли
билан боғланади.

5882 Йил улуши [яъни фасли] баҳор бўлса, одам (ёши) кичик бўлса,
(Тушда) барча (нарсани) қизил кўрса, ерни кулранг кўрса,

5883 Муқаррар уни қон кучлаган [яъни қони ошган] бўлади,
Унга айтиб бер, тегишли миқдорда қон олдирсин.

5884 Йил фасли ёз бўлса, туш кўрувчи йигит бўлса,
Тушида сариқ, ол ё заъфарон, арғувон (ранглар) кўрса,

5885 Сафроси кучайган бўлади, эй доно.
Ўзини бўшатиши, тарангбин[85] истеъмол қилиши керак.

5886 Йил фасли куз бўлса, одам ўрта (ёшар) бўлса,
(Тушида) қора кўрса, тоғ ё қудуқ, кавак кўрса,



www.ziyouz.com kutubxonasi

5887 Бу савда кӳчәнмиш болур эй қад̇аш
От ичгӳ мәңәсин арытғу ад̇аш

5888 Қыш эрсә йана түш көрүгли қалы[156]
Ақар сув̇ түшәсә йа буз қа[157] толы

5889 Кӳчәнмиш болур көр аның балғамы
Исиг нәң йэтүргү ичүргү эми

5890 Тақы бири азғасу эҳлам болур
Бу түшкә йөрүг йоқ э қылқы үнүр

5891 Кэчә сақну йатса аны көрсә түш
Аңар ма йөрүг йоқ аның йанғы түш

5892 Тақы бир түш-ул көрсә йэкдин болур

Түшәгли аны көрсә сув̇қа йунур

5893 Йана пэшасин көрсә түштә көрәр
Аңар ма йөрүг йоқ э қылқы кӳр эр

5894 Муны барча билгү йэтүргү уқуш
Ад̇ырғу өд̇үргү анын йөрсә түш

216б 5895 Нэкү тэр эшитгил муъаббир ҳаким
Айытғу кэрәк эр түшәр эрсә ким

5896 Бу түш көрсә йөрмә билү билмәйү
Нэ-тэг йөрсә түшни болур анлайу

5897 Сақынч көрсә түштә йануты сэв̇инч
Сэв̇инч көрсә қад̇ғу булур йығлайу.

5898 Бир-өк йаңлығ эрмәс бу түшкә йөрүг
Муны кәд̇ сақынғу э қылқы өрүг

5899 Қара ъам түшингә йөрүги ад̇ын
Ад̇ын болды бэгләр түши көр ад̇ын
5900 Сэв̇инч көрсә түштә ойун йа бӳд̇иг
Сақынч қад̇ғуларға ачылды сэзиг
5901 Йана йығласа түштә көрсә сақынч
Эрәж бирлә ав̇нур булур миң сэв̇инч



www.ziyouz.com kutubxonasi

5887 Савдоси кучайган бўлади, эй қариндош,
Дори ичиши, мияси (димоғи)ни тозалаши керак, эй биродар.

5888 Қиш (фасли) бўлса ҳамда туш кўрувчи қари (бўлса),
Оқар сув ё муз, қор, жала тушига кирса,

5889 Унинг балғами кучайган бўлади, кўр,
Иссиқ(лик) нарса едириш, дори-дармон ичказиш керак.

5890 (Тушнинг) тағин бир (хил)и пойма-пой ва бетартиб бўлади,
Бу тушга таъбир бўлмайди, эй феъли афзун.

5891 Кечаси (бир нималарни) ўйлаб ётса, уни туш(да) кўрса,
Унга ҳам унинг баробарига мос келадиган таъбир йўқ.

5892 Тағин бир (хил) туш борки, уни кўрса, (бу туш) шайтондан бўлади,
Туш кўрувчи бу (туш)ни кўрса, сувга ювинади.

5893 Яна ҳунарини кўрса, тушида кўради,
Унга ҳам таъбир йўқ, эй феъли мағрур йигит.

5894 Бунинг барчасини билиш, фаросатни етказиш керак,
Ажратиш, сайлаш керак, шундагина туш таъбир қилса (бўлади).

5895 Таъбирчи, ҳаким нима дейди, эшитгин,
Ким туш кўрса, (уни) сўрайдиган одам керак:

5896 Туш кўрсанг, билиб-билмайин йўйма,
Тушни қандай йўйса, у шандай бўлади.

5897 Тушда алам кўрса, жавоби севинчдир,
Севинч кўрса, йиғлаб қайғу топади.

5898 Тушга таъбир бир хилгина эмас,
Буни яхши ўйлаш керак, эй феъли равшан.

5899 Қора авом тушига таъбири бўлакдир,
Беглар туши бўлак бўлади, (унга) бошқача(роқ) қара.

5900 Тушда севинч, ўйин, рақс(лар) кўрса,
Алам-қайғуларга шубҳа(ланиб юришга йўл) очилади.

5901 Яна тушда йиғласа, алам кўрса,
Роҳат билан шодланади, минг(лаб) севинч(лар) топади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5902 Йана түш болур көр йөрүги аның
Адынқа болур асғы болмас сэниң

5903 Қишикә көрүб йөрлүр эмди бу түш
Аңар йақшығ эрсә йағутур уқуш

5904 Түш-ул көр аны көрсә бэглик булур
Ул-оқ түш тақы бирни иглиг қылур

5905 Муны барча билгү кэрәк эй қадэш
Анын өтрү йөрсә түшүг эй адаш

5906 Нэкү-ул түшүңни мэңә ай ача
Аны мэн йөрайин көр адра сэчә

**Б а б. Одғурмыш Өгдүлмишкә түш көрмишин айур**

5907 Йанут бэрди Одғурмыш ачты тилин
Айур сөзләйин мэн көңүлкә алын

217*a* 5908 Шату көрдүм эллик аның бағнасы
Йүз отру уруғлуғ адыз ҳам йасы

5909 Аңар ағдым эмди бирәр бағнача
Башынгә тэги бағна садым нэчә

5910 Башында бир атчы мэңә сув бэрүр
Алыр-мә түгәтү ичиб өз қанур

5911 Анында баса көккә учтум тэгиб[158]
Өзум бэлгүсүз болды өрләб сиңиб

**Б а б. Өгдүлмиш Одғурмыш түшиңгә таъбирын кэрәки-тэг айур**

5912 Йанут бэрди Өгдүлмиш айды бу түш
Эди эдгү түш-ул көр асғы өкүш

5913 Нэлүг өзкә тэңсиз йөрәр-сә йөрүг
Йөрүгкә барыр түш э көңли өрүг

5914 Ағыш барча түшдә ағырлық болур
Ағары тэңинчә улуғлуқ болур



www.ziyouz.com kutubxonasi

5902 Яна (шундай) туш бўлади(ки), назар сол, таъбири
Ўзгалар учун бўлади, фойдаси сеники бўлмайди.

5903 Энди бу туш одамига қараб таъбир қилинади,
Унга яхши (таъбир)ни (айтиладиган) бўлса, фаросат
яқинлаштиради.

5904 Туш шундайки, назар сол, уни (бир одам) кўрса, беглик топади,
Шу тушнинг ўзгинаси бошқа бир (киши)ни хаста қилиб қўяди.

5905 Бу(лар)нинг барчасини билиш керак, эй қариндош,
Шундан сўнг тушни йўйиса (бўлади), эй биродар.

5906 Қанақа, ўша тушингни менга очиб айт,
Уни мен ажратиб, тўғри ҳал қилиб таъбир қиламан, назар сол.

**Боб. Ўзғурмиш Ўгдулмишга туш кўрганлигини айтади**

5907 Жавоб берди Ўзғурмиш, (сўзга) тилини очди,
Айтди: Мен сўзлайин, (сен) кўнглингга жо қил.

5908 Нарвон кўрдим, унинг поғонаси элликта (эди),
Тиклаб қўйилган, баланд ҳамда кенг (эди).

5909 Энди бир-бир поғона босиб, унга кўтарилдим,
Бошигачайин бир нечта поғона санадим.

5910 (Нарвоннинг) бошида бир отлиқ менга сув берди,
(Уни) олиб, тугатиб ичиб, ўзим қондим.

5911 Шундан сўнг кўкка ҳаволаб учдим,
Юқорилаб, ўзим сингиб кўринмай кетдим.

**Боб. Ўгдулмиш Ўзғурмишнинг тушига таъбирини (қандай бўлиши) керагидек айтади**

5912 Жавоб берди Ўгдулмиш, айтди: Бу туш,
Жуда яхши тушдир, кўр, фойдаси кўпдир.

5913 Қандай қилиб таъбирни ўзингга номуносиб равишда қиласан,
Туш йўйишга боради, эй кўнгли оқ.

5914 Тушда барча кўтарилиш қадр бўлади,
(Одам) кўтарилиши баробарида улуғлик бўлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5915 Нэчә ағса түштә ағар қут қывы
Ағырлық булур кәд булур йүз сувы

5916 Шатуқа ағар-тэг ағар-ул қуты
Улуғлуқ биләэлдә йадлур аты

5917 Мунуқы бу сөзкә тануқ кэлди сөз
Түшүг йөргүчи түш йөрүб қодты уз

5918 Шату түштә ъизз-ул ағары йаңы
Бирәр бағна сайу ағырлық өңи

5919 Нэчә ағса анча ағырлық булур
Ажун малы қут қыв булур өз өңи

5920 Ыдышлығ сувуғ сэн алыб ичтүкүң
Тириглик узун болға йылдыз көкүң

217б 5921 Учуб көккә өрләб түгәл ағдуқуң
Тиләк бэргә тэңри нэкү қулдуқуң

**Баб. Ул-оқ түшни Одғурмыш адын түрлүг йормақыны айур**

5922 Йанут бэрди Одғурмыш айды сөзүм[159]
Йөрүги бу эрмәс эй эшим түшүм

5923 Өзүң көрмиш эрсә бу түшни йатыб
Йөрүги ул эрди ким айдың этиб

5924 Сэниң ҳимматың барча дунйа турур
Бу дунйа тиләгли бу дунйа булур

5925 Мэниң бу өзүм қачты дунйа қодуб
Бу йэрда турур-мэн көр эмгәк йүдүб

5926 Түгәл йөрмәдиң түш йөрүгин мэңә
Эшитгил бу түш мэн йөрәйин сэңә

**Өгдүлмиш Одғурмышқа[160] түш таъбирын айур валлам**

5927 Эдиз бағналығ мэн шату көрдүкүм
Тириглик турур эй қадаш йөрдүкүм



www.ziyouz.com kutubxonasi

5915 **Тушда** қанча кўтарилса, бахт-давлати зиёда бўлади,
**Яхши** ҳурмат, юз суви [яъни обрў] топади,

5916 **Бахти** нарвонга кўтарилганидек кўтарилади [яъни ортади],
**Улуғлик** билан элда оти ёйилади.

5917 **Мана,** бу сўзга далил учун (ушбу) сўз (мос) келди,
**Тушни** йўювчи тушни яхши йўйиб қўйибди:

5918 **Нарвон** тушда кўтарилиши баробарида азизликдир,
**Биттадан** поғона санаб (кўтарилиш) ҳурмат белгисидир.

5919 **Қанча** кўтарилса, (шунча) ҳурматга эришади,
**Ўз** қаршисида дунё моли, бахт-саодат топади.

5920 **Идишдаги** сувни сен олиб ичганлигинг(нинг оқибати),
**Тириклик** илдизинг, негизинг узун бўлади.

5921 **Кўкка** юқорилаб бутунлай кўтарилишинг(нинг оқибати),
**Нимаики** истаган тилак(ларинг)ни тангри беради.

### Боб. Худди ўша тушни Ўзғурмиш бошқача(роқ) таъбир қилишини айтади

5922 **Жавоб** берди Ўзғурмиш, айтди: Тушим(нинг)
**Таъбири** бу(ндай) эмас, эй эшим-тушим.

5923 **Бу** тушни ётиб (сен) ўзинг кўрганингда эди,
**Таъбири** шундай бўлардики, сен чиройли қилиб айтдинг.

5924 **Сенинг** ҳимматинг барчаси (бу) дунёдир,
**Бу** дунёни истовчи бу дунёга эришади.

5925 **Менинг** ўзим (бу) дунёни тарк этиб, (ундан) қочганман,
**Машаққат** чекиб бу ерда турибман, кўр.

5926 **Менга** туш таъбирини тугал йўймадинг,
**Эшитгин,** бу тушни сенга мен таъбир қилайин.

### Ўзғурмиш Ўгдулмишга туш таъбирини айтади валлам

5927 **Мен** баланд поғонали нарвон кўрганлигим,
**(Менинг)** таъбир қилишимча, тирикликдир, эй қариндош.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5928 Шатунуң башынга тэги йуқладым
Йашымны түгэттим тириглик йэдим

5929 Башынга мэн ағыб ул атчы кэлиб
Мэңә бэрдүки сувны ичтим алыб

5930 Ул атчы турур көр аталығларығ
Атасыз қылығлы эй аслы арығ

5931 Ул атчы турур көр этилмишләриг
Бузуғлы йурытмағлы жанлығ тириг

218*а* 5932 Ыдышлығ турур[161] мэн түгәл ичмишим
Тирикликкә йөрдүң узаттың йашым

5933 Тириглик болур сув сэн аймыш-тэг өг
Йарым ичсә қалса йарыми үлүг

5934 Йарым сув ичиб қодтум эрсә йарым
Йарым қалғай эрди тирикликләрим

5935 Ыдышлығ сувуғ ичтим эмди түгәл
Түгэттим тириглик эсән эдгү қал

5936 Нэкү тэр эшитгил уқушлуғ бөгү
Бөгүләр сөзин сөзкә ул түб тэгү

5937 Ыдышлығ сувуғ түштә ичсә йарым
Түгәди тириглик йарымы бэрим

5938 Қалы ичсә сувны түгэтү түгәл
Түгәди тириглик қазылды қарым

5939 Йуқару учуб бу өзүм тэңдүки
Йашыл көккә өрләб тэңиб сиңдүки

5940 Сүзүг жан турур-ул бу кэпдин чықыб
Йана йанды кэлмәс йэрингә ағыб

5941 Байат түштә билгүртти эмди мэңә
Өлүмкә анунғу кэрәк эй тоңа

5942 Бу түшнүң йөрүги бу йаңлығ турур
Адынсығ йөрәр-сә мэңә эй үнүр.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5928 Нарвоннинг бошигачайин юқориладим (бунинг сабаби),
Ёшимни тугатдим, тирикликни [яъни ризқни] едим.

5929 (Нарвоннинг) бошига мен кўтарилиб, у отлиқ келиб,
Менга берган сувни олиб ичдим.

5930 У шундай отлиқки, оталиларни
Отасиз қилувчидир, эй асли тоза.

5931 У шундай отлиқки, кўр, ободликларни
Бузувчи, жонли, тирик(лар)ни юритмовчидир.

5932 Идишдаги сувни мен тугал ичганлигим(ни)
Тирикликка йўйдинг, ёшимни узун қилиб кўрсатдинг.

5933 Сув сен айтганингдек, тириклик бўлади,
(Агар унинг) ярмини ичса (ва) ярим қисми қолса.

5934 Сувнинг ярмини ичиб, ярмини қолдирганимда эди,
Тирикликларимнинг ярми қолган бўлар эди.

5935 Идишдаги сувни (эса) энди мен тугал ичдим,
Тирикликни тугатдим, эсон (ва) яхши қол.

5936 Заковатли, доно нима дейди, эшитгин,
Донолар сўзини сўзга моя, асос деса бўлади:

5937 Тушда идишдаги сувнинг ярмини ичса,
Тирикликнинг ярим берими тугайди.

5938 Агар сувни тугал тугатиб ичса,
Тириклик (бутунлай) тугайди, чуқур қазилади.

5939 Юқорига учиб, ўзимнинг осмонга кўтарилганим,
Яшил кўкка кўтарилиб, ҳаволаб сингганим(нинг мазмуни),

5939 Бу учувчи жондир, у ғилофдан чиқиб,
(Ўз) жойига тушиб, яна қайтиб келмайди.

5941 Энди менга худо тушда аён қилди,
Ўлимга ҳозирланиш(им) керак, эй баҳодир.

5942 Бу туш(им)нинг таъбири бу янглиғдир,
Сен (уни) менга бошқача таъбир қилаётирсан, эй униб ўсувчи.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5943 Сэн эдгү қылур-сэ мэниң көңлүми
Өлүм отру кэлди оты йоқ эми

5944 Бақа көргил эмди э көңли тириг
Өлүм күтки қылды йағыз йэрлэриг

5945 Нэчэ қаршы орду бэзэклиг сарай
Өлүм бузды барча туру қалды ҳай[162]

5946 Нэчэ күр күвэнүр бэдүг бэглэриг
Өлүм йэркэ суқты бақа көр тириг[163]

218б 5947 Нэчэ күч тилэклиг[164] йумытмышларығ
Өлүм тутты сачты йыратты арығ

5948 Таң эрмэс өлүм туғса йалңуқ өлүр
Қамуғ тын тоқығлы өлүмкэ турур

5949 Таңы бу турур бу өлүгли эт өз
Өлүмүг унытыб қодур тилдэ сөз

5950 Осайуқ бу йалңуқ билир өлгүсин
Өзиндин кэтэрмэс осаллық усын

5951 Өлүм ҳаққ турур көр кэчиш йоқ адын
Нэкү эрки ҳалым өлүмдэ кэдин

5952 Сақынчым бу-ул эй көңүлдэш эшим
Өлүмдэ кэдин тэңри этсү ишим

5953 Барын таб қылыб мэн кэчүрдүм күнүм
Эрэж эмгэк артты йаруды түнүм

5954 Элиг қысға туттум тавар тэрмэдим
Ҳава арзуларқа көңүл бэрмэдим

5955 Бу күнкэ сақындым өзүм йүклэрин
Йэнитмэк тилэдим йазуқум барын

5956 Нэкү тэр эшитгил билиг бэргүчи
Бағырсақ бу өт сав ириг бэргүчи

5957 Осанма қатығлан йүкүңни йэнит
Йолуң қылда йинчкэ өзүңни көнит



www.ziyouz.com kutubxonasi

5943 Сен менинг кўнглимни юпатаётирсан,
(Лекин) ўлим рўпара келди, (унинг) дори-дармони
[яъни иложчораси] йўқ.

5944 Энди назар солиб кўргин, эй кўнгли тирик,
Кулранг (яъни қора) ерларни ўлим уюм-уюм қилиб юборган.

5945 Қанча (дан-қанча) қаср, ўрда, безакли сарой(лар)ни,
Ўлим бузди, барчаси туриб қолди [яъни вайрон бўлиб қолиб
кетди], эвоҳ.

5946 Қанча(дан-қанча) шижоатли, мағрур, буюк бегларни,
Ўлим ерга тиқди, назар солиб кўр, (эй) тирик.

5947 Қанча (дан-қанча) зўрға жамланганларни,
Ўлим тутди, сочди, пок-покиза пароканда қилди.

5948 Ўлим ажаб эмас, одам туғилса, ўлади,
Ҳамма нафас урувчи ўлим учун (яратилган)дир.

5949 Ажаби шудирки, бу ўладиган тану жон,
Ўлимни унутиб, тилдан сўзини [яъни тавбани] тарк этади.

5950 Ғофил бу инсон ўлишини билади(ю),
Ғафлат уйқусини ўзидан кўтармайди.

5951 Ўлим ҳақдир, кўр, ўзга чора йўқ,
Ўлимдан кейин ҳолим нима кечар экан.

5952 (Еяётган) ғамим шудирки, эй кўнгилдош дўстим,
Ўлимдан кейин тангри иш(лар)имни ўнгласин.

5953 Борига қаноат қилиб, мен кунимни кечирдим,
Роҳат (ва) меҳнат ортди, туним равшанлашди.

5954 Қўлни қисқа тутдим, мол-товар (йиғиб) термадим,
Ҳавас- орзуларга кўнгил бермадим.

5955 Ўз юкларимни (мана) шу кунга мўлжаллаган эдим,
Барча гуноҳларимни енгиллатмоқни истаган эдим.

5956 Таълим берувчи нима дейди, эшитгин,
Меҳрибон, (уш)бу ўгит, ҳикмат, насиҳат(лар)ни берувчи (киши):

5957 Ғофил бўлма, ҳаракат қил, юкингни енгиллат,
Йўлинг қилдан (ҳам) нозикдир, ўзингни ростла.


www.ziyouz.com kutubxonasi

5958 Бу күн йатма эмгәб ишиңни этин

Кәчәр эмгәкиң сэн көчәрдә уныт

5959 Йана айды эй чын бағырсақ қадаш
Барыр-мэн уду сэн кэлир-сэн адаш

5960 Сэңә қач ағыз бу өзүм сөзләйин
Унытма сэн аны мэниңдә кэдин

5961 Тиригдә бағырсақ өзүм болсуны
Өзүмдә кэдин бу сөзүм қалсуны

219а 5962 Сөзүм бу осал болмағыл эй қадаш
Эсизкә тириглик йава қылма йаш

**Баб. Одғурмыш Өгдүлмишкә панд бэрмишин айур**

5963 Көни бол[165] йитүрмә көнилик йолын
Бу йол элтгә арзу тиләккә йылын

5964 Бағырсақ болун барча тынлығ үзә
Тапуғ қыл байатқа көңүл тил түзә

5965 Сақынч қысға тутғыл тапуғ қыл узун
Эвәрдә амул бол бушарда түзүн

5966 Өлүмлүг унытма этигиң қылын
Өзүңни унытма түб аслың билин

5967 Қарағурма дунйага суқлуқ қылыб
Қалыр бу барыр-сә өкүнчүн улыб

5968 Байат ҳукмы тапла нэкү кэлсә йүд
Будунқа асығ қыл болу бэрсә йүд

5969 Көни сөзлә қавлуң түгәл қыл бүтүн
Болур қавлы йалған кишиләр отун

5970 Күләр йүз исиг сөз қылынч эдгү тут
Болу бэргә өдләк кэлү бэргә қут



www.ziyouz.com kutubxonasi

5958 Бу (ўлим) куни қийналиб ётма, (олдиндан) ишингни битир
[яъни ҳозирлигингни кўр],
Ўтиб кетадиган машаққат(лар)ингни сен кўчар пайтида
унут [яъни ўлим пайтида қийналма].

5959 Яна айтди: Эй чин меҳрибон қариндош,
Бораётирман [яъни ўлаётирман], орқама-орқа сен келасан
[яъни ўласан], (эй) биродар.

5960 Мен сенга (бир) қанча оғиз (сўз) сўзлайин,
Мендан кейин сен у(лар)ни унутма.

5961 Тирикликда меҳрибон (менинг ўзим) бўлайин,
Ўлимдан кейин (эса меҳрибон) бу сўз(лар)им бўлсин.

5962 Сўзим бу(ки), ғофил бўлмагин, эй қариндош,
Ярамас (ишлар) учун тириклик (ва) ёш(инг)ни беҳуда қилма.

**Боб. Ўзғурмиш Ўгдулмишга панд беришини айтади**

5963 Тўғри бўл, тўғрилик йўлини йўқотма,
Бу йўл йилин орзу-тилакка элтади.

5964 Барча нафаслилар [яъни жонлилар] узра меҳрибон бўл,
Худога тоат-ибодат, қил, кўнгил, тилни тузат.

5965 Ҳасратни қисқа тутгин, узоқ тоат-ибодат қил,
Шошар пайтида сокин бўл, ғазаб пайтида мулойим (бўл).

5966 Ўлимни унутма, ҳозирлигингни қил,
Ўзингни унутма, тег, аслингни бил.

5967 Дунёга суқлик қилиб кўз ташлама,
Бу (дунё) қолади, сен ўкинч билан йиғлаб кетасан.

5968 Худонинг ҳукмига рози бўл, нима (бошингга) келса, кўтар,
Халққа манфаат қил, имконият бўлса, (қийинчиликларни) ўз
устингга ол.

5969 Тўғри сўзла, қавлингни тугал (ва) бутун қил [яъни ваъдангнинг
устидан чиқ],
Қавли ёлғон кишилар тубан бўлади(лар).

5970 Қулар юз, иссиқ сўз (бўл), феъ-атворингни яхши тут,
Даврон кулиб боқаверади, қут келаверади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5971 Ақы болғыл алчақ туз этмәк йэтүр
Қиши ъайбы ачма сэн өртүб йитүр

5972 Ҳава басғыл өвкәң кэлир эрсә йығ

Этөз эгри йолқа барыр эрсә йығ

5973 Өзүң асғы қулма будун асғы қул
Йудүрмә йүк элкә өзүң йүкчи бол[166]

5974 Таварың барын қыл өзүңгә йулуғ
Будунуғ сэвиндүр э билги улуғ[167]

219б 5975 Эди йақшы аймыш кэр өдрүм талу
Билиглиг уқушлуғ мэңәси толу

5976 Асығлық киши-ул киши өдрүми
Бағырсақ киши-ул киши көдрүми

5977 Қишилик аты көр эки нәң турур
Бағырсақ бири бир ақы нәң бэрүр

5978 Тақы мунда йэгрәк айур көр уқуш
Уқуш йолы тутса асығлар өкүш

5979 Ақы тэб айурлар қайу-ул ақы
Ақы жан йулуғлаб өтәр эр ҳақы

5980 Ақылық ул эрмәс үләсә күмүш
Ақы жаны халққа қылур-ул йулуш

5981 Ақытса ақы эр будунқа тавар
Ақа йығлу тэрлүр аңар халқ эвәр

5982 Эки нәң турур дунйа аты жавы
Бири нәң тавар-ул бири йүз суві

5983 Бу экки булуб миң йашаса түгәл
Өлүм тутса ахир адын болғу ҳал

5984 Қара тапса[168] бэгләр бэдүйүр қопар
Үзәңү бар эрсә чигән бэрк қапар

5985 Бу-ул дунйа давлат қаранын қуры
Булунмас булунса болур бэг қары



www.ziyouz.com kutubxonasi

5971 Сахий, назокатли бўл, тузу нон едир,
Одам(лар) айбини очма, сен (бу айбни) пардалаб яшир.

5972 Ҳавасни босгин, ғазабинг келадиган бўлса, (ўзингни) йиғ.
[яъни тий],
Тану жон эгри йўлга юрадиган бўлса, йиғ [яъни тий].

5973 Ўз манфаатингни кўзлама, халқ манфаатини кўзла,
Элга юк кўтартирма, ўзинг юкчи бўл.

5974 Мол-товаринг борини ўзинг учун бахшиш қил,
Халқни севинтир, эй билими улуғ.

5975 Сара, танланган (киши) жуда-жуда яхши айтибди, кўр,
Билимли, заковатли, мияси тўла (киши):

5976 Манфаатли киши кишиларнинг сарасидир,
Меҳрибон киши кишиларнинг улуғидир.

5977 Кишилик оти икки нарсадан иборатдир, кўр,
Бири—меҳрибон, бири—сахий, нарса берадиган.

5978 Заковат бундан тағин ҳам яхшироқ айтади кўр,
Заковат йўлини тутсанг, манфаатлар беҳисобдир:

5979 Сахий, деб айтадилар, ўша сахий қайси,
Сахий жон фидо қилиб, одам(лар) ҳақини ўтайди.

5980 (Агар) кумуш улашса, у сахийлик эмас,
Сахий халққа жонини фидо қилади.

5981 Сахий одам халққа мол-товарни (сувдек) оқизса,
Унинг атрофига халқ шошилади, (сувдек) оқиб, йиғилиб келади.

5982 Дунёнинг шуҳрати, овозаси икки нарса(дан иборат)дир,
Бири — нарса-товар, бири — юз суви (яъни обрў)дир.

5983 Бу иккаласига эришиб минг (ёшни) тугал яшаса,
Охири ўлим тутганда, аҳвол бўлакча бўлади.

5984 Авом севиб хизмат қилса, беглар буюклашади, кўтарилади,
Узанги бор бўлса, (отлиқ) жиловни маҳкам тутади.

5985 Дунё-давлат, банданинг эришадиган даражаси — шу,
(Унга) етишиб бўлмайди, етишганда (эса) бег қариб қолади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5986 Өзүң көчгү атың сэниң көчгүн-ул
Көчүтчи өлүм кэлгү ахир күн-ул

5987 Көчүгли киши этмәс орду сарай
Йурығлы киши йолда қалмас йыл ай

5988 Өзүңни йол өткән сақын эй қад̇аш
Сэв̇инч қылма артуқ йазуқ тутма қаш

220a 5989 Кэчигли турур бу аж̇ун қалғусуз
Өлүгли турур өз күни бэглүсүз[169]

5990 Анунмыш турур бу өлүм тармақы
Осаныб йурырда иләр қармақы

5991 Бу дунйа аш-ул бир бу аш йэглиниң
Атыны сэн-өк ай шатым[170] йоқ мэниң

5992 Тиләк арзу сүрмә ҳаваңны йығын
Кишиг соңдамағыл тилиң қыл ағын

5993 Нэкү тэр эшитгил э көңли уд̇уғ
Бу сөз ишкә тутса тоқынмас йуд̇уғ

5994 Тиләк арзу сүрмәк эд̇и кәд̇ татығ
Татығ айтығы бар йарынлық қатығ

5995 Татығқа татығсыз сүчүгкә ачығ
Ағышқа иниш-ул эд̇изкә батығ

5996 Түгәл қыз қылынчлығ турур бу ажун
Сэни армасуны қылқы түзүн

5997 Тэлим йэлкә бэрди сэни-тэгләриг
Кэчүрди элиг-тэг тэлим бэгләриг

5998 Көз ачты силәркә бу бэрди әлиг
Осал болмағыл сэн э қылқы силиг

5999 Нэкү бэрди эрсә йана алғай-оқ
Нэчә тэрди эрсә йана сачғай-оқ

6000 Нэчә күлсә ахир йана сыхтатур
Нэчә этсә эв̇рә бузар артатур



www.ziyouz.com kutubxonasi

5986 Ўзинг кўчувчи, сенинг отинг (эса) кўчманчидир,
Охири (бир) кун кўчирувчи ўлим келади.

5987 Кўчувчи киши ўрда, сарой(лар) бино қилмайди,
Юрувчи киши йўлда йил, ой(лаб) қолмайди.

5988 Ўзингни йўл ўтган (яъни сафари қариган) ҳисобла, эй қариндош,
Севинчни ортиқ(ча) қилма, қошингни ёзиқ тутма [яъни шодланма].

5989 Бу дунё ўткинчидир, (у) қолмайди,
Жон ўлувчидир, (ўладиган) куни номаълум.

5990 Ўлимнинг тирноғи (доим) ҳозирланган бўлади,
Ғафлатга ботиб юрганда, қармоғи илади.

5991 Бу дунё бир таомдир, бу таомни еювчининг
Отини сен айт, менинг (айтишга) журъатим йўқ.

5992 Тилак-орзу сурма [яъни кетидан қувма], ҳавасингни тий,
Одам(лар)ни ғийбат қилма, тилингни гунгу лол қил.

5993 Эй, кўнгли ҳушёр (киши) нима дейди, эшитгин,
Бу сўзга амал қилсанг, машаққат тегмайди:

5994 Тилак-орзу суриш жуда ҳам ширин,
(Лекин) шириннинг эртанги қаттиқ сўроғи (ҳам) бор.

5995 Ширинга—бемаза, чучукка—аччиқ,
Кўтарилишга — тушиш, баланд(лик)ка — паст(лик) бор.

5996 Бу дунё тугал қиз қилиқли [яъни ўзига жалб қилувчи]дир,
(У) сени авраб қўймасин, эй феъли тўғри.

5997 Кўплаб сенга ўхшаганларни барбод бергандир,
Элиг каби талай бегларни ўтказиб юборгандир.

5998 (У) сизларга кўз очиб қаради, қўл берди,
Сен ғофил бўлмагин, эй феъли гўзал.

5999 Нима берган бўлса, яна албатта олади,
Нима терган бўлсанг, яна албатта сочади.

6000 Қанча кулсанг (ҳам), охири яна йиғлатади,
Қанча гуллатиб-обод қилса (ҳам), қайта бузади, вайрон қилади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

6001 Қылықы жафа-ул қылынчы отун
Йаруқлуқы азрақ өкүши тутун

6002 Бэзәнүр кишикә өзин көргитүр
Көңүл бэрдиң эрсә адақ бэркитүр

6003 Шакар бирлә игдүр бэрүр кэн ағу
Йайығ қут қылынчы бу-ул эй бөгү

220б 6004 Нэкү тэр эшитгил сақынуқ башы
Сақынғыл э давлат идиси киши

6005 Қалыр дунйакә бэрмә сақлан көңүл
Жафачы турур бу э қылқы амул

6006 Эди йақшы аймыш көр өдрүм талу
Билиглиг уқушлуғ хирады толу

6007 Йайығ қутқа илниб йаңылма йорық
Ынанчсыз турур қут көр эврәр қылық

6008 Көликә турур дунйа давлат көни
Көликә бир-өк йэрдә турмас күни

6009 Диниңни ағыр тут бу дунйаң ужуз
Ағыр қылға диниң э билги өкүз

6010 Эрәжкә аԝынма сэвинмә сақын
Байат йады бирлә тапуғ-қыл бақын

6011 Эсүртмәсү давлат сэни эй қадаш
Адылдуқта шаксиз көзүң толға йаш

6012 Нэкү тэр эшитгил бу будун бэги
Сынаб сөзләмиш сөзни йэтлиб өги

6013 Қими арса давлат эсүртсә кэлиб
Йағыз йэрдә йазлур йүрәки улыб

6014 Улуғлуққа эсриб ким ахсумласа
Қара йэр қатында қынын йэр баса

6015 Йигитлик йа байлық бу қут эсрүки
Сүчиг эсрүкиндә батар эй бэги



www.ziyouz.com kutubxonasi

6001 Феъли — жафо, қилмиш(лар)и тубандир,
Ёруғлиги озроқ, аксарияти тутундир.

6002 Безанади, одамга ўзини кўрсатади [яъни кўз-кўз қилади],
Кўнгил бергудек бўлсанг, оёқни (маҳкам) тирайди.

6003 Шакар билан парваришлайди, кейин оғу беради,
Бевафо қутнинг феъли — мана шу, эй доно.

6004 Мулоҳазали(лар) боши нима дейди, эшитгин:
Эй давлат соҳиби (бўлган) киши, мулоҳаза юритгин.

6005 Қолиб кетадиган дунёга кўнгил берма, сақлан,
Бу (дунё) жафочидир, эй феъли барқарор.

6006 Сара, танланган (киши) жуда яхши айтибди, кўр,
Билимли, заковатли, ақли етук (киши):

6007 Бевафо қутга илашиб йўл-йўриқдан адашма,
Қут инончсиздир, кўр, (у) йўриғини ўзгартиради.

6008 Чиндан дунё, давлат (мисли) кўланкадир,
Кўланка (эса) куни билан биргина ерда турмайди.

6009 Динингни қадрли тут, бу дунёнгни (эса) қадрсиз тут,
Дининг сени қадрли қилади, эй билими дарё.

6010 Фароғатга маҳлиё бўлма, севинма, ўйла,
Худо ёди билан тоат-ибодат қил, назар сол.

6011 Давлат сени маст қилмасин, эй қариндош,
Ҳушёр тортган пайтда, шубҳасиз кўзинг ёшга тўлади.

6012 Халқнинг беги нима дейди, эшитгин,
(У) ақли етиб, сўзни синаб сўзлагандир:

6013 Давлат келиб кимни авраса, маст қилиб қўйса,
Қора ер қаърида чириганда ҳушига келади.

6014 Улуғликка маст бўлиб ким нолойиқ ишларни қилса,
Сўнг қора ер остида азобини тортади.

6015 Йигитлик ё бойлик, яна давлат мастлиги,
Ичимлик мастлигидан баттар, эй мустаҳкам (иродали).



www.ziyouz.com kutubxonasi

6016 Эсүрсә қалы борчы борны ичиб
Уд̇ыб қопса ад̇лур усында кэчиб

6017 Бу давлат эсүртсә ад̇ын ад̇нумас
Өлүм тутмағынча уд̇ыр уд̇нумас

6018 Атың болды қул қылма бэгләр иши
Өзүң қуллуқы қыл эй эд̇гү киши

221a 6019 Тэлим қалғу эрмәс тиригил[171] күни
Узун барғу эрмәс улуғлуқ үни

6020 Нэчә миң йашаса өз өлгү турур
Улашмыш этөзләр үзүлгү турур

6021 Муңар мэңзәр эмди эшит бу сөзүг
Көңүлкә алынғыл эв̇үрмә йүзүг

6022 Тиләк арзу нэъмат түгәл йэсә-сэн
Тириглик сув̇ын сэн булуб ичсә-сэн

6023 Сунуб тутсә әлгиң агар көк кури
Башың көккә тэгсә йана йэрдә-сэн

6024 Көни сөзләйин сөз сэңә эй қад̇аш
Нэкү кэзләйин мэн э көңли түдәш

6025 Қалы сэв̇мәс өз көр бу дунйа нәңин
Тү нэъмат талу йүз қылынчын йаңын

6026 Эрәж арзу нэъмат бу қод̇мақ қамуғ
Йайығ дунйа йапты мэңә бу қапуғ

6027 Байатдын йыратур бу дунйа кишиг
Тыд̇ар қылдру ыд̇мас бу эд̇гү ишиг

6028 Бу қорқынч үчүн билгә дунйа қод̇уб
Ажун тэзгину йүгрүр эмгәк йүд̇үб

6029 Қайу тағда йүгрүр өңүрдә эв̇и
Йэми от көки ичгү йағмур сув̇ы

6030 Қайусы бийабанда йүгрүр эңиб
Байатқа бу қорқу сақынчын сызыб



www.ziyouz.com kutubxonasi

6016 Агар ичувчи ичимликни ичиб маст бўлса,
Ухлаб турса, (мастлиги) уйқусида ўтиб, ҳушёр тортади.

6017 Бу давлат маст қилса, (одам) бўлак ҳушёр тортмайди,
Ўлим тутмагунча ухлайди, уйғона олмайди.

6018 Отинг қул бўлди, беглар ишини қилма,
Ўз қуллигингни қил, эй яхши киши.

6019 Тириклик кунлари кўп қоладиган эмасдир,
Улуғликнинг шуҳрати узоқ борадиган эмасдир.

6020 Неча минг (ёш) яшасанг (ҳам), ўзинг охир ўласан,
Уланиб кетган тану жонлар узилади.

6021 Энди бу сўзни эшит, (у) бунга жуда мос келади,
Кўнгилга жой қилгин, юзингни ўгирма:

6022 Тилак, орзу, неъматлардан сен тугал баҳраманд бўлсанг ҳам,
Тириклик сувини [яъни оби ҳаёти] сен топиб ичсанг (ҳам).

6023 Қўлингни суниб агар осмон гумбазини тутсанг (ҳам),
Бошинг кўкка етса (ҳам), бари бир (ўзинг) яна ерда бўласан.

6024 Сенга сўзни тўғри сўзлайин, эй қариндош,
Нимани яширайин мен, эй кўngли ҳамоҳанг.

6025 Киши бу дунё нарсаларини қанақасига севмайди, кўр,
Анвойи неъматлари, гўзал юзлилари, (уларнинг ёқимли)
қилиқлари, тарзи рафторларини.

6026 Роҳат, орзу-неъмат(лар)ни бутунлай тарк этмоққа (сабаб),
Бевафо дунё менга бу эшикни ёпди.

6027 Бу дунё одамни худодан узоқлаштиради,
Эзгу иш(лар)ни қилдириб қўймайди, тияди [яъни қайтаради].

6028 (Мана) шу хавфдан доно(лар) дунёни тарк этиб,
Оламни кезиб, машаққат чекиб елиб-югуради.

6029 Баъзиси тоғ(лар)да югуради, уйи ғор(лар)да,
Овқати — ўт [яъни ўсимлик] томири, ичадигани — ёмғир сувидир.

6030 Баъзиси биёбон(лар)да гангиб югуради,
Худодан қўрқиб, қайғу билан азият чекиб (юради).



www.ziyouz.com kutubxonasi

6031 Қайусы өрүм кэд̇ти бүкри уча
Қайу йэр кэзәр бу көзи йаш сача

6032 Қайусы йэмәс аш өзин сызғурур
Қайу түнлә йатмас адақын турур

6033 Бу йаңлығ йурылар уд̇унмыш киши
Уд̇ымыш турур-миз осайуқ башы

221б 6034 Сэн эмди көд̇әзгил өзүң эй қад̇аш
Сэниң болды дунйа өзүң болды баш

6035 Ҳава бас уқуш бирлә нафс бойны сы
Бу-ул эр нишаны уқуш бэлгүси

6036 Бу экки билә эр йоқад̇ур күчүн
Муңар ким болун болса эмгәр өчүн

6037 Мунуқы барыр-мә бу күн ад̇рылыб
Сэниң ма йолуң бу кэл эд̇гү қылыб

6038 Эсизкә қатилма қылынч эд̇гү тут
Эсиз экки ажун қылур өзкә йут

6039 Нэкү тэр эшит көңли басмыш киши
Өлүмдә үзә ишин этмиш киши

6040 Эсизкә йүрәклиг айа боғрағу
Эсиз қылма эсиз йэми-ул ағу

6041 Айа кэң йорықлығ буд̇ун өгтәми
Өлүм бузғалыр көр тириглик тамы

6042 Айа мэн тэгүчи мэни сэв̇ мэни
Өлүмкә анунғыл йанур кәд̇ сэни

6043 Айа ач көзи суқ бу дунйа қулы
Өлүм суқланур көр сэни тутғалы

6044 Айур эй қад̇ашым барыр-мэн муңун
Эки нәңгә артуқ ачыр-мэн бу күн

6045 Бири-ул байат тапғы мэндин қалыр
Экинчи ид̇им йад̇ы тилдә барыр



www.ziyouz.com kutubxonasi

6031 Баъзиси жулдур (кийим) кийган, орқаси букри,
Баъзиси ер кезади, кўзи ёш сочади.

6032 Баъзиси овқат емайди, ўзини қийнайди,
Баъзиси тунлари ётмайди, оёқда туриб чиқади.

6033 (Ғафлатдан) уйғонган киши(лар) шу янглиғ юрадилар,
(Биз) ғафлат уйқусига ботгандирмиз, ғофил(лар) боши(миз).

6034 Энди сен ўзингни сақлагин, эй қариндош,
Дунё сеники бўлди, ўзинг (унга) бош бўлдинг.

6035 Ҳавасни бос, заковат (кучи) билан нафс бўйнини синдир,
Марднинг нишони, заковат белгиси шудир.

6036 Бу иккаласи билан эр кучини йўқотади,
Бунга ким асир бўлса, ўч билан машаққат чекади.

6037 Мана, бу кун мен жудо бўлиб ўлаётирман,
Сенинг ҳам (борадиган) йўлинг шудир, кел, эзгулик қил.

6038 Ёмонга аралашма, феълни эзгу тут,
Ёмон икки оламда ўзига бало орттиради.

6039 Кўнглини босган киши нима дейди, эшит,
Ўлимдан олдин(роқ) ҳозирлигини кўриб қўйган киши:

6040 Ёмон(лик қилиш)га юракли эй кескин [яъни шоддод],
Ёмон(лик) қилма, ёмоннинг емиши оғудир.

6041 Эй кенг йўриқли халқ ўктами,
Тириклик томини ўлим бузгудекдир, кўр.

6042 Эй, мен-мен деювчи, мени сев, мени (деювчи),
Ўлимга ҳозирлангин, (у) сени жуда янади.

6043 Эй оч, кўзи суқ, бу дунёнинг қули,
Ўлим сени тутгани суқланиб турибди, назар сол.

6044 Айтди: Эй қариндошим ,мен мунг билан ўлаётирман,
Бу кун икки нарса учун ортиқ ачинаётирман.

6045 Бири шуки, худонинг тоат-ибодати мендан қолаётир;
Иккинчиси — эгамнинг ёди тилда кетаётир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

6046 Бу күн йа йарын тут йумулса бу көз
Силәрниң дуъақа болур муңлуғ өз

6047 Дуъада унытма мэни эй қадаш
Мэниңдә кэдин сэн кэлир-сә улаш

6048 Мунуқы көрүр-сә мэниң ҳалымы
Сэңә болсу ъибрат оты қыл эми

222a 6049 Өлүм кэлди элтүр барыр-мэн муңун
Сэңә кэлгә мэндә баса сэн анун

6050 Бу күн адрылур-мә муңун өз барыр
Қавушғум қачан эрки тэңри билир

6051 Нэкү тэр эшитгил өлүгли киши
Өлүрдә улыб йэркә чалмыш башы

6052 Өлүр-мэн өкүнчүн ақар көз йулум
Татығлар татығсыз қылур бу өлүм

6053 Өлүмдә баса көр эки йол көдәр
Экидә қайу эрки барғу йолум

6054 Йана-өк айур эй бағырсақ қадаш
Мэниң қадғума сэн көңүл қылма баш

6055 Улыма көңүл бэртмә мэндә баса
Көңүл бас дуъа қыл қатығлан оса

6056 Сығыт қылма артуқ сабр қыл өзүң
Бу ишни байат ыдты кэсгил сөзүң

6057 Йуры йанғыл эмди йана эвкә бар
Сақынч қадғу бирлә көңүл қылма тар

6058 Кэрәклиг тутуздум сэңә барча сөз
Унытма сөзүмни айа көңли түз

6059 Элигкә тэгүргил мэниңдин салам
Бу ахир салам-ул э билги тамам

### Өгдүлмиш жавабы Одғурмышқа

6060 Йанут бэрди Өгдүлмиш айды туруб
Нэкү-тэг барайын сэни мэн қодуб



www.ziyouz.com kutubxonasi

6046 Букун ёки эрта бўлсин, бу кўз юмилса,
Ўзим сизларнинг дуо(лари)нгизга ҳожатманд бўламан.

6047 Дуода унутма мени, эй қариндош,
Мендан кейин сен (ҳам) кетма-кет келасан.

6048 Мана, менинг аҳволимни кўриб турибсан,
(Бу аҳволим) сенга ибрат бўлсин, иложу чорасини қил.

6049 Ўлим келди, элтаётир, мен мунг билан ўлаётирман,
Мендан кейин сенга (ҳам) келади, сен ҳозирлан.

6050 Бу кун айрилаётирман, ўзим мунг билан ўлаётирман,
Қачон қовушар эканман, худо билади.

6051 Ўладиган киши нима дейди, эшитгин,
Ўлар пайтида йиғлаб бошини ерга урган (киши):

6052 Ўкинч билан ўлаётирман, кўз чашмаси оқаётир,
Бу ўлим ҳаловатни ҳаловатсиз қилади.

6053 Ўлимдан кейин икки йўл кутади, назар сол,
Борадиган йўлим (бу) иккаласидан қайсиниси экан.

6054 Яна таъкидан айтди: Эй меҳрибон қариндош,
Менинг қайғум билан сен кўнглингни мажруҳ қилма.

6055 Мендан кейин йиғлама, кўнглингни синдирма,
Кўнгилни бос, дуо қил, журъат қил, ўйла.

6056 Ортиқ йиғи-сиғи қилма, ўзинг сабр қил,
Бу ишни худо юборди, сўзингни кесгин.

6057 Кел энди қайтгин, уйингга қайтиб бор,
Алам, қайғу билан кўнглингни тор қилма [яъни сиқма].

6058 Сенга барча керакли сўзларни айтдим,
Сўз(лар)имни унутма, эй кўнгли тўғри.

6059 Элигга мендан салом етказгин,
Бу охирги салом(им)дир, эй билими тамом [яъни тугал].

### Ўгдулмишнинг Ўзғурмишга жавоби

6060 Жавоб берди Ўгдулмиш, айтди: Туриб,
Мен сени қўйиб қандай қилиб кетайин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

6061 Ағыр иг билә сэн өзүң йалңузун
Нэкү-тэг қылур-сэн эй урғы түзүн

222б 6062 Йана айды Од̇ғурмыш айды йуры
Мэниң қад̇ғумы сэн йэмә эй уры

6063 Ид̇им йады таб-ул ав̇ытғу эшим
Көрү ыд̇мағай тэңри этгәй ишим

6064 Қими эд̇гү тутса байат эд̇ләсә
Қамуғ эд̇гү болды анында баса

6065 Эд̇и йақшы аймыш көни сөзлүг эр
Ишиг ашру көрмиш йэти көзлүг эр

6066 Байат кимкә қылса ъинайат басут
Анын болды экки аж̇ун булды қут

6067 Байат фазлы кимкә йэтилсә түгәл
Булур экки аж̇ун болур эд̇гү ҳал

6068 Қими қод̇ты эрсә эй эрсиг уры
Кэрәк болсуны ыт кэрәк көк бөри

6069 Сөзин кэсти Од̇ғурмыш айды қад̇аш
Йуры бар эсән тур көзин төкмә йаш

6070 Туруб қучты Өгдүлмиш Од̇ғурмышығ
Өпүб йығлады йэркә төкди йашығ

6071 Сығыт бирлә чықты көр андын туруб
Атын минди кэлди йүз эв̇кә уруб

6072 Түшүб кирди эв̇кә сақынчын түгүг
Сэв̇инчи кэтиб көңли қад̇ғун өкүг

6073 Нэ муңлуғ турур көрсә йалңуқ өзи
Сэв̇инчи аз-ул барча қад̇ғу түзи

6074 Тиләк барча булса сэв̇инч күлдүрүр
Қалы қад̇ғу кэлсә сақынч йығлатур

6075 Сэв̇әрин булуб көрсә сэв̇нү күлә
Қалыр ад̇рылурда бу қад̇ғу билә



www.ziyouz.com kutubxonasi

6061 Оғир дард билан сен ўзинг ёлғизликда
Қандай қилиб қоласан, эй уруғи афзал.

6062 Яна айтди Ўзғурмиш, айтди: Кел,
Сен менинг ғамимни ема, эй ўғил.

6063 Эгамнинг ёди (мен учун) кифоя, овутадиган эшимдир,
Тангри кўриб ташлаб қўймайди, иш(лар)имни қилади.

6064 Кимни худо эзгу тутса, улуғласа,
Шу туфайлидан (унинг) ҳамма (ишлари) яхши бўлади.

6065 Тўғри сўзли киши жуда яхши айтибди,
Ишни ошиқча [яъни кўп] кўрган, кўзи пишган киши:

6066 Худо кимга иноят, ёрдам қилса,
Икки дунё уники бўлади, қут топади.

6067 Худонинг фазли кимга тугал етадиган бўлса,
Икки олам (қутига) эришади, аҳволи яхши бўлади.

6068 (Худо) кимни ташлаб қўядиган бўлса, эй жасур ўғлон,
Хоҳ (у) ит бўлсин, хоҳ кўк бўри [яъни катта бўри] бўлсин (бари бир).

6069 Ўзғурмиш сўзини тугатди, айтди: (Эй) қариндош,
Кел, кетгин, эсон бўл, кўздан ёш тўкма.

6070 Туриб Ўгдулмиш Ўзғурмишни қучди,
Ўпиб йиғлади, ерга ёшини тўкди.

6071 У ердан туриб (қаттиқ) йиғи билан чиқди,
Отини минди, уйига юз уриб келди.

6072 Тушиб, алам билан хафа ҳолда уйга кирди,
Севинчи кетиб, кўнгли қайғу билан тўла бўлиб.

6073 Назар солсанг инсон қандай мунгли-я,
Севинчи оз, бутун вужуди қайғу.

6074 Барча тилак(лари)ни топса, севинч кулдиради,
Агар қайғу келса, алам йиғлатади.

6075 Севганини топиб, севиниб, кулиб кўр(иш)са,
Ажралиш пайтида у қайғу билан қолади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

223а 6076 Эрәж̇лә[172] ав̇ытур сэв̇инчин висал
Ара йығлатур көр фирақын түгәл

6077 Нәкү бар аж̇унда фирақдын қатығ
Фирақ қад̇ғулары тәңиздә батығ

6078 Тиригләр фирақ болса тапшур йана
Тиләб иртәшү йандру қав̇шур йана

6079 Қамуғда қатығрақ фирақ бу өлүм
Өлүмкә этиг йоқ йа тутмас толум

6080 Қамуғнуң фирақы йақын йа йырақ
Өлүмнүң фирақы йырақ бу фирақ

6081 Муңар мәңзәр эмди бу байтығ оқы
Оқыса ача бәргә маъни тақы

6082 Қамуғда қатығрақ өлүм-ул фирақ
Фирақын төкәр йаш көрүгли қарақ

6083 Тириглә фираққа висал бар умынч
Өлүгли висалдын сэзигсиз йырақ

6084 Йэди ичти Өгдүлмиш аз инчрүнүб
Намазын йэтүрди ад̇ақын туруб

6085 Йашық йэркә инди йүзин кэзләди
Қалық қаршу кэлди изин изләди

6086 Төшәк қулды йатты усы кэлмәди
Сақынч қад̇ғу бирлә көзин йуммады

6087 Қопуб чықты илкә йув̇улды йашы
Аж̇ун мәңзи болды ҳабаш қыртышы

6088 Йана йанды эв̇кә төшәккә кириб
Йатыб барды бир аз сақынчын сэриб

6089 Йүзин кэзләди йэркә руми қызы
Аж̇ун мәңзи болды бу заңи йүзи

6090 Усы кэлмәди турды бақты йана
Бу Үркәр сав̇улмыш учуқмыш түн-ә



www.ziyouz.com kutubxonasi

6076 Гоҳо висол севинчи билан овутади,
Гоҳо тугал фироқ билан йиғлатади.

6077 Дунёда фироқдан қаттиқ нима бор,
Фироқ қайғулари денгиздан (ҳам) чуқурдир.

6078 Тириклар айриliққа учраса(лар), яна топишади(лар),
Қидириб, излашиб, қайта яна қовушишади.

6079 Ҳаммадан қаттиқроқ фироқ — бу ўлимдир,
Ўлимга илож йўқ ё қурол-аслаҳа (уни) қайтаролмайди.

6080 Ҳамма (нарса)нинг фироқи яқин ё узоқ,
Ўлимнинг фироқи(чи), бу фироқ — йироқ.

6081 Энди бунга ўхшаган бу байтни ўқи,
Ўқисанг, маъноси тағин очила беради:

6082 Ҳаммадан қаттиқроқ фироқ ўлимдир,
Кўрувчи қароқ(лар) фироқ билан ёш тўкади.

6083 Тириклайин фироққа висол умиди бор,
Ўлган (эса) висолдан, шубҳасиз, йироқдир.

6084 Ўгдулмиш еди, ичди, (бир) оз дам олиб,
Оёққа туриб намозини бажо келтирди.

6085 Қуёш ерга пастлади, юзини яширди,
Осмон қоронғилашиб келди, (қуёшнинг) изидан излади.

6086 Жой (қилишларини) сўради, ётди, уйқуси келмади,
Алам, қайғу билан кўзини юммади.

6087 Туриб пастга [яъни ҳовлига] чиқди, ёши тўкилди,
Олам юзи ҳабаш юзидек бўлди.

6088 Яна уйга қайтди, тўшакка кириб,
Алам билан тўлғониб бир оз ётди.

6089 Румий қизи [яъни ой] ерга юзини яширди,
Олам юзи занги [яъни ҳабаш] юзи(дек қора) бўлади.

6090 Уйқуси келмади, турди, яна қаради,
Ҳулкар [яъни Сурайё юлдузи] оғиб [яъни кўтарилиб] тун охирлаган эди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

223б 6091 Көзин көккә тикти бақа турды кэч
Қара түн түнәрди йарумады ҳэч

6092 Йатыб барды азрақ уд̆унды туруб
Йашыл көккә бақты йуқару көрүб

6093 Туғардын Қара қуш қопуб өрләди
Йағы от көтүрмиш-тэг от йалдрады

6094 Йэтикән көтүрди йана баш өрү
Төңитти йана Йылруқ Ад̆ғыр нару

6095 Эрән тиз башы инди йэркә йағуқ
Йашық баш көтүрди йүз ачты йаруқ

6096 Йана қопты йунды таранды арығ
Намаз қылды вирдин оқыды арығ

6097 Аж̇ун қыртышы болды алтун өңи
Йалын-тэг болуб дунйа қызды эңи

6098 Тонын кэд̆ти тэркин атыны тутуб
Йана қаршықа барды эв̆дин туруб

6099 Түшүб кирди қаршықа тэркин йуруб
Өқыды элиг кирди көңлин сэриб

6100 Бақа көрди элиг көр Өгдүлмишиг
Түшүг көрди көңлин ул эд̆гү кишиг

6101 Айытты элиг эмди ҳалың нэ-ул
Сақынчлығ көрүр-мә өзүң эй амул

6102 Нэкү йүк көтүрдүң көңүлкә бу күн
Нишанын көрүр-мэн алында түгүн

6103 Нэлүг ал бод̆удуң қызыл мэңзиңи
Нэкү бэрди дунйа сэңә өз өңи

6104 Тақы қут эв̆үрмәди сэндин йүзин
Йайығ дунйа давлат йарутур көзин

6105 Оңай эв̆рүлүр эмди эв̆рән сэңә
Тиләкчә туғар ай күн эд̆лэк тоңа[173]



www.ziyouz.com kutubxonasi

6091 Кўзини кўкка тикди, узоқ боқиб турди,
Қора тун зулматлашди, ҳеч ёрийвермади.

6092 Озроқ ётиб борди, уйғонди, туриб,
Юқорига қараб яшил кўкка боқди.

6093 Шарқдан Муштарий туриб юқорилади,
Душман олов кўтарганидек олов ялтиради.

6094 Яна Етикан[86] бошини юқори кўтарди,
Йилдрук[87] Азғир[88] яна нарига томон эгилди [янъи оғди].

6095 Эрантиз[89] бошини ерга яқин пасайтирди,
Қуёш бош кўтарди, ёруғ юз очди.

6096 Яна турди, покиза ювинди-таранди,
Намоз бажо келтирди, пок-покиза вирдини ўқиди
[яъни кундалик ҳамдни такрорлади].

6097 Олам ранги олтин ранги (дек оқ) бўлди,
Ёлиндек бўлиб дунё юзи қизиди.

6098 Тўнини кийди, тезлик билан отини ушлаб,
Уйдан чиқиб яна саройга борди.

6099 Тушиб, тез-тез юриб саройга кирди,
Элиг чорлади, (у) кўнглини босиб кирди.

6100 Элиг назар солиб Ўгдулмишни (нг ҳолини) кўрди, кўр,
Бу эзгу кишининг кўнглини маъюс кўрди.

6101 Элиг сўрди: Энди аҳволларинг қандай,
Мен (сенинг) ўзингни аламли кўраётирман, эй қарорли.

6102 Бу кун кўнгилга қандай юк кўтардинг,
Манглайингда хафалик нишонини кўраётирман.

6103 Нечук қизил юзингни ол [яъни заъфарон] билан бўядинг,
Нима учун дунё сенга ўз рангини берди [яъни ўтказди].

6104 Ҳали қут сендан юз ўгирганича йўқ,
Бевафо дунё, давлат кўзини (сенга) ёритиб турибди.

6105 Энди сен учун чарх-фалак қулай айланади,
Ой, қуёш, давр тилагингга мос равишда туғади [яъни тиғ уриб
ёритади], эй баҳодир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

К374 6106 Сэңә түгмәдим мэн бу қашым көзүм
Күләр йүз тутар-мэн сэвүнчлүг өзүм

6107 Сэ[174] ким тэгүрди бу қадғу сақынч
Нэкү эрки ҳалың сөзүң нэ эринч

6108 Нэкү қадғу вақты турур эй оғул
Мэңә ай биләйин э қылқы амул

6109 Сэңә тэгсә эмгәк йа қадғу сақынч
Мэңә ма қачан болға анда сэвинч

### Өгдүлмиш жавабы элигкә

6110 Йанут бэрди Өгдүлмиш ачты тилин
Қадашы иги ҳалы нэ эрдүкин

6111 Өзи бармышын ҳам нэ-тэг көрмишин
Айу бэрди өт сав нэкү аймышын

6112 Көңүл бэртти элиг йувулды йашы
Айур эй дарыға ул эдгү киши

6113 Бағышласу тэңри аның жаныны
Қуратмасу андын эти қаныны

6114 Йана айды ҳалы нэкү-ул аның
Нэкү-тэг қодуб кэлди көңлүң сэниң

6115 Аны ким көдәзүр игин ким көрүр
Ул иг бирлә йаңлуз нэкү-тэг йатур

6116 Нэлүг сэрмәдиң анда анча туруб
Аны кимкә қодтуң бу йаңлығ көрүб

### Өгдүлмиш жавабы элигкә

6117 Жаваб бэрди Өгдүлмиш айды бу сөз
Аңар сөзләдим мэн э билги өкүз

6118 Мэни эврә сүрди сөзүм тутмады
Сөзүм қадра көрдүм күчүм йэтмәди



www.ziyouz.com kutubxonasi

6106 Сенга мен қошим, кўзимни тугмадим [яъни қовоқ солмадим],
(Сенга нисбатан) кулар юзман, ўзим хурсандман.

6107 Бу(ндай) қайғу-аламни сенга ким етказди,
Аҳволинг қандай, сўз(лар)инг нима(лардан иборат).

6108 Қандай қайғу (қилиш) вақтидир, эй ўғил,
Менга айт, билайин, эй феъли барқарор.

6109 Сенга машаққат ё қайғу-алам етса,
Ундан менга ҳам қачон севинч (насиб) бўларди.

## Ўгдулмишнинг элигга жавоби

6110 Жавоб берди Ўгдулмиш, тилини (сўзга) очди [яъни сўзлади],
Қариндошининг касали, аҳволи қандай эканини.

6111 Ўзи борганлигини ҳам қай аҳволда кўрганлигини,
Қандай ўгит, насиҳат(лар) қилганлигини айтиб берди.

6112 Элиг кўнгли синди, ёши оқди,
Айтди, эй аттанг, у эзгу киши (эди).

6113 Тангри унинг жонини бағишласин [яъни кечсин],
Ундан [яъни жондан] эти (ва) қонини қуритмасин
[яъни ажратиб олмасин]

6114 Яна айтди: Унинг аҳволи қандай,
Сенинг кўнглинг қандай қилиб (уни) қолдириб келди
[яъни қолдириб келишга қандай кўнглинг бўлди].

6115 Уни ким парваришлайди, касалини ким боқади,
У касал(лик) билан ёлғиз қандай ётади.

6116 Нега у ерда анча (вақт) туриб сабр қилмадинг,
Бу(ндай) алфозда кўра туриб, уни кимга ташладинг.

## Ўгдулмишнинг элигга жавоби

6117 Жавоб берди Ўгдулмиш, айтди: Бу сўз(лар)ни,
Мен унга сўзладим, эй билими дарё.

6118 Мени орқага қайтарди [яъни рад қилди], сўзимга унамади,
Сўзимни қайтариб [яъни ўтказмоқчи бўлиб] кўрдим, кучим
етмади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

К375 6119 Эшитти элиг кэлди эв̇дин туруб
Аңар таъзийат қылды көңлин уруб

6120 Элиг айды өглән эй Өгдүлмиш-ә
Дуъа бирлә этгил аңар сэн иш-ә

6121 Байат йарлықасу ул Од̇ғурмышығ
Кэчүрсү анындын йазуқ қылмышығ

6122 Бу қад̇ғу ичүн бэрсү тэңри муайн
Байатдын сэв̇инч бул тамуғдын аман

6123 Қапуғ бэкләмиш-сэн йэмә йол кэсиб
Йүзүң кэзләмиш-сэн тилин сөз басыб

6124 Сэниңдин йарамас бу йаңлығ қылық
Уқушлуғ йурымаз бу йолча йорық

6125 Сэңә ким тэгүрди мэңә ай бу күч
Йа ким өв̇кәләди йа ким қылды өч

6126 Байат ҳукмы эрди қад̇ашың үзә
Йурытты қазасын сэн өз қылқ түз-ә

6127 Нэкүкә улыр-сэн нэкү бу сығыт
Бу қылқ эд̇гү эрмәз муны сэн ағыт

6128 Туғуғлы өлүр-ул ағығлы илүр
Йурығлы тынур-ул бэригли алур

6129 Қад̇ашың өлүми сэңә болсу панд
Сэрингил муайн ур шакар болсу қанд

6130 Өлүрүг көрүгли тириг қалғучы
Кэрәк панд тутунса қаны тутғучы

6131 Өлүг пандини бақ айур көр мэни
Өлүм тутты бардым тутар ош сэни

6132 Муңар мэңзәр эмди бу байтығ оқы
Оқыб кэд̇ көңүлкә алынғыл тақы



www.ziyouz.com kutubxonasi

6119 Элиг эшитди, уйдан туриб келди,
Кўнглини уриб [яъни астойдил] унга таъзия билдирди.

6120 Элиг айтди: Ақл (ҳуш)ингни йиғ, эй Ўгдулмиш,
Дуо билан сен унинг учун иш қил [яъни ҳақига дуо қил].

6121 У Ўзғурмишни худо ёрлақасин,
Ундан гуноҳ-қилмиш(лар)ини кечирсин.

6122 Шу қайғу ичида тангри мадад берсин,
Худодан севинч, дўзахдан омон(лик) топ.

6123 Эшикни маҳкамлабсан ҳамда йўлни кесиб,
Тилдан сўзни тўхтатиб, юзингни яширибсан.

6124 Бу янглиғ феъл- атвор сен учун ярашмайди,
Заковатли бу йўлдаги йўриқдан юрмайди.

6125 Сенга ким куч кўрсатди, менга айт,
Ё ким хафалади, ё ким ўч қилди.

6126 (Бу) худонинг ҳукми эдики, қариндошинг узра
Ўз қазосини раво қилди, сен ўз феълингни тузат.

6127 Нимага улийсан, бу йиғи-сиғи нима деган (гап),
Бу феъл яхши эмас, сен буни кўтар [яъни ташла].

6128 Туғилган ўлади, кўтарилган пасаяди,
Юрадиган тинади [яъни тўхтайди], берилганларни олади.

6129 Қариндошингнинг ўлими сенга ибрат бўлсин,
Сабр қилгин, ҳаён йиғ, (у) шакар (ва) қанд [яъни ширин] бўлсин.

6130 Ўлаётганни кўрган тирик қолувчи
Пандни тутиши керак, қани (энди пандни) тутувчи.

6131 Ўлик пандига назар сол, (у) айтади: Мени кўр,
Ўлим тутди, ўлдим, (у) сени шунингдек тутади.

6132 Энди бунга ўхшайдиган бу байтни ўқи,
Ўқиб, тағин яхшилаб кўнгилга (жой қилиб) олгин:



www.ziyouz.com kutubxonasi

6133 *Сэниңдә озақы өлүгли миң-а*
*Бэрүр панд айур ош мэңә көр мэңә*

6134 *Осаныб йурыдым оқыдым өкүш*

Өлүм тутты бардым кэлир ош сэңә

*К*376 6135 Айытты элиг эврә Өгдүлмишиг
Нэ-тэг өлмишин ҳал нэкү билмишиг

6136 Өтүнди элигкә нэкү көрмишин
Өлүрдә васиййат этиб қодмышын

6137 Туруб раква бирлә тайақын алыб
Элиг отру урды қумару қылыб

6138 Айур ош қадашым мэңә қодмышы
Бу эрди нэкү ош туру қалмышы

6139 Элиг ма көтүрсү қумару бирин
Қутадға бу күн ҳам тосулға йарын

6140 Элиг сунды алды тайақ элкингә
Айур бу қумару қутадсу мэңә

6141 Сэн алғыл бу раква қадашың өзин
Мунуң бирлә ош көр тиләсә йүзин

6142 Сунуб алды раква бу Өгдүлмиш-ә
Көңүл бэртти көздә йувулды йаш-а

6143 Элиг айды көргил бу ъибрат бу кун
Бизиңгә таб эмди сақынса өгүн

6144 Ул андағ тирилди тугэди ажун
Тақы қалды артыб э қылқы түзүн

6145 Нэкү тэр эшитгил қылынчы силиг
Уқуш бирлә ишкә йэтүрмиш элиг

6146 Өкүш болса артмаз бу дунйа нэңи
Нэчә ма аз эрсә йэтәр өз тэни



www.ziyouz.com kutubxonasi

6133 Сендан бурунги ўлган(лар) минг-мингдир,
(Улар) панд беради, шундай айтади: Менга назар сол, менга.

6134 Ғафлатга ботиб юрдим, кўп куйладим [яъни беҳуда вақти хушлик қилдим],
Ўлим тутди, ўлдим, (у шунингдек) сенга (ҳам) келади.

6135 Элиг Ўгдулмишдан такрор сўради,
Қандай ўлганини, аҳволини, нимаики билган(лар)ини.

6136 Элигга нимаики кўрган(лар)ини баён қилди,
Улар пайтида васият қилиб қўйганини.

6137 Туриб раква[90] билан ҳассасини олиб,
Эсдалик қилиб элигнинг олдига қўйди.

6138 Айтди: Қариндошимнинг менга қолдиргани — шу,
Нимаики туриб қолгани (яъни сақланиб қолгани) ушбу эди.

6139 Элиг ҳам (бу) эсдаликдан бирини олсин,
Бу кун(лар)да бахтга элтади ҳамда эртага [яъни кейин] яраб қолади.

6140 Элиг (қўл) сунди, ҳассани қўлига олди,
Айтди: Бу эсдалик менга бахт келтирсин.

6141 Бу раквани сен олгин, қариндошингнинг ўзини
Ушбу билан кўргин, юзини (кўрмакни) истасанг.

6142 Ўгдулмиш (қўл) суниб раквани олди,
Кўнгли эзилди, кўзидан ёш оқди.

6143 Элиг айтди; Кўргин, бу кун бу ибрат
Биз учун етарлидир, (агар) дид билан ўйлайдиган бўлсак.

6144 У шундай яшади, дунё (унга) етди,
Тағин ортиб (ҳам) қолди, эй феъли тузук.

6145 Феъл-атвори мулойим нима дейди, эшитгин,
Ишга заковат билан қўл урган (киши):

6146 Бу дунё нарсаси кўп бўлса (ҳам) ортиб қолмайди,
Қанча [яъни шунингдек] оз бўлса (ҳам) ўзига лойиқ (ҳолда) етади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

6147 Бу дунйа муны миң бир-ул эрдәми
Нәкү-тәг кәчүрсә кәчәр адамы

6148 Окүшлүк нә асғы өлүмдә кәдин
Аны йәгли сәвнүр сәниңдин адын

6149 Қадашың қодуб қачты дунйа нәңин
Өрүм кәдти арпа йәди өз тәңин

6150 Кәчүрди тириглик туру өлмәди
Ануқ йәглиләркә нәңин қодмады

6151 Қатығланды түн күн йәнитти йүки
Кәчиб барды андын ажун эмгәки

К377 6152 Ул этти ишин көр қутулды бу күн
Бизиң иш нә эрки йазылмас түгүн

6153 Элиг өтләди көр миң эдгү сөзүн
Көңүл ҳам қарын урды өтләб узун

6154 Йана қаршықа барды элиг туруб
Түшүб кирди эвкә сақынчлығ болуб

6155 Сақынч қылды қач күн бү Өгдүлмиш-ә
Кәчүрди бу қадғу йазылды қаш-а

6156 Унытты бу қадғу сақынчығ йәмә
Йәди ичти күлди сәвүнди йана

6157 Эди йахшы аймыш будун башлар эр
Билиг бирлә эл күн ишин ишләр эр

**Шэър**

6158 Нәчә қадғу сақынч сәни болнаса
Йана-оқ күләр көз нәчә йығласа

6159 Ажун өңдиси бу тәлимдә бару
Эсиз эдгү артар нәчә йылласа

6160 Сақынчын кәчүрди көр Өгдүлмиш-ә
Тапуғқа бақа турды этти иш-ә



www.ziyouz.com kutubxonasi

6147 Бу дунё нуқсон(лар)и минг-мингдир, фазилати бир(гина)дир,
Одам (уни) қандай ўтказса, (шундай) ўтаверади.

6148 Ўлимдан кейин мўлликнинг нима фойдаси бор,
Сендан бўлак уни еювчи(лар) севинади.

6149 Қариндошинг дунё нарсасини тарк этиб, (ундан) қочди,
Ўзига лойиқ [яъни насиб қилган] тўқима [яъни чипта жулдур]
кийди, арпа истеъмол қилди.

6150 Тириклик ўтказди, турди [яъни яшади], ўлиб қолмади,
Муқаррар еювчиларга нарсасини қолдирмади.

6151 Туну кун жаҳд қилди, юкини енгиллатди,
Дунё машаққат(лар)и ундан ўтиб бораверди.

6152 У ҳозирлигини қилди, кўр, бу кун халос бўлди,
Бизнинг ишимиз нима (бўлар) экан, бу жумбоқ ечилмаётир.

6153 Элиг минг (турли) эзгу сўз(лар) билан ўгит қилди, кўр,
Узоқ ўгит қилиб (бу ишга) бутун вужуди билан берилди.

6154 Элиг туриб яна саройга борди,
Аламли бўлиб, тушиб уйга кирди.

6155 Ўгдулмиш бир қанча кун таъзия қилди,
Бу қайғу(лар)ни ўтказди, чеҳраси очилди.

6156 Шунингдек, у қайғу-алам(лар)ни унутди,
Яна еди ,ичди, кулди, севинди.

6157 Халқ бошловчи киши жуда яхши айтибди,
Билим билан эл-юрт иш(лар)ини бажарувчи (киши):

**Шеър**

6158 Қайғу-алам сени қанчалик асир қилса (ҳам),
Кўз қанча йиғласа (ҳам), яна албатта кулади.

6159 Кўпдан бери [яъни азалдан] дунёнинг қонун-қоидаси шудир,
Ёмон (ва) яхши қанча йил ўтса, (шунча) улғаяди.

6160 Ўгдулмиш алам(лар)ини ўтказиб юборди,
Хизматга кўз ташлаб турди, тадбир(лар) қилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

6161 Ҳарислық билә ул тапуғ башлады
Кэчә таңда барды ишин ишләди

6162 Оқыды элиг бир күн Өгдүлмишиг
Айытты буд̆ун ҳалы эл күн ишиг

6163 Айур эл ҳалы нэ буд̆ун ҳалы нэ
Нэкү-тэг кэчәр эмди өд̆ләк күн-ә

6164 Мэңә көз қулақ-сэн ишимни қамуғ
Сэниңдин тиләр-мэн ача бэр қапуғ

6165 Сэңә тэгди қач күн бу қад̆ғу сақынч
Тэгүмәдиң ишкә ишиң нэ эринч

### Өгдүлмиш жавабы элигкә

6166 Йанут бэрди Өгдүлмиш айды э бэг
Буд̆ун ҳалы эд̆гү дуъа артғу-тэг

К378 6167 Нэчә эд̆гү қопты бу билгә бөгү

Тиләб булмадылар тириглик йэгү

6168 Бу күн көр нэчә туғмадуқ-тэг болуб
Қара йэр қатында йатурлар улуб

6169 Нэ түрлүг нэ йаңлығ киши қопты көр
Йағыз йэр уларығ йэди өпти көр

6170 Этиглиг сарай орду қаршы қод̆уб
Йағыз йэр төшәниб йатурлар көд̆үб

6171 Уд̆ыр-му үни йоқ йа тынмаз тыны
Нэкү эрки ҳалы билигли қаны

6172 Улар барча муңлуғ бу күн эд̆гүкә
Әлигләри йэтмәз йэгү кэд̆гүкә

6173 Өкүнчүн йатурлар көр ынжықлайу
Көсәб эд̆гүлүкни миң арзу йэйү

6174 Байат бэрди бизкә бу күн бу күнүг
Йава қылса болмаз бу йэлмиш өд̆үг



www.ziyouz.com kutubxonasi

6161 У ҳарислик билан хизмат бошлади,
Тонг қоронғисида борадиган бўлди, иш(лар)ини бажараверди.

6162 Элиг бир кун Ўгдулмишни чақирди,
Халқ аҳволи, эл-юрт иш(лар)и ҳақида сўради.

6163 Айтди: Эл ҳоли қандай, халқ аҳволи қандай,
Энди даврон, кун(лар) қандай кечаётир.

6164 Менга кўз, қулоқдирсан, ҳамма ишларимни
Сендан умид қиламан, эшик очавер [яъни иш юритавер].

6165 Бир неча кун сенга қайғу-алам тегди,
Иш(лар)га қўл тегизолмадинг, (энди) иш(лар)инг қандай.

### Ўгдулмишнинг элигга жавоби

6166 Жавоб берди Ўгдулмиш, айтди: Эй бег,
Халқнинг аҳволи эзгу дуо ортарли даражада яхши.

6167 Қанчадан-қанча яхши, билимдон, доно(лар) қад кўтарди(лар),
Излаб тириклик, ризқ тополмадилар.

6168 Бу кун, худди туғилмагандек бўлиб, назар сол,
Чириб қора ер қаърида ётибдилар.

6169 Не-не турли, не-не янглиғ одамлар қад кўтардилар,
Қора ер уларни еди, ютди, назар сол.

6170 Обод сарой, ўрда, қаср(лар)ни ташлаб,
Қора ерни тўшаниб, кутиб ётибдилар.

6171 Ухлаётир(лар)ми, овоз(лар)и йўқ ёки нафас(лари) тинмайдими,
Ҳол(лар)и не экан, билувчи қани.

6172 Бу кун улар барчаси эзгу(лик)га интиқдир(лар),
Ейиш (ва) кийишга қўллари етмайди.

6173 Ғамгин бўлиб ўкинч билан ётибдилар, кўр,
Эзгуликни кусаб, минг-минг орзу(лар) умид қилиб.

6174 Бу кун худо бизга бу кун(лар)ни ато қилди,
Бу елган [яъни тез ўтадиган] даврни беҳуда кетказса бўлмайди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

6175 Байат бэрсү тавфиқ бу күндә нару
Қамуғ эдгүлүккә эй эдгү төрү

6176 Тилин бэрди алқыш көр Өгдүлмиш-ә
Айур эй бөгү бэг узун кэч йаша

6177 Ажун қалмасуны сэниңсиз қуруғ
Байат кэсмәсүни сэниңдин уруғ

6178 Нэкү эрсә арзу тиләкиң қамуғ
Ача бэрсү тэңри сэңә ул қапуғ

6179 Нэкү эрсә арзу тиләкиң тақы
Түгәл бэрсү тэңри сэңә эй ақы

6180 Сэв̇үнчин ав̇ынчын тирилгил узун
Эрәжләнгил анча э қылқы түзүн

6181 Дарыға сэниң-тэг кишиләр өлүб
Қара йэрдә йатса сөңүки улуб

6182 Нэкү қылғу тэңри бу дунйа иши
Бу йаңлығ төрүтмиш эй элчи башы

6183 Нэчә өлсә болмаз сэни-тэг өлүг
К379 Өзүң эдгүләрдин алынды үлүг

6184 Кэрәк өл кэрәк кэч йашағыл узун
Атың эдгү бирлә йадылды сөзүн

6185 Сэв̇эриң өкүш болсу сэв̇мэзлэриң
Сачылсу бирәрин кэңүсү йэриң

6186 Йэр өпти туруб чиқты кэсти сөзин
Атын мүнди урды эв̇ингә йүзин

6187 Кэлиб түшти кирди эв̇ингә йурыб
Йэди ичти йатты бир анча сэриб

6188 Йана қопты эртә ишин башлады
Айу бэрди көрди өзи ишләди

6189 Көңүл тил көни тутты түзды йорық
Қамуғ эгриләр көнди этти қылық



www.ziyouz.com kutubxonasi

6175 Бу кундан буён худо тавфиқ берсин
Ҳамма эзгулик(лар)га, эй эзгу низомли.

6176 Ўгдулмиш тилида олқиш айтди, кўр,
Айтди: Эй доно бег, узоқ (ва) узун яша.

6177 Олам сенсиз қуруқ қолмасин,
Худо сенинг насл-насабингни узмасин.

6278 Ҳамма орзу-тилак(лар)инг нимадан иборат бўлса,
Тангри сенга ўша эшикни оча берсин.

6179 Тағин қандай орзу-тилак(лар)инг бўлса,
Тангри (уларни) сенга тугал берсин, эй саховатли.

6180 Севинч, шодлик билан узоқ яшагин,
Кўп фароғатлангин, эй феъли зариф.

6181 Аттанг, сендайин кишилар ўлиб,
Суяги чириб қора ерда ётса(лар).

6182 Нима(ҳам) қила олиш мумкин, тангри бу дунё ишини
Шу янглиғ тартиб берган, эй эл бошловчи(лар) сарвари.

6183 Сенингдек(лар) гарчи ўлса(лар ҳам), ўлик бўлмайди(лар),
(Чунки) ўзинг эзгу(лик)лардан улуш олгандирсан.

6184 Хоҳ ўл, хоҳ узоқ (ва) узун яшагин,
Отинг сўз(лар)да эзгулик билан тарқалгандир.

6185 Севгувчиларинг кўп бўлсин, севмагувчиларинг
Бир-бир тумтароқ бўлсин, еринг кенгайсин.

6186 Ер ўпди, туриб чиқди, сўзини тугатди,
Отини минди, уйига юзини урди [яъни жўнади].

6187 Келиб тушди, юриб уйига кирди,
Еди, ичди, бир муддат ором олиб ётди.

6188 Яна эрта турди, ишини бошлади,
Маслаҳатлар берди, назорат қилди, ўзи (ҳам) ишлади.

6189 Кўнгил, тилни тўғри тутди, феъл-атворини тузатди,
Ҳамма эгрилар тўғри йўлга кирди(лар), феъл(лар)ини
яхшилади(лар).



www.ziyouz.com kutubxonasi

6190 Этилди ажун артты эд̇гү дуъа
Қутад̇ты күни күндә эд̇гү дуъа

6191 Улар барды қалды ул эд̇гү аты
Йитиб барғу эрмәз аты ҳурматы

6192 Көрү барғыл эмди бу йаңлығ киши
Киши-му болур бу **фаришта иши**

6193 Киши эрди эрсә улар нэ өд̇үн
Нэкү-ул айу бэр бу күнки будун

6194 Қалы биз киши эрсәмиз эй бөгү
Уларығ сэзигсиз фаришта тэгү

6195 Уларның қылынчы нэ қылқы сөзи
Эшитиб қутад̇ғу-ул эд̇гү ид̇и

6196 Уқушлуғ уқар-ул билиглиг билир
Өлүр өз бу дунйа сэзигсиз қалыр

6197 Булулмыш бу өд күн йава қылмадын
Тапуғ қылғу тэгмәс мунуңда ад̇ын

6198 Мунуңда улуғ панд тақы нэ болур
Сэниңдә озақы өлүр көз көрүр

6199 Қалыр қаршы орду сарайлар қамуғ
Аны банд тутумаз бу өз эй улуғ

6200 Нэчә қаршы орду нэчә бэрк тура
Өлүм бузды қылды қара йэр көр-э

A380 6201 Нэчә кэнд улуш бағ чэчэкликләриг
Қуруғ қод̇ты көр бу өлүм эй тириг

6202 Қалыр қаршы орду сарай пак[175] сэңә
Алыб сэн тутар-сэн бу панд таб мэңә

6203 Қалын сү эд̇иси ажунчы қаны
Сүси қод̇ты болды қара йэр саны

6204 Қаны ул суқ элчи элим аз тэди
Өкүш эл күчәди йэгү билмәди



www.ziyouz.com kutubxonasi

6190 Олам гуллаб-яшнади, эзгу дуо ортди,
Қунига эзгу дуо билан кун(лар)и бахтли бўлди.

6191 Улар ўлди(лар), бу эзгу от(лари) қолди,
(Улар) отларининг ҳурмати йўқолиб кетадиган эмасдир.

6192 Энди назар солгин, бу янглиғ одам(лар)
Одаммиканлар, бу — фаришта иши-ку.

6193 Улар ўша даврда одам бўлган бўлса(лар),
Бу кунги халқ нима, айтиб бер.

6194 Агар биз(лар) одам бўлсак, эй доно,
Шубҳасиз, уларни фаришта дейиш керак.

6195 Уларнинг феъл(лари) ва хулқ(лар)ининг таърифини
Эшитиб қутга эришиш керак, (эй) эзгу ҳожам.

6196 Уқувли уқади, билимли билади(ки),
Жон [яъни одам] ўлади, бу дунё шубҳасиз қолади.

6197 Эришилган бу давр, кун(лар)ни беҳуда қилмасдан,
Тоат-ибодат қилиш керак, бундан бўлак (давр) келмайди.

6198 Бундан (ҳам) улуғ панд тағин нима бўлади,
Сендан олдингилар ўлади, (буни) кўз кўради.

6199 Қаср, ўрда, саройлар ҳаммаси қолади,
Бу жон [яъни инсон] уни банд қилиб тутолмайди.

6200 Қанчадан-қанча ўрда, қанчадан-қанча мустаҳкам истеҳком(лар)ни
Ўлим бузди, қора ер қилди, кўр.

6201 Қанчадан-қанча шаҳар, қишлоқ, боғ, гулзорларни
Бу ўлим шип-шийдон қилиб қўйиган, эй тирик, кўр.

6202 Қаср, ўрда, сарой, боғ(лар) сенга қолади,
Сен (уларни) тасарруфингга оласан, мен учун шу панд(нинг ўзи) кифоядир.

6203 Беҳисоб лашкар эгаси (бўлмиш) жаҳонгир қани,
Лашкарини қолдирди, қора ер билан тенг бўлди.

6204 Қани ўша элим оз деган сук эл боши,
Кўп элларга зўрлик қилди, (лекин) баҳраманд бўлолмади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

6205 Қаны ул күчәгли кишиләр йәрин
Қулач йәр алынды йатур ынжыққын

6206 Қаны ул мусулман қаны төкгүчи
Нәлүг кирди йәркә қаны ул күчи

6207 Қаны ул кишиг сатғағучи киши
Нәлүг болды сатғағ қара йәр түши

6208 Қаны ул түтүшүгли дунйа үчүн
Туру қалды дунйа ул өлди күчүн

6209 Қаны ул тәригли таваар қодмадын
Эки бөз эләтти тиләмәз адын

6210 Қаны ул өкүш йәр тиләгли киши
Қара йәр түгәди этилди иши

6211 Бу йаңлығ турур дунйа ҳалы қамуғ
Уқуш бирлә көргил ачылғай қапуғ

6212 Эрәжләри эмгәк сәвинчи сақынч
Ағыри ужузлуқ авынчы эринч

6213 Нәкү кәлсә йүдгил сән ынжыққлама
Эрәж эрсә артар нә эмгәк йәмә

6214 Эшитгил нәку тәр билиг бәргүчи
Эй эмгәк билә сән сабр қылғучы

**Шәър**

6215 Э нәъмат идиси шукр қыл йэгил
Э мәҳнат идиси сабур қыл эгил

6216 Сабур қылса мәҳнат болур нәъматың
Шукр қылса нәъматқа артар тэгил

К381 6217 Көрү бәр э билгә бу күнки өдүг
Өңин болды барча қамуғ иш күдүг

6218 Билиглиг ужуз болды тутнур өзин
Уқушлуғ ағын болды ачмаз сөзин



www.ziyouz.com kutubxonasi

6205 Қани ўша одамлар ерини куч билан тортиб олган (киши),
Бир қулоч ерга эга бўлди, азоб чекиб ётибди.

6206 Қани ўша мусулмон(лар) қонини тўкувчи,
Қандай қилиб ерга кирди, қани зўрлиги.

6207 Қани ўша бошқаларни ранжитувчи киши,
Қора ерга тенг бўлиб нечоғлик ранжида бўлди.

6208 Қани ўша дунё учун урушувчи (киши),
Дунё туриб қолди, у (эса) зўр билан [яъни ночорлик билан] ўлди.

6209 Қани ўша (ҳеч бирини) қўймасдан товар йиғувчи,
Икки (парча) бўз олиб кетди, бўлак истамайди.

6210 Қани ўша кўплаб ер истовчи киши,
Қора ер кифоя қилди, иши саранжом бўлди.

6211 Дунё ҳоли мутлақ мана шу янглиғдир,
Заковат билан назар солгин, эшик очилади [яъни тушунилади].

6212 Роҳатлари — машаққат, севинчи — қайғу.
Қадри — қадрсизлик, шодлиги — хафалик.

6213 Нимаики (бошингга) келса, кўтаргин, сен ҳасратланма,
Роҳат бўлса, (унинг) машаққати (ҳам) ортади.

6214 Таълим берувчи нима дейди, эшитгин,
Эй, сен машаққат билан сабр қилувчи:

**Шеър**

6215 Эй неъмат соҳиби, шукр қил, егин,
Эй меҳнат соҳиби, сабр қил, эгил.

6216 Сабр қилсанг, меҳнат неъматинг бўлади,
Шукр қилсанг, неъматга ошиб-тошиб кетасан, дегин.

6217 Эй доно, бу кунги даврга назар сол,
Барча иш--амаллар мутлақ ўзгача бўлиб кетди.

6218 Билимли(лар) қадри пасайди, ўз(лар)ини тутади(лар),
Заковатли(лар) лол бўлди(лар), сўзларини [яъни
оғизларини] очмайдилар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

6219 Тэлим болды элдә бу йавлақ киши
Йаваш болды сатғағ көтүрмәз башы

6220 Бурун йүз йуғучы намаз қодғучы

Күр эрсиг атанды йурытур күчи

6221 Фасад фисқ идиси атанды эрән
Бор ичмәс киши аты болды саран

6222 Намаз роза бирлә йурығлы киши
Мунафиқ атанды эй элчи башы

6223 Ҳалал йитти барча ҳарам үстәди
Ҳарам йэгли көңли қара лир[176] туды

6224 Ҳалал аты қалды көрүглиси йоқ
Ҳарам қарма болды тодуғлысы йоқ

6225 Қаны бу ҳарамығ ҳарам тэгүчи
Ҳарамығ қодуб бир ҳалал йэгүчи

6226 Сақыйуқ[177] тэгүчи ким ул чын көни
Көнилик күни бар йарутур күни

6227 Ҳарам бирлә артуқ қарарды көңүл
Ҳалал қайда булғу тиләб эй оғул

6228 Муңар мэңзәтү кэлди эмди бу сөз
Муны йахшы тыңла айа көңли түз

**Шэър**

6229 Ҳарам бирлә көңлүм қара болды кир
Билиг ишкә тутмас өзүм йүздә бир

6230 Эт өз эглү бэрмэз ҳава булнады
Тапуғқа тэгүмәз өзүм ачты сыр

6231 Ажун қылқы барча адын болды көр
Киши көңли тилдә өңин болды көр



www.ziyouz.com kutubxonasi

6219 Элда ярамас одам кўпайиб кетди,
Ювош озордида бўлди, бошини кўтаролмайди.

6220 Бурун (билан) юзни(гина) ювувчи [яъни чала] ювинувчи,
намозни ташловчи.
Ботир, мард аталди, зулмини юритмоқда.

6221 Фасод-фисқ эгалари мард аталди,
Ичимли ичмайдиган (киши) оти хасис бўлди.

6222 Намоз-рўза билан юрувчи одам
Мунофиқ атанди, эй эл бошловчи(лар) боши.

6223 Ҳалол бутунлай йўқолди, ҳаром авж олди,
Ҳаром еювчи(лар) кўнглини қора кир босиб кетди.

6224 Ҳалол оти қолди, кўринадигани йўқ,
Ҳаром торожи бошланди, тўядигани йўқ.

6225 Қани ҳаромни ҳаром дегувчи,
Ҳаромни қўйиб ҳалол егувчи (қани).

6226 Андишали деб аталувчи, чин, тўғри ким,
Тўғрилик куни [яъни қиёмат куни] бор, (унинг) куни
(вақти келиб) ёритади.

6227 Кўнгил(лар) ҳаром билан жуда қорайиб кетди,
Ҳалолни истаб қаердан топиб бўлади, эй ўғил.

6228 Бу сўз энди бунга ўхшатишга мос келди,
Буни яхши тингла, эй кўнгли тўғри:

**Шеър**

6229 Ҳаром билан кўнглим қора (ва) кир бўлди,
Ўзим юздан бир (ҳисса) билимга амал қилмайман.

6230 Тану жон эгилиш бермайди, ҳавас асир қилди,
Тоат-ибодатга ета олмайман, сир(имни) очдим.

6231 Оламнинг тарзи мутлақ бошқача бўлди, кўр,
Одам(лар) кўнгли тилдан бошқача бўлди, кўр.



www.ziyouz.com kutubxonasi

6232 Вафа кэтти халқта жафа устэди
Тилэб бир ынанғу киши қалмады

К382 6233 Вафа кэтти халқта жафа урды из
Ынанғу тайанғу киши болды қыз

6234 Йақынлық йағуқлуқ йыратты қадаш
Бағырсақлықын қодты эдгү адаш

6235 Кичигдэ адаб йоқ улуғда билиг
Отунлар өкүш болды йитти силиг

6236 Йақынлық нэчэ болды йармақ үчүн
Қаны иш қылығлы көни ҳақ үчүн

6237 Аманат аты бар қаны қылдачы
Насиҳат сөзи бар қаны туттачы

6238 Қаны амри маъруф қылығлы киши
Қаны наҳйу монкир тыдығлы киши

6239 Сатығчы көтүрди аманатларын
Бу узлар көтүрди насиҳатларын

6240 Билиглиг көни сөзлэйүмэз сөзин
Тишидэ овут кэтти өртмэс йүзин

6241 Көни барды кэлди нэчэ эгрилик
Қаны қалмады бир киши тэңрилиг

6242 Жамаъат көп эрди бу масжидлар аз
Қалын болды масжид жамаъатлар аз[178]

6243 Киши барча йармақ қулы болдылар
Күмүш кимдэ эрсэ бойун бэрдилэр

6244 Нэкү тэр эшитгил сақыйуқ киши
Көңүлкэ алын сэн эй эдгү башы

**Шэър**

6245 Қаны бир көнилик қылығлы қаны
Қаны тэңрилиг эш йурығлы қаны



www.ziyouz.com kutubxonasi

6232 Вафо кетди, халқ орасида жафо кучайди,
Қидириб бирорта (ҳам) инонса бўладиган одам қолмади.

6233 Халқдан вафо кетди, жафо одим ташлади,
Инонадиган, таянадиган одам қиз [яъни азиз] бўлиб қолди.

6234 Қариндош(лар) яқинлик-ёвуқликни узоқлаштирди(лар),
Эзгу дўст(лар) садоқат(лари)ни тарк этди(лар).

6235 Кичикда одоб йўқ, улуғда билим (йўқ),
Пасткаш кўпайиб кетди, зариф йўқолди.

6236 Яқинлик фақат пул учун бўлиб қолди
Ҳақ учун иш қилувчи тўғри қани.

6237 Омонат оти(гина) бор, (уни) қилувчи қани,
Насиҳат сўзи(гина) бор, (уни) тутувчи қани.

6238 Амри маъруф қилувчи одам қани,
Муртад (ва) мункир(лар)ни тиювчи одам қани.

6239 Савдогар(лар) омонатларини (ўртадан) кўтарди(лар).
Ҳунармандлар насиҳатларини (ўртадан) кўтарди(лар).

6240 Билимли(лар) сўз(лар)ини тўғри сўзлай олмайди(лар),
Аёл(лар)дан уят кетди, юз(лар)ини беркитмайди(лар).

6241 Тўғри кетди, (ўрнига) фақат эгрилик келди,
Қани, бирор художўй одам қолмади(ку).

6242 Жамоат кўп, масжидлар (эса) оз [яъни етишмас] эди,
(Энди эса) масжид(лар) кўпайиб, жамоат(лар) оз қолди
[яъни намоз ўқувчилар камайиб, масжидлар бўш қолди].

6243 Барча одам(лар) пул қули бўлдилар,
Кимда кумуш бўлса, (ўшанга) бўйин бердилар.

6244 Андишали киши нима дейди, эшитгин,
Сен (бунинг сўзини) кўнгилга жой қил, эй яхши(лар) сарвари:

**Шеър**

6245 Қани бирорта тўғрилик қилувчи, қани,
Қани художўй дўст бўлиб юрувчи, қани.



www.ziyouz.com kutubxonasi

6246 Ажун барча бүтрү түгәл артады
Көрүб таңладачы қаны бир муны

6247 Мусулман қарышты ичин эт йэшүр
Түгәл инчкә тэгди бу кафир йатур

6248 Қабуш қарма болды мусулман нәңи
Қаны адра тутған ҳарамығ өңи

6249 Фасад фисқ үни көр удытмаз кэчә
Қаны ъилму қуръан үни аз жыча[179]

К384 6250 Көңүлләр қатығ болды тил йумшады
Көнилик өзи барды қалды йыды

6251 Аталық қылур көр атақа оғул
Оғул бэг болуб көр ата болды қул

6252 Тириглик қысалды узады сақынч
Бару артты суқлуқ қурады сэвинч

6253 Чығай тул йэтимиг суйурқағлы йоқ
Ажун тэкшүрүлди таңырқағлы йоқ

6254 Эди йахшы аймыш бөгү билги кэң
Ажунуғ сынағлы ақы әлги кэң

**Шэър**

6255 Ажун болды ахир төрү артады
Эсизләриг эдгү көрү артады

6256 Уқушлуғ уқар-ул билиглиг билир
Йыл ай күн күнингә бару артады

6257 Оғул қыз кэмишти ата ҳурматы
Сөкүш болды эркә авучға аты

6258 Қамуғ тэкшүрүлди төрү өңдиләр
Қаралы өрүңли бир-өк болдылар

6259 Бу барча улуғ күн нышаны турур
Нышаны көрүнсә кэлигли кэлүр



www.ziyouz.com kutubxonasi

6246 Борлиқ олам бутунасига тугал бузилди,
Бирорта буни кўриб ҳайратланувчи (одам) қани.

6247 Мусулмон(лар) урушди(лар), ўзаро гўшт(лар)ини ейишмоқда,
Тугал фароғатга етган бу кофир(лар эса роҳатда) ётибди(лар).

6248 Мусулмон нарсаси талон-торож бўлди,
Ҳаромни бошқадан ажратиб тутувчи қани.

6249 Фисқу фасод шовқини кеча(лари) ухлатмайди, кўр,
Илму қуръоннинг овози қани, (у жуда) оз, эй databaseбиродар.

6250 Кўнгиллар қаттиқ бўлди, тил(лар эса) юмшади,
Тўғрилик ўзи йўқолди, ҳиди(гина) қолди.

6251 Ўғил отага оталик қилади, кўр,
Ўғил бег бўлиб, ота қул бўлди, кўр.

6252 Тириклик тангланди, алам(лар) узайди,
Суқлик тобора ортди, севинч қисқарди,

6253 Қашшоқ, тул, етим(лар)ни ёрлақовчи йўқ,
Олам тафтиш қилинди, ҳайратланувчи йўқ.

6254 Доно, билими кенг (киши) жуда яхши айтибди,
Оламни синаган, сахий, қўли очиқ (киши):

**Шеър**

6255 Олам охир бўлди, қонун-қоида(лар) бузилди,
Ёмонларни кўриб яхшилар бузилди.

6256 Заковатли тушунади, билимли билади(ки),
Йил, ой, кунлар кун ўтиб тобора бузилди.

6257 Ўғил-қиз ота ҳурматини ташлади,
Киши учун қари оти [яъни сўзи] ҳақорат бўлиб қолди.

6258 Қонун-қоида, низомлар бутунлай тафтиш қилинди,
Қора ва оқ бир бўлиб кетди.

6259 Бу ҳаммаси улуғ кун [яъни қиёмат]нинг нишонасидир,
Нишонаси кўринса, келадиган (нарса) келади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

6260 Көдәзсү уған тэңри иманымыз
Көтүрсү бу фитна бала эсиз из

6261 Йыл алтмыш эки эрди төрт йүз билә
Битийү түгэттим бу сөз үлгүлә

6262 Өгүм йэтмиши сөз битидим түгэл
Оқығлы уқығлы өзүң үлги ал

6263 Қайу түрлүг эрсэ йорыққын йолуң
Айу бэрдим азрақ бэкүтгил улуң

6264 Бу ул дин йолы ҳам бу дунйа йолы
Бу йолча йуры йолда азма өңи

6265 Қалы дунйа қулса йолы ош уну
Апаң ъуқба қулса изи ош муну

К385 6266 Өзүң қуллуқы қыл байат бэргә күч
Қайусын тиләсә тилә қылма үч

6267 Илаҳа өзүм бу сөзүг башлады
Тиләким нэ эрди биләр-сэн иди

6268 Тиләмәдим өзкә кү жав эдгү ат
Киши асғы қулдум өз эрсэ йа йат

6269 Оқығлы оқыса мэни үшкүрүб
Дуъа қылға-му тэб мэңә бир туруб

6270 Тиләким бу эрди умунчум бу-оқ
Оқығлы мэңә бир дуъа қылға-оқ

6271 Тилим сөзләди сөз битиди әлиг
Өлүр бу әлиг тил э қылқы силиг

6272 Әлиг тил нишаны муну бу битиг
Сэңә қодтум эмди битиб эй тэтиг

6273 Унытма мэни эй оқығлы тириг
Өзүм дунйа қодса төшәнсә йэриг

6274 Айа мэңү муңсуз идим-сэн улуғ
Сэн-өк йарлықағыл бу мунлуғ қулуғ



www.ziyouz.com kutubxonasi

6260 Қодир тангри имонимизни асрасин,
Фитна, бало, ёмон асорат(лар)ни бартараф қилсин.

6261 Тўрт юз олтмиш иккинчи йил эди,
Бу сўз(лар)ни ўлчаб ёзиб тугатдим.

6262 Ақлим етган сўз(лар)ни тугал ёздим,
(Эй) ўқувчи, ўз ҳиссангни ол.

6263 Йўриғинг, йўлинг қай турли бўлиши керак,
(У ҳақда) озроқ (бўлса-да) айтиб ўтдим, заминингни маҳкамла.

6264 Бу ҳам дин йўли, ҳам дунё йўлидир,
Шу йўлдан юргин, йўлдан четга озмагин.

6265 Агар (бу) дунёни истасанг, унинг йўли ушбудир,
Агар охиратни истасанг, унинг изи ушбудир.

6266 Ўз бандалигингни қил, худо куч беради,
Қайсинисини истасанг иста, (лекин) уч қилма [яъни учинчи истагинг бўлмасин].

6267 Илоҳо, ўзим ушбу сўзни бошладим,
Тилагим нима эканлигини яхши биласан.

6268 Ўзимга шуҳрат, донг, яхши ном тиламадим,
Хоҳ яқин, хоҳ ёт бўлсин, ўзгалар манфаатини кўзладим.

6269 Ўқувчи ўқиса, мени эсга олиб,
Туриб менинг ҳақимга бир дуо қилармикан, деб (мақсад қилдим).

6270 Тилагим шу эди, умидим (ҳам) шунинг ўзидир,
Ўқувчи менинг ҳақимга албатта дуо қилади.

6272 Тилим сўз сўзлади, қўл (эса) ёзди,
Бу қўл (ва) тил ўлади, эй феъли юмшоқ.

6272 Қўл (ва) тилнинг нишонаси мана шу китобдир,
Энди (уни) ёзиб сенга қолдирдим, эй тетик.

6273 Мени унутма, эй тирик ўқувчи,
Ўзим дунёни тарк этсам, ерни тўшансам.

6274 Эй мангу мунгсиз эгам, сен улуғдирсан,
Бу мунгли қулингни сенгина ёрлақагин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

6275 Көрэмиш қул эрдим йазуқум тэлим
Йазуқ йарлықағыл сэн-өк-сэн идим

6276 Қулуң-мэн идим-сэн қул аты қул-оқ
Ид̇им-сэн түзүн-сэн ид̇илик қыл-оқ

6277 Қулуң-мэн идим-сэн мэңә эй ғафур
Мэни йарлықағыл йазуқум кэчүр

6278 Йэмә йарлықағыл қамуғ моминығ
Туғардан Батарқа тэги эй арығ

6279 Отун-мэн отундын отунлуқ кэлир
Түзүн-сэн йазуқум кэчүр эй билир

6280 Ыпардын ыпар-оқ йыд̇ыр-ул ыд̇ы
Палиддын кэлир-ул арығсыз йыд̇ы

6281 Умунчум сэн-өк-сэн мэңә эй умынч
Умынч кэсмәгәй-мэн сэңә эй умынч

6282 Йазуқлуғ қулуң-мэн қылынчым жафа
Вафалығ ид̇им-сэн мэңә қыл вафа

К386 6283 Жафадын жафа-оқ кэлир эй ид̇им
Вафада вафадын ад̇ын билмәдим

6284 Түзү йарлықағыл қамуғ моминығ
Йазуқум уларқа бағышла ариғ

6285 Түмән миң саламым тэгүр сав̇чықа
Ул эд̇гү қулавуз көни йолчықа

6286 Түзү төрт эшингә мэниндин салам
Тэгүр эй байатым туташы улам

## Баб. Йигитликкә ачыныб ав̇учғалықны айур

6287 Йурығлы булыт-тэг йигитликни ыд̇тым
Түби йэл кэчәр-тэг тириглик түгэттим

6288 Эсизим йигитлик эсизим йигитлик
Тута билмәдим мэн сэни тэрк қачыттым



www.ziyouz.com kutubxonasi

6275 Юз тубан кетган қул эдим, гуноҳим кўпдир,
Гуноҳ(лар)ни кечиргин, эгам сенгинадирсан.

6276 Қулингдирман, эгамдирсан, қул оти қулдир,
Эгамдирсан, фазилатлидирсан, эгалик қилгин.

6277 Қулингдирман, мен учун эгамдирсан, эй ғафур,
Мени ёрлақагин, гуноҳимни кечир.

6278 Шунингдек жумла мўминни ёрлақагин,
Шарқдан, Ғарбгачайин (бўлганларни), эй пок.

6279 Тубанман, тубандан тубанлик келади,
Фазилатлисан, гуноҳимни кечир, эй билағон.

6280 Ипордан ипор ҳидигина таралади,
Палиддан эса ярамас ҳид келади.

6281 Умидим сенгинадирсан, мен учун эй умид,
Сендан умидни узмагайман, эй умид.

6282 Гуноҳли қулингдирман, қилмишим жафодир,
Сен вафоли эгамдирсан, менга вафо қил.

6283 Жафо(кор)дан жафогина келади, эй эгам,
Вафо(дор)дан вафодан бўлак (нарса)ни билмадим.

6284 Жумла мўминни баробарига ёрлақагин,
Улар учун [яъни улар қаторида] (менинг ҳам) гуноҳимни кечир, (эй) пок.

6285 Паёмбарга туман минг саломимни етказ,
Ўша эзгу раҳнамо, тўғри йўл бошчига.

6286 Ҳамма чаҳор ёрларига мендан салом
Етказгин, эй худойим, узлуксиз (ва) доим.

## Боб. Йигитликка ачиниб, қарилик ҳақида айтади

6287 Кезувчи булутдек йигитликни кетказдим,
Ўткинчи бўрон, елдек тирикликни тугатдим.

6288 Эсиз йигитлигим, эсиз йигитлигим,
Тута билмадим, мен сени тез қочирдим.



www.ziyouz.com kutubxonasi

6289 Йана кэлгил эмди йигитлик мэңэ сэн
Айада тутайын ағы жуз төшэттим

6290 Эсиз бу йигитлик қаны қанча барды
Тилэб булмадым мэн нэчэ ма тилэттим

6291 Тиригликкэ татғы сүчиг жан сэвүнчи
Йигитлик-тэг эдгү йоқ эрмиш айыттым

6292 Кичиглик татығы йигитлик эрэжи
Йитүрдүм мэн эмди тутарда күрэттим

6293 Қарылықда қор йоқ көни турдум эрсэ
Йавалыққа эсиз тиригликни ыдтым

6294 Эсиркэб ачыр-мэн сэңэ эй йигитлик
Қамуғ көркүми сэн йыраттың йыраттым

6295 Тамам арғуван-тэг қызыл мэңзим эрди
Бу күн заъфаран урғын эңдэ тарыттым

6296 Йыпарсығ қара башқа кафур эшүдүм
Толун-тэг талу йүз қайуқа элэттим

6297 Йаруқ йаз-тэг эрдим түмэн тү чэчэклиг
Хазан-му түшүттүм қамуғны қурыттым

*К*387 6298 Қайың-тэг бодум эрди оқ-тэг көни түз
Йа-тэг эгри болды эгилдим төңиттим

6299 Йава қылдым эсиз тириглик авынчын
Өкүнч бирлэ көздэн қанын йаш ақыттым

6300 Кичиглик кэчүрдүм йигитлик йитүрдүм
Күнүм чалпаладым өзүмни чөкиттим

6301 Йэмэк ичмэк эрсэ йэдим ичтим уд-тэг
Тилэк сүрмэк эрса туман туғ тозыттым

6302 Нэчэ қушқа авқа авындым сэвиндим
Учар қуш-тэг арқун ағымдан күрэттим

6303 Адаш қолдашымқа сэвүг жан-тэг эрдим
Йағым болды эрсэ тосун-тэг сочыттым



www.ziyouz.com kutubxonasi

6289 (Эй) йигитлик, сен менга яна қайтиб келгин,
Қафтимда кўтарайин, ипак, шоҳи(лар) тўшаттим

6290 Эсиз бу йигитлик, қани, қаёққа кетди,
Истаб топа олмадим мен, қанча қидирмайин.

6291 Тирикликнинг мазаси, ширин жоннинг севинчи,
Йигитликдек яхши (нарса) йўқ эмиш, сўроғладим.

6291 Кичикликнинг ҳаловати, йигитликнинг фароғатини
Мен энди йўқотдим, тутар пайтда қочирдим.

6293 Гар ғоз турсамда, қариликдан манфаат йўқ,
Афсус, тирикликни беҳудага сарфладим.

6294 Афсус чекиб ачинаман сенга, эй йигитлик,
Ҳамма кўркимни сен узоқлаштирдинг, узоқлатдим.

6295 Қизил юзим мутлақ арғувондек эди,
Бу кун унга заъфарон уруғини сепдим.

6296 Ипорли қора бошга кофур (оқ) буркадим,
Тўлин ойдек кулча юзни қаёққа элттим.

6297 Турли-туман гулга тўла ёруғ баҳордек эдим,
Хазон тўкдимми, барчани қуритдим.

6298 Қайиндек бўйим ўқдек тўғри, рост эди,
(Энди) ёйдек эгри бўлди, эгилдим, мункайдим.

6299 Афсус, тирикликни хурсандчилик билан беҳуда ўтказдим.
(Энди) ўкинч билан кўздан қонли ёш оқиздим.

6300 Кичикликни ўтказиб юбордим, йигитликни йўқотдим,
Кунларимни булғадим [яъни беҳида ўтказдим], ўзимни чўктирдим.

6301 Емоқ, ичмоқ (бўладиган) бўлса, молдек едим, ичдим,
Тилак (кетидан) қувиш (бўладиган) бўлса, туман, тўзон
тўзитдим.

6302 Фақат қуш (ови)га, овга маҳлиё бўлдим, севиндим(у),
Учар қушдек арғумоқни [яъни йигитликни] тузоғимдан қочирдим.

6303 Дўсту биродар(лар)имга севик жондек эдим,
Душманим бўлгудек бўлса, асовдек ҳуркитдим.



www.ziyouz.com kutubxonasi

6304 Сэрә сөктүм эмди нэчә йаңлуқуғ мэн
Йазуқсузқа йарлығ әлиг тил узаттым

6305 Көкүз кэрдим анча йағы санчмыш эр-тэг
Кув̇әз-тэг көд̇әриб қайа-тэг қад̇ыттым

6306 Ичиб йатмыш эр-тэг уд̇ыб уд̇лу кэлдим
Өзүм йолдан азмыш байатқа уйад̇тым

6307 Байат тапғы қалды киши тапғы қылдим

Ажун тэгрә йүгрү өзүмни күрэттим

6308 Тиләк арзу бирлә йүгүрдүм нэчә мэн
Қутурмыш бөри-тэг ажунны улыттым

6309 Кишиг туттум алдым күчүн йармақын мэн

Кимиг сэрдим эрдим кими ма ачыттым

6310 Мэңә раббум айса нэлүг қылдың андағ
Нэкү тылдағым бар ов̇утқа тушықтым

6311 Қайу тэлв̇а қылқы болур мунда тэтрү
Кэчәр күнгә ав̇ныб тиригликни ыд̇тым

6312 Сэв̇инч кэчти эмгак йэмә кэчкәй эрди
Йав̇а болды күн ай өкүнчкә басықтым

6313 Тутайын йа Кисра йа Қайсарча болдум
Йа Шаддад-у Ъад-тэг тақы учмақ эттим

6314 Ажун бүтрү туттум Скандар тутарча
Түгәл Нуҳ йашын мэн йашадым йашаттым

К388 6315 Өзүм Ҳайдар эрсә йашын-тэг қылычлығ
Йа Рустамлайу мэн ажунда жав̇ықтым

6316 Йа Иса болуб көккә ағдым тақы мэн
Йа Нушинраван-тэг төрү түз йурыттым

6317 Йа ганжым түгәл болды Қарун нәңи-тэг
Йа Асҳаби Раъс-тэг тэмүр кэнд тоқыттым



www.ziyouz.com kutubxonasi

6304 Мен энди қанча (дан-қанча) одам(лар)ни уришиб сўкдим,
Гуноҳсиз(лар)га буйруқ, қўл (ва) тилни узун қилдим
[яъни зулм қилдим].

6305 Душманни енгган марддек кўп кўксимни кердим [яъни гердайдим],
Ўзимни мағрурона тутиб, қоядек ғўдайдим [яъни қотиб қолдим].

6306 Ичиб ётган одамдек, ухлаб, уйғона келдим,
Ўзим йўлдан озган эканман, худодан уялдим.

6307 Худонинг тоат-ибодати қолди, одам(лар)нинг хизматини
қилдим,
Олам бўйлаб югуриб, ўзимни ҳар ёнга урдим.

6308 Тилак, орзу кетидан мен анча югурдим,
Қутурган бўридек оламга улиб жар солдим.

6309 Одам(лар)ни тутқун қилдим, зўрлик билан пул(лар)ини
(тортиб) олдим
Баъзи(лар)ни ғазабга дучор (ва) таъқиб қилдим, шунингдек
баъзи(лар)ни хафа қилдим.

6310 Мендан раббим нега бундай қилдинг, деб сўраса,
Қандай баҳона кўрсатишим мумкин, уятга тушиб қолдим.

6311 Қайси бир телбанинг феъли бундан баттароқ бўлади,
Ўтаётган кун(лар)га маҳлиё бўлиб, тириклини ўтказиб юбордим.

6312 Севинч(лар) ўтиб кетганидек, машаққат(лар) ҳам ўтиб кетарди,
Кун, ой(лар) беҳуда ўтди, ўкинчга босқин бўлдим.

6313 Тахмин қилайин(ки), ё Хисровдек, ё Қайсардек бўлдим,
Ё Шаддод ва Оддек яна жаннат (боғи эрам) қурдим.

6314 Искандар қўлга киритгани каби бутун оламни қўлга киритдим,
Нуҳ ёшини тугал яшадим, ёш кечирдим.

6315 Ўзим яшиндек қиличли Ҳайдар бўлдим,
Ёки мен Рустамдайин оламга донг таратдим.

6316 Ё Исо бўлиб мен яна осмонга кўтарилдим,
Ё Нуширавондек одил сиёсат юритдим.

6317 Ё Қорун молу дунёсидек ганжим тугал бўлди,
Ё Асҳоби Раъсдек темир шаҳар барпо қилдим.



www.ziyouz.com kutubxonasi

6318 Нэкү асғы ахир йаныш йэркэ болды
Туру қалды дунйа эки бөз элэттим

6319 Йалың кэлдим эрди йалың киргү йэркэ
Нэлүг дунйака өзни мунча иситтим

6320 Кэчэр дунйа кэчти түби йэл кэчэр-тэг
Кэчэр дунйақа өз осалын басыттым

6321 Тиригликкэ асғы қаны эдгү қылқым
Йигитликтэ тарлағ қайу йэркэ эктим

6322 Нэкү эктим эрсэ аны орғу ахир
Нэкү ордум эрсэ анын өз сүчиттим

6323 Йигитликни ыдтым қарылыққа тэгдим
Йана йанғыл эмди нэкү сөз йағыттым

6324 Узун түнлэ йатма идикэ тапун сэн
Удун йығла тынма йазуққа басыттым

6325 Йылан қурт қоңуз йэми өз игтилэйү
Бу нэъмат билэ мэн нэкүкэ игидтим

6326 Айа усрық өз сэн удун йығла тынма
Байатқа тапуғ қыл йоқ эрсэ йоқаттым

6327 Қарылық қавурды йигитлик йырады
Татығ барды барғу уду йол көниттим

6328 Эди кэчки дунйа өкүш арды халқығ
Қайусында-мэн мэн нэ мунча сэвиттим

6329 Йа рабб одғуру бэр мэни эй идим сэн
Сүрэ ыдмағыл мэн көңүлни арыттым

6330 Сэн-өк-сэн йазуқ йарлықағлы идим бир
Суйурқа мэни сэн йазуқум уныттым

К389

## Б а б. Өдлэк артақыны достлар жафасыны айтур

6331 Турайы барайы ажунуғ кэзэйи
Вафалығ ким эрки ажунда тилэйи



www.ziyouz.com kutubxonasi

6318 Оқибати ерга қайтиш бўлгач, бунинг нима фойдаси бор,
Дунё қолиб кетди, (мен) икки (энли) бўз олиб кетаётирман.

6319 Яланғоч келган эдим, ерга яланғоч киришим муқаррар,
Нима учун ўзимни дунёга бунчалик иситдим.

6320 Ўткинчи дунё бўрон, ел ўтганидек ўтиб кетди,
Ўткинчи дунёга ўзимни ғофиллик билан босқин қилдим.

6321 Тирикликка манфаатли бўлгудек эзгу феъл(лар)им қани,
Йигитликда экинни қандай ерга экдим.

6322 Нима эккан бўлсам,оқибат уни ўраман,
Нима ўрган бўлсам, ўша билан ўзимни хушладим.

6323 Йигитликни ўтказдим, қариликка етишдим,
Қандай сўзларни тўкиб солган (сўзлаган) бўлсам, (эй ўзлик),
энди қайтгин [яъни тавба қилгин].

6324 Узун кечаларни ётма, эгангга тоат-ибодат қил,
Уйғон, йиғла, тинма, гуноҳга ботдим.

6325 Илон, қурт, қўнғиз еми (бўладиган) жонни боқиб,
Бу неъмат(лар) билан мен нима учун парваришладим.

6326 Эй уйқули жон, сен уйғон, йиғла, тинма,
Худога тоат-ибодат қил, бўлмаса (сени) йўқотдим.

6327 Қарилик сиқиб келди, йигитлик йиради,
Ҳаловат кетди, кейин бародиган йўлни тўғриладим.

6328 Жуда кўҳна дунё халқни кўп авраб домига тортди,
Мен (уларнинг) қайсинисиданман, нега бунчалик (дунёни)
севдим.

6329 Ё рабб, ҳушёр тута бер, эй эгам, сен мени
(Четга) суриб ташлаб қўйма, мен кўнгилни покладим.

6330 Гуноҳ(лар)ни кечирувчи ягона эгам фақат сендирсан,
Сен менга марҳамат қил, гуноҳ(лар)имни унутдим.

**Боб. Замона бузуқлигини, дўстлар жафосини айтади**

6331 Турайин, борайин, оламни кезайин,
Вафоли ким экан оламда, қидирайин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

6332 Киши қызлықы болды қандан тилэгү

Тилэб булғу эрсэм тилэйү көрэйи

6333 Қамуғ арзу булдум киши булмадым мэн
Қалы булсам арзун йүзингэ бақайы

6334 Вафа қаҳты болды жафа толды дунйа
Вафа кимдэ эрки мэн азрақ қулайы

6335 Апаң булса-мэн бир вафалығ ақы эр
Эгингэ йүдэйи көзүмкэ урайы

6336 Қалы булмаса-мэн вафа бирлэ йаңлуқ
Кэдик тағы бирлэ тириглик қылайы

6337 Йэгүм от көки болсу йағмур суві таб

Эдиз қум түнэйи тағар тон кэдэйи

6338 Йа ваҳший болуб мэн бийабанда йүгрү
Кишидэн йырайы ажунда йитайи

6339 Тақы болмаз эрсэ ажун барча қодтум
Өкүз-тэг ақайы түби-тэг туғайы

6340 Идим муңқа тэгдим вафасыз тушуттум

Вафалығ ким эрки сэвүг жан бэрэйи

6341 Аты қалды йаңлуқ киши қылқы барды
Бу қылқ қанча барды уду мэн барайы

6342 Бағырсақ киши йоқ ажунда тилэдим
Бағырсызқа көңлүм нэкү-тэг улайы

6343 Кими өзкэ көз-тэг йақын туттум эрсэ
Йағы чықты йэк-тэг йэкиг нэ қылайы

6344 Кими сэвдүм эрсэ сэвүг жанча туттум
Жафа кэлди андин кими-мэт сэвэйи

6345 Киши көңли билгү тануқ эрди тил сөз
Көңүл тил ала болды кимкэ бүтэйи



www.ziyouz.com kutubxonasi

6332 Одам қиммат(чилиг)и бошланди, (чин одамни) қаердан
қидириш мумкин,
Қидириб топадиган бўлсам, қидирайин, кўрайин.

6333 Ҳамма орзу(лар)ни топдим, (чин) одамни топмадим, мен,
Агарда топсам, орзу (ҳавас) билан юзига боқайин.

6334 Вафо қаҳати бўлди, дунё жафо билан тўлди,
Вафо кимда экан, мен озроқ сўрайин.

6335 Агар мен бирорта вафоли, сахий одамни топсам,
Елкамга кўтарайин, юзимга сурайин.

6336 Агар мен вафоли одамни топа олмасам,
Ёввойи қийик билан тириклик қилайин.

6337 Емишим ўт [яъни ўсимлик] томири бўлсин, нушим ёмғир бўлса
бас,
Қум тепада тунайин, қоп тўн кияйин.

6338 Ё мен ваҳший бўлиб, биёбон(лар)да югуриб,
Одам(лар)дан йироқлашайин, оламдан йўқолайин.

6339 Бу ҳам етмайдиган бўлса, дунёни мутлақ тарк этдим,
Дарёдек оқайын, тўзондек тўзайин.

6340 (Эй) эгам, мунгга гирифтор бўлдим, вафосиз(лар)га дуч
келдим,
Вафоли ким экан, севикли жонни бағишлайин.

6341 Одамнинг оти қолди, кишиларнинг (яхши) феъли кетди,
Бу феъл қаерга кетди, кетидан мен (ҳам) борайин.

6342 Дунёда меҳрибон одам йўқ, (анчайин) қидирдим,
Меҳрсиз(лар)га кўнглимни қандай қилиб боғлайин.

6343 Кимни ўзимга кўздек яқин тутган бўлсам,
Шайтондек душман бўлиб чиқди, шайтонни нима қилайин.

6344 Кимни севган бўлсам, ширин жон каби тутдим,
Ундан жафо келди, бас кимни севайин.

6345 Тил, сўз киши кўнглини билиш учун белги эди,
Кўнгил тил ола [яъни бошқа] бўлди, кимга ишонайин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

6346 Бу күн мунда мэнчә кими эш қылайы
Йа кимкә бүтәйи кими дост тутайы

K390 6347 Көңүл кимкә бэргү муңум кимкә айғу
Муңад̇тым мэн эмди бир азрақ айайы

6348 Адаш қолдашымдан умунч билмәдим мэн
Қад̇аш қылқы йат-тэг нэкү-тэг ачайы

6349 Апаң андқа эрсә эминлик бүтүнлүк
Бу анд тутғучы ким аны эр атайы

6350 Туз этмәк ҳақы тэб көд̇әзигли бар-му
Күмүш гуҳар алтун билә мэн қалайы

6351 Қаны қошны ашны сэв̇инч қад̇ғуқа эш
Қамуғум бэрәйи мэн эв̇дин чықайы

6352 Адаш қолдашым тэб ынанч болдачы ким
Аны бэг қылыб мэн өзүм қул қылайы

6353 Киши булмадым мэн муңадир-мэн йалңуз
Сақынчын сызар-мэн сэв̇үнчүн күләйи

6354 Нэлүг артады халқ нэкү өңди қод̇ты
Қайу өд̇кә тушдум йа қайда турайы

6355 Азу тэлв̇а мундуз-му болдум йа мундум
Нэкү сөзләдим мэн айу бэр уқайы

6356 Йа савда күчәд̇иб мэңим ардтады-ул
Көзүмкә-му көрнүр өзүм ҳап ичәйи

6357 Мэңә-оқ-му тушты бу йаңлығ кишиләр
Азу мэн тэтрү киши-мэн йанайы

6358 Эсизим эсизим қаны ул кишиләр
Вафа аты қод̇ты аж̇унда өгәйи

6359 Бу күн көрсә эрди бу өңди төрү қылқ
Улар қод̇мыш эрсә сэв̇үнчлүг болайы



www.ziyouz.com kutubxonasi

6346 Бу кун кулфатда менга кимни шерик қилайин,
Ё кимга ишонайин, кимни дўст тутайин.

6347 Кимга кўнгил беришим, мунгни кимга айтишим мумкин,
Энди мен мунгга тушиб қолдим, бир озроқ айтиб берайин.

6348 Ёру биродар(лар)имдан мен ишонч кўрмадим,
Қариндошлар феъли ёт(ларники) каби бўлди, қандай айтайин.

6349 Агар эминлик, ишончлилик онт билан бўладиган бўлса,
Бу онтни тутувчи ким, уни мард атайин.

6350 Тузу нон ҳақи, деб риоя қилувчи борми,
Мен (уни) кумуш, гавҳар, олтин билан қалаб ташлайин.

6351 Севинч, қайғуга шерик (бўладиган) қўшни, ошна(лар) қани,
Борлиғимни берайин, мен уйдан чиқайин.

6352 Ёру биродар(лар)им, деб ишонса бўладиган ким (бор),
Уни бег қилиб, мен ўзимни қул қилайин.

6353 Мен (чин) одам тополмадим, ёлғиз мунг чекаётирман,
Алам билан куяётирман, (бир) севинч билан кулайин.

6354 Халқ қандай айниди, қанақа одатларни ташлади,
Қандай вақтга тўғри келдим ё қаерда турайин.

6365 Ёки телба, жинни бўлдимми, ё ақлдан оздимми,
Нималарни сўзладим мен, айтиб бер, тушунайин.

6366 Ё савдо ортиб, миям айнидими,
Кўзимга (шундай) кўринаётирми экан, (ундай бўлса)
ўзим ҳап [яъни дори] ичайин.

6357 Бу янглиғ одамлар менгагина учрадими,
Ёки мен (ўзим) тескари одаммиман, (ундай бўлса) қайтайин.

6358 Афсусларим, афсусларим, қани у одамлар(ки),
Вафо отини оламда қолдирдилар, (уларни) мадҳ қилайин.

6359 (Улар) бу кун ушбу одат, қоида-қонун, феъл-атворни
кўрса(лар) эди,
(Агар буларни) улар қолдирган бўлсалар, севинчли бўлайин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

6360 Йоқ эрсә айу бэрсү өңди төрү қылқ

Түзүн төркә кэчсү өтунуғ сүрәйи

6361 Қамуғ эд̆гү барды төрү өңди элтти

Киши соңы қалды нэ эд̆гү булайы

6362 Бу бод̆ сын йурығлы киши эрсә барча
Фариштa-му эрди улар нэ билэйи

6363 Улар барды қалдым буларның билә мэн
Нэкү-тэг йурыйы нэ қылғын йарайы

К391 6364 Нэчә сөзләсә-мэн түгәмәз тақы сөз
Бу мунча таб эмди сөзүң нэ барайы

6365 Мэңә мунда йэгрәк ад̆ын булмадым мэн
Улуш кэнд қод̆айы кишидән йырайы

6366 Атым билмәсүнләр мэни көрмәсүнләр
Тиләб булмасунлар сөзүмни кэсэйи

6367 Чад̆ан-тэг тэгәрләр чибүн-тэг сорарлар
Көпәк-тэг үрәрләр қайусын урайы

6368 Улындым мэн эмди отунларқа туштум
Өкүнч бирлә түн күн нэчә йүк йүд̆әйи

6369 Жафа жавры бары мэңә тэгмәсүни
Отун быфалардын сыңардын йолайы

6370 Илаҳа рози қыл сэвүг сав̆чы йүзин
Йэмә төрт эшиниң йүзини көрәйи

**Баб. Китаб ид̆иси Йусуф Улуғ Ҳажиб өзингә панд бэрүр**

6371 Билиг бил өзүңгә орун қыл төрә
Билиг билсә өзкә эд̆и бэрк тур-а

6372 Билигсиз йүрәк тил нэкүкә йарар
Билиг бирлә сув̆-тэг қамуғқа йара



www.ziyouz.com kutubxonasi

6360 Бўлмаса одат, қоида-қонун, феъл-атвор (қандай бўлишини)
айтиб берсин(лар),
Яхшилар тўрга чиқсинлар, тубанларни суриб чиқарайин.

6361 Ҳамма эзгу(лар) ўлди(лар), (эзгу) қоида-қонун,
одатларни олиб кетди(лар),
Одам(лар)нинг энг пасти қолди, қанақа эзгу топайин

6362 Ушбу бўй кўтариб юрганлар барчаси одам бўлса,
Улар [яъни олдинги ўтганлар] фаришта эканлармиЁ
қаердан билайин.

6363 Улар ўлиб кетди(лар), мен булар билан қолдим,
Қандай қилиб юрайин, қайси феъл(ларим) билан ярайин.

6364 Мен қанча сўзлаганим билан, бари бир сўз тугамайди,
Мана шунчаси бас, яна сўзинг нимаси, кўздан ғойиб бўлайин.

6365 Ўзим учун бундан яхшироқ бўлак (ҳеч нарса) топмадим,
Қишлоқ, шаҳарни тарк этайин, одам(лар)дан йироқлашайин.

6366 Отимни билмасинлар, ўзимни кўрмасинлар,
Излаб топмасинлар, сўзимни тугатайин.

6367 Чиёндек чақадилар, чивиндек сўрадилар,
Кўппакдек қопадилар, қайси бирини урайин.

6368 Эндиликда улиб йиғладим, (чунки) тубанларга дуч келдим,
Ўкинч билан туну кун қанча юк кўтарайин
[яъни машаққат чекайин].

6369 Жабру жафо барчаси менга тегмасин,
Тубан, бевафо(лар)дан четроқда юрайин.

6370 Илоҳо, севимли паёмбар юзини (кўришни) насиб эт,
Шунингдек, чаҳорёрларининг ҳам юз(лар)ини кўрайин.

**Боб. Китоб эгаси Юсуф Улуғ Ҳожиб ўзига панд беради**

6371 Билим ўрган, ўзингга тўрдан жой ҳозирла,
Билим ўрганадиган бўлсанг ўзингга жуда қаттиқ тургин.

6372 Билимсиз юрак, тил нимага ярар эди,
Билим билан сувдек ҳамма (нарсага) керак бўл.



www.ziyouz.com kutubxonasi

6373 Нэчә билдиң эрсә тақы бил тилә
Билиглиг тэгир көр тиләккә сүрә*

6374 Бу билгиң билә өз башың тэзгинүр
Билүмәз өзүнни өзуңдан йыра

6375 Билиг бил киши бол бэд̆утгил өзүң
Йа йылқы атанғыл кишидән йыра

6376 Билиглиг йазылмаз сақынчын түгүг

Билигсиз сэв̇үнчүн күләр қатғура

К392 6377 Э билгә кишәлдиң билигсиз йурыр
Билигсиз кишәлсә кишәниң бүрә

6378 Элиг сундум ош мэн билигни тиләб
Сөзүг сөзкә тиздим шашурдум ура

6379 Кэйик тағы көрдүм бу түркчә сөзүг
Аны ақру туттум йақурдум ара

6380 Сықадым сэв̇иттим көңүл бэрди тэрк
Тақы ма бэлиңләр бэрәрдә йэр-ә

6381 Сунуб тутмышымча эд̆әрдим сөзүг
Кэлү бэрди отру йыпары бура

6382 Көни сөзләдим сөз ириг ҳам ачығ
Көни сөзни йүдкән уқушлуғ эр-ә

6383 Оқуғлықа артуқ ағыр кэлмәсү
Өзүм ъузры қулдум ача ҳам йөрә

6384 Көни сөздә таштын сөзүг сөз тэмә
Көни эгри фарқы өрүңли қара

6385 Йыл алтмыш эки эрди төрт йүз билә
Бу сөз сөзләдим мэн тутуб жан сүрә

6386 Түгәл он сэкиз айда айдым бу сөз
Өд̆үрдүм ад̆ырдым сөз эв̇диб тэрә

6387 Йад̆ым тү чэчәк-тэг йыд̆ы кин бурар
Өтүндүм мэн этнү түгәттим түрә



www.ziyouz.com kutubxonasi

6373 Қанча билсанг ҳам, яна ўрган, изла,
Билимли (тилак) суриб, тилакка етади, кўр.*

6374 Бу билиминг билан ўз бошинг айланади [яъни банд бўлади] кўр,
Била олмайдиган ўзлигингни ўзингдан йироқлаштир.

6375 Билим ўрган, одам бўл, ўзингни буюклаштир,
Ё (бўлмаса) ҳайвон аталгин(да), одам(лар)дан узоқлаш.

6376 Билимли (ҳеч) ёзилмайди, (у доим) ўйлар билан ғамгин (бўлади),
Билимсиз (ҳар доим) севинч билан қаҳ-қаҳ уриб кулади.

6377 Эй доно, (сен) кишанлангандирсан, билимсиз (эса озод) юради,
Билимсиз кишанланса, кишанни чийириб боғла.

6378 Мана, мен билимни истаб қўл чўздим,
Сўзни сўзга уладим, йиғиб-териб ажратдим.

6379 Бу туркча сўзни (ёввойи )тоғ кийиги каби билдим,
Уни оҳиста ушладим, алдаб яқинлаштирдим [яъни ўргатдим].

6380 Силадим, эркаладим, тез кўнгил берди,
Шундай бўлса ҳам, емиш берар пайтимда ҳуркади.

6381 (Қўл) суниб тутганимча сўзнинг кетидан бордим,
Ипор (ҳиди) анқиб рўбарў кела берди.

6382 Сўзни тўғри сўзладим, (у) дағал ҳам аччиқдир,
Тўғри сўзни кўтаролган заковатли кишидир.

6383 Ўқувчига ортиқ оғир тушмасин,
(Улардан) аниқ ҳамда равшан қилиб ўзимга узр сўрадим.

6384 Тўғри сўздан ташқари сўзни сўз дема,
Тўғри (ва) эгрининг фарқи оқ (ва) қора (фарқи кабидир).

6385 Тўрт юз олтмиш иккинчи йил эди,
Мен жонни койитиб ушбу сўзни сўзладим.

6386 Бу сўз(лар)ни тугал ўн саккиз ойда айтиб бўлдим,
Танладим, фарқладим, териб сўз йиғиб (тўпладим).

6387 Ейилган хилма-хил чечаклар каби ҳиди мушк таратади,
Мен ҳозирланиб ҳикоя қилдим, хулосалаб тугатдим.

*237



www.ziyouz.com kutubxonasi

6388 Сөзүг ким түгәтүр нәчә сөзләсә
Аққа тынмаз артар булақлар ара

6389 Э Йусуф кәрәк сөзни сөзлә көни
Кәрәксиз сөзүг кәзлә қылға қор-а

6390 Өкүш сөзләдиң сөз суѐы бармасу
Өкүш сөзкә йалқар бу йаңлуқ ирә

6391 Ынанчсыз ажун қылқы ирсәл йайығ
Уқушлуғ өзиндин йырақ тур тәр-ә

6392 Сэн эмди йапуштуң бу дунйака бәрк
Қатығлан көңүл мундын үзгил бүрә

6393 Эмин болма дунйака артуқ эмин
Байатқа сығынғыл қатығ йалв̇ара[180]

P185 6394 Өкүш халқны ыд̇ты бу ирсәл аж̇ун
Көни йолдан азды киши кәд̇ көр-ә

6395 Сэңә-ми ав̇ынди бәзәниб күләр
Аны сэв̇мә азраққына қадғура

6396 Нэчә дунйа йэгли аж̇ун бэгләри
Өлүм тутты барды көзи тэлмирә

6397 Йигитлик йав̇а болды эй сэн күнүм
Түгәр бу тириглик өкүн қадғура

6398 Нэчә миң йашаса ахир өлгүлүк
Нэчә тэрсә дунйа қалы барғар-а

6399 Сэңә-оқ сақындым байат сэн көд̇әз
Бу ғафлат усындын мэни од̇ғура

6400 Ув̇утсуз қулуң-мэн йазуқум тэлим
Түзүнлүк сэниңдин кэлүр бэлгүр-ә

6401 Сэңә йазды сэндин күрәди өзүм
Бу күн сығну кэлдим сэңә йалв̇ара

6402 Нэкүкә ынандың айа муңлуғ өз
Қайуқа тайандың көрәр көз көрә



www.ziyouz.com kutubxonasi

6388 Қанча сўзлаган билан сўзни ким тугатар эди,
(Чунки сўз сув каби) булоқлар аро оқиб тинмайди, кўпаяди.

6389 Эй Юсуф, керак сўзни рўй-рост сўзла,
Кераксиз сўзни яшир, (чунки у) зиён қилади.

6390 Сўзни кўп сўзладинг, (унинг) шираси кетмасин,
Инсон кўп (яъни ортиқча) сўздан зерикиб безади.

6391 Ишончсиз дунёнинг феъли жафо, бевафоликдир,
Заковатли (уни) ўзидан йироқ тур, деб айтади.

6392 Сен (эса) энди дунёга қаттиқ ёпишиб олдинг,
Ҳаракат қил, бундан (тескари) ўгирилиб кўнгил узгин.

6393 Дунёга эмин бўлма, (зинҳор) ортиқча эмин (бўлма),
Қаттиқ ёлвориб худога сиғингин.

6394 Бу бевафо дунё талай халқларни ўтказди,
Не-не кишилар йўлдан оздилар.

6395 (Энди) сенга бино қўйдими, безаниб кулаётирми,
Қайғуриб уни озгинагина бўлса ҳам севма.

6396 Қанча-қанча дунёга эга бўлган олам бегларини
Ўлим тутди, кўзлари телмуриб ўлиб кетдилар.

6397 Йигитлик беҳуда кетди, эй сен куним,
Бу тириклик тугаб бораётир, қайғуриб ўкингин.

6398 Неча минг (йил) яшасанг (ҳам), оқибат ўлиш муқаррар,
Неча мол-дунё терганинг (билан) қаергача борасан.

6399 Сенгагина умид боғладим, (эй) худо, сен (ўзинг) асра,
Бу ғафлат уйқусидан мени уйғотгин.

6400 Уятсиз қулингдирман, гуноҳим талайдир,
Яхшилик сендангина белги бериб келади.

6401 Менинг ўзлигим сендан қочиб, сенга гуноҳ қилди,
Бу кун сенга ёлвориб, сиғиниб келдим.

6402 Нимага ишонган эдинг, эй мунгли ўзлик,
Нимага таянган эдинг, эй кўрувчи кўз, назар сол.



www.ziyouz.com kutubxonasi

6403 Йолуң түзгил эмди йорықың көнит
Өзүң экки ажунда булғыл төрэ

6404 Сэвинчин сүзүлмиш бу дунйа бутун
Мэни қодмағай бир ажунқа көрэ

6405 Тилиң тыд боғуз йығ удыма өкүш
Көзүң йум қулғақ[181] ту бир инчин тур-а

6406 Йа рабб йарлықағыл қамуғ моъминығ
Тэлим раҳматындын түгэл турғур-а

6407 Тэгир савчымызқа түмэн миң салам
Түзү төрт эшингэ тақы арттура

Тугэнди Қутадғу китаби тарих сэкиз қырқ үч
йылта қой йыл муҳаррам айның төрти Аруда[182]

www.ziyouz.com kutubxonasi

6403 Энди йўлингни туз, йўриғингни тўғрила,
Ўзинг икки оламда ҳам тўрдан ўрин ол.

6404 Севинчдан тозаланган [яъни севинчи бўлмаган] бу дунё бутунлай,
Бир мени бу дунёда қараб қўйиб қўймайди.

6405 Тилингни тий, нафсингни йиғ, ортиқ ухлама,
Кўзингни юм, қулоғингни беркит, бир пас фароғатда тур.

6406 Ё рабб, барча мўминларни ёрлақагин,
Беҳисоб раҳматларинг билан тугал маъмур қилгин.

6407 Паёмбаримизга туман минг салом(лар) етказ,
Барча тўрт эшларига [яъни чоҳарёрларига] янада орттириброқ
(салом етказ).

Қутадғу китоби тарихнинг саккиз (юз) қирқ учинчи йилида
қўй йилининг муҳаррам ойида Ҳиротда тугади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

## «Қутадғу билиг»нинг тексти бўйича сноскалар

1 Шу сўз текстда ўчган, уни Қоҳира нусхасидан олинди.

* بير يلميش ёзилган, йазылмыш ўқидик.

* Ушбу шеърий муқаддима Наманган нусхасида йўқ бўлганлиги учун уни Қоҳира нусхасидан олиб тўлдирдик. Шунинг учун Қ. ҳарфи Қоҳира нусхасига ишора қилади.

2 منينك ёзилган, *мунын̡* ўқидик.

3 ايذين ёзилган, *адын* ўқидик.

4 اپكك ёзилган, *апаң* ўқидик.

5 يرك ёзилган, *бэрк* ўқидик.

6 ايامیش ёзилган, *атамыш* ўқидик.

* Шеърий муқаддиманинг айрим байтлари вазн ва сўзлар жиҳатидан бир оз нуқсонли.

7 Шу ердан бошлаб қуйидаги тўрт байт Радлов нашридан олинди. Бундан буён учрайдиган Р ҳарфи Вена нусхасининг Радлов нашрига ишора қилади.

8 Мундарижадаги боб номлари текстдагидан бир оз фарқли ҳамда сон жиҳатидан камроқ. Лекин биз буни ўзгаришсиз қолдирдик.

9 *Тадү* бўлиши керак, сўнгги (г) ортиқча.

10 اورون ёзилган, اژون бўлса керак.

11 *Билигиг* бўлиши керак.

12 اورسا ёзилган, *уқса* деб ўқиш тўғри бўлади.

13 *Тилиң* бўлиши керак.

14 *Сэңэ* бўлиши керак.

15 *Бушар* ўқидик.

16 *Сөки* ўқилса тўғрироқ бўлади.

17 *Урдуң* бўлиши керак.

18 *Өзүң* бўлиши керак.

19 *Уқтуру* бўлиши керак.

20 *Эсизлик* бўлиши керак.

21 *Булуб* бўлиши керак.

22 ايج ёзилган, биз *ач* ўқидик.

23 *Сөзләсә* бўлиши керак.

24 *Тилкә* ва *тылқа* тарзида икки хил вариантда ҳам ишлатилаверган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

[25] *Индрур* бўлиши керак.
[26] *Тэңриг* бўлиши керак.
[27] *Тайағ* бўлиши ҳам мумкин.
[28] Бир бўғин тушган.
[29] ايتيغ ёзилган, *татығ* бўлиши керак.
[30] *Көрү* бўлиши керак.
[31] *Сөзләр билиг* бўлиши керак.
[32] Қоҳира нусхасида қызытур эңим ёзилган.
[33] Қоҳира нусхасида كوذار ёзилган.
[34] *Тирилгил* бўлиши керак.
[35] Қойунқа бўлиши керак эди.
[36] *Эви* бўлиши керак.
[37] *Йәр* бўлиши керак.
[38] *Сэниң* бўлиши керак.
[39] *Байат-оқ* бўлиши керак.
[40] قوتوغ ёзилган, *қапуғ* ўқидик.
[41] Қоҳира нусхасида: *таду бирлә қатлыб төрүтти иди,* шуниси тўғри.
[42] *Ишләриг* бўлиши керак.
[43] Қоҳира нусхасида *бақ.*
[44] Улдан сўнг *бу* тушган.
[45] *Бүсәр* бўлиши керак, маъно шундай ўқишни талаб қилади.
[46] *Бүтүн* бўлиши керак.
[47] *Орту тут* اورتوت тарзида хато ёзилган.
[48] ينكسيز ёзилган, *тэңсиз* ўқидик.
[49] بوز ёзилган, *бор* ўқидик.
[50] يوزا ёзилган, *буза* ўқидик.
[51] Ушбу сўз шу маънода гоҳо *қутқы* шаклида ҳам учраб туради.
[52] Биринчи мисра сўнгидаги *кэрәк* сўзи устида بوتون, иккинчи мисра сўнгидаги *отун* сўзи устида эса نراك сўзлари ёзилган ва қофия шу тарзда тўлдирилган.
* قوسقىسى ёзилган, маъно талабига кўра қатқысы ўқидик.
[53] *Тиләки* ёзилган, *биләки* ўқидик.
[54]. كراك ўрнига يوريق ёзилган.
[55] Ўзак қаттиқ, қўшимча юмшоқ.
[56] Бир бўғин шу ҳисобга тушган.
[57]. Қўлёзмада تور .
[58]. Қўлёзмада اول .
[59] انى ёзилган.
[60] Вазн бузилган, *өвут-ул этәр* бўлса тўғри бўлади.
[61] Юқоридаги тўрт мисранинг тартиби бузилган ва ортиқча сўз аралаштирилган, аслида қуйидагича бўлиши керак эди:

Өкүш көрдүм эрни йава қылды йаш
Көдәзмәди боғзын қовы қылды йаш
Боғуздын кирүр иг кишикә кэми
Боғуздын болур ҳам аңар от эми



www.ziyouz.com kutubxonasi

[62] *Кур эр* бўлиши керак.

[63]. Маъноси бўйича بكيك *бэгиг* бўлиши керак. Текстда *билиг* тарзида берилган бўлиб, биз уни ўзича қолдирдик.

[64] Қоҳира нусхасида *йаққыл.*

[65] Шу мисрадаги *йалңуз* сўзи ортиқча.

[66]. تيلاكين тарзида ёзилган, аслида تيلاكيس бўлиши керак.

[67] Текстга اودوغ ёзилган, уруғ ўқидик.

[68] *«Оғул қыз эсизи атада кэдин»* бўлиши керак.

[69] *«Өгдүлмиш жавабы Одғурмышқа»* бўлиши керак.

[70]. تورغاي ёзилган. Маъно шуни талаб қилгани учун بوزغاي деб ўқидик.

[71—72] Текст ўчиб кетган, Қоҳира нусхасидан тўлдирилди.

[73] *Өзүм* бўлиши керак.

[74] *Эрмэс* бўлиши керак.

[75] *Тилэр* бўлиши керак.

[76] *Көликэ* бўлиши керак.

[77] Текст бир оз бузилган.

* Текстда *кэрэк* сўзи устига *болур* ёзилган.

[78] 132-бетдаги текст бузилган. У Вена ва Қоҳира нусхалари асосида тузатилди.

[79] 133-бетдаги текст ҳам бузилган, уни Қоҳира нусхаси асосида тузатилди.

[80] *Өгдүлмиш* жавабы *Одғурмышқа* бўлиши керак.

[81]. ياشيغ ёзилган, ***йасығ*** деб ўқидик

[82] *Қулур-мэн* бўлиши керак.

[83] *Артуқлуқуң* бўлиши керак.

[84] *Сэниң* бўлиши керак.

[85] *Көрүрдэ* бўлиши керак.

[86]. تيليك ёзилган, بيليك ўқидик.

[87] *Тэгүр эй үнүр* бўлиши керак.

[88] *Қадашың* бўлиши керак.

[89]. اركليك ўқидик.

[90] *Одғурмышығ* бўлиши керак.

[91] اوزتك بوكون ёзилган.

[92] *Киши* сўзи тушиб қолган, *киши эдгүси* бўлиши керак.

[93]. قموغ ёлилган, تبوغ ўқидик.

[94]. ينابيغ ёзилган, بياتيغ укидиқ.

[95] Көр остида *бу* ёзилган, шуниси тўғри.

* Текст бузилган, уни Қоҳира нусхасидан олдик.

[96] Бир бўғин ортиқ, *йур* бўлиши керак.

[97] *Өгдүлмиш сөзи Өдғурмышқа* бўлиши керак.

[98] *Төрү* бўлиши керак.

[99] *Тил дан* сўнг *кичиг* сўзи тушган, шунинг учун вазнда бузилиш бор.

[100] Мазмунга биноан *эшту* бўлиши керак, шунинг учун «эшит» шаклида таржима қилдиқ.

[101]. تنكي ёзилган, ***йаңы*** ўқидик.



www.ziyouz.com kutubxonasi

102 Бир бўғин етишмайди.
103 *Өдгә* бўлиши керак.
104 *Орнуң* бўлиши керак.
105 *Қутуң* бўлиши керак.
106 *Эмгәк* ёзилган, *өгмәк* деб ўқиш керак.
107 *Қарылғыл* бўлиши керак.
108 *Қатылмақ* бўлиши керак.
109 *Йатур* ўқидик.
110 *Сақынчсыз тирил* бўлиши керак, Қоҳира нусхасида шундай.
111 *Тоқусуз* бўлиши керак.
112 *И* тушган.
113 *Эрсә* бўлиши керак.
114 *Эр* бўлиши керак, қофия ҳам шуни талаб қилади.
115. آز اتليغ اوتوغيى тарзида хато ёзилган.
116 Оқымас бўлиши керак.
117 Игчил бўлиши керак.
118 Тексгда-кә қўшимчаси тушган.
119. Қоҳира нусхасида برق *барқ*. Шуниси тўғри.
120 *Төрүтмиш* бўлиши керак.
121 Қўлёзмада шу сўз бузилган, *сүзүн* қисмини ўқиш мумкин, *өд* ни Қоҳира нусхасидан тузатдик.
122 *Айур* сўзи тушиб қолган.
123 *-луг* ўрнига*-тәг* бўлиши керак, қофия ва радиф бузилган.
124 *Қодты* бўлиши керак.
125 *Соңдаға* бўлиши керак.
126 *Мән* бўлиши керак.
127 Бир сўз тушган, *саваб тәңри бәрсү* бўлиши керак эди.
128 *Мән* бўлиши керак.
129 *Бүтмәдим* бўлиши керак.
130 Қоҳира ва Вена нусхаларида *йашутлуғ*, шу варианти тўғридир.
131 *Ул* тушган.
132 *Әлгиң* бўлиши керак.
133. Қоҳира нусхасида كل اول ёзилган, шу тўғри.
134 *Тут бўлиши керак,* маъно шуни талаб қилади.
135 Қоҳира нусхасида *болур* ёзилган, шуниси тўғри.
136 *Қысығлысы* бўлиши керак.
137 Бу ортиқча.
138. اذ ёзилган.
139 Мисрадан сўзлар тушган, вазн бузилган, маъно тугал эмас, *түг* ўрнига *түгәл* бўлиши керак.
140. تور ёзилган, *түз* ўқидик.
141 *Тиләкин* ёзилиб тепасига *гил* ҳам қўйилган, шу тўғри.
142 *Будунуғ* бўлиши керак.
143. بول ёзилган, *йол* ўқидик.
144 Қоҳира нусхасида *йайылмыш,* шу тўғридир.
145 Биринчи *йыл* ўрнида бошқа сўз бўлиши мумкин ёки *бил* келиши эҳтимол.
146 *Уладуқта* бўлиши керак.
147. يشيق ёзилган, *башын* ўқидик.



www.ziyouz.com kutubxonasi

148 «Валлаҳу аълам»нинг қисқаргани.
149. تورت ёзилган.
150 *Мэңә* бўлиши керак.
151 *Түзү* бўлиши керак; Қоҳира нусхасида тўғри ёзилган.
152 *И* ортиқчы.
153 *Чыкса* нинг устида *қылса* ёзилган.
154 *Өгдүлмиш* бўлиши керак.
155 *Йай* бўлиши керак, чунки тўрт фасл тартибида туш тасвирланган, бундан сўнгги, байтларда куз ва қиш туши тасвирланади.
156 Қоҳира нусхасида *қары*. Шу тўғри, чунки кичик, йигит, ўрта ёшли ва қари тартибида туш саналган.
157 Қоҳира нусҳасида *қар*. Шу вариант тўғри.
158 *Тэңиб* ўқилса тўғрироқ бўлади.
159 *Түшүм* бўлиши керак.
160 *Одғурмыш Өгдүлмишкә* бўлиши керак.
161 *Сувуғ* бўлиши керак.
162—163 Шу мисраларнинг охири ўчиб кетган, уни Қоҳира ва Вена нусхалари асосида тикладик.
164 *Тиләклиг* — талаб қилувчи маъносида.
165. بول ёзилган, *бол* деб тузатдик.
166—167 Ушбу икки мисранинг охири ўчиб кетган, уни Қоҳира ва Вена нусхалари асосида тикладик.
168 *Йапса* ёзилган, *тапса* ўқидик.
169 Шу мисра текстда юқоридан кесилиб кетган, Қоҳира нусхасидан тикланди.
170 Қоҳира нусхасида *сақым* ёзилган.
171 *Тириглик* бўлиши керак.
172 *Арала* бўлиши керак.
173 Ушбу байтдан сўнг Наманган нусхаси узилиб, унинг давоми тушиб қолган. Бу қисм Қоҳира нусхаси асосида тўлдирилди.
174 *Сэңә* бўлиши керак.
175. باغ бўлиши керак.
176. قرالير ёзилган, қара кир ўқидик.
177 Сақынуқ бўлиши керак.
178 Ушбу байт ҳошияда ёзилган бўлиб, мазмунан шу ерга тўғри келади.
179 Шу ерга келиб Қоҳира нусхасидан бир саҳифа (383) бўш қолган ва سهو деб ёзилган.
* Қуйидаги икки байт нашримиздан тушиб қолган, уни бу ерда келтирдик:

Билир-мэн тэсә сэн билигдин йырақ
Билигсизкә сандың билигли ара
Билиг бир тэңиз-ул учы йоқ түби
Нэчә сүв көтүргәй сэмүркүк сора.

180 Шу мисра билан Қоҳира нусхаси тугайди, сўнгги байтлар эса Вена нусхасидан олинди.
181 *Қулғақ* ўқилса вазн бузилади, бу ўринда *қулақ* ўқилиши тўғри бўлади.
182 Бу сана «Қутадғу билиг»нинг Вена нусхаси кўчириб ёзилган йилига ишорадир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## «Қутадғу билиг»нинг тавсифи бўйича сноскалар

[1] *Кин* — кийикнинг мушк бези, мушк.

[2] *Улар* — какликнинг *нари* (Девону луғотит турк, 1-том..., 143-бет). Ҳозир тоғ куркасини *улар* дейилади. Шу иккинчи маъно тўғрироқ.

[3] *Сури ибри* — Иброний, Исрофил сурнайи, яъни хуш овоз.

[4] *Илик-кулимиз* — бир турли эркак ва урғочи жайрон.

[5] *Сиғун-муйғоқ* — бир турли эркак ва урғочи буғу.

[6] *Асир* — оламнинг оташ курраси, эфир, кўчма маънода ҳавойи фалак, баланд осмон.

[7] *Секантир* — Зуҳал.

[8] *Ўнгай* — Муштарий.

[9] *Кўруд* — Миррих.

[10] *Яшиқ* — Шамс.

[11] *Савит* — Ноҳид, Зуҳра.

[12] *Ўрзу* — Уторид.

[13] *Ялчиқ* — Ой.

[14] *Ўкак* — бурж.

[15] *Қўзи* — Ҳамал.

[16] *Уд* — Савр.

[17] *Эрандиз* — Жавзо. 82-сноскага қаралсин.

[18] *Қучиқ* — Саратон.

[19] *Арслон* — Асад.

[20] *Буғдойбоши* — Сунбула.

[21] *Улгу* — Мезон.

[22] *Чазан* — Ақраб.

[23] *Ёй* — Қавс.

[24] *Ўғлақ* — Жадий.

[25] *Кўнак* — Далв.

[26] *Балиқ* — Ҳут.

[27] *Шалисо* — ҳар жиҳатдан манфаатли дори («Тиб қонунлари», V китоб, 29-бет).

[28] *Тарёқ* — заҳарларга қарши мураккаб таркибли дори («Тиб қонунлари», V китоб, 234-бет).

[29] *Митридус* — мураккаб таркибли дори бўлиб, ясовчисининг номи билан аталган («Тиб қонунлари», V китоб, 235-бет).

[30] *Чурни* — сурги дори (турклар томонидан қўлланади).

[31] *Укит* — заъфаронга бир неча хил нарсалар қўшиб тайёрланадиган дори.

[32] Зуҳра, Ноҳид, Етти қароқчи, учинчи фалак юлдузи, кўчма маънода тутқич бермай кўчиб юрувчи, шарпа, сароб маъносида.



www.ziyouz.com kutubxonasi

33 Шу байт деган-у, лекин мисол келтирилмаган.

34 Ўғил бўлмаслиги керак, чунки Ўгдулмиш Кунтуғдига гапираётир, у Кунтуғдидан кичик.

35 Кин — қабарға номли бир турли кийикнинг мушк бези, мушк.

36 Бу ўринда шоир муаммо санъатидан фойдаланган, яъни بلک дан ل тушгач بک қолади. Бу нарса эса асар араб ёзуви билан ёзилган, деган фикрни исботлайди.

37 Болтага ўхшаш уруш қуроли, ойболта.

38 Ислом таълимотида олам ва одам яратилмасдан аввал қудрат арши аълода лавҳу қаламни яратганлиги ва унга яратилгуси одам азалдан то охиратгача қиладиган яхши-ёмон ишларини ёзиб қўйганлиги ҳақида маълумот бор. Буни «лавҳи маҳфуз» ҳам дейиладики, қудрат томонидан ҳифз қилинувчи лавҳ демакдир, бу инсон тақдири олдиндан ёзиб қўйилган лавҳ, тақдир лавҳаси демакдир.

39 *Озғон* — олхўрилар оиласига кирувчи тиконли бута.

40 *Сақиш* — математика; *ҳандаса* — геометрия.

41 *Ила* — жой номи.

24 *Эгдиш* — Ўзгандда турувчи туркий қабилалардан бири, бу ўринда соқий боши шу қабиладан бўлиши афзаллигига ишора бор.

43 *Гувориш* — овқат ҳазм қиладиган дори.

44 *Маъжун* — опиум, дорилар аралашмасидан иборат паста.

45 *Чурни* — сурги дори. 30-сноскага қаралсин.

46 Ўгдулмишнинг Ўзғурмишга жавоби бўлиши керак.

47 Ушбу сатрларнинг ўрни алмашганга ўхшайди, чунки аввал хатни қуритиб кейин ўралиши, боғланиши керак эди.

48 Ишончли бег.

49 Лочин бег.

50 Қул бег.

51 Шуҳратли бег.

52 Кўк айуқлик — туркманларда бошлиқларга бериладиган унвон.

53 *Юғоқ* — бир хил қуш, сув қушидир, фикримизча, унинг туси қора бўлган (юқ — смола), у оққушга солиштирилишидан ҳам шундай хулоса келиб чиқади.

54 *Ҳандаса* — геометрия.

55 *Зарбу* қисмат — кўпайтув ва тақсим.

56 *Қасур* — каср.

57 *Тазъиф* — карра.

58 *Тансиф* — бўлув.

59 *Адад* жазри — илдизни топиш.

60 *Жамъу тафриқ* — қўшиш ва чегириш.

61 *Масоҳат* — сатҳни ўлчаш.

62 Жабру муқобил — алгебра.

63 *Уқлидис* — Эвклид.

64 *Турмак* — қовурма маъносида. Бу ўринда умуман овқат маъносида.

65 *Яфғу* — халқдан чиққан, ҳоқондан икки даража паст лавозимли киши.

66 *Қавал* — йўрға от, кавал този — арабий тулпор бўлса керак.

67 *Бўгтал* — орқа сағриси кенг от.

68 *Тоғи* — бир турли от, яйлов от бўлса керак.

69 *Арқун* — ёввойи отдан қочган хонаки байтал боласи; чопқир от.

70 *Сиғун ва муйғоқ* — нар ва мода буғулар.

71 *Сўқоқ* — ола кийик.

72 *Ивиқ* — қир ва тошлоқларда яшайдиган кийик.

73 *Юғоқ* — бир қуш (қора тусли бўлиши эҳтимол), 53-сноскага қаралсин.

74 *Туй* — бир хил қуш, тувалоқ.

75 *Югдик* — бир хил қуш.



www.ziyouz.com kutubxonasi

[76] *Тудлич* — бир хил қуш.
[77] *Қоқ* — бир хил қуш.
[78] *Яфғу* — халқдан чиққан ва хоқондан икки даража паст амалдор.
[79] *Қорақуш* — Муштарий юлдузи.
[80] *Йилдриқ* — Сириус юлдузи.
[81] *Азғир* — Айғир юлдузи. 88-сноскага қаралсин.
[82] *Эрантиз* — Жавзо юлдузи, Маҳмуд Кошғарийда Мезон юлдузи. 17-сноскага қаралсин.
[83] *Сўкич* — бир қуш, қирғовул, В. Радлов ва Л. Будаговда сулгун — фазан.
[84] *Қуёш* сўзи тўкстда йўқ.
[85] *Тарангбин* — япроқда пайдо бўладиган шира, сурги дори сифатида фойдаланилади.
[86] *Етикан* — Етти қароқчи юлдузининг номи.
[87] *Йилдриқ* — Сириус юлдузи. 80-сноскага қаралсин.
[88] *Азғир* — бу ҳам юлдуз номи. 81-сноскага қаралсин.
[89] *Эрантиз* — 17 ва 82-сноскаларга қаралсин.
[90] *Раква*—Чармдан қилинган идиш бўлиб, ювинишда фойдаланилган. (ابريق چرمی)

* Қуйидаги икки байт нашримиздан тушиб қолганлиги учун бу ерда келтирдик:

Сен биламан десанг, билимдан узоқсан,
Билимлилар орасида билимсиз саналасан.
Билим қирғоғи (ва) туби йўқ бир денгиздир,
Семуркук (синчалак?) шимириб қанча сув кўтаради.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## МУНДАРИЖА


Сўз боши . . . . . . . . . . . . . . 5
«Қутадғу билиг» асари ҳақида . . . . . . . . . . . . 7
«Қутадғу билиг»ни транскрипция ва тавсиф қилиш принципларига доир . . 35
[Насрий муқаддима] . . . . . . . . . . . . 48
[Шеърий муқаддима] . . . . . . . . . . . . 50
Фиҳрасти абваб (Боблар мундарижаси) . . . . . . . . 60
[Тэңри ъазза ва жалланынг тавҳидин айтур] . . . . . . . . 64
Фи фазайили -н- наби ъалайҳиссалам . . . . . . . . 68
Фи фазайили асҳаби-н-наби ризваналлаҳи ъалайҳим . . . . . . 70
Лихақан-ил-ажалл-ил-музаффар-ил муаййад насир-ул-ҳақҡ ва -д-дин Тавғач улуғ Буғра Қарахан аба Али Ҳасан бинни Арсланхан раҳматуллаҳи ъалайҳим . . . . . . . . . . . . 72
Йэти кавакиб он эки буруж . . . . . . . . . . . 80
Йаңлуқ ағырлықын танурлайур билиг бирлә . . . . . . . . 84
Тил эрдәмин асғын мунларын сөзләйүр . . . . . . . . 86
Қитаб идиси өзингә ъузр айур . . . . . . . . . 90
Эдгүләркә қатылмақ эдгүсин айур . . . . . . . . . 94
Билиг уқуш адрымын асғын айур . . . . . . . . . 102
Қитаб аты түзүгин авучғалықыны айур . . . . . . . . 112
Сөз башы Күнтуғды элиг үзә . . . . . . . . . . 118
Айтолды Күнтуғды тапғынга оғрамышын айур . . . . . . . 126
Айтолды элигкә көрүнмиши . . . . . . . . . . 142
Айтолды өзи давлат эрдүкин айур . . . . . . . . . 148
Б а б. Айтолды элигкә давлат сифатыны көргитүр . . . . . . 152
Б а б. Күнтуғды элиг Айтолдықа ъадл сифатыны айтур . . . . . . 168
Б а б. Күнтуғды элиг Айтолдықа ъадл сифаты нэ-тэг эрдүкин айур . . . 172
Б а б. Сөзләмәк-му эдгүрәк азу йа шүк турмақ-му эдгүрәкини айтур . . 194
Б а б. Қут қывылықын давлат ирсәлликин байан қылур . . . . . 208




www.ziyouz.com kutubxonasi

Б а б. Айтолды оғлы Өгдүлмишкә панд бәрмишин айур . . . . . . . 224
Айтолды Өгдүлмишкә өтәләмишин айур . . . . . . . . . 240
Айтолды элигкә қумару битиг қодмышин айур . . . . . . . . 248
Элиг хақан Өгдүлмишкә панд бәрмишин айур . . . . . . . . 276
Өгдүлмиш элигкә тапуғқа кирмишин айир . . . . . . . . . . 282
Б а б. Бәгликкә саза болғу-тәг бәг нәкү-тәг кәрәкини ай/ы/тур . . . . . 326
Б а б. Бәгләркә вазир болғу нәкү-тәг эр кәрәкини айтур . . . . . . 362
Б а б. Өгдүлмиш элигкә сү башлар исфаҳсалар нәкү-тәг кәрәкин айур . . 374
Б а б. Өгдүлмиш элигкә улуғ ҳажиблуққа нәкү-тәг эр кәрәкин айур . . . 396
Б а б. Өгдүлмиш элигкә қапуғ башлар эр нәкү-тәг кәрәкин айур . . . 408
Б а б. Өгдүлмиш элигкә йалавач ыдғуқа нә-тәг эр кәрәкин ай/т/ур . . . 418
Б а б. Өгдүлмиш элигкә битигчи ылымға нәкү-тәг кәрәкин айтур . . . 428
Б а б. Өгдүлмиш элигкә ағычы нәкү-тәг эр кәрәкин айтур . . . . . . 438
Б а б. Өгдүлмиш элигкә аш башчы хан салар нәкү-тәг кәрәкин айур . . . 450
Б а б. Өгдүлмиш элигкә идишчи башы нәкү-тәг кәрәкин айур . . . . . 456
Б а б. Өгдүлмиш элигкә тапуғчылар ҳақы бәгләр үзә нәкү-тәг кәрәкин айур . 468
Б а б. Күнтуғды элиг Одғурмышқа битиг битиб ыдмышыны айтур . . . 500
Элиг панди Одғурмышқа . . . . . . . . . . . . . . . 504
Б а б. Одғурмыш Өгдүлмиш бирлә муназара қылмақыны айур . . . . . 516
Одғурмыш дунйа ъайбларын айур . . . . . . . . . . . . 544
Элиг битиг ыдмышы Одғурмышқа . . . . . . . . . . . . 590
Б а б. Өгдүлмиш Одғурмышқа экинч муназара қылмақын айур . . . . . 600
Бәгләркә тапунмақ бу турур . . . . . . . . . . . . . 608
Қапуғдақы эрәт бирлә суҳбат сөзи . . . . . . . . . . . . 624
Б а б. Өгдүлмиш Одғурмышқа қара ъам будунлар бирлә қатылмақны өгрәтүр . 646
Ъалавилар бирлә қатылмақны өгрәтүр . . . . . . . . . . 648
Билгә ъалимлар бирлә қатылмақны өгрәтүр . . . . . . . . . 648
Отачылар бирлә қатылмақны айур . . . . . . . . . . . . 650
Муъаззимлар бирлә қатылмақны айур . . . . . . . . . . . 652
Түш йорғучылар бирлә қатылмақны айур . . . . . . . . . . 652
Йылдузчылар бирлә қатылмақны айур . . . . . . . . . . . 654
Шаъирлар бирлә қатылмақны айур . . . . . . . . . . . . 656
Тарығчылар бирлә қатылмақны өгрәтүр . . . . . . . . . . 658
Сатығчылар бирлә қатылмақны айур . . . . . . . . . . . 660
Игдишчиләр бирлә қатылмақны айур . . . . . . . . . . . 662
Узлар бирлә қатылмақны айур . . . . . . . . . . . . . 666
Чығайлар бирлә қатылмақны айур . . . . . . . . . . . . 668
Эвлик нәкү-тәг алмақны айур . . . . . . . . . . . . . 668
Б а б. Оғул кыз туғса анларны нә-тәг игидгүсини айур . . . . . . 672
Әлиг асрақы ким эрсәләрни эдгү тутмақны айур . . . . . . . 676
Б а б. Өгдүлмиш ашқа оқмақ ашқа бармақ төрәсин өгрәтүр . . . . . 682
Б а б. Өгдүлмиш Одғурмышқа ашқа оқмақ төрүсин өгрәтур . . . . 692
Б а б. Одғурмыш Өгдүлмиш[кә] дүнйадын йүз эвүрүб йарынга тапы болмақны



www.ziyouz.com kutubxonasi

айур . . . . . . . . . . . . . . . . 698
Б а б. Кунтуғды элиг Одғурмышны учунч қата ундәйу ыдмышын [айур] . . 732
Б а б. Одғурмыш Өгдулмиш тапа кәлмишин айтур валлалаъам . . . . 746
Б а б. Кунтуғды Одғурмыш бирлә керушмишини айур . . . . . . 746
Б а б. Одғурмыш Кунтуғды элигкә панд бәрмишин айтур . . . . . . 760
Б а б. Өгдулмиш Кунтуғды элигкә эл этгу төру тузгусин айур . . . . 804
Б а б. Өгдулмиш кәчмиш тиригликкә ачыб тавбақа оғрамышын айур . . . 828
Б а б. Одғурмыш Өгдулмиш сөзингә қайра жаваб қылмышын айур . . . 838
Б а б. Көниликкә көнилик кишиликкә кишилик қылмақын айтур валлам . . 844
Б а б. Одғурмыш иглиг болиб Өгдулмишни ундәмишин айур . . . . . 870
Б а б. Өгдулмиш Одғурмышқа туш йөругисин айтур . . . . . . . 876
Б а б. Одғурмиш Өгдулмишкә туш көрмишини айур . . . . . . . 882
Б а б. Өгдулмиш Одғурмыш тушингә таъбирын кәрәки-тәг айур . . . 882
Б а б. Ул-оқ тушни Одғурмыш адын турлуг йормақыны айур . . . . . 884
Өгдулмиш Одғурмышқа туш таъбирын айур валлам . . . . . . . 884
Б а б. Одғурмыш Өгдулмишкә панд бәрмишини айур . . . . . . . 890
Б а б. Йигитликкә ачыб авучғалықны айур . . . . . . . . . 934
Б а б. Одләк артақыны достлар жафасыны айтур . . . . . . . 940
Б а б. Қитаб идиси Йусуф Улуғ Ҳажиб өзингә панд бәрур . . . . . 946
«Қутадғу билиг»нинг тексти бўйича сноскалар . . . . . . . . 954
«Қутадғу билиг»нинг тавсифи бўйича сноскалар . . . . . . . . 959

*На узбекском языке*

***Юсуф Хас Хаджиб***

ЗНАНИЕ, ПРИНОСЯЩЕЕ СЧАСТЬЕ

Издательство «Фан» УзССР
Ташкент — 1971

Муҳаррирлар *Р. Қўчқортоева, А. Мансурхўжаева*
Техмуҳаррир *В. Урусова*
Корректорлар *М. Каримбобоева, Х. Юсупова*

Р00000. Теришга берилди 8/X-70 й. Босишга рухсат этилди 6/I-71 й. Формати $70 \times 90^1/_{16}$=30,125 қоғоз л. 70,49 босма л. Ҳисоб—нашриёт л. 40,8. Нашриёт № 2639. Тиражи 1000. Баҳоси 4 с. 48 т.

ЎзССР „Фан" нашриётининг босмахонаси, Черданцев, 21. Заказ 237. Нашриёт адреси: Гоголь кўчаси, 70.

www.ziyouz.com kutubxonasi

## МУҲИМ ТУЗАТИШЛАР

| саҳифа | сатр | босилган | ўқилиши керак |
|---|---|---|---|
| 48 | 29 | қанаътқа | қанаъатқа |
| 49 | 12 | ризвоноллоҳу алайҳум | ризвоноллоҳи алайҳим |
| 61 | 5 | ўзрини | узрини |
| 64 | 18 | ачү | ачу |
| 66 | 17 | бутмыш | бүтмиш |
| 83 | 27 | ушбу янглиғ (нарсалар) | сўнг энди инсон |
| 89 | 1,2 | ўртача йўриқ тут<br>йўриқ ўртача бўлса | маҳоратни ишга сол<br>маҳорат ишга солинса |
| 92,114 | 22, 1, 2 | йилин, йили | йылын, йылы |
| 116 | 25 | былүр-сэн | билүр-сэн |
| 126 | 7 | эркө | эркә |
| 128 | 15 | айтты | этти |
| 134 | 20 | түытүң | түштүң |
| 178 | 18 | бэгингө | бэгингә |
| 182 | 25 | болур-мэ | болур-му |
| 212 | 20 | турыса | йурыса |
| 232 | 13 | туса | тутса |
| 284 | 4 | қыйықсыс | қыйықсыз |
| 290 | 10 | йады | айды |
| 298 | 3 | сөзкө | сөзкә |
| 298 | 7 | кқлү | кәлү |
| 308 | 12 | бэ-ул | бэг-ул |
| 310 | 24 | курыр | қурыр |
| 344 | 26 | байлыкынга | байлықынга |
| 378 | 18 | аванғыл | авынғыл |
| 386 | 8 | эвимақ | эвинмақ |
| 402 | 2 | тэтигидн | тэтигдин |
| 476 | 13 | олтун | алтун |
| 486 | 8 | тилин | тилиң |
| 494 | 2 | дылур | қылур |
| 499 | 1, 2 | — — — — | 3134 Қариндошли киши—овозаси баланд, Дўст-ёрли киши—шуҳрати баланд. |
| 502 | 29 | талуғ | тапуғ |
| 538 | 5 | мэңи, сэнә | мэни, сэңә |
| 570 | 20 | ай | эй |
| 571 | 20 | айт, (эй) | (йўллаб), эй |
| 648 | 16 | өцин | өңин |
| 650 | 22 | көниликкө | көниликкә |
| 662 | 18, 20 | э, ос | эр, оса |
| 670 | 21 | көнли | көңли |
| 692 | 5 | барында | башында |
| 712 | 24 | гидти | игидти |
| 740 | 15 | мунунда | мунуңда |
| 774 | 30 | кимин | кимиң |
| 790 | 23 | көзүң | көзүн |
| 796 | 8 | удурмыш | өдүрмиш |
| 797 | 8 | (ғофилликдан) уйғонган | сайланган |
| 894 | 22 | қылқы | эй қылқы |
| 896 | 29 | эсрүни | эсрүки |
| 908 | 8 | Йылдруқ | Йылдрық |
| 914 | 1 | — — — — | шэър |

www.ziyouz.com kutubxonasi